ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Н. Шермухамедова

ФАЛСАФА

«NOSHIR»
TOSHKENT – 2020

УДК 1-101
Ш 48

Шермухамедова Н.
Фалсафа :ўқув услубий мажмуа /Н.Шермуҳамедова; муҳаррир С.Сафаева; рассом Ш.Одилов. –Тошкент: «NOSHIR», 2020. 1216 б.

КБК 87.3(5Ў)

Муаллиф ўқув услубий мажмуада баён этилган мулоҳазаларнинг мутлақлигига даъво қилмайди. Бироқ, ўз фикрларининг баёнида у, янги талаблар ва дунёнинг янгича талқинига алоҳида эътибор қаратган.

Китоб муаллифи ўқувчилардан унга муносабатни ва такомиллаштириш бўйича таклифларни кутади. shermuhamedova_n@list.ru

Илмий маслаҳатчи ва масъул муҳаррир:
ЎзФА академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор С. Шермухамедов

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор А. Очилдиев
фалсафа фанлари номзоди, доцент А. Ўтамуродов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқув-методик кенгашининг 2020 йил «17» август 1-сон мажлисида муҳокама этилди ва чоп этишга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-353-72-5

© «NOSHIR» нашриёти, 2020

АННОТАЦИЯ

Ўқув услубий мажмуа муаллифи олий таълим тизими барча йўналишлари 1-ижтимоий-гуманитар фанлар блоки ўқув адабиётлари туркумига киради, давлат стандартлари ва намунавий ўқув дастури мазмунига мос. Ўқув услубий мажмуада фалсафий тафаккур эволюциясининг таҳлили баробарида онтология, гносеология, ривожланиш, фалсафий антропология, праксиология ва глобаллашув масалаларининг назарий асослари янгиланган тафаккур нуқтаи назаридан кенг қамровли ёритиб берилган. Зеро, бугунги дунёда олам ва одам, билим ва фаолият, маданият ва маънавият масалаларида назария ва амалиётнинг бирлигига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ўқув услубий мажмуа барча олий ўқув юртларида фалсафа билан шуғулланувчи аспирантлар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва умуман, фалсафа муаммолари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

АННОТАЦИЯ

Учебно-методический комплекс входит в состав учебной литературы первого социально-гуманитарного блока всех системы высшего образования, соответствует содержанию государственных стандартов и типовой программы. В учебно-методическом комплексе, наряду с анализом эволюции истории философии, широко раскрываются теоретические основы онтологии, гносеологии, теории развития, философской антропологии, праксиологии и глобальных проблем современности. Ибо на сегодняшний день необходимо особо уделять внимание единству теории и практики в вопросах мира и человека, знания и деятельности, культуры и духовности.

Учебно-методическом комплексе предназначен для бакалавров, магистров, аспирантов, исследователей, педагогов, а также всем, кто интересуется проблемами философии.

THE SUMMARY (ANNOTATION)

The textbook is a part of the educational literature of the first Socially-humanitarian block of all directions of Higher education, corresponds to the maintenance of State standards and the typical program. In the book, along with the analysis of evolution of history of philosophy, theoretical bases of ontology, gnoseology, the theory of development, philosophical anthropology, praxiology and global problems of the modernity widely reveal. It is necessary to pay especially attention to unity of the theory and practice in questions of the world and the person, knowledge and activity, culture and spirituality today.

The book is intended for bachelors, masters, post-graduate students, researchers, teachers, and also everyone, the interested by philosophy problems.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ 62-103

2019 йил «__»8___ 11

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 сентябрдаги 392-сонли буйруғи билан тасдиқланган

TAJRIBA-SINOV

Ф А Л С А Ф А
фанидан намунавий
ДАСТУР

(бакалавр йўналиши учун)

ТОШКЕНТ – 2020

Азиз курсдошим, оқибатли дўстим, ажойиб инсон, забардаст олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Абдувоҳид Соҳибович Очилдиевнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

КИРИШ

Мустақилликнинг тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожи учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби фалсафада туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган фалсафа ўзида турли даврларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга муносабат билдиришни шакллантиради. Модомики шундай экан, бугунги кунда фалсафани янада ривожлантириш, ёш авлодни фалсафий дунёқараш, замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга»[1].

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган.

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъи назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор»[2]. Шундагина инсон буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўша олади.

«Фалсафа» фани барча замонларда ва мамлакатларда ҳамма университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ўрганиш учун мажбурий саналган фундаментал фанлардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Мазкур фанни моҳиятини ўрганишимиз жараёнида, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашимиз ва фалсафа инсон ўз-ўзини ва ўзини қуршаган дунёни англаб етишида қандай роль ўйнашини тушуна бошлаймиз. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади»[3]. «Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш – давр талаби. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва мухолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафа-

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й. 113-б.

[2] Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. –Т.: «Ўзбекистон», 2006 й. 117-б.

[3] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й. 83-б.

сини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим»[1].

Шу боис фалсафага яхлит муносабатни унда кўтарилган масалаларнинг теранроқ ва тўлиқроқ талқини мазкур дастур мазмунида ифодалашга ҳаракат қилинган.

Мазкур дастурнинг биринчи бўлимида фалсафанинг моҳияти, ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналиши ҳақидаги масалаларига бағишланган. Иккинчи бўлимда онтология – борлиқ фалсафаси, фалсафада субстанция ва материя муаммоси, ҳаракат ва ривожланиш, макон ва вақт, табиат фалсафаси ва инсон борлиғи муаммолари ўрин олган.

Дастурнинг учинчи бўлими ривожланиш фалсафасига бағишланган бўлиб, унда ўзаро алоқадорлик ва тараққиёт масалалари, фалсафа қонун ва категорияларининг энг умумий жиҳатлари кўрсатилган. Тўртинчи бўлимда билиш фалсафаси, ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари, фалсафада ҳақиқат муаммоси, назария ва амалиётнинг бирлиги, метод ва методология, ахборотлашувнинг фалсафий асослари, тушуниш ва тушунтириш каби масалаларни ўз ичига олган. Бешинчи бўлимда жамият фалсафасининг муҳим муаммолари – тарих фалсафаси, фалсафий антропология, фаолият фалсафаси, ижтимоий прогнозлаштириш ва глобаллашувнинг фалсафий масалалари ёритилади.

Дастурда фалсафий муаммоларга янгича фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашилган, назария ва амалиёт уйғунлигига эътибор қаратилган.

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларни замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш ҳамда уларда ўз-ўзини англаш ва тўғри фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари:

– фалсафий билимлар, қонунлар ва категорияларни ўрганиш орқали ҳаётда ўз ўрнини топишга;

– ўзининг энг олий мақсадини топиш ва унга эришиш йулида мақсадли фаолият олиб бориш;

– жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнларга фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш, воқеаларга шахсий, ижодий танқидий баҳо бериш;

– ўз-ўзини маънавий-ахлоқий тарбиялаш;

– жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиш ҳиссини тарбиялаш.

Фан бўйича билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар

«Фалсафа» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

• дунёқараш тавсифидаги билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

[1] Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. –Т.: «Ўзбекистон», 2006 й. 118-б.

• фалсафа тарихини билиши; миллий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиши ҳамда илмий асослай олиши, миллий фалсафани англаган ҳолда Ватан туйғуси шаклланган бўлиши;

• табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятда замонавий илмий-тадқиқотларда фойдалана олиши;

• инсоннинг инсон, жамият, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва аҳлоқий меъёрларни касбий фаолиятда жорий қилиши;

• ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши; ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

• бакалавриатнинг мос йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

• янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;

• дунёнинг глобал муаммоларидан хабардор бўлиши, фундаментал глобаллашувни, глобаллашувнинг бошқа жиҳатларидан фарқлай олиши, хусусий, миллий, минтақавий муаммоларни ўрганиши, ижтимоий жараёнларни прогнозлаштира олиши,

• соғлом турмуш тарзи ҳақида илмий тасаввурга ва эътиқодга эга бўлиши, ўзини жисмонан такомиллаштириш малакаси ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан кетма-кетлиги

«Фалсафа» фани ўқув режадаги инсон ва жамият ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганувчи – тарих, психология, социология, педагогика каби ижтимоий-гуманитар фанлар, шунингдек, табиий жараёнлар диалектикасини ўрганувчи физика, математика, биология, астрономия, кимё каби табиий-илмий фанлар билан алоқадор. Умуман фалсафа табиий ва ижтимоий фан билимларини ўзида мужассамлаштирувчи олам ва одам ҳақидаги энг умумий билимлар мажмуи.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ёш мутахассиснинг дунёни билиш орқали ўз-ўзини англаши, касбий фаолиятига ижодий ёндашиши, меҳнати самараси билан жамият тараққиётига ҳисса қўшаётганлигини англашида намоён бўлади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Фалсафа фанини ўқитиш жараёнида илмийлик тарихийлик, мантиқийлик, объективлик тамойилларига амал қилингани ҳолда анъанавий усуллар, давра суҳбати, кластер, баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, презентация каби замонавий педогогик технология воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

I БЎЛИМ. ФАЛСАФАНИНГ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Фалсафа: унинг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли

Фалсафа тушунчасининг келиб чиқиши. Фалсафа шаклланишининг асосий босқичлари. Дунёқарашнинг моҳияти. Дунёқарашнинг интеллектуал, эмоционал ва руҳий асослари. Дунёқарашнинг тузилиши: дунёни сезиш, дунёни идрок этиш, дунёни тушуниш. Дунёқарашнинг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг роли.

Дунёқарашнинг тарихий шакллари. Миф дастлабки дунёқараш шакли. Диний дунёқараш. Диннинг асосий функциялари. Диннинг психологик, гносеологик, ижтимоий ва сиёсий илдизлари. Динга нисбатан социологик ёндашув. Диний эътиқоднинг тарихий шакллари (фетишизм, анимизм, тотемизм, магия).

Фалсафа дунёқараш шакли. Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти. Фалсафанинг предмети ва унинг ўзгарувчан характери. Фалсафий билимнинг тузилиши. Фалсафанинг янги соҳалари. Фалсафанинг асосий масалалари. Фалсафани сиёсийлаштиришнинг оқибатлари. Фалсафада шубҳанинг роли. Фалсафанинг функциялари. Фалсафанинг жамиятдаги роли ёки амалий фалсафа. Фалсафанинг ижодий характери.

Фан дунёқараш шакли. Фалсафа ва фаннинг мутаносиблиги, фарқи. Сциентизм ва антисциентизм. Фан тараққиёти ривожланишининг асосий босқичлари. Ҳозирги даврда фалсафага муносабат.

Қадимги ва ўрта аср фалсафаси

Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг вужудга келиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари. Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ўзига хослиги, бетакрорлиги, умумий жиҳатлари ва фарқи. Ҳиндистон фалсафасининг вужудга келиши. Хитой фалсафасининг ўзига хослиги. Қадимги Юнонистон фалсафаси. Қадимги Марказий Осиёда фалсафий қарашлар. Шарқ ва Ғарб фалсафасидаги идеализм. Платоннинг ғоялар дунёси. Аристотель таълимоти. Зардўшт таълимотидаги зиддиятлар ғояси. Қадимги Ғарб ва Шарқ фалсафасининг муаммоларидаги фарқлар.

Ўрта аср Ғарб ва Шарқ фалсафа ривожланишининг умумий белгилари. Ғарб ва Шарқ фалсафасида диннинг ҳукмронлиги. Теоцентризм ғоясининг устуворлиги. Ўрта асрлар Европасида фалсафий тафаккурнинг ривожланиш хусусиятлари. Илк ўрта асрларда фалсафий тафаккур ривожи: аппологетика ва патристика. Авлиё Августин ғоялари. Схоластика. Номинализм ва реализм. Фома Аквинский таълимоти.

Ўрта аср Шарқ фалсафаси. Марказий Осиёда фалсафий фикрлар ривожланишидаги ижтимоий-сиёсий шароит. Марказий Осиё фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари. Форобий ижоди. Берунийнинг фалсафий қарашлари. Ибн Сино қомусий аллома. Сўфизм фалсафаси. Ибн Арабий философемаси. Баҳоуддин

Нақшбандийнинг фалсафий қарашлари. Ғарб ва Шарқ тафаккур услубининг ўзига хос хусусиятлари.

Янги ва энг янги давр фалсафаси

Янги давр фалсафасининг ривожланишидаги ижтимоий-сиёсий шароит. Ижтимоий фанларда табиий, ижтимоий, ҳуқуқ назариясининг ишлаб чиқилиши. Янги давр Ғарб ва Шарқ фалсафасидаги асосий муаммолар. Ф.Бэкон ва Т.Гоббснинг фалсафий қарашлари. Р.Декарт ва Б.Спиноза таълимоти. Г.Лейбниц монадалар ҳақида. Ж.Локк бирламчи ва иккиламчи сифатлар ҳақида. XVIII аср Европа фалсафасининг маърифий хусусиятлари. И.Кант. Ф.Шеллинг ва Г.Гегель фалсафаси. XX–XXI аср Ғарб фалсафаси. XX аср ўзбек фалсафаси. Ўзбек фалсафаси ривожланишининг асосий йўналишлари.

II БЎЛИМ. ОНТОЛОГИЯ – БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИ

Борлиқ – фалсафа категорияси

Борлиқ фалсафанинг предмети. Онтология тушунчаси. Борлиқ категорияси. Фалсафа тарихида борлиқ муаммоси. Борлиқ масаласида фалсафа ва фан синтези. Борлиқ тушунчасининг этимологияси. Борлиқ ва йуқлик диалектикаси. Борлиқ шакллари: табиат борлиғи, инсон борлиғи, маънавий борлиқ, ижтимоий борлиқ, виртуал борлиқ. Оламнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Ер тарихи. Инсоннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Бирламчи ва иккиламчи табиатнинг ўзаро муштараклиги. Тирик табиат ёки ҳаётнинг пайдо бўлиши. Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фалсафий оптимизм. Жонли нарсаларнинг жонсиз нарсаларга боғлиқлиги. Жонли нарсаларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Фалсафада субстанция ва материя муаммоси

Субстанция муаммоси. Субстанция ва субстрат тушунчаси. Фалсафа тарихида субстанцияга монистик, дуалистик, плюралистик ёндашувлар. Материалистик ва идеалистик монизм. Субстанциянинг хусусиятлари: – ўз-ўзини белгилаш (ўз-ўзининг сабабчиси ҳисобланади, уни яратиб ва йўқ қилиб бўлмайди); – универсаллик (ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, барқарор, ўзгармас ва мутлақ биринчи негизни ифодалайди); – каузаллик (барча ҳодисаларнинг умумий сабабий боғлиқлигини ўз ичига олади); – ягоналик (биринчи негизнинг ягоналигини назарда тутади); – яхлитлик (моҳият ва мавжудликнинг бирлигини кўрсатади).

Материя шаклларининг турли туманлиги. Материянинг ташкил топиш даражалари. Геоцентрик ва ногеоцентрик моддий тизимлар. Атрибутларнинг умумий мазмуни. Органик, ноорганик ва ижтимоий тизимлар. Дунёнинг яхлитлиги ва ранг-баранглиги. Дунё бирлигининг фундаментал асослари. Дунёнинг бирлиги ҳақидаги фан далиллари. Релятивистик космология. Оламнинг биринчи релятивистик модели. Кенгаювчи олам гипотезаси. Ҳаракатдаги олам гипотезаси. Дунё-

нинг чеклилиги ва чексизлиги. Экстенсив ва интенсив чексизлик. Потенциал ва актуал чексизлик. Чеклилик ва чексизликнинг зиддияти.

Макон ва вақт

Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари. Фалсафа тарихида макон ва вақт талқини. Макон ва вақтга субстанционал ва реляцион ёндашувлар. Макон ва вақтнинг динамик ва статик концепциялари.

Нисбийлик назарияси. Маконнинг кўп ўлчовлиги. Ижтимоий макон. Ижтимоий вақт. Макон ва вақтнинг ҳаракатдаги материяга боғлиқлиги. Макон ва вақтнинг умумий хоссалари: объективлик, абадийлик, чексизлик ва ички зиддиятлилик. Макон – вақт континуумининг тўрт ўлчовлилиги. Макон ва вақтнинг метрик ва типологик хоссалари. Макон ва вақтнинг изотроплиги ва бир хиллилиги.

Ҳаракат ва ривожланиш

Ҳаракат тушунчаси. Фалсафа тарихида ҳаракатнинг талқини. Ўзгаришларнинг умумий хусусияти. Ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг ўзаро нисбати. Ҳаракат типлари. Ҳаракат шакллари. Материя ҳаракатининг геологик шакли. Ҳаракатнинг комплекс шакли. Ҳаракатнинг техник, кибернетик, информацион шакллари. Ҳаракатнинг абадийлиги. Ҳаракат мутлақлиги ва сокинликнинг нисбийлиги. Объектларнинг барқарорлиги ва беқарорлиги диалектикаси. Нарсанинг сифатини сақлаш билан боғлик ҳаракат, нарса сифатини ўзгартирувчи ҳаракат.

Табиат фалсафаси

Табиат тушунчаси. Табиат тушунчасининг кенг ва тор маъноси. Фалсафа тарихида табиатга муносабат. Табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги. XX аср воқелиги: Экологик танглик. География муҳит тушунчаси. География муҳит параметрлари. Ижтимоий ривожланиш ва география муҳитнинг ўзаро алоқадорлиги. География мактаблар. Табиий қонунлар концепцияси. География детерминизм. Ижтимоий детерминизм. Геосиёсат. Ижтимоий экология. Экологик фалокатлар тарихи. Экологиянинг келиб чиқиши. Ижтимоий экология муаммолари. Экологик муаммонинг фалсафий маъноси. Биосфера ва ноосфера уйғунлиги. Янги борлиқнинг шаклланиши. Инсон ва ноосфера. Коэволюция.

Инсон борлиғи

Инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат. Жон ҳақидаги таълимот. Индивидуаллик борлиғи. Онгнинг табиати. Онг ва жоннинг тенглаштирилиши. Онг ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши. Онгнинг структураси ва функциялари. Ижтимоий жараёнларда онглилик ва онгсизликнинг намоён бўлиши. Онгсизлик табиати. Индивидуал онг борлиғи. Ижтимоий онг борлиғи. Иррационализм онг ҳақида. Онг бош мия функ-

цияси сифатида. Онг фалсафий муаммо сифатида. Онгнинг материалистик концепцияси. Тил ва онг. Ўзликни англаш.

III БЎЛИМ. РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАСИ

Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари

Фалсафа тарихида ривожланиш ҳақидаги қарашлар эволюцияси. Ривожланиш, ўзгариш ва тараққиёт тушунчалари. Тараққиётнинг турлари. Қонун тушунчаси. Қонунларнинг турлари: воқелик қонунлари, фан қонунлари, базис ва локал қонунлар, фалсафа қонунлари. Фалсафа қонунларининг асосий шакллари. Қарама-қаршилик ва зиддият. Қарама-қаршиликларнинг таснифи. Зиддиятларнинг таснифи. Айният ва тафовут. Зиддиятларнинг турлари. Миқдор ўзгаришлари ва сифат ўзгаришлари диалектикаси. Сифат, миқдор, меъёр, хосса, сакраш категориялари. Сакрашнинг турлари. Инкорни-инкор. Инкорни-инкорда ворисийлик.

Фалсафа категориялари

Категория тушунчаси ва уларнинг турлар: фан категориялари. хусусий илмий категориялар, фалсафа категориялари. Фалсафа тарихида категорияларга турли муносабатлар. Априор тушунчаси. Диалектиканинг асосий тушунчалари – нарса, алоқа. Алоқаларнинг таснифи. Алоқалар учун асос. Фалсафа категорияларининг таснифи.

Система, элемент, структура. Системаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Айримлик, яккалик, хусусийлик, умумийлик. Бутун ва қисм. Яхлитлик антиномиялари. Яхлитлик типлари.

Мазмун ва шакл. Шакл нарсанинг ғояси. Формализм. Моҳият ва ҳодиса. Моҳият ва мавжудлик. Моҳият ва ҳодиса диалектикаси.

Сабаб ва оқибат. Сабаб тушунчаси. Сабаб ва оқибат диалектикаси. Баҳона ва шарт. Синергетика сабабият ҳақида. Зарурият ва тасодиф. Зарурият ва тасодиф диалектикаси. Имконият ва воқелик. Имкониятларнинг турлари.

IV БЎЛИМ. ГНОСЕОЛОГИЯ – БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Билишнинг мазмун ва моҳияти

Билиш назариясининг предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Рационализм. Эмпиризм. Перцепция ва аперцепция. Гносеологиянинг мазмуни ва моҳияти. Оптимизм, скептицизм, агностицизм. Гносеологик релятивизм. Билимнинг асосий турлари. Билимнинг асосий шакллари: кундалик амалий билим, ўйин воситасидаги билим, мифологик билим, бадиий билим, диний билим, фалсафий билим, илмий билим, шахсий билим ижтимоий билим. Билишда субъект ва объектнинг ўзаро алоқаси. Билиш фаолият тури. Билишдаги қарама-қаршиликлар.

Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари

Ҳиссий даражадаги билим ва унинг шакллари: сезги ва идрок, хотира, хаёл ва тасаввур. Эмпирик билим ва унинг шакллари: кузатиш, эксперимент, илмий далиллар. Фикрнинг ҳиссийликдан рационалликка ҳаракати.

Назарий билим ва унинг шакллари: илмий муаммо, муаммо ва масала. Муаммоли вазиятнинг билиш жараёнидаги роли, гипотеза, тамойиллар, категориялар, парадигмалар.

Тафаккур ва унинг моҳияти. Тафаккур ва борлиқнинг бирлиги. Тафаккурнинг асосий шакллари: тушунча, мулоҳоза, хулоса.

Ҳиссий эмпирик ва рационал билиш бирлиги. Билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини фарқлаш мезонлари.

Интуиция ва ижод. Фалсафа тарихида интуицияга муносабат. Интуициянинг билишдаги роли.

Фалсафада ҳақиқат муаммоси

Ҳақиқат тушунчаси. Фалсафа тарихида ҳақиқатга муносабат. Ҳақиқатнинг фалсафий асослари. Ҳақиқатнинг асосий шакллари. Объектив, мутлақ ва нисбий ҳақиқат. Ҳақиқатнинг корреспондент, когерент ва назарий концепцияси. Исботлаш ва рад этиш. Ҳақиқатни англашда эмоция, идеал, ирода, ишонч ва шубҳанинг роли. Верификация тамойили. Ҳақиқат ва янглишиш, ёлғон ва ёлғон ахборот (дезинформация). Ҳақиқатни амалий текширишнинг йўллари. Амалиёт ҳақиқат мезони. Ҳақиқатнинг зиддиятли характери. Ҳақиқатни баҳолаш мезонлари.

Назария ва амалиёт бирлиги

Амалиёт тушунчаси. Амалиёт фалсафаси. Фалсафа тарихида амалиётга турли муносабатлар. Билиш ва амалиётнинг ўзаро нисбати. Амалиётнинг таркибий қисмлари: мақсад, мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалари, амалий ҳаракат объектлари, ҳаракат натижаси. Амалиётнинг ижтимоий характери. Ижтимоий жараёнларда амалиётнинг ўзгарувчан характери. Амалиёт ва фаолиятнинг мутаносиблиги.

Билиш методологияси: асосий тушунчалар

Метод ва методология тушунчаси. Метод ва методика. Методларнинг таснифи. Фан методлари: формал, эмпирик, назарий тадқиқот, изоҳлаш. Фалсафа методлари: диалектика, метафизика, софистика, эклектика, синергетика. Объектив ва субъектив диалектика. Янги метефизика ва эски метафизика. Синергетиканинг асосий тамойиллари: бифуркация, флуктуация, диссипатив тизим, аттрактор. Умумилмий методлар, хусусий илмий методлар, фанлараро тадқиқот методлари. Ижтимоий гуманитар фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс-стадис, абдукция. Эвристика янги методологик тамойил.

Ахборотлашувнинг фалсафий асослари

Ахборот, ахборотлашган жамият, ахборот технологиялари тушунчаси. Ахборот ва информацион вазият. Информацион вазият элементлари. Ахборот субъекти ва объекти. Информациянинг бошқарув жараён билан алоқаси.

Ижтимоий ахборот. Ижтимоий-коммуникатив жараённинг асосий омили. Илмий ахборот. Илмий ахборот янги билим қабул қилиш шакли. Информатика. Информатизация.

Ахборот техникаси. Ахборот технологиялари. Жамиятнинг ахборотлашуви концепцияси. Ижтимоий жараёнлар ахборотлашувиниг ўзига хос жиҳатлари. Нанотехнологиялар. Ахборот инқилоби. Биоидентификацион технологиялар.

Тушуниш ва тушунтириш

Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро нисбати. Фалсафа тарихида тушуниш масаласи. Герменевтик доиранинг моҳияти. Тушунишда маънони англашнинг аҳамияти. Тушунишда символнинг ўрни. Диалог ва семиотика тушуниш воситаси. Мазмунни тушуниш ва интерпретация. Тушуниш тушунмасликни бартараф қилувчи жараён. Онгли тушуниш ва онгсиз тушуниш. Тушуниш имконияти ва имкониятни тушуниш. Билиш ва тушунишда феномен муаммоси. Тушуниш феноменининг кўпқирралиги. Тушуниш рационалликнинг символик элементи.

Тушуниш ва тушунтиришнинг мутаносиблиги. Тушунтириш илмий билимни тушуниш шакли. Тушунтиришда субъект билимининг аҳамияти.

V БЎЛИМ. ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФА

Жамиятнинг фалсафий таҳлили

Жамият ҳақидаги асосий парадигмалар. Жамият ҳақидаги фалсафий таълимотлар тарихи. Жамият пайдо бўлишининг илмий асослари.

Жамиятнинг иқтисодий асослари. Ижтимоий ишлаб чиқариш тушунчаси. Моддий ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Мулк ва мулкчилик масаласи.

Жамиятнинг маънавий асослари. Информация ва коммуникация. Индивидуал ижтимоий онг. Ижтимоий онгнинг структураси. Ижтимоий психология. Мафкура ижтимоий онг элементи.

Жамиятнинг ижтимоий асослари. Ижтимоий жамоа ва гуруҳлар. Этник гуруҳлар. Табақалар ва синфлар. Ижтимоий ва сиёсий институтлар. Ҳудудий гуруҳлар. Ижтимоий макон.

Жамиятнинг сиёсий асослари. Жамиятнинг сиёсий тизими. Парламент республикаси. Президент республикаси. Федерация. Сиёсий тизимдаги партиялар, ташкилотлар, жамоа ташкилотлари. Сиёсат ва сиёсий онг.

Фуқаролик жамияти, сиёсий эркинлик, демократия, фуқаролик уюшмалари, ижтимоий тартиб, фуқаролик жамиятида барқарорлик.

Жамият ҳаётига цивилизация таъсири. Цивилизация тушунчаси. Цивилиза-

цияга турли ёндашувлар. Цивилизация типлари: Европа ва Шарқ цивилизацияси, либерал ва анъанавий цивилизация.

Маданият, унинг тузилиши ва функциялари. Маданиятлардаги умумийлик. Маданиятнинг субъекти. Маданий фаолият. Маданий коммуникация.

Тарих фалсафаси

Тарих фалсафасининг предмети. Тарих фалсафасига оид қарашлар эволюцияси. Тарих фалсафасининг тузилиши: тарих фалсафаси онтологияси, гносеологияси, тарих фалсафаси тарихи. Тарих фалсафаси функциялари: дунёқарашга доир функцияси, назарий функцияси, прогностик функцияси. Тарих фалсафасининг ҳозирги концепциялари. Тарих фалсафасининг гносеологик йўналиши. Онтологик ва аксиологик концепциялар. Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши. Тарихга формацион ва цивилизацион ёндашувлар. Тарих фалсафасида тарихий тараққиёт ғояси. Тарихий тараққиёт мезонлари. Тарихий жараёнда зарурият ва эркинлик. Тарихий зарурият. Зарурият ва эркинлик диалектикаси. Тарихда шахснинг роли.

Фалсафий антропология (Инсон ҳақидаги таълимот)

Инсон фалсафий муаммо сифатида. Фалсафа тарихида инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотлар. Инсонни фалсафий тушунишнинг ўзига хос хусусияти. Инсоннинг кўп ўлчовлиги. Шарқ фалсафасида инсон муаммоси. Инсон масаласида Ғарб анъанаси. Фалсафий антропологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, предмети ва вазифалари. Инсоннинг биоижтимоий моҳияти. Инсонни тушунишда дуализм ва монизм. Инсонга интровертив ва экстровертив ёндашувлар. Инсонга оид социоцентрик концепциялар. Инсон масаласига теоцентрик ёндашувлар. Инсонга нисбатан биологизаторлик ва социологизаторлик концепциялари. Ҳаётнинг мазмуни ва унда инсоннинг вазифаси. Ҳаётда инсоннинг вазифаси ва унинг моҳияти. Ҳаётни тарк этиш босқичлари: ижтимоий, руҳий, биологик ўлим, миянинг ўлими. Инсонни фалсафий нуқтаи назардан ўрганишнинг зарурати.

Аксиология – қадриятлар фалсафаси

Қадрият тушунчаси ва унинг умумий тавсифи. Қадриятларнинг табиати ва моҳиятини тушунишга нисбатан ёндашувлар: натуралистик психологизм, персоналистик оптимизм, аксиологик трансцендентализм, маданий тарихий релятивизм, қадриятларнинг социологик концепцияси. Қадрият категориясининг мазмуни: қадриятнинг ижтимоий моҳияти. Қадриятнинг функционал аҳамияти. Қадриятнинг шахсга доир мазмуни. Қадриятлар ва баҳолар. Баҳолашнинг моҳияти. Баҳолаш структураси. Баҳолаш предмети. Баҳолаш субъекти. Баҳолаш асоси. Эҳтиёжлар ва қадриятлар. Қадриятларнинг турлари: моддий қадриятлар, маънавий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қадриятлар, индивидуал ёки шахсга доир қадриятлар. Жамият ва инсон ҳаётида қадриятларнинг роли. Олий қадриятлар.

Соғлик ва эркинлик қадрият сифатида. Билим қадрият сифатида. Шахснинг қадриятларга муносабати. Қадриятлар иерархияси.

Фаолият фалсафаси (Праксиология)

Фаолият тушунчаси. Фаолиятнинг социологик жиҳатлари. Психологияда фаолиятга муносабат. Фаолиятнинг тузилиши: эҳтиёжлар, мотивлар, мақсадлар, воситалар. Фаолият атрибутлари: моддийлик ва субъектлилик. Фаолиятни моддийлаштириш ва моддийлаштиришдан чиқариш. Фаолиятда онглилик ва мақсадга мувофиқлик. Фаолиятнинг унумлилиги. Моддий ва маънавий фаолият. Инсон фаолиятининг рамзий жиҳати. Мулоқот фаолият сифатида. Инсоннинг шаклланиши ва ривожланишида фаолиятнинг роли. Интериоризация тушунчаси. Интериоризация механизми. Интериоризация назариясининг танқиди. Бегоналашув. Меҳнат ва ўйин фаолият бирлиги сифатида. Ўйин моделининг шартлилиги ва реаллиги. Ўйиннинг маъноси. Ижод ва ижод натижаларининг янгилиги. Ижодий ва ноижодий фаолият. Ижодкор шахс. Ижод меҳнат ва ўйин сифатида. Инсон фаолиятини тартибга солишнинг аҳамияти. Фаолиятни тартибга солиш механизмлари.

Ижтимоий прогнозлаштириш муаммоси

Ижтимоий башорат тушунчаси: унинг типлари, методлари. Башоратнинг турлари: кундалик башорат, илмий башорат, ижтимоий башорат қилиш, интуитив башорат. Ижтимоий башоратнинг субъектив ва объектив асоси. Прогнозлаштиришнинг методлари: экстрополяция методи, тарихий аналогия, моделлаштириш методи, экспертиза усулида баҳолаш, келажакни прогнозлаштириш. Норматив прогноз, аналитик прогноз, прогноз огоҳлантириш. Прогнозлаштиришнинг ижтимоий жараёнларга таъсири. Келажакни прогнозлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Глобаллашувнинг фалсафий муаммолари

Глобаллашув – янги фалсафий мавзу. Глобаллашув ҳодисаси. Глобалистика. Глобал жараёнларнинг куртаклари. Фундаментал глобаллашув. Глобал муаммоларнинг кўпжиҳатлилиги. Глобал муаммолар – глобаллашувнинг оқибати сифатида. Ижтимоий ривожланишнинг жадаллашувида глобал тенденцияларни англашнинг аҳамияти. Технооптимизм. Технопессимизм. Экопессимизм. Глобал муаммоларни ҳал қилишда фалсафанинг роли. Глобал муаммоларнинг моҳияти. Муаммоларнинг турли даражалари: хусусий, миллий, маҳаллий, минтақавий муаммолар. Глобаллик мезонлари. Ҳозирги даврнинг асосий глобал муаммолари: демографик тизим, таълим муаммоси, соғлиқни сақлаш муаммоси, озиқ-овқат муаммоси, иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги, энергетика ва хом ашё ресурслари, уруш ва тинчлик муаммоси. Глобал онгни шакллантириш зарурати. Глобал муаммоларни ҳал қилишда халқаро кучлар бирлашувининг аҳамияти. Глобал муаммоларни ҳал қилишда хусусий ва умумий манфаатлар.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича билим ва кўникмаларини амалий машғулот жараёнида янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Семинар машғулотларида талабалар фалсафа фанининг назарий асосларини ўрганиб, унинг амалий ҳаёт билан боғлиқлигини таҳлил қиладилар.

Семинар машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари

Фалсафа: унинг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли. Қадимги ва ўрта аср фалсафаси. Янги ва энг янги давр фалсафаси. Онтологик категорияларнинг фалсафий таҳлили. Табиат фалсафаси. Инсон борлиғи. Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари. Фалсафа категориялари. Билишнинг мазмун ва моҳияти. Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари. Фалсафада ҳақиқат муаммоси. Назария ва амалиёт бирлиги. Билиш методологияси: асосий тушунчалар. Ахборотлашувнинг фалсафий асослари. Тушуниш ва тушунтириш. Жамиятнинг фалсафий таҳлили. Тарих фалсафаси. Фалсафий антропология (Инсон ҳақидаги таълимот). Аксиология – қадриятлар фалсафаси. Фаолият фалсафаси (Праксиология). Ижтимоий прогнозлаштириш муаммоси. Глобаллашувнинг фалсафий муаммолари.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, бунда асосий эътибор талабанинг берилган мавзулар (амалий масалалар, топшириқлар ва кейс-стадислар)ни мустақил равишда, яъни аудиториядан ташқарида бажариши, ўқиб ўрганиши ва шу йўналиш бўйича билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришига қаратилади. Талаба мустақил ишни тайёрлашда, муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- мустақил ишлар, кейс-стадилар билан ишлаш;
- махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш;
- талабанинг ўқув, илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларни чуқур ўрганиш;

• фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;

• масофавий (дистанцион) таълим.

«Фалсафа» фанидан талабаларнинг мустақил ишларини реферат, семинар, доклад тайёрлаш, Президент асарларини конспектлаштириш ва бошқа шаклларда ташкил этилиши тавсия этилади. Мустақил иш мавзуларини белгилашда маъруза ва семинар машғулотлари мавзуларини тўлдиришга ҳаракат қилиниши лозим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг тахминий мавзулари

1. Фалсафий дунёқарашнинг ўз-ўзини англашдаги роли.
2. Фалсафа ва фан мутаносиблиги.
3. Сциентизм ва антисциентизм.
4. Билиш инсон маънавий камолоти омили.
5. Тарих фалсафаси ва фалсафа тарихи.
6. Инсон олий қадрият.
7. Глобаллашув шароитида антропологик инқирознинг олдини олишнинг зарурияти.
8. Илмий ва ижтимоий прогнозлаштиришнинг ўзаро алоқадорлиги.
9. Онтологик ва муносабатдош категорияларнинг уйғунлиги.
10. Миллий ва умуминсоний қадриятлар.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Фалсафа фанини ўқитишда замонавий (хусусан интерактив) методлар, ахборот коммуникация (медиа-таълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон-дидактик) технологияларининг қўлланиши назарда тутилади. Фалсафа фани курсида электрон дарсликдан, мавзуга оид теледисклардан ва бошқа кўргазмали қуроллардан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1–18-жилдлар. –Т.: «Ўзбекистон», 1996–2010 й.й.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й.

3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009 й.

4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2010 й. 78-б.

5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. –Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: «Ўзбекистон», 2011 й. 370-б.

Асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Назаров Қ. Аксиология – қадриятлар фалсафаси. –Т.: «Академия», 2011, 3-нашр.
2. Назаров Қ.Н. Билиш фалсафаси. –Т.: «Университет», 2005 й.
3. Соифназаров И. Курс лекций по философии. –Т.: 2004 г.
4. Тўйчиев Б.Т. Социальная философия. Альбом схема –Т.: 2009 й.
5. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
6. Falsafa. S.Mamashokirov tahriri ostida. –T.: «Sharq», 2005-y.
7. Falsafa. M.Ahmedova tahriri ostida. –T.: O‘FMJ, 2006-y.
8. Хайитов Ш., Хайитова К., Зияутдинова Х. Фалсафа асослари. Альбом схема. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009 й.
9. Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: «Университет», 2005 й.
10. Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш фалсафаси. –Т.: «Ношир», 2011 й.
11. Ғарб фалсафаси. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
12. Эмирова Е., Стрельцова А. Введение в философию. –Т.: «Университет», 2008 г.

Қўшимча адабиётлар

1. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й.
2. Фалсафа энциклопедик луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2011 й.
3. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: «Маънавият», 2008 й.
4. Аристотель. Сочинения в 4-х томах. ч.1. –М.: 1975 г.
5. Каримов Б.Р. Диалектика объективного и субъективного в методе восхождения от абстрактного к конкретному. –Т.: 1998 г.
6. Шпенглер О. Закат Европы. Ростов на-Дону. 1998 г.
7. Асмус В. Античная философия. –М.: 1999 г.
8. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация под редакцией О. Файзуллаева –Т.: «Шарқ», 2000 г.
9. Новейший философский энциклопедический словарь, –М.: 2001 г.
10. Гуревич П.С.Основы философии –М.: 2002 г.
11. Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. –Т.: «Минҳож», 2003 й.
12. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ўзбекистон, 2004 й.
13. Плутарх. Сайланма. З.Аълам ва Урфон Отажон таржимаси. –Т.: «Янги аср авлоди», 2006 й.

14. Choriyev A. Inson falsafasi. Toshkent. O‘FMJ, 2006-y.
15. Ёқубова М. Жамият ахборотлашувнинг фалсафий асослари. Фалс.фан. номз. Дисс. –Т.: «Университет», 2007 й.
16. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2007 й.
17. Ҳақиқат манзаралари. С.Жўраева таржимаси. –Т.: «Янги аср авлоди», 2007 й.
18. Қурбонова Л. Ижодий тафаккурнинг фалсафий методологик таҳлили. Фалс.фан. номз. Дисс. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2007 й.
19. Ёқубова М. Ахборот технологияларининг фалсафий асослари. –Т.: «Университет», 2008 й.
20. Отамуродав С. Глобаллашув ва миллат. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008 й.
21. Юнусов А. Ҳуқуқ маънавияти. –Т.: «Адолат», 2008 й.
22. Мамашокиров С., Усманов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалалари. –Т.: «Фан», 2009 й.
23. Очилова Б. Миллий-маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. –Т.: «Истиқлол», 2009 й.
24. Қурбонова Л. Борлиқ фалсафаси. Андижон: АДУ, 2009 й.
25. Қурбонова Л. Инсон фалсафаси. Андижон. АДУ, 2009 й.
26. Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Т.: «Тафаккур», 2009 й.
27. Аллаярова С.Н. Фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатлари. Фалс.фан. номз. Дисс. –Т.: «Университет», 2010 й.
28. Бозаров Д. Синергетик парадигма. –Т.: «Тафаккур», 2010 й.
29. Ёқубова М. Фан ахборотлашувининг жамият ривожидаги ўрни. –Т.: «Стар–Полиграф», 2010 й.
30. Аллаярова С. Бадиий ижод герменевтикаси –Т.: «Университет», 2011 й.
31. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси . –Т.: «Академия», 2011 й.

Электрон таълим ресурслари

1. www.philosophy.ru.
2. http//www.intencia.ru.
3. http://www.anthropology.ru.
4. http://www.ido.rudn.ru.
5. http://www.filosofia.ru.
6. http://www.falsafa.dc.uz.
7. http://www.phenomen.ru.
8. http://www.lib.ru/FILOSOF.
9. http://www.filam.ru/sait.phg.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

«ФАЛСАФА ВА ФАН МЕТОДОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ

ФАЛСАФА ФАНИ БЎЙИЧА

ИШЧИ ДАСТУР

Билим соҳаси: Барча таълим йўналишлари учун

ТОШКЕНТ

20

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Фалсафа факультети декани
А.Муминов _____
«___»_____2011 йил

«Фалсафа» (мантиқ, этика, эстетика) фани бўйича
ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Умумий соат 180 соат
Шундан
• Маъруза – 54
• Семинар – 60
• Мустақил иш – 66
Шу жумладан, «Фалсафа» фани бўйича
• Маъруза – 20
• Семинар – 22
• Мустақил иш – 18

Фаннинг ишчи ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети Илмий кенгашининг 20___ йил «___» _____ – № __-сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.
1– «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки

2-курс бакалавр таълим йуналиши учун фалсафа фанидан ишчи дастур намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи:
ф.ф.д. проф. Н.Шермухамедова

Тақризчилар: ф.ф.н. проф.
А.Аюпов _____

ф.ф.н.доц. А.Ўтамуродов _____

Фанинг ишчи ўқув дастури Фалсафа факультети Илмий кенгашининг 20___ йил «____» _____ «____» -сон қарори билан тасдиқланди.

Илмий кенгаш раиси:
2011 йил «___» _____ _____ А.Муминов

Келишилди:

Кафедра мудири: ф.ф.д. проф. Н.Шермухамедова _____
2011 йил «____» _____

Ишчи дастур «Фалсафа ва фан методологияси «кафедрасининг 20___ йил «__» августдаги мажлисида муҳокама қилинган (Баённома №1).

2011–2012-ўқув йили учун «Фалсафа» фанидан ишчи ўқув дастурига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

20___ йил __ августдаги ___сонли мажлиси қарори билан барча таълим йўналишлари учун йўналиши бўйича «Фалсафа» фани бўйича ишчи ўқув дастурига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

1. Ишчи ўқув дастури янги адабиётлар билан бойитилди.
2. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари янги талаблар асосида қайта ишланди.
3. Мустақил таълим мавзулари қайта ишланди.
4. Оралиқ ва жорий назорат ишларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.
5. Ишчи дастур янги мазмундаги намунавий дастурга асосан ишлаб чиқилди.

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритувчилар:

Шермухамедова Н.А. ф.ф.д. профессор

Ишчи ўқув дастури Фалсафа факультетининг ўқув услубий кенгашида муҳокама этилди ва маъқулланди (20___ йил 3 сентябрдаги № ___ -сонли баённома»).

«ФАЛСАФА» ФАНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ ВА ТАЛАБИ

ЖН учун максимал балл – 40
ОН учун максимал балл – 30
ЯН учун максимал балл – 30

ЖН – 5 марта ўтказилади
ОН – 1 марта ўтказилади
ЯН – 1 марта ёзма ўтказилади

Фан номи	йўналиш,	талаба сони	ауд.соати	таълим тили	ЖН ўтказиладиган сана						ОН		Якуний назорат	
					1	2	3	4	5	Жами балл	сана	Жами балл	сана	Жами балл
					1 семестр учун									
Фалсафага	1 блок учун			**ўзбек**	29.09. 2011	27.10 2011	24.11. 2011	29.12. 2011	19.01. 2012	40	10.11. 2011	30	26.01 2012	30
					2 семестр учун									
				ўзбек	27.02. 2012	26.03 2012	30.04 2012	28.05. 2012	11.06. 2012	40	02.04. 2012	30	18.06 2012	30

«Фалсафа» фанини ўрганишдан асосий мақсад фалсафа фани бўйича йўналтирувчи билимларга эга бўлиш ва унинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилишда намоён бўлади.

Жорий назорат ишини баҳолаш мезонлари

«Қониқарли» (1,65–2,12 б.) – анъанавий билим, концепция фикр ва муаммоларни билиши ва уларни баён қилиш малакасига эга бўлиши;

«Яхши» (2,13–2,57 б.) – турли зиддиятли қараш ва фикрлари қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш маҳорати учун;

«Аъло» (2,58–3 б.) – асосий ғоя ва концепцияларни танқидий таҳлил қилиш ва уларга нисбатан шахсий муносабатини билдириш маҳорати учун.

«Фалсафа» фанини ўзлаштирган талаба фалсафанинг умумназарий масалаларини ўзлаштириши ва улар бўйича мустақил фикрлаш маҳоратга эга бўлиши мумкин.

Эслатма: таҳлил этилиши мўлжалланган адабиётларга индивидуал ёндашув белгиланиб у қўйилган мақсаднинг кенг қамровлиги ва аниқлиги билан белгиланади.

Оралиқ назорат ишини баҳолаш мезонлари

«Қониқарли» (16,5–20 б.) – анъанавий билим концепциялари ва уларни баён қилиш маҳорати учун;

«Яхши» (21–25 б.) – турли зиддиятли қараш ва фикрлари қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш маҳорати учун;

«Аъло» (26–30 б.) – асосий ғоя ва концепцияларни танқидий таҳлил қилиш ва уларга нисбатан шахсий муносабатини билдириш маҳорати учун.

Эслатма:

1. Таҳлил этилиши мўлжалланган адабиётларга индивидуал ёндошилиб, у қўйилган мақсаднинг кенг қамровлиги ва аниқлиги билан белгиланади.

2. Оралиқ назорат ишлари ўқитувчи ва талабаларнинг хоҳиши асосида ёзма, оғзаки ёки тест назорати усулида ўтказилиши мумкин.

Якуний назорат ишларини баҳолаш мезонлари

86–100 балл билан баҳоланади:

– талаба фалсафа фани бўйича мустақил мушоҳада юритса;

– фаннинг қонуниятлари, категориялари ва методологиясининг моҳияти ва мазмунини тушунса;

– фалсафа фанига доир аниқ тасаввурга эга бўлса, уларни жамият ва инсон фаолиятига оид мисоллар орқали ифодалаб берса, уларни амалий фаолиятда қўллай олса;

– ўтилган мавзулар бўйича хулоса ва қарорлар қабул қилса;

– ижодий фикрласа, танқидий муносабатлар билдирса, ўз фикрини эркин баён этса;

– маъруза, амалий машғулот ва мустақил топшириқларни ўз вақтида бажарса ва тўплаган маълумотларида биринчи манбаларга мурожаат этган бўлса.

71–85 балл билан баҳоланади:

– талаба фалсафа фани бўйича мустақил фикрлай олса, билдирилган фикрларини англай олса;

– фаннинг муҳим мезоний тушунчалари тўғрисида тасаввурга эга бўлса, уни билса ва тушунтириб бера олса;

– маъруза, семинар ва мустақил иш учун берилган топшириқларни бажарса.

56–70 балл билан баҳоланади:

– фаннинг асосий мезоний тушунчалари ва тамойилларини тушунса ва айтиб берса;

– маъруза, семинар машғулотлари ва мустақил ишларни ёзган ва бажарган бўлса;

– машғулотларда ўз мулоҳазаси билан иштирок этиб турса.

0– 55 балл билан баҳоланади:

– фан ва қонуниятлари ҳақида тасаввурга эга бўлмаса, уларнинг моҳиятини тушунмаса;

– ЖН ва ОН ларни топшира олмаган бўлса;

– маъруза, амалий машғулот ва мустақил топшириқларни ёзмаган ва бажармаган бўлса;

– дарсларни сабабсиз қолдирган бўлса;

– дарсда фаол бўлмасдан ва интизомсизлик қилса.

Мустақил ишни баҳолаш мезонлари

(Жорий ва оралиқ назорат ишларига ажратилган баллардан 5 баллдан олинади). Жами 10 балл.

3,5–5 балл – фалсафий йўналишларнинг тушунча категория концепцияларни билиши

5,5–7 балл – қўйилган масалаларни таҳлил қилиш, муайян фалсафий масалалар бўйича мустақил хулоса чиқариш малакасига эга бўлиш

8–10 балл – асосий ғояларни танқидий таҳлил қилиш ва улар асосида ўзининг мустақил фикрларини ривожлантириш малакасига эга бўлиш

Эслатма: 1. Мустақил иш ўз ичига жорий ва оралиқ назорат ишларига тайёргарлик жараёнида эгалланган билимни қамраб олади ва ёзма ёки оғзаки шаклда қабул қилинади (курс иши, реферат иши, эссе, кроссворд тайёрлаш ва уларнинг мазмунининг талаба томонидан таҳлили).

КИРИШ

Дастурнинг биринчи бўлими фалсафий билим эволюциясининг ғоялар хилма-хиллигига таъсири, улар асосида билиш жараёнининг такомиллашуви, борлиқнинг билим объекти эканлиги, инсоннинг ўз-ўзини ва жамиятнинг умумий мафкурасини англашида тушуниш ва тушунтиришнинг роли, ахборот манбаи бўлмиш оламга ҳозирги давр нуқтаи-назаридан турли ёндашувларнинг аҳамияти, глобаллашган дунёда глобал муаммоларни ҳал қилиш йўлларини бевосита ўрганишга бағишланган.

Дастурнинг иккинчи бўлими бевосита мантиқий тафаккур шакллари ва қонунлари, уларнинг фикрни тўғри қуриш ва ҳақиқатга эришишнинг меъёрий қоидаларини ёритишни назарда тутиб, улар билан танишиш талабаларда эркин, мустақил фикр юритиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга, чин фикрни хато фикрдан ажратишга ёрдам беради.

Дастурнинг иккинчи ва учинчи бўлимлари ахлоқ ва нафосат фалсафаси масалаларининг муҳокамасига тегишли бўлиб, у инсоннинг маънавий камолотга эришиши жараёнида ахлоқий нормаларнинг тутган ўрни, ахлоқ ва нафосат фалсафаси мезоний тушунчаларининг мазмунини англаш каби масалалари билан таништиради.

Ҳар бир инсон ҳаётининг турли босқичларида муайян мақсадларни белгилайди, уларга эришиш жараёнида ўз эркинлигини намоён қилади. Фалсафа инсонга ўз мақсадларини тўғри қўйишга, унга эришиш учун зарур воситаларни танлашга ҳамда ўзининг «Мен»ини англашда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Дастурда илк маротаба фалсафий фанлар мувофиқлаштирилган бўлиб, унда азалий фалсафий муаммоларга янгича фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашилган, хусусан назария ва амалиёт уйғунлигига эътибор қаратилган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Дастурнинг мақсади – талабаларда фалсафа ва фалсафий фанларнинг пайдо бўлиши, моҳияти, шаклланиш босқичлари, ҳозирги ҳолати, инсоннинг ҳаётдаги ўрни, шунингдек, глобаллашув жараёнида маънавий янгиланиш ва ўзликни англашнинг зарурлиги ҳақида билим беришдан иборат. Зеро, фалсафий фанлар инсонда дунёқарашнинг шаклланиши, миллатнинг ўзлигини англаш жараёнида ғоя ва мафкуранинг ижтимоий зарурлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакага қўйиладиган талаблар

Фалсафа фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

– оламнинг моддий бирлиги ва хилма-хиллиги, материя, макон ва замон масалаларига турли ёндашувлар; ўзгарувчанлик ва ҳаракат, ўзгармаслик ва барқарорликнинг моҳияти; гносеология, эпистемология, критеология тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи; агностицизм, скептицизм, оптимизм ва песси-

мизм; кундалик – амалий онг ва илмий-назарий билим, унинг структураси, илмий билим, бадиий билим, ижтимоий билимнинг ўзаро нисбати; антик давр фалсафасининг предмети ва вазифалари; Қадимги Хитой ва Ҳиндистондаги фалсафий фикр, қадимги юнон ва Римдаги фалсафий таълимотлари; янги давр Ғарб фалсафаси, унинг ривожи, йўналишлари; Шарқ ва Ғарб фалсафасининг уйғунлашуви мантиқ фанининг предмети, объекти ва вазифалари; тафаккурнинг асосий белгилари; фалсафа тарихида диалектик мантиқ генезиси ва тараққиёти хусусиятлари; ахлоқ фалсафаси – ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти тараққиёти ҳамда оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатларни ўрганадиган қадимий фалсафий фан эканлиги; ахлоқ ва ахлоқий тафаккурнинг пайдо бўлиши; нафосат фалсафаси нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан эканлиги;

– нафосат фалсафаси тафаккур тарихида ҳаётий зарурияти ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**

– борлиқда барқарорлик ва беқарорлик, ўзаро таъсир тушунчалари, айримлик, умумийлик ва хусусийлик; ҳозирги давр гносеологиясининг муаммолари; билиш назарияси ва онтологиянинг ўзаро алоқадорлиги: билишда субъект ва объектнинг ўзаро алоқаси; антик фалсафа ва адабиёт намояндаларининг асосий ғоялари; ўрта аср схоластикасининг таҳлил методи; янги давр фалсафасининг асосий тушунча ва ёндашувлари; замонавий Ғарб фалсафаси вакиллари асарлари; мантиқ методлари ва мантиққа доир адабиётлардан илмий-амалий фаолиятда фойдалана олиш; ноклассик мантиқда математик аксиомаларнинг талқини; диалектик мантиқда тафаккур услуби; ахлоқ фалсафаси тушунчаларининг ахлоқий ҳиссиётга бориб тақалиши; ахлоқий меъёрларнинг ахлоқий талаблар шаклида сифатида намоён бўлиши; уларнинг жуфтлик хусусияти ва бир-бирига ўтиб туриши; тарихий ҳақиқатнинг объектив мезонларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

– кундалик ва назарий билимлар; илмий билишнинг моҳияти ва тузилиши; методологик тамойиллар ва ёндашувлар; мантиқ методлари; дунёнинг илмий манзарасини комплекс муаммо сифатида ўрганиш; мифологик, диний ва фалсафий оқимларнинг келиб чиқиши, ривожи ва йуналишлари тўғрисида фалсафий таълимотларни таҳлил қила олиши, илмий хулосалар чиқариш; Ғарбий Европа янги давр файласуфларининг манбаларига, тўғри ва ҳаққоний ёндашиш ва илмий таҳлил қилинган адабиётлар; замонавий Ғарб фалсафаси масалаларининг қўйилиши ва уларни ўрганиш услублари; мантиқ илми мазмуни ва тарихи, шу жумладан, Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиқ илми ривожига қўшган ҳиссаси; мантиқий методлар ва мантиққа доир адабиётлардан илмий амалий фаолиятида фойдалана олиш; ахлоқнинг миллий ва умумбашарий хусусиятларини таҳлил этиш, унинг маънавият тизимидаги юксак мавқеи; ахлоқий танлов тушунчаси; шахс ахлоқий хаётининг маънавий, ижтимоий тараққиётдаги ўрни; ахлоқий тамойиллар ва мезоний тушунчалар нафосат фалсафаси тарихида санъат турларини хиллаш муаммоси, инсон–табиат–жамият муносабатларида эстетик тамойилларнинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш; эстетик равнақнинг эстетик эҳтиёж ва эстетик дид билан диалектик алоқадорлиги, эстетик равнақнинг санъат равнақи билан узвий боғлиқлиги ҳақида кўникмаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услуб жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Фалсафа фани ўқув режанинг 3-блок умумкасбий фанлар қисмига тегишли. Мазкур фан ғоялар фалсафаси, қадриятлар фалсафаси, педагогика, антропология, социология, психология каби фанлар муаммолари доираси билан узвий алоқадорликка эга.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Фалсафа фанини ўқитиш жараёнида илмийлик тарихийлик, мантиқийлик, объективлик тамойилларга амал қилингани ҳолда анъанавий усуллар, давра суҳбати, кластер, баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, презентация каби замонавий педогогик технология воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маъруза, амалий машғулот мавзулари

№	Маъруза ва амалий машғулот мавзулари	Маъруза	Амалий машғулотлар	Мустақил таълим
I бўлим. Фалсафанинг моҳияти, ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналиши				
1.	Фалсафанинг предмети, мазмун ва моҳияти, жамиятдаги роли	2		4
2	Фалсафий тафаккур эволюцияси. Қадимги давр, ўрта асрлар, уйғониш даври фалсафаси	2		4
3	Янги ва энг янги даврлар фалсафаси		2	4
II бўлим. Онтология – борлиқ ҳақидаги таълимот				
4	Онтология – борлиқ фалсафаси	2		4
5	Фалсафада субстанция ва материя муаммоси		2	4
6	Ҳаракат ва ривожланиш			2
7	Макон ва вақт		2	4
8	Табиат фалсафаси	2		2
9	Инсон борлиғи		2	2
III бўлим. Ривожланиш фалсафаси				
10	Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари	2		2
11	Фалсафа категориялари		2	2
IV бўлим. Гносеология – билиш ҳақидаги таълимот				
12	Гносеология – билиш фалсафаси	2		2
13	Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари		2	2

14	Фалсафада ҳақиқат муаммоси	2		2
15	Назария ва амалиётнинг бирлиги			2
16	Метод ва методология: асосий тушунчалар		2	2
17	Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари		2	2
18	Тушуниш ва тушунтириш			2
V бўлим. Ижтимоий фалсафаси				
19	Жамиятнинг фалсафий таҳлили	2		2
20	Тарих фалсафаси		2	
21	Фалсафий антропология (Инсон ҳақидаги таълимот)	2		2
22	Қадриятлар фалсафаси		2	
23	Фаолият фалсафаси (Праксиология)			2
24	Ижтимоий прогнозлаштириш муаммоси		2	2
25	Глобаллашувнинг фалсафий муаммолари	2		4
	Жами	20	22	60

АСОСИЙ ҚИСМ

I БЎЛИМ. ФАЛСАФАНИНГ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШИ

1-мавзу. Фалсафанинг предмети, мазмун ва моҳияти, жамиятдаги роли

Фалсафа тушунчасининг келиб чиқиши. Фалсафа шаклланишининг асосий босқичлари. Дунёқарашнинг моҳияти. Дунёқарашда шахснинг роли. Дунёқарашнинг тузилиши. Дунёқарашнинг тарихий шакллари. Миф дастлабки дунёқараш сифатида. Диний дунёқараш. Диннинг асосий функциялари. Диннинг асосий илдизлари. Динга нисбатан социологик ёндашув. Диний эътиқодларнинг тарихий шакллари (фетишизм, анимизм, тотемизм, магия). Фалсафа дунёқараш шакли сифатида. Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти. Фалсафанинг предмети. Фалсафий билимнинг тузилиши. Фалсафанинг янги соҳалари. Фалсафанинг асосий масалалари. Фалсафани схемалаштиришнинг оқибатлари. Фалсафада шубҳанинг роли. Фалсафанинг асосий функциялари. Фалсафанинг жамиятдаги роли ёки амалий фалсафа. И.А.Каримовнинг «Бу муқаддас Ватанда – азиздир инсон» ғоясининг фалсафий амалий аҳамияти. Фалсафанинг ижодий роли. Фалсафа ва фаннинг мутаносиблиги ва фарқи. Фан дунёқараш шакли сифатида. Сциентизм ва антисциентизм. ФТТ ривожланишининг асосий босқичлари. Ҳозирги даврда фалсафага муносабат. Фалсафа ижод сифатида.

Маъруза режаси (2 соат)

1. Фалсафа тушунчасининг келиб чиқиши. Фалсафанинг предмети ва асосий мазмуни.
2. Дунёқарашнинг моҳияти. Дунёқарашнинг тузилиши. Дунёқарашнинг тарихий шакллари.
3. Фалсафа ва фаннинг мутаносиблиги ва фарқи.

Мустақил иш (4 соат)

1. Фалсафа тушунчасининг моҳияти, мазмуни.
2. Диннинг гносеологик, психологик, ижтимоий ва сиёсий илдизлари.
3. Фалсафанинг бошқа фанлар тизимидаги ўрни.
4. Фалсафа ривожланишнинг илмий билимлар, конкрет шароитлар ва даврлар, турли ғоялар ва мафкуралар билан боғлиқлиги.
5. Фалсафий билимлар шаклланиши ва ривожланишининг умуминсоний, миллий жиҳатлари.

Дарс ўтказиш методикаси

Ақлий ҳужум, бумеранг

2-мавзу. Фалсафий тафаккур эволюцияси. Қадимги давр, ўрта асрлар, уйғониш даври фалсафаси

Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг вужудга келиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари. Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ўзига хослиги, бетакрорлиги, умумий жиҳатлари ва фарқи. Ҳиндистон фалсафасининг вужудга келиши. Хитой фалсафасининг ўзига хослиги. Қадимги Юнонистон фалсафаси. Қадимги Марказий Осиёда фалсафий қарашлар. Шарқ ва Ғарб фалсафасидаги идеализм. Платоннинг ғоялар дунёси. Аристотель таълимоти. Зардўшт таълимотидаги зиддиятлар ғояси. Қадимги Ғарб ва Шарқ фалсафасининг муаммоларидаги фарқлар.

Ўрта аср Ғарб ва Шарқ фалсафа ривожланишининг умумий белгилари. Ғарб ва Шарқ фалсафасида диннинг ҳукмронлиги. Теоцентризм ғоясининг устуворлиги. Ўрта асрлар Европасида фалсафий тафаккурнинг ривожланиш хусусиятлари. Илк ўрта асрларда фалсафий тафаккур ривожи: аппологетика ва патристика. Авлиё Августин ғоялари. Схоластика. Номинализм ва реализм. Фома Аквинский таълимоти.

Ўрта аср Шарқ фалсафаси. Марказий Осиёда фалсафий фикрлар ривожланишидаги ижтимоий-сиёсий шароит. Марказий Осиё фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари. Форобий ижоди. Берунийнинг фалсафий қарашлари. Ибн Сино қомусий аллома. Сўфизм фалсафаси. Ибн Арабий философемаси. Нақшбандийнинг фалсафий қарашлари. Ғарб ва Шарқ тафаккур услубининг ўзига хос хусусиятлари.

Маъруза режаси (2 соат)

1. Жаҳон цивилизациясининг бир бутунлиги ва ранг-баранглиги.
2. Қадимги Шарқ ва Антик дунё фалсафаси. Шарқ – жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири.
3. Марказий Осиёдаги фалсафий фикрлар. Унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни.
4. Уйғониш даври фалсафаси.

Мустақил таълим режаси (4 соат)

1. Шарқ ва Ғарб фалсафасининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари.
2. Европацентризм ва Осиёцентризм назариялари, уларнинг моҳияти.
3. Илк фалсафий билимлар.
4. Энг қадимги фалсафа ва унинг содда таълимотлари.
5. Антик дунё фалсафаси.
6. Милет ва Элей мактаблари.
7. Софистлар фалсафаси.
8. Суқрот ва Платон фалсафаси.
9. Марказий Осиёда тасаввуф ва унинг йўналишлари.
10. Мўғул босқини арафасидаги ғоявий ва мафкуравий беқарорлик.
11. Амир Темур ва темурийлар давлати, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти.

Дарс ўтказишнинг услубий-методик таъминоти
Кластер, суқротча баҳс

3-мавзу. Янги ва энг янги давр фалсафаси

Янги давр фалсафасининг ривожланишидаги ижтимоий-сиёсий шароит. Ижтимоий фанларда табиий, ижтимоий, ҳуқуқ назариясининг ишлаб чиқилиши. Янги давр Ғарб ва Шарқ фалсафасидаги асосий муаммолар. Субстанция тушунчасига нисбатан турли ёндашувлар. Ф.Бэкон ва Т.Гоббснинг фалсафий қарашлари. Р.Декарт ва Б.Спиноза таълимоти. Г.Лейбниц монадалар ҳақида. Ж.Локк бирламчи ва иккиламчи сифатлар ҳақида. XVIII аср Европа фалсафасининг маърифий хусусиятлари. Онтологик ва гносеологик муаммолар. Шеллинг ва Гегель фалсафаси. XX–XXI аср Ғарб фалсафаси. Позитивизм ва неопозитивизм. Постпозитивизмнинг ўзига хос хусусиятлари. Структурализм ва постструктурализм.

XX аср ўзбек фалсафаси. И.Мўминов ўзбек фалсафаси асосчиси. М.Хайруллаев, М.Баратов, А.Валиев ижодида ижтимоий фалсафа муаммолари. Ж.Туленовнинг диалектика қонунлари ва категориялари ҳақидаги қарашлари. Э.Юсупов, С.Шермухамедов ижодида маданият назарияси.

Фалсафа тарихини даврлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафий тафаккур шаклланишининг ижтимоий-тарихий ва маънавий асослари.

Семинар режаси (2соат)

1. Янги давр Ғарб фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари.
2. XIX аср охири XX аср бошида Ўзбекистондаги ижтимоий-фалсафий тафаккур.
3. Ҳозирги замон фалсафасининг асосий муаммолари.

Мустақил таълим режаси (4 соат)

1. Янги давр фалсафасининг моҳияти.
2. Ғарбий Европада маърифатпарварлик фалсафаси.
3. Немис классик фалсафаси.
4. Замонавий Ғарб фалсафасининг тараққиёт тенденциялари.

Дарс ўтказиш методикаси
Ақлий ҳужум

II БЎЛИМ. ОНТОЛОГИЯ – БОРЛИҚ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

4-мавзу. Онтология – борлиқ фалсафаси

Борлиқ фалсафанинг предмети. Онтология тушунчаси. Борлиқ категорияси. Фалсафа тарихида борлиқ муаммоси. Борлиқ масаласида фалсафа ва фан синтези. Ноклассик борлиқ. Борлиқ ва мавжудлик. Борлиқ тушунчасининг этимологияси.

Борлиқ ва йўқлик диалектикаси. Борлиқнинг шакллари: табиат борлиғини фалсафий тушуниш. Инсон борлиқнинг ўзига хос хусусиятлари. Маънавий борлиқ: индивидуаллаштирилган ва объективлаштирилган борлиқ. Ижтимоий борлиқ. Оламнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Ер тарихи. Инсоннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Бирламчи ва иккиламчи табиатнинг ўзаро муштараклиги. Тирик табиат ёки ҳаётнинг пайдо бўлиши. Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фалсафий оптимизм. Жонли нарсаларнинг жонсиз нарсаларга боғлиқлиги. Жонли нарсаларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Маъруза режаси (2 соат)

1. Онтология тушунчаси ва соф борлиқ ғояси.
2. Фалсафа тарихида борлиқ масаласи.
3. Борлиқ ва йўқлик диалектикаси.
4. Борлиқнинг шакллари.
5. Олам ва инсон пайдо бўлиши эволюцияси.
6. Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фалсафий оптимизм.

Мустақил иш

1. Борлиқнинг фалсафий таҳлили (кроссворд тайёрлаш).
2. Онтология фалсафий фан сифатида (Аристотелнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти таҳлил).
3. Борлиқ ва йўқлик чегараси (эссе).
4. Ҳаёт борлиғининг экзистенциал асоси (Хайдеггернинг «Время и Бытие» асари таҳлили).

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари кичик ва катта гуруҳларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотни олиб боришда замонавий педагогик технологиялар «Бумеранг», «Кластер», «Ақлий ҳужум», «Думалоқ стол» каби интерактив усуллардан фойдаланилади.

5-мавзу. Фалсафада субстанция ва материя муаммоси

Субстанция муаммоси. Субстанция ва субстрат тушунчаси. Фалсафа тарихида субстанцияга монистик, дуалистик, плюралистик ёндашувлар. Материалистик ва идеалистик монизм. Субстанциянинг назарий хусусиятлари: ўз-ўзини белгилаш (ўз-ўзининг сабабчиси ҳисобланади, уни яратиб ва йўқ қилиб бўлмайди);

– универсаллик (ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, барқарор, ўзгармас ва мутлақ биринчи негизни ифодалайди); – каузаллик (барча ҳодисаларнинг умумий сабабий боғлиқлигини ўз ичига олади); – ягоналик (биринчи негизнинг ягоналигини назарда тутади); – яхлитлик (моҳият ва мавжудликнинг бирлигини кўрсатади).

Материя шаклларининг турли туманлиги. Материянинг ташкил топиш дара-

жалари. Микро-, макро- ва мегаоламнинг тавсифи. Микрооламнинг хусусий жиҳатлари. Геоцентрик ва ногеоцентрик моддий тизимлар. Атрибутларнинг умумий мазмуни. Ноорганик, органик ва ижтимоий тизимлар. Дунёнинг яхлитлиги ва ранг-баранглиги. Дунё бирлигининг фундаментал асослари. Дунёнинг бирлиги ҳақидаги фан далиллари. Релятивистик космология. Оламнинг биринчи релятивистик модели. Кенгаювчи олам гипотезаси. Ҳаракатдаги олам гипотезаси.

Семинар режаси (2 соат)

1. Субстанция муаммосига турли ёндашувлар (монизм, дуализм, плюрализм).
2. Субстанция муаммосининг онтологик мазмуни.
3. Материя ҳақидаги тасаввурларнинг асосий босқичлари.
4. Геоцентрик ва ногеоцентрик тизимлар диалектикаси.
5. Дунёнинг бирлиги ва ранг-баранглиги.
6. Релятивистик космология. Оламнинг биринчи релятивистик модели.

Мустақил иш

1. Дунё бирлигининг назарий асослари (эссе).
2. Материянинг ташкил топиш даражалари (кроссворд тайёрлаш).
3. Материя ҳақидаги қарашлар тарихи (эссе).
4. Ҳозирги даврда материя концепциясига муносабат (тўгарақдаги муҳокама).
5. Механицизм материя ҳаракатининг мураккаб шаклларининг содда шакллари даражасига етказишга қаратилган ҳаракат (фрейдизм, биологизаторлик ва ҳоказо).

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари кичик ва катта гуруҳларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотни олиб боришда замонавий педагогик технологиялар «Бумеранг», «Кластер», «Ақлий ҳужум», «Думалоқ стол» каби интерактив усуллардан фойдаланилади. Кроссвордлар тайёрланади ва ечими топилади.

6-мавзу. Ҳаракат ва ривожланиш

Ҳаракат тушунчаси. Материя ва ҳаракат бирлиги. Қадимги фалсафа ҳаракат ва сокинлик ҳақида. Гераклитнинг абадий ҳаракат ва ривожланиш ғоялари. Платон ва Аристотелнинг ҳаракат мавжудлиги ҳақидаги ғоялари.

Н.Кузанский ҳаракатсиз марказнинг ва ҳаракатдаги ҳодисаларнинг мавжудлиги ҳақида. Сўфизм моддий объектлар ўзгарувчанлигининг сабаби ҳақида. (Ибн Арабий, Ғаззолий). XIX асргача жисмларнинг механик ўрин алмашинувини ҳаракат деб тушунишнинг сабаби. Ҳаракат, умуман, ҳар қандай ўзгариш.

Ҳаракатнинг абадийлиги. Ҳаракатнинг мутлақлиги ва сокинликнинг нисбийлиги. Объектларнинг барқарорлиги ва беқарорлиги диалектикаси. Нарсанинг сифатини сақлаш билан боғлик ҳаракат, нарса сифатини ўзгартирувчи ҳаракат. Ривожланиш тушунчаси. «Материя ҳаракатининг шакли» тушунчаси. Материянинг ҳаракат шаклларини таснифлаш тамойиллари. Материя ҳаракат шаклларининг сифат хусусияти ва ўзаро алоқаси. Ҳаракат шаклларини таснифлашнинг ҳозирги методологияси. Ривожланишнинг асосий ва иккинчи даражали йўналишлари. Материя ҳаракатининг асосий, хусусий ва комплекс шакллари. Ҳаракатнинг геологик шакли. Ҳаракатнинг техник, кибернетик, информацион шакллари.

Мустақил иш

1. Гераклитнинг ҳаракат ҳақидаги таълимотининг тарихий аҳамияти.
2. Зенон апориялари ҳаракатсизлик ҳақидаги таълимот.
3. Форобийнинг ҳаракат ҳақидаги қарашларининг таҳлили.

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари кичик ва катта гуруҳларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотни олиб боришда замонавий педагогик технологиялар «Суқротча баҳс», «Кластер», «Ақлий ҳужум», «Думалоқ стол» каби интерактив усуллардан фойдаланилади.

7-мавзу. Макон ва вақт

Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари. Фалсафа тарихи ва табиатшуносликда макон ва замонга нисбатан ёндашувларнинг ривожланиши. Макон ва вақтнинг субстанционал ҳамда реляцион концепциялари. Макон ва вақтнинг субъектив ҳамда априористик талқинлари. Макон ва вақтнинг микро-, макро- ва мегаоламдаги хусусиятлари. Нисбийлик назарияси. Маконнинг кўп ўлчовлиги. Ижтимоий макон. Ижтимоий вақт. Макон ва вақтнинг ҳаракатдаги материяга боғлиқлиги. Макон ва вақтнинг умумий хоссалари: объективлик, абадийлик, чексизлик ва ички зиддиятлилик. Макон – вақт континуумининг тўрт ўлчовлилиги. Макон ва вақтнинг объективлиги: ўрин ва ҳолат, давомлилик ва лаҳза. Макон ва вақтнинг метрик ва топологик хоссалари. Маконнинг уч ўлчовлилиги. Макон ва вақтнинг изотроплиги ва бир хиллилиги.

Семинар режаси (2 соат)

1. Фалсафа тарихи ва табиатшуносликда макон ва вақтга нисбатан турли ёндашувлар таҳлили.
2. Макон вақтнинг уч ўлчовлиги, кўп ўлчовлиги.
3. Макон ва вақтнинг умумий хоссалари.
4. Макон ва вақтнинг топологик ва метрик хоссалари, динамик ва статик концепциялари.

Мустақил иш

1. Макон ва вақтга доир фалсафий концепцияларни шаклланишининг аҳамияти.
2. Макон ва вақтни фалсафий англаш зарурати.
3. Б. Тўраевнинг «Пространство и время» асарининг таҳлили.

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари кичик ва катта гуруҳларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотни олиб боришда замонавий педагогик технологиялар «Суқротча баҳс», «Кластер», «Блиц», «Думалоқ стол» каби интерактив усуллардан фойдаланилади.

8-мавзу. Табиат фалсафаси

Табиат тушунчаси. Табиат тушунчасининг кенг ва тор маъноси. Фалсафа тарихида табиатга муносабат. Қадимги фалсафанинг космоцентристик характери. Микрокосмос ва макрокосмос ғоялари. Табиатни диний тушуниш. Табиатни тушунишда Уйғониш даврида дин ва фалсафа орасидаги зиддиятлар. Янги даврда табиатга экспериментал ёндашув. XX асрда табиатга кўр-кўрона муносабатнинг кучайиши. Табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги. XX аср воқелиги: экологик танглик. География муҳит тушунчаси. География муҳит параметрлари. Ижтимоий ривожланиш ва география муҳит. Табиий қонунлар концепцияси. География мактаблар: география детерминизм. Ижтимоий детерминизм. Геосиёсат. Ижтимоий экология. Экологик фалокатлар тарихи. Экологиянинг келиб чиқиши. Ижтимоий экология муаммолари. Экологик муаммонинг фалсафий маъноси. Биосфера. Ноосфера. Экологик онг тушунчаси. Инвайронментализм тушунчаси. Жонли ва жонсиз табиат тушунчаси. Жонли табиатни аниқлашнинг асосий мезонлари. Турли фалсафий йўналишларда ҳаёт тушунчасига муносабат.

Маъруза режаси (2 соат)

1. Табиат тушунчасининг кенг, тор ва махсус маънолари.
2. Фалсафа тарихида табиатга муносабат.
3. География муҳит, география муҳит параметрлари ва география мактаблар.
4. Экологиянинг келиб чиқиши. Экологик муаммонинг фалсафий таҳлили.

Мустақил иш

1. Ўзбекистонда «Экологик ҳаракат»нинг ижтимоий-сиёсий асослари.
2. Экологик муаммоларнинг интеграцияси ва унинг умумжаҳон доирасида ҳал қилиш йўллари.
3. Экологик онг ва экологик тарбиянинг муштараклиги (эссе).

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари кичик ва катта гуруҳларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотни олиб боришда замонавий педагогик технологиялар «Сукротча баҳс», «Кластер», «Блиц», «Думалоқ стол» каби интерактив усуллардан фойдаланилади. Экологик вазиятни огоҳ қилувчи мультимедиялардан фойдаланилади.

9-мавзу. Инсон борлиғи

Инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат. Жон ҳақидаги фалсафа. Индивидуаллик борлиғи. Онгнинг табиати. Онг ва жоннинг тенглаштирилиши. Онг ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши. Онгнинг структураси ва функциялари. Онгсизлик. Индивидуал онг борлиғи. Ижтимоий онг борлиғи. Иррационализм онг ҳақида. Онг бош мия функцияси сифатида. Онг фалсафий муаммо сифатида. Онгнинг материалистик концепцияси. Тил ва онг. Ўзликни англаш.

Инсон атрофидаги олам**.** Инсоннинг дунёдаги ўрни**.** Инсоннинг дунёдаги ўрни ҳақидаги тасаввурлар тарихи. Инсон Коинотда марказий ўринни эгаллашига бўлган ишончни вайрон қиладиган илмий дунёқарашнинг шаклланиши. XVII асрдан бошлаб Коинотда кўп сонли цивилизацияларнинг мавжудлиги ғояси янада ривожланиши. Инсоннинг Коинотдаги имкониятларига баҳо беришда таяниш мумкин бўлган баъзи бир муҳим шартлар. Антроп принцип. Ҳозирги вақтда инсон фан ва фалсафада яна табиатнинг ажралмас қисми.

Семинар режаси (2 соат)

1. Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат.
2 Онгнинг структураси ва функциялари.
3. Инсоннинг дунёдаги ўрни.
4. Антроп принципнинг намоён бўлиши сабаблари.

Мустақил иш

1. Инсон борлиғининг турли таъриф ва таснифи.
2. Замонавий фанда инсон муаммосининг ечими.
3. Инсоннинг дунёдаги ўрни ҳақидаги тасаввурлар тарихи.

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари кичик ва катта гуруҳларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотни олиб боришда замонавий педагогик технологиялар «Сукротча баҳс», «Кластер», «Блиц», «Думалоқ стол» каби интерактив усуллардан фойдаланилади.

III БЎЛИМ. РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАСИ

10-мавзу. Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари

Қонун тушунчасининг мазмуни. Қонун – тизимнинг элементлари ўртасидаги умумий ва инвариант алоқа. Қонунларнинг таснифи. Воқелик қонунлари. Фан қонунлари. Фалсафа қонунлари. Қонуннинг амал қилиш шароитлари. Базис қонунлар ва локал қонунлар. Қонуниятлар – бу қонунларнинг намоён бўлиш шарти.

Қарама-қаршиликларбирлиги ва кураши қонуни. Қарама-қаршиликларнинг қарши ҳаракат («кураш»)га доир муносабати. Зиддиятлар диалектикаси. Зиддиятларнинг турлари**.** Асосий ва иккинчи даражали зиддиятлар. Айният ва тафовут.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни. Сифат – ҳодисанинг унинг хоссалари ва субстрати билан белгиланувчи хусусияти. Хосса – предметнинг жиҳати бўлиб, унинг бошқа предметлардан фарқи ёки улар билан ўхшашлигини белгилайди ва улар билан ўзаро алоқа. Миқдор – нарса ёки жараённи тавсифловчи тўпламлар ва катталиклар йиғиндиси. икки асосий тури – кўпайиш ва камайиш. Меъёр – предмет борлиғининг чегараси сифатида. Сакраш – бу бир сифатнинг бошқа сифатга айланиш вақти.

Маъруза режаси (1-машғулот)

1. Қонун тушунчасининг тавсифи ва унинг турлари.
2. Қарама қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни. Айният ва тафовут. Зиддиятнинг турлари.
3. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни.
4. Инкорни-инкор қонуни.

Мустақил иш

1. Гегелнинг «Наука логика» асарининг таҳлили.
2. Кантнинг «Критика практического разума» асарининг таҳлили.

Ахборот-услубий таъминот

Семинар-дискуссия, «Бумеранг», «Блиц» каби интерактив методлари, ижодий танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. Слайдлардан фойдаланилади.

11-мавзу. Фалсафа категориялари

Категория тушунчаси ва унинг таснифи. Тушунча, фикр категориялар шаклланишининг омили. Фалсафа тарихида категорияларга муносабатнинг хилмахиллиги. Антик даврда категорияларнинг таснифи. Янги даврда категорияларга муносабат. Кант, Гегель, Шеллинг ижодида категорияларнинг таснифи. XX асрда

категорияларга муносабат. Категорияларнинг умумий хусусиятлари. Фан категориялари, хусусий илмий категориялар, фалсафа категориялари. Фалсафий категорияларининг уч муҳим гуруҳи. Диалектика категориялари. Субстанцион категориялар. Атрибутлар ва категориялар. Онтологик категориялар. Атрибутив моделни тузиш тамойиллари.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси. Ҳодисанинг атрибутлари: нарса ва жараён. Моҳият ва мавжудлик. Моҳият ва ҳодиса ўртасидаги диалектик алоқа. Мазмун ва шакл. Мазмун ва шаклнинг диалектикаси. Формализм. Фалсафа тарихида мазмун ва шакл категориясига муносабат. Бутун ва қисм. Қисмлар ўртасидаги алоқанинг хусусияти яхлитлик. Яхлитликнинг турлари: механик яхлитлик, ноорганик яхлитлик, органик яхлитлик. Бутуннинг уч типи: механик бутун, уюшган бутун, органик бутун. Система, элемент, структура. Системаларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Сабаб ва оқибат. Сабабият. Фалсафа тарихида сабаб ва оқибат тўғрисида хилма-хил қарашлар. Сабабий боғланишлар. Сабабларнинг турлари. Баҳона ва шарт. Синергетика сабабият ҳақида. Сабабий занжир. Сабаб ва оқибат ўртасидаги диалектик ўзаро алоқа.

Зарурият ва тасодиф. Зарурият ва тасодиф диалектикаси. Имконият ва воқелик. Имкониятларнинг турлари. Реал ва формал, абстракт ва муайян имкониятлар. Абстракт ва муайян имконият. Имконият воқеликка айланиши билан боғлиқ бўлган вазиятларнинг икки типи.

Семинар режаси (2 соат)

1. Категория тушунчаси ва унинг таърифи.
2. Фалсафа тарихида категорияларга муносабат.
3. Категорияларнинг таснифи.

Мустақил иш

1. Форобийнинг «Категориялар» ҳақидаги таълимотини Аристотель таълимоти билан қиёсий таҳлили.
2. Аристотель: борлиқнинг табиати ҳақидаги қарашларининг таҳлили.
3. Яратиш синергия сифатида.

Ахборот-услубий таъминот

Семинар-дискуссия, «Бумеранг», «Блиц» каби интерактив методлари, ижодий танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. Слайдлардан фойдаланилади.

IV БЎЛИМ. ГНОСЕОЛОГИЯ – БИЛИШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

12-мавзу. Гносеология – билиш фалсафаси

Билиш назарияси ҳақидаги умумий тушунча. Билиш назариясининг предмети. Билиш фалсафий таҳлилнинг предмети сифатида. Билиш инсон онгида берилган объектив реалликнинг инъикоси сифатида. Илмий билиш унинг моҳияти ва тузилиши. Аниқ ва аниқ бўлмаган билимлар муносабати. Билимларнинг асосий шакллари. Илмий билиш динамикаси. Кундалик ва назарий билим. Билишга фалсафий ёндашувнинг хусусияти. Агностицизм ва скептицизм. Билиш тараққиётининг умумий ва хусусий қонуниятлари. Билишнинг ички мантиқи. Ҳозирги замон билишининг хусусиятлари. Билишга таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллари. Билиш, тажриба, амалиёт.

Маъруза режаси (2 соат)

1. Билиш назариясининг предмети. Гносеологиянинг моҳияти ва мазмуни. Оптимизм. Скептицизм. Агностицизм.
2. Билимнинг асосий турлари ва шаклларининггг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ноилмий билим шакллари.

Мустақил иш

1. Абу Али ибн Синонинг «Ҳайй ибн Якзон» рисоласининг таҳлили.
2. Билиш шакллари бўйича кроссворд тайёрлаш.
3. Билишнинг назарий ва амалий аҳамияти (эссе).
4. Гносеология ва эпистемологиянинг фарқи ва ўзаро алоқадорлиги (эссе).

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари катта ва кичик гуруҳларга бўлиниб муҳокама қилинади. Шунингдек, «Кластер» ва бошқа шу каби янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилади.

13-мавзу. Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари

Ҳиссий даражадаги билим ва унинг шакллари: сезги ва идрок, хотира, хаёл ва тасаввур. Эмпирик билим ва унинг шакллари: кузатиш, эксперимент, илмий далиллар. Фикрнинг ҳиссийликдан рационалликка ҳаракати.

Назарий билим ва унинг шакллари: илмий муаммо, муаммо ва масала. Муаммоли вазиятнинг билиш жараёнидаги роли, гипотеза, тамойиллар, категориялар, парадигмалар.

Тафаккур ва унинг моҳияти. Тафаккур ва борлиқнинг бирлиги. Тафаккурнинг асосий шакллари: тушунча, мулоҳоза, хулоса.

Ҳиссий эмпирик ва рационал билиш бирлиги. Билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини фарқлаш мезонлари.

Интуиция ва ижод. Фалсафа тарихида интуицияга муносабат. Интуициянинг билишдаги роли.

Семинар режаси (2 соат)

1. Ҳиссий даражадаги билим ва унинг шакллари.
2. Эмпирик билим ва унинг шакллари.
3. Назарий билим ва унинг шакллари.
4. Тафаккур ва унинг моҳияти. Тафаккур ва борлиқнинг бирлиги.
5. Интуициянинг билишдаги роли.

Мустақил иш

1. Эмпирик ва рационал билишнинг ўзаро алоқдорлиги.
2. Ҳиссий билишнинг асосий шакллари ва даражалари.
3. Эмпирик ва назарий билишнинг диалектик табиати.

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари катта ва кичик гуруҳларга бўлиниб муҳокама қилинади. Шунингдек, «Кластер» ва бошқа шу каби янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилади.

14-мавзу. Фалсафада ҳақиқат муаммоси

Ҳақиқат тушунчаси. Фалсафа тарихида ҳақиқатга муносабат. Ҳақиқатнинг фалсафий асослари. Ҳақиқатнинг асосий шакллари. Объектив, мутлақ ва нисбий ҳақиқат. Ҳақиқатнинг корреспондент, когерент ва назарий концепцияси. Исботлаш ва рад этиш. Ҳақиқатни англашда эмоция, идеал, ирода, ишонч ва шубҳанинг роли. Верификация тамойили. Ҳақиқат ва янглишиш, ёлғон ва ёлғон ахборот (дезинформация). Ҳақиқатни амалий текширишнинг йўллари. Амалиёт ҳақиқат мезони. Ҳақиқатнинг зиддиятли характери. Ҳақиқатни баҳолаш мезонлари.

Маъруза режаси (2 соат)

1. Фалсафа тарихида ҳақиқатга муносабат.
2. Ҳақиқатнинг шакллари ва концепциялари.
3. Ҳақиқатни амалий текширишнинг йўллари.

Мустақил иш

1. Берунийнинг ҳақиқат ҳақидаги қарашларининг таҳлили.
2. Ҳақиқатнинг классик ва ноклассик хусусияти.

3. Ҳақиқат методи ва методологияси.
4. Амалиётнинг илмий мезони.

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари катта ва кичик гуруҳларга бўлиниб муҳокама қилинади. Шунингдек, «Кластер» ва бошқа шу каби янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилади.

15-мавзу. Назария ва амалиёт бирлиги

Амалиёт тушунчаси. Амалиёт фалсафаси. Фалсафа тарихида амалиётга турли муносабатлар. Билиш ва амалиётнинг ўзаро нисбати. Амалиётнинг таркибий қисмлари: мақсад, мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалари, амалий ҳаракат объектлари, ҳаракат натижаси. Амалиётнинг ижтимоий характери. Ижтимоий жараёнларда амалиётнинг ўзгарувчан характери. Амалиёт ва фаолиятнинг мутаносиблиги.

Мустақил иш

1. Назариянинг фан тараққиётидаги конструктив аҳамияти.
2. Назариянинг мақсад ва вазифалари.
3. Назария ва далилларнинг уйғунлиги.

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари катта ва кичик гуруҳларга бўлиниб муҳокама қилинади. Шунингдек, «Кластер» ва бошқа шу каби янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилади.

16-мавзу. Билиш методологияси: асосий тушунчалар

Метод ва методология тушунчаси. Метод ва методика. Методларнинг таснифи: фан методлари: формал, эмпирик, назарий тадқиқот, изоҳлаш. Фалсафа методлари: диалектика, метафизика, софистика, эклектика, синергетика. Объектив ва субъектив диалектика. Янги метефизика ва эски метафизика. Синергетиканинг асосий тамойиллари: бифуркация, флуктуация, диссипатив тизим, аттрактор. Умумилмий методлар, хусусий илмий методлар, фанлараро тадқиқот методлари. Ижтимоий гуманитар фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стадис, абдукция. Эвристика янги методологик тамойил.

Семинар режаси (2 соат)

1. Метод ва методология тушунчаси. Метод ва методика.

2. Методларнинг таснифи. Фалсафа методлари.
3. Синергетиканинг асосий тамойиллари.
4. Ҳозирги замон методологияси.

Мустақил иш

1. Метод ва методологиянинг фан тараққиётидаги ўрни.
2. Ижтимоий гуманитар фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Методларни таснифлашдаги турли ёндашувлар.
4. Кроссворд тайёрлаш.

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари катта ва кичик гуруҳларга бўлиниб муҳокама қилинади. Шунингдек, «Кластер» ва бошқа шу каби янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилади.

17-мавзу. Ахборотлашувнинг фалсафий асослари

Ахборот, ахборотлашган жамият, ахборот технологиялари тушунчаси. Ахборот ва информацион вазият. Информацион вазият элементлари. Ахборот субъекти ва объекти. Информациянинг бошқарув жараён билан алоқаси.

Ижтимоий ахборот. Ижтимоий-коммуникатив жараённинг асосий омили. Илмий ахборот. Илмий ахборот янги билим қабул қилиш шакли. Информатика. Информатизация.

Ахборот техникаси. Ахборот технологиялари. Жамиятнинг ахборотлашуви концепцияси. Ижтимоий жараёнлар ахборотлашувиниг ўзига хос жиҳатлари. Нанотехнологиялар. Ахборот инқилоби.

Семинар режаси (2 соат)

1. Информация ва билим информативлигининг таҳлили.
2. Ахборотлашган жамият назарияси.
3. Ахборот инқилоби.
4. Информация ва информацион вазият.
5. Илмий информациянинг билимни информативлиги даражасини оширишдаги роли.
6. Ижтимоий информатика.

Мустақил иш

1. Информациянинг билишдаги мақоми ва ижтимоий қиймати.
2. Информация ва билим.
3. Сунъий интеллект ва инсон.
4. Информацион таҳдид ва иммунитет.

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари катта ва кичик гуруҳларга бўлиниб муҳокама қилинади. Шунингдек, «Кластер» ва бошқа шу каби янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилади.

18-мавзу. Тушуниш ва тушунтириш

Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро нисбати. Фалсафа тарихида тушуниш масаласи. Герменевтик доиранинг моҳияти. Тушунишда маънони англашнинг аҳамияти. Тушунишда символнинг ўрни. Диалог ва семиотика тушуниш воситаси. Мазмунни тушуниш ва интерпретация. Тушуниш тушунмасликни бартараф қилувчи жараён. Онгли тушуниш ва онгсиз тушуниш. Тушуниш имконияти ва имкониятни тушуниш. Билиш ва тушунишда феномен муаммоси. Тушуниш феноменининг кўпқирралиги. Тушуниш рационалликнинг символик элементи.

Тушуниш ва тушунтиришнинг мутаносиблиги. Тушунтириш илмий билимни тушуниш шакли. Тушунтиришда субъект билимининг аҳамияти.

Мустақил иш

1. Изоҳлаш ва тушунтиришнинг герметевтик таҳлили.
2. Фалсафа ва фанда тушунтириш муаммоси.
3. Тушуниш ва тушунтиришнинг рационал ҳамда иррационал жиҳати.
4. Изоҳлашнинг интуитив хусусияти.

Ахборот-услубий таъминот

Талабаларни мустақил ишлари катта ва кичик гуруҳларга бўлиниб муҳокама қилинади. Шунингдек, «Кластер» ва бошқа шу каби янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилади.

V БЎЛИМ. ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФА

19-мавзу. Жамиятнинг фалсафий таҳлили

Жамият ҳақидаги асосий парадигмалар. Жамият ҳақидаги фалсафий таълимотлар тарихи. Жамият пайдо бўлишининг илмий асослари.

Жамиятнинг иқтисодий асослари. Ижтимоий ишлаб чиқариш тушунчаси. Моддий ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Мулк ва мулкчилик масаласи.

Жамиятнинг маънавий асослари. Информация ва коммуникация. Индивидуал ижтимоий онг. Ижтимоий онгнинг структураси. Ижтимоий психология. Мафкура ижтимоий онг элементи.

Жамиятнинг ижтимоий асослари. Ижтимоий жамоа ва гуруҳлар. Этник гуруҳлар. Табақалар ва синфлар. Ижтимоий ва сиёсий институтлар. Ҳудудий гуруҳлар. Ижтимоий макон.

Жамиятнинг сиёсий асослари. Жамиятнинг сиёсий тизими. Парламент республикаси. Президент республикаси. Федерация. Сиёсий тизимдаги партиялар, ташкилотлар, жамоа ташкилотлари. Сиёсат ва сиёсий онг.

Фуқаролик жамияти, сиёсий эркинлик, демокртия, фуқаролик уюшмалари, ижтимоий тартиб, фуқаролик жамиятида барқарорлик.

Жамият ҳаётига цивилизация таъсири. Цивилизация тушунчаси. Цивилизацияга турли ёндашувлар. Цивилизация типлари: Европа ва Шарқ цивилизацияси, либерал ва анъанавий цивилизация.

Маданият, унинг тузилиши ва функциялари. Маданиятлардаги умумийлик. Маданиятнинг субъекти. Маданий фаолият. Маданий коммуникация.

Маъруза режаси (2 соат)

1. Жамият ҳақидаги фалсафий таълимотлар тарихи. Жамият пайдо бўлишининг илмий асослари.
2. Жамиятнинг иқтисодий, маънавий, сиёсий ва ижтимоий асослари.
3. Жамият ҳаётига цивилизация таъсири, цивилизация типлари.
4. Маданият, унинг тузилиши ва функциялари.

Мустақил иш

1. Э.Тоффлернинг «Учинчи тўлқин» асари (конспект).
2. З.Бзежинскийнинг «Буюк шахмат доскаси» асарининг таҳлили.
3. Жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари (кроссворд).

Дарс ўтказишнинг услубий методик таъминоти

Ақлий ҳужум, блиц

20-мавзу. Тарих фалсафаси

Тарих фалсафасининг предмети, Тарих фалсафасига оид қарашлар эволюцияси. Тарих фалсафасининг тузилиши: тарих фалсафаси онтологияси, тарих фалсафаси гносеологияси, тарих фалсафаси тарихи. Тарих фалсафаси функциялари: дунёқарашга доир функцияси, назарий функцияси, прогностик функцияси. Тарих фалсафасининг ҳозирги концепциялари. Тарих фалсафасининг гносеологик йўналиши. Онтологик ва аксиологик концепциялар. Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси. Тарихга формацион ва цивилизацион ёндашувлар. Тарих фалсафасида тарихий тараққиёт ғояси. Тарихий тараққиёт мезонлари. Тарихий жараёнда зарурият ва эркинлик. Тарихий зарурият. Зарурият ва эркинлик диалектикаси. Тарихда шахснинг роли.

Семинар режаси (2 соат)

1. Тарих фалсафасининг предмети.
2. Тарих фалсафасининг тузилиши ва функциялари.
3. Тарих фалсафасининг ҳозирги концепциялари.
4. Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси.

Мустақил иш

1. Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси.
2. Тарихга формацион ва цивилизацион ёндашувлар.
3. Тарих фалсафасида тарихий тараққиёт ғояси.
4. Тарихий тараққиёт мезонлари.

Дарс ўтказишнинг услубий методик таъминоти
Аквариум, ақлий ҳужум

21-мавзу. Фалсафий антропология (Инсон ҳақидаги таълимот)

Инсон фалсафий муаммо сифатида. Фалсафа тарихида инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотлар. Инсонни фалсафий тушунишнинг ўзига хос хусусияти. Инсоннинг кўп ўлчовлиги. Шарқ фалсафасида инсон муаммоси. Инсон масаласида Ғарб анъанаси. Фалсафий антропологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Инсоннинг биоижтимоий моҳияти. Инсонни тушунишда дуализм ва монизм. Инсонга интровертив ва экстровертив ёндашувлар. Инсонга оид социоцентрик концепциялар. Инсон масаласига теоцентрик ёндашувлар. Инсонга нисбатан биологизаторлик ва социологизаторлик концепциялари. Ҳаётнинг мазмуни ва унда инсоннинг вазифаси. Ҳаётда инсоннинг вазифаси ва унинг моҳияти. Ҳаётни тарк этиш босқичлари: ижтимоий, руҳий, биологик ўлим, миянинг ўлими. Инсонни фалсафий нуқтаи назардан ўрганишнинг зарурати.

Маъруза режаси

1. Инсон фалсафий муаммо сифатида. Фалсафа тарихида инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотлар.
2. Инсонга нисбатан биологизаторлик ва социологизаторлик концепциялари.
3. Ҳаётда инсоннинг вазифаси ва унинг моҳияти.

Мустақил иш (2 соат)

1. Инсон космопланетар мавжудод (эссе).
2. Инсоннинг ҳаёти маъноси (кроссворд).
3. Инсоннинг биологик ва ижтимоий ўлимини фарқлаб беринг.

Дарс ўтказишнинг услубий методик таъминоти
Брейнсторминг, инсерт

22-мавзу Аксиология – қадриятлар фалсафаси

Қадрият тушунчаси ва унинг умумий тавсифи. Қадриятларнинг табиати ва моҳиятини тушунишга нисбатан ёндашувлар: натуралистик психологизм, персоналистик оптимизм, аксиологик трансцендентализм, маданий тарихий релятивизм, қадриятларнинг социологик концепцияси. Қадрият категориясининг мазмуни: қадриятнинг ижтимоий моҳияти. Қадриятнинг функционал аҳамияти. Қадриятнинг шахсга доир мазмуни. Қадриятлар ва баҳолар. Баҳолашнинг моҳияти. Баҳолаш структураси. Баҳолаш предмети. Баҳолаш субъекти. Баҳолаш асоси. Эҳтиёжлар ва қадриятлар. Қадриятларнинг турлари: моддий қадриятлар, маънавий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қадриятлар, индивидуал ёки шахсга доир қадриятлар. Жамият ва инсон ҳаётида қадриятларнинг роли. Олий қадриятлар. Соғлик ва эркинлик қадрият сифатида. Билим қадрият сифатида. Шахснинг қадриятларга муносабати. Қадриятлар иерархияси.

Семинар режаси (2 соат)

1. Қадрият тушунчаси ва унинг умумий тавсифи.
2. Қадрият категориясининг мазмуни.
3. Қадриятлар ва баҳолар. Баҳолашнинг моҳияти. Баҳолаш структураси.
4. Қадриятларнинг турлари.

Мустақил иш

1. Қадриятларга анъанавий ва замонавий ёндашувларнинг талқини (конспект).
2. Қадриятлар фалсафаси (кроссворд).
3. Ўзбекистонлик қадриятшунос олимларнинг ҳаёти ва ижоди (эссе).

Дарс ўтказишнинг услубий методик таъминоти

Кейс-стадис, портфолио

23-мавзу. Фаолият фалсафаси (Праксиология)

Фаолият тушунчаси. Фаолиятнинг социологик жиҳатлари. Психологияда фаолиятга муносабат. Фаолиятнинг тузилиши: эҳтиёжлар, мотивлар, мақсадлар, воситалар. Фаолият атрибутлари: моддийлик ва субъектлилик. Фаолиятни моддийлаштириш ва моддийлаштиришдан чиқариш. Фаолиятда онглилик ва мақсадга мувофиқлик. Фаолиятнинг унумлилиги. Моддий ва маънавий фаолият. Инсон фаолиятининг рамзий жиҳати. Мулоқот фаолият сифатида. Инсоннинг шаклланиши ва ривожланишида фаолиятнинг роли. Интериоризация тушунчаси. Интериоризация механизми. Интериоризация назариясининг танқиди Бегоналашув. Меҳнат ва ўйин фаолият бирлиги сифатида. Ўйин моделининг шартлилиги ва реаллиги. Ўйиннинг маъноси. Ижод. Ижод натижаларининг янгилиги. Ижодий ва ноижодий фаолият Ижодкор шахс. Ижод меҳнат ва ўйин сифатида. Инсон фаолиятини тартибга солишнинг аҳамияти. Фаолиятни тартибга солиш механизмлари.

Мустақил иш (2 соат)

1. Фаолиятнинг социологик жиҳатлари.
2. Психологияда фаолиятга муносабат.
3. Инсон фаолиятини тартибга солишнинг аҳамияти.
4. Фаолиятни тартибга солиш механизмлари Интериоризация тушунчаси ва интериоризация механизми.
5. Интериоризация назариясининг танқиди.
6. Меҳнат ва ўйин фаолият бирлиги сифатида. Ўйин моделининг шартлилиги ва реаллиги.

Дарс ўтказишнинг услубий методик таъминоти
Инсерт, бумеранг

24-мавзу. Ижтимоий прогнозлаштириш муаммоси

Ижтимоий прогнозлаштириш: турлари, типлари, методлари. Прогнозлаштиришнинг турлари: кундалик башорат, илмий башорат, ижтимоий башорат қилиш, интуитив башорат. Ижтимоий башоратнинг субъектив ва объектив асоси. Прогнозлаштиришнинг методлари: экстрополяция методи, тарихий аналогия, моделлаштириш методи, экспертиза усулида баҳолаш, келажакни прогнозлаштириш. Норматив прогноз, аналитик прогноз, прогноз огоҳлантириш. Прогнозлаштиришнинг ижтимоий жараёнларга таъсири. Келажакни прогнозлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Мустақил иш (2 соат)

1. Ижтимоий башорат тушунчаси, турлари, типлари, методлари.
2. Ижтимоий башоратнинг субъектив ва объектив асоси.
3. Келажакни прогнозлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Ижтимоий башоратнинг субъектив ва объектив асоси.
5. Ижтимоий башорат: турлари, типлари, методлари.
6. Прогнозлаштиришнинг ижтимоий жараёнларга таъсири.
7. Ижтимоий прогнозлаштириш муаммоси
8. Норматив прогноз ва прогноз огоҳлантириш.
9. Прогнозлаштиришнинг ижтимоий жараёнларга таъсири.
10. Келажакни прогнозлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Дарс ўтказишнинг услубий методик таъминоти
Кичик гуруҳларда иш, галерия бўйича тур

25-мавзу. Глобаллашув фалсафаси

Глобаллашув – янги фалсафий мавзу. Глобаллашув ходисаси. Глобалистика. Глобал жараёнларнинг куртаклари. Фундаментал глобаллашув. Серқирра глобал-

лашув. Глобал муаммолар глобаллашувнинг оқибати сифатида. Ижтимоий ривожланишнинг жадаллашувида глобал тенденцияларни англашнинг аҳамияти. Технооптимизм. Технопессимизм. Экопессимизм. Глобал муаммоларни ҳал қилишда фалсафанинг роли. Глобал муаммоларнинг моҳияти. Муаммоларнинг турли даражалари: хусусий, маҳаллий, минтақавий ва миллий муаммолар. Глобаллик мезонлари. Глобал муаммоларнинг классификацияси. Асосий глобал муаммолар тизими: демографик тизим, таълим муаммоси, соғлиқни сақлаш муаммоси, озиқ-овқат муаммоси, иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги, энергетика ва хом ашё ресурслари, уруш ва тинчлик муаммоси. Глобал онгни шакллантириш зарурати. Халқаро кучларнинг бирлашуви. Глобал муаммоларни ҳал қилишда хусусий ва умумий манфаатлар. Ахборот инқилоби.

Маъруза режаси (2 соат)

1. Глобаллашув – янги фалсафий мавзу.
2. Глобал муаммоларнинг моҳияти.
3. Глобал муаммоларнинг классификацияси. Асосий глобал муаммолар тизими.

Мустақил иш (2 соат)

1. Глобаллашувнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари.
2. Глобаллашув шаротида фалсафий тафаккурнинг тутган ўрни.
3. Глобаллашувнинг истиқболли йўналишлари
4. Глобал муаммоларнинг классификацияси.
5. Асосий глобал муаммолар тизими.
6. Глобал онгни шакллантириш зарурати.

Дарс ўтказишнинг услубий методик таъминоти

Т-схема, ақлий ҳужум

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган адабиёт ва ўқув қўлланмалар

Асосий

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1–19-жилдлар. Т. «Ўзбекистон», 1996–2011 й.й.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й.

3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: «Ўзбекистон», 2009 й.

4. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. Тошкент. «Ўзбекистон», 2009 й.

5. Каримов И.А. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан // Халқ сўзи. 2010 йил 22 сентябрь.

6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. Тошкент. «Ўзбекистон», 2010 й.

7. Каримов И.А. БМТ саммитининг «Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлис»идаги нутқ. –Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: «Ўзбекистон», 2011 й.

9. Каримов И.А. Буюк ва муқаддассан мустақил Ватан. Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза. –Т.: «Ўзбекистон», 2011 й.

10. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.

11. Лекторский В.А. Эпистемология классическая и неклассическая. Изд. 3. –М.: 2009 г.

12. Майоров Г.Г. Философия как искание Абсолюта: Опыты теоретические и исторические. Изд. 2. –М.: 2009 г.

13. Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. –Т.: «Ношир», 2011 й.

14. Ғарб фалсафаси. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.

15. Назаров Қ.Н. Билиш фалсафаси. –Т.: «Университет», 2005 й.

16. Falsafa. M.Ahmedova tahriri ostida –T.: O‘FMJ, 2006-y.

17. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й.

18. Шермухамедова Н. А. Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: «Университет», 2005 й.

19. Тўраев Б. Борлиқ фалсафаси. –Т.: 2011 й.

20. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. –Т.: «Академия», 2011 й.

Қўшимча

1. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004 й.

2. Философский энциклопедический словарь. –М.: 2001 г.

3. Форобий «Фозил одамлар шаҳри» –Т.: 1993 й.

4. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» –Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашриёти. 1997 й.

5. Брудный А.А. Пространство постижений. Бишкек. 1998 г.

6. Метлов В. Основание научного знания как проблема философии и методологии науки. –М.: 1987 г.

7. Швырев В.С. Анализ научного познания. –М.: 1988 г.

8. Тулмин С. Человеческое понимание. –М.: 1984 г.

9. Познание в социальном контексте. –М.: 1994 г.

10. Брудный А.А. Наука понимать. Бишкек. 1996 г.

11. Гусев С.С., Тульчинский Г.Л. Проблема понимания в философии. –М.: 1985 г.

Жорий, оралиқ назорат саволлари

1. Энергия ҳақида тасаввур.
2. «Куч» – XVII асрнинг етакчи тушунчаси.
3. Куч – нарсаларнинг ўзгариш манбаи.
4. Энергиянинг таърифи.
5. Энергетизм ва Оламнинг иссиқликдан ўлиш концепциясининг танқиди.
6. Руҳий энергиянинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Энергия турларининг ҳозирги типологияси.
8. Энергиянинг хоссалари.
9. Тафаккур ва тасаввур энергияси.
10. Энергия ва ёвузлик муаммоси.
11. Олий энергия билан муомала қилиш муаммоси.
12. Энергетизм материянинг ҳаракатдан ажралганлиги Еқmc2.
13. Коэволюция муаммоси.
14. Ҳаракат тушунчаси. Материя ва ҳаракат бирлиги.
15. Қадимги фалсафа ҳаракат ва сокинлик ҳақида. Гераклитнинг абадий ҳаракат ва ривожланиш ғоялари. Платон ва Аристотелнинг ҳаракат мавжудлиги ҳақидаги ғоялари.
16. Н.Кузанский ҳаракатсиз марказнинг ва ҳаракатдаги ҳодисаларнинг мавжудлиги ҳақида.
17. Сўфизм моддий объектлар ўзгарувчанлигининг сабаби ҳақида. (Ибн Арабий, Ғаззолий).
18. XIX асргача жисмларнинг механик ўрин алмашинувини ҳаракат деб тушунишнинг сабаби.
19. Ҳаракатнинг мутлақлиги ва сокинликнинг нисбийлиги.
20. Нарсанинг сифатини сақлаш билан боғлиқ ҳаракат, нарса сифатини ўзгартирувчи ҳаракат.
21. Ривожланиш тушунчаси.
22. Ҳаракат шаклларини таснифлашнинг ҳозирги методологияси.
23. Ривожланишнинг асосий ва иккинчи даражали йўналишлари.
24. Материя ҳаракатининг асосий, хусусий ва комплекс шакллари.
25. Ҳаракатнинг геологик шакли.
26. Ҳаракатнинг техник, кибернетик, информацион шакллари.
27. «Материя ҳаракатининг шакли» тушунчаси.
28. Фалсафада онг муаммоси.
29. Онг шакллари.
30. Ҳозирги замон фани онгнинг пайдо бўлиши ҳақида.
31. Космосда «қора туйнук» ҳодисаси.
32. Табиатни диний тушуниш.
33. Синергетикада ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашуви ғояси.
34. Фалсафа ва фан ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақида.
35. Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги диний таълимот.
36. Материя тузилишининг ижтимоий даражаси ва унинг жонли табиатга таъсири.

37. Ноосфера – планетадаги янги геологик ҳодиса.

38. Биосфера, ноосфера ва цивилизациянинг ўзаро мутаносиблиги.

39. Биосфера ва инсоннинг бирлиги.

40. Торсион майдонлар тушунчасининг таснифи.

41. Универсал космик голограмма концепцияси.

42. Аномал ҳодисаларни ахборот-энергия (АЭ) алмашинуви асосида тушунтиришга уриниш.

43. «Биоинформатика» тушунчаси.

44. Ўзаро таъсирларнинг намоён бўлиш шакллари.

45. Информацион ўзаро таъсир ҳақида.

46. Инсон–Ер–Коинот учлигига хос ўзаро таъсирлар.

47. Информацион майдон типлари.

48. География мактабларнинг асосий ғоялари.

49. География муҳит ва география муҳит параметрлари тушунчалари.

50. Антроп тамойилнинг моҳияти.

51. Инвайронментализм тушунчаси.

52. Билиш тушунчаси. Фалсафада билиш муаммоси.

53. Билишнинг объекти, субъекти ва предмети масалалари.

54. Ҳиссий билиш ва унинг шакллари.

55. Мантиқий билиш ва унинг шакллари.

56. Билишнинг шакллари ва уларнинг моҳияти.

57. Билишнинг даражалари ва босқичлари.

58. Илмий билиш ва унинг шакллари.

59. Ижтимоий билиш.

60. Амалиёт тушунчасининг фалсафий мазмуни.

61. Амалиёт турлари.

62. Ҳақиқат тушунчаси.

63. Ҳақиқатнинг объективлиги, конкретлиги, нисбийлиги ва абсолютлиги.

64. Ҳақиқатнинг мезони ҳақидаги қарашлар.

65. Қадимги Шарқ фалсафасида онг ва билиш ҳақидаги қарашлар.

66. Ф.Аквинскийнинг билиш ҳақидаги қарашлари.

67. У.Оккам фалсафасида билиш муаммолари.

68. И.Кантнинг билиш назарияси («Нарса ўзида» тушунчасининг мазмуни).

69. Миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонунининг моҳияти.

70. Декарт рационализми.

71. Бэконнинг индуктив илмий билиш методи.

72. Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти ва унинг истиқболлари масаласи.

73. Метод ва методология тушунчаси.

74. Диалектиканинг муқобил йўналишлари (эклектика, софистика, метафизика, танқидий рефлекторлик).

75. Метафизика – фалсафий метод сифатида.

76. Герменевтика – методининг ўзига хослиги.

77. Синергетика – ўз-ўзини ташкил этиш методи.

78. Руҳий таҳлил фалсафаси.

79. Илмий билишнинг энг умумий методи.

80. Илмий билишнинг назарий босқичига оид энг умумий илмий билиш методи.

81. Илмий билишнинг амалий босқичига оид энг умумий илмий билиш методи.

82. Илмий билиш методларини туркумлаштириш тамойиллари.

83. Илмий билиш методи тушунчаси ва унинг шакллари.

84. Янги давр фалсафасида методологик концепциялар.

85. Инсон тушунчасининг фалсафий таҳлили.

86. Инсоннинг биологик-физиологик, ижтимоий руҳий бирлиги масаласи.

87. Инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги Ч.Дарвин ва В.Бехтерева назарияси.

88. Инсоннинг келиб чиқиши ҳақида диний, фалсафий қарашлар.

89. Инсоннинг ҳаёти, ўлими ва ҳаётининг мазмуни тушунчасининг фалсафий таҳлили.

90. Шахс эркинлиги.

91. Шахс ва демократия.

92. Шахс, инсон ва индивид тушунчалари.

93. Шахс сифатларини белгиловчи мезонлар (ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик ва бошқалар).

94. Қадимги давр Шарқ фалсафасида инсон ҳақидаги қарашлар.

95. Форобийнинг инсон ва жамият ҳақидаги қарашлари.

96. А.Навоийнинг фалсафий қарашларида «Комил инсон» ғоясининг илгари сурилиши.

97. Антик давр юнон фалсафасида инсоннинг моҳияти масаласи.

98. Янги давр фалсафасида инсон тушунчаси.

99. Тасаввуф фалсафасида «Комил инсон» ғояси.

100. Ўзбекистонда демографик, этник, диний муносабатларнинг фалсафий масалалари.

101. «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» ғоясининг фалсафий мазмуни.

102. Илмий билиш динамикаси.

103. Билиш назариясининг моҳияти.

104. Назария илмий билимни ташкил қилиш шакли сифатида.

105. Илмий метод муаммоси.

106. Билишда ижоднинг роли.

107. Тушуниш имконияти.

108. Эмпирик ва назарий билим диалектикаси.

109. Фалсафий тушуниш муаммоси.

110. Ҳақиқат ва янглишиш.

111. Билишда амалиётнинг роли.

112. Амалиёт ҳақиқатнинг мезони сифатида.

113. Илмий-тадқиқот методлари.

114. Кантнинг трансцендентал фалсафаси (Кантнинг соф ақлни танқид асари).

115. Ижтимоий билиш диалектикаси.

116. Ибн Арабий гносеологияси.

117. Фома Аквинский гносеологияси.

118. Постпозивитизмда гносеология муаммоси.
119. Герменевтика ва гуманитар билим.
120. Илмий билиш идеаллари ва нормалари.
121. Билишнинг ижтимоий маънавий асослари.
122. Дунёнинг илмий манзараси шаклланишининг асосий хусусиятлари.
123. Дунёнинг илмий манзараси эволюцияси.
124. Ўз-ўзини англаш ва илмий ижод.
125. Илмий билиш методологияси.
126. Билишнинг когнитив ва ижтимоий маданий жиҳатлари.
127. XXI асрда фан тараққиёти.
128. Фаннинг ва илмий билишнинг қадриятли жиҳатлари.
129. Аниқ ва аниқ бўлмаган билиш муносабати (М.Поланининг шахсий билим асари).
130. К.Поппер ижтимоий фанлар методлари ҳақида (К.Попперning «Очиқ жамият ва унинг душманлари» асари).
131. Агностицизмнинг баъзи хусусиятлари (Кант таълимоти асосида).
132. Ўрта Осиё билиш назарияси.
133. Ибн Сино билиш назарияси.
134. Сўфизм гносеологиясида субъект ва объект муаммоси.
135. Ғиждувоний гносеологияси.
136. Дунёқараш тушунчаси, унинг тарихий шакллари.
137. Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти.
138. Дунёқараш тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни.
139. Мифологик ва диний дунёқарашнинг генезиси.

Якуний назорат саволлари

1. Фалсафанинг фанлар тизимидаги ўрни ва асосий функциялари.
2. Диалектиканинг тарихий шакллари ва хусусиятлари.
3. Стихияли диалектика.
4. Идеалистик диалектика.
5. Материалистик диалектика.
6. Классик диалектика.
7. Объектив ва субъектив диалектика.
8. Ноклассик диалектика. Фожеий диалектика. Диалектик теология ёки «инқироз теологияси». Салбий диалектика.
9. Диалектиканинг муқобиллари. Метафизика.
10. Диалектика ва метафизикаривожланишнинг икки концепцияси ва билишнинг икки методи сифатида.
11. Догматизм. Релятивизм. Софистика. Эклектика.
12. Синергетика. Бифуркация, флуктуациялар.
13. Ўзини ўзи ташкил этувчи жараёнларга диалектик зиддиятлар.
14. Беқарорлик ва барқарорлик, тартибсизлик ва тартиблилик.
15. Умумий ўзаро алоқа ва ривожланишнинг диалектик тамойиллари.
16. Нарса тушунчасининг мазмуни.

17. Алоқа тушунчасининг моҳияти.

18. Алоқаларни таснифи.

19. Ўзаро алоқа. Ўзаро алоқани тушуниш – умуман объектни тушуниш сифатида.

20. Алоқа учун асос, муносабат ва ўзаро таъсир тушунчалари.

21. Алоқанинг объективлиги, алоқанинг муҳимлиги, алоқанинг муҳимлиги, алоқанинг барқарорлиги, алоқанинг умумийлиги.

22. Барқарорлик ва беракорлик диалектикаси.

23. Фалсафа тарихида борлиқнинг барқарорлиги ва беқарорлиги ҳақидаги қарашлар эволюцияси.

24. Ҳозирги замон фанида борлиқнинг беқарорлиги ҳақидаги билимларнинг ортиб бориши.

25. Оламнинг тартиблилиги ва тартибсизлиги. Қонун ва хаос.

26. Қадимги мифологик, диний фалсафий қарашларда дастлабки тартибсизлик хаоснинг мавжудлиги ҳақидаги ғоя.

27. Форобий биринчи мавжуддан келиб чиққан борлиқ тартиби ҳақида.

28. Ҳозирги замон фани протонометрия ҳақида. Квантлар назарияси элементар зарраларнинг бетартиблиги ҳақида.

29. Тартибланиш тушунчаси «Хаос» тушунчасининг қарама-қаршиси. Синергетикада тартибсизликдан тартибланиш ғоясининг илгари сурилиши. Ўз-ўзидан ташкиллашув тартибланиш асоси.

30. Қонун тушунчасининг мазмуни. Қонунларнинг таснифи.

31. Воқелик қонунлари. Фан қонунлари. Фалсафа қонунлари Қонуннинг амал қилиш шароитлари.

32. Базис қонунлар ва локал қонунлар.

33. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни.

34. Қарама-қаршиликларнинг қарши ҳаракат («кураш»)га доир муносабати.

35. Зиддиятлар диалектикаси. Зиддиятларнинг турлари.

36. Айният ва тафовут.

37. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни.

38. Сифат ва хосса моҳияти.

39. Миқдор ва меъёр диалектикаси.

40. Сакрашнинг хусусияти.

41. Инкорни-инкор. Инкорни-инкорда ворисийлик.

42. Метафизик «инкор» Диалектик инкор.

43. Ривожланиш қонунларининг умумий жиҳатлари.

44. Категория тушунчаси ва унинг таснифи.

45. Тушунча, фикр категориялар шаклланишининг омили.

46. Фалсафа тарихида категорияларга муносабатнинг хилма-хиллиги. Антик даврда категорияларнинг таснифи.

47. Янги даврда категорияларга муносабат.

48. Кант, Гегель, Шеллинг ижодида категорияларнинг таснифи.

48. XX асрда категорияларга муносабат.

50. Категорияларнинг умумий хусусиятлари.

51. Фан категориялари, хусусий илмий категориялар, фалсафа категориялари.

52. Фалсафий категорияларининг уч муҳим гуруҳи.

53. Диалектика категориялари. Субстанцион категориялар.

54. Атрибутлар ва категориялар.

55. Онтологик категориялар.

56. Атрибутив моделни тузиш тамойиллари.

57. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси.

58. Ҳодисанинг атрибутлари: нарса ва жараён.

59. Моҳият ва мавжудлик.

60. Моҳият ва ҳодиса ўртасидаги диалектик алоқа.

61. Мазмун ва шакл.

62. Мазмун ва шаклнинг диалектикаси.

63. Формализм.

64. Фалсафа тарихида мазмун ва шакл категориясига муносабат.

65. Бутун ва қисм. Қисмлар ўртасидаги алоқанинг хусусияти яхлитлик. Яхлитликнинг турлари: механик яхлитлик, ноорганик яхлитлик, органик яхлитлик.

66. Бутуннинг уч типи: механик бутун, уюшган бутун, органик бутун. Система, элемент, структура. Системаларнинг ўзига хос хусусиятлари.

67. Сабаб ва оқибат. Сабабият.

68. Фалсафа тарихида сабаб ва оқибат тўғрисида хилма-хил қарашлар. Сабабий боғланишлар.

69. Сабабларнинг турлари.

70. Баҳона ва шарт.

71. Синергетика сабабият ҳақида.

72. Сабабий занжир.

73. Сабаб ва оқибат ўртасидаги диалектик ўзаро алоқа.

74. Зарурият ва тасодиф.

75. Зарурият ва тасодиф диалектикаси.

76. Имконият ва воқелик.

77. Имкониятларнинг турлари.

78. Имконият воқеликка айланиши билан боғлиқ бўлган вазиятларнинг икки типи.

79. Антик фалсафадаги натуралистик онтология.

80. Фалсафада борлиқ категорияси.

81. Р.Декарт, Д.Беркли ва Г.Лейбниц таълимотида борлиқ ва онгнинг ўзаро мутаносиблиги муаммоси.

82. Ҳозирги замон фани материя ҳақида.

83. И.Ньютоннинг классик механикаси ва атомизм ғояси.

84. Демокрит ва И.Ньютоннинг субстанционал ва Аристотель–Лейбницнинг реляцион концепцияси.

85. Макон ва вақтнинг ҳаракатдаги материяга боғлиқлиги.

86. Макон – вақт континуумининг тўрт ўлчовлилиги.

87. Макон ва вақтнинг метрик ва типологик хоссалари.

88. Макон ва вақтнинг динамик ва статик концепциялари.

89. Макон ва вақт ҳақидаги субстанционал ва реляцион концепциялар.

90. Ижтимоий макон ва ижтимоий вақт тушунчаларининг мазмуни.

91. Ноосфера тушунчаси ва унинг фалсафа ва фан учун аҳамияти.

92. Ижтимоий борлиқнинг диний талқини.
93. Борлиқ ва йўқлик диалектикаси.
94. Виртуал борлиқ муаммоси.
95. Борлиқнинг шакллари.
96. Ижтимоий борлиқнинг ўзига хос хусусиятлари.
97. Маънавий борлиқнинг ўзига хос хусусиятлари.
98. Материянинг ташкил топиш даражалари.
99. Материя ҳақидаги таълимотларниг асосий босқичлари.
100. Материянинг субстанционал, атрибутив, онтологик концепциялари.
101. Соф борлиқ ғояси.
102. Субстанция ҳақидаги таълимот.
103. Субстанциянинг ўзига хос хусусиятлари.
104. Интенсив ва экстенсив чексизлик.
105. И.Кантнинг космологик антиномиялари ва уларнинг ҳозирги талқини.
106. Оламнинг чексизлиги ғоясининг фалсафий асослари.
107. Релятивистик космологияда оламнинг чексизлиги муаммоси.
108. Оламнинг космологик моделлари.
109. «Чеклилик» ва «чексизлик» – фалсафий категориялар сифатида.
110. Муайянлик ва чегара чеклиликнинг энг муҳим жиҳатлари. Чеклилик ва ҳаракатнинг ўзаро нисбати.
111. Чеклилик ва чексизлик диалектикаси.
112. Актуал ва потенциал чексизлик.
113. Энергия ҳақида тасаввур.
114. «Куч» – XVII асрнинг етакчи тушунчаси.
115. Куч – нарсаларнинг ўзгариш манбаи.
116. Энергиянинг таърифи.
117. Энергетизм ва Оламнинг иссиқликдан ўлиш концепциясининг танқиди.
118. Руҳий энергиянинг ўзига хос хусусиятлари.
119. Энергия турларининг ҳозирги типологияси.
120. Энергиянинг хоссалари.
121. Тафаккур ва тасаввур энергияси.
122. Энергия ва ёвузлик муаммоси.
123. Олий энергия билан муомала қилиш муаммоси.
124. Энергетизм материянинг ҳаракатдан ажралганлиги Eқmc2.
125. Коэволюция муаммоси.
126. Ҳаракат тушунчаси. Материя ва ҳаракат бирлиги.
127. Қадимги фалсафа ҳаракат ва сокинлик ҳақида. Гераклитнинг абадий ҳаракат ва ривожланиш ғоялари. Платон ва Аристотелнинг ҳаракат мавжудлиги ҳақидаги ғоялари.
128. Н.Кузанский ҳаракатсиз марказнинг ва ҳаракатдаги ҳодисаларнинг мавжудлиги ҳақида.
129. Сўфизм моддий объектлар ўзгарувчанлигининг сабаби ҳақида. (Ибн Арабий, Ғаззолий).
130. XIX асргача жисмларнинг механик ўрин алмашинувини ҳаракат деб тушунишнинг сабаби.
131. Ҳаракатнинг мутлақлиги ва сокинликнинг нисбийлиги.

132. Нарсанинг сифатини сақлаш билан боғлиқ ҳаракат, нарса сифатини ўзгартирувчи ҳаракат.

133. Ривожланиш тушунчаси.

134. Ҳаракат шаклларини таснифлашнинг ҳозирги методологияси.

135. Ривожланишнинг асосий ва иккинчи даражали йўналишлари.

136. Материя ҳаракатининг асосий, хусусий ва комплекс шакллари.

137. Ҳаракатнинг геологик шакли.

138. Ҳаракатнинг техник, кибернетик, информацион шакллари.

139. «Материя ҳаракатининг шакли» тушунчаси.

140. Фалсафада онг муаммоси.

141. Онг шакллари.

134. Ҳозирги замон фани онгнинг пайдо бўлиши ҳақида.

143. Космосда «қора туйнук» ҳодисаси.

144. Табиатни диний тушуниш.

145. Синергетикада ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашуви ғояси.

146. Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги диний таълимот.

147. Материя тузилишининг ижтимоий даражаси ва унинг жонли табиатга таъсири.

148. Ноосфера – планетадаги янги геологик ҳодиса.

149. Биосфера, ноосфера ва цивилизациянинг ўзаро мутаносиблиги.

150. Биосфера ва инсоннинг бирлиги.

151. Торсион майдонлар тушунчасининг таснифи.

152. Универсал космик голограмма концепцияси.

153. Аномал ҳодисаларни ахборот-энергия (АЭ) алмашинуви асосида тушунтиришга уриниш.

154. Ўзаро таъсирларнинг намоён бўлиш шакллари.

155. Инсон–Ер–Коинот учлигига хос ўзаро таъсирлар.

Мустақил иш мавзулари

1. Фейербах таълимотида тафаккур ва борлиқ бирлиги.
2. Декарт рационализми (Декартнинг «Метод ҳақидаги мулоҳазалар асари).
3. Герменевтика ва ҳозирги замон.
4. Гносеология ва онтологиянинг ўзаро алоқадорлиги.
5. Эмпириядан назарияга ўтиш гносеологик таҳлили.
6. Муаммоли вазият пайдо бўлишининг объектив асослари.
7. Муаммо ва муаммоли вазият муносабати.
8. Назарияни яратишнинг асосий шакллари.
9. Ҳақиқат ривожланишининг зиддиятли характери.
10. Ҳақиқат субъектив фаолият предмети сифатида.
11. Ҳақиқат ва бақо.
12. Илмий билишда назарияни асослаш муаммоси.
13. Илмий билишда далилларнинг роли.
14. Билиш ва тажриба.
15. Илмий билишда изланишнинг роли.
16. Тушуниш санъати.

17. Эмпирик билиш методлари.
18. Рационал билиш методлари.
19. Моделлаштиришнинг назарий асослари.
20. Билишда системали ёндашувнинг роли.
21. Илмий билиш методларини классификацияси.
22. Эмпирик ва рационал билиш муносабати.
23. Дунёнинг илмий манзараси шаклланишининг механизмлари.
24. Ҳозирги замон дунёнинг илмий манзараси.
25. Дунёнинг механик манзарасининг хусусиятлари.
26. Дунёнинг илмий манзараси эволюцияси.
27. Дунёнинг илмий-манзараси илмий дунёқарашнинг рационал компоненти сифатида.
28. Эгоистик билим (Докинза концепцияси).
29. Дунёнинг илмий манзараси ва тафаккур услуби.
30. Технологик дунё маданиятида фан.
31. Фаннинг фалсафий асослари.
32. Амалиёт билишнинг мақсади сифатида.
33. Борлиқ муаммоси ва унинг фалсафий таҳлили.
34. Табиатнинг фалсафий талқини. Биосфера ва ноосфера тушунчалари.
35. Материя тушунчаси. Унинг хусусиятлари ва намоён бўлиш шакллари.
36. Ҳаракат тушунчасининг фалсафий талқини.
37. Фазо тушунчасининг фалсафий мазмуни.
38. Вақт тушунчасининг фалсафий мазмуни.
39. Маънавий борлиқнинг ўзига хослиги ва унинг шакллари.
40. Қадимги Ҳиндистонда фалсафий қарашларнинг пайдо бўлиши.
41. Қадимги Хитойда фалсафий қарашларнинг юзага келиши.
42. Марказий Осиёда илк фалсафий фикрларнинг юзага келиши.
43. Қадимги юнон фалсафасида содда материалистик қарашлар.
44. Гераклит фалсафасида содда диалектик қарашларнинг ифодаланиши.
45. Фалсафада қонун ва қонуният тушунчаси.
46. Қонунларнинг хилма-хиллиги ва уларни таснифлаш тамойили.
47. Миқдор ўзгаришидан сифат ўзгаришига ўтиш қонунининг моҳияти.
48. Инкорни-инкор қонуни. Тараққиётда ворислик масаласи.
49. Категориялар борлиқнинг алоҳида ўзига хос тушунчалари сифатида.
50. Моҳият ва ҳодиса, зарурат ва тасодиф категориялари.
51. Мазмун ва шакл, имконият ва воқелик категориясининг моҳияти.
52. Структура, элемент ва система категориялари ўртасидаги ўзаро муносабат.
53. Тасаввуф фалсафасида моддий ва маънавий борлиқ муносабатлари.
54. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний ва Ибн Сино фалсафасидаги табиий-илмий қарашлар моҳияти.
55. Номинализм фалсафасининг муҳим хусусияти (Иоанн Расцелин, Уильям Оккам таълимоти).
56. Реализм фалсафаси (Иоанн Эруген Скот ва Ф.Аквинскийнинг қарашлари).
57. Немис классик фалсафасида борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари.

58. Инъикос ва нотирик табиатдаги инъикос.
59. Онг тушунчаси ва унинг вужудга келишида ижтимоий омилларнинг роли.
60. Ижтимоий онг тушунчаси ва унинг шакллари.
61. Тафаккур борлиқни англашнинг олий шакли.
62. Инсон қалби, эътиқоди учун курашда фалсафа фанининг аҳамияти.
63. Фалсафий билимларнинг асосий йўналишлари.
64. Фалсафа ва истиқлол мафкурасининг ўзаро мутаносиблиги.
65. Инсоният фалсафий дунёқарашининг ўзгариш диалектикаси.
66. Жаҳон цивилизациясининг бир бутунлиги ва ранг-баранглиги.
67. Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий асослари.
68. Мустақиллик фалсафаси.
69. И.А.Каримов асарларининг фалсафага янгича ёндашувдаги ўрни ва аҳамияти.
70. Марказий Осиёдаги энг қадамги фалсафий қарашлар.
71. «Авесто» – миллий маънавиятнинг энг қадимги манбаси.
72. Улуғбек – ўрта аср маданиятининг атоқли вакили.
73. А.Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
74. Темурийлар даври ва ўрта асрлар фалсафасини ўрганишнинг аҳамияти.
75. Ўрта асрларда Европа маданияти.
76. Ренессанс даври фалсафий тафаккури.
77. Италия фалсафаси: Ж.Бруно, Н.Коперник.
78. Ф.Бэкон – эмпиризм асосчиси.
79. Т.Гоббс таълимотида илмий билиш муаммоси.
80. Р.Декарт – рационализм асосчиси.
81. Кантнинг дунёни фалсафий англаш ҳақидаги таълимоти.
82. В.Гегель – немис фалсафасининг йирик намояндаси.
83. Мирзо Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
84. Бобараҳим Машрабнинг фалсафий қарашлари.
85. Ҳозирги замон фалсафасидаги ворислик ва янгиланиш жараёни.
86. И.Каримов – Ўзбекистонда истиқлол даври фалсафасининг асосчиси.
87. Позитивизм фалсафаси.
88. О.Конт, Д.С.Милль, Г.Спенсернинг қарашлари.
89. Неопозитивизм ва пастпозитивизм ғоялари.
90. Ф.Ницшенинг фалсафий қарашлари.
91. Ҳаёт фалсафаси.
92. А.Бергсон ва О.Шпенглер фалсафий таълимоти.
93. Прагматизм фалсафаси.
94. Ч.Пирс, У.Жеймс, Ж.Дьюиннинг фалсафий қарашлари.
95. Экзистенциализм фалсафаси.
96. Ғарб мамлакатларида жамият фалсафаси, П.Сорокин ва Ғарб социологияси.
97. XX аср фалсафасида миллийлик ва умуминсонийлик.
98. Онтология – борлиқ фалсафаси.
99. Табиат тушунчасининг фалсафий мазмуни.

I БЎЛИМ. ФАЛСАФАНИНГ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШИ

ФАЛСАФА: УНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза. Фалсафа: унинг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли
Маъруза режаси	1. Фалсафа тушунчасининг келиб чиқиши. 2. Дунёқарашнинг моҳияти ва тузилиши. Дунёқарашнинг тарихий шакллари. 3. Фалсафанинг предмети ва асосий мазмуни. Фалсафа ва фаннинг мутаносиблиги ва фарқи.
Машғулотнинг мақсади: Фалсафа тушунчасининг шаклланиши, дунёқарашнинг моҳияти, тузилиши, тарихий шакллари, асосий функциялари ҳамда унда шахснинг роли тўғрисида тушунча бериш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Фалсафа тушунчаси, фалсафанинг предмети ва асосий мазмуни ҳақида тушунча бериш.	Фалсафа тушунчаси пайдо бўлиш жараёни, унинг предмети ва асосий мазмуни, нималардан иборат эканлиги ҳақидаги билим ва кўникмалар ҳосил қилинади.
Дунёқарашнинг моҳияти, дунёқарашнинг тарихий тузилиши ҳақида маълумот бериш, унинг назарий ва методологик аҳамиятини ёритиш.	Дунёқарашнинг нима ҳамда унинг моҳияти моҳияти тузилиши, дунёқарашнинг тарихий тузилиши, фалсафий билимлар эволюцияси ва генезиси ҳақида тасаввурга эга бўлинади.
Фалсафа ва фаннинг мутаносиблиги ва фарқини тадқиқ этишни ёритиш.	Фалсафа ва фаннинг мутаносиблиги ва фарқи ҳақида тасаввур ҳосил қилинади.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Машғулот якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Фалсафа нима?», «Диний дунёқарашнинг функциялари» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир саволнинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Фалсафа тушунчаси нима. Фалсафанинг предмети ва асосий мазмуни изоҳлаб беринг? 2. Дунёқарашнинг моҳиятини очиб беринг. Дунёқарашнинг шаклларини тушунтиринг? 3. Фалсафа ва фаннинг мутаносиблигини ва фарқини тушунтиринг?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Дунёқараш шаклларини бир-бири билан боғлиқлигини очиб беринг», «Фалсафа ва фан ўзаро боғлиқми мисоллар билан тушунтиринг», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

«Фалсафа» тушунчасининг келиб чиқиши. Ҳар қандай номаълум сўз мазмунини унинг этимологиясидан, яъни у қачон, қандай ва нима учун юзага келганини аниқлашдан бошлаш ўринли бўлади. **«Фалсафа»** тушунчаси юнонча «phileo» – «севаман» ва «sophia» – донолик сўзларидан келиб чиққан бўлиб, мазкур атаманинг дастлабки маъносини доноликка муҳаббат деб талқин қилиш мумкин. Фалсафа сўзини илк бор қадимги юнон мутафаккири Пифагор милоддан аввалги VI асрда тайёр ҳолда (афсоналар, ривоятлар, анъаналар орқали) авлоддан-авлодга ўтувчи билим билан инсон ўз ақлига таяниб, мушоҳада юритиш ва танқидий фикрлаш йўли орқали олиши мумкин бўлган билимни фарқлаш мақсадида ишлатган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Пифагор ҳам, қадимги даврнинг бошқа файласуфлари ҳам, дастлаб, «фалсафа» тушунчасига, унинг кейинчалик пайдо бўлган ва моҳият эътибори билан, фалсафани «барча фанлар подшоси» даражасига кўтарган маъносидан бошқачароқ маъно юклаганлар. Аммо илк файласуфлар ўзларини донишманд деб ҳисобламаганлар ва доноликка даъво ҳам қилмаганлар, зеро, ўша даврда кенг тарқалган тасаввурга кўра, *ҳақиқий донишмандлик аждодлардан мерос қолган, асрдан асрга ўтиб келаётган афсоналар, дин ва ривоятларда мужассамлашган*. Донишмандлар деб, асрлар синовидан, энг сўнгги ҳақиқат манбаи сифатидаги билимларга эга бўлган башоратгўйлар, коҳинлар ва оқсоқоллар эътироф этилган. Уларнинг сўзлари бирдан-бир тўғри деб қабул қилинган. Файласуф эса, қадимгилар фикрига кўра, донишмандлик мухлиси бўлиши, эътиқод сифатида қабул қилинган тайёр ҳақиқатларга эмас, балки ўз ақлига таяниб, ижодий йўл билан, шунингдек, бошқа файласуфлар томонидан олинган билимлар ва тажрибадан фойдаланган ҳолда мақсадга интилиши лозим бўлган.

Бироқ**,** инсоннинг дунё ва ўзига бундай муносабати дарҳол юзага келгани йўқ. Инсоннинг табиатга қаршилик кўрсатиш, ишлиб чиқариш воситаларини яратиш ва кўпайтириш қобилиятлари ривожлангунга ва ўсгунга, бунинг натижасида етарли тажриба ва билимлар тўплангунга, одамлар ақли кўп сонли саволларга жавоб излаш учун етарли даражада юксалгунга қадар инсоният узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Шу боис фалсафанинг моҳиятини, шунингдек, унинг пайдо бўлиш сабаблари ва шароитларини тушуниш учун гапни инсон дунёқарашидан

бошлаш лозим. Нима учун? Шунинг учунки, фалсафа дунёқарашнинг асосий тарихий шаклларидан бири ҳисобланади. Фалсафа ҳақида гапириш – инсон дунёқараши, унинг оқилона фикрлаш қобилияти ҳақида, бинобарин, унинг моҳияти ва Ерда ҳаёт пайдо бўлиш тарихи ҳақида гапириш демакдир. Бу ерда биз ҳали кам ўрганилган мураккаб муаммоларга дуч келамиз, зеро инсоннинг келиб чиқиши одамлар доим жавобини топишга ҳаракат қилган буюк жумбоқлардан бири ҳисобланади. Аммо билимнинг бу соҳасида ечилмаган муаммолар бугунги кунда ҳам бисёр. Хусусан, инсон нима учун, қаердан, қайси сабабларга кўра пайдо бўлган, деган саволга аниқ, умумий эътироф этилган жавоб ҳанузгача мавжуд эмас. Шунингдек, ақл фақат инсонга хосми ёки унинг инсон борлиғида мавжудлиги объектив борлиқнинг бир парчаси, айрим ҳодисасими, деган савол ҳам ҳали ўз жавобини топганича йўқ.

Бинобарин, инсоният тарихи ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар нуқтаи назаридан айрим масалалар мавжуд бўлиб, улар хусусида олимлар ва мутахассислар маълум бир тўхтамга келганлар. Хусусан, бой тарихий материал, археология фани олган далилий маълумотлари, шунингдек, бошқа фанларнинг методлари билан олинган натижалар (масалан, жинслар, фойдали қазилмалар ёшини аниқлаш ва ш.к.)ни эътиборга олган ҳолда, ишонч билан инсон сайёрамизда ҳаётнинг тадрижий (эволюцион) ривожланиши маҳсулидир, деб қайд этиш мумкин. Ҳозиргача мавжуд билимлар оддий меҳнат қуролларини ясаган инсонсимон мавжудотларнинг (лот. «homo habilis» – «уқувли одам») қадимги манзилгоҳлари тахминан 3–5 млн йил олдин пайдо бўлган, деган хулосага келиш имконини беради.

Археологик ва илмий маълумотларга кўра, қаддини тик тутиб юрадиган одам ёши тахминан 1,5 млн йилни ташкил этади. Homo sapiens, яъни ақлли одамлар типи атиги 40–60 минг йил олдин вужудга келди. Мутахассислар фикрича, инсонда онг пайдо бўлиб, ижтимоий мавжудот сифатида узил-кесил шаклланганидан бери, унинг асосий хусусиятларида жиддий ўзгаришлар юз бергани йўқ, яъни у ҳозирги одамлардан деярли фарқ қилмайди. Онг пайдо бўлиши эса, илмий тасаввурларга мувофиқ, инсон тарихий ривожланишининг одам мияси ўсиб бораётган меҳнат фаоллиги ва вербаль (нутқ орқали) мулоқот таъсирида ўта ривожланиб, мураккаб мавҳумликларни тушунадиган даражага етган даври билан боғланади. Шундай қилиб, инсон тушунчаларга таъриф бериш, мулоҳазалар билдириш ва мушоҳадалар юритиш йўли билан содда, лекин том маънода ақлий иш олиб бора бошлади.

Дунёқарашнинг моҳияти. Айни шу даврдан бошлаб инсоннинг анча ривожланган дунёқараши шаклланган ҳақида ва умуман тўпланган билимлар, амалий кўникмалар, вужудга келган қадриятлар, ўзи ва ўзини қуршаган дунё ҳақидаги тасаввурлар мажмуи сифатидаги одамлар дунёқараши тўғрисида ишонч билан сўз юритиш мумкин.

Кенг маънода, *дунёқараш – инсоннинг ўзини қуршаган борлиққа ва ўз-ўзига нисбатан ёндашувлар тизими, шунингдек, унинг мазкур ёндашувлар билан белгиланган ҳаётий идеаллари, эътиқодлари, билиш ва фаолият тамойиллари, қадрият ва мўлжалларидир.*

Шу тариқа таърифланадиган дунёқараш фақат инсонга хос бўлиб, бу унда шаклланган онг ва оқилона фаолият мавжудлиги билан боғлиқдир. Бунда инсон

нафақат тушунчалар яратиш ва мулоҳаза юритиш, хулосалар чиқариш ва қоидаларни таърифлаш қобилиятини касб этади, балки тайёр билимдан янги билим олиш учун фойдалана бошлайди. Инсоннинг бундай фаолиятини, унинг ижодий фаоллигини тавсифловчи ақл одамзод ва жамият эволюциясини жадаллаштиришнинг қудратли омилига айланади ҳамда пировардда инсонни ҳайвондан ажратиш имконини берувчи асосий белги сифатида амал қилади.

Дунёқарашда ижтимоий муҳитнинг роли. Ақл пайдо бўлиши билан инсон ўзини фикрловчи мавжудот сифатида англай бошлайди, унда ўз «мени» ва ўзгалар ҳақида тасаввури шаклланади ва ривожланади. Шу тариқа у ўзини ва ўзини қуршаган борлиқни англайди, ўзи ва бошқа одамларни, ўзи ва ташқи муҳитни фарқлайди, илгари ўзига маълум бўлмаган дунёнинг янги ва янги жиҳатларини идрок этади. Бундай қарашлар инсоннинг ўзи ва ўзини қуршаган борлиқ ҳақидаги тасаввурлари мажмуи сифатида шаклланадиган дунёқараш негизини ташкил этади. Бунда инсон ўзига маъқул ва номаъқул нарсаларни фарқлайди, баҳолар беради, устуворликлар тизимини яратади ва муайян мақсадларга эришишда тегишли тарзда иш кўради.

Демак, **дунёқарашда билиш, қадриятларга муносабат** ва **хулқ-атворни белгилаш функциялари** мужассамлашади.

Дунёқарашнинг билиш функцияси инсонда қизиқиш уйғотувчи барча саволларни, шунингдек, муайян йўл билан топувчи жавобларни ўз ичига олади. Билиш одамлар дунёқарашини бойитади ва кенгайтиради, у жамиятнинг ривожланишига қараб янада теранроқ ва мазмунан бойроқ бўлиб боради.

Дунёқарашнинг қадриятларга муносабат функцияси – инсоннинг ҳаётни ва ўзини олий қадрият деб ҳисоблаган ҳолда шаклланади. Зеро, ўз қадрини билмаган инсон ўзгалар қадрини билмайди ва ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди.

Дунёқарашнинг хулқ-атворни белгилаш функцияси – инсонда ўз-ўзини тарбиялаш, маънавий маданиятини такомиллаштириш ва фақат ўзининг маънавий дунёсига муносиб муҳит танлаш малакаларини шакллантиради.

Аммо дунё жуда ранг-баранг бўлиб, муттасил ўзгариш жараёнини бошдан кечиради, қониқарли жавобларга эга бўлмаган саволлар эса, узил-кесил жавоб бериш мумкин бўлган саволларга қараганда, кўпроқдир. Шу боис, муаммоларга нисбатан муайян тарзда ёндашадиган ҳар бир одамнинг дунёқараши, саволлари ва жавоблари доим шахсий ўзига хослик билан ажралиб туради ва ҳеч бўлмаса, шу сабабга кўра, бошқа одамлар дунёқарашига ҳеч қачон ўхшамайди.

Дунёқарашда интеллектуал, эмоционал ва руҳий асослар узвий боғлиқ бўлиб, улар жамулжам ҳолда ҳар бир инсон учун мутлақо муайян, индивидуал хусусиятлар сифатида амал қилади.

Интеллектуал, эмоционал ва руҳий асослар ирода билан уйғунликда эътиқодлар – одамлар фаол қабул қиладиган, уларнинг онг даражаси ва ҳаётдаги мўлжалларига мос келадиган қарашларни юзага келтиради.

Дунёқарашга субъектнинг ёши, жисмоний ва руҳий ҳолати, феъл-атвори хусусиятлари, одатлари ва эътиқодлари, шунингдек, миллий маданият типи, этнос хусусиятлари ва ижтимоий-маданий омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Дунё ҳақидаги тасаввурда объектив ва субъектив томонларни ажратиш ҳам ўринли бўлади.

Дунёқарашнинг шаклланиши натижаси ўлароқ субъектнинг эътиқодлари, қилмишлари ва ҳаракатлари мажмуи вужудга келади. Дунёқарашда инсон ва инсоният ўз ўзлигини намоён этади. Дунёқараш инсон хулқ-атвори, унинг барча ҳаракатлари ва қилмишлари учун фон сифатида амал қилади. Дунёқарашнинг ментал мезони сифатида онгнинг мужассамлашувини акс эттирувчи ишонч ва эътиқод майдонга чиқади. Дунёқараш умумий ва шахсий аҳамиятга молик мўлжал тарзида намоён бўлиши мумкин.

Дунёқараш серқирра ҳодиса ҳисобланади. Кўп қаватли уйда бўлганидек, унинг турли қаватларидан ўз рационал-иррационал элементларига эга бўлган ҳаётга оид, мифологик, диний, бадиий, сиёсий, илмий қарашлар ўрин олади. *Дунёқарашнинг амалий даражаси стихияли тарзда шаклланадиган дунёқарашдир (унга мисол тариқасида оддий, кундалик дунёқарашни келтирадилар).* Унда дунёнинг манзараси ролини ҳаёт ҳақидаги типик тасаввурлар тўплами ўйнайди. Бу тўплам кўпинча кундалик ҳаётда кўп учрайдиган вазиятлардан, мазкур муҳитга хос бўлган кўникмалар, муносабатлар ва одатлардан таркиб топади. Бундай дунёқарашга унинг эгасига хос бўлган касбий мўлжаллар, айниқса, кучли таъсир кўрсатади. Хулқ-атвор реакциялари типининг шаклланишида субъектнинг касб-кори (амалдор, савдо ходими, офицер, уй бекаси, шифокор ва ҳ.к.) ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Оддий дунёқараш эгаси дунёга муносабатнинг ўз муҳитига, айниқса, хос бўлган андозаларини умумлаштириб, уларни ҳаракатлар ва қарашларнинг ўзгартириш осон бўлмаган муайян мезонига айлантиради. «Оддий дунёқараш» категориясининг синонимлари сифатида «кундалик дунёқараш», «амалий дунёқараш», «ноилмий дунёқараш» тушунчалари амал қилади. *Ҳаёт тажрибаси ва эмпирик билимлар асосида шаклланадиган дунёқараш оддий дунёқараш деб аталади ва инсоннинг дунё ҳақидаги тасаввурларининг тизимиз мажмуи сифатида амал қилади.* У ҳар қандай дунёқарашнинг негизи ҳисобланади ва одамларга кундалик ҳаёти, фаолиятида йўл кўрсатиб, уларнинг хулқ-атвори, аксарият қилмишларини белгилаб, муҳим регулятив функцияни бажаради.

Фалсафа борлиқ ва инсон тафаккурининг асосий тамойилларини ифодалаш орқали дунёни англаб етиш барча шаклларининг маънавий асоси сифатида майдонга чиқади. Ҳозирги замон фундаментал фалсафаси дунёқарашнинг энг олий, назарий даражасидир, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

Назарий дунёқараш асрлар оша давом этган индивиднинг ижтимоийлашуви жараёни маҳсули ҳисобланади. Бунда индивид, ўзининг воқеликка бўлган муносабатида, жамиятдан олинадиган неъматларни бевосита ўзлаштиришдан тарихий бунёдкорлик ва инсоний қадриятлар мазмунини тушунишга қадар бўлган йўлни босиб ўтади.

Дунёқарашнинг назарий даражасини воқеликнинг бевосита инъикоси сифатида тасаввур қилиш тўғри бўлмайди. *Унинг таркибига идеаллар ва концептуал моделлар киради. Айнан идеалларнинг мавжудлиги дунёқарашни оддий инъикос сифатида эмас, балки илдам инъикос сифатида, ҳали мавжуд бўлмаган ҳодиса – келажакни шакллантирувчи ва белгиловчи идеал куч сифатида тавсифлайди*.

Дунёқарашни шакллантириш муаммосининг моҳияти шу билан белгиланадики, назарий даражанинг изчил ривожланиши, серқирра мавжудот саналган инсонда, амалда мавжуд бўлган дунёқарашнинг бошқа қатламларини, хусусан

мифологик дунёқараш қолдиқлари ёки кундалик дунёқараш унсурларини бекор қилмайди.

Шундай қилиб, дунёқарашнинг ҳар бир даражаси инсон ҳаёт фаолиятида ўз вазифаларини ҳал қилади. Уларнинг аҳамияти ва ўзига хослиги ҳам шундадир. Танқид фақат у ёки бу (диний, оддий, прагматик ёки сциентистик) дунёқараш универсалликни асоссиз равишда даъво қилган ҳолда ўринли бўлади.

Дунёқарашнинг муҳим элементи шубҳа бўлиб, у инсонни догматизм, яъни бирёқлама, нотанқидий фикрлаш, у ёки бу қоидани шак-шубҳасиз ҳақиқат деб қабул қилишдан асрайди. Догматизмнинг қарама-қаршиси скептицизм бўлиб, бунда шубҳа мутлақлашади, фикрлашнинг асосий омилига айланади, билиш ва борлиқни идрок этишнинг бош тамойили сифатида амал қилади.

Дунёқарашнинг тузилиши – *дунёни сезиш, дунёни идрок этиш ва дунёни тушуниш каби энг муҳим элементлардан иборат*.

Дунёни сезиш – *бу ўзини қуршаган дунёни сезгилар ёрдамида ҳиссий идрок этишдир.* Бунда туйғулар, кайфият дунёни гўёки рангларга бўяйди, унинг образини субъектив, соф индивидуал сезгилар орқали акс эттиради. Масалан, бемор одамга ҳаддан ташқари ёруғ бўлиб туюлиши мумкин бўлган нур, соғлом одам учун нормал бўлади; дальтоник ранглар гаммасини, кўриш қобилияти нормал бўлган одамга қараганда бутунлай бошқача идрок этади. Бундан дунёни сезишнинг ҳар хил, хусусан оптимистик, пессимистик, фожеавий типлари келиб чиқади.

Дунёни идрок этиш – *бу атроф-борлиқни идеал образларда тасаввур қилишдир.* Дунёни идрок этиш тўғри ёки нотўғри бўлиши, яъни борлиққа мос келмаслиги мумкин. Бу ҳолда борлиқ нотўғри тасаввур қилинади ёки иллюзиялар, сув парилари, алвастилар, кентаврлар ҳақидаги тасаввурларга ўхшаш фантазиялар пайдо бўлади.

Дунёни тушуниш – *инсоннинг ва уни қуршаган дунёнинг моҳиятини аниқлаш, шунингдек, табиатда юз берувчи воқеа ва жараёнларнинг ўзаро алоқаларини тушунишга қаратилган ақлий билиш фаолиятидир.*

Дунёни сезиш ва қисман (элементар шаклларда) дунёни идрок этиш нафақат инсонга, балки ҳайвонларга ҳам хос бўлса, дунёни тушуниш эса, фақат одамларга хос хусусиятдир.

Дунёқарашнинг тарихий шакллари. Турли даврлар билишни янада теранлаштирди ва инсон дунёқарашини кенгайтирди. Шунга мос равишда оддий (эмпирик) дунёқараш ҳам бойиб борди, унинг негизида ўзини ўзи ташкил этиш қонунларига мувофиқ янада мураккаброқ тузилмалар аста-секин шаклланди ва бу пировард натижада, дунёқарашнинг алоҳида шакллари ёки тарихий типлари фарқланишига олиб келди.

Тарихан дунёқарашнинг дастлабки шакллари миф ва дин, фалсафа ва фан бўлиб, бу ҳол инсоният тадрижий ривожланишининг умумий мантиқи билан муштаракдир. Кўникмалар, тажриба ва оддий билимлар тўпланишига қараб, нафақат уларни авлоддан-авлодга ўтказиш муаммоси юзага келган, балки ибтидоий одамларнинг дунёқараши ҳам мураккаблашиб борган. Бу дунёқараш ривожланишининг муайян босқичида, тўпланган билимларнинг «юқори босқичига» етилгач, бошқа ҳар қандай мураккаб тизимда бўлганидек, дунёқарашда ҳам ўзини ўзи ташкил этиш қонунлари амал қила бошлаган.

Масалан, бу ҳодисанинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун шахсий кутубхонада китоблар йиғилиши билан боғлиқ мисолга мурожаат этиш ўринли бўлади. Мазкур кутубхонада китоблар бир нечта бўлса, уларни тизимга солиш талаб этилмайди, улар қаерда ётгани ва уларнинг ўзаро муносабати қандайлиги ҳам аҳамият касб этмайди. Кутубхона ҳажми ўнлаб китоблар билан ўлчанган тақдирда эса, улардан фойдаланишга қулайлик яратиш учун китобларни муайян тарзда жойлаштириш, тизимга солиш талаб этилади. Китоблар сони қанча кўп бўлса, улар билан ишлаш шунча осон ва қулай бўлиши учун уларни таснифлаш, тартибга солиш, рукнларга ажратиш тизими шунча мураккаб бўлади.

Ибтидоий одамларнинг анча ривожланган дунёқарашида ўзини ўзи ташкил этиш қонунларига мувофиқ айни шундай тартиблилик, даставвал, миф ҳамда диннинг илк шакллари кўринишида вужудга келди.

Мифологик дунёқараш. «Миф» тушунчаси юнонча «mythos» сўзидан келиб чиққан бўлиб, афсона, ривоят деган маънони англатади. *Миф – турли халқларнинг дунёнинг келиб чиқиши, табиат ҳодисалари, фантастик мавжудотлар, худолар ва қаҳрамонларнинг ишлари ҳақидаги тасаввурини ифодаловчи муайян тарзда тизимга солинган дунёқарашдир.*

Мифда билимлар, диний эътиқодлар, маънавий маданиятнинг турли элементлари, санъат, ижтимоий ҳаёт куртаклари бирлашган бўлиб, шу тариқа ибтидоий одамлар дунёқараши маълум даражада тартибга келган, уларнинг дунё ҳақидаги қарашлари эса муайян тизимга солинган. Мазкур тизимга солишнинг муҳим шакллари эпос, эртаклар, афсоналар, ривоятлар бўлиб, мифлар, аввало, улар орқали ифодаланади. Шу тариқа тўпланган билимлар ва тажриба кейинги авлодларга ўтиши ҳам таъминланади.

Мифологик дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу оддий ривоят эмас, балки оғзаки «муқаддас» матннинг архаик онгдаги воқеа-ҳодисаларга, инсонга ва у яшаётган дунёга таъсир кўрсатувчи муайян борлиқ сифатидаги инъикосидир. Миф, инсоният тарихининг илк босқичларида, одамлар хулқ-атвори ва ўзаро муносабатларини тартибга солиш функциясини бажарган, чунки унда ахлоқий қарашлар, инсоннинг борлиққа эстетик муносабати ўз ифодасини топган. Мифологияга шу нарса хоски, унда ҳамма нарса бир, яхлит, ажралмасдир; табиат нарсалари ва ҳодисалари инсон билан айни бир қонунларга мувофиқ яшайди, инсон билан бир хил сезгилар, истаклар, майлларга эга бўлади.

Шундай қилиб, миф кимнингдир уйдирмаси ёки «ўтмиш сарқити» эмас, балки шундай бир ўзига хос тилки, инсон унинг ёрдамида қадим замонларданоқ дунёни тавсифлаган, ўзининг ўсиб бораётган тарқоқ билимларини умумлаштирган, талқин қилган, таснифлаган ва муайян тизимга солган.

Мифда ота, оқсоқол ҳукми ва қарор топган анъаналар муҳим роль ўйнайди. Ривоят ва унинг мазмунига нисбатан бундай муносабат замирида эътиқод, борлиқни бевосита, эмоционал идрок этиш ётади. Мифологик дунёқараш дунёни яхлит тушуниш бўлиб, унда шубҳага ўрин йўқдир.

Мифология (мифлар мажмуи сифатида) қадимги одамлар дунёқараши билангина узвий боғлиқ эмас. Оддий онгда яшайдиган дин, фалсафа, сиёсат, санъатда аниқ-равшан ёки пардаланган кўринишда мавжуд бўлган мифлар бугунги кунда ҳам (ким учундир кўпроқ, ким учундир камроқ даражада) одамлар ҳаёти ва

ижодида фаол роль ўйнаб, ҳар қандай инсон дунёқарашининг таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Жамиятнинг ахборотлашуви жадал суръатларда ўсиб бораётган шароитда миф телевидение, радио, вақтли матбуот, ҳозирги сайлов технологиялари воситасида баъзан ижтимоий онг билан манипуляция қилиш, олдиндан белгиланган жамоатчилик фикрини шакллантириш воситаси сифатида қўлланилмоқда.

Диний дунёқараш дунёқарашнинг тарихан иккинчи шакли диндир («дин» сўзи арабчадан таржимада «эътиқод», «ишонч», «ишонмоқ» деган маъноларни англатади). Миф каби, дин замирида ҳам эътиқод, туйғулар ва эмоциялар ётади. Гарчи дин куртаклари «ақлли одам» дунёқараши шаклланишининг дастлабки босқичларида, яъни тахминан 40–60 минг йил муқаддам пайдо бўлган бўлсада, умуман олганда, у дунёқарашнинг мустақил шакли сифатида кейинроқ, жумладан, миф таъсирида инсоннинг мавҳум фикрлаш қобилияти сезиларли даражада кучайган даврда вужудга келган.

Диний дунёқараш одамларнинг ғайритабиий нарсалар (худолар, «олий ақл», қандайдир абсолют ва ш.к.)га бўлган эътиқодига асосланувчи тегишли хулқ-атвори ва ўзига хос ҳаракатларидир. *Агар мифологияда анъанага, ривоят қилувчининг, яъни оқсоқолнинг обрўсига эътиқод кучли бўлса, динда ғайритабиий нарсаларга эътиқод биринчи ўринда туради, олий кучлар номидан ривоят қилувчи руҳонийлар обрўси эса иккинчи даражали роль ўйнайди.*

Хуллас, дин мураккаб маънавий тузилма ва ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, унда эътиқод муқаррар тарзда биринчи ўринга қўйилади ва ҳамиша билимдан устун туради.

Диннинг асосий функциялари. Миф билан таққослаганда, дин функциялари мураккаброқдир. Дин функциялари орасида қуйидагиларни фарқлаш мумкин:

• **дунёқарашни шакллантириш функцияси** *бутун борлиқ қачон ва нима учун пайдо бўлган ва бунда ғайритабиий кучнинг роли қандай намоён бўлган, деган саволларга жавоб беради;*

• **коммуникатив функцияси** *мулоқот ва шахслараро алоқаларнинг муайян типини таъминлайди, жамиятнинг жипслашуви ва яхлитлигига кўмаклашади;*

• **тартибга солиш функцияси** *одамлар хулқ-атворини тартибга солувчи тегишли меъёрлар ва қоидаларни белгилайди*;

• **компенсаторлик функцияси** *етишмаётган ахборот, диққат-эътибор, ғамхўрлик ўрнини тўлдиради, ҳаёт маъноси, истиқболлар ва шу кабиларнинг йўқлигини сездирмайди, яъни инсоннинг кундалик ҳаётда қондирилмаган эҳтиёжлари ўрнини тўлдиради.*

Диннинг асосий илдизлари. Дин қонуний ҳодиса сифатида вужудга келган бўлиб, у инсоннинг ғайритабиий нарсалар ва ҳодисаларга бўлган эътиқодини тўйинтирувчи чуқур илдизларга эгадир.

Диннинг психологик илдизи, аввало, инсон табиатида мавжуд бўлиб, у инсон интеллектининг ривожланиш даражаси ва танқидий фикрлаш қобилиятидан қатъи назар, нафақат тушуниш, англаш, балки эътиқод қилиш истаги ва ҳаттоки эҳтиёжининг ҳамиша намоён бўлишидир.

Диннинг гносеологик илдизлари оқилона билим нуқтаи назаридан дунё ўз ранг-баранглигида инсонга чексиз мураккаб бўлиб туюлишида намоён бўлади.

Форобий фикрича, «Дин назарий ва амалий қонунлар тузилган пайтдагина одамлар эътиқоди, таълими тарбияси йўллари ишлаб чиқилгандагина пайдо бўлади ва мустаҳкамланади. Ана шундай дин туфайли омма бахт саодат учун етарли билим олиши мумкин»[1]. Одамзод ўзини қуршаган борлиқни фақат қисман англаб етади. Айни шу сабабли олам инсон учун сирлар ва мўъжизаларга тўладир. Одамзод ўзи эътиқод қиладиган кўп нарсаларни фақат ақлга таяниб исботлашга ҳам, рад этишга ҳам қодир бўлмаганидек, юқорида зикр этилган сирлар ва мўъжизаларга жавоб топишга ҳам (балки, ҳозирча) қодир эмас. Психологлар қайд этганидек, «ўта мушкул вазифа ақлни ўтмаслаштиради», инсон ечимсиз муаммолар қаршисида ўзини ожиз ҳис қилади ва ақл далилларини уйдирма, ғайритабиий нарсалар билан осонгина тўлдиради.

Диннинг ижтимоий илдизлари жамиятда доимо мавжуд бўлган тенгсизлик, қашшоқлик ва адолатсизликни, одамлар қанча уринмасин ўзгартира ёки енга олмаганлиги билан боғлиқ. Адолатсизлик ва фоний дунёнинг номукаммаллиги туйғуси чорасизлик ва умидсизликни юзага келтиради, сўнгги зикр этилган туйғулар осонгина у дунёда ҳаётнинг мавжудлигига бўлган ишончга айланади. Ваҳоланки, ҳар қандай дин ҳақиқий ҳаёт у дунёдадир, деб ўргатади. Муаммолар, қийинчиликларга дуч келган ва реал ҳаётда ўзига таянч топа олмаган инсон ғайритабиий кучларга умид боғлаб, нариги дунёга мурожаат этади. Уларга эътиқод қилиб, одамзод таскин, тасалли топади ва охир-оқибатда тақдирга тан беради.

Диннинг сиёсий илдизлари турли сиёсий кучларнинг диндан ўз майда-чуйда манфаатларида фойдаланиш имконияти ва шу тариқа уни бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватлаши орқали, унинг жамиятдаги роли ва таъсирини кучайтиришида намоён бўлади. Шу маънода дин ва сиёсат ўртасида ҳам узвий ва доимий алоқа мавжуд.

Диннинг яшовчанлиги шу даражада мустаҳкамки, ҳатто ҳозирги замон фанининг муҳим ютуқлари ҳам унинг негизига путур етказа олгани йўқ, илмий билимнинг ўсиши эса ҳатто олимлар орасида ҳам диндорлар ва Худога ишонмайдиганларнинг фоиз нисбатини деярли ўзгартирмайди. Масалан, табиатшунослик инсониятга дунёни билиш борасида чексиз имкониятлар яратаётгани кенг эътироф этилган 1916 йилда Жеймс Льюба ўз тадқиқотларида АҚШ олимларининг 40 фоиз Худога ишонишини асослаган. 90-йилларнинг охирида америкалик тарихчилар Э.Ларсон ва И.Уитхем томонидан ўтказилган янги тадқиқотларда XX асрда амалга оширилган буюк кашфиётлар ва фан ютуқлари таъсирида олимлар дунёқараши қай даражада ўзгарганини аниқлашга қарор қилдилар. Шу боис уларнинг АҚШда тасодифий танланган ижтимоий фанлар намояндалари ва табиатшунослик вакиллари орасида ўтказган сўрови олимларнинг 40 фоиз, аввалгидек, Худога ва нариги дунёда ҳаёт мавжудлигига ишонишини кўрсатди. Бунда Худога ишонмайдиганлар ва атеистлар (Худонинг борлигини инкор этувчилар) сони ҳам деярли ўзгарган эмас ва бугунги кунда, аввалгидек, тахминан 45 ва 15 фоизни ташкил этади.

Давр, мамлакатлар ва қитъалардан қатъи назар, диний дунёқарашнинг яшовчанлиги ҳақидаги умумий хулоса Ўзбекистонда ҳам мавжуд. XX асрда қарийб 80

[1] Ал-Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: «Шарқ», 1999 й. 93–94-б.

йил динни «фош қилиш» учун мавжуд барча далиллардан фойдаланган курашчан атеизм шароитида яшаган ўзбекистонликлар орасида мамлакат аҳолисининг учдан икки қисми ўзини диндор деб ҳисоблаган.

Диний эътиқодларнинг тарихий шакллари. Инсоният тарихига кўп сонли турли-туман динлар маълум. Хусусан, маданият ва билимлар даражаси жуда паст бўлган инсон ўзига қудратли, ёт ва сирли бўлиб туюлган табиатнинг фавқулодда кучларига қаршилик кўрсата олмаган ибтидоий жамоа даврида диннинг анча содда шакллари: фетишизм, анимизм, тотемизм, магия ва бошқалар юзага келган.

Фетишизм – у ёки бу предметни мўжизакор хислатларга, одамлар ҳаётига таъсир кўрсатиш қобилиятига эга деб ҳисоблайди. Бундай предмет илоҳийлаштирилади, сиғиниш ва топиниш объектига айланади.

Анимизм (лот. «anima» – «жон») – нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, предметлар ва борлиқ ҳодисаларини ҳам руҳ, жон бошқариб туришига ишонишдир. Анимизм нуқтаи назаридан бутун дунё руҳли ва жонли.

Тотемизм негизини муайян одамлар гуруҳининг тотем, яъни сиғиниш объекти саналган аждод деб эълон қилинадиган у ёки бу ҳайвон, ўсимлик, предмет билан умумий келиб чиқишига бўлган ишонч ташкил этади. Зеро, тотем мазкур жамоа ёки уруғнинг қудратли ҳомийси, ҳимоячиси ҳисобланади, уни озиқ-овқат ва шу кабилар билан таъминлайди (Ҳиндистонда Хонумон маймуни, сигир, Австралияда кенгуру, турли қабилаларда у ёки бу илоҳий предмет).

Магия (юнон. «mageia» – «сеҳргарлик») ҳам ибтидоий дин шаклларидан бири бўлиб, унинг замирида табиий кучлар ёрдамисиз сирли тарзда, расм-русумлар, ўзига хос амаллар мажмуи билан нарсалар, одамлар, ҳайвонлар ва ҳатто ғайритабиий кучлар – руҳлар, инсу жинслар ва шу кабиларга таъсир кўрсатиш мумкинлигига бўлган ишонч ётади.

Диннинг ушбу қадимги шакллари кейинги диний эътиқодлар негизини ташкил этди ва политеизм (кўпхудолик)да ҳам, монотеизм (яккахудолик)да ҳам у ёки бу даражада ўз аксини топди. Улар ҳозирда ҳам қисман мустақил ҳолда мавжуддир.

Тахминан 10 минг йил муқаддам, инсон чорвачилик ва зироатчилик билан шуғулланиб, ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтгач, неолетик инқилоб юз берди. Жамият ривожланишининг айни шу босқичида **политеизм** юзага келди, чунки меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти, ҳукмронликка бўйсуниш руҳлар ва санамларга бўлган ишончга эмас, балки худоларга бўлган эътиқодга кўпроқ мос кела бошлади.

Кейинги даврларда давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши, қадимги буюк маданиятларнинг пайдо бўлиши, қулдорлик муносабатларининг шаклланиши, монархиялар ташкил топиши ва шундан келиб чиқадиган яккабошчиликнинг юзага келиши натижасида диний дунёқарашда ҳам бир худога сиғиниш тенденцияси пайдо бўлди. Одамлар кўп сонли худолар орасида кучқудратда ягона бир худони фарқлаб, шу тариқа дунёвий подшо ҳукм сурувчи реал ҳаёт ҳақидаги ўз тасаввурларини ягона ва қудратли худо яшайдиган нариги дунё билан гўёки мувофиқ ҳолатга келтирдилар. Шу тариқа **монотеистик динлар (**юнон. **«mono» – «бир»** ва **«theos» – «худо»): иудаизм** (мил. ав. VII аср), **буддизм** (мил. ав. VI–V асрлар), **христианлик** (I аср) ва **ислом** (VII аср) вужудга келди. Хуллас ҳар бир дин маълум фалсафага асосланади. Ҳақ диннинг асоси тўғри

(аналитик) фалсафадир, ҳақ бўлмаган диннинг асоси эса ёлғон фалсафадир, ёки ёлғон муҳокамалар устига қурилган қарашлардир[1].

Фалсафий дунёқараш. Милоддан аввалги VII–VI асрларга келиб, асосан, миф ва дин таъсирида одамлар дунёқараши нафақат кенгайди, балки анча мураккаблашди. У мавҳум назарий фикрлаш қобилияти ва (тўпланган билимлар кўринишида) реал асосларга эга бўлиши натижасида ўз ривожланишининг бутунлай янги даражасига кўтарилди. Бунга, ҳеч шубҳасиз, меҳнат тақсимотига олиб келган ривожланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маълум миқдорда ортиқча мавжудлик воситалари, бўш вақтнинг пайдо бўлиши ҳам имконият яратди. Буларнинг барчаси муайян шахслар доирасига интеллектуал фаолият билан профессионал даражада шуғулланиш имконини берди.

Шундай қилиб, тахминан 2500 минг йил муқаддам дунёқарашнинг учинчи шакли – фалсафа пайдо бўлиши учун зарур шарт-шароит Европа ва Осиёда деярли бир вақтда юзага келди. *Дунёқарашнинг аввалги шакллари – миф ва диндан фарқли ўлароқ, фалсафа дунёни эътиқод ва туйғуларга таяниб эмас, балки ақл ва билимларга таянган ҳолда тушунтиради*.

Фалсафа Ҳиндистон, Хитой, Марказий Осиё ва Қадимги Юнонистонда тахминан бир вақтда, аввало, дунёни оқилона англаш усули сифатида вужудга келди. Бу вақтга келиб миф ва дин ўзларининг тайёр ва узил-кесил жавоблари билан инсоннинг билимга нисбатан тинимсиз кучайиб бораётган қизиқишини қондира олмади. Шунингдек, улар сезиларли даражада ўсган ва мураккаблашган тажриба ва билимларни умумлаштириш, тизимга солиш ва авлодларга қолдириш вазифасининг ҳам уддасидан чиқолмай қолди.

Таниқли немис файласуфи Карл Ясперс таъбири билан айтганда, бу даврда (уни файласуф, «дунёвий вақт», деб атайди) инсоният ўз ривожланишида катта бурилиш ясаган. Осойишталик ва барқарорлик руҳи билан йўғрилган мифология даври ниҳоясига етди, оқилоналик ва оқилона текширилган тажрибанинг мифга қарши кураши натижасида у аста-секин чекина бошлади. «Жаҳон тарихи ўқини тахминан милоддан аввалги 500, 800 ва 200 йиллар оралиғида юз берган маънавий жараён билан боғлаш ўринли бўлса керак, – деб ёзади К.Ясперс. – Шу даврда тарихда энг катта бурилиш ясалди. Ҳозирги типдаги инсон ва илк файласуфлар пайдо бўлди. Инсон айрим индивидуум сифатида ўз-ўзида таянч излашга журъат этди. Хитой монахлари, Шарқ мутафаккирлари, Ҳиндистон тарки дунёчилари, Юнонистон файласуфлари ва Исроил авлиёлари эътиқоди ўз таълимотининг мазмуни ва ички тузилишига кўра бир-биридан қай даражада фарқ қилмасин, ўз моҳиятига кўра яқиндир. Энди инсон ботиний даражада ўзини дунёга қарши қўйиши мумкин бўлди. Инсон ўзида унга дунёдан ва ўз-ўзидан юксакроқ кўтарилиш имконини берувчи ички салоҳиятни кашф этди»[2].

Юз берган ўзгаришларнинг яна бир сабаби шундаки, мифология олиш, ривожлантириш ва тушунтириш учун навбатдаги мифлар эмас, балки табиий қонуниятлар ва табиий-сабабий боғланишларга мурожаат қилиш талаб этилган илмий билим куртаклари билан тўқнашди. Пировардида одамлар дунёқарашида нисбатан қисқа вақт ичида туб ўзгаришлар юз берди; унда билим, тафаккур,

[1] Қаранг: Ҳотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. –Т.: «Минҳож», 2003 й. 77-б.

[2] Ясперс К. Смысл и назначение истории. –М.: 1991 г. с. 32–34.

таҳлилий фикрлаш тобора муҳимроқ роль ўйнай бошлади, улар сиртдан олинган ахборотни сезгилар ва эмоциялар даражасида идрок этишга асосланган ҳар хил эътиқодларни четга чиқариб қўйди. *Фақат сўзларига ишониш керак бўлган ота, коҳин, руҳоний ўрнини, саволлар берувчи ва англашга чорловчи муаллим файласуф эгаллади. У шубҳа уруғини сочиб, қизиқиш уйғотди ва: «Ишонма, балки ўзинг фикр қил!» дея даъват этди.*

Файласуф тафаккурни хурофот ва бидъатлардан тозалаб, уни эркинлаштирди ва мифологик ёки диний дунёқарашга мутлақо хос бўлмаган танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантирди. *Аждодлардан мерос қолган «донишмандлик» манбаи саналувчилар, тайёр билимлар ва шак-шубҳасиз ҳақиқатларни эътиқод сифатида қабул қилишга чорловчилардан фарқли ўлароқ, файласуф саволларни таърифлашни ва аввало, соғлом фикр ва ўз ақл-заковатининг кучига таяниб, уларга жавоб қидиришни ўргататди.*

Дунёни фалсафий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти, *дунёни билиш, сезиш, кўриш ва тушунишнинг бутунлай янги соҳаси – фалсафа вужудга келишида намоён бўлади.* Дарҳақиқат, фалсафа – бу нафақат у ёки бу одам дунёқарашининг шакли, балки ижтимоий онг шакли, одамлар борлиғи ва билишининг умумий тамойиллари, уларнинг дунёга муносабати акс этувчи, табиат, жамият, тафаккурнинг энг умумий қонунлари кашф этилувчи ва таърифланувчи маънавий фаолиятдир. Яъни, бу дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига нисбатан қарашларнинг умумий тизимидир. Бундай қарашлар замирини саволлар ва инсоннинг уларга жавоб топиш истаги ётувчи оқилона йўл билан олинган билимлар мажмуини ташкил этади. Аммо билиш шундай бир табиатга эгаки, бир саволга жавоб кўпинча бошқа бир талай саволларни юзага келтиради ва баъзан муаммога нафақат ойдинлик киритмайди, балки уни янада чигаллаштириб, инсоннинг қизиқувчанлигини оширади ва янги тадқиқотларга даъват этади. Хуллас, бунда ижод, тинимсиз изланиш, янгиликка интилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Агар мифология ва динда жавобга урғу берилса, билишнинг бутун мазмуни унда мужассамлашса, фалсафада савол, масала биринчи ўринда туради. У тўғри ва яхши таърифланган бўлса, муаммонинг моҳияти аниқ акс этади. Савол, масала инсонни ижодга рағбатлантиради, токи унга қониқарли жавоб олиниб, ҳақиқатнинг тагига етилганига ишонч пайдо бўлмагунича, инсонни изланишга даъват этади. Бунда саволнинг ўзи, муаммонинг қўйилиши жавобдан кам аҳамият касб этмайди, баъзан ундан ҳам муҳимроқ деб қаралади.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, фалсафа, гарчи муайян натижаларга, мукаммал таърифларга, узил-кесил хулосаларга интилса-да, лекин шунинг ўзи билан кифояланмайди. Фалсафани, аввало, инсон маданияти соҳасида юз бераётган, турли қарама-қаршиликлар ва ўзаро таъсирлар билан узвий боғлиқ ва айни вақтда ўзга соҳаларга ўтиш ва уларда гавдаланиш қобилиятига эга бўлган маънавий жараён сифатида тушуниш лозим.

Бундан хулоса шуки, *фалсафий мушоҳада юритиш савол бериш, шубҳа қилиш, жавоблар излаш ва куни кеча ечилган деб ҳисобланган, шак-шубҳасиз бўлиб туюлган масалаларга қайтиш демакдир*. Фалсафа учун «боқий», узил-кесил аниқланган ҳақиқатлар, «ноқулай», «илмоқли» саволлар ёки ман этилган мавзу-

лар мавжуд эмас. *Фалсафа саволлар бериш, нарсалар ва ҳодисалар моҳиятини англашга уриниш орқали билиш доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилади.*

Хуллас, *фалсафа ҳақиқат қандай бўлса, уни шундай ифодалаб кўрсатишдир, дин эса – унинг рамзий, тимсолий акс этиши. Фалсафа асос ва моҳият бўлса, дин тимсол ва шакл*. Диалектик мунозара усули жамиятнинг кам сонли аёнлари учун керак. Ваҳий йўлидаги ифода – халқ оммасининг идроки, тарбия ва таълими учун керак.

Фалсафанинг мазмуни ва бош вазифаси ҳақидаги қарашлар. *Фалсафани одатда даврнинг фикрлардаги инъикоси, ўз даврининг маънавий квинтэссенцияси деб атайдилар*. Фалсафанинг мазкур тавсифидан унинг оламшумул вазифаси – ўз даврининг жарчиси сифатида амал қилиш, маънавий-тарихий ўзгаришлар билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиш келиб чиқади. Бу ерда фалсафанинг ҳаёт билан чамбарчас алоқаси, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Воқеликни тушуниш ва тушунтириш фалсафага қўйиладиган асосий талабга айланади. Даврнинг ҳаққоний манзарасини яратиш келажакнинг спекулятив схемаларини яратишга барҳам беради, борлиқнинг мазмун ва моҳиятини англаб етишга кенг йўл очади.

Фалсафа ўз даври маънавий маданиятининг маркази вазифасини бажариш орқали координаталар абадий тизимини яратишга ёрдам беради, давр сабоқларини аниқлаш ва тушунтириш йўли билан инсон тафаккурига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Қадим замонларда **Платон** шундай деган эди: «Токи давлатларда файласуфлар подшолик қилмас эканлар ёки ҳозирги шоҳлар ва подшолар оқилона фалсафий мулоҳаза юритишни ўрганмас ва давлат ҳокимияти билан фалсафанинг муштараклиги қарор топмас экан, давлат ёвузликлардан халос бўла олмайди»[1].

Боэций поэтик интуициясида фалсафа ўнг қўлида китоб, чап қўлида эса, салтанат ҳассаси – скипетр тутган Илоҳа образида гавдаланади. Бу тимсолларнинг мавжудлиги тасодифий бир ҳол эмас. Фалсафа билим бериш билан бир қаторда, дунёни оқилона бошқаради ва скипетр бу фикрни тасдиқлайди.

Янги даврда француз олими **Рене Декарт** (1596–1650) ҳар қандай мамлакат аҳолисининг гражданлик ва ўқимишлилик даражаси бу ердаги фалсафий тафаккур даражаси билан белгиланади, деган фикрни илгари сурган[2]. Инглиз файласуфи **Давид Юм** (1711–1776) фалсафага бўлган муносабат асосида миллатга «ташхис» қўйиш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилган. Мутафаккирнинг фикрича, фалсафий билимга қизиқишнинг йўқлиги миллат тафаккурининг чекланганлиги аломатидир.

Қадимги юнон фалсафасида билим ва хулқ-атвор олий идеали **донишмандлик** тушунчаси билан боғланади. У инсон ақлига абадият ва чексизлик сари йўл очади, ўткинчи нарсаларга сабр-тоқатлиликни ўргатади. Айнан донишмандлик ёрдамида инсон муносиб ва тўлақонли ҳаётга эришиши мумкин. Донишмандликка интилаётган одам ҳар доим нарсалар ва ҳодисалар табиатига мос равишда иш кўриши лозим.

Платон инсон танаси ҳақида гап борганда, табибларни, ўсимликлар тўғрисида сўз юритилганда эса, зироатчиларни донишмандлар, деб атайди. У ўзининг «иде-

[1] Платон. Соч.: В 3 т. –М.: 1968–1971 г.г. –Т. 1. с. 275.

[2] Қаранг: Декарт Р. Избранные произведения. –М.: 1950 г. с. 412.

ал давлат» ҳақидаги назариясида жамиятни уч табақага: давлат арбоблари – файласуфлар; соқчилар (ҳарбийлар); деҳқонлар ва ҳунармандларга ажратади, бундай давлатда донолик, жасорат, сабр-бардошлилик ва адолат каби тўрт тамойил устувор бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Аристотель, «инсоннинг қадр-қиммати унинг ақлий фаолиятида кўзга ташланади», деб ҳисоблайди. Ўз даврининг энг доно кишиларидан бири бўлган Цицерон фалсафанинг моҳиятини қуйидагича тушунтиради: «Фалсафа (донишмандлик), қадимги файласуфлар таъбири билан айтганда, илоҳий ва инсоний қилмишларни уларнинг сабаблари ва моҳиятлари нуқтаи назаридан билишдир»[1].

Софистлар фалсафани дунёвий донишмандлик, мулоҳаза юритиш санъати сифатида тушунган бўлсалар, стоиклар донишмандликнинг «амалий мақсадлари»га, яъни ўз ҳаётини оқилона ташкил этишга қаратганлар. Файласуфнинг сўзлари инсонни азоб-уқубатлардан фориғ этишига Эпикурнинг ишончи комил бўлган.

Қадимги Хитой фалсафасида донишманд – файласуф «цзи», яъни ўғил, бола деб аталган. «Тянь цзэ» – «Осмон ўғли» деган исм остида янги подшо пайдо бўлиши билан донишманд-файласуфнинг унга мос келадиган, «цзюнь цзи» – «подшо ўғли» ғояларини тарғиб қилувчи типи ҳам пайдо бўлган. Қадимги Хитой фалсафасининг муҳим мезони – «идеал муносабатлар қонуни»га одамлар ўртасида, оилада, жамиятда, давлатда риоя қилиш инсон ҳаётининг мазмуни ҳисобланган; бунга жамиятда қабул қилинган меъёрлар, қоидалар, расм-русумлар ва шу кабиларга иззат-икром билан ёндашиш имконият яратган. Бошқача айтганда, инсон ўз шахсий ҳаётини доим жамият равнақи, камолоти билан ўлчаши лозим, хусусан, у кейинчалик оила ва давлатни такомиллаштиришга ҳаракат қилиш учун ўзини камол топтириши даркор[2]. Қадимги Хитой фалсафасининг буюк намояндаси **Конфуций** (мил. ав. 551–479-йиллар) шундай деб сабоқ беради: «Қилмишларнинг асослари ва тамойилларини ўргансанг, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги фикрларинг (ахлоқий билимлар) баркамолликнинг энг сўнгги даражасига етади. Ниятлар соф ва холис бўлса, қалб ростгўй ва самимий бўлади. Қалб ростгўй ва самимий бўлса, инсон тўғри йўлга киради, камол топади. Инсон тўғри йўлга кирса ва камол топса, оилада тартиб ўрнатилади. Оилада тартиб ҳукм сурса, халқларни бошқариш осонлашади. Халқларни бошқариш осонлашса, бутун дунё тинч-тотув яшайди»[3]. Қадимги Хитой файласуфларидан яна бири – **Лао Цзи** (мил. ав. VI аср бошларида яшаган): «Бошқаларни билувчи – оқил, ўзини билувчи – донишмандир», деб ўргатади.

Донишмандликнинг тарихан шаклланган гносеологик, ахлоқий ва экзистенциал хусусиятлари ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолмоқда ва эътибордан соқит этилиши мумкин эмас. Донишмандлик феномени ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш йўлидаги изланишлар қуйидаги натижаларга олиб келади. Донишмандлик кундалик ҳаётдаги мулоҳазакорликка қарама-қарши қўйилади. У мутлақо гўзал ва мутлақо адолатли дунёнинг моҳиятини интеллектуал англаб етишга инти-

---

[1] Иқтибос қуйидаги манбадан олинди: Платон и его эпоха. –М.: 1979 г. с. 105.

[2] Лукьянов А.Е. Становление философии на Востоке. Древний Китай и Индия. –М.: 1989 г. с. 109.

[3] Будда. Конфуций. Жизнь и учение. –М.: 1995 г. с. 139.

лиш сифатида, ҳақиқатни қарор топтириш йўлида беғараз хизмат қилиш сифатида тушунилади. Бу наинки тўлиқ билим, балки маънавий баркамоллик, руҳнинг ички яхлитлиги ҳамдир. Бу шундай бир эътиқодки, унга эришишда инсоннинг бутун моҳияти иштирок этади. Донишмандлик белгиси сифатида меъёр ҳисси амал қилади. Уни интуитив аниқлаш «ҳаёт ҳақиқати»ни англаб етиш сифатида намоён бўлади. Етуклик донишмандликнинг зарурий шарти ҳисобланади. Қисқа ва лўнда ҳикматларда ўз ифодасини топувчи донишмандлик ҳар бир халқ ҳаётида мавжуд бўлади, маслаҳатлар ва панд-насиҳатларнинг кенг тўплами воситасида уни ғамхўрлик билан қўллаб-қувватлайди. Қадимги афсоналар, ривоятлар ва ҳикматлар кўринишида у авлоддан-авлодга ўтади ва улардан ҳар бирининг ҳаёт йўлини енгиллаштиради.

Фалсафани кўпинча «тафаккур мактаби» деб атайдилар. У бир қолипда фикрлаш услуби тугаган, ойдек равшан бўлган нарса шубҳа ва таажжуб уйғотган жойда бошланади. Инсон ҳаёт мазмуни билан боғлиқ масалалар (Иммануил Кант тилида улар қуйидагича янграйди: «Мен нимани билишим мумкин?», «Мен нима қилишим керак?», «Мен нимага умид қилишим мумкин?», «Инсон нима?») устида бош қотира бошлагани заҳоти у дарҳол фалсафага «асир» тушади, борлиқни фалсафий англаб етиш соҳасига кириб қолади. Инглиз файласуфи **Томас Гоббс** (1588–1679): «Фалсафа сенинг тафаккуринг фарзанди... ва сенинг ўзингда яшайди»[1], деганида, бизнингча, тўла ҳақ бўлган. Дарҳақиқат, фалсафий мулоҳаза юритиш ҳар бир инсонга хос хусусият. Зеро, ҳаётнинг мазмуни, эркинлик, адолат ва умрбоқийлик ҳақида мулоҳаза юритишни бирон-бир инсонга тақиқлаш мумкин эмас.

Фалсафа борлиқни билиш, асослар ва биринчи тамойилларни тадқиқ этиш билан шуғулланадиган алоҳида соҳа сифатида, ҳис этиш, мушоҳада юритиш ва тасаввур қилиш тарзида амал қиладиган оддий онгдан фарқли равишда, тушунчалар воситасида билишни назарда тутади. Тушунчалар билан иш кўриш санъати зарурий алоқалар ва сабабий боғланишларни аниқлашни, ҳаёт таассуротларининг хаотик тасодифий оқимини тартибга солишни талаб қилади. Мулоҳаза кучини тарбиялаш эътиборни жамлаш, уни предметга қаратишни назарда тутади. Тафаккур интенционал, яъни у муайян предметга қараб мўлжал олади. Тафаккур предметнинг табиати ҳақидаги тасаввурга мос равишда мулоҳаза юритади. Предметни ўзида «идрок этган» кишигина мазкур предмет ўзи ҳақида сўзловчининг тили билан гапиришига умид қилиши мумкин.

Фалсафанинг предмети. Фалсафа предмети унинг ривожланиш даври мобайнида узлуксиз ўзгариб турган, асосий масала эса ўзгаришсиз қолган, деган фикр реал асослардан холи эмас. Фалсафа муаммолари унинг предмети билан белгиланади. Маълумки, фалсафа предмети тарихий ривожланиш жараёни мобайнида сезиларли даражада ўзгарган. Фалсафий фанларнинг ҳар бири: онтология, гносеология, этика, эстетика, мантиқ, сиёсатшунослик, фалсафа тарихи ҳам ўз алоҳида предметига эга. Шу туфайли ҳам фалсафа предметини фақат ўта абстракт тушунчалар ёрдамида белгилаш мумкин. Шу маънода «дунё – инсон» муносабатлари тизимидаги умумийлик фалсафанинг предмети ҳисобланади, деган фикр мазкур талабларга жавоб беради.

[1] Гоббс Т. Избранные произведения в 2 т. –М.: 1964 г. Т. 1. с. 49.

Энди «Фалсафа нимани ўрганади?» деган саволни беришимиз мумкин. Инсонда билишга қизиқиш уйғотадиган, мифология, дин ёки фан жавобларидан қониқмаган инсоннинг ўзига маълум билимлар ва тажрибага, муайян эътиқод, ишонч ва интуицияга таянган ҳолда оқилона асосланган жавоблар беришга ҳаракат қиладиган, саволлар туғдирадиган ҳар қандай объектив ва субъектив борлиқ фалсафанинг предмети ҳисобланади. Бошқача айтганда, инсон ўз қизиқиши объекти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мақсадида савол беришга асос бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса фалсафанинг предметидир. Шу муносабат билан у ёки бу одамнинг фалсафий қарашлари ҳақида ва ҳатто унинг фалсафаси тўғрисида сўз юритиш мутлақо ўринли бўлади ва бунга биз кундалик ҳаётда тез-тез дуч келамиз.

Бироқ, айни ҳолда бизни фан сифатидаги, айрим инсоннинг эмас, балки бутун жамиятнинг ривожланиш маҳсулига айланган ижтимоий ҳодиса сифатидаги фалсафа қизиқтиради ва айни шу сабабли юқорида келтирилган таърифда «инсон» тушунчаси йиғма маънода қўлланилган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, гарчи фалсафанинг предметига биз умумий нуқтаи назардан анча кенг таъриф берган бўлсак-да, айрим тарихий даврларда одатда у ёки бу сабабларга кўра муайян масалалар доираси фалсафий тадқиқотларда биринчи ўринга чиқади.

Масалан, Қадимги Юнонистонда космоцентризм илк фалсафий таълимотларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бунда асосий эътибор «космос», «табиат»ни англаб етишга қаратилган. Кейинчалик, қадимги юнон шаҳар – полислари равнақ топган даврда файласуфлар диққат марказидан ижтимоий муаммолар, ахлоқ, давлат қурилиши масалалари ўрин олди. Европада христианликнинг, Шарқда ислом динининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши натижасида ўрта асрлар фалсафаси теоцентрик (юнон. «theos» – «марказдан ўрин олган худо») хусусият касб этди, яъни, Худо ва у яратган олам фалсафий қизиқишларнинг асосий предметига айланди. Уйғониш даврида фалсафа санъат (эстетика)га ва кўп жиҳатдан инсонга мурожаат қилинди. Янги давр деб номланувчи XVII–XVIII асрларда фалсафа тобора кучайиб бораётган фан билан узвий боғланди, натижада, фалсафий тадқиқотларнинг диққат марказидан билиш ва илмий методлар масалалари ўрин олди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган «классик фалсафа» ва рационаллик инқирози иррационаллик, интуитивлик, онгсизлик муаммоларини намоён этди, XX асрнинг биринчи ярмида улар «ноклассик фалсафа» таҳлилининг асосий предметига айланди, бу эса, ўз навбатида, матнлар мантиғи, тили, уларни талқин қилиш ва шарҳлашга алоҳида қизиқиш уйғонишига олиб келди. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида ҳозирги маданиятдаги инқироз ҳодисаларини ва янги ахборот технологияларининг, шунингдек, оммавий коммуникация воситаларининг жадал суръатларда ривожланиши билан белгиланган муаммоларни кун тартибига қўйган постноклассик фалсафа шаклланди. Бу фалсафа вакиллари «тарихий ривожланишнинг тугалланганлиги», барча маънолар ва ғоялар «айтиб бўлинганлиги» ҳақида мушоҳада юритиб, инсон ўзига ёғилаётган ахборотга ишлов беришга қодир эмаслигига эътиборни қаратар экан, нотизимлилик, Европа анъанавий-фалсафий билимининг негизлари, қадриятлари ва чегараларини ўзгартириш ғоясини илгари сурдилар.

Ниҳоят, XX–XXI аср чегарасида энг янги фалсафада биринчи ўринга чиққан ва энг муҳим мавзулар қаторидан ўрин олган яна бир мавзу глобаллашув жараёнларининг моҳиятини ва уларнинг ривожланиш йўналишини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнлар ҳозирги вақтда жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олди ва давримизнинг оламшумул муаммоларини юзага келтирдики, уларнинг назарий ва амалий ечимини топиш бу муаммоларни шу жумладан, фалсафий даражада англаб етишни ҳам назарда тутади. Халқаро миқёсда алоҳида эътибор бериш ва келишилган ҳаракатларни тақозо этувчи энг муҳим муаммолар қаторига экология, демография, хавфсизлик, халқаро жиноятчилик, энергетика ресурслари, қашшоқликка чек қўйиш муаммоларини киритиш мумкин.

Кўриб турганимиздек, фалсафанинг предметини қандайдир битта, қатъий чекланган, муайян масалалар доираси билан боғлаш мумкин эмас. У вақт омилига ва объектив сабаблар тўпламига қараб, доим у ёки бу муаммо ёки уларнинг муайян мажмуи тарзида биринчи ўринга чиқади. Аммо бу бошқа мавзулар, масалалар ва муаммолар ўз аҳамиятини йўқотади ва фалсафа чегарасидан четга чиқади, унинг таҳлил предмети бўлмай қолади, деган маънони англатмайди. Бош мавзуларни иккинчи, учинчи ёки ундан ҳам кейинги ўринга суриб қўяди, улар муайян даврда ва тегишли шароитда фалсафий диққат марказидан ўрин олиш ёки фалсафий муаммоларнинг устуворликлар йуналиши бўйлаб юқорига кўтарилиш учун ўз вақтини «кутиб», гўёки панада туради, десак, тўғрироқ бўлади. Айни шу сабабли, биз фалсафа тарихида қизиқишлардаги устуворликларнинг муттасил ўзгаришини, у ёки бу масала бош масалага айланиши, фалсафий ҳамжамиятнинг асосий эътибори маълум вақт мобайнида унга қаратилишини кўрамиз.

Фалсафанинг структураси. Фалсафа ўз шаклланиши ва ривожланишининг қадимги давридаёқ, табиат, инсон, жамият ва маънавиятни, шунингдек, сабабий боғланишлар, қонунлар ва шу кабиларни билиш соҳасида юксак натижаларга эришди ва рационаллик нуқтаи назаридан одамларнинг дунё ҳақидаги умумий тасаввурига айланди. Аммо оламнинг чексиз даражада ранг-баранглиги ва серқирралиги туфайли ўша даврдаёқ парчаланмаган фалсафий билимлар ва тасаввурлардан айрим бўлимлар ажралиб чиқа бошлади, вақт ўтиши билан ривожланиб, анча аниқ шакл-шамойил касб этди ва янги билимлар билан тўлдирилди. Пировард натижада, улар фалсафий билимнинг тузилишини (структурасини) ташкил этди.

Фалсафанинг асосий масаласи структурасида икки томон ажратилади. Руҳ бирламчими ёки табиатми, деган савол мазкур масаланинг онтологик томонини ташкил қилади. Дунёни билиш имконияти тўғрисидаги масала, «инсон тафаккури дунёни ҳаққоний билишга қодирми, у ўзининг ҳақиқий дунё ҳақидаги тасаввурларида воқеликни тўғри акс эттиришга қодирми», деган савол фалсафа асосий масаласининг гносеологик томонини ўзида ифодалайди.

«Дунё – инсон» тизимидаги муносабатларнинг ранг-баранглиги предметли – амалий, гносеологик, аксеологик, эстетик, ахлоқий ва бошқа хил муносабатлар билан белгиланади. Қуйидагилар фалсафий билимнинг структураси ҳисобланади:

• онтология – мавжудлик, борлиқ ҳақидаги билим;

• гносеология (бошқа бир терминологияга кўра – эпистемология) – билиш назарияси;

• ижтимоий фалсафа – жамият ҳақидаги таълимот;

• этика – ахлоқ ҳақидаги таълимот;

• аксиология – қадриятлар ҳақидаги таълимот;

• фалсафий антропология – инсон ҳақидаги таълимот ва бошқалар.

Фалсафа уларнинг муҳим хусусиятлари, биринчи сабаблари ва асосларини аниқлашдан манфаатдор. У ёки бу муносабатни дунёга ёндашув мезони сифатида танлаш (масалан, дунёга уйғунлик, гўзаллик, мутаносиблик нуқтаи назаридан ёндашиш) у ёки бу фалсафий фанни (айни ҳолда эстетикани) белгилайди. Дунёга уни билиш имкониятлари ва қонуниятлари нуқтаи назаридан ёндашиш билиш назарияси – гносеологияни вужудга келтиради. «Инсон – дунё» тизимига ҳокимият муносабатлари нуқтаи назаридан ёндашиш сиёсатшуносликнинг предметини ташкил этади. Муносабатлар ўзагини ахлоқий меъёрлар ташкил қилган тақдирда эса тадқиқотчи этика соҳасига қадам қўяди.

Шундай қилиб, фалсафанинг асосий масаласи структураси фалсафанинг ўз структурасини акс эттиради, фалсафа эса ўз асосий масаласининг кенг назарияси сифатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, фалсафанинг асосий масаласи хусусида мулоҳаза юритиш жараёнида биз борлиқ нима, тафаккур нима деган саволларга турли хил жавоблар оламиз. Вақт ўтиши билан бу жавоблар ўз далиллар тизими, методологик тамойилларини шакллантиради ва фалсафий йўналишларга айланади. Масалан, *борлиқда, энг аввало, фақат фан доирасида аниқланиши ва тил тизимида белгилар ёрдамида ифодаланиши мумкин бўлган алоқалар ва қонуниятларни кўриш махсус йўналиш – позитивизм, аниқроқ айтганда, унинг охирги босқичи – аналитик фалсафа нуқтаи назари билан мувофиқ келади. Бу ерда, борлиқ нима, деган масала у ёки бу билимларни тўғри ифодалаш муаммосига, тил таҳлилига бориб тақалади. Аналитик фалсафа доирасида «лингвистик бурилиш» амалга оширилган ва тил фалсафаси бутун фалсафанинг асоси сифатида қабул қилинган.*

Позитивизм фалсафани конкрет фанларга қарама-қарши қўяди ва илмий билимни дунёни ўзлаштиришнинг бирдан-бир ижобий шакли, деб эътироф этади. Метафизика фалсафанинг синоними сифатида, энг аввало, тил мантиқий меъёрлари нуқтаи назаридан мазмундан холи деб эълон қилинади. Неопозитивистлар фикрига кўра, фалсафанинг ҳаёт мазмуни, чеклилик ва чексизлик, борлиқнинг биринчи асослари, универсумнинг атрибутивлиги каби азалий муаммолари сохта тушунчалар саналган атамалар ёрдамида шакллантирилади, зеро уларга берилган таърифларни текшириш мумкин эмас.

Айни шу даражада **фан фалсафаси** ҳам амал қилади ва илмий билиш фаолияти муаммоларини тадқиқ этади. Аввалига унда илмий фаолиятни муайян методологик тамойиллар ва норматив-мантиқий идеаллар билан мувофиқ ҳолатга келтириш, аниқроқ айтганда, фанни физика тили негизида унификация қилиш вазифаси қўйилган эди. У физикализмга қараб мўлжал оларди. Кейинчалик билишнинг ижтимоий-маданий омилларига қизиқиш сезиларли даражада кучайди. Билиш жараёнига норматив ёндашувнинг имкониятлари тор эканлиги намоён бўлганидан сўнг илмий билиш фаолияти меъёрларининг релятивлиги ғояси

туғилди. Фан фалсафасига ижтимоий-маданий билим (социология, психология, лингвистика, антропологиа ва культурология) натижалари ва методлари кириб кела бошлади.

Борлиқ нима, деган саволга жавоб излар экан, фалсафа борлиқни, энг аввало, инсон мавжудлиги дунёси сифатида қайд этувчи нуқтаи назарда тўхтайди. Бу ўзига хос тушунчалар аппаратига эга бўлган экзистенциал фалсафа вужудга келганини англатади. Иккинчи жаҳон урушидан, инсоният цивилизациясида юз берган туб ўзгаришлардан сўнг борлиқ инсоният кўз ўнгида метафизик даҳшат, қўрқув, ташвиш, зерикиш ва ҳатто беҳузурлик тарзида намоён бўлади. Экзистенциал фалсафа икки йўналишда – ҳам диний, ҳам атеистик фалсафа сифатида ривожланади. Диний экзистенциал фалсафа борлиқни эътиқод сифатида тушунади, эътиқодни ва айни пайтда, унинг инсон борлиғи уфқида пайдо бўлишини «ҳақиқий мавжудлик»ка эришиш усули, деб эълон қилади. Атеистик экзистенциализмда эса бутунлай бошқача кайфият ҳукм суради. Таърифларда кўп сонли зиддиятлар мавжудлиги туфайли Худонинг борлиги инкор этилади. Мустақил ва аноним тарзда ўз-ўзида мавжуд бўлган борлиқ онгга эга бўлиши мумкин эмас, у инсонга нисбатан раҳмсиздир, бу эса, амалда, Худо йўқлигини англатади, деган хулосага келинади.

Борлиқ ҳаёт феномени сифатида, материя ва руҳнинг ажралишидан олдин юз берган яхлит органик жараён сифатида талқин қилинганда ҳаёт фалсафаси юз кўрсатади. Бу ерда бирламчи ҳаёт воқелиги ўзини турли хил кўринишларда намоён этади. Ницшенинг волюнтаризмида у «ҳокимиятга интилиш» сифатида намоён бўлади. Бергсон тасаввурида ҳаёт космик юксалиш бўлиб, унинг моҳияти онг ва ўта юксак онг билан белгиланади. Дильтей ва Зиммель ҳаётни маданий-тарихий хусусиятга эга бўлган кечинмалар оқими сифатида тавсифлайди. Бироқ, таклиф қилинган талқинларнинг барчасида ҳаёт ижодий шаклланиш жараёни сифатида намоён бўлади.

Ҳаракат, энг аввало, оқилона унумли ҳаракат сифатида тушунилган борлиқ бизни АҚШда, айниқса, кенг тарқалган прагматизм соҳасига олиб киради. Ушбу фалсафий концепцияга кўра ҳар қандай ҳаракат келажакка қаратилгандир. Америкалик файласуф Ч.Пирс (1839–1914)нинг: «Нарса ғояси унинг ҳиссий оқибатлари ғоясидир», деган тезиси прагматизмнинг манифести сифатида қаралиши мумкин. Ҳақиқат у ёки бу ғоянинг самаралилиги ва иш қобилияти, унинг мақсадга эришиш учун фойдалилиги демакдир.

Борлиққа интуитив тарзда англаб етиладиган сир сифатида ёндашув, интуитивизм деб номланади. Интуиция интеллектга қарама-қарши туради ва предметнинг моҳиятига бирон-бир манфаатни кўзламасдан, холисона назар ташлашни, субъект ва объект ўртасидаги масофани қисқартиришни назарда тутади. Интуитивизмда билим кечинма тарзида амал қилади.

Борлиқ вазиятлардан таркиб топса ва уларни талқин қилиш усули биринчи даражали аҳамият касб этса, демак, бу ерда гап герменевтика ҳақида боради. Унинг доирасида тушунувчи талқин қилиш борлиқни гавдалантиришнинг асосий модуси ҳисобланади. Бирор нарсани тушуниш учун уни тушунтириш керак, тушунтириш учун эса, тушуниш зарур.

Фалсафий муаммолар моҳиятини тушуниб етиш, уларнинг энг муҳимларини

аниқлаш ва ниҳоят, фалсафий билимлар билан ошно бўлиш – кўрсатилган бўлимларни синчиклаб ўрганиш, бунда уларга яхлит бир бутуннинг таркибий қисмлари сифатида ёндашиш демакдир. Пировардида биз фалсафанинг ўзига хос тили, ўз ёндашувлари ва методлари, ниҳоят, табиат, жамият ва тафаккурга оид энг муҳим алоқалар, хоссалар ва қонунларни ўзида акс эттирувчи умумий тушунчалар – категориялар тизими вужудга келганининг гувоҳи бўламиз. Бунда фалсафадаги ҳар бир бўлим ёки йўналиш ҳам ўз тушунчалар аппаратига, яъни билимнинг фақат шу соҳасига хос бўлган ва унинг асосий моҳиятини ёритиб берадиган категориялар тизимига эгадир.

Фалсафада кўриб чиқилган мавзулар билан бир қаторда шундай билим соҳалари ҳам мавжудки, улар қолган барча билим соҳаларига кириб боради, улар билан уйғунлашади ва уларни тўлдиради. Масалан, табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккурида юз берувчи ҳаракат, ривожланиш ва ўзгаришлар ҳақидаги фалсафий таълимот – диалектика ана шундай билим соҳаларидан бири ҳисобланади.

Объектив сабабларга кўра фалсафий билимнинг айрим соҳалари сезиларли даражада ривожланди ва вақт ўтиши билан мустақил фалсафий фанларга айланди. Бундай билим соҳалари қаторига, масалан, инсоннинг билишни амалга ошириш шакллари, қонунлари ва усулларини ўрганадиган фан – мантиқни; маънавият ва ахлоқ ҳақидаги таълимот – этикани; гўзаллик қонунларига мувофиқ ижоднинг моҳияти ва шакллари ҳақидаги фан – эстетикани киритиш мумкин.

Шу маънода фалсафа тарихи фани алоҳида диққатга сазовордир, зеро у, моҳият эътибори билан, нафақат фалсафий, балки тарихий фан ҳисобланади. Айни вақтда у фалсафий билим таркибига ҳам киради, чунки фалсафий тафаккурнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини, фалсафий ғоялар эволюцияси ва хусусиятини турли файласуфлар, йўналишлар, оқимларнинг таълимотларида қандай тавсифлангани нуқтаи назаридан ўрганади. Фалсафа тарихи фанида фалсафий таълимотларни тизимга солиш ва таснифлашга, матнлар, тарихий саналарни таҳлил қилишга, далилий материал, биографик маълумотлар йиғишга алоҳида эътибор берилади. Шу муносабат билан дунёқарашни кенгайтириш ва теранлаштиришга, ўз фалсафий ёндашувларини яратишга қаратилган фалсафани ўрганиш, унинг тарихи, асосий намояндалари ва энг муҳим фалсафий асарлари билан, албатта, танишишни назарда тутади.

Фалсафанинг янги соҳалари. Фалсафий билимнинг тузилиши ўзгармас, узил-кесил шаклланган эмас. Фалсафанинг ривожланиши ва у ҳал қилаётган муаммолар доираси кенгайишига қараб, фалсафий билим тузилишида ҳам ўзгаришлар юз беради. Илмий назариялар ёки фалсафий ғоялар инқирозга учраган ёки ўзининг асоссизлигини намойиш этган тақдирда, уларнинг билим тизимидаги ўрни ва ролини қайта баҳолаш амалга оширилади, бу эса, баъзан, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти йўқолишига олиб келади. Масалан, флогистон назарияси, «фалсафа тоши»ни излаш, эмпириокритицизм фалсафаси ва ўз аҳамиятини йўқотиб, тарих мулкига айланган бошқа кўпгина ғоялар билан шундай бўлган. Бугунги кунда фалсафа билан ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз беряпти, деган фикр мавжуд. Ҳатто, фалсафа ўляпти, деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Дарҳақиқат, ўзини оқламаган ғоялар, йўналишлар ва концепциялар бисёр, уларнинг аксарияти ҳозир жуда оғир аҳволда, айримлари эса кучли инқироз

ҳолатини бошдан кечирмоқда. Аммо *фалсафа ўзининг биринчи маъносида – «доноликни севиш» сифатида, ҳақиқатнинг тагига етиш усули сифатида, жон ҳолати сифатида ва ниҳоят, дунёқарашнинг алоҳида шакли сифатида инсоният тургунча мавжуд бўлади.*

Буни фалсафий билимнинг айрим нисбатан янги соҳалари ҳам тасдиқлайди (баъзан улар мустақил фалсафий фанлар мақомига даъвогарлик қилади). Улар фалсафа ёндашувлари ва методлари жамият ҳаётининг айрим жабҳалари, мураккаб объектлар, муайян фанлар ва шу кабиларни ўрганишга нисбатан қўлланилиши натижасида юзага келди. Уларнинг аксарияти фалсафанинг энг янги тарихи билан боғлиқ бўлиб, асосан XX асрга тегишлидир. Бу ерда, аввало, табиат фалсафаси, ҳуқуқ, фан, тарих, сиёсат, санъат, дин, техника фалсафаси, танатология, геронтология ва бошқалар назарда тутилмоқда. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида тадқиқотнинг яна бир янги ва ўта муҳим соҳаси – глобаллашув ва у юзага келтираётган глобал муаммолар фалсафаси пайдо бўлдики, уни ўрганиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Фалсафанинг асосий масалалари. Фалсафани ўрганаётган ҳар бир одамда фалсафада қолган барча муаммоларга нисбатан устунроқ аҳамият касб этадиган, яъни муҳимроқ, асосийроқ ҳисобланадиган масалалар, муаммолар мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қизиқиш эртами, кечми, албатта, юзага келади. Бу мавзу нафақат бошловчи, балки профессионал файласуфлар учун ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг орасида кимдир бу мавзуга жиддий эътибор беради, кимдир эса, аксинча, уни муҳим деб ҳисобламайди. Фалсафанинг узоқ тарихига умумий назар ташласак, олам ва инсоннинг келиб чиқиши, ривожланиши ва моҳиятига, шунингдек, ҳаётнинг маъноси, инсон билишининг табиатига тегишли «боқий» фалсафий муаммолар деярли барча фалсафий таълимотларда у ёки бу тарзда мавжудлигини, турли фалсафий асарларда, улар айнан кимга қарашлилиги ва қайси даврга мансублигидан қатъи назар, қисман ёки аксинча, атрофлича муҳокама қилинишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, онг, тафаккур, руҳ, идеаллик ва уларнинг материя, табиат, борлиқ билан ўзаро нисбати масалаларига ўз муносабатини билдирмаган ёки ўз мулоҳазалари ва хулосаларида шубҳа қилмаган файласуфни топиш мушкул. Бу ҳол ўз вақтида олимлар томонидан «фалсафанинг асосий масаласи»ни таърифлашига туртки берган бўлиб, унда икки жиҳат алоҳида ажралиб туради.

Биринчи жиҳат моддийлик ва идеалликнинг ўзаро нисбатига тегишли. Савол шундай қўйилади: «Материя бирламчими ёки руҳ (онг)ми?» ёки «Тафаккур ва борлиқнинг нисбати масаласи бутун, айниқса, энг янги фалсафанинг буюк асосий масаласидир».

Иккинчи жиҳат биринчи жиҳат билан узвий боғлиқ бўлиб, қуйидагича таърифланади: «Дунёни билиш мумкинми?» Бошқача айтганда: «Биз ҳақиқий дунё ҳақидаги ўз тасаввурларимиз ва тушунчаларимизда борлиқни тўғри акс эттиришга қодирмизми?» Бу масалада материалистлар ва идеалистларнинг қарашлари зиддиятли характерга эгадир.

Материалистлар ва идеалистлар. У ёки бу файласуфлар саволнинг биринчи қисмига қандай жавоб беришига қараб, – *дунё азалдан моддий, онг эса бу материянинг маҳсулидир*, – деб ҳисобловчилар материалистлар ҳамда – *дунё замири-*

да материядан олдин пайдо бўлган ва уни яратувчи идеал нарсалар ва ҳодисалар ётади, – деган фикрни ҳимоя қилувчи идеалистларга ажратилади.

Бунда идеализмнинг икки тури – объектив ва субъектив идеализм фарқланади. *Объектив идеалистлар – қандайдир номоддий ва инсон онгига боғлиқ бўлмаган (яъни, объектив мавжуд бўлган) нарсалар ва ҳодисаларни (Худо, дунёвий ақл, ғоя, руҳ ва шу кабилар) бутун борлиқнинг асоси деб эътироф этадилар.* Фалсафа тарихида Платон, Авлиё Августин, Фома Аквинский, Г.Гегель, Н.Бердяев каби мутафаккирлар объектив идеализм намояндаларидир. *Субъектив идеалистлар – дунё фақат индивидуал (субъектив) онг маҳсулидир, деб ҳисоблайдилар.* Ж.Беркли, Д.Юм, И.Г.Фихте субъектив идеализмнинг ёрқин намояндалари ҳисобланади.

Фалсафа тарихида материалистик йўналишлар ва оқимлар ҳам анчагинадир. *Содда матеиализм материяни яратиш ва йўқ қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги таълимотдир.* Содда материализм вакиллари:

• Қадимги Хитой файласуфлари – Лао Цзи, Ян Чжу;

• Қадимги Ҳинд файласуфлари – локаята йўналиши намояндалари;

• Қадимги даврнинг машҳур файласуфлари – Гераклит, Эмпедокл, Демокрит, Эпикур ва бошқалар.

• Қадимги Марказий Осиё файласуфлари – Зардўшт, Сепитома кабилардир.

Классик механика вужудга келган ва фаол ривожланган Янги даврда механистик материализм (П.Гольбах, П.Гассенди, Ж.Ламетри), айниқса, кенг тарқалди.

XVIII–XIX асрларда фалсафий материализмнинг йўналишлари:

– антропологик материализм (Л.Фейербах);

– вульгар материализм (Фогт, Бюхнер, Молешотт);

– диалектик материализм (К.Маркс, Ф.Энгельс) шаклланди.

Бироқ, яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур таснифга мувофиқ материалистлар ёки идеалистлар деб номланувчи у ёки бу файласуфлар бундай фарқлашга асоссиз схемалаштириш ва соддалаштириш деб қараб, ўзини бу йўналишларнинг бирортасига ҳам мансуб деб ҳисобламаслиги мумкин. Бундай қарашлар шу билан изоҳланадики, тўғридан-тўғри ва узил-кесил тарзда, бу муаммони тушунишга нисбатан бошқача ёндашувларни эътиборга олмасдан таърифланган «фалсафанинг асосий масаласи» муқаррар тарзда барча файласуфларни икки катта қарама-қарши лагерга – материалистлар ва идеалистларга ажратади ва бу ҳодисанинг айрим кўриниши сифатида фақат моддий ва маънавий субстанцияларни тенг ҳуқуқли асослар деб ҳисобловчи *дуалистлар*нигина (масалан, Р.Декарт) фарқлайди.

Аммо, фалсафий тафаккур тарихида у ёки бу файласуфлар фикрига кўра, энг муҳим деб қараладиган бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Айни шу сабабли, аксарият файласуфлар субстанция (дунёнинг биринчи асоси) ҳақида мулоҳаза юритар экан, мазкур масаланинг қўйилишини «фалсафанинг асосий масаласи» билан боғлашга мойил эмас. Масалан: *илк антик файласуфлар учун фалсафанинг асосий муаммоси: «Дунё нимадан яратилган?» деган савол билан боғланган. Ўша даврда бу савол энг муҳим, асосий, биринчи даражали ҳисобланган*.

Ўрта асрлар схоластикаси нуқтаи назаридан «фалсафанинг асосий масаласи» қуйидагича таърифланиши мумкин: «Худонинг борлигини қандай қилиб

оқилона асослаш мумкин?» Ҳозирги диний фалсафий концепциялар, хусусан неотомизм учун у ҳозир ҳам бош масала бўлиб қолмоқда. Ибн Сино фикрича, фалсафанинг асосий масаласи – мавжудотни барча мавжуд нарсаларни келиб чиқиши, тарғиботи ўзаро муносабати, биридан-иккинчисига ўтишни ҳар томонлама текшириш учун зарурий имконият, воқелик сабаб тамойилларини асос қилиб олишдан иборат[1].

Янги даврда И.Кант *ёндашуви диққатга сазовор бўлиб, у «Инсон нима?» деган саволни моҳият эътибори билан фалсафанинг асосий масаласи деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, инсон икки дунё – табиий зарурат ва маънавий эркинликка мансуб бўлиб, уларга мувофиқ одамзод, бир томондан, табиат маҳсули ҳисобланади, бошқа томондан эса, у «эркин ҳаракат қилувчи мавжудотнинг ўз-ўзидан яратиш» натижасидир*[2].

Экзистенциализм *фалсафасида эса ҳар бир индивид ўзи учун ўзи ҳал қилиши лозим бўлган «Ҳаёт яшашга арзийдими?» деган муаммо асосий масала сифатида эътироф этилади, зеро, мазкур йўналиш намояндаларининг фикрига кўра, бу саволга жавобсиз қолган ҳамма нарса ўз маъносини йўқотади.* Француз экзистенциалист файласуфи А.Камю таъбири билан айтганда: «Ҳаёт яшашга арзиши ёки арзимаслиги масаласини ҳал қилиш, фалсафанинг асосий масаласига жавоб топиш демакдир»[3]. Масалан, прагматизм асосий эътиборни ҳақиқат тушунчасига ва уни аниқлаш муаммосига қаратади. Бу йўналиш вакилларининг фикрига кўра, фалсафа, аввало, айни шу муаммо билан шуғулланиши ва инсонга амалда фойда келтириши лозим.

Фалсафани сиёсийлаштириш ва схемалаштиришнинг оқибатлари. Фалсафани ўта сиёсийлаштириш маълум маънода зараралидир**.** Чунки собиқ совет тузуми даврида айни фалсафий билимни мутлақлаштириш, уни сиёсий билим доираси билан чегаралаш оқибатида фалсафа сийқалашди, унинг асл мазмунига путур етказилди. Шунингдек, фалсафанинг барча вақтларда ва ҳар қандай шароитда ўз аҳамиятини сақлаб қолиши мумкин бўлган, қолган барча масалаларни истисно этадиган бирдан-бир тўғри асосий масаласи борми? Бизнингча, мазкур узил-кесил таъриф контекстида бундай масала мавжуд эмас. Биринчидан, айни ҳолда тарихий даврни ҳам, фалсафий билимнинг плюралистик табиатини ҳам ҳисобга олиш талаб этилади. Иккинчидан, қандайдир битта муаммони фақат у ёки бу муайян вазифани ечиш мақсадида мураккаб масалаларни схемалаштириш, атайлаб соддалаштириш тўғрисида сўз юритилаётганини тушунган ҳолда, маълум даражада шартлилик билан мутлақлаштириш мумкин.

Масалан, фалсафанинг «борлиқ» ва «субстанция» каби айниқса, кенг тарқалган асосий категориялари ҳақида сўз юритар ва муайян файласуфларнинг уларга бўлган муносабатини аниқлашга ҳаракат қилар эканмиз, «фалсафанинг асосий масаласи»ни узил-кесил ечиш тарафдорлари илгари сурган мантиққа мувофиқ, барча файласуфларни маълум даражада шартлилик билан материалистлар, идеа-

---

[1] Ибн Сино. Донишнаме. –М.: 1957 г. с. 7.

[2] Кант И. Соч. Т.6 –М.: «Наука», 1997 г. с. 351.

[3] Камю А. Всемирная энциклопедия. Философия. –М.: «Современные тетради», 2001 г. с. 344.

листлар ва дуалистларга ажратишимиз мумкин. Умуман олганда, агар, фалсафада, айниқса, кўп муҳокама қилинадиган муаммолар доирасини аниқлашга ҳаракат қилинаётган ёки фалсафа тарихини, у ёки бу фалсафий ғоялар, йўналишлар, оқимларнинг ворисийлигини яхшироқ тушуниш вазифаси қўйилаётган бўлса, бундай ажратиш мутлақо ўринлидир.

Шунингдек, муаммога нисбатан янгича ёндашувни ёки масаланинг янгича талқинини таклиф қилиши мумкин бўлган бошқача ёндашувлар пайдо бўлиши ва мавжудлигига йўлни беркитмаслик учун ҳар қандай схемалаштириш чекланган хусусиятга эга бўлишини унутмаслик керак.

Айни бир масалага бошқача нуқтаи назардан, ғайритабиий ёки мутлақо кутилмаган томондан ёндашиш таклиф қилинган, пировардда эса аввалги қарашлар нуқтаи назаридан эришиш мумкин бўлмаган кашфиётлар олинган ҳолларга тарихда мисоллар бисёр. Масалан, геоцентрик қарашлар ўрнини гелиоцентрик қарашлар эгаллаши, нисбийлик назариясининг пайдо бўлиши, Рим клубига тақдим этилган «Ўсиш чегаралари» маърузаси ва ҳоказолар кўпчилик учун табиий, ўз-ўзидан равшан бўлиб туюлган нарсаларга нисбатан ноанъанавий, ғайритабиий ёндашув маҳсулидир. Мазкур мисоллар фалсафада «қатъий», узил-кесил таърифларга нисбатан анча эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим, зеро бу, баъзан янглишишларнинг мустаҳкамланишига, охир-оқибатда эса, фақат турғунлик ва догматизмга олиб келади, деган фикрни тасдиқлайди.

Дунёни билиш мумкинми, деган саволга файласуфлар томонидан берилган жавоблар орасида ҳам икки қарама-қарши ёндашув ажралиб туради. Бу ёндашувлардан бири *гносеологик оптимизм* деб аталади. Унга мувофиқ инсоннинг билиш имкониятлари умуман олганда, чекланмаган ва у ўзини қизиқтираётган табиат ва жамият қонунларини кашф этиш, нарсалар моҳиятини аниқлаш ва дунёнинг ҳақиқий манзарасини яратишга эртами, кечми, албатта, муваффақ бўлади, деб ҳисобланади. Бунда Г.Гегелни ва у яратган таълимотнинг кўп сонли тарафдорларини тилга олиб ўтиш ўринли бўлади.

Иккинчи ёндашув *агностицизм (*юнон. «а» – «инкор» ва «gnosis» – «билим») деб аталади. Бу ёндашув намояндалари дунёни, нарсалар ва ҳодисалар моҳиятини тўла (ёки ҳатто, қисман) билиш амалда мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бундай қарашлар, айниқса, Д.Юмга хосдир. Одатда, агностицизм намояндалари қаторига И.Кант ҳам киритилади, аммо бу ёндашув анча баҳсли бўлиб, файласуфлар орасида мунозараларга сабаб бўлиб келади.

Фалсафада шубҳанинг роли. Юқорида келтирилган иккала гносеологик ёндашувни таққослаш ва уларга баҳо беришда шубҳа муҳим роль ўйнайди. У нафақат ўринли, балки ижодий йўналтирилган ҳар қандай билишнинг зарурий элементи ҳисобланади. Шунингдек, фалсафий мулоҳазалар ҳар қандай шак-шубҳадан холи бўлса, нотанқидий идрок этиладиган ўтмиш ва қадимда ўзлаштирилган қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсуниш меъёрга айланиб қолса, бу, догматизм, турғунлик ва таназзулга элтади.

Бунга қадимдаёқ антик файласуфлар: элладалик Пиррон, Аркесилай ва шубҳани фикрлашнинг асосий тамойили, инсон билимини эса – нисбий деб эълон қилган фалсафий йўналиш – скептицизмнинг бошқа асосчилари эътиборни қаратган. *Скептицизм ҳақиқатга шак-шубҳасиз эгалик ва нарсаларни тўғри*

тушунишга даъвогар бўлган фалсафий таълимотлар ҳукмронлигига муносабат сифатида вужудга келди ва шу маънода, ижобий роль ўйнади.

Фалсафанинг асосий функциялари. Фалсафа у ёки бу муаммоларни ҳал қилар, қонунлар, муайян тамойилларни таърифлар ёки гипотезалар, ғоялар ва назарияларни илгари сурар экан, айни вақтда (баъзан, шу тариқа), ҳар хил функцияларни бажаради. Фалсафанинг муҳим функцияларидан дунёқарашни шакллантириш, билиш, методологик, интегратив, маданий, аксиологик, ахлоқий ва тарбиявий функцияларни қайд этиш мумкин. Уларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу функцияларнинг роли ва аҳамияти фалсафанинг амал қилиш соҳаси, у ҳал қилаётган вазифалар даражаси ва хусусияти билан белгиланади.

Дунёқарашни шакллантириш функцияси *инсоннинг ўз-ўзини ва ўзини қуршаган борлиқни тушуниши, шунингдек, турли воқеалар, ҳодисаларни ва ўз бурчини қандай талқин қилишида намоён бўлади.* Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, инсон дунёқарашида эътиқодлар ва билимлар, туйғулар ва эмоциялар, оқилоналик ва иррационаллик, тажриба, интуиция ва ҳоказолар чамбарчас боғланади. Айни шу сабабли, фалсафасиз дунёнинг яхлит манзарасини яратиш мумкин эмас, чунки, «ҳамма нарсага аралашадиган» фалсафагина дунёқарашнинг ўзаро боғланмаган турли «парчалари»ни бирлаштириб, шу тариқа одамларнинг бутун борлиққа нисбатан умумий, изчил ва мантиқан тўғри муносабатини яратиш имконини беради. Бунда фалсафа айрим икир-чикирлар, аҳамиятсиз тафсилотларни мавҳумлаштиради ва умумий алоқаларга, турли нарсалар ва ҳодисалар хоссаларининг бирлигига эътиборни қаратади ва шу тариқа ўзининг бош функцияси – дунёқарашни шакллантириш функциясини бажаради.

Фалсафанинг гносеологик функцияси *тажрибада синаш, тавсифлаш ёки шак-шубҳасиз инкор этиш мумкин бўлмаган, яъни фан очиб бериш, тадқиқ этиш ва таҳлил қилишга қодир бўлмаган нарсалар ва ҳодисаларни оқилона йўл билан тушунтиришга ҳаракат қилишдир*. Фалсафа у ёки бу моҳияти аниқланмаган ёки кам ўрганилган ҳодисаларни тушунтиришга нисбатан ўз ёндашувлари, назариялари ва гипотезаларини таклиф қилар экан, уларни билишга бўлган қондирилмаган қизиқиш ўрнини муайян даражада тўлдиради, шу тариқа мифологик ва диний фантазияларга камроқ ўрин қолдиради. Фалсафа гносеологияда ҳал қиладиган бошқа бир муҳим вазифа «Ҳақиқат нима?» «Унинг мезонлари қандай?» деган масалалар билан боғлиқ, зеро ҳар қандай билиш жараёни охир-оқибатда, у ёки бу тарзда ҳақиқатнинг тагига етишга қараб мўлжал олади, бу эса энг муҳим масаладир.

Методологик функцияси *у ёки бу мақсадга эришишнинг муайян усулини, шунингдек, борлиқни назарий ва амалий ўзлаштиришга қаратилган усуллар ёки амаллар мажмуини англатади* (бу тушунча юнонча «methodos» – «йўл», «тадқиқот», «текшириш» сўзидан келиб чиққан). Бошқача қилиб айтганда, бу файласуф ёки олим ўзи ўрганаётган предметнинг тадқиқот йўлидир. Одатда, методология муаммолари фалсафа доирасида ўрганилган, бироқ айрим фанлар вужудга келиши билан фалсафий (умумий) методлар билан бир қаторда муайян, айрим илмий методлар ҳам ривожлана бошлади. Фалсафанинг бошқа бир муҳим методологик функцияси фалсафада ҳам, айрим фанларда ҳам муҳим роль ўйнайдиган ҳар хил категорияларни ишлаб чиқишдан иборат. Кези келганда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, фалсафа ўта кенг тушунчалар, яъни катего-

риялар билан иш кўрар, уларни таърифлар экан, методологик функция билан бир вақтда дунёқарашни шакллантириш функциясини ҳам бажаради.

Фалсафанинг интегратив функцияси *реал борлиқнинг янги объектлари ва ҳодисалари инсоннинг назарий тадқиқотлари соҳасидан ўрин олиши, шунингдек, илгари маълум даражада англаб етилган нарсалар ва ҳодисаларни янада чуқурроқ ўрганиш учун бирлашишга эҳтиёж.* Илмий билимларнинг интеграциялашуви ва у ёки бу муаммоларни ечиш учун куч-ғайратни бирлаштириш жараёни яккаланиш хавфининг олдини олиш имконини беради. Зеро, айрим фанлар пайдо бўлиб, улар нафақат ўз тадқиқот объекти ва предметини ажратди, балки ўзининг фақат мазкур фанга хос бўлган тили, кагегориялар аппарати ва ҳоказоларни яратди. Аммо бу йўлда жиддий хавф ҳам мавжуд бўлиб, у шундан иборатки, фанларнинг ажралиши натижасида улар ўртасидаги алоқалар сусаяди, улар мураккаб комплекс вазифаларни ечишда фаол ўзаро алоқа қилиш қобилиятини йўқотади. Бу эса, илмий билимнинг ўсишига салбий таъсир қилади.

Мураккаб комплекс муаммоларни тадқиқ этувчи ҳозирги замон фанида баъзан айрим илмий фанларнинг вакиллари бошқа фанларнинг вакилларини фақат улар турли тилларда, яъни ҳар бири ўз фанининг тилида гапиргани боис тушунмайди. Бу жиҳатдан фалсафа улар учун амалда боғловчи бўғинга, бирлаштирувчи асосга айланади, чунки у ўз таҳлилида фанлараро мулоқотга ва мазмуни айни бир контекстда турли фанлар томонидан қабул қилинадиган ва қўлланиладиган фундаментал тушунчаларни яратишга қараб мўлжал олади.

Мураккаб объектларни комплекс тадқиқ қилишда ҳар бир муайян фан ўз предметидан келиб чиқади. Бу предмет доираси унга ўрганилаётган объектни яхлит кўриш, унинг алоқаларини аниқлаш имконини бермайди. Бу вазифани ҳал қилишга ҳам фақат фалсафа қодир бўлиб, у бутун вазиятни яхлит кўриш имконини беради ва бу жиҳатдан нафақат фанлар ўртасида, балки инсон фаолиятининг айрим жабҳалари, масалан, ўтказилаётган тадқиқотлар бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий фаолият ўртасида ҳам боғловчи бўғин ҳисобланади.

Фалсафанинг маданий функцияси *одамлар дунёқарашини кенгайтириш, уларда билишга қизиқиш уйғотиш, назарий фикрлаш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш орқали намоён бўлади.* У дунёни ўзлаштириш ва билишнинг универсал шакли сифатида, инсониятнинг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштиради ва уларни бутун инсоният мулкига айлантиради. Турли мамлакатлар ва халқларнинг фалсафа тарихини ўрганиш уларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги маданиятини яхшироқ тушуниш имконини беради, ғоялар алмашинуви ва маданий анъаналарнинг ўзаро таъсирига кўмаклашадики, бу маданий мерос билан узвий боғлиқ бўлган кўпгина муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафанинг аксиологик функцияси (юнон. *«ахіа» – «қадрият») ҳаётнинг маъноси, ўлим ва умрбоқийлик масалаларини кун тартибига қўйиш, у ёки бу ҳаракат, воқеа, ҳодисага «яхши», «ёмон», «муҳим», «фойдали», «фойдасиз» категориялари билан баҳо бериш орқали намоён бўлади.* У узоқ муддатли тенденцияларни қисқа муддатли тенденциялардан фарқлаш, юзаки жараёнларни фундаментал жараёнлардан, муҳим нарсалар ва ҳодисаларни иккинчи даражали нарса-

лар ва ҳодисалардан ажратиш орқали инсоннинг қадриятларга муносабати билан узвий боғлиқ бўлган тегишли эҳтиёжларини шакллантиради. Шу тариқа инсоннинг муайян қадриятлари, мўлжаллари ва устуворликлари белгиланади, яъни тегишли қадриятлар тизими таркиб топади. Бу тизим одамларнинг муҳим хусусияти ҳисобланади, уларнинг ҳаётга муносабатини акс эттиради ва жамиятдаги хулқ-атворини кўп жиҳатдан белгилайди.

Фалсафанинг ахлоқий функцияси *одамларнинг у ёки бу жамиятда қарор топган муносабатлар таъсирида шаклланувчи хулқ-атвори*. Бунда, масалан, ахлоқий қадриятлар, уларнинг табиати, асослари ва жамиятдаги амалий роли фалсафанинг тадқиқот предмети ҳисобланадики, бу жамиятда юзага келадиган ва табиий йўл билан, яъни реал ҳаёт амалиётида ўрнатиладиган меъёрлар ва қоидаларга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бундай меъёрлар ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи муҳим дастак ҳисобланади ва одамларнинг ўзаро алоқалари, уларнинг муносабатлари, ўзаро тил топиш даражасида намоён бўлади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фалсафа доимо ахлоқда, жамиятнинг барча аъзолари хулқ-атворида намоён бўлади ва шу тариқа яна бир муҳим функция – ахлоқий функцияни бажаради.

Фалсафанинг тарбиявий функцияси *инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзи мансуб бўлган жамиятнинг ахлоқий нормаларига риоя қилишдир.* Бу масаланинг халқаро даражадаги кенг ва ҳар томонлама муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда сўз юритиш ўринли бўлади. Бугунги кунда нафақат айрим халқлар, балки бутун жаҳон ҳамжамияти ўз-ўзини англаб етишга йўналтирилган фалсафага муҳтождир. Буни 2002 йилдан ЮНЕСКО қарорига биноан, бутун дунёда ҳар йили ноябрь ойининг учинчи пайшанбасида ўтказиладиган «Жаҳон фалсафа кунлари» ҳам, ҳозирги кунда дунё учун энг муҳим масалаларга эътиборини қаратадиган Жаҳон фалсафа Конгресси ҳам тасдиқлайди. Дарҳақиқат, бундай конгресс биринчи марта 1900 йилда Францияда ўтказилган, 1948 йилдан бошлаб уни ҳар беш йилда бир марта ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, 1998 йилда Бостон шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтган XX Жаҳон фалсафа конгресси «Пайдейя: инсониятни тарбиялашда фалсафа» мавзусига бағишланган бўлса, Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказилган XXI Жаҳон фалсафа конгрессида «Фалсафа жаҳон муаммолари билан юзма-юз» мавзуси атрофлича муҳокама қилинди. XXII жаҳон фалсафа конгресси биринчи марта Осиё мамлакати бўлмиш Жанубий Корея Республикасининг Сеул шаҳрида «Ҳозирги даврда фалсафани қайта англаш» деган умумий мавзу остида бўлиб ўтди. Конгрессларнинг мавзуларидан кўриниб турганидек, фалсафа реал ҳаёт билан узвий боғлиқ ва энг муҳим муаммоларни англаб етишга хизмат қилиб келди. Шундай муаммолардан бири – *инсонни шахс сифатида тарбиялаш ва камол топтиришда фалсафанинг роли ва аҳамияти масаласидир*. Бунинг учун эса, албатта, қадимги давр мутафаккирларининг асарларига яна бир бор мурожаат этиш тақозо этилади.

Қадимги мутафаккирлар ҳар томонлама таълим ва тарбияни, яъни ўз қобилиятлари ва имкониятларини рўёбга чиқаришга қодир бўлган жисмоний ва маънавий жиҳатдан комил инсонни вояга етказишни «пайдейя» (юнон. «pais» – «бола») атамаси билан ифодалаганлар. Ўша вақтларда пайдейя аристократиянинг ўзига хос белгиси ҳисобланган; эндиликда файласуфлар таълим ва тарбия муам-

моларини яна биринчи ўринга қўйиб, уларни ҳал қилишда фалсафанинг ролини аниқлашга ҳаракат қилар эканлар, бу тушунчани яна эсга олдилар. Хусусан, Бостон конгрессидаги асосий маърузаларнинг муаллифларидан бири француз файласуфи Пьер Обенк: «Инсоннинг ваҳшиёна табиатидан маърифатли табиатга ўтиш имконияти қай даражада мавжуд», деган саволни ўртага ташлайди. Унинг фикрича, инсоннинг ягона табиати икки маъноли бўлиб, фақат маърифат (пайдейя) одамзодни тўла маънода инсонга айлантиради ёки Платон таъбири билан айтганда, пайдейя унинг кўзини очади.

Бироқ, *маърифатнинг вазифаси кўзга кўриш қобилиятини беришдан эмас, балки унга тўғри қарашни ўргатишдан иборатдир. Демак, Платон, Демокрит, Зардўшт ва бошқа машҳур файласуфлар фикрига таяниб, маърифат ёрдамида, таълим ва тарбия жараёнини зўрликка қарши йўналтириш ва одамзод ақлидрокини камол топтириш орқали инсоннинг бошқача табиатини яратиш мумкин*. «Пайдейя» тушунчаси болани тарбиялаб, комил инсонга айлантирувчи таълим жараёнига эътиборни қаратади. Қадимги юнонлар «техне» ва «пайдейя» каби тушунчаларни фарқлаганлар; биринчи атама билимни, яъни ўрганиш мумкин бўлган нарсани англатса, иккинчи атама билим бериш манбаини эмас, балки тўғри фикр манбаини англатади. Бунда пайдейя, Аристотель таъбири билан айтганда, инсонни ўзини ўзи камол топтиришга рағбатлантириши лозим. Шу боис Протагор, Суқрот ва Платон айтганидек, *фалсафадан сабоқ беришда ишонтириш маҳоратини эмас, балки тўғри фикрлаш маҳоратини ўргатишга эътибор қаратиш муҳим.*

Фалсафанинг жамиятдаги аҳамияти ва роли ёки амалий фалсафа. Одатда, фалсафа кундалик ҳаёт ва амалиётдан анча узоқ бўлган ҳаддан ташқари умумий масалаларни ўрганади, деган фикр мавжуд. Аммо бу фикрга қўшилиш мушкул, зеро умумий назариялар, агар уларга кенгроқ маънода ва узоқроқ истиқбол нуқтаи назаридан ёндашилса, баъзан билимнинг тор соҳаларига тааллуқли бўлган кўпгина муайян ғоялардан яхшироқ самара беради.

Албатта, фалсафа доим кундалик ҳаётдан маълум даражада узоқ бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг ўзига хос хусусияти, бетакрорлиги айни шу омилда намоён бўлади. Бироқ, бошқа томондан, фалсафа оддий ижтимоий борлиқ, кундалик ижтимоий, сиёсий ёки иқтисодий ҳаёт амалиёти деб номлаш мумкин бўлган нарсалардан ҳам ўзини олиб қочмайди. *Фалсафий рефлексия ва у билан муштарак бўлган ҳаракатларнинг мазкур йўналиши XX асрда ҳатто бутун бир йўналиш – амалий фалсафа вужудга келишига сабаб бўлди.* Бунда фалсафа сиёсий, ижтимоий ва бошқа қарорлар қабул қилишга муқаррар тарзда ва бевосита таъсир кўрсатади, деб айтиш мумкин эмас, аммо бу ҳолни бутунлай истисно этиш ҳам ўринли бўлмайди. Бироқ, шу нарса аниқки, фалсафа одамлар дунёқарашини шакллантириш орқали уларнинг хулқ-атворини, юқорида зикр этилган қарорларни ишлаб чиқиш жараёнида уларнинг ёндашувларини ҳам кўп жиҳатдан белгилайди, файласуфларнинг ўзлари эса, баъзан одамлар ҳаётини бутунлай ўзгартирувчи муҳим, ғоялар ташаббуси билан чиқадилар.

Файласуфлар жамиятдаги маънавият ва ахлоқнинг ҳолати учун ҳам сезиларли даражада жавобгардирлар, зеро улар нафақат ижтимоий меъёрлар ва тамойилларни ривожлантирадилар, улардан дарс берадилар ёки китоблар, мақолалар орқали

ижтимоий онгни улар билан ошно этадилар, балки аксарият ҳолларда кенг жамоатчилик фикрини уйғотадиган, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган, ижтимоий-сиёсий муаммолар, маданият ва маънавият масалаларига доир муҳокама ва мунозаралар ташкил этадилар.

Фалсафанинг ижодий характери *инсоннинг ўз қобилиятини дунёни билишга ва уни ўзлаштиришга йўналтиришида намоён бўлади*. Фалсафа жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларига кучли таъсир кўрсатган ҳолда, айни вақтда, фан билан доим яқин алоқада иш кўради. У ёки бу фан қандай муайян муаммоларни ҳал қилишидан қатъи назар, улар билан боғлиқ жараёнлар ва ҳодисаларга, яъни бутун вазиятга, шу жумладан, охир-оқибатда, олинган натижаларга нисбатан фалсафий ёндашув доимо зарурий шарт ҳисобланади. Муайян фан предметига ва унинг олдида турган муаммоларга нисбатан бундай кенг билимнинг бошқа соҳаларида эришилган энг сўнгги ютуқларни ҳам акс эттирадиган яхлит ёндашувсиз фундаментал кашфиётлар қилиш ҳам, умуман фаннинг ривожланишига эришиш ҳам мумкин эмас.

Ўз вақтида дунёга нисбатан (одатдаги, «классик» физика доирасида узоқ йиллар ҳукм сурган ёндашувларга қараганда) кенгроқ ёндашув, масалан, А.Эйнштейн (1879–1955)га дунёнинг манзарасини тушунишга нисбатан бутунлай янгича ёндашувни таклиф қилиш ва аввалги физиканинг аксарият қоидалари муайян даражадагина ҳақиқий бўлиб қолган шароитда классик (Ньютон) механикасини ҳам ўз ичига олган «Нисбийлик умумий назарияси»ни таърифлаш имконини берди. Аммо табиий бир савол туғилади: бу ерда фалсафа чиндан ҳам ижодий роль ўйнадими? Агар ижодий роль ўйнаган бўлса, бу нимада ва қай тарзда намоён бўлди?

Умумий далилларга тўхталмай, шуни қайд этишни ўринли деб ҳисоблаймизки, Эйнштейн онгида ўзидан олдинги ва ўзи яшаётган даврдаги фалсафа ғоялари тўқнашди. Улар мутафаккирнинг бутун ижодий фаолиятига кучли таъсир кўрсатди, зеро у рационалистик фалсафанинг вакиллари, уларнинг ўтмишдошлари ва издошлари билан талабалик йилларидаёқ танишган эди. «Биз Эйнштейн ижодига XX аср ўрталарининг физика концепциялари ва келажакка прогнозлар нуқтаи назаридан, ретроспектив назар ташлар эканмиз, уни инсоният маънавий ҳаёти катта бир босқичининг якуни деб ҳисоблаш мумкин. Бу босқич фақат Ньютон механикаси билан бошлангани йўқ. Бутун рационалистик фан ва XVII аср фалсафаси унинг негизи ҳисобланади. Эйнштейн асарлари билан танишар экансиз, Галилей, Декарт, Спиноза, Гоббс, Ньютон сатрларини беихтиёр эслайсиз – баъзан ғояларнинг ажабтовур ўхшашлигига дуч келасиз. XVII аср рационалистик тафаккурининг номуайян фаразлари ва изланишлари қандай қилиб ижодий, изчил шакл-шамойил касб этаётганининг гувоҳи бўласиз. Бу ерда тадрижий алоқа мавжудлиги шак-шубҳасиздир»[1].

Фалсафий тасаввурлар ва табиий-илмий қарашларни фарқлаш осон иш эмас. Бироқ фалсафий тасаввурлар табиий-илмий қарашларга таъсир кўрсатгани, худди шунингдек, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, И.Ньютон, А.Эйнштейн каби буюк олимларнинг илмий ғоялари замирида уларнинг кенг ва теран фалсафий билимлари ётиши шак-шубҳасиздир. Айни шу сабабли ушбу

[1] Кузнецов Б.Г. Альберт Эйнштейн. Жизнь, смерть, бессмертие. –М.: 1980 г. с. 414.

мутафаккирларнинг яхлит фалсафий таълимоти ҳақида бўлмаса ҳам уларнинг жиддий фалсафий қарашлари ҳақида тўла асос билан сўз юритиш мумкин.

Фалсафа ва фан. Фалсафа нафақат фан, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа, соҳалари: иқтисод, сиёсат, ижтимоиёт, ҳуқуқ кабилар билан ҳам узвий боғлиқ. Бироқ, биз фалсафа ва фан муносабатларининг генезиси ҳақида уларнинг бирлиги ва фарқларини аниқлаш мақсадида сўз юритамиз. Мазкур масалани муфассалроқ ўрганишга киришар эканмиз, аввало кўрсатилган тушунчаларнинг асосий маънолари ва мазмунларини аниқлаб оламиз.

Фаннинг моҳиятини тушунишга нисбатан икки асосий ёндашув, унинг кенг ва тор талқинлари шаклланган.

Кенг (йиғма) маънодаги фан – бу бутун инсон фаолияти соҳаси бўлиб, унинг вазифаси борлиқ ҳақидаги объектив билимларни ўрганиш ва илмий назарий тизимга солишдан иборатдир. Бу ерда «фан», «олим» тушунчалари муайянлаштирилмайди ва умумий, йиғма тушунчалар сифатида талқин қилинади. «Фан» тушунчаси фалсафага татбиқан кўпинча айни шу контекстда қўлланилади, файласуфлар эса олимлар деб аталадики, бу қисман ўринлидир.

Муайян илмий фанлар, масалан, физика, кимё, биология, тарих, математикани ифодалаш учун «фан» тушунчасига торроқ, бинобарин, изчилроқ маъно юкланади. Бу ерда фанга аниқ таъриф берилган, олим эса тор мутахассис, муайян билим ифодачиси ҳисобланади. У шунчаки олим эмас, балки доим ва албатта, ё физик, ё химик, ё тарихчи, ё бошқа фан вакилидир. Айни ҳолда фан муқаррар тарзда табиат, жамият, тафаккурнинг у ёки бу объекти (ҳодисаси) ҳақидаги илмий билимларнинг қатъий тартибга солинган, изчил тизимидан ташкил топади.

Бундай фанларнинг ҳар бири фақат уларнинг ўзигагина хос бўлган махсус қонунлар ва методларга, мазкур фан учун ягона бўлган тил, категориялар аппарати ва ҳоказоларга эга бўладики, бу юз берган жараёнларни тўғри тавсифлаш ва тушунтириш, ҳозирги даврни тўғри тушуниш ва билимларнинг тегишли соҳасида, албатта, юз берадиган ёки муайян шароитда юз бериши мумкин бўлган воқеалар ёки жараёнларни маълум даражада аниқ башорат қилиш имконини беради. У ёки бу фаннинг мазмуни ҳам, у эришган натижалар ҳам барча маданиятлар ва халқлар учун ягона бўлиб, айрим олимнинг ёндашуви, нуқтаи назари ёки дунёқарашига мутлақо боғлиқ эмас. Улар мазкур соҳада олға силжиш учун ўзлаштириш лозим бўлган, вақт ва амалиёт синовидан ўтган билимлар йиғиндиси сифатида авлоддан-авлодга ўтади.

Фалсафада эса, қадимда донишмандлик мухлисларининг сон-саноқсиз саволларига тажриба йўли билан олинган баъзи бир оқилона жавоблар мавжуд бўлган. Бу жавобларни ҳаққоний, яъни амалиёт синовидан ўтган, кундалик ҳаётда ўз тасдиғини топган, аниқ билим деб номлаш мумкин. Бундай жавоблар масала «ёпилиши», кун тартибидан чиқарилишига сабаб бўлган, бошқача айтганда, аниқ таърифланган ва бошқа жавобларни истисно этган.

Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ҳар қандай учбурчак бурчакларининг йиғиндиси 180 градусга тенглиги ёки суюқликка солинган жисмга сиқиб чиқарилган суюқлик оғирлигига тенг куч таъсир кўрсатиши аниқлангани заҳоти бу масалалар ўзининг «очиқ» хусусиятини йўқотган, яъни улар ўзининг бошқа вариантларни истисно этадиган аниқ ечимини топган. Бу мазкур маса-

лалар атрофида ҳар қандай қўшимча мушоҳада юритиш фойдасизлиги туфайли ўзининг ҳар қандай аҳамиятини йўқотганлигини англатган. Ечилган масалалар ва муаммолар эса аниқ, ишончли билим даражасига ўтган ва шу даврдан эътиборан ўзининг фалсафий тусини йўқотган. XX асрда таниқли немис файласуфи К.Ясперс бу муҳим қоидани таърифлар экан, шак-шубҳасиз асослардан бирини ҳар ким эътироф этгудек бўлса, у шу тариқа илмий билишга айланади ва бундан буён фалсафа ҳисобланмайди, балки билимнинг муайян соҳаларига тегишли бўлади, деб қайд этди.

Шундай қилиб, *азалдан яхлит ва бўлинмас дастлабки билим сифатида амал қилган фалсафа заминида ўша замонлардаёқ амалий хусусият ва тегишли йўналишга эга бўлган билим соҳалари фаол шакллана бошлади. Шу тариқа аста-секин табиатшунослик вужудга келди, муайян фанлар (математика, геометрия, физика, тиббиёт, астрономия, тарих ва бошқалар) шаклланиб, ўз шакл-шамойилини касб этди ва мустақил тус олди*. Айни шу маънода фалсафа барча фанларнинг асоси ҳисобланади. Бу фанлар фалсафадан ажралиб чиққач, кейинчалик илмий билимнинг табақаланиши жараёнида баъзан парчаланиб, ўз тадқиқот предметини янада торайтиради ва муфассаллаштиради. Улар таҳлилининг теранлиги ва нарсалар моҳиятини англаш даражаси ортса, айни вақтда ўрганилаётган масалалар доираси тораяди.

Фан дунёқараш шакли. Фан билимнинг мустақил соҳаси, дунёқарашнинг алоҳида шакли сифатида фақат XVII–XVIII асрларда тўла шаклланди. Муайян даражада шартлилик билан шуни айтиш мумкинки, бу И.Ньютон классик механиканинг асосий қонунларини таърифлаб, шу тариқа табиатшуносликнинг бўлими – асослари асрлар мобайнида шаклланган, бош тамойиллари эса бундан юз йилча муқаддам, аввало, Галилео Галилей томонидан таърифланган классик механиканинг шаклланишига якун ясаганидан кейин юз берди.

1. **Фан ривожланишининг асосий босқичлари.** *Илк фан даври милоддан аввалги I минг йилликдан XVI асргача бўлган даврни қамраб олади*. Бу даврда асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳаёт тажрибаси ва меҳнат фаолияти жараёнида олинган амалий билимлар билан бир қаторда жуда умумий ва мавҳум мушоҳадаларга асосланган назариялар хусусиятига эга бўлган табиат ҳақидаги дастлабки фалсафий тасаввурлар (натурфалсафа) вужудга кела бошлаган. Илмий билим куртаклари натурфалсафа доирасида унинг элементлари сифатида шаклланган. Математик, астрономик, тиббий ва бошқа масалаларни ечишда фойдаланиладиган маълумотлар, усуллар ва методлар жамланиши билан фалсафада тегишли бўлимлар вужудга келган ва кейинчалик аста-секин шаклланаётган айрим фанлар: математика, астрономия, тиббиёт ва ҳоказоларга ажралиб чиққан.

Жумладан, Аристотелнинг фалсафий асарларида физика, зоология, эмбриология, минералогия, география каби фанларнинг куртакларига дуч келиш мумкин. Милоддан аввалги III–II асрларда фалсафий билим таркибида статистик механика, гидростатика, геометрик оптика (хусусан, кўзгулар ҳақидаги алоҳида фан – «ка-топтрика») фарқланади ва нисбатан мустақил аҳамият касб этади. Марказий Осиё мутафаккирлари ал-Хоразмий – математика, ал-Фарғоний – астрономия, ал-Беруний – минералогия ва география, Ибн Сино – тиббиёт, Мирзо Улуғбек – астрономия, Алишер Навоий – адабиёт илми ривожига муносиб ҳисса

қўшди ва улар ижоди маҳсуллари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бироқ бу фанларда айрим тасодифий кузатишлар ва амалиёт маълумотлари умумлаштирилади-ю, лекин экспериментал методлар ҳали қўлланилмайди, аксарият назарий қоидалар эса асоссиз ва текшириб бўлмайдиган спекуляциялар маҳсули ҳисобланади. Аммо, кўриб чиқилаётган даврда вужудга келган илмий фанлар бу давр мобайнида фалсафий билим қисмлари сифатида талқин қилинишда давом этган.

Шу нарса диққатга сазоворки, ҳатто XVII аср охирида Ньютон ўзининг физика асосларини яратган «Натурал фалсафанинг математик асослари» деб номланган асарини эълон қилган. Шундай қилиб, фалсафадан алоҳида фаолият соҳаси сифатидаги фан ҳали мавжуд бўлмаган: у асосан фалсафа доирасида, илмий билимларнинг бошқа манбаи – ҳаёт амалиёти ва ҳунармандчилик санъати билан бир вақтда ва у билан жуда заиф алоқада ривожланган.

Хуллас, бу даврда Қадимги Юнонистонда «Платон академияси», Марказий Осиёда «Маъмун академияси» ташкил этилган, илмий билим ривожида муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, маданиятнинг алоҳида шакли сифатида фан пайдо бўлишидан олдинги «эмбрионал» даври ҳисобланади.

2. **XVI–XVII асрлар – I илмий инқилоб даври бўлиб,** у, *классик фан даври, деб номланади ва XIX асргача давом этади.* У Коперник ва Галилей тадқиқотларидан бошланиб, Ньютон ва Лейбницнинг физика ва математика соҳасидаги фундаментал асарлари билан ўз чўққисига кўтарилган. Галилей вафоти (1642 йил 8 январь) дан сўнг орадан бир йил ўтгач, Ньютон туғилгани (1643 йил 4 январь) рамзийдир. Фаннинг бу буюк ижодкорлари яшаган давр – кашфиётлар ҳамда янги илмий ғояларнинг муаллифлари схоластика ва диний дунёқараш догматизмига қарши кураш олиб борган романтик даврдир.

Бу даврда ҳозирги вақт табиатшунослигининг асослари яратилган. Ҳунармандлар, табиблар, алхимиклар томонидан қўлга киритилган айрим далиллар тизимли таҳлил қилиниб, умумлаштирила бошлаган. Илмий билим тузишнинг табиат қонунларини математик таърифлаш, назарияларни тажрибада синаш, тажрибада асосланмаган диний ва натурфалсафий догмаларга танқидий қараш билан боғлиқ бўлган янги меъёрлари ва идеаллари вужудга келган. Фан ўз методологиясини яратган ва амалий фаолият эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишга тобора фаолроқ йўналтирилган.

Бироқ, фан ўзининг янги методологиясини яратиб, амалиёт руҳи билан суғорилгани сари у ўз тарихий ватани – фалсафа қирғоқларидан узоқлаша бошлайди. Кўриб чиқилаётган давр охирига келиб у фалсафий, диний, теологик ақидалардан қатъи назар ривожланиши мумкин бўлган билимлар тизими сифатида тушунила бошлайди. Натижада фан фаолиятнинг алоҳида, мустақил соҳасига айланади. Профессионал олимлар пайдо бўлади, уларни тайёрлаш амалга оширилувчи университет таълими тизими ривожланади. Ўз фаолияти, мулоқот ва ахборот айирбошлашнинг алоҳида шакллари ва қоидаларига эга бўлган илмий ҳамжамият вужуд келади.

XVII асрда дастлабки илмий академиялар: Лондон қироллик жамияти (1660), Париж Фанлар академияси (1666) ташкил топади. Кейинроқ Берлинда (1700), Санкт-Петербургда (1724), Стокгольмда (1739) ва Европанинг бошқа пойтахт

шаҳарларида илмий академиялар таъсис этилади. Бу академияларнинг энг йириги – Лондон қироллик жамияти бўлиб, у ташкил этилган пайтда 55 аъзодан иборат бўлган. Париж Фанлар академияси 21 кишидан иборат таркибда иш бошлаган. Санкт-Петербург академиясининг аъзолар штатида дастлаб 11 киши белгиланган. Европа мамлакатларида XVIII аср бошига келиб олимлар сони бир неча минг кишига етган бўлса керак, чунки илмий журналларнинг (бу даврда бир неча ўн илмий журналлар нашр этилган) тиражлари минг нусхагача борган.

3. **XIX аср охири XX асрнинг 70 йиллар фани** *ноклассик фан даври деб аталади*. Бу даврда кўпгина илмий фанлар вужудга келади, уларда улкан фактик материал тўпланади ва тизимга солинади. Математика, физика, кимё, геология, биология, психология ва бошқа фанларда фундаментал назариялар яратилади. Техника фанлари вужудга келади ва моддий ишлаб чиқаришда янада сезиларлироқ роль ўйнай бошлайди. Фаннинг ижтимоий роли ортади, унинг ривожланиши ўша давр мутафаккирлари томонидан ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида эътироф этилади.

XVIII асрнинг ўрталарида жаҳонда фан билан шуғулланувчи кишилар 10 минг кишидан ошмаган бўлса, XIX аср охирига келиб олимлар сони 100 минг кишига етади. XVI асрда «олим одамлар»нинг ярмидан кўпроғи диний маълумот олган клириклар эди. XIX асрда фан ижтимоий меҳнатнинг мустақил тармоғига айланади ва у билан университетлар ва институтларнинг махсус факультетларини тамомлаган «дунёвий» профессионал олимлар шуғулланади. 1850 йилда жаҳонда мингга яқин илмий журналлар нашр этилади, 1950 йилга келиб эса, уларнинг сони 10 мингдан ошади. 1825 йилда немис кимёгари Ю.Либих илмий лаборатория ташкил қилади ва у олимга кўп миқдорда даромад келтира бошлайди. XIX аср охирига келиб, бундай лабораториялар сони кўпаяди. Фан тижоратчилар, тадбиркорлар эътиборини ўзига тобора кўпроқ торта бошлайди. Улар олимларнинг ишлаб чиқариш, саноат аҳамиятига молик бўлган ишларини маблағ билан таъминлай бошлайдилар.

4. **XX асрнинг 70 йилларида фан ривожланишида янги босқич бошланади**. *Бу давр фани постноклассик деб аталади,* чунки мазкур аср бўсағасида фанда инқилоб юз беради ва бунинг натижасида, у олдинги даврнинг классик фанидан сезиларли даражада фарқ қила бошлайди. XIX–XX асрлар чегарасида амалга оширилган инқилобий кашфиётлар бир қанча фанларнинг асосларини ларзага солади. Математикада тўпламлар назарияси ва математик тафаккурнинг мантиқий асослари танқидий таҳлил қилинади, бир қанча янги фанлар вужудга келади. Физикада классик физиканинг фалсафий асосларини қайта кўришга мажбур қилган фундаментал назариялар – нисбийлик назарияси ва квант механикаси яратилади. Биологияда генетика ривожланади. Тиббиёт, психология ҳамда инсон ҳақидаги бошқа фанларда янги фундаментал назариялар пайдо бўлади. Илмий билимнинг шакл-шамойилида, фан методологиясида, илмий фаолиятнинг шакл ва мазмунида, унинг меъёрлари ва идеалларида оламшумул ўзгаришлар юз беради.

XX асрнинг иккинчи ярми фанни янги инқилобий ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгаришлар адабиётларда кўпинча фан-техника инқилоби сифатида тавсифланади. Бу ўзгаришлар шу билан боғлиқки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин

иқтисодий ривожланган мамлакатларда фан ютуқлари илгари мисли кўрилмаган миқёсда амалиётга – саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, кундалик ҳаётга жорий этилади. Фан энергетикада (атом электростанциялари), транспортда (автомобилсозлик, авиация), электроникада (телевидение, телефония, компьютерлар), айниқса, улкан ўзгаришлар ясайди. Фаннинг ривожланиши энг янги ҳарбий техникани яратишнинг асосий омилига айланади ва «икки лагер»нинг урушдан кейинги қарама-қаршилиги шароитида авж олган қуролланиш пойгаси йирик давлатларни илмий-техникавий тадқиқотларга улкан маблағларни сарфлашга мажбур қилади.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида фан-техника тараққиёти *ахборот (компьютер) инқилоби* босқичига қадам қўйди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот жамият ривожланишининг муҳим ресурсларидан бирига айланди. Шу тариқа фан билан боғлиқ юксак технологиялар, улар билан муштарак таълим эндиликда ҳар қандай жамиятнинг цивилизацион ривожланиш даражасини белгиламоқда. Илмий кашфиётлар ва уларнинг амалга татбиқ этилиши ўртасидаги масофа мумкин қадар қисқаради. Илгари фан ютуқларидан амалда фойдаланиш усулларини топиш учун 50–100 йил вақт сарфланган бўлса, эндиликда бунга 2–3 йилда ёки ҳатто бундан ҳам қисқароқ вақт ичида муваффақ бўлинмоқда.

Давлат ҳам, хусусий фирмалар ҳам фан ривожланишининг истиқболли йўналишларини қўллаб-қувватлашга катта харажатлар қилиши табиий бир ҳол бўлиб қолди. Натижада, XX асрнинг охирида фан жадал суръатларда ўсиб, ижтимоий меҳнатнинг муҳим тармоқларидан бирига айланди. «Катта фан» даври бошланди. Кўп сонли илмий муассасалар ишига сон-саноқсиз одамлар оммаси жалб қилинди. Олим касби кам учрайдиган касб бўлмай қолди. Ҳозирги вақтда илмий фаолият ўзларини қизиқтирган муаммоларни ечишга бунинг бутун хавф-хатарини ўз бўйнига олиб қўл урган айрим мутафаккирларнинг машғулоти эмас, балки буюртмага, режали топшириққа биноан ишлайдиган, уни белгиланган муддатда бажариш ва ўз иши ҳақида ҳисобот беришга мажбур бўлган йирик жамоаларнинг иши. Ҳозирда илмий меҳнат – индустриал меҳнатнинг бир тури. Фан билан шуғулланувчи кишилар ҳозир «илмий ходимлар» деб аталиши бежиз эмас.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистонда фаннинг барча соҳалари ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 февраль 33-сонли Қарорига биноан илмий тадқиқот институтларини оптималлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (ЎзФА)нинг таркиби ўзгартирилди. Бугунги кунда ЎзФА бош илмий ташкилоти бўлиб, унинг таркибида жами 31 та илмий тадқиқот муассасалари, шундан 23 та илмий тадқиқот муассасаси, 4 та давлат музейи, битта радиоастрономик обсерватория ҳамда таркибида физика-технологик ва материалшунослик институтларини бирлаштирувчи битта илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолият олиб боради, ҳозирда уларнинг моддий-техника базаси янги технологиялар билан таъминланди.

2007 йилнинг 2 октябрида ЎзФА «Астрономия» институтининг олимлари Майданак баланд тоғ обсерваториясида (Қашқадарё вил.) Б.Хафизов ҳамда А.Сергеевлар томонидан топилган кичик сайёра Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифига кўра, фан, жумладан, астрономия илмида олиму фузалоларга доимо бой бўлиб келган қадимий шаҳар «Самарқанд» номи билан аталди ва у АҚШнинг

«Гарвард кичик сайёралар» форумида «210271» рақами билан рўйхатга олинди ҳамда «Ўзбекистония», «Абу Али ибн Сино», «Мирзо Улуғбек», «Беруний», «ал-Хоразмий» каби кичик сайёралар қаторидан ўрин олди.

Астроном Г.Неуймин томонидан 1934 йил 5 октябрда Силизе (Қрим) шаҳрида кашф этган янги кичик сайёрага ўзининг кўплаб илмий-тадқиқот ишларини Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти бўлими бўлган Китоб Халқаро кенглик станциясида олиб борганлиги учун «Ўзбекистония» номини берган.

1973 йил 26 сентябрда қримлик астроном Людмила Черных томонидан кашф этилган янги сайёра буюк олим, табиб, файласуф – Абу Али ибн Сино номи билан аталган.

1977 йил 21 август куни қримлик астроном Николай Черных томонидан кашф қилинган кичик сайёра давлат арбоби ва юлдузлар илмининг билимдони – Мирзо Улуғбек номи билан аталган.

1986 йил 8 августда Болгария Миллий астрономик обсерваториясида Валтер ҳамда Виолета Ивановалар томонидан топилган сайёрага минеролог, тарихчи, географ, математик, файласуф – Беруний номи берилган.

1997 йил 31 декабрда Лоуелла обсерваториясининг (Прескотт, Аризона штати, АҚШ) раҳбари, астроном Поль Комба томонидан кашф қилинган сайёра эса, илм-фан олдидаги буюк хизматлари учун математика асосчиси – ал-Хоразмий номи билан аталган.

Фан ва фалсафанинг мутаносиблиги. *Фан ривожланишининг юксак даражасига эришган бўлса-да, лекин амалда фалсафа билан узвий боғлиқ бўлиб қолмоқда. Улар фаол ўзаро таъсирга киришиб, бир-бирининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, фалсафа далилий материалга, синовдан ўтган илмий маълумотларга таяниб, ўзининг мавҳум ғояларини борлиқ билан таққослаш имкониятига эга, фан эса, далилларни қайд этиш ва тавсифлаш билан чекланмай, янада асослироқ хулосалар чиқариш имкониятини қўлга киритади*. XXI аср бошига келиб, жаҳонда, олимлар сони қарийб олти миллионга етди, тахминан шунча одам фанга хизмат кўрсатувчи меҳнат билан банд (лаборантлар, техниклар, нашриётларнинг ходимлари ва ҳ.к.). Ерда қадим замонлардан бошлаб то XXI асрнинг бошига қадар яшаган олимларнинг умумий сонини олсак, уларнинг ўндан тўққиз қисми бизнинг замондошларимиз эканлиги аён бўлади. Ривожланган мамлакатларда илмий ходимлар сони меҳнатга қобилиятли аҳолининг қарийб 10 фоизни ташкил қилади, фанни таъминлашга миллий даромаднинг 5 фоиздан кўпроғи сарфланади.

Ҳозирги замон фани жамият, техника, иқтисодиёт, маданият, турмуш ва кундалик ҳаётни йўлга солувчи қудратли кучга айланди. Айни вақтда одамлар бугун фаннинг қудратинигина эмас, балки у билан боғлиқ бўлган хавфларни ҳам яхши англайдилар. Ҳозирги дунё ўз ютуқлари ва ўзининг жўшқинлиги учун фан олдида масъулиятли. Аммо илмий ҳақиқат ўз ҳолича одамларнинг эҳтиёжларига бефарқ. У бепарво ва раҳм-шафқатсиз, чунки у учун инсон омили иккинчи даражали. Аммо, И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «Куч – билим ва тафаккур»[1]да

[1] Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1999 й. 98-б.

бўлса, бу куч ортиб боргани сари инсониятга зиён етказмаслик учун ундан янада эҳтиётқорлик билан фойдаланиш зарур.

Шуни тан олиш лозимки, ҳозирги замонда жамият кўп жиҳатдан фаннинг улкан ютуқлари туфайли ўзини ўзи йўқ қилиш ёқасига келиб қолди. Бу илмий тараққиётни тўхтатиш керак, дегани эмас. Аммо илмий изланишни инсоний, ахлоқий муносабатга бўйсундириш ва балки унинг қайсидир йўналишларини чеклаш зарурлиги тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилмоқда. Илмий изланишнинг инсонпарварлашуви, унинг йўллари ва оқибатларига ахлоқий муносабат – бу давримизнинг муҳим муаммоларидир.

Айни шу ҳол фалсафа билан ҳам, ундан муайян фанлар илгари фалсафий тусга эга бўлган тадқиқот предметлари билан ажралиб чиққанида юз беришини тахмин қилиш ўринли бўлади. Бироқ, бундай ҳол юз бераётгани йўқ. Тарих фан фалсафадан қанча кўпроқ ажралса, унда шунча кўпроқ масала ва муаммолар пайдо бўлишини, яъни фалсафа нафақат камаймаслиги, балки, аксинча, кўпайишини кўрсатади. Бунинг сабаби нимада? Бу саволга жавобни фан ва фалсафанинг ўзига хос хусусиятларидан, уларни алоҳида-алоҳида тавсифловчи масалалар ва уларнинг ечимлари ўртасидаги тафовутдан қидириш, ўринли бўлади.

Фан, фақат ўзи олган ҳаққоний билимларга ва муайян натижаларга таяниши унда ўз муаммолари ва «очиқ» масалалари мавжуд эмаслигини англатмайди. Бироқ аниқ, шак-шубҳасиз жавобларга эга бўлмаган фалсафий масалалардан фарқли ўлароқ, илмий масалалар билимдонлик қилишни эмас, балки пухта ўйлашни талаб қилади. Зеро, улар пировардида дастлабки тахминларни рад этувчи ёки ишончли билимлар доирасини кенгайтириб тасдиқловчи муайян ечимлар олиш реал ёки потенциал имкониятига эгадир. Шу тариқа вужудга келадиган фанлар қайнаётган сувдаги кўпиклар каби катталашиб, фалсафий мушоҳада юритиш жабҳасини, англаб етилган нарсалар англанмаган нарсалар билан юзмаюз келувчи соҳани ҳам кенгайтиради, чунки табиатшунослик доирасида жавоб беришнинг иложи бўлмаган янги масалаларни юзага келтиради.

Бугунги кунда эски фалсафий муаммолардан янги фалсафий жумбоқлар сари ўтилмоқда. «Худо борми?», «Ҳақиқат нима?», «Руҳнинг табиати қандай?» қабилидаги фалсафий масалаларни аниқ ва узил-кесил ечиш мумкин эмас, балки уларни ечишнинг умуман иложи йўқдир, шу боис бу саволлар ҳам жавобсиз қолмоқда.

Нима учун «балки» каби саволлар шунинг учунки, қадимда донишмандларни бугунги кун нуқтаи назаридан мутлақо фалсафий бўлмаган ва том маънода фалсафий саналган масалалар қизиқтирган. Мисол учун: «Юлдузлар кундузи, Қуёш эса – тунда қаерга йўқолади?», «Нима учун айрим жисмлар сувда чўкади, баъзи жисмлар эса сувда сузади?», «Чопқир Ахиллес судралиб бораётган тошбақага қандай етиши мумкин, башарти ҳар сафар уларнинг ўртасидаги масофани босиб ўтиш учун у мазкур масофанинг тенг ярмидан ўтиши лозим бўлса» ва ҳоказо ва шу кабилар. Бироқ, бу ва шунга ўхшаш масалалар фалсафадан табиатшунослик соҳасига ўтгач, кўпинча, янги ва янги фалсафий муаммоларни юзага келтиради. Масалан, «Ер ва бошқа сайёраларни, айни бир йўналишда айлантирган куч қаерда?» Агар бизнинг қуёшимиз ўртача катталикдаги юлдуз бўлса, унга ўхшаган миллиардлаб юлдузларнинг ҳеч бўлмаса

айримлари бизнинг Еримиздагига ўхшаш ҳаёт мавжуд бўлган йўлдошларга эга бўлиши мумкинми? Инсон, ҳатто, энг яқин юлдузларга етиши учун нафақат инсон ҳаёти, балки унинг цивилизацияси тарихидан ҳам кўпроқ вақт талаб этилар экан, буни қандай қилиб исботлаш ёки рад этиш мумкин? Ниҳоят, биз кузата оладиган олам кенгайиб бораётган бўлса, бу ҳаракат замирида қандай сабаблар ва кучлар ётади? Бу ва бошқа кўпгина шунга ўхшаш муаммолар одамларни фалсафага қайта ва қайта мурожаат этишга мажбур қилади, чунки фан ҳозирча бундай саволларга аниқ жавоб беришга қодир эмас. *Аксилдунёлар ва аксилгравитация, қора материя ва қора энергия, бошқа макон ва вақт ўлчовларидаги дунёлар ҳақидаги ҳар хил фалсафий ғояларнинг мавжудлиги айни шу ҳол билан изоҳланади.*

Шунга қарамай, фан ва фалсафанинг ролига баҳо беришда айрим қарама-қаршиликлар мавжуд. Хусусан, баъзи бир илмий ва фалсафий давраларда фаннинг роли ва аҳамиятини мутлақлаштирувчи ёндашув мавжуд бўлиб, у «ижобий», «фойдали» билим сифатида фанни «мавҳум» ва «тажрибага асосланмаган» фалсафага қарши қўяди. Бундай қарашлар сциентистик деб, назарий тафаккур йўналиши эса – сциентизм (лот. «scientia» ва ингл. «science» – «фан», «билим») деб аталади. **Сциентизм** *фан-техника тараққиётининг ижобий жиҳатларини мутлақлаштиради.* **Антисциентизм** *фалсафий билишни илмий билишдан ажратади, уни илмий билиш билан мувофиқ эмас, деб эълон қилади, у оқилоналикни камситади ва мистика, интуиция, ирода ва шу кабиларни мутлақлаштиради*.

Фалсафа ва фаннинг умумий жиҳатлари шундаки, улар:

– аввало, ақлга таянади ва оқилона билимни яратишга ҳаракат қилади;

– ўрганилаётган объектлар ва ҳодисаларнинг қонунлари ва қонуниятларини аниқлашга қараб мўлжал олади;

– категориялар аппаратини (ўз тилини) яратади, ўзлари илгари сурган қоидаларни асослайди, уларга далил-исбот келтиради ва яхлит тизимларни яратишга ҳаракат қилади.

Фалсафа ва фан ўртасидаги фарқ шунда намоён бўладики:

– фалсафа доим у ёки бу файласуф номи билан боғланади, бунда унинг ғоялари, асарлари бўлиши ва уларга бошқа файласуфлар қўшилиши ёки қўшилмаслигига боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Фан эса, моҳият эътибори билан, жамоа меҳнати маҳсулидир;

– фалсафада (муайян фанлардан фарқли ўлароқ) ягона тил ва ягона тизим мавжуд эмас. Бу ерда фикрлар ранг-баранглиги меъёр саналади. Фанда эса монизм ҳукм суради, чунки ҳеч бўлмаса фаннинг у ёки бу муайян соҳасидаги асосий тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими (тил)га нисбатан ёндашувлар бирлиги албатта мавжуд бўлади;

– фалсафа илмий билимлар ва далиллардан кенг фойдаланади, бироқ унинг узил-кесил хулосалари ишончли деб ҳисобланиши мумкин эмас, зеро, улар, асосан, файласуфларнинг субъектив фикрлари ва мулоҳазаларига асосланади. Фан эса моҳият эътибори билан исботланган ва синашта билимлар олишга ҳаракат қилади, бунда олинган билимларни текшириш ёки рад этиш имкониятининг мавжудлиги бу билимлар ҳақиқийлиги ва илмий жиҳатдан асослилигининг муқаррар шарти ҳисобланади;

– фалсафий билимларни тажрибада синаш мумкин эмас (акс ҳолда улар илмий билимларга айланади);

– фалсафа аниқ прогноз бера олмайди, яъни у ишончли билимларни келажакка татбиқ этишга қодир эмас, зеро унда бундай билимлар йўқ. Айрим файласуф фалсафий қарашларнинг муайян тизими ёрдамида фақат башорат қилиши мумкин, лекин у олим каби прогноз қилиш ёки моделлаштиришга қодир эмас.

Фалсафага миллийлик хос, фан эса, жамоа меҳнати маҳсули сифатида дунёвий аҳамиятга эга.

Ҳозирги дунёда фалсафанинг аҳамияти. Бугунги кунда, тезликлар ва юксак технологиялар асрида фалсафа керакми, у эскиргани йўқми? Узлуксиз ахборот оқими ва сурункали вақт танқислиги шароитида муайян билим фалсафани сиқиб чиқармайдими? Бундай саволлар мутлақо ўринлидир, лекин уларга жавобни ҳаётнинг ўзи беради, у ҳозирги замон одами олдига кўп сонли, шу жумладан, илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, бутунлай янги фалсафий муаммоларни қўяди.

Жаҳон ҳамжамияти III минг йилликнинг бошланишини, биосфера ҳолати ва Ерда ҳаётнинг давом этиши учун ўз жавобгарлигини тобора теранроқ англаган ҳолда қарши олди. Айни шу сабабли инсоннинг баркамол ривожланиши, одамлар, халқлар ўртасида, шунингдек, жамият ва табиат ўртасида инсоний, яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш масалалари азалий фалсафий мавзулар билан бир қаторда фалсафий тадқиқотларда биринчи ўринга чиқмоқда. Шу муносабат билан файласуфлар, аввало, Ер юзида таълимнинг ҳолати ва ривожланиш даражасидан қаттиқ ташвишда эканликларини билдирмоқдалар. Кўпгина файласуфлар фикрига кўра, ҳозирги муаммоларнинг аксарияти замирида айнан қониқарсиз таълим ва лозим даражадаги тарбиянинг йўқлиги ётади. Бу муаммоларни ечишда фалсафа ҳам ўз ролини ўйнаши лозим.

Фалсафа дунёни англаш усули сифатида. Бугунги кунда нафақат айрим халқлар, балки бутун жаҳон ҳамжамияти фалсафага, ўзининг ҳаётдаги ўрни ва вазифасини фалсафий англаб етишга, айниқса, муҳтождир.

Фалсафа реал ҳаёт билан узвий боғлиқ ва доим инсон борлиғининг энг муҳим муаммоларини англаб етишга қараб мўлжал олади. Айни шу сабабли, ҳозирги даврнинг муҳим муаммоси – глобаллашув ва уни фалсафадаги бутунлай янги мавзу сифатида фалсафий англаб етиш муҳим аҳамиятга эга. Фалсафа предмети ва муаммоларини муҳокама қилишда алоҳида диққатга лойиқ бўлган бошқа бир мавзу инсонни шахс сифатида тарбиялаш ва камол топтиришда фалсафанинг роли ва аҳамиятидир.

Ҳозирги замон файласуфлари бундай муаммоларни ечиш устида ишни давом эттирар эканлар, «Фалсафа нима? У кимга ва нима учун керак?», «Фалсафанинг вазифаси нимадан иборат?», «Фалсафадан қандай, қайси ёшдан ва нима мақсадда таҳсил бериш лозим?» қабилидаги бир қарашда аллақачон ўз ечимини топган масалаларни яна кун тартибига қўймоқдалар. Бу ҳақда кўп ва атрофлича сўз юритилган жаҳон конгресслари дунёда фалсафа предметига, шунингдек, у ижтимоий ривожланишга изчил таъсир кўрсатишга қодир ёки қодир эмаслигига, агар қодир бўлса, буни у қай тарзда амалга ошириши мумкинлигига нисбатан ягона ёндашув аввалгидек мавжуд эмаслигини тасдиқлайди. Фикрларнинг бундай ранг-

баранглиги, юқорида қайд этиб ўтилганидек, фалсафанинг ўзига хос хусусияти, яъни у фикрлар плюрализми, ҳар хил фикрлаш имконияти бор жойдагина мавжуд бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Фалсафанинг унга яхлит таълимотга айланиш ва тилнинг бирлигига, умумий қонунлар ва методологияга таяниш имконини бермайдиган бу камчилиги айни вақтда, у фанлараро комплекс муаммоларни ечиш талаб этиладиган мураккаб тизимлар билан иш кўрган ҳолда, унинг афзаллигига айланади.

Қуйидагилар ҳозирги вақтда инсоният учун энг муҳим фанлараро комплекс муаммолар ҳисобланади: барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш; экология муаммолари; жамият ҳаёти барча жабҳаларининг глобаллашуви. Бу муаммоларни фалсафий нуқтаи назардан англаб етиш алоҳида аҳамият касб этади. Илмий ёндашувлардан фарқли ўлароқ, муаммога нисбатан фалсафий ёндашиш далилларни талқин қилишда кўпроқ эркинлик берилиши, илгари сурилаётган қоидаларни исботлашга нисбатан енгилроқ талаблар қўйилиши, мушоҳадага асосланган таърифлар бериш, субъектив баҳолаш ҳуқуқи ва шу кабилар билан тавсифланади. Бундай тадқиқотлар бир қарашда унча катта аҳамиятга эга эмасдек бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Лекин амалда бундай эмас.

Биринчидан, фалсафий тадқиқот оқилона билишнинг фанда олинган натижаларни текшириш (верификация қилиш) ёки рад этиш (фальсификация қилиш) имконияти йўқлиги туфайли лозим даражада самара бермаган ёки умуман ожиз бўлиб чиққан соҳасида амалга оширилади. Инсоният оқилона билишнинг бундан бошқа усулларига эга эмас.

Иккинчидан, фалсафий рефлексия муаммони кўриш уфқини кенгайтиради, уни тадқиқ этишга нисбатан янгича, ўзига хос ёндашувларни таклиф қилади, шу жумладан, фанга бундай ёндашувларни илгари суришга кўмаклашади. Зеро, аниқ таърифлар ва ишончли далилларга таянадиган фан ўз фикрлари ва хулосаларида бундай эркинликларга йўл қўя олмайди. Ваҳоланки, фалсафий тафаккур мулоҳаза юритиш ва баҳолашларга нисбатан эркин ёндашувсиз ўзининг бетакрорлигини йўқотади.

Ҳамонки плюрализм фалсафада меъёр ҳисобланар, ҳар бир алоҳида мияда эса монизмга, яъни қарашларнинг тартибга солинган, яхлит ва нисбатан зиддиятлардан холи тизимига келиш лозим экан, фалсафани қандай ўзлаштириш, ундан қандай сабоқ бериш мумкин?

Бутун дунёда аксарият файласуфларни биринчи навбатда айни шу масала қизиқтиради. Хусусан, Суқрот, Сенека ва ўтмишнинг бошқа мутафаккирлари тажрибасига таянган ҳолда: *фалсафа фактларни эслаб қолишни ўргатмаслиги, балки мулоҳаза юритиш ва саволларга жавоб бериш қобилиятини ривожлантириши лозим. Фалсафадан сабоқлар инсон ҳар бир масала юзасидан мутафаккирлар фикрига мурожаат этмасдан, ўзи мустақил ўйлашни ва ўз ақлига қулоқ солишни ўрганишини назарда тутмоғи даркор. Айни шу сабабли, фалсафанинг вазифаси инсонга мулоқот қилишни ўргатиш, у ўз шахсиятининг аҳамиятини кўрсатишга эмас, балки ҳақиқатнинг тагига етишга ҳаракат қилишига эришишдан иборат. Бу, ўз навбатида, барча одамлар ўзига атрофдагилар қулоқ солишига лойиқ эканлигини назарда тутади.*

Бу жуда топиб айтилган сўзлар фалсафани фан сифатида ўрганиш, уни *билим-*

лар, тайёр қоидалар ва таърифларнинг муайян йиғиндиси сифатида ўзлаштириш мумкин эмас, деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Инсонга таълим беришда пайдейя йўлини танлаш – унга «нимани кўриш лозимлиги»ни эмас, балки «қаерга ва қандай қараш кераклиги»ни ўргатиш лозим. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур вазифани ижодий ёндашувсиз, ўқувчи ва ўқитувчининг қизиқувчанлиги ва интилувчанлигисиз ҳал қилиб бўлмайди, фалсафа эса ўзининг соф кўринишида йўқолади, «ҳавога совурилади», пировардда кимдир баён этадиган, кимдир «ўтиши», ўрганиши ва қолаверса, имтиҳон топшириши лозим бўлган «фан»гина қолади. Бошқача айтганда, фалсафадан таълим бериш ва уни ўзлаштириш замирида ҳам албатта, ижод ётиши лозим.

Хулосалар. Дунёқараш бу инсоннинг дунёга, ундаги воқеаларга муносабатлари, ундаги ўрни ва ҳаёт мазмуни ҳақидаги энг умумий қарашлари тизими.

Инсоният тарихида дастлаб мифологик дунёқараш шаклланган бўлиб, унда инсон атроф-муҳит билан бирлашади ҳамда на табиат ва на ўз уруғидан ажралмаган ҳолда намоён бўлади. Диний дунёқарашга оламни бу дунё, у дунё ва ғайритабиий дунёга бўлиш хос. Диннинг асоси ғайритабиий кучларга ишонч билан йўғрилган.

Фалсафа мифологик ва диний дунёқарашдан ўзининг атроф-муҳитга танқидий муносабати асосидаги дунёқарашли функциясини бажаради, гносеологик ва онтологик категорияларга мурожаат қилиб мантиқий хулосалар чиқаради.

Фалсафа назарий асосланган дунёқараш, умумий категориялар, инсоннинг оламга фаннинг табиат ва жамият ҳақидаги ютуқларига таянилган назарий муносабати.

Фалсафанинг аҳамияти, унинг инсонни ўз-ўзини, оламни англашга, ижодий баркамолликка йўналтира олишидадир.

Тажрибавий-амалий матнлар

Фалсафа, дунёқараш, шахс, идрок, дунёқарашнинг тарихий шакллари, фетишизм, анимизм, тотемизм, магия, онтология, гносеология, фан методологияси, ижтимоий фалсафа, этика, аксиология, фалсафий антропология, метафизика, онг, тафаккур, руҳ, материя, табиат, борлиқ, фан, пайдейя.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Қандай муаммолар фалсафий муаммолар деб аталади?
2. Мифологик дунёқарашнинг ўзига хос жиҳатларини айтинг.
3. Диннинг асосий функциялари қайсилар?
4. Фалсафий дунёқарашнинг мифологик ва диний дунёқарашдан асосий фарқи нимада?
5. Фалсафа нимани ўргатади?
6. Фалсафа ва фаннинг ўзаро нисбати қандай?
7. Дунёқарашнинг асосий тарихий шаклларини таърифланг.
8. Фалсафа тарихини ўрганиш қандай мақсадни кўзлайди?
9. Нима учун фалсафа тарихида фикрлар ранг-баранглиги меъёр ҳисобланади?
10. Айрим инсоннинг яхлит фалсафий дунёқараши фалсафий плюрализм асосида қандай шаклланади?
11. Фалсафа тарихида «фалсафанинг асосий масаласи»га таъриф бериш қандай амалга оширилган?
12. Ҳозирги дунёда фалсафа қандай вазифаларни ҳал қилмоқда?

Реферат мавзулари

1. Дунёқараш ва унинг тарихий шакллари.
2. Диний эътиқодларнинг куртаклари ва тарихий шакллари.
3. Фалсафанинг предмети ва унинг жамиятдаги роли.
4. Фалсафа таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги.
5. Фалсафанинг асосий функциялари.
6. Фалсафа дунёни билиш усули сифатида.

7. Маданият тизимида фалсафа.

8. Инсониятнинг муҳим муаммоларини ҳал қилишда фалсафанинг роли.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. «Фалсафа» сўзининг луғавий маъноси тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг?

А. Юнонча, phileo – севаман ва sophia – донолик

Б. Юнонча, phileo – севаман ва sophia – билиш

В. Лотинча, philo – севаман ва sophi – донишмандлик

Г. Лотинча, phileo – севаман ва sophia – донолик

2. Объектив дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, одамзоднинг ўзини қуршаган борлиққа ва ўз-ўзига бўлган муносабатига нисбатан ёндашувлар тизими, бу – ...

А. Дунёқараш

Б. Тафаккур

В. Идрок

Г. Тасаввур

3. Тарихан дунёқарашнинг дастлабки шакллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Миф ва дин

Б. Дин ва санъат

В. Санъат ва мифология

Г. Поэтика ва лирика

4. Диннинг асосий функциялари қайси жавобда тўғри ва тўлиқ кўрсатилган?

А. Дунёқарашни шакллантириш, коммуникатив, тартибга солиш, компенсаторлик функциялари

Б. Дунёқарашни шакллантириш, комилликка кўтариш, сабрга ўргатувчи функциялари

В. Камолотга етказиш, компенсаторлик, коммуникатив функциялар

Г. Бошқарувчи, тартибга солувчи, дунёқарашни кенгайтирувчи, компенсаторлик функциялари

5. Фалсафий билимнинг муҳим таркибий қисмлари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг?

А. Онтология, гносеология, фан методологияси, ижтимоий фалсафа, этика, аксиология, фалсафий антропология

Б. Феноменология, гносеология, фан методологияси, ижтимоий фалсафа, этика, аксиология, фалсафий антропология

В. Прагматизм, позитивизм, структурализм, этика, эстетика, аксиология, феноменология

Г. Онтология, маънавият асослари, ғоялар фалсафаси, фалсафа тарихи, антропология

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й.
2. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: «Маънавият», 2008 й.
3. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
4. Фалсафа. М.Аҳмедова таҳрири остида. –Т.: ЎФМЖ, 2006 й.
5. Қаҳҳарова Ш. Фалсафага кириш. –Т.: «Университет», 2005 й.
6. Введение в философию: учебное пособие для вузов // И.Т.Фролов и др. 3-е изд., перераб. и доп. –М.: 2003 г.
7. Великие философские учения / Ред. и пер. И.С.Вдовиной. –М.: «АСТ», 2005 г.
8. Шермухамедова Н.А. Scientizm va antiscientizm // Falsafa va fan metodologiysi. –Т.: «Axborot texnologiylari». 2008-y.
9. Қамбаров А.А. Жамиятнинг маънавий янгиланиши жараёнида илмий қадриятларнинг роли: Фалсафа фан. номзоди... Автореф / А.А.Қамбаров; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. Тошкент, 2006 й.
10. Воронина Т.П. Философские проблемы образования в информационном обществе : диссертация ... доктора философских наук. Москва, 1995 г.
11. Брысина Т.Н. Сознание в мире : методолог. онтолог. соц. филос. аспекты анализа : диссертация ... доктора философских наук. Москва, 1996 г.

ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ЭВОЛЮЦИЯСИ. ҚАДИМГИ ДАВР, ЎРТА АСРЛАР, УЙҒОНИШ ДАВРИ ФАЛСАФАСИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза: Фалсафий тафаккур эволюцияси, қадимги давр, ўрта асрлар, уйғониш даври фалсафаси.
Маъруза режаси	1. Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг умумий жиҳатлари. 2. Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ривожланиш тенденциялари ва фарқи. 3. Ўрта аср Шарқ ва Ғарб фалсафасининг умумий белгилари.
Машғулотнинг мақсади: Антик ва ўрта асрларда Шарқ ва Ғарбда шаклланган фалсафий фикрларнинг боғлиқлиги ҳамда ўзига хос томонларини аниқлаш фалсафий қарашлар, таълимотлар, муаммолар ҳақида тушунча бериш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Жаҳон цивилизациясининг бир бутунлиги ва ранг-баранглигини очиб беришдан иборат.	Жаҳон цивилизацияси, унинг мутаносиблиги, умумийлиги ва фарқи ҳақида маълумотларга эга бўлинади.
Қадимги Шарқ ва Қадимги дунё фалсафий қарашларини умумий жиҳатлари ва ўзига хослигини ўрганиш. Шарқ – жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири тушунчасини изоҳлаш.	Қадимги Шарқ ва Қадимги дунё фалсафий қарашлари билан танишилиб, ҳозирги даврда антик ва ўрта асрлар фалсафасига бўлган муносабат аниқланади, тушунча ҳосил қилинади.
Марказий Осиёдаги фалсафий фикрлар. Унинг жаҳон маданиятидаги тутган ўрни таснифланади.	Марказий Осиёда юзага келган фалсафий фикрлар уларнинг жаҳон маданиятидаги тутган ўрни ҳамда амалий аҳамияти очиб берилади.
Уйғониш даври фалсафаси намояндаларининг қарашлари талқин қилинади.	Уйғониш даври вакилларининг фалсафий қарашлари, ғоялар талқин қилинади.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзунинг илмий аҳамияти ва унинг олдинги мавзу билан боғлиқлиги ёритилади. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзуни ўрганишнинг фалсафий билим такомилидаги аҳамияти таҳлил қилинади.	Тинглайдилар.
	1.3. Машғулот бўйича рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Мавзуни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Шарқ ва Ғарб фалсафасининг фарқлари» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича талабалар билан таҳлил қилади ва ҳар бир режа саволининг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлар берилади: 1. Жаҳон цивилизацияси барча жамият аъзолари учун ягона бўла оладими? 2. Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафаси ўртасидаги тафовут нимадан иборат? 3. Форобий қарашларининг жаҳон маданиятидаги тутган ўрни аниқланг? 4. Схоластика нима?	Талабалар саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Шарқ ва Ғарб фалсафасининг аҳамияти нимада», «Теоцентризм ғоясининг устуворлиги нимада», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафаси вужудга келиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари. Қадимги Шарқ ва Ғарбда шаклланган фалсафа инсониятнинг илм, фан, маънавий тараққиётининг дебочаси ҳисобланади. Уларнинг ривожланиши, ўзига хослиги ва бетакрорлигидан қатъи назар, айрим умумий қонуниятларга эга.

Биринчидан, фалсафий тафаккур Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ижтимоий онгнинг дастлабки шакли сифатидаги мифология негизида вужудга келган. Мифология инсон ўзини атроф-муҳитдан ажратишга ва ҳодисаларни табиий сабабларга мувофиқ тушунтиришга қодир эмаслиги билан тавсифланади. Инсон дунёни ва ундаги барча ҳодисаларни худолар ва қаҳрамонлар ҳаракати билан тушунтиради. Аммо мифологияда инсоният тарихида илк бор бир қанча фалсафий масалалар ҳам қўйилади: дунё қандай вужудга келган ва у қандай ривожланади, ҳаёт ва ўлим нима ва ҳоказо.

Иккинчидан, Ғарб ва Шарқ фалсафаси синфий жамият ва давлат пайдо бўлиши билан ижтимоий онг шакли сифатида вужудга келган. Масалан, Қадимги Ҳиндистонда фалсафанинг вужудга келиши тахминан унинг ҳудудида қулдорлик давлатлари шакллана бошлаган милоддан аввалги I минг йилликда юз берган. Хитойда фалсафа жамиятнинг синфий табақаланиш жараёни бошланган, чунончи, жамоалар касодга учраб, янги ер мулкдорлари ва шаҳар бойларининг иқтисодий ва сиёсий қудрати оша бошлаган милоддан аввалги VI–V асрларда вужудга келган.

Юнонистонда антик фалсафа милоддан аввалги VII–VI асрлар чегарасида шаҳар – давлатлар («полислар»)да, аввал Кичик Осиёнинг Ғарбий қирғоғида (Ионияда), сўнгра – Сицилия оролининг юнонлар яшайдиган шаҳарларида ва ниҳоят, Юнонистонда – Афинада (мил. ав. V аср) пайдо бўлган ва қадимги дунё маданияти равнақ топиши учун шарт-шароитлар яратган синфий, қулдорлик жамиятининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Қадимги Марказий Осиёда фалсафанинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳам синфий (феодал) жамият ва давлатнинг шаклланиши билан боғлиқ. Амударё бўйларидаги халқлар, хусусан, Хоразмда энг йирик давлат тузилмалари бўлган. Шуни қайд этиш лозимки, кейинроқ вужудга келган давлатларда фалсафанинг шаклланишига қадимги давлатларнинг илк фалсафий тизимлари таъсир кўрсатган.

Учинчидан, Ғарб ва Шарқ фалсафаси умуминсоний қадриятларга қараб мўлжал олади. У инсонни ҳамиша қизиқтирувчи ҳодисаларни ўрганади, Қадимги манба «Авесто»да кўрсатилгани каби «қандай қилиб яхши фикрлаш, яхши сўзлаш ва яхши иш кўриш мумкин», деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилади. Бу ноёб мевалардан баҳраманд бўлиш учун инсон фалсафий донишмандликни ўзлаштириши лозим: у дунёни англаб етиш, инсон ва табиат, инсон ҳаётининг мазмуни ва бошқа шунга ўхшаш муаммоларда мўлжал ола билиши керак. Арасту ҳам шоҳ Искандарга насиҳатида «Шуни билгилки, ўзинг бузуқ ва фосиқ эрсанг, раияту фуқарони ислоҳ қилолмайсан. Ўзинг адашган, гумроҳ экансан, уларга йўлбошчилик қилолмайсан. Ахир ўзи кўр одам қандай қилиб ўзгаларга раҳнамо бўлсин? Ўзи қашшоқ ўзгани бой қила оладими? Кимки ўзи хору залил бўлса, ўзгани қандай қилиб машҳуру азиз эта олсин. Билгилки, ислоҳ этишни истаган ҳеч кимса ўзини ислоҳ этмагунча ўзгаларни ҳам ислоҳ эта олмайди. Агар ўзи бузуқ фосид бўлмаса, бошқа кишини фасод ишга олмайди. Қўл остингдагиларни ислоҳ этишни истар экансан, ислоҳни ўзингдан бошла. Ўзгалар айбини йўқотишни хоҳласанг, аввало, ўзингни айблардан ва хунук хулқ-атвордан покла. Ўйлаган фикринг сенга ҳеч қачон фириб бермаслиги лозим. Агар сўзларинг гўзалу қилмишларинг эса хунук бўлса, ишлари гапларига тескари, зоҳири ботинини акс эттирмайдиган ваъзхон бўласан қоласан»[1], деб уқтиради.

Тўртинчидан, қадимда Шарқ фалсафаси ҳам, Ғарб фалсафаси ҳам яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва адолатсизлик, дўстлик, биродарлик, муҳаббат ва нафрат, бахт, лаззатланиш ва азоб чекиш, илму маърифат каби муаммоларнинг ечимини излаган. Бу жараён ўша давр буюк файласуфларининг фикрларида, айниқса, бўртиб намоён бўлади, масалан:

– Конфуций: «Одамлар сени билмасликларидан ғам чекма, ўзинг одамларни билмаслигингдан ғам чек»;

– Лао Цзи: «Юксак фазилатли инсон одамлар билан муносабатларда хушмуомала бўлиши, мамлакатни бошқаришда изчил бўлиши лозим; ишда имкониятлардан келиб чиқиши, ҳаракатда вақтни ҳисобга олиши лозим»;

– Зардўшт: «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал»;

– Гераклит: «Мен учун бир киши, агар у ҳаммадан яхши бўлса, ўн минг кишига тенг»;

– Демокрит: «Ахмоқни мақтаган аслида унга ёмонлик қилади;

– Эпикур: «Ўлим қўрқинчли эмас: мен унгача мавжудман, у мендан кейин мавжуд»;

– Платон: «Олийҳимматлилик – вазиятдан моҳирона фойдаланиш: ақл-идрок билан боғланган саховатлилик»;

– Аристотель: «Дўстлик бирга яшашнинг зарурий шартидир», деб ҳисоблайди. Шунингдек, унинг фикрича, маънавият ва маърифат шундай бебаҳо бойликки, дунёда ундан наф кўрмайдиган инсон йўқ ва бўлмайди ҳам. Маърифат оддий халқ оммаси-ю, тижорат аҳли учун ҳам, олим-у фузало, шоҳу султон учун ҳам бир хилда зарур ва муҳимдир. Ҳам ўнг қўлида ва ҳам чап қўлида адолат тарозисини кўтариб олмаган, билими, одоби, муомаласи билан халқининг кўнглига

[1] Қаранг: Аликулов Ҳ. Карокатов Ҳ. Арастунинг Искандарга насиҳати. Форс тилидан таржимаси // Ўзбек педагогика онтологияси. –Т.: «Ўқитувчи», 1995 й. 39–46-б.

йўл топмаган шоҳ, юртни бошқара олмайди. Эл-юртни обод ва фаровон қилиш, халқнинг олқишига сазовор бўлиш, мазлумларни золимлар истибдодидан ҳимоя қилиш, адолатни қарор топтириш учун подшоҳларда инсофу диёнат, меҳр-шафқат бўлиши лозим[1]. Арасту ўзининг бахт ҳақидаги фалсафий қарашларини ривожлантириб, маълум вақтларда бахтли бўлиб, қолган вақтларда бахтсиз бўлган кишилар эмас, бутун умр яхши яшаган одамни бахтли дейиш мумкин, мукаммал яхшилик билан яшаш эса бахт саодатдир, деб ҳисоблайди.

Бешинчидан, фалсафий билимнинг дунёқараш билан боғлиқлиги ҳам Ғарб ва Шарқ фалсафаси ривожланишининг қонуниятидир. Биз истаймизми, йўқми, лекин фалсафий ғоялар, қарашлар, назариялар ва тизимлар ё идеалистик, ё материалистик, баъзан эклектик (бу икки дунёқарашнинг бирикмаси) бўлади. Жумладан, Қадимги Юнонистонда Милет фалсафий мактаби намояндаларининг асарларида фалсафий муаммоларнинг материалистик талқинига дуч келиш мумкин. Бу мактаб асосчиси Фалес сувни, Анаксимен – ҳавони, Анаксимандр – апейрон (мавҳумлик)ни ҳамма нарсанинг биринчи асоси деб ҳисоблайди. Дунёнинг материалистик асосларини Анаксагор таклиф қилади. Унинг фикрича, барча нарсалар муайян «уруғлар»дан иборат. Уларни Анаксагор гомеометриялар деб номлаган. Эмпедокл ўзининг «Табиат ҳақида» асарида олов, ҳаво (уни Эмпедокл эфир деб номлаган), сув ва ер турли нарсаларнинг биринчи асосларидир, деб қайд этган.

Шунга ўхшаш фикрларга Шарқ фалсафасида ҳам дуч келишимиз мумкин. Масалан, зардўштийлик таълимотида олов, ҳиндларнинг қадимги фалсафий китоби «Упанишада»да, шунингдек, «Чорвака» қадимги ҳинд фалсафий мактабига доир манбаларда сув, олов, ер, ҳаво, бутун борлиқнинг субстанционал асосидир, деб қайд этилади. Бу фикр эса Эмпидокл таълимоти билан ҳамоҳангдир.

Олтинчидан, Шарқ ва Ғарб қадимги дунё фалсафасида идеализм ўзининг икки кўринишида: объектив идеализм ва субъектив идеализм сифатида намоён бўлади. Шарқ фалсафасида бу «йога», буддизм, жайнизм, зардўштийлик, конфуцийчилик, даочилик фалсафаси, Ғарб фалсафасида – бу Пифагор ва пифагорчилар уюшмаси фалсафаси, элей мактаби фалсафаси, шунингдек, Суқрот, Платон фалсафаси ва шаклларда ўз ифодасини топади. Жумладан, милоддан аввалги IV асрда яшаб ижод қилган қадимги юнон файласуфи Платон икки дунё – «ғоялар дунёси» ва «нарсалар дунёси» мавжудлиги ҳақида сабоқ беради. «Ғоялар дунёси» умумий тушунчалардан иборат, «нарсалар дунёси» эса «ғоялар дунёси»нинг инъикосидир: «ғоялар дунёси»да идеал моҳиятлар мавжуд, «нарсалар дунёси» эса бу моҳиятлар маҳсули бўлган айрим нарсалардан иборат. Платоннинг ғоялар ҳақидаги таълимоти унинг «Базм», «Федон», «Федр», «Давлат» асарларида ўз аксини топган, мутафаккирнинг «Театет», «Парменид», «Софист», «Критий» асарлари эса ғояларнинг моддий дунёга бўлган муносабати муаммосига бағишланган. Платон фикрига кўра, материя – ғоянинг соф «акси», унинг «аксилмоҳияти». Материянинг моҳияти эса – ғоя. Ҳақиқий борлиқ – бу пирамидани эслатадиган идеал борлиқ. Унинг замирида «билиш ва ҳаракат асосининг моҳияти» сифатида амал қилувчи гўзаллик ғояси ётади. Унинг ёнидан яхшилик ғояси ва оқиллик (ҳақиқат) ғояси ўрин олади. Шундай қилиб, Платон «ғоялар дунёси» «нарсалар дунёси»ни

[1] Қаранг: Аликулов Ҳ. Кароматов Ҳ. Арастунинг Искандарга насиҳати. Форс тилидан таржима // Ўзбек педагогика онтологияси. –Т.: «Ўқитувчи», 1995 й. 39-б.

вужудга келтиришини назарда тутувчи объектив идеализм фалсафий тизимини яратган. Платон ғоялар ва нарсаларни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини қайд этса-да, лекин буюк мутафаккир учун «ғоялар дунёси» бирламчидир.

Аристотель «Метафизика» асарида Платоннинг нарсаларнинг вужудга келиш асоси сифатидаги ғоялар ҳақидаги таълимотини рад этади. У моҳият-ғоялар ҳиссий идрок этиладиган нарсадан ташқарида мавжуд эмас, деган тезисни илгари суради. Платон фикрларига эътироз билдирар экан, Аристотель умумийлик фақат айрим нарсада мавжуд деб ҳисоблайди: «Айрим нарса бўлмаса, умумийлик ҳам бўлмас эди». «Метафизика»да Аристотель фалсафа борлиқ ва унинг атрибутларини, борлиқнинг олий тамойиллари ёки сабабларини ўрганишини қайд этади. Булар «умумий метафизика» муаммоларидир. Аммо «хусусий метафизика» ҳам мавжуд бўлиб, у «ҳаракатсиз субстанция ёки биринчи боқий двигатель»ни ўрганади.

Айни вақтда шуни таъкидлаш лозимки, аксарият Шарқ ва Ғарб файласуфларининг фалсафий қарашлари фақат материалистик ёки фақат идеалистик хусусият касб этмайди. Уларда бошқа ғоялар ҳам уйғунлашади. Аммо материя ва онгнинг ўзаро нисбати муаммосининг у ёки бу ечими унинг турли шаклларида – космос ва табиатни англаб етишдан тортиб инсон ва унинг шахсий борлиғига қадар – доим у ёки бу файласуф ёки фалсафий мактабнинг муайян дунёқарашидан далолат беради.

Еттинчидан, Ғарб ва Шарқ фалсафаси ривожланишининг яна бир умумий қонунияти унинг методологик аҳамият касб этувчи ҳақиқий илмий билимга эришиш йўлида илмий изланишлар олиб боришидир. Бу ерда гап фанга ва фалсафанинг методологик функциясига бўлган муносабат ҳақида кетмоқда. Фалсафий таълимотлар, концепциялар, ғоялар ёрдамида турли ҳодисаларнинг таҳлили амалга оширилади, амалий тавсиялар берилади. Бу жиҳатдан милоддан аввалги V асрда вужудга келиб, Хитойдагина эмас, балки бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам кенг тарқалган конфуцийчилик диққатга сазовордир. Унинг айрим концепциялари ҳанузгача тирик. Масалан, «сяо» ёки ота-онани ҳурмат қилиш, катталарга иззат-икром кўрсатиш концепцияси ёш жиҳатидан ҳам, ижтимоий иерархия бўйича ҳам катталарга нисбатан ўз хулқ-атворини барча фазилатлар моҳиятини англаб етиш асосида йўлга қўйишни таклиф қилади.

Ғарб фалсафасига назар ташлайдиган бўлсак, унда ҳам фалсафанинг методологик функцияси бўртиб намоён бўлишини кўрамиз. Масалан, юнон файласуфлари – фалсафа тарихидан донишмандлик ва ширинсуханлик ўқитувчилари деган ном билан ўрин олган софистлар шогирдларига оқилона фикрлашни, муҳокама қилинаётган нарса ёки ҳодисанинг моҳиятини теран англаган ҳолда иш кўришни ва ўз фалсафий билимларидан сиёсий фаолиятда фойдаланишни ўргатишни ўз вазифаси деб билганлар. Маълумки, *қадимги юнон файласуфи Суқрот ўз эътиқодларини ҳимоя қилиш йўлида ҳаётини тиккан. У давлатни бой ва зодагон кишилар эмас, балки ишнинг кўзини биладиган, оқил одамлар бошқаришлари лозим, деб ҳисоблаган ва ўз шогирдларига ўша даврда мавжуд бўлган сиёсий анъаналарда мўлжал олишни ўргатган. Айни шу фикри учун устидан чиқарилган ҳукмга эътироз билдирмай, Суқрот ўз ўлимини ихтиёрий равишда танлаган ва бир қадаҳ цикут (заҳар) ичиб ўлган.*

Саккизинчидан, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам файласуфлар нарсалар ва ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, тушунтиришнинг ўз методларини яратганлар. Янги давр тадқиқотчилари, Гегелдан бошлаб, икки асосий фалсафий метод – диалектика ва метафизика методларини илгари сурганлар. Қадимги дунё фалсафаси ривожланган шароитда бу методлар файласуфлар томонидан онгли равишда идрок этилмаган. Улар стихияли, аниқроқ айтганда, фалсафий таълимотлар, тизимлар ва қарашларга ичдан хос бўлган методлар сифатида амал қилган. Файласуфлар, одатда, ҳодисаларнинг умумий ўзаро алоқасини, уларнинг зиддиятлилигини, ҳаракати ва ривожланишини, дунёнинг ягоналиги ва ранг-баранглигини, «умумий йўл» ёки Логосни муайян табиий қонун сифатида англаб етадилар. Жумладан, Гераклит фикрига кўра, табиат (олов) узлуксиз ўзгариш жараёнини бошдан кечиради. У ривожланиш ва ўзгаришлар манбаини кўради: «Ҳамма нарса кураш орқали ва зарурият туфайли юз беради. Ҳар қандай ҳодиса ўзининг қарама-қаршилигига ўтади: совуқ нарса иссиқ нарсага айланади, иссиқ нарса совуқ нарсага айланади, ҳўл нарса қуруқ нарсага айланади, қуруқ нарса ҳўл нарсага айланади». Қуёш ҳар лаҳзада янгиланган каби, барча ҳодисалар ҳам ўзгаради. «Айни бир дарёга икки марта тушиш мумкин эмас: иккинчи марта сувга тушаётган одамга янги сувлар оқади». Гераклит сифат жиҳатидан бир-бирига зид бўлган ҳодисалар ва жараёнларни кўради: ҳаёт ва ўлим, уйғоқлик ва уйқу, ёшлик ва қарилик ва шу кабилар. «Энг тоза ва энг ифлос денгиз суви: балиқлар учун у тўйимли ва халоскор, одамлар учун эса у ичишга яроқсиз ва ҳаёт учун хавфлидир». Кўриб турганимиздек, қадимги юнон файласуфи ўзгаришнинг умумийлиги ва ҳар бир хоссанинг қарама-қарши ҳолатга ўтиши нарсаларнинг барча сифатларига нисбий тус беришини, яъни муайян ҳолатларга боғлиқ қилиб қўйишини қайд этади.

«Диалектика» сўзини илк бор Суқрот ишлатган. Бу сўз билан у самарали баҳслашиш, фикрлар қарама-қаршилиги орқали ҳақиқатнинг тагига етишга қаратилган мулоқот олиб бориш маҳоратини ифодалаган. Диалектиканинг айнан шу талқинига софистлар ҳам амал қилганлар. Улар ўзига хос инкор диалектикасини ривожлантириб, тинимсиз баҳс-мунозара муҳитида ҳақиқатнинг тагига етишга тўхтовсиз ҳаракат қилувчи, зиддиятларга тўла инсон тафаккурини фаол ҳаракатга келтирганлар.

Аристотель фикрича, баҳслашиш ёки қарама-қарши фикрларни талқин қилиш орқали ҳақиқатнинг тагига етиш санъати сифатидаги диалектика, Зеноннинг «Баҳслар» деб номланган асарида таҳлил қилинган.

Диалектика муаммоларини Платон ҳам ўрганган. У диалектика деганда нисбий «борлиқ» ва «ҳақиқий борлиқ»ни билишни тушунган. У кўп сонли асарларини антик диалектика намуналарини ўзида мужассамлаштирган диалоглар шаклида ёзган ҳамда, ҳаракат ва ҳаракатсизлик, тафовут ва айниятни таҳлил қилган. Платон ҳар бир нарсани ўз-ўзига ва бошқа барча нарсаларга айний деб ҳисоблаган.

Аристотель сабабий боғланишларнинг ранг-баранглиги муаммосини илгари суриб, диалектикани янада ривожлантирган. Унинг тўрт сабаб: моддий, формал, ҳаракатлантирувчи ва йўналтирувчи сабаблар «Нарсалар ва ҳодисалар вужудга келишига сабаб бўлувчи омил (материя, субстрат) – моддий сабаб»; «нарсанинг моҳиятини белгиловчи омил – формал сабаб»; «ҳаракат асоси – ҳаракатлантирувчи сабаб»; «бирор нарсани амалга оширишдан кўзланган мақсад – йўналтирувчи

сабаб» ҳақидаги таълимоти маълум. Аристотель шакл ва мазмун (материя) диалектикасини таҳлил қилишнинг ўз усулини таклиф қилди. Нарса – бу шакл ва материянинг бирлиги. Нарсаларнинг вужудга келиши ва уларнинг такомиллашуви шаклга боғлиқдир. Шакл ўз моҳиятига кўра фаол, материя эса пассивдир. Шакл – нарсанинг ташқи кўриниши, у дунёнинг ранг-баранглиги ва борлиғини белгилайди.

Диалектика Қадимги Шарқ фалсафасига ҳам хос. Қадимги Шарқ файласуфлари ўзликни англаш ва инсоннинг ўз-ўзини камол топтирилишига бағишланган концепцияларида, аввало, буддизм, йога, конфуцийчилик, зардўштийлик фалсафасида жуда кўп ноёб диалектик фикрлар илгари сурилган. Масалан, Зардўшт таълимотида «Ахриман» ва «Ахурамазда» яхшилик ва ёмонликнинг абадий кураши ва бунда яхшиликнинг ғалабасини ифодалайди. Зардўштийлик фалсафасига кўра, яхшилик ва ёмонлик кишиларнинг ботинида – ички дунёсида яшайди. Инсон Ахриман ёки Ахурамазда тарафида бўлиши мумкин, чунки Эзгулик фариштаси уни ҳамиша яхшилик қилишга, лекин ёвуз Ахриман уни ёмонлик қилишга ундайди ва бу тортишув инсон ҳаётининг охиригача давом этади.

«Упанишада»да деярли ҳар қандай ҳодиса ҳаракат ва қарама-қаршилик нуқтаи назаридан қаралади. Брахман икки қиёфа: жисмоний ва жисмсиз, ўладиган ва ўлмас, ҳаракатсиз ва ҳаракатчан кўринишларга эга. «Упанишада»да Атман – бу ҳам тана, ҳам индивидуал жон. Брахман ва атман бир-бири билан ўзаро боғлиқ «Ҳамма нарса Брахман, Брахман эса атмандир», дейилади. Атман ўзгарувчан, унинг турли ҳолатлари мавжуд: уйғоқлик; тушли уйқу; тушсиз уйқу; турия (атман ҳеч нарсани ҳис қилмайдиган, ўз-ўзига тенг бўладиган ҳолат).

Даосизм (Қадимги Хитой мактабларидан бири)да Дао ҳақидаги таълимот Гераклитнинг Логос ҳақидаги таълимотига ўхшаб кетади. Дао – бу «ҳаёт йўли», табиат қонуни. Бу дунёнинг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий абадий қонуни.

Тўққизинчидан,, қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасида диалектик метод билан бир қаторда ҳодисаларни ўрганишнинг метафизик методига ҳам дуч келиш мумкин. Аристотель Элей мактаби вакиллари Парменид ва Мелис ҳамда уларнинг издошларини «табиатни тўхтатувчилар» деб номлаган, чунки улар табиат ҳаракатини рад этган. Улар учун борлиқ «ягона ва ҳаракатсиз»дир. Элейлик Ксенофан, масалан, шундай деб ёзган: «Бир жойда абадий туради, умуман қимирламайди, у ёқдан буёққа ўтиш унга хос эмас»[1]. Парменид бу қоидага аниқлик киритади: «...ҳамма нарса бир, абадий, вужудга келмаган, шарсимон ва бир хил, ўз ичида маконга эга эмас, ҳаракатсиз ва чекли»[2].

Элей мактаби каби, қадимги Хитойда конфуцийчилик мактаблари – Мэнцзи ва Сюнь-цзи ҳам диалектикага қарши чиққан. Бу мактабларнинг вакиллари қаршисида нарса қарама-қаршиликлар бирлигида намоён бўлмайди, инсон табиати ё туғилгандан бошлаб фақат яхшилик билан боғланган (Мэн-цзи) ё инсон ўз табиатига кўра азалдан ёвуз (Сюнь-цзи). Албатта, табиат инсон табиатини тарбия йўли билан ўзгартириши мумкин, лекин бу энди унга маданиятни олиб киришдир.

[1] История философии: Энциклопедичексий словарь. –М.: 2001 г. с. 115.

[2] История философии: Энциклопедичексий словарь. –М.: 2001 г. с. 172.

Умуман қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ижтимоий муаммолари орасида ахлоқ мавзуси етакчилик қилади. Ўша даврда яратилган ҳикматли сўз, иборалар бугунги кунда ҳам инсонни мулоҳаза юритишга мажбур қилади. Масалан, Платоннинг «Диалоглар» асарида тақдир, қарилик, фазилатлар, оқиллик, адолат, сабр-тоқатлилик, совуққонлик, виждонлилик, эркинлик, камтарлик, олижаноблик, тинчликпарварлик, енгилтаклик, дўстлик, меҳр-мурувватлилик, эътиқод, теран фикрлаш каби тушунчаларга таъриф берилган. Аристотель эътиқодлилик, андишалилик, оилага муҳаббат, ҳалоллик, эзгулик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, ота-оналарга меҳр оқибатли бўлиш, ҳушёрлик, зийраклик, адолатлилик каби маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш ҳар қандай жамият, давлат ва халқнинг энг катта бойлиги, куч-қудрати манбаларидан бири деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бирон бир нарсага эга бўлишдан мақсад ундан фойдаланишдир. Кўзга эга бўлган одам кўзини юмиб яшамайди, балки ундан оламни кўриш учун фойдаланади, қулоқ ва шу кабилар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. У инсон учун бирор нарсага эга бўлиш муҳимми ёки ундан фойдаланишми, деган саволни ўртага ташлаб, албатта, муҳими фойдаланишдир, чунки фойдаланиш ва фаолият кўрсатиш мақсадида у бирор бир нарсага эга бўлишни истайди[1], деб ҳисоблайди.

Зардўштнинг «Авесто» китобида ҳам одамларни имонли-эътиқодли бўлишга, доимо покиза юришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ёмон амалларда воз кечишга, ножўя ишларлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, ўгитлар кўп. Китобда, «Таналарингиз ҳақида эмас, балки қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг», «Ҳар бир инсон кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшни олқишлаб сиғиниши шарт»[2], деган қоида белгиланган.

Қадимги дунё Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ривожланиш хусусиятлари ва муаммолардаги фарқлар. *Биринчидан, инсон муаммосини ўрганишга нисбатан ёндашувларда Ғарб ва Шарқ фалсафасида тафовутлар мавжуд.* Ғарб фалсафасидан фарқли ўлароқ, Шарқ фалсафаси асосий эътиборни инсон муаммосига қаратади. Жумладан, «Авесто»да фарзанд кўриш, болаларни билимли, одобли, жамият учун фойдали инсонлар қилиб тарбиялаш, келажакни ўйлаб иш тутиш умуминсоний маънавият эканлиги таъкидланади. Зардўшт Ахурамаздадан, серфарзанд хонадонга нима берасан, деб сўраганда, у, «Бундай одамларни ўз ҳимоямга оламан, ҳаётини фаровон, рисқини мўл қиламан», деб жавоб берган. Шарқ фалсафаси инсонни амалиёт, одамлар ҳаёт фаолияти, уларнинг турмуш тарзи нуқтаи назаридан ўрганади. Шу сабабли унда инсоннинг ўзлиги, унинг шакллари ва ҳолатлари, одоб-ахлоқ, ҳукмдорларга, турли ёшдаги одамларга, шунингдек, жамиятдаги ижтимоий ҳолати турлича бўлган кишиларга амалий насиҳатлар билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар кўп. Масалан, «Авесто»да келтирилган «Забардаст ва қудратли бўлиш учун ҳамиша ҳақиқат ва ростликка мувофиқ амал қилсанг, забардаст ва қудратли бўласан», «Ҳақ сўздан ўзга ҳеч нарса билан шуғулланма», «Дунёни тараққиёт ва камолот сари ҳаракатга соладиган киши-

[1] Бобоев Ҳ. Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. –Т.: «Янги аср авлоди», 2001 й. 85-б.

[2] Умарзода М. Овесто сирлари // «Жаҳон адабиёти». 1997 й. №4. 19–20-б.

лар бўлмоғи лозим», «Ёлғон гапириб тирик қолгандан кўра, рост гапириб ўлган яхши», «Ўз нафсини енгиб, жиловлаб олмаган киши, ҳеч нарса устидан ғолиб чиқа олмайди»[1] каби фикрлар ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ғарб фалсафаси эса, инсонга унинг руҳий борлиғи ёки одоб-ахлоқ орқали мурожаат этмайди, балки унга борлиқ ва билишнинг умумий тамойилларини таклиф қилади. Шу боис у натурфалсафий, онтологик, гносеологик, методологик, эстетик, мантиқий, ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларни ўрганади.

Иккинчидан, Шарқ ва Ғарб фалсафасида динга муносабатда ҳам фарқлар мавжуд. Шарқ фалсафаси дин билан узвий ўзаро алоқада ривожланади: аксарият ҳолларда айни бир фалсафий оқим фалсафа сифатида ҳам, дин сифатида ҳам намоён бўлади. Бунга брахманизм, индуизм, буддизм, конфуцийчилик, зардўштийлик мисол бўлиши мумкин. Ғарб фалсафаси эса, кўпроқ илмий методологияга таянади ва диндан ажралишга ҳаракат қилади. Қадимда Ғарбнинг фалсафий таълимотларидан бирортаси ҳам жаҳон динига ёки ҳеч бўлмаса қадимги Юнонистон ва Римда кенг тарқалган динлардан бирига айланмаган. Боз устига, Ғарб антик фалсафасида, аввало, Демокрит, Эпикур, Лукреций Кар ва бошқа файласуфларнинг асарларида атеистик оҳанглар анча кучли.

Учинчидан, Ғарб ва Шарқ фалсафасининг категориялар аппарати ҳам ўзига хос фарқларга эга. Шарқ фалсафасида мифология ва «Ригведалар» таклиф қилган аксарият категориялар: инь – аёллик асоси ва янь – эркаклик асоси, уларнинг эфир билан бирикмаси – ци; ёки нарсаларга беш моддий биринчи асос – ер, сув, ҳаво, олов ва дарахтнинг бирикмаси сифатида ёндашиш табиий бир ҳол сифатида қаралади. Ҳаёт ва ўлим, жон ва жисмоний тана, жон материяси, онг ва унинг ҳолатлари категориялари, айниқса, кўп муҳокама қилинади. Сансара – жоннинг қайта гавдаланиши, ўзга шакл-шамойилда намоён бўлиши, карма – инсон ўлимидан кейин тириклик пайтида қилган ишларига яраша мукофот ёки жазо олиши ёки инсоннинг индивидуал тақдири, аскеза – ўзини ўзи чеклаш йўли билан ғайритабиий қобилиятларга эришиш, нирвана – энг юксак ҳолат, инсон эришишни кўзлаган олий мақсад, «материя кишанларидан халос бўлган жон ҳолати» каби тушунчалар киритилган. Албатта, Шарқ фалсафаси ҳаракат, қарама-қаршилик, бирлик, материя, онг, макон, вақт, дунё, субстанция каби одатдаги фалсафий категориялардан ҳам фойдаланади. Ғарбда эса, фалсафий тизимлар моҳияти ва уларнинг курашини акс эттирувчи фалсафий категориялар аппаратининг яратилишига алоҳида эътибор қаратилади. Тизим сифатидаги категориялар ҳақида илк бор Аристотелнинг «Категориялар» рисоласида сўз юритилган. У ўзидан олдинги фалсафий тафаккурни ўрганиш асосида категориялар жадвалини тузган. Бу жадвал қуйидаги категорияларни ўз ичига олган: моҳият (субстанция), миқдор, сифат, муносабат, жой, вақт, ўрин, ҳолат, ҳаракат, азоб-уқубат. Аристотелнинг категориялар жадвали фалсафа ва муайян фанлар эришган ютуқлар муносабати билан унинг таркибини ўзгартиришни таклиф қилган янги даврга қадар категориялар ҳақидаги таълимотнинг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб келди.

Тўртинчидан, Қадимги Ғарб ва Шарқда материянинг тузилиши ҳақидаги таълимотда ҳам фарқлар мавжуд. Ғарб антик фалсафасида материянинг дискрет тузилиши ҳақидаги таълимот – атомистика вужудга келди. Унинг асосчи-

[1] Умарзода М. Овесто сирлари // «Жаҳон адабиёти». 1997 й. №4. 19–20-б.

лари қадимги юнон файласуфлари Левкипп ва Демокрит бўлган, атомистика ғояларини Эпикур ва қадимги рим файласуфи Лукреций Кар ривожлантирган. Демокрит дунё атомлар ва бўшлиқдан иборат деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, атомлар – сифатга эга бўлмаган майда зарралар. Сифатлар атомларнинг шакл, ўрин ва тартиб жиҳатидан уйғунлигидан пайдо бўлади. Демокрит, нима учун сут осон ичилади, деган саволга, шунинг учунки, сут, «юмалоқ атомлар»дан иборат, нима учун хантални сутдай ичиш мумкин эмас? Шунинг учунки, хантал атомлари «илмоқсимон»дир, деб жавоб беради. У нарсалар сифати ва уларнинг ранг-баранглигини ҳам шундай тушунтирган. Демокритнинг атомистикасида сабабиятнинг содда изоҳлари билан бир қаторда айни шу сабабиятни нарсаларнинг ўзида, аниқроғи – атомларда кўришга бўлган интилишга ҳам дуч келиш мумкин. Шарқ фалсафасида эса, материянинг дискретлиги, унинг тузилиши муаммоси қўйилмайди. Унда материяга асосан жонга «халақит» берувчи муайян омил ёки шакл билан бирликда ёки муайян субстанционал асос сифатида ёндашилади.

Бешинчидан, Ғарб ва Шарқ фалсафасида билиш муаммоларини ечишда фарқлар мавжуд. Ғарб фалсафасида билиш эмпирик, ҳиссий ва оқилона жараён сифатидаги эмас, балки мантиқий жараён сифатида ҳам қаралади, яъни мантиқ муаммолари атрофлича ўрганилади. Бу муаммоларни ўрганишга Суқрот, Платон, айниқса, Аристотель улкан ҳисса қўшган. Шарқ фалсафасида эса, мантиқ муаммолари билан амалда ҳинд ньяя (сансар, қоида, мулоҳаза, предметга кириш, мантиқ) мактабигина шуғулланган. Ньяя фалсафий муаммоларни ечишда мушоҳаданинг аҳамиятини алоҳида қайд этган. У ҳақиқатнинг тагига етишнинг тўрт манбаи: идрок этиш, хулоса чиқариш, таққослаш ва исботлашни ўрганади. Бу манбалар ҳақиқий билимга эришиш имконини беради. Умуман олганда, Қадимги Шарқ фалсафасига кўпроқ ўзини ўзи билиш хос.

Олтинчидан, Ғарб ва Шарқ фалсафасидаги ўзига хослик ва фарқлар ижтимоий муаммоларни ўрганиш жараёнида, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Шарқ фалсафасида бу ўтмиш, ҳозирги давр ва келажак манбаи бўлган «дунёвий инсон» муаммолари, шунингдек, умуминсоний қадриятлар, ўзини ўзи камол топтириш, бошқа одамларни бошқариш учун зарур бўлган инсоний фазилатлар муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Конфуций Осмонга, унинг улуғворлигига мурожаат этиб, ижтимоий тузилмалар иерархияси, кишилар қатъий субординациясининг зарурлигини кўрсатишга ҳаракат қилади: «Осмон ҳар бир инсонга унинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, уни тақдирлайди, унга жазо беради»[1]. «Авесто»да эса, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулияти ҳақида фикр билдирилган. Жумладан, агар одам олган қарзини ўз вақтида қайтариб бермаса, у тунда бировнинг уйига ўғирликка кирган одам билан баробардир. Шунингдек, унда қариндошларнинг ўзаро оила қуриши тақиқланган, авлодларнинг соғлом, бенуқсон туғилишига эътибор қаратилган. Борди-ю, эркак зурриёт қолдиришга қобилияти бўлиб, сўққа бош бўлиб юрса, унинг пешонасига тамға босиш ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур эканлиги белгиланган. Шарқ фалсафасида қонун муаммосига ҳам кўп эътибор берилади. Айрим файласуфлар уни рад этган, айримлари эса унга таянган. Халқ ва подшо муаммоси ҳам Шарқ фалсафасининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади**.** Жумладан, «Авесто»да

[1] Конфуций. Уроки мудрости. –М.: «ЭКСМО», 2005 г. с. 46.

ҳуқуқий масалалар: жиноят ва жазо, оила ва никоҳ, мулк билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қоидалар ўз ифодасини топган. Оилавий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидаларда эр хотиннинг бир-бирига хиёнати ёки никоҳсиз эр-хотинлик муносабатларида бўлган кишилар тан жазосини олган. «Венидат» (девларга қарши кураш қонуни)нинг 13-, 14-бобларида сувни тежаш, уни қадрлаш, ундан унумли фойдаланиш ҳақидаги қоидалар битилган. Унда ҳар куни экинни икки марта суғориш мумкинлиги, ҳар бир кунда экувчи бир белкурак кенглик ва чуқурликдаги ариққа сиғадиган сув олишга ҳақли эканлиги, сувни тақсимлаш билан коҳинлар шуғулланиши, сувни ифлослантиришни тақиқловчи қоидалар белгилаган. Бу қоидаларни бузганларга нисбатан мажбурий меҳнатга жалб қилиш жазоси белгиланган[1]. Ғарбда, хусусан, қадимги юнон ва қадимги рим фалсафасида эса ижтимоий муаммолар доираси кенгроқ. Уларни ўрганиш усуллари ҳам Шарқ фалсафасидаги усуллардан анча фарқ қилади. Биринчидан, Демокритдан бошлаб, қадимги дунёнинг деярли барча файласуфлари давлат, қонун, меҳнат, бошқарув, уруш ва тинчлик, майллар, манфаатлар, ҳокимият, жамиятнинг мулкий табақаланиши муаммоларига мурожаат этганлар.

Иккинчидан, бу ижтимоий-фалсафий муаммоларни тадқиқ этиш жараёнида инсонни жамиятга боғлаб ўрганиш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Демокрит шундай деб ёзади: «Умумий муҳтожлик айрим инсоннинг хусусий муҳтожлигидан оғирроқдир. Зеро, умумий муҳтожликда ёрдамга ҳеч қандай умид қолмайди»; «қонун одамларнинг ҳаётини тартибга солишни хоҳлайди, бунга у фақат одамлар ўзларига яхши бўлишини истаган тақдирда эришиши мумкин. Чунки, қонун ўзига бўйсунадиган кишиларгагина ижобий таъсир кўрсатади»; «Оқил одамга бутун дунё очиқ. Зеро, яхши қалб учун бутун дунё ватандир»[2].

Платон ҳам ижтимоий муаммоларни таҳлил қилган. У давлатнинг моҳияти ва шаклларини шахс, айниқса, подшони шахси нуқтаи назаридан ўрганган. Унинг фикрича, подшо ҳақиқатпарварлик, оқиллик, мардлик, адолатпарварлик каби фазилатларга эга бўлиши лозим; умуман олганда, подшода инсоннинг барча қобилиятлари мавжуд бўлиши даркор. Платон инсоният тарихида биринчи идеал давлат назариясини яратади. *У давлатнинг уч шаклини тан олади: монархия, аристократия ва демократия*. Бу шаклларнинг ҳар бири икки кўринишда: қонуний ва ноқонуний ёки зўрлик ишлатишга асосланган кўринишларда амал қилади. Платон давлатнинг қонуний шаклини маъқул кўради. Унинг фикрича, давлатни файласуфлар ҳаммадан яхшироқ бошқара оладилар. Платон ўзининг «Давлат» асарида бу ҳақда шундай деб ёзади: «Агар қашшоқ ва йўқсиллар ўз шахсий манфаатларини қондиришни кўзлаб, жамиятни бошқариш имкониятини қўлга киритган бўлсалар, бундан яхши иш чиқмайди: ҳокимият беллашув майдонига айланади ва бундай ички уруш унинг иштирокчиларини ҳам, қолган фуқароларни ҳам ҳалокатга маҳкум этади. Ҳокимият уни севгувчи кишилар қўлига ўтиши ҳам ярамайди. Акс ҳолда улар билан бу севгида рақиблар беллашади...»[3]

Аристотель ҳам ўзининг «Сиёсат» асарида ўз давлат назариясини баён этган. У: «Давлат нима учун вужудга келган ва инсонни унинг жамиятдаги ҳаётида

[1] Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: «Ўзбекистон», 1997 й. 25–26-б.

[2] Демокрит // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с.105.

[3] Платон // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 782.

бошқарувчи ҳокимиятнинг нечта тури бор?» деган саволни ўртага ташлайди ва ўзининг бу саволига шундай жавоб беради: «Давлат яшаш учун яратилмайди, балки, асосан, бахтли яшаш учун яратилади... Давлат оилалар ва жамоалар ўртасида яхши ҳаёт кечириш учун алоқалар ўрнатилганда, фаровон ва ўзига тўқ мавжудлик мақсадида вужудга келади»[1]. Давлат ҳокимияти масаласига келсак, Аристотель унинг «уч яхши» ва «уч ёмон» шаклини қайд этади. Давлат ҳокимиятининг «яхши» шакли деганда у жамиятга хизмат қилувчи ҳокимият шакллари: монархия, аристократия, «полития», яъни ўрта синф ҳокимиятини тушунади. Давлат ҳокимиятининг «ёмон» шакллари қаторига Аристотель тирания, соф олигархия ва ашаддий демократияни киритади.

Қадимги дунё фалсафаси ҳақидаги сўзимизга якун ясар эканмиз, шуни қайд этишни истар эдик-ки, у мазкур дунё маданиятининг ўзаги ҳисобланади, Ғарб ва Шарқ маънавий цивилизациясининг қиёфасини белгилайди. Гап шундаки, фалсафа қадимги дунёнинг барча маънавий қадриятлари: санъат ва дин, ахлоқ ва эстетик тафаккур, ҳуқуқ ва сиёсат, педагогика ва фанни қамраб олган.

Хуллас, Шарқ маънавий цивилизацияси шахснинг борлиғига, унинг ўзликни англаш туйғусига ва моддий дунёдан узоқлашиш орқали ўзини ўзи камол топтиришига мурожаат этиш руҳи билан суғорилган бўлиб, бу Шарқ халқларининг турмуш тарзида ва маданий қадриятларни ўзлаштириш усулларида ўз аксини топган. Ғарб маънавий цивилизацияси ўзгаришларга, ҳақиқатнинг тагига етиш йўлидаги изланишларга очиқ бўлган. Бу изланишлар турли, шу жумладан, атеистик, интеллектуал ва амалий йўналишларда кечган.

Умуман олганда, қадимги дунё фалсафаси кейинги даврлардаги фалсафий тафаккур ва маданиятга, кишилик жамиятининг ривожланишига улкан таъсир кўрсатган.

Ўрта асрларда Ғарб ва Шарқда фалсафа ривожланишининг умумий белгилари. *Биринчидан, ўрта асрлар Ғарб ва Шарқ фалсафаси, аввало, феодал жамият фалсафаси бўлиб, у илоҳиёт ва диннинг ҳукмронлиги билан тавсифланади.* Феодал тузум шароитида феодал мулкдорлик билан бир қаторда ҳунармандлар ва деҳқонларнинг шахсий меҳнатига асосланган хусусий хўжалиги мавжуд бўлган. Феодал ишчини сотиши ва сотиб олиши мумкин бўлган, лекин ишчини ўлдириш ҳуқуқи унга берилмаган. Ишлаб чиқариш муносабатларининг бундай ривожланиши уларни ижтимоий-психологик ва мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлашни талаб қилган. Феодал маданиятни мафкуравий жиҳатдан таъминловчи интеграцион асос дин бўлган.

Иккинчидан, ўрта асрларда дин Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам феодал жамиятнинг ҳукмрон мафкураси ҳисобланган. Бу даврда черков энг йирик куч бўлган. Шунингдек, у сиёсий жиҳатдан ҳам ўта марказлашган ташкилот саналган. Диндорлар амалда бирдан-бир ўқимишли одамлар бўлган. Ҳуқуқшунослик, табиатшунослик ва фалсафанинг мазмуни черков таълимоти билан мувофиқ ҳолатга келтирилган.

Муқаддас китоб ақидалари фалсафий мулоҳазаларнинг таянч нуқтасига айланган. Бу даврда билим эмас, балки эътиқод, фан эмас, балки дин афзал кўрилган. Теоцентризм, яъни Худога, унинг моҳиятига дунёнинг биринчи сабаби

[1] Аристотель // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 69.

ва биринчи асоси сифатида ёндашиш ўрта асрлар фалсафасига хос хусусиятдир. Масалан, ўрта асрларда Хитойда дао ҳақидаги таълимот дин эҳтиёжларига тўла мослаштирилган: дао табиий қонун сифатида эмас, балки илоҳий қонун сифатида намоён бўлган.

Буддизм фалсафаси асосий эътиборни борлиқнинг ўткинчилиги ва йўқликнинг ҳақиқийлиги, жоннинг боқийлиги ва абадий маънавий дунёни англаб етиш йўлида ўзликни камолотга етказиш орқали унинг ўз шакл-шамойилини ўзгартириши билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга қаратган.

Конфуцийчилик феодал тузумни оқлаш учун буддизм ва даосизмнинг идеалистик ва даосизм ғояларини ўзлаштирган: одамлар ўзларининг «ёмон» ниятларини жиловлаб, тақдирга бўйсунишлари лозим. Ҳокимиятга бўйсуниш, уни ардоқлаш ва ҳурмат қилишни талаб этувчи «Осмон қонуни» ҳақидаги таълимот конфуцийчиликда энг муҳим таълимотга айланган.

Ғарб Европа феодализми шароитида ҳам христиан дини ҳукмронлик қилган. У ўзининг одамлар ақли ва қалбини назорат қилиш марказлаштирилган тизимини кўп сонли тарқоқ феодал давлатларга қарши қўйган. Бу назоратни, аввало, Рим Папаси бошчилигидаги католик черкови амалга оширган. Айни вақтда черков қадимги дунёнинг «мажусийча» фалсафасига, айниқса, материалистик таълимотларга ёт кўз билан қараган. Шу сабабли антик даврнинг фалсафий меросини ўзлаштиришга нисбатан холисона ёндашилмаган, бу мерос қисмларга бўлиб ўзлаштирилган, асосан диний ақидаларни мустаҳкамловчи идеалистик ғояларни тарқатишга йўл қўйилган.

Ўрта асрлар Европасида фалсафий тафаккурнинг ривожланиш хусусиятлари. *XVI асргача Ғарб ва Шарқ фалсафий тафаккури ҳар бири ўз йўлида ривожланган: араб мусулмон Шарқида ва Испаниянинг араблар истило қилган қисмида фалсафага диннинг таъсири Европа ва Шарқий Осиёдагидан камроқ бўлган*. Бу даврда араб мусулмон фани ривожланишда Европа фанидан анча илдамлаб кетган. Хитойда ҳам фан, гарчи дин таъсири анча кучли бўлса-да, Европадагидан илғорроқ бўлган. Айрим Шарқ файласуфлари ўз асарларини антик давр мутафаккири Демокритнинг атомлар ҳақидаги таълимоти, Эмпедокл элементлари, Пифагор математикаси, Платон ғоялари, Аристотелнинг фалсафий ва табиий-илмий мероси, айниқса, унинг мантиқ тизими таъсирида вужудга келган илмий-фалсафий анъана руҳида яратганлар.

Европа фалсафасида материализм ўрта асрларда Шарқдагидек кенг тарқалмаган ва маданиятга кучли таъсир кўрсатмаган. У схоластикада реализм билан бир қаторда пайдо бўлган номиналистик фалсафа кўринишида ривожланган ва аввал айрим нарсалар ва ҳодисалар, сўнгра уларнинг инъикослари нарсаларнинг номлари сифатида талқин қилинувчи умумий тушунчаларда мавжуд, деган ғоядан келиб чиққан. Аммо фалсафани илоҳиётга қарам қилишга ҳаракат қилган дин мафкуранинг ҳукмрон шакли саналган.

Илк ўрта асрларда фалсафий тафаккур ривожланишининг асосий шакллари апологетика ва патристика бўлган. Европада, Византияда, Олд Осиё ва Шимолий Африканинг эллинлашган марказларида христианликнинг тарқалиши бошқа диний ва фалсафий оқимлар билан қаттиқ кураш жараёнида юз берган. Бунда христианликка қарши неоплатонизм фалсафасидан кенг фойдаланилган. Айни

шу даврда апологетика христианликни асослаш ва ҳимоя қилиш фалсафаси сифатида вужудга келган.

Апологетика ортидан «черков оталари»нинг фалсафий таълимоти – патристика (лот. «pater» – «ота») пайдо бўлган. Патристиканинг энг ёрқин вакили Гиппон (Шимолий Африка)даги епископ **Авлиё Августин** (354–430)дир. У ўрта асрлар фалсафасига, шунингдек, фалсафий ижоднинг кейинги даврлардаги кўпгина вакилларига кучли таъсир кўрсатган.

Августин «ҳақиқий фалсафа ва ҳақиқий дин»ни бир деб ҳисоблаган. Христианлик асосларини у Платон фалсафасидан топишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, Платон ғоялари – «бу ижодкор ижодга киришиш олдидан юритган мулоҳазалар»[1]дир. Худо дунёни йўқликдан яратган. Инсон паноҳ топишининг асосий йўли унинг христиан черковига мансублигидир. Христиан черкови «илоҳий шаҳар»нинг Ердаги вакилидир. Августин инсон фаолиятининг икки қарама-қарши турини таҳлил қилади: биринчи – «дунёвий шаҳар», яъни «Худога нисбатан нафрат даражасига кўтарилган ўз-ўзига бўлган муҳаббатга» асосланган давлатчилик; иккинчи – «ўз-ўзига нисбатан нафрат даражасига кўтарилган Худога бўлган муҳаббат»га асосланган «илоҳий шаҳар». Августиннинг энг машҳур: «Илоҳий шаҳар», «Инсоний шаҳар», «Тавба» каби асарлари мавжуд.

Августин икки муҳим муаммо: шахс динамикаси ва кишилик тарихи динамикаси муаммоларини ечишга ҳаракат қилади. У «Тавба» асарида шахснинг ўзлигини, унинг руҳий ҳолатларини ўрганади. Августин шахснинг ички дунёсини унинг гўдаклик йилларидан бошлаб инсон христиан сифатида шаклланадиган даврга ча тавсифлайди. У шахсга нисбатан зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай шаклларини (мактабда болага зўрлик ишлатишдан давлат даражасида зўрлик ишлатишгача) қоралайди. Августин шахс эркинлиги муаммосини илгари суради. Орадан бир неча асрлар ўтгач, айни шу муаммо экзистенциализм вакилларида Августин фалсафасига нисбатан қизиқиш уйғонишига сабаб бўлди. Августин инсон субъектив тарзда эркин ҳаракат қилади, лекин унинг барча ҳаракатларини у орқали Худо бажаради, деб ҳисоблаган. Худонинг борлиғини инсоннинг ўзлигидан, инсон тафаккурининг ўз-ўзи учун ишончлилигидан келтириб чиқариш мумкин. Августин шахс учун ўзликнинг ролини кўрсатиб берди. Зеро, «Мен» – ташқи дунёдан ажралиб чиқадиган ва ҳатто ундан «беркиниб» оладиган интим мавжудот. Августин инсон ўз «Мени»ни қандай кашф этади, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилади.

Тарих фалсафасини ишлаб чиқиш ҳам, гарчи атаманинг ўзини Вольтер таклиф қилган бўлса-да, Авлиё Августиндан бошланган. Антик файласуфларда «тарихийлик» тушунчаси мавжуд бўлмаган: юнонлар дунёни эстетик жиҳатдан, мукаммал коинот сифатида идрок этганлар. Августин эса ўтмиш – ҳозирги давр – келажакнинг ўзаро алоқасини фалсафий жиҳатдан англаб етишга ҳаракат қилган. Ҳозирги давр – бир лаҳза, зеро у ўтмишга чекинади ва келажак сари ҳаракат қилади. «Инсоний шаҳар» (жамият) ҳаёти буни тасдиқлайди.

Авлиё Августин асарлари схоластик фалсафанинг яратилишига асос бўлган ва узоқ вақт мобайнида антик фалсафани, асосан Платон, Аристотель ҳамда неоплатониклар – Плотин, Порфирий, Прокл асарларини ўрганиш манбаларидан

[1] Августин // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 11.

бири бўлиб хизмат қилган. Плотиннинг универсал триадаси – «ягона – ақл – жон» схоласт-файласуфлар эътиборини ўзига тортган.

Схоластика (юнон. «schole» – «мактаб») – мактаб таълимида ҳукмронлик қилган ва илоҳиётга тўла боғлиқ бўлган ўрта асрлар христиан фалсафаси. XI асрда схоластик фалсафа доирасида номинализм ва реализм ўртасида кураш авж олган. *Даставвал: «Худо бир, лекин сиймоларда учта: Худо–ота, Худо–ўғил ва Худо–муқаддас руҳ, деган фикрни қандай тушуниш керак?», деган соф схоластик савол ўртага ташланган*. Аммо бу савол атрофида авж олган баҳс-мунозара унинг чегарасидан четга чиққан ва том маънода фалсафий хусусият касб этган: амалда яккалик ва умумийлик диалектикасининг муҳокамасига айланган. Реалистлар «умуман инсон», «умуман уй» каби умумий тушунчалар – «универсалиялар» мавжудлиги тўғрисида сўз юритганлар. Улар айрим нарсаларнинг моҳияти саналган универсалиялар нарсаларгача амалда мавжуд бўлади ва нарсаларни вужудга келтиради, деб ҳисоблаганлар. Бу ашаддий реализм замирида Платоннинг «ғоялар дунёси» ва «нарсалар дунёси» ҳақидаги таълимоти ётади.

Номиналистлар «универсалиялар нарсалардан кейин вужудга келган номлардир», деган фикрни илгари сурганлар. Айрим нарсалар, масалан, одамлар, уйларгина реалдир, «умуман инсон» ёки «умуман уй» эса фақат сўзлар ёки номлар бўлиб, уларнинг ёрдамида одамлар айрим предметларни умумлаштирадилар. Мўътадил номиналистлар инсоний тушунчаларда айрим нарсалардаги ўхшаш жиҳатларнинг инъикоси сифатида умумийлик мавжудлигини тахмин қилганлар.

Реализм умумийликка нарсадан олдин пайдо бўлувчи идеаллик сифатида ёндашган, яъни амалда умумий ва якканинг алоқаси тўғрисидаги идеалистик концепцияни ишлаб чиққан бўлса, номинализм бу муаммони материалистик йўл билан ечишнинг ўзига хос тимсоли бўлган.

Шундай қилиб, реалистлар ва номиналистлар ўртасидаги баҳс фалсафий тус олган, чунки унда умумий ва якканинг табиати муаммолари, уларнинг диалектикаси амалда муҳокама қилинган.

Фома Аквинский (1225–1274) католик теологияни яратган ва схоластикани тизимга солган мутафаккир сифатида эътироф этилади. Унинг энг машҳур асарлари: «Теология йиғиндиси», «Фалсафа йиғиндиси», «Мажусийларга қарши йиғинди». Уларда муаллиф асосан Аристотель асарларига таянади. Фома Аквинский Аристотель ижоди билан Шарққа салб юриши чоғида танишади. Унинг онтологиясида борлиқ ҳам эҳтимол тутилган, ҳам амалда мавжуд деб қаралади. Борлиқ – айрим нарсаларнинг мавжудлиги, яъни субстанциядир. Фома Аквинский имконият ва воқелик каби категориялар билан бир қаторда материя ва шакл категорияларини илмий муомалага киритади. Бунда материя имконият сифатида, шакл эса – воқелик сифатида қаралади.

Фома Аквинский Аристотелнинг шакл ва материя ҳақидаги асосий ғояларидан фойдаланиб, дин ҳақидаги таълимотни уларга тўла бўйсундиради. Материя шаклсиз мавжуд бўлмайди, шакл эса олий шаклга ёки «шаклларнинг шакли» – Худога боғлиқдир. Худо эса соф маънавий мавжудот. Шаклнинг материя билан бирикуви моддий дунё учунгина зарур. Боз устига материя (Аристотелдаги каби) пассивдир. Унга шакл фаол тус беради. Фома Аквинский «илоҳий борлиқ», ҳамонки у ўз-ўзидан равшан нарса эмас экан, тафаккуримиз англашга қодир бўлган нарса-

лар орқали исботланиши лозим. У Худо борлигининг ҳозирги замон католик черкови ҳам фойдаланувчи ўз далил-исботини таклиф қилади.

Фома Аквинскийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳам диққатга сазовор. У шахс – «оқилона табиатдаги энг олижаноб» ҳодиса, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, шахс ақл-заковат, сезгилар ва ирода билан тавсифланади. Ақл-заковат иродадан устун туради. Аммо Худони билишни Фома Аквинский Худога бўлган муҳаббатдан кейинги ўринга қўяди, яъни сезгилар, агар улар оддий нарсаларга эмас, балки Худога қаратилган бўлса, ақлдан устун бўлиши мумкин.

Фома Аквинский ўзининг «Подшолар бошқаруви ҳақида» асарида инсонга, аввало, ижтимоий мавжудот сифатида, давлатга эса халқ фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилувчи ташкилот сифатида ёндашади. Ҳокимиятнинг моҳиятини у ахлоқ, хусусан яхшилик ва адолат билан боғлайди ва ҳатто халқнинг адолатсиз подшоларга қарши бош кўтариш ҳуқуқи тўғрисида сўз юритади.

Фома Аквинский икки қонун: Худо одамлар онги ва қалбига жойлаган «табиий қонун» ва черковнинг давлат ва фуқаролик жамиятидан устунлигини белгиловчи «илоҳий қонун» ҳақидаги муаммони ҳам муҳокамага киритади. Унинг фикрича, дунёвий ҳаёт бўлғуси маънавий ҳаётга тайёргарликдир. Подшонинг ҳокимияти олий – маънавий ҳокимиятга бўйсуниши лозим. Бу ҳокимиятни осмонда – Исо Масиҳ, Ерда – Рим Папаси бошқаради. Фома Аквинский сиёсий ҳокимият шаклларини муҳокама қилар экан, Аристотель каби монархияни афзал кўради.

Фома Аквинский фалсафаси XIV асрдан бошлаб доминикан схоластларининг байроғига айланди, XVI асрдан эътиборан иезуитлар томонидан тарғиб қилина бошлади. Иезуитларнинг мафкурачилари Фома Аквинский фалсафий тизимини шарҳлади ва такомиллаштирди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб унинг таълимоти ҳозирги замон фалсафий тафаккурининг қудратли оқимларидан бири саналган неотомизм негизига айланди.

Ўрта асрлар Шарқ фалсафий тафаккурининг ривожланиш хусусиятлари. Марказий Осиё – цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири. VIII–IX асрларда Марказий Осиё араб халифалиги таркибига кирган. Бу даврда халифалик марказлари – Бағдод ва Дамашқда маданият ва фан равнақ топди.

Халифалар ал-Мансур (754–776), Ҳорун ар-Рашид (786–809), Маъмун (813–833) ҳукмронлиги даврида ҳинд ва юнон адабиётларининг таржималарига қизиқиш, айниқса, кучайди, Аристотель, Гален, Гиппократ, Архимед, Евклид каби юнон файласуфларининг илмий мероси ўрганилди. IX аср бошида Бағдодда «Дор ул-ҳикмат» – «Билим уйи» ташкил этилди. Бу даргоҳда халифаликнинг турли шаҳарларидан таклиф қилинган олимлар астрономия, тиббиёт, тарих, география, кимё, фалсафа ва бошқа фанларни синчиклаб ўргандилар.

IX асрда бошланган араб истилосига қарши кураш мустақил давлат қуриш ва халифаликка қарамликдан халос бўлиш учун курашга айланди. Натижада Марказий Осиё мўғуллар истилосини бошдан кечирди ва унга қарши кураш жараёнида XIII аср бошларида бир неча давлатлар – Тоҳирийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар ва Ғазнавийлар давлатлари пайдо бўлиб, улар кейинчалик тор-мор қилинди.

IX аср бошларида, дастлаб, Сомонийлар давлати вужудга келган бўлса, XIII асрнинг 20-йилларида Хоразмийлар давлати мўғулларнинг узлуксиз ҳужуми остида қолди. Бироқ, кўп асрлик урушларга қарамай, Марказий Осиёда маданият, фан, санъат ва адабиёт ривожланишда давом этди.

Бу даврда ал-Хоразмий, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, ва бошқа буюк алломалар яшаб ижод қилдилар. Улар яратган асарлар аҳамиятига кўра ўша даврни Марказий Осиёда уйғониш даври деб номлаш мумкин. Уйғониш даври фани ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) барча одамларни маърифатли қилишга интилиш, бу йўлда ўтмиш меросидан ва қўшни мамлакатларнинг фан, маданият ютуқларидан фойдаланиш, табиий-фалсафий ва ижтимоий фанларни ривожлантириш;

2) табиатни ўрганиш, табиий-илмий билимларни оқилоналикка таяниб ривожлантириш, ақлнинг кучига ишониш, асосий эътиборни ҳақиқатни билишга қаратиш, ҳақиқатни инсон билимининг негизи деб билиш;

3) инсонга хос табиий, бадиий, маънавий фазилатларни юксалтириш, инсонпарварликни улуғлаш, баркамол авлодни тарбиялашда олий маънавий қонунларга риоя қилиш;

4) универсализм – борлиқ ва ижтимоий ҳаётнинг барча муаммоларига қизиқиш, бу давр маданиятининг муҳим жиҳатларидир.

Бу давр маданияти умуминсоний қадриятларнинг ривожланишига хизмат қилган. Савдо-сотиқнинг ривожланиши, иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, халифаликнинг турли вилоятлари ўртасида маданий қадриятлар алмашинуви ва унинг бошқа мамлакатлар билан алоқаларининг кучайиши, табиий ва маданий бойликлар, турли халқларнинг анъаналари, тили ва тарихини ўрганиш билишнинг энг тўғри йўллари ва усулларини яратиш, билиш жараёнининг бутун аппаратини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Фаннинг оптика, математика, астрономия каби тармоқларининг жадал ривожланиши табиатни чуқур ўрганиш ва тадқиқот методларини кенгайтиришга имконият яратди. Ўрта асрларда Шарқ фалсафаси мифология ва дин қўйнидагина эмас, балки фан қўйнида ҳам ривожланади. Шарқ олимлари математика, астрономия, география, тиббиёт, тарих, алхимия соҳасида қўлга киритган ютуқлар маълум. Одатда, табиб, мунажжим, сайёҳ бўлган Шарқ файласуфлари асбтракт мулоҳазалардан кўра кўпроқ табиатшуносслик ва тажрибага таянганлар.

Шарқ фалсафий тафаккурининг йирик намояндалари орасида Марказий Осиёлик машҳур файласуф, қомусчи-олим, Яқин ва Ўрта Шарқда аристотелизм асосчиларидан бири Форобий, буюк файласуф ва табиб Ибн Сино (Авиценна), атоқли астроном, математик, шоир ва мутафаккир Умар Хайём, табиб ва файласуф Ибн Рушд (Аверроэс) бор.

Абу Наср Муҳаммад ибн Тархон ал-Форобий (870–950, асарлари: «Китоб ул-Хуруф», «Фозил одамлар шаҳри», «Эҳсоул улум», «Сиёсат фалсафаси», «Фуқаролик сиёсати») фалсафа ва табиий фанлар тарихига оид юзга яқин асар муаллифидир. У фанлар билиш воситалари эканлигидан келиб чиққан. Бунда мутафаккир назарий (мантиқ, фалсафа, табиий фанлар) ва амалий (ахлоқ, сиёсат) фанларни фарқлаган. Фанлар тизимида у инсонга ҳақиқий билимни сохта билимдан фарқлаш имконини берувчи мантиқни биринчи ўринга қўйган. Айни

шу сабабли файласуф инсон тафаккурига алоҳида эътибор берган. Айнан фалсафа инсонга борлиқнинг моҳиятини тушуниш имконини беради. Борлиқ «ягона» ва айни вақтда «кўп»дир. Борлиқнинг мазкур ҳолати эманация, яъни «ягона» муҳитдан борлиқнинг турли муҳитлари келиб чиқиши маҳсулидир. Форобий асарларида дунё бир-бирига кирувчи тўққиз гумбаз кўринишида намоён бўлади. Бу гумбазларда уларнинг Ер атрофида айланиши сабаби ҳисобланган жонлар яшайди. Гумбазлар ўз ҳаракатини дастлабки турткидан бошлаган. Форобий дунёнинг ранг-баранглигини тушунтириш учун Аристотелнинг шакл ва материя ҳақидаги таълимотидан фойдаланган. У жоннинг умрбоқийлиги ҳақидаги масалада Платон фикрига қўшилмаган, чунки, унинг пайдо бўлиши ва ўлими тананинг пайдо бўлиши ва ўлими билан бир вақтда юз беради, деб ҳисоблаган. Айни шу сабабли Форобий ижодида билиш назарияси Платондаги каби хотирлаш назарияси эмас, балки дунёни сезги ва ақл бирлиги сифатида англаб етиш назариясидир. Бунда ақлли жон нарсалар табиатини сезгилар идрокидан фойдаланиб англаб етади. Нарсаларнинг моҳияти ақл билан англаб етилади. Бунда ақл, аввало, мантиққа таяниши, лекин сезги аъзолари берувчи материалдан фойдаланиши лозим.

Форобий борлиқнинг биринчи сабаби ва ҳаракат манбаи сифатида Худо мавжуд деб ҳисоблаган бўлса-да, унинг фалсафаси билиш ва борлиқнинг мураккаб масалаларини ечишга интилиш билан тавсифланади. Айни шу сабабли файласуф борлиқнинг ҳолатларини, унинг шаклларини: оддий элементлар – ҳаво, олов, ер, сувни; шунингдек, минераллар, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон ва осмон жисмларини синчиклаб ўрганади. Шу тариқа у ташқи дунёнинг объектив мавжудлигига урғу беради. Форобийнинг фалсафий қарашлари Шарқ фалсафасининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

Форобийнинг гносеологияси табиатшунослик, математика, мусиқа, тилшунослик ва бошқа фанлар соҳасидаги билимларга асосланади. У табиат инсондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, деб ҳисоблайди. Форобий фикрича, объект субъектга қадар мавжуд бўлган. Сезиладиган нарсалар сезгилардан олдин пайдо бўлганидек, билиш мумкин бўлган нарсалар ҳам билишдан олдин пайдо бўлган[1].

Форобий фикрича, инсон билимларни ташқи дунёдаги ҳодисаларни билиш жараёнида ўзлаштиради. Бу жараён сезиш, идрок этиш, хотирлаш, тасаввур қилиш ва энг муҳими – мантиқий мулоҳаза юритиш, тафаккур каби усулларни қамраб олади. Бу воситалар ёрдамида инсон фанни ўрганади. Форобий «Фан ва санъатнинг ўзига хос хусусиятлари» асарида табиатни билишнинг узлуксизлигини, билиш – бу билишдан билимга, сабабни билишдан оқибатни билишга, ҳодисани билишдан моҳиятни билишга элтувчи йўл эканлигини қайд этади.

Форобий фикрича, инсон пайдо бўлганидан сўнг, аввало, «озиқлантирувчи куч» пайдо бўлади, унинг ёрдамида озиқланиш жараёни юз беради. Сўнгра сезги органлари пайдо бўлади, улар инсонга сезиш, тасаввур қилиш қобилияти ва хотирани беради. Шундан кейингина инсон «орзу кучи» ёрдамида билим ва ҳунарларни ўзлаштиради, фойдали нарсаларни фойдасиз нарсалардан фарқлайди,

[1] Фараби. Комментарии к категориям Аристотеля // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. –М.: 1961 г. с. 191.

ўз хулқ-атворини тартибга солади. Форобий инсоннинг барча кучлари маълум сезги органлари билан моддий сабаб орқали боғланади, бу кучларнинг бирортаси ҳам моддий сабабсиз мавжуд бўла олмайди[1], деб ҳисоблайди.

Форобий инсон руҳининг бир танадан бошқа танага ўтишини қатъиян рад этади ва руҳ ҳам, тана каби субстанцияларнинг индивидуал бирлигидан иборат, деб ҳисоблайди. Унинг бу фикри ноизчил бўлган. Бундай ноизчиллик Аристотелнинг билиш назариясида ҳам кузатилади.

Аристотелга эргашиб Форобий ҳам айрим нарсалар бирламчи, мавжуд тушунчалар ва ғоялар – иккиламчидир ва улар ақлда муайян нарсаларнинг мавҳумлашиши натижасида пайдо бўлади, деб ҳисоблайди. Форобийнинг бу ғоялари универсалиялар ва умумий тушунчалар ҳақидаги қарашларида янада аниқроқ намоён бўлади. Универсалиялар мавжуд бўлгани учун ҳам умумий тушунчалар мавжуддир,[2] деб ҳисоблайди буюк мутафаккир.

Билиш босқичлари ўртасидаги фарқларни тушуниш Форобийга билиш йўллари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини беради. Билишнинг физиклар фойдаланувчи биринчи йўли сезишдан бошланиши лозим, чунки тана сезгига яқинроқдир. Бу ҳол сезгилар муайян нарсаларни акс эттириши билан изоҳланади. Нарсалар сезги органларида акс этгач, жисмни ва унинг юзаси, чизиқлари ва нуқталарини мавҳум ўрганишга ўтиши лозим. Математиклар жисмнинг у ёки бу жиҳатларини теранроқ билиш учун фойдаланувчи билишнинг иккинчи йўли мавҳумлаштиришдан бошланиши даркор. Билишни мавҳум нуқтадан бошлаган ақл муайян жисм бўйлаб ҳаракатлана бошлайди, мавҳум чизиқ, юза, жисмни англайди ва сўнгра муайян жисмни тушуниб етади.

Илмий билим ва фалсафий тафаккурнинг ривожланиши билиш йўлларига бошқача назар ташлаш имконини беради, бироқ Форобий илгари сурган ғоя Гегель фалсафасида ўзининг янада баркамолроқ ифодасини топади. «Вазифа билишдан иборат бўлгани туфайли, кузатиш билан таққослаш ҳақидаги масала ундан воз кечиш маъносида ечилгандир. Эндиликда масала фақат билиш доирасида нима биринчи бўлиши ва ундан кейин нималар англаб етилиши лозимлиги ҳақида бўлиши мумкин. Энди табиатга мувофиқ йўл эмас, балки билишга мувофиқ йўл талаб этилади. Билиш фикрнинг муайян мазмунидан кўра, мавҳум мазмунни англаб етиши осонроқдир»[3]. Бинобарин, билиш масаласи борлиқнинг қайси жиҳати билувчи субъектнинг объекти ҳисобланишидан келиб чиқиб ҳал қилинади. Умуман, Форобий ғоялари нафақат Шарқ фанининг, балки Ғарб ижтимоий-фалсафий тафаккурининг ривожида ҳам муҳим роль ўйнади.

Абу Райҳон Беруний (973–1048 йиллар, асарлари: «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минерология»), табиат ва унинг объектив қонунлари мавжудлигига шубҳа қилмаган. У табиат муттасил ўзгариш ва ривожланишда бўлади, материя нарсалар шаклини ўзи яратади ва ўзгартиради, жон (тафаккур, маънавий ҳодисалар) тананинг муҳим хоссасидир, деб таъкидлаган.

Маълумки, тажриба, эксперимент борлиқни билиш усулларидан бири ҳисоб-

[1] Фараби. Фусус ал-Хикам. Мажему аль-Фараби. Каир. 1997 г. с. 150–152.

[2] Фараби. Китаб ал-Хуруф. Душанбе. «Илм», 1972 г. с. 25.

[3] Фараби. Китаб ал-Хуруф. Душанбе. «Илм», 1972 г. с. 36.

ланади. Беруний шундай деб ёзади: «Мендаги иштибоҳни фақат тажриба ва такрорий синов бартараф этиши мумкин, ... сўзловчиларнинг якдиллигига қарамай, бунинг ҳақиқийлиги тажрибада ўз тасдиғини топмаган»[1].

Тадқиқотчилар фикрига кўра, «Берунийни етарли асос билан ўрта аср фанида эмпирик метод яратувчиларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. У металлар ва минералларнинг хоссалари ва солиштирма оғирлигини аниқлаш бўйича бир қанча тажрибалар ўтказди»[2]. Тажрибада олинган билимни мутафаккир айрим меъёрларга мувофиқ ишончли билим деб талқин қилади. Уларнинг орасида объектларнинг кузатувчанлиги, тажрибаларнинг қайта ўтказилувчанлиги ва кузатишларнинг текширилувчанлигини қайд этиш мумкин.

Бу мулоҳазалар тажриба, билим олиш ва унинг ҳақиқийлигини текшириш методи сифатида, ўрта аср шароитида ҳам анча кенг тарқалган, деб айтиш имконини беради.

Ғоя илгари сурилгани ва ишончли билимнинг олиниши тажриба билан боғланиши, билимнинг ҳақиқийлиги тажрибада синалиши муҳимдир.

Берунийнинг ижодида кузатиш муҳим ўрин эгаллайди. Табиатни илмий ўрганишда кузатиш билишнинг бошқа шакллари билан ўзаро боғланган.

Беруний фикрича, кузатувчи кузатилаётган ҳодисани у юз бераётган жойда идрок этади[3]. Бинобарин, кузатиш у ёки бу ҳодисани унинг муайян кўринишида қайд этади[4]. Кузатишларнинг эски маълумотлари объектнинг ҳақиқий кўрсаткичини анча бузиб ифодалаши мумкин.

Беруний тадқиқотчи ўтказган тажриба ва унинг натижаси амалда ишончли эканлигини қайд этади. У «Синовдан бошқа устувор дастур, тажрибада текширишдан ўзга муваффақиятга элтадиган дастуриламал йўқ»[5], деб ёзади.

Беруний астрономик кузатишлар воситасида Ой ва Қуёшнинг тутилиши, уларнинг Ердаги ҳаётга таъсири, иқлим, табиий ва сунъий танланиш, сақланиш, ривожланиш аномалияси каби мураккаб муаммоларни янги илғор метод ва назарий тамойиллар ёрдамида ечишга ҳаракат қилди.

Беруний Шарқда астрономия кузатиш асбобларини яратиш техникасининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. У ўша даврда илмий изланишлар олиб боришда фойдаланилган эски асбобларни такомиллаштириш ва янгиларини яратишга алоҳида эътибор берган. Олимни ўта аниқлиги ва мукаммаллиги билан ажралиб турувчи кузатиш асбобларини яратиш имконияти масаласи қизиқтирган.

Шундай қилиб, само жисмларининг ҳолатларини нафақат асбоблар воситасида, балки ўрганилаётган объект хусусиятига мувофиқ амалга оширишни алломанинг улкан хизматларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бундай методологик мўлжал, илмий-тадқиқотлар жабҳаси чекланганлигига қарамай, илмий билишнинг янги йўллари ва воситаларини топиш борасидаги изланишларда муҳим роль ўйнади.

[1] Абу Райхон ал-Бируни. Избранные произведения в 6 т. Т. 3. –Т.: 1963 г. с. 44.

[2] Хайруллаев М. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. Фергана, 1988 г. с. 39.

[3] Қаранг: Абу Райхон ал-Беруни. Избранные произведения в 6-т. Т. 3. –Т.: 1963 г. с. 57.

[5] Там же:. с. 260.

[5] Абу Райхон ал-Беруни. Избранные произведения в 6-т. Т. 3. –Т.: 1963 г. с. 340.

Абу Али ибн Сино (980–1037, бухоролик Ибн Сино (Авиценна) 300 дан ортиқ асар муаллифидир Уларнинг орасида «Тиб қонунлари» ва «Билим китоби», «Донишнома», «Ҳайй ибн Якзон», айниқса, кенг довруқ қозонган**)**. Ўрта Осиёнинг машҳур қомусий алломаси ва файласуфидир.

Ибн Сино меросининг таҳлили унинг илмий қизиқишлари доираси бениҳоят кенг, у том маънода қомусий билимлар эгаси бўлганидан далолат беради. Ибн Сино фанларнинг тадқиқот объектларига кўра ажратишга асосланган таснифини таклиф қилган.

Ибн Сино табиат азалий ва абадийдир, унинг қонунлари ўз-ўзидан ўзгармайди ва инсон уларни англаб етишга қодир, жон тана фаолияти билан белгиланади ва унинг индивидуал умрбоқийлиги мумкин эмас, деган фикрни илгари сурган.

Ўша даврда у шуғулланмаган фаннинг ўзи бўлмаган. Тиббиёт билан бир қаторда, Ибн Сино фалсафа, хусусан билиш назариясини ҳам фаол тадқиқ этган.

Ибн Сино моддий дунё предметларини сезгилар манбаи деб ҳисоблаб, уларнинг объектив табиатини ташқи моддий дунё инъикоси сифатида ёритади. Бундан ташқари, у сезгини материянинг хоссаларидан бири деб эътироф этади. Аллома сезгини материянинг олий шакллари билан боғлайди. Ибн Сино мавжуд нарсаларни таснифлар экан, сезги ҳайвонлар деб аталувчи жисмларга хослигини қайд этади[1].

Ибн Сино неоплатоникларнинг жон ҳиссий нарсаларни тананинг бирон-бир аъзосисиз идрок этади, деган таълимотини асоссиз деб ҳисоблайди. «Қадимда айрим олимлар (неоплатониклар) жон ҳиссий идрок этилувчи нарсаларни ҳеч қандай органларсиз бевосита сезади, деб фараз қилганлар. Муҳитга келсак, бу, масалан, кўриш учун муҳит бўлиб хизмат қилувчи ҳаво, органларга келсак, бу, кўриш органи бўлиб хизмат қилувчи кўздир. Бироқ улар ҳақиқатдан узоқдир, чунки ҳиссий идрок этиш жоннинг ўзида бу органларсиз юз берганида, мазкур органлар беҳуда яратилган бўлиб чиқар, улардан ҳеч қандай наф бўлмас эди», деб ёзади ва сўзининг давомида неоплатоникларнинг қарашлари асоссиз эканлигини таъкидлаб, ҳақиқат сезгилар тана аъзоларига муҳтожлигидадир,[2] деган хулосага келади.

Ибн Сино сезгилар ва сезги органлари ҳақида гапирар экан, у ёки бу сезгининг юзага келиш механизмини илмий тушунтиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳеч қандай жисм ўз ҳолича овозга эга бўлмайди. Овоз икки жисм тўқнашганда, ҳаво ва ҳаракатнинг тебраниши натижасида юзага келади. Бу тўлқинлар жуда тез тарқалади. Улар қулоққа етгач, тебранувчи ҳаво эшитиш нервларига тегади ва улар бундан жонни хабардор этади[3]. Бу тавсиф анча содда баён этилган бўлсада, ҳозирги тасаввурларга мос келади. Шунингдек, Ибн Сино сезгиларни ҳали объектив дунёнинг субъектив образи сифатида идрок этмаганидан далолат беради. Сезгиларни ташқи таъсирнинг организмдаги ҳаракати сифатида тушунтирар экан, Ибн Сино уни механик талқин қилади.

Ибн Сино кўриш ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Кўриш жараёнини тушунтирар экан, у айни вақтда Платоннинг бу борадаги таълимоти асоссиз экан-

[1] Ибн Сино. Трактат о разделении существующих вещей. – Т.: «Шарк», 1983 г. с. 128.

[2] Ибн Сина. Книга исцеления. –Т.: «Фан», 1967. с. 265–266.

[3] Ибн Сина. Канон врачебной науки. Кн. 1. –Т.: «Фан», 1996 г. с. 260–261.

лигини кўрсатади. Ибн Сино ёруғликни кўришнинг асосий воситаси сифатида алоҳида қайд этади[1].

Аллома сезгиларни ва туйғуларнинг барча шаклларини ўрганиб, уларнинг физиологик асосларини, яъни мия тузилишида сезги марказларининг жойлашувини тушунтиришга ҳаракат қилди. Мияни акс эттириш фаолиятининг бош аппарати деб талқин қилиб, Ибн Сино ҳиссий билиш шаклини мия билан боғлади ва уни идрок этиш ва сезиш асоси[2] деб эътироф этди.

Ибн Сино таълимотига кўра, инъикос фақат акс эттирувчи тизимга боғлиқ эмас. Сезиш маркази миянинг олд қисмида, тасаввур қилиш маркази – миянинг ўрта қисмида, эслаб қолиш қобилияти – миянинг орқа қисмида жойлашган. «Китоб ун-нажот» асарида Ибн Сино ҳар бир сезгининг физиологик асосларини тадқиқ этар экан, ҳиссий билиш жараёнида асаблар муҳим роль ўйнашини қайд этади. Унинг фикрича, мия асаблар воситасида сезгилар ва ҳаракатларни инсоннинг бошқа аъзоларига узатади. Асаблар мия учун ўтказгичлар бўлиб хизмат қилади[3]. Умумий маълум тасаввурга кўра, асаблар бош мияда бошланади ва уларнинг тармоқлари терининг юза томонида тугайди[4]. Кўриб турганимиздек, Ибн Сино ҳиссий билишнинг физик ва физиологик асосларини илмий йўл билан тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ибн Сино Ўрта Осиёнинг бошқа мутафаккирлари каби тасаввурни ички сезгилар қаторига киритади. Ибн Синонинг фалсафий меросини қиёсий ўрганиш табиатни ҳамда тасаввурнинг гносеологик функциясини тушунишда у асосан ягона ёндашувга таянганини кўрсатади. Ибн Сино тасаввурнинг кучи шундаки, умумий сезгига кирувчи ҳамма нарса бизнинг сезгиларимизгача етиб боради,[5] деб қайд этади.

Шундай қилиб, Ибн Сино фикрига кўра, тасаввурнинг гносеологик функцияси шундан иборатки, у ташқи нарсаларнинг образларини гавдалантиради, ҳиссий идрок этилувчи нарсалар йўқолганидан кейин ҳам уларни хотирада сақлаб қолади.

Ибн Синонинг фикрича, моҳият уч тарзда намоён бўлади. Биринчидан – нарса сезгиларда уларни кузатиш жараёнида акс этади. Бу ерда нарсаларнинг сезги органларида бевосита акс этиши назарда тутилмоқда. Ибн Сино инъикос концепциясини билиш жараёни сифатида қайд этар экан, билиш даражалари тўғрисидаги масалани кўтаради. Маълумки, бу мўлжал Янги давр фалсафасида ишлаб чиқилган ва немис классик фалсафасида ўзининг тадрижий якунини топган.

Иккинчидан – объектив борлиқда амалда мавжуд бўлмаган нарсанинг моҳияти англанади[6]. Бу ерда формал аҳамият касб этувчи ва моддий борлиқ билан боғланмайдиган идеаллаштирилган объектлар моҳиятини билиш назарда тутилади. Бу моҳият инсон ақлининг ижодий қобилиятини намоён этади.

Учинчидан – нарса образи муайян шароитларда билувчининг жонида аниқ акс этиши мумкин. Бу тамойилда нарсани сезги боғлиқ бўлган алоқалардан

[1] Ибн Сина. Книга спасения. –Т.: «Шарк», 1986 г. с. 224.

[2] Ибн Сина. Канон врачебной науки. Кн. 1. –Т.: «Фан», 1986 г. с. 38.

[3] Ибн Сина. Канон врачебной науки. Кн. 1. –Т.: «Фан», 1986 г. с. 41.

[4] Ўша манба: 99-б.

[5] Қаранг: Ибн Сино. Донишнома. –Т.: «Фан», 1976 г. с. 264.

[6] Қаранг: Ибн Сино. Избранные философские произведения. –М.: «Наука», 1980 г. с. 30.

мавҳумлаштириш имконини берувчи абстракциянинг кучи қайд этилади. Бунда нарсанинг образи унинг субстрати мавжуд эмаслигига қарамай акс этиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, Ибн Сино оқилона билишда мавҳумлаштириш муҳим роль ўйнашини қайд этади. «Билиш нарса образини мавҳумлаштиришнинг айрим ўзаро боғланган босқичларидан иборат жараён бўлиб, унинг натижасида билувчининг онгида предметнинг моҳияти ва хусусиятларини ифодаловчи тушунча вужудга келади. Бундай мавҳумлаштириш босқичлари тўртта».[1]

Ибн Сино «умумий сезги»ни ички сезгилар қаторига киритади. Унинг фикрича, умумий туйғу – бу миянинг олд қисмида жойлашган куч бўлиб, у беш сезгида акс этувчи барча шаклларни ва улар узатувчи кучни мустақил қабул қилади[2]. Бинобарин, Ибн Сино фикрига кўра, сезги органлари ёрдамида олинган туйғулар умумий сезги воситасида бирлаштирилади ва нарсанинг ҳиссий образи яратилади.

Образ деганда, аллома нарсанинг ташқи хусусиятлари ва хоссалари, материянинг акцидентал томонлари йиғиндисини тушунади. Масалан, инсон ва унинг образи ҳақида сўз юритар экан, у шундай деб ёзади: «Унинг образи бу унинг узунлиги, кенглиги, сифати, миқдори ва унинг ҳолати, яъни инсон билан боғлиқ барча нарсалардир»[3].

Ибн Синонинг юқорида баён этилган ғоялари илмий тафаккур шаклланишининг кейинги даврларида ривожлантирилди ва янги натижалар билан бойитилди.

Шундай қилиб, билиш жараёнининг пировард мақсади объектлар моҳиятини билишдан иборат бўлган мураккаб жараёндир. Ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирлари асосан билиш билинаётган объектнинг инъикосидир, деган нуқтаи назардан келиб чиқдилар. Бунда инсоннинг сезги органлари бевосита боғловчи бўғин ҳисобланади, яъни сезгилар ёрдамида билинувчи объектив дунё билиш манбаи сифатида амал қилади.

Сўфизм фалсафаси. Билиш муаммоси сўфизмнинг энг муҳим томонини ташкил этади. *Мўътадил сўфизм таълимотига кўра гностик (ориф)нинг асосий вазифаси олий мақсадга эришиш – ҳақиқатни билишдан иборат.* Бу мақсадга ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўзини ўзи билиш йўли билан эришилади. Ўз моҳиятини билиш жараёнида инсон ўзида илоҳий унсурлар мавжудлигини, Аллоҳни билишнинг бирдан-бир тўғри усули ўзини ўзи билиш, яъни ўзликни англаш эканини тушуна бошлайди.

Бироқ билишнинг бу даражасига етиш учун одам ўзини бутунлай ўз ўзлигини англашга бахшида этиши лозим. У сўфийча турмуш тарзини танлаши, шунингдек, ҳақиқат сари йўл тутган кишиларга қўйиладиган айрим бошқа талабларни бажариши даркор. Мўътадил сўфизм вакиллари қаторига Хориси Муҳосибий, Абулқосим Кушайрий, Абу Ҳомид Ғаззолий ва бошқалар киради. Улар сўфий шариат чизиғидан четга чиқмаслиги, унинг барча сўзлари ва ишлари Қуръони Карим ақидалари ва Муҳаммад пайғамбар ҳадисларига мувофиқ бўлиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

---

[1] Ибн Сина. Книга спасения. –Т.: «Шарк», 1986 г. с. 31.

[2] Қаранг: Ибн Сино. Донишнома. –Т.: «Фан», 1976 й. 266-б.

[3] Ўша манба: 267-б.

«*Ваҳдати вужуд» (борлиқнинг бирлиги) нуқтаи назарида турувчи сўфийлар сўфизмнинг ашаддий тарафдорлари ҳисобланади*. Улар, Ҳақиқат (Аллоҳ) ва табиатни бир, деб қарайдилар. Табиат илоҳий эмансипация оқибатидир. Инсон бу эмансипация занжирида охирги бўғинни эгаллайди. У нафақат Ҳақиқат (Аллоҳ)ни билиш даражасига етади, балки ўзи ҳам Ҳақиқат – «Аллоҳ»га айланади. Сўфийликнинг бу тариқат вакиллари яширин, сирли нарсаларни билишни афзал кўриб, шариат ақидалари ва меъёрларини тан олмаганлар.

Сўфизм Аллоҳни табиат билан узвий деб қарайди. Уни инсонни қуршаган ташқи дунёда мавжуд ҳар бир нарса билан тенглаштиради ва уларда Аллоҳнинг сиймоси, моҳиятини кўриб, табиат, атроф-муҳит сари, унинг сирларини очиш томон, бу яширин ҳодисаларнинг ҳар бирида илоҳий ҳақиқат белгиси, моҳиятини топиш ва билиш мақсадида муайян қадам ташлайди.

Сўфизмдаги Аллоҳни билишда билиш усуллари ва воситалари сифатида ваҳий ва илҳом амал қилади. Бу ерда сезгилар ва ақл билиш воситалари сифатида ишламайди. Борлиқнинг бирлиги тарафдорлари саналган сўфийларда пантеистик анъаналар устунлик қилувчи таълимотларда Аллоҳни билиш назарияси билан бир қаторда дунёни билиш назарияси ҳам мавжуд бўлиб, унда билиш объекти сифатида моддий дунёнинг ўзи, билиш воситалари ва усуллари сифатида эса – сезгилар, ақл, кузатиш, таққослаш, сўзнинг тор маъносидаги тажриба амал қилади. Гарчи улар билишнинг турли шаклларини тан олсалар-да, моҳиятлар моҳияти (Аллоҳ)ни билиш даражаси тўғрисида сўз юритилган ҳолларда билиш шаклларининг аҳамиятини чеклайдилар. Аллоҳни билишга фақат Унинг карами ва нури ёрдамида муваффақ бўлинади.

Мутлақ ҳақиқатнинг тагига етиш йўлидан борувчи одам (ориф) ўз олдига ҳақиқатни билиш вазифасини қўйган фаол индивидга айланади ва узоқ изланишлар, турли мистик босқичлар, мақомлардан ўтиш ва ўзликни англаш натижасида ўзида мутлақ ҳақиқат (Аллоҳ)ни топади ва етук инсонга айланади.

Сўфизм таълимотига кўра, ҳақиқатнинг тагига етиш учун одам ўз ички дунёси, қалбини ҳар хил дунёвий қусурлардан фориғ этиши лозим. Бунга эришиш учун у бир қанча маънавий босқичлар ёки сўфийлар таъбири билан айтганда мақомлардан ўтиши даркор.

Билиш ва маънавий саёҳат йўлида одамга унинг тафаккури йўл кўрсатади. Кўрсатилган босқичларнинг ҳар биридан ўтиш натижасида одам ахлоқий ва маънавий жиҳатдан такомиллашади ва ҳақиқатни билишга яқинлашади.

Абу Ҳомид Ғаззолий сўфизмни пантеизмдан тозалашга ҳаракат қилди ва у бунга муваффақ бўлди. Ғаззолий фикрига кўра, «ҳар қандай маънавий покланишлардан қатъи назар, инсон ҳеч қачон Худога айлана олмайди». Бу билан у сўфизм ва пантеизм ўртасида ўзига хос «хитой девори»ни ўрнатди.

Сўфизм вакили Ибн Арабий фалсафаси Европа фалсафий анъанасига яқин бўлган тилда яратилган философема. Уни айни ҳолда рационалистик философема деб номлаш мумкин (у бирлик, кўплик, сабаб, оқибат, биринчи асос, жисм, макон, вақт каби категориялар ва атамалардан фойдаланади); тилини бадиий тил деб белгилаш мумкин бўлган, бироқ нафақат эстетика жабҳасини, балки онтология ва натурфалсафанинг рационалистик тили билан бир борлиқни тавсифловчи философема (унинг категориялари – муҳаббат, интилиш, эҳтирос, муҳтожлик,

гўзаллик ва ш.к.); ниҳоят, «мистик» тилда яратилган философема (категориялари: завқ, ҳол, фано, бақо, жон, рўё ва ҳ.к.).

Ибн Арабийда ҳар бир философема, билишнинг алоҳида усулига таянади. Шу сабабли ечимларнинг ҳар бири бўйича тегишли билиш усулининг қисқача тавсифини келтириш ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

1. *Билишнинг биринчи усули – оқилона-мантиқий билиш.* Унинг воситаси – ақл, амалга ошириш усули – силлогизмлар ёки далиллар орқали чиқарилган хулосалар тарзидаги мантиқий мулоҳазалар. Кўриб турганимиздек, Ибн Арабий Аристотель мантиғи билан таниш: у тўғри силлогизмни тузиш учун зарур шартларни тавсифлайди[1], мантиқан тўғри мулоҳаза юритиш учун далиллар ва хулосалар занжири изчил бўлиши, бирон-бир бўғинда узилмаслиги лозимлигини кўрсатади ва ўзи исботлашнинг мантиқий методларини кўп карра қўллайди.

Ибн Арабий фикрига кўра, оқилона билим инсон танасини бошқарувчи инсон жонига керак: у жоннинг дунё ҳақидаги билими муқаррар унсуридир[2]. Оқилона билим (илм)нинг қиммати Ибн Арабийда шубҳа уйғотмайди: «Нарсани билиш, ҳеч шубҳасиз, уни билмасликдан маъқулроқдир»[3]. Силлогизмлар орқали оқилона билиш бизга дунё ҳақида тўғри билим беради: у, масалан, рангли ойна орқали ўтган ёруғлик ойна рангини касб этса-да, ўз ҳолича рангсиз эканлигини, Қуёш кўзга кичкина бўлиб кўринса-да, аслида Ердан бир неча марта катталигини аниқлаш имконини беради. Тўғри силлогизм тузиб, дунёнинг борлиғи замирида сабаб ётишини аниқлаймиз[4].

Билишнинг оқилона-мантиқий методидан файласуф бизни қизиқтирувчи муаммони ечиш учун фойдаланади, бироқ унинг учун мантиқий мулоҳазалар занжирида мутлақо боқий илоҳий моҳият тушунчаси «бошланғич нуқта», дунёда бўлиб турган ўткинчи номукаммал моҳият категорияси эса – «пировард нуқта» ҳисобланади ёки аксинча. Худодан дунёга ёки дунёдан Худога бундай мантиқий ҳаракат қилиш натижасида муаммонинг рационалистик ечими топилиши лозим: дунёга нисбатан трансцендент илоҳий моҳият айни вақтда унга ичдан хос бўлиши, унинг борлиғи субстанционал асосини ташкил этиши даркор. Бу биз ё дунёни тавсифловчи муҳим категорияларни трансцендент илоҳий моҳият тушунчасидан чиқаришимиз, ё дунёда мавжуд ўткинчи моҳият категориясини асос қилиб олиб, трансцендент илоҳий моҳият борлиғини келтириб чиқаришимиз лозимлигини англатади. Шундай қилиб, муаммонинг ечими оқилона-мантиқий методлар ёрдамида топилиши мумкин.

2. *Билишнинг иккинчи усули – муаммони мушоҳада юритиш йўли билан ечиш:* (ечимдан шартлар сари). Мушоҳада юритишни билиш усули сифатида ўрганар эканмиз, дунё ва илоҳий моҳиятнинг узвий бирлиги ва айни вақтда илоҳий моҳиятнинг трансцендентлиги унинг учун муқаррар ҳолдир, деб айтишимиз мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, бу бирлик айнийлик эмас: бошқача айтганда, бу дунё ва илоҳий моҳиятнинг фарқланган бирлигидир. Ҳар қандай

---

[1] Қаранг: Ибн Араби. Геммы мудрости. –М.: «Бейрут», 1980 г. с. 116–117.

[2] Ибн Араби. Геммы мудрости. –М.: «Бейрут», 1980 г. с. 198.

[3] Там же: с. 20.

[4] Ибн Араби. Мекканские откровения. –М.: «Бейрут», 1989 г. с. 105.

нарса ва ҳодисада мушоҳада юритиш сезилувчи ва идрок этилувчи ташқи – зоҳир жиҳатларни ва сезгиларга ҳам, ақлга ҳам яширин ички (ботин) маънони аниқлаш имконини беради. Бу яширин маъно борлиқнинг биринчи асоси, илоҳий моҳиятнинг дунёга ичдан хослигининг негизи ва айни вақтда мушоҳада объекти ҳисобланади. Яширин маънони англаш – нарсаларда, дунёда Худони бевосита кўриш демакдир.

Мушоҳада юритиш жараёнида билиш субъекти ўзининг билиш объектидан онтологик мустақиллигини сақлаган ҳолда у билан бирикади, уни бутун вужуди билан англаб етади. Бунга билиш субъекти бўлган инсонда ҳам «яширин маъно» мавжудлиги имконият яратади. У ягона ва узвий бўлгани учун билиш объекти билан «ички моҳият» жиҳатидан бирикиш имконияти юзага келади, «ташқи моҳият»да эса субъект ва объектнинг алоҳидалиги сақланиб қолади[1].

Мушоҳада юритиш йўли билан олинган билим рационалистик тилдан фарқ қилувчи алоҳида тилда баён этилади. Мушоҳада юритиш, моҳият эътибори билан, бутундан қисм сари ҳаракатдан иборат бўлгани учун бу тилни бадиий тил деб аташ мумкин. Бу тилда ёзилган матнда қисмнинг мазмунини англаб етиш учун (ҳар қандай бадиий асарда бўлганидек) аввал бутуннинг мазмунини англаб етиш лозим. Ваҳоланки, фан тилида ёзилган матнда қисмларни тушунмасдан бутунни тушуниш мумкин эмас. Ибн Арабий философемаси «бадиий» тилда ёзилган бўлиб, мушоҳада юритишга асосланади ва у эстетик философема деб аталади.

3. *Билишнинг учинчи усули – муаммони мистик йўл билан ечишдир* (шартлар ва ечим айнийдир). Бу ерда билиш оқилона-мантиқий ва мушоҳада юритиш йўли билан билишдан мутлақо бошқача шартлардан келиб чиқади. Бу билиш субъекти ва объектининг айнийлик шартидир. Билиш субъекти бу айнийликка эришгач, ўзининг субъектлик моҳиятини йўқотади; субъект ва объект ўртасидаги тафовут йўқолади, билувчи билинувчига айланади, билувчи ҳам, билинувчи ҳам йўқолиб, фақат ягона универсал қолади. Бу ҳолат «фано» ҳолати, субъектив ўзликнинг «ҳалок бўлиш», йўқолиш ҳолати деб аталади.

Мистик билиш жараёнини тавсифлар экан, Ибн Арабий гирдоб (хиро) образидан фойдаланади. «Хиро» сўзи «саросималик» деган маънони ҳам англатади. Бу ўзига хос саросималик, ҳамма нарсада Аллоҳни кўрувчи, Ягонани кўпликда, кўпликни Ягонада, «аниқни яширин, яширинни аниқ, шунингдек, бошқа зиддиятли нарсаларни» кўрувчи сўфийнинг саросималигидир. «Бироқ бу йўқотган ёки тушунмайдиган одамнинг саросималиги эмас»[2]. Бу саросималик мистик билиш йўлига эндигина кираётган одамни қамраб олади; сўнгра, мистик билиш жараёнида саросимага тушган одам, Ибн Арабий тавсифига кўра, «Қутб атрофида айлана ҳаракат қилади ва ундан узоқлашмайди»[3]. Бу қутб – Худо: гирдоб образининг маъноси шундан иборатки, бу гирдоб ҳаракатининг боши йўқ, аниқроғи, қайд этилган аниқ бир бошланиш жойи мавжуд эмас: исталган нуқтадан, дунёнинг ҳар қандай нарсасидан бошлаш мумкин, бироқ охири бор, бу – қутб, борлиқ гирдобининг маркази: билиш доиралари муқаррар тарзда ягона Худога олиб келади. Гир-

[1] Ибн Араби. Мекканские откровения. –М.: «Бейрут», 1989 г. с. 88.

[2] Ибн Араби. Геммы мудрости. –М.: «Бейрут», 1980 г. с. 140.

[3] Там же: с. 73.

доб бутун борлиқни ўз комига тортади. Унинг ичида, марказда туриб биз йўлимиз мўлжалдан фарқ қилмаслигини, йўлни қаерда бошлаган бўлсак, ўша ерда – Худода тугатганимизни кўрамиз[1].

Демак, Ибн Арабий ижодида илоҳий моҳиятнинг дунёга нисбатан трансцендентлиги ва имманентлиги муаммоси ечимининг уч варианти мужассам.. Б*иринчи йўл қисмдан бутун сари ҳаракат*, *мантиқий мулоҳаза юритишдан бошланувчи йўл.* Бунда илоҳий моҳият ёки дунё «қисм» деб, муаммонинг изланаётган ечими эса – «бутун» деб олиниши мумкин.

Иккинчи йўл бутундан қисм сари ҳаракатдан иборат: биз ечим мавжудлигини фараз қилдик, у қандай билиши лозимлигини («бутун»ни) кўрсатдик ва сўнг уни таҳлил қилдик, трансцендент-имманент муаммо ечилган шароитда илоҳий моҳият ва дунё қандай бўлиши лозимлигини кўришга ҳаракат қилдик.

Ниҳоят, *ечимнинг учинчи йўли қисмлар ва бутуннинг айнийлигини, мутлақо ва барча йўналишларда айнийликни: қисмларнинг бир-бири билан, уларнинг ҳар бири ва иккаласининг бутун билан айнийлигини қайд этади*. Биринчи ҳолда трансцендентлик ва имманентлик муаммосининг ечими топилмади, иккинчи ҳолда у ўз ечимини топиш учун дуализмни қабул қилишни талаб этди, учинчи ҳолда эса у ечилмайди, балки ўз асосини йўқотади.

Баҳоуддин Нақшбанд асос солган сўфийлик таълимотининг назарий асосларидан бирини Худо, дунё ва инсоннинг ўзаро нисбати муаммоси ташкил этади. Бу бош муаммо талқинида сўфийларни икки йўналиш – теистик ва пантеистик йўналишларга ажратиш мумкин. Аллоҳ ҳамма нарсанинг яратувчиси деб эътироф этилган, инсондан ташқарида турган, дунё узра юксалган ва билиш мумкин эмас деб эълон қилинган бўлса, сўфийлар таълимоти монотеизм шакл-шамойилини касб этган, дунё ва Худо тушунчалари тенглаштирилган тақдирда бундай таълимот пантеистик деб ҳисобланган[2].

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётнинг мазмунини Ҳақиқат (Аллоҳ)га эришишга интилишда кўрган ва Ҳақиқат (Аллоҳ)га эришиш ташқи нарсалар ҳақидаги билим – шариатга асосланади ва ички нарсалар ҳақидаги билим – тариқат жараёнида юз беради, деб ҳисоблаган. У шариат Қуръони Карим ва ҳадисларни билишдан келиб чиқувчи диний қонун-қоидалар тўплами эканлигидан келиб чиққан. Тариқат одам Ҳақиқатга эришиш учун қайси босқичлардан ўтиши, Аллоҳни англаш ва у билан бирикиш учун қандай тўсиқларни енгиши лозимлигини белгилайди. Бунда билиш жараёнида шариатдан тариқатга ўтиш дарҳол юз бермайди. Фақат шариатни ўзлаштириш ва унинг талабларини бажариш орқали Ҳақиқат йўлидан жадалроқ ва самаралироқ бориш мумкин.

Одам билишнинг ҳар бир босқичи (мистик йўл манзиллари)дан олдинмакетин ўтиб ўз мақсадига яқинлашади. Сўфизм назарияси ва амалиёти онгнинг ташқидан ичкига, очиқдан яширинга саёҳатини назарда тутади. Баҳоуддин Нақшбанд тариқат эзотерик (яширин, мистик) фан, у ҳаммага очиқ эмас, уни фақат ўзини Ҳақиқатга бахшида этган одамлар англаб етиши мумкин, деб ҳисоблаган.

---

[1] Ибн Араби. Геммы мудрости. –М.: «Бейрут», 1980 г. с. 74.

[2] Қаранг: Шайх Бахоуддин Накшбанд: его значение для религиозного мировоззрения, влияние его учения на этику и политику. –Т.: «Мовароуннахр», 1997 г. с. 13.

Сўфизмда мистик билиш замирида «Ўзини билган одам ўз Аллоҳини билади» деган тамойил ётади. Ўзини ўзи билиш орқали Аллоҳни билиш мақсадга эришишнинг энг қисқа йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимотнинг асосида «Дил ба ёр-у, даст ба кор», яъни «Кўнгил ёрда, қўл – ишда», деган шиор ётади.

Хулосалар. Ғарб ва Шарқда ўз тафаккур услубида билимларни ифодалаш ва ўзлаштиришнинг ўз механизмлари ва шакллари, билим ва ҳақиқатга элтувчи йўлни ёритувчи ўз мўлжаллари мавжуд. Шарқ таълимотлари ва тафаккур услубини Шарқ амалиёти ва тажрибасидан олинган ўзига хос усуллар ва методлар ёрдамида тушуниш ва ичдан англаб етиш мумкин.

Тажрибавий-амалий матнлар

Қадимги Шарқ фалсафаси, Даосизм, Конфуций таълимоти, Веда, Авесто, Зардўшт, Қадимги Юнон фалсафаси, Ислом фалсафаси, пантеизм деизм, квинтэссенция, антропоцентризм, утопия. Фома Аквинский, Альберт Больштетский, номинализм, реализм, Шарқ фалсафаси, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, сўфизм, философема, шариат, тариқат, сезги.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг умумий томонлари нимада?
2. Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасининг фарқли жиҳатлари нимада?
3. Ўрта аср Ғарбий Европа фалсафасининг теоцентрик моҳиятини тушунтириб беринг?
4. Ибн Арабийнинг философемаси нимага асосланади?
5. Баҳоуддин Нақшбандийнинг асосий ғояси нима ва унинг ҳозирги кундаги аҳамиятини кўрсатинг.
6. Абу Наср Форобий яратган билиш назариясининг аҳамияти нимада?
7. Ибн Сино ижодининг ўзига хос хусусиятларини изоҳланг.

Реферат мавзулари

1. Қадимги манба «Авесто»даги фалсафий қарашларнинг моҳияти.
2. Мумтоз юнон фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўрта асрларда теоцентризмнинг устувор характери.
4. Марказий Осиёда перипатетизм анъаналарнинг ривожланиши.
5. Форобий дунёқарашида Идеал жамият ғояси.
6. Ибн Сино таълимотининг фалсафий аҳамияти.
7. Абу Райҳон Берунийнинг илмий ва фалсафий мероси.
8. Марказий Осиёда тасаввуф таълимотининг тарқалиши ва ривожланиши.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Фалсафий тафаккур Қадимги Шарқ ва Ғарбда ижтимоий онгнинг дастлабки шакли сифатида қандай кўринишда вужудга келган?

А. Мифология Б. Онтологик
В. Гносеологик Г. Диалектика

2. Мифологияда дастлаб қандай масалалар қўйилган?

А. Дунё қандай вужудга келган ва у қандай ривожланади? Ҳаёт ва ўлим нима?
Б. Нега туғилдик ва нимага ўламиз
В. Биз киммиз, нега туғилдик
Г. Ундай назария бўлмаган

3. Антик даврда фалсафа ривожланган шаҳарларни белгиланг?

А) Ионя, Сицилия, Афина Б. Македония, Самарқанд, Бухоро
В) Бухоро, Тошкент Г. Хива, Тошкент

4. Шарқ ва Ғарб фалсафаси нимага қараб ривожланган?

А. Умуминсоний қадриятларга Б. Давлатларга қараб
В. Меҳнат тақсимотига қараб Г. Қуролларнинг такомиллашувига қараб

5. Марказий Осиёда маънавий-фалсафий мероснинг энг қадимгиси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Авесто Б. Талмут
В. Инжил Г. Қуръони Карим

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1–17-жилдлар. –Т.: «Ўзбекистон», 1996–2010 й.й.
2. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация / Под ред. О.Файзуллаева. –Т., 2000 й.
3. Волгоградский А.И. Аль-Хорезми и индийская математика // Общественные науки в Узбекистане. 1983 г. № 7.
4. Носиров Р.Н. Вопросы теории познания во взглядах прогрессивных мыслителей Средней Азии. – Т.: 1988 г.
5. Хайруллаев М. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. Фергана, 1988 г.

6. Абу Райхон Бируни. Избранные произведения. Т.3. –Т.: 1966 г.
7. Ибн-Сина Абу Али. Канон врачебной науки. Книга I, II, III. –Т.: 1993 г.
8. Маънавият юлдузлари. М.Хайруллаевнинг таҳрири. –Т.: «Фан», 1997 й.
9. Файзуллаев А.Ф. Научное творчество аль-Хорезми. –Т.: 1983 г.
10. Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. –Т.: 1981 г.
11. Асмус В.Ф. Античная философия. 3-изд. –М.: 2002 г.
12. Горфункель А.Х. Философия эпохи Возрождения. –М.: 1980 г.
13. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: 2004 й.
14. Носиров Р.Н., Сирожиддинов Ш.С., Зияутдинова Х.А. Ўрта осиёлик аллома-ларнинг фалсафий қарашлари. –Т.: «Ўзбекистон», 2007 й.
15. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. –Т.: «Университет», 2005 й.
16. Шермухамедова Н. Гносеология. –Т.: ЎФМЖ, 2006 й.
17. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тарраққиёти. –Т.: «Янги аср авлоди», 2001 й.
18. Турдибоев Н. Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисолалари. Тошкент. «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2009 й.
19. Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. –Т.: «Минҳож», 2003 й.
20. Мусинов Ф.У. Яқин ва Ўрта Шарқ фалсафасининг ақл ҳақидаги таълимот-лари тарихидан (IX–XII асрлар: Дис. ... фалсафа фан. номзоди / И.М.Муминов ном. фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти; –Т.: 1999 й.
21. Тухватуллина Л.И. Концепция человека в арабо-мусульманской и татар-ской социальной философии: проблема трансформации: диссертация ... кандида-та философских наук : 09.00.11. Казань, 2002 г.
22. Жўрақулов Ф.Н. Абу Райҳон Беруний табиий-илмий ва ижтимоий-фал-сафий меросининг ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши: Фалсафа фан. ном. дис... Автореф. Тошкент, 2007 й.
23. Ходжаева Д.Ю. Иброҳим Мўминов илмий меросида ижтимоий фалсафа муаммолари: Фалсафа фан. номзоди дис... Автореф. –Т.: 2002 й.
24. Носиров Р. Абу Али ибн Синонинг табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий қарашлари. Тошкент. «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2009 й.

ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ

1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 4 соат
Машғулот шакли	Семинар: Янги ва энг янги давр фалсафаси.
Семинар машғулоти режаси	1. Янги давр фалсафасининг табиий-илмий асослари. 2. XVIII аср Европа фалсафасининг маърифий хусусияти. 3. Немис классик фалсафаси. 4. XX–XXI аср Ғарб фалсафаси. 5. Ўзбек фалсафаси.
Машғулотнинг мақсади: Янги ва энг янги даврда ривожланган фалсафий ёндашувлар, уларнинг ўзига хос томонлари, алоқадорлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Янги давр фалсафасининг табиий-илмий асосларининг таҳлили.	Янги давр фалсафасининг асосий муаммоларини очиб бериш, ҳозирги даврда фалсафий ёндашувларнинг ўрнини аниқлаш.
XVIII аср Европа фалсафасининг маърифий хусусиятини очиб бериш.	Европада фалсафанинг маънавиятга таъсири.
Немис классик фалсафасига назар.	Немис фалсафаси намояндаларининг қарашларининг таҳлили.
XX–XXI аср Ғарб фалсафасини бошқа дарлардан фарқи.	Ғарб фалсафасида рўй берган бурилишлар ва қарашлар хилма-хиллиги.
Эмпириокритицизм тушунчасининг моҳияти.	Фалсафада пайдо бўлган замонавий ёндашувлар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзунинг номини айтиб, мавзу доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзу бўйича ўтиладиган барча саволлар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Машғулот бўйича талабаларни рейтинг назорати мезонлари билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Мавзуни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Европа фалсафаси» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Режа бўйича талабалар иштирокида саволларни таҳлил қилади ҳар бир режанинг саволи муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1). Инглиз ва француз фалсафасининг бир-биридан фарқини кўрсатиб беринг? 2. Гегель фалсафасининг моҳияти, Кант ва Фихтенинг олам ҳақидаги қарашлари? 3. Ўзбек фалсафасининг устувор йўналишлари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Ғарб фалсафасида борлиққа муносабат қандай талқин қилинган» деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Янги давр фалсафасининг табиий-илмий асослари. XVII асрдан бошлаб табиатшунослик жадал суръатларда ривожланади. Денгизларда кемаларнинг юришига эҳтиёжнинг ортиши астрономиянинг ривожланишини, шаҳарсозлик, кемасозлик, ҳарбий иш – математика ва механиканинг ривожланишини белгилайди. Янги фан аввало моддий ишлаб чиқариш амалиётига: тўқимачилик саноатида машиналар ихтиро қилинишига, кўмир ва металлургия саноатида ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашувига таянади. Э.Торричелли ҳаво босими мавжудлигини эксперимental йўл билан аниқлади, симобли барометр ва ҳаво насосини ихтиро қилди. И.Ньютон механиканинг асосий қонунларини, шу жумладан, бутун олам тортишиш қонунини таърифлади. Р.Бойль кимёда механикани қўллади ва кимёвий элемент тушунчасини ишлаб чиқди. Инглиз физиги У.Гильберт магнит хоссаларини ва унинг амалда қўлланилишини ўрганди. В.Гарвей қон айланишини кашф этди ва унинг ролини эмпирик усулда тадқиқ этди. Р.Декарт ва Г.Лейбниц математика, механика, физика ва физиологиянинг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Ижтимоий фанларда табиий ҳуқуқ назарияси ишлаб чиқилди (Англияда Т.Гоббс, Голландияда Г.Гроций), Шарқда эса, фан ва фалсафа соҳасида деярли янгиланиш бўлмади.

Фаннинг бундай ривожланиши ўз даврининг фалсафасига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Фалсафада схоластика ва диндан узил-кесил ажралиш юз берди. Диний ақидаларнинг ҳукмронлигига, черковнинг таъсири ва тазйиқига қарши курашда ақлнинг ҳар нарсага қодирлиги ва илмий-тадқиқотнинг чексиз имкониятлари ҳақидаги таълимот вужудга келди.

Янги давр фалсафасига аввало табиатшуносликдан келиб чиқадиган кучли материалистик тенденция хос.

XVII асрда Европанинг йирик файласуфлари қаторига Ф.Бэкон, Т.Гоббс ва Ж.Локк (Англия), Р.Декарт (Франция), Б.Спиноза (Голландия), Г.Лейбниц (Германия) киради.

Янги давр Ғарб фалсафасидаги асосий муаммолар (онтология ва гносеология). Янги давр, аввало, XVII аср фалсафасида онтологик котегориялар борлиқ ва субстанция ҳақидаги таълимотга катта эътибор берилади (айниқса, ҳаракат, макон ва вақт тўғрисида сўз юритилганда).

Фан ва фалсафанинг вазифаси – инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини кучайтиришга, инсон соғлиғи ва гўзаллигига кўмаклашиш, ҳодисаларнинг сабаб-

ларини, уларнинг муҳим кучларини ўрганиш зарурлиги англаб етилишига олиб келган. Шу сабабли субстанция ва унинг хоссалари муаммолари Янги даврнинг деярли барча файласуфларини қизиқтирган.

Бу давр фалсафасида «субстанция» тушунчасини тавсифлашга нисбатан икки хил ёндашув пайдо бўлган: биринчи ёндашув субстанцияни борлиқнинг чегаравий асоси сифатида онтологик тушуниш бўлса, иккинчи ёндашув – «субстанция» тушунчасининг, илмий билим учун зарурлигини гносеологик жиҳатдан англаб етиш билан боғлиқ.

Френсис Бэкон (1561–1626) биринчи ёндашув асосчиси субстанция шаклларининг хусусиятларига тавсиф берган ва субстанцияни муайян нарсалар шакли билан айнийлаштирган. Унинг фикрича, материя сариқлик, мовийлик, қорамтирлик, илиқлик, оғирлик ва бошқа шунга ўхшаш хоссаларга эга. Булар материянинг энг содда хусусиятларидир. Бу хоссаларнинг турли бирикмаларидан табиатнинг ранг-баранг нарсалари вужудга келади.

Материянинг сифат жиҳатидан ҳар хиллиги ҳақидаги таълимотни Ф.Бэкон ўзининг шакл ва ҳаракат ҳақидаги таълимоти билан ривожлантирган. Унинг талқинида шакл – бу нарсага хос бўлган хусусиятнинг моддий моҳияти. У Платон ва Аристотелнинг шакл ҳақидаги мушоҳадалари билан баҳсга киришади. Бэкон фикрига кўра, шакл – жисмни ташкил этувчи моддий зарралар ҳаракатининг тури. Аммо бу зарралар атомлар эмас. Ф.Бэкон қадимги файласуфларнинг материянинг атомистик тузилиши ҳақидаги ва айниқса, бўшлиқнинг мавжудлиги ҳақидаги таълимотига танқидий ёндашади. У маконни бўшлиқ деб ҳисобламаган. Бэкон учун макон материянинг доимий ўрни билан боғлиқ бўлган. Амалда у маконни моддий объектларнинг кўламлилиги билан айнийлаштирган. Вақтни Бэкон моддий жисмлар тезлигининг объектив ўлчови сифатида тавсифлаган. Вақтнинг моҳиятини тушунишга нисбатан мазкур ёндашув диққатга сазовор, зеро, вақт материянинг моддий жисмларда юз берувчи ўзгаришларнинг давомлилигидан иборат бўлган ва бу ўзгаришларнинг суръатини тавсифлайдиган ички хоссаси сифатида эътироф этилади. Шундай қилиб, вақт ҳаракат билан уйғун боғланади.

Бэкон фикрига кўра, ҳаракат – материянинг туғма хоссаси. Материя қандай абадий бўлса, ҳаракат ҳам шундай абадийдир. У ҳаракатнинг табиатдаги 19 турини қайд этган: тебраниш, қаршилик, инерция, интилиш, кучланиш, ҳаёт руҳи, азобланиш ва бошқалар. Бу шакллар амалда ўша даврда фанда айниқса, мукаммал ўрганилган материя ҳаракати механик шаклларининг хусусиятлари бўлган. Айни вақтда Ф.Бэкон моддий дунёнинг кўп сифатлилигини ўрганиш ва тушунтиришга ҳаракат қилган.

Ф.Бэкон билишнинг эмпирик методи асосчиси ҳамдир. У тажрибага асосланган фанлар, кузатиш ва экспериментга алоҳида эътибор берган. Билимлар манбаи ва уларнинг ҳақиқийлиги мезонларини тажрибада кўрган. Билишга ташқи дунёнинг инсон онгидаги инъикоси сифатида ёндашар экан, у билишда тажриба ҳал қилувчи роль ўйнашини қайд этган. Аммо файласуф билишда ақлнинг ролини ҳам инкор этмаган.

Томас Гоббс (1588–1679) томонидан Ф.Бэконнинг материалистик қарашлари тизимга солинган ва ривожлантирилган. Гоббс материяга бирдан-бир субстанция сифатида ёндашган, барча ҳодисалар, нарсалар, жараёнларни бу субстанциянинг

намоён бўлиш шакллари деб ҳисоблаган. Материя – абадий, жисмлар ва ҳодисалар – ўткинчи: улар вужудга келади ва йўқ бўлади. Фикрлашни материядан ажратиб бўлмайди, зеро материянинг ўзигина фикрлайди. Жисмсиз тана бўлмаганидек, жисмсиз субстанция ҳам бўлиши мумкин эмас. Айнан материя барча ўзгаришлар субъекти ҳисобланади.

Барча моддий жисмлар кўламлилик ва шакл билан тавсифланади. Уларни ўлчаш мумкин, чунки улар узунлик, кенглик ва баландликка эга. Ф.Бэкондан фарқли ўлароқ, Гоббсда материя сифат кўрсаткичларига эга эмас, у материяни математик ва механик сифатида миқдор жиҳатидан ўрганади. Унда материя дунёси ранг, ҳид, овоз каби хоссалардан маҳрум. Т.Гоббс талқинида материя гўё геометрик тус олади ва сифат жиҳатидан бир жинсли, рангсиз нарса тарзида, миқдорий катталикларнинг муайян тизими сифатида намоён бўлади. Ҳаракатни у фақат механик нуқтаи назардан тушунади. Макон ва вақт муаммоларини ўрганишга нисбатан Гоббс материалистик нуқтаи назардан ёндашади.

Т.Гоббс ўзининг дунё ҳақидаги фалсафий қарашларида деист сифатида иш кўради. Аммо унинг асарларида атеистик хусусиятга эга бўлган фикрларга ҳам дуч келиш мумкин. Масалан, у Худо – инсон тасаввурининг маҳсули, деган фикрни илгари суради. «Табиий ва сиёсий қонунларнинг элементлари» асарида, «Фалсафа асослари» трилогияси («Жисм ҳақида», «Инсон ҳақида», «Фуқаро ҳақида») да, шунингдек, «Левиафан» асарида Гоббс табиий алоқалар ва қонуниятлар ролини такрор қайд этади. Бироқ, Т.Гоббс Худони одамлар ҳаётидан бутунлай чиқармайди: унинг фикрича, Худо «ҳамма нарсани кўргувчи ва ҳамма нарсани бошқарувчи», «у барча сабабларнинг биринчиси»дир. Гоббс Худо воқеаларнинг табиий оқимига аралашмаслигини қайд этади.

Ф.Бэкон каби Т.Гоббс ҳам гносеологияда асосан эмпирик ва сенсуалист бўлган (ҳиссий билишни билишнинг асосий шакли деб ҳисоблаган). Инсонга моддий жисм таъсири натижасида вужудга келган сезгини у билишнинг биринчи босқичи деб ҳисоблаган. Фикрлашни у тушунчаларни қўшиш ёки айириш деб ҳисоблаган, унга ўз математик методини тўла татбиқ этган.

Ренэ Декарт (1596–1650) субстанциянинг бэконча ва гоббсча монистик талқинига ўзининг дунёнинг дуалистик талқинини қарши қўяди.

Декарт бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки биринчи асос: номоддий ёки «фикрловчи» субстанция ва моддий ёки «кўламли субстанция» мавжудлигини тахмин қилади. Бу икки субстанция параллель мавжуддир. Уларни ўрганиш билан метафизика ва физика шуғулланади. Метафизика аввало маънавий субстанцияни, у билан боғлиқ бўлган билиш ва борлиқ тамойилларини ўрганади. Физика табиат фалсафасини тадқиқ этади. У дунёнинг вужудга келиши, Ерда ҳаётнинг ривожланиши (табиат қонунларига мувофиқ) ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади, ҳайвонлар ва инсон танасининг тузилишини механика қонунларига бўйсинувчи мураккаб машиналар сифатида ўрганади (Р.Декарт асарларидан бири «Ҳайвон – машина» деб аталади).

Декарт илгари сурган космогония ҳақидаги таълимот замирида қуёш тизимининг табиий ривожланиши ғояси ётади. Унинг фикрича, бу ривожланиш материя ва унинг турли жинсли зарралари ҳаракати билан белгиланади. Декарт материя мустақил ижодий кучга эга деб ҳисоблайди. Ҳаракатни Декарт механик жараён

– жисмларнинг маконда кўчиши сифатида тушунади. Шундай қилиб, Р.Декарт ўз-ўзи билан зиддиятга киришади: у маконни жисмнинг кўламлилиги сифатида тан олади, лекин ҳаракатни жисмларнинг бошқа жисмларга нисбатан кўчиши сифатида тушунадики, бу маконни бўшлиқ сифатида тан олишни англатади.

Р.Декартнинг билиш ҳақидаги таълимоти ҳам диққатга сазовор. Р.Декарт ўзининг «Метод ҳақида мулоҳазалар» асарида билимлар манбаи ва уларнинг ҳақиқийлиги мезонини ташқи дунёдан эмас, балки инсон ақлидан қидириш лозим, деган хулосага келади. Унинг фикрича, интеллектуал интуиция ёки соф мушоҳада – билишнинг таянч нуқтаси. Барча ғояларни Декарт икки гуруҳга ажратади: сезгилар таъсирида туғилган ғоялар ва туғма ғоялар. Туғма ғоялар мутлақо ишончлидир. Уларнинг қаторига Декарт Худо ғояси, математик аксиомалар ва шу кабиларни киритади. Масалан, барча мавжуд нарсаларга шубҳа билан қараш кашфиётга йўл очувчи мутлақо ишончли асос, метод ёки восита ҳисобланади. Айни шу сабабли Декарт ҳиссий нарсалар, математик ҳақиқатлар ва ҳатто «ҳамма нарсага қодир Худо»нинг мавжудлигига шубҳа билан қарайди. Аммо, ҳамма нарсага шубҳа қилган ва ҳамма нарсани инкор этган ҳолда, у шубҳаланувчи фикрнинг мавжудлигига шубҳа қилмаслик керак, деган хулосага келади. Шу тариқа у фикрлаш бирдан-бир ишончли далилдир, деб хулоса чиқаради: «Мен фикрлаяпман, демак, яшаяпман».

Бенедикт (Барух) Спиноза (1632–1677) Р.Декартнинг субстанция ҳақидаги дуалистик таълимотига зид ўлароқ, дунё ҳақидаги монистик таълимотни яратди. Унинг монизми пантеизм кўринишида намоён бўлади: ўз онтологиясида Спиноза Худо ва табиатни айнийлаштиради, бунда Худо яратувчи табиат ва яратилган табиат сифатида амал қилади. Айни вақтда Б.Спиноза биргина моддий субстанция мавжуд бўлиб, унинг асосий атрибутлари кўламлилик ва фикрлашдир, деган фикрни илгари суради. Шундай қилиб, бутун табиат у Худо бўлгани учунгина эмас, балки унга фикрлаш хос бўлгани учун ҳам жонли ҳисобланади. Спиноза бутун табиатни жонлантириб, шу тариқа гилозоист-файласуф сифатида ҳам намоён бўлади.

У моддий субстанция атрибутлари ҳам материя каби абадий: улар ҳеч қачон вужудга келмайди ва йўқ бўлмайди деб ҳисоблаган. Файласуф субстанциянинг конкрет ҳолатлари – модусларга кўп эътибор беради. У модусларни икки гуруҳга ажратади: абадий, чексиз модуслар ва муваққат, чекли модуслар. Чексиз модуслар субстанция атрибутлари – фикрлаш ва кўламлилик билан, чекли модуслар эса – қолган барча нарсалар ва ҳодисалар билан белгиланади.

Спиноза ҳаракат ҳеч қандай илоҳий туртки маҳсули эмаслигини исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, табиат «ўз-ўзининг сабаби» бўлиб, ҳаракат унинг моҳияти ва манбаи ҳисобланади. Аммо ҳаракат Спинозада атрибут эмас, балки модусдир. Бунда ҳаракат муайян нарсаларда кузатилади, субстанция эса ҳаракатланиш ва ўзгариш қобилиятидан маҳрум ва вақтга мутлақо боғлиқ эмас.

Айни замонда Спиноза – изчил детерминист. У ҳодисаларнинг юз бериши, мавжудлиги ва йўқ бўлиши замирида объектив сабаблар ётади, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, сабабият икки хил: ички (имманент) ва ташқи (механик) бўлади. Ички сабабият субстанцияга, ташқи сабабият – модусларга хос. Спиноза сабабий боғланишларнигина эмас, балки тасодиф, зарурият ва эркинлик муносабат-

ларини ҳам детерминизм нуқтаи назаридан ўрганади. Ўзининг «Этика» асарида у тасодифни зарурият билан бир қаторда мавжуд бўлган объектив ҳодиса сифатида эътироф этади.

Б.Спиноза билишнинг уч турини фарқлайди: фақат мужмал ва ҳақиқий бўлмаган тасаввурлар берувчи ҳиссий билиш; модуслар ҳақида билим олиш учун имконият яратувчи ақл ёрдамида билиш; билишнинг энг олий шакли – ҳақиқатга йўл очувчи интуиция. Интуитив йўл билан аниқланган ҳақиқатлар (аксиомалар) дан дедуктив йўл билан – математика методлари ёрдамида қолган барча хулосалар чиқарилади.

Спиноза илгари сурган ғоялар ўша даврда фанда ҳукм сурган телеологизм (табиатда Худо ато этган мақсадга мувофиқлик)га қарши қаратилган.

Готфрид Вильгельм Лейбниц (1646–1716) субстанция тушунчасига фаол куч ёки «ташаббускорлик» тамойилини киритган. Ўзининг «Монадология» асарида у моддий ҳодисаларни бўлинмас, содда маънавий бирликлар – монадаларнинг намоён бўлиши деб эълон қилган. Бўлинмас монада кўламлилик хусусиятига эга эмас ва маконда жойлашмайди, чунки макон чексиз даражада бўлинувчандир. Монада – фаол кучнинг номоддий, маънавий маркази. Монадалар умрбоқий ва йўқ бўлмасдир, улар табиий йўл билан вужудга келиши ёки ҳалок бўлиши мумкин эмас. Улар ташқи таъсир остида ҳам ўзгармайди. Ҳар қандай айрим монада –жон ва тананинг бирлиги. Монада маънавий моҳиятининг ташқи ифодаси сондир.

Фаолият, ҳаракат – монаданинг хоссаси. Лейбниц табиатни механика қонунлари билангина тушунтириш мумкин эмас, шу боис, мақсад тушунчасини ҳам киритиш лозим, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ҳар бир монада ўзининг барча ҳаракатлари асоси ва айни замонда уларнинг мақсадидир. Жон – жисмнинг мақсади, яъни у эришишга ҳаракат қилувчи мўлжал.

Лейбниц монадаларни уч тоифага ажратади: ҳаёт монадалари, жон монадалари ва руҳ монадалари. Шундан келиб чиқиб у барча мураккаб субстанцияларни уч гуруҳга ажратади: ҳаёт монадаларидан ноорганик табиат вужудга келади; жон монадаларидан ҳайвонлар яралади; руҳ монадаларидан одамлар пайдо бўлади.

Лейбниц фалсафасида рационализм ва эмпиризмнинг уйғунлиги намоён бўлади. «Инсон ақли ҳақида янги тажрибалар» асарида у Локкнинг илгари сезгиларда мавжуд бўлмаган нарса ақлда мавжуд эмас, ақлнинг ўзи бундан мустасно, деган тезисини танқид қилади. Барча ҳақиқатларни у зарурий ҳақиқатлар (ақл ҳақиқатлари) ва тасодифий ҳақиқатлар (факт ҳақиқатлари)га ажратади. Ақл ҳақиқатлари қаторига Лейбниц субстанция, борлиқ, сабаб, ҳаракат, айният тушунчаларини, мантиқ тамойиллари, математика тамойиллари ва ахлоқий тамойилларни киритади. Унинг фикрича, бу ҳақиқатлар манбаи фақат ақлдир.

Жон Локк (1632–1704) субстанция тушунчасини таҳлил қилишга нисбатан гносеологик ёндашувга асос солган. У ғоялар ва тушунчаларнинг манбаи ташқи дунё, моддий нарсалардир, деган тезисни исботлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, моддий жисмларга соф миқдор хусусиятларигина хос. Материя сифат жиҳатидан ранг-баранг эмас: моддий жисмлар бир-биридан катталиги, шакл-шамойили, ҳаракати ва осойишталиги билангина ажралиб турадиган «бирламчи сифатлар»дир. «Иккиламчи сифатлар» эса – ҳид, овоз, ранг, таъм. Улар нарса-

лар билан узвий бўлиб туюлади, лекин амалда бундай эмас: нарсаларда бундай сифатлар йўқ. Улар, Локк фикрига кўра, субъектда «бирламчи сифатлар» таъсирида вужудга келади.

«Бирламчи» ва «иккиламчи» сифатларни ажратиш ҳозирги замон билими нуқтаи назаридан содда ва ноилмий ҳисобланади. Аммо у субъектив идеализм намояндалари томонидан ўзлаштирилган ва ўзининг тадрижий якунига етказилган: «бирламчи сифатлар», «иккиламчи сифатлар» билан бир қаторда, субъектга боғлиқ бўлмаган, объектив мазмунга эга эмас, деб эълон қилинган.

Билиш назариясида Ж.Локк инсон онгининг мазмунини ҳиссий тажрибадан келтириб чиқаришга ҳаракат қилган. Локк сенсуализмининг ноизчиллигидан Беркли фойдаланган ва ташқи тажриба омилидан бутунлай воз кечган

Жорж Беркли (1685–1753) материализм, атеизм ва деизмга очиқ-ойдин қарши чиққан, ҳар қандай сифатнинг объектив асосини рад этган ва амалда уларни инсон сезгиларига тенглаштирган. Беркли фикрига кўра, амалда аввало «жонлар», уларни яратган Худо, шунингдек, Худо одамлар жонига жойлаган «ғоялар» ёки сезгилар мавжуд. Беркли ташқи дунёдаги объективликни субъективлик билан боғлайди: у барча нарсаларни сезгиларнинг «уйғунлиги» да кўради. Беркли учун идрок этиш мумкин бўлган нарсаларгина мавжуд, барча нарсалар Худонинг ақлида зоҳирдир.

Дэвид Юм (1711–1776) ҳам Ж.Беркли каби, субстанциянинг материалистик талқинига қарши чиқиб, онтология муаммоларини ечишга ҳаракат қилган. У моддий ва маънавий субстанциянинг амалда мавжудлигини инкор этган, лекин субстанция «ғояси» мавжуд, деб ҳисоблаган. *Субстанция «ғояси» деганда у илмий билимга эмас, балки оддий билимга хос бўлган инсон «идроклари мажмуи»ни тушунган.*

Хуллас, янги давр фалсафаси билиш назарияси (гносеология)нинг ривожланишида улкан қадам ташлади. Фалсафа илмий методи, инсоннинг ташқи дунёни билиш методологияси, ташқи ва ички тажриба алоқалари бош муаммоларга айланди. Олинаётган барча билимлар тизимининг ўзаги ҳисобланган ҳаққоний билимни олиш вазифаси қўйилди. Бу вазифани ҳал қилишнинг турли йўлларини танлаш гносеологиянинг икки асосий йўналиши – эмпиризм ва рационализм пайдо бўлишини белгилади.

XVIII аср Европа фалсафасининг маърифий хусусияти. Европада XVIII аср фалсафаси XVII аср ғояларини давом эттиради ва ривожлантиради. Бу даврда фалсафий тафаккур фан ва ижтимоий амалиёт соҳасида эришилган ютуқларни умумлаштиради. Фалсафий ғоялар янада кенгроқ тарғиб қилинади, чунки XVII асрда фалсафий асарлар фақат лотин тилида ёзилган ва улар билан танишиш имкониятига эга кишилар доираси анча тор бўлган. XVIII асрда файласуфларнинг асарлари улар қайси мамлакатда яшаса, шу мамлакат тилида ёзилган ва нашр этилган.

XVIII аср фалсафасида табиат ҳодисаларини тушунтиришга нисбатан қарашларда материализм сезиларли даражада ривожланади. Француз материализми тарихий аҳамият касб этади: у ўрта асрлар схоластикасига қарши чиқибгина қолмасдан, балки ўз дунёқараши ва дунёвий манфаатларини ҳам асослашга ҳаракат қилади.

Албатта, XVIII аср фалсафаси ўзига хос хусусиятларга эга: унда материалистик дунёқараш мўлжаллари ҳам, идеалистик дунёқараш мўлжаллари ҳам, атеистик ва деистик қарашлар ҳам мавжуд. Аксарият ҳолларда идеализм ва материализм, дин ва фан ёнма-ён туради.

Шуни қайд этиш лозимки, XVIII аср фалсафаси аввало маърифат фалсафаси сифатида ривожланган; қомуслар ва луғатлар, памфлетлар ва бошқа нашрларда илмий ва фалсафий ғоялар кенг оммага тушунарли тарзда атрофлича баён этилган.

Маърифат даври фалсафасига **П.Гассенди** (1592–1655) асарлари, унинг атомистик материализми, Эпикур ғоялари, этикаси, схоластиканинг танқиди, Р.Декарт, П.Бейль (1647–1706) асарларидаги диний догматизмнинг танқиди замин яратди.

XVII–XVIII асрлар Европа фалсафасига инглиз маърифатчилари Ж.Локк ва Д.Юм, XVII аср немис маърифатчиси Г.Лейбниц, шунингдек, буюк олим И.Ньютон фалсафаси ҳам кучли таъсир кўрсатди. *XVIII аср Маърифат фалсафасида икки йўналиш: Вольтер, Руссо, Вольф, Монтескье ва бошқаларнинг деистик материализми ҳамда Мелье, Дидро, Гольбах, Гельвеций, Ламетри каби олимларнинг асарларида Ньютон, Галилей, Декартнинг материалистик табиатшунослиги негизида деизм назарий асосларининг танқиди фарқланади.*

Франсуа Мари (Аруэ) Вольтер (1694–1778) француз маърифатчиларининг атоқли намояндаси фалсафа тарихи бўйича оташин публицист, Ньютон физикаси ва механикаси ҳамда Англиядаги конституциявий тартиб ва муассасаларнинг тарғиботчиси, черков, иезуитлар, инквизиция тажовузларидан шахс эркинлигининг ҳимоячиси сифатида ўрин олди. Унинг «Кандид», «Орлеан қизи» асарлари, «Фалсафий луғат», «Энциклопедия»даги мақолалари бутун Европада кенг тарқалди.

Жан Жак Руссо (1712–1778) Европа инқилобий мафкурасининг вужудга келишига машҳур «Ижтимоий шартнома» асари билан улкан таъсир кўрсатди. Эркинлик ҳамда ҳуқуқларнинг сўзсиз тенглигига асосланган фуқаролик жамиятининг назарий асоси ҳисобланган бу асар Буюк француз инқилоби даврида якобинчилар учун ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Шарль Луи Монтескье (1689–1755) географик детерминизм асосчиларидан бири жамиятда тартиб ва ахлоқни сақлаш учун зарур бўлган диннинг функционал роли концепциясини ривожлантирди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида маърифатчилик ҳаракати кенг демократик қамров касб кетди. Францияда бош муҳаррири ва ташкилотчиси Д.Дидро бўлган «Энциклопедия» нашри атрофида жипслашган илғор мутафаккирлар, олимлар ва ёзувчилардан иборат «файласуфлар партияси» пайдо бўлгани тўғрисида сўз юритила бошлади. Бу «файласуфлар партияси»да Дидро билан бир қаторда Гельвеций ва Гольбах, шунингдек, Ламетри етакчи роль ўйнади. Улар материализмнинг файласуфлар ва фалсафий мактабларнинг кейинги авлодларига кучли таъсир кўрсатган анча ривожланган шаклини яратдилар.

Жюльен Офрэ де Ламетри (1709–1751) ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлган «Инсон – машина» асарининг муаллифи. Моддий дунё «ўз ҳолича мавжуд» эканлигига, унинг боши ҳам, охири ҳам йўқлигига ишончи комил бўлган. Ламетри материализми Эпикурнинг атомистик материализми, Спинозанинг мате-

риалистик таълимоти ва Локк сенсуализми таъсирида вужудга келган. Ламетри жонни ақл фаолияти функцияси ва кўриниши деб ҳисоблаган ҳамда Декартнинг умрбоқий номоддий жон ҳақидаги ғояси асоссиз эканлигини исботлашга ҳаракат қилган.

Поль Генрих Дитрих Гольбах (1723–1789)нинг «Табиат тизими» асари «XVIII аср материализми ва атеизми кодекси» деган ном олган. 1770 йилда нашр этилган бу асарда муҳим онтологик муаммолар, чунончи: материя, табиат, ҳаракат, макон, вақт, сабабият, тасодиф, зарурият муаммолари баён этилган. Гольбах учун табиат барча нарсалар ва ҳодисалар сабабидир, зеро у Худо туфайли эмас, ўзи туфайли мавжуд. Табиат – ҳаракат сабаби. Гольбах ҳаракатни табиат мавжудлигининг зарурий натижаси сифатида тавсифлайди. Табиат деганда у ўз энергияси таъсирида ҳаракат қилувчи моддалар йиғиндисини тушунади. Гольбах фикрига кўра, барча жисмлар бўлинмас ва ўзгармас элементлар – атомлардан ташкил топади. Материя тушунчасини у модда тушунчаси билан айнийлаштиради.

Айни вақтда, Гольбах табиатда барча алоқалар ва ҳаракатлар зарурият билан белгиланади, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, олам бир-биридан узлуксиз келиб чиқадиган сабаблар ва оқибатларнинг узилмас занжиридир. Шу сабабли Гольбах тасодифни табиатдан ҳам, ижтимоий ҳаётдан ҳам чиқаради. У инсонни ҳам зарурият қули деб ҳисоблайди: у ўз ҳаётида бир дақиқа ҳам эркин эмас, унинг хатти-ҳаракатлари амалда қандай намоён бўлса, шундай бўлиши мумкин. Бу олдиндан белгиланганлик Гольбах детерминизмининг фаталистик хусусиятини белгилайди.

Дени Дидро (1713–1784) ўзининг «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий тамойиллари», «Табиатни тушунтириш ҳақида мулоҳазалар», «Д’Аламбернинг туши» асарларида субъектив идеализмга қарши чиқади ва муҳим онтологик муаммоларнинг ўзига хос талқинини таклиф қилади. Унинг фикрича, мавжуд бўлган ҳамма нарсалар моддийдир. Дидро, дунё узлуксиз пайдо бўлади ва ўлади, ҳар бир лаҳзада туғилиш ва ўлиш ҳолатида бўлади; ўзга дунё ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди, деб таъкидлайди. Кўриб турганимиздек, Дидро борлиқ муаммоларини ўрганиш соҳасига диалектикани татбиқ этади. Унинг фикрича, бутун материя ҳис қилади (бу гилозоизм нуқтаи назари) ва «инерт ҳиссийлик» ва «фаол ҳиссийлик»ни фарқлайди. «Фаол ҳиссийлик» муайян тарзда уюшган материядагина намоён бўлади.

Француз материализми табиатшуносликда ҳукм сурган табиат «салтанати» – ўсимликлар, ҳайвонот дунёси билан инсон ўртасидаги тафовутни бартараф этишга ҳаракат қилди.

Дидро, Гольбах, Ламетри, Гельвеций ва Кондильяк фалсафасида гносеология муаммолари онтологик муаммолар билан бир қаторда туради. Инсоннинг ички ва ташқи дунёси билимлар манбаи деб эълон қилинади. Бу дунёларни англаб етиш мумкин. Инсон билимларининг номукаммаллиги, аввало, улар ривожланишининг мазкур босқичи билан белгиланади. Француз материалистлари ҳиссий ва ақлий омилларнинг билишдаги ролини шунда кўрадиларки, сезгилар гувоҳлик кўрсаткичини берса, ақл бу кўрсаткичларнинг тўғрилигини текширувчи ҳакам вазифасини бажаради. Ақл ҳиссий кўрсаткичлардан узоқлашиши мумкин эмас,

лекин у мазкур кўрсаткичларга ҳаддан ташқари ишониши ҳам ярамайди. Ақлнинг сезгидан ажралиши билишни амалга ошириб бўлмайдиган ишга айлантиради. Кузатиш ва эксперимент билиш методларидир. Улар мушоҳада қилиш, мулоҳаза юритиш, тушуниш ва идрок этиш, шунингдек, ақл учун жуда зарур.

Этьен Бонно де Кондильяк (1714–1780) ишлаб чиққан билиш назарияси фалсафа тарихида айниқса, муҳим роль ўйнади. У ўзининг «Инсон билимларининг келиб чиқиши ҳақида тажриба», «Сезгилар ҳақида рисола», «Тизимлар ҳақида рисола», «Ҳайвонлар ҳақида рисола» деб номланган асарларида Локкни сенсуализм ва эмпиризм тамойилини амалга татбиқ этишда ноизчилликда айблаб, билишнинг сенсуалистик назариясини асослашга ҳаракат қилади. Кондильяк фикрига кўра, инсон дунёга келганда, у нафақат ҳеч нарсани билмайди, балки сезиш қобилиятига ҳам эга бўлмайди. Буларнинг барчасини у тажриба орқали ўзлаштиради. Кондильяк сезги азалдан бирон-бир мазмунга эга эмас, лекин у лазтланиш ва азоб-уқубатни акс эттиришга қодир, шу боис, у ёқимли ва кўнгилсиз бўлади ва хотирада сақланиб қолади, деб ҳисоблайди.

Ҳиссиётдан мавҳум фикрлашга ўтиш, Кондильяк фикрига кўра, узлуксиз жараён сифатида юз беради: майл, хотира изидан таққослаш ва мулоҳаза юритиш келади. Кондильяк ғояларга борлиққа боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлик хоссасини юклашга бўлган ҳар қандай уринишларга қарши чиқади. Борлиқни у ғоялардан қатъи назар мавжуд бўлган ҳодисалар сифатида тасаввур қилади.

Немис классик фалсафаси. Немис классик фалсафасининг йирик вакиллари Иммануил Кант, Иоганн Фихте, Фридрих Шеллинг, Георг Гегель ва Людвиг Фейербах кабилардир.

Фалсафий тафаккур ривожланишининг бу босқичи даврнинг муайян тарихий шарт-шароитлари билан белгиланади. Бу кучли ижтимоий зиддиятлар, жамият онгида оламшумул ўзгаришлар юз берган давр эди. Кучли инқилобий ҳаракатлардан сўнг уларнинг суръати пасайиб имкониятларига ишончсизлик кучайган. *Ижтимоий онгда консерватив тенденциялар устунлик қила бошлади. Англия ва Францияда монархия ва черковнинг олдинги мавқеи тикланди. Германияда прусс монархиясининг роли ошди. Тарихдаги бу зиддиятли воқеалар немис фалсафасининг асосий хусусиятларини белгилаб берди.*

Немис фалсафаси Ф.Бэкон ва Р.Декарт бошлаган инсон ақли имкониятларини ўрганишнинг умумий йўналишини давом эттирди. Бироқ у ўз вазифасини нафақат инсон ақлини мадҳ этиш, балки унинг чегараларини белгилаш, эътиқод ва ақл, дин ва фанни муросага келтириш йўлларини ҳам излашда кўрди. Бу немис фалсафаси бажариши лозим бўлган ижтимоий буюртма эди.

Даврнинг оламшумул воқеалари ижтимоий тараққиёт нафақат ақл ва фан ютуқлари, балки ахлоқ, маънавият соҳасида эришилган муваффақиятлар билан ҳам ўлчанишини намойиш этди. Инқилоб ва у билан боғлиқ урушлар даврида юз берган маънавий инқироз немис фалсафасида нафақат билиш имкониятларига, балки инсон маънавий дунёсининг барча томонлари, унинг билиш, диний, ахлоқий ва эстетик қобилиятларининг ўзаро алоқаси муаммосига ҳам эътиборни қаратишни талаб қилди. Умуман олганда, немис файласуфлари ҳақиқат, эътиқод, яхшилик ва гўзаллик ажралмасдир, деган фикрни теран асослашга ҳаракат қилдилар.

Иммануил Кант (1724–1804) немис классик фалсафасининг асосчиси.

Кант концепцияси: «Соф ақл танқиди» (1781), «Амалий ақл танқиди» (1788), «Мулоҳаза юритиш қобилиятининг танқиди» (1790)асарларида, шунингдек, файласуф ижодининг ўзига хос сарҳисоби саналувчи – «Соф ақл чегараларида дин» (1793) каби китобларида баён этилган. Кант билиш назариясининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат. Кант фикрича билиш жараёни уч босқич: 1) сезгилар даражасида билиш, 2) идрок, 3) ақлдан ўтади.

Билишнинг биринчи босқичи – сезгилар даражасида инсон нарсанинг мавжудлигини билади, идрок ёрдамида уни фикрлайди. Нарсани ҳақиқий билиш айнан шу икки босқични синтез қилишни талаб этади. Идрок даражасидаги билишнинг қуроли – категориялар. Улар идрокка ичдан хос. Ҳодисалар ранг-баранглиги категориялар тизимида акс этади. Категориялар ёрдамида инсон билими тасодифий эмпирик эмас, балки умумий зарур, яъни илмий хусусият касб этади. Илмий билим категориал билимдир. Бироқ шундан сўнг Кант субъектив идеалист сифатида мулоҳаза юритади: идрок табиат қонунларини очмайди, балки уларни табиат учун белгилайди. Кант фикрига кўра, категориялар бирлиги ва уларнинг билиш (синтез қилиш) қобилияти замирида дунёнинг объектив моддий бирлиги эмас, балки ўзликни англашнинг трансцендентал бирлиги ётади.

Идрок этиш – билишнинг иккинчи босқичи. Идрокнинг кучи унинг синтез қилиш қобилиятида намоён бўлади. Бироқ бу тўлиқ, чексиз қобилият эмас. Идрок тажриба чегарасидан ташқарига чиқа олмайди. Бироқ идрок ўз чегараларини ўзи билмайди. У доим бу чегаралардан четга чиқади, яъни ҳодисалар дунёсидан ўзидаги нарсалар дунёсига киришга ҳаракат қилади. Бироқ тажриба чегараларини тарк этгач (шу тариқа идрок эмас, балки ақлга айлангач), у ечиб бўлмас зиддиятлар соҳасига тушиб қолади, унинг мулоҳазалари эса муқаррар тарзда хом хаёлга айланади.

Ақл – билиш жараёнининг учинчи, олий босқичи. У ҳиссиёт билан бевосита эмас, балки билвосита – идрок орқали боғланади. Ақл билишнинг олий босқичи бўлса-да, идрокка кўп жиҳатдан ютқизади. У тажрибанинг мустаҳкам заминидан ажралгач, дунёқараш даражасидаги саволларнинг бирортасига ҳам узил-кесил – ҳа ёки йўқ деб жавоб бера олмайди. Дунё вақтда ва маконда бошланадими ёки у чексиз ва боқийми? Инсон жони боқийми ёки фонийми? Ирода эркинлиги мавжудми ёки дунёда ҳеч қандай эркинлик мавжуд эмас, ҳамма нарса табиий зарурат қонунига кўра юз берадими? Худо борми ёки йўқми? Идрок бундай саволларни бера олмаган бўларди. Ақл эса бундай саволларни беради, бироқ уларга жавоб топа олмайди. Унинг даъволари имконият даражасида эмас. Соф назарий ақл ўз мағлубиятини тан олиши лозим, чунки у ўзидаги нарсаларни била олмайди.

Аммо нима учун у шунга қарамай билишнинг олий босқичи деб эътироф этилади? Шунинг учунки, ақлнинг соф ғоялари (Кант уларни тамойиллар деб номлаган) билишда олий тартибга солиш вазифасини бажаради. Улар идрокка йўл кўрсатади. Ақл ғояларини уфқ чизиғига ўхшатиш мумкин: гарчи бу чизиққа етиб бўлмаса-да, у инсонга маконда мўлжал олиш, кўзланган мақсад сари тўғри ҳаракатланиш имконини беради. Шунга қарамай, Кант билиш назариясида метафизик бўлиб қолди: у ақлнинг зиддиятлилиги (яъни чексизликнинг зиддиятлилиги)ни унинг ожизлиги, нарсалар моҳиятини англашга қодир эмаслик белги-

си сифатида талқин қилди. Ҳолбуки, бу амалда, Гегель кейинроқ кўрсатганидек, ақлнинг қудратли кучидан далолат беради.

Соф ақл танқидида Кант фалсафа ўзидаги нарсалар, яъни дунёнинг олий қадриятлари ҳақидаги эмас, балки фақат билиш чегаралари ҳақидаги фан бўлиши мумкин, деган хулосага келади. Олий моҳиятлар ва олий қадриятлар – бу Худо, руҳ ва эркинлик бўлиб, уларни биз бирон-бир тажрибада кўра олмаймиз, улар ҳақида оқилона фан бўлиши мумкин эмас. Бироқ уларнинг борлигини исботлашга қодир бўлмаган назарий ақл, бунинг аксини исботлашга ҳам қодир эмас, яъни у Худонинг борлигига, руҳнинг ўлмаслигига ва ирода эркинлигига ишонишни тақиқламайди. Инсонга эътиқод ва ишонмаслик ўртасида йўл танлаш имконияти берилган. У эътиқодни танлаши лозим, чунки виждон овози, ахлоқ овози ундан шуни талаб қилади. Аммо бу энди назарий ақлдан амалий ақлга, гносеологиядан ахлоққа ўтишдир.

Кант фалсафада ўзига хос тўнтариш ясади ва фалсафани алоҳида фан сифатида тушуниш асосларини яратди. Янги билиш назариясини асослашга ҳаракат қилиб, у XVII–XVIII асрларнинг билишни борлиқдан кўчирилган андоза сифатида талқин қилувчи эмпирик назарияларини танқид қилди. Кант муаммони бошқа заминга кўчирди ва фалсафада гносеологиянинг билиш жараёнига субъект – объект муносабати сифатида қарайдиган йўналишига асос солди.

Билувчи субъект – бу муайян индивид эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятлари ва билим манбаларинигина ўзида мужассамлаштирувчи қандайдир мавҳум тасаввур. Инсон онгида мавжуд бўлган мазкур қобилиятлар мажмуи унга ўзини қуршаган дунёни сезгилар ва ақлнинг априор шакллари ёрдамида тартибга солишга ёрдам беради. Бу инсон индивидуал, шахсий хусусиятларга эга эмас, деган маънони англатмайди, бироқ улар билиш жараёнида етакчи роль ўйнамаслиги керак.

Субъект қандайдир нарса, предмет ёки ҳодисанинг таъсирини сезгилар даражасида идрок этади. Бу мушоҳада юритишнинг априор шакллари ёрдамида тартибга солинувчи туйғулар ранг-баранглигини юзага келтиради. Бироқ бу босқичда билим субъектив бўлиб қолади. Шундан сўнг идрок ишга киришади ва мавжуд билимларни тушунчалар шаклига солади, яъни уларда қандайдир умумий жиҳатларни аниқлайди. Шу сабабли пировард натижада идрок ва ақлни бирлаштирган билувчи субъектгина билим деб ҳисоблаш мумкин бўлган бирликни яратади.

Бинобарин, билимнинг турли шаклларига муайян тавсиф бериш мумкин. Масалан, математика ҳиссийликнинг макон ва вақт каби априор (яъни, тажрибада кўрилмаган) шаклларига таянади. Бошқача айтганда, билувчи субъект дунёга макон ва вақтда мавжудлик нуқтаи назаридан қарайди. Айни ҳолда, макон – ташқи сезгининг априор шакли, вақт – ички сезгининг априор шакли. Бундай априорлик математик ҳақиқатларнинг, демак, фан сифатидаги математиканинг ҳам мавжудлик имкониятини белгилайди.

Физика (ва бошқа табиий фанлар) ҳам ўз априорлиги жиҳатидан «соф» бўлган ва тажрибада «ифлосланмаган» бир қанча мушоҳадаларга таянади. Табиатшунослик априор мушоҳадалар ва идрок категорияларининг синтези сифатида амалга оширилади.

Инсон билимлари, фан ва маданият дунёси бизнинг тажрибамиз, туйғуларимиз ва ақлимиз маълумотларига асосланади. Ф.Бэкон ва Р.Декарт фан ва маданиятнинг янада ривожланиш йўлларини туйғуларимиз ва мулоҳаза юритиш қобилиятимизнинг такомиллашуви билан боғлаганида, тўла ҳақ эди. Бироқ улар бизнинг тажрибага асосланган билимимиз ҳар қанча ривожланмасин ва такомиллашмасин, у ҳеч қачон бизга фақат сезгилар, ақл ва тажрибага асосланиб дунёни охиригача тушуниш имконини бермаслигини ҳисобга олмаган.

Бу билим бизга табиатан берилган. У бизнинг тажрибамиздан келиб чиқмайдиган макон, вақт, сабабият, чексизлик, Худо каби категорияларда мужассамлашган. Бу инсонга олдиндан берилган тажрибада олинган материалга ишлов бериш асбобларидир. Инсоннинг тажрибада олинган билими доирасидан четга чиқувчи бу трансцендент (лотинчадан – «ўтиш», «босиб ўтиш») категориялар билиш чегараси, имкониятларини биз сезгилар ёки ақл ёрдамида бирон-бир нарсани била бошлашимиздан олдинроқ белгилаб қўяди. Шундай қилиб, бизнинг билимларимиз дунёси икки қисмдан: тажрибада олинган ва тажрибадан олдинги билимдан иборатдир.

Кант ижодининг аҳамияти шундаки, у билимларимизнинг икки томонламалигини, яъни улар нафақат тажрибада олинган, апостериор манбаларга, балки априор, трансцендент манбаларга ҳам таянишини аниқлади.

И.Кант гносеологиясининг онтологик хусусият касб этувчи яна бир муҳим тамойили унинг трансцендент билиш назариясидан келиб чиқади ва дунёнинг, уни ташкил этувчи барча нарсаларнинг умумий тузилишини тушунтиради. *Кант фикрига кўра, инсон онги каби, дунёдаги барча нарсалар ҳам икки томонламадир. Биринчидан, бу қаршимизда нарсанинг энг ёрқин томони сифатида намоён бўлувчи, сезгиларимиз уни шундай идрок этувчи «биз учун нарса» ёки ҳодиса сифатидаги нарса. Иккинчидан, бу биз сезгиларимиз билан идрок этишга қодир бўлмаган «ўзидаги» нарса, нарсанинг бизга «қоронғи», яширин, теран томони ёки «ноумен» сифатидаги нарса.*

Айни шу сабабли бизнинг дунё, нарсалар ва инсон ҳақидаги билимимиз ҳеч қачон тўлиқ, мутлақ бўлмайди, балки доим нисбий, нотўлиқ бўлиб қолади. Дунё ва инсон нима, деган саволлар доим боқий, фалсафий масалалар бўлиб қолади. Кант билиш назариясининг асосий тамойиллари ана шулардан иборат.

Шундай қилиб, Кант ўз билиш назариясида билим, фан ва маданиятнинг ролини янада юксакроқ даражага кўтарди. Унинг билиш назариясидан онг нафақат дунёни пассив акс эттиради, балки инсонга табиатан берилган сезиш ва идрок этишнинг априор шакллари ёрдамида уни фаол ўзгартиради, яратади, бунёд этади деган хулоса келиб чиқади. Кант билиш фаолиятининг хусусиятини дунёни аниқ акс эттирувчи кўзгуга эмас, балки чизган расмлари нафақат дунёнинг ўзини, балки ижодкорнинг табиатини ҳам акс эттирувчи рассомга ўхшатиш лозим.

Айни вақтда, Кант билишнинг муайян чегаралари ҳам мавжудлигини қайд этади. «Мен яратган билиш назарияси инсон ақлини унинг имкониятлари чегараси ҳақида огоҳлантирувчи чегара посбони ёки ақлнинг димоғдорлиги деб аталувчи хавфли касалликка қарши дори бўлиб хизмат қилиши лозим»[1], деб ёзади.

[1] Кант И. Критика чистого разума. Соч. –М.: «ЭКСМО». –СП(б).: «Мидгард», 2007 г. с. 159.

Кант таълимотидан инсон билимлари мажмуи билишнинг инсонга берилган априор шакллари ёрдамида нарсаларнинг бирон-бир қисми, томони, жиҳатинигина ўзига хос тарзда акс эттиради, бу нарсалар кўз ўнгимизда доимо намоён бўлади, бироқ ўзининг асл моҳиятини ҳеч қачон кўрсатмайди, «ўзидаги нарса» бўлиб қолади, деган хулоса келиб чиқади.

Кант таълимоти билишнинг ижодий табиатини ёритиб, инсон билимининг тараққиётини, олимлар, ёзувчилар ижодини рағбатлантирди, бироқ шу билан бир вақтда у инсон билимларининг нисбийлиги, у ёки бу ғоялар ёки назарияларни мутлақлаштириш, шунингдек, уларнинг яратувчиларини илоҳийлаштириш хавфли эканлиги ҳақида огоҳлантирди.

Шеллинг Фридрих Вильгельм Йозеф (1775–1854) Бош асари: «Трансцендент идеализм тизими»нинг фалсафий ва методологик аҳамияти шундаки, бу асарда тарихийлик тамойиллари илк бор изчил кўринишда намоён бўлади.

Трансцендент идеализм тизими қуйидаги асосий элементлардан ташкил топади.

1. Назарий фалсафа ўзликни англаш учун қарама-қарши йўналишлар (объект, субъект, идеал ва реал фаолият) ўртасида кураш лозим, деган методологик қоидадан бошланади. Шеллинг ўзликни англаш фақат шу кураш жараёнида юз беришини ва «Мен» механизми тўлалигича фақат ўзликни англашни ташкил этувчи қарама-қаршиликлардан келтириб чиқарилиши мумкинлигини қайд этади. Бунда у икки ҳолатни: «Мен» эндигина юзага келган ва «Мен» аниқ-равшан кўриниб турувчи ҳолатларни фарқлайди. Бунда биринчи ҳолат «Мен»дан ташқарида, иккинчи ҳолат – «Мен»нинг ичида бўлади. Шу муносабат билан онг қайси ҳолатдан бошланишини аниқлаш ва унга мазкур чегарадан, яъни онгдан ташқарида ётган нарсаларни аралаштирмаслик жуда муҳимдир.

Шеллинг ўз асарида тарихийлик тамойилидан фойдаланиб, ўзликни англаш тарихида уч асосий даврни (босқични): дастлабки сезишдан самарали мушоҳада юритишгача; самарали мушоҳада юритишдан рефлексиягача; рефлексиядан ироданинг мутлақ ҳаракатигача бўлган даврларни фарқлайди. Бунда Шеллинг онг, ўзликни англаш ва жамиятнинг шаклланиш жараёнини одамларнинг амалий фаолияти билан боғлашга ҳаракат қилди.

2. Амалий фалсафанинг бош тушунчаси – «тарих», боғловчи муҳит сифатидаги объектив дунёда юз берувчи ва ақлли жонзотлар сифатидаги одамлар эркинлигининг шарти ҳисобланувчи кишилараро ўзаро алоқасидир. Бошқача айтганда, бу жаҳон тарихидаги объектив қонуният ҳақидаги муҳим масаланинг қўйилишидир.

3. Табиий мақсадлар фалсафаси кўр-кўрона кучлар маҳсули бўлган табиат амалда мақсадга мувофиқлик руҳи билан суғорилгандир деган антиномияга асосланади. Бу антиномиянинг ечимини у субъект ва объектнинг дастлабки айнийлигини эътироф этиш йўлида кўради: умуман табиатда ва унинг айрим маҳсулларида мақсадга мувофиқликка фақат мушоҳада юритиш йўли билан эришиш мумкин. Бу мушоҳадада тушунча ҳақидаги тушунча ва объектнинг ўзи дастлабки тарзда ва узвий боғланади – шунда натижа мақсадга мувофиқ тарзда намоён бўлиши лозим.

4. Санъат фалсафаси – трансцендентал идеализм тизимининг охирги бўлими. Унинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

а) санъат – умуман билишнинг олий шакли, чунки фақат у инсонга олий билимга эришиш имконини беради. Санъат амалий фойдага ҳам, ахлоққа ҳам, фанга (фалсафага) ҳам бўйсуниши мумкин эмас, чунки у ҳамма нарсадан олийроқдир;

б) санъатнинг устунлиги шундаки, унинг асарларида онгли ва онгсиз фаолият айнияти акс этади. «Бизда мужассамлашган бу теран зиддият»ни айнан ва фақат санъат ечишга қодир. Санъат – бу назарий ва амалий нарсалар ўртасидаги қарама-қаршилик бартараф этилиб, онгли ва онгсиз табиат ва эркинликнинг тўла уйғунлигига, идеалга эришилувчи жабҳа;

в) санъат ўз ривожланиш жараёнида спираль ташкил этади, қадимда ундан (аниқроғи поэзиядан) фалсафа ва бошқа фанлар туғилган;

г) санъат – эркинлик ва зарурийтнинг юксак бирлиги. Инсоннинг ижодий табиати тўла давра айланиб, санъатда ўзининг якуний ифодасини топади. Санъат инсонга «олий»ни билиш даражасига етиш имконини беради.

Шеллинг натурфалсафаси XVIII аср охирига келиб эришилган ва жамоатчиликда кенг қизиқиш уйғотган янги табиий-илмий натижаларни фалсафий жиҳатдан умумлаштиришга бўлган эҳтиёжга жавоб сифатида вужудга келди. Шеллинг ўз даврининг барча кашфиётларига ягона асосни топишга ҳаракат қилди: у табиатнинг идеал моҳияти, табиат фаоллигининг номоддий хусусияти ҳақидаги ғояни илгари сурди. Шеллинг натурфалсафасининг қиммати унинг диалектикасида намоён бўлади. Табиатшунослик кашф этган алоқалар ҳақида мулоҳаза юритар экан, Шеллинг бу алоқаларни белгиловчи кучларнинг бирлиги ва табиатнинг ягоналиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Бундан ташқари, у ҳар қандай нарсанинг моҳияти қарама-қарши фаол кучларнинг бирлиги билан тавсифланади, деган хулосага келади. Бу бирликни у «қутблилик» деб номлади. Қарама-қаршиликларнинг бирлигига мисол қилиб Шеллинг магнитни, мусбат ва манфий электр зарядларини, кимёвий моддаларда кислота ва ишқорларни, органик жараёнларда таъсирланиш ва тормозланишни, онгда субъективлик ва объективликни келтиради. «Қутблилик»ка Шеллинг нарсалар фаоллигининг бош манбаи сифатида қарайди, уни табиатнинг «ҳақиқий дунёвий жони» деб тавсифлайди. Шеллинг ўз асарларида идеал ва моддий нарсаларнинг айнийлиги ғоясини илгари суради. Унинг фикрича, материя мутлақ руҳ, ақлнинг эркин ҳолатидир. Руҳ ва материяни бир-бирига қарши қўйиш мумкин эмас; улар айнийдир, чунки айни бир мутлақ ақлнинг турли ҳолатларини акс эттиради.

Фалсафий категорияларни тадқиқ этиш ва ривожлантириш ишига Ф.Шеллинг салмоқли ҳисса қўшди. Шу маънода Ф.Шеллингнинг натурфалсафаси (табиат фалсафаси), айниқса, диққатга сазовордир. Табиатни тушунишда Шеллинг пантеистдир, у Худо ва табиатни тенглаштиради. Табиатнинг ривожланишини Шеллинг онгнинг шаклланиш жараёни, онгсизликдан онглилик сари ҳаракат сифатида тавсифлайди. Онгнинг шаклланиш механизмини Шеллинг табиатда қутблилик (қарама-қаршиликлар бирлиги) ва тадрижийликнинг мавжудлиги билан изоҳлайди. Тадрижийлик, яъни табиат эволюцияси босқичларини Шеллинг қутблиликда кескинликнинг пасайиши маҳсули сифатида тушунтиради. У

жонли организмлар ноорганик шакллардан вужудга келади, ҳаёт эса модда синтези ва парчаланишининг бирлигидир, деб ҳисоблаган.

Шеллинг ўз натурфалсафасининг таърифланган муҳим тамойиллари – табиатнинг диалектик бирлиги, ривожланиши ва умумий икки тарафламалигини инсоннинг табиатни тушунишига нисбатан татбиқ этади. Фихтега эргашиб Шеллинг ҳам билишнинг ривожланишини билишнинг назарий босқичларидан амалий босқичлар сари ҳаракат сифатида таҳлил қилади. Онгнинг шаклланиш асосини Шеллинг инсоннинг дунёга нисбатан ҳаракатлари билан боғлайди. Ўзликни англаш тадрижийлик, яъни мушоҳада юритишнинг қуйи шакллари – сезиш, идрок этишдан тасаввур қилиш ва рефлексияга ўтиш сифатида шаклланади. «Нима учун айнан фаолият, онг ва билишнинг ривожланиш манбаи ҳисобланади», – деган саволга нисбатан Шеллинг қуйидагича мулоҳаза юритади: амалий фаолиятда инсон ўзининг маънавий қобилиятларини моддийлаштиради (объектга айлантиради), улар инсон ўзгартирган табиат предметларида яшашда давом этади. Шундай қилиб, инсон фаолияти натижасида табиат соф табиатга ва инсон томонидан ўзгартирилган табиатга ажралади. Инсоннинг муҳим хусусиятлари моддийлашган айни шу ўзгартирилган табиат инсон онги ва ўзлиги ривожланишига кўмаклашади. Аммо индивидларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг мулоқоти инсонга бундан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади.

Умуман олганда Ф.Шеллинг Гегель диалектикасининг аксарият ғояларини ундан олдинроқ илгари суради ва кўп жиҳатдан ундан ўзиб кетади, чунки Гегель табиатда ривожланишнинг мавжудлигини рад этади, Шеллинг эса, аксинча, нафақат инсон руҳи, балки табиат ривожланишининг умумий тамойилларини ҳам таърифлаб берди, табиатнинг тадрижий ривожланиш жараёни онг шаклланиши билан ниҳоясига етишини қайд этди. Шеллинг ғоялари Гегель фалсафасида ўзининг мукаммал ифодасини топди. *Шеллинг натурфалсафасининг пайдо бўлиши Фихте субъектив идеализми илдизига болта урди ва немис классик идеализмида объектив идеализм ва унинг диалектикаси сари бурилиш ясади.*

Гегель Георг Вильгельм Фридрих (1770–1831) фалсафий тизими немис классик идеализмининг тадрижий якуни ҳисобланади. Буюк файласуфнинг барча машҳур асарлари: «Руҳ феноменологияси» (1807), «Мантиқ фани» (1812–1816), «Фалсафа фанлари қомуси» (1817) айни шу тизимни ишлаб чиқишга бағишланган. «Руҳ феноменологияси» асари Гегель фалсафий тизимига ўзига хос дебочадир. Бу асарда Гегель инсон онги турли даражалари ривожланишининг изчил қаторини таҳлил қилади.

Гегель фалсафий тизимининг биринчи ва муҳим қисми – «Мантиқ» «Руҳ феноменологияси»нинг якуни ва хулосасидир. Бу субъект ва объектга қадар мавжуд бўлган «соф фикр» соҳасидир. Мантиқда унинг ўзи ва мантиқ шаклларидан ташқари ҳеч қандай эмпирик мазмун мавжуд эмас. Мантиқ тарих ва табиатдан олдин пайдо бўлган. Мантиқ уларни яратган.

Мантиқ уч қисмга: борлиқ ҳақидаги таълимот, моҳият ҳақидаги таълимот ва тушунча ҳақидаги таълимотга бўлинади. Борлиқ ва моҳият тушунча ўзини тўлиқ намоён этгунга қадар «кўтариладиган» пиллапоялар сифатида қаралади. «Мантиқ»да мутлақ ғоянинг ривожланиши мавҳум мантиқий категориялар кўринишида юз беради. Унинг таянч нуқтаси – борлиқ ҳақидаги соф

мавҳум фикр. Дастлаб мазмунсиз бўлган бу «соф борлиқ» тушунчаси «нимадир» орқали ўз мазмунини касб этишга ҳаракат қилади. Бу «нимадир», ўз навбатида, «муайян борлиқ»дир. Гегель фикрига кўра, мутлақ ғоянинг вужудга келиш жараёни айни шу тариқа бошланади. «Муайян борлиқ» кейинги босқичда «қандайдир муайян борлиқ» сифатида амал қилади ёки сифат касб этади. *Сифат категорияси миқдор категорияси билан бирга ривожланади. Сифатли миқдор ёки миқдорий сифат эса ўлчов ҳисобланади.* Борлиқ ҳақидаги таълимотда Гегель диалектика қонунларидан бири: миқдордан сифатга ва сифатдан миқдорга ўтиш, ривожланиш жараёнлари сакраш тарзида юз беришини асослашга ҳаракат қилади.

Ҳодиса сифатида тушуниладиган борлиқдан Гегель янада теранроқ, ички қонуниятларга – моҳиятга ўтади. Бу қисмда Гегель қарама-қаршиликларнинг бир-бирига ўтиши, уларнинг бирлиги, айният ва кураш тўғрисидаги қонунни таҳлил қилади. Гегель фикрига кўра, зиддият – бу қарама-қаршиликларнинг ўзаро нисбатидир. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлмайди, лекин турли йўлдан ривожланади ва бу улар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлади. Зиддиятни ечиш ёки унга чек қўйиш талаб этилади. Гегель зиддиятни асос ва оқибатнинг, шакл ва мазмуннинг, ҳодиса ва моҳиятнинг, имконият ва воқеликнинг, тасодиф ва заруриятнинг ўзаро нисбатида кўради. Зиддият ҳақидаги таълимотни ривожлантирар экан, Гегель ичдан зарур бўлган, ҳар қандай ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи саналган «ўз-ўзидан ҳаракат» ҳақида хулоса чиқаради.

Гегель фикрига кўра, айният ва тафовутнинг нисбатини билиш жараёнида уларнинг замирида ётган зиддият намоён бўлади. Зиддиятлар мавжудлиги ҳодисанинг ривожланаётганидан далолат беради. Моҳият ҳақидаги таълимотда, Гегель воқеликни «моҳият ва мавжудликнинг бирлиги» сифатида тавсифлайди. Моҳиятнинг ўзи – «мавжудлик асоси»дир. Моҳият ҳақидаги таълимотнинг дастлабки бобларидан бошлаб Гегель уни билиш мумкин эмас деган тасаввурни рад этади.

Борлиқ ва моҳият соҳасидаги ривожланиш жараёнларини белгиловчи зарурият тушунчада ўз аксини топади. Бундай зарурият эркинликка айланади, «эркинлик эса – бу англаб етилган зарурият»дир. Шу тариқа «Мантиқ» тушунчага ўтади. Бунда Гегель фалсафий метод сифатидаги формал мантиқ ва метафизикани танқид қилади, умумийлик, алоҳидалик ва яккалик диалектикасини ишлаб чиқади. Айни вақтда у ҳақиқат тушунчасини фикрнинг объект билан мос келиш жараёни сифатида таҳлил қилади. Бунга ғояда эришилади. Фақат ғоя тушунча ва нарсанинг шак-шубҳасиз бирлиги ҳисобланади.

Мантиқдан Гегель мутлақ ғоя ривожланишининг иккинчи босқичи– табиат фалсафасига ўтади. *Унда ғоя табиат бунёдкори ҳисобланади. Айнан у ўзининг «ўзга борлиғи» – табиатни яратади*. *Табиатнинг ривожланиш босқичлари: механизм, химизм, организм кабилардир*. Гегель ўз диалектик тафаккурининг теранлиги ва кучи ёрдамида «Табиат фалсафаси»да ноорганик ва органик табиатнинг айрим босқичлари ўртасидаги ўзаро алоқа ҳамда дунёдаги барча ҳодисаларнинг қонунияти ҳақида бир қанча ноёб фаразларни илгари суради.

Мутлақ ғоя ривожланишининг учинчи босқичи руҳ бўлиб, у ҳам ўз ривожланиш жараёнида уч босқичдан ўтади: *субъектив руҳ, объектив руҳ, мутлақ руҳ. Субъектив руҳ – бу «жон» ёки «руҳ ўзида», онг ёки «руҳ ўзи учун». Объек-*

тив руҳ-ҳуқуқ соҳасини белгилайди. Пировард натижада у ахлоқда ўз ифодасини топади ва оилада, фуқаролик жамияти ва давлатда мужассамлашади. *Мутлақ руҳ – умрбоқий ҳақиқат. У ўз ривожланиш жараёнида уч босқич: санъат, дин ва фалсафа босқичларидан ўтади. Санъат, Гегель фикрига кўра, мутлақ ғояни билишнинг бевосита шакли. Дин ўз манбаи – ваҳий орқали Худони англаб етади. Фалсафа – мутлақ руҳ ривожланишининг олий даражаси. Бу ерда ғоя ўзини ўзи англаб етади, ўзининг «соф птамойили» даражасига кўтарилади, мутлақ ғоянинг интиҳосини унинг ибтидоси билан боғлайди*.

Билиш назариясида Гегель ўзининг тафаккур ва борлиқнинг айнийлиги ҳақидаги ғоясини асослашга ҳаракат қилади. У нарсалар ҳақидаги фикр ва нарсаларнинг ўзи мос келишини, аммо бу айният тафовутни ҳам ўз ичига олишини қайд этади. Билиш ривожланишининг умумий тамойили – мавҳумликдан муайянга юксалишдир. Билиш жараёнида *Гегель уч асосий босқич: ҳиссий аниқлик, идрок ва ақлни фарқлайди.* Ҳиссий аниқлик англашнинг тўғрилигига, яъни бизнинг сезгиларимиз нарсанинг яхлит образини қайд этаётгани ва унда ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмаётганига ишонч уйғотади. Идрок предметни ўз хоссаларига эга бўлган нарса сифатида тушунади. Ақл нарсанинг ҳиссий қиёфаси ортида унинг ички мазмуни, моҳиятини топишга ҳаракат қилади. Борлиқ ва тафаккурнинг айнийлиги ғояси Гегелни Аристотель мантиғи амалда тўқнаш келган зиддиятга қайтаради: агар борлиқ ичдан зиддиятли бўлса, ўз-ўзига қарши бормасдан фикрлаш мумкин эмас. Гегель мазкур зиддиятни истисно этилган учинчи формал-мантиқ қонунининг янглишлиги ҳақидаги фикр ёрдамида ечишга ҳаракат қилади. У зиддиятларни фикрлаш мумкин эмас, деб ўйлаш хато эканлигини қайд этади. Гегель учун зиддиятлар – ҳаракат манбаи, фикр қарама-қаршилиги – фикрнинг ҳаракат манбаидир. Гегель билиш зиддиятлари ва объектив зиддиятларни фарқлайди. Шу тариқа у диалектик қарама-қаршиликни асоссиз равишда формал-мантиқий қарама-қаршилик билан алмаштиради.

Шундай қилиб, Гегель фалсафий тизимида мутлақ ғоя ранг-баранг ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтади. Унинг тизими – бу объектив идеализм: мутлақ ғоя табиат ва инсонга қадар «соф фикр» сифатида мавжуд бўлади, табиат ва жамиятни вужудга келтиради. Тизим замирида «триада»: тезис–антитезис–синтез ётади. Бу «триада», бир томондан, Гегель фалсафий тизимига изчил тус беради, бошқа томондан эса, Гегелга дунё ривожланишининг ҳужумкор хусусиятини кўрсатиш, *қомусий билимлардан фойдаланиш учун имконият яратади*.

Диалектика муаммоларини ишлаб чиқишда ҳам Гегелнинг хизматлари беқиёсдир. У сифат ўзгариши, қуйи шакллардан олий шаклларга юксалиш, эскининг янгига ўтиши, ҳар бир ҳодисанинг ўз зиддига айланиши сифатидаги диалектик ривожланиш ҳақидаги таълимотни яратди. Гегель дунёдаги барча жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқани қайд этди.

Гегель диалектиканинг идеалистик шаклини ишлаб чиққан: у категориялар диалектикасини, уларнинг алоқалари ва бир-бирига ўтишини, «соф фикр»–мутлақ ғоянинг ривожланишини таҳлил қилади. У ривожланишни ўз-ўзидан ҳаракат сифатида, қарама-қаршиликлар бир-бирига ўтиши натижасида юз берувчи ўз-ўзидан ривожланиш сифатида тушунади: ҳодиса зиддиятли бўлгани боис, у ҳаракатланиш ва ривожланиш қобилиятига эга бўлади. Гегель диалектикаси-

да ҳар бир тушунча қолган барча тушунчалар билан ичдан боғланади: тушунчалар ва категориялар бир-бирига ўтади. Масалан, имконият ривожланиш жараёнида воқеликка, миқдор – сифатга, сабаб – оқибатга айланади ва айни вақтда бунинг акси юз беради. Гегель қарама-қарши категориялар – шакл ва мазмун, моҳият ва ҳодиса, тасодиф ва зарурият, сабаб ва оқибатнинг бирлигини қайд этади.

Гегель диалектиканинг асосий қонунлари: миқдор ва сифат ўзгаришлари қонуни, қарама-қаршиликларнинг бир-бирига ўтиши қонуни ва инкорни инкор қонунини кашф этди. У категориялар диалектикаси орқали диалектика асосий қонунларининг амал қилиш механизмини ўрганади.

Гегель диалектикани билиш жараёнига татбиқ этди. Гегель учун ҳақиқат бир марта ва бир умрга берилган мутлақо тўғри жавоб эмас, балки жараёндир. Гегелда билиш назарияси билиш тарихи билан мос келади: билиш, фан ривожланиши тарихий босқичларининг ҳар бири у ҳақда «мутлақ», лекин чекланган, тўлиқ бўлмаган тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Ҳар бир кейинги босқич ўзидан олдинги босқичдан бойроқ ва муайянроқ. У аввалги мазмуннинг бойлигини ўзида тўлиқ сақлайди ва олдинги босқични рад этади, лекин унинг ноёб жиҳатларини йўқотмайди, «ўзлаштирилган барча хоссаларни янада бойитади».

Шундай қилиб, Гегель мутлақ ва нисбий ҳақиқат диалектикасини ишлаб чиқади. Гегель диалектикасини ўрганиш билиш назариясига оид билимларни бойитади, назарий, ижодий фикрлаш қобилиятининг ривожланишига йўл очади, мустақил ғояларни яратишга кўмаклашади.

Гегелнинг фалсафий тизими мантиқ ва табиат фалсафасини, антропология ва психологияни, ҳуқуқ фалсафаси ва ахлоқни, давлат ва фуқаролик жамияти фалсафасини, дин фалсафаси ва эстетикани, фалсафа тарихи ва тарих фалсафасини, тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими сифатидаги диалектикани ўз ичига олади.

XX–XXI аср ғарб фалсафаси. Ғарб фалсафасида XIX аср охирида бошланган жараёнлар XX асрда унинг янги, ҳозирги ноклассик типи вужудга келиши билан якунланди.

Замонавий Ғарб фалсафаси муайян яхлитлик, бирликни ифода этувчи фалсафий тафаккур шаклланишининг ўзига хос босқичидир. Унда айрим асосий йўналишлар – позитивизм, неопозитивизм, структурализм ва ҳоказолар фарқланади.

Сциентистик тенденция фалсафани ижтимоий фанга айлантириш ва дунёқараш масалаларидан халос бўлишга интилиш билан боғлиқ. Уни аввало позитивизмнинг ҳар хил, шу жумладан, социология соҳасидаги шакллари ифода этади. Уларга фалсафанинг ижтимоий билим учун илмийликнинг ягона андозасини яратишга ҳаракат қилувчи йўналиши – структурализм яқин туради.

Антисциентистик тенденция фан салбий ижтимоий ва табиий жараёнларга сабаб бўлиб, онг ва билишнинг бошқа ноилмий шаклларини четга чиқариб қўйишидан келиб чиқади. Фалсафий мулоҳаза юритишнинг бу типи аввало ҳаёт фалсафаси, экзистенциализм ва герменевтикани ўз ичига олади.

Мавҳум-метафизик тенденция фалсафани борлиқ ва билишнинг теран асосларини аниқловчи «мутлақ фан» сифатида тасаввур қилиш билан боғлиқ. Фалсафа ўз мазмунини ижтимоий фанларнинг далиллари ва қонунларидан қатъи назар

кенг тушунтиради, деб ҳисобланади. Бу тенденцияни диний фалсафанинг турли йўналишлари ифода этади. Бунга феноменология йўналиши ҳам яқин туради.

Энди ҳозирги замон Ғарб фалсафасининг муаммолари таҳлил қилинувчи энг нуфузли йўналишларини кўриб чиқамиз. Позитивизм фалсафанинг кенг тарқалган йўналишларидан биридир. Унинг муаммолари илмий билимнинг фалсафий таҳлили атрофида жамланади.

Позитивизм *сохта билимдан ҳақиқий билимни ажратишга ҳаракат қилувчи ижобий билимнинг фалсафий доктринасини англатади*. Бундай ижобий билимлар айрим фанларни билиш билан тенглаштирилади: позитивизмга дунёқараш муаммоларини ўз ичига олувчи анъанавий фалсафага нисбатан ўта салбий муносабат хосдир.

Позитивизмнинг биринчи тарихий шакли XIX асрнинг 30–40-йилларида вужудга келган. Унга француз файласуфи Огюст Конт асос солган.

Конт фикрига кўра, фаннинг вазифаси нарсани тушунтириш эмас, балки унга тавсиф беришдир. Фан «нима учун?» деган саволга жавоб беришга қодир эмас, у далилларни қайд этиш ва «қай тарзда?» деган саволгагина жавоб бериш билан кифояланиши лозим. Шу ҳолдагина у ижобий бўлиши мумкин.

О.Контнинг фалсафани ижобий билим тамойилларига мувофиқ тузишга уриниши табиатшунос олимлар давраларида ўз издошларини топди.

Илк позитивизм асосчилари олимларни ҳиссий ҳодисалар соҳасига чуқур киришга уринишлардан воз кечиш ва уларни тавсифлаш билан кифояланишга чақирдилар. Бу ёндашув ҳиссийлик жабҳаси ортида қандайдир борлиқнинг мавжудлигини назарда тутади.

Илк позитивизмнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг намояндалари фалсафанинг асосий вазифасини муайян фанларнинг амалда мавжуд моддий дунё ҳақидаги маълумотларини умумлаштириш ва тизимга солишдан иборат деб билдилар. Бошқача айтганда, бу босқичда позитивизм ҳали ташқи дунёнинг мавжудлигини тан олувчи материалистик таълимот бўлиб қолди.

Эмпириокритицизм позитивизмнинг иккинчи тарихий шакли сифатида XIX–XX асрлар чегарасида юзага келди. Унинг энг машҳур намояндалари – Э.Мах (1838–1916) ва Р.Авенариус (1843–1896). *Илк позитивизмдан фарқли ўлароқ, эмпириокритицизм фалсафага «иккинчи позитивизм»ни синтез қилувчи фан сифатида ёндашади, уни билиш назариясига боғлайди. Эмпириокритицизм «тажриба танқиди» деган маънони англатади ва «тажрибани метафизик табиатни ўзгартирувчи барча қоидалардан тозалаш»ни назарда тутади.* Э.Мах фикрига кўра, тажриба амалда «дунё элементлари» ҳисобланувчи сезгилардан иборатдир. Бинобарин, позитивизм ўзининг махизм шаклини касб этган иккинчи босқичида бутун фалсафий фаолиятни инсон тажрибаси ҳиссий асосининг руҳий-физиологик шакллари таҳлилига боғлади. Махизм фалсафасида дунё «сезгилар мажмуи» тарзида намоён бўлдики, бу материализмдан бутунлай воз кечилиши, инглиз файласуфи Берклининг субъектив идеализми ўзига хос тарзда тикланишини англатади. Хуллас, иккинчи позитивизм яратувчилари билиш жараёнининг назарий моделини тузишга ҳаракат қилдилар.

Неопозитивизм*, позитивизмнинг учинчи тарихий шакли сифатида, илмий назарияларнинг ҳақиқатнамолигини, уларнинг нисбий қимматини аниқлаш*

методларини ўз фалсафий фаолиятининг предметига айлантирди. Бу босқич вакиллари позитивизмнинг асосий тамойилларига таяниб, анъанавий фалсафа тушунчалари ноилмийдир, чунки уларни тажрибада текшириш мумкин эмас, деб эълон қилдилар.

Неопозитивистлар у ёки бу илмий хулосалар, концепциялар ва назарияларнинг тўғрилиги, ҳақиқийлигини текшириш методларига асосий эътиборни қаратдилар. Улар ҳозирги илмий билимларнинг ҳақиқийлигини текширишнинг асосий тамойиллари: верификация, фальсификация ва конвенция тамойиларини таърифлаб бердилар.

Верификация (лот. «verus» – «ҳақиқий» ва *«facio» – «бажараман») тамойили нуқтаи назаридан ҳиссий тажриба далиллари билан тасдиқланувчи илмий қоидаларгина ҳақиқий ҳисобланади. Бошқача айтганда, тажрибада синалиши мумкин бўлган мулоҳазаларгина аҳамият касб этади.*

Неопозитивизм метафизик фаразларни аниқлаш ишида верификация тамойили муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган. Бироқ бу тамойил ўзини оқламади, чунки у фан тузилиши ва динамикасига мос келмасди. Верификация тамойилига қарши қуйидаги эътирозлар мавжуд: Фанда тажрибада синаш мумкин бўлмаган билимлар ҳанузгача мавжуд. Бироқ уларни кейинчалик, кузатиш ва эксперимент техникаси ривожланганидан сўнг текшириш имконияти пайдо бўлиши мумкин. Масалан, О.Конт осмон жисмларининг кимёвий таркиби ҳақидаги масалани метафизик масала деб ҳисоблаган. У мазкур масаланинг ечимини топиш мумкин эмаслигини қайд этган. О.Конт вафотидан сўнг орадан икки йил ўтгач, спектрал анализ пайдо бўлди ва унинг ёрдамида осмон жисмларининг кимёвий таркиби аниқланди.

Тарихий билим – ўтмиш ҳақидаги, ҳозир мавжуд бўлмаган нарсалар ҳақидаги билим. Верификация тамойили эса мавжуд борлиққа таянишни талаб қилади. Бироқ ўтмишни ҳам билиш мумкин. Верификация тамойилига кўра эса, барча тарихий мулоҳазалар маъносиздир.

Маъноли мулоҳазалар мажмуини неопозитивизм икки турга – синтетик ва аналитик мулоҳазаларга ажратади. Верификация тамойилининг ўзини мулоҳазаларнинг қайси турига киритиш мумкин? Бу тавтология ҳам, тажрибада синалган (синтетик) мулоҳаза ҳам эмас. Мазкур тамойилнинг келиб чиқиши фалсафий хусусиятга эга, моҳият эътибори билан бу мантиқий позитивизм қабул қила олмайдиган метафизик қоидадир.

Фальсификация тамойили илгари сурилган қоидаларни тасдиқлашга эмас, балки рад этишга қараб мўлжал олади. У илмийликка даъвогар бўлган қоидаларни рад этишга ҳаракат қилишни назарда тутади. Илгари сурилган қоидани рад этиб бўлмаса, уни ҳақиқий ёки ҳеч бўлмаса ўринли деб ҳисоблаш мумкин. Рад этилган қоидадан эса воз кечилиши лозим.

Фанни ўрганиш соҳасидаги фалсафий йўналиш сифатида, Неопозитивизм, 50-йиллар охири 60-йилларнинг бошларида ўз нуфузини йўқотди, ва шу даврда «Тўртинчи позитивизм» ёки постпозитивизм майдонга чиқди. Унинг энг машҳур намояндалари қаторига К.Поппер, И.Лакатос, Т.Кун, С.Тулмин, П.Фейерабенд, Д.Агаццини киритиш мумкин.

Постпозитивизм. Постпозитивизмнинг неопозитивизм билан ғоявий алоқаси

шунда ифодаланадики, улар асосан илмий билим таҳлили билан шуғулланган, тилга катта эътибор берган. Бироқ, *мантиқий позитивизм асосан мавжуд илмий билим тузилишини ўрганишга эътиборни қаратган бўлса, постпозитивизмнинг бош муаммосини илмий билим динамикаси ташкил этади.* Бу ўзгариш фанни фалсафий ўрганиш масалалари доирасининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди. Постпозитивизмни аввало илмий билимнинг ижтимоий-маданий омиллари, янги назарияларнинг юзага келиши, уларнинг олимлар ҳамжамияти томонидан қабул қилиниши, рақобатлашувчи илмий концепцияларни таққослаш ва танлаш мезони қизиқтиради.

Агар мантиқий позитивизмга эмпирик билимни ишончли ва барқарор билим сифатида ишончсиз ва ўзгарувчан назарий билимга қарши қўйиш хос бўлса, постпозитивизмга эса, аксинча, билимнинг бу икки даражаси бир-бирига ўтиши ҳақидаги қараш хосдир. Зеро постпозитивизм таълимоти назариянинг эмпирияга таъсири кучли эмаслиги, далилларни аниқлаш учун назария талаб этилиши, шу сабабли далиллар назарияга маълум даражада боғлиқ бўлиши ёки ҳатто уларни белгилаши ёритиб берилган.

Постпозитивизм концепциясининг навбатдаги хусусияти – шундаки илмий билимнинг ривожланишини талқин қилишда кумулятивизмдан воз кечилган. Илк позитивизм илгари сурган кумулятивистик ёндашув фаннинг изчил ривожланиши, билимларнинг аста-секин тўпланиб боришини назарда тутади. Постпозитивизм фан ҳақидаги бундай тасаввурдан воз кечади. У фан тарихида инқилобий ўзгаришлар юз бериши муқаррарлигини асослашга ҳаракат қилади. Постпозитивистлар фикрига кўра, инқилоб натижасида фанда илгари эътироф этилган ва асосланган билимлар, нафақат назариялар, балки методлар ва омиллар ҳам қайта кўрилади.

Учинчи ва тўртинчи позитивизм ўртасида фанни сохта фан (метафизика)дан фарқлаш масаласида ҳам жиддий тафовутлар мавжуд. Позитивизм метафизикани фандан чиқариб ташлашни бош вазифалардан бири деб ҳисоблаган. Постпозитивизм эса илмий билим ва фалсафа ўртасида қатъий чегара ўтказишдан бош тортади. У фалсафий қоидаларнинг асослилигини ва уларни фанлардан чиқариб ташлаш мумкин эмаслигини тан олади. Фан фалсафасида кенг қўлланилувчи «парадигма» (Т.Кун), «илмий-тадқиқот дастури» (И.Лакатос) каби тушунчалар фалсафий (метафизик) унсурлардан иборат. Шунингдек, постпозитивизмнинг айрим намояндалари (П.Фейерабенд) фан, фалсафа ва афсона ўртасида бирон-бир фарқни кўришдан бутунлай бош тортади.

Постпозитивизм фан ташқи (ижтимоий, маданий) омиллар билан белгиланиши ҳақидаги ғояни тан олади. Бу жиҳатдан ҳам постпозитивизм мазкур фалсафий йўналишнинг олдинги шаклларидан анча фарқ қилади. Қуйида постпозитивизм вакилларининг қарашлари билан танишамиз.

Томас Кун (1922–1996)нинг эпистемологик концепцияси унинг «Илмий инқилоблар структураси» асарида ифодаланган бўлиб, бу ерда у позитивистик анъаналарни танқид қилади.

Т.Кун фикрига кўра, фан тарихи эпистемологиянинг базиси ва асосий материалига айланиши лозим. Фан – билимлар тизими эмас, балки аввало илмий ҳамжамиятлар фаолиятидир. Муаммо бундай қўйилганида фалсафа фанининг

дастлабки нуқтаи назарлари ва хатти-ҳаракатларида мужассамлашган алоҳида нормативлик ва мантиқий-методологик мустақилликка эга бўлган барча даъволар ўз аҳамиятини йўқотади. Улар илмий ҳамжамият фаолиятининг асосий усулига, унинг заминида шаклланган фан матрицаси ва парадигмасига боғлиқ бўлиб қолади. Т.Куннинг «Илмий инқилоблар структураси» асари таъсирида илмий ҳамжамият тушунчаси фаннинг барча соҳаларидан мустаҳкам ўрин олди. Фаннинг ўзи ғоялар тизимининг ривожланиши сифатида эмас, балки илмий ҳамжамият фаолиятининг маҳсули сифатида тушунила бошланди.

Илмий ҳамжамиятни маълум ихтисосликка ва ўхшаш илмий тайёргарликка эга тадқиқотчилар ташкил этади. Илмий ҳамжамият вакиллари, одатда, ўхшаш касбий кўникмаларга эга ва илмий адабиётларнинг муайян мажмуини ўзлаштирган бўлади. Илмий ҳамжамият бу муайян билим соҳаси мутахассисларининг ҳамжамияти ёки муайян илмий муаммони ўрганувчи тадқиқотчилар гуруҳидир.

Фаннинг ривожланиш жараёнида илмий ҳамжамиятнинг ролини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

– мазкур ҳамжамият вакиллари фан мақсадларини ва ўз соҳасининг вазифаларини бир хил тушунадилар. Шу тариқа улар у ёки бу фаннинг предмети ва унинг ривожланиши ҳақидаги тасаввурлар тизимини тартибга келтирадилар;

– уларга универсализм хос бўлиб, буни улар ўз тадқиқотларида ва ўз ҳамкасбларининг тадқиқотларига баҳо беришда ҳисобга оладилар, бу ерда улар билимларни асослаш ва исботлашнинг умумий мезонлари ва қоидаларига амал қиладилар;

– илмий ҳамжамият тушунчаси билимларни жамлашнинг жамоа хусусиятини қайд этади. У билишнинг жамоа субъекти номидан иш кўради, билиш фаолияти натижаларига келишиб баҳо беради, ички меъёрлар ва идеаллар тизими – фан этосини яратади ва қувватлайди;

– илмий ҳамжамиятнинг барча аъзолари муайян парадигмага – илмий муаммоларни қўйиш ва ечиш модели (андозаси)га амал қилади. Ёки Т.Кун таъбири билан айтганда, парадигма тадқиқотчи олимлар гуруҳини бошқаради. Олимларнинг ўзлари кўпроқ парадигма ҳақида эмас, балки назария ёки назариялар тўплами ҳақида сўз юритишни маъқул кўрадилар.

Фан ривожланишининг Кун таклиф қилган модели турли илмий ҳамжамиятлар ўртасидаги рақобат кураши ҳодисалари олдинма-кетин юз беришини назарда тутади. Қабул қилинган парадигма ҳукмронлиги даври, «нормал фан» босқичидан кейин парадигманинг инқироз даври келади ва бу илмий инқилоб атамаси билан ифодаланади. Рақобатлашаётган тарафлардан бирининг ғалабаси фаннинг нормал ривожланиш босқичини тиклайди. Парадигма юзага келишидан олдинги давр далилларнинг тартибсиз тўпланиши билан тавсифланади. Бу даврдан чиқиш илмий амалиёт андозалари, назарий қоидалар, дунёнинг аниқ манзараси белгиланган, назария ва методнинг бирлашувини англатади.

Илмий парадигманинг алмашиши, инқилобий ўзгаришлар босқичига ўтиш фан матрицаси элементлари, тадқиқот техникаси, методлар ва назарий фаразлар тўла ёки қисман ўзгаришини назарда тутади. Эпистемологик қадриятлар мажмуи тўла ўзгаради.

Кун фикрига кўра, илмий оқилоналикнинг умумий мезонлари нисбий хусусият касб этади. Ҳар бир парадигма ўз муаммолари доирасида соҳасида яратилган андоза ва мезонларга таянади, шу сабабли улар формал мантиқ андозаларига мувофиқ бўлиши шарт эмас, аммо улар, шунингдек, соғлом фикрга зид келмаслиги ҳам лозим. Шу боисдан фанни интеллектуал фаолиятнинг бошқа турларидан фарқлаш имконини берувчи чегара (демаркация) ҳақида гапириш анча қийин. У ҳар сафар янгидан ўрнатилади. Кун фикрига кўра, фан учун ягона ва универсал метод мавжуд эмас, кузатишларнинг универсал баённомалари ҳам йўқ, серқамров метатарихий луғат ҳам бўлиши мумкин эмас. Олимнинг дунёга муносабати унинг муайян парадигмага амал қилиши билан белгиланади, тарихий ва ижтимоий далилларга боғлиқ бўлади.

Кун ўзининг парадигма концепциясини ҳар томонлама ҳимоя қилади. «Парадигма» деганда у маълум вақт мобайнида илмий ҳамжамиятга муаммоларни қўйиш ва ечиш андозасини берувчи кенг эътироф этилган илмий ютуқларни тушунади. Парадигма илмий ҳамжамият томонидан қабул қилинган ва илмий анъананинг мавжудлигини таъминловчи эътиқодлар, қадриятлар ва техника воситалари мажмуини англатгани боис, Кун фундаментализм тамойилларини рад этади. Илмий парадигмага боғлиқ бўлмаган омиллар йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Унинг фикрича, кузатишнинг эмпирик жиҳатдан нейтрал тили ҳам бўлиши мумкин эмас. Илмий ҳамжамиятга қўшилган олимлар дунёга қабул қилинган парадигма нуқтаи назаридан қарайдилар. Зеро далиллар назарияни белгиламайди, балки назария ўзининг англаб етилган тажрибасига кириши мумкин бўлган у ёки бу далилларни танлайди. Кун янги парадигма ривожланишининг дастлабки босқичида унинг тарафдорига айланган одам бу парадигманинг муваффақиятига ишониши лозим, деб ҳисоблаган.

Парадигма структурасига нималар киради?

Биринчидан, символик умумлаштиришлар – қонунлар, таърифлар ва кўп ишлатиладиган атамалар.

Иккинчидан, универсумнинг у ёки бу онтологиясини белгиловчи метафизик мўлжаллар мажмуи.

Учинчидан, айрим вазифаларни ечишнинг умумий қабул қилинган андозалари, схемалари.

Кун парадигмани ўлчаш мумкин эмас, деган тезисни илгари суради. У фаннинг ривожланиш тарихидаги ворисийликни рад этади. Фан динамикасини узлуксиз эмас, балки узлукли деб билади. Унинг фикрига кўра, илмий ҳамжамиятлар бир-бирини сиқиб чиқаради, олдинги парадигма тўплаган билимдан эса воз кечилади.

Кун парадигма тушунчасини янада аниқроқ изоҳлашага уриниб, уни кейинчалик олимларнинг муайян фанга мансублигини ҳам, илмий фаолият қоидалари тизимини ҳам ҳисобга олувчи фан матрицаси тушунчасига айлантирди. Фан матрицасининг структурасига назар ташлар эканмиз, унинг парадигма структурасига ўхшашлигини кўришимиз ва матрицанинг символик умумлаштиришларкўринишидаги элементларини қайд этишимиз мумкин.

Стивен Тульмин (1922–1997) эпистемологиянинг эволюцион эпистемология асосчиси. *Бу эволюцион умумий маъноси шундан иборатки, у билишни жонли*

табиат эволюциясининг лаҳзаси сифатида ўрганади ва билиш механизмларини эволюция нуқтаи назаридан ёритади. Эволюцион эпистемология соф эволюция ва билиш жараёни биологиясининг ўхшашлиги ғоясига асосланган ва инсоннинг билиш аппарати бу биологик эволюция жараёнида ривожланган мослашувлар механизмидир, деган тасаввурга таянган. Эволюцион эпистемологлар фикрига кўра, айни шу сабабли билиш механизми эволюцион тип бўйича ривожланади ва тегишли равишда ҳозирги замон эволюция назариясига мувофиқ тушунилиши мумкин.

Эволюцион эпистемология инсоннинг биологик эволюция маҳсули сифатидаги талқинидан келиб чиқувчи билиш назариясидир.

Шундай қилиб, эволюцион эпистемологиянинг асосий назарий манбаси сифатида органик эволюция концепцияси амал қилади. Эволюцион эпистемологиянинг икки хил маъносини фарқлаш лозим:

• билиш воситалари, шакллари ва методларининг (билиш органларининг) ривожланишини эволюцион схема ёрдамида тушунтиришга уриниш;

• билим мазмунини (ахборотнинг пайдо бўлишини) эволюцион тушунтиришга ҳаракат қилиш. Бу ерда ўзгарувчанлик, танлаш ва мустаҳкамлаш тушунчалари маълум аҳамият касб этади.

Эволюцион эпистемологиянинг биринчи маъносида дунёни аниқ акс эттириш имкониятини таъминловчи билиш органлари, когнитив структуралар ва билиш қобилиятларининг эволюцияси масалаларига урғу берилади. У бизнинг билиш аппаратимиз эволюция маҳсулидир, деган фикрни илгари суради. Тирик организмларнинг нерв тизими ва идрок этиш органлари миллионлаб йиллар мобайнида борлиқни мумкин қадар аниқ акс эттиришни таъминлайдиган тарзда ўзгариб борган. Агар организм бундай мосламалар билан таъминланмаганида, унинг мавжудлиги ва ривожланиши мумкин бўлмас эди. Перцептуал (сезгилар) тизими ўзи яшайдиган муҳит шароитларида мос равишда ва қониқарли ҳаракат қилиш имконини берувчи организмларгина яшаб қолади ва насл қолдиради. Билишнинг субъектив структуралари борлиққа мос тушади, чунки айнан шундай ҳолат яшаб қолиш имкониятини таъминлайди.

Эволюцион эпистемологиянинг иккинчи маъноси фалсафа фанининг бевосита предметидир, чунки унда ўз хусусиятига кўра эволюцион бўлган илмий билимнинг ўсиши моделига урғу берилади. Бу ерда фалсафа фани концепцияларидан бири сифатидаги эволюцион эпистемология тўғрисида сўз юритилади. У эволюция динамикасининг мантиқий талқинига мос тушувчи илмий билим динамикасини кўрсатади. Мазкур йўналиш ҳам фаннинг эволюцион назарияси деб аталади.

Карл Поппер (1902–1994). Энг муҳим асарлари: «Илмий-тадқиқот мантиқи» (1935), «Очиқ жамият ва унинг душманлари» (1945), «Тарихийликнинг қашшоқлиги» (1963), «Объектив билим, Эволюцион ёндашув» (1972), «Реализм ва фан мақсади» (1983).

Поппер фалсафанинг бош мақсади илмий билимнинг ўсишини, айниқса, илмий космологияни ўрганишдан иборат деб билган. Илмий космология дунёни, шу жумладан, инсонни (ва унинг билимини) бу дунёнинг қисмлари сифатида билишни назарда тутади. Поппер фикрига кўра, фалсафанинг алоҳида методи

мавжуд эмас – масалалар аниқ қўйилувчи ва таклиф этилган ечимлар танқидий таҳлил қилинувчи ҳар қандай оқилона мунозара методи мавжуд. У верификация тамойилига зид ўлароқ фальсификация методини (ҳар қандай фикрни рад этиш мумкинлиги тамойилини) таклиф қилди, билимни ташкил этиш назарий ва эмпирик даражаларининг уйғун бирлигини, шунингдек, гипотетик хусусияти ва хато қилиши мумкинлигини (ҳар қандай фаннинг фаллибилизми принципини) қайд этди. Фальсификация тамойили фан учун муайян аҳамиятга эгадир. Салбий текшириш у ёки бу қоиданинг ҳақиқийлигини исботламаса, уни узил-кесил рад этади. Бироқ фальсификация тамойили фақат рад этишга қараб мўлжал олади: у билимларни ўстириш жараёнини муваффақиятли амалга ошириш имконини бермайди, агар у ёки бу назарияни рад этувчи маълумотлар топилса, бу назариядан бутунлай воз кечилади.

Назариялар ўртасида ворисийлик мавжуд бўлиб, у Нильс Борнинг мувофиқлик тамойилида ўз ифодасини топган.

Илмий билимни ноилмий билимдан, фанни метафизикадан ажратишни (ёки демаркация муаммосини) Поппер муҳимлик мезонларини яратиш мўлжалларига қарши ўлароқ долзарб аҳамиятга эга деб белгилайди.

Илмий билимнинг ўсишини Поппер ижтимоий ўзгаришлар умумий жараёнларининг айрим ҳодисаси сифатида талқин қилади (ва уларнинг доирасида муаммолар ва уларни ечишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб ҳисоблайди). Илмий билиш тарихи – бу дадил фаразлар ва уларни перманент рад этишлар тарихидир. Поппер таъбири билан айтганда, «фан» деган одам «тараққиёт» дейди ва аксинча (Вена тўгараги вакилларидан фарқли ўлароқ, Поппер нормал фанга ривожланувчи фан сифатида ёндашади ва унинг ўсишини қадрсизлантирувчи методологияни тузишга ҳаракат қилади). Бирдан-бир илмий билимга эришиш, шунингдек, ҳақиқатнинг тагига етишга яқинлашиш, Поппер нуқтаи назаридан, фақат хатолар ва янглишишлар элиминацияси маҳсули сифатида амалга ошиши мумкин: фан яхлитлигининг асоси сифатида олдиндан белгиланган идеал ва илмий тилнинг ҳақиқийлиги эмас, балки борлиқнинг бирлиги амал қилади. Фанлар бу борлиқни англаш жараёнида ўсиб борувчи жараён тарзида бир-бирига яқинлашади. Оқилоналашув даражаси, Поппер фикрига кўра, илмий инқилобларнинг интенсивлиги билан белгиланади.

Поппер таълимоти контекстида фалсафа ва фаннинг ўзаро нисбати йўлидаги энг катта тўсиқ – фалсафий билимнинг ўзига хослигидир. Поппер фикрига кўра, фалсафа ва фанни аниқ ажратиш натурфалсафанинг спекулятив тамойиллари ва фан фаразларини фарқлаш учун зарур.

Бу контекстда Поппер фан ва фалсафани эмас, балки догматик ва эвристик билимни ажратишни маъқул кўрган.

Имре Лакатос (1922–1974) британиялик фан файласуфи ва тарихчиси. Ўзининг илк асарларида фаразлар ва рад этишлар мантиқининг ўзига хос вариантини билимнинг ўсиши муаммосининг реконструкцияси сифатида тузишга ҳаракат қилди. XVII–XIX асрлар математикаси унинг таҳлил предметига айланди. Кейинчалик у, ўз фикрига кўра, фанларнинг ривожланиш замирида ётувчи илмий-тадқиқот дастурларининг рақобати ғояларини асослашга ҳаракат қилади.

У «Менинг ёндашувим тадқиқот дастурларидан иборат «расо фан» билан синов ва хатоларнинг сийқаси чиққан андозасидан ташкил топган «норасо фан»ни фарқлашнинг янги мезонини назарда тутади»[1], деб ёзади. Лакатос ўз концепциясини асослашда фан тарихини ўрганишга алоҳида эътибор берган.

Лакатос фикрига кўра, илмий дастур илмий билимнинг асосий бирлигидир. У илгари сурган концепция нуқтаи назаридан фаннинг ривожланиши тадқиқот дастурларининг ўзгаришидир. «Мен фаннинг узлуксизлигига Поппер кўзойнаги орқали қарайман, – деб тан олади у. – Шу сабабли Кун парадигмаларни кўрган жойда мен оқилона тадқиқот дастурларини ҳам кўраман»[2]. Тадқиқот дастури узлуксиз ривожланувчи асос, ғоялар ва тамойиллар бирлиги билан боғлиқ назариялар мажмуи ва кетма-кетлиги сифатида тушунилади. Бош назария кейинги назарияларнинг юзага келишига асос бўлади ва уларнинг ҳар бири олдинги гипотезага қўшимча гипотеза киритиш орқали ривожланади. Лакатос «расо фан» ва «норасо фан»ни фарқлайди. «Расо фан» шу билан тавсифланадики, у:

- илгари маълум бўлмаган далилларни башорат қилади;
- янги ёрдамчи назарияларни олдиндан айтиб беради;
- эвристик кучга эга бўлади;
- назарий жиҳатдан мустақил бўлади.

Узлуксиз дастур алоҳида норматив қоидалар билан муҳофаза қилинади.

Тадқиқот дастури таркибига қаттиқ ўзак, фундаментал фаразлар, ижобий эвристика қоидалари (улар тадқиқотларни амалга ошириш йўлларини белгилайди) ва салбий эвристика қоидалари (улар тақиқларни, қайси йўллардан юрмаслик кераклигини кўрсатади) киради. Фундаментал фаразлар ўзига хос хусусият касб этади ва шартли равишда рад этилмаган деб олинади. Қаттиқ ўзак илмий дастурнинг барча назарияларида ўзгаришсиз сақланаётган муайян илмий ва онтологик фаразлар мажмуидан ташкил топади.

«Салбий» эвристика қоидалари тадқиқот дастурининг қаттиқ ўзагини ҳатто у аномалиялар билан тўқнаш келган ҳолда ҳам қайта кўришни ман этади. Тадқиқот дастури муайян даражада догматик хусусият касб этади. Бир марта қабул қилинган назариянинг догматик тўғрилиги ижобий аҳамиятга эгадир. Усиз олимлар назариядан унинг имкониятлари, кучи ва аҳамиятини англашдан олдинроқ воз кечган бўлар эди. Шу тариқа у муайян назариянинг кучи ва афзалликларини яхшироқ тушунишга кўмаклашади. Унинг изларига Куннинг «нормал фан» даври тавсифидаёқ дуч келиш мумкин.

Назариянинг «қаттиқ ўзаги» яхшироқ сақланиши учун қўшимча гипотезаларнинг «ҳимояловчи камари» ташкил этилади. Бу гипотезалар аномалияларга мослашиб ўз шакл-шамойилини ўзгартириши мумкин. Бу билан Лакатос аномал вазиятларга тушувчи ёки қарши мисоллар билан тўқнаш келувчи назарияларга баҳо беришда фальсификационизмга ҳаддан ташқари берилишнинг олдини олишга ҳаракат қилган.

У ёки бу тадқиқот дастурини методологик таҳлил қилиш техникаси бир қанча босқичлардан иборат:

- тадқиқот дастурининг оқилона реконструкциясини илгари суриш;

[1] Лакатос И. Доказательство и опровержение. –М.: «ЭКСМО», 2005 г. с. 78.

[2] Там же: –С.78.

• уни ҳақиқий назария билан таққослаш;

• уни тарихийлик ва оқилоналикнинг мавжуд эмаслиги учун танқид қилиш.

Узлуксиз ўсиш талаби Лакатос оқилона реконструкциясининг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Умуман олганда, олимнинг концепцияси мантиқий-норматив хусусият касб этади. Илмий-тадқиқот дастури илмий билим ривожланиш йўлларининг кўп сонлилиги ва ранг-баранглигини чеклайди, фан тарихи турли назарияларнинг юзага келиши, ривожланиши ва рақобати тарзида намоён бўлади. Айни вақтда, тадқиқот дастурлари, асосий назариялар ҳамда илмий билимнинг ўзгариши ва ривожланиши ранг-баранг шакллари механизмининг амалда мураккаблиги таклиф этилган модель билан уйғунлаша олмайди.

Поль Фейерабенд (1924–1994, америкалик файласуф ва методолог олим). Фейерабенднинг серқирра концепциясида Витгенштейн ижоди сўнгги даврининг таъсири, таниқидий рационализмга мойиллик ва ҳатто «илмий материализм» тамойилларига дуч келиш мумкин. Бу олим анъанавий ва янги муаммоларни табиий-илмий дунёқараш ва методология нуқтаи назаридан тушунишга ҳаракат қилганлигидан далолат беради.

Фейерабенд XX аср 70-йиллари охирида фан фалсафаси ва «фан файласуфлари»нинг асарларида ифодаланган «антагонистик ғоялар», оқибатлар ва натижалар тўғрисида сўз юритади. Фан нима, у қай тарзда иш кўради, унинг натижалари қандай, деган саволларни бериб, мутафаккир уларга жавобан фан фаолиятини бошқарувчи алоҳида илмий метод, яъни қоидалар мажмуи мавжудлигини қайд этади.

Фан ва кумулятивизмнинг мавжуд гипотетик-дедуктив моделига файласуф назарий реализм ғоясини қарши қўяди. Табиатшуносликни тавсифлаш амалиётини умумлаштириш асосида юзага келган кумулятивизм билим ўсишининг содда талқини, яъни ҳақиқий қоидаларнинг жамланган йиғиндисига янги фикрлар астасекин қўшилишини назарда тутади. Унда хатолар фақат билимнинг ўзгариши, эски билимдан воз кечилиши ва қабул қилинган билимнинг рад этилишига йўл қўйилмайдиган субъектив жараён сифатида талқин қилинади. Эмпирик кумулятивизм билимнинг ўсишини унинг эмпирик мазмуни бойиши билан тенглаштиради. Рационалистик кумулятивизм билим ривожланишининг шундай бир усулини назарда тутадики, унда ҳар бир кейинги элемент мавжуд мавҳум тамойиллар ва назарий хулосалар тизимига киритилади.

Фейерабенд илгари сурган назарий реализм ғояси билимнинг актуал ўсиши ўзаро мос тушмайдиган (ягона мантиқий асос билан дедуктив боғланмаган ва ҳар хил тушунчалар ва методлардан фойдаланувчи) назарияларнинг кўпайиши (пролиферацияси) натижасида амалга оширилишини қайд этади. Тажриба доим назарий асосланган тажрибадир, у ёки бу назариянинг қабул қилиниши эса идрок этиш тизимини белгилайди.

Методолог асослаб берган *пролиферация (назарияларнинг кўпайиши) тамойили қабул қилинган нуқтаи назарлар ҳатто етарли даражада тасдиқланган ва кенг эътироф этилган бўлса ҳам уларга мос тушмайдиган назарияларни яратишга рухсат беради*. Фан ривожланишининг турли босқичларига ёки айни бир босқичига мансуб бўлган муқобил назариялар ва концепцияларнинг ўзаро мос келмаслиги ва уларни бир-бирига ўтказиш мумкин эмаслиги ҳақидаги тезисни

илгари суриш йўли билан Фейерабенд пролиферация тамойилининг талабларини янада кучайтиради.

Назарий методологик имморализм позицияси билимнинг тенг ҳуқуқли типлари тўплами фан ва шахснинг ривожланишидан далолат берувчи борлиқдир, деган ғояга таянади. Фейерабенд фикрича, муқобиллар ўртасидаги кураш даврлари энг самарали даврлардир. Муқобил концепцияларнинг куртаклари олимнинг турли фалсафий ва методологик нуқтаи назарларида яширинди.

Назариялар плюрализми ғоясини Фейерабенд анъаналар плюрализмигача кенгайтиради. Шу муносабат билан фан илмий элита мафкураси сифатида ўз марказий ўрнидан маҳрум этилиши ва мифология, дин билан тенглаштирилиши лозим. Бундай ўта антисциентистик ёндашув танқидий рационализмга қарши қаратилган ва фалсафа хусусиятини янгича баҳолайди.

Фейерабенд фикрига кўра, олимлар фаолиятида ҳақиқат эмас, балки индивидуал қобилиятларнинг ривожланиши, билиш ва унинг чин оқилоналиги эмас, балки чекланмаган, мутлақо эркин хулқ-атвор муҳимдир. Унинг кўпгина ғоялари академик фалсафа вакилларини лол қолдирган. *Фейерабенд концепциялари баъзан анархистик эпистемология деб аталади. Бу қисман шу билан изоҳланадики, Фейерабенд ягона универсал методнинг мавжудлигини мутлақо рад этади. Бундан ташқари, олимлар «ҳамма нарса мумкин» деган тамойилга амал қилишларига унинг ишончи комил. Бир методга қатъий риоя этиш ва унинг барча талабларини бажариш, Фейерабенд фикрига кўра, тадқиқот амалиётига ҳам, билишнинг ижодий табиатига ҳам мос келмайди.* Шу сабабли фаннинг обрўси ҳаётнинг бошқа ҳар қандай шакли обрўсидан ортиқ эмас.

Бироқ плюралистик методологиядан фойдаланиш нимани англатади? Фейерабенд фикрига кўра, олим ғояларни тажриба билан эмас, балки бошқа ғоялар билан солиштириши ва беллашувда мағлуб бўлган концепциялардан воз кечмасдан уларни яхшилашга ҳаракат қилиши лозим. Шундай иш кўриш йўли билан у «Борлиқ» китоби ёки «Полмандрада»да баён этилган инсон ва космос концепциясини сақлаб қолади ва улардан эволюция назариясида ва бошқа янги концепцияларда муваффақиятга эришиш учун фойдаланади. Унинг «Методологик мажбурлашга қарши. Билишнинг анархистик назарияси очерки» (1970) релятивизмга қўйилган машҳур ҳайкалдир. Бу асар матнининг асосий мазмунини ифодаловчи тезислар қуйидагилардан иборат:

• назарий анархизм унинг қонун ва тартибга таянувчи муқобилларидан инсонийроқ ва прогрессивроқдир;

• «ҳамма нарса мумкин» тамойили тараққиётга тўсқинлик қилмайдиган бирдан-бир тамойилдир;

• яхши тасдиқланган назарияларга зид гипотезалардан фойдаланиш, индукцияга қарши иш кўриб фанни ривожлантириш мумкин;

• мувофиқлик шарти оқилона эмас, чунки у яхшироқ эмас, балки эскироқ назарияни сақлаб қолади, бир андозалилик индивиднинг эркин ривожланишини хавф остида қолдиради;

• қанча эски ва абсурд бўлмасин, бизнинг билимимизни яхшилашга қодир бўлмаган ғоя мавжуд эмас;

• фан мавжуд бўлса, ақл универсал бўлиши мумкин эмас ва нооқилоналикни

бартараф этиш мумкин эмас. Фаннинг бу ўзига хос хусусияти анархистик эпистемологияни талаб қилади[1].

Илмий изланиш асослари муаммосини Фейерабенд ўзига хос тарзда талқин қилади. Унинг фикрича, янги методологик парадигмада нарсага теран назар ташлаш ва олимни амалда нима чеклашини тушуниш муҳимдир.

Фейерабенд фикрига кўра, агар олим «хоҳлаган ишингни қил» деган тамойилга амал қилса, унинг далиллари диалектик хусусият касб этади, яъни андозаларнинг қайд этилган тўпламига эмас, балки ўзгарувчи оқилоналикка таянади. Бошқа томондан, агар олимдан илмий метод нима, деб сўралса, у аниқ жавоб бера олмаса керак. Олимлар ўз тадқиқотлари жараёнида айнан нима қилаётганларини камдан-кам ҳолда биладилар.

Фейерабенд методологиясида барча гносеологик амаллар ва оқилоналикнинг плюралистик ўзгаришига қараб мўлжал олингани бежиз эмас. У фан фалсафасининг мазкур босқичига хос бўлган эпистемологик тадқиқотларда билиш имкониятларининг очиқлиги ва унинг демократиялашувига интилишни акс эттиради.

Майкл Полани (1891–1976) яратган яширин шахсий билим концепцияси ўзига хослиги ва олдинги босқичнинг норматив-рационалистик муаммоларига номувофиқлиги билан ажралиб туради.

М.Полани эпистемологиясида антропологик мўлжаллар анча кучлидир. Унинг асосий тезислари:

• фанни маҳоратли одамлар яратади;

• билиш фаолияти санъатини дарсликдан ўрганиш мумкин эмас. У фақат бевосита маҳорат билан ўтади;

• фанни яратувчи одамлар бошқалар билан алмаштирилиши ва ўзлари яратган билимдан ажратилиши мумкин эмас;

• илмий билиш фаолиятида фанга, унинг қимматига бўлган ички ишонч кечинмалари шахсий тажрибаси мотивлари, шунингдек, олимнинг манфаатдорлиги, шахсий масъулияти ўта муҳим аҳамият касб этади.

М.Полани учун шахсий билим – бу билувчининг интеллектуал жонбозлиги, фидокорлигидир. У номукаммалликдан далолат берса-да, бироқ билимнинг зарурий элементи ҳисобланади. У бизнинг дунё манзарасидан инсон имкониятларини чиқариб ташлашга бўлган ҳар қандай уриниш муқаррар тарзда мантиқсизликка олиб келишини қайд этади. Ҳақиқатни аниқлаш бизнинг формал белгилаш мумкин бўлмаган айрим хусусий, имплицит асосларимиз ва мезонларимизга боғлиқ бўлиб қолишига олимнинг ишончи комил. Сўзларда ифодаланган ҳақиқат мақоми тегишли тарзда чекланиши ҳам муқаррардир.

Полани эътиқоднинг билиш жараёнидаги улкан ролига янгича баҳо беради. У эътиқод обрўсизланиши натижасида ҳозирги одамнинг динга эътиқод қилиши билан боғлиқ вазиятларнинг чекланган сонидан бирон-бир фикрларни ишонч билан қабул қилиш қобилиятини йўқотганини, эътиқод ҳодисаси умумийликни билиш имконини бермайдиган субъектив рўё мақомини олганини қайд этади. Муаллиф фикрига кўра, бугун биз эътиқод билим манбаи ҳисобланишини яна тан олишимиз лозим. Жамиятдаги ўзаро ишонч тизими замирида эътиқод ётади. Очиқ ва яширин муроса, интеллектуал эҳтиросилик, маданий вори-

[1] Қаранг: Фейерабенд П. Очерк анархистской теории познания. –М.: «АСТ», 1996 г. с. 156.

сийлик – буларнинг барчаси эътиқод билан узвий боғлиқ турткиларни назарда тутади. Ақл эътиқодга ўзининг муҳим асоси сифатида таянади, бироқ ҳар сафар унга шубҳа билдиришга қодир. Аксиомалар, қоидалар ва тамойиллар тўпламларининг пайдо бўлиши ва мавжудлиги ҳам бизнинг дунё билиш мумкин бўлган етук ва уйғун бирлик эканлигига бўлган ишончимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Билиш маҳоратини тавсифлаш ва тил воситалари билан ифодалаш мумкин эмаслиги муаллиф учун ойдек равшандир. Бу тезис фаннинг бир хиллаштирилган тилини яратиш вазифасига зиддир. Мутафаккир фикрига кўра, илмий мақолалар ва дарсликларнинг матнларида ифодаланган илмий билим онг диққат марказида турувчи билимларнинг бир қисми, холос. Уларнинг иккинчи қисми билиш жараёнига доимо йўлдош бўлган четдаги (ёки яширин) билим ярмида жамлангандир. Бу билимни «сезгиларни тусмоллаб англаш» билан ўхшашлик бўйича ва қўлда мавжуд асбоб ёрдамида талқин қилиш мумкин. Шусиз фаолият жараёни изчил амалга ошиши мумкин эмас. Билиш асбоб ёки мўлжал сифатида фойдаланилувчи айрим нарсаларни тартибга солиш ва уларни сунъий назарий ёки амалий натижада расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Бу ҳолда бизнинг онгимиз бош «онг нуқтаси»га, биз пировард натижада эришадиган яхлитликка нисбатан «периферик» ҳисобланади.

Талқинчилар М.Полани таклиф қилган шахсий билим концепциясида тафаккур ва нутқнинг уч асосий соҳаси ёки уч вариантини фарқлайди.

Биринчиси сўздаги ифодаси аниқ бўлмаган яширин билим соҳаси билан тавсифланади. Бу соҳани ифодалаб бўлмайдиган билим соҳаси деб номлаш мумкин. У кечинмаларга ва ҳаёт таассуротларига асосланган билимларни қамраб олади. Бу теран шахсий билимларни ифодалаш ва ижтимоийлаштириш жуда қийин. Санъат доим бу вазифани ўз воситалари билан ечишга ҳаракат қилган. Ҳамдардлик ҳаракатида дунёга ҳаёт драмаси қаҳрамонининг кўзлари билан қараш кўникмаси акс этган.

Иккинчиси – нутқ воситалари билан анча яхши ифодаланувчи билим соҳаси. Бу ерда тафаккур элементи яхши тушунарли нутқ билан узатилиши мумкин бўлган ахборот тарзида мавжуддир, шу боис бу соҳада сукут сақловчи билим ўзи ифодаланган матн билан мос тушади.

Тушуниш мушкул бўлган учинчи соҳада тафаккурнинг новербаль мазмуни ва нутқ воситалари ўртасида фикрнинг мазмунини концептуаллаштиришга халақит берувчи номувофиқлик мавжуд. Бу яширин билим ва формал билим бир-бирига боғлиқ бўлмаган соҳадир.

Шахсий, яширин билим ҳажмига объект билан танишиш механизми ҳам киради. Бу механизмнинг амал қилиши натижасида объект ҳаёт фаолияти жараёнига қўшилади, у билан муомала қилиш кўникмалари ва маҳорати шаклланади.

Шундай қилиб, объект билан танишиш у ҳақдаги дастлабки билим сифатида, инсоннинг шахсий билимига айланади. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, кўникмалар фаолият тарзига кўра ўхшаш бўлса-да, амалда ҳар хил ва ўзига хосдир. Бировнинг кўникмаси шахсий билимнинг ўз қатламини юзага келтиради.

М.Полани концепциясининг янгилиги шундаки, унда илмий қоидалар маъноси яширин билимнинг, ўз теран асосларида инструментал хусусият касб этув-

чи «билим»нинг мавҳум контекстига боғлиқ бўлади. У инсоннинг бутун моддий тузилиши билан белгиланади ва артикуляция қилинмай қолган инструментал билим билан узвийдир. Полани маъно эълон қилинувчи мулоҳазада мужассамлашган шахсий ишонч билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини қайд этади. М.Полани илмий билим ўсишининг билиш фаолиятининг амалдаги шахсий – когнитив механизмлари ҳисобга олинувчи янги моделини ўйлаш лозим, деган хулосага келди.

Структурализм ва постструктурализм. Структурализм (лот. structuma – тузилиш, жойлашиш, тартиб) – ғарб фалсафасининг янги йўналишларидан бири. Структурализм, умумий фалсафий-эпистемологик тасаввурлар, методологик мўлжаллар ва айрим фанлар (лингвистика, адабиётшунослик, этнография, тарих, эстетика, санъатшунослик, психология, социология, фалсафа)даги йўналишлар мажмуи сифатида, XX аср бошидан 40-йилларгача шаклланди.

Структурализмнинг кўпгина ғоялари юзага келишига туртки берган мутафаккирлар қаторига В.Гумбольдт (инсон онги дунёсини моделлаштиришда тилнинг динамик роли), Ч.Пирс (семиотика асосчиси), Э.Кассирер (инсон хулқ-атвори ва онгининг шаклланишида тил, мифология ва санъат символик тизимларининг роли)ни киритиш мумкин.

Структурализмнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг тарафдорлари инсон ҳиссий идрок этиши мумкин бўлган барча ҳодисаларга «феноменлар», яъни ички, теран ва шу сабабли «ноаниқ» структураларнинг сиртда намоён бўлиши (манифестация) сифатида қараганлар ва уларни ёритишни ўз вазифаси деб ҳисоблаганлар.

Бу вазифани ҳал қилишда структурализм пафоси ижтимоий фанларга аниқ фанлар мақомини беришга қаратилди.

Структура тушунчаси структурализмнинг бош тушунчаси ҳисобланади. Структура деганда турли ички ва ташқи ўзгаришларда ҳар хил, кўп вариантли тушунчалар мажмуи ёки структуралистлар таъбири билан айтганда, ҳар қандай диахроник ривожланувчи тизимнинг синхрон қайд этилиши тушунилади. Структурализмда кўпинча модель сифатида белгиланувчи ҳар қандай структура уч зарурий шарт: элементлар мустақил бутунга яхлит бўйсуниши; трансформация – бир кичик структура бошқа кичик структурага юзага келиш қоидаларига мувофиқ тартибли ўтиши; ўзини ўзи тартибга солиш – мазкур тизим доирасида қоидаларнинг ички тартибга солинишини қаноатлантириши лозим. Шундай қилиб, структура нафақат объектнинг барқарор скелети тарзида, балки риоя қилиш, бир объектдан иккинчи, учинчи ва ҳоказо объектларни олиш имконини берувчи қоидалар мажмуи сифатида амал қилади. Бунда айрим объектлар тўпламининг ягона структуравий қонуниятларини аниқлашга бу объектларнинг фарқларини эътибордан соқит этиш ҳисобига эмас, балки ягона мавҳум инвариантнинг муайян вариантлари сифатида қайд этилган бир-бирига ўтишлар динамикаси ва механикасини таҳлил қилиш йўли билан эришилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, структуралистлар фойдаланувчи асосий тушунчалар улардан тадқиқотчилик мақсадларида фойдаланилган махсус фанлар доирасида ишлаб чиқилган. Шу сабабли асосий категориялар ва ғоялар бу йўналишнинг бош шакллари билан мақсадга мувофиқдир.

Постструктуралистлар (Деррида, Делез, М.Фуко ва ҳ.к.) структурани ва билимдаги барча ноструктуравий нарсаларни уларнинг генезиси ва тарихий ривожланиши нуқтаи назаридан англаб етишга ҳаракат қилдилар.

Кўрсатилган ёндашувларнинг иккаласи ҳам ижтимоий билим хусусиятлари ва методларини, унинг фаолияти умумий механизмларини, табиий-илмий билимдан фарқларини, у ёки бу ижтимоий-маданий шакллар (тил, санъат, адабиёт, мода ва ҳ.к.) юзага келишини билишда синхрон ва диахрон нарсаларнинг бирлигини ўрганган.

Структуралистлар бундай ҳодисаларни ўрганишда структура тарихдан объективроқ, муҳимроқ ва бирламчироқ деб ҳисоблаган бўлсалар, постструктуралистлар бунга зид хулосани илгари сурганлар. Улар ўз ҳамкасбларининг агностицизми (нотарихийлиги)ни енгиш, инсон ва жамиятни тил структуралари ёрдамида объектив билишга уринишда юзага келувчи жумбоқларни аниқлаш ва ўрганишга ҳаракат қилдилар.

Постструктурализмда ҳамма нарса тенг ҳуқуқли, бир хилда муҳим ва қимматлидир. Бу ерда диалектик оппозиция тамойилига кўра тузилган одатдаги категориялар аппарати: моҳият – ҳодиса, шакл – мазмун, сабаб – оқибат ва ҳоказолар ўз маъносини йўқотади. Ҳодиса – моҳиятни аниқлаш эмас, у фақат ўзини ва ҳаёт ранг-баранглиги қирраларидан бири сифатида ифода этади. Ҳаётнинг ранг-баранглигини эса фақат бирортаси ҳам имтиёзли ҳолатда бўлиши мумкин бўлмаган билиш субъектлари позицияларининг кўп сонлилиги билан англаб етилади.

Постструктурализм ўзига азалдан хос бўлган омилларнинг табиий давоми ҳисобланиб, назарий ҳаракат сифатида структурализм танқиди тарзида тўрт асосий йўналишда ривожланади:

– структуравийлик муаммоси;

– белгилилик муаммоси;

– коммуникативлик муаммоси;

– субъектнинг яхлитлиги муаммоси.

Айни вақтда, постструктурализм намояндалари объективлик, метод ва илмийлик аҳамиятга эга эмас ва билиш жараёнининг изланувчи мақсадлари сифатида амал қилмайди, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, билиш жараёни субъект, истак, тасаввур ва билишда муҳим роль ўйновчи бошқа шахсий фазилатларсиз амалга ошиши мумкин эмас. Шу сабабли постструктуралистик субъект – бу билим эгаси ва билим ҳимоячиси эмас, балки вазифаси қандай йўл билан бўлмасин борлиққа киришдан иборат бўлган афсунгар, санъаткор, бола, инқилобчи ва шу кабилардир.

XX–XXI аср ўзбек фалсафаси. XX аср ўзбек фалсафаси кам ўрганилган зиддиятли даврни қамраб олади. Чунки ҳозирги давр танқидчиларида совет даврида фалсафа бўлмаган, у даврда интеллектуал ҳаёт ўлган ва узоқ муддатга қотиб қолган, фақат айрим ҳолларда баъзи мардларгина ўзларининг ғоя ва қарашларини айта олганлар, деган фикр шаклланган. Бироқ бу нотўғри. Чунки айнан XX аср бошларида шаклланган жадидчилар ҳаракати «жамиятни маърифат орқали янгилаш» ғоясини илгари сурганлар, Беҳбудий, А.Авлоний, А.Фитрат кабилар бир гуруҳ ёшларни чет элга ўқишга юбориб, янги авлод зиёлиларини тарбиялашга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшганлар.

Шу боис, 1917 йилда большевиклар партияси ғалаба қозониб, дунё харитасини катта Совет Иттифоқи деган мамлакат эгаллаб, унда партиявийлик мафкураси ҳукмронлик қилсада, Ўзбекистонда фалсафий фикр ривожи тўхтаб қолган эмас.

Фалсафанинг фидойилари янги қарор топган сиёсий тизимда яшаш, ишлаш ва жуда кўп синовлардан ўтишлари лозим бўлди. Айрим зиёлилар чет элга қочиб кетдилар, кўпчиликда эса марксизм ғоясининг ҳақиқий инсонпарварлигига қатъий ишонч шаклланди ва шу боис, шу йўналишда фаолият олиб бордилар. Бироқ муайян даражада совет мафкураси таъсири бўлсада, ўтган асрда ўзбек фалсафаси тўрт йўналишда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти, вилоятлар олий ўқув юртлари фалсафа бўлимлари, Ўзбекистон Фалсафа жамияти ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти фаолиятида намоён бўлди ва олимлар ўз фалсафий қарашларида инсон омилининг маънавий руҳини ифода эта олдилар. Дарҳақиқат, И.А.Каримов айтганларидек, «Одам қанча чуқур билимга эга бўлса, дунёни яхши билса, ён атрофда бўлаётган воқеаларни тўғри англай олса, шундан кейингина унда ғурур-ифтихор бўлади. Шундагина, жуда мураккаб, таҳликали давларда ҳам кўпчилик унга мурожаат қилиб, маслаҳатлашади. Маслаҳат кимдан сўралади – аввалombор, салоҳиятли одамдан, катта фалсафий билим ва интеллектуал билимга эга бўлган кишидан.»[1]. Шундай экан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тушунишда ва уларнинг моҳиятини тушунтиришда юртимиз файласуф-олимларининг хизмати ҳам катта.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети. 1922 йилда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ижтимоий-гуманитар фанлар факультетида фалсафа фанидан ўқув машғулотларининг олиб борилиши, бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

1935 йилда биринчи «Диалектика ва тарихий материализм» кафедраси ташкил қилинди. 1944 йилда Диалектика ва тарихий материализм кафедраси таркибидан «Фалсафа» кафедраси ажралиб чиққан. Айнан «Фалсафа» кафедраси негизида 1962 йилда «Илмий коммунизм», 1967 йилда «Табиий ва гуманитар факультетлар фалсафа» кафедралари ташкил қилинган. Кафедралар таркиби миллий кадрлар билан бойиб борган.

1960-йилларда «Фалсафа» кафедрасида 45 та профессор-ўқитувчи фаолият олиб борган. Бу даврда фалсафа мутахассислиги бўйича университетнинг ўзида миллий кадрлар тайёрлаш имконияти пайдо бўлган. Профессор А.Аюпов, Ҳ.Умаров саъй-ҳаракатлари билан олий таълим вазирлигида бу масалага ижобий ёндашилиб, университетнинг тарих факультетида 1963–1964-ўқув йилидан бошлаб «Фалсафа» бўлими ташкил қилинган ва унга Ҳ.Умаров раҳбар этиб тайинланган. Ўқув жараёнинг республиканинг йирик олимлари жалб қилиниб, фалсафа бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш фаолияти бошланган.

Шу йилларда илмий ишлар ривож топиб юқори малакали кадрлар етишиб чиқа бошлаган. 1962–1967-йилларда 18 та фалсафа фанлари номзоди тайёрланган. 1962–1992-йиллар давомида гуманитар факультетлар «Фалсафа» кафедрасини бошқарган профессор А.Т.Аюпов бошчилигида доцентлар Ғ.Шоюсупова,

[1] Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2006 й. 108–109-б.

А.И.Абдусамедов, К.С.Садыков, К.И.Иванова, И.Раҳимов, В.С.Никитченко ва бошқалар дастлаб фалсафа бўлими, кейин фалсафа факультетида миллий кадрларни тайёрлаш ишида катта роль ўйнадилар. Ўша йилларда фалсафа бўлими профессор-ўқитувчилари нафақат ўқув жараёни, балки илмий билиш соҳасида фаол иштирок қилганлар. 1974 йилда К.И.Иванованинг «Илмий билишда сабабийлик тамойили» номли монографияси, профессор Л.Е.Гарбер, А.Т.Аюпов, У.Ҳайдаров, Б.Тўйчиев, В.Г.Черныхларнинг «Илмий билиш мантиғи ва методлари» (1986) мавзусидаги туркум асарлари нашр қилинган.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Э.Ю.Юсупов, профессорлар М.В.Воҳидов, И.Р.Раҳимовлар 1980-2005 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий тараққиётининг фалсафий муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга, дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзганлар, ёш кадрларни тайёрлашга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшганлар. Шу йиллар давомида Ж.Бабаевнинг «Фалсафа асослари» ўқув қўлланмаси, Э.Юсуповнинг таҳририда «Фалсафа» (1985) дарслиги, И Рахимовнинг «Мантиқ фанидан семинар машғулотлари» (1984) ўқув қўлланмалари нашр қилинган.

Фалсафа бўлимида ўқитиладиган фанларнинг дифференциаллашуви натижасида «Мантиқ», «Фалсафа тарихи» ва «Диншунослик» кафедралари ташкил қилинган. Ўша йилларда фалсафа бўлими профессор-ўқитувчилари нафақат ўқув жараёни, балки илмий ишлар соҳасида ҳам фаол иштирок қилганлар.

Мустаҳкам пойдевор яратилгач, 1979 йилда тарих факультети таркибидан «Фалсафа, иқтисод ва психология» бўлимлари ажратилиб, учта мутахассисликни бирлаштирувчи янги «Фалсафа-иқтисод» факультети ташкил қилинган ва фалсафа фанлари номзоди, профессор Г.Ш.Шоюсупова (1979–1985) декан лавозимига тайинланди.

Бу эса ўша даврда фалсафа фанининг янада чуқур ва кенг ўрганилиши йўлидаги дадил қадам бўлди. Янги кафедралар ташкил қилиниб, фалсафани ўқитишга дифференциал ёндашув шаклланди. Шу йилларда факультетда профессорлар: М.Хайруллаев, М.Баратов, Л.Гарбер, В.Мороз, М.Нурматов, фалсафа фанлари номзодлари, доцентлар М.Қ.Арипов, М.Далиев, Э.Абрамян, З.Мўминова, Т.Рамазанов, И.Рамазанов, Р.Носиров, Ш.Қаҳҳарова, М.Усмонов, И.Турчанинов, шунингдек, факультетнинг битирувчи ёшлари М.Шарипов, Б.Тўйчиев, Э.Мўминов, А.Ўтамуродов, И.Эргашев, ўриндошлик асосида фалсафа фанлари докторлари, профессорлар: М.Абдуллаева, Ҳ.Аликулов ва бошқалар илмий педагогик фаолият олиб борганлар.

1990 йилда университетнинг янги Низоми қабул қилиниб, унинг кейинги тараққиёт йўллари, вазифалари, ҳуқуқлари, халқ ҳаётидаги мавқеи янги дунёқараш нуқтаи назаридан белгилаб олинди. Шу боис 1991 йилда факультет таркибидан «Иқтисод» бўлими ажралди, ҳамда Фалсафа, социология ва психология» бўлимлари ва 9 кафедрадан иборат «Фалсафа» факультети ёшлар онгига мустақиллик мафкурасининг мазмун ва моҳиятини сингдириш, янги дунёқарашни шакллантириш йўлида фидокорона меҳнат қилдилар.

1989–2007-йилларда «Фалсафа тарихи ва мантиқ» кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган профессор С.А.Йўлдошев кафедра аъзолари билан ҳамкорликда Шарқ ва Ғарб халқлари тарихи, Марказий Осиё халқлари фалсафаси ва

ижтимоий-ахлоқий қарашларини ўрганиш билан бир қаторда, мантиқ фанининг кенг қамровли ўрганилишига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келган. Покистон ва Эрон фалсафасини Ўзбекистонда чуқур ўрганилишига муносиб ҳисса қўшган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил 28 январдаги фармонига кўра, Тошкент Давлат университетига «Миллий» мақоми берилиши, факультет профессор-ўқитувчиларига масъулият юклаши билан бир қаторда янги фаолиятга чорлади. Улар фалсафий билимларни, янгиланган тафаккур нуқтаи назаридан ёритиш бўйича фаол иш олиб бордилар.

2002 йилда янги «Фалсафа ва фан методологияси» кафедрасининг ташкил қилиниши фалсафадаги ижтимоий муаммолар билан бир қаторда, фундаментал масалаларнинг ўрганилишига кенг имкониятлар яратди. «Фалсафанинг умумназарий масалалари» илмий мактабига асос солинди. Бугунги кунда ушбу мактаб тадқиқотчилари томонидан «геронтология» – қарилик муаммоси, «феноменология» – инсоннинг индивидуал ижтимоий онгига таъсир қилувчи омиллар муаммоси, «герменевтика» – тушуниш ва тушунтириш муаммоси, «танатология» – ўлим ва барҳаётлик муаммоси, «эпистемология», «фан фалсафаси», «Ижтимоий вақт», «Синергетика», «Диалог тушуниш воситаси» каби муаммоларнинг фалсафий таҳлилига қизиқишнинг кундан-кунга ортиб бориши янги авлод файласуфларининг юқори интеллектуал салоҳиятга эгалиги ва айни пайтда уларни илмга йўналтирувчи муносиб устозлар борлигидан далолат беради.

Ўтган йиллар давомида факультет битирувчилари нафақат педагогик фаолияти, балки илмий салоҳияти билан фалсафий фанлар бўйича янги ўқув адабиётларини яратиш жараёнида ҳам фаол иштирок қилдилар. И.Саифназаров муаллифлигида «Курс лекций по философии» (2001), «Илмий ижод методологияси» (2004), «Фанларнинг фалсафий масалалари» (2007), И.Раҳимов А.Ўтамуродов ҳамкорлигида «Фанларнинг фалсафий масалалари» (2005), Д.Файзихўжаева ва М.Шариповлар ҳаммуаллифлигида «Мантиқ» (2004) ўқув қўлланмалари, С.Мамашокиров таҳрири остида «Falsafa» (2005 лотин тилида), «Ўзбекистонда янги жамият қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари» (2005), «Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий мафкуравий масалалари» (2007) ўқув қўлланмалари, Қ.Назаров таҳрири остида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» (2001), «Фалсафа қомусий луғат» (2004), «Ғарб фалсафаси» (2004), «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар» (2005), «Миллий ғоя асосий тушунча ва тамойиллари луғати» (2005), «Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти» (2008) китоблари, якка муаллифлигида «Билиш фалсафаси» (2005), «Қадриятлар фалсафаси» (2004) ўқув қўлланмалари, Н.А.Шермухамедова муаллифлигида «Философия и методология науки» (2003) ўқув қўлланмаси, «Фалсафа ва фан методологияси» (2005), «Гносеология» (2007), «Гносеология – билиш назарияси» (2011) дарсликлари, А.Очилдиевнинг «Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар» (2004), «Маданият фалсафаси» (2010), Е.Эмированинг «Методика преподавания философии» (2004), шунингдек, А.Стрельцова билан ҳамкорликдаги «Введение в специальность» (2008) ўқув қўлланмаси, С.Парманов, О.Ноуменконинг «Традиционные и альтернативные философские взгляды о познании» (2007) ўқув-услубий қўлланмаси каби қатор янги адабиётларининг нашр қилиниши факультетнинг катта илмий салоҳиятга эгалигидан далолат беради.

ЎзМУнинг 90 йиллик тарихида Фалсафа бўлимининг 45 йиллик, фалсафа факультетининг 30 йиллик фаолияти ўз ўрнига эга. Зеро, бугунги кунда янгиланган тафаккур эгалари ўзбек фалсафасининг номини дунёга танитмоқдалар. Азалий фалсафий муаммоларга янгича ёндошмоқдалар. «Устоз ва шогирд» мактабининг янги авлоди шаклланмоқда, янги илмий мактабларга асос солинмоқда. Факультетнинг 1500 мингдан ортиқ битирувчилари орасида шу йиллар давомида 40 та фан докторлари ва 200 дан ортиқ фан номзодлари илмий даражасига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Ўзбекистонда фалсафа фанининг ривожига нафақат фалсафа факультети профессор-ўқитувчилари, балки 1957 йилда И.М.Мўминов ташаббуси билан ташкил қилинган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Фалсафа ва ҳуқуқ» институтининг илмий ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Илмий-тадқиқот институтида дастлаб «Табиатшунослик», «Фалсафа тарихи» бўлимлари фаолият олиб борди. Кейинчалик институт таркиби янги ёш миллий кадрлар билан бойиб борди ҳамда «Диалектика ва билиш назарияси», «Ижтимоий фалсафа», «Этика» каби бўлимлар ташкил қилинди. Институтнинг асосий фаолияти фалсафа, фан ва маданият тарихини объектив ўрганиш, маънавиятнинг янги миллий қирраларини излаш, халқ маънавиятини янги билимлар билан бойитиш, миллатнинг маърифий руҳини кўтаришга йўналган эди. Бу соҳада Иброҳим Мўминов, Музаффар Хайруллаев, Мўбин Баратов, Эркин Юсупов, Карим Содиқов, Мираҳмад Абдуллаев, Ҳайдар Алиқулов, Расул Носиров, Муҳаммаджон Болтаев, Анвар Шарипов, Гулчеҳра Наврўзова ва бошқаларнинг илмий-тадқиқотлари эътиборга сазовордир.

Ижтимоий фалсафа, этика, эстетика, маданиятшунослик фалсафаси соҳасида Рустам ва Тельман Абдушукуровлар, Ҳайдар Пўлатов, Абдулхай Валиев, Ойсара Умрзоқова, Наим Ғойибов, Абдувосид Йўлдошев, Махмуд Абдуллаев, Манзура Холматова, Саид Шермухамедов, Қўчқор Хоназаров, Хотима Шайхова, Абдулхафиз Жалолов, Жўравой Яхшиликов, Зуҳра Қодирова, Қиём Назаров, Виктор Алимасов, У.Облековлар самарали ишладилар ва ишламоқдалар.

Онтология ва билиш назарияси, табиатшунослик фалсафаси, фан методологияси бўйича Жондор Туленов, Баҳром Исмоилов, Омонулла Файзуллаев кабилар бошлаган анъаналарни, Маҳбуба Абдуллаева, Бахтиёр Каримов, Бахтиёр Тўраев, Раъно Имомалиева, Эътибор Ҳошимова, Шуҳрат Қўшоқов, Ҳакима Саломова, Оқил Файзиев, Зиёдулло Давронов, Нигина Шермухамедова, Алима Бердимуродова, Нариман Эшметов, Шавкат Мамадалиев, Карима Туленова, Эмина Иззетова ва бошқалар давом эттирмоқдалар.

2002 йилда Қиём Назаровнинг ташаббуси билан «Фалсафа ва ҳуқуқ» журналининг ташкил қилиниши институт ходимларининг илмий фаолияти самарадорлигини янада оширишга ҳамда ёш олимларнинг илмий изланишлари ҳақида кенг жамоатчиликнинг хабардор бўлиши ва фалсафий мулоқотлар олиб борилишидаги дадил қадам бўлди.

Биргина 2003 йилда институт ходимлари 31 та турли йўналишдаги илмий-тадқиқот лойиҳасига эга бўлдилар. Бугунги кунда «Фалсафа ва ҳуқуқ» институти янги ёш кадрлар билан бойиб бормоқда.

Фалсафа тарихи ва тарих фалсафасини таҳлил қилишда И.А.Каримов айтганларидек, «Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишдан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий – умумбашарий руҳ билан бойитиш халқимизнинг долзарб вазифасидир»[1]. Шу маънода, ўзбек фалсафасининг етакчи вакиллари Шарқ фалсафаси тарихини ўрганиш ва ундаги гуманистик ғояларни «... ҳалқимиз соддагина қилиб, «ўзбекчилик» деб атайдиган, меҳр-оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олижаноб фазилатларни»[2] келгуси авлодга етказиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар. Қуйида кўп сонли ўзбек фалсафасининг энг йирик вакиллари таълимотлари билан танишамиз.

И.Мўминов (1908–1974) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. И.Мўминов томонидан 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналига асос солиниши илмий-тадқиқот ишлари таркиби ва мавзулари доирасининг нисбатан кенгайтирилиши, ижодий эркинликка йўл очди. 1957 йилда И.Мўминов ташаббуси билан ЎзФА ҳузурида «Фалсафа ва ҳуқуқ институти» ташкил қилинган, Ўзбек энциклопедиясининг биринчи масъул муҳаррири бўлган.

И.М. Мўминов ўзбек файласуфларидан биринчи бўлиб, совет тузумининг миллатни маънавий қадриятлардан маҳрум этиш, миллий онгни бузиш ва ўз-ўзини англашга йўл қўймасликка интилиб, коммунистик мафкурани шакллантиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган бир пайтда, тарихий ва маънавий меросни, ўзбек халқи ва Марказий Осиёнинг бошқа халқлари яратган бой маънавий қадриятларни ҳар томонлама ўрганди.

И.М. Мўминовнинг Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган Халқаро конференцияда «Беруний – энциклопедист олим» мавзусидаги маърузаси ва «Хоразмлик буюк энциклопедист» монографиясининг ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида нашр қилиниши оламшумул воқеа бўлди. Хусусан у «Биз буюк хоразмлик олим Берунийга ватанпарварлиги, инсонпарварлиги учун, олимнинг қувончи ва бахтини умуминсонийлик ва миллийлик, умумийлик ва хусусийлик бирлигида кўра олгани учун буюк ҳурмат билан қараймиз. Берунийда ватанпарварлик изчил инсонпарварлик билан узвий боғланиб кетади»[3], деб эътироф этади. Ўша даврда ўтмиш мутафаккирлари ва олимларининг инсонпарварлик салоҳияти, қарашлари ва таълимотларидаги нодир миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган ёки улар инкор қилинган бир вазиятдаги бу саъй-ҳаракат миллий фалсафа ривожидаги дастлабки учқун бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Олим турли манба ва илмий адабиётлардан фойдаланган ва уларни шарҳлаган ҳолда Амир Темурнинг шахси ва фаолиятини объектив таҳлил қилишга ва баҳолашга ҳаракат қилди. И.Мўминов ўша даврдаги илм аҳлини Амир Темурнинг

[1] Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996 й. 260-б.

[2] Ўша манба: 296-б.

[3] Қаранг: Шермухамедов С. Халқ маънавияти ва маърифатига бахшида этилган умр. –Т.: «Фан», 2004 й. 4-б.

миллий давлатчиликни шакллантиришдаги ролига тўғри баҳо беришга чақирди ва 1969 йилда ЮНЕСКО ҳомийлигида Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллиги, Темур ва Темурийлар давридаги Ўрта Осиё санъатини ўрганишга бағишланган конференцияда «Амир Темурнинг Ўрта Осиёда тутган ўрни ва роли» мавзусида маъруза қилди, жиддий муҳокамалардан сўнг маъруза ўзбек ва рус тилларида нашр қилинди. У «Бундай шахснинг юзага келиши даврнинг, замоннинг тақозоси, Чиғатой улусининг зулми, майда феодал бекларни ваҳшиёна эзиши, мўғул хонлари, Олтин Ўрда бекларининг Мовараунноҳрдаги тўхтовсиз босқинчилик юришлари, азобланган, хонавайрон бўлган, 150 йил давомида чет эл ҳукмронлигидан тинкаси қуриган мамлакатнинг, халқнинг мустақилликка эришиш талаби эди. Бу тарихий зарурият Темурда, унинг лашкарбошиларида равшан кўринди. Темур давлат арбоби сифатида маълум даражада бу эҳтиёжни, талабни, заруриятни ўзида акс эттирди, яъни Мовароуннаҳрда мустақил марказий бирлашган давлат тузди, мамлакат эҳтиёжларига жавоб берди. Мулкдор синфлар, савдогарлар, карвонсарой эгалари ҳамда маълум маънода аҳоли талабларига пешвоз чиқиб, мамлакатнинг кўп жойларида қурилишлар қилдирди, камида юз йигирма йил давомида нисбатан осойишталик ўрнатди. Бу шубҳасиз, мамкалакатда иқтисод, маданият, фан, адабиёт ва санъатнинг ўсишида муҳим омил бўлди. Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги хизмати, бизнингча ана шулардан иборатдир»[1], деб таъкидлади.

И.Мўминов «Амир Темур Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки Русга ва бошқа Европа халқларига, шунингдек, Шимолий Африка халқларига, биринчи навбатда Миср халқига ёрдам кўрсатди»[2], деб таъкидлади. Бу асари билан И.Мўминов баъзи тарихчиларнинг «Амир Темур ўзидан вайрона ва кулдан бошқа ҳеч нарса қолдирмади», «Темур ва Чингизхон бир тарзда иш кўрди» деган уйдирма даъволарнинг асоссиз эканлигини исботлади. Бу тоталитар мафкура ҳукмронлик қилган даврдаги буюк жасорат намунаси эди. Шу боис, И.Мўминов маъмурий-буйруқбозлик тизими мафкурасининг кескин танқиди ва адолатсиз тазйиқига учради. Чунки марксистик мафкура учун миллатнинг ўз-ўзини англашга асос бўладиган илмий-тарихий далиллар эмас, балки миллатлар ва халқларни тарихий илдизларидан ва қадриятларидан узиб қўядиган коммунистик онгни шакллантириш муҳимроқ эди. Шундай бўлса-да, 1976–1977-йилларда унинг 4 жилдлик «Танланган асарлари» нашр қилинди. Ушбу китобларга И.Мўминовнинг нафақат Ўрта Осиё мутафаккирлари, (М.Бедил, А.Беруний, М.Қошғарий, А.Навоий, А.Жомий), балки Ғарб фалсафаси намояндалари (Гегель, Кант, Юм, Фихте) ижодига бағишланган асарлари жамланган.

Мустақилликка эришгач, Мўминовнинг ижоди ва жамоатчи арбоб сифатидаги фаолиятига муносабат ўзгарди. У фан, фалсафа равнақига қўшган ҳиссаси учун «Буюк хизматлари»ордени билан тақдирланди. «Фалсафа ва ҳуқуқ институти» унинг номи билан аталди. И.Мўминов яратган илмий мактабнинг дастлабки қалдирғочлари ўз мактабларини яратишга муяссар бўлдилар ва устоз ишини давом эттирдилар.

---

[1] Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. 2-нашр. –Т.: «Фан», 1993 й. 54–55-б.

[2] Ўша асар: 52–53-б.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда нафақат фалсафа тарихи, балки диалектика ва билиш назарияси масалаларини ўрганишга ҳам эътибор қаратилган. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Фалсафани ўзагини ташкил этадиган диалектика фани бўйича ҳозир олий ўқув юртларимизда қандай дарсликлар бор? Дунёни диалектик нуқтаи назардан баҳолашда, бугунги ўта мураккаб ва шиддатли жараёнларни англаш, уларга муносабат билдиришда қайси йўналишлар сизга маъқул?»[1]. Дарҳақиқат, шўролар даврида илмий билим марксизм ғоялари билан суғорилган бўлса-да, баъзи файласуфлар ижодида билим ўзининг ҳақиқий маъносида ифодасини топа олди. Шундай олимлардан бири Жондор Туленовдир.

Туленов Жондор (1927–2002) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. Асосий ижоди диалектика ва билиш назарияси, илмий тафаккур услуби масалаларига бағишланган.

XX асрнинг 70–80-йилларида фалсафани ўрганишда нисбатан эркинлик шаклланди ва шу боис диалектик мантиқнинг ривожига йўл очилди. Ўзбекистонда Ж.Туленовнинг диалектика мактаби шаклланди. Қозоғистонлик ўзбек олими 1971 йилдан Ўзбекистонда илмий фаолиятини давом эттиради. У 350 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Ж.Туленов ўзининг «Қонун фалсафий категория сифатида» («Закон как философская категория», 1959) асарида қонунлар тузилиши жиҳатидан уч асосий компонентлардан иборат деб кўрсатади. Улар: 1) объектив асосга эга, яъни предмет ва ҳодисаларнинг умумий нисбатан барқарор зарурий алоқаларини ифодалайди; 2) ҳаракатнинг ўзига хос усулига эга, яъни воқеалар характери ва йўналишини аниқлайди; 3) юқорида кўрсатилган икки компонент ўртасида боғловчи элемент вазифасини бажарувчи муайян шароитлар мавжудлигида намоён бўлади. Демак, *қонун – бу предмет ва ҳодисаларнинг зарурий, нисбатан барқарор муносабатлари мажмуи бўлиб, улар воқеаларнинг йўналиши ва характерини аниқлайди*. Қонун намоён бўлишининг турли шакллари билан характерланади. Қонуннинг намоён бўлиш шаклларига қуйидагилар киради: 1) қонуннинг стихияли англанилган куч сифатида намоён бўлиши; 2) қонуннинг ҳукмрон тенденция ва аниқ шаклда намоён бўлиши (динамика ва статика қонунлари); 3) қонуннинг катта ва кичик куч билан ҳаракати.

Объектив қонунлар тизими ҳам турли туманлиги билан характерланади: 1) қонун қамраб олган объектив жараёнлар нуқтаи назаридан табиий ва ижтимоий қонунлар фарқланади; 2) жараёнларга таъсир даражаси нуқтаи назаридан асосий ва асосий бўлмаган қонунлар; 3) ҳаракат шароитлари нуқтаи назаридан хусусий, умумий ва энг умумий қонунлар фарқланади. Ушбу қонунлар ижтимоий тараққиётда ўз ифодасни топади.

Ж.Туленовнинг категориялар ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, у: а) диалектика категориялари объектив дунёнинг умумий қонуниятларини ифодалайди ва онтологик мазмунга эга; бу инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган воқелик ривожланиши ва ҳаракатининг алоқадорлиги билан боғлиқ умумий қонун; 2) диалектика категориялари умумий тушунчалар сифатида инсон фикрининг шаклидир ва билишнинг таянч нуқтаси

[1] Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. –Т.: «Ўзбекистон», 2006 й. 280-б.

ҳисобланган мантиқий мазмунга эга; 3) диалектика категорияларининг шаклланиши ва ривожланишининг асоси бўлган амалиёт инсоннинг моддий-маънавий фаолияти мажмуи сифатида намоён бўлади, шунинг учун диалектика категориялари ижтимоий амалиётнинг маҳсули ҳам дейилади; 4) диалектика категориялари амалиётда пайдо бўлиб, амалиётга хизмат қилади; 5) диалектика категорияларининг муҳим хусусияти уларнинг ўзгарувчанлиги ва эгилувчанлигидир[1], деб эътироф қилади. Муаллиф «Диалектика категорияларининг эгилувчанлиги» («Проблема гибкости категорий», 1981), «Диалектика категорияларнинг ўзаро алоқадорлиги» («Взаимосвязь категорий диалектики», 1986) асарларида биринчи бўлиб, диалектика категорияларининг зиддиятлилиги, уларнинг ривожи, ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро бир-бирига ўтишини, категориялар эгилувчанлигининг фан ва амалиёт учун аҳамиятини асослаган. Ж.Туленов диалектика қонун ва категорияларининг айнийлиги ва фарқлари масаласи ҳақида ҳам тўхталади. У ўзининг «Диалектика ва илмий тафаккур услуби» («Диалектика и стиль научного мышления», 1983) асарида биринчи марта, инсон ижодий фаолиятида тафаккур услубининг ўрни ва ролини ёритиб беради. Инсоннинг кундалик тафаккур услубидан илмий тафаккур услубига ўтишига таъсир қилувчи омилларни, диалектик, метафизик, софистик, эклектик тафаккур услубларининг тарихий ривожланиш босқичларини ёритиш билан бир қаторда, илмий тафаккур услубига таъриф берган. Совет даврининг қақшатқич тазйиқи остида Ж.Туленов 3 марта «Диалектика ва билиш назарияси» (1984, 1986, 1989) мавзусида Халқаро илмий конференция ўтказди ва бу билан ўзбек фалсафасининг ривожига ўз ҳиссасини қўшди..

Мустақил Ўзбекистонда Ж.Туленов ижодининг янги қирралари намоён бўлди. Бу даврда у ижтимоий диалектика масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Ҳаёт фалсафаси (1993) асарида фалсафий билимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг сиёсат билан боғлиқлиги, мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий янгиланиш жараёнларини тушуниш учун фалсафий маданият ва сиёсий тафаккурни шакллантириш лозимлигини таъкидлайди. «Мустақиллик ва миллий тикланиш» (1996) асарида Ўзбекистон мустақиллигининг тарихий аҳамияти, янги сиёсий тизим, кўпукладли иқтисод ва бозор муносабатларига ўтишда, мустақил давлатнинг маънавий, маданий ва ахлоқий асосларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, миллий мустақиллик мафкурасининг мақсади ва йўналишларини аниқ англаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари ёритилган. «Қадриятлар фалсафаси» (1998) асарида қадриятларнинг моҳияти, уларнинг турлари (табиий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, эстетик ва ҳ.к.) маъмурий буйруқбозлик ҳукмронлик қилган тузумда миллий қадриятларнинг қадрсизланганлиги, мустақиллик даврида қадриятларга муносабатнинг ўзгарганлиги, миллий тикланиш, миллатнинг ўз-ўзини англаши мустақилликни сақлашнинг асосий омили бўлишини эътироф этган.

Туленовнинг сўнгги асари «Диалектика назарияси» (2001) бўлиб, унда олим диалектикани синергетика билан алмаштиришга, диалектикани ўлдига чиқаришга ҳаракат қилган баъзи сохта олимчаларга қақшатқич зарба беради. Диалектиканинг фан ва таълимот сифатидаги тарихий тараққиётини, унинг энг қадимги ва ҳозирги замон билишининг методларидан бири эканлигини, буюк мутафаккир-

[1] Туленов Ж.Т. Взаимосвязь категорий диалектики. –М.: «Мысль», 1986 г.

лар ал-Форобий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Мирзо Бедил асарлари асосида диалектиканинг ижтимоий жараёнларни билишдаги аҳамияти, унинг глобал характерини ёритган. Ж.Туленов талабалар учун қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратган, умрининг охиригача халққа хизмат қилган буюк олим эди.

И.А.Каримов айтганларидек, «Шахс имкониятлари бизда жуда чуқур ирсий асосларга эгадир. Республикамизда жаҳон фани ва техникаси, фалсафа ва ҳуқуқ ютуқларини эгаллаб олган ва шу билан бирга ўз халқига яқинликни сақлаб қолган кишилар жуда кўпдир»[1]. Улар ўзларининг ҳалол меҳнати билан аждодлар ишини давом эттирган ҳамда ҳозирги кунда ҳам мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизациялаштириш жараёнига муносиб ҳиссасини қўшмоқдалар. Қуйида мамлакатимизда ижтимоий фалсафа ва маданият фалсафаси фани равнақига муносиб ҳисса қўшган файласуф олимлар ҳақида сўз юритамиз.

Валиев Абдулхай (1929–2002) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. Асосий илмий ижоди жамият тараққиётида миллий зиёлиларнинг роли масалаларига бағишланган. У бу жараённинг ўзига хос хусусиятларини, Ўзбекистонда миллий зиёлилар фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини асослаган. Совет тузуми ҳукмронлиги авж олган 1966 йилда А.Валиев «Ўрта Осиёда миллий зиёлиларнинг шаклланиши» асарида ишчи деҳқонлар орасидан иқтидорлиларини танлаб, миллий раҳбар кадрларни тайёрлаш лозимлиги ҳақидаги ғояни илгари сурган. У турли тоифадаги зиёлилар дунёқараши, онги, психологияси, кайфиятидаги зиддиятларни очиб беришга ҳаракат қилган. А.Валиев 30-йилларда қатағон қилинган машҳур давлат арбоблари, миллий зиёлилар Ф.Хўжаев ва Т.Рисқуловнинг машъум тақдири ҳақида очиқ фикр юритган. 1969 йилда эса Ўрта Осиёдаги миллий зиёлиларнинг давлат бошқарувидаги роли масаласига бағишланган асарида 1917–1960-йиллардаги зиёлиларнинг ижтимоий эволюцияси, ишлаб чиқариш соҳасидаги зиёлиларнинг халқ хўжалигини тиклашдаги роли, илмий техникавий тараққиётда илмий зиёлилар фаолиятининг ўрни, миллий зиёлиларнинг жамият маънавий ҳаётига таъсири ҳақида фикр юритади. Илмий фаолият билан бир қаторда А.Валиев жамоат ишларида ҳам фаол иштирок қилган. 1961–65-йилларда у «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали бош муҳаррири ўринбосари ва «Ўзбек энциклопедияси»нинг бош муҳаррири биринчи ўринбосари лавозимида ишлаган. Ўзбек энциклопедиясининг биринчи 8 жилдлигини нашрга тайёрлашда фаол иштирок қилган.

Мустақиллик йилларида А.Валиев мустақиллик буюк неъмат эканлиги ва уни асраш, авайлашда ўзбек зиёлиларининг роли муҳим эканлигини англаган ҳолда, умрининг охиригача янги авлод миллий кадрларини тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди.

Юсупов Эркин (1928–2003) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. Асосий илмий ижоди ижтимоий фалсафа ва маданият назарияси соҳаси билан боғлиқ. У мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ миллатлараро муносабатлар соҳасида мамлакатда узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган ҳал этилмай келган қатор муаммолар, уларнинг пайдо бўлиш, ривожланиш ва кескин-

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996 й. 82–83-б.

лашиш сабаблари, объектив омиллари ва субъектив заминларини таҳлил этган. Шунингдек, Э.Юсупов миллий манфаатлар ва миллий муносабатларнинг диалектик алоқадорлиги, миллатлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига эътибор берган. Э.Юсупов ўзининг «Инсон камолотининг маънавий асослари» (1998) асарида инсон маънавий камолотининг жамият тараққиёти билан ўзаро боғлиқлиги, ахлоқ, одоб, имон, виждон, эътиқод, маданият, маърифат каби омилларнинг жамият тараққиётига таъсири, улар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий йўлларидан бири эканлигини таҳлил этган. Хусусан, у «Ахлоқнинг мезонлари жамият тараққиётининг умумий имкониятлари ва эҳтиёжлари алоҳида этник гуруҳлар яшаётган, меҳнат қилаётган шароитлар уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Барча инсониятга хос бўлган руҳий бойлик-ахлоқ турли конкрет тарихий шароитларда, турли мамлакатлар ва халқларда ўзига хос шаклларда намоён бўлади»[1], деб таъкидлайди. «Оила маънавият булоғи» асарида Э.Юсупов мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлаш, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, маънавий етук, жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳақида фикр юритади, шунингдек, оилада ота-она ибрати, фарзандлик бурчи, фарзанд тарбиясига хос бўлган ахлоқий қадриятлар, оилавий муносабатларнинг диний ва миллий жиҳатларига эътибор қаратади. Унинг фикрича, «Аҳил оилада ҳал қилувчи сўзни ота айтади, бу сўздан олдин у, албатта, оила аъзоларининг фикр ва манфаатини эътиборга олади, шу сабабли ҳам миллий анъаналаримизда отадан олдин сўзлаш ёки ота ўрнига сўзлаш, унинг сўзини бўлиш ҳам беодобликнинг белгиси ҳисобланади»[2]. Э.Юсуповнинг сўнгги «Фалсафа – баҳс ва мунозаралар майдони»[3] мақоласида «Фалсафа шундай фанки унинг муаммолари таҳлилида даврнинг илдамлаб бораётган зиддиятли руҳи тўла ва тўғри акс этиши керак. Фалсафа ҳар қандай кашфиётни, фан соҳасидаги янгиликни мутлақ ҳақиқат деб тан олмайди, ҳар бир муаммо таҳлилидан олдин бу нима учун шундай, бошқача бўлиши мумкин эмасми? деб савол қўяди... Фалсафа тарихида жамият ва фан тараққиёти олдига бундай саволлар қўйилмаган давр бўлмаган ва бўлмайди ҳам, шу сабабли фалсафий муаммолар таҳлили доим кескин баҳс ва мунозаралар майдони бўлган»[4], деб таъкидлайди. Э.Юсупов миллий кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам жиддий ёндошган. Олим умрининг охиригача ЎзМУ фалсафа факультетида талабаларга фалсафа илмидан дарс берган.

М.М.Хайруллаев (1931–2004) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган етук олим, жамоат арбоби. Асосий фаолияти Абу Наср Форобийнинг илмий ижодини ўрганиш ва шарҳлашга бағишланган. У «Буюк сиймолар» (1996 й. 2 жилд) ва «Маънавият юлдузлари» (1999) асарларининг масъул муҳаррири. М.Хайруллаев Форобий ижодини қайта кашф этган олим. У Форобий ижодидаги материализм ва идеализмни бир-бири билан аралаштимаслик

[1] Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Т.: «Университет», 1997 й. 37-б.

[2] Юсупов Э. Оила маънавият булоғи. –Т.: УАЖБТ маркази, 2003 й. 37-б

[3] Юсупов Э. Фалсафа баҳс ва мунозаралар майдони // «Жаҳон адабиёти», 2003 й. №8. 157-б.

[4] Юсупов Э. Фалсафа баҳс ва мунозаралар майдони // «Жаҳон адабиёти», 2003 й. №8. 157-б.

керак деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, Форобий томонидан Худонинг тан олиниши идеализм бўлса, астрономия, математика, мантиқ соҳасидаги кашфиётлари материализмдир. Чунки бу соҳаларда нарсалар йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди. Масалан, Ер, Қуёш, Ой, сайёралар ҳаракатлари орасидаги муносабатларнинг объективлиги доимо бир хилдадир[1]. М.Хайруллаев коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган даврда, Форобий идеализмини тан ола олди ва унинг ижодидаги идеалистик ва материалистик ғояларни шарҳлади. М. Хайруллаев етук олим бўлиш билан бир қаторда жамоатчи ҳам эди. У узоқ йиллар давомида ЎзФА «Шарқшунослик» институтида директор лавозимида ва «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналининг масъул муҳаррири лавозимида ишлаган.

Баратов Мўбин (1934–2005) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. Асосий илмий ишлари Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий меросини ўрганишга бағишланган. Жумладан, унинг «Ибн Сино фалсафаси» асарида буюк мутафаккир ижодининг янги қирралари очиб берилган. Мўбин Баратов ҳар қандай жамиятни ҳаракатлантирувчи куч маънавий омил деб таъкидлайди ва ўзбек халқида тарихан маънавий қадриятларга содиқлик шаклланган, ҳозирги кунда уларни давр руҳига мослаштириш лозим, деб ҳисоблаган.

Пўлатов Ҳайдар Пўлатович (1929–1994) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. Асосий илмий ишлари ижтимоий фалсафа, ахлоқ ва маданият назарияси муаммоларига бағишланган.

Базарбаев Джуманазар (1933) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. Асосий илмий ишлари ижтимоий фалсафа ва маданият назарияси муаммоларига бағишланган.

Турсунмуҳамедов Саттар Позилҳақович (1929) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. Асосий илмий ишлари саноат ва қишлоқ хўжалик меҳнати, ижтимоий гуруҳлар, табақалар, мулкдорлар синфининг шаклланиши, ижтимоий жараёнлар, жамиятнинг сиёсий тизими, мустақиллик йилларида эса, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида кучли ижтимоий сиёсатнинг аҳамияти масалаларига бағишланган.

Шермухамедов Саид (1930) академик, фалсафа фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонда маданият назарияси ва тарихи илмий мактабининг асосчи. Шунингдек, у «Ижтимоий фалсафа», «Педагогика тарихи ва назарияси», «Сиёсатшунослик», «Социология», «Этика», «Эстетика», «Маданиятшунослик» каби йўналишларда жами 570 яқин илмий ва илмий-оммабоп ишларнинг муаллифи. Ўзининг «Ўзбек халқи маданиятининг миллий шакли» (1961) монографиясида ўзбек халқи маданияти қадимий илдизларга эгалиги ва ҳар қандай маданият замон руҳига мослашиб, янгиланиб бориши ва айни пайтда миллий руҳи сақланиб қолишини таъкидлайди. С.Шермухамедов нафақат ўзбек миллати, балки бошқа миллат маданиятини ҳам ўрганиш асосида миллий маданиятларда ўзаро уйғунлик ва ўзаро алоқадорлик бор, бироқ ҳар бир миллатнинг миллий ўзига хослиги миллатларни бир-биридан фарқини кўрсатади, деб ҳисоблайди. Олим маданиятнинг гуманистик асослари, замонавий маданиятнинг шаклланишида миллий ва умуминсоний маданият уйғунлигига алоҳида эътибор қаратади.

[1] Файзуллаев О. XX аср зиёлилари. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2008 й. 97–98-б.

Совет тузуми даврида С.Шермухамедов ташаббуси билан жами тўртта (1978, 1980, 1982, 1984,) миллий маданият масалаларига бағишланган Халқаро конференциялар ўтказилди. Уларда жаҳон ҳамжамияти вакиллари иштирок этдилар.

Мустақиллик йилларида С.Шермухамедов миллий истиқлол ғояси, янгиланаётган жамиятнинг асл моҳиятини аҳоли турли қатламлари, айниқса, ёшлар онгига сингдиришнинг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, «Янгиланаётган жамиятга – янгиланган фалсафа» (1993), «Маданият ва цивилизация» (1996), «Давримиз алломаси» (1998), «Биз қандай жамият қурмоқдамиз» (1999), «Истиқлол қуёши» (2002), «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва фалсафанинг равнақи» (2005), «Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт» (2005), «Инсон фалсафаси» (2009) каби асарлар яратди ва улар илмий жамоатчилик томонидан муносиб баҳоланди. Олим, ушбу асарларида совет тузуми даврида фалсафа фанини сиёсийлаштириш оқибатлари ҳақида фикр юритади ва янгиланган фалсафанинг, энг аввало, гуманистик, сўнгра дунёқарашли, тарбиявий, қадриятли, интегратив, ахлоқий функцияларига таъриф беради. «Биз қандай жамият қурмоқдамиз» асарида у миллий мустақилликнинг аҳамияти, жамиятнинг демократиялашуви жараёнида янгиланган тафаккурни шакллантиришнинг заруриятини асослайди. С.Шермухамедов С.Мирзаев билан ҳамкорликда яратган «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи», «Ойбек ва ўзбек адабиёти», «Комил Яшин ижоди», «Адабиётнинг ҳамкорлиги ҳаёт тақозоси», «Абадиёт ва санъатда принциплар» каби китоб ва рисолалари, унинг нафақат файласуф олим, балки ўзбек адабиётининг ҳақиқий ихлосманди эканлигидан далолатдир. Хусусан, «Ҳозирги ўзбек адабиёти тарихи» (1985) қўлланмасида олим замон зайлидан чўчимасдан, ҳар бир адиб, шоир ва умуман адабий муҳит ҳақида холисона фикр билдирган. Олим барча асарларида инсон омилини биринчи ўринга қўяди ва шогирдларини Бедилнинг «Гарчи душманни дўст қилолмасанг, дўстни душман қилмагин», – деган нақлига амал қилишга чорлайди.

С.Шермухамедов устозга садоқатли шогирд ва шогирдпарвар устоз ҳамдир. У устози И.Мўминовнинг 80, 85, 90, 95, 100 йиллик юбилейларини ўтказиш, туғилган юртида музей ташкил қилишда фаол иштирок қилди, устозининг бой илмий мероси, ижоди ва фаолияти ҳақида қатор рисолалар яратди.

С.Шермухамедов «Маданият фалсафаси ва тарихи» илмий мактабида 130 дан ортиқ шогирдлар тайёрлади, улар бугунги кунда республикамиз Олий ўқув юртлари, давлат ташкилотларида турли лавозимларда ишлаб, юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида меҳнат қилмоқдалар. Устоз ҳозирги кунда ҳам ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Фалсафа жамияти. 1973 йилда Ўзбекистон Фалсафа жамияти ташкил қилинган ва унинг раиси этиб Иброҳим Мўминов сайланган. И.Мўминов вафотидан сўнг, 1974–1980-йилларда Музаффар Хайруллаев, 1980–1986-йилларда Қ.Хоназаров, 1988–1990-йилларда Эркин Юсупов кабилар Ўзбекистон Фалсафа жамияти раиси лавозимида ишлар эканлар, асосий эътиборни Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган файласуфларнинг ижодий ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг аждодларга муносиб авлод эканлигини дунё ҳамжамиятига таништиришга қаратдилар. Шу боис, ўзбек файласуфлари мунтазам Халқаро конференциялар ва Жаҳон Фалсафа Конгрессларида иштирок этганлар.

1990 йилдан буён Саид Шермухамедов раҳбарлигида Ўзбекистон Фалсафа жамияти ҳузурида «Фалсафа фанининг долзарб муаммолари» бўйича доимий республика илмий назарий семинари ташкил этилган. Унда республикамизнинг таниқли файласуфлари шунингдек, бошқа фан вакиллари XXI аср фанининг долзарб муаммолари билан бир қаторда, маънавий юксалиш, жамиятни демократлаштириш ва модернизациялашнинг устувор йўналишлари ҳақида фикр алмашадилар. 2001 йилда ЮНЕСКО қарорига биноан ҳар йили ноябр ойида нишонланадиган «Жаҳон фалсафа куни» арафасида Фалсафа жамияти раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан, фалсафа фани ривожига ҳисса қўшаётган етакчи олимлар ва ёш тадқиқотчилар муносиб тақдирланиб келмоқда. Ёшларда фалсафий мушоҳада юритишни такомиллаштириш мақсадида «Ақл машқи», «Тафаккур шайдолари» каби тўгараклар ташкил қилинган. Шу билан бирга республика фалсафа кафедралари фаолиятини ўрганиш бўйича «Энг яхши кафедра», «Энг яхши дарслик», «Энг яхши талаба рефератн» номинациялари бўйича танловлар эълон қилиниб, муносиб топилган номзодлар тақдирланмоқда.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 1998 йилда ташкил қилинган, 2001 йилгача унинг раиси Иномжон Раҳимов бўлган. 2001 йилдан ЎФМЖ раиси Қ.Назаровдир. Жамият қошида ташкил этилган нашриётда унинг аъзолари фалсафа, миллий ғоя ва мафкурага оид янги туркум адабиётларни яратиш, нашр қилиш ва улар орқали аҳоли турли қатламлари онгида дунёни фалсафий идрок этиш, ўз-ўзини англаш, ҳаётнинг мақсадини кўриш ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда фаол иштирок этиш билан шуғлуланмоқдалар.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида фалсафа фани янада равнақ топди. Фалсафа илмини ривожлантириш мақсадида вилоятларда, хусусан, Қорақалпоғистон Давлат университети, Бухоро Давлат университети, Самарқанд Давлат университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Фалсафа» бўлимлари ташкил қилинган ва унда етакчи мутахассислар фаолият олиб бормоқдалар.

Хулосалар. Инсоният тараққиётида ҳар бир давр анъанавий фалсафий муаммоларни илгари сурган ва уларни ўз даври дунёқараши таъсирида ҳал қилишга ҳаракат қилган.

Фалсафа тарихини янги шохчалари пайдо бўладиган дарахтга қиёслаш мумкин, ҳар бир шох ўз шаклига ва япроқларининг рангига эга бўлиб, улар бошқаларини такрорламайди. Бироқ дарахт шохлари каби фалсафий йўналишлар қанча кўп бўлмасин, уларни умумий илдиз – инсон ва оламнинг ўзаро алоқадорлиги, инсон ва жамият ҳаётининг узвийлиги бирлаштиради. Ушбу умумий илдиз инсон маданиятининг дунёқарашли асоси сифатида фалсафанинг аҳамиятини чуқурроқ тушунишга имкон беради.

XX аср турли даврлардаги фалсафий йўналишларни ўзида бирлаштирди ва ўтмиш тажрибасига таянган ҳолда, жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда олам ва одам масаласига зиддиятли, янги фалсафий қарашлар шаклланди.

Ҳозирги замон фалсафасининг ўзига хос хусусияти унинг дунёқарашли ва методологик жиҳатдан турли туманлигидир.

Тажрибавий-амалий матнлар

Ф.Бэкон, Р.Декарт, Ж.Локк, позитивизм, неопозитивизм, постпозитивизм, структурализм, постструктурализм, эволюцион эпистемология, шахсий билим, илмий инқилоб, очиқ билим, яширин билим, эмоционал анархизм, мустақиллик, ўзбек фалсафаси, миллий фалсафа, И.Мўминов, Э.Юсупов, Ўзбекистон Фалсафа жамияти, ўзбек адабиёти.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Янги ва энг янги давр фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Ф.Бэкон ва Р.Декарт ижодини қиёсланг.
3. Ж.Локк таълимотининг ўзига хос томонларини тушунтиринг.
4. Позитивизм ривожланишининг асосий босқичларини ва улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
5. Структурализмнинг постструктурализмдан фарқи нимада?
6. Эволюцион эпистемологиянинг аҳамияти нимада?
7. Шахсий билимнинг қандай турлари мавжуд?
8. Тадқиқот дастурининг хусусиятлари нималарда ифодаланади?
9. XX аср ўзбек фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

10. Ж.Туленов ижодида диалектика масалаларининг талқини нимага асосланади?

11. XX аср ўзбек фалсафасининг ривожланишидаги ижтимоий-сиёсий шароитларни тушунтиринг.

Реферат мавзулари

1. Янги даврда эксперементал математик табиётшуносликнинг шаклланиши ва унинг фалсафага таъсири.
2. Ф.Бэкон – Янги давр фалсафаси асосчиси.
3. Р.Декартнинг билиш ҳақидаги таълимоти.
4. Т.Гоббснинг ижтимоий ва фалсафий қарашлари.
5. XVIII аср Француз маърифатчилик фалсафаси.
6. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср немис фалсафаси.
7. Янги давр немис иррационализми.
8. Позитивизм ва унинг эволюцияси.
9. Замонавий структурализм ва постструктурализм фалсафаси.
10. Ўзбек фалсафасининг асосчиси Иброҳим Мўминовнинг фалсафий қарашлари.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Янги даврда Э.Торричелли ҳаво босими мавжудлигини қандай йўл билан аниқлади?

А. Экспериментал Б. Кузатиш
В. Аниқламаган Г. Тажриба асосида.

2. Қон айланишини ким кашф этди?

А. В.Гарвей Б. Э.Торричелли
В. У.Гильберт Г. Р.Бойль

3. Ижтимоий фанларда табиий ҳуқуқ назарияси Англияда ким томонидан ишлаб чиқилди?

А. Т.Гоббс Б. Г.Гроций
В. Г.Лейбниц Г. Р.Декарт

4. Янги даврда фанларнинг ривожланиш жараёнида фалсафада қандай ажралишлар содир бўлди?

А. Схоластика ва дин Б. Табиат ва дин
В. Схоластика ва табиат Г. Фалсафада ажралишлар бўлмади.

5. Позитивизмнинг асосчиси ким?

А. О.Конт Б. Р.Карнап
В. Г.Спенсер Г. Р. Бультман

Адабиётлар

1. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
2. Ғарб фалсафаси. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й.

3. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й.

4. Кун Т. Структура научных революций. –М.: 1975 г.

5. Лакатос И. Фальсификация и методология научно-исследовательских программ. –М.: 1995.

6. Поппер К. Логика и рост научного знания. –М.: 1993.

7. Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. –М.: 1986 г.

8. Полани М. Личностное знание. –М.: 1985 г.

9. Рикер Поль. Герменевтика. Этика. Политика. –М.: 1995 г.

10. Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. –М.: 1991 г.

11. Шермухамедов С. Халқ маънавияти ва маърифатига бахшида этилган умр. –Т.: «Фан», 2004 й.

12. Ходжаева Д. И. Мўминов ижодида ижтимоий фалсафа масалалари. Фалс, фан. номзоди диссер.09.00.11. –Т.: ЎзМУ, 2002 й.

13. Лицук А.А. Философия истории Иммануила Канта и Иоганна Готлиба Фихте : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.03. Нижневартовск, 2000 г.

14. Винокуров Е.Ю. Политическая философия Канта в современных философских дискуссиях о глобальном политическом устройстве : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.03. Калининград, 2001 г.

15. Лавренцова Е.В. Проблема абсурда в философии Серена Кьеркегора : диссертация ... канд. философских наук : 09.00.03. Москва, 1999 г.

II БЎЛИМ. ОНТОЛОГИЯ – БОРЛИҚ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

ОНТОЛОГИЯ – БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза: Онтология – борлиқ фалсафаси
Маъруза режаси	1. Борлиқ фалсафа предмети. Фалсафа тарихида борлиқ масаласи. 2. Борлиқ ва йўқлик диалектикаси. 3. Борлиқнинг шакллари. 4. Олам ва инсон пайдо бўлиши эволюцияси.
Машғулотнинг мақсади: Фалсафада борлиқ масаласини ўрганиш. Борлиқ категорияси, борлиқ ва йўқлиқ диалектикаси каби масалалар муҳокама қилинади.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Онтология тушунчаси ва соф борлиқ ғояси ҳамда унга тааллуқли масалаларни очиб бериш.	Онтология тушунчаси, фалсафа тарихида борлиқ муаммоси, борлиқ шакллари масалалари очиб берилди.
Борлиқ категориясини ҳақида тушунча бериш.	Борлиқ категорияси, борлиқ тушунчасининг эпистемалогик жиҳатлари талқин қилинади.
Борлиқ ва йўқлик диалектикаси ҳақида маълумотлар бериш.	Тирик табиат ёки ҳаётнинг пайдо бўлиши масаласи борасида фалсафий қарашлар, уларнинг ўзига хос тушунчалари кўриб чиқилади.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзунинг номи айтилиб, мавзу доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзунинг мақсадини баён қилади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзу бўйича ўтиладиган барча саволлар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Мавзуни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Борлиқ ва йўқлик» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича талабалар иштирокида таҳлил қилади, ҳар бир режанинг маҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Фалсафа тарихида борлиқ категорияси қандай талқин этилади? 2. Индивидуаллаштирилган ва объективлаштирилган борлиқ шаклларини бир-бири билан фарқини кўрсатиб беринг? 3. Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақида қандай қарашлар бор?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тинглovчиларга: «Инсоннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси» деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Борлиқ фалсафа предмети сифатида. Биз дунё, материя тузилиши, макон, вақт, ҳаракат, ҳаёт, онг ва шу кабилар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун асосан физика, астрономия ва биология каби табиатшунослик фанларига мурожаат этамиз. Лекин бу фалсафада борлиқ муаммолари ўрганилмайди, деган маънони англатмайди.

Ўқув курсларида асосий фалсафий муаммоларни ўрганиш одатда онтологиядан бошланади. Онтология фалсафий билимларнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унда борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва номавжудлик муаммоларига доир масалаларнинг кенг доираси ўрганилади, шунингдек, мавжудлик сифатига эга бўлган барча нарсаларнинг моҳияти аниқланади. «Онтология» атамаси фалсафада фақат XVII асрдан бери ишлатилади, лекин у юнонча ўзакларга эга бўлиб («ontos» – «борлиқ», «logos» – «сўз», «таълимот»), борлиқ ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Онтология фалсафада алоҳида ўрин эгаллайди. Икки ярим минг йиллик фаол фалсафий изланишлар натижасида фалсафий билим тизимида онтологиядан ташқари фалсафанинг муҳим фалсафий мазмун касб этадиган гносеология, аксиология, ижтимоий фалсафа, ахлоқ, эстетика, мантиқ каби таркибий қисмлари пайдо бўлди. Лекин уларнинг барчаси замирида онтология ётади. Ўз навбатида, онтология ҳар қандай фалсафий дунёқарашнинг негизи ҳисобланади ва шу тариқа ўз таркибига кирмайдиган бошқа фалсафий муаммолар талқинини кўп жиҳатдан белгилайди.

«Борлиқ» категорияси. Аксарият фалсафий тизимларнинг категориялар аппаратини ташкил этадиган кўп сонли фалсафий категориялар орасида «борлиқ» категорияси доимо марказий ўринни эгаллайди. Чунки у ҳар қандай предмет, ҳодиса, воқеа ва шу кабиларнинг энг муҳим хусусиятини, уларнинг мавжуд бўлиш, бевосита ёки билвосита намоён бўлиш, ўзаро таъсирга киришиш қобилиятини акс эттиради.

Бу инсон ўзлигини ва ўзини қуршаган борлиқни англашга илк уринишларидаёқ дуч келадиган ҳар қандай объектнинг, борлиқ ҳар қандай қисмининг умумий хоссасидир.

Инсон ақлли жонзот сифатида шаклланиш жараёнининг илк босқичларидаёқ ўз дунёқарашининг негизини ташкил этадиган муҳим саволларга жавоб топиш зарурияти билан тўқнаш келади:

1. «Мен кимман?»

2. «Мени қуршаган борлиқнинг моҳияти нимада?»

3. «Борлиқ қандай ва қаердан пайдо бўлган?»

4. «Дунёни нима ёки ким ҳаракатлантиради?»

5. «Дунёнинг ривожланишида бирон-бир мақсад, мақсадга мувофиқлик, мўлжал борми?»

Инсон бундай саволларга жавоб беришга киришар экан, унинг онги, аввало, ўзи нима билан бевосита иш кўраётганини қайд этади. Буни аниқ англамасдан, у ўзининг дунё ҳақидаги мулоҳазаларини аниқ-равшан нарсаларни қайд этишдан бошлайди. Шу тариқа инсон ва унинг онги ўзини қуршаган барча нарсалар, аввало, мавжуд бўлиш қобилиятига эга эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Шундай қилиб, борлиқ масаласи инсоннинг дунёни оқилона англаш йўлидаги илк уринишларидаёқ дуч келган барча масалаларнинг негизи ҳисобланади. Муайян нарсалар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги масаласи инсон фалсафий мулоҳаза юрита бошлагани заҳотиёқ унинг диққат марказидан ўрин олди. Мифологиянинг бош вазифаси – «борлиқни ким яратгани» ҳақида гапириб беришни фалсафа «борлиқнинг нималиги, у қаердан пайдо бўлгани ва қаерга йўқолиши»ни оқилона тушунтириш билан алмаштиргани тасодифий эмас. Бундай тушунтиришга уриниш жараёнида файласуфлар барча замонларда қуйидаги саволларга жавоб топиш зарурияти билан тўқнаш келганлар:

• фалсафий категория сифатидаги «борлиқ» нима?

• бу атама нимага нисбатан татбиқ этилиши мумкин?

• унга қандай фалсафий маъно юкланади?

Бу саволларга кенг жавоб бериш фалсафа тарихига ҳам, мазкур тушунчанинг этимологиясига ҳам мурожаат этишни назарда тутади. Мазкур дастур бўйича таълим олувчилар тарихий-фалсафий курс билан таниш бўлишлари лозимлигини ҳисобга олиб, бу ерда фақат фалсафий тафаккур тарихига қисқача тўхталамиз ва мазкур муаммони англаб етиш жараёнидаги муҳим босқичларинигина қайд этамиз.

Борлиқ тушунчанинг этимологияси. «Борлиқ» фалсафий категорияси нафақат энг муҳим, балки бошқа категориялар орасида айниқса, кўп ишлатиладиган категория ҳисобланади. Бу ҳолни шу билан изоҳлаш мумкинки, унинг келиб чиқиши дунёнинг айниқса, кенг тарқалган тилларида айни бир маъно – «бўлиш», «мавжуд бўлиш», «ҳозирлик», «ҳозир бўлиш», «мавжудлик» маъноларини англатади. Жаҳоннинг аксарият тилларида юқорида санаб ўтилган ва маъно жиҳатидан унга яқин феъллар негизини ташкил этадиган «бўлмоқ» феъли, ўзининг бевосита маъносидан ташқари, ёрдамчи феъл сифатида ҳам фаол ишлатилади. Бу далилга изоҳни инсон тафаккури табиатидан излаш лозим бўлиб, унинг мантиғи ва қонунлари фикрни баён этишнинг тил шаклига боғлиқ бўлмайди, лекин, албатта, фикрлаш мумкин бўлган, универсал ва ўзгармас сифатида амал қиладиган ва шу сабабли ҳар қандай мулоҳазанинг таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нимагадир таяниши лозим. Фикр қаратилган нарса мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги)нинг айни шу далили ҳар қандай тилнинг илк жумлаларидаёқ том маънода универсал феъл (ёки унинг модификациялари) билан акс эттирилади: ўзбек тилида – «бўлмоқ», «бор», инглиз тилида – «is», немис тилида – «ist» ва ҳоказо.

Шундай қилиб, «борлиқ» ва «йўқлик» категорияларининг ўзига хослиги, бетакрорлиги ва универсал аҳамияти шундан иборатки, уларнинг фалсафий маъноси тавсифланадиган турли тилларда улар феълдан, аниқроқ айтганда, «бўлмоқ» феълидан (ёки унинг инкоридан) ҳосил бўлган тушунчалар ҳисобланади ва нарсанинг ўзини эмас, балки унинг мавжудлиги ёки йўқлигини кўрсатади. Масалан, стол бор, ёмғир йўқ, оқлик бор, акс йўқ, мия бор, ғоялар йўқ ва ҳоказо.

Борлиқ табиий тилларда отлар, равишлар ёки равишдошлар билан ифодаланадиган, яъни билишда унинг объекти ёки субъекти сифатида амал қиладиган тушунчалар билан тенглаштирилиши мумкин эмас. Айни замонда бу объектлар ёки субъектларнинг бирортаси ҳам унинг борлиги ёки йўқлигини қайд этмасдан фикрланиши мумкин эмас.

Борлиқ ва йўқлик диалектикаси. «Борлиқ бор, йўқлик эса – йўқ», деганида, Парменид айни шу ҳолга эътиборни қаратган. Бинобарин, яхши, ёмон, тўғри, нотўғри, қувноқ, шўр, оқ, қора, катта, кичкина каби ва шунга ўхшаш сифатлар борлиққа нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Борлиқни бирон-бир координаталар тизимига жойлаштириб бўлмайди, уни фақат вақтда фикрлаш мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, борлиқни ҳар қандай воқелик эга бўладиган умумий, универсал ва бетакрор мавжудлик қобилияти, деб тавсифлаш мумкин. Бу фикр эса амалда мавжуд нарсагина борлиққа эга бўлиши мумкин, деган хулоса чиқариш имконини беради.

«Йўқлик» ҳар қандай тилда амалда мавжуд бўлмаган нарса билан тенглаштирилади ва бошқача тушунилиши мумкин ҳам эмас. Бошқача айтганда, йўқлик борлиқни инкор этади ва нарса, жисм, ҳодиса, онг... (яъни амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлган нарсалар) ўзлигини йўқотган ҳолда «йўқлик» атамаси айни шу маънода ишлатилади ва улар ҳақида улар «йўқликка чекинди», мавжуд эмас, дейилади. Лекин, соф фалсафий маънода бу фикрни тўғри деб бўлмайди. Борлиқ ва йўқлик ўртасида диалектик ўзаро алоқа мавжуд.

Биринчидан, дунё ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга кўра, биз яшаётган Олам бўшлиқдан бино бўлган. Бўшлиқ материянинг алоҳида ҳолати. Бўшлиқ физик борлиқнинг энг бой типи, ўзига хос потенциал борлиқ сифатида намоён бўлади, зеро унда мумкин бўлган барча зарралар ва ҳолатлар мавжуд, бироқ айни вақтда унда актуал тарзда ҳеч нарса йўқ[1].

Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, физиклар (Д.А.Ландау ва бошқалар) нуқтаи назаридан биз яшаётган Олам ҳам дунёда ягона эмас, чунки у ривожланишнинг турли цикларини бошидан кечираётган турли Оламларнинг чексиз сонидан ташкил топади. Шу маънода борлиқ ва йўқликнинг ўзаро алоқаси ҳам нисбий хусусият касб этади.

Иккинчидан, амалда мавжуд бўлган нарсанинг объектив борлиғи йўқликка чекинади, лекин, шунга қарамай у ҳақда гапирилаётган, яъни у муайян нарса сифатида фикрланаётган бўлса, бу нарса онгда мавжуд бўлади ва ўзининг «иккинчи» борлиғини сақлайди, айни ҳолда у дастлабки объектнинг нусхаси, идеал образи бўлиб қолади.

Шундай қилиб, *ўтган замондаги борлиқ йўқликдир*, деб айтиш мумкин. *Борлиқ*

[1] Қаранг: Малюкова О.В. Материя, пространство и время с точки зрения физики XX века // Онтология, гносеология, логика и аналитическая философия. –СП(б).: 1997 г. с. 93.

доим ҳозирги замонда мавжуд бўлади, у фақат ҳозирги замонда ўзини намоён этади, башарти у долзарб ва амалда намоён бўлиш имкониятига эга бўлса, агар у потенциал, яъни ахборот манбаларида мавжуд ёки унинг пайдо бўлиши объектив ривожланиш мантиғи билан белгиланган бўлса. Амалда йўқ бўлган нарса ҳақида идеал образ сифатида фикрлаш мумкин. Бошқача айтганда, унга идеал образ тарзидаги идеал борлиқ шакл-шамойилини бериш мумкин. Ўтмишга татбиқан биз борлиқ ҳақида фақат шу маънода сўз юритишимиз мумкин.

Айни шу маънода *биз ғоялар, нарсалар, воқеалар, тарихий шахслар ёки ўзимизга яқин одамлар тўғрисида сўз юритамиз, бунда улар йўқликка айланмагани, балки янгича мавжудлик, хотира тарзидаги ўзгача борлиқ касб этганини назарда тутамиз.*

Шундай қилиб, *борлиқ фалсафий категория сифатида дунёни бутун ранг-баранглиги ва турли-туман намоён бўлиш шакллари билан яхлит акс эттириш имконини беради.* Бунда нарсалар, предметлар, ҳодисалар ўз хусусиятлари, хоссалари билан жамулжам ҳолда акс этади. Дунёни ва унинг таркибий қисми бўлмиш инсонни билиш йўлидаги бу муҳим қадам билан дунёнинг табиати ва моҳияти, унинг ранг-баранглиги, турли даражалари, кўрсаткичлари, рамз-аломатлари, шакллари ва ҳоказолар ҳақидаги мулоҳазаларнинг асосий координаталар тизими белгиланади. Бунинг учун моҳият, ҳодиса, субстанция, материя, онг, макон, вақт, қонун каби янги фалсафий категориялар муомалага киритилади.

Инсон ўзи ва умуман дунё ҳақида ўйлар экан, одатда, муайян нарсалар ва айрим табиий ҳодисалар билан иш кўради. Айни вақтда, у ўзини қуршаган дунёни синчиклаб ўрганиш ва унинг бутун ранг-баранглигини тушуниб етиш учун муайян таянч нуқтаси бўлиб хизмат қиладиган қандайдир асоснинг шак-шубҳасиз мавжудлигини қайд этади. Фалсафа тарихидан биз бундай асос сифатида, масалан, Суқротдан олдинги қадимги юнон файласуфларида табиат элементлари, ўрта асрлар фалсафасида Худо, Декартда: «Мен фикрлаяпман, демак, мавжудман», деган онгли инсон амал қилганини кўрамиз.

Аммо инсон билишнинг бу биринчи босқичида тўхтаб қолмаган ва ўзини қуршаган борлиқнинг кўп сонли турли-туман ҳолатлари орасида қолган барча нарсалардан сезиларли даражада фарқ қиладиган нарсаларни, борлиқнинг айни шу шакли воқеликнинг бошқа шакллари ва ҳолатларидан нима билан фарқ қилишини аниқлашга ҳаракат қилган.

Фалсафа тарихида борлиқ муаммоси. Борлиқ муаммосини фалсафий англаб етишга илк уринишлар милоддан аввалги биринчи минг йилликда вужудга келган қадимги ҳинд ва қадимги хитой фалсафаларидаёқ кузатилади. Хусусан, «Веда»лар (Қадимги ҳинд тафаккурининг илк ёдгорликлари) ва уларга диний-фалсафий шарҳлар – «Упанишада»ларда яхлит маънавий субстанция, ўлмас жон ҳақидаги ғоялар, шунингдек, дунё ҳақидаги материалистик ва атеистик тасаввурлар ўз аксини топган. Сўнгги зикр этилган тасаввурларга мувофиқ бутун борлиқнинг негизини табиий асослар – олов, ҳаво, сув, ёруғлик, макон, вақт ташкил этади. Қадимги Ҳиндистон мутафаккирлари борлиқ сирининг тагига етишга ҳаракат қилар эканлар, қуёш тунда қаерга кетади, юлдузлар кундузи қаёққа йўқолади каби саволларга жавоб топишга уринганлар ва бу тасаввурларни энг қадимги китоб – «Ригведа»ларда акс эттирганлар.

Қадимги Хитой фалсафаси, аввало, ижтимоий муаммоларга қараб мўлжал олгани боис, унда инсон борлиғига, шунингдек, ижтимоий борлиққа кўпроқ эътибор берилган. Айни вақтда, табиатнинг биринчи асослари ҳам эътибордан четда қолмаган. Бу қизиқиш, хусусан, нарсалар ва ҳодисаларнинг бутун ранг-баранглигини белгиловчи беш стихия (сув, ер, дарахт, темир, олов) ҳақидаги таълимотда ўз аксини топган. Кейинроқ «Ўзгаришлар китоби»да борлиқнинг бутун ранг-баранглигини ташкил этувчи бундай биринчи асосларнинг саккизтаси қайд этилади.

Худоларнинг келиб чиқиши, уларнинг ҳаёти, ишлари, ўзаро кураши ҳақида ҳикоя қиладиган ва шу тариқа қадимги одамларнинг дунёнинг вужудга келиши ва эволюцияси ҳақидаги тасаввурларини акс эттирган космогоник мифлар Суқротга қадар, аввало, табиат фалсафаси сифатида юзага келган ва ривожланган юнон фалсафасининг биринчи манбаи бўлиб хизмат қилди. Илк юнон файласуфлари ўз асарларини одатда «Табиат ҳақида» деб номлаганлари, уларнинг ўзлари эса натуралистлар, «физиклар» деб аталиши бу фикрни тасдиқлайди.

Шарқ донишмандлари каби, антик мутафаккирларни ҳам борлиқнинг манбалари қизиқтирган. Қадимги юнон фалсафаси вужудга келган пайтдан бошлаб улар бутун борлиқнинг биринчи сабабини мавжуд воқеликнинг ўзидан излаганлар, уни дам сув (Фалес) ёки ҳаво (Анаксимен) деб, дам ҳамма нарсани бошқарадиган боқий ва чексиз асос – «апейрон» (Анаксимандр тахминан милоддан аввалги 611–545-йиллар)деб тавсифлаганлар. Анаксимандр ҳатто жонли мавжудотларнинг табиий келиб чиқиши ғоясини илгари сурган. Унинг фикрича, мазкур мавжудотлар денгиз сувида вужудга келган ва сув ўтларидан пайдо бўлган. Сўнгра балиқсимон мавжудотлар қуруқликка чиққан ва улардан одамлар ривожланган. Шунга ўхшаш фикрларни Ксенофан (мил. ав. 580–490-йиллар) ҳам илгари суради. У ҳамма нарса ер ва сувдан вужудга келади ва ривожланади, ҳатто «биз ҳам ер ва сувдан пайдо бўлганмиз», деб ҳисоблайди.

Ўша даврнинг бош фалсафий масаласи – «ҳамма нарса нима», деган саволга жавоб берар экан, Пифагор (мил. ав. 580–500-йиллар) «ҳамма нарса сондир», деган хулосага келади. У Ернинг шарсимонлиги ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб илгари суради. Кейинчалик бу ғояни Парменид (мил. ав. 540-480-йиллар) қўллаб-қувватлади ва унга ёзма таъриф беради. Парменид файласуфлар орасида биринчи бўлиб борлиқни категория сифатида тавсифлади ва уни махсус фалсафий таҳлил предметига айлантирди. У ҳақиқий борлиқ моҳиятининг ўзгармаслиги ҳақидаги ғояни илгари суради. Парменид фикрича, борлиқ пайдо бўлмаган ва у йўқ ҳам бўлмайди, чунки ундан бошқа ҳеч нарса йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Борлиқ ягона (узлуксиз), ҳаракатсиз ва баркамолдир. У ўз чегараларига эга бўлиб, «улкан мутлақо юмалоқ шарга» ўхшайди.

Пармениднинг ягона, ажралмас, ўзгармас ва ҳаракатсиз борлиқ ҳақидаги таълимоти эллинлар дунёсида шуҳрат қозонди ва элеатлар мактаби вакили бўлган (самослик) Мелис «Табиат ёки борлиқ ҳақида» деб номланган асарида борлиқ чегарасиз эканлигини қайд этади. Унинг фикрича, агар борлиқнинг чегараси борлигини тан олсак, бу борлиқ йўқлик билан чегарадош эканлигини англатади. Бироқ, ҳамонки йўқлик мавжуд эмас экан, борлиқ ҳам чегарали бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, қадимги юнон фалсафасининг Суқротга қадар бўлган даврида онтология сезиларли даражада ривожланади: ўша давр атоқли файласуфларининг деярли барчаси борлиқ муаммосини бевосита ёки билвосита ўрганади, уни, одатда, боқий ва баркамол космос, «ягона табиат», яъни моддий-ҳиссий дунё билан тенглаштиради. Масалан, Эмпедокл (мил. ав. 484–421-йиллар) «борлиқ» атамасини бевосита ишлатмаган бўлса ҳам, «барча нарсаларнинг тўрт негизи» (олов, ҳаво, сув ва ер) ҳақида сўз юритар экан, дунё (космос) тухумсимон кўринишга эга деб ҳисоблаган, ҳаёт нам ва иссиқ сув ўтларидан келиб чиққани ҳақида мулоҳаза юритган. Демокрит ва Левкипп атомларни муайян модда сифатида тавсифлаб, уларни «бўшлиқ» – йўқликка зид ўлароқ, «тўла» ёки «қаттиқ» борлиқ билан тенглаштирган.

Шу даврда борлиқни тушунишга нисбатан диалектик ёндашув илк бор намоён бўлади. У, бутун дунё муттасил ҳаракат ва ўзгариш жараёнини бошдан кечиради, деб ҳисоблаган ва шу муносабат билан «айни бир нарса мавжуд ва номавжуддир» деб қайд этган Гераклит (мил. ав. 544–483-йиллар) таълимотида, айниқса, бўртиб кўринади.

Борлиқ тушунчасини Платон (мил. ав. 427–347-йиллар) сезиларли даражада кенгайтирди. У нафақат моддий, балки идеал нарсалар ҳам борлиққа эга эканлигини фалсафа тарихида биринчи бўлиб кўрсатиб берди. Платон «ҳақиқий борлиқ» бўлиши «объектив мавжуд ғоялар дунёси»ни «ҳиссий борлиқ»қа қарама-қарши қўйди. Бунда у инсон онгида мустақил мавжуд бўлган тушунчалар борлиғини ҳам кўрсатиб ўтди ва шу тариқа илк бор «борлиқ» тушунчасига амалда мавжуд бўлган барча нарсаларни киритди.

Марказий Осиёнинг энг қадимий китоби «Авесто»да, борлиқ ҳаракатдаги дунё, бутун жонли ва жонсиз нарсаларнинг уйғунлигидаги мавжудлик, деб ифодаланади.

Кейинчалик фалсафа тарихида борлиқнинг кўп сонли ҳар хил талқинлари шаклланди, лекин уларнинг барчаси борлиқ ҳақидаги ҳиссий ва оқилона тасаввурлар атрофига у ёки бу тарзда тизилади. Бунда фикрлар ва ёндашувлар ранг-баранглиги намоён бўлади.

Хусусан, ўрта асрлар Европа фалсафасида, «ҳақиқий борлиқ – «Худонинг борлиғи» ва «ҳақиқий бўлмаган», яъни Худо яратган борлиқ фарқланади.

Шарқнинг буюк мутафаккири Форобий борлиқ муаммосини ҳал қилишда, «вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин»нинг ўзаро нисбатига мурожаат қилади. Унинг фикрича, «вужуди вожиб» барча мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган нарсаларнинг биринчи сабаби. Биринчи сабаб сифатида у ўзга турткига муҳтож эмас. У мутлақ борлиқ ва донишмандлик ифодаси. «Вужуди мумкин» эса доимо ўзгаришда, зиддиятли муносабатларда бўлиб, унда барча нарсалар оддийдан мураккабга, тартибсизликдан тартиблиликка қараб ҳаракат қилади. «вужуди вожиб» яратган энг буюк воқеликдан бири инсон ақлидир. У «Фуқаролик сиёсати» асарида борлиқни олти даражага бўлади:

1. Биринчи ҳолатдаги сабаб.
2. Иккинчи ҳолатдаги сабаб.
3. Учинчи ҳолатдаги ақли фаол.
4. Тўртинчи ҳолатдаги инстинкт.

5. Бешинчи ҳолатдаги шакл.

6. Олтинчи ҳолатдаги материя.

Форобий бу даражаларнинг ҳар бирига таъриф беради. Кейин у, «учинчи ақл» – ақли фаолни таърифлайди. Унга кўра, айнан «ақли фаол»га кўра, инсоннинг табиий, маънавий ва руҳий ҳаёти шаклланади.

Ибн Сино фикрича ҳам борлиқнинг асоси «вужуди вожиб», яъни Аллоҳдир. Вужуди вожиб бу биринчи моҳият. Унинг мавжудлиги сабабини бошқа нарсалардан қидириш ноўрин. Чунки, биринчи сабаб унинг натижаси бўлган хилма-хил жараёнларнинг моҳиятига боғлиқ бўла олмайди. Зеро, вужуди вожибнинг мавжудлиги унинг ўзига боғлиқ.

XVII–XVIII асрларнинг материалист файласуфлари Гольбах, Гельвеций, Ламетри борлиқ тушунчасини физик борлиқ билан боғлайди. Бу файласуфларнинг натуралистик қарашлари механиканинг фаол ривожланиши билан белгиланган ва уларнинг табиат ҳақидаги табиий-илмий тасаввурларини акс эттирган. Бундан борлиқни «натураллаштириш» ғояси келиб чиққан.

Янги давр ва немис классик фалсафаси даври «субстанция» (дунёни тушуниш замирида ётувчи, нисбатан барқарор ва мустақил ҳолда мавжуд моҳият), «мутлақ «Мен»нинг эркин, соф фаолияти» (Фихте), «объектив ривожланувчи ғоя» (Гегель) каби фалсафий категорияларни қайд этиб, борлиқ муаммолари талқинига янада теранроқ мазмун бахш этди.

XX аср борлиқни тушунишни тарихийлик, инсоннинг мавжудлиги, қадриятлар ва тил билан боғлаб, унинг талқинини ўта кенгайтирди. Неопозитивизм фалсафий йўналиши эса, аввалги онтология фалсафанинг эмас, балки айрим фанларнинг предмети деб ҳисоблаб, фалсафадаги борлиқ муаммосини сохта муаммо сифатида талқин қилди.

Ноклассик борлиқ. Ноклассик фалсафа дунёнинг ақлга мувофиқлиги, шунингдек, инсон онгининг мустақиллигига шубҳа билдирди. Позитивистлар, умуман, онтологияни яратишдан бош тортдилар. Иррационализм, марксизм ва экзистенциализмда онтологик концепциялар ҳаёт, жамият ва инсон тушунчалари ривожлантирилди, улар борлиқнинг ноёб усуллари сифатида тавсифланди. Қуйида, ноклассик фалсафада, борлиққа муносабатни таҳлил қиламиз.

Борлиқ ва ҳаёт: борлиқнинг иррационалистик концепцияси. Фалсафий иррационализм асосчиси А.Шопенгауэр оламнинг ақлга мувофиқлиги ҳақидаги тезисга шубҳа кўзи билан қарайди. Унинг фикрича, борлиқнинг ўзи эмас, балки бизнинг у ҳақдаги тасаввуримиз ақлга мувофиқдир, зеро, тасаввур – бу инсон ақлининг маҳсулидир. Аммо тасаввур – бу ҳодиса, моҳият даражасида эса дунёни ақлий идрок этиш мумкин эмас. Шопенгауэр ўзининг «Дунё интилиш ва тасаввур сифатида» деб номланган бош фалсафий асарида дунёнинг борлиғини икки таркибий қисмга – «яшашга интилиш сифатидаги дунё» ва «инсон тасаввури сифатидаги дунё»га ажратади. Унинг фикрича, яшашга интилиш ҳақиқий борлиқдир. Яшашга интилиш кўр-кўрона ва нооқилонадир, зеро, унинг асосий нияти – ўз-ўзини асрашдир. Ўз-ўзини асраш инстинкти – бутун тирикликнинг табиий хоссасидир. Аммо Шопенгауэр романтикларга эргашиб, яшашга интилиш дунёнинг барча нарсаларига ва умуман, дунёнинг ўзига хосдир, деб ҳисоблайди. Дунё ҳақидаги бундай мифопоэтик тасаввур ҳаётда яна таърифлар ва тушунча-

лар тилида ифодалаб бўлмайдиган ўзига хос табиий стихияни кўриш имкониятини беради.

Фан дунёни умумий қонунлар ва назариялар ёрдамида англаб етишга ҳаракат қилади. Аммо ҳаёт ҳар доим бетакрор бўлиб, уни таърифлар ёрдамида ифодалаш мумкин эмас, фақат ҳаёт фаолияти маҳсулларидаги моддий ифодаларнигина ўрганиш мумкин. Бу, энг аввало, ижодга тегишли, креатив фаолиятнинг барча турларидан интилишга энг яқини эса мусиқадир (интилишнинг биринчи моддий ифодаси). Сўзлар ва образлар ҳаётга интилишнинг изларини маълум даражада кўздан яширади.

Шопенгауэрнинг издоши Ф.Ницше ҳаётга интилишнинг моҳияти ҳокимиятга интилишда намоён бўлади, деб ҳисоблайди. Аммо бу нуқтаи назар ҳақиқий борлиқнинг англаб етиш мумкин бўлмаган ҳодиса сифатидаги талқинига дахл этмайди. Ницше инсонда, энг аввало, ўз ҳаёти учун курашиши лозим бўлган биологик мавжудотни кўради. Инсон ўз ҳаёт кучлари ва инстинктларини ахлоқий тақиқлар ва жамият меъёрлари ҳукмига бўйсундириш йўли билан курашдан бўйин товламаслиги керак. Ахлоқ инсонни ўртача андозаларга яқинлаштиради ва унинг қайта туғилишига сабаб бўлади: инсон хавфсизлик ҳиссини сақлаш йўлида тўлақонли, лекин хавфли ҳаётдан воз кечади. Бундай қайта туғилишнинг йўлларидан бири – Исо Масиҳнинг диний ахлоқи, иккинчи йўл – Суқротнинг рационалистик ахлоқи. Иккала таълимот ҳам нариги дунё ғоясига асосланади, уларнинг иккаласи ҳам реал ҳаётнинг қимматини камситишга қаратилган.

Фридрих Ницше[1] (1844–1900) борлиқнинг икки асоси: дионисийча ҳаётий асос ва аполлонча бир ёқлама-интеллектуал асосни ажратган ва ҳақиқий маданият бу асосларни мувозанатга солишга ҳаракат қилиши лозим, деб ҳисоблаган. Европа маданияти мазкур идеални рўёбга чиқара олмади ва инсон борлиқ деганда стихияли шаклланишни эмас, балки тартибга солинганликни тушуниб, ўз мавжудлигининг асосий негизларидан узоқлаша бошлади. Ваҳоланки, ҳаёт абадий ҳаракат ва шаклланишдан иборатдир.

Ҳаётнинг мазмун ва моҳияти ҳокимиятга интилишда намоён бўлади. Бундай интилиш бутун тирикликка хосдир. Унга интеллектнинг ҳукмронлиги, ўз яқинига муҳаббатни тарғиб қилувчи ахлоқ ва тенгликни эълон қилувчи социализм монелик қилади. Буларнинг барчаси қуллар ахлоқини ташкил этади. Тўралар ахлоқи эса ҳаётнинг қиммати, одамлар ўртасидаги тенгсизлик ҳамда кучнинг ҳукмронлигига асосланиши лозим. Ницше «Худо ўлди» деган тезисни илгари суради. Ушбу тезис янгича ахлоқни шакллантириш зарурлигини англатади.

Тўралар ахлоқининг субъекти сифатида ўта қудратли инсон амал қилади. У олий биологик тур ҳисобланади. Одам маймундан қандай тарқалган бўлса, ўта қудратли инсон ҳам одамдан шундай тарқалади. У тайёр тур сифатидаги инсон табиатига хос бўлган жиҳатларни ўзидан соқит этади. Ўта қудратли инсон ҳаётни кураш сифатида идрок этишга ва ўзини тинимсиз ўзгартириш йўлида ҳаракат қилишга қодир.

---

[1] Немис файласуфи, иррационализм вакили, ҳаёт фалсафаси асосчиси. Асосий асарлари: «Мусиқа руҳидан фожианинг туғилиши», «Инсоний, ўта инсоний», «Зардўшт таваллоси», «Қувноқ фан», «Яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида», «Ҳамма учун ва ҳеч ким учун», «Ҳокимиятга интилиш», «Антихрист» ва бошқалар.

Ўта қудратли инсон ғоясига «абадий қайтиш» концепцияси қарши туради. Ницше фикрига кўра, воқеаларнинг эҳтимол тутилган комбинациялари сони чекланган, вақт эса чексиздир, шу сабабли барча воқеалар такрорланиши лозим. Умуман олганда, Ницшенинг фалсафий тизими ўзининг зиддиятларга тўлалиги билан ажралиб туради, шу туфайли ҳам у турлича тушунилади ва талқин қилинади.

Ницше фалсафаси XX аср фалсафасининг турли йўналишлари: ҳаёт фалсафаси, прагматизм ва экзистенциализмга улкан таъсир кўрсатди.

Борлиқнинг тарихий-материалистик концепцияси. Ижтимоий борлиқ ҳақидаги таълимоти тарихий материализм деб номланган. Ижтимоий борлиқ индивиднинг борлиғига нисбатан ҳам, ижтимоий онгга нисбатан ҳам бирламчидир. Шундай қилиб, у жамиятга физик борлиққа ўхшаш борлиқ сифатида намоён бўлган. Айни шу сабабли жамият ҳам табиат қонунларига ўхшаш аниқ ва шубҳасиз қонунларга бўйсуниши белгиланган. Ижтимоий борлиқ – бу моддий борлиқ. У индивидларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан белгиланади. Ижтимоий борлиқ қонунлари унинг тарихий ривожланиш жараёнида намоён бўлади. Жамият тарихи ижтимоий-иқтисодий тузумлар: ибтидоий жамоа, қулдорлик, капитализм ва коммунизмнинг тадрижий ва қонуний кетма-кетлиги сифатида талқин қилган. Ҳар бир тузум ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўз ичига олган тегишли ишлаб чиқариш усули билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш кучлари (базис) – бу ўзини ўзи ривожлантириш ва ўз-ўзидан мураккаблашишга қодир бўлган ўзига хос борлиқ. Материалистик эволюционизм таълимотларида материя, Спинозанинг «яратувчи табиати» каби, мустақил ривожланиш қобилиятига эга, моддий ишлаб чиқариш эса, моддий борлиқнинг энг мураккаб даражаси ҳисобланади. Бу ерда материя, моддий борлиқ, шу жумладан, моддий ишлаб чиқариш ижтимоий организмга ўхшатилади ва унга ҳаёт аломатлари татбиқ этилади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари (базиснинг устқурмаси) формал борлиқ соҳасига киради. Аммо шакл тадрижий ривожланишга қодир эмас, у фақат ўзгариш жараёнида бошқа шакл билан алмаштирилиши мумкин. Шу сабабли ишлаб чиқариш муносабатларининг алмашуви «инқилобий сакрашлар» тарзида кечади. Бу сакрашлар ишлаб чиқариш кучлари билан мувофиқ келиши ҳам (бу ҳол формацион ўсиш даврида кузатилади), уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Сўнгги зикр этилган ҳолат, ишлаб чиқариш муносабатларининг янги ишлаб чиқариш кучларига мувофиқ келувчи янада баркамолроқ шаклига, инқилобий йўл билан ўтилишига олиб келади. Бунда янги ишлаб чиқариш кучлари эскиларидан мустақил ўсиб етилади. Масалан, феодал тузумда капиталистик ишлаб чиқариш кучлари мустақил ўсиб етилган ва эски ишлаб чиқариш муносабатлари билан тўқнашиб, буржуа инқилоби жараёнида янги – капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларига эга бўлган. Улар ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкдорликнинг капиталистик шаклига мувофиқ келувчи янги қонунлар, янги ҳуқуқ, ахлоқ ва янгича дунёқарашни ўз ичига олади.

Борлиқ ва инсон: борлиқнинг экзистенциал-герменевтик концепцияси. Экзистенциалистлар мушоҳада юритиш орқали англаб етиш мумкин бўлган

моҳият (эссенция)ни амалда мавжудлик (экзистенция)га қарши қўядилар. Улар борлиқнинг мазмуни тўғрисидаги масалага қайтиш лозимлигини эътироф этадилар. Лўнда қилиб айтганда, борлиқнинг оқилона тавсифи унинг асл мазмунини ёритиб беришга қодир эмас. Бундай мазмун ҳаёт тажрибасида, яъни «шу ерда-борлиқ» ёки мавжудлик орқали намоён бўлади. Герменевтика борлиқ схемаси ёки формуласини аниқлашга эмас, балки унинг мазмунини билишга қаратилган. Фалсафий муаммо сифатидаги борлиқнинг мазмуни инсонни ўз мавжудлигининг пировардлилиги ва тасодифийлигини англаш натижасида юз берган шокдан халос этиши лозим. Бир сўз билан айтганда, бу ерда аристотелча аналитикага хайдеггерча герменевтика қарши қўйилади.

Борлиқ герменевтикаси оқилона-схематик ёки метафизик билимга ишончсизлик кўзи билан қарашга асосланади. Фалсафа тарихида герменевтиканинг айрим тарафдорлари: а) мистик; б) эстетик; в) интуитив; г) иррационал нарсалар ва ҳодисаларга қараб мўлжал оладилар. Дунёни англаб етиш мазкур усулининг акс садолари Пифагор (осмон мусиқасига қулоқ солиш), Платон (ғоялар хусусида мушоҳада юритиш), Тертуллиан (абсурд орқали ҳақиқатнинг тагига етиш), Паскаль (ақл ҳақиқатларига юрак ҳақиқатини қарши қўйиш), романтиклар, Кьеркегор, Шопенгауэр ва Ницше методида мавжуд.

Борлиқ ва мавжудлик. Мартин Хайдеггер[1] (1889–1976). Борлиқ ва мавжудликни онтологик ажратиш Хайдеггер лойиҳасининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Бу лойиҳани ишлаб чиқиш билан у асосан «Борлиқ ва вақт», «Феноменологиянинг асосий муаммолари» асарларида шуғулланади. Сўзнинг ўз маъносидаги борлиқ, албатта, мавжудликнинг борлиғи, лекин борлиқ мавжудликдан келиб чиқадиган йўқлик эмас, яъни у мавжудлик ҳисобланмайди. Бу ерда Хайдеггер Кантнинг борлиқ предикат эмас, деган фикрига қайтади. Аммо бу ҳолда борлиқ нима? Кенг тарқалган тасаввурга кўра, мавжуд нарсаларнинг барчаси айни бир борлиқ усули – мавжудлик билан тавсифланади. Шунга мувофиқ табиат ва руҳ (ғоя ва нарса, res cogitans ва res extensia) фарқланади. Аммо бу фарқлаш борлиқнинг усуллари ўртасидаги фарқни ифодалашга қодир эмас. У фақат мавжуд нарсанинг моҳиятини белгиловчи унсурлар ўртасидаги фарқни акс эттиради.

Хайдеггер фикрига кўра, борлиқ усулларини ажратишнинг ҳақиқий йўли борлиқнинг моҳияти (essentia) ва усулининг бир-бирига мансублигини моҳият ва усулнинг борлиқ ғоясига мансублиги нуқтаи назаридан таҳлил қилишга асосланади. Немис мутафаккири борлиқнинг олти усули: экзистенция, биргаликда мавжудлик, қўл остидалик, ҳозирлик, ҳаёт ва барқарорликни фарқлайди. Бу усулларнинг барчаси бир-биридан шу даражада фарқ қиладики, «борлиқ» тушунчасининг ягоналигини шубҳа остида қолдиради. Бу ерда мавжудлик тўғрисидаги масала Хайдеггер қаршисида энг муҳим масалалардан бири сифатида кўндаланг бўлади.

Мавжудлик тушунчасининг таҳлили унинг «ҳозирлик», «дунё» ва «қўл остидалик» тушунчалари воситасида ифодаланувчи феноменлар билан онтологик ўзаро алоқасини қайд этишдан бошланади. Бунда мавжудликни борлиқ турлари-

[1] Немис файласуфи, экзистенциализм асосчиларидан бири. Асосий асарлари: «Борлиқ ва вақт», «Метафизикага кириш», «Платоннинг ҳақиқат ҳақидаги таълимоти», «Қишлоқ кўчасида» ва бошқалар.

дан бири сифатида тушуниш мумкин эмаслиги, мавжудлик муаммосини, «унинг шартлари ва чегарасини» атрофлича ўрганиш зарурлиги таъкидланади.

Файласуфлар ҳатто мавжудлик тўғрисидаги масалани қўйиш усулида ҳам аниқ бир тўхтамга келганлари йўқ. Бу хусусда Хайдеггер «онгга нисбатан трансцендент» бўлган нарса мавжудми, ташқи дунёнинг мавжудлигини исботлаш мумкинми, мавжудликни англаб етиш мумкинми қабилидаги масалаларни ва ниҳоят, мавжудликнинг мазмуни тўғрисидаги масалани аралаштириш одат тусини олганини таъкидлайди.

Юқорида зикр этилган ҳар хил, лекин ўзаро боғланган масалалар хайдеггерча талқинида мавжудлик муаммоси уч қисмга ажратилади: а) борлиқ ҳамда «ташқи дунё»ни исбот қилиш мумкинлиги муаммоси сифатидаги мавжудлик; б) онтологик муаммо сифатидаги мавжудлик; в) мавжудлик ва таважжуҳ.

Биринчи муаммони таҳлил қилар экан, Хайдеггер ташқи дунёнинг мавжудлиги ёки уни исботлаш тўғрисидаги масала бир вақтнинг ўзида маъносиз ва икки маъноли эканлигини қайд этади. Масаланинг маъносизлиги шу билан изоҳланадики, мазкур масала дунёда борлиқ сифатида мавжудлик билан қўйилган. Масаланинг икки маънолилиги, Хайдеггер фикрига кўра, бир-биридан фарқ қиладиган икки нарса: нимададир борлиқ сифатидаги дунё ва ички мавжудлик сифатидаги «дунё»нинг аралашуви туфайли келиб чиқади. Ташқи дунёнинг мавжудлиги тўғрисидаги масала, бу ерда, дунё феноменига ойдинлик киритмасдан қўйилади. Бунинг оқибатида, амалда исботланаётган нарса ёки ҳодисанинг исботлаш усули ва исботлашнинг эълон қилинаётган мақсади билан аралашуви юз беради.

Шундай қилиб, Кант фалсафадаги жанжал деб номлаган масала – ташқи дунё мавжудлигининг далил-исботлари йўқлиги Хайдеггерга муаммони нотўғри қўйиш бўлиб туюлади. У бундай исботлашни амалга оширишни кўзлаган шахсларнинг шу ерда ҳозирлигининг ўзиниёқ мавжудликнинг исботи, деб ҳисоблайди. Хайдеггер фикрига кўра, ҳатто дунёнинг мавжудлигига ишониш лозимлигини таъкидловчилар ҳам, адашадилар, зеро улар бундай далил-исботлар идеалда мавжуд бўлиши лозимлигини тасдиқлайдилар.

Мур ва Хайдеггер нуқтаи назарлари ўртасида муайян ўхшашлик мавжуд. Уларнинг иккаласи ҳам бу сохта муаммони ўзидан соқит этишга ҳаракат қилади. Бунда улар шу тариқа барча антиреалистларни кучли далилдан маҳрум этишга умид қиладилар. Улар мазкур масаланинг қўйилишининг ўзиёқ мантиқсиз эканлигини таъкидлайдилар.

Уларнинг асосий фарқи шундаки, Хайдеггер баҳслашиш учун асослар мавжуд эмас, деб ҳисоблайди. У реалистларнинг нуқтаи назарини ҳам, идеалистларнинг қарашларини ҳам қаттиқ танқид қилади. Реалистларнинг қарашларида у «онтологик тушунарсизлик»ка, яъни мавжудликни онтологик (борлиқнинг тартиби орқали эмас, балки мавжудликнинг тартиби орқали) тушунтириш ниятига эътиборни қаратади. Идеалистларни улар ўзларининг борлиқ ҳақидаги тасаввурларини мавжудлик орқали тушунтиришга ҳаракат қилганлари учун айблайди. Идеалистлар борлиқни мавжудлик орқали тушунтириш мумкин эмаслигини англамайдилар. Боз устига, идеалистлар мавжудликнинг идеал борлиғи ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқадиган оқибатларни, хусусан онгнинг борлиғи ҳақидаги масалани эътибордан соқит этадилар.

Буларнинг барчаси Хайдеггер мавжудлик муаммосини онтологик таҳлил қилиш зарур, деган хулосага келишига сабаб бўлади. У ҳатто бунинг учун мавжудликни англаб етишнинг «пойдеворлари ва уфқлари»ни ёритувчи махсус экзистенциал-онтологик концептуал базани таърифлайди. Унинг ёрдамида немис мутафаккири қуйидаги дискурсив схемани тузади. Мавжудлик дунёда борлик демакдир, дунёда борлик эса дунё феноменининг ўзига асосланади. Мазкур феномен дунёда – борлиқнинг таркибига киради, дунёда – борлиқ эса, борлиқнинг яхлитлигидан таважжуҳ ёрдамида мустаҳкам ўрин олади.

Келтирилган схема, Хайдеггер ижодининг бошқа намуналари каби, у илмий муомалага киритган атамаларнинг маъноси хусусида бир қанча саволлар туғилишига сабаб бўлади. Масалан, «таважжуҳ» ўзи нима? Яқиндагина фалсафий категорияси айлантирилган бу нометафизик сўз «мавжудлик», «объектив борлиқ» ёки «физик борлиқ» тушунчалари қаторида мутлақо ноўриндек бўлиб туюлади. Аммо Хайдеггер таважжуҳ феноменини борлиқнинг мазмунини англаб етишга элтувчи йўллардан бирига айлантиради. Хайдеггер Янги даврда фақат психологик ёки ҳатто биологик жиҳатдан талқин қилинган нарсалар ва ҳодисаларни метафизик нуқтаи назардан талқин қилишга уринганини эсласак, унинг нияти ойдинлашгандек бўлади. Бу ерда мавжудликка, энг аввало, қаршилик кўрсатиш, субъектнинг ички интилишлари рўёбга чиқишига монелик қилишга қодир бўлган юзаки феномен сифатида ёндашган Дильтей ва Шелернинг таъсирини ҳам эътиборга олиш лозим. Хайдеггер мавжудликнинг волюнтаристик концепцияси доирасини кенгайтиришга ва уни ҳозирликнинг таҳлили руҳида ўзгартиришга ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, интилиш воқелик билан ўзаро таъсирга киришиш жараёнида қаршиликка дуч келади, лекин мавжудлик ва ҳозирликнинг муносабати қаршилик феномени билангина чекланмайди, қаршилик кўрсатиш қобилияти – мавжудликнинг хусусиятларидан бири. «Мавжудликни англаш»нинг ўзи ҳам дунёда борликнинг муайян усулидир.

Хайдеггер мавжудлик «нарсанинг соф мавжудлиги» маъносида эмас, балки борлиқ усули сифатидаги мавжудлик маъносида тушуниладиган бўлса, мавжудликнинг модуслари сифатида қўл остидалик ва ҳозирлик амал қилади, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, айнан таважжуҳ феномени мавжудликни категория сифатида аниқлаш омили ҳисобланади. Демак, Хайдеггер борлиқ сифатидаги мавжудлик реаллик ёки субстанциялилик асосида англаб етилиши мумкин эмас, деган хулосага келади.

Шуни қайд этиш лозимки, Хайдеггернинг мавжудлик хусусидаги мулоҳазалари мазкур муаммога доир фалсафий баҳс-мунозаралардан четда туради. Бу ҳол Хайдеггер баҳслашувчи тарафларни енгишга муваффақ бўлгани билан эмас, балки унинг фалсафаси аксарият масалалар ва тушунчалар юзасидан мулоқот учун замин яратмаслиги билан изоҳланади. Фундаментал онтология ё тўлалигича қабул қилинади, ё бутунлай рад этилади. Хайдеггернинг ноортодоксал издошларидан бири Ж.Деррида унинг руҳ ҳақидаги мулоҳазаларини бир вақтнинг ўзида ҳам аксиоматик, ҳам аксиологик, ҳам аксио-поэтик деб тавсифлайди[1]. Хайдеггернинг бутун фалсафаси ҳақида ҳам айни шу гапни айтиш мумкин.

[1] Қаранг: Derrida J. Of Spirit: Heidegger and the Question. The University of Chicagopress, 1989. p. 14.

Хайдеггер Гуссерлнинг феноменологик методини ўзлаштиради, лекин уни борлиқ муаммоларининг таҳлилига татбиқ этади. Ҳозирги дунёда инсон борлиқ ҳақидаги тасаввурни деярли йўқотган. Ҳозирги ҳаёт моддий нарсаларнинг мавҳум, мантиқий тилида гапиради, шу сабабли ҳақиқий борлиқни фақат инсоннинг мавжудлиги (Dasein) орқали тасаввур қилиш мумкин. Инсон ҳаёти ҳаётнинг бошқа шаклларидан бутунлай фарқ қилади, чунки ўзини ўзи билиш ва борлиқ ҳақида мулоҳаза юритишга қодир. Инсон ҳақиқий ёки ҳақиқий бўлмаган мавжудликни танлаши мумкин.

«Борлиқ ва вақт» асарида Хайдеггер инсоннинг мавжудлигини таҳлил қилади ва унга борлиқнинг ўзини тушунишга элтувчи йўл сифатида ёндашади. Мавжудликнинг инсоний усули биз ўз ҳаётимизни амалга оширувчи кўп сонли йўлларни англатади. Инсон дунёда мавжуд бўлади, у билан тўқнашади ва кундалик мавжудлик шароитларига мослашиши ва унга кўникма ҳосил қилиши мумкин. Бундай инсон ўз моҳиятидан узоқлашган ва ҳақиқий бўлмаган ҳаёт кечирувчи «аноним мавжудот» ҳисобланади.

Инсон борлиғининг асосий тавсифи сифатида «таважжуҳ» амал қилади. Инсон дунёга ташланган, бинобарин, унда иштирок этади ва манфаатдор ҳисобланади. У ўзи ҳақида ва унинг бу дунёдаги ҳаётини белгиловчи барча нарсалар ҳақида қайғуриши (улар учун масъул бўлиши) лозим. Хайдеггер фикрига кўра, одамзод жамоа ҳаётининг «анонимлиги» ортига яшириниб, эркинлик ва масъулиятни идрок этишдан доим ўзини олиб қочади. Таважжуҳ билан «безовталик» ва «қўрқув» узвий боғлиқ. Улар инсон ўзини ўзи танлаши мумкинлигини тушунганида намоён бўлади.

Инсон мавжудлиги (Dasein)нинг моҳияти сифатида экзистенция – очиқлик, ўзгача нарсаларга интилиш амал қилади. У йўқликка (ўлимга) интилади ва ўзининг бетакрорлигини даҳшат орқали англаб етади. Инсон айнан борлиқнинг мантиқсизлигидан даҳшатга тушиш орқали ўзининг ҳақиқий борлиғини тушуниб етади. Ҳамонки инсон ўзини ўлим даҳшати орқали англаб етар экан, муваққатлик инсон мавжудлигининг бош хоссаларидан бири ҳисобланади. Мавжудликнинг муваққат тузилиши ўзликни англаш ва ҳаракатнинг бош омилидир.

Хайдеггер ўз ижодий фаолиятининг сўнгги босқичида тил ҳамда техника экспансияси натижасида ҳозирги замон инқирози мавзуларига қўл уради. У техникага янги Европа тарихини ҳаракатлантирувчи куч сифатида қарайди. Техника мавжудликни унга ўз ҳукмини ўтказиш учун предметга айлантиради. Бу охир-оқибат шунга олиб келадики, инсоннинг ўзи ҳам техникага қарам бўлиб қолади, предметга айланади.

Хайдеггернинг фалсафий ғоялари кўпгина мутафаккирлар томонидан ривожлантирилган. Бу мутафаккирлар орасида Хайдеггернинг издошлари ҳам (Гадамер), уни танқид қилувчилар ҳам бор. Мавжудлик таҳлили метафизикани борлиқни уни моддийлаштириш, кўламлаштириш орқали англаб етиш сифатида рад этади. Метафизик фикрлаш услубининг танқиди замирида уни фикрлаш эркинлигидан воз кечиш сифатида тасаввур қилиш ётади. Метафизик фикрлаш услубининг танқидчилари уни мазкур фикрлаш услубининг замирида борлиқни англаб етиш, унинг мазмун ва моҳиятини тушуниш мумкин эмас, деган ғоя ётганлиги учун танқид қиладилар. Метафизика замирида ётувчи оптик метафора бизни борлиққа

юзаки феномен сифатида ёндашишга мажбур қилади. Бунда борлиқ нарса сифатида тушунилади, уни англаб етиш эса унинг хоссалари, муҳим белгилари ва шу кабиларни аниқлаш орқали амалга оширилади. Амалда борлиқ кўламли объектга айланади. Аммо борлиқ нарса эмас. Хайдеггер илмий-тадқиқотнинг одатдаги тартиб-таомилларига қарши чиқади, у муайян масалани қўйишда унинг мазмунини теран англаб етиш лозим, деб ҳисоблайди. Мулоқотни имитация қилар экан, тадқиқотчи ўз суҳбатдоши инсон, боз устига билимдон инсон эмаслигини унутмаслиги керак. Жавобни савол берган одамнинг ўзи излаши лозим.

Хайдеггер вақтни англаб етиш тажрибаси ёрдамида борлиқни англаб етишни таклиф қилади. Бунда юзаки тасаввур ўрнига ички кечинма биринчи даражали аҳамият касб этади. Биринчи ҳолда инсон, унинг онги сўзлайди ва амал қилади. Иккинчи ҳолда эса – дунёнинг ўзи сўзлайди ва амал қилади, нарсаларнинг ўзлари қаршимизда гавдаланади. Инсон онги, унинг ўзи каби, дунёнинг теран қатламларидан ўрин олган. Аммо онгда оқилона асоснинг ривожланиши билан у ўзи яратган стихияга қарам бўлиб қолган. Агар инсон бой берилган дунё билан уйғунликни тиклай олса, у яна борлиқ овозини эшитади. Бу овозни «борлиқ уйи» бўлган тил орқали эшитиш мумкин.

М.Хайдеггер «фундаментал онтологияси»нинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда фалсафа ва фан бир-бирига қарши қўйилади. Хайдеггер ўзининг борлиқ ва мавжудлик ҳақидаги таълимотида нафақат ҳозирги замон табиатшунослиги маълумотларига таянишга ҳаракат қилмайди, балки янги Европа фани лойиҳасини бу нарсаларни англаб етишга ожиз, деб ҳисоблайди. У «нусха кўчирувчи фикрлаш услуби»нинг эпистемологик имкониятларига бўлган ишончни қаттиқ танқид қилади, илмий фаолиятни борлиқнинг асл ҳақиқатини аниқлаш йўлидаги изланишлар билан бирга амалга ошириш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Хайдеггер фалсафанинг Платонга қадар бўлган ҳолатига қайтишга, фалсафа категориялари тизимини ва умуман фалсафий мушоҳада юритиш тамойилларини қайтадан ва ўзгача асосларда шакллантиришга умид қилади. Хайдеггернинг одатдаги тилга, у орқали эса – архаик тилга мурожаат этгани айни шу ҳол билан изоҳланади. Хайдеггер айнан архаик тилда ўзга образлар ва маъноларни аниқлашга ва шу тариқа борлиқни, мавжудликни англаб етишнинг янгича йўлларини топишга умид қилади.

Борлиқнинг мазмуни тўғрисидаги масала: борлиқ ва вақтнинг алоқаси. Борлиқнинг мазмуни тўғрисидаги масала вақтни англаб етиш муаммоси билан узвий боғлиқ. «Борлиқ тушунчаси энг мавҳум тушунча бўлса керак», деб ёзади Хайдеггер. Борлиқ тушунчаси Европа фалсафасини яратибгина қолмайди, мазкур атаманинг интеллектуал тарихи фалсафа тарихи билан тенгдошдир, у билан боғлиқ бўлган тушунчалар мазмунининг хусусиятлари фалсафа ва жамият ўртасидаги мураккаб муносабатлар моҳиятини кўп жиҳатдан белгилайди. Файласуфлар ўз билимининг «мағзи»ни «оддий одамлар»га одатда борлиқ ҳақидаги фикр ёки фикрлар мажмуи ёрдамида етказишга ҳаракат қиладилар. Бундай фикрлардан Коинот тамойиллари ва қонунлари, нарсалар табиати ҳақидаги, яхшилик ва ёмонлик, мақсадлар ва қадриятлар, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ҳақидаги таълимотлар келиб чиқади.

Айни шу сабабли файласуфлар борлиқнинг хоссалари ва муносабатлари хусусида баҳслашадилар. Борлиқ бирламчи, борлиқ олдиндан белгиланмаган, борлиқ яратади, борлиқ абадий, мукаммал ва ўзгармас, борлиқ ягона, қўшалоқ ёки кўп сонли. Борлиқ нимага қарши туради: йўқлик, шаклланиш ва онггами? У моддийми ёки идеалми? Бир сўз билан айтганда, борлиқ ўз-ўзидан равшан тушунчадир. Фақат борлиқнинг хоссалари ва муносабатлари кўрсатилган борлиқ назариясини яратиш талаб этилади. Борлиқ ҳақида ҳамма нарсани билсак, дунё, инсон, ўтмиш ва келажак ҳақида ҳам ҳамма нарсадан хабар топамиз.

Борлиқнинг мазмун ва моҳияти нимада, деган саволга жавоб топиш Хайдеггер учун жуда муҳимдир. «Борлиқ нима?» деб сўрасак, у мазкур «нима»нинг мазмуни бизга маълум, деб ҳисоблайди. Парменид таъбири билан айтганда, борлиқ бор ва бўлмаслиги мумкин эмас. Демак, борлиқ бор ва фақат унинг қандайлигини аниқлаш талаб этилади. Худди шунингдек, «қуён нима», деган савол ҳам қуённинг борлигини назарда тутади ва унинг жинсини айтиш, белгиларини санаб ўтиш, балки у яшайдиган муҳитни кўрсатиш ва тавсифлаш талаб этилади. Қуён – сут эмизувчи ўтхўр ҳайвон, кемирувчилар оиласига киради, узун қулоқлари бор ва шу кабилар. «Қуён» сўзи билан биз кўриш, суратини чизиш, тавсифлаш мумкин бўлган предметни атаймиз. Бу сўз билан биз битта предметни эмас, балки мазкур турга мансуб бўлган кўп сонли предметларни атаймиз. Аммо борлиқ қуён эмас ва умуман, у ҳеч қандай нарса эмас. Худди сезгилар, фикрлар, тушунчаларни кўриш, суратини чизиш ёки тавсифлаш мумкин бўлмаганидек, борлиқни кўриш ҳам, тавсифлаш ҳам, суратини чизиш ҳам мумкин эмас. Сезгиларни ҳис этиш, фикрларни таърифлаш, тушунчаларнинг мазмунига тавсиф бериш мумкин. Аммо борлиқ санаб ўтилган феноменларнинг бирортасига мансуб бўлса, у қандай қилиб ҳамма нарсанинг аввалида туриши, ҳамма нарсанинг асоси бўлиши мумкин.

Фалсафа фикрлашнинг янгича услубини кашф этди. Бу фикрлаш услуби ёрдамида биз аслида нарса бўлмаган феноменларга ҳам нарса сифатида ёндашишимиз мумкин. Масалан, нарсаларнинг хоссалари, нарсалар ўртасидаги муносабатлар. Сўнгра фикрлар, сезгилар, сўзлар, номлар, қилмишлар. Ниҳоят, мазмуннинг ўзи. Мазмунни ўрганиш билан XX асрда прагматистлар, феноменологлар, неопозитивистлар шуғулландилар. Натижада прагматистлар семиотикани, феноменологлар – герменевтикани, неопозитивистлар эса – тилнинг мантиқий таҳлили ва ҳаракатнинг лингвистик таҳлилини яратдилар. Аммо бу ёндашувларнинг барчаси аслида номоддийни моддийлаштиришга таянади. Сўзлар, фикрлар, сезгилар ва қилмишлар таҳлил предметига айланиши учун ўзига хос нарсаларга айлантирилади. Қадимги таҳлилнинг махсус воситаси – мантиқ уларни тенг ҳуқуқли тушунчалар сифатида бирлаштиради, фақат «якка – умумий» ва «мавҳум – конкрет» йўналишлари бўйичагина уларни ажратади.

Орадан юз йилликлар ўтди ва файласуфлар фалсафий тушунчаларнинг мазмунини гўёки уларнинг моддий табиатига ҳеч ким шубҳа қилмагандек муҳокама қила бошладилар. Платоннинг мазкур ғаройиб моҳиятлар мавжуд бўлган алоҳида дунё ҳақидаги фантастик таълимотига эҳтиёж қолмади. Бу таълимотсиз ҳам энг теран ақл эгалари замирида борлиққа ўхшаш «кузатилмайдиган моҳиятлар» ётувчи назарий тизимларни яратиш билан шуғуллана бошладилар. Файласуфлар борлиқ нимага ўхшаши ва унинг табиати қандайлиги хусусида баҳсга киришди-

лар. Айримлар борлиқ моддий ва идеалга бўлинади, деган фикрни илгари сурадилар, айримлар уни фақат идеал, маънавий ёки илоҳий феномен сифатида тасаввур қиладилар, яна бир гуруҳ файласуфлар борлиқнинг ягоналиги тўғрисидаги масалани кун тартибига қўядилар. Хайдеггер буни «Ғарб метафизикаси» деб номлади ва унга Парменид яшаган замондан бошлаб Кант ва Гегель замонигача бўлган даврдаги барча фалсафий таълимотларни киритди. Улардан фарқли ўлароқ Хайдеггер борлиқ ҳақида бошқа тилда сўзлади: у сўзнинг ёки ҳаракатнинг мазмуни ҳақида қандай сўрасалар, борлиқнинг мазмуни ҳақида ҳам шундай сўради.

Хайдеггернинг жавоби – бу борлиқнинг мазмуни нимада, деган саволга жавоб эмас, балки саволнинг мазмунига ойдинлик киритишдир. Борлиқ ҳақида шундай бир тилда гапира бошлашдики, у мазмуннинг тагига етиш имкониятини бермайди, деб ҳисоблайди Хайдеггер ва бу фикрда у яратган таълимотнинг феноменологик илдизлари айниқса, бўртиб намоён бўлади.

Борлиқ моҳиятини тушуниб етишда энг янги қарашнинг ўзагини инсоннинг ижтимоий ижоди ташкил этади. Бунда борлиқ ҳаёт фаолияти жараёни сифатида тушунилади. Фан-техника тараққиётининг суръатлари тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда мазкур дунёқараш кўпинча технократик дунёқараш деб аталади.

XX асрда Борлиқ – дунё миқёсидаги тартибсизлик, абсурд ва интиҳо асри – бунёд этган янги постмодернистик шаклини эълон қилган постмодерн инстинкт, бошбошдоқлик, ва юриш-туришларнинг ранг-баранглиги, спонтанлик ҳамда тартибсизлик томон юз тутган. Санъат ва борлиқ орасидаги масофа тобора қисқариб, мутлақо йўқолиш даражасига яқинлашган. Кўчадаги нарсалар бадиий асарлар аҳамиятини касб этган. Постмодерн ҳаётдаги ҳақиқий қарама-қаршиликлардан келиб чиқишга ҳаракат қилиб, борлиқдан «нусха» кўчирган ва «ўз тартиби»ни таклиф қилган. Одатдаги нарсаларнинг оддий боғланишларини нейтраллаштириб, уларни образли – бадиий дунёқараш мақомига даъвогар бўлган янги маънолар тизимига киритишга интилиш ижоднинг моҳиятига айланган.

Борлиқ ҳақидаги ўта кенг, фалсафий тасаввурлар дунёнинг яхлит табиий-илмий манзарасини яратишга ҳаракат қилаётган ҳозирги замон фанининг хулосалари ва қоидаларига асосланиши лозим. Аммо айрим фанлардан иборат фан ўз ҳолича борлиқнинг умумий талқинини бермайди, зеро бу вазифа, аввало, фалсафий даражада ҳал қилинади.

Борлиқ шакллари. Инсон барча жонли нарсалар жонсиз нарсалардан бутунлай фарқ қилишига қадимдаёқ эътибор берган, лекин буни анча кейин тушуниб етган. Жонли нарсалар дунёсида инсон алоҳида ўрин эгаллайди. У барча жонли нарсалардан бутунлай фарқ қилади. Инсоннинг бу асосий фарқи унинг онгида, идеал образлар билан иш кўриш, яъни мавҳум фикрлаш ва ўзини фикрловчи жонзот сифатида англаш қобилиятида намоён бўлади.

Шундай қилиб, борлиқнинг умумий манзарасини яратиш заминидан нотирик табиат ўрин оладиган ўзига хос пирамида ҳосил бўлади. Б*орлиқнинг шакллари нотирик табиат, тирик табиат, ижтимоий борлиқ ва инсон борлиғи кабилардир*. Сўнгги йилларда виртуал борлиқ шакли ҳақида фикр юритилмоқда. Борлиқнинг бу умумий шакллари ўзига хос хусусиятга, ўзининг бетакрор моҳиятига эгадир. Борлиқнинг турли шаклларини жонсиз табиатдан бошлаб муфассалроқ кўриб

чиқамиз, зеро у ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан жонли ва ижтимоий табиатнинг негизи ҳисобланади.

Табиат борлиғи бирламчи (яъни инсон ва унинг фаолиятидан қатъи назар мавжуд бўлган нарсалар ва жараёнлар борлиғи) ва иккиламчи (ёки одамлар томонидан яратилган нарсалар ва жараёнлар борлиғи) табиат борлиғига бўлинади. Бирламчи табиат нотирик табиат нарсалари ва жараёнларининг борлиғи – бутун табиий ва сунъий дунё, шунингдек, табиатнинг барча ҳолатлари ва ҳодисалари (юлдузлар, сайёралар, ер, сув, ҳаво, бинолар, машиналар, акс садо, камалак, кўзгудаги акс ва ш.к.)дир. Бирламчи табиат борлиғи икки даражани ўз ичига олади.

Бирламчи даража жонли руҳсиз жисмлардан, яъни кўпайиш қобилиятига эга бўлган, атроф-муҳит билан моддалар ва энергия алмашинувини амалга оширадиган, лекин онгга эга бўлмаган барча нарсалар, яъни сайёрамиз ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўз ичига олган бутун биосферадан иборат.

Иккиламчи даража – бу инсон ва инсон онгининг борлиғи бўлиб, бу инсон яратган ёки ўзгартирган табиатдир. Табиат макон ва вақтда чексиз ҳамда абадийдир. Иккиламчи ёки инсон томонидан яратилган табиат биринчи табиатга боғлиқ. Бир томондан, иккиламчи табиатда бирламчи табиат материали, бошқача айтганда, объектив бирламчи борлиқ мужассамлашган, бошқа томондан эса – унда инсоннинг меҳнати, иродаси ва билимлари, унинг қалби ўз ифодасини топган. Иккиламчи табиат – бу меҳнат қуроллари ва шароитлари, алоқа воситалари, инсон руҳининг эҳтиёжлари, маърифатли борлиқ, моддий ва маънавий маданиятни белгиловчи барча нарсалар ва жараёнлардир.

Инсон борлиғининг таҳлилида унинг табиатнинг бир қисми сифатида жисмоний мавжудлигини ва алоҳида инсон борлиғини фарқлаш ўринли бўлади.

Инсон табиатнинг бир қисми ҳисобланади ва шу маънода унинг қонунларига бўйсунади. Тананинг мавжудлиги инсон ўлимга маҳкум эканлигини белгилайди. Инсон борлиқ ва йўқлик диалектикаси билан боғланади, барча табиат жисмлари каби вужудга келиш, шаклланиш ва ҳалок бўлиш ҳолатларидан ўтади. Барча табиат жисмлари каби, инсон танасига ҳам модда ва энергиянинг сақланиш қонунлари ўз таъсирини кўрсатади, яъни унинг таркибий қисмлари табиатнинг бошқа ҳолатларига ўтади. Инсон танаси мавжуд бўлиши учун уни муттасил қувватлаш (овқатланиш, совуқдан ва бошқа хавф-хатарлардан сақлаш) талаб этилади. Фикрлаш учун инсон танасининг тириклигини таъминлаш зарур. Бундан ҳаётни сақлаш, инсоннинг ўз-ўзини сақлаши ва инсониятнинг яшовчанлигини таъминлаш зарурияти келиб чиқади, бу озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар-жой, соф атроф-муҳитга эга бўлиш эҳтиёжида ўз ифодасини топади.

Маънавий борлиқ субъектив индивидуаллашган ва объектив (ноиндивидуал) маънавий борлиқ сифатида мавжуд. Индивидуаллашган маънавий борлиқ – бу инсоннинг ички дунёси, у онглилик ва онгсизликни қамраб олади. Бундай ёндашувга кўра, руҳ – индивидуал онг билан айний тушунча, тор маънода эса у тафаккурдир. Онг – инсон бош миясининг дунё борлиғини изчил акс эттириш, уни образлар ва тушунчаларга айлантириш қобилияти. У таассуротлар, сезгилар, кечинмалар, фикрлар, шунингдек, ғоялар, эътиқодлар, қадриятлар, мўлжаллар, андозаларнинг кўринмас жараёни сифатида мавжуд. Онг тез оқадиган ва бир

хил бўлмаган орқага қайтмайдиган хусусиятга эга. Шаклан бу жараён тартибсиз, лекин шу билан бир вақтда унда муайян тартиб, барқарорлик, структура, муайян даражада интизом ва ирода мавжуд.

Инсон онги айни вақтда унинг ўз-ўзини англаши, яъни ўз танаси, фикрлари ва туйғуларини, ўзининг бошқа одамларга бўлган муносабатини ва ўзининг жамиятдаги ўрнини англаб етиши, яъни ўзини ўзи билишдир. Ўзликни англаш – бу онгимизнинг ўзига хос асосидир.

Индивидуал онг ўзининг ўлимга маҳкумлиги билан тавсифланади, лекин унинг айрим қисмлари ноиндивидуал маънавий шакл-шамойил касб этади, шунингдек, бошқа кишилар мулкига айланади. Хатти-ҳаракатларда инсон онгининг фрагментлари моддийлашади, уларга қараб одамларнинг ниятлари, мўлжаллари, мақсадлари, ғоялари ҳақида хулоса чиқарилади. Ноиндивидуал маънавий борлиқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг элементлари сақланади, такомиллашади ва ижтимоий макон ва вақтда эркин ҳаракатланади.

Ижтимоий борлиқ айрим инсоннинг жамиятдаги борлиғи ва жамиятнинг борлиғига бўлинади. Ҳар бир инсон бошқа одамлар билан муттасил алоқа қилади, турли ижтимоий гуруҳлар: оила, ишлаб чиқариш жамоаси, миллатнинг аъзоси ҳисобланади. У бошқа индивидлар билан яқин алоқа қилиб яшайди. Одамларнинг барча фаолияти мазкур социумга хос бўлган ижтимоий муносабатлар, чунончи: сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ахлоқий ва бошқа муносабатлар доирасида амалга оширилади.

Виртуал борлиқ технологияси замирида биринчи марта XX аср 60-йилларининг ўрталарида пайдо бўлган компьютерлар ёрдамида дунёлар моделини яратиш мумкин, деган ғоя ётади. Виртуал (лотинча «virtualis» – «мумкин бўлган») – нарсалар ва ҳодисаларнинг вақт ва маконда моддий мавжудлигига қарама-қарши ўлароқ, объектив нарсалар ёки субъектив образлар мавжудлигининг номоддий тури.

«Виртуал борлиқ» атамаси 1970-йилларнинг охирида Массачусет технология институтида Жерон Леньер томонидан ўйлаб топилган. У 1984 йилда дунёда биринчи виртуал борлиқ фирмасини ташкил этди. Бу атама компьютерда яратиладиган муҳитда инсоннинг мавжудлиги ғоясини ифода этади. «Виртуал борлиқ» атамаси муомалага америкалик кинематографлар томонидан киритилган. Улар муайян сабабларга кўра табиий йўл билан амалга ошириб бўлмайдиган хаёлий имкониятларни белгили – график шаклда сунъий амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кинолентани шу ном билан чиқарганлар.

Виртуал борлиқ – инсон реал борлиқда ҳаракат қилаётгани иллюзиясини компьютерда яратиш имконини берувчи интерактив технология. Бунда объектив борлиқни табиий сезги органлари ёрдамида идрок этиш ўрнини махсус интерфейс, компьютер графикаси ва овоз воситасида сунъий яратилган компьютер ахбороти эгаллайди. Виртуал борлиқ амалда йўқ нарса, уни қўл билан тутиш, унинг таъми ва ҳидини ҳис қилиш мумкин эмас. Шунга қарамай, у мавжуд ва инсон бу хаёлий оламга кириб, уни нафақат кузатади ва бошдан кечиради, балки унга таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга бўлади, ушбу оламда мустақил ҳаракат қилади, уни ўзгартира олади. *Виртуал олам – инсон борлиғининг ўзига хос шакли ва одамлар маънавий алоқасининг алоҳида маданий ифодасидир.*

Аммо виртуал борлиқ реал физик борлиқдек лаззат бахш эта олмайди, чунки бу борлиқ таъсирида вужудга келувчи ҳис-туйғулар кўп жиҳатдан унинг ўзи билан эмас, балки уни биз қандай идрок этишимиз билан белгиланади. Биз виртуал денгизда чўмилишимиз мумкин, аммо бунда пайдо бўлувчи ҳис-туйғуларимиз бу денгизни биз қандай идрок этишимизга боғлиқ бўлади. Виртуал тарвуз ҳақиқий тарвуздан ширин эмас, виртуал колбаса ҳақиқий колбаса ўрнини боса олмайди ва ҳоказо.

Виртуал борлиқни одамлар яратади. Шу боис виртуал борлиқда мавжуд барча нарсаларнинг манбаи инсон онгидир. Бинобарин, виртуал борлиқ онг, онг ости соҳаси ва фантазия чиғириғидан ўтувчи физик борлиқдан шаклланади. Виртуал борлиқ объектив тарзда, яъни инсон миясида эмас, балки компьютерда мавжуд бўлади. Айни вақтда, у инсон онгининг маҳсулидир. Инсон томонидан яратилганидан кейин у инсон онгидан қатъи назар яшашда давом этади, бу онгга ҳар хил таъсир кўрсатади, мазкур онгнинг мазмунига – билимлар, эмоциялар, кайфият ҳамда онгнинг бошқа унсурларига қараб, ҳар хил идрок этилади.

Бугунги кунда виртуал борлиқ инсон маданий фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилмоқда. Виртуал борлиқдан, энг аввало, у вужудга келган соҳада, фанда – физикада суюқлик ва газлар динамикасини моделлаштиришда, кимёда кимёвий реакциялар моделини тузишда, геология ва география фанларида фойдаланилмоқда.

Муҳандислик соҳасида, айниқса, хавфли шароитларда: очиқ космосда, денгиз ва океанларнинг чуқур жойларида, ядро муҳандислигида роботларни масофадан туриб бошқаришда виртуал борлиқ кенг қўлланилмоқда. Муҳандислик дизайнини автоматлаштириш жараёнида виртуал борлиқ технологияси, айниқса, қўл келмоқда. Компьютер дизайни ва унинг ажралмас ҳамроҳи – компьютер ишлаб чиқариши ракеталар ва самолётлар, автомобиллар катта бинолар конструкцияларини синовдан ўтказишда ягона жараёнга бирлаштирилди.

Виртуал борлиқ технологиясидан ҳарбийлар ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Масалан, АҚШ армиясида ҳарбий хизматчиларда мерганлик кўникмаларини шакллантиришда имитаторлардан, жанг шароитида тез ва тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасини шакллантириш учун эса ҳарбий докторлардан фойдаланилади. Жуда қимматга тушадиган ва атроф-муҳитга катта зарар етказадиган ҳарбий машқлар имитация қилинмоқда. Танк қисмларида танкдан ўқ узишни ҳамда танк жангида аскарлар ва офицерларнинг шахсий иштирокини имитация қилувчи ҳарбий ўйинлардан фойдаланилмоқда. Лойиҳалаштирилган, лекин ҳали ясалмаган қурол-аслаҳа турлари синовдан ўтказилмоқда. Ҳарбийлар олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш учун ҳам компьютер имитациясидан фойдаланмоқдалар.

Таълим соҳасида машқ тренажёрларини яратишда виртуал борлиқ технологиясидан фойдаланилмоқда. Яқинда виртуал кутубхоналар ва музейлар ташкил этиш концепцияси таклиф қилинди. Масалан, виртуал кутубхоналарда фойдаланувчи компьютер ёрдамида китоб жавонларининг визуал тасвири бўйлаб ҳаракатланиши, керакли адабиётларни топиши ва олиб кўздан кечириши, зарур ҳолда эса, улардан нусха кўчириши мумкин.

Виртуал музей концепцияси бир қадар бошқача. Виртуал музей фойдаланувчи-

ларга коллекциядаги исталган экспонатни унинг табиий, уч ўлчовли кўринишида кўриш имконини беради. Аммо бу тасвирий ечиш қобилияти анча юқори бўлган дисплейларни тақозо этади.

Шундай қилиб, виртуал борлиқ назарий изланишлардан оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникациялар ажралмас қисми бўлган ҳозирги замон маданиятининг таркибий қисмига айланди.

Янги ахборот-коммуникация технологияларига интилиш бизга ривожланган жамиятларда тобора катта роль ўйнаётган янги тажрибанинг чексиз имкониятларини қўлга киритиш имконини беради, деган умид билан боғлиқдир. *Виртуал борлиқ тизимлари бу тажрибадан ва инсоннинг «янги ўзига хос хусусияти»дан фойдаланиш имконини амалда таъминлайди*. Инсон фақат ўз тасаввури билан чекланадиган сунъий тарзда яратилувчи виртуал оламлар орасида яшай бошлайди. Бундай дунёни яратиш мумкинми? Биз ўзимизда кибергларни кашф этамизми ёки фақат онгнинг компьютерлар моделлаштирувчи муҳит доирасидаги ҳозирча ифодалаш мумкин бўлмаган ҳолатларининг тажрибасиними – буни келажак кўрсатади.

Бу яқинлашаётган ва компьютер экранлари ёруғи билан ўзига чорлаётган ҳолатларни қандай баҳолаш ҳамда тавсифлаш мумкин? Ҳозирги замон одамининг ҳақиқий бўлмаган, ғайриинсоний зомби ҳолатидаги мавжудлиги борлиқни инкор этиш демакдир. У шаклан бошқача борлиқ, мазмунан эса йўқлик сифатида амал қилади..

Борлиқнинг юқорида санаб ўтилган турли шакллари бугунги кунда фанга аниқ маълум бўлган, кузатиш, ўрганиш, таҳлил, назорат ва ҳоказолар предмети бўлиши мумкин бўлган барча нарсаларни ўз ичига олади. Айни вақтда дунё фан ва инсон ақли англаб етмаган жумбоқлар ва мўъжизаларга тўладир. Аммо бу ҳол борлиқ ҳақидаги ҳозирги тасаввурлар ўз кучини йўқотадиган қандайдир ўзга дунёлар мавжудлигидан далолат беради, деб айтиш учун етарли асослар мавжуд эмас.

Хуллас, «борлиқ» категорияси ўта умумий фалсафий абстракция бўлиб, у турли-туман табиат ҳодисалари ва жараёнларини, одамлар жамоалари ва айрим кишиларни, ижтимоий институтларни, инсон онгининг даражалари, шакллари ва ҳолатларини мавжудлик белгисига кўра бирлаштиради. Гарчи бу ҳодисалар ва жараёнлар борлиқнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлса-да, уларнинг барчасини умумий асос бирлаштиради. Аммо чексиз даражада ранг-баранг дунёнинг ягоналиги тўғрисида сўз юритиш мумкинми? Бу саволга «ҳа» деб жавоб бериш орқали биз бутун борлиқнинг умумий асоси ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Бу ҳақда қуйида сўз юритилади.

Оламнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Нотирик табиат ўз шакллари ва ҳолатларининг сон-саноқсизлиги ва ранг-баранглиги билан ақлни лол қолдиради. У турли жисмлар, предметлар, зарралар, газлар, майдонлар, хоссалар, ҳодисалар кўринишида амал қилар экан, муттасил ҳаракат ва ўзгаришлар жараёнини бошдан кечиради.

Дунёнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар сўнгги 400 йил ичида вужудга келди, галактикалар ва уларнинг тўдалари, макро ва микродунёнинг ҳайратомуз ранг-баранглиги ҳақида одамлар XX асрдагина

хабар топдилар. Оламнинг чексиз бўшлиғи қаршисида бизнинг дунё ҳақидаги тасаввурларимиз ҳозир ҳам денгиздан бир томчи бўлиб туюлади. Лекин, шунга қарамай, бугунги кунда биз билган ва тушунган нарсалар бутун Олам ва унинг айрим қисмлари эволюцияси ва муттасил ўзгарувчанлиги ҳақида анча асосли хулоса чиқариш имконини беради. Бошқача айтганда, дунё у ёки бу босқичда маълум нарсалар вужудга келиб, ўз борлиғини касб этадиган ва қачондир йўқ бўладиган, яъни ўзининг аввалги борлиғини йўқотиб, модда ва энергиянинг сақланиш қонунига биноан бошқа нарсага айланадиган муттасил давом этувчи жараёндир.

Нотирик табиатнинг ҳозирда мавжуд бўлган бутун ранг-баранглиги ўз асосига эга, яъни у қачондир вужудга келган. Бу фикрни кенгайиб бораётган Олам ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар ҳам тасдиқлайди. Бироқ, олимлар фикрига кўра, биз яшаётган Олам тарихи бошланишига асос бўлган «Катта портлаш» назарияси дунёнинг моҳияти ва унинг тузилиши хусусида янги ва янги масалаларни кун тартибига қўймоқда. Табиий фанларнинг маълумотлари тахминан 15 миллиард йил муқаддам *айрим осмон жисмлари мавжуд бўлмагани, бизнинг Олам деярли бир жинсли кенгайиб бораётган плазмадан ташкил топганидан далолат беради*. Эндиликда бир-биридан узоқлашаётган галактикалар таркибига кирувчи юлдузлар, сайёралар, астероидлар ва бошқа кўплаб космик жисмлар мавжуд бўлиб, бу галактикаларнинг тўдаларида вақти-вақти билан фанга маълум бўлмаган сабабларга кўра улкан тадрижий ва инқилобий ўзгаришлар юз беради.

Ер тарихи. Илмий тасаввурларга кўра, биз яшаётган сайёра тахминан 4,5 миллиард йил муқаддам Қуёш тизимида сочилиб ётган газсимон-чангсимон моддадан пайдо бўлган, муайян моддий жисм сифатида ўз борлиғини касб этган, орадан яна бир миллиард йилча вақт ўтгач, Ернинг геологик тарихи бошланган. Ҳозирги замон фани аниқлаган энг қадимги тоғ жинсларининг ёши шундан далолат беради. Шундай қилиб, Ер жонсиз табиатининг моддий дунёси ўзининг аниқ геологик йил ҳисобига эга ва унинг борлиғи сайёрамизнинг умумий эволюцион жараёнлари билан боғлиқ. Ернинг табиий космик жисм сифатидаги эволюциясини эса нафақат тоғ жинслари ёки қитъалар тарихи, балки минераллар, фойдали қазилмалар, кейинроқ эса, олий шакллар даражасигача ривожланган жонли мавжудодларнинг пайдо бўлиши ҳам тасдиқлайди.

Инсоннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Инсон фаол асос сифатида ўз шаклланиш жараёнининг илк босқичлариданоқ ўзини қуршаган муҳитга ўзгартирувчи таъсир кўрсата бошлади. Археологик қазишларнинг натижалари ва антропологик тадқиқотлар «ақлли одам» меҳнат қуроллари ясаб, нафақат табиат ва унинг предметларидан фойдаланган, балки уни ўз манфаатлари йўлида ўзгартиришга ҳаракат қилганлиги 2–4 миллион йил муқаддам юз берганини кўрсатади. Инсон ўзини қуршаган дунёга бунгача табиатда мавжуд бўлмаган предметларни олиб кира бошлади. Аввалига бу меҳнат, рўзғор ва турар-жой предметлари эди. Сўнгра ариқлар, тўғонлар, бинолар, иншоотлар ва инсон фаолиятининг шунга ўхшаш натижалари пайдо бўлди.

Эндиликда, учинчи минг йилликда инсон бутун сайёра бўйлаб жойлашиб, ўзининг ўзгартирувчи имкониятларини кўп карра кўпайтириб, табиатда илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган янги нарсалар ва ҳодисаларнинг катта бир дунёси-

ни яратди. У шиддат билан, шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойлар, саноат корхоналари ва техник қурилмалар, йўллар, машиналар, аэродромлар ва шу кабилардан иборат инфратузилма тармоғини яратиб, Ернинг табиий шакл-шамойилини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартирди. Буларнинг барчаси ҳам жонсиз табиатдир, аммо инсон томонидан яратилгани боис, у табиий эмас, балки сунъий хусусият касб этади. Шу боис, у тадрижий ривожланадиган, инсоннинг хоҳиш-истаги ва аралашувидан қатъи назар мавжуд бўлган «бирламчи» табиатдан фарқли ўлароқ, «иккламчи табиат» сифатида талқин қилинади.

Инсон яратган нарсалар борлиғи кўп жиҳатдан инсоннинг ўз борлиғи билан боғланади, зеро у бунёд этган «иккиламчи табиат», аввало, унинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Шу сабабли «иккиламчи табиат»нинг аксарият предметлари борлиғи одамзод борлиғи каби ўткинчидир. Умуминсоний аҳамият касб этадиган муҳим асарлар, одамларнинг кўплаб авлодлари учун қимматли бўлган моддий маданият маҳсулларигина ўз борлиғини маълум даражада узайтириш имкониятига эгадир.

Аммо тарих «бирламчи табиат»га хос бўлган вайронкор жараёнлар парчаланиш, емирилиш, оксидланиш ва шу кабилар, шунингдек, тез-тез такрорланиб турадиган табиий офатлар ва ижтимоий тангликлар бу оз сонли имкониятни янада камайтиради. Шунга қарамай, инсоннинг янги нарсалар яратиш жараёни, уларнинг йўқ бўлиш жараёнидан илдамроқ кечмоқда. Шунингдек, куни битган эски нарсалар ўзининг аввалги борлиғини йўқотиб, асосан чиқинди, ахлатга ва табиий муҳитга ёт бўлган ўзга лаш-лушларга айланади.

Пировардда сунъий муҳит тинимсиз янгиланиб, ҳажман кўпаяди ва кенгаяди, табиий муҳитни четга чиқариб, унинг ўрнини эгаллай бошлайди. Ерда одамлар сони ўсгани сари бу жараён тобора фаоллашиб боради.

Аммо Ер, айниқса, унинг инсон яшаши учун яроқли ҳудудлари сайёранинг олти миллиарддан ортиқ аҳолиси учун торлик қилмоқда. Ҳолбуки, кўрсатилган вазиятга қарамай, Ер аҳолиси сони жадал суръатларда ўсишда давом этмоқда. Бу номутаносиблик сўнгги вақтда «бирламчи» ва ўта катталашган «иккиламчи» табиат ўртасида юзага келган зиддиятни янада кучайтирмоқда.

Тирик табиат ёки ҳаётнинг пайдо бўлиши. Тирик табиат борлиғи ҳаёт билан бевосита алоқада қаралиши лозим. Жонли мавжудот учун бўлиш – яшаш, бўлмаслик – ҳаётдан маҳрум бўлиш, ўлиш, яъни жонли организм сифатида бошқа мавжуд бўлмаслик демакдир. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши муаммоси доимо инсоннинг диққат марказида бўлган ва одамзод учун улкан жумбоқлардан бири бўлиб қолган. У мазкур жумбоқнинг тагига етиш учун барча замонларда ўз ақли ва тасаввури кучидан тўла фойдаланган. Аммо инсоннинг тадқиқотчилик имкониятлари беҳад ошган, биология фанлари эса ўз ривожланишида анча олға силжиган бугунги кунда ҳам бу муаммо ўзининг тўла ечимини топган, деб айтиш мушкул. Айни шу сабабли жонли модда жонсиз моддадан эволюция йўл билан пайдо бўлгани ҳақидаги илмий тасаввурлар билан бир қаторда ҳаёт келиб чиқишининг ўз илдизлари билан тарихга, хусусан фалсафа тарихига боғланадиган турли назариялар ҳам амал қилишда давом этмоқда.

Ибтидоий жамоа давридаёқ одамлар ҳаётни ҳар хил руҳлар, жонларнинг мавжудлиги билан тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг фикрича, бун-

дай руҳлар ва жонларга нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, шунингдек, атроф борлиқнинг барча нарсалари ва ҳодисалари ҳам эга бўлган. Тегишли эътиқодлар анимизм деган ном олган (бу ҳақда биринчи мавзуда тўлиқ маълумот берилган).

Аристотель (мил. ав. 384–322-йиллар) асарларида, кейинчалик ўрта аср схоластикасида ва Лейбниц (1646–1716) асарларида фаол асос, ҳаракатлантирувчи куч сифатида талқин қилинадиган «энтелехия» (юнон. «entelechia» – «ўз-ўзида мақсадга эга бўлган») атамасига дуч келамиз. *Жонли модданинг мавжудлигини ва унинг жонсиз моддадан фарқини бутун тириклик замирида ётувчи қандайдир жисмсиз, иррационал сабаб, «ҳаёт кучи» мавжудлигини тан олиш орқали тушунтирадиган фалсафий таълимот – витализм (лот. «vitalis» – «жонли») замирида айни шу тушунча ётади*. Ҳаёт пайдо бўлишининг илоҳий асослари, «ҳаёт ҳужайралари» Ерга космосдан келгани, гўёки Ерда тажриба ўтказаётган ўзга сайёралик келгиндилар ва ҳоказолар ҳақида жуда кўп ҳар хил ғоялар илгари сурилган.

Шу боис, Коинотда бизнинг сайёрамиздан бошқа жойда ҳам ҳаёт борми, деган савол мутлақо ўринлидир. Қуёш каби юлдузлар Коинотда сон-саноқсиз эканлиги, уларнинг атрофида ҳам сайёралар айланиши мумкинлиги ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ Ердан бошқа жойда ҳам ҳаёт мавжудлигини тахмин қилиш учун асос бўлади. Шунингдек, Коинот миқёсида жуда кичкина ва ҳозирги инсон ўрганиши учун имконият мавжуд бўлган Қуёш тизими хусусида ҳам ҳаётнинг бирон-бир шакллари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини қайд этиш учун етарли ахборот ҳозирча йўқ. Мазкур вазифа фақат мушоҳада юритиш йўли билан ҳал қилиниши мумкин эмас ва экспериментал тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Инсон илмий-техника имкониятларининг ўсиш суръатларига қараганда, Қуёш тизимида Ердан бошқа жойда ҳаёт мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги масаласи яқин келажакда ўз ечимини топса керак. Аммо бутун коинотга нисбатан (у инсон билиши учун чексизлиги туфайли) бу масала сақланиб қолади. Шунингдек, ҳаёт у Ерда ва фақат шундай усулда мавжуд бўлиши мумкин, деб айтиш учун бирон-бир асос мавжуд эмас.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фалсафий оптимизм. Ҳаётнинг пайдо бўлиши муаммоси устида бош қотирар экан, инсон ортиқча оптимизм намойиш этиши ва ўзининг ҳақиқатнинг тагига етиш қобилиятига ҳаддан ортиқ ишониши ҳам, муаммонинг мураккаблиги қаршисида ўз ожизлигини тан олиши ҳам мумкин. Бундай шароитда XX аср бошида Америка прагматизмининг таниқли намояндаси Уильям Жемс (1842–1910) таърифлаган ёндашув ўринли бўлса керак. Унинг таъбири билан айтганда, «биз қор босган, қуюнлар чарх ураётган тоғлар орасида турибмиз. Қаршимизда баъзан туман пардаси оша сўқмоқлар намоён бўлади. Улар ишончсиз бўлиши мумкин. Лекин биз бу ерда ҳаракатсиз турадиган бўлсак, музлаб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас; борди-ю, сохта йўлни танласак, йиқилиб ўлишимиз мумкин; биз ҳатто чин йўл бор-йўқлигини ҳам билмаймиз. Хўш, биз нима қилишимиз керак? Тушкунликка тушмаслигимиз керак! Ҳаммаси яхши бўлишига умид қилиб, дадил ҳаракат қилишимиз керак!»[1]

[1] Джемс У. Зависимость веры от воли. –СП(б).: 1994 г. с. 35.

Агар биз чексизлик ҳамда ҳал қилинаётган вазифанинг ўта мураккаблиги қаршисида ҳафсаласизлик ва ҳаракатсизликдан юқорида зикр этилган тамойилни, мистика ва кўр-кўрона ишончдан ақл далиллари ва билишнинг илмий йўлини устун қўйсак, ҳаёт ҳодисасини фалсафий англаб етиш йўлидаги биринчи ишимиз, жонли деб номлаш мумкин бўлган барча нарсаларнинг жонсиз нарсалардан тубдан фарқини аниқлаш бўлиши лозим.

Жонли нарсаларнинг жонсиз нарсаларга боғлиқлиги. Бугунги кунда биз тушунишга қодир бўлган барча жонли нарсалар умумий ҳолда жонсиз нарсалар дунёси билан таққослаганда, денгиздан бир томчидир. Аммо, жонли нарсалар борлиғи тўғрисида сўз юритганда, у жонсиз нарсалар борлиғи билан узвий боғлиқ эканлигини, унинг юқорироқ босқичи ҳисобланишини қайд этиб ўтиш лозим.

Жонли нарсалар жонсиз (қотиб қолган) табиат негизида вужудга келади ва йўқликка чекинар экан, айни шу қотиб қолган табиат бағрига қайтади. Қадимги юнон файласуфлари бутун тириклик ер, сувдан пайдо бўлган ва уларга қайтиб боради, деганида, айни шу алоқани назарда тутганлар.

Фан, айниқса, биологиянинг ривожланиши билан XIX аср бошларидан органик дунё эволюцияси ҳақидаги яхлит таълимотлар вужудга келди. Дастлаб Ж.Ламарк (1744–1829) ва Ч.Дарвин (1809–1882) таълимоти, кейинчалик эса, генетика кашфиётлари, биология, кимё ва геологиянинг ривожланиши жонли нарсалар жонсиз нарсалардан абиотик (нобиоген, табиий) йўл билан вужудга келган аминокислоталар атроф-муҳитнинг муайян шароитида бирикиши жараёнида табиий йўл билан юзага келган, деб қайд этиш учун замин ҳозирлади.

Масалан, Ч.Дарвин ҳаётнинг вужудга келиши ва унинг табиий танланиш натижасида тадрижий ривожланиши замирида ётувчи ўсиш, насл қолдириш, ирсият, ўзгарувчанлик, кўпайиш прогрессияси, яшаш учун кураш, табиий танланиш каби қонунларни қайд этди.

Жонли нарсаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги илмий тасаввурлар ҳар қандай жонли организмни очиқ типдаги ўз-ўзини ташкил этувчи, яъни атроф-муҳит билан моддалар, энергия ва ахборот алмашинувини амалга оширувчи тизим сифатида тавсифлаш имконини беради. Жонли нарсаларнинг яна бир ўзига хос белгиси шундаки, улар кўпайиш қобилиятига эга. Барча жонсиз нарсалардан фарқли ўлароқ, фақат жонли организмларгина ўзига ўхшаш организмларни яратиши, сиртдан ўсиш ва ҳаётни қувватлаш учун зарур моддаларни олиб, ўз фаолияти чиқиндиларини атроф-муҳитга чиқариб, ўсиши, ривожланиши мумкин. Бошқача айтганда, жонли организмлар борлиғи функционалдир, у жараён сифатида юз беради, яъни муайян жонли нарса мавжуд бўлади ёки у фаолият кўрсатаётгани учун ҳам унда ҳаёт мавжуд бўлади. Бундан ташқари, жонли организмлар мавжудлиги учун тегишли ва мутлақо муайян физик ва кимёвий муҳит талаб этилади, зеро уларнинг ҳаёт фаолияти фақат муайян шароитда: жоиз ҳарорат, ҳаво, намлик, озиқ ва шу кабилар мавжуд бўлган ҳолда юз бериши мумкин.

Қайд этилган омиллар аниқ ва уларни текшириш мумкин бўлса-да, жонли ва жонсиз нарсалар ўртасида узил-кесил чегара ўтказиш осон иш эмас. Масалан, вирусли зарралар жонли организм ҳужайраларидан ташқарида моддалар

алмашинувини амалга оширмайди, кўпаймайди ва ҳоказо. Бу айрим олимлар уларни жонли нарсалар қаторига, айримларнинг эса – жонсиз нарсалар дунёсига киритишига асос бўлади. Чуқурликда музлатилган тақдирда қуритилган уруғлар ёки ўта содда организмларда ҳам яшаш жараёнлари номуайян вақтга тўхтайди, аммо улар аввалги (нормал) шароитга қайтарилгач, мазкур жараёнлар тикланади.

Хулосалар. Борлиқ бизнинг мавжудлигимиз асоси, нотирик, тирик табиатнинг яшаш усулидир. Борлиқ йўқдан бор бўлмайди бордан йўқ бўлмайди. Дунёдаги барча нарсалар бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо қилади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Макон, виртуал борлиқ, ижтимоий борлиқ, инсон борлиғи, бирламчи борлиқ, иккиламчи борлиқ, борлиқ шакллари «борлиқ» категорияси, «вужуди вожиб», «вужуди мумкин», борлиқ ва йўқлик, олам ва одам эволюцияси, оламнинг пайдо бўлиши, жонли нарса, жонсиз нарса.

Қўшимча тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Онтология нимани ўрганади?
2. Нима учун «борлиқ» фалсафанинг асосий категорияси ҳисобланади?
3. Фалсафа тарихида борлиқ муаммосига муносабатлар хилма-хиллигини асосланг.
4. Борлиқнинг асосий шакллари қайсилар?
5. Борлиқнинг турли шакллари ўзаро боғланадими?
6. Виртуал борлиқ нима?

Реферат мавзулари

1. Антик фалсафада борлиққа муносабат.
2. Шарқ мутафаккирлари ижодида борлиқ масалалари.
3. Ижтимоий борлиқ ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Ҳозирги даврда борлиқ муаммосига турли ёндашувлар.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Фалсафанинг қайси соҳасида борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва номавжудлик муаммоларига доир масалалар ўрганилади?

А. Онтологияда Б. Гносеологияда
В. Аксиологияда Г. Ижтимоий фалсафада

2. Қадимги Шарқда илк маротаба қайси манбада борлиқ масалалари таҳлил қилинган?

А. Веда ва Упанишадаларда Б. Конфуций таълимотида
В. Ислом фалсафасида Г. Даосизмда

3. Қадимги юнон файласуфи Фалес борлиқнинг биринчи сабаби сифатида нимани эътироф этган?

А. Сув Б. Ҳаво
В. Олов Г. Ер

4. «Борлиқ бор, йўқлик эса – йўқ», деган фикр кимга тегишли?

А. Парменидга Б. Платонга
В. Суқротга Г. Зенонга

5. Тирик табиат борлиғи неча даражага бўлинади?

А. Икки Б. Уч
В. Тўрт Г. Чексиз

Адабиётлар

1. Саифназаров И., Касимов Б., Мухтаров А. Философия курс лекций. –Т.: «Шарқ», 2002 й.
2. Фалсафа. С.Мамашокиров таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 2005 й.
3. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
4. Falsafa asoslari. M.Ahmedova tahriri ostida –T.: O‘FMJ, 2006-y.

5. Қаҳҳарова Ш. Инсон борлиқ ялпи эволюциясининг маркази // Глобал маънавият глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Т.: «Тафаккур», 2009 й.
6. Фалсафа қисқа изоҳли луғат. М.Абдуллаева таҳрири. –Т.: «Шарқ», 2011 й.
7. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: Учебник. 4-е изд. –М.: 2010 г.
8. Бейли Алиса. От интеллекта к интуиции. –М.: 2002 г.
9. Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. –М.: 2002 г.
10. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному. Новая онтология XX века. –М.: 1997 г.
11. Губин В.Д. Онтология. Проблема бытия в современной европейской философии. –М.: 1998 г.
12. Дубровский Д.И. Проблема идеального: Субъективная реальность. –М.: 2002 г.
13. Хайдеггер М. Бытие и время: пер. с нем. 2-е изд., испр. –СП(б).: 2002 г.
14. Романенко Ю.М. Бытие и естество. –СП(б).: «АЛЕТЕЙЯ», 2003 г.
15. Тўраев Б. Борлиқ фалсафаси. –Т.: 2011 й.

ФАЛСАФАДА СУБСТАНЦИЯ ВА МАТЕРИЯ МУАММОСИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар: Фалсафада субстанция ва материя муаммоси
Семинар машғулот режаси	1. Субстанцуия тушунчасининг маъноси. Субстанция муаммосига турли ёндашувлар (монизм, дуализм, плюрализм). 2. Материя ҳақидаги тасаввурларнинг асосий босқичлари. 3. Геоцентрик ва ногеоцентрик тизимлар диалектикаси. 4. Дунёнинг бирлиги ва ранг-баранглиги. 5. Оламнинг биринчи релятивистик модели.
Машғулотнинг мақсади: Фалсафада субстанция ва субстрат тушунчалари, монистик, дуалистик, плюралистик ёндашувлар, материя шакллари таснифи тўғрисида тушунча берилади.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Субстанция муаммоси ва субстанциянинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилади.	Фалсафада субстанцияга турли хил ёндашувлар, субстанциянинг хусусиятлари тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил қилинади.
Материя ҳақидаги тасаввур шаклланишининг асосий босқичлари таҳлил қилинади.	Материянинг ташкил топиш даражалари, хусусий жиҳатлари борасида билим ва кўникмалар ҳосил қилинади.
Материянинг ташкил топиш даражалари уларнинг тавсифи, хусусий жиҳатларини ёритиш	Универсаллик, яхлитлик, олам гипотезаси тушунчалари ҳақида тасаввур ҳосил қилинади.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотнинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзунинг номи айтиб, мавзу доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни айтади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзу бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Мавзуни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «субстанция ва субстрат» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича талабалар иштирокида таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Плюралистик ёндашув нима? 2. Каузаллик тушунчасини ёритиб беринг. 3. Мега- ва макроолам ўртасидаги тафовутни очиб беринг?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда, жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Материянинг ташкил топиш даражалари» деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Субстанция тушунчасининг моҳияти. *Фалсафа тарихида ўзининг мавжудлиги учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган биринчи асосни ифодалаш учун «субстанция» (лот. «substantia» – «моҳият», «асос») категорияси қўлланилади.* Илк фалсафий йўналишларнинг вакиллари барча нарсалар асосини ташкил этувчи моддани биринчи асос сифатида тушунганлар. Одатда, бундай асос сифатида ўша даврда умумий эътироф этилган биринчи стихиялар: ер, сув, ҳаво, олов ёки фикрий конструкциялар, «биринчи ғиштлар» – апейрон, атомлар қаралган. «Авесто»да бирламчи субстанция олов деб аталган. Кейинчалик субстанция категорияси ўзгармас, нисбатан барқарор ва ҳеч нарса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ўта кенг асосга айланди. Инсон идрок этадиган дунёнинг бутун ранг-баранглиги ва ўзгарувчанлиги субстанция билан боғлана бошлади. Бундай асослар сифатида фалсафада асосан материя, Худо, онг, ғоя, флогистон, эфир ва шу кабилар амал қилган.

Нидерланд файласуфи Бенедикт Спиноза (1632–1677) «causa sui» – «ўз-ўзининг сабабчиси» иборасидан, яъни ўз ҳолича мавжуд бўлган ва ўзи орқали зоҳир бўлган, яъни ўзининг мавжудлиги учун бошқа нарсага муҳтож бўлмаган нарсани тушунган. Бунда бир томондан, субстанция материя сифатида тушунилади, бошқа томондан – у ўзининг барча шакллари сабаби ва «субъекти» сифатида амал қилади. Бунда Б.Спиноза субстанцияни бир вақтнинг ўзида ҳам табиат, ҳам Худо сифатида таърифлайди ва бу икки тушунчани тенглаштиради. Б.Спинозанинг Худони табиатга бутунлай сингдириб юбориш, уни табиийлаштиришга ва илоҳий мазмундан ажратишга ҳаракат қилиши пантеизмидир.

Гольбах барча субстанцияли нарсаларни табиатга ва фақат табиатга боғлади. Унинг фикрича «Табиат ҳамма нарсанинг сабабчисидир; у абадий мавжуддир; табиат ўз-ўзининг сабабчисидир...» «Табиат қандайдир буюм эмас; у доим ўз ҳолича мавжуд бўлган; ҳамма нарса унинг бағрида вужудга келади; у барча нарсалар билан таъминланган улкан устахонадир...»[1]. Шу маънода табиат ҳам, субстанция ҳам сиртдан ҳеч қандай турткига муҳтож эмас.

Лейбниц эса: «Ҳар қандай ҳақиқий субстанция фақат ва фақат таъсир кўрсатади»[2], деб таъкидлаган.

Модомики, субстанция ҳамма нарсани ўз ичига олувчи ва ўзи учун бошқа

[1] Гольбах // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 246.

[2] Лейбниц Г. // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 548.

ҳеч қандай асос ёки шартни назарда тутмайдиган биринчи сабаб экан, у ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ҳар қандай нарсанинг мавжуд бўлиш имкониятини истисно этади. Субстанция хоҳ Худо, хоҳ ғоя, ўзлик, руҳ ёки экзистенция бўлсин – ягонадир! «Субстанция» тушунчаси кўпликда қўлланилиши мумкин эмас. Унинг кўплиги ҳақидаги ғоя бу тушунчанинг таърифига зид, чунки икки ёки бир неча нарса мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг биронтаси ҳам субстанция ҳисобланмайди. Субстанциялилик парадокси ана шундан иборат.

Алхимиклар мазкур атамани кўпликда қўллаб, «субстанцияли шакллар», «субстанцияга хос сифатлар» тўғрисида сўз юритганлар ва унга қўпол физик маъно юклаганлар. Айни ҳолда субстанция моддага тенглаштирилган. Улар субстанциянинг хосса ва шакллари ўзгармас, лекин тегишли таъсирлар натижасида бир-бирига айланиши мумкин, деган нотўғри хулосага келганлар.

Субстанциянинг ўз-ўзидан амалга ошиши ҳодисаларнинг умумий, узвий хоссалари – атрибутларда ва нарсаларнинг муайян, алоҳида хоссалари – модусларда содир бўлади.

Субстанция ғоясидан турли фалсафий таълимотлар дунёнинг бирлиги ва унинг келиб чиқиши ҳақидаги масалага ўзлари қандай жавоб беришига қараб ҳар хил фойдаланадилар.

Монизм *(юнон. «monos» – «битта», «ягона») дунёнинг нарсалар ва ҳодисалар ранг-баранглиги бир субстанциядан иборат деган таълимот*. Дунёнинг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар, шунингдек, биринчи асос муаммосига нисбатан фалсафа тарихидаги энг салмоқли ёндашувлар кураши нуқтаи назаридан субстанция табиатини тушунишга нисбатан анча кенг тарқалган икки ёндашув – материалистик ва идеалистик монизмни қайд этиш лозим.

Материалистик монизм *дунё ягона, узвий, у азалдан моддий ва дунёнинг бирлиги замирида айни шу моддийлик ётади*, деб ҳисоблайди. Бу концепцияда олам онг ва идеалликдан эмас, балки моддийликдан келтириб чиқарилади. Бундай ёндашувларнинг ўта ривожланган кўринишларига биз Фалес, Гераклит, Спиноза ва унинг издошлари асарларида дуч келамиз.

Идеалистик монизм эса, *материяни ҳар қандай борлиқнинг боқий мавжудлиги, йўқ бўлмаслиги ва биринчи асосига эга бўлган қандайдир идеал нарсанинг маҳсули* деб ҳисоблайди. Бунда объектив-идеалистик монизмни (масалан, Платонда – бу ўлмас ғоялар, зардўштийликда олов, ўрта аср фалсафасида – Худо, Гегелда – яратилмайдиган ва ўз-ўзидан ривожланадиган «мутлақ ғоя») ва субъектив-идеалистик монизмни (масалан, борлиқнинг барча жисмоний ва руҳий ҳолатларини «нейтрал» асосдан – дунёнинг қандайдир мавҳум конструкциялари, «элементлари»дан келтириб чиқарган Мах) фарқлаш мумкин.

Дуализм (лот. «dualis» – «икки ёқлама») *биринчи асос сифатида иккита субстанция тан олинган фалсафий ёндашув*. Немис файласуфи Х.Вольф XVIII аср бошида «дуализм» атамасини фалсафий муомалага киритган. Х.Вольф дунёда барқарор тартибнинг шаклланишида тафаккур, ғоялар ва ақл-идрокнинг алоҳида ўрнини аниқлашга ҳаракат қилган.

Фалсафа тарихида Рене Декарт дуализмнинг ёрқин вакили сифатида ўрин олди. Р.Декартнинг радикал механицизми уни материянинг бутунлай руҳсизлиги ҳақидаги ёндашувга олиб келди. Р.Декарт назарида, моддий жисмоний суб-

станция ўз атрибути сифатида узунлик, кенглик ва чуқурлик кўламигагина эга. У мутлақ бўшлиқни истисно этади, ҳаракатланиш, яъни жисмоний зарраларни бўлиш, жойдан-жойга кўчириш ва ўзгартириш қобилиятига эга.

Декартнинг фикрича, маънавий ҳаёт моддий ҳаётдан алоҳида, ўзининг билиш ва фикрлаш фаолияти, интеллектуал интуиция ва дедукция каби ўзига хос кўринишларида намоён бўлди. У руҳий субстанциянинг бутунлай жисмсизлигини эътироф этади. Гарчи Р.Декарт янги фалсафа ва фан асосчиларидан бири бўлсада, унинг ғояларида ўрта аср фалсафасидан мерос қолган «субстанция» атамасининг алоҳида нарсани тушуниш учун қўлланилишига, шунингдек, у икки муҳим – универсал ва чексиз субстанция – фикрлаш ва кўламни алоҳида эркин мақомга эга, деб эълон қилганига дуч келиш мумкин. Р.Декартнинг «cogio ergo sum» – «мен фикрлаяпман, демак, мавжудман», деган ибораси фалсафий тафаккурни барча нарсаларнинг негизи сифатида тан олганлигидан далолат беради. Р.Декарт фикрловчи субстанциянинг узвийлигини ва ҳар бир «Мен», яъни ақлли жонзотга бевосита, кўламли субстанция эса – билвосита очиқлигини исботлади. Ажралмас субстанция (ақл) метафизиканинг ўрганиш предметини, ажралувчи субстанция (кўлам) эса физика предметини ташкил этади.

Икки асос, хусусан, муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва заруриятнинг тенг ҳуқуқлилиги ғояси илгари сурилган ҳар қандай фалсафий назария дуалистик назария сифатида амал қилган.

Икки субстанция – маънавий ва моддий субстанцияларни фарқлаш, бу мантиқий нуқтаи назардан нотўғри ва рационал маънода жуда кўп қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Фикрлаш ва кўламга икки субстанция тарзида, яъни бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил асослар сифатида ёндашилганида, «руҳ» ва «тана» ўз ҳаракатларида қандай уйғунлашиши, умуман, «тана» қандай қилиб фикрлаш қобилиятини касб этиши мумкинлигини тушуниш қийин. Моҳият-эътиборига кўра, субстанция бутун мавжудот асоси, ҳамма нарсани ўз ичига олувчи ва ўзини намоён қилиш учун ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган ягона биринчи асос сифатида эътироф этилган.

Француз материалист файласуфи Ж.Ламетри (1709–1751) ўзининг «Руҳнинг табиий тарихи» деб номланган асарида дуализмни инкор қилади. У ўзида тажриба ўтказган, хусусан, безгак касаллигига чалингач, унинг кечишини кузатган, пировардида, инсоннинг руҳий ҳолати унинг жисмоний вужудига боғлиқ, деган хулосага келган. Ж.Ламетри монистик-материализмни ҳимоя қилиб, чексиз такомиллашувчи ягона моддий субстанция мавжуд, деган ғояни илгари сурган. Субстанцияга хос сезиш ва фикрлаш қобилияти вужудли жисмларда мавжуд бўлади. Сезиш ва фикрлаш қобилиятининг ўзи ташқи жисмларнинг мияга таъсири билан боғлиқ. Шу сабабли айнан ташқи дунё инсоннинг «мия экрани»да акс этади, тана эҳтиёжлари эса, Ж.Ламетрининг фикрига кўра, «ақл мезони» сифатида амал қилади.

Плюрализм (лот. – «кўплик», «кўп хиллик», «кўп сонлик») *дунёнинг негизида иккита эмас, балки ундан кўпроқ моҳият борлигини тан олувчи таълимотдир* атамасини ҳам Х.Вольф 1712 йилда таклиф қилган. Бу Айни шу таълимотда борлиқнинг кўп сонли мустақил ва ўзаро боғланмайдиган асослари борлиги ҳақидаги ғоя ҳам илгари сурилган.

Лейбницнинг монадалар ҳақидаги таълимоти (монадология) плюрализмнинг классик кўриниши ҳисобланади. Ушбу таълимотга кўра, дунё сон-саноқсиз руҳий субстанциялардан ташкил топади. Плюралистик ёндашувнинг бундан олдинроқ илгари сурилган кўринишлари ҳам мавжуд. Масалан, Эмпедокл яратган дунёнинг тўрт асоси ҳақидаги таълимот плюралистик онтологиянинг турларидан бири сифатида амал қилади.

Баъзан плюрализмга мустақил таълимот сифатида эмас, балки дуализмнинг ўзгарган кўриниши сифатида қаралади. Лекин плюралистлар ўз назариясининг асосий вазифасини дуалистик мунозараларда ечимини топмаган руҳ ва табиат ўртасидаги қарама-қаршилик масаласидан фарқ қилади, деб биладилар.

И.Кант субстанцияни барча ўзгаришлар ва ўз-ўзининг сабабчиси – causa sui сифатида тушуниш ғоясини, юксак баҳоланган. У субстанцияни «ҳодисаларнинг вақтдаги барча муносабатларини аниқлашга ёрдам берувчи ўзгармас асос», деб таърифлаган. Унингча, субстанция ҳар қандай тажриба ва ҳар қандай идрок этишнинг асосий шартидир. У барқарор ҳолатда бўлади, ҳар қандай мавжудлик ва вақтдаги ўзгариш унинг модуси, яъни ўзгармас нарсанинг мавжудлик усули.

Ҳозирги замон фалсафасида субстанция категориясининг онтологик мазмуни ўзаро таъсир сифатида тушунилади. Чунки, айнан ўзаро таъсир дунё яралишининг ҳақиқий ва пировард сабабчиси – нарсаларнинг ўз-ўзини якуни (causa finalis) ҳисобланади. Нарсаларни субстанциялилик нуқтаи назаридан ўрганиш уларнинг мавжудлигини ички сабаблар ва ўзаро таъсирлар нуқтаи назаридан ёритиш, демакдир. Шу маънода, субстанцияни ички бирлик, унинг чексиз ва ранг-баранг ўзгаришларидан қатъи назар, объектив борлиқ сифатида, ҳаракатнинг барча шакллари, мазкур ҳаракат жараёнида юзага келувчи ва йўқ бўлувчи тафовут ва қарама-қаршиликлар нуқтаи назаридан ёндашиладиган материя сифатида таърифлаш мумкин.

Шундай қилиб, **субстанциянинг хусусиятлари** қуйидагиларда намоён бўлади:

– ўз-ўзини белгилаш (ўз-ўзининг сабабчиси ҳисобланади, уни яратиб ва йўқ қилиб бўлмайди);

– универсаллик (ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, барқарор, ўзгармас ва мутлақ биринчи негизни ифодалайди);

– каузаллик (барча ҳодисаларнинг умумий сабабий боғлиқлигини ўз ичига олади);

– ягоналик (биринчи негизнинг ягоналигини назарда тутади);

– яхлитлик (моҳият ва мавжудликнинг бирлигини кўрсатади).

Хўш, ана шу хусусиятлар нуқтаи назаридан ҳозирги замон фалсафасида субстанция категорияси ўз ўрнига эгами?

Аввало, таъкидлаш лозимки, субстанция категорияси ҳозир ҳам кўп жиҳатдан диққатга сазовор. Биринчидан, бу барча ҳодиса ва жараёнларнинг сабабий белгиланганлиги ғоясини намоён қилади. Субстанция бунда барча мавжуд нарсаларнинг биринчи сабаби сифатида амал қилади. Иккинчидан, у универсиумнинг онтологик мазмунини муайянлаштириш талабидир. У барча ўзгаришларни белгиловчи ўзаро таъсирнинг янги турларини излаш ва майдоннинг ягона физик назариясини тузишга йўналтиради. Учинчидан, субстанция ўзининг ранг-баранг

кўринишлари даражасида унинг ривожланиши нуқтаи назаридан олинган ҳамда ўзига хос бўлган бутун эволюцион имкониятларни ишга солиб, ҳаракатланаётган материя сифатида тушунилиши лозим. Тўртинчидан, субстанция категориясига мурожаат этиш материя ва онгнинг мутлақо қарама-қаршилиги тўғрисидаги масалани кун тартибидан чиқариш имконини беради.

Субстанция масаласи бирон-бир файласуф эътиборидан четда қолиши мумкин эмас, чунки унинг ҳар қандай мулоҳазалари, улар қайси мавзуга тегишли бўлмасин, гўёки «ҳавода муаллақ осилиб қолади», зеро ҳар доим мулоҳаза қилинаётган нарсанинг энг катта асослари ҳақидаги масала юзага келади. Масалан, бир қарашда дунёнинг замирида нима ётишини аниқлашдан узоқ бўлиб туюладиган ахлоқ мавзусини олайлик. Ахлоқ индивидуал онг билан ҳам, ижтимоий онг билан ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, фақат уларга боғлаб ўрганилиши мумкин. Аммо онгнинг келиб чиқиши ҳақидаги масала фалсафа тарихида ҳар хил ҳал қилинади. Хусусан, диний фалсафа вакили учун ахлоқнинг ҳам, онгнинг ҳам манбаи ва биринчи асоси Худодир, айни вақтда атеист учун бу масала бутунлай бошқача ечимга эга бўлади.

Фалсафа тарихида объектив дунёнинг бутун ранг-баранглиги қандайдир пировард, энг катта асосга қандай боғланганига назар ташлайдиган бўлсак, табиатан ҳар хил бўлган ва бир-бирига мутлақо боғланмайдиган икки шундай асос: материя ва онгга дуч келамиз.

Кўрсатилган асослар ҳам, уларнинг ўзаро алоқаси масаласи ҳам доимо қизғин баҳсларга сабаб бўлган, моддий (табиий) ва идеал (маънавий) нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро нисбати муаммоси эса деярли ҳар бир таълимотда бевосита ёки билвосита илгари сурилади.

Субстрат *борлиқнинг энг қуйи ва асосий қатлами сифатида тушунилади.* Фалсафада «Субстанция» категорияси «субстрат» (лот. – «тўшама», «негиз») тушунчасига яқин туради. Қадимги атомистик таълимотларда атомлар ана шундай асос ҳисобланган. Ҳар қандай субстрат муайян вужудга келиш жараёнининг ўзига хос хусусиятини ифодалайди. Ҳозирги талқинда, *муайян физик жараёнларнинг субстрати сифатида элементар зарралар ва фундаментал (кучли, кучсиз, электромагнит ва гравитацион) ўзаро таъсирлар амал қилади. Турли моддаларнинг ҳосил бўлиш ва ўзгариш жараёнларида ўзининг барқарор ҳолатини сақлаб қолувчи атомлар кимёвий жараёнларнинг субстрати сифатида намоён бўлади*. Элементар «ҳаёт бирликлари» сифатида амал қилувчи нуклеин кислоталар (ДНК ва РНК) ва оқсил моддаларининг молекулалари биологик жараёнлар субстрати бўлиб хизмат қилади. Барча ижтимоий ўзгаришлар замирида мақсадга мувофиқ фаолияти мавжуд бўлган инсон ижтимоий ҳаёт субстрати ҳисобланади.

Фалсафада материя тушунчасининг вужудга келиши.

«*Материя» атамаси лотинча «materia» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «модда» деган маънони англатади*. Шунга қарамай, фалсафа тарихида «материя» тушунчасининг мазмуни, табиатшунослик ва фалсафанинг ривожланишига мувофиқ бир неча марта ўзгарган.

Қадимги юнон фалсафасида материянинг этимологик талқинидан кенг фойдаланилган. «Материя» тушунчасини асосий фалсафий категория сифатида илк бор Платон ишлатган. У hyle атамасини муомалага киритган ва у билан катталиги ва

шакл-шамойили ҳар хил жисмлар пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қиладиган сифатлардан маҳрум субстрат (материал)ни ифодалаган. Платон талқинида материя шаклсиз ва номуайян бўлиб, ҳар қандай геометрик шакл кўринишини касб этиши мумкин бўлган макон билан тенглаштирилади.

Материя ҳақидаги тасаввур шаклланишининг қуйидаги босқичлари фарқланади.

I босқич Антик даврда *материя бирламчи материал* (сув, олов, атом ва ш.к.) *сифатида талқин қилинади* ва *«дастлабки стихияли материализм»*деб аталади. Ушбу материализм ўз ривожланишининг биринчи босқичида табиат ҳодисаларининг чексиз ранг-баранглигига асосланган бирликни табиий ҳол деб ҳисоблайди ва унинг сабабларини муайян моддий, ўзига хос нарсадан излайди.

Дарҳақиқат антик қарашларга кўра материя – жисмлар ва нарсаларнинг ўзагини белгиловчи бирламчи материалдир. Масалан, қадимги юнон файласуфи *Фалес* сув ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар учун зарурлигини қайд этиб, уни барча нарсалар асоси деб эълон қилган. *Гераклит* Қуёш, юлдузлар ва бошқа жисмларни яратувчи оловни ҳамма нарсанинг асоси деб ҳисоблаган.

Материянинг биринчи концепциясини милоддан аввалги V асрда қадимги атомистлар (Демокрит ва бошқалар) таклиф қилган.

II босқич XVI–XVII асрлар метафизик материализмида *материя муайян ўзгармас хоссалар йиғиндиси сифатида таҳлил қилинган.* Ўша даврда материя тушунчаси физикада қабул қилинган муайян ўзгармас хоссалар йиғиндиси сифатидаги «модда» тушунчаси билан айнийлаштирилган. Масалан, инглиз материалистлари Ф.Бэкон ва Т.Гоббс бундай хоссалар қаторига кўламлилик, шакл, оғирлик ва ҳоказоларни киритган. Баъзан материя тушунчаси битта муайян «бирламчи» хосса, масалан, кўламлилик ёки масса билан айнийлаштирилган (*Р.Декарт, И.Ньютон*).

III босқич XVIII-XIX асрларда *материя инсон сезги аъзолари орқали идрок этиш*га *қодир бўлган объектив борлиқ сифатида талқин қилинган.* Бу даврда «материя» тушунчаси табиий фанларнинг ривожланиш жараёнида олимлар томонидан аниқлаган белгилар билан бойиб борди. Масалан, механикада макрожисмларнинг алоҳида хоссаси – масса аниқланди ва у материянинг энг муҳим белгисига айланди, материя масса билан бир хил, деб ҳисоблана бошланди.

IV босқич Ҳозирги замон фалсафасида материя о*бъектив борлиқни ифодалаш учун мўлжалланган фалсафий категория бўлиб, уни инсон ўз сезги аъзолари орқали идрок этади, уни тушуниши мумкин ва тушунишга ҳаракат қилади, лекин бунда у инсон сезгиларидан қатъи назар мавжуд.* Бу даврда *материяни тушунишда табиий-илмий жиҳат эмас, балки фалсафий жиҳат биринчи ўринга қўйилди. Бунда материяга нарсалар ва ҳодисалар ранг-баранглигининг ички ягоналиги замирида ётувчи моҳият – субстанция сифатида эътироф қилинади.* Бу эса материяга объектив борлиқ сифатида ёндашув ифодасидир. XIX ва XX асрлар чегарасида фалсафа ва табиатшунослик соҳасидаги вазиятни таҳлил қилган файласуфлар (уларни фақат собиқ марксизм вакилларидан иборат, деб тушунмаслик лозим), хусусан, «материя» тушунчасидан воз кечиш йўлидан эмас, балки унга табиатшуносликдаги ихтироларни умумлаштириш орқали чиқарилган янги хулосаларни киритиш йўлидан боришни таклиф қилдилар. «Материя» фал-

сафий категориясининг вазифаси амалда мавжуд материя турларининг бутун чексиз ранг-баранглигини қамраб олиш ва уни онг билан боғлаш мумкин эмаслигига урғу беришдан иборат. Муаммога фалсафий муносабатни унинг табиий-илмий талқинидан фарқлаш имконини берувчи мазкур ёндашув жуда муҳим аҳамият касб этади, акс ҳолда мазкур соҳадаги тадқиқотлар ва билиш имкониятлари доираси асоссиз равишда тораяди. Бунга, масалан, неопозитивизм йўналишларидан бири – лингвистик фалсафада дуч келишимиз мумкин. Унинг таниқли намояндалари Ж.Мур, Л.Витгенштейн ва бошқалар ҳамонки «материя» ва «онг» каби тушунчаларга илмий нуқтаи назардан аниқ таъриф бериш мумкин эмас экан, улардан воз кечиш лозим, деб ҳисоблайди.

Материянинг таркибийлиги ғоясининг илдизлари антик фалсафага, хусусан, Демокрит, Эпикур ва Лукреций Карнинг атомистик таълимотига бориб тақалсада, бу ғоя табиатшуносликнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Ҳозирги замон фалсафасида у анча салмоқли ва илмий асосланган материянинг тизимли тузилиши концепциясида мужассамлашган.

Кейинчалик материя ҳақидаги тасаввурлар асосан унинг муайян хоссалари – масса, энергия, кўлам билан боғланган ва унинг муайян турлари – модда, атомлар, корпускулалар ва шу кабилар билан тенглаштирилган.

Бу масалаларга нисбатан ҳозирги ёндашувлар анча ўзгарган ва материя ҳақидаги табиий-илмий, жумладан, физик ёки кимёвий тасаввурлар билан бир қаторда уни англаб етишнинг фалсафий даражасини ҳам назарда тутади. Бошқа ҳозирги фалсафий йўналишларнинг аксариятида бу тушунчалар фаол қўлланилади ва муҳим методологик роль ўйнайди, хусусан, унинг субстанциялилик, чексизлик, йўқ бўлмаслик, ҳаракат, макон, вақт каби узвий хоссалари фарқланади.

Материянинг тузилишига нисбатан ким қандай ёндашмасин, у бир қанча алоҳида ва катта гуруҳларга бўлинади. Зеро, барча моддий объектлар тартибга солинган, изчил ички тузилишга эга.

Материянинг ташкил топиш даражалари. Материянинг чексизлигини ҳозирги замон табиатшунослиги ҳам тасдиқлайди. Материянинг нотирик, тирик ва ижтимоий каби таркибий даражалари фарқланади. Улар борлиқнинг асосий шакллари билан мос келади. Бунда турли даражалар бир-бири билан узвий боғликдир. Айни вақтда, уларнинг таркибида муайян иерархия ва соддароқ шакллардан (жонсиз материядан) мураккаброқ шакллар (жонли ва ижтимоий материя) сари юксалиш кузатиладики, бугунги кунда уларнинг мавжудлиги фақат сайёрамизга нисбатан ўзининг илмий тасдиғини топган. Жонсиз табиатнинг тузилиши ва ранг-баранглиги ҳақидаги тасаввурлар эса, микро-, макро- ва мегадунёларни қамраб олиб, тинимсиз кенгайиб ва теранлашиб бормоқда.

XX асрда бу борада, айниқса, катта ютуқларга эришилди. Аср бошида модда дискрет зарралардан иборат қандайдир узлуксиз нарса сифатида, майдон эса узлуксиз моддий муҳит сифатида тушунилар эди. Эндиликда, квант физикаси, нисбийлик назарияси ва бошқа табиий-илмий ғояларнинг ривожланиши билан модда ва майдон ўртасидаги фарқ нисбий тус олди, кашф этилаётган элементар зарралар эса ўзининг ранг-баранглиги билан кишини ҳайратга солмоқда. Бу соҳада ечилмаган муаммолар ҳали бисёр бўлса-да, фан материя ташкил топишининг «субэлементар» даражасини ўрганиб, элементар зарраларнинг ягона таби-

атини тушунишда сезиларли даражада ютуққа эришди. Бу ерда сўнгги йилларда плазма, материянинг алоҳида ҳолати сифатидаги физик бўшлиқ ҳодисалари ва материянинг чексизлиги ҳақидаги ғояни тасдиқловчи бошқа жараёнлар кашф этилди ва ўрганилмоқда.

Ҳозирги даврда материянинг уч таркибий даражаси фарқланади:

– микродунё – атомлар ва элементар зарралар дунёси (бунда ...дан ташкил топади» тамойили амал қилмайди);

– мегадунё – коинот дунёси (сайёралар, юлдузлар комплекслари, галактикалар, мегагалактикалар);

– макродунё – барқарор шакллар ва инсонга мос катталиклар дунёси (унга молекулаларнинг кристаллашган комплекслари, организмлар, организмларнинг ҳамжамиятлари ҳам киради);

Материя таркибий даражаларининг аниқ чегарасини аниқлаш мушкул, уни фан доимо қайд этавермайди. Бизнинг билимларимиз тобора чуқурлашиб, даражаларнинг янги сифат чегараларини аниқлайди. Хусусан, материянинг субэлементар, микроэлементар, ядровий, атом, молекуляр, макроскопик ва космик даражалари ҳам тилга олинади. Материянинг микроскопик даражасида физика тахминан 10–15 см узунликда тахминан 10–22 га тенг вақт ичида юз берувчи жараёнларни ўрганиш билан шуғулланади. Мегадунёда эса, космология тахминан 1010 га тенг вақт (Коинот ёши) ичида юз берувчи жараёнларни ўрганади. Материянинг таркибий даражалари ғояси методология мутахассислари томонидан сабабият ва дунёни билиш мумкинлиги ғояси билан бир қаторда жуда юксак баҳоланади.

Айни вақтда, шуни қайд этиш зарурки, материянинг таркибий даражалари таснифи замирида чизиқли иерархия тамойили ётади. Бу ерда «қисм бутундан кичкина» тамойили амал қилади. Лекин бу дунёларнинг бири соддароқ, иккинчиси мураккаброқ, деган маънони англатмайди. Дунёлар қисм ва бутун сифатида таққосланмайди, улар универсумнинг ўзига хос теран ўзгаришларини ифодалайди. Шу боис, бу таснифни мутлақлаштириш керак эмас.

Юқорида айтилганларга ишонч ҳосил қилиш учун мисол келтирамиз. Бутун сонлар қатори 1, 2, 3, 4 , 5, 6 , 7, 8, 9, ... n ни оламиз, бу тўпламдан кичик тўплам – жуфт сонлар қатори 2, 4, 6, 8, 10, 12, 14, ...n ни ажратамиз. Дастлаб жуфт сонлар қатори бутуннинг, яъни бутун сонлар қаторининг бир қисмигина бўлиб туюлади. Аммо уларни таққосласак, жуфт сонлар қатори бутун сонлар қатори каби чексиз эканлигини кўрамиз. Бинобарин, бу ерда қисм бутун билан тенг.

Бундан ташқари, микродунёда ўтказилувчи барча экспериментлар ғайриоддий натижага олиб келади. Микродунё азалдан жумбоқларга тўла, деб айтиш мумкин. Икки элементар зарра тўқнашувидан кейин ҳеч қандай кичикроқ элементар зарралар ҳосил бўлмайди. Тўқнашган зарралар билан бир хил, яъни элементар зарралар, масалан, икки протон тўқнашувидан кейин бошқа кўплаб элементар зарралар, шу жумладан, протонлар, мезонлар, гиперонлар вужудга келади. Зарраларнинг «кўплаб туғилиши» ҳодисасини Гейзенберг қуйидагича тушунтирган. Элементар зарралар тўқнашганида кўп миқдордаги кинетик энергия моддага, пайдо бўлувчи зарраларга айланади ва биз зарраларнинг кўплаб туғилиши жараёнини кузатамиз. Ярим аср муқаддам элементар зарраларнинг атиги уч тури – модданинг энг кичик элементлари – электрон ва протон ҳамда энергиянинг энг

оз миқдори ҳисобланган фотон маълум бўлса, ҳозир 200 дан ортиқ элементар зарралар кашф этилган. Оддий объектлар таркибини аниқлаш учун, «қандайдир кичикроқ элементлардан ташкил топади» формуласи мос келса, бу микродунёни тавсифлашга мос келмайди.

Микродунёнинг бошқа бир ғайритабиий эффекти микрозарранинг икки ёқлама табиати, яъни у ҳам корпускула, ҳам тўлқиндан иборат эканлиги билан боғлиқ. Шу сабабли бундай зарра макон ва вақтда аниқ ўрин олиши мумкин эмас. Бу хусусият Гейзенбергнинг номуайянликларнинг ўзаро нисбати тамойилида ўз аксини топган.

Материянинг таркибий даражалари иерархиясида инсон марказий ўринни эгаллайди. Қадимдаёқ Протагор «Инсон ҳамма нарсаларнинг ўлчовидир», деган эди. Дунёни ўзлаштиришда инсон қадриятлари шкаласини андоза сифатида қабул қилувчи фалсафий таълимот – «Антропологизм» замирида ана шу тезис ётади.

Материя категориясининг функциялари қўйидагилар:

• онгга, маънавий кучларга боғлиқ бўлмаган объектив борлиқнинг мавжудлиги ҳақидаги фикрни ифодалайди;

• барча нарсаларда мавжуд бўлган умумий хоссаларни тавсифлайди;

• барча нарсаларни билишга элтувчи йўлни, уларни билишда амал қилиш лозим бўлган умумий дастур ёки стратегияни умумий кўринишда белгилайди.

Бу функцияларни материя категорияси фалсафанинг кейинги ривожланиши жараёнида сақлаб қолди.

Материя тузилишининг инсон томонидан кузатилувчи даражалари одамлар яшовчи муҳитнинг табиий шарт-шароитларини, яъни бизнинг дунёвий қонуниятларимизни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштирилади. Лекин бу биздан анча олисдаги даражаларда материянинг мавжуд шакллари ва ҳолатларидан бутунлай фарқ қилувчи, мутлақо бошқача хоссалар билан тавсифланувчи «ғайритабиий» шакл ҳамда ҳолатлари мавжуд бўлиши мумкин, деган тахминни истисно этмайди. Шу муносабат билан олимлар геоцентрик ва ногеоцентрик моддий тизимларни фарқлай бошлади.

Геоцентрик ва ногеоцентрик моддий тизимлар. Геоцентрик дунё ҳақидаги тасаввур Ер миқёсидаги объектларга дахлдор назарияларнинг умумлаштирилиши натижасида юзага келган. Унда, айнан «Ер» андоза ва негиз сифатида қабул қилинади. *Геоцентризм таълимотига кўра, моддий тизимларнинг атрибутлари барча даражаларда Ер шароитида мавжуд атрибутлар билан бир хил бўлади.* Геоцентризм макон, вақт, сифат, сабабият ва бошқа атрибутлар онтологик маънода ягонадир, деган тасаввурга асосланади. Лекин материянинг чексизлиги ғоясидан келиб чиқиб, атрибутларнинг амалиёт бизни ҳозиргача таништирган туридан ташқари, «геоцентрик образ»дан фарқ қилувчи кўплаб бошқа турлари ҳам мавжудлигини фараз қилиш ўринли бўлади. Бу атрибутларнинг бошқа турлари, ўзга макон, вақт, ҳаракат билан тавсифланувчи объектив борлиқнинг алоҳида тури сифатидаги ногеоцентрик тизимлар, яъни геоцентрик дунёга унча ўхшамайдиган дунёлар тўғрисида сўз юритиш имконини беради.

Атрибутлари универсал мазмунининг, инсон танаси мавжудлик шарт-шароитларида намоён бўлувчи атрибутларнинг универсал мазмунига мос келиши геоцентрик дунёдир. Бу Ньютон вақти (замони), Евклид макони дунёсидир.

Атрибутларнинг универсал мазмуни, инсон танасининг мавжудлик шарт-шароитларида намоён бўлувчи атрибутларнинг универсал мазмунидан фарқ қилувчи моддий объект ногеоцентрик дунё, деб аталади. «Ногеоцентрик дунё» тушунчаси ноньютон вақти (замони), ноэвклид макони, умуман, борлиқнинг ногеоцентрик турини назарда тутади. Микродунё ва мегадунёни ногеоцентрик дунёлар томон мавжуд бўлган «дарча»лар деб фараз қилиш учун асослар мавжуд. Уларнинг қонуниятлари бизга ўзаро таъсирларнинг ўзга турини узоқ даражада бўлса ҳам тасаввур қилиш имконини беради. Айни вақтда, макродунё боғланишлари ва ўзаро таъсирлари борлиқнинг геоцентрик турини акс эттиради. Шунга қарамай, универсал мазмуннинг «геоцентрик андоза»дан оғиш хусусияти тўғрисидаги масалани фақат амалиётда ечиш мумкин. Бу ерда фалсафадан кўра аниқ фанларга асосланиш лозим.

Ҳозирги замон методологлари пировард мақсадга асосланадиган ва азалдан мақсадга мувофиқ хусусиятга эга бўлган тизимлар билан стихияли хусусиятларни намойиш этувчи мутлақо очиқ тизимларни фарқлашни таклиф қилади. Мазкур тасниф янги нарса пайдо бўлиши мумкин бўлган мақсадни белгилаш механизмига янгича назар билан қараш имконини беради.

Ноорганик, органик ва ижтимоий тизимлар моддий тизимларнинг энг кўп учрайдиган турлари ҳисобланади. Моддий тизимнинг ноорганик турини таснифлашда унинг элементар зарралар ва майдонлар, атом ядролари, атомлар, молекулалар, макроскопик жисмлар, геологик тузилмалар каби элементлари қайд этилади. Моддий тизим органик турининг тузилиши бир неча даражадан иборат: ҳужайрасиз даража – ДНК, РНК, нуклеин кислоталар, оқсилларни; ҳужайрали даража – мустақил мавжуд бўлган бир ҳужайрали организмларни; кўп ҳужайрали даража – тўқималар, органлар, функционал тизимлар (асаб тизими, қон айланувчи тизим), яъни организмлар (ўсимликлар ва ҳайвонлар)ни ўз ичига олади. Организмлардан юқори тузилмалар ҳам фарқланади: бу умумий генофонд билан боғланган бир турга мансуб жонзотларнинг популяциялари – биологик бирликлар (ўрмондаги бўрилар тўдаси, кўлдаги балиқлар галаси, чумоли уяси ёки бутазор ва бошқалар)дир. Популяциянинг яхлитлик даражаси унинг таркибига кирувчи айрим организмларнинг хусусиятлари ва кўпайишини тартибга солади. Масалан, чигирткалар биомассаси муайян чегарадан ошиб кетса, уларнинг кўпайишини секинлаштирувчи механизмлар ишга тушади. Жонли материя тузилишининг организмлардан юқори даражасига популяциялардан ташқари биоценозлар киради. Биоценозларнинг яхлит тизимида популяциялар шундай боғланганки, улардан бирининг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари бошқасининг яшаш шарт-шароитларига айланади. Масалан, ўрмон муайян биоценоз ҳисобланади: унда яшовчи ўсимликлар, шунингдек, ҳайвонлар, замбуруғлар, лишайниклар ва микроорганизмларнинг популяциялари ўзаро таъсирга киришиб, яхлит тизимни вужудга келтиради.

Биосфера доирасида моддий тизимнинг алоҳида тури – кишилик жамияти ривожланган. Бу ижтимоий тизим ҳам алоҳида кичик тизимлар индивид, оила, гуруҳ, жамоа, давлат, миллат ва бошқаларни ўз ичига олади. Материя тузилишининг алоҳида тури сифатидаги жамият одамлар фаолияти туфайлигина мавжуд бўла олади. Шу сабабли жамиятга ўз эҳтиёжларини қондириш ва ривожланиш

имконини берувчи ижтимоий ишлаб чиқариш билан боғлиқ инсон фаолияти субстанционал негиз ҳисобланади.

Моддий тизимлар турларининг таснифини давом эттириб, Л.Гумилевнинг «Этногенез ва Ер биосфераси» асаридаги фикр-мулоҳазаларини эсга олиш мумкин. Муаллиф таклиф қилган таснифнинг мантиқи қуйидагича: сиз Ер сайёрасида яшайсиз. Бир қобиқ остида ҳаракат қиласиз – бу литосфера. Моддий тизимларнинг бошқа бир тури организмингизнинг барча ҳужайраларига кириб боради – бу гидросфера. Учинчи тури билан сиз нафас оласиз – бу атмосфера. Тўртинчиси – биосфера. Бу ерда сиз барча тирик ўсимликлар, микроорганизмлар билан яшайсиз[1]. Бу таснифда гео-, био- ва ноосфераларни ажратишни таклиф қилган В.И.Вернадский таснифига яқинлашишни сезиш мумкин.

Асосий муаммо шундан иборатки, илгари сурилган назариялар ва уларни амалда синаш, яъни уларнинг ишончлилигини тасдиқлаши ёки пировард натижада уларни рад этиши мумкин бўлган тегишли экспериментлар ўтказиш йўли билан текшириш имкониятлари ўртасида улкан тафовут мавжуд.

Дунёнинг бирлиги ва ранг-баранглиги. Дунё чексиз яхлитлик сифатида ўзгармас ва айни вақтда ўзининг айрим қисмлари ва кўринишларида ўзгарувчан бўлиб, ўзини муттасил шаклланиш ва ўзгариш жараёнларида намоён этади. У нафақат шаклланиш ва ўз тузилмасини мураккаблаштириш йўлида, балки аксинча – бузилиш ва таназзул йўлида ҳам ҳаракатланади ва ривожланадики, бу унинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари муттасил ўзгаришида акс этади.

Шундай қилиб, дунё, бир томондан, ўз ранг-баранглигида бир жинсли эмас, бошқа томондан эса, ўзининг барча таркибий қисмларининг узвий бирлигини ташкил этиб, муайян универсал яхлитлик ҳисобланади.

Бироқ, дунёнинг бирлиги масаласи аниқ-равшан эмас. Синчиклаб ўрганиш жараёнида у кўп сонли бошқа жавобсиз саволларни, балки умуман ечимсиз муаммоларни юзага келтиради. Дунё бирми, агар бир бўлса, унинг бирлиги нимадан иборат, деган масала атрофидаги қизғин фалсафий мунозаралар ва жиддий ихтилофлар айни шу ҳол билан изоҳланади.

Бу муаммонинг ечими у ёки бу файласуф дунёқараши, унинг мазкур дунёқарашга асосланган позициясига бевосита боғлиқ. Руҳ (Худо, ўлмас ғоялар, онг ва ш.к.) моддий ва кўламли табиатдан ташқаридаги асос деб ҳисоблайдиган файласуфлар дунёнинг бирлиги муаммосига боқий, яратилмаган ва турли атрибутларга эга бўлган материяни бутун борлиқнинг асоси сифатида эътироф этадиган файласуфларга қараганда бутунлай бошқача ёндашадилар.

Биринчи ҳолда идеалистлар тўғрисида сўз юритилади. Идеалистлар фикрича бутун дунё икки кўринишда намоён бўлади: биринчиси – идеал (чин) дунё, иккинчиси – моддий, ашёвий (ўткинчи) дунё. Бу ерда дунёнинг бирлигини тасдиқловчи нуқтаи назарлар ҳам, мазкур бирликни рад этувчи нуқтаи назарлар ҳам бўлиши мумкин.

Бундай қарашларга зид ўлароқ, материяни бирдан-бир субстанция сифатида эътироф этувчи материалистик монизм тарафдорлари дунёнинг бирлигини унинг ўзидан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бунда улар дунёга ўз борлиғини сақлаш учун ҳеч ким ва ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган, борлиқнинг

[1] Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. –М.: «Современные тетради», 2002 г. с. 58.

бутун ранг-баранглигини ўзидан яратувчи деб қарайдилар. Айни ҳолда ечишга тўғри келадиган энг оғир вазифа бугунги кунда (балки умуман) ўрганилган микродунё ва англаб етилган Коинотнинг муттасил сурилиб бораётган чегаралари ортига назар ташлаш имкониятига эга бўлмаган ҳолда, дунёнинг чексизлиги (ёки чеклилиги)га шак-шубҳасиз далиллар келтиришдан иборатдир.

Мазкур ёндашувнинг ҳеч нарсага ишонмайдиган тарафдорлари бу ва бошқа шунга ўхшаш саволларга ўз жавобларида фақат оқилона асослаш, унга мувофиқ бўлган тажрибани далил сифатида тан оладилар ва бунда умуминсоний амалиётга ҳамда табиати ўта оқилона хусусиятга эга бўлган фанга таянадилар. Фан фалсафадан ижтимоий онгнинг алоҳида шакли сифатида узил-кесил ажралиб чиқиб, инсон фаолиятининг мустақил жабҳасига айланган. XVIII асрдан бошлаб, унинг ёрдамида дунёнинг бирлигини илоҳий кучларга мурожаат этмай, янада ишончлироқ далиллар билан ҳимоя қилиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, сайёралар дастлабки «туманлик»дан табиий келиб чиққанини тушунтирувчи Кант–Лаплас назарияси Қуёш тизими космик жисмларининг бирлиги тўғрисида сўз юритишга асос бўлди; энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонуни табиатда амал қилувчи барча кучлар универсал ҳаракат намоён бўлишининг турли шакллари эканлигини намойиш этди; жонли организмлар ҳужайрали тузилишга эга эканлиги ҳақидаги назария бутун тирикликни структуравий бирлаштириш имконини беради. Д.И.Менделеевнинг даврий қонуни барча кимёвий элементларни бирлаштирди, Ч.Дарвиннинг ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиши ҳақидаги назарияси эса, нафақат бутун тирикликнинг бирлигини тушунтириб берди, балки идеал онг табиатини жонли модда билан узвий боғлиқ деб тушуниш учун имконият яратди. Мазкур назария айрим нарсаларни ўрганишдан жараёнлар ва ҳолатларни ўрганишга, табиатни қисмларга ажратишдан уни ягона тизимга бирлаштиришга ўтиш билан тавсифланадики, бу кейинчалик инсон, унинг онги генезисини яхшироқ тушуниш, уларнинг дунёдаги ҳақиқий ўрнини белгилаш ва пировард натижада, инсон ва табиатнинг бирлигини кўрсатиш имконини берди.

XX асрда нисбийлик назарияси ва квант механикасининг яратилиши дунё ягона ва ҳамма нарса бир-бири билан ўзаро боғлиқ эканлиги ҳақидаги тасаввурларни сезиларли даражада кенгайтирди ва мустаҳкамлади. XX асрнинг иккинчи ярмида қудратли телескоплар ва тезлатгичлар пайдо бўлиши билан ҳозирги замон фани макро- ва микродунёларни ўрганишда янада кўпроқ олға силжиди. У коинот кенгликларига кириб, дунёнинг фундаментал асослари ҳақидаги тасаввурларимизни бойитди. Ҳозирги замон фани майдон ва модданинг, корпускуляр ва тўлқинли моддий объектларнинг бирлигини исботлаб берди, материя, ҳаракат, макон ва вақтнинг узвий бирлигини асослади.

Дунёнинг бирлиги ғояси табиий-илмий далиллардан ташқари тарихий асослашни ҳам тақозо этади. Бундай асослашни фалсафасиз амалга ошириш мумкин эмас, чунки у бутун дунёга яхлит тизим сифатида ёндашиб, ранг-баранглликда бирликни ва бирликда ранг-баранглликни кўради.

Оламнинг чеклилиги ва чексизлиги. Фалсафада оламнинг чеклилиги ва чексизлиги билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир конкрет нарсанинг чеклилиги, умумий оламнинг чексиз ва чегарасизлиги эъти-

роф этилади. Чексизликни ифодалаш учун ички (интенсив) ва ташқи (экстенсив) шакллардан фойдаланилади.

Материянинг ичдан ниҳоясизлиги интенсив чексизлик бўлиб, у, табиатда ички тузилишга эга бўлмаган, мутлақо элементар объектлар йўқлигини кўрсатади. Интенсив чексизлик микрозарраларни ўрганиш жараёнида материянинг кичикроқ қисмларга чексиз бўлиниши сифатида қаралиши мумкин эмас. Зарраларнинг бир-бирига айланувчанлиги улар анча мураккаб табиатга эга эканлигидан далолат беради.

Экстенсив чексизлик ташқи чексизлик бўлиб, у муайян объект доирасидан ташқарида, «катта» дунёда кузатилади ва объектдан ташқаридаги чексизликни ифодалайди. Бу ерда объект хоссалари ва сифатларининг атрофдаги нарсалар билан ўзаро таъсирлар тизимига боғлиқлиги муаммоси муҳимроқдир. Амалда чексизлик мавжуд бўлиб, у билиш қаратилган йўналишдан келиб чиқади ва интенсив ёки экстенсив деб тушунилади. *Экстенсив ва интенсив чексизлик – ҳақиқий чексизликнинг ўзига хос проекцияларидир*. Уларни геометрик шаклнинг координаталар ўқидаги проекцияларга ўхшатиш мумкин.

Дунёнинг макон ва вақтда чексизлиги ҳақидаги тасаввурлар асрлар давомида шаклланган. Унинг илдизлари антик натурфалсафа ва космогонияга бориб тақалади. Космология чеклилик ва чексизликнинг талқинига жуда кўп янгиликлар киритди. *Космология фан сифатида оламнинг тузилиши ва хоссаларини, макон ва вақтнинг чексизлиги муаммосини ўрганишга ҳаракат қилади*. Ньютонча физикага асосланган XVIII аср космологиясида чексизлик ғоясининг анча асосли назарий далиллари таърифлаб берилди. Нисбийлик назариясининг пайдо бўлиши космология муаммоларини бутунлай ўзгартириб юборди. Умумий нисбийлик назарияси таъсирида юзага келган ва XX асрнинг иккинчи ўн йиллигида ривожланган релятивистик космология доирасида оламнинг макон ва вақтда чексиз ҳамда чекли моделларини тузишга муваффақ бўлинди.

Оламнинг релятивистик концепцияси бўлиши эҳтимол тутилган бутун моддий дунёни қамраб олгани сабабли, унинг «ибтидоси» ғоясида чексизлик ғояси бутунлай инкор этилиб, фанда тўнтариш ясалишига олиб келади. Релятивист космологларнинг кенгайиб бораётган олам – Метагалактиканинг ягоналиги ва у ҳамма нарсани қамраб олиши ҳақидаги таълимоти ўтмишда кўп карра такрорланган оламда Ернинг ягоналиги, Қуёш тизими ёки Галактиканинг ягоналиги ҳақидаги ғояларни эслатади. Амалда оламнинг космологик моделлари, бутун дунёни тушунтириш учун тузилган бўлса-да, унинг айрим қисминигина қамраб олган. Мазкур соҳага тааллуқли, бутун дунёдаги макон ва вақтга нисбатан татбиқ этилмайди, деб талқин қилинган макон ва вақтнинг чеклилиги ҳамда чексизлиги ҳақидаги космологик тасаввурлар чексизлик ғоясини инкор этмаган.

Космология ривожланишининг ҳозирги босқичи релятивистик космологиянинг устуворлиги билан тавсифланади. Релятивистик космология бутун дунёни мукаммал тавсифлашга даъво қилмайди, лекин чеклилик ва чексизликни биз яшаётган оламга татбиқан, унинг физикавий-макон тузилиши томонидан ўрганади. Релятивистик космология асосчилари А.Эйнштейн ва А.Фридман ҳисобланади.

А.Эйнштейн 1917 йилда оламнинг биринчи релятивистик моделини тузди, унинг маъноси қўйидагича:

1. *Модда ва нурланиш оламда бир текис тарқалган. Бундан олам майдони бир хил ва изотроп тузилишга эга, деган хулоса келиб чиқади*. Гарчи оғир объектлар яқинида макон – вақт геометрияси ўзгарса-да, бу ўзгариш оламнинг ўзгармас эгриликка эга бўлган бир хил изотроп майдонидан четга аҳамиятсиз оғишдир, холос.

2. *Олам турғун, вақтда ўзгармасдир. Шу боис майдон геометрияси эволюцияга эга бўлиши мумкин эмас*. А.Эйнштейн дунёси, одатда, «цилиндрсимон дунё» деб аталади, чунки уни чексиз кўламли тўрт ўлчовли цилиндр кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Цилиндрнинг ясовчиси бўйлаб вақт ўқи ўтади, у ўтмишга ҳам, келажакка ҳам чексиз қаратилган. Цилиндр кесими майдонни беради. Мазкур моделда бу ўзгармас мусбат эгриликка эга уч ўлчовли доирасимон майдон бор. У чекли ҳажмга эга. Бунинг ортида ҳеч нарса мавжуд бўлмаган дунёнинг қандайдир чеккаси бор, деб тушунмаслик керак. Айни ҳолда майдон «ўз-ўзида туташади» ва бу унда ҳеч қачон тўсиққа учрамасдан чексиз айланиш имконини беради.

Бироқ А.Эйнштейннинг «цилиндрсимон дунё»си ўтмишда қолган. Унинг оламнинг турғун моделини яратишга уринишлари, ҳозирги даврда оламнинг абадиятда ўзгармас ҳолда мавжудлиги ҳақидаги анъанавий тасаввурларга ҳурмат сифатида қаралади. Оламнинг турғун моделини А.Эйнштейн махсус тахмин асосида яратганини ҳам эътиборга олиш керак.

Мазкур муаммонинг янги ечимини А.Фридман таклиф қилган ва уни бельгиялик космолог М.Леметри ривожлантирган. *А.Фридман дунёнинг турғунлиги ҳақидаги тахминдан воз кечди, лекин унинг бир хиллиги ва изотроплиги ҳақидаги постулатни сақлаб қолди. Бу муаммонинг уч хил ечимини таклиф қилиш имконини берди:*

1. Агар оламда модда ва нурланишнинг зичлиги айрим критик катталикка тенг бўлса, майдон эвклид майдони бўлади, яъни эгрилиги нолга тенг бўлади ва дунё чексиз бўлади.

2. Агар оламда модданинг зичлиги критик катталикдан кичкина бўлса, олам майдони Лобачевский геометрияси билан тавсифланади, у манфий эгрилик ва чексиз ҳажмга эга, очиқ ва бел кўринишида бўлади.

3. Агар оламда модданинг зичлиги критик даражадан катта бўлса, майдон мусбат эгриликка эга, лекин ҳажми чекланган бўлади. Дунё берк ва чекли бўлиб, Риман геометрияси билан тавсифланади.

Космология муаммосининг таклиф қилинган ечимларига нисбатан муносабат бир хил эмас. Айрим олимлар чексиз кенгаювчи Олам гипотезасини қабул қилганлар ва «Катта портлаш» концепциясига кўра, тахминан 17–20 миллиард йил олдин олам жуда кичкина ҳажмда ўта зич сингуляр ҳолатда бўлган, деб ҳисоблайдилар. Юз берган «Катта портлаш» оламнинг кенгайиш жараёнини бошлаб берган. Бу кенгайиш жараёнида модданинг зичлиги ўзгарган, майдоннинг эгрилиги тўғриланиб борган. Айрим олимлар фикрига кўра, кенгайиш ўрнини яна торайиш эгаллайди ва бутун жараён такрорланади. Шу асосда ҳаракатланувчи Олам гипотезаси илгари сурилган бўлиб, унга кўра тахминан ҳар 100 миллиард

йилда янги цикл «Катта портлаш»дан бошланади. Ақлга сиғмайдиган гипотезаларнинг бирида «дастлабки портлаш» натижасида, гравитацион майдонда сингуляр ҳолатдан фақат бизнинг метагалактикамиз эмас, балки кўплаб метагалактикалар вужудга келгани, уларнинг ҳар бири барча физик кўрсаткичларнинг турли ифодаларига, чунончи, алоҳида топологияли (ўлчовлар миқдори ҳар хил бўлган маҳаллий очиқ ёки маҳаллий ёпиқ) макони ва ўз космологик вақтига эга бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.

Ҳозирги «кўп сонли дунёлар» концепцияларида оламнинг ажабтовур манзараси чизилади. Бу фундаментал фалсафани моддий дунёнинг макон ва вақтдаги чексизлигини метрик чексизлик маъносида эмас, балки материянинг макон ва вақт структураларининг бениҳоя ранг-баранглиги сифатида тушуниш лозим, деган асосий қоидаси билан ҳамоҳангдир.

Қизил силжиш. *Олам кенгайишда давом этадими ёки торайиш жараёни бошланадими, деган савол жавобсиз қолмоқда. Аммо «қизил силжиш» ҳодисаси ҳозирги вақтда нурланиш манбаи узоқлашиб бораётганини, яъни галактикалар тахминан ўзигача бўлган масофага пропорционал тезликда ҳар ёққа «тарқалаётгани»ни тасдиқловчи умумий эътироф этилган далил ҳисобланади.*

1912 йилда В.М.Слайфер галактикадан ташқаридаги туманликлар нурланишларининг спектр чизиқлари спектрнинг қизил учи томонга силжиётган – «қизил силжиш»ни аниқлади. Орадан маълум вақт ўтгач, (1929 йилда) Эдвин Хаббл туманлик кузатувчидан қанча узоқда бўлса, «қизил силжиш» каттaлиги ҳам, унинг туманликдан узоқлашиш тезлиги ҳам шунча катта бўлади, деган қонунни ва катта масофаларда галактикаларнинг тезлиги улкан даражаларга етишини аниқлади.

Шунга қарамай, оламнинг кенгайиши билан бир қаторда, унинг торайишини ёки маконда чекланган, лекин вақтда чексиз олам навбатма-навбат дам кенгаювчи, дам тораювчи ҳаракатланувчи олам моделини ҳам тахмин қилиш учун назарий имконият мавжуд.

Чеклилик ва чексизликнинг зиддияти. Чеклилик, унинг зидди бўлган чексизлик сингари, умумийлик ва зарурийлик мақомига эга бўлган умумий ва универсал тушунчалар – фалсафий категориялар сифатида тушунилади.

Чеклилик – нарсалар ва ҳодисаларнинг муайянлилигини, объектнинг мавжудлик чегарасини ифодалаш учун мўлжалланган фалсафий категория. Чеклилик чегараси объект интиҳосини бошқа объектдан ажратиб туради ва уларни бир-бирига боғлайди. Г.Гегель чексизлик ҳар нарса ўз чегарасига эга эканлиги, бу ерда у барҳам топиши, йўқликка айланишини таъкидлаган[1]. Умуман олганда, барча туғилган нарсаларнинг муқаррар ўлими ҳақида фикр юритмаган бирорта ҳам атоқли файласуф йўқ.

Инсон борлиғи чеклилигининг «кашф» этилиши нафақат мавжудликнинг қатъий чегараларини, балки чексизликни – бир-бирини алмаштирувчи авлодларнинг ҳамиша бир хил сафини ҳам кўрсатди. Кундалик ҳаётда биз нарсаларни фарқлаш ва уларнинг ҳолатлари вақтда ўзгаришини кузатиш, масалан, кунни тундан фарқлаш имконини берувчи муайян чегараларни кўп қайд этамиз.

[1] Гегель Г. // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 207.

Шундай қилиб, *муайянлик ва чегара чеклиликнинг асосий, энг муҳим жиҳатлари* ҳисобланади.

Фалсафада макон-миқдор чегаралари (масалан, давлатнинг ҳудудий чегаралари) ва сифат чегаралари (ёш даврлари) фарқланади. Аммо чегара нафақат ажратади, балки бирлаштиради, алоқа қилиш, чегара орқали ўтиш имконини беради. Бу қарама-қаршиликни ифодалаш учун Ф.Гегель И.Кант ўзгачароқ маънода ишлатган «борлиқ ўзида» ва «ўзга учун борлиқ» тушунчаларини муомалада қўллаган.

Чеклиликни қотиб қолган, ҳаракатсиз нарса деб тушунмаслик керак. *Чеклиликнинг моҳияти шундан иборатки, у ўзини ўзи инкор этади, интиҳо сари ҳаракатланади. Шу сабабли чеклилик ҳаракатдан ташқарида эмас, балки фақат ҳаракатда тушунилиши мумкин.*

Чексизлик чеклиликнинг инкори ҳисобланади. Фалсафа ва фанга чексизлик билан бирга «зиддият» тушунчаси ҳам кириб келган. Классик юнон тафаккурида чексизлик салбий тушунча сифатида амал қилади: чексизлик чегара ва шаклдан маҳрум, у белгиланмаган, бинобарин, инсон ақли уни тушуниб етишга қодир эмас. Чексизликни англаб етишга уриниш ўз йўлида муқаррар тарзда апориялар, антиномиялар, парадоксларга дуч келган. Фанда, «horror infiniti» – «чексизлик даҳшати», деган ибора ҳам мавжуд бўлган. Онг чексизликни идрок этишга ҳам, тасаввур қилишга ҳам қодир эмас, у бу борада доимо иккиланади. Инсон кўпроқ чеклилик билан иш кўради, уни тез англайди, бирон-бир чегара излайди. *Чексизлик – амалдаги қонунларга бўйсунмайдиган, уларни аксиома тарзида қўллаб бўлмайдиган, қисм бутунга тенг бўлиб қолувчи борлиқдир.*

Зенон апорияларининг бош моҳиятини ҳам чеклилик ва чексизлик ўртасидаги зиддият ташкил этади. Масалан, «Дихотомия» апориясида тўғри йўл назарда тутилади. Бу йўлдан ўтиш учун унинг ярмини, сўнгра ярмининг ярмини, кейин бу яримнинг яна ярмини босиб ўтиш керак бўлади. Хуллас, йўл чексиз миқдордаги ярим бўлакларга бўлиниб кетади. Мазкур ёндашувдан келиб чиқилса, бу йўлдан нафақат ўтиш, балки ҳаракатни бошлаш ҳам мумкин эмас. Йўлдан ўтишда, энг олдин босиб ўтиш лозим бўлган масофанинг дастлабки «ярмининг ярмини» қандай топиш мумкин? Бу эмпирик далил каби бутун чексизликни қамраб олувчи шак-шубҳасиз ҳаракатни назарий тавсифлаш қийинчилик туғдиради.

Чеклилик интиҳонинг дастлабки нуқтаси сифатида амал қилса, чексизликнинг асосий хоссаси сифатида кўпинча «чекланмаганлик» тушунчаси қабул қилинади. Чексизлик ғояси инсон тафаккурида бирон-бир объект ёки жараёнда чегараларнинг йўқлиги ҳақидаги интуитив тасаввур сифатида мавжуд бўлади. Шундай қилиб, чексизлик айрим чекланмаган жараён ёки кетма-кетлик кўринишида тасаввур қилинади.

Потенциал ва актуал чексизлик. Чексизлик тушунчаси потенциал ва актуал чексизликни ўз ичига олади. *Потенциал чексизлик миқдор ва сифат ўзгаришларининг ниҳоясиз жараёнини қайд этади.* Потенциал чексизлик тўхтатиш, бекор қилиш ёки мавжуд эмас, деб эълон қилиш мумкин бўлмаган шаклланиш, ўзгариш ва ривожланиш жараёнига ишора қилади.

Актуал чексизлик мазкур шароитда тўлиқ мавжуд бўлган чексизликнинг мавҳумлаштирилган кўринишидир. Бу ўхшаш объектларнинг чексиз тўпламидан, масалан, Ер юзидаги одамларнинг сочларидан ёки сайёрамизда ўсувчи гуллардан

ташкил топган ўзига хос объект сифатида оддий тушунишга асосланади. Актуал чексизлик интиҳоли нарсаларнинг чексиз миқдоридан ташкил топган объектларнинг сон-саноқсиз тўпламлари актуал тарзда мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Актуал чексизлик муайян мавжуд борлиқ сифатида олинади, аммо у доим энг кўп эътироз ва қаршиликка сабаб бўлади. Кўплаб файласуфлар бу масалани четлаб ўтишга ҳаракат қилганлар. Бунда Аристотель қарашлари анча муҳим роль ўйнаган. У икки минг йил давомида амал қилган «актуал эмас, балки потенциал чексизликкина мавжуддир», деган қоидани илгари сурди. Соғлом фикр нуқтаи назаридан Аристотелнинг бу ғоясини асословчи далиллар бисёр. Потенциал чексизлик, образли қилиб айтганда, ҳар қандай сонга бирни қўшиш имконини беради ва анча содда абстракция ҳисобланади. Уни қабул қилиш ва унга кўникиш мумкин. Актуал чексизлик эса мутлақо парадоксал хусусиятга эга, чунки у чексизликни «шу ерда» ва «ҳозир» якунланган, деб ҳисоблайди. Масалан, бирон-бир ичкиликбоз киши ҳозиргача кўп ичкилик ичгани ва яна икки шиша шампан виноси ича олишини айтса, бу потенциал чексизлик ҳисобланади. Агар у чексиз миқдорда шампан виноси ичганини айтса, унинг бу фикрига абсурд гап сифатида қараш керак бўлади. Айни вақтда, бу актуал чексизликни ўзининг барча элементларига эга бўлган реал объект кўринишида мавжуд чексизлик сифатида ифодалашга уриниш ҳисобланади. Муттасил ривожланувчи олам шаклланган актуал чексизлик сифатида тавсифланиши мумкин эмас. Аммо актуал чексизлик ғоясининг ўзи ижод манбаи ва эвристик изланишлар учун замин сифатида анча самарали хулоса бўлади.

Б.Паскаль «Фикрлар» асарида актуал чексизлик унга ҳар қандай сон қўшилганида кўпаймайди, айрилганида эса камаймайди, деб ҳисоблайди. У актуал чексизликни тубсиз абсолют, «узвий ва чексиз Мавжудот» – Худо ғояси, шунингдек, илоҳий зулмат ғояси билан тенглаштиради. Унинг фикрига кўра, чексизлик зулматига чулғанган борлиқ инсоннинг тушуниш имкониятларидан кўп карра устундир, потенциал чексизлик чеклилик вариантидир[1].

Актуал чексизликнинг турлари «Катта чексизлик» – универсум чексизлигида намоён бўлади, «кичик чексизлик» – камроқ аҳамиятга эга бўлган, лекин илмий тафаккур микродунёни ўрганиш йўналишида ривожланиши муносабати билан реал муаммога айланади. Б.Паскаль даврида микроскопия ҳодисалари «кичик чексизлик»ни ташкил этган. Инсоннинг чекланган руҳи актуал чексизликни англаб етишга қодир эмас. Б.Паскаль фикрига кўра, инсон икки жарлик – «чексизлик ва йўқлик жарликлари» ёқасида ушланиб туради. Чексизликнинг ниҳоясизлиги инсонни бу ҳолатни жимгина кузатишга маҳкум этади.

«Актуал чексизлик» тушунчаси олимларда катта қизиқиш уйғотган. Масалан, математик Д.Гильберт актуал чексизлик ҳодисасини талқин қилиб, шундай дейди: «Бунга биз, масалан, 1,2,3, ... n сонлар тўпламига муайян тугалланган бирлик сифатида ёки кесма нуқталарига қаршимизда тугалланган кўринишда намоён бўлувчи нарсалар мажмуи сифатида қарашда дуч келамиз. Бундай чексизликни биз актуал чексизлик деб атаймиз»[2]. Математиклар «чексиз тўплам» тушунчасини қўллайдилар ва уни асосан миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан

[1] Паскаль Б. Мысли. –М.: «Наука», 1995 г. с. 67.

[2] Гильберт Д. // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 206.

тугалланган тўплам сифатида тушунадилар. Улар «Чексиз тўплам»да чексизлик амалда тугалланган бўлиши мумкин эмас, деган ғояни инкор этмаган ҳолда, умумий ва барқарор хосса ҳамда нисбатларни ўрганишга ҳаракат қиладилар. Математикада чексизликнинг ўз ҳақиқий кичик тўпламига тенг кучли тўплам сифатидаги таърифи мавжуд.

Фалсафий нуқтаи назардан чексизликни чеклилик чегараларини инкор этувчи, бу чегаралардан ошиб ўтувчи жараён сифатида тушуниш лозим. Чеклилик эса, ўз чегараларидан ташқарига чиқиб, ўз инкорини инкор этиб, чексизликка айланади. Чеклиликни чексизликдан алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Айни вақтда, чеклиликнинг мавжудлигини сақлаган ҳолда, чексизликнинг мавжудлигини инкор этиш ҳам мумкин эмас. Чеклилик чексизликнинг мавжудлик шакли ёки усули ҳисобланади. Бу борадаги диалектика ана шундан иборат.

Бир қарашда, чексизликка чегараларнинг йўқлиги, чегарасизлик хосдек бўлиб туюлади. Аммо чегарасизликни чексизлик билан тенглаштириш ярамайди. Масалан, шарни олайлик. Унинг сиртида ҳаракатланар эканмиз, биз ҳеч қаерда чегарага дуч келмаймиз. Шар – чегарасиз, айни вақтда, чекли нарсадир. Шу боис **ниҳоясизлик** ва **номуайянлик** чексизликнинг муҳим хоссалари ҳисобланади.

Дунё чексиз қисмларга бўлингани учун ниҳоясиз эмас. Аксинча, «материянинг чексиз бўлиниши» тушунчаси маълум даражагача маънога эгадир. Элементар зарраларга нисбатан у мутлақо ўринсиздир (зарраларнинг кўп карра туғилиши билан боғлиқ ғайриоддий эффектни эслайлик). Чексиз катта масса, зичлик, ҳарорат, тезлик, энергияга эга объектлар ҳам мавжуд бўла олмайди. Муайян хоссаларнинг миқдор жиҳатидан чексиз кўпайиши ёки камайиши, умуман, мумкин эмас. Бу аксарият ҳолларда ёруғлик тезлиги, минимал электр заряд каби машҳур физикавий константаларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, табиатда ҳар қандай миқдорий ўзгариш муайян меъёр билан чекланган. Шу боис чексизлик қандайдир бир сифатнинг миқдорий чексизлиги сифатида эмас, балки сифат хоссаларининг ниҳоясиз ранг-баранглиги сифатида амал қилади.

Дунё ниҳоясиз, чунки у сифат жиҳатидан ҳар хил ва ранг-барангдир. Биз яшайдиган табиат ўзаро боғланган, шу билан бирга, нисбатан мустақил бир қанча даражаларга бўлинади. Фанда квант механикаси қонунлари билан тавсифланувчи микродунё; классик механика қонунлари амал қилувчи макродунё; нисбийлик назарияси қонунлари ва релятивистик космология билан боғлиқ мегадунё фарқланади. Материянинг турли таркибий даражаларида макон ва вақт муносабатларининг ўзига хос кўринишлари, ҳаракатнинг ҳар хил турларига дуч келамиз. Биз муайян турдаги жараёнларнинг кузатувчилари ва гувоҳларимиз. Биз яшайдиган дунё асосий ва андоза дунё сифатида қаралади. Биз билмайдиган бошқа типдаги жараёнлар эса бундай гувоҳларсиз юз беради

Фалсафа тарихида геоцентризм намояндалари геоцентрик ёндашувларни бутун оламга нисбатан татбиқ этиш (экстраполяция қилиш) мумкин, деган ғояни илгари сурдилар. У дунё бир хил, унинг тушуниб етилган қисми ўз физик кўрсаткичларига кўра универсалдир, шу боис ундан бутун оламни тавсифлаш учун фойдаланиш мумкин, деган ёндашувга асосланади. Бошқача айтган-

да, бутун дунёда тушуниб етилган қонуниятларга ўхшаш қонунлар амал қилади, деган тасаввур вужудга келган эди.

Хулосалар. Субстанция ва материя муаммоси азалий муаммолардан бири бўлиб келган. Ҳозирги даврда бу муаммога илмийлик мезонлари нуқтаи назаридан ёндашувлар шаклланган ва уларнинг мавжудлиги борлиқ мавжудлигининг асоси сифатида қабул қилинган.

Инсон тажрибаси доимо чекланган, у чексизликни эмпирик йўл билан аниқлай олмайди. Чексизликни қайд этиш учун сезги органлари маълумотларига тафаккур фаолиятини ҳам қўшиш лозим. Чексизлик интиҳоли нарсалар орқали мавжуд бўлади. Инсон ақли айни шу алоқа ва кетма-кетликни, интиҳоли нарсалар умумийлигининг чексизликка тенг бўлган айни шу шаклини аниқлайди.

Тажрибавий-амалий матнлар

Субстанция, интеллектуал интуиция, дедукция, монизм, плюрализм, дуализм, оламнинг чеклилиги ва чексизлиги, интенсив чексизлик, экстенсив чексизлик, потенциал ва актуал чексизлик, Кант антиномиялари, оламнинг релятивистик концепцияси.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Субстанция нима?
2. Фалсафа тарихида субстанция муаммосига қандай муносабат билдирилган?
3. Материя нима?

4. Материянинг ҳозирги замон таърифи қандай?

5. Нима учун дунёнинг ранг-баранглиги ва унинг яхлитлиги муаммоси нафақат илмий, балки фалсафий аҳамият ҳам касб этади?

6. Дунёнинг бирлигини асослаш учун қандай далиллар келтирилади?

7. Экстенсив ва интенсив чексизликнинг моҳияти нимада?

Реферат мавзулари

1. Материяга нисбатан фалсафий ёндашувлар эволюцияси.
2. Материя ва ҳаракатнинг ўзаро алоқаси.
3. Ҳозирги даврда материяга муносабатнинг турли талқинлари.
4. Фалсафада субстанция муаммоси.
5. Дунёнинг бирлиги муаммосига нисбатан фалсафий ва илмий ёндашувлар.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Фалсафада ўзининг мавжудлиги учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган биринчи асосга нима дейилади?

А. Субстанция Б. Акциденция
В. Реаллик Г. Далил

2. Субстанцияни «causa sui» – «ўз-ўзининг сабабчиси» деб атаган файласуфни топинг?

А. Спиноза Б. Декарт
В. Кант Г. Фихте

3. Субстанциянинг икки турга фарқланиши қандай таълимотнинг келиб чиқишига асос бўлди?

А. Дуализм Б. Монизм
В. Деизм Г. Томизм

4. «Cogio ergo sum» – «Мен фикрлаяпман, демак, мавжудман» ибораси муаллифи ким?

А. Р.Декарт Б. Б.Спиноза
В. И.Кант Г. Ф.Ницше

5. Дуалистик таълимотга кўра, дунё нечта асосга эга дея эътироф этилади?

А. Икки Б. Бир
В. Уч Г. Чексиз

Адабиётлар

1. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.

2. Саифназаров И., Касимов Б., Мухтаров А. Философия курс лекций. –Т.: «Шарқ», 2002 й.

3. Фалсафа С.Мамашокиров таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 2005 й.

4. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: Учебник для вузов. 3-е изд. –М.: 2006 й.

5. Falsafa asoslari. M.Ahmedova tahriri ostida. –T.: O‘FMJ, 2006-y.

6. Бейли Алиса. От интеллекта к интуиции. –М.: 2002 г.

7. Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. –М.: 2002 г.

8. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному. Новая онтология XX века. –М.: 1997 г.

9. Губин В.Д. Онтология. Проблема бытия в современной европейской философии. –М.: 1998 й.

10. Дубровский Д.И. Проблема идеального: Субъективная реальность. –М.:, 2002 г.

11. Хайдеггер М. Бытие и время: пер. с нем. 2-е изд., испр. –СП(б).: 2002 г.

12. Басов В. Бытие и развитие. –М.: «ИНТРАФ», 2005 г.

13. Носков А.В. Онтология времени и онтология пространства как основания различения фундаментальных ориентаций в философии : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Томск, 1996 г.

14. Вахин А.А. Концепция самоорганизующегося мира : Филос.-методол. анализ : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Москва, 1995 г.

15. Шишин М.Ю. Онтологические и методологические основания концепции ноосферогенеза : диссертация кандидата философских наук : 09.00.01. Москва, 1997 г.

16. Юхвид А.В. Эвристические возможности компьютерных виртуальных технологий: Философско-методологический анализ : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01, 09.00.11. Москва, 2003 г.

17. Верещагина Г.Н. Проблема человека: экзистенциально-антропологический анализ : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.13. Ставрополь, 2005 г.

18. Смирнов Д.Г. Философско-методологический анализ взаимодействия ноосферы и семиосферы : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Иваново, 2005 г.

ҲАРАКАТ ВА РИВОЖЛАНИШ

1. Семинар машғулотни олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар: Ҳаракат ва ривожланиш
Машғулот режаси	1. Ўзгаришларнинг умумий хусусияти. 2. Фалсафа тарихида ҳаракат ҳақидаги тасаввурлар. 3. Ҳаракат типлари ва шакллари.
Машғулотнинг мақсади: Ҳаракат ўзгариши шаклланиши ҳақидаги билимлар таҳлил қилинади ва сокинликни бир-биридан фарқлаш, ҳаракат шаклларини билиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Ҳаракат тушунчасининг фалсафий тасаввурининг таҳлили.	Ҳаракатни тушуниш.
Фалсафа тарихида материя ва ҳаракатнинг ўзаро нисбати ҳақидаги тасаввурларнинг тушуниш омили.	Зенон апорияларини таҳлил қилиш, ҳаракатнинг механик талқинини баҳолаш.
Ҳаракат типларининг фарқи.	Ижтимоий жараёнларда прогресс ва регресснинг ролини кўрсатиш.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.

	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Физик ҳаракат» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Ҳаракат мутлақлиги ва сокинлигининг нисбийлиги? 2. Ҳаракат ҳар қандай ўзгариш назарияси? 3. Ҳозирги даврда ҳаракатнинг талқини. Ҳаракат ҳақидаги фикрлар хилма-хиллиги?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Гераклитнинг ҳаракат ҳақидаги таълимотининг тарихий аҳамияти. Зенон апориялари ҳаракатсизлик ҳақидаги таълимот» деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Ўзгаришларнинг умумий хусусияти. Бизни қуршаган дунёнинг яна бир муҳим хусусияти – Коинотда ва унинг барча таркибий қисмларида юз берадиган тинимсиз ўзгаришлардир.

Табиатнинг ўзгарувчанлиги фалсафа пайдо бўлишидан анча олдин яхши маълум бўлган, фалсафа вужудга келгач эса, масалаларнинг мазкур доираси алоҳида ўрганиш предметига айланди ва вақт ўтиши билан унинг негизида фалсафий билимларнинг махсус бўлими – диалектика юзага келди. Унинг (яхлит таълимот сифатидаги) илдизлари қадимги юнон фалсафасига, хусусан, «Ҳамма нарса оқиб, ўзгариб туради», «Айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди» каби машҳур иборалар муаллифи Гераклит ижодига бориб тақалади. Шундан бери объектив борлиқнинг турли-туман миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодалаш учун «ҳаракат» ва «ривожланиш» категориялари қўлланилади.

Ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг ўзаро нисбати. Фалсафада ҳаракат нафақат турли жисмларнинг маконда механик силжиши сифатида, балки табиий жараёнлар ва ҳодисалар ҳолатларининг ҳар қандай ўзгариши сифатида ҳам тушунилади. Кенгайиб бораётган Метагалактика ҳам, ўзаро таъсирга киришаётган элементар зарралар ҳам, кўпаяётган, моддалар алмашинувини амалга ошираётган тирик ҳужайралар ҳам, ижтимоий жараёнлар ва ҳоказолар, шу жумладан, фикрлаш фаолияти жараёнлари ҳам ҳаракатда бўлади.

Агар биз бирон-бир табиий объект ёки ҳодисани уларнинг табиий ҳолатида англаб етмоқчи бўлсак, «ҳаракат» тушунчасини четлаб ўтишимиз мумкин эмас. Бир қарашда, оддий онг нуқтаи назаридан бу нотўғри, зеро, Альп тоғлари ёки Миср эҳромларини кузатар эканмиз, биз улар абадий ҳаракатсизлик ҳолатида эканлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо бу ҳаракатсизлик нисбийдир. Умуман олганда, бутун Коинот улкан айланма ҳаракат ҳолатида бўлиб, бу ерда бизнинг сайёрамиз Қуёш атрофида, у билан бирга – бизнинг галактикамиз маркази атрофида, у билан бирга эса – галакатик тизим маркази атрофида айланадиган кичик бир заррадир.

Ҳаракатсизлик ҳолатидаги нарсалар структураси ҳам тинимсиз ўзгариш жараёнини бошдан кечиради, чунки узлуксиз ҳаракатда бўлган элементар зарралардан ташкил топади. Температура ўзгаришлари, моддаларнинг кимёвий таркибидаги ўзгаришлар ва шу кабилар бундай ҳаракатнинг ташқи кўринишлари ҳисобланади. Шунингдек, атомлар ва молекулалар ҳам Коинотда юз берган эволюция жараёнлари маҳсулидир. Улар бизнинг Метагалактикамиз мавжудлигига замин ҳозирлаган «Катта портлаш»дан кейингина вужудга келган. Бунинг устига ҳозирги замон географияси қитъалар бир-бирига нисбатан силжишини исботлади. Улар ажралган муз бўлаклари каби Ернинг қайноқ магмаси бўйлаб йилига бир неча сантиметр тезликда ҳаракатланади.

Шундай қилиб, ҳаракат абадий ва йўқ бўлмас, материядан ажралмас ва мутлақдир. Ҳаракатсизлик эса нисбий бўлиб, ўткинчи хусусиятга эга. Ҳаракат шунинг учун ҳам мутлақки, у умумий аҳамият касб этади ва (ҳаракатсизликдан фарқли ўлароқ) бирон-бир ташқи омилга боғлиқ бўлмайди. Оқилоналик нуқтаи назардан у боқийдир, чунки дунёда унинг боши ҳам, охири ҳам кўринмайди ва замирида камида икки куч – тортиш ва итариш ётувчи ҳар қандай борлиқнинг ўз-ўзидан ҳаракати сифатида амалга ошади.

Фалсафа тарихида ҳаракат ҳақидаги тасаввурлар. Ҳаракатни диалек-

тик тушуниш куртакларига Гераклит асарларидаёқ дуч келамиз. У оловни барча ўзгаришлар субстанцияси сифатида тавсифлаб, биринчи моддий асос доимо ўзи билан бирга, айни вақтда, доимий ўзгариш ҳолатида бўлиши ҳақидаги фикрни содда образли шаклда ифодалаган. Гераклит ҳаракатни миқдор жиҳатидан оддий жойдан-жойга кўчиш сифатида эмас, балки узлукли ва узлуксиз, барқарор ва ўзгарувчан нарса ва жараёнларнинг ўзаро нисбати нуқтаи назаридан тушунтиришга ҳаракат қилган. Антик даврдаёқ Гераклит, ундан кейин Эпикур ҳар қандай ҳаракат манбаини ички жараёнларнинг қарама-қаршилигидан топган.

Айни шу антик даврда тушунчалар мантиғида ҳаракат жараёнини мантиқий далиллар ёрдамида тушуниб етиш билан боғлиқ қийинчиликлар қадимги файласуф Зенонни машҳур апорияларни таърифлашига туртки берди. *Апория – муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантиқий қийинчилик, муаммо.* Зеноннинг «Ахиллес ва тошбақа», «Учаётган камон ўқи» каби апориялари, ҳиссий тасаввурларга зид ўлароқ, ҳаракат материянинг атрибути эканлигига шубҳаланишга мажбур қилган. «Ахиллес ва тошбақа» апорияси мазмунига кўра, чопқир Ахиллес ҳайвонот оламининг энг уқувсиз югурувчиси тошбақани қувиб боради, деб фараз қилинади. Бундан Зенон Ахиллес ҳеч қачон тошбақага ета олмайди, деган мантиқий хулоса чиқаради. Зенон бу апориясида қуйидагича фикр юритади: «Бирор одам А нуқтадан В нуқтага бориши лозим бўлсин. У В нуқтага ета оладими?» Зенон бу саволга йўқ, деб жавоб қилади. Чунки А нуқтадан В нуқтага қараб йўл олган одам, аввало, шу масофанинг тенг ярмидан ўтиши зарур. Бу масофанинг тенг ярмига етиши учун эса, шу ярим масофанинг яна ярмини ўтиши зарур. Ярим масофанинг ярмига етиши учун эса, қолган масофанинг ярмидан ўтишига тўғри келади. Хуллас, оралиқ масофа чексиз миқдордаги ярим бўлакларга бўлиниб кетади. Чексиз ярим бўлакларни босиб ўтиш учун эса чексиз вақт лозим. Ҳеч ким чексиз вақт яшай олмайди. Шундай экан, ҳеч қачон у А нуқтадан В нуқтага етиб бора олмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳаракат жараёнини формал-мантиқий тавсифлаш мушкуллигини кўрсатади.

Айрим файласуфлар Зенон апорияларини рад этиш учун сезги органларига суянганларида, бунда ҳам анча асосли эътирозлар топилган. Сезги ҳаракатни «кўриши» қадимги фалсафа вакиллари – элеатлар томонидан тан олинган, лекин ақл уни «тушуниш»ни хоҳлаши ва тушуна олмаслиги қайд этилган. Ақл моҳиятни, сезгилар эса ҳодисалар ва кўз илғайдиган нарсаларни ўрганишини ҳисобга олсак, элеатлар мантиғига кўра, айнан моҳиятда ҳаракат мавжуд эмас. Зенон ҳаракатни зиддиятсиз тарзда тавсифлаш мумкин эмаслигини кўрсата олгани эътироф этилган. Бинобарин, ҳаракат қарама-қаршилик демакдир. Зенон апорияларининг алоҳида қиммати шундаки, улар амалда мавжуд қарама-қаршиликларни кўрсата олган. Балки, шунинг учун бўлса керак, кўплаб қадимги манбаларда Зенон диалектика асосчиси сифатида қайд этилади. Зенон ўзи асарларини Парменидниng «Ҳамма нарса бир» деган шиорини «Ҳамма нарса кўпдир» деган қарама-қарши ёндашувдан ҳимоя қилиш учун ёзганини таъкидлаган.

Ҳаракатни ўрганишнинг муҳимлигини барча файласуфлар теран англаган. Аристотель ҳаракатни билмаслик сабабларни билмасликка олиб келади, деб ҳисоблаган ва борлиқнинг турлари қанча бўлса, ҳаракат ва ўзгаришларнинг турла-

ри ҳам шунча, деб қайд этган. Унинг фикрича, «Миқдор учун кўпайиш ва камайиш, сифат учун – ўзгариш, макон учун – кўчиб юриш, моҳият учун – вужудга келиш ва йўқ бўлиш мавжуд»[1]. Ҳаракатнинг вужудга келиш, йўқ бўлиш, ўзгариш, кўпайиш, камайиш, кўчиб юриш каби турларини фарқлаш лозим. Аммо Аристотель жонсиз, пассив материя концепциясини ривожлантириб, пировард натижада, муайян биринчи ҳаракатлантиргич – ҳар қандай фаолликнинг негизи сифатидаги соф шакл ҳаракат манбаидир, деган хулосага келди. Бинобарин, ҳаракат материянинг атрибути эмас, балки унинг модуси, айрим хоссаси ва белгисидир, у фақат биринчи туртки воситасида берилади. Шунинг учун бўлса керак, фалсафий тафаккур ривожланишининг кейинги анча узоқ даври мобайнида ҳаракат материянинг атрибути сифатида қаралмади, балки унинг айрим ва қўшимча хоссаси ҳисобланди.

Ўрта аср Шарқ мутафаккири Форобий фикрича, ҳаракат ва сукунатнинг ибтидоси, бирон-бир нарсага ёки иродага бориб тақалмаса, уни табиат деб аташ мумкин. Ҳаракат вақт билан белгиланган. Ҳаракат ибтидо ва интиҳо билан чегараланмаган[2]. Ибн Сино фикрича, ҳаракат вужуди мумкиннинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва осойишталик билан мавжуд бўлади. Ҳаракат бу ашёлар, воқеаларда содир бўладиган ўзгаришдир[3].

Уйғониш даври мутафаккирлари ҳар қандай борлиқ – оламдан тортиб майда заррагача – унга хос бўлган руҳ томонидан ҳаракатга келтирилади, деган фикрни илгари сурдилар. Улар панпсихизм – бутун оламни илоҳийлаштириш таълимотига асосландилар.

Янги давр механикаси мазкур ёндашув мутлақо асоссизлигини кўрсатди. Механика нуқтаи назаридан, бирон-бир жисмни ҳаракатга келтириш учун унга қандайдир ташқи куч таъсир кўрсатиши лозим. XVII–XVIII асрларда механиканинг жадал ривожланиши, у айрим номеханик ҳодисаларни (масалан, иссиқлик ҳодисалари, ҳаттоки, физиологик ҳодисаларни) тушунтиришда эришган ютуқлар шунга олиб келдики, ҳаракатга анча тор маънода механик ҳаракат, яъни маконда оддий кўчиб юриш сифатида қарала бошланди. Умуман олганда, метафизик ёндашувларнинг номукаммаллиги сўзнинг ўз маъносидаги ҳаракатни, унинг алоҳида тури – кўчиб юриш билан тенглаштириш; ҳаракатга атрибут эмас, балки модус сифатида қараш; биринчи турткининг зарурлигига ишонч билан боғлиқ эди.

Бундай ёндашувларнинг номукаммаллигини кўпгина мутафаккирлар тан олган. Масалан, инглиз файласуфи Жон Толанд (1670–1722) динни танқид қилар экан, ҳаракатни материя атрибути, деб ҳисоблайди. У, «Мен ҳаракатни материянинг муҳим хоссаси, деб биламан. Бошқача айтганда, ўтказмаслик ва кўламлилик материя табиатига қандай хос ва у билан узвий бўлса, ҳаракат ҳам материя табиатига шундай хос ва у билан узвийдир. Бинобарин, ҳаракат материя таърифидан унинг таркибий қисми сифатида ўрин олиши лозим»[4], деб ёзган. Ж.Толанд ҳаракатнинг барча шаклларини механикага боғламаган, балки уни умумий ички фаоллик сифатида тушунган. Ҳаракатнинг атрибутлилигини француз файла-

[1] Аристотель. Органон. –М.: 1990 г. с. 159

[2] Қаранг: Форобий // Фалсафа қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2005 й. 431-б.

[3] Қаранг: Ибн Сино // Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ. 2005 й. 140-б.

[4] Толанд Ж. // Избранные произведение. –М.: «Наука», 1998 г. с. 56.

суфи Дени Дидро (1713–1784) ҳам исботлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра, «Мутлақ ҳаракатсизлик табиатда мавжуд бўлмаган мавҳум тушунчадир», «Ҳаракат материянинг узунлик, чуқурлик, кенглик каби ҳақиқий хоссасидир»[1]. Д.Дидро механицизмни, яъни ҳаракатни маконда кўчиб юришгагина боғлашни рад қилишга ҳаракат қилди. У табиат абадий ҳаракат ва ривожланишда бўлади, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, борлиқ бир шаклда ҳалок бўлади ва бошқа шаклда вужудга келади, материянинг фаоллигини ўз-ўзидан ҳаракат ғояси билан тушунтириш мумкин.

Ўз-ўзидан ҳаракат ғояси материянинг ички зиддиятлилиги, шунингдек, хилма-хиллиги билан белгиланади. Материя сон-саноқсиз ҳар хил сифатли элементлардан ташкил топади. Уларнинг тўқнашуви ва ўзаро таъсири абадий ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишни тушунишга ёрдам беради.

Француз материалистлари асосий эътиборни ҳаракатнинг ички манбаига қаратиб, «ҳаракат» тушунчасининг энг мазмунли таърифини топишга ҳаракат қилдилар. П.Гольбах ҳаракат механизмини ёритар экан, унинг икки турини фарқлашни таклиф қилди. Биринчи – «жисмларнинг жойдан-жойга кўчишидан иборат бўлган массалар ҳаракати»; бундай ҳаракатни биз бевосита кузатишимиз мумкин. Масалан, биз тош қандай тушаётгани, шарнинг юмалаётгани, қўл ҳаракатланаётгани ёки ҳолатини ўзгартираётганини кўришимиз мумкин. Иккинчи – «муайян жисмга хос энергияларга, яъни моҳиятга, бу жисм ташкил топган материянинг кўринмас молекулалари уйғунлиги, таъсири ва қарши таъсирига боғлиқ бўлган ички ва яширин ҳаракат». Ҳаракатни у, «муайян жисм ўз ўрнини ўзгартириши ёки ўзгартиришга уринишига ёрдам берувчи куч»[2], деб таърифлади.

Ҳаракат типлари. Фанда объектив борлиқ нарсалари ва ҳодисалари *ҳаракатининг икки асосий типи: прогресс ва регресс* фарқланади. Уларнинг бири материя, энергия, ахборотнинг маконда силжиши билан боғлиқ бўлиб, ҳаракатланувчи нарсалар ўз муҳим хоссаларини ўзгартирмаслиги, яъни ўз сифатини йўқотмаслиги билан тавсифланади. Булар миқдор ўзгаришлари, макондаги кўчишлар ёки ўрин алмашувидир. Бунга юриб кетаётган одам, қоронғи осмон фонида прожектор нурининг ҳаракати ва ҳатто хаёлда айрим объектлардан бошқа объектларга ўтиш мисол бўлиши мумкин. Сўнгги зикр этилган ҳолда фикрнинг муайян (масалан, формал мантиқ нуқтаи назардан тўғри ёки нотўғри) йўналишдаги ҳаракати тўғрисида сўз юритилади.

Аммо ҳаракатнинг қайд этилган типи дунёда юз бераётган ўзгаришларнинг бутун ранг-баранглигини қамраб олмайди. Аксарият ҳолларда улар нарсаларнинг ички структурасидаги қайта қуриш билан бирга кечадики, бу дастлабки нарса сифатларининг ўзгариши ва у бутунлай бошқа нарсага айланишига сабаб бўлади.

Орқага қайтмаслик ва муайян йўналишга эгалик хос бўлган мазкур ҳаракат типи ривожланиш деб аталади. Бунда нарса ёки ҳодиса структурасининг мураккаблашуви, улар ташкил топиш даражасининг юксалиши юз бериши мумкин бўлиб, бу одатда тараққиёт (прогресс) сифатида тавсифланади.

Агар ҳаракат тескари йўналишда – баркамолроқ ва ривожланганроқ шак-

[1] Дидро Д. // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 149.

[2] Гольбах П. // Всемирная энциклопедия.. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 246.

лардан унча ривожланмаган шаклларга, мураккабдан оддийга қараб юз бераётган бўлса, бу ҳолда регресс тўғрисида сўз юритиш одат тусини олган. Аммо прогресс ва регресснинг кўрсатилган хусусиятларини мутлақлаштириш ярамаслигини эътиборга олиш лозим. Масалан, бошқарув аппарати тузилмасининг мураккаблашуви ва бюрократиянинг ўсиши доим ҳам прогрессни англатавермайди, нисбатан соддароқ ва айни вақтда самаралироқ ва ишончлироқ машиналар, асбоблар ва механизмлар яратилишининг регрессга ҳеч қандай алоқаси бўлмайди ва кўпроқ бунинг аксидан далолат беради.

Ривожланиш. Жонсиз табиатда ривожланишга юлдузларда юз бераётган эволюция жараёнлари; жонли табиатда – турли организмларнинг ўсиши; жамиятда – фан, техника, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши ва шу кабилар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. *«Ривожланиш» тушунчаси нафақат моддий, балки идеал дунёга, хусусан, инсон тафаккурига нисбатан, масалан, умуман онгнинг ёки айрим фикр, ғоя, назариянинг ривожланиши тўғрисида сўз юритилган ҳолда, қўлланилиши мумкин.* Фикрнинг ривожланиши унинг «пишиб етилиши»ни, яъни мураккаблашуви, такомиллашуви, янада аниқроқ маъно касб этиши ва шу кабиларни англатади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, нарсалар ва ҳодисаларнинг объектив дунёсидан фарқли ўлароқ, субъектив конструкциялар (тафаккур, ғоялар, назариялар) ҳаракати ва ривожланишига нисбатан кўлам кўрсаткичлари татбиқ этилиши мумкин эмас. Айни вақтда, идеал нарсалар ва ҳодисалар даражасида ривожланиш жараёнлари, худди моддий нарсалар дунёсидаги каби вақтда кечади.

Ҳозирги замон фалсафасида «ҳаракат» тушунчаси. «Кенг» маънода умуман ҳар қандай ўзгариш ҳақидаги тасаввур сифатида талқин қилинади. Ҳаракатни умуман ўзгариш сифатида тушуниш ҳаракат турларининг бутун ранг-баранглигини унинг муайян бир турига боғлаш тўғри эмаслиги ҳақида огоҳлантиради ва ҳаракат шаклларининг умумий хусусияти ва бир-бирига айланиш қобилиятига ишора қилади. «Умуман ўзгариш» деганда, бизнинг улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиздан қатъи назар, объектив мавжуд бўлган барча ўзгаришлар, турли жараёнлар назарда тутилади.

Ўз-ўзидан ҳаракат ё бутун табиатга, ё унинг юксак даражада уюшган таркибий қисми – тирик организм ва жамиятга хос хусусиятдир. Қотиб қолган материяга мансуб айрим нарса ёки объектга нисбатан ўз-ўзидан ҳаракат, ўз-ўзидан ривожланиш ҳолати хос деб айтиш ўринли эмас. Чунки, ушбу объектни муайян элемент сифатида ўз ичига олган табиат ўз-ўзидан ривожланувчи яхлит тизим ҳисобланади.

Ўз-ўзидан ҳаракат бирон-бир нарсанинг унга ичдан (имманент тарзда) хос бўлган омиллар таъсирида ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини ифодаловчи категория сифатида амал қилади. «Ўз-ўзидан ҳаракат» тушунчаси бутун борлиқнинг субстанционал негизи сифатидаги материя ҳаракат ва ўзгариш жараёни юз бераётганида ўз фаоллигининг пировард сабаби сифатида амал қилади. Ўз-ўзидан ҳаракат шакли сифатидаги фаоллик сиртдан олиб кирилган ташқи куч сифатида тушунилмаслиги керак. Шу муносабат билан: «Бу қандай юз бериши мумкин», деган савол яхши ривожланмаган, нодиалектик тафаккур учун анча мушкул масала ҳисобланади. Шаклланиш жараёнини қадимги машҳур «panta

rei» – «ҳамма нарса оқади» таърифида ифодалаган Гераклит анъанасига, шунингдек, немис файласуфи Ф.Гегелга хос етук методологияга кўра, *ўз-ўзидан ҳаракатнинг манбаи зиддият ҳисобланади.* Бунда зиддият нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг қарама-қарши тенденциялари ҳамда томонларини тақозо этувчи, назарда тутувчи, айни вақтда, инкор этувчи ўзаро таъсир сифатида тушунилади.

Ўз-ўзидан ҳаракат табиатшунослик ва фалсафанинг энг қадимги ғояси ҳисобланади. Унинг юзага келиши борлиқ ҳаракатининг сабабини тушунтириш, ўз-ўзидан юз бераётган доимий умумий ўзгаришни тан олиш асосида бутун оламдаги ўзгариш жараёнларининг манбаини аниқлашга уринишлар билан боғлиқ. Антик фалсафада барча жисмларга хос бўлган, четдан аралашувсиз юз берадиган табиий ҳаракатни белгиловчи интилиш тўғрисида атрофлича сўз юритилган. Дунё замирида материя билан узвий боғлиқ бўлган қандайдир интилиш, қандайдир ҳақиқий, лекин ғайритабиий куч ётади ва унинг ўз-ўзидан ҳаракатига туртки беради, деб қаралган. Айни вақтда, ўз-ўзидан ҳаракат ғояси барча файласуфлар томонидан якдиллик билан қабул қилинмаганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Парменднинг: «Борлиқ мавжуд, йўқлик мавжуд эмас», деган машҳур тезиси барқарорлик, ўзгармаслик, муайянликнинг мутлақлигини тан олишни англатган. Бошқача айтганда, бунда ўзининг бошқа ҳолатига айланиш сифатидаги ўз-ўзидан ҳаракат ғоясига ўрин йўқ бўлган дунё тан олинган. Кейинроқ таърифланган неоплатоник Проклнинг тезиси унинг муқобили сифатида амал қилган. Прокл ҳаракат, ўз-ўзидан ҳаракат ва ҳаракатсизликни фарқлашни таклиф қилди. У «Мавжуд ҳамма нарсалар ё ҳаракатсиз, ё ҳаракатдадир, – деган. – Агар нарса ҳаракатда бўлса, у ўзи билан ўзи ёки бошқа нарса билан ҳаракатдадир. Агар у ўзи билан ўзи ҳаракатда бўлса, ўз-ўзидан ҳаракатда, бошқа нарса билан ҳаракатда бўлса, бошқача ҳаракатдадир. Бинобарин, ҳамма нарсалар ё ҳаракатсиз, ё ўз-ўзидан ҳаракатда, ё бошқача ҳаракатда бўлади»[1].

Шундай қилиб, ўз-ўзидан ҳаракат ғояси дунёни тушуниш концепциялари майдонида бир неча муқобил ёндашувлар билан бирга амал қилади. Бутун борлиқнинг тўхтовсиз ҳаракати ҳақидаги тезис ўз-ўзидан ҳаракат ғоясининг «шерик-рақиблари»дир. «Қарама-қаршиликлар бирлиги» сифатидаги ривожланишдан фарқли ўлароқ, ривожланишга «камайиш ва кўпайиш сифатида, такрорланиш сифатида» қаровчи ёндашув иккинчи муқобилга айланди. Биринчи муқобил метафизик, иккинчиси – диалектик концепция деб номланди ва у мутлақлаштирилади. Собиқ совет даври фалсафасида бундай мутлақлаштириш қуйидагича изоҳланган: «Ҳаракатнинг биринчи концепциясида ўз-ўзидан ҳаракат, унинг ҳаракатлантирувчи кучи, манбаи ва сабаби панада қолади. Иккинчи концепцияда асосий эътибор айнан «ўз-ўзи»дан ҳаракат манбаини билишга қаратилади. Биринчи концепция жонсиз, бўш, юзаки. Иккинчиси – ҳаётий. Фақат иккинчи концепция «бутун борлиқ»нинг ўз-ўзидан ҳаракатини тушуниб етиш, «сакрашлар», «тадрижийликнинг узилиши», «қарама-қаршиликка айланиш», «эскининг йўқ бўлиши ва янгининг вужудга келиши» моҳиятини англаш имконини беради»[2]. Аслида бу қарашларни фалсафий тафаккур ривожида қўлга киритилган ёндашувлар сифатида тушуниш маъқул.

[1] Прокл // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 236.

[2] Чумаков А.Н. Буччило Е. Философия. –М.: «Современный литератор», 2007 г. с. 54.

Ҳаракатнинг умумийлиги, универсаллиги ва атрибутлилигини тан олиш бошқа бир савол туғилишига сабаб бўлади. Ҳаракат жараёнини қандай қамраб олиш, уни тушунчалар мантиғида қандай ифодалаш ва тавсифлаш мумкин? Ҳаракатни тушунчалар воситасида, назарий акс эттиришда ҳаракат жараёнининг узлуксизлигини ифодалаш асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Билиш тарихи ҳаракатни умумий тушунчаларда уни тўхтатмайдиган, қўполлаштирмайдиган тарзда ифодалаш вазифаси нақадар оғир эканлигини кўрсатади. Жисм бир жойда туради ва сўнгра бошқа жойга кўчади, деб айтиш жисмнинг ўрнини шунчаки қайд этиш, демакдир. У ҳаракатланаётган пайтда биринчи жойда бошқа турмайди, лекин иккинчи жойга ҳам ҳали етиб келмаган бўлади; агар жисм шу икки жойдан бирида турган бўлса, у ҳаракатсиз ҳолатда бўлади. Жисм икки жой ўртасида, деб айтиш ҳеч нарса демаслик билан баробардир, чунки бу ҳолда у яна бир жойда бўлади; демак, айни ҳолда, юқорида зикр этилган қийинчилик туғилади.

«Ҳаракатланиш шу жойда бўлишни ва айни вақтда, унда бўлмасликни англатади; бу макон ва вақтнинг узлуксизлигидир, айнан у ҳаракатни юзага келтиради»[1]. Ҳаракатнинг узлуксизлиги унинг умумийлигини намоён этади, узлуксизлик унинг алоҳида жиҳатини кўрсатади. Ҳаракатдаги умумийлик унинг моҳиятини акс эттиради, бинобарин, ҳаракатни тушуниш ва таърифлаш, унинг моҳиятини англаб етиш учун ҳаракатнинг узлуксизлигини тушунмоқ даркор.

Ҳаракатнинг бир қарашда ғайритабиий туюлувчи ва айни вақтда унинг узлуксизлигини акс эттиришга уриниш кузатилувчи «муайян жойда бўлиш ва айни вақтда, унда бўлмаслик», деган таърифини янги замон диалектикаси асосчиси Ф.Гегель ўзига хос тарзда қуйидагича ифодалаган: «Муайян нарса «ҳозир шу ерда» бўлгани учун эмас, балки бошқа «ҳозир у ерда» бўлгани учун ҳаракатланади, модомики, у айни бир «ҳозир» шу ерда ва шу ерда эмас экан, у «шу ерда» ҳам мавжуд, ҳам мавжуд эмасдир»[2]. Ҳаракатнинг таърифини топиш йўлидаги изланишлар билан боғлиқ қийинчиликлар ҳаракатни жонсизлантирмасдан ва қўполлаштирмасдан тушунчалар мантиқида ифодалаш нақадар мушкул эканини яна бир карра тасдиқлайди.

Классик метафизиклар ҳаракат деганда, жисмнинг шу вақтда шу жойда, бошқа вақтда бошқа жойда бўлишини тушунади. Бундай ёндашувларнинг нотўғрилиги шундаки, улар ҳаракатнинг ўзини эмас, балки унинг натижасини тавсифлайди; улар ҳаракат имкониятини кўрсатмайди ва ўзида бундай имкониятга эга ҳам бўлмайди; ҳаракатни ҳаракатсизлик ҳолатлари йиғиндиси, уларнинг боғланиши сифатида тасвирлайди, ҳаракатнинг зиддияти яширин, эътибордан четда, панада қолади ёки унутилади.

Диалектика тарафдорлари ҳаракатнинг зиддиятли эканлигини якдиллик билан тан олади. Бунда айрим диалектиклар асосий зиддиятни вужудга келиш ва йўқ бўлишда кўрса, айримлар макон ва вақтнинг қарама-қаршилигида, яъни макон жиҳатини акс эттирувчи «ўриннинг ўзгариши»да ҳамда вақт кўрсаткичларини тавсифловчи «ҳолатнинг ўзгариши»да кўради. Айрим диалектиклар эса, ҳаракатнинг асосий зиддияти сифатида унинг узлуксизлиги-узлуклилигини қайд этади. Баъзан ҳаракатнинг асосий зиддияти сифатида барқарорлик ва ўзгарувчанлик жараёнла-

[1] Чумаков А.Н. Буччило Е. Философия. –М.: «Современный литератор», 2007 г. с. 78.

[2] Гегель Ф. // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с. 207.

ри кўрсатилади. Аммо бунда ҳаракат, ўзгаришнинг мутлақлигини тан олиш объектлар ёки жараёнларнинг абадий ўзгармаслиги сифатидаги мутлақ ҳаракатсизлик ҳолатини тўла истисно этишини, лекин муқаррар тарзда ҳаракатнинг ташқи қарама-қаршилиги эмас, балки, унинг ички зиддиятли моҳиятининг ифодаси ҳисобланувчи нисбий ҳаракатсизлик ҳолатини назарда тутишини тушуниш муҳимдир. *Мутлақ ҳаракатсизлик, абадий мувозанат ва сокинлик ҳеч қаерда йўқ. Ҳар қандай ҳаракатсизлик, мувозанат нисбийдир, чунки улар ҳаракатнинг муайян ҳолатлари ҳисобланади*. Зиддиятни олиб исбот қилишда, яъни муайян жисм мутлақ ҳаракатсизлик ҳолатида деб фараз қилишда мазкур жисм бу ҳолда ҳеч нарса билан ўзаро таъсирга киришмаслиги, унда ҳеч қандай ички ва ташқи ўзгаришлар юз бермаслиги, у ўзини ҳеч қандай тарзда намоён этмаслиги, бинобарин, бундай жисм амалда йўқлигини тан олиш керак. Бу ноль («0») ҳолатини мутлақлаштириш демакдир. Диалектика эса нолни тан олмайди. Барқарор жисмлар сифатида намоён бўлувчи барча моддий объектларда муқаррар тарзда зарралар, атомлар ва молекулалар ҳаракати юз беради. Ҳар бир объект ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро таъсирга киришади, бу ўзаро таъсир эса муайян турдаги ҳаракатни ўз ичига олади. Ерга нисбатан ҳаракатсиз ҳолатдаги ҳар қандай жисм у билан бирга Қуёш атрофида, Қуёш билан бирга Галактиканинг бошқа юлдузларига нисбатан ҳаракатланади. Галактика ҳам бошқа юлдузлар тизимларига нисбатан ҳаракатда бўлади ва ўзгаради.

Ҳаракатсизликни ҳаракатдан ташқаридаги эмас, балки унинг ўзидаги нисбий мувозанат ҳолати сифатида тушуниш лозим. Нисбий ҳаракатсизлик нафақат ҳаракатни истисно этади, балки, аксинча, унинг муайян ҳолати ҳисобланади.

Ҳаракатсизлик ва ҳаракатнинг қарама-қаршилиги илгари «нарсалар» ва «жараёнлар»ни кескин қарама-қарши қўйишда ифодаланган. Микродунё соҳасидаги билимлар ривожланиши билан бу метафизик қарама-қарши қўйиш ўз маъносини йўқотди. Нарса сифатида микрообъект олинган бўлса, бунда шу нарса ва жараённинг бирлиги, яққол кўринади. Микрообъектнинг корпулскуляр тўлқинли хоссалари бир вақтнинг ўзида ҳам нарса, ҳам жараён сифатида амал қилишини тасдиқлайди. Шу сабабли «воқеа» тушунчаси нисбийлик назариясида фундаментал тушунчага айланган.

Вақтинчалик барқарорлик ва мувозанат ҳолати сифатида тушунилувчи нисбий ҳаракатсизлик материянинг ҳар қандай муайян ҳолатига хос. У материянинг сифатини намоён этади. Нисбий тинчлик туфайли нарсаларнинг чегаралари мавжуд бўлади, дунё сифат ва миқдор ўзгаришларининг ранг-баранглиги сифатида намоён бўлади. Материя ҳаракати шунинг учун ҳам мутлақки, у сиртдан ҳеч нарсага боғлиқ эмас. Шу маънода «Дунёда абадий ҳаракатдаги материядан бошқа ҳеч нарса йўқ» тарзидаги фикрлар ўринли ва асослидир.

Ҳаракат шакллари. Ҳаракат шаклларини таснифлашда қайси тамойилларга риоя қилинишига қараб бундай шаклларнинг ҳар хил миқдори фарқланади. Масалан, *XIX асрда материя ташкил топишининг турли даражаларига асосланиб, материя ҳаракатининг беш асосий шакли: механик, физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий ҳаракат қайд этилган*.

Ҳаракатнинг мазкур шакллари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда ҳар бир кейинги ҳаракат ўзидан олдинги ҳаракатдан келиб чиқади, унга асослана-

ди, бироқ, шунга қарамай, қуйи шакл билан боғланмайди. *Ҳаракатнинг мураккаб шаклларини соддароқ шаклларга бундай боғлашга уринишлар фалсафа тарихида «механицизм», «редукционизм» (лот. «reductio» – «ортга суриш») деган ном олган, ҳаракат ижтимоий шаклларини биологик шакллар даражасигача соддалаштириш биологизаторлик концепцияларида мавжуд.*

Дунёнинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги ҳозирги тасаввурлар нуқтаи назаридан кўрсатилган шакллар ҳаракатнинг мавжуд ва тахмин қилинган усулларининг бутун ранг-баранглигини акс эттирмайди. Хусусан, элементар зарраларнинг ўзгариш жараёнлари, XIX асрда номаълум бўлган микро- ва макродунё даражасидаги бошқа ўзгаришлар материя ҳаракати механик, физик ва кимёвий шаклларининг ўзаро нисбатига доир масалани энди янгидан қўймоқда. Бу ерда механик шакл энди барча физик жараёнлар негизи сифатида қаралмайди. Эндиликда биологик ҳаракатнинг элементар зарралари, илгари тахмин қилинганидек, оқсилли молекулалар эмас, балки XX асрда кашф этилган ДНК ва РНК ҳисобланади. Айрим олимлар ер пўсти ҳамда Ер остида юз бераётган жараёнлар ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга асосланиб, ҳаракатнинг геологик шаклини фарқламоқдалар.

XIX аср охирларида материянинг ҳаракат шакллари таснифи ишлаб чиқилаётганида, илмий давраларда фанларни таснифлашга нисбатан контча ёндашув шаклланган эди. Позитивизм асосчиси О.Конт ҳар бир фан предметини материя ҳаракатининг алоҳида шакли ташкил этиши, турли фанларнинг объектлари эса бир-биридан кескин фарқ қилишига ишончи комил эди (механика, физика, кимё, биология, социология ва ҳоказо). Мазкур мувофиқлик фанларни мувофиқлаштириш тамойили деб номланди. Бунда турли фанлар ўрганадиган объектлар бир-бири билан қандай боғланганлиги ва бир-бирига ўтишига эътибор берилди. Қуйидан олийга, оддийдан мураккабга сари юксалиб борадиган ҳаракатланувчи материянинг прогрессив ривожланиш жараёнини акс эттириш ғояси туғилди. *Механика физика билан боғланиши ва унга ўтиши, физика кимёга, кимё биология ва ижтимоий фанларга ўтишини назарда тутувчи ёндашув (механика → физика → кимё → биология → ижтимоий фанлар) субординация тамойили деб номланади*. Дарҳақиқат, қаерга назар ташламайлик, биз ҳаракатнинг бошқа шаклларига мутлақо боғлиқ бўлмаган бирон-бир ҳаракат шаклини топа олмаймиз, ҳамма жойда бир ҳаракат шаклининг бошқа ҳаракат шаклига айланиш жараёнларигина мавжуд. Материя ҳаракат шаклларининг ўзаро таъсири ва бир-бирига айланиши узлуксиз-узлукли жараёнида мавжуд бўлади.

Ўша даврда ноорганика соҳасига нисбатан татбиқ этилган (механик, физик, кимёвий) «энергия» тушунчаси фандан мустаҳкам ўрин олган эди. Аммо вақт ўтиши билан жонли ва жонсиз табиат ўртасида аниқ чегара бўлиши мумкин эмаслиги аён бўлди. Ўтувчи шакл ва жонли зиддият – вирус бунинг ёрқин далили бўлди. У органик муҳитга тушгач, ўзини худди тирик жисм сифатида тута бошлайди. Ҳолбуки, ноорганик муҳитда вирус ўзини бундай намоён этмайди. XIX асрда материянинг бир ҳаракат шакли бошқа ҳаракат шаклига ўтиши олимлар томонидан башорат қилинган, деб айтиш мумкин, чунки бу давргача механик ва иссиқлик шакллари ўртасидаги ўтишларгина ўрганилган эди. Тез орада буюк кашфиётлар айнан фанлар туташган жойда, чегарадош соҳаларда юз бери-

ши ҳақидаги тахмин ҳам диққатга сазовор бўлди. Баъзи файласуфлар томонидан табиат ва жамиятни боғловчи шундай чегарадош соҳалардан бири ўрганилиб, антропосоциогенезнинг меҳнат билан боғлиқ назарияси таклиф қилинди. Ўз вақтида Дарвин инсон ва маймунни анатомик жиҳатдан қиёсий ўрганиш асосида инсоннинг соф ҳайвоний насл-насаби ҳақидаги хулосага келган эди. Бошқалар эса ижтимоий омиллар ролига, хусусан, инсон ва кишилик жамиятининг шаклланиши – антропосоциогенез жараёнида меҳнатнинг алоҳида ролига баҳо бердилар. Бу асосда *материянинг ҳаракат шаклларини таснифлашнинг қуйидаги тамойиллари ишлаб чиқилган:*

– материя ҳаракатининг ҳар бир шакли муайян моддий ташувчи билан боғлиқ бўлиши лозим;

– материянинг ҳаракат шакллари сифат жиҳатидан турлича ва ўзаро боғланмайди;

– тегишли шарт-шароитларда улар бир-бирига айланади;

– материянинг ҳаракат шакллари мураккаблик даражасига кўра фарқ қилади, олий шакл қуйи шакллар синтези сифатида тушунилади. Бунда олий шаклларнинг қуйи шакллардан узоқлашишига ҳам, олий шаклларнинг қуйи шаклларга механик боғланишига ҳам йўл қўймаслик муҳимдир;

– моддий тизимларнинг ҳар бир турида бош, олий ва иккинчи даражали ва қуйи шакллар фарқланиши лозим;

– материя ҳаракат шаклларининг таснифи фанлар таснифининг негизи ҳисобланади.

Материя ҳаракат шаклларининг таснифи: материя ҳаракатининг механик шаклини бошқа ҳар қандай шаклга кирувчи энг содда шакл сифатида;

– физика ўрганувчи иссиқлик, ёруғлик, электр кучини;

– кимёвий жараёнларни;

– органик ҳаётни қамраб олади. Улар табиатдаги асосий шакллар ҳисобланади. Улардан юқорида ижтимоий-тарихий жараён, материя ҳаракатининг ижтимоий шакли, шунингдек, фикрлаш жараёнлари туради.

Материя ҳаракати асосий шаклларининг келтирилган таснифи фан табиат ривожланишининг теран алоқаларини эндигина аниқлай бошлаган XIX асрнинг саксонинчи йилларида яратилган эди. Ўша даврда ҳали кўп нарса номаълум, кўп нарсаларни аниқлаш лозим эди.

Собиқ иттифоқ даврида материя ҳаракати бешта шаклдан иборат деган таснифга жиддий аниқликлар киритишга ҳаракат қилинди. Масалан, *Б.Кедров материя ҳаракатининг олтита субатом-физик ҳаракат, кимёвий ҳаракат, молекуляр-физик ҳаракат, геологик ҳаракат, биологик ҳаракат, ижтимоий ҳаракат каби шаклларини таклиф қилган*.

Ҳозирги замон методологияси нуқтаи назаридан материя ҳаракат шаклларининг оддий чизиқли жойлашуви тўғри эмас. У ҳар бир бўғинда иккига – ривожланишнинг асосий ва иккинчи даражали тармоқларига бўлиниши зарур. Биринчи – асосий тармоқ ривожланиш жараёнини келажакда мазкур сифат босқичи доирасидан ташқарига олиб чиқувчи шакллар вужудга келишидан далолат беради. Иккинчи тармоқ мавжуд ҳаракат шаклининг ривожланиш имкониятларини кўрсатади. Масалан, кимёвий бирикмалар органик ва ноорганик бирикмаларга

ажрала бошлайди. Мазкур дивергенцияда (иккига бўлинишда) биринчи – органик шакл имкониятли шакл сифатида ривожланиш жараёнини материя ҳаракатининг янги шакли – биологик шаклга олиб келади, имкониятсиз тармоқ ҳисобланган иккинчи шакл биз яшаётган замин, унинг қобиқ ва юзасини тавсифлайди. Материя ҳаракатининг биологик шакли даражасида ўсимликларнинг қуйидан олийга ривожланиши имкониятсиз тармоқ сифатида қаралиши мумкин, чунки бу ривожланиш жараёни ўз табиати чегараларидан четга чиқишигача олиб келмайди. Ҳайвонларнинг ривожланиши сифат жиҳатидан янги объект – инсон пайдо бўлгунгача давом этади. Бу материя ҳаракатининг сифат жиҳатидан бошқа шакли вужудга келганидан далолат беради. Материя ҳаракатининг ҳар бир шаклида макро ва микродаражаларни фарқлаш, шунингдек, умумий ҳамда хусусий қонуниятларни билиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Фан ривожланишининг ҳозирги тенденцияларини келажакка нисбатан татбиқ этиб, инсоният борлиқнинг янги шаклларини ва ҳаракатнинг юқорида зикр этилганидан ўзгача усулларини кашф этишини анча ишонч билан тахмин қилиш мумкин. Айни ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай схемалаштириш, ҳаракатнинг у ёки бу шакллари, типлари, усулларини фарқлаш доим тўлиқ бўлмайди ва борлиқни билишда эришилган даражанигина акс эттиради. Бундай схемаларни мутлақлаштириш ярамайди. Зеро, улар билишнинг муайян мақсадларига хизмат қилади. Бинобарин, улар муттасил ривожланиши, уларга аниқлик киритилиши ва улар такомиллаштирилиши мумкин ва лозим.

Материя ҳаракатининг уч шакли: асосий, хусусий ва комплекс шакллари мавжуд деган бошқача ёндашув ҳам бўлиб, у дунёни бутун ранг-баранглигини ифодалайди.

Асосий шаклларга физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий шакллар киради. Улар материя ҳаракатининг энг кенг шаклларидир. Айрим муаллифлар материя ҳаракатининг ягона физик шакли мавжудлигига шубҳа билдирадилар. Аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Барча физик объектлар икки энг умумий физик хосса – масса ва энергияга эга. Физик нарсалар дунёсига кенг қамровли умумий энергиянинг сақланиш қонуни хосдир.

Материя ҳаракатининг хусусий шакллари асосий шакллар таркибига киради. Масалан, физик материя бўшлиқ, майдонлар, элементар зарралар, ядролар, атомлар, молекулалар, макрожисмлар, юлдузлар, галактикалар, метагалактикани ўз ичига олади.

Материя ҳаракатининг комплекс шаклларига (астрономик метагалактика – галактика – юлдузлар – сайёралар), геологик (планетар жисм шароитидаги материя ҳаракатининг физик ва кимёвий шаклларидан иборат), географик (литосфера, гидросфера ва атмосфера доирасидаги материя ҳаракатининг физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий шаклларини ўз ичига олади) шакллар киради. Материя ҳаракати комплекс шаклларининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, уларда пировард натижада материянинг қуйи шакли – физик материя етакчилик қилади; геологик жараёнлар физик кучлар, чунончи, гравитация, босим, иссиқлик билан тавсифланади, географик қонунлар физик ва кимёвий шартлар ҳамда Ер юқори қатламларининг ўзаро нисбатлари билан белгиланади.

Материя ҳаракатининг геологик шакли мавжудлиги ҳақидаги тахминни қабул қилсак, материянинг мазкур шакли механик, физик ва кимёвий ўзаро таъсирларни ўз ичига олган дастлабки синтез сифатида амал қилади. Бу қадимги «хаос» категориясида ўз аксини топади. Мазкур категория нафақат тартибга солинмаганлик ва тартибсизлик далили сифатида, балки стихияли шаклланиш тамойили сифатида ҳам талқин қилинади. Бу ҳолда органик дунё вужудга келишидан олдинги табиат механик, физик ва кимёвий жараёнларнинг олға қараб ривожланишидан эмас, балки уларнинг умумий, дифференциаланмаган ўзаро таъсиридан ташкил топади. Айни пайтда, бунда геологик ва географик омиллар Ерда ҳаёт вужудга келиши учун тарихий шарт-шароит яратган, деб таъкидлаш лозим бўлади. *Зилзилалар Ернинг қаттиқ қобиғида катта силжиш, синиш ёки ўпирилишлар юзага келиши ва таъсир энергиясининг тез тарқалиши натижасида рўй бериши ҳақидаги тадқиқотлар материя ҳаракатининг геологик шакли мавжудлигининг далили ҳисобланади*. Швед олимларининг фикрича, Ер қобиғи муттасил ҳаракатдаги плиталар блокларидан ташкил топади. Улар бир-бирининг устига чиқиб, цунами ва зилзилага ўхшаш табиий аномалияларни вужудга келтиради. Масалан, Швейцария икки плита – Африка ва Европа плиталари туташган ерда жойлашган. Африка плитаси йилига 6–11 мм/тезликда силжиб, Швейцариянинг ҳудудий йўқотишлари «сабабчиси» бўлмоқда. Қадимги Урал ҳам ҳар йили 3–5 см тезликда Ғарбий Европага яқинлашмоқда.

Қадимги олимлар ер қобиғининг ҳаракатини устки сувлар ва ер остидаги иссиқлик фаолияти билан тушунтирганлар. Дунёвий модданинг ҳаракати космик сабаблар таъсирида ҳам юз берган, жумладан, олис ўтмишда Ер вужудга келганидан кейин унинг юзаси улкан астероидлар урилишидан ларзага келган, сувнинг 1,5 км гача баландликка кўтарилиши эса рельефни бузган, деган фикрлар ҳам бор.

Баъзан «материя ҳаракатининг геологик шакли» тушунчаси бошқа сайёраларга нисбатан татбиқ этилган. Бундай тахмин ҳаракатнинг универсаллигини намойиш этган, аммо бу айнан Ер сайёрасини кўрсатувчи ва унда зарур компонентлар: сув, кислород, мўътадил ҳарорат режими мавжудлигини назарда тутувчи «гео» атамасига зид бўлган. Ушбу компонентлар мажмуи бошқа сайёраларда учрамаслиги мазкур фикрнинг исботи сифатида талқин қилиш имконини беради.

Хулосалар. Ҳозирги замон олимлари материя ҳаракатининг техник, кибернетик ва информацион шакллари тўғрисида сўз юритмоқдалар. Бу масалалар кўп жиҳатдан баҳслидир. Аммо шу нарса шубҳасизки, объектив борлиқни янада чуқурроқ ўрганиш нафақат мавжуд таснифларнинг муфассаллашуви ва такомиллашувига, балки материя ҳаракатининг янги шакллари тўғрисидаги ғоялар ва назариялар пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Зеро, ҳар бир шакл бутун олам универсал ривожланиш жараёнининг имкониятларидан бирини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш, ўзгарувчанлик, ҳаракат ва ҳаракатсизлик, тараққиёт, ўз-ўзидан ҳаракат, барқарорлик, мувозанат, механик ҳаракат, физик

ҳаракат, кимёвий ҳаракат, биологик ҳаракат, ижтимоий ҳаракат, дивергенция, галактика, материя ҳаракатининг асосий шакллари, хусусий шакллари, комплекс шакллари.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ҳаракат ва ривожланиш бир-биридан қандай фарқ қилади?
2. Ҳаракатнинг ҳозирги замон шакллари қайсилар?
3. Ҳаракат типлари нима?
4. Ҳаракатнинг геологик шаклини тушунтиринг.
5. Материя ҳаракатининг комплекс шакллари қайсилар?

Реферат мавзулари

1. Ҳаракат шаклларининг ўзаро алоқадорлиги**.**
2. Ҳаракат ҳақидаги замонавий концепциялар.
3. Ижтимоий ҳаракатнинг ўзига хос хусусияти.
4. Ҳозирги давр фани материя ҳаракатининг шакллари ҳақида.
5. Материя ҳаракатининг геологик шаклининг фалсафий моҳияти.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Фалсафа тарихидаги машҳур «Айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди» ибораси муаллифи қайси жавобда тўғри берилган?

А. Гераклит Б. Фалес

В. Зенон Г. Платон

2. Табиий жараёнлар ва ҳодисалар ҳолатларининг ҳар қандай ўзгариши бу – ...

А. Ҳаракат Б. Тараққиёт

В. Ривожланиш Г. Ўзгариш

3. Муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантиқий қийинчилик, муаммо қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Апория Б. Аксиома

В. Теорема Г. Конфликт

4. Мазкур фикр муаллифи ким: «Миқдор учун кўпайиш ва камайиш, сифат учун – ўзгариш, макон учун – кўчиб юриш, моҳият учун – вужудга келиш ва йўқ бўлиш мавжуд»?

А. Аристотель Б. Платон

В. А.Бергсон Г. Б.Спиноза

5. Материя ҳаракатининг нечта асосий шакли мавжуд?

А. Беш Б.Олти

В. Икки Г. Чексиз

Адабиётлар

1. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.

2. Falsafa. S.Mamashokirov tahriri ostida. –T.: «Sharq», 2005-y.

3. Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й.

4. Falsafa. M.Ahmedova tahriri ostida.– T.: O‘FMJ, 2006-y.

5. Бейли Алиса. От интеллекта к интуиции. –М.: 2002 г.

6. Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. –М.: 2002 г.

7. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному // Новая онтология XX века. –М.: 1997 г.

8. Босенко В.А. Всеобщая теория развития. Киев. 2001 г.

9. Фидченко Е.В. Коммуникативное действие в гуманитарном познании : Философско-методологический анализ : автореферат дис. ... кандидата философских наук : 09.00.01 / Моск. пед. гос. ун-т. Москва, 2003 й.

МАКОН ВА ВАҚТ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар: Макон ва вақт
Машғулот режаси	1. Макон ва вақт фалсафа тарихида. 2. Макон ва вақтнинг кўп ўлчовлиги ва уч ўлчовлиги. 3. Макон ва вақтнинг динамик ва статик концепциялари, топологик ва метрик хоссалари. 4. Ижтимоий макон ва ижтимоий вақт.
Машғулотнинг мақсади: Макон ва вақтнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида тушунчага эга бўлиш	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари.	Маконда вақт фаолиятининг намоён бўлиши.
Фалсафа тарихида макон ва вақтга турли муносабатлар.	Макон ва вақтнинг ўзаро алоқаси.
Макон ва вақт нисбийлик назарияси нуқтаи назаридан.	Физикада макон ва вақтнинг ўзаро алоқаси.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.

	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан «ақлий ҳужум» қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Макон ва вақт» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Макон ва вақтнинг уч улчовлиги ва кўп ўлчовлиги? 2. Макон ва вақтнинг топологик ва метрик хоссалари? 3. Макон ва вақтнинг динамик ва статик концепциялари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Фалсафа тарихида макон ва вақтга турли ёндашувлар», «Макон ва вақтнинг субстанционал ва релятивистик концепциялари», «Макон ва вақтнинг изотроплиги ва бир хиллилиги», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Макон ва вақт фалсафа тарихида. Бизни қуршаган дунё мазмуни, борлиқнинг умумий хоссаси бўлган борлиқ ҳақида сўз юритар эканмиз, макон ва вақт тушунчаларини четлаб ўтишимиз мумкин эмас. Зеро, ҳар қандай жисм, нарса, ҳодиса доим борлиқнинг бошқа предметлари ва ҳодисалари билан ёнма-ён келади, кўламлилик хусусиятига эга бўлади. Шунингдек, улар ўз ички ва ташқи ҳолатларини бир-бирига нисбатан ўзгартиради ва бу турли ҳолларда ҳар хил тезлик, маром, суръат ва давомлилик билан юз беради. Алоҳида ҳолда, айрим ягона деб қараладиган бу кўрсаткичлар мажмуи бизга вақт ҳақида тасаввур беради. Макон ва вақт ўз ранг-баранглигида чексиз борлиқнинг шакллари сифатида амал қилади.

Макон ва вақт моҳияти ҳақида одамлар ўз ривожланишининг дастлабки босқичларидаёқ фикр юритганлар ва ўтмишнинг аксарият мутафаккирлари уларнинг табиатини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Бу, аввало, инсон амалиёти ва билишининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Зеро, улар кенгайиб ва такомиллашиб, мазкур категорияларни янада аниқроқ ва теранроқ тушунишни талаб қилган. Хусусан, антик даврдаёқ фалсафадан кўламли шакллар ва уларни ўлчаш усуллари ҳақидаги фан сифатида ажралиб чиққан геометрия дастлабки аниқ фанлардан бирига айланди. Вақтга астрономик кузатишлар ҳамда коинотнинг боқийлиги ва инсон ҳаётининг тезоқарлиги ҳақидаги мулоҳазалар нуқтаи назаридан ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Кейинчалик «макон» ва «вақт» категорияларига қизиқиш ҳеч қачон сусаймаган. Улар билан боғлиқ кўп сонли масалалар юзага келган. Уларнинг энг муҳимларидан бири қуйидагича янграйди: макон ва вақт мустақил моҳиятларми ёки улар фақат нимагадир боғлиқ ҳолда келадими? Шу муносабат билан фалсафа тарихида шаклланган икки муҳим ва бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган йўналиш – субстанционал ва реляцион йўналишларни фарқлаш мумкин.

Субстанционал йўналишда макон ва вақт материя ва онгга боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида амал қилади. Субстанционал концепция асосчилари Демокрит (макон муаммоси бўйича) ва Платон (вақтга нисбатан ёндашувларда) Демокрит атомлар ҳаракатланувчи бўшлиқ амалда мавжудлиги ҳақидаги ёндашувни илгари сурган. Унинг фикрича, бўшлиқсиз атомлар ҳаракатланиш имкониятидан маҳрумдир. Демокрит ва Эпикур маконни атомлардан иборат жой, деб тасаввур қилган ва уни бўшлиқ билан тенглаштирган. Макон мутлақ, бир жинсли ва ҳаракатсиз бўлади, вақт эса бир текис оқади, деб ҳисобланган. *Макон объектив, бир хил ва чексиз. У атомлар жойлашадиган жой. Вақт (замон)ни абадият билан тенглаштириш мумкин, у ўтмишдан келажак сари бир маромда кечувчи соф давомлиликдан иборат. Вақт – воқеалар юз берувчи жой.*

Қадимги юнон файласуфлари материя, ҳаракат, макон ва вақтни мустақил субстанцияларга ажратувчи бу ғоялар кейинчалик, Ньютон классик механикасида ривожлантирилди. *XVIII–XIX асрларда субстанционал концепция – мутлақ макон ва вақт концепцияси фалсафа ва табиатшуносликда етакчилик қилди, бироқ, бу ўз моҳиятига кўра, метафизик концепция эди, чунки у ҳаракатланувчи материя, макон ва вақтнинг алоқадорлигини эътиборга олмас эди. Мазкур концепцияга кўра, материядан ташқарида соф макон ёки моддий жараён-*

лар билан мутлақо боғлиқ бўлмаган вақт мавжуд бўлиши мумкин эди. Шунга қарамай, макон ва вақт ҳақидаги бу тасаввурлар муайян эмпирик асосдан холи эмас эди. Одатдаги тажриба ва паст тезликлар соҳасида, макродунёда (макродунё эса инсон яшайдиган асосий муҳитдир) макон, вақт ва ҳаракатланаётган нарса ўртасида бевосита алоқа кузатилмайди. Объект муайян жойдан узоқлашиши мумкин, лекин бунинг натижасида макон ўзгармайди ва йўқолмайди. Вақт ҳам шундай тушунилади, у объектларга боғлиқ эмас. Шунинг учун ҳам бундай ёндашувлар сақланиб қолган, айниқса, табиатшунослик микродунёни ўрганишга ҳали яқинлашмаган шароитда кенг тарқалган.

Аммо диалектик тафаккур соҳиби бўлган Ф.Гегель бундай ёндашувларни қатъий инкор этган. У макон мустақил бўлиши мумкин эмаслигини қайд этган, вақт ҳақида эса шундай деган: «Ҳамма нарса вақтда юзага келмайди ва юз бермайди, балки вақтнинг ўзи шу шаклланиш, юзага келиш ва юз беришдир»[1], деб таъкидлаган. Умуман, Гегель ўзининг объектив идеализмида макон ва вақтга эътибор қаратмаган, чунки у вақтдан ташқари, боқий, «соф мантиқий» хусусиятга эга бўлган билимларнинг мутлақ тизимини яратишга ҳаракат қилган.

Реляцион (лот. «relativus» – «нисбий») йўналиш макон ва вақтни мустақил моҳиятлар сифатида эмас, балки реал дунё объектлари ва жараёнлари ўртасидаги алоҳида муносабатлар сифатида тушуниш билан боғланади. «Вақт нима», деган саволга жавоб берар экан, Аристотель шундай мулоҳаза юритади: ҳаракатда ҳам, вақтда ҳам доим муайян «олдин» ва ундан фарқ қилувчи «кейин» мавжуд. Айнан ҳаракат туфайли биз ҳар хил, ўзаро мос келмайдиган «ҳозир»ни фарқлаймиз. Вақт шу «ҳозир»нинг кетма-кетлиги, уларнинг алмашуви, саноғи, ҳисоби, «олдинги ва кейингига боғланган ҳаракатлар сони»дир[2]. Аристотелда макон ҳаракатсиз юлдузлар соҳаси билан чекланган, уларнинг ортида – макон ва вақтдан ташқарида ётувчи ва ҳамма нарсани ҳаракатга келтирувчи боқий, ҳаракатсиз, илоҳий осмон жойлашган. Мазкур нуқтаи назардан кўрсатилган муносабатлар доирасидан ташқарида макон ва вақт мавжуд бўлмайди. Бу йўналишнинг атоқли намояндаси Г.Лейбниц (1646–1716) ҳисобланади.

Макон ва вақт ҳақидаги бу ёндашув, яъни макон ва вақт борлиқнинг мустақил, объектив ҳамда моддий мазмунга боғлиқ бўлмаган асослари сифатида ёки ҳаракатланувчи материянинг ажралмас қисми сифатида талқин қилиш кейинчалик ўз ривожини топди. Биринчи субстанционал концепция айрим ўзгаришлар билан йигирма асрдан кўпроқ давр амал қилди. Ньютоннинг материя жойлашадиган ҳаракатсиз, узлуксиз ва бир хил уч ўлчовли жой сифатидаги макон тўғрисидаги фикри ўз моҳиятига кўра, Демокритнинг макон ҳақидаги ғоялари билан бир эди. Ньютон концепциясига кўра, макон абсолют бўлиб, чексиз кўламга эга. Шунинг учун у ўзида барча материяни сиғдира олади ва турли жараёнларга боғлиқ эмас. Ушбу концепцияга кўра, вақт ҳам абсолют бўлиб, турли ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолда кечадиган тенг даврийликдир. Унда барча нарсалар пайдо ва йўқ бўлиб туради, Ньютон макон ва вақт бир-биридан ажралган ва материя билан ҳаракатга боғлиқ бўлмаган мустақил нарса, деб тушунган.

---

[1] Гегель Г. Наука логика. –М.: «Наука», 1994 г. с.161.

[2] Аристотель // Всемирная энциклопедия. Философия. –М.: «Современный литератор». 2001 г. с. 69.

Фалсафа тарихида аксарият файласуфлар, у ёки бу тарзда тўқнаш келадиган яна бир муҳим масала шундай янграйди: макон ва вақт борлиқ кўрсаткичларими, яъни улар объектив хусусият касб этадими ёки бизнинг онгимиз хусусиятларидан келиб чиқадими, ўз табиатига кўра субъективми? Шу муносабат билан мазкур категорияларнинг материалистик ва идеалистик мазмунлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

Ўрта асрлар фалсафаси объектив идеализм нуқтаи назарида, *макон ва вақт муаммоси фақат Худо макон ва вақтдан ташқарида, деб фикрланади.* Мазкур нуқтаи назарнинг шаклланишига Авлиё Августин (354–430) салмоқли ҳисса қўшган. Идеалистик қарашлар макон ва вақтнинг объективлигини рад этиш ва улар онгнинг турли шаклларига қарамлигини тан олиш билан боғлиқ.

Субъектив идеализм вакиллари (Беркли, Юм, Мах ва бошқалар) макон ва вақтга индивидуал онг шакллари сифатида ёндашади. Хусусан, Д.Юм (1711–1776) учун улар фақат идрокда мавжуддир. Фалсафадаги бутун субъектив-идеалистик йўналиш учун макон ва вақт – тасаввурларнинг жойлашув усули, бинобарин, улар ўз келиб чиқишининг психологик манбаига эга. Берклидан Махга қадар макон ва вақт – сезгиларнинг тартибга солинган қаторлари шаклларидир, деган ёндашувни асословчи далиллар мажмуи амал қилди. Инглиз файласуфи Пирсон фикрига кўра, макон ва вақт амалда мавжуд эмас, улар нарсаларни идрок этишнинг субъектив усули, холос. Макон – нарсаларни идрок этиш тартиби ёки категорияси бўлса, вақт воқеаларни идрок этиш категориясидир. А.А.Богданов, макон ва вақтни ташкил этувчи ва уйғунлаштирувчи инсон тафаккури маҳсули, деб ҳисоблайди. И.Кант (1724–1804) ҳам макон ва вақтга субъектив деб қарайди, аммо уларни априор, яъни инсонга тажрибага қадар берилган ҳиссий мушоҳада шакллари сифатида тушунади. И.Кант макон ва вақтни инсон ҳиссиёти шакли – кузатиш шакли сифатида талқин қилади. Унга кўра, айнан дунёни билишга ҳаракат қилаётган субъект ўзига берилган дунёнинг муайян макон ва вақтдаги шаклшамойилини яратади.

Материалистик ёндашув макон ва вақтни онгдан ташқарида ва ундан қатъи назар мавжуд деб ҳисоблайди, яъни улар мавжудлигининг объектив хусусиятини қайд этади. Мазкур ёндашув, асосан, табиатшуносликнинг И.Ньютон (1643–1727) ва А.Эйнштейн (1879–1955) каби атоқли намояндалари илгари сурган ғояларга таянади.

Макон ва вақт табиати ҳақидаги метафизик ёндашувларни рад этувчи табиий-илмий далиллар XIX аср охирида физикада электромагнит назарияси юзага келиши билан шакллана бошлади. Унинг ривожланиши файласуфларни бўшлиқ ҳақидаги тасаввурлардан воз кечишга мажбур қилди. Дастлаб у «эфир» тўғрисидаги ғоя билан алмаштирилди. Эфир ҳамма жойда тўлиқ, лекин мутлақ ва ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган маконнинг шакли вазифасини бажарди. Кейинчалик бу тасаввурлардан ҳам воз кечилди.

Аммо субстанционал ва реляцион концепциялар, Гегелнинг объектив идеализми доирасидаги макон ва вақт ҳақидаги тасаввурлари сингари, макон ва вақтнинг объектив мавжудлигига шубҳа қилмас эди. Макон ва вақтни мутлақо мустақил атрибутлар сифатида қайд этувчи метафизик субстанционал концепция XIX–XX асрларда фаннинг ривожланиш жараёнида ўз аҳамиятини бутунлай йўқотди.

Лобачевский макон ва вақтнинг эвклид геометрияси тавсифламаган хоссалари мавжуд, деган тахминни илгари сурди. Бу тахмин абсолют макон концепциясини инкор этади, чунки макон фақат геометрик тавсифланиши лозим эди. Асосий ғоялари А.Эйнштейн томонидан 1905 йилда таърифланган, *хусусий нисбийлик назариясида макон ва вақтнинг геометрик хоссалари уларда гравитацион массаларнинг тақсимланишига боғлиқ эканлиги аниқланди. Унга кўра, оғир объектлар яқинида макон ва вақтнинг геометрик хоссалари эвклид геометрияси тамойилларидан узоқлаша бошлайди, вақтнинг ўтиш суръати эса сусаяди. А.Эйнштейн (1916 йилда) ўзининг умумий нисбийлик назарияси билан нафақат макон ва вақтнинг субстанционал концепциясига, балки макон ва вақт моҳиятининг субъективистик априористик талқинларига ҳам қақшатқич зарба берди. У макон ва вақт хоссалари моддий тизимлар ҳаракати ва ўзаро таъсирига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди.* А.Эйнштейн ўз назариясининг моҳиятини тушунтирар экан, шундай деб қайд этди: «Илгари қандайдир мўъжиза юз бериб, барча моддий нарсалар бирдан йўқ бўлиб қолса, макон ва вақт қолади, деб ҳисоблашган. Нисбийлик назариясига кўра эса, бу ҳолда нарсалар билан бирга макон ва вақт ҳам йўқ бўлиб кетган бўлади»[1]. Яъни, Эйнштейннинг нисбийлик назариясига мувофиқ макон ва вақт ўз ҳолича ҳам, бир-биридан ажралган ҳолда ҳам мавжуд бўлмайди, балки материя билан шу даражада узвий боғлиқ бўладики, пировардида ҳеч қандай мустақилликка эга бўлмайди ва ягона ранг-баранг яхлитликнинг атрибутлари сифатида амал қилади. Ягона макон ва вақт континуумини ташкил этар экан, улар моддий жисмлар ҳаракатининг тезлигига ҳам боғлиқ: жисм ҳаракатининг нисбий тезлиги ошганида унинг кўлам кўрсаткичлари қисқаради, унинг вақти эса, ўз оқимини секинлаштиради. Эйнштейн назарияси Риман, Лобачевский, Гаусс ва Пуанкаренинг илғор ғояларига қўшилган ҳолда, макон ва вақтнинг гравитация билан узвий алоқасини ҳам асослаб берди.

Ҳозирги замон табиатшунослиги ва фалсафий хулосалар нуқтаи назаридан объектив борлиқ макон, вақт, ҳаракат ҳамда модда ва майдон турлари ўзаро таъсирининг узвий боғланишидан иборат. Ҳозирги олимлар ягона, объектив макон ва вақт континууми тўғрисида сўз юритишни маъқул кўрадилар. Макон ва вақт моддий жисмлар мавжудлигининг ўзаро боғланган шакллари сифатида тушунилади. *Макон – материя борлиғининг кўламлилик, таркибийлик каби хоссалари ва унинг ўзаро таъсирларини ифодаловчи шакли. Вақт – материя борлиғининг барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва кейинги ҳолат ўзгаришларини тавсифловчи шакли.*

Дунёда мавжуд барча жисмлар маконда айнан уч йўналиш билан чегараланган, барча шаклларнинг энг яссиси ҳам узунлик, кенглик ва баландликка эга бўлгани сабабли, маконимизнинг уч ўлчовлилиги эмпирик жиҳатдан ҳамма жойда намоён бўлувчи далил ҳисобланади. Ўз маконимизда, биз унинг ўлчамларини геометрик ифодаловчи уч перпендикулярни биламиз. Аммо жисм маконда, аниқроғи, унинг макродаражасида ҳаракатланмасдан, балки доимо вақтда ҳаракатланади. Шу маънода, воқеаларни уларнинг кетма-кетлиги тартибида ажратувчи масофани вақт деб номлаш мумкин. Бу масофа ўтмишдан келажак сари йўналишда босиб ўтилади, мазкур йўналишни маконда тасаввур қилсак, у макон ва вақт континуу-

[1] Эйнштейн А. Физика в жизни моего поколения. –М.: 1963 г. с. 53.

мининг тўртинчи мезони (ўлчови) сифатида амал қилади. Бундан дунёда юз берган муайян воқеани аниқлаш учун тўрт сони зарур, деган хулоса келиб чиқади. Вақт нафақат вақт тартибини вужудга келтиради, балки макон ва вақтнинг бирлашган тартибини белгилаб беради ҳамда Оламнинг каузал (сабабий) тузилишини ифодалайди.

Шундай қилиб, *нисбийлик назариясида макон, вақт ва ҳаракат материя мавжудлигининг атрибутлари, асосий шакллари сифатида қаралади ва у билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда, материя каби мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди. Муттасил ҳаракатда бўлган дунё эса, муқаррар тарзда фақат макон ва вақтда мавжуд, деб қаралади.*

Маконнинг уч ўлчовлиги. Маконнинг уч ўлчовлилиги ҳанузгача илмий-назарий жиҳатдан аниқ исботланмаган. Макон ва вақтнинг чексизлиги ҳамда туганмаслиги, маконнинг уч ўлчовлилиги, вақтнинг бир йўналишлиги, орқага қайтмаслиги макон ва вақтнинг асосий хоссалари сифатида қаралиши лозим. Биз макроскопик тажрибада кўрадиган объектлар уч ўлчовли кўламлиликка – уч ўлчовдаги ўлчамлиликка эга. Маконнинг ҳар қандай нуқтаси уч сони ёрдамида берилади. Аммо, маконнинг уч ўлчовлиги файласуфлар учун амалда жумбоқ бўлиб қолмоқда. Улар учун бу асослашга уринишлар натижа бермаётган эмпирик постулат сифатида қабул қилинади. Маконнинг уч ўлчовлигини таърифлаб берган Аристотель, пифагорчиларнинг ғоялари ёрдамида уни асослашга ҳаракат қилган. У уч ўлчови энг мукаммал ва тугалланган бўлиб, айнан 3 сони шундай хусусиятга эга эканлигини қайд этган.

Схоластлар Пифагор ва Аристотель ғояларига таяниб, уч ўлчовлиликни дунёнинг мукаммаллиги нуқтаи назаридан тушунтирганлар. Бунда узунлик чизиғига кенглик туташади ва юза ҳосил бўлади, сўнгра баландлик туташади ва жисм дунёга келади. Бундан бошқа ўлчовларга ўтишни аниқ тасаввур қилиш мумкин эмас. Уч ўлчовлилик дунёнинг мукаммаллигидан далолат беради.

Г.Галилей уч ўлчовлиликни асослашга нисбатан мазкур ёндашувни танқид қилган. Г.Галилей диалогларининг амалда муаллиф фикрини ифодаловчи қаҳрамонларидан бири шундай дейди: «3 сони мукаммал эканлиги ва уч ўлчовли ҳамма нарсанинг мукаммаллигидан дарак беришга қодирлигини тан олишга ҳеч бир асос кўрмаяпман»[1].

Немис файласуфи И.Кант ўз фаолиятининг танқидий босқичидан олдинги даврда, маконнинг уч ўлчовлигини табиат кучларининг ўзига хос хусусиятлари билан тушунтиришга ҳаракат қилган. У маконнинг уч ўлчовлигини физик далил сифатида тушунишга уринган. Аммо кейинчалик И.Кант макон ва вақтнинг априористик табиати ҳақидаги хулосага келиб уни ҳиссий кузатиш шакллари сифатида тавсифлаган.

Шундай қилиб, маконнинг уч ўлчовлиги эмпирик постулатдир, у ҳақдаги хулоса бизнинг интуициямизга асосланади, фикрлашнинг қулайлиги, мақсадга мувофиқлиги, тежамлигига интилиш, эстетик мойилликлар ёки дунёнинг мукаммаллигига ишончдан келиб чиқади, деган маънони англатмайди. Маконнинг уч ўлчовлиги моддий ўзаро таъсирлар билан белгиланади.

[1] Галилей Г. Всемирная энциклопедия философия. –М.: «Современый литератор». 2001 г. с. 104.

Биз яшайдиган макон уч ўлчовлидир. Бу бошқа макон мавжуд бўлиши мумкин эмас, деган маънони англатмайди, лекин бошқа маконда атомлар ҳам, молекулалар ҳам, Қуёш тизими ҳам бўлмаслиги мумкин. Агар макон уч ўлчовли бўлмаганида, амалдаги барча физик қонуниятлар бузилган бўлар эди; нарсалар бирон-бир сабабсиз пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши мумкин эди (уларнинг сабаблари бошқа ўлчовларда бўлар эди); атомлар мавжуд бўлиши мумкин эмас эди, чунки электронлар дарҳол ядролар устига тушар эди. Бутун дунё бошқача бўлиши лозим бўлар эди.

Демак, бизнинг дунёмизда ҳар қандай воқеа тўрт сони: маконнинг воқеа юз берган жойни қайд этувчи уч координати ва унинг вақт кўрсаткичи билан белгиланади. Шундай қилиб, моддий дунё объектларининг «3 ? 1» кўринишидаги макон ва вақт тузилишига мансублиги уларнинг универсал хоссаси ҳисобланади.

Маконнинг кўп ўлчовлилиги. Нисбийлик назариясини ривожлантирувчи ва кучли ва кучсиз, электромагнит гравитацион ўзаро таъсирларга нисбатан яхлит ёндашувчи ҳозирги табиий-илмий концепциялар маконнинг уч ўлчовлиги ва вақтнинг бир ўлчовлиги (у ўтмишдан келажакка қараб оқиши)ни моддий жисмлар борлиғининг эҳтимол тутилган ҳолларидан бири сифатида талқин қилади ва бизнинг Метагалактикамиз билан бир қаторда ўзга дунёлар ҳам мавжудлигини фараз қилиб, макон ва вақтнинг кўп ўлчовлиги ғоясини илгари суради. Бошқа оламларда макон ва вақт бутунлай ўзгача тузилиш, кўламлилик ва шаклларга эга бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.

Макон ва вақт кўрсаткичлари нафақат микро-, макро- ва мегадунё даражасида, балки жонли табиат, ижтимоий борлиқ даражасида ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши билан гўё жонсиз табиат макон ва вақт доирасида жойлашган алоҳида биологик макон ва вақт ўлчови юзага келади. Шу муносабат билан жонли ва жонсиз табиатдаги симметриклик муаммоси ҳаётни ўрганиш билан шуғулланувчи олимлар эътиборини ўзига тортди. Жонли организмлар симметрияси ва асимметрияси ҳодисаларини Л.Пастер, И.Кант, В.И.Вернадский ва бошқалар ўрганди. Улар жонсиз табиатга хос бўлмаган асимметрия молекуляр даражада атомлар гуруҳларида «сўл» ва «чап» қанотлар кўринишида намоён бўлиши, организмлар даражасида эса, уларнинг тузилиши ва динамикасида акс этишини аниқладилар.

Макон ва вақтнинг умумийлиги, улар универсумнинг барча структураларини қамраб олган ҳолда, мавжудлигини англатади. Шу муносабат билан макон ва вақтнинг нафақат макро-, микро- ва мегадунёда, балки жонли ва ижтимоий материяда ҳам намоён бўлиш шаклларини қайд этиб ўтиш лозим. Биологик вақт, психологик вақт, ижтимоий макон ва вақт махсус таҳлил қилинади.

Макон ва вақтнинг метрик хоссалари. *Метрик хоссаларга макон ва вақтнинг кўламлилик, давомлилик каби миқдор кўрсаткичлари киради.* Кўламлилик жой ва ўриннинг мавжудлигини назарда тутади. Жой – макон чегараси ва у қамраб олувчи муайян ҳажмнинг бирлиги. Ўрин – бир жойнинг бошқа жойларга нисбатан координацияси. Жой ва ўрин макон тузилишини белгилайди. Шундай қилиб, биз макон тузилиши ҳақида сўз юритганда, унинг жой ва ўрнини тавсифлашимиз шарт.

Давомлилик ва лаҳза вақтнинг асосий метрик кўрсаткичлари ҳисобланади. Лаҳза – давомлиликнинг бошқа парчалаб бўлмайдиган атоми, давомлилик кванти. Давомлиликнинг ўзи бунда муайян чегарага солинган лаҳзалар мажмуи сифатида тушунилади. Муайян объект мавжудлигининг дастлабки ва пировард лаҳзалари ана шундай чегара сифатида амал қилади. Давомлилик – объект мавжудлигининг давомийлиги ва сақланишидир. Давомлилик воқеа-ҳодисаларнинг айни бир вақтда юз бериши – синхрония ёки кетма-кетлик – диахрония муносабатлари билан тавсифланиши мумкин.

Макон ва вақтнинг топологик хоссалари. *Топологик хоссаларга сифат кўрсаткичлари, макон ва вақтнинг узлуксизлиги, боғлиқлиги, вақт тартиби, йўналиши ва ўлчамлилиги киради*. Маконнинг топологик хоссалари – маконнинг бир хиллиги, изотроплиги (жараёнлар айни бир шароитда бир хил кечиши) ҳамдир. Вақтнинг топологик хоссалари – бир йўналишлилик, муайян ўлчовлилик, орқага қайтмаслик ҳамдир. Бу кўрсаткичларнинг ҳаммаси ҳанузгача файласуфлар шуғулланадиган қатор муаммоларни ташкил этади ва фалсафий жиҳатдан илмий-назарий асослашга муҳтождир.

Макон ва вақтнинг динамик ва статик концепциялари. Фалсафа тарихида вақт тартиби ҳамда йўналишини тушуниб етишнинг динамик ва статик концепциялари шаклланган. Гераклитнинг «panta rei» («ҳамма нарса оқади», «ҳамма нарса ўзгаради») тезиси билан боғлиқ ёндашув вақтнинг динамик концепциясига асос бўлган.

Динамик концепция вақт жараёнларининг, шу жумладан, вақт оқимининг объектив борлиғини, яъни ўтмиш, ҳозир ва келажак воқеалари ўртасида реал физик фарқлар мавжудлигини тан олади. Айни вақтда, мазкур концепция нуқтаи назаридан, ҳақиқий борлиққа ҳозирги вақт воқеаларигина эга бўлади. Ўтмиш хотираларда мавжуд, келажак воқеалари амалда рўй берадими, йўқми – номаълум. Фақат ҳозирги вақтда эҳтимол тутилган воқеалар ўтмишдаги сабаблар асосида реал борлиққа айланиши мумкин. Сўнгра улар ҳам ўз даврида муайян из қолдириб, ўтмишга айланади.

Статик концепцияси – объектив вақт жараёнлари мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, вақтнинг ўтмиш, ҳозир ва келажакка бўлинишини рад этади. Унда «олдин – кейин» вақт нисбати объектив деб эътироф этилади. Ушбу концепция тарафдорлари Б.Рассел ва Т.Голд фикрига кўра, кузатиш эътибордан соқит этилса, дунёда ҳар қандай ҳолат юз бериши мумкин. Ғарб фалсафий адабиётларида бу концепция «Совиб қолган олам концепцияси» деб аталади.

Аммо статик концепциядаги вақтнинг ҳаракати ва оқими субъект – кузатувчига боғлиқлиги ҳақидаги асосий тезисига қўшилиш қийин. Кўпгина жараёнлар кузатувчидан қатъи назар мавжуд бўлади ва юз беради. Энг катта муаммо – ҳозирги вақтни қандай тушуниш мумкинлигида. Статик концепцияга кўра, ҳозирги вақтнинг исталган лаҳзасида оламнинг ўтмишдаги барча ҳолатлари мужассам, бўлажак ҳолатлари эса яширин шаклда мавжуд бўлса, қандай қилиб янги ҳолатнинг пайдо бўлиши ҳақида гапириш мумкин? Бу ерда ўтмиш ва келажак воқеалари ўртасида гўё тўлиқ симметрия мавжудлиги ҳақидаги ёндашув илгари сурилади, ваҳоланки, воқеаларнинг ҳақиқий кетма-кетлиги амалда носимметрик тарзда рўй беради.

Немис файласуфи ва мантиқчиси Ганс Рейхенбах «Вақт нима?» деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб, қуйидаги таърифларни ишлаб чиққан:

1. Вақт ўтмишдан келажак сари ҳаракатланади;

2. «Ҳозир» ўтмишни келажакдан ажратувчи ҳозирги вақтдир;

3. Ўтмиш ҳеч қачон орқага қайтмайди;

4. Биз ўтмишни ўзгартира олмаймиз, лекин келажакни ўзгартиришга қодирмиз;

5. Биз ўтмишнинг тарихий «баёни»га эга бўлишимиз мумкин, лекин келажакни баён қилиш, бу билан боғлиқ имконга эга бўлишимиз мумкин эмас;

6. Ўтмиш маълум, келажак эса – номаълум.

Бу таърифларга қўшилмаслик қийин, уларда соғлом фикрнинг оддий мантиғи мужассамлашган. Аммо вақт билан боғлиқ муаммолар мажмуида аниқ ечими топилмаган масалалар ҳам бўлиб, вақт нисбатлари турларининг ранг-баранглиги ана шундай масалалардан биридир. Вақт нисбатларининг турлари: тизимнинг ички ва ташқи вақти; инсон борлиғи вақти; даврнинг маданий-тарихий вақти; астрономик вақт; физикавий вақт; биологик вақт ва ҳоказо кабилардир.

Нисбийлик назариясидан жисмларнинг ҳаракат тезлиги ошганида ва у ёруғлик тезлигига яқинлашганида масса ортиши ва ҳаракатсизлик ҳолатларига нисбатан вақт жараёнлари секинлашиши маълум. Вақт ритмларининг пасайиши жуда кучли гравитация майдонлари таъсирида ҳам юз беради. Тирик организмларда турли функционал тизимларнинг кун ва тун, йил фасллари, қуёш фаоллиги цикларининг алмашувига боғлиқ бўлган биоритмлари ҳам амал қилади. Даврий ритмларга асосланган биологик соатлар ҳар қандай организмда, ҳаттоки, ўсимликларда ҳам мавжуд, деб тахмин қилинади. Кибернетика асосчиси Норберт Винер, «инсонда вақт сезгиси унинг мия ритмлари, хусусан, мия фаоллигини тавсифловчи «альфа» ритм билан боғлиқ», деган тахминни илгари сурган. Баъзан вақт сезгиси алмашинув жараёнлари билан боғланади. Қариликда моддалар алмашинувининг фаоллик даражаси пасайгани сабабли, ички ҳаёт механизмининг ҳаракати ҳам секинлашади.

Яхлит организм сифатидаги жамият ҳам ўз вақти муносабатлари ва ривожланиш ритмларига эга. Улар ижтимоий ўзгаришлар, ишлаб чиқариш ва фаннинг ривожланишига қараб ё тезлашиши, ё секинлашиши мумкин, баъзан, ҳатто муайян ижтимоий жараёнларнинг стагнация ҳолати тўғрисида ҳам сўз юритилади.

Вақт тартиби ва йўналиши. Вақт шаклланиши ёки ўтишининг объектив хусусияти тўғрисидаги масала қадимдан ҳозирги кунгача қизғин баҳсга сабаб бўлаётган муаммодир. Вақт тартиби ва йўналиши тўғрисида сўз юритилганида, одатда, унинг ўтмишдан ҳозирги вақт орқали келажакка ўтиши назарда тутилади. Вақт бир йўналишли, носимметрик ва орқага қайтмайдиган жараён сифатида намоён бўлади.

Борлиқ ҳодисаларини вақтда тартибга солиш учун «вақт» тушунчасининг икки мажмуидан фойдаланилган: «Ўтмиш – ҳозирги вақт – келажак» тушунчасининг сифати ва мазмунини ифодалашда вақтнинг психологик тавсифи кўпроқ мос келади.

Вақтнинг миқдорий таҳлили учун: «олдин – айни бир вақтда – кейин» тушунчалари қўлланилади. Масалан: 4 минут олдин, 5 минут кейин кабилар миқдор

таҳлилини ифодалайди. Аммо тилимизнинг тузилишига кўра, 4 соат «ўтмиш», 5 минут «келажак» қабилида гап тузишнинг имкони йўқ. Вақтни тушунишнинг бу икки хил жиҳати 1908 йилда Ж.Мак-Таггарт томонидан аниқ тавсифланган. У «вақт» тушунчасининг икки мажмуи ҳақидаги тасаввурни илмий муомалага киритди.

Тушунчанинг икки мажмуини ажратиш айрим муаммолар таърифини аниқлаш имконини беради. Бир томондан, вақт ҳаракатчан ёки муваққат йўл, оқим ва транзитивликнинг ифодаси сифатида тушунилади. Ўтмиш, ҳозир ва келажакда мавжуд воқеалар вақтнинг мазкур ҳолатига нисбатан узлуксиз ўзгаради. Ўтмишдаги воқеалар янада ўтмишга чекинади, бўлажак воқеалар эса яқинлашади. Вақт шаклланишининг мазкур жараёни кўпинча «вақт дарёси», «вақт оқими» каби ибора ва ўхшатишлар орқали ифодаланади. Айни вақтда, узлуксиз ўзгарувчи воқеалар ўзгармас тартибда юз беради.

Ижтимоий макон. Макон ва вақт муносабатларининг янада мураккаброқ манзараси ижтимоий тузилмаларда кузатилади. Бунда инсоннинг дунёга муносабати билан белгиланган, инсон фаолияти ва амалиётининг ўзига хос хусусиятларига тарихий боғлиқ бўлган ижтимоий макон тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади. У алоҳида инсоний маъно касб этади ва биосфера, сайёра ва коинот даражасидан бир вақтда ўрин олади, шу билан бирга инсон яратган инфратузилма, ўзлаштирилган ҳудудлар, фойдаланилаётган сув ва фазо океанлари, жамулжам ҳолда инсон яшайдиган маконга айланган коинот кенгликлари кўринишида улардан ажралиб туради. Бунда кўламли структуралар ўз ҳолича, хаотик тарзда вужудга келмайди, балки жамият эволюцияси объектив жараёнларининг маҳсули ҳисобланади ва муайян халқларнинг турмуши, маданиятини, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини, маълум вақт руҳини ўзида акс эттиради. Буларнинг барчаси пировардида «иккиламчи табиат»ни ташкил этадиган тегишли архитектура, ўзгартирилган ландшафт ва шу кабиларда ўз аксини топади.

Ижтимоий вақт инсоннинг биологик вақти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у, биологик ва планетар-космик вақтдан фарқли ўлароқ, нотекис оқади. Инсоният шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичида бошланган ижтимоий вақт кейинги даврларда деярли ўзгаришсиз кечди ва фан-техника тараққиётининг илк аломатлари пайдо бўлиши билан, XVII–XVIII асрлардан эътиборан жадалроқ суръат касб эта бошлади. XX асрда юз берган фан-техника инқилоби ижтимоий маконни кенг қамраб олди ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланишига алоҳида тус бериб, вақт ҳаракатини мисли кўрилмаган даражада жадаллаштирди. Ер курраси «кичрайиб», инсоният учун тор бўлиб қолди, унинг бир четидан нариги четига ўтиш эндиликда соатлар билан (Ой, Марс, Венера ва бошқа космик жисмларга учиш тезлиги ва вақтини ҳисобга олмаганда) ўлчанмоқдаки, XX асрда буни ҳатто тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас эди.

Ижтимоий вақтда муайян одамлар, ижтимоий жамоалар, айрим ҳамжамиятлар, миллатлар, давлатлар ва пировард натижада бутун инсоният борлиғининг вақт кўрсаткичларини фарқлаб, ижтимоий вақт структурасининг мураккаблиги тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин. Улардан ҳар бирининг яшаш

вақти ва суръати ҳар хил бўлиб, ўз хусусиятига эга. Аслини олганда, турли мамлакатлар ва халқлар жамулжам ҳолда бутун инсониятни ифода этса-да, амалда турли тарихий даврларда: кимдир ўтмишда, кимдир ҳозирги даврда, кимдир эса келажакда яшайди. Бунга, хусусан, америкалик таниқли футуролог Э.Тоффлер эътиборни қаратади. Унинг фикрича, «Ер аҳолисининг 70 % ўтмишда (турли ўтмишда), 25 % – ҳозирги даврда, 3 % – келажакда яшайди, қолганлар эса маргиналлар бўлиб, улар ҳар қандай вақтдан ташқаридадир»[1].

Ҳозир «Ижтимоий вақт мавжудми» деган масала баҳсли эмас. Муаммо унинг мазмунида қандай устуворликлар ва константалар мавжудлигида. *Ижтимоий вақт индивид вақти ва авлод вақтига бўлинади. У кишилик жамиятининг ўзгарувчан информацион сиғимига боғлиқ.* Фалсафий адабиётларда вақт жараёнларига макон хоссаларининг кириши, яъни ижтимоий вақт узунлиги – ҳаёт цикллари босқичларининг кетма-кетлиги сифатида, кенглиги – фаолият турларининг миқдорий ранг-баранглиги сифатида, чуқурлиги – индивиднинг ўзи иштирок этаётган фаолият турларидаги фаоллик даражаси сифатида кўрсатилиши билан боғлиқ фикрларга ҳам дуч келиш мумкин. Макон ва вақт алоқаси ҳамма жойда ҳар хил бўлган «маҳаллий вақт» тушунчасида ёркин намоён бўлади.

Буларнинг ҳаммаси макон, вақт ва материянинг ўзаро боғлиқ эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Назарий жиҳатдан эса, макон ва вақт муносабатларининг реляцион ва динамик концепциялари ривожланишининг аҳамиятини янада оширади, бу борада тадқиқотлар олиб бориш заруратини намоён қилади.

Хулосалар. Макон ва вақт ҳақидаги ҳозирги фалсафий қарашлар табиий ва аниқ фанлар соҳасидаги сўнгги ютуқлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг табиатига нисбатан материалистик ва реляцион қарашлар асосли эканлигини тасдиқлайди.

Макон ва вақт ҳақидаги фалсафий қарашларни умумлаштириб ва бу категориялар мазмунини дунё ҳақидаги ҳозирги табиий-илмий билимлар билан бойитиб, юқорида айтилганлар нуқтаи назаридан макон ва вақтнинг муҳим хоссаларини қайд этиб ўтамиз – макон кўламлилик, бир жинслилик ва кўп ўлчовлилик билан тавсифланадиган мавжудлик тартиби, вақт эса давомлилик, орқага қайтмаслик ва изотроплик, яъни мумкин бўлган барча йўналишларнинг тенг ҳуқуқлилиги хос бўлган воқеаларнинг ҳаракат тартиби ва кетма-кетлигидир.

Тажрибавий-амалий матнлар

Макон, вақт, субстанционал ва реляцион концепция, электромагнит назарияси, эфир, объектив идеализм, абсолют макон концепцияси, Евклид геометрияси, нисбийлик назарияси, гравитация, маконнинг кўп ўлчовлилиги, макон ва вақтнинг чексизлиги, макон ва вақтнинг метрик хоссалари, давомлилик, лаҳза, макон ва вақтнинг топологик хоссалари, кўлам, вақт тартиби, макон ва вақтнинг динамик ва статик концепциялари, ижтимоий макон, ижтимоий вақт.

[1] Вестник Российского университета Дружбы Народов. Серия «Философия». 2006 г. №1 (11). с.46.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Макон ва вақтга субстанционал ёндашувнинг аҳамияти нимада?
2. Макон ва вақтга реляцион ёндашувнинг аҳамияти нимада?
3. Макон ва вақтнинг топологик метрик хоссалари қайсилар?
4. Фалсафа тарихида макон ва вақт ҳақидаги тасаввурларнинг ўзаро алоқаси ва фарқи нимада?
5. А.Эйнштейннинг макон ва вақтга муносабати қандай?

Реферат мавзулари

1. Инсоннинг ижтимоий ва биологик вақтидаги узвийлик.
2. А.Эйнштейн макон ва вақт ҳақида.
3. Макон ва вақт ҳақидаги замонавий концепциялар.
4. М.Хайдеггернинг «Борлиқ ва вақт» асарининг таҳлили.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Макон ва вақт концепцияларининг тарихда шаклланган икки муҳим ва бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган йўналишлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Субстанциал ва реляцион
Б. Рационал ва иррационал
В. Чекли ва чексиз
Г. Чизиқли ва ночизиқли

2. Қайси концепцияда макон ва вақт материя ва онгга боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида қаралган?

А. Субстанциал
Б. Реляцион
В. Рационал
Г. Иррационал

3. Макон ва вақтни мустақил моҳиятлар сифатида эмас, балки реал дунё объектлари ва жараёнлари ўртасидаги алоҳида муносабатлар сифатида тушуниш макон ва замоннинг қайси концепцияга хос?

А. Реляцион Б. Чизиқли

В. Чексиз Г. Субстанционал

4. Материя борлиғининг барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва кейинги ҳолат ўзгаришларини тавсифловчи шакл сифатида қайси фалсафий категория таърифланади?

А. Вақт Б. Макон

В. Эфир Г. Жисм

5. Дунёда мавжуд барча жисмлар маконда неча ўлчамга эга?

А. Уч Б. Тўрт

В. Икки Г. Кўп ўлчамга эга

Адабиётлар

1. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
2. Фалсафа. С.Мамашокиров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
3. Фалсафа асослари. М.Аҳмедова таҳрири остида. –Т.: ЎФМЖ, 2005 й.
4. Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й.
5. Бейли Алиса. От интеллекта к интуиции. –М.: 2002 г.
6. Тўраев Б.О. Пространство, время, развитие. –Т.: «Фан», 1992 г.
7. Тўраев Б.О. Проблема разработки концепции пространства и времени // Классическая наука Средней азии и современная мировая цивилизация. –Т.: «Фан», 2000 г.
8. Тўраев Б.О. Табиатшунослик фалсафаси. –Т.: «Тафаккур», 2009 й.
9. Қўшоқов Ш. Табиатшунослик фалсафаси. Самарқанд, СамДУ, 2006 й.
10. Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. –М.: 2002 г.
11. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному. Новая онтология XX века. –М.: 1997 г.
12. Губин В.Д. Онтология. Проблема бытия в современной европейской философии. –М.: 1998 г.
13. Дубровский Д.И. Проблема идеального: Субъективная реальность. –М.: 2002 г.
14. Хайдеггер М. Бытие и время: пер. с нем. 2-е изд., испр. –СП(б).: 2002 г.
15. Носков А.В. Онтология времени и онтология пространства как основания различения фундаментальных ориентаций в философии : диссертация ... кандидата философских наук : –М.: 1999 г.
16. Голуб И.В. Сознание человека в бытии стимулированного пространства : диссертация ... кандидата философских наук. –М.: 2003 г.

ТАБИАТ ФАЛСАФАСИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза: Табиат фалсафаси
Машғулот режаси	1. Табиат тушунчасининг фалсафий таҳлили. 2. География муҳит ва география муҳит параметрлари. 3. География мактаблар. 4. Экология тушунчаси ва талқини.
Машғулотнинг мақсади: Табиат, табиий муҳит, география муҳит ҳақида тушунчага эга бўлиш	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Табиат тушунчасининг фалсафий таҳлили.	Табиатга фалсафий таъриф бериш ва унинг борлиқда намоён бўлиши.
Фалсафа тарихида табиатга муносабат.	Табиат ҳақида турли хил фалсафий қарашлар.
География муҳит ва география муҳит параметрлари тушунчаси.	Табиатнинг жамиятга таъсири.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзунинг мақсадини баён қилади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.

	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «табиат» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Эркин мулоҳаза олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Табиат тушунчасининг кенг, тор ва махсус маъноларининг талқини? 2. Ижтимоий ривожланиш ва географик муҳитнинг ўзаро таъсири? 3. География детерменизм ва ижтимоий детерминизм концепциялари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Геосиёсат концепциясининг эволюцияси», «XX асрда табиатга кўр-кўрона муносабатнинг кучайиши ёки экологик муаммо», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Табиат тушунчасининг фалсафий таҳлили. «Табиат» тушунчаси энг муҳим ва кенг қўлланиладиган фалсафий категориялардан биридир. Бу атама бир неча талқинга эга бўлиб, фалсафада кўпинча у кенг, тор ва махсус маънода ишлатилади. Мазкур маъноларнинг ҳар бири, ўзига хос хусусиятга эга.

Табиат тушунчасининг кенг маъноси борлиқни, бутун дунёни барча ранг-баранг шакллари билан жамулжам ҳолда акс эттиради. Бу маънода «табиат» атамаси борлиққа нисбатан татбиқ этилади ва «материя» категориясидан ҳам кенгроқ фалсафий категория сифатида амал қилади. Зеро, у моддий ва маънавий асосларнинг бирлигидан иборат муайян яхлитлик сифатидаги инсониятни ҳам ўз ичига олган Коинотнинг бутун моддий-энергетик ва ахборот дунёсини қамраб олади. Айни шу маънода «табиат» тушунчаси фалсафанинг борлиқ муаммолари ўрганиладиган соҳаси, яъни онтологияда кенг қўлланилади. Мазкур атама кўрсатилган маънода фалсафада кўпроқ XIX асргача ишлатилган.

Табиат тушунчасининг тор маъноси XIX асрда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва Ердаги эволюция жараёнлари муаммоларини тушунишга нисбатан янгича ёндашувлар юзага келиши, шунингдек, Инсон дунёда ўз ўрнини англаб етиши билан шакллана бошлади. Шу маънода «табиат» атамаси муайян ҳажмгача торайиб, объектив борлиқнинг биосфера (Ж.Ламарк 1802 йилда биосфера атамасини муомалага киритган), яъни «ҳаёт соҳаси» деб номлаган қисминигина англата бошлади. *Биосфера жонсиз табиатнинг аввалги ривожланиш маҳсули бўлиб, Ернинг ҳаёт кечаётган нозик қатламини ташкил этади.* У атмосфера, гидросфера ва литосферанинг юқори қисмини қамраб олади.

Биосферада инсон алоҳида ўрин эгаллайди. У жонли табиатнинг табиий қисми бўлса-да, вақт ўтиши билан унга қаршилик кўрсатувчи фаол асосга айланди. Бу далилни у экология муаммолари йиғилишига қараб англай бошлади. Мазкур муаммолар кескинлашгани сари инсон ўзининг ўзгарган ҳолати ҳақида янада теранроқ мулоҳаза юритиб, табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаси масаласини илмий, фалсафий ва амалий нуқтаи назардан ечишга ҳаракат қила бошлади.

Шу маънода, табиат инсонни қуршаган муҳитни, яъни борлиқнинг биосферадан биологик тур сифатида ўрин олган инсоннинг мавжудлик шароитлари мажмуи сифатида амал қиладиган қисмини англата бошлади.

Шундай қилиб, табиатни ўрганишга нисбатан одатдаги ёндашувлар, «биосфера ва инсон» мураккаб тизимининг таҳлили ва уни фалсафий англаб етиш ҳисобига, сезиларли даражада кенгайди, «табиат» атамаси янгича, янада теранроқ мазмун касб этди. Бу аввало жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари, хусусан, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт соҳасидаги фаол фундаментал тадқиқотлар маҳсули бўлди. Шу сабабли «табиат» атамасининг мазкур маъноси ижтимоий фалсафада айниқса, кўп ишлатилади ва одамлар яшайдиган табиий муҳитни ҳам, инсон қўллари билан яратилган (ўзгартирилган) сунъий муҳитни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, айни ҳолда ўзаро боғлиқлик ва бирликда инсон яшайдиган маконни ташкил этадиган «бирламчи» ва «иккиламли» табиат назарда тутилади.

«*Табиат» тушунчасининг махсус талқинида эътибор муҳокама предметининг илдизлари, фундаментал асосларини ёритишга қаратилади.* Мазкур контекстда, масалан, инсон, у ёки бу ижтимоий ҳодиса, элементар зарра ёки шар-

симон чақмоқнинг табиати қандай, деган савол мутлақо ўринли янграйди. Фалсафада кўпинча у ёки бу предмет, жисм, мавжудот ва шу кабиларнинг моҳияти, асосий мазмунини аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Фанда ҳам баъзан муайян ҳодиса, воқеанинг хусусияти ва юз бериш сабабларини аниқлаш талаб этилади. Айни ҳолда мазкур объект ёки ҳодисанинг табиати ҳақида шу маънода сўз юритиладики, унинг моҳияти, шунингдек, қолган объектив борлиқ – сўзнинг кенг маъносидаги табиат билан алоқаси аниқланади.

«Табиат» тушунчасининг юқорида зикр этилган учала маъноси ҳам ҳозирги фалсафий ва илмий адабиётларда кенг қўлланилади, аммо унинг иккинчи биосфера, атроф-муҳит билан тенглаштириладиган маъноси сўнгги вақтда экология муаммоларига эътибор сезиларли даражада кучайгани муносабати билан айниқса, кенг тарқалди. Айни шу сабабли ҳозирги вақтда «экология», «атроф-муҳит» каби тушунчалар ҳам фаол ишлатилмоқдаки, бу ҳақда қуйида батафсилроқ сўз юритамиз. Хуллас, *табиатни фалсафий тушунишга бағишланган мазкур бўлимда биз «табиат» категориясидан асосан унинг иккинчи, тор маъносидан фойдаланамиз, чунки у кенг маънода онтологияда ёритиб берилган.*

Фалсафа тарихида табиатга муносабат. Бутун тарих мобайнида одамлар ўзларининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш қобилиятларини тинимсиз ривожлантирдилар ва такомиллаштирдилар. Шу тариқа жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатлари ҳам ўзгариб борди. Бугунги кунда тарих, археология, география, этнография соҳасида ва бошқа фанларда мавжуд илмий маълумотлар табиатга антропоген таъсир инсониятнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсишига мутаносиб равишда тинимсиз кучайиб боргани ва пировард натижада ижтимоий ривожланишнинг асосий босқичларини акс эттирганини тасдиқлайди. Бу босқичларнинг ҳар бирига атроф-муҳит билан инсон муносабатларининг ўзига хос шакллари ва унинг онгида табиатнинг ҳар хил инъикоси хосдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, табиат ва жамият ўзаро алоқасининг у ёки бу босқичларини ажратиш нафақат масаланинг объектив томонига, яъни кўрсатилган ўзаро алоқаларни тавсифловчи табиий ўзгаришларга, балки бундай ажратиш натижасида қандай мақсадлар кўзланишига ҳам боғлиқ. Айни ҳолда бизни инсоннинг атроф-муҳитга таъсири хусусияти ва унинг табиатга боғлиқлиги масалалари кўпроқ қизиқтиради. Бундан мақсад қандай қилиб инсон ўзининг аввалги табиатга тўла қарамлик ҳолатидан фан ва техникани фаол ривожлантириб, уларнинг ёрдамида табиатни ўзига бўйсундириб, уни хизматкорига айлантиришга ҳаракат қилиб, пировардида кескин экологик муаммоларни юзага келтирганини кўрсатиб беришдир.

Инсоният тарихининг илк босқичида табиатга муносабат. Ер, океанлар, қитъалар ўрни ва уларда яшовчи халқлар ҳақидаги дастлабки тасаввурлар одамларда атиги 300–400 йил муқаддам, Буюк кашфиётлар даври якунланганидан сўнг пайдо бўлди. Бунгача одамлар бир неча минг йиллар мобайнида унча катта бўлмаган ҳудудларда яшадилар.

Ибтидоий одам термачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланиб, ўзининг одатдаги эҳтиёжларини тайёр маҳсулотларни ўзлаштириш билан қондирган, яъни табиат берган неъматлар билан кифояланган. Бу неъматлар унинг атрофида ўсаётган, чопаётган, ўрмалаётган, учаётган, сузаётган ва овқатланиш учун ярай-

диган нарсалардан иборат бўлган. Ўша даврда инсон табиатга тўла сингиб кетган ва унга бутунлай қарам бўлган. У табиатдан ажралмаган ва ўзини унга қарши қўймаган. Айни шу сабабли, ўша даврда фақат озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва яшаб қолишни таъминловчи табиий шароитлар билан белгиланган ўзининг оз сонлилиги туфайли ибтидоий одам атроф-муҳитга сезиларли даражада зарар етказишга қодир эмас эди.

Термачиликдан инсонга унинг кундалик ҳаётида зарур бўлган нарсаларни ишлаб чиқаришга ўтилишига қараб, у табиат ресурсларини ўз хўжалик муомаласига тобора кўпроқ жалб қила бошлади. Шу тариқа инсон ўзи яшаётган муҳитни сезиларли даражада ўзгартирди. Хусусан, *чорвачиликнинг ривожланиши билан яйловлардан ёввойи ҳайвонлар сиқиб чиқарилди.* Ўзларининг одатдаги яшаш жойларидан маҳрум бўлган бу ҳайвонлар сони камайди, айрим турлар эса бутунлай қирилиб кетди.

Инсоннинг деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиши табиатда бундан ҳам кучлироқ ўзгаришлар ясади. Одамзод экин майдонларига жой очиш мақсадида ўрмонларга ўт қўйиб, улардаги дарахтларни илдизи билан қўпора бошлади. Одамлар яшайдиган жойларда ландшафтлар хусусияти ўрмонлар камайиши, тупроқ нураши ва шу кабилар натижасида бутунлай ўзгарди.

Кейинчалик ариқлар ва суғориш тизимлари қурилиб, ер ости бойликлари изчил қазиб олина бошлагач, табиатдан фойдаланиш даражаси кенгайди. Темир пайдо бўлиши билан инсоннинг техник имкониятлари кескин ортди, меҳнат қуроллари такомиллаштирилди, янада мураккаброқ муҳандислик ва суғориш иншоотлари пайдо бўлди. Инсон табиатни аста-секин ўзига қарши ташқи куч сифатида идрок этиб, табиат билан айний мавжудотдан ундан фарқ қиладиган мавжудотга айланиб борди.

Тошқинлар, ёнғинлар, қурғоқчиликлар, совуқгарчиликлар, бўронлар ва зилзилалар инсоннинг яшовчанлик қобилиятини синовдан ўтказди, уни шафқатсиз стихияга қаршилик кўрсатиш усулларини излашга мажбур қилди. Хавфдан сақланиш ва ўзини ҳимоя қилиш имкониятларининг озлиги инсонда қўрқув ва ишончсизлик, қудратли табиатга бутунлай қарамлик туйғуларини уйғотди. Бундай кайфият инсонни минг йилликлар мобайнида таъқиб қилди ва қадимги халқларнинг турли мифлари ва афсоналарида, шунингдек, уларнинг дастлабки диний тасаввурларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Хусусан, сўнгги зикр этилган тасаввурларда Қуёш, Ой ва айрим предметлар алоҳида ўрин эгаллади, уларга сиғиниш талаб этилди. Чақмоқ, яшин, бўрон каби табиий ҳодисалар инсон табиатга эҳтиромсиз муносабатда бўлгани учун унга юборилган ёт кучлар сифатида ёки худоларга итоат этмаганлик учун жазо сифатида талқин қилинди.

Қадимги даврда табиатга муносабат. Табиатга нисбатан бундай муносабат, асосан, милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига келиб шаклланди ва назарий тафаккур пайдо бўлиши билан сезиларли даражада ўзгарди. Бу тафаккур ўша даврда дунёқарашнинг алоҳида тарихий шакли сифатида вужудга келган фалсафанинг узвий ва таркибий қисмига айланди. Илк антик файласуфлар, фалсафанинг бош вазифаси улар космос сифатида тушунган дунё нимадан иборат, деган саволга жавоб топиш учун табиатни ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Антик даврда табиат инсондан деярли ҳамма нарсада устун бўлган қудратли куч бўлиб қолишда давом этса-да, лекин уни одамзод назарий англаб етиши натижасида табиат муайян қиммат касб этди ва кўп жиҳатдан уйғунлик ва баркамоллик идеали сифатида идрок этила бошлади. Антик файласуфларнинг кўпгина асарлари табиатга ҳурмат кўрсатиш ғояси билан суғорилган бўлиб, табиат билан муросаи мадора қилиш ва унинг қонунларига мувофиқ яшашга чақиради, айни шундай ҳаётни энг муносиб ва мақбул деб эътироф этади.

Умуман олганда, шунга ўхшаш тасаввурларга Қадимги Ҳинд ва Қадимги Хитой фалсафаси намояндаларининг асарларида ҳам дуч келиш мумкин. Улар табиатнинг умумий қонунларини билишга ҳаракат қилиш, уларга қаршилик кўрсатмаслик ва унга бўйсуниш лозим, зеро инсон уларни ўзгартиришга қодир эмас, деб ҳисоблаганлар.

Марказий Осиёда ҳам табиатни асрашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан «Авесто» китобида сувга тупуриш гуноҳлиги, олов илоҳий мўъжиза эканлиги, қабристонларга, йўл бўйига мевали дарахтларни ўтқазиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ғояларнинг илгари сурилиши табиат қадимги даврларда ҳам буюк неъмат сифатида эътироф этилганлигидан далолатдир.

Ўрта асрлар ва Уйғониш даврида табиат муаммоси. Кейинчалик, христиан ва ислом дини дунёқарашида, табиат билан бирикишни назарда тутувчи бу ёндашув ўрнини табиатга бўлган ўзгача муносабат эгаллади. Натижада, табиат яратилган, шу боис ўткинчи ва ўзгарувчан деб талқин қилинди. Шу тариқа ўлмас жонга эга Худо ўткинчи табиатдан устун қўйилди. Бундай устун қўйиш натижасида одамларнинг табиий кучлар стихиясига қарамлиги камаймаса ҳам материя ва руҳ нисбати кўпроқ маънавий инсон ва руҳсиз табиий олам тузилишининг турли поғоналаридан ўрин олди. Диний ақидалар боқий, маънавий асос – Худо олий даражада руҳ фойдасига ҳал қилинади. Бу ҳол илоҳий ақидалар фалсафий таълимотлардан устун қўйилган ва аксарият одамлар дунёқарашининг негизини ташкил этган ўрта асрлар фалсафасида айниқса, бўртиб намоён бўлади.

Антик даврнинг кўпгина қадриятлари ва идеаллари тикланган Уйғониш даври санъат, эстетика ва гўзалликка кучли қизиқиш билан тавсифланади. Бу даврда табиатга гўзаллик ва илҳом манбаи деб қарашга асосланган янгича муносабат юзага келди. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур мўлжал реал борлиқни фаол ўрганиш ва уни янада теранроқ тушуниб етишга йўналтирилган.

Бу даврда Н.Коперник, Г.Галилей, Н.Кузанский, Ж.Бруно ва бошқа мутафаккирлар ривожлантирган космологик ва натурфалсафий, А.Жомий, А.Навоий илгари сурган гуманистик ғоялар табиатга бўлган янгича муносабат билан бевосита боғлиқ ва маълум даражада шу муносабатлардан келиб чиқади.

Янги даврда табиатга муносабат янада фаолроқ ўрганила бошланди. XVII–XVIII асрдан эътиборан у нафақат назарий ёки эстетик илҳом манбаи сифатида, балки амалий фаолият жабҳаси сифатида ҳам қаралди. Инсонга табиатнинг стихияли кучларини жиловлаш ва ўзига бўйсундириш имконини берувчи табиий қонунлар аниқланди. Табиатнинг инерт жараёнлари инсон ақлининг мутлақ ҳукмига бўйсуниши мумкин ва лозим деб ҳисобланди. Бунинг учун фақат уларни билиш, синовдан ўтказиш лозим.

Табиатни ўзлаштириш, унинг стихиясини табиий қонунларни англаб етиш

йўли билан жиловлашга интилиш ўша даврдан бошлаб XX асрнинг ўрталаригача тинимсиз кучайиб борди. Бунга фаннинг ривожланишида эришилган муваффақиятлар, инсонда ўз кучига бўлган ишончни янада кучайтирган техника ютуқлари кўп жиҳатдан кўмаклашди. Табиий қонунларни билиш ва улардан фойдалана олиш инсонга табиатнинг қудратли кучларига қаршилик кўрсатишга амалда ёрдам берди.

Фан-техника тараққиёти юксалишига қараб инсон ўзининг табиатдан чексиз даражада устунлигига бўлган ишончи мустаҳкамланиб борди.

Европада юз берган буржуа инқилоблари табиатни экстенсив ўзлаштиришга қаттиқ туртки берди. Бу, хусусан, хўжалик муомаласига жалб қилинаётган табиий ресурслар ҳажми ва турларининг кўпайишида ўз аксини топди. Бунга ўша даврда иқтисодий фаолият миқёси хом ашё базаси, яъни қурилиш материаллари ва фойдали қазилмалар мавжудлиги билан деярли чекланмагани ҳам имконият яратди. Энергетика ресурслари ҳам чексиз бўлиб, улар ҳар қандай мамлакатнинг ўсиб бораётган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун етарли эди. Агар улар бир жойда камайса ёки тугаса, бошқа минтақаларга мурожаат этишнинг ўзи кифоя эди. Гап фақат у ёки бу конлардан фойдаланишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигида эди. Шундай қилиб, ўша давр шароитида одамлар иқтисодий фаолиятининг миқёси ва суръатлари амалда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ва табиий бойликларни олиш имконияти билангина белгиланар эди.

Янги заводларнинг мўриларидан чиқаётган қуюқ тутун, кўпайиб бораётган конлар ва терриконлар ҳатто XX асрнинг биринчи ярмидаёқ оддий онг даражасида тараққиёт рамзлари сифатида идрок этилар ва инсоннинг иқтисодий ютуқлари ва қудратидан далолат берарди. Айрим олимлар, ўткир зеҳнли мутафаккирларгина инсоннинг ўсиб бораётган экспансияси, бошқарилмайдиган техника тараққиёти замирида инсонни қуршаган муҳит, бинобарин, унинг ўзи учун ҳам қандай хавф яшириниб ётгани ҳақида куйиниб гапирдилар.

Хусусан, табиий ҳуқуқ концепцияси муаллифи Ж.Ж.Руссо қонунчилик кишилик жамиятининг табиий қонунларидан келиб чиқиши лозим, деб ҳисоблайди. У фан ва цивилизацияни ахлоқнинг яхшиланишига кўмаклашмагани учун танқид қилади ва инсониятни «табиатга қайтиш»га чақиради. Бунга унинг машҳур ватандоши ва техника тараққиёти тарафдори Вольтер киноя билан шундай деб жавоб беради: «Руссонинг гапларини эшитсам, ўрмонга қараб эмаклаб чопгим келади»[1]. Дарҳақиқат, фан-техника тараққиёти тарафдорлари ва мухолифлари ўртасида XVIII асрда бошланган бу мунозара ҳозиргача тўхтагани йўқ ва бир томондан, инсон фан ва техника соҳасида қўлга киритган, унинг ҳаёт шароитларини яхшилаган ва табиатнинг стихияли кучларига қаршилик кўрсатиш имкониятларини оширган реал ютуқларидан, бошқа томондан эса – фан-техника тараққиёти юзага келтираётган ва одамлар ҳаётининг нозик негизларига путур етказаётган янги ва янги муаммолардан баҳра олмоқда.

XX асрда табиатга муносабат. Сўнгги юз йил ичида одамларнинг табиат билан ўзаро муносабатларида ҳайратомуз ўзгаришлар юз берди. Бир томондан, миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро алоқадорлиги қонуни амал қилиб, инсон

[1] Вольтер // Всемирная энциклопедия. –М.: «Современный литератор», 2001 г. с.178.

фаолиятининг асрлар мобайнида зимдан йиғилиб келган салбий оқибатлари жамулжам ҳолда янгича сифат касб этди. Бу илгари яшовчанлик қобилиятига эга бўлган кўпгина ҳудудлар яйдоқ саҳрога айланишида, атмосфера, сув ҳавзалари ва шу кабиларнинг ҳалокатга элтадиган тарзда ифлосланишида намоён бўлди. Хусусан, ҳозирги вақтда бутун қуруқлик юзасининг 40 фоиздан кўпроғини саҳролар эгаллаган. Стратосферанинг озон пардасидаги тешиклар, оқава сувлар ташланадиган «ариқлар»га айланиб қолган кичик ва катта дарёлар ҳам бир лаҳзада пайдо бўлгани йўқ.

Айни вақтда, сайёра тобора кўпайиб бораётган одамларга ҳаддан ташқари тор, «кичкина» бўлиб қолди. Бугунги кунда қуруқлик, сув ёки фазонинг инсон таъсиридан холи бўлган бирорта ҳам қисми қолгани йўқ. Табиатга салбий антропоген таъсир даражаси ортида табиий муҳит таназзули орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этадиган чегарага етмоқда. Бундай ҳолат экологик танглик сифатида тавсифланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, табиий тизимлар ҳаддан ташқари зўриқиши, атроф-муҳит (сув, ҳаво, тупроқ) ифлосланишининг муайян меъёрлари мисли кўрилмаган даражада бузилиши натижасида табиий жараёнларда мувозанатнинг бузилиши юз беради. Пировардида экологик тизимлар доирасида ўзаро алоқалар ва «жамият-табиат» тизимининг кўпгина параметрлари издан чиқади.

Табиат антропоген зўриқишларни фақат маълум меъёр даражасида бартараф этишга қодир эканлигини одамлар сўнгги вақтдагина англай бошладилар. Бу меъёрнинг бузилиши биосферада кўпинча орқага қайтариб бўлмайдиган сифат ўзгаришлари юз беришига сабаб бўлади. Шамол кўтарган ёки вулқонлар итқитган чанг, ўрмон ёнғинларидан ёки ер юзасига нефтнинг табиий чиқишидан ҳосил бўлган тутун тарзидаги табиий ифлосланишни табиат ўзи осонгина бартараф этади. Аммо инсон атроф-муҳитга унинг бундай таъсирларга қаршилик кўрсатиш табиий имкониятларидан бир неча баравар ортиқ бўлган қўшимча зўриқишларни яратди. У ер юзаси, атмосфера ва сув ҳавзаларига табиий чиқиндилар таркибидагидан кўпроқ миқдорда кимёвий элементларни тобора ўсиб бораётган суръатларда ташламоқда; шунингдек, уларга табиат инсон ёрдамисиз абсорбация қилиш (утиллаштириш)га қодир бўлмаган пластмасса, керамика, шиша каби кўп сонли сунъий материалларни қўшимча қилмоқда. Бунинг оқибатида кимёвий моддалар билан заҳарланган далалар ва сув ҳавзалари, экологик жиҳатдан тоза деб айтиш мушкул бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, шаҳарлардаги тутун, қурум, кул зарралари, чанг, ёнилғи буғи кабилар аралашмасидан иборат заҳарланган ҳаво, ахлат, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва шу кабилардан кўтарилган тоғлар инсон борлиғининг доимий ҳамроҳларига айланди.

XX асрнинг 60-йилларида совет тузумининг Марказий Осиёда пахта мустақиллигига эришиш учун пахта яккаҳокимлигига интилиши Орол денгизининг қуришига, бу эса экотизимнинг бузилишига, Оролбўйи ҳудудларида турли касалликларнинг пайдо бўлиши, экин майдонларининг вайрон бўлишига олиб келди. Шу маънода И.А. Каримов, «Орол инқирози – инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири»[1], деб алоҳида эътироф

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997 й. 107-б.

этади. Дарҳақиқат, «Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада барча ҳайвонот ва набобот олами таназзулга учради. Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди»[1]. Дарҳақиқат, беш млн гектар Орол денгизининг қуриган ҳудудида 10 млн тонна қум юзлаб километрларга тарқалиб, экологик ҳолатни бузмоқда. Шу боис, Орол бўйида яшил зоналар, маҳаллий кичик сув ҳавзалари ташкил қилинмоқда. Сунъий ҳовузларда балиқ турлари етиштирилмоқда. XX асрнинг 70-йилларида Тожикистон ҳудудида ишга туширилган алюмин заводи тутунининг атмосферани ифлослантириши Сурхондарё вилояти ҳудудларида экологик муаммоларини юзага келтирди.

Инсон жамиятнинг табиат билан муносабатларида юз берган бу шиддатли ўзгаришлар моҳиятини тушунишга ҳаракат қилар экан, аввалгидек, юз бераётган жараёнларни илмий ва фалсафий таҳлил қилиб, ўз тафаккурига мурожаат этмоқда. Шу боис бутун дунё, хусусан Марказий Осиё давлатларининг табиий муҳитни муҳофаза қилиш учун иқтисодий ва фан-техника соҳасидаги ҳамкорлиги турли йўналишларда олиб борилмоқда. Жумладан, Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармаси (МФСА) ташкил этилди ва унинг режали фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш давлат ташкилотлари: Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Республика санитария-эпидемология хизмати, Давлат ўрмончилик қўмитаси тасарруфидаги қўриқхоналар, «Ўзгидрометрология» маркази кабилар фаолият кўрсатмоқда. Барча вилоятлар, туман ҳокимиятларида табиатни муҳофаза қилиш бўлимлари ташкил қилинган. Улар ишлаб чиқариш корхоналарини экологик пастпортлаштириш, ишлаб чиқаришнинг табиатга технологик таъсирини назорат қилиш каби вазифаларни бажармоқда.

Ўзбекистонда экологик вазиятнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва истиқболини режалаштириш бўйича Республика Фанлар Академиясининг етакчи олимлари, мутахассислари томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. 1992 йилда ташкил этилган «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ҳамда 2008 йилда жамоатчилик ташаббуси билан ташкил қилинган «Экологик ҳаракат» фаолияти, кескинлашиб бораётган экологик инқирозларни бартараф этиш, инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, илмий техника инқилобининг антиэкологик оқибатлари олдини олиш, бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий танглик вазиятида Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий муҳофазалашга йўналтирилган давлат дастурининг амалиётга тадбиғида фаол иштирок қилмоқда. Табиий муҳит ифлосланишининг ижтимоий-иқтисодий, оқибатлари, уларни бартараф этишнинг амалий жиҳатлари Б.Алиханов С.Сангинов, назарий асослари С.Мамашокиров, Э.Хошимова, А.Ҳукумов кабилар томонидан ўрганилмоқда. Хусусан, С.Мамашокиров ва Э.Усмонов «Табиат бойликлари инсоният қадриятларининг моддий асоси сифатида, келажак авлодлар учун сақланиб қолинмоғи керак. Чунки,

[1] Каримов И.А. БМТ Саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқ. –Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.

кейинги авлодларнинг экологик фаоллиги ва масъулияти бизнинг шу ижтимоий ҳодисаларни қай даражада ташкил қилганимизга, ўзлаштирганимизга боғлиқ»[1], деб таъкидлайдилар.

Географик муҳит тушунчаси. Табиий муҳит айрим кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиши одатда кўпгина аниқ-равшан сабабларга кўра жиддий шубҳа уйғотмайди. Шунга қарамай, ижтимоий-тарихий жараён ёки моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тўғрисида сўз юритилган ҳолда улар табиий шароитга боғлиқ бўладими, агар боғлиқ бўлса, бу нимада акс этади, деган савол туғилади. Шу муносабат билан «географик муҳит» тушунчасининг таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Бу тушунча фан ва фалсафада мазкур мавзуни муҳокама қилиш чоғида унга маъно жиҳатидан яқин бўлган «табиат», «табиий муҳит», «атроф борлиқ» каби атамалар билан бир қаторда фаол қўлланилади, аммо ўз мазмунида уларга боғланмайди.

Географик муҳит – бу Ер табиатининг инсон фаолияти доирасига жалб қилинган, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий омили ҳисобланадиган қисмидир. Айни ҳолда турли параметрлар: ҳудуд, иқлим, ресурслар, ландшафт, жой рельефи ва шу кабиларнинг ижтимоий ривожланиш суръатлари ва хусусиятига таъсири тўғрисида сўз юритилади.

Географик муҳит параметрлари меҳнат ва моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида одамлар табиатнинг турли элементларидан фойдаланиши ва ўз иқтисодий фаолияти доираси кенгайгани сари мазкур элементларнинг муомалага янада фаолроқ жалб қилишидир. Пировардда *инсон ва табиат бевосита ўзаро алоқага киришадиган соҳа ўзгариши ва кенгроқ тус олиши, яъни географик муҳит доирасининг кенгайиши географик муҳит параметрларидир*. Масалан, ибтидоий одамлар тирикчилик қилиш учун асосан табиий ҳаёт манбалари ўсимликлар ва ҳайвонлардан, меҳнат қуроллари ясаш учун эса қўл остида мавжуд воситалар – тош ва ёғочдан фойдаланганлар. Иқтисодий ривожланишнинг охирги босқичларида фойдали қазилмалар ва энергетик ресурсларнинг роли ортиб борди, уларни қазиб чиқариш инсон фаоллиги географиясини сезиларли даражада кенгайтирди.

Шу билан бир қаторда инсон меҳнати географик омиллар таъсирида тинимсиз мураккаблашиб борди. Хусусан, инсон ўз амалий фаолиятида нафақат қулай табиий шароитларга, балки яшаш учун унча яроқли бўлмаган муҳитга ҳам дуч келади. Масалан, мўътадил иқлим, серҳосил тупроқ, етарли намлик ва шу кабилар нисбатан кам меҳнат сарфлаб яхши ҳосил олиш имконини беради, табиий ресурслар ўтиш осон бўлган жойда ва ер юзасига яқинроқда жойлашганлиги эса, уларни қазиб олишни осонлаштиради ва пировард маҳсулот таннархини пасайтиради.

Аммо, Ер юзида бундай қулай жойлар унча кўп бўлмагани учун, сайёрамизнинг тинимсиз кўпайиб бораётган аҳолиси вақти келиб ноқулай ва ўтиш қийин бўлган ерда жойлашган ҳудудларни ҳам ўзлаштиришга мажбур бўлди. Қишлоқ хўжалигини юритиш, йўллар, бошқа муҳандислик қурилмалари ва иншоотлар қуришни қийинлаштирадиган совуқ иқлим шароити, тоғли ёки ботқоқли жой

[1] Мамашокиров С., Усманов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. –Т.: «Маънавият», 2009 й. 112-б.

одамларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида уларнинг жисмоний, энергетик ва бошқа харажатларини сезиларли даражада кўпайтиради.

Ўз-ўзидан равшанки, одамларнинг иқтисодий фаолияти географик муҳитнинг ўзгаришига сабаб бўлади, бунинг натижасида ландшафтлар, тупроқ қатлами, ҳаво, сув ва шу кабиларнинг кимёвий таркиби ўзгаради. Табиат ва жамиятнинг бундай муносабатларига ҳозирги Африка мисол бўлиши мумкин. Бу ерда охирги юз йилликнинг ўзида ўрмонлар майдони икки баравар камайди ва ҳозирги вақтда улкан қитъа ҳудудининг тўртдан бир қисминигина ташкил этади. Пировард натижада Африка қитъасида саҳроларнинг чўлларга, чўлларнинг – саванналарга, саванналарнинг – тропик ўрмонларга ҳужуми тобора кенгроқ тус олиб бормоқда.

Марказий Осиё ҳудудида ҳам Орол денгизининг қуриб бориши натижасида иқлим ва табиий муҳит кескин ўзгарди. Бу экин майдонларининг камайишига, шўр тупроқнинг кўпайишига олиб келди. Кескин экологик вазият кўпгина дарёлар оқимининг (Амударё, Сирдарё, Зарафшон) сезиларли даражада ўзгариши, тупроқ эррозиясининг кучайиши ва ҳосилдорликнинг пасайиши билан ҳам тавсифланади.

Аммо инсоннинг табиатга таъсиридан ташқари, географик муҳитда доим табиий омиллар билан белгиланадиган ўзгаришлар ҳам юз берган. Ернинг бутун геологик тарихи шундан далолат берадики, унда буюк муз босиши ва ҳалокатли тарзда вулқонлар отилиши юз берган, вақти-вақти билан қуруқликнинг кўтарилиши ва пасайиши, зилзилалар, тошқинлар ва бошқа табиий офатларнинг юз бериши, Ер қиёфаси ва одамларнинг яшаш шароитини сезиларли даражада ўзгартирган. Хусусан, Платон ўзининг «Тимей» ва «Критий» асарларида ҳикоя қилган Атлантида ҳалокати тарихи ҳанузгача аксарият тадқиқотчиларни қизиқтиради. Бу афсонага биноан Атлантида катта, ҳосилдор ва кўп аҳоли яшайдиган орол бўлган ва қадим замонларда зилзила оқибатида Атлантика океани тубига чўкиб кетган.

Афсоналар билан бир қаторда аниқланган далиллар ҳам мавжуд. Масалан, Голландиянинг тарихий ривожланиши асосан денгиз қирғоқ чизиғининг табиий ўзгариши билан белгиланади. Шунингдек, Хуанхэ дарёсининг ўзанида юз берган ўзгаришлар Хитой тарихига маълум даражада таъсир кўрсатгани ҳам маълум.

Ижтимоий ривожланиш ва географик муҳитнинг ўзаро таъсири. Аксарият олимлар фикрига кўра, географик муҳит жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишини белгиловчи асосий омил ҳисобланмаса-да, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш суръатини жадаллаштириб ёки пасайтириб, тарихий жараёнга таъсир кўрсатиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, XX асрга қадар одамларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳияти юксалгани сари уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёти географик муҳит ва табиатнинг стихияли кучларига камроқ боғлиқ бўлиб борган.

XX аср вазиятни бутунлай ўзгартирди: у нафақат кўрсатилган қонуниятни бузди, балки уни тескари буриб юборди; яъни инсоният умумбашарий ҳодисага айлангач, унинг иқтисодий ўсиши географик муҳитнинг табиий чегараларига келиб тақалди. Бу муҳит ўз майдони ва ресурслари жиҳатидан одамлар ишлаб чиқариш фаолиятининг тобора ўсиб бораётган ҳозирги миқёси учун ҳаддан ташқари кичкина бўлиб қолди. *Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, охирги уч ўн йилликнинг ўзида жаҳонда инсоният ўзининг олдинги бутун тарихи мобайнида*

истеъмол қилган миқдорда хом ашё ишлатилган. Иқтисодий ўсишнинг мавжуд суръатлари сақланган тақдирда, яқин ўн йилликларда саноат ишлаб чиқариши яна икки-уч баравар кўпайиши мумкин бўлиб, бу жуда кўп миқдорда қўшимча табиий ресурсларни талаб қилади.

Инсон ўзи яратган сунъий муҳит – борлиғи «иккиламчи табиат» Ер қиёфасини бундан ҳам кўпроқ ўзгартиради. У сайёранинг яшашга озми-кўпми яроқли бўлган бутун қитъа ва орол ҳудудини қоплаган улкан мегаполислар ва сон-саноқсиз аҳоли яшайдиган жойлардан иборат. Шунингдек, у автомобиль йўллари ва темир йўл тармоқлари, каналлар, конлар, уюмлар ва инсон томонидан яратилган, унга қадар ҳеч қачон мавжуд бўлмаган бошқа кўплаб нарсаларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, бугунги кунда географик муҳитнинг ўзгаришида етакчи роль инсонга ўтди, бироқ айни вақтда, у юқорида зикр этилган табиий тўсиқларга дуч келиб, XX аср бошида қўлга киритилган географик муҳитга нисбатан ўз мустақиллигини йўқотди. Жамият ривожланишида географик муҳитнинг ролини асослашга бўлган қизиқиш асрлар мобайнида сақланиб қолаётгани ва вақти-вақти билан кучайиб туриши, айни шу ҳол билан изоҳланади.

Географик мактаблар. Табиий ва ижтимоий муҳитга доир – *«географик детерминизм», «ижтимоий детерминизм» ва «геосиёсат» концепцияларини ўз ичига олган ғоялар мажмуи географик мактабни ташкил этади.*

Гарчи XVIII аср француз мутафаккирлари А.Тюрго ва Ш.Монтескье географик мактаб асосчилари деб ҳисоблансада, *географик мактаб географик ўрин ва табиий шароит жамиятнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди деган ғояни илгари сурувчи турли таълимотлар тизими сифатида, антик даврдаёқ пайдо бўлган*. Гиппократ, Геродот, Полибий, Страбон ва бошқа мутафаккирлар турли минтақаларнинг иқлим шароитига катта эътибор берганлар ва Юнонистон ва Ўрта Ер денгизи бўйидаги ҳудудларни одамлар ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қулай деб ҳисоблаганлар.

Ўрта асрларда шунга ўхшаш ғояларнинг ривожланиши одатда тарихчи Ибн Халдун номи билан боғланади. Аммо бу ғояларга чинакам қизиқиш жамият қурилиши ва тарихий ривожланиш қонунларини табиий сабаблар билан тушунтирувчи географик детерминизм ғоялари бунгача ҳукм сурган ижтимоий ҳаётнинг илоҳий хусусияти ҳақидаги диний тасаввурларни сиқиб чиқара бошлаган Маърифатпарварлик даврида юзага келди. Бундай қарашлар ўша даврда вужудга кела бошлаган янги капиталистик муносабатларга мос келган, шу сабабли улар ўша даврдан бошлаб Франция, Англия ва Германияда кенг тарқалди.

Кўпайиб бораётган Ер аҳолисига тобора кўпроқ тирикчилик воситалари, аввало озиқ-овқат маҳсулотлари талаб этилган. Уларни ишлаб чиқариш эса, табиий шароитга, қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ерлар мавжудлигига бевосита боғлиқ бўлган. Унинг (ўша даврда ҳали нисбатан) камлиги мутахассисларга XVIII асрдаёқ аён бўлди.

«Табиий қонунлар» концепциялари. А.Тюрго (француз файласуфи ва иқтисодчиси, 1727–1728) мазкур муаммонинг муайян ечими ҳисобланган деҳқончиликни интенсивлаштириш имкониятини ўрганар экан, «тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши қонуни»ни таърифлади. Табиий қонунлар концепциясининг маъноси қуйидагича: *ишлов берилаётган ерга сарфланган ҳар бир қўшимча*

меҳнат ва капитал бундан олдинроқ сарфланган меҳнат ва капиталга қараганда камроқ самара беради, муайян чегарага етилганидан кейин эса ҳеч қандай қўшимча самара олиш мумкин бўлмай қолади.

Т.Р.Мальтус (инглиз иқтисодчиси, 1766–1834) бу ғояларни ривожлантирди ва кенг тарқалган концепцияни илгари сурди. Бу концепцияга мувофиқ аҳоли сонини унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига қараб тартибга солувчи «табиий қонун» пайдо бўлди. Мальтуснинг т*абиий қонун концепциясига биноан «Сайёрамиздаги одамлар сони геометрик прогрессия бўйича кўпайиб боради, тирикчилик воситалари эса фақат арифметик прогрессия бўйича ўсади, бу эса муқаррар тарзда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига олиб келади ва ижтимоий тангликларга сабаб бўлиши мумкин».* Мальтус ижтимоий ривожланиш табиатнинг абадий қонунлари ҳукмига қатъий бўйсунишини қайд этади. Унинг фикрича, ҳар бир янги туғилган чақалоқ бошқалар банд этган ва ўзига ўрин бўлмаган дунёга тушади. Бундан мутафаккир қашшоқларга ҳамдардлик шусиз ҳам мураккаб демографик муаммоларнинг кескинлашувига олиб келади, деган хулоса чиқаради[1]. Мальтуснинг очарчилик, эпидемиялар ва урушлар аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетишининг олдини олувчи табиий омиллар ҳисобланиши ҳақидаги хулосалари нафақат ўз тарафдорларини, балки фаол мухолифларини ҳам топди.

Мальтус ғояларининг издошлари ўз ўтмишдошининг ўта совуқ хулосаларидан халос бўлиб, унинг таълимотини XX аср бошида юз берган «демографик портлаш» тўлқинида вужудга келган неомальтусчилик кўринишида давом эттирдилар.

География детерминизм *инсон фаолияти табиий муҳитга тўла боғлиқ деган ғояни исботлашга ҳаракат қилувчи механистик қарашдир.* Бу оқимнинг асосчиси ва атоқли намояндаси Ш.Л.Монтескье (француз маърифатчи-файласуфи, 1689–1755) «Қонунлар руҳи» деб номланган асарида ўз концепциясини атрофлича баён этди. *География детерменизмга мувофиқ одамлар ҳаёти, ахлоқи, қонунлари, одатлари ва ҳатто сиёсий тузуми улар яшайдиган географик муҳит ва иқлим шароитидан келиб чиқади.* У табиат одамларни туғилгандан тенг қилиб яратишини тан олиб, сўнг уларни географик детерминизм нуқтаи назаридан фарқлайди.

Мазкур ёндашувдан Монтескье ҳатто қитъалар ижтимоий тизимларининг таҳлилида ҳам фойдаланади. Бунда у, хусусан, Осиё ва Европа халқларининг ҳаётини таққослайди. Унинг фикрича, Осиё мўътадил минтақага умуман эга эмас, шу сабабли бу қитъанинг жуда совуқ иқлимида жойлашган мамлакатлар жуда иссиқ иқлимда яшайдиган мамлакатлар билан бевосита туташади. Европада эса, аксинча, мўътадил минтақа анча кенг бўлиб, бу ерда иқлим жанубдан шимолга қараб аста-секин совуқлашиб боради. Ҳар бир мамлакат ўз иқлим хусусиятларига кўра қўшни мамлакат билан ўхшаш бўлгани боис, уларнинг ўртасида кескин фарқлар кузатилмайди. Айни шу сабабли Осиёда иқтисодиёт ҳеч қачон ўсмайди, Европада эса, у шароитга қараб ўсади ёки камаяди.

Унинг одамлар ижтимоий ҳаёти табиий шароитларга қаттиқ боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоялари ва хулосалари кейинчалик нафақат ривожлантирилди (маса-

[1] Қаранг: Мальтус Т.Р. Опыт о законе народонаселения. –СП(б).: 1868 г. с. 469.

лан, Г.Т.Бокль, Э.Реклю, Л.И.Мечников томонидан), балки *табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқасида сабабиятни инкор этувчи оқим – географик индетерминизм* нуқтаи назаридан танқид қилинди.

Географик детерминизм ғоялари бошқача шаклларда бугунги кунда ҳам, хусусан, «илғор индустриал Шимол» ва «қолоқ аграр Жануб» ўртасида, яъни иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида мавжуд улкан тафовутни тушунтириш (ва оқлаш) учун фаол қўлланилмоқда.

Ижтимоий детерминизм *ижтимоий ривожланиш даражаси ва йўналиши биринчи навбатда моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан белгиланишидир*. Шу нуқтаи назардан табиат одамлар тарихига аралашади, чунки ишлаб чиқариш жараёнида инсон нафақат уни, балки ўзини ҳам ўзгартиради. Пировардда инсоннинг моҳиятини ташкил этадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи ўзгаради. Бундан одамлар айрим фазилатларининг шаклланиши ҳам, жамиятнинг ривожланиши ҳам аввало, географик муҳитга эмас, балки моддий ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлади ва одамлар ишлаб чиқариш фаолиятининг тарихан ўзгарувчи хусусиятини таҳлил қилиш чоғидагина муайян табиий шароитлар у ёки бу ижтимоий жараёнларга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида гапириш мумкин, деган хулосага келинади. Айни ҳолда табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқасида фаол томон сифатида доим инсон амал қилади. Табиий муҳит хусусиятини ижтимоий муҳит хусусияти эмас, балки аксинча, ижтимоий муҳит хусусиятини табиий муҳит хусусияти белгилайди.

Шу маънода одамлар табиат билан ўз моддалар алмашинувини тартибга соладилар, уни ўз умумий назорати остига оладилар ва шу тариқа табиатнинг кўр-кўрона кучлари уларнинг устидан ҳукмронлик ўрнатишига тўсқинлик қиладилар.

Геосиёсат. Г.Т.Бокль (географик детерминизмнинг атоқли намояндаси, 1821–1862) «Англия цивилизцияси тарихи» деб номланган асарида, ўзига хос иқлим ва табиатга эга бўлган мустамлака халқларининг қолоқлигини тушунтиради ва ижтимоий тенгсизликнинг табиийлиги ҳақида хулоса чиқаради. Кейинчалик Боклнинг бу ғоялари географик мактабдаги янги йўналиш – геосиёсатни яратди. Демак, *геосиёсат ижтимоий тенгсизликнинг табиийлиги ғоясидир.* Мазкур йўналишнинг асосий ғояларини Германияда Ф.Ратцел ва К.Хаусхофер, Буюк Британияда Г.Маккиндер, АҚШда А.Т.Мэхэн ва Н.Спикмен, Швецияда Р.Челлен илгари сурди. «Геосиёсат» атамасини 1916 йилда биринчи бўлиб ишлатган Р.Челлен ўзининг «Давлат ҳаёт шакли сифатида» деб номланган асарида Ф.Ратцелнинг социал-дарвинистик ғояларини ривожлантирди. Бу ғояларга мувофиқ табиий шароит жаҳон тарихида давлатлар ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади, давлатнинг ўзи эса географик муҳитнинг турли омиллари аҳолига кўрсатган таъсир натижасида шаклланган биологик организм сифатида қаралади**.** Бундан Челлен у ёки бу давлатнинг ҳаёт макони учун кураши ҳар қандай жонли организм қонуни – яшаш учун кураш табиий қонунидан ўзга нарса эмас, деган хулосага келади. Унинг фикрича, тор маконга эга бўлган «яшовчан давлатлар» қатъий сиёсий императивга амал қилиб, ўз ҳудудини истилочилик, мустамлакаларни қўлга киритиш йўли билан кенгайтиришга ҳаракат қилишининг зами-

рида айни шу қонун ётади. Бошқача айтганда, урушлар, Челлен фикрига кўра, нафақат муқаррар, балки зарурдир.

Шу кўринишда геосиёсат ирқлар назарияси билан бир қаторда немис миллатчиларининг расмий сиёсати негизини ташкил этди. Бунда Иккинчи жаҳон урушига тайёргарлик, «ҳаёт макони»ни қўлга киритиш ғояси ва босиб олинган ҳудудларда яшовчи халқларнинг оммавий қирғинини асосланди. Нацистик геосиёсатнинг таниқли намояндаси Карл Хаусхофер 1924 йилдан «Геосиёсий журнал» нашр этиб, унда геосиёсатнинг асосий ғояларини ривожлантирди, бу Гитлернинг «Майн кампф» асарини яратишга кучли таъсир кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин фашистик геосиёсат унинг ҳаёт макони ва ирқий устунлик ғоялари билан жиноий таълимотлар қаторига киритилди.

Ижтимоий экология. Экологик фалокатлар тарихи. Ижтимоий экология илмий ва фалсафий билимлар соҳаси сифатида яқиндагина – XX аср 60-йилларининг охиридан 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда вужудга келган. Аммо бу ҳол экологик муаммолар фақат энг янги давр ҳодисаси деган маънони англатмайди. Ҳеч шубҳасиз, улар ўтмишда ҳам мавжуд бўлган, лекин биосфера ривожланишининг илк босқичлари ҳақида етарли даражада тўла ахборот йўқлиги улар хусусида, асосан, гипотеза тарзида сўз юритиш имконини беради.

Бундай фаразлар қаторига, масалан, экологик фалокат натижасида динозаврларнинг қирилиб кетиши ҳақидаги гипотеза киради. Ер куррасининг айрим минтақаларида топилаётган ва табиати жумбоқ бўлиб қолаётган майда шиша шарчаларни ўрганган олимлар уларни метеоритнинг қотиб қолган моддаси бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. Бундан тахминан 65 миллион йил муқаддам Ер катталиги диаметрда бир неча километрга етадиган улкан метеорит билан тўқнашган, деган хулосага келинмоқда. Мазкур тўқнашув натижасида кучли ёнғинлар бошланиб, улардан чиққан тутун Ерни қалин парда билан ўраб олган, бу эса қаттиқ совуқ тушиши ва ўша даврда яшаган динозаврлар қирилиб кетишига олиб келган.

Қадимги манбалар амалда мавжуд бўлган цивилизациялар ҳалокати замирида ҳам соф экологик омиллар ётишини кўрсатади. Хусусан, шумер цивилизацияси милоддан аввалги III минг йиллик охирида Қуёш фаоллиги ўзгариши натижасида юзага келган қаттиқ қурғоқчиликдан ҳалок бўлган. Бир пайтлар гуллаб яшнаган Дажла ва Фрот воҳаларининг саҳрога айланиши суғориладиган ерларда деҳқончилик нотўғри олиб борилиши оқибатида, тупроқнинг нураши ва шўрланиши натижаси деб ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида Орол денгизининг қуриши ҳам Амударё ва Сирдарё сувларидан пахта майдонларини суғориш мақсадида тежамсиз фойдаланиш оқибатидир.

XIX асрда 1812 йилда француз олими Ж.Кювье (1769–1832) геологик қатламларда кузатиладиган ҳайвонлар ва ўсимликлар қолдиқларининг табиатини тушунтиришга ҳаракат қилиб, фалокатлар назариясини илгари сурди. *Фалокатлар назарияси дунёда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган тоғ жинсларининг қўққисдан силжишлари ер юзасининг рельефини ўзгартиради ва барча тирик нарсаларни ҳалокатга дучор этади, деган фаразга асосланади*. Аммо бу ғоя кейинчалик кенг миқёсда ўз издошларини топмади, чунки сайёрамиз, унинг тарихи ва тузилишига доир илмий билимларнинг фаол ривожланиши бошқа гипотезаларга

бой материал берди ва фалокатлар назариясини XIX асрнинг охирларидаёқ унинг аввалги жозибадорлигидан маҳрум этди. Бунга илмий билимларнинг бутунлай янги соҳаси – экологиянинг пайдо бўлиши маълум даражада замин ҳозирлади.

Экологиянинг келиб чиқиши. «Экология» атамаси этимологик жиҳатдан юнонча «oikos» – «уй», «бошпана» ва «logos» – «таълимот» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, кенг маънода яшаш муҳитига эга бўлган жонли организм (ёки жонли организмлар, мавжудотлар) ташкил этган ҳар қандай ташкилот, тизимни англатади. Бу атамани немис биологи Э.Геккель 1869 йилда биологиянинг вазифаси жонли организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқасини ўрганишдан иборат бўлган бўлимларидан бирини белгилаш учун илмий муомалага киритган. Экология масалалари узоқ вақт мобайнида фақат табиий фанлар, аввало, биология доирасида ўрганилди. Сўнгра, жамиятнинг табиат билан муносабатларида иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто сиёсий жиҳатлар аниқланишига қараб, экология ижтимоий фанларнинг ҳам предметига айланди. Илк ижтимоий ва фалсафий тадқиқотларнинг ўзиёқ жамият ва табиатнинг ўзаро алоқаси муаммолари – бу аввало жамият ижтимоий-иқтисодий тузилишининг, шаклланган қадриятлар тизими ҳамда атроф-муҳит ва инсоннинг ундаги ўрни ҳақидаги тасаввурларнинг муаммолари эканлигини тасдиқлади.

Бугунги кунда «**ижтимоий экология**» деб номланган илмий-тадқиқотлар соҳаси вужудга келди, «экология» атамаси эса биология фанлари доирасидан анча четга чиқиб, жуда тез ва кенг тарқалди. XX аср 70-йилларининг ўрталарида ижтимоий экологиянинг тўрт асосий қонуни таърифланди:

- *ҳамма нарса ҳамма нарса билан боғланган;*
- *ҳамма нарса қаёққадир йўқолиши керак;*
- *табиат яхшироқ билади;*
- *текинга ҳеч нарса бўлмайди*[1].

Бу қонунлар инсон атроф-муҳит билан узвий ўзаро боғлиқ эканлигини мустаҳкамлади ва унинг табиатга ўзбошимчалик билан охирини ўйламасдан аралашувини тақиқлади.

Экологик муаммолар кескинлашувига қараб улар янада фаолроқ ўрганила бошланди. Ижтимоий экологиядан ташқари, илмий билимнинг бошқа, бутунлай янги соҳалари, чунончи: инсон экологияси, глобал экология, шаҳар экологияси юзага келди. Айрим кишилар ва жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқаси жабҳасида экологик муаммолар кўп жиҳатдан фалсафий маъно касб этди, чунки у инсон борлиғининг фундаментал асосларига дахлдор бўлиб, Ердаги ҳаётнинг бетакрорлиги ва унинг биологик ранг-баранглигини сақлаш зарурлиги ҳақидаги масалани янгидан қўйди.

Экологик муаммонинг фалсафий маъноси. Айрим фанлар доирасидан четга чиқиш ва муаммога нисбатан кенгроқ, фалсафий ёндашиш биосферада ҳамма нарса бетакрор тарзда ўзаро боғлиқ ва табиий тартибга солинадиган мувозанат ҳолатида эканлигини аниқлаш имконини берди. Шунингдек, биосферанинг ўзи ҳам сайёрамизнинг табиий қисми ҳисобланади. У Ер юзасида янада мураккаброқ тузилма – биогеосферани ташкил этади. Инсоннинг умумий фаолияти Ердаги геологик жараёнлар билан тенг даражага етганидан бери биогеосферада жид-

[1] Қаранг: Коммонер Б. Замыкающийся круг. –СП(б).: 1999 г. с. 36.

дий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар сайёрамиз ўзининг илк қиёфасини йўқотишига олиб келди ва инсон борлиғи негизларига путур етказди. Шу тариқа у азалий фалсафий муаммо – ҳаётнинг мазмуни муаммосига кескинроқ тус берди ва экологик муаммоларни ҳозирги замон фалсафасининг муҳим бўлимига айлантирди.

Бундай экологик муаммоларни фалсафий англаб етиш ўзига хос хусусият касб этади. Зеро, фалсафа табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида юзага келувчи айрим муаммоларни ҳал қилмайди ва уларни бартараф этиш юзасидан муайян тавсиялар бермайди, бу махсус фанларнинг вазифасидир. Фалсафанинг роли эса – муайян натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, юз бераётган жараёнлар динамикаси ва тенденцияларини аниқлаш, табиий ўзаро алоқалар, тарихий боғлиқликларни аниқлаш ва ш.кларга мувофиқ фалсафий хулосалар чиқаришдан иборат, унда муҳим тушунчалар аниқланади, асосий тамойиллар белгиланади, бу нафақат билиш мақсадлари, экологик таълим ишига хизмат қилади, балки табиатни муҳофаза қилиш борасида муайян вазифаларни ҳал қилувчи айрим фанлар учун методологик таянч ҳисобланади.

Ноосфера. Ечимини топмаган экологик муаммолар хавфи кучайишига қараб одамлар танг вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида кўпроқ бош қотира бошладилар, уни бартараф этиш йўлида муайян қадамлар ташлашга ҳаракат қилдилар. Шу муносабат билан тўпланган тажрибадан, ўзгарган шароитлардан ўз вақтида чиқарилган тўғри хулосалар айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бундай муҳим хулосалардан бири шундан иборатки, яқин ўтмишда ижтимоий ҳаёт икки мутлақо зарур шарт: тирикчилик воситаларини узлуксиз ишлаб чиқариш ва инсоннинг кўпайишига риоя этган ҳолда кечиши мумкин эди. Бунда табиий муҳит гўёки олдиндан берилган бўлиб, инсонга нисбатан муайян константа вазифасини бажарарди. Ундан фақат фойдаланиш лозим эди. Ҳозирги давр бу табиий мувозанатга жиддий тузатиш киритди. Энди ишлаб чиқаришнинг янги тури – табиий муҳитнинг ўзини ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришга зарурат туғилди, бу эса инсон нафақат ижтимоий жараёнларда, балки ўзига бўйсунувчи табиий жараёнларда ҳам фаол асосга айланганини англатади.

«Ноосфера» атамаси илк бор XX асрнинг 20-йилларидан француз олимлар Э.Леруа ва П.Тейяр де Шарден томонидан ишлатила бошлади. *Улар ноосферага идеал тузилма, сайёранинг биосферадан ташқаридаги алоҳида «тафаккур пардаси» сифатида қарадилар.*

В.И.Вернадский (рус олими, 1863–1945) XX асрнинг 30-йилларида «ноосфера» тушунчасига бутунлай бошқача маъно юклади. У *ноосфера биосферани ва умуман табиатни ўзгартиришга қаратилган инсон фаолияти натижасидир ҳозирги босқичда инсоният қудратли геологик кучга айланади*, деган хулосага келди[1]. Унинг фикрича, Ер атрофида келиб чиқиши антропоген хусусиятга эга бўлган «парда» вужудга келади, аммо бу идеал соҳа эмас, балки биосферанинг ривожланишидаги муайян босқичдир. Бунда одамларнинг онгли ўзгартирувчи фаолияти амалда мазкур ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади, шу тариқа юзага келган «ақл-идрок соҳаси» эса моддий ҳодиса ҳисобланади, чун-

[1] Вернадский В.И. Химическое строение бисферы Земли и ее окружения. –М.: 1965 г. с. 328.

ки биосферага ҳам, инсон ақл-идрокига ҳам, унинг фаолиятига ҳам материалистик нуқтаи назардан ёндашилади.

Вернадский жамиятга жонли ва жонсиз табиатнинг бирлиги сифатида, инсон фаол субъект сифатида ҳукмронлик қилувчи яхлит тизим сифатида ёндашиб, жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида инсон фаолияти таъсирида юз берган сифат ўзгаришларини илмий асослашга ҳаракат қилди. Демак, Н.Вернадский *Жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида инсоннинг оқилона фаолияти энг муҳим омилга айланадиган ҳолатга эришишни «ноосфера» (юнон. «noos» – «ақл», «идрок» ва «sphaira» – «соҳа»), яъни ақл-идрок соҳаси деб номланган*. Шундан бери ноосфера инсоннинг ҳар қандай ўзгартирувчи фаолияти табиий ва ижтимоий жараёнларни илмий тушунишга асосланадиган ва табиат ривожланишининг умумий қонунлари билан мувофиқлаштириладиган материя мавжудлиги барча шакллари бирлашувининг олий босқичи сифатида тушунилади. Бошқача айтганда, бу «жамият-табиат» тизими тадрижий ривожланишининг олий босқичи, ҳали мавжуд бўлмаган, лекин шакллана бошлаган ва агар инсоният бўҳронлар юз беришини хоҳламаса ва келажакда муносиб ҳаёт кечиришни истаса, албатта мавжуд бўлиши керак бўлган босқичдир.

Аксарият тадқиқотчилар фикрига кўра, бундай босқичга эришиш жамият ва табиат бир йўналишда – ўзаро алоқасини оптималлаштириш йўлида тадрижий ривожланишни тақозо этади. *ХХ асрнинг 60-йилларида И.Моисеев томонидан «Коэволюция» атамаси фанга киритилди. Муштарак ривожланишга табиат ва жамият коэволюцияси деб аталади ва ноосферага эришиш унинг тадрижий якуни ҳисобланади.*

Жамият ва табиат муносабатларининг тадрижий ривожланиши ғоялари ер юзида органик, кейинчалик эса – ижтимоий дунёнинг вужудга келиши ва ривожланишини белгилаган қонуниятларнинг янгича талқинига асосланади. Жонли ва жонсиз табиатнинг ўзаро алоқаси натижаси ўлароқ Ер литосфераси, гидросфераси ва атмосферасининг янги ҳолати юзага келдики, бу «биосфера» ва «ноосфера» каби синтетик тушунчаларда ўз аксини топди. Мазкур тушунчаларнинг илмий муомалага киритилиши ва фалсафий асосланиши ўзгартирилган табиатни тушунишда бутунлай янги босқич бўлди.

Ўтган асрнинг 70–80-йилларида табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаси масалалари атрофида олиб борилган қизғин мунозаралар натижасида ноосфера тушунчаси ҳаётга қайтарилди ва кейинчалик эколог олимларнинг бутун бир авлоди учун амалда методологик мўлжалга айланди.

Ноосферани биосферадан ажраладиган, мустақил мавжуд бўлган алоҳида қобиқ ёки борлиққа ҳеч қандай алоқаси бўлмаган соф назарий конструкция сифатида эмас, балки биосферанинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши, бунинг натижасида бутунлай янгича сифат касб этиши сифатида тушуниш лозим.

Демак, *биосфера ва ноосферанинг соф географик параметрлари мос келмайди.*

Инсон ракеталар, сунъий йўлдошлар, орбитал станциялар ва бошқа космик техникадан фойдаланиб, табиий шаклланган биосфера чегараларидан ташқарига чиқади. Бироқ, шу биосферанинг таркибий қисми сифатида, у ўзининг мазкур

ҳаракати билан биосфера чегаралари ва унинг янги сифати чегараларини ҳам кенгайтиради. Айни вақтда, жамият табиат билан ўзаро алоқага киришиб, биосферага кириб боради, уни янгича мазмун билан бойитиб «ижтимоийлаштиради». Биосфера ижтимоий борлиқ доирасига тобора кучлироқ «тортилади», унинг чексиз ривожланиш ва такомиллашиш жараёни эса ижтимоий жабҳага ўз таъсирини кўрсатади. Бунда табиатнинг бир қисми бўлган инсон мазкур жараённи тўхтата олмайди. Зеро, бунинг акси инсон ўз ижтимоий борлиғини, бинобарин, инсоний борлиғини ҳам тўхтатишини англатади.

Шундай қилиб, биосферанинг ноосферага ўтиши аввалambор инсон ўзининг ўзгартирувчи фаолиятида *«Зиён етказма»* деган қоидага сўзсиз амал қилиб, биосферанинг ҳам, ўз-ўзининг ҳам кейинги эволюцияси учун бутун жавобгарликни ўз зиммасига олишга мажбур эканлигини англатади.

Бундай вазифани ҳал қилиш учун жамият ҳамда «жамият-табиат» тизими ҳақида кенг билимларга эга бўлиш талаб этилади. Аслида, мазкур билимлар фалсафий, табиий, ижтимоий ва техник фанларнинг мазмунини ташкил этади. Бунда фалсафанинг аксиологик жиҳати – қадриятлар ва ахлоқий идеалларни белгилаш, ахлоқий қоидалар ва тамойилларни таърифлаш қобилияти биринчи ўринга чиқади.

Хулосалар. Инсоният жиддий экологик тангликлар хавфи билан тўқнаш келгач, одамлар хулқ-атворининг ахлоқий томони, айниқса, муҳим аҳамият касб этди ва эндиликда «жамият-табиат» тизимида муаммолар кескинлашувидан олдингига қараганда ўзгача маънога эга, зеро инсон ўз фаолиятида асосий эътиборни биосферага қаратиши лозим. Юзага келган вазиятда бу одамларнинг янгича ахлоққа асосланган тегишли хулқ-атворини тақозо этувчи объектив заруриятдир. Мазкур ахлоқ инсоният бу соҳада эришган энг сара ютуқларни акс эттирибгина қолмасдан, балки ҳозирги ҳаётнинг энг муҳим муаммоларини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Хусусан, қадимги ривоятларда келтирилган, умумий ахлоқий қоида сифатида Кант томонидан таърифланган («Шундай иш кўргинки, хоҳиш-ироданг максимаси айни вақтда умумий қонунчилик тамойили кучига ҳам эга бўлсин») ахлоқий императив эндиликда табиатга нисбатан ҳам татбиқ этилиб, умумий экологик императивга айланиши лозим. Экологияга татбиқан бу талабнинг маъноси шундан иборатки, иш кўраётган ҳар бир субъект (у хоҳ айрим инсон, хоҳ жамият ёки бутун инсоният бўлсин) ўзининг табиатга бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган барча ниятлари, ишлари ва хатти-ҳаракатларида ўзини шундай тутиши лозимки, бу хулқ-атвор меъёри умумий экологик қонунга айлана олсин.

Ижтимоий ҳаётга ҳам, инсон мавжудлигининг табиий шароитларига ҳам тегишли бўлган бу ахлоқий қонунга ўз ҳолича риоя қилиш экологиянинг барча муаммоларини бартараф этишни узил-кесил кафолатловчи бирдан-бир ва шак-шубҳасиз талаб ҳисобланмайди. Аммо ҳар бир инсон ва бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан одамларнинг табиат билан муносабатларида асос қилиб олинган тақдирда, у муқаррар тарзда турли мамлакатлар ва халқларни шундай бир ҳолатга келтирадики, улар ўзининг табиатни ўзгартирувчи сиёсатини мазкур қонунга мувофиқ қайта тузишга мажбур бўлади, шу тариқа жаҳон ҳамжамиятига янада фаолроқ бирлашиш йўлидаги экологик ғов-тўсиқларни бартараф этади. Акс

ҳолда нафақат ноосферага эришиш, балки умуминсоний муаммоларни ҳал қилиш ҳам мумкин эмас.

Тажрибавий-амалий матнлар

Табиат, атмосфера, гидросфера, литосфера, стратосфера, экология, натурфалсафа, табиатни ўзлаштириш, фан-техника тараққиёти, табиий ҳуқуқ концепцияси, экологик танглик, антропоген зўриқишлар, географик муҳит, табиий ресурслар, географик мактаблар, географик детерминизм, ижтимоий детерминизм, геосиёсат, ижтимоий экология, экологик фалокатлар, ноосфера, экологик императив.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Табиатни ўрганишга нисбатан фалсафий ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. «Табиат» атамаси қандай маъноларда ишлатилади?
3. Табиат ва жамият муносабатларининг эволюцияси қандай кечган?
4. Одамлар ер юзаси ҳақида тўғри тасаввурларни қачон олганлар?
5. «География детерминизм» нимани англатади ва унинг қандай йўналишлари бор?

6. Экология қачон ва нима муносабати билан юзага келган?

7. Ижтимоий экологиянинг асосий қонунлари қандай таърифланади ва улар нимани ифодалайди?

8. Экологик тангликнинг экологик муаммодан фарқи нимада?

9. Нега «ноосфера» атамасининг фалсафий мазмунини фарқлаш талаб этилади?

10. Экологик императив қандай таърифланади ва нимани англатади?

Реферат мавзулари

1. «Табиат» тушунчаси фалсафий категория сифатида.
2. Табиат ва жамият ўзаро алоқасининг тарихий босқичлари.
3. Ҳозирги экологик вазиятнинг моҳияти.
4. Ҳозирги даврнинг оламшумул муаммолари тизимида экология.
5. Жамиятнинг ривожланишида географик муҳитнинг роли.
6. В.И.Вернадский биосферанинг ноосферага ўтиши ҳақида.
7. Экологик тарбиянинг асосий мазмуни ва вазифалари.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Табиатнинг жонли қисми қайси сфераларда мавжуд дея эътироф этилади?

А. Атмосфера, гидросферани ва литосферанинг юқори қисми

Б. Атмосфера, стратосфера ва литосферанинг юқори қисми

В. Гидросфера, биосфера ва литосфера

Г. Атмосфера, гидросфера, биосфера

2. Ибтидоий одамнинг меҳнат шакллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Термачилик, чорвачилик, деҳқончилик, овчилик, балиқчилик

Б. Чорвачилик, овчилик

В. Деҳқончилик, термачилик, балиқчилик

Г. Зироатчилик, чорвачилик, овчилик

3. Қайси даврда табиатга иззат-икрот кўрсатиш ғояси илгари сурилиб, табиат билан муросаи мадора қилиш ва унинг қонунларига мувофиқ яшаб, айни шундай ҳаётни энг муносиб ва мақбул деб эътироф этишган?

А. Антик даврда

Б. Ҳозирги даврда

В. Уйғониш даврида

Г. Илк ўрта асрларда

4. Табиий ҳуқуқ концепцияси муаллифини топинг?

А. Ж.Ж.Руссо

Б. Д.Юм

В. Дж.Беркли

Г. И.Кант

5. Ижтимоий экология илмий ва фалсафий билимлар соҳаси сифатида нечанчи йилларда вужудга келди?

А. XX аср 60–80-йиллари

Б. XX аср боши

В. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг

Г. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқ (20.09.2010)//http://press-service.uz/uz/news/show/vistupleniya/address_by_h.e._mr._karimov_presid/

3. Мамашокиров С., Усмонов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. –Т.: «Маънавият», 2008 й.

4. Шермухамедова Н.А. Философские основы формировавния экологического мышления // «Вестник экологии», 2003 г. №2.

5. Хошимова Э. Табиат ва жамиятнинг экологик қонунлари: назария ва амалиёти. –Тошкент.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2007 й.

6. Гирусов Э.В. Основы социальной экологии. –М.: 1998 г.

7. Глобалистика: Энциклопедия / гл. ред. И.И.Мазур, А.Н.Чумаков. –М.: 2003 г.

8. Лось В.А., Урсул А.Д. Устойчивое развитие. –М.: 2000 г.

9. Пырин А.Г. Природная среда (социально-философский анализ). –М.: 2004 г.

10. Современные глобальные изменения природной среды: в 2 т. / Отв. ред. Н.С.Касимов. –М.: 2006 г.

11. Философия природы: коэволюционная стратегия. –М.: 1995 г.

12. Философия экологического образования. –М.: 2001 г.

13. Экологический энциклопедический словарь. –М.: 2000 г.

14. Иванов И.А. Эволюция понятия «природа» в контексте Европейской рациональности : автореферат дис. ... кандидата философских наук : 09.00.01 / –С.Петерб. гос. ун-т. Санкт-Петербург, 2006 г.

15. Семенов Е.А. Антропный принцип и проблема целесообразности в космогонии: дисс... канд. Философ. наук : 09.00.01. Санкт-Петербург, 1994 г.

16. Усмонов Э. Социально-философские проблемы интеграции экологической политики государств Центральной Азии в современных условиях. Дисс.... Канд.филос. наук... –Т.: ННУз. 2006 г.

ИНСОН БОРЛИҒИ

1. Семинарни олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар: Инсон борлиғи
Семинар режаси	1. Инсон борлиғининг ўзига хос хусусияти. 2. Инсон борлиғида онг ва онгсизликнинг табиати. Онгнинг структураси ва функциялари. 3. Антроп тамойилнинг ўзига хос хусусиятлари.
Машғулотнинг мақсади: Инсон борлиғининг асоси бўлмиш онглилик ва онгсизлик ҳақида тушунчага эга бўлиш	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Инсон борлиғининг ўзига хос хусусияти.	Инсон ва борлиқ ўртасидаги боғлиқлик.
Инсон борлиғида онг ва онгсизликнинг табиати.	Инсоннинг онгли фаолияти масаласи.
Антроп тамойилнинг ўзига хос хусусиятлари.	Инсон борлиғининг хусусиятлари: индивидуал онг борлиғи.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсад тавсифланади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.

	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Инсон бу ...» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Эркин мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволларни беради: 1. Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат? 2. Шарқ мутафаккирлари ижодида онг муаммоси? 3. Онгнинг структураси ва функциялари? 4. Онгнинг материалистик концепцияси?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Инсоннинг дунёдаги ўрни», «Антроп тамойилнинг намоён бўлиши сабаблари», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин икрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Инсон борлиғининг ўзига хос хусусияти. Инсон борлиғи табиий ривожланишнинг бутунлай янги, юқорироқ босқичи ҳам тегишли ва унинг табиий-жисмоний, биологик асоси ҳисобланади. Шундай қилиб, жонли организмларнинг мавжудлик қонунлари ва тамойиллари ҳис этувчи мавжудот саналган инсонга нисбатан ҳам тўла татбиқ этилади. Аммо бундан ташқари инсонни қолган барча жонли нарсалардан фарқлаш имконини берадиган, унда ҳеч шубҳасиз мавжуд бўлган, лекин синчиклаб қараганда кўринмайдиган, аниқ тавсиф беришнинг иложи бўлмаган нимадир мавжуд. Инсоннинг ички дунёсини акс эттирувчи бу «нимадир» турли даврларда турли мутафаккирлар томонидан жон, руҳият, онг, тафаккур, идеал ва ҳоказолар деб аталган.

Инсоннинг моҳиятини тушунишга уринишлар, инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятини аниқлаш истагига биз ибтидоий жамоа давридаёқ дуч келамиз. Фалсафа тарихида инсон индивидуаллигининг ички, яширин ҳолатини акс эттирувчи «жон» ва «онг» тушунчаларининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, атоқли софистлардан бири Протагор (мил. ав. 490–420-йиллар) милоддан аввалги V асрдаёқ, «Инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди», деб қайд этган эди. Суқрот (мил. ав. 469–399-йиллар) ҳам ҳақиқат излаб инсонга мурожаат этади. Инсон ўз жони фаолиятини бошқара олади, шу боис дунёни тушуниш йўли ўз-ўзини билиш орқали ўтади, деб ҳисоблайди. Суқротнинг машҳур шогирди Платон биринчи бўлиб жон ҳақидаги яхлит таълимотни яратди. У одамлар жонининг қандайлигига қараб уларни ҳар хил типларга ажратди.

Кейинги даврларда Сенека, Р.Декарт, А.Навоий, А.Жомий, И.Кант, И.Фихте, Ж.Сартр, М.Хайдеггер ва бошқа мутафаккирлар инсоннинг маънавий негизини биринчи ўринга қўйиб, унинг онги, маънавий дунёси ва билиш қобилиятларини ўрганиш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бироқ XXI асрда деярли икки ярим йиллик тарихий тараққиёт жараёнида ҳам инсон муаммоси ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Индивидуаллик борлиғи. Нима учун билиш жараёнида инсоннинг ички дунёси доим биринчи ўринда туради? Нима учун инсон борлиғи нарсалар борлиғини тушунишда аксарият муаллифларга таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади? Бу саволларга жавобни қисман француз файласуфи А.Бергсон (1859–1941)нинг қуйидаги сўзларидан топиш мумкин: «Мавжуд барча нарсалар орасида энг ишончлиси ва бизга кўпроқ маълум бўлгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз мавжудлигимиздир, зеро бизда бошқа нарсалар ҳақида мавжуд тушунчаларни сиртқи ва юзаки деб ҳисоблаш мумкин, ҳолбуки ўз-ўзини билиш ички, теран билишдир»[1].

Одамлар асрлар оша ўзларига ўзлари назар ташлаб, ўз ички дунёсини таҳлил қилиш ва ўз моҳиятини тушунишга уриниш йўли билан баъзи бир шак-шубҳасиз тамойилларни аниқлаганлар. Улар орасида инсон тана ва руҳнинг узвий бирлигидир деган тамойил, биринчи ўринда туради. Зеро, бу инсон мавжудлигининг мутлақ ва зарурий омилидир. Айни вақтда бу бирликнинг йўқолиши, унинг узилиши муайян индивиднинг ўлимини, у фикрловчи жонзот сифатида борлиқдан йўқликка ўтишини англатади. Бунда тана табиий-жисмоний тузилма сифатида

[1] Бергсон А. Творческая эволюция. –М.: 1984 г. с. 1.

инсон ўлимидан кейин ҳам маълум вақт мавжуд бўлади, яъни ўз борлиғини муайян даражада сақлайди. Аммо борлиқ маъносидаги индивидуал руҳ, онгдан асар ҳам қолмайди. Моҳият эътибори билан уларнинг йўқолиши муайян инсоннинг ўлимини, индивидуаллик йўқ бўлганини англатади.

Инсон борлиғида онгнинг табиати. ***Онг инсон борлиғининг энг муҳим омилидир.*** Онг муаммосини ечишга нисбатан янгича ёндашувлар ҳозирги замон фалсафасининг иррационалистик оқимларига (лот. «irra» – «онгнинг табиати») мансуб. Онг муаммоси ўта мураккаб муаммолардан бири бўлиб, фалсафада доим қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Бу баҳс ва мунозаралар ҳозир ҳам тугагани йўқ.

Онгнинг табиати шундай: у ҳиссий идрок этиладиган объектив борлиқни тушуниш ва акс эттириш учун биз юқорида фойдаланган аксарият кўрсаткичлар ва тавсифларга мос келмайди. Онгни ўлчаш, бирон-бир тарзда миқдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин эмас, зеро унинг массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, шунингдек, у моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга эмас.

Онг шак-шубҳасиз мавжуд, аммо у мавҳум бўлиб, балки билвосита – одамлар тили ва муайян фаолияти орқали намоён бўлади. Бинобарин, инсон борлиғининг бу элементларини таҳлил қилмасдан онгнинг моҳиятини аниқлаш мумкин эмас. Мазкур таҳлил онгнинг биологик жиҳатини ҳам ўз ичига олади, зеро унинг мавжудлиги инсон бош мияси фаолияти билан узвий боғлиқ. Шу сабабли онгнинг табиати нафақат фалсафада, балки физиология, психология, социология, кибернетика, информатика ва бошқа ижтимоий ва табиий фанларда ҳам ўрганилади.

Айни вақтда мазкур муаммо ўта мураккаблиги туфайли унинг фалсафий талқини айрим фанлар учун муҳим методологик роль ўйнайди. Уларнинг натижалари эса, ўз навбатида, онгнинг табиати хусусидаги фалсафий мулоҳазалар учун асос бўлади. Онгнинг табиати масаласининг қўйилиши ва унга берилган тегишли жавоб, одатда, барча кейинги фалсафий, чунончи: онтологик, гносеологик, ижтимоий ва бошқа мавзулардаги мулоҳазаларнинг йўналишини белгилайди.

Онг ва жоннинг тенглаштирилиши. Атроф муҳитда, ўз ички дунёсида юз бераётган ўзгаришларга одамлар қадим замонлардаёқ эътибор берганлар. Бу жон ва руҳ ҳақидаги мулоҳазалар пайдо бўлишига олиб келган. Шу тариқа башарият тарихида анимизм – одамлар, ҳайвонлар ҳаёти, нарсалар ва ҳодисаларга жон ва руҳлар таъсир кўрсатишига бўлган эътиқод пайдо бўлди, шу аснода шаклланган дунё ҳақидаги тасаввурлар кейинчалик у ёки бу тарзда турли динлар негизини ташкил этди.

Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар одатда муайян биринчи асослар (ҳаво, олов, атомлар ҳаракати ва ш.к.) билан боғланган ва шахссиз бўлган, яъни инсон табиатининг бетакрорлиги, унинг индивидуаллиги билан тенглаштирилмаган. Суқротдан олдинги фалсафа тўлалигича шундай хусусиятга эга бўлиб, бу ерда идеаллик тушунчасини деярли учратмаймиз. Масалан, оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос деб ҳисоблаган Гераклит жон (психея) олов ёки сувдан иборат бўлади, деган ғояни илгари суради. Олов кўпроқ бўлган «қуруқ» жонни – энг оқил ва мақбул деб ҳисоблайди. Жон намлангач, ўз кучини йўқотади, ҳўлланган эса – ҳалок бўлади. Шу сабабли жон олови кучлироқ ёниши учун фаол маънавий ва ақлий ҳаёт кечиришга ҳаракат қилиш лозим. Ўз навбатида айрим

кишиларнинг жонлари бутун дунёнинг биринчи сабаби ҳисобланадиган ва уни бошқарадиган дунёвий ақл олови – «логос» билан боғлиқ.

Суқрот ва Платон моддий ва идеал ҳодисаларни фарқлаган. Шунингдек, Платон Европа фалсафий анъанасида идеал асосни қайд этибгина қолмасдан, балки ундан моддий асосни ҳам келтириб чиқарган биринчи файласуф ҳисобланади. Айрим инсон онги эса, Платон фикрига кўра, унинг жони билан бевосита боғланади. Бу ўлмас жон у ёки бу танага, тана туғилгунга қадар ўз «зиндони»га тушгандек кириб жойлашади ва у ўлганидан кейин эса боқий ғоялар дунёсида мушоҳада юритади ва шу тариқа уларни ўрганиб яшайди. Платон руҳий ҳодисаларни туйғулар дунёси (сезиш ва идрок этиш) ва интеллектга ажратади. Интеллектда у ақл ва идрокни фарқлайди. Бунда соф ғоялар билан иш кўрувчи ақл фикрлашнинг формал усуллари билан боғлиқ (масалан, математикада) идрокка қараганда юксакроқ ҳодисадир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинчалик фалсафада идеал нарсалар ва ҳодисаларни тушунишга нисбатан кўп сонли ҳар хил ёндашувлар пайдо бўлди, аммо уларнинг барчаси идеалликни моддийлик ва кўламлиликка қарши қўяди.

Аристотелнинг «Жон ҳақида» рисоласини қадимги юнон файласуфларининг онг ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларининг муайян якуни деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда жон тананинг моҳияти, унинг уюштирувчи тамойили саналса-да, лекин ақл ички фаоллигининг инъикосига эмас, балки космос ҳаётининг умумий қонунларига бўйсунади.

Ўрта асрлар Европа фалсафаси «дин чўриси»га айланиб, онг ҳақидаги масалага бутунлай ўзгача нуқтаи назар билан ёндашди – уни абадий мавжуд бўлган дунёни, шу жумладан, инсон ва унинг жонини йўқликдан яратган Худонинг ягона дунёвий асос сифатидаги талқини билан боғлади. Бу таълимотга биноан инсон ақли илоҳий ақлнинг бир зарраси сифатида муайян даражада ўзини ўзи билиш, ўзини ўзи таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлса-да, онгнинг бу фаолияти Тангрини билиш ва у билан мулоқот қилишга қаратилгандир. Онгнинг мазкур объектив-идеалистик талқини билан бир қаторда ўрта асрларда онгни «фикрловчи материя»дан келтириб чиқарган материалистик анъанада ҳам узилиш юз бергани йўқ. Бундай қарашларга Шарқ фалсафаси (Ибн Сино, Ибн Рушд) ўз таъсирини кўрсатган европалик айрим файласуфлар Дунс Скот, брабанлик Сигернинг асарларида дуч келиш мумкин.

Онг ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши. Янги даврда онг ҳақидаги тасаввурлар анча кенгайди. Р.Декарт (1596–1650) онгни тафаккур билан тенглаштириб, уни умумийроқ тусдаги «руҳият» тушунчасидан ажратди ва онгни мустақил, эркин фикрловчи субстанция деб ҳисоблаб, ёнма-ён жойлашган бошқа – кўламли, фикрламайдиган, моддий субстанцияга қарши қўйди. Дуализм деб номланган мазкур фалсафий ёндашув кейинчалик онгнинг табиатини тушунишга нисбатан икки қарама-қарши ёндашув юзага келишига замин ҳозирлади. Шулардан бири руҳийни жисмонийга (Гоббс); маънавийни – моддийга боғлаш билан тавсифланади. Иккинчи ёндашув субъектив (Беркли, Юм, Фихте, Мах ва бошқалар) ва объектив (Платон, Фома Аквинский, Гегель) идеализм билан боғлиқ бўлиб, моддий ва жисмоний нарсалар ва ҳодисаларни иккиламчи, идеал, маънавий, руҳий нарсалар ва ҳодисалар маҳсули деб тушуниши билан ажралиб туради.

Иккала ёндашув ҳам немис классик фалсафасида фаол ривожлантирилди. Масалан, Гегель индивидуал онгга бутун ривожланиш негизи саналган мутлақ ғоянинг пировард шаклларидан бири сифатида ёндашди. Бу ерда онг тарихан белгиланган фаол асос сифатида тушунилади. Мазкур асосда унинг тузилиши даражалари, хусусан, ҳиссий, мантиқий, индивидуал ва ижтимоий даражалар фарқланади.

Бюхнер, Фохт, Молешотт каби файласуфлар онгга «вульгар материализм» нуқтаи назаридан ёндашади. Бу ёндашувга кўра онг соф моддий жараён сифатида талқин қилинар, унинг мазмуни эса инсон ейдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби билан боғланар эди. Улар жигардан сафро ажралганидек, ақлдан фикр ажралади, деб ҳисоблаган.

Табиатшуносликнинг ривожланиши, айниқса, нейрофизиология, биология, экспериментал психология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар сўнгги йилларда бизнинг онг табиати ҳақидаги тасаввурларимизни сезиларли даражада кенгайтирди. Шунга қарамай, сунъий интеллект яратиш борасидаги ишлар, «фикрловчи машиналар»нинг пайдо бўлиши ва «ахборот портлаши» ва компьютер инқилобининг бошқа натижалари, хусусан шахмат ўйинида ҳатто жаҳон чемионларини ҳам ютишга қодир суперкомпьютерларнинг яратилиши инсон онгининг моҳияти ва имкониятлари ҳақидаги масала янгидан қўйилишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, аввалги саволларга жавоб олиш баробарида янги муаммолар ҳам пайдо бўлди. Бироқ улар онг муаммосини ечишга нисбатан ҳар хил, баъзан бир-бирини истисно этувчи нуқтаи назарлар ва фалсафий ёндашувлар сонини асло камайтиргани йўқ.

Онгсизлик. Онг инсоннинг ички дунёси сифатида ўз структурасига эга. Уни ўрганишдан олдин қуйидаги ҳолатга эътиборни қаратиш лозим. Баъзан «онг» тушунчаси «инсон руҳияти» тушунчаси билан айнийлаштирилади. Бу нотўғри. *Руҳият – онгга қараганда мураккаброқ тузилма бўлиб, у акс эттиришнинг икки соҳаси – онг ва онгсизликни ўз ичига олади.*

Олимлар инсонда онглилик ва онгсизликнинг ўзаро нисбати тўғрисида сўз юритар эканлар, баъзан уларни океандаги музтоққа ўхшатадилар. Бу музтоғнинг сув устидаги кўзга кўринадиган қисми онгга қиёсланади, сув остидаги кўринмайдиган қисми эса онгсизликка ўхшатиладики, унинг миқёси, шакли, тузилиши ва мазмуни ҳақида биз билвосита белгиларга кўра фақат тахмин қилишимиз мумкин. *Онгсизлик соҳаси – бу ақлдан ташқаридаги руҳий ҳодисалар, ҳолатлар ва ҳаракатлар мажмуи*, деб ҳисоблаш одат тусини олган. Бу соҳага, энг аввало, *инстинктлар* – инсон хулқ-атворининг узоқ тадрижий ривожланиш жараёнида ҳосил бўладиган ва ҳар бир мавжудотнинг ҳаёт функцияларини, умуман унинг мавжудлигини таъминлашга қаратилган туғма ҳаракатлари мажмуи киритилади. Онгсизликни (онг ости) тушуниш янада кўпроқ қийинчилик туғдиради. Унинг мавжудлиги австриялик машҳур психиатр З.Фрейд (1856–1939) томонидан XX аср бошида аниқлаган.

Ҳар хил тушлар, галлюцинациялар, хаёлдан кетмайдиган ғоялар, интуиция ва шу кабилар онгсизликнинг намоён бўлиш шаклларига мисол бўлиши мумкин. Улар одамлар руҳияти ва хулқ-атворига кучли таъсир кўрсатади, лекин айни вақтда бу жараёнларни бошқариш нуқтаи назаридан уларга бўйсунмайди. Шу сабабли *онг-*

сизлик онгнинг муайян лаҳзада онг билан бошқаришга қодир бўлмаган парчаси, дейиш мумкин[1].

Онгсизлик структурасига онг соҳасида вужудга келиши ва вақт ўтиши билан онгсизлик соҳасига кириши мумкин бўлган интуиция ва автоматизмларни ҳам киради. *Интуиция* – бу олиш йўллари ва шартларини англамасдан, бевосита ҳиссий кузатиш ёки мушоҳада юритиш йўли билан олинадиган билим. *Автоматизмлар* – бу аввал онг назорати остида пайдо бўлиб, узоқ машқ қилиш ва кўп карра такрорлаш натижасида онгсиз ҳаракатлар хусусиятини касб этувчи инсоннинг мураккаб ҳаракатлари. Туш, гипноз ҳолати, сомнамбулизм ҳодисалари, ҳушсизлик ҳолатлари ҳам онгсиз ҳаракатлар ҳисобланади.

Руҳий фаолиятга онгсиз ҳаракатларнинг қўшилиши натижасида онгга тушувчи юк камаяди, бу эса, ўз навбатида, инсоннинг ижодий имкониятлари майдонини кенгайтиради. Ҳозирги замон фани *онг ости соҳаси* тушунчаси билан ҳам иш кўради. Бу онгсизлик соҳасининг алоҳида қатлами ёки даражасидир. Унга фаолият амалларининг онг даражасидан автоматизм даражасига ўтиши билан боғлиқ руҳий ҳодисалар киритилади.

Онгсизлик ва онг инсон ягона руҳий борлиғининг нисбатан мустақил бўлган икки томони ҳисобланади; уларнинг ўртасида тез-тез зиддиятлар, баъзан конфликтлар юзага келади, лекин улар бир-бири билан боғланган, бир-бири билан ўзаро алоқа қилади ва уйғун бирликка эришишга қодир. Онгсизлик соҳасида инсон ҳаёт фаолиятини, айниқса, субъектнинг ижодий фаолиятини оқилоналаштириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Бу ҳол иррационалистик фалсафий таълимотларнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Уларда онгсизликнинг турли шакллари: инстинктлар, интуиция ва шу кабилар инсон хулқ-атворининг салмоқли ёки ҳатто ҳал қилувчи кучи ҳисобланади. Иррационализмнинг таниқли намояндалари орасида *Артур Шопенгауэр* (Германия), *Сёрен Кьеркегор* (Дания), *Фридрих Ницше* (Германия), *Эдуард Гартман* (Германия), *Анри Бергсон* (Франция), *Зигмунд Фрейд* (Австрия), *Мартин Хайдеггер* (Германия) кабилар онгс излик муаммосини таҳлил қилганлар. Хусусан, Зигмунд Фрейд яратган инсон хулқ-атвори моделининг замирида инсон руҳиятида жинсий майлларнинг ҳукмронлиги ҳақидаги тасаввур ётади. Мазкур майллар онг билан тўқнашади ва натижада уни ўзига бўйсундиради. Аммо фалсафий мактабларнинг аксарияти ўзгача нуқтаи назарни илгари суради. Улар инсон руҳиятида етакчи асос онг бўлиб, у онгсизлик соҳасини «озиқлантириш» ва уни кўп жиҳатдан шакллантириш орқали умуман олганда, уни бошқаришга, шунингдек, инсон хулқ-атворининг умумий стратегиясини белгилашга қодир, деб ҳисоблайди.

Индивидуал онг борлиғи. Инсон онгини илмий тушуниш йўлидаги биринчи қадам одамзод онги унинг мияси ва физиологияси билан узвий боғлиқ бўлсада, лекин улар умуман жонсиз ёки жонли табиат билан мутлақо боғланмайдиган алоҳида нарса сифатида мавжуд эканлигини тан олиш билан боғлиқдир.

Индивидуал онг инсон миясининг объектив борлиқни идеал образларда акс эттириш ва бу образлардан фикрлаш жараёнида фойдаланиш қобилияти. Уни бевосита кузатиш мумкин эмас. Онг фақат инсон мияси ишининг натижаси,

[1] Қаранг: Шрейдер Ю.А. Загадочная притягательность философии (субъективные заметки) // Вопросы философии. 1996 г. №7. с. 168.

унинг хоссаси сифатида, шунингдек, онг намоён бўлишининг фикрлар, ғоялар, эътиқодлар, қадриятлар, мўлжаллар ва шу кабилар тарзида ифодаланган турли шакллари орқали тадқиқ этилиши мумкин.

Индивидуал онг борлиғини одатдаги макон ва вақт координаталарида тавсифлаш мумкин эмас. У нафақат доим «шу ерда ва ҳозир» мавжуд бўлади, балки гўёки макондан ташқарида ётади, чунки бирон-бир ҳажм ёки миқдорий ўлчанадиган чизиқли кўрсаткичлар билан ифодаланиши мумкин эмас. Вақтда у (далил сифатида, ҳодиса сифатида), ҳар қандай нарсанинг борлиғи каби, фақат ҳозирги замонда мавжуд бўлади, зеро у ўтмишда йўқ бўлган, келажакда эса ҳали мавжуд эмас. Бироқ, моддий нарсалар борлиғидан фарқли ўлароқ, онг бир қанча ўзига хос хусусиятлар, чунончи: вақт шкаласи бўйлаб ўтмишга ҳам, келажакка ҳам бир лаҳзада кўчиш, илгари мавжуд бўлган нарсалар, юз берган воқеаларни хаёлда акс эттириш, пайдо бўлиши, юз бериши мумкин бўлган нарсалар ва воқеаларни тасаввурда гавдалантириш қобилиятига эгадир. Аммо ўтмиш ёки келажакнинг идеал образлари ҳисобланган онгни унинг ҳақиқий борлиғида ўз экранида тасвирларни алмаштирувчи айланувчан калейдоскоп билангина таққослаш мумкин.

Айрим кишилар борлиғи ҳақида сўз юритганда, шуни таъкидлаш лозимки, у барча жонли организмларда бўлганидек функционалгина эмас, балки ўз шаклланиш жараёнида муайян босқичлардан ўтади, бунда тана билан бир қаторда руҳ ҳам ривожланади. Гарчи бу икки жараён диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлса-да, улардан ҳар бирининг ривожланиши ўз йўлидан боради ва асосан турли қонунларга бўйсунади. Айрим кишилар бир-бирига ўхшамаслиги ва уларнинг чексиз даражада ранг-баранглиги шу ҳол билан белгиланади. Улар ўз шаклланиш жараёнининг айни бир босқичлари – инсон, индивид, шахсни ҳар бири ўзича босиб ўтади.

Шахс – инсоннинг уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса. Шахс фақат жамиятда, ўзига ўхшаш одамлар билан мулоқот қилиш, ўтган авлодлар тўплаган тажриба ва билимларни, ўзига қадар яратилган қадриятлар ва хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштириш орқали шаклланиши мумкин. Шунинг учун ҳам шахс бўлиш – ижтимоий «қиёфа»га эга бўлиш демакдир. Буларнинг барчаси ижтимоий борлиқнинг турли ҳолатлари ва жараёнларини тавсифлайди. Уларни тўла ёритиш ижтимоий фалсафа муаммоларининг бутун мажмуини таҳлил қилишни тақозо этади.

Ижтимоий онг борлиғи. Ижтимоий борлиқнинг ўзига хос хусусиятларига назар ташласак, у борлиқнинг бошқа барча шаклларидан бутунлай фарқ қилади. Яхлит ҳолда олинган ижтимоий «организм» ҳайвонлар подасидан бутунлай фарқ қилади. Жамиятнинг бу ўзига хос, бетакрор хусусияти фалсафада «ижтимоий онг», «жамоа ақли», «объективлашган маънавият» ва ҳоказолар деб аталади. У ҳар хил шаклларда намоён бўлади.

Бу фикрни исботлаш учун мулоқот, коммуникация, одамларни тарбиялаш ва уларнинг ижтимоийлашуви воситаси саналган тилни кўриб чиқамиз. Тилнинг айрим кишилар онги, ғоялари, фикрлари билан узвий боғлиқлиги аниқ, аммо ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан тил ижтимоий табиатга эга эканли-

ги ҳам шубҳасиз. Худди шунингдек, тил – инсон нутқи одамлар жамиятида пайдо бўлгани ва фақат шу ерда мавжуд бўлиши мумкин. Унинг ташқи оғзаки, овоз кўриниши, мазмуни, теранлиги, кенглиги, бойлиги кўплаб авлодларнинг кўп асрлик ўзаро алоқаси ва ўзаро камол топиши маҳсулидир. Бунда айрим инсон у ёки бу тилни фақат мулоқот жараёнида ўзлаштиради. Айни ҳолда умуман тил ҳақида сўз юритилмоқдаки, у табиий ҳам, сунъий ҳам бўлиши мумкин.

Энди индивидуал ва жамоа (ижтимоий) маънавиятининг идеаллар, меъёрлар, қадриятлар ва тасаввурларда акс этувчи ўхшаш жиҳатлари ва фарқларига тўхталамиз. *Индивидуал маънавий борлиқдан фарқли ўлароқ, ижтимоий маънавий борлиқ ҳақида унинг фан, санъат, дин, ахлоқ ва умуман маданият тарзидаги кўринишларига қараб ҳукм чиқаришимиз мумкин.* Хусусан, у ёки бу илмий ғояларнинг пайдо бўлиши доим муайян олимлар билан боғлиқ, аммо фан ижтимоий ҳодиса сифатида муайян шахслар билан боғланмайди, зеро у айрим олимлар илгари сурган назарий қоидалар мажмуидан юқорироқ даражада туради. Босма, аудиовизуал ва бошқа ахборот манбалари, тегишли асбобускуналар ва шу кабиларсиз фанни тасаввур қилиш мумкин эмас. У яхлит ҳодиса сифатида мустақил борлиққа эга. Бугунги кунда, компьютер технологиялари инқилоби даврида фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланди.

Санъат соҳаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Қўшиқлар, рақслар ва мусиқа ўз муайян ижрочиларига эга бўлгани ҳолда, ўзининг одатлар, расм-русумлар ва идеаллар кўринишидаги нисбатан мустақил ҳаёти билан яшайди ва шу тариқа ижтимоий макон ва вақтда ҳаракатланиб сақланиши, такомиллашиши ва кўпайиши мумкин.

Ижтимоий онгнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у, индивидуал онгдан фарқли ўлароқ, ўз «танаси»ни «тарк эта» олмайди, худди шунингдек, у ўз «танаси»дан, яъни жамиятдан ташқарида мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу сабабли ижтимоий онг асрлар мобайнида абадий мавжуд бўлган, йўқ қилиб бўлмайдиган нарса сифатида қаралган, унинг борлиғи эса бутун инсоният борлиғи йўқ бўлиши билан барҳам топиши мумкин, деб ҳисобланган.

Аммо XX асрнинг ўрталарида одамлар ўз-ўзини қирғин қилиш воситаси – ядро қуролини яратдилар ва шу пайтдан эътиборан инсоният ўзининг «умрбоқийлиги»ни йўқотди ва эндиликда у, яшаб қолишга ҳаракат қилувчи айрим жонли организм каби, ижтимоий ҳаётни ўз-ўзини қирғин қилишдан асраб, ўз ижтимоий борлиғини сақлаш ҳақида қайғуриши лозим..

Онг фалсафий муаммо сифатида. Рационализмдан фарқли ўлароқ иррационализм («irrationalis» – «нооқилона», «онгсиз») борлиқни оқилона англаш имкониятини чеклайди, баъзан эса бутунлай инкор этади. Хусусан, неофрейдизмнинг атоқли намояндаларидан бири К.Г.Юнг (1875–1961) онгни илмий воситалар билан билиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган ва унга таъриф беришга уринишлардан бутунлай воз кечиб, уни расмлар ва метафоралар ёрдамида тавсифлаш билангина кифояланишни таклиф қилган. Онгни тушуниш иррационализм экзистенциализм ва неопозитивизм каби фалсафий оқимларга ҳам хосдир.

Иррационализмга зид ўлароқ, онгни тушунишга нисбатан материалистик ёндашув онгнинг пайдо бўлишини материянинг ўзи билан тушунтиришга инти-

лиш, айни вақтда унинг табиат ва вақтдан ташқарида ҳамда номоддий келиб чиқишини инкор этиш билан тавсифланади. Бундай қарашларни асослаш учун илмий ва амалий ютуқлардан доим кенг фойдаланилган. Мазкур йўналиш турли даврларда сезувчи, фикрловчи материянинг фарқи ва ўзига хос хусусиятлари нимада, деган мушкул саволларга жавоб излаган.

Мазкур муаммони тўла ва узил-кесил тушунганликни даъво қилмасдан, шуни қайд этиш мумкинки, ҳозирги замон фани *ўзини бевосита ёки билвосита намоён этувчи онг инсон миясининг иш жараёни ҳисобланади, унинг функцияси сифатида амал қилади ва ундан айри ҳолда намоён бўлмайди*, деб эътироф этади.

Ҳозирги замон фани инсон миясида юз миллиарддан ортиқ асаб ҳужайралари узлуксиз ишлашини, уларнинг ҳар бири ўз навбатида бошқа ўн минг ҳужайра билан ахборот ва сигналлар алмашишини аниқлаган. Инсон мияси, гарчи унинг массаси тана массасининг атиги икки-уч фоизини ташкил этса-да, организм овқатдан оладиган бутун энергиянинг йигирма фоизига яқинроғини истеъмол қилади.

Мазкур ўта мураккаб биологик «компьютер» ишини тадқиқ этиш мумкин бўлиб, бу билан махсус фанлар шуғулланади, аммо фалсафа бундай тадқиқотларни эътиборга олиб, ўз олдига биринчи навбатда онгнинг табиати қандай, деган саволга унинг вужудга келиши ва генезисини ўрганиш йўли билан жавоб бериш вазифасини қўяди. Бунда фалсафа инсон миясининг функцияси саналган онгни ўрганиш билангина чекланмайди, балки масалани кенгроқ қўяди: онгнинг бошқа шакллари, хусусан ўзга моддий тузилмалардан пайдо бўлган онг шакллари мавжуд бўлиши мумкинми, деган саволга жавоб излайди. Шунингдек, фалсафа онгнинг материядан олдин пайдо бўлган ёки у билан мутлақо боғлиқ бўлмаган моҳият ҳисобланишини назарда тутадиган таълимотларни ҳам истисно этмайди.

Шунга қарамай бугунги кун нуқтаи назаридан инсон ақли тушунишга қодир бўлган борлиққа таянадиган фалсафий ғоялар ишончлироқ хусусият касб этади. Шу маънода онг ҳақида ҳозирча фақат инсон мияси фаолияти муносабати билан аниқ сўз юритиш мумкин.

Янги табиий-илмий маълумотлар олиниши онгнинг табиатини тушунишга нисбатан материалистик ёндашувлар мавқеини кучайтирмоқда. Аммо, кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ўта мураккаб масала хусусида фалсафанинг материалистик йўналиши вакиллари ўртасида ҳам ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, XX асрнинг 50-йиллари охирида АҚШ ва Австралияда илмий материализм вужудга келди. У «вульгар материализм» анъанасини давом эттириб, моҳият эътибори билан маънавий ҳодисаларни миянинг физик ҳолатлари билан тенглаштирди (Р.Рорти, Г.Фейгл, Д.Армстрон ва бошқалар). 70-йилларда АҚШ ва Канадада яна бир фалсафий йўналиш – «эмержентистик материализм» шаклланди (ингл. «emerge» – «юзага чиқиш», «пайдо бўлиш», «юзага келиш»). Унинг вакиллари – М.Бунге, Ж.Марголис ва бошқалар индивидул руҳият ва онгнинг эволюцион келиб чиқиши ғоясини ҳимоя қилиб, руҳий ҳодисаларни жисмоний ҳодисаларга боғлашга қарши чиқдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, онгнинг материалистик концепцияси ҳозирча энг мукаммал ва ҳозирги замон табиатшунослиги талабларига кўпроқ даражада жавоб берадиган фалсафий концепция бўлиб қолмоқда. Айни шу сабабли унга қуйида муфассалроқ тўхталамиз.

Онгнинг материалистик концепцияси. *Материалистлар онгнинг пайдо бўлишини фақат нотирик материядан табиий йўл билан вужудга келган тирик материянинг тадрижий ривожланиши маҳсули сифатида тушунтиришга ҳаракат қилдилар ва онг табиатининг талқинига «инъикос» тушунчасини киритадилар.* Уни материянинг умумий хоссаси деб ҳисоблаб, онгни инъикоснинг олий типи деб тавсифлайдилар ва онгнинг генезисига табиий-тарихий нуқтаи назардан ёндашиб, унинг пайдо бўлишини меҳнат ва тил билан боғлайдилар.

Бу назария объектив дунёнинг барча объектлари, жараёнлари ва ҳодисалари муттасил ўзгаришда бўлиши, шунингдек, бир-бири билан универсал ўзаро алоқа қилиши ва ўзаро таъсирга киришишини эътироф этади.

Бундай ўзаро таъсирлар натижасида айрим жисмлар ва ҳодисалар бошқа жисмлар ва ҳодисаларга таъсир кўрсатиб, уларда тегишли ўзгаришлар ясаш ва уларни муайян тарзда ўзида гавдалантириш орқали уларда гўёки ўз «изи»ни қолдиради.

Инъикос – нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди[1].

Тирик табиатда инъикос нисбатан содда шакллари ва пассив хусусияти билан тавсифланади. Яъни, сиртдан таъсирланиш натижасида нарсалар ва ҳодисалар ўз механик, физик ёки кимёвий хусусиятларини ўзгартиради, лекин мазкур ўзаро таъсирга жавобан ҳеч қандай фаоллик кўрсатмайди. Бу ерда қумдаги оёқ излари ёки қадимги организмлар ва ўсимликларнинг тоғ жинсларидаги излари, фотосуратлар, кўзгудаги акс ва шу кабилар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳаёт пайдо бўлган пайтдан эътиборан инъикоснинг бутунлай бошқача (биологик) шакли – таъсирланувчанлик барча жонли нарсаларнинг атроф-муҳит таъсирига муносабат билдириш қобилияти сифатида вужудга келди. Бу қобилият фақат сиртдан таъсирларга нисбатан намоён бўлади. Жонли организмлар эволюциясининг юқорироқ даражасида (ҳайвонот дунёси – фауна вужудга келиши билан) таъсирланиш қобилияти бутунлай бошқа хосса – сезувчанликка ўтади. Бу энди инъикоснинг руҳий шакли бўлиб, у организмларда асаб тизими тизими ва руҳиятнинг элементар шакллари пайдо бўлиши натижасида вужудга келади. Сезувчанлик организмларнинг нарсаларнинг айрим хоссаларини сезгилар тарзида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлади.

Сезгилар эса, ўз навбатида, юксак даражада уюшган ҳайвонларда, масалан умуртқали ҳайвонларда инъикоснинг янада мураккаброқ шакллари, хусусан идрок этиш ва тасаввур қилиш қобилиятлари пайдо бўлишига замин ҳозирлайди. Бу инъикоснинг объектив дунё нарсалари ва ҳодисалари мияда уларнинг идеал нусхалари кўринишида акс этадиган даражасидир. Бу ерда «ақлли» ҳайвонлар мияси имкониятларининг чегараси намоён бўлади. Гарчи улар ўзини қуршаган дунёнинг идеал образларини тасаввур қилиб, шу образларга кўра, масалан, ўз эгаларини танисалар-да, уларнинг мияси идеал образлар билан фикрлаш амаллари тарзидаги махсус ишни бажаришга қодир эмас. Бу вазифани ҳал қилишга юқорироқ даражадаги мия қодир бўлиб, унга фақат инсонгина эгадир.

Шундай қилиб, биологик инъикос сезиш, идрок этиш ва тасаввур қилиш каби ҳиссий шаклларда амалга оширилади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу ерда фикрлаш жараёнида намоён бўладиган онг мавжуд эмас. Онг борлиқни акс этти-

[1] Қаранг: Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й. 172-б.

ришнинг юқорироқ даражаси бўлиб, фақат ижтимоий соҳада мавжуд бўлиши мумкин ва инсон миясида, аввало, мавҳум фикрлашнинг тушуниш, мулоҳаза ва мушоҳада юритиш каби идеал шаклларида амалга оширилади. Инсон идеал образларни ўз онгида умумлаштириб, шу тариқа объектив борлиқни тушунчаларда (категорияларда) акс эттиради. Уларнинг ўртасида мантиқий алоқа ўрнатиб, турли нарсалар, ҳодисалар ва шу кабиларнинг моҳиятини тўғри ёки нотўғри акс эттириш орқали улар ҳақида у ёки бу хулосага келади. Мушоҳада юритиб инсон нарсалар ва ҳодисаларни билади ва шу тариқа борлиқни онгнинг муҳим хусусияти саналган мавҳум фикрлаш орқали акс эттиради.

Инъкоснинг олий шакли сифатида онгнинг пайдо бўлиши «ақлли одам» (homo sapiens)нинг шаклланиш жараёни билан боғланади ва аввало меҳнат фаолияти билан белгиланади. Меҳнат қилиш қобилияти руҳиятнинг ривожланишида улкан сакраш бўлди. Маймун анатомияси ва физиологиясидаги эволюция инсон пайдо бўлишига замин ҳозирлаган бўлса, табиати соф ижтимоий хусусиятга эга бўлган меҳнат мазкур жараённинг энг муҳим омилига айланди.

Тил ва онг. *Онг нафақат инсоннинг меҳнат фаолияти, балки одамлар ўзаро алоқаси ва мулоқотининг универсал воситаси – тил билан ҳам узвий боғлиқдир.* Аниқ, тушунарли нутқнинг пайдо бўлиши, нафақат ижтимоий муносабатлар, балки инсоннинг ўзи, унинг онги ривожланишининг бутунлай янги ва қудратли воситасига айланди, чунки биологик омил (ирсият)дан ташқари одамларда тил ёрдамида янада қудратлироқ омил – тажриба ва муҳим ахборот беришнинг ижтимоий усули пайдо бўлди. Бу турли авлодлар ва тарихий даврларнинг билимлари, анъаналари, маданиятларининг ворисийлигини таъминлади, сўнгги зикр этилган ҳол эса, ўз навбатида, тилнинг янада ривожланиши ва такомиллашувига туртки берди ва замин ҳозирлади.

Шундай қилиб, меҳнат, онг ва тил бир-бири билан шу даражада узвий боғландики, улардан ҳар бирининг келиб чиқиши ва тарихий ривожланишини бир-биридан алоҳида тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунда тил инсоннинг фикрлаш фаолияти амалга ошувчи муҳим шакл ҳисобланади, меҳнат эса, ўз навбатида, тилни ривожлантиради ва бойитади.

Хуллас, индивиднинг онги ижтимоий белгилангандир, яъни у фақат жамиятда шаклланади ва ундан ташқарида пайдо бўлиши мумкин эмас. У нафақат келиб чиқишига кўра, балки борлиқ усули жиҳатидан ҳам ижтимоий ҳодиса ҳисобланади, чунки одамларнинг хулқ-атвори, ҳаракатларида намоён бўлади, уларнинг фаолият йўналишини белгилайди.

Онгнинг структураси ва функциялари. Онг қандай структурага эга? Онг структураси кўп жиҳатдан шартлидир. Гап шундаки, онг элементлари бир-бири билан узвий боғланган. Аммо, шунга қарамай, онгда қуйидаги элементларни ажратиш мумкин:

Биринчи элемент – *билим*. Бу онгнинг бош таркибий элементи, унинг ўзаги, мавжудлик воситаси. Билим – бу инсоннинг воқелик ҳақидаги тушунчаси. Инсон онгида билим англаб етилган ҳиссий ва мавҳум мантиқий образлар сифатида акс этади. Билимлар ёрдамида инсон ўзини қуршаган дунёни ва билишнинг предметини тўлалигича қамраб олиши ва англаб етиши мумкин. Билим онгнинг моддий фаолият воситасида дунёни изчиллик билан яратиш имконияти, воқеалар

ривожини назарда тутиш, ижодий фаоллик кўрсатиш каби хоссаларини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, онг – бу билимлар шаклидаги воқеликка инсон эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ёндашишдир.

Онг структурасининг иккинчи муҳим элементи *эмоциялардир*. Инсон ўзини қуршаган дунёни совуққонлик ва бефарқлик билан эмас, балки қониқиш, нафрат ёки ҳамдардлик ҳисси билан англаб етади. У ўз онгида акс этган ҳамма нарсани ҳис қилади. Эмоциялар борлиқнинг реал ҳодисаларини индивид англаб етишини ё рағбатлантиради, ё бунга тўсқинлик қилади. Кўзни қувонтирадиган нарсалар хотирага осонроқ ўрнашади. Аммо баъзан дунёнинг «кўзни қувонтирадиган» манзараси ўзига маҳлиё қилиши, иллюзиялар туғилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Айрим, айниқса, салбий эмоциялар ақлнинг теранлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, қўрқув ҳисси инсон юз бераётган ҳодисаларни англаб етиши йўлида тўсиққа айланиши мумкин. Шахснинг энг муҳим ижтимоий ва экзистенциал қадриятлар билан алоқалари англаб етилиши натижасида шаклланадиган маънавий туйғулар (масалан, муҳаббат туйғуси) эмоцияларнинг олий даражаси ҳисобланади. Туйғулар моддий мазмунга эгалик, турғунлик, реал вазиятга боғлиқ эмаслик билан тавсифланади. Эмоциялар соҳаси инсон онгининг барча ҳаракатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, унинг фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилади.

Онгнинг учинчи таркибий элементи *ирода* ҳисобланади. Ирода инсон ўз фаолиятини онгли равишда, изчиллик билан бошқаришини ўзида ифодалайди. Бу инсоннинг ўз фаолиятида юзага келадиган, субъектив ва объектив қийинчиликлар ва тўсиқлардан онгли равишда ошиб ўтишни талаб этадиган вазифаларни ҳал қилишга ўз руҳий ва жисмоний кучларини сафарбар этиш ва йўналтириш қобилиятидир. Инсон меҳнат қуролларини яратиши – бу иродани шакллантиришнинг биринчи ва энг муҳим мактабидир. Ирода ва мақсад бир-бирини тўлдиради. Иродасиз мақсадга эришиш мумкин эмас; мақсадга мувофиқ фаолиятсиз ирода ҳам бўлмайди. Ирода – бу онгли интилиш ва ҳаракатга майл уйғотишдир. Аммо инсонга онгсиз майллар ҳам хос. Баъзан инсон қаергадир интилади, лекин қаерга ва нима учун интилаётганини унинг ўзи ҳам билмайди. Бундай онг ости ҳаракати инсонга ҳайвонлардан ўтган.

Онг структурасининг яна бир элементи – бу *тафаккур*дир. Тафаккур – индивид билиш фаолиятининг воқеликни умумий ва билвосита акс эттириш билан тавсифланувчи жараёни. Мазкур жараён нарсаларнинг муҳим, табиий муносабатларини маълум, ҳис қилинган, эшитилган нарсалар асосида акс эттиришни ўзида ифодаловчи мавҳум тушунчалар, мулоҳазаларнинг яратилиши билан якунланади. Фикрлаш фаолияти ёрдамида биз кўз билан кўриш ва қўл билан ушлаш мумкин бўлмаган нарсаларни идрок этамиз. Тафаккур бизга муҳим хоссалар, алоқалар ва муносабатлар ҳақида билим олиш имкониятини беради. Тафаккур ёрдамида биз сиртдан ичга, ҳодисадан нарсалар, жараёнларнинг моҳиятига ўтишни амалга оширамиз.

Онг структурасига *эътибор* ва *хотира* ҳам киради. *Эътибор – бу инсон руҳий фаолиятининг муайян объектларга қараб мўлжал олишда намоён бўлувчи шакли.*

Хотира – бу индивид миясида унинг ўтмишдаги тажрибасини мустаҳкамлаш, сақлаш ва гавдалантиришдан иборат бўлган руҳий жараён. Хотиранинг асо-

сий элементлари эслаб қолиш, сақлаш, гавдалантириш ва унутиш ҳисобланади. Эслаб қолишнинг физиологик асосини бош мия пўстлоғида вақтинчалик нерв алоқаларининг ҳосил бўлиши ва қайд этилиши ташкил қилади. Нерв алоқаларининг кейинчалик жонланиши эслаб қолинган материални гавдалантириш имкониятини беради, бу алоқаларнинг сусайиши эса хотирадаги материалнинг унутилишига олиб келади.

Инсоннинг субъектив борлиғида муҳим кичик структура – *ўзликни англаш* ҳам бор. Бу инсоннинг ўзини шахс сифатида англаб етиш, ўзининг мустақил қарорлар қабул қилиш ва шу асосда одамлар ва табиат билан онгли муносабатларга киришиш, қабул қилинган қарорлар ва ҳаракатлар учун жавобгар бўлиш қобилиятини тушуниш жараёнидир. Бошқача қилиб айтганда, ўзликни англаш – бу ўз-ўзига, ўзининг маънавий қиёфасига, ўз билимлари, фикрлари, қизиқишлари, идеаллари, хулқ-атвор мўлжаллари, ҳаракатлари ва шу кабиларга яхлит баҳо беришдир. Ўзликни англаш ёрдамида инсон ўз-ўзига бўлган муносабатини рўёбга чиқаради, ўз-ўзига ҳис қилишга қодир бўлган фикрловчи мавжудот сифатида баҳо беришни амалга оширади. Бу ҳолда субъект ўз-ўзини ва ўзининг онгини билиш объектига айлантиради. Шу тариқа инсон ўз-ўзига баҳо берадиган, шусиз ҳаётда ўз ўрнини белгилаш ва топишга қодир бўлмаган мавжудот сифатида намоён бўлади.

Файласуфларнинг ўзликни англашга субъектив дунёнинг алоҳида соҳаси сифатида ёндашишлари Суқротдан, унинг «Ўз-ўзингни англа» деб номланган максимасидан бошланган. Фалсафа дунё ва инсон ҳақидаги алоҳида билим сифатида шаклланиши жараёнида жоннинг фаоллиги, ақлнинг ўз-ўзига нисбатан танқидий муносабати ҳақида қарашлар вужудга келган. Платон фикрига кўра, жон фаолияти – бу ўзи билан ўзи суҳбат хусусиятига эга бўлган ички ишдир. Жон мулоҳаза юритар экан, ўзи билан ўзи тинимсиз гаплашади, саволлар беради, жавоблар қайтаради, тасдиқлайди ва эътироз билдиради.

Шундай қилиб, ўзликни англаш – инсоннинг ўзини ўзи тинимсиз камол топтиришининг муҳим шартидир. Ўзликни англаш структурасида *ўз-ўзини ҳис қилиш, ўз-ўзини билиш, ўз-ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини бошқариш* каби элементларни ҳам ажратиш мумкин. Умуман олганда ўзликни англаш рефлексия билан узвий боғлиқ. Фалсафий адабиётларда рефлексия тафаккурнинг унга ўз фаолият шаклларини (тафаккур категорияларини) таҳлил қилиш ва англаб етишга кўмаклашувчи тамойил сифатида тавсифланади. Айни шу сабабли рефлексияга инсон маънавий дунёсининг ички тузилиши ва хусусиятларини намоён этувчи ўзликни англаш фаолияти сифатида ёндашиш, бизнингча, ўринли бўлади.

Инсоннинг ўз ички ҳолатини тушуниши, ўзини ўзи бошқариш қобилияти ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ўзликни англаш шахснинг дунёқараш, қобилиятлар, феъл-атвор, қизиқишлар каби маънавий элементлари билан бир қаторда ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Муҳит шахсдан ўз ҳаракатларини бошқаришни ва уларнинг натижалари учун жавоб беришни талаб қилади. Онг даражаси шахс олдига қандай талаблар қўйилгани ва мазкур муҳитда қайси ижтимоий қадриятлар амал қилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу ерда инсон ўз ҳаракатларини ўзи бошқариши ва уларнинг оқибатлари учун жавоб бериши лозимлиги асосий талаб ҳисобланади.

Онг таркибий элементлари бир-бири билан ўзаро алоқага киришади ва онгга инсон ҳаёти учун ўта муҳим бўлган бир қанча функцияларни таъминлайди.

Онгнинг биринчи функцияси билиш ёки *акс эттириш*, *яъни инсонни қуршаган воқелик ҳақида ва унинг ўзи ҳақида билимлар олишдир.* Билиш фаолияти сифатида англаш жараёни ҳиссий, образли билишдан бошланади ва мавҳум фикрлаш сари юксалади. Ҳиссий (эмпирик) билиш босқичида ранг-баранг ашёвий материал тўпланади ва кейинчалик у мавҳум фикрлаш йўли билан умумлаштирилади. Шу тариқа онг энг муҳим ҳодисаларнинг моҳиятини англайди ва улар бўйсунувчи объектив қонуниятларни аниқлайди. Билиш функцияси биринчи даражали аҳамият касб этади, ундан қолган барча функциялар келиб чиқади. Мазкур функция фаол, эвристик хусусият касб этади, яъни онг воқеликни илдамроқ акс эттириш хусусияти билан тавсифланади.

Онгнинг билиш функцияси жамғариш функциясини белгилайди. Бу функциянинг моҳияти шу билан белгиланадики, бевосита, шахсий тажрибадан олинган билимларгина эмас, балки замондошлар ёки ўтмишдошлардан олинган билимлар ҳам инсон хотирасида жамланади. Бу билимлар заруриятга қараб актуаллаштирилади, тикланади ва онгнинг бошқа функцияларини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Инсон хотираси қанча бой бўлса, у оптимал қарор қабул қилиши шунча осон бўлади.

Онгнинг аксиологик функцияси (баҳолаш функцияси)да инсон ташқи дунё ҳақида маълумотлар олиш билан бир вақтда уларни ўз эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолайди. Онг, бир томондан, объектив акс эттириш шакли, инсон майллари ва манфаатларига боғлиқ бўлмаган воқеликни билиш шакли ҳисобланади. Билимлар олиш, объектив ҳақиқатнинг тагига етиш, билиш фаолияти сифатидаги англаш жараёнининг натижаси ва мақсадига айланади. Бошқа томондан, онг воқеликка субъектив муносабат кўринишларини, уни баҳолаш, ўз билимини ва ўзини англаб етишни ҳам ўз ичига олади. Дунёга қадрият сифатида қарашнинг натижаси ва мақсади борлиқни, дунёнинг инсон майллари ва эҳтиёжларига мувофиқлик даражасини, ўз ҳаётининг мазмунини англаб етиш ҳисобланади. Тафаккур, билиш фаолияти асосан билимни аниқ ифодалаш, мантиқий схемаларга риоя этиш, улар билан иш кўришнигина талаб қилса, дунёга қадрият сифатида ёндашиш ва уни англаб етиш эса шахсий куч-ғайрат, ўй-мулоҳазалар ва ҳақиқатни теран идрок этишни талаб қилади.

Онгнинг баҳолаш функцияси бевосита мақсадни шакллантириш функциясига ўтади. Мақсадга интилувчанлик – бу онгнинг муҳим хусусияти ҳисобланувчи соф инсоний қобилият. Мақсад – бу инсоннинг ўз предметини топган идеаллаштирилган эҳтиёжи; бу фаолият предметининг шундай бир субъектив образики, унинг идеал шаклида инсон фаолиятининг мўлжалланган натижаси намоён бўлади. Мақсадлар инсониятнинг жами тажрибаси негизида шакллантирилади ва ижтимоий, ахлоқий, эстетик ва бошқа хил идеаллар кўринишидаги олий шакллар сари юксалади. Аниқ бир мақсадга қаратилган фаолият инсон дунёдан қаноатланмаётгани ҳамда унинг бу дунёни ўзгартириш, уни инсонга, жамиятга зарур бўлган шаклга солиш эҳтиёжи билан изоҳланади.

Онгнинг ижод функциясида инсоннинг олий имкониятлари намоён бўлади. Мақсадга интилувчанлик, яъни инсон ўз ҳаракатларини «нима учун» ва «нимага

эришиш йўлида» амалга оширишини англаб етиш ҳар қандай онгли қилмишнинг зарурий шартидир. Мақсадни рўёбга чиқариш муайян воситаларни, яъни мақсадга эришиш учун яратиладиган ва шунга хизмат қиладиган воситаларни ишга солишни назарда тутади. Инсон табиатда мавжуд буўлмаган нарсаларни бунёд этади. У бутунлай янги нарсаларни ва умуман янги дунёни яратади. Одамлар ўзгартирган, яратган нарсаларнинг кўлами, шакллари ва хоссалари уларнинг эҳтиёжлари, мақсадлари билан белгиланади; бу нарсаларда инсон нияти, унинг ғоялари рўёбга чиқарилади.

Онгнинг коммуникатив функция (алоқа функцияси)*да одамлар умумий меҳнатда иштирок этадилар ва бир-бирлари билан ўзаро алоқаларга киришишга доими муҳтож бўладилар.* Фикрларнинг бу алоқаси нутқ орқали (овозлик алоқа) ва техника воситалари ёрдамида (матнлар, кодланган ахборот) амалга оширилади. Шуни эътиборга олиш лозимки, ёзма матнларда (китоблар, журналлар, газеталар ва ш.к.)да билим эмас, балки ахборотгина сақланади. Ахборот билимга айланиши учун у субъективлаштирилиши лозим. Айни шу сабабли босма сўзни тарқатиш баён этилган ахборот билимга айланишининг кафолати эмас, балки шарти ҳисобланади. Ахборот билимга, яъни субъектив бойликка айланиши учун қўшимча куч-ғайрат сарфлаш талаб этилади.

Шахс онгининг мантиқий циклини тартибга солиш (бошқарув) функцияси якунлайди. Онг омилларга баҳо бериш асосида ва қўйилган мақсадга мувофиқ инсон ҳаракатларини, кейинчалик эса – жамоаларнинг ҳаракатларини ҳам бошқаради, тартибга солади. Онгнинг тартибга солиш функцияси инсоннинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро алоқасига боғлиқ бўлади ва икки шаклда: даъват этувчи тартибга солиш ва ижрони тартибга солиш шаклларида амал қилади. Одамлар хулқ-атвори ва фаолиятига туртки берувчи омилларнинг ғоявий мазмуни улкан аҳамиятга эгадир. Ғоялар даъваткор кучга айланишига қараб инсон ўз қилмишларини онгли равишда, ўз эътиқодига мувофиқ, изчил амалга оширади. Ижрони тартибга солиш кишилар фаолиятини уларнинг эҳтиёжлари билан мувофиқ ҳолатга келтиради, мақсад ва уни тартибга солиш воситаларининг мутаносиблигини таъминлайди.

Онгнинг бош функциялари ана шулардан иборат. Уларнинг уйғун ривожланишигина охир-оқибатда интеллектуал ва маънавий жиҳатдан комил инсонни тарбиялаш имкониятини беради.

XXI аср бошига келиб олимлар интеллектнинг айрим функцияларини информацион машиналар зиммасига юклаш учун анча кўп заҳмат чекдилар. Бугунги кунда компьютерлар мураккаб ишларни бажармоқдалар: бир тилдан бошқа тилга таржима қилмоқдалар, самолётларни, поездларни бошқармоқдалар, шахмат ўйнамоқдалар, ҳатто инсон миясига хос бўлган баъзи бир мантиқий амалларни бажармоқдалар. Табиий бир савол туғилади: инсон ақлининг ўрнини босишга қодир бўлган машинани яратиш мумкин эмасми?

Техника имкониятлари нуқтаи назаридан, информацион машиналарни такомиллаштириш чегарасини белгилаш ўринли бўлмайди. Шунга қарамай, машиналар бажарувчи амаллар билан инсон миясида бажариладиган амалларнинг ўхшашлиги машиналарни фикрлаш қобилиятига эга деб ҳисоблаш учун асос бермайди. Моҳият эътибори билан машина инсон тафаккурининг

фақат бир жиҳатини – формал-мантиқий фикрлашнигина амалга оширади, ваҳоланки, инсоннинг фикрлаш жараёни амалда ирода, эмоциялар, интуиция, орзу, фантазия ва ҳоказолардир. Инсон ички дунёсининг бойлиги унинг ижтимоий алоқалари бойлиги ва серқирралигининг маҳсули ҳисобланади. Айни шу сабабли, инсон онги, унинг структураси ва барча функцияларини тўлиқ моделлаштириш учун мия структурасининг ўзинигина гавдалантириш кифоя қилмайди. Бунинг учун инсон ривожланишининг бутун тарихий йўлини гавдалантириш, уни барча эҳтиёжлар билан, шу жумладан, сиёсий, ахлоқий ва эстетик эҳтиёжлар билан таъминлаш талаб этилади. Буларнинг барчаси билишнинг мураккаб вазифаларини ечишда замонавий кибернетик қурилмаларнинг имкониятлари чекланганлигидан далолат беради. Улар аслида интеллектуал фаолиятнинг ахборотни қайта ишлаш қоидалари билан боғлиқ бўлган томонларини механизациялаштириш ва автоматизациялаштириш воситаларидан бошқа нарса эмас.

Фикрловчи одамнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз онги ёрдамида ўзини, ўзи яшаётган муҳитни таҳлил қилиб, ўз «Мени» ҳақида тасаввур ҳосил қилади ва ўзини бу борлиқдан ажратиб, шу тариқа ўзлигини шакллантиради. Эмоцияларга бой бўлган ва қадриятларга қараб мўлжал олувчи инсон онги фаол асос сифатида амал қилади, чунки у борлиқнинг пассив инъикоси эмас, балки фикрлаш фаолиятининг изчил, назорат қилинадиган ва бошқариладиган жараёни ҳисобланади. Шу маънода у ижодий фаолият сифатида ҳам намоён бўлади, зеро у нафақат борлиқни акс эттиради, балки уни ўзгартириб, борлиқнинг янги шаклларини яратади.

Бу ерда ҳар қандай ижодкор фаолиятининг негизи, шунингдек, инсон яратган ва яратаётган «иккиламчи» табиатнинг пайдо бўлиш асослари мужассамлашади. Айнан инсон онгининг фаол ва ижодий хусусияти уни сунъий интеллект манбалари – «ақлли», «фикрловчи» машиналар билан бир қаторга қўйиш имконини бермайди. Гарчи улар ахборотга ишлов бериш борасида инсондан анча устун ва ҳатто уларнинг ишида «ижод» унсурлари ҳам намоён бўлса-да, лекин улар машиналар бўлиб қолади. Уларнинг иши маънавиятдан маҳрум ва умуман олганда одамларнинг онгли фаолияти билан тенглаша олмайди. Бу фаолият олдиндан белгиланган ҳар қандай дастурдан бойроқ, зеро маданий жараёндан унинг фаол асоси сифатида ўрин олган ва асосан маданият билан белгиланади.

Антроп тамойил. *Антроп тамойилида инсон амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай дунёда эмас, балки унинг хусусиятларини белгиловчи физик константаларнинг ўта аниқ мажмуи билан тавсифланувчи дунёдагина пайдо бўлиши мумкин бўлган, деган маъно келиб чиқади*. Бу бизнинг Коинот айнан унда инсоннинг мавжудлиги учун зарур бўлган тарзда тузилганини англатади. Агар у ўзгача бўлганида, унда биз мавжуд бўлмас эдик. Бошқа Коинотлар (агар улар мавжуд бўлса) бизга мос келмайди: уларда бизга ўхшаган ақлли жонзотлар мавжуд бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, онтологик жиҳатдан ўзгача дунёлар инсоннинг «уйи», унинг яшаш жойи бўлиши мумкин эмас.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида астрономиянинг ривожланиши Ердан ташқарида цивилизациялар мавжудлигига бўлган шубҳани янада кучайтирди.

Биринчидан, астрономик маълумотларга аниқлик киритилиши ақлли ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин деб тахмин қилиш мумкин бўлган космик объектлар сони сурункали қисқаришига олиб келади.

Иккинчидан, юқорида кўриб чиқилган, ривожланган цивилизацияларгина амалга оширишга қодир бўлган космосни ўзлаштириш имкониятлари билан Ердан ташқаридаги цивилизациялар фаолиятининг амалда кузатилувчи бирон-бир кўринишлари умуман мавжуд эмаслиги ўртасида зиддият вужудга келади[1]. Бу зиддият *«астросоциологик жумбоқ»* деб аталади. Ердан ташқаридаги цивилизациялар (SETI)нинг радиосигналларини ва уларнинг космосдаги фаолияти натижасида қолган бирон-бир изларни қидириш ҳозирча ҳеч қандай самара бергани йўқ. «Космос сукути» айниқса, ғалати, зеро техника тараққиётининг ҳозирги даражаси ўзга цивилизациянинг радиосигналини пайқаш учун етарлидир.

Коинот миқёсида сезиларли фаоллик кўрсатувчи цивилизациялар Галактикада ҳам, Андромеда туманлигига ўхшаш қўшни сайёралар системаларида ҳам мавжуд эмас, деган фараз «астросоциологик жумбоқ»нинг энг табиий ечими бўлса керак. Ҳамонки Ерга ўхшаш цивилизациялар космик экспансия йўлига кириши лозимлиги муқаррар экан, бизнинг Галактикани ҳам ўз ичига олган галакатикалар тизимида улар жуда оз ёки умуман мавжуд эмас, деб тахмин қилиш мумкин. Нима бўлганда ҳам инсоният Коинотда ёлғиз эканлигининг эҳтимоли кўпроқ.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан бизнинг давримизда инсоннинг Коинотдаги алоҳида ўрни ҳақидаги қадимги тасаввурларга ўзига хос қайтиш юз бермоқда, деган хулосага келиш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, бу ерда гап дунё ва инсонга доир қадимги содда қарашларга қайтиш ҳақида кетаётгани йўқ. Бу қадимги ғояларни тиклаш уларни тубдан қайта ишлаш ва билимларнинг бутунлай янги даражасида талқин қилиш билан боғлиқ. Эски муаммо бутунлай янгича тарзда қўйилади ва уни ечишга нисбатан ҳозирги ёндашув қадимги давр билан таққослаганда ўта чуқур асосларга таянади.

Қадимги одамлар Оламни инсонсиз тасаввур қила олмаганлар. Инсонсиз «бўш» космос бўлиши мумкинлиги уларнинг тасаввурига ҳам сиғмаган. Бундай тасаввур фаннинг ривожланиши билан пайдо бўлган. Юз йил муқаддам дунёнинг манзараси физика ва астрономияда гўё унда инсон мавжуд эмасдек тасвирланган. Фан дунёда инсоннинг мавжудлигига муҳтож бўлмаган. Коинотда инсон борми, йўқми – бу унинг тузилишини тушунтириш учун мутлақо аҳамиятсиз бўлган. Коинот ўзича, инсон – ўзича мавжуддек таассурот туғилган. Дин уларни умумий яратувчига ишора қилиш йўли билан бирлаштирган. Аммо фанда инсон табиатга муқаррар бўлмаган қандайдир «илова» ва ўз қаршисида намоён бўлган дунёни кузатувчи сифатидагина муносабат шаклланган.

Ҳозирги вақтда инсон фан ва фалсафада яна табиатнинг *ажралмас қисми* сифатида талқин қилинмоқда. Биз яна, қадимги юнонлар каби, инсон ва кос-

[1] Гиндилес Л.М. Астросоциологический парадокс в проблеме SETE // Астрономия и современная картина мира. –М.: 1996 г. с. 76.

моснинг ягона эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдамиз, тўғри, бу ягоналикни биз янада теранроқ тушунамиз. Коинотни фақат унда инсоннинг мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолдагина тушунтириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинмоқда (антроп принципи). Бизнинг Коинотимиз – бу чиндан ҳам инсоннинг Ерда яшаш ва камол топиш имкониятига эга бўлиши учун мослаштирилган уйидир.

Қадимги антропоцентризм ғояси янгича асосда тикланмоқда. Инсон яна Коинот марказига ёки ҳеч бўлмаса материя ривожланишининг «марказий йўли»га қўйилмоқда. Бу ерда у дунёни қайта қуришга қодир бўлган қудратли куч сифатида намоён бўлмоқда. Инсон тафаккури дунёдаги эволюция жараёнининг эҳтимол тутилган омили сифатида тушунила бошламоқда.

Инсониятнинг келажаги олдиндан белгиланмаган – бу ерда вариантлар бўлиши мумкин. Фаннинг вазифаси уларни аниқлаш ва уларнинг энг мақбулларини рўёбга чиқариш йўлларини топишдан иборат бўлса, фалсафанинг вазифаси уларга (фалсафа иштирокида шаклланадиган) инсон идеаллари нуқтаи назаридан баҳо бериш ва шу тариқа уларнинг энг мақбулларини танлашга кўмаклашишдан иборат.

Хулосалар. Фан каби, фалсафа ҳам дунё ва инсон ҳақида «узил-кесил» билим бермайди. Фалсафий тамойиллар узил-кесил ҳақиқат сифатида қабул қилиниши лозим бўлган аксиомалар сифатида қаралиши мумкин эмас. Уларнинг ҳақиқийлиги, умуман инсоннинг ҳар қандай билими каби, пировард натижада амалиёт синовидан ўтиши лозим.

Борлиқ ҳақидаги фалсафий тасаввурларни амалда бевосита текшириш мумкин бўлмаса-да, улар амалиёт синовидан билвосита – инсон билими ва инсон фаолиятининг ривожланишида уларнинг методологик ва эвристик ролини аниқлаш йўли билан ўтказилади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Инсон, индивид, шахс, индивидуал борлиқ, онг, индивидуал онг, жон, онгсизлик, галлюцинация, иррационализм, эмержент материализм, инъикос, тил, ўзликни англаш, вулгар материализм, онгнинг структураси ва функциялари.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Фалсафада онгни тушунишга нисбатан қандай асосий ёндашувлар вужудга келган?
2. Онгнинг фалсафий ва табиий-илмий талқини ўртасидаги фарқ нимада?
3. Онгнинг пайдо бўлишини материалистик фалсафа қандай тушунтиради?
4. Онгнинг вулгар материалистик талқини?
5. Антроп тамойил нима?

Реферат мавзулари

1. Онг фалсафий муаммо сифатида.
2. Онгнинг келиб чиқиши ва моҳиятига рационализм нуқтаи назаридан ёндашувлар.
3. Онглилик ва онгсизликнинг ўзаро таъсири.
4. З.Фрейд ижодида онгсизлик муаммосининг талқини.
5. Онг борлиғига эмержент материализм нуқтаи назаридан ёндашувнинг ўзига хос жиҳатлари

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1. Қуйидаги фикр муаллифи ким: «Инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди»?

А. Протогор Б. Суқрот В. Фалес Г. Демокрит

2. Миқдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин бўлмаган, массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга бўлмаган фалсафий категория, бу – ...

А. Онг Б. Сезги В. Ҳаракат Г. Моҳият

3. Оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос деб ҳисоблаган файласуфни топинг?

А. Гераклит Б. Анаксимен
В. Анаксагор Г. Зенон

4. Онг ва онг ости ҳодисаларини илк бор муфассал ўрганган файласуф – психоаналитик ким?

А. З.Фрейд Б. К. Юнг

В. Э.Фромм Г. Н.Вернадский

5. Инсон уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса бу – ...

А. Шахс Б. Ўзликни англаш

В. Онг Г. Ижтимоий онг

Адабиётлар

1. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
2. Фалсафа. С.Мамашокиров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
3. Falsafa asoslari. M.Ahmedova tahriri ostida. –T.: O‘FMJ, 2005-y.
4. Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й.
5. Чориев А. Инсон фалсафаси. –Т.: ЎФМЖ, 2006 й.
6. Шермухамедов С. Инсон фалсафаси. –Т.: «Фан», 2009 й.
7. Бейли Алиса. От интеллекта к интуиции. –М.: 2002 г.
8. Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. –М.: 2002 г.
9. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному. Новая онтология XX века. –М.: 1997 г.
10. Тихонова С.В. Человек в пространственных структурах глобального социума : дисс ... канд. философских наук: 09.00.11. Саратов, 2003 г.
11. Слюсаж Б. Современный человек и процесс трансляции культуры в транзитивном обществе : дисс. Докт. Философ. наук. –М.: 2004 г.
12. Марченко Е.А. Судьба человека: философско-антропологический подход : дисс.. канд.. философ. наук : 09.00.13. Ставрополь, 2004 г.
13. Қурбанова Л. Инсон борлиғи. Андижон, АДУ, 2009 г.

III БЎЛИМ. РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАСИ

ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНЛАРИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза: Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари.
Маъруза режаси	1. Диалектиканинг тарихий шакллари ва хусусиятлари. 2. Умумий ўзаро алоқа ва ривожланишнинг диалектик тамойиллари. 3. Қонун тушунчаси ва унинг таснифи. 4. Фалсафа қонунлари.
Машғулотнинг мақсади: Табиат ва жамиятдаги барча жараёнларнинг ўзаро алоқадорликда намоён бўлишини таҳлил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Диалектика тушунчасининг тавсифи ва унинг турлари.	Диалектиканинг шаклланиш жараёни таҳлили.
Алоқадорликнинг намоён бўлиши	Алоқадорлик шаклларининг ўзаро фарқи.
Айният ва тафовут. Зиддиятнинг турлари	Қонунларнинг турлари, айният, зиддият ва тафовутнинг тушунилиши.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Фалсафа қонунлари» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни? 2. Сифат ва хосса, меъёр ва миқдор катоегорияларининг бирлиги ва фарқи? 3. Сакрашнинг ўзига хос хусусиятлари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Инкорни-инкор қонуни», «Метафизик ва диалектик инкор», «Ривожланиш қонунларининг умумий жиҳатлари», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Диалектиканинг тарихий шакллари ва хусусиятлари. Ахборот цивилизацияси даврида дунёнинг яхлит назарий образини яратиш – оғир ва машаққатли вазифа. Уни ечишнинг фалсафий йўли икки ярим минг йил муқаддам бошланган бўлиб, шундан бери ўтган давр мобайнида ривожланиш фалсафаси шаклланган ва босқичма-босқич атрофлича ишлаб чиқилган. Фалсафанинг мазкур бўлими ривожланиш муаммосини турли нуқтаи назарлардан ўрганувчи концепцияларни ўз ичига олади. Уларнинг орасида диалектика, метафизика ва синергетика алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг айниқса, кенг эътироф этилгани ва муфассал ишлаб чиқилгани диалектикадир. Шу сабабли бу бўлимда унга асосий эътибор қаратилади. Диалектикани билиш, унинг тамойиллари, қонунлари ва категорияларидан ижодий фойдаланиш ҳар қандай соҳа мутахассиси дунёқарашининг муҳим шарти ҳисобланади.

Диалектика нима, унинг мазмуни нимадан иборат, ривожланишнинг диалектикага муқобил қандай концепциялари мавжуд?

«Диалектика» (юнон. «dialektike» – «суҳбат қуриш санъати») сўзининг «диалог» (юнон. «dialogos» – «икки» ёки «бир нечта суҳбатдошлар сўзлашуви») сўзи билан умумий жиҳатлари бисёр. Дастлаб диалектика баҳслашиш, мунозара қилиш санъати сифатида тушунилган, бунда фикрлар, қарашлар қарама-қаршилиги воситасида ҳақиқатнинг тагига етиш мақсадида муаммони ўзаро манфаатдор муҳокама қилишга қаратилган мунозара назарда тутилган. Диалектик – бу савол бериш ва жавоб қайтаришга уста одам, деб ҳисобланган.

Стихияли диалектика. Қадимги мутафаккирлар зиддиятлилик ва ўзгарувчанлик фикр-мулоҳазалардагина эмас, балки реал борлиқда ҳам мавжуд эканлигини пайқаганлар. Бу далилнинг тагига етган илк мутафаккирлардан бири эфеслик Гераклит бўлган. У дунёни «жонли олов» ёки «икки марта кириш» мумкин бўлмаган дарё оқими сифатида тасаввур қилган. Ҳаракатчан дунёда замон ўтиши билан ҳамма нарса ўзининг дастлабки шакл-шамойилини йўқотади ва аста-секин ўзининг қарама-қаршилигига ўтади: хўл нарса қурийди, қуруқ нарса эса нам тортади; бир нарса бошқа нарсага: совуқ иссиққа, тирик ўликка ўтади. Бу мулоҳазаларда ҳозирги талқиндаги диалектиканинг асослари мужассамлашган. Шу сабабли қадимги файласуфларнинг стихияли диалектикаси диалектика-

нинг тарихан биринчи шакли деб ҳисобланади. *Стихияли диалектика борлиқ ва билишнинг жараёнлар моҳиятини англаб етишга асосланмаган содда диалектикадир*.

Ўрта асрларда метафизика фалсафадан диалектикани сиқиб чиқарган. Натижада диалектика одамлар онгига диний дунёқарашни сингдириш ва мустаҳкамлаш учун ҳукмрон синфлар фаол фойдаланган софистика ва схоластикага айланган.

Идеалистик диалектика. Метафизика унсурларини ўз ичга олган диалектикага қайтиш Янги давр фалсафаси (Рене Декарт, Бенедикт Спиноза, Дени Дидро ва б.)да юз берган. Шунга қарамай диалектиканинг энг яхлит концепциясини классик немис фалсафасида Георг Гегель таърифлаган. Бу концепция диалектиканинг иккинчи шакли деб аталади.

Гегель илк бор *дунёни қуйидан олийга қараб борувчи умумий ривожланиш жараёни сифатида тасвирлаган, ривожланиш манбаи – қарама-қаршиликлар курашини кўрсатиб берган, диалектиканинг асосий қонунлари ва категорияларини таърифлаган*. Аммо Гегель диалектикаси идеалистик хусусият касб этган. Зеро, *идеалистик диалектиканинг андозаси бўлиб объектив борлиқ эмас, балки уни акс эттирувчи тафаккур хизмат қилган*. Бу назария чуқур диалектика ғоялари: геологияга татбиқан ривожланиш назарияси (Ч.Лойель), Ламаркнинг эволюцион ғоялари, Кант–Лапласнинг космологик ғоялари ва бошқалар илгари сурган табиатшунослик асосларига зид бўлган.

Материалистик диалектика. Гегель диалектикаси материалистик диалектиканинг шаклланишига замин ҳозирлаган. Материализм диалектик мантиқ билан боғланган. Бунинг натижаси ўлароқ диалектиканинг учинчи тарихий шакли яратилган (XIX асрнинг иккинчи ярми). Унга амалда илмий билишнинг ривожланиши йўл очиб берган. XIX асрнинг 40-йилларигача фаннинг турли соҳаларида янги кашфиётлар пайдо бўлган ва улар табиатни тушунтиришга нисбатан диалектик-материалистик ёндашувни табиатшунослик нуқтаи назаридан асослаган. Уларнинг орасида уч кашфиёт: физикада – материя ҳаракати шаклларининг ўзаро алоқасини асослаб берган энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонунининг аниқланиши; биологияда – бутун жонли табиатнинг (ўсимликлар, ҳайвонот дунёсининг ҳам) таркибий жиҳатдан ягоналигини ёритиб берган ҳужайра назариясининг яратилиши; ривожланиш ғоясини жонли табиатга татбиқан ишлаб чиққани Дарвиннинг эволюция назарияси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу шароитда *материалистик диалектика борлиқнинг ўхшаши, яъни борлиқни унинг ўзига мос равишда фикрлаш ва билиш имконияти сифатида фалсафий тафаккурнинг фанга айниқса, мос келувчи шаклига айланган*.

Материалистик диалектиканинг шаклланишида тарихни материалистик тушуниш, айниқса, муҳим роль ўйнаган. Бу кашфиёт ёрдамида диалектиканинг нафақат материализм, балки гуманизм билан ҳам синтези амалга оширилган. *Диалектика инсонга боғланмасдан, ўз ҳолича эмас, балки инсон ҳаёт фаолиятининг конкрет-тарихий муаммолари нуқтаи назаридан қарала бошлаган.*

Классик диалектика. Классик диалектиканинг ўзига хос хусусиятларини қайд этиб ўтамиз. *Биринчидан, классик диалектика дунёни тушунишнинг шундай бир усулики, бунда борлиқ нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий ўзаро алоқаси, уларнинг бир-бирини тақозо этиши ва муттасил ўзгариши нуқтаи назари-*

дан англаб етилади. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, диалектика ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ҳаракат назарияси эмас, балки ўзгаришларнинг фақат бир шакли – ривожланиш назарияси ҳисобланади. Диалектика ривожланишнинг теран, тўлақонли ва мазмунан бой назариясидир. У ўзгариш ҳолатида бўлмаган бирон-бир нарса табиатда ҳам, жамиятда ҳам, тафаккурда ҳам мавжуд эмас, чунки барча мавжуд нарсалар ўз ички зиддиятларига эга ва улар бу нарсаларни ўзгаришга, янги шакл-шамойил касб этишга, ривожланишга мажбур қилади, деб ўргатади.

Иккинчидан, диалектика объектив ва субъектив диалектиканинг мавжудлигини тан олади.

Объектив диалектика – бу табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ва ривожланиши. У субъектдан, инсон ва инсониятдан қатъи назар мавжуддир. Субъектив диалектика – бу субъектнинг фикрлаш диалектикаси ва унинг объектив дунёни билиши. Объектив ва субъектив диалектиканинг ўзаро нисбати қандай? Материалистик давр нуқтаи назаридан субъектив диалектика объектив диалектикани акс эттиради. Объектив ва субъектив диалектика мазмунан бир-бирига мос келади (уларнинг умумий жиҳати мазмун – борлиқ ривожланишининг ягона диалектик қонунияти). Бироқ, шу билан бир вақтда, улар шаклан бир-биридан фарқ қилади, чунки тафаккур, борлиқнинг бошқа соҳалари билан таққослаганда, ривожланишнинг ўз ички мантиқига эга. Объектив диалектика тафаккурда, субъектив ва идеал шаклларда акс этади.

Объектив ва субъектив диалектика-қарама-қаршиликлар, лекин бу қарама-қаршилик ижтимоий-тарихий амалиётда «йўқолади». Ҳамонки субъектив диалектика объектив диалектикани акс эттирар экан, инсон объектив диалектикани билиш ва шунга мувофиқ ўзининг изчил амалий фаолиятини ташкил этиш, бу фаолият жараёнида объектив дунёни ва ўзини ўзи ўзгартиришга қодир. Инсон ва жамият амалиётида билимлар инъикос шаклидан фаолият шаклига айланади.

Учинчидан, фан сифатидаги диалектиканинг ички мазмуни ва мантиқий «пойдевори» унинг тамойиллари, қонунлари ва категорияларини яратади. Диалектика жамулжум ҳолда объектив дунёни ва уни узлуксиз ўзгариш ва ривожланиш жараёнида билишни акс эттирувчи тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими сифатида тавсифланади. Бунда тамойиллар деганда умумий ва универсал, асосий ғоялар тизимида бошқа барча элементларнинг роли ва мазмунини белгиловчи мезонлар тушунилади. Диалектиканинг ҳозирги концепцияларида алоқа тамойили ва ривожланиш тамойили айниқса, муҳим роль ўйнайди. Диалектика қонунлари ривожланиш жараёнидаги умумий муҳим алоқаларни акс эттиради. Улар диалектиканинг назариясини яратишда муҳим методологик функцияни бажаради. *Диалектикада умумий қонунлар учта: диалектик зиддиятлилик қонуни, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни ҳамда инкорни-инкор қонуни. Диалектика категориялари – бу энг фундаментал, асосий тушунчалар бўлиб, уларда ва уларнинг ёрдамида фалсафий фикрлаш амалга оширилади (Диалектика тамойиллари, қонунлари ва категорияларини биз қуйида атрофлича кўриб чиқамиз*).

Тўртинчидан, диалектиканинг ўзига хос хусусияти шундаки, у назария

вазифасини ҳам, методология вазифасини ҳам бажаради. Диалектика қонунлари, категорияларининг мазмунига ва билиш жараёнининг амал қилиш ва ривожланиш қонуниятларига мувофиқ фикрловчи субъектга қўйиладиган тегишли талаблар шакллантирилади ва шу тариқа унга билиш фаолиятида йўл кўрсатилади. Кўрсатилган субъект борлиқни билиш ва амалда ўзгартириш масалаларида амал қилиши лозим бўлган тегишли нормалар ва қоидалар ҳам ишлаб чиқилади. Диалектика берган методологик жиҳатдан тўғри мўлжаллар тадқиқотнинг тўғри йўлини танлашга, кўп сонли хатоларни четлаб ўтишга, ортиқча иш, кераксиз ҳаракатларга куч ва қимматли вақтни беҳуда сарфламасликка ёрдам беради.

Шундай қилиб, *ҳозирги талқиндаги диалектика – бу*:

а) ҳодисаларнинг уларга хос бўлган зиддиятлар вужудга келиши, ўзаро таъсирга киришиши ва ечилишига мувофиқ ривожланишидан иборат бўлган объектив жараён;

б) табиат, жамият ва тафаккурнинг ҳаракат ва ривожланиш универсал қонунлари ҳақидаги фалсафий концепция; дунёни билиш ва ўзгартириш методи. Унинг тизимига кирувчи ривожланишнинг умумий қонунларини билиш ўтмишни англаб етиш, ҳозирги дунёда юз бераётган жараёнларни тўғри тушуниш ва келажакни башорат қилиш имконини беради.

Ноклассик диалектика. Сўнгги йилларда айрим тадқиқотчилар Гегель диалектикаси ва материалистик диалектикани классик диалектика сифатида тавсифлаб, диалектиканинг тўртинчи, ноклассик шаклини ҳам фарқламоқдалар. Ҳозирги замон Ғарб фалсафасида диалектиканинг кўрсатилган шаклининг энг муҳим элементлари фалсафий мушоҳада юритишнинг унга хос бўлган герменевтик усулида намоён бўлмоқда. Аммо бу ерда диалектик метод аввало мазмунни талқин қилиш воситасида аниқлаш учун (П.Рикер), шунингдек, англаб етилаётган объектни вазият нқтаи назаридан таҳлил қилиш учун қўлланилади. Аммо XX асрда диалектиканинг бир қанча ноклассик концепциялари вужудга келди. Уларнинг қаторига қуйидагилар киради:

а) *«фожеий диалектика»*. Унинг муаллифи француз файласуфи Раймон Арон (1905–1983) ҳозирги замон диалектикасини таҳлил қилиб, *ҳозирги даврда жамият тараққиётдан инсоният манфаатларида фойдаланишга қодир эмас, деган хулосага келади;*

б) *«диалектик теология» ёки «инқироз теологияси»*. (швейцариялик протестант теологи ва файласуфи Карл Барт 1886–1968 ва немис-америка христиан теологи Мауль Тиллих 1886–1965) *креационистик таълимот бўлиб, дунёнинг ривожланиши замирида бу дунёни қандайдир ғайритабиий қурилиш материали – материядан яратган илоҳий субстанция ётади, деган ғояга асосланади.* Шу сабабли дунё «Худо каби боқий» эмас, унинг боши ва охири бор. Аммо бу яратилган дунё Худо билан бирон-бир умумий жиҳатга эга эмас, деган маънони англатмайди. Уларнинг ўртасида муайян ўхшашлик мавжуд бўлиб, у пировард, яратилган нарсаларнинг ривожланиш йўлларини тушуниб етиш имконини беради;

в) **«салбий диалектика».** Теодор Адорно (1903–1969) – немис файласуфи, социологи, Франкфурт мактабининг вакили, кўп сонли фалсафий асарлар, шу жумладан, «Салбий диалектика» (1966) китобининг муаллифи. Жан Поль Сартр

(1905–1980) – француз файласуфи ва ёзувчиси, атеистик экзистенциализм вакили. У фалсафа муаммоларига бағишланган бир қанча асарлар, шу жумладан, «Диалектик ақл танқиди» (1960) китобининг муаллифи. Сартр талқинида диалектика икки – «танқидий» ва «догматик» шаклларда мавжуд бўлиши мумкин. Биринчиси «салбий диалектика»дир.

«*Салбий диалектика» бир ёқлама, субъектив концепция бўлиб, у инкорни мутлақлаштиришдан, бутун борлиқнинг умумий бузилишидан, ялпи танқидийликдан, ҳар қандай ижобийликни рад этишдан, ўзини ўзи инкор қилишдан келиб чиқади ва шу боис метафизика чегарасидан четга чиқмайди*. «Салбий диалектика» – бу, моҳият эътибори билан, аксилдиалектикадир.

Диалектиканинг муқобиллари. Одатда ривожланишнинг диалектикага зид бўлган ёки унга ўхшамайдиган концепциялари, билиш методлари, дунёни маънавий ўзлаштириш усуллари, яъни диалектикадан фарқ қилувчи дунёқарашга доир ва методологик мўлжаллар назарда тутилади. Диалектиканинг шундай муқобилларидан бири *метафизика, софистика, эклектика, синергетика методларидир (улар ҳақидаги маълумот «Метод ва методология: асосий тушунчалар» мавзусида берилган*).

Умумий ўзаро алоқа ва ривожланишнинг диалектик тамойиллари. Ҳар қандай концепциянинг мазмунини ёритишда унинг тамойилларини таҳлил қилиш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Диалектика ҳам бундан мустасно эмас. Тамойиллар нима?

Фалсафий маънода «тамойил»(принцип) тушунчаси фундаментал қоида, биринчи асосни, бирон-бир концепция ёки назариянинг энг муҳим асосини англатади. Фалсафий назария сифатидаги диалектикага тамойиллар яхлит тус беради, унинг қонунлари ва категорияларини изчил тизимга солади. Диалектиканинг ҳозирги концепцияларида умумий алоқадорлик ва ривожланиш, тарихийлик, сабабийлик, тизимлилик каби тамойиллар муҳим роль ўйнайди. Қуйида бу тамойилларни таҳлил қиламиз.

Умумий алоқадорлик тамойили. Ранг-баранг дунёда ҳар бир объект кўп сонли хоссаларга эга бўлиб, улар бошқа объектлар билан ўзаро алоқа жараёнида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай тузилма бошқа тузилмалар билан алоқага киришиш орқали намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир объект ўзга объектлар билан қонуний боғланади ва бу объектлар билан ўзаро таъсирга киришиш жараёнида иштирок этади.

Алоқа. *Фалсафада алоқа деганда макон ё вақтда бир-биридан муайян масофада узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ёки объектнинг ўзаро алоқа жараёни тушунилади*. Объектлар дискретлик, шаклланганлик ва нисбатан мустақилликдан маҳрум бўлган жойда алоқалар мавжуд бўлиши мумкинми? Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустақил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин эмас. Шу сабабли умумий алоқа категорияси «нарса», «узлуклилик», «узлуксизлик», «чексизлик», «туганмаслик» тушунчалари билан тавсифланади. Ҳозирги илмий билимга таянувчи борлиқнинг фалсафий талқини оламнинг универсал яхлитлигини, дунёнинг бирлигини очиб беради. *Диалектика категориялари борлиқнинг универсал алоқаларини билиш шакли ҳисобланади.*

Алоқаларнинг универсаллиги уларнинг типлари ва турларининг ранг-баранглигида намоён бўлади. Алоқаларни таснифлаш турли асосларга кўра амалга оширилади. *Хусусан, бир томонлама ва ўзаро алоқалар, тўғри ва эгри алоқалар, бевосита ва билвосита алоқалар, ички ва ташқи* алоқалар фарқланади. Ҳажм жиҳатидан алоқалар *умумий, алоҳида ва хусусий бўлиши мумкин. Мазмун жиҳатидан генетик, функционал, структуравий, энергетик, моддий, информацион* ва бошқа алоқалар фарқланади. Алоқаларнинг бутун ранг-баранглиги фаннинг қайсидир бир тармоғи доирасида тадқиқ этилиши мумкин эмас. Уларнинг муайян турлари махсус фанларнинг предмети ҳисобланади. Диалектика борлиқнинг барча жараёнларига хос бўлган умумий, муҳим, универсал алоқаларни ўрганади. Фан борлиқнинг универсал қонунларини ташкил этадиган *ички, зарурий, муҳим, барқарор, такрорланувчи* алоқаларга алоҳида эътибор беради. Умумий алоқалар диалектика категорияларида ёритилади.

Ўзаро алоқа. Реал воқеликда ҳар бир муайян объект кўп сонли сабабий занжирларнинг мураккаб «тугуни» ҳисобланади. У бошқа объектлардан таъсирланиш билан бир вақтда ўзи ҳам уларга акс (реактив) таъсир кўрсатади. «Ташқи» ва «ички» сабабий занжирлар унда уйғунлашади, кесишади ва тармоқланади. Улар бир-бири билан ўзаро алоқага киришади ва бу ўзаро алоқа объектда юз берувчи барча жараёнларнинг негизига айланади.

Объектни билиш учун пировард натижада унда вужудга келган сабабий алоқалар «тугуни»ни ечиш талаб этилади. Барча ҳодисалар моҳиятига изоҳни ўзаро алоқадан излаш керак. У ҳодисаларнинг барча хоссалари ва хусусиятларини белгилайди, амалда мавжуд бўлган барча имкониятлар, тасодифлар ва зарурияларнинг манбаларини ўзида мужассамлаштиради. *Ўзаро алоқани тушуниш – умуман объектни тушуниш демакдир.*

Аммо ҳар қандай объект бошқа объектлар билан ўзаро алоқа қилгани боис, унинг барча ўзаро алоқаларини билиш учун ундан бошқа объектларни ўрганишга, улардан – учинчи объектларга ўтишга тўғри келади ва ҳоказо. Айрим объектнинг табиатини белгиловчи ўзаро алоқани билиш жараёни чексиздир. Паскаль таъбири билан айтганда, тўғнағич каллагини билиш учун бутун Оламни билиш талаб этилади.

Алоқа учун асос. Алоқа, алоқа учун асос ва алоқа шарт-шароитлари тушунчаларини фарқлаш лозим. *Алоқа юзага келишига имконият яратувчи айрим хосса, белги ёки муносабат алоқа учун асос бўлади*. Асоснинг мавжудлиги алоқа ўрнатиш учун зарур, лекин етарли эмас, чунки унинг ўрнатилиши доим эмас, балки муайян шароитдагина юз беради. *Шарт-шароитлар – бу аввало предмет мавжуд бўлган муҳитдир.* У алоқа ўрнатиш учун қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин. Шарт-шароитлар ўз ҳолича алоқа ўрнатиш омили бўлиши мумкин эмас, улар фақат алоқа юзага келишига кўмаклашади ёки монелик қилади.

Нарсалар ўртасида алоқа бирон-бир муайян асосга кўра юзага келади. Умумий асос айрим умумий асосга эга бўлган турли объектлар ўртасида умумий алоқа йўлини ҳам вужудга келтиради. Масалан, муайян манфаат гуруҳлари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун сиёсий гуруҳларга бирлашадилар, мамлакат-

даги сиёсий муҳитга кучли таъсир кўрсатадилар. Аммо бошқа, масалан, этник, диний ва бошқа асосларга кўра улар ўзаро боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, мазкур мисолда алоқа йўли алоқа юзага келиши учун асос, бошқа белгилар – бунинг шартларидир. Ўзаро алоқа умумий хусусият касб этади, у бутун борлиққа хосдир. Шу сабабли алоқа тушунчаси диалектикада энг умумий тушунчалардан бири ҳисобланади. Бошқа барча категориялар ўзаро алоқанинг муайян турлари билан тавсифланади.

Муносабат. *Алоқа тушунчаси ўзаро алоқа, ҳаракат, муносабат тушунчалари орқали ёритилади*. «Ҳозирги замон фалсафа луғати»да[1] *муносабат тушунчаси «нарсаларнинг ўзаро мавжудлик усули, уларда яширин хоссаларнинг намоён бўлиш омили» сифатида таърифланган*. Бу таърифда муносабатни тавсифловчи қуйидаги жиҳатлар фарқланади: биринчидан, нарсаларнинг ўзаро мавжудлиги, яқинлашуви, бирлашуви. Иккинчидан, муносабат нарсанинг хоссаларини намоён этиш, яъни ҳаракатга келтириш усули сифатида амал қилади. Учинчидан, нарсаларнинг бирлашуви сифатидаги муносабат таъсирида кооператив эффект, яъни *нарсалар ҳолатларининг бир-бирини ўзгартириши* юз беради. Бунда муносабат юзага келгунга қадар яширин ҳолда мавжуд бўлган нарсаларнинг хоссалари бир-бирига ўтади ва намоён бўлади.

Хуллас, *муносабат, бир томондан, нарсаларнинг ўзаро алоқасини, бошқа томондан эса – уларнинг алоҳида-алоҳида мавжудлигини назарда тутади.*

Ўзаро таъсир *нарсаларнинг ўзаро алоқадорлигини, улар бир-бирига таъсир кўрсатиши ва бир-бирини ўзгартиришини англатади.* Аммо ўзгариш – ҳаракат фалсафий тушунчасининг синонимидир. Бинобарин, умумий алоқанинг тан олиниши бизни муқаррар тарзда борлиқнинг ўзгарувчанлиги умумий хусусиятини тан олишга олиб келади. Умуман ўзгариш сифатида тушуниладиган ҳаракат бутун оламни қамраб олади, дунёда ҳамма нарса муайян пайтда вужудга келади, тадрижий ривожланади, ўзгаради ва ғойиб бўлади (ўлади, ҳалок бўлади, барҳам топади). Демак, ҳар қандай ҳодиса ўз тарихига эга. Айни шу сабабли табиат ва жамият ҳодисаларини ўрганишга нисбатан тарихий ёндашув зарур.

Ўзгаришлар ўз хусусияти ва йўналишига кўра тартибсиз ўзгаришлар, айланма ҳаракатлар, жисмларнинг маконда бир жойдан бошқа жойга механик кўчишида намоён бўлиши мумкин. Ривожланиш ўзгаришнинг алоҳида типи ҳисобланади.

Диалектика категориялари умумий алоқаларнинг ўзгариш ва ривожланиш манбаи сифатидаги тавсифини тўлдиради, ҳаракатланаётган, тадрижий ривожланаётган дунёнинг кенг манзарасини яратиш имконини беради. Бирон-бир алоқалар ва ўзаро таъсирларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлган объектлар амалда мавжуд эмас. Диалектиканинг муҳим белгиларидан бири ва умумий алоқа тамойилининг мазмуни айнан объектларнинг ҳар томонлама ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсирларини ҳисобга олишдан иборат.

Шундай қилиб, диалектика моддий дунёда ҳукм сурувчи умумий алоқани аниқлашни талаб қилади.

---

[1] Қаранг: Современный философский словарь / Под ред. В.Е.Кемерова. –М.: 2004 г. с. 497.

Алоқаларнинг таснифи ва хусусияти

Алоқаларнинг асосий турлари			Алоқаларнинг хусусиятлари	
Материянинг асосий турларига ва унинг ҳаракат шаклларига хос бўлган алоқалар		Материя мавжудлигининг асосий шаклларига хос бўлган алоқалар	Қонун, ҳодисани белгилайдиган алоқалар	Қонун, ҳодисани белгиламайдиган алоқалар
Ижтимоий	Моддий-энергетик	Маконга доир	Ички	Ташқи
Биологик		Вақтга доир	Муҳим	Аҳамиятсиз
Кимёвий		Структуравий	Зарурий	Тасодифий
Физик	Информацион	Генетик	Барқарор	Беқарор
Механик		Сабабий	Умумий	Якка
		Функционал		

Алоқалар қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади. Биринчидан, улар объектив хусусият касб этади, яъни одамлар онгидан қатъи назар, объектив қонуният сифатида мавжуд бўлади.

Иккинчидан, алоқалар универсалдир, чунки ҳамма жойда ва ҳар доим, барча ҳодисаларда, барча даражалар ва босқичларда намоён бўлади.

Учинчидан, ўзаро алоқа ўзининг моҳияти ва табиатига кўра серқиррадир, зеро ҳар бир предмет, ҳар қандай ҳодиса бошқа ҳодисалар билан минглаб ришталар воситасида боғланади, бу алоқа моддий ва маънавий дунё ҳодиса ва жараёнлари ўртасидаги муносабатларнинг охири кўринмайдиган тармоғи билан тавсифланади.

Тўртинчидан, реал алоқалар ўз хусусияти, чуқурлик ва мураккаблик даражаси, намоён бўлиш шаклларига кўра чексиз даражада ранг-барангдир. Диалектика борлиқнинг ранг-баранг алоқаларини таҳлил қилишга нисбатан дифференциялашган ёндашувни назарда тутади. Бунда у қуйидаги алоқаларни фарқлайди:

– материянинг асосий турларига ва унинг ҳаракат шаклларига хос бўлган алоқалар (механик, физик, кимёвий, биологик, ижтимоий боғланишлар);

– материя мавжудлигининг асосий шаклларига хос бўлган алоқалар (маконга доир, вақтга доир, структуравий, генетик, сабабий, функционал боғланишлар).

Аммо алоқаларнинг кўп сонли конкрет шакллари орасида диалектикани борлиқнинг барча ҳодисалари ва жараёнларида намоён бўлувчи ўзига хос алоқалар (боғланишлар хусусияти) қизиқтиради. *Алоқаларнинг бундай шакллари қаторига ички ва ташқи алоқалар; муҳим ва аҳамиятсиз алоқалар; зарурий ва тасодифий алоқалар; барқарор ва беқарор алоқалар; умумий ва якка алоқалар киради.*

Ривожланишда бу алоқаларнинг роли бир хил эмас: уларнинг айримлари ёрдамида предмет ўз табиатини рўёбга чиқаради, яъни улар бош ролни ўйнайди, бошқа алоқалар эса иккинчи даражали аҳамият касб этади. Шунга мувофиқ «қонун – алоқа демак» деган ибора пайдо бўлган. Бу тўғрими? Тўғри, агар қонун – бу ҳар қанақанги алоқа эмас, деб қўшимча қилинса. Қандай алоқа қонун ҳисобланади? Қонун деб, бир қанча зарурий белгиларга эга бўлган ўзаро алоқага айтилади.

– А**лоқанинг объективлиги**. Бу ерда гап бугун қабул қилиниб, эртага бекор қилинадиган юридик қонунлар ҳақида бораётгани йўқ. Энергия ва модданинг сақланиш қонунлари ёки бутун олам тортишиш қонуни ҳақида гапирадиган бўлсак, биз уларни бекор қилишимиз ёки уларнинг амал қилишини онгли равишда тўхтатишимиз мумкин, деб айтиш ақлга сиғмайди.. *Демак, қонуннинг муҳим белгиси нарсаларнинг объектив ҳолатини, нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқани акс эттиришида намоён бўлади.*

– Алоқанинг муҳимлиги. *Муҳим алоқа – бу нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи боғланиш.* Айтайлик, элементларнинг даврий қонуни атом оғирлиги, атом ўзагининг заряди ва элементларнинг кимёвий хоссалари ўртасидаги муҳим алоқани акс эттиради;

– Алоқанинг зарурийлиги. *Зарурий алоқа – бу муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи боғланиш*. Масалан, физикада маълум бўлган ўтказгич қаршилигининг ўтказгич таркиби, унинг узунлиги ва кўндаланг кесимининг юзига боғлиқлиги қонуни ўтказгичда электр токи ўтган ҳар бир ҳолда зарурий тарзда намоён бўлади, чунки у ўтказгич қайси моддадан ясалган бўлса, шу модданинг табиати, унга хос бўлган объектив хусусиятлар билан белгиланади;

– А**лоқанинг барқарорлиги**. *Барқарор алоқа – бу ишончли тарзда сақланадиган алоқа.* У материя ҳаракатининг тегишли шакли (материя ривожланишининг муайян босқичи) ёки тафаккур мавжуд бўлган давр мобайнида, токи бу нарсалар ва ҳодисалар мавжуд экан, амалда мавжуд бўлади;

– А**лоқанинг умумийлиги**. *Алоқанинг умумийлиги шунда намоён бўладики, унга объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсунади*.

Тарихийлик тамойили. Ҳар қандай, нарса, жараён мавжудлиги пайдо бўлиш, ривожланиш ва йўқолиш босқичларида намоён бўлади. Масалан Ер тахминан 6 миллиард йил илгари иссиқ газсимон туманликдан пайдо бўлиб, ҳозирги ҳолатига етган. Айни пайтда олимлар қачонлардир Ернинг совиб, ойсимон, совуқ планетага айланишини эътироф этганлар.

Материалистлар тарихийлик тамойилини «оламнинг моддий бирлиги ҳақидаги монистик тамойилга» мослиги учун реалликнинг барча соҳаларида мавжуд деб ҳисоблайдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тарихийликни мутлақлаштириш тўғри эмас. Чунки, илгари Ой оддий планета бўлган, ҳозир эса совуқ космик жисм, қутб юлдузининг конфигурацияси 50 минг йил илгари ҳозиргидан бошқача бўлган, инсоннинг жисмоний типи 40–50 минг йил илгари тўлиқ шаклланган. Бунда тарихийлик тўлиқ намоён бўлаётгандек. Бироқ, аслида, табиат, материя абадий, биз унинг фақат муайян фрагментларини, табиат фрагментларининг тарихини қўрамиз холос. Шунинг учун тарихийлик тамойили ҳақида эмас, балки эволюция тамойили ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади.

Тарихийлик тамойилининг шакллари турлича. Тарихийликнинг ижтимоий жиҳати ижтимоий тарихнинг қонуниятлиги, унинг тараққиёти қайтарилмас эканлигидан далолатдир. Янги ижтимоий тузилма ва тизимларнинг пайдо бўлиши муқаррар. Ижтимоий ҳаётни ўрганишда тарихийлик тамойили ғояси Ибн Халдун, ар-Розий, Гегель, Шмоллер ижодида акс этган. *Методологик жиҳатдан тарихийлик тамойили жамият тараққиётининг у ёки бу босқичидаги яхлит-*

ликни, ривожланишнинг истиқболларини баҳолаш имконини беради. Масалан, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ таълим соҳасида ислоҳотларни амалга оширди. Бу таълим тизимининг илгариги ҳолатидан бутунлай янги ҳолатга ўтишини таъминлади. Мулк соҳасидаги ислоҳотлар эса кишиларнинг мулкка онгли муносабатини шакллантиришга замин тайёрлади. Жамиятнинг тарихий ривожланишида ва тарихийлик тамойилининг амал қилишида тарихий тараққиётни билиш ёки билмаслик муҳим аҳамият касб қилади. Зеро, билиш орқали янги жамиятнинг назарий асослари яратилади, билмаслик эса кўр кўрона фаолият натижасида жамиятни навбатдаги боши берк кўчага олиб киради.

Сабабият тамойили. *Сабабият алоқаларнинг генетик типи, зеро унда бир ҳодиса муқаррар янги бир ҳодисани яратади*. Янги сифатнинг пайдо бўлиши сабабга эга. Масалан, Ўзбекистонда мудофаа соҳасидаги ислоҳотлар илгариги мудофаа хизматининг ҳозирги давр талабларига жавоб бермаслиги давлат манфаатларига мос эмаслиги билан белгиланади. Ҳодиса ва жараёнларнинг ўзаро алоқадорликда бири иккинчисини келтириб чиқарувчи жараёндир. Масалан: 1997 йилда Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши, унда белгиланган вазифаларни тизимли амалга оширишни тақозо қилади.

Тизимлилик тамойили. *Тизимлилик тамойили ва у билан боғлиқ тизимли ёндашув ўзида диалектика назариясининг комплекс ғояларини мужассамлаштирган ҳозирги замон фани ва амалиётида муҳим методологик аҳамият касб қилади.* Тизимлилик тамойилининг асосий омили яхлитлик тамойилидир. Бу объектларни икки ёқлама: бир томондан объектларнинг муҳит билан мутаносиблиги, иккинчи томондан тизим элементлари, хоссалари ва функцияларининг бутун доирасида ички бўлиниши нуқтаи назаридан ўрганишни талаб қилади. Бунда бутуннинг хоссалари унинг элементларини назарда тутади ва аксинча. Тизимнинг яхлитлиги ҳақидаги тасаввурлар алоқа орқали конкретлаштирилади (Алоқалар ҳақида юқорида аниқ маълумот берилган).

Ривожланишнинг умумий қонунлари. Ҳодисаларни тавсифлашдан уларнинг моҳиятини англаб етишга ўтиш ҳодисаларда умумий жиҳатларни топишни талаб этади. Бунда вазифа турли ҳодисалар ўртасида умумий жиҳатларни топишдангина иборат эмас. Ҳодисаларни бирлаштирувчи ва уларнинг бирлигини белгиловчи асосни тушуниб етиш зарур. Бу асос – ҳодисаларни «бириктирувчи» ва уларни бир-бирига йўлдош бўлиш, уйғунлашиш ва мувофиқлашишга мажбур қилувчи амалда мавжуд бўлган барқарор алоқани акс эттирувчи қонундир.

Қонунларни билишга ҳодисаларни илмий ўрганиш натижасида эришилади. Одатда, бу олимларнинг тафаккурдан узоқ заҳмат чекишни талаб этувчи жуда оғир ишдир. Воқеликнинг бирон-бир қонунини аниқлаш учун олим ўрганилаётган ҳодисалар ҳақидаги дастлабки маълумотларнинг кўп сонли тўпламларига таянишига тўғри келади. Бу маълумотлар шундай тартибга солиниши ва умумлаштирилиши лозимки, ҳодисаларнинг мазкур соҳаси асосий элементлар ва муносабатларни фарқлаш имконини берадиган тизим сифатида намоён бўлсин. Шундан сўнг элементларнинг ранг-баранг муносабатлари орасида тизимнинг ва тизим айрим элементларининг ҳар қандай ўзгаришларида сақланиб қолувчи умумий, ўзгармас, инвариант алоқаларни аниқлаш талаб этилади.

Қонун – тизим элементлари ўртасидаги умумий ва инвариант алоқа. Уларнинг учта тури мавжуд.

Воқелик қонунлари *бизнинг онгимиздан, биз уларни билиш-билмаслигимиздан қатъи назар мавжуд ва амал қилади.*

Фан қонунлари *одамлар томонидан англаб етилган воқелик қонунларининг онгимиздаги инъикоси.* Ҳар бир фан воқеликнинг муайян соҳасини ўз предмети сифатида ўрганар экан, мазкур соҳада амал қилувчи қонунларни аниқлайди. Илмий назария билан қамраб олинган соҳа қанча кенг бўлса, унинг қонунлари шунча умумий бўлади. Фанда қонунларнинг умумийлик даражасига кўра мураккаб иерархияси мавжуд. Умумийлик даражаси пастроқ бўлган қонунлар умумийроқ қонунларнинг айрим кўринишлари сифатида амал қилади ва сўнгги зикр этилган қонунлардан уларнинг оқибатлари сифатида келтириб чиқарилади.

Масалан, геометрик оптикада ёруғликнинг акс этиш ва синиш қонунлари электромагнит тўлқинлар тарқалишининг умумийроқ қонунларидан, улар эса, ўз навбатида, электромагнит майдони назариясининг янада умумийроқ қонунларидан келиб чиқади.

Ҳар қандай қонун муайян шароитда амал қилади. Қонун амал қилишининг базис ва локал шароитларини фарқлаш лозим. *Базис шароитлар қаторига қонуннинг амал қилиш соҳасини белгиловчи шароитлар киради.* Мазкур шароитлардан ташқарида қонун амал қила олмайди (улар йўқ бўлган тақдирда уларда амал қилаётган тизим ҳам йўқ бўлади). *Локал шароитлар қаторига қонуннинг амал қилиш соҳасидаги шароитлар киради. Қонун бу шароитларнинг ҳар қандай вариациясида ўз кучини сақлаб қолади, лекин уларнинг ўзгаришлари қонуннинг амал қилиш натижаларининг ўзгаришларига сабаб бўлади.* Қонун локал шароитларга нисбатан инвариант, лекин у базис шароитларга нисбатан инвариант эмас.

Масалан, Архимед қонуни учун суюқлик ва унга солинган жисм, оғирлик кучининг мавжудлиги базис шароитлар ҳисобланади. Бу шароитларга нисбатан Архимед қонуни ноинвариантдир: улар мавжуд бўлмаса, қонун амал қилмайди. Бу ерда суюқликнинг таркиби ва солиштирма оғирлиги, жисмнинг физик тузилиши ва шакли локал шароитлар ҳисобланади. Уларга нисбатан қонун инвариантдир. Аммо унинг амал қилиши турли натижаларда акс этиши мумкин: айрим ҳолларда жисм сувда сузади, айрим ҳолларда эса – у чўкиб кетади.

Одамлар қонунларнинг амал қилиш шароитларини ўзгартириб, улардан ўзлари истаган натижаларга эришиш учун фойдаланиш имкониятини қўлга киритадилар. Янги базис шароитларни яратиш йўли билан эса улар айрим қонунларнинг амал қилишини тўхтатиш ва бошқа қонунларни амалга киритишга қодирлар.

Ҳодисаларнинг мунтазамлиги, такрорийлигида қонунларнинг амал қилиши (шунингдек, феноменлогик қонун, эмпирик боғланиш) қонуният-деб аталади. Қонуниятлар – бу қонунларнинг намоён бўлишидир.

Фалсафа қонунлари *табиат ва жамиятда инсоннинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган бири иккинчисини тақозо қилувчи қонунлардир.* Фалсафа қонунлари тизимида диалектик зиддиятлилик қонуни марказий ўринни эгаллайди. Қонуннинг муҳим жиҳатларини аниқлаш учун унинг асосий категорияларини кўриб чиқиш керак. Таҳлилни қарама-қаршилик тушунчасидан бошлаймиз.

Қарама-қаршиликлар бирлиги қонуни. *Қарама-қаршилик – нарсалар ва ҳодисалардаги бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-бирини истисно этувчи томонлар, хоссалар, тенденциялар, жараёнларни акс эттирувчи фалсафий категория (ассимиляция – диссимиляция, ўзгарувчанлик – туғмалик, ишлаб чиқариш – истеъмол қилиш, яхшилик – ёмонлик ва ш.к.).* Қарама-қаршиликлар – ўзаро боғланишли бўлган тушунчалар. Турли жиҳатлардан олинган тақдирда, улар ўзаро бирликни ташкил этмайди ва бир-бирига зид бўлмаслиги мумкин.

Қарама-қаршиликлар ўртасида икки хил муносабат мавжуд: ягоналик муносабати ва қарши ҳаракатга доир муносабат. (қонуннинг классик таърифида «кураш» атамаси ишлатиладики, у қонуннинг моҳиятини соддалаштиради, чунки мазкур атама кўпроқ жамиятга тегишлидир.)

Қарама-қаршилик бирлиги нима? *Биринчидан, қарама-қаршиликлар бирлиги – бу уларнинг узвийлиги.* Ҳар бир қарама-қаршилик бошқа бир қарама-қаршиликнинг мавжудлик шарти ҳисобланади. Улар алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас (агар қарама-қаршиликлардан бири йўқ бўлса, уларнинг иккинчиси ҳам йўқ бўлади). *Иккинчидан, қарама-қаршиликлар бирлиги улар бир-бирини тақозо этган ва бир-бирига ўтган ҳолдагина муайян мазмун касб этади.* Ҳар қандай қарама-қаршилик ўзида мавжуд бўлмаган, лекин бошқа қарама-қаршиликда мавжуд бўлган жиҳатга муҳтож бўлади. Улар бир-бири билан ўзаро таъсирга киришади. Қарама-қаршиликлар бир-бирига таъсир кўрсатиш орқали бир-бирига ўтади. Бу қарама-қаршиликлар маконда бир-биридан ажратилган, турли жинсли ҳодисалар сифатида мавжуд бўлмаслигини, уларнинг ҳар бири ўзида бошқасининг муайян жиҳатини мужассамлаштиришини англатади (масалан, ўқув жараёни ўқитувчи ва талаблар мавжудлигини назарда тутади).

Қарама-қаршиликларнинг қарши ҳаракат («кураш»)га доир муносабати нима? Қарама-қаршиликлар бир-бирини тақозо этар ва ривожланар экан, бири бошқасига «бепарво» бўлмайди, балки бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади. Уларнинг ўртасида қарши ҳаракат, кураш боради. Унинг моҳияти ягоналикка барҳам беришдан иборат. Қарама-қаршиликларнинг ҳар бири иккинчисини ўзидан итариб чиқаради, ундан халос бўлишга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, *қарама-қаршиликлар кураши қарама-қаршиликлар бир-бирини инкор этган, бир-бирини истисно қилган ҳолда юз беради.*

Қарама-қаршиликлар бирлиги нарсанинг барқарорлигини акс эттиради ва нисбий, ўткинчи ҳисобланади. Қарама-қаршиликларнинг кураши мутлақ хусусият касб этади, у ҳеч қачон тўхтамайди.

Зиддиятлар – *нарса ёки ҳодиса қарама-қарши томонларининг бир-бирини истисно этиш ва бир-бирига ўтиш муносабатларидир*. Зиддиятлар борлиқнинг барча ҳодисалари ва жараёнларига хос бўлиб, ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амал қилади. Айни шу сабабли зиддият диалектик зиддиятлилик қонунининг моҳиятини ёритиб берувчи бош категория ҳисобланади. Зиддият – бу қарама-қаршиликлар муносабатигина эмас, балки уларнинг тарқалиш жараёни ҳамдир. Шу туфайли ҳам, Гегель ғояларига асосланиб, зиддият тарқалишининг қуйидаги босқичлари (фазалари) фарқланади: айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият ва асос (яъни зиддиятнинг ечилиши).

Диалектик зиддият – *бир-бирини истисно этувчи қарама-қаршиликларнинг*

билвосита бирлигидир. *Қарама-қаршиликлар – зиддиятларнинг негизи, боғловчи бўғинлар эса – уларни ечиш механизмидир*. Қуйидаги далиллар боғловчи бўғинлар роли ва қарама-қаршиликлар тушунчасига мисол бўлиши мумкин: Ирсият ва ўзгарувчанлик қутбларида нафақат организмнинг аввалги ҳолати, балки ўзлаштирилган янги белгилари ҳам сақланишини таъминловчи генетик код боғловчи бўғин ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётда жамиятнинг ўта бой ва ўта қашшоқ қатламлари қарама-қаршиликлари ўртасида боғловчи бўғин вазифасини ўрта синф бажаради. Ўрта синф мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этиши лозимлиги, акс ҳолда жамият ҳолати доимо беқарор бўлишини Аристотель қадим замонлардаёқ қайд этган. Зеро, майда мулкдорлар олган даромадининг бир қисмини ўз ишини ривожлантиришга йўналтиради, бозор конъюнктурасини ўрганади ва унга жуда тез мослашади, бозорни зарур товарлар ва хизматлар билан бойитади. Яна бир мисол – шахс ва жамият муносабатлари. Маълумки, шахс ва жамият қарама-қаршиликлар ҳисобланади, шахс аъзо бўлган ижтимоий гуруҳлар уларнинг ўртасида боғловчи бўғин сифатида амал қилади. Бу ва бошқа далиллар билишда ички қарама-қаршиликлар мавжудлгини ҳам, боғловчи бўғинларни ҳам ҳисобга олиш муҳим эканлигини кўрсатади. XX аср 30-йилларининг бошида инглиз физиги Поль Дирак позитронлар, яъни электронларга ўхшаш, лекин мусбат зарядга эга бўлган зарралар мавжудлигини башорат қилди. Гарчи олим ўз назариясида бирон-бир хато топмаган бўлса-да, аксилзарралар мавжудлигига унинг ишончи йуқ эди.

Шундай қилиб, қарама-қаршиликлар алоқаси ва зиддиятларни ечишнинг бир-бири билан билвосита боғлиқлиги умумий хусусият касб этади, алоқа усули эса боғланиш хусусияти билан белгиланади. *Боғловчи бўғинларнинг ўзи зиддият қарама-қарши аъзолари хоссаларининг уйғунлигидан ташкил топади.*

Тафовут – *аввалги ҳолатдан сақланиб қолган хоссалар устунлик қилгани ҳолда, айни бир предмет хоссаларининг мос келмаслигидир.* «Тафовут» – ҳар хиллик, ўз-ўзига, бошқа нарсалар, ҳодисалар, жиҳатларга мос келмаслик муносабати. Тафовут кучли ёки аҳамиятсиз бўлиши мумкин. *Кучли тафовут – предметнинг ўз-ўзи билан зиддиятга киришиш омили*. Бу қарама-қаршилик босқичи бўлиб, унинг ечилиши предметнинг бутунлай ўзгаришига олиб келади. Шундай қилиб, зиддиятларнинг кучайиши ва ўз ечимини топиши ривожланиш манбаи ҳисобланади.

Ривожланиш манбаи ва ривожланишни ҳаракатлантирувчи кучни фарқлаш лозим. Ривожланиш манбаи – ички ҳодиса, предметнинг ички зиддиятларидир. Ваҳоланки, ташқи зиддият ҳам ривожланишни ҳаракатлантирувчи куч бўлиши мумкин. Масалан, сиз шамоллаб қолдингиз. Айни ҳолда ташқи муҳит сизнинг ҳолатингиз ўзгаришини ҳаракатлантирувчи куч бўлди. Диалектик зиддият таркибида асосий томон манфий хусусиятга эга, чунки у мазкур зиддиятни бартараф этиш, инкор қилишга қаратилган. Мусбат томон мазкур зиддиятни сақлашга қаратилган.

Айният – *предмет умумий белгиларнинг муайян даврда ўз-ўзига мослиги***.** Предметнинг ривожланиши ва зиддиятларнинг ечилиши бир неча босқичдан ўтади. Дастлабки босқич – предметнинг ўз-ўзи билан нисбий айнийлик ҳолати. Табиатда мутлақ айният мавжуд эмас. Масалан, ҳар бир организм ҳатто оқсил

молекуласининг тузилиши даражасида ҳам ўзига хос белгиларга эгадир. Ҳар қандай предмет ҳеч қачон ўз-ўзи билан айний бўлмайди. Масалан, кўзгуга келар экансиз, сиз ўз қиёфангизда ҳеч қандай фарқ кўрмайсиз. Ўз дўстингиз билан орадан беш йил ўтиб учрашгач, иккалангиз ҳам: «У жуда ўзгариб кетибди!» деб ўйласангиз керак.

Шу боис, «айният» *тушунчаси зиддият тарқалишининг дастлабки босқичини англатади. Бу бир хиллик, нарса, ҳодиса, жиҳатнинг ўз-ўзига ёки бошқа нарсалар, ҳодисалар, жиҳатларга ўхшашлик муносабати*. Зиддиятнинг вужудга келиши ягонанинг иккиланиши сифатида, ягонанинг ўз-ўзини қарама-қаршиликларга дифференциация қилиши сифатида юз беради. Иккиланиш чоғида бир вақтнинг ўзида айни шу муносабатда қарама-қаршиликлар бирлиги ҳам, уларнинг кураши ҳам вужудга келади. Зиддиятнинг шаклланиш жараёнида қарама-қаршиликлар кураши биринчи ўринга чиқади ва ривожланишнинг ички, теран манбаига айланади. Зиддиятнинг ўзида қарама-қаршиликлар ҳар хил роль ўйнайди. Фаолроқ, ҳаракатчанроқ қарама-қаршилик зиддиятнинг етакчи томони ҳисобланади. Қарама-қаршиликлар кураши охир-оқибатда янги сифат ҳолатига олиб келади. Пайдо бўлувчи янги ҳодисалар ўзларига хос бўлган янги зиддиятларга эга бўлади. Бу зиддиятлар мазкур ҳодисалар ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Зиддиятларнинг ривожланиш жараёнига янада чуқурроқ кириш учун уларнинг тарқалиш босқичлари (фазалари)дан ташқари, уларнинг ҳолатларини ҳам фарқлаш зарур. Предметли-моддий, «етилган» зиддиятнинг ҳолати деганда, қарама-қаршиликларнинг амал қилиш усули, «бирлиги ва кураши»нинг намоён бўлиш хусусияти тушунилади. Айни шу хусусият бу қарама-қаршиликларнинг ривожланиш хусусияти ва фаоллик даражасини белгилайди. Зиддиятнинг ривожланиш жараёнида босқичларни ёки тарқалган, «етилган» зиддиятни тавсифловчи ҳолатларни ҳам фарқлаш мумкин. Ижтимоий тизимларга татбиқан зиддиятларнинг ривожланиш босқичларига нисбатан бундай ёндашув уларнинг қуйидаги ҳолатларини аниқлаш имконини беради: гармония, дисгармония, конфликт.

Шуни қайд этиш муҳимки, зиддиятлар ривожланаётган ҳар қандай тизимда мазкур тизим мавжудлигининг бошидан охирига қадар мавжуд бўлади. Ҳолатлар, миқдор кўрсаткичлари, қарама-қаршиликларнинг ўзаро алоқаси хусусияти, уларнинг тизимдаги ролигина ўзгаради.

Зиддиятларнинг турлари. Зиддиятларнинг бутун ранг-баранглиги турли асосларга кўра таснифланади. Хусусан,

1) намоён бўлиш шаклига кўра – ички ва ташқи зиддиятлар;

2) ривожланишдаги ролига кўра – асосий ва иккинчи даражали зиддиятлар;

3) вужудга келиш хусусиятига кўра – зарурий ва тасодифий зиддиятлар;

4) жамиятдаги типига кўра – антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар фарқланади.

Асосий зиддиятлар структуранинг қарама-қарши томонлари ўртасида, иккинчи даражали зиддиятлар эса – боғловчи бўғинлар ўртасида юзага келади. Асосий зиддиятлар сифатли, муҳим ва зарурдир. Асосий зиддиятларсиз предмет, унинг сифат жиҳатидан муайянлиги ва яхлитлиги мавжуд бўлмайди. Иккинчи даражали зиддиятлар тасодифий хусусият касб этади, уларнинг борлиги ёки йўқлиги

предметнинг сифатини ўзгартирмайди. зарурий зиддиятлар – бир лаҳзалик зиддиятлардир: улар ички ёки ташқи, асосий ёки иккинчи даражали бўлиши мумкин. Масалан, инсон ҳаёти қил устида турадиган автомобиль ҳалокати юз берган пайтда барча ички зиддиятлар (психологик конфликтлар, стресслар ва физиологик патологиялар) иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Борлиқнинг ичдан зиддиятлиги – объектив ҳодиса, табиат ва жамиятнинг асосий ва умумий хоссасидир. Ҳар бир инсон ҳаётига келсак, у зиддиятлар билан ҳар куни тўқнаш келади, қарорлар қабул қилади, баҳолар беради, ўз қилмишларидан пушаймон бўлади, кўпинча йўл қўйган хатоларидан афсус чекади. Ҳар қандай воқеа, вазият, тахминнинг ички зиддиятларини кўриб, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг ижобий ва салбий томонларини тарозига солиш тафаккурнинг етуклик белгисидир.

Бизни қуршаган дунёда зиддиятлар жуда серқирра; уларни турли асосларга кўра таснифлаш одат тусини олган

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни қайд этиш мумкинки, диалектик зиддиятлилик қонуни барча нарсалар, тизимлар, ҳодисалар ва жараёнлар ички зиддиятлар, қарама-қарши томонлар ва теденциялар билан тавсифланишини назарда тутади. Уларнинг ўзаро алоқаси, улар ўртасидаги «кураш» ўзгариш ва ривожланиш манбаи ҳисобланади, зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу зиддиятлар охир-оқибатда муайян босқичда эскининг йўқолиши ва янгининг вужудга келиши билан ечилади.

Диалектика тизимида бу қонуннинг марказий ўрни нима билан белгиланади? Биринчидан, бу қонун ҳар қандай ҳаракат ва ривожланиш манбаини ёритади, яъни ривожланиш назариясининг энг муҳим саволларига жавоб беради. Иккинчидан, бу қонун диалектиканинг қолган барча қонунлари ва категорияларининг асоси ҳисобланади. Кўрсатилган қонунлар ва категорияларнинг ҳар бирида биз бирлик ва кураш муносабати билан боғлиқ бўлган қарама-қаршиликларга дуч келамиз. Учинчидан, диалектик зиддиятлилик қонуни ягонани тафаккурда иккилантириш ва унинг қарама-қаршиликларини уларнинг таҳлилини синтез билан бирлаштириш орқали ўрганишни талаб қилиб, билиш диалектик методининг бош мазмунини белгилайди.

Ривожланиш манбаини ёритувчи диалектик зиддиятлилик қонунидан фарқли ўлароқ, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни ривожланиш жараёнининг механизмини ёритади, у қай тарзда ва қандай шаклларда амалга оширилишини кўрсатади. Бу қонуннинг хусусиятини, у қандай намоён бўлиши ва амал қилишини аниқлаш учун унинг асосий тушунчалари: сифат, миқдор, меъёр, сакрашнинг мазмунини ёритиш талаб этилади.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни. Ҳодисаларга макон–вақт мезони нуқтаи назаридан тавсиф бериш жараёнида «қаерда?» ва «қачон?» саволлари биринчи ўринга чиқади. Уларни билишга нисбатан бошқа бир ёндашув «нима?» саволи билан боғлиқ. Маълум жойда ва маълум вақтда мавжуд бўлган мазкур ҳодиса нимадан иборат? У қандай хоссалар билан тавсифланади? Бошқа ҳодисалардан унинг фарқи нимада ва қай жиҳатдан уларга ўхшаш? Бундай саволларга жавоб ҳодисаларни сифат ва миқдор жиҳатидан тавсифлаш орқали берилади. Мазкур тавсиф предмети сифат ва миқдор категориялари билан

ифодаланади. Энг синчков таҳлил ҳам ҳодисада сифат ёки миқдор жиҳатидан тавсифлаш мумкин бўлмаган нарсани аниқлаш имконини бермайди. Бинобарин, сифат ва миқдор – ҳодисанинг қолдиқсиз «парчаланувчи» икки томонидир.

Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни ривожланиш жараёнининг механизмини ёритади, у қай тарзда ва қандай шаклларда амалга оширилишини кўрсатади. Бу қонуннинг хусусиятини, у қандай намоён бўлиши ва амал қилишини аниқлаш учун унинг асосий тушунчалари: сифат, миқдор, меъёр, сакрашнинг мазмунини ёритиш талаб этилади.

Сифат *нарсаларга хос ва уларнинг борлиғи билан айний бўлган ҳамда уларни муайян алоқалар тизимидаги бошқа нарсалардан фарқлаш имконини берадиган ўзига хос хусусиятни акс эттиради*. Нарсаларнинг сифати уларнинг чеклилиги билан уйғун боғлиқ, зеро мазкур сифат йўқ бўлиши билан нарсанинг ўзи ҳам йўқ бўлади, у бошқа нарсага айланади. Сифат – нарсанинг ички хусусияти, предметни мазкур жиҳатдан фарқлаш учун зарур ва етарли бўлган хоссалар мажмуи. Сифат – хоссаларнинг оддий мажмуи эмас, балки уларнинг муайян яхлитликдан ўрин олган ва предметнинг алоҳида моҳият сифатида мавжудлигини белгиловчи тизимидир. Предметларнинг муносабатлари ва алоқаларининг рангбаранглиги айни бир предметда қарама-қарши хоссалар ва сифатлар мавжудлигини изоҳлайди. Бир жиҳатдан енгил нарса бошқа бир жиҳатдан оғир бўлади, бир алоқада оқ нарса бошқа бир алоқада қора бўлади ва ҳоказо. Масалан, сув ва буғ бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қиладими ёки миқдор жиҳатиданми? Модданинг агрегат ҳолатини таққослайдиган бўлсак, сув ва буғ сифат жиҳатидан фарқ қилади. Таққослаш сув ва буғнинг кимёвий таркибини аниқлашни назарда тутса, уларнинг ўртасида миқдорий фарқ мавжуд бўлади. Аммо ҳар қандай нарса бир жиҳатдан битта сифатга ва турли жиҳатлардан кўплаб сифатларга эга бўлади

Хосса – *предметнинг жиҳати бўлиб, унинг бошқа предметлардан фарқи ёки улар билан ўхшашлигини белгилайди ва улар билан ўзаро алоқада намоён бўлади.* Хоссалар муҳим ва иккинчи даражали бўлиши мумкин. Муҳим хоссалар предметнинг сифатини белгилайди. Уларнинг йўқолиши моҳиятини мазкур хоссалар ташкил этган предметнинг ҳам йўқолишини англатади. Иккинчи даражали хоссалар ўзлаштирилиши ёки предметнинг сифатини ўзгартирмасдан йўқолиши мумкин. Ҳар қандай хосса (температура, ҳажм, энергия ва ш.к.) муайян миқдор ва сифатга эга бўлади. Ҳар қандай предмет ўзининг мавжудлигини белгиловчи барча хоссалар мажмуидир.

Миқдор – *предмет муайян хоссасининг намоён бўлиши, интенсивлиги даражаси.* Барча нарсалар, жараёнлар, ҳодисалар сифат билан бир қаторда муайян миқдорга ҳам эга. Улар муқаррар тарзда муайян ўлчам, ҳажм, масса ва шу кабилар билан тавсифланади. У сифат жиҳатидан ўхшаш хоссалар ёки бутуннинг қисмларини таққослаш йўли билан аниқланади. Миқдорий муносабатлар сифатга боғланмасдан аниқланиши мумкин. Шунингдек, миқдор турли предметларнинг айрим умумий хоссаси сифатида, предметларни сифат жиҳатидан тенглаштиради. Шу маънода миқдор сифатнинг зиддидир. Аммо предметнинг сифат хусусиятини мавҳумлаштириш сифат жиҳатидан ҳар хил тузилмаларни ўрганишга тадқиқотнинг миқдорий методларини жалб қилиш имконини беради. Масалан, ўлчаш таққослашнинг ўрганилаётган объектнинг миқдор кўрсаткичларини

аниқловчи айрим кўриниши сифатида, сифат ҳақида аниқроқ хулоса чиқариш имконини беради. Математикада миқдорий муносабатлар сон, қиймат, функция, тўплам тушунчаларида ифодаланади. Ҳозирги замон фани математик аппаратдан фойдаланиб, микродунёнинг теран қатламларига киради, Оламнинг чексиз маконларини тадқиқ этади. Математика табиат ва жамиятни ўрганишнинг самарали воситаларидан бирига айланган.

Ҳар қандай предмет миқдор ва сифат қарама-қаршиликларининг муайян синтезидир. Унинг борлиғи объектга хос бўлган муҳим хоссаларни сақлашни назарда тутади. Оламнинг кўп сифатлилиги унинг элементлари нисбатан барқарорлиги ва мустақиллиги билан таъминланади. Аммо олам, шу жумладан, ҳар қандай предмет муттасил ўзгаришда бўлади. Ҳеч нарса боқий эмас. Бутун борлиқ қачондир пайдо бўлган ва қачондир ҳалок бўлади. Дунё ўзгаради ва айни замонда ўзлигини сақлаб қолади, ўз-ўзига нисбатан айний бўлади.

Меъёр – предмет борлиғининг чегараси. У *миқдор ва сифатнинг шундай бир бирлигики, бунда муайян сифат фақат муайян миқдор билан боғлиқ.* Меъёр – бу миқдор кўрсаткичлари ёки ўзгаришларининг тегишли сифат мавжуд бўлиши мумкин бўлган муайян оралиғи ҳамдир. Меъёр – бу шундай бир чегараки, унда миқдор ўзгаришлари нарсанинг сифатига путур етказмайди. Гегель фикрича, «Ҳамма нарса ўз меъёрига эга, яъни миқдор жиҳатидан аниқдир»[1]. Масалан, водород пероксиди ва сув бир-биридан молекулалардаги кислород атомларининг миқдорига кўра фарқ қилади. Ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик ҳодисалар тавсифида меъёр тушунчаси нормативлик хусусиятини касб этади. «Айнан «кўпроқ» ва «камроқ» орқали енгилтаклик меъёри бузилади ва бутунлай бошқа нарса – жиноят намоён бўлади, айнан «кўпроқ» ва «камроқ» орқали адолат ҳақсизликка, фазилат нуқсонга ўтади»[2]. Масалан, ҳуқуқда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва жазо чораси ўртасидаги мувофиқликка риоя этилади. Меъёр тушунчасида миқдор ва сифат хоссаларининг ўзаро алоқаси акс этади. Табиатда кузатиладиган нарсаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши дунё эволюциясининг муҳим ва кенг тарқалган механизмларидан бирини акс эттиради. Меъёр тушунчаси эволюция тенденцияларини аниқлаш, турли тизимларнинг ўтмиши ва келажаги хусусида гипотезалар тузиш имконини беради. Миқдор сифат жиҳатидан бир жинсли ҳодисаларнинг муайян объектив кўрсаткичи бўлиб, у мазкур ҳодисаларнинг катталигини, мавжудлик муддатини ва умуман ҳодиса ёки унинг айрим томонлари ривожланишининг фаоллик даражасини тавсифлайди.

Шундай қилиб, нарса ва ҳодисалар сифат ва миқдор хусусиятларига эга бўлади. Аммо нарсалар ва ҳодисаларнинг бу томонлари ўртасида узвий алоқа мавжуд эмасдек, уларнинг бири иккинчисига боғлиқ эмасдек бўлиб туюлиши мумкин. Лекин амалда бундай эмас. Миқдор ва сифат ўртасида диалектик алоқа мавжуд: муайян сифатни акс эттирмайдиган миқдор мавжуд эмас ва шу билан бир вақтда миқдорсиз сифат ҳам йўқ. Мазкур сифатга қўшимча тарзда доим қандайдир эмас, балки муайян миқдор жавоб беради. Биз, масалан, узунлиги Амударё устида қурилган кўприкнинг узунлигига тенг бўлган столни кўрмаганмиз. Шунинг-

[1] Гегель Г.В. Энциклопедия философских наук. Соч. Т. 1. –М.: с.145.

[2] Гегель Г.В. Наука логики. Т. 1. –М.: 1970 й. с. 467.

дек, оёқларининг узунлиги 5 м бўлган одамни тасаввур қилиш ҳам қийин. Шундай қилиб, ҳар қандай сифат фалсафада меъёр деб аталадиган миқдор чегарасига эга бўлади. Миқдорнинг меъёр доирасида ўзгариши сифатнинг ўзгаришига сабаб бўлмайди, лекин меъёрдан ошганда нарса ўзининг аввалги моҳиятини йўқотади. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бундай ўзаро таъсирига кўп сонли далилларни келтириш мумкин. Масалан, жисмнинг тезлиги секундига 1000, 2000, 7910 метр бўлса, у ерга йиқилади. Агар жисмнинг тезлиги атиги бир бирликка оширилса ва у секундига 1911 метрга етказилса, жисм Ердан кўтарилади ва унинг йўлдошига айланади. Демак, миқдор ўзгаришлари, агар улар меъёр доирасида юз берса, сифатни бутунлай ўзгартирмайди. Бироқ, агар бу ўзгаришлар меъёр чегарасидан четга чиқса, ўзининг муайян миқдори ва ўз меъёрига эга бўлган янги сифат вужудга келади.

Миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги қоида умумий аҳамият касб этади. У атроф борлиқнинг барча нарсалари ва ҳодисаларига нисбатан ўринли, яъни диалектика қонуни кучига эга. У қуйидагича таърифланади: м*иқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни нарсанинг миқдор ва сифат томонларининг шундай бир ўзаро алоқасини акс эттирадики, унинг таъсирида миқдор ўзгаришлари меъёр чегарасидан четга чиқиб, албатта туб сифат ўзгаришларига сабаб бўлади, бу сифат ўзгаришлари эса, ўз навбатида, янги миқдор кўрсаткичларига олиб келади.* Бу қонунга мувофиқ ривожланиш бир-биридан фарқ қиладиган, лекин ўзаро боғланган икки босқич – узлуксизлик ва узлуклиликнинг бирлиги сифатида юз беради. Ривожланишда узлуксизлик – бу жуда суст, кўзга кўринмас миқдор ўзгаришлари босқичи. Ривожланишда узлуклилик сакраш деб аталади.

Сакраш – *бу бир сифатнинг бошқа сифатга айланиш вақти, шакли, усули, миқдор ўзгаришларининг узлуксизлиги, босқичма-босқичлигидаги узилишдир.* Масалан, сакраш – бу Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, ҳайвонлар дунёсидан инсоннинг ажралиб чиқиши, бир ижтимоий тузум ўрнига бошқа ижтимоий тузум келиши, буюк илмий ва техникавий кашфиётлардир. Ҳар қандай сакраш ривожланишда ўтиш даврини тавсифлайди. Ўз табиатига кўра у доим зиддиятлидир, чунки янгининг туғилишидан ҳам, эскининг қаршилигидан ҳам далолат беради.

Сакрашларнинг шакллари ранг-баранг бўлиб, ривожланаётган ҳодисанинг табиати, шунингдек, унда сифат ўзгаришлари юз бераётган конкрет шароит билан белгиланади. Сакрашлар:

1) ўзгаришнинг давомлилигига кўра (жадал, суст);

2) ўзгариш шаклига кўра (бир карра, кўп карра);

3) ўзгаришнинг чуқурлик даражасига кўра (қисман, тўлиқ);

4) ўзгаришнинг йўналишига кўра (прогрессив, регрессив, йўналишсиз) фарқ қилади.

Сакрашларни таҳлил қилиш чоғида «эволюция», «инқилоб», «ислоҳот» каби атамалар, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. «Эволюция» тушунчаси кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънодаги «эволюция» аста-секин ривожланиш жараёни бўлиб, у миқдор ўзгаришларинигина эмас, балки сифат ўзгаришлари, шу жумладан, инқилобларни ҳам ўз ичига олади. Тор маънода «эволюция» деганда, инқилобдан, унинг тайёрланишидан олдинги давр тушунилади. *«Инқилоб»*

тушунчаси ижтимоий ҳодисаларни тавсифлаш учун ишлатилади ва жамиятни аста-секин эмас, балки тубдан ўзгариш ясайдиган сакрашдир. Ислоҳот жамият ҳаётининг бирон-бир муҳим томонини ўзгартириш бўлиб, бунда унинг иқтисодий ва давлат тартиби асослари сақланиб қолади.

Шундай қилиб, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни, ривожланишнинг умумий қонуни сифатидаги мазмуни ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган «сифат», «миқдор», «меъёр», «сакраш» категориялари ёрдамида муайянлаштирилади. Мазкур қонун бутун борлиқнинг ривожланиши, ҳаракати ва ўзгариши қандай, қай тарзда юз беради, деган саволга жавоб бериб, объектив воқеликнинг ҳар қандай соҳасида янги сифатга ўтишнинг ички механизмини ёритади. Кўриб чиқилган қонунлар ривожланиш манбаи ва унинг механизмини ёритиб берса, инкорни-инкор қонуни – ривожланишнинг умумий тенденциясини, унинг йўналишини акс эттиради.

Инкорни-инкор. Инкорни-инкор қонунининг моҳияти нимадан иборат? Айни бир атама бундай кетма-кет қўлланилишининг маъноси нимада? Инкор категорияси ривожланаётган объект тарихидаги бир лаҳзанигина тавсифлайди. Битта инкор ҳаракати ўзгариш қайси йўналишда юз бераётгани, олдинги ва кейинги воқеалар оқимида у қандай аҳамиятга эга эканлигини, юз берган воқеанинг мазмунини аниқлаш учун доим ҳам имконият яратавермайди. Бошқача айтганда, инкорни-инкор тушунчаси ривожланиш жараёнининг муҳим хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

«Инкор» ва «инкорни-инкор» категориялари диалектикага Гегель томонидан киритилган бўлиб, айни шу мутафаккирнинг саъй-ҳаракатлари билан улар умумий фалсафий категориялар мақомини олган. Инкор ва инкорни-инкор категорияларидан Гегель ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш воситаси сифатида фойдаланган. Гегель, шунингдек, унинг ўтмишдошлари ва издошлари кўрсатиб берган баъзи бир ўзига хос хусусиятларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, инкорни-инкор ривожланиш йўналишини кўриш учун имконият яратади. Мазкур ҳодиса тараққиёт ёки таназзул аломати эканлигини бир инкор ҳаракатининг ўзидан аниқлаш мушкул. Шу боис, масалан, қабул қилинган муайян қонун, сайлов натижалари ва шу кабилар ҳақида хулоса чиқаришга шошилмаслик керак.

Иккинчидан, инкорни-инкор ривожланиш шаклининг тавсифи бўлиб хизмат қилади. Маълумки, Гегелнинг диалектика тизимида ривожланиш мантиқий зиддиятнинг юзага келиши ва унинг бартараф этилиши сифатида тавсифланади. Бу жараён «тезис–антитезис–синтез» формуласига мувофиқ юз беради. Диалектика контекстида ривожланишнинг уч босқичи ижтимоий ва табиий тизимлар ривожланишининг кўп сонли сценарийларидан бири сифатида намоён бўлади. Аммо, Гегель қайд этган ривожланишнинг цикллиги, унинг чизиқсизлиги табиат ва жамиятда жараёнлар кечишининг анча кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Учинчидан, табиий ва ижтимоий цикларда ривожланиш ҳам, таназзул ҳам бўлмаслиги мумкин: ўзгариш айланма ҳаракат қилади. Инкорни-инкорда ривожланиш қуйи босқичининг ўзига хос хусусиятлари юқорироқ босқичда такрорланиши юз беради. Аввалги ҳолатларга қайтиш имконияти, яъни ўтилган ҳолатларнинг

айрим хоссалари ривожланишнинг юқорироқ босқичида такрорланиши билиш ва тарихнинг ривожланишини тушуниш учун ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Демак, инкор ривожланишни янги сифат пайдо бўлишига олиб келадиган аниқ йўналтирилган, қайтмас ўзгариш сифатида тавсифланади.

Шаклан ривожланиш бир чизиқли ҳам, айланма ҳам эмас, балки ранг-барангроқ ва мураккаброқ, чунончи: бир чизиқли ва кўп чизиқли, тўғри чизиқли ва зигзагсимон, умумий ва хусусий, уйғун ва ноуйғундир.

Йўналиш жиҳатидан ривожланиш прогрессив ва регрессив бўлади. Ривожланиш тизим айрим элементларининг таназзули билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бутун тизим таназзулга учраши, унинг айрим элементлари эса тараққий этиши мумкин эмас. Объектга нисбатан ташқи кучлар таъсирида юз бериши мумкин бўлган ҳаракатдан фарқли ўлароқ, ривожланиш ўз-ўзидан ҳаракат, ички жараён бўлиб, зиддият, бир-бирини истисно этувчи томонлар, тенденциялар унинг манбаи ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Гегель фалсафасида ривожланиш тушунчаси инкор ва инкорни-инкор категорияларида ёритилади. Мазкур терминология мутафаккирнинг мантиқ тизими негизига айлантирилган объектив-идеалистик фалсафаси контекстида тасодифий бир ҳол эмас. Аввал «инкор» категориясининг мазмунини аниқлаймиз. Инкор нима? Унга икки хил – метафизик ва диалектик муносабат мавжуд.

Метафизик «инкор» асосий эътиборни эскининг йўқ бўлишига қаратади, янгининг сақланиши ва уни яратиш жараёнларини деярли эътиборга олмайди. Шундай қилиб, метафизик инкор – инкор қилиш рад этиш, йўқ қилишни англатади.

Диалектик инкор эски сифатдан янги сифатга ўтиш бўлиб, бунда эски сифатнинг муайян томонлари, мазмуни ва функциясининг элементлари ўзгарган кўринишда янги сифатга ўтади. Диалектик инкор – бу нарсани бутунлай йўқ қилиш эмас, балки эски сифатнинг баъзи бир жиҳатларини сақлаган ва ўзгартирган ҳолда уни янги нарсага айлантиришдир. У янги ва эски сифат ўртасида алоқа мавжудлигидан далолат беради. *Диалектик инкор уч муҳим жиҳат билан тавсифланади:*

1) эскини вайрон қилиш, бузиш;

2) эскининг элементларини сақлаш (ворисийлик);

3) янгини яратиш, тузиш.

Биз инкор категорияси метафизик ва диалектик талқинининг моҳиятини аниқладик. Энди қўш инкор нимадан иборат эканлигини кўриб чиқамиз.

«*Қўш инкорни-инкор»да ривожланиш жараёни эски сифатни инкор қилишдан бошланади, уни эса орадан маълум вақт ўтгач янги сифат инкор этади*. Аммо ривожланиш қандай юз беради? Тўғри (юксалиб борувчи) чизиқ бўйлабми ёки эгри чизиқ бўйлабми? Бу масала қуруқ гап эмас, балки у муҳим аҳамиятга эга. Чунки ривожланиш жараёнида эски ва янгининг алоқаси бўлмаганда, ворисийлик ҳам бўлмасди, эски бутунлай йўқ бўлар, ривожланишни график кўринишда янги эскидан фарқ қиладиган, эски эса янгида такрорланмайдиган тўғри (юксалиб борувчи) чизиқ сифатида тасвирлаш мумкин бўларди. Бироқ амалда янгида эски сақланади, унинг элементлари янгида такрорланади. Аммо бу такрорла-

ниш юқорироқ даражада юз беради. Эскининг жиҳатлари, элементлари юқорироқ асосда такрорланиши биз муҳокама қилаётган қонуннинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бундан қонуннинг бошқа бир хусусияти келиб чиқади. Ҳамонки эскининг олий асосда қайтарилиши мавжуд экан, ривожланиш тўғри чизиқ бўйлаб эмас, балки спиралсимон чизиқ бўйлаб юз бериши, циклдан-циклга эскига яқинлашиши (чунки такрорланиб туришлик мавжуд) ва ундан узоқлашиб бориши (чунки бу янги) аён бўлади.

Нима учун бу такрорланиб туришлик муқаррар? Гап шундаки, инкор зиддият билан узвий боғлиқ, у мазкур зиддиятнинг ечилиши билан белгиланади. Ўзига хос зиддият билан вужудга келган ҳар қандай янги нарсани олайлик. Зиддиятнинг ривожланиш жараёнида нарса ўзининг қарама-қаршилигига айланади. Аммо инкорнинг мазкур босқичида дастлабки нарсада мужассамлашган зиддият фақат қисман ечилади. Бу тўлиқсизлик нарса ўзини инкор қилишда давом этишини белгилайди. Биринчи инкор ўрнига иккинчи инкор келади ва иккинчи нарсага қарама-қарши бўлган янги, учинчи нарса вужудга келади, у иккинчи нарсанинг инкори, яъни биринчи нарсанинг инкорининг инкори ҳисобланади. Иккинчи инкор босқичида биринчи нарсага хос бўлган зиддият тўла ечилади.

Қўш инкор натижасида, дастлабки нуқтага қайтилиши билан ривожланишнинг юқорироқ даражасига эришилади, ривожланишнинг бошланғич, лекин бойитилган шакли тикланади. Ривожланиш чизиғи гўё «спирал ўрами» айланасини ташкил этади, лекин унинг боши охири билан туташмайди. Шундай қилиб, ривожланиш ҳаракатнинг босқичма-босқичлиги ва цикллилиги жиҳатларини ўзида бирлаштиради. Бу қоида ҳам умумий аҳамият касб этади. У атроф борлиқнинг барча нарсалари ва ҳодисаларига нисбатан ўринли, яъни диалектика қонуни кучига эга. У қуйидагича таърифланади.

Инкорни-инкор қонуни – бу шундай бир қонунки, унга мувофиқ ривожланиш жараёни янгининг эскини диалектик инкор этиш чексиз занжиридан иборат бўлади, бунда ривожланиш аввалги босқичларининг барча муҳим жиҳатлари янгида сақланади ва умуман бу жараён ҳужумкор, юксалиб борувчи йўналишга эга бўлади. Айни вақтда ривожланиш жараёнида унинг олий босқичларида аввалги босқичларнинг айрим жиҳатлари ва томонлари сифат жиҳатидан янгича асосда такрорланади ва айни ҳол тўғри чизиқ, туташ доира бўйлаб эмас, балки спиралга яқинлашувчи эгри чизиқ бўйлаб юксалишни белгилайди. Ҳаракатнинг спиралсимонлиги рвожланишнинг цикллигини акс эттиради.

Фалсафа қонунларининг ўзаро алоқадорлиги. Диалектиканинг асосий қонунлари ягона ривожланиш жараёнининг турли жиҳатларини тавсифлаб, алоҳида-алоҳида эмас, балки узвий диалектик бирликда амал қилади. Масалан, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ва бунинг акси зиддиятни ҳам, диалектик инкорни ҳам ўз ичига олади. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши миқдор-сифат муносабатларини ва инкорни-инкорни ўз ичига олади. Худди шунингдек, инкор жараёнида ягонанинг эски ва янгига иккиланиши, уларнинг ўртасида қарама-қаршилик, шунингдек, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши юз беради. Бошқача қилиб айтганда, моддий дунёнинг ягоналиги қонунлар амал қилишининг умумийлигини назарда тутади. Аммо шуни эътиборга олиш лозимки, диалектика қонунлари бир вақтда амал қилганда,

уларнинг ҳар бири нисбатан мустақил бўлади, зеро ривожланиш моҳиятининг муайян жиҳатини (манба, механизм, йўналиш) акс эттиради, ривошланишнинг зарурий шарти сифатида тавсифланади, ўз мавжудлигининг аввалги шаклларини инкор этмайдиган ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Инкор ҳаракатида ривожланишга монелик қиладиган нарсаларнинг рад этилиши, йўқ қилиниши юз беради. Умуман олганда инкор – объектив жараён. Масалан, ҳозирги замон фани маълумотларига кўра, кенгайиб бораётган плазмани йўқ қилиб ташлаган Катта портлашсиз биз яшаётган Олам, унинг галактикалари, юлдузлари ва сайёралари ҳам, инсон ҳам бўлмас эди. Аммо инкорни соф йўқ бўлиш сифатида талқин қилишдан эҳтиёт бўлиш лозимлигини Гегель ҳам, бошқа файласуфлар ҳам қайд этади. Бундай инкор «беҳуда», метафизик инкор деб эътироф этилади. У табиатда ҳам, жамиятда ҳам мавжуд. Лекин оддий йўқ бўлиш жамиятни ортга улоқтириб ташлайди, холос. Ваҳоланки, тарих култепасида жўяли бир нарса юзага келиши мушкул.

Диалектик инкор ривожланиш омили ҳисобланади, чунки у бартараф этишни ўз ичига олади. Гегель фикрича, бартараф этиш «икки хил маъно касб этади: у асраш, сақлаб қолишни ва айни вақтда тўхтатиш, чек қўйишни англатади»[1]. Гегель талқинида инкор ривожланиш омили сифатида яшаш қобилиятини йўқотган нарсани йўқ қилиш ва эришилган ривожланишни сақлашни назарда тутади. Масалан, А.Эйнштейн янги ва эски назарияларнинг ўзаро нисбатини шундай тавсифлайди: «Янги назария эски назария ютуқларини четга чиқариб ташлайди, деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди. Янги назария эски назариянинг афзалликларини ҳам, камчиликларини ҳам намоён этади ва бизга эски тушунчаларга теранроқ нуқтаи назардан баҳо бериш учун имконият яратади. Биз эски назария ўринли бўлган соҳада далиллар ўрганилаётганда ҳар сафар ундан фойдаланишимиз мумкин»[2]. Аммо ҳар қандай ҳодиса яхлит бўлгани боис, бартараф этиш ҳақидаги масаланинг қўйилиши мавҳум хусусият касб этади. XIX аср фалсафий таълимотларида бартараф этишнинг табиат ва тарихдаги кўринишларини эришилган ютуқларни ўзгартирилган ҳолда сақлаш сифатида ёритиб, бу тушунчани тўлдиради. Янгилик ва эскиликнинг ички зиддиятларига чек қўйиш сифатидаги ўз-ўзини инкор диалектик инкорнинг муҳим хусусияти бўлиб, бу ривожланишнинг ҳужумкорлигини белгилайди. Бу қонун диалектиканинг бошқа қонунларини умумлаштиради, уларни синтез қилади.

Хулосалар. Диалектика ривожланиш фалсафасининг пухта ишлаб чиқилган концепциясидир. Ҳодисалар ривожланишининг умумий назарияси сифатида у ривожланишнинг моҳиятини англаб етишга йўл очади, табиат, жамият ва тафаккурдаги реал жараёнларни улар амалда қандай бўлса, шундай акс эттиради.

Диалектика нарсалар ва ҳодисаларни ўрганишга уларнинг вужудга келиши, ҳаракати ва ривожланиши нуқтаи назаридан ёндашади, шу сабабли у объектив жараёнларни конкрет, ҳар томонлама ўрганишга йўл кўрсатади.

Диалектика билан бир қаторда ривожланишнинг метафизик концепцияси, софистика, эклектика, экзистенциал диалектика, синергетика ва бошқа концепциялар мавжуд. Айрим фалсафий мактаблар диалектикани схоластика сифатида рад

[1] Гегель Г.В. Соч. Т. 5. –М.: 1997 г. с. 99.

[2] Эйнштейн А., Инфельд Л. Эволюция физики. –М.: 1956 г. с. 156.

этади. Бу диалектика янада чуқурроқ ўрганиш ва англаб етишни талаб қилишини англатади.

Диалектика қонунлари объектив дунёнинг энг муҳим алоқалари ва муносабатларини акс эттиради. Улар бирликда ва ўзаро алоқада амал қилиб, мураккаб серқирра жараён – объектив борлиқнинг ривожланишини тавсифлайди.

Диалектика қонунларининг амал қилиш механизмини чуқур билиш, улардан моҳирона фойдаланиш янглишиш ва хатолардан қутқаради, кишиларнинг амалий фаолиятига янада изчилроқ ва самаралироқ тус беради.

Тажрибавий-амалий матнлар

Ривожланиш, диалектика, объектив диалектика, субъектив диалектика, стихияли диалектика, материалистик диалектика, идеалистик диалектика, зиддият, сакраш, айният, тафовут, инкор, ворисийлик, миқдор, сифат, меъёр, хосса, қонун, воқелик қонунлари, фан қонунлари, фалсафа қонунлари, базис шароит, локал шароит.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Субъектив ва объектив диалектиканинг ўзаро ва фарқи нимада?
2. Диалектиканинг билиш мантиқи ва методологияси сифатидаги асосий хусусиятини айтинг.
3. Нима учун зиддият тушунчаси диалектикада бош тушунча ҳисобланади?
4. Қўш инкорнинг моҳиятини тушунтиринг?
5. Сакрашларнинг қандай шакллари мавжуд?

Реферат мавзулари

1. Диалектика ва синергетика: ўзаро алоқадорлиги ва фарқи.
2. Гегель диалектика таълимоти асосчиси.
3. Диалектиканинг муқобиллари ва уларнинг ўзаро таъсири.

4. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунининг жамият тараққиётида амал қилиши.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1. Диалектик инкорнинг биринчи муҳим жиҳатини аниқланг?

А. Эскининг асосида янгини яратиш.

Б. Бўшлиқни тан олиш.

В. Эскидан ҳеч нарса қолдирмаслик

Г. Борига кўникма ҳосил қилиш

2. Диалектик инкорнинг иккинчи муҳим жиҳатини аниқланг?

А. Эскининг элементларини сақлаш (ворисийлик)

Б. Зиддиятларни яратиш

В. Миқдордан сифатга ўтиш

Г. Нарсалардаги тафовут

3. Диалектик инкорнинг учинчи муҳим жиҳатини аниқланг?

А. Янгини яратиш, тузиш

Б. Хусусий қонунга амал қилиш

В. Диссапатив ҳолатни шакллантириш

Г. Бифуркация ҳолатига ўтиш

4. Тафовут – бу ...

А. Аввалги ҳолатдан сақланиб қолган хоссалар устунлик қилгани ҳолда, айни бир предмет хоссаларининг мос келмаслиги

Б. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш

В. Эмпирик хулосалар асосида янги хулосага келиш

Г. Янгини яратиш

5. Сифат – бу ...

А. Нарсанинг ички хусусияти, предметни мазкур жиҳатдан фарқлаш учун зарур ва етарли бўлган хоссалар мажмуи.

Б. Нарсанинг ташқи кўриниши

В. Ворсийликнинг амал қилиши

Г. Ўз-ўзини ташкиллаштириш

Адабиётлар

1. Туленов Ж. Диалектика назарияси. –Т.: «Шарқ», 2001 й.

2. Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й.

3. Фалсафа асослари Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.

4. Мамадалиев Ш.О. Методологическое значение структуры диалектического противоречия в познание. // Дисс... канд... филос. наук. –Т.: Институт философии и права. 1991 г.

5. Сеитов П.Д. Системность диалектики // Дисс...канд...филос..наук –Т.: Институт философии и праваимени И.Муминова. 1993 г.

6. Микешина Л.А., Опенков М.Ю. Новые образы познания и реальности. –М.: 1997 г.

7. Романенко Ю.М. Бытие и естество. –СП(б).: «Алетейя», 2003 г.
8. Новая философская энциклопедия: в 4 т. –М.: 2000–2001 г.г.
9. Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. –М.: 1994 г.
10. Спиркин А.Г. Философия. –М.: 2001 г.
11. Хуков В.А., Хан Г.Н. Оправдание случайности. –М.: 1990 г.
12. Бадыков А. Ф. Диалектика методологических подходов в исследовании взаимоотношений индивида и общества // Дисс. канд. философ. наук: Уфа, 1994 г.
13. Егурнов Л.Л. Диалектика самоорганизации и управления в сложных тизимх // диссертация ... кандидата философских наук: Москва, 2003 г.
14. Желтов М.П. Диалектика отношений «человек-земля» // Дисс. док. филос наук : Чебоксары, 2006.
15. Каике. Современная философия. –М.:

ФАЛСАФА КАТЕГОРИЯЛАРИ

1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар: Фалсафа категориялари
Семинар машғулоти режаси	1. Фалсафа тарихида категорияларга нисбатан турли ёндашувлар. 2. Янги давр (XVII аср)да категорияларнинг таҳлили. 3. Категория тушунчаси ва унинг таснифи. 4. Тизимларнинг ўзига хос хусусиятлари. Тизимларнинг типлари.
Машғулотнинг мақсади: Категорияларнинг таснифи, фалсафа категориялари, онтологик ва муносабатдаги категорияларнинг ўзаро фарқини билиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Категория тушунчаси ва унинг таърифи.	Категория тушунчасининг моҳиятини ёритиш.
Фалсафа тарихида категорияларга муносабат.	Фалсафа ва бошқа фанлар ўртасида категорияларнинг мутаносиблиги.
Категорияларнинг таснифи.	Категориялар ва унинг турлари.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни айтади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.

	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Категориялар» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Умумийлик, яккалик, хусусийлик категориялари? 2. Моҳият ва ҳодиса ўртасидаги диалектик алоқа? 3. Мазмун ва шакл ўртасидаги диалектик ўзаро алоқа? 4. Сабаб ва оқибат ўртасида мураккаб диалектик ўзаро алоқа?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Тушунча, фикр категориялар шаклланишининг омили», «Фалсафа тарихида категорияларнинг таснифи», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Фалсафа тарихида категорияларга нисбатан турли ёндашувлар. Шарқ анъанасида ҳам, қадимги Юнонистонда ҳам диалектика категорияларининг жуфтли хусусияти ва уларнинг зиддиятли муносабатларини англашга ҳаракат қилинган. Диалектика категорияларига хос бўлган қарама-қаршиликлар бирлигини тушунтиришга уринишлар жараёнида фикрлаш ва борлиқнинг қарама-қаршиликларини бирлаштирувчи ягона асосни топиш йўлида изланишлар олиб борилган. Мазкур ёндашув натижасида диалектика категориялари умумий ва фундаментал хусусият касб этиб борган.

Диалектика категорияларини тизимга солиш ва формал-мантиқий фикрлашнинг умумий қонунларини ишлаб чиқишга илк уриниш Аристотель ижоди билан боғлиқ. Фалсафа тарихида Аристотель антик фалсафани тизимга солувчиси сифатида намоён бўлади. Унинг «Органон» асари ишончли, ҳақиқий билим олиш воситаси сифатида қаралган («органон» – лот. «organum» – «қурол», «асбоб», Аристотель мантиқий асарларининг умумий номи). Бу асарда Аристотель, хусусан, формал-мантиқий қонунни таърифлаб, ҳаққоний фикрлаш зиддиятсиз фикрлаш демакдир, деб таъкидлаган. Аммо, «Метафизика» асарида (лот. «metaphisica» – «бутун борлиқнинг илк асослари ҳақидаги таълимот») Аристотель, оламнинг умумий асосларига тавсиф беришга ҳаракат қилади ва фалсафий категориялар материя, шакл, сабаб, зарурият кабилар ҳақида сўз юритади, бу категорияларга уларнинг ички қарама-қаршиликларини тушунишни назарда тутувчи онтологик маъно юклайди. Бундан фикрдаги зиддият у янглиш эканлигининг бош белгиси, борлиқнинг зиддиятлиги ҳақидаги таълимот эса – у ҳаққоний эканлигининг бош белгиси, деган хулоса келиб чиқади. Бироқ, борлиқ зиддиятлари ҳақидаги фикр қандай қилиб зиддиятлардан холи бўлиши мумкин? Ҳамонки у борлиқнинг зиддиятлигига ишора қилмас экан, у қандай қилиб ҳаққоний бўлиши мумкин? Шу тариқа фалсафий категориялар ва формал мантиқ категориялари ўртасида фарқ юзага келади. Кейинчалик бу фарқ формал ва диалектик мантиқ ўртасидаги зиддиятга айланади. Формал мантиқ биз қандай фикрлашимиз лозимлигини кўрсатиб, норматив функцияни бажариш учун мўлжалланган фикрлаш қонунлари билан чекланади. Диалектик мантиқ ҳам фикрлаш ва билиш методларига қўйиладиган талаблари бажарилиши лозимлигини кўрсатади, бироқ айни вақтда у диалектик мантиқ қонунлари нафақат бизнинг тафаккуримизда, балки нарсаларнинг ўз табиатида ҳам амал қилади, деган фикрга асосланади.

Янги давр (XVII аср)да категорияларнинг таҳлили. Янги даврда фан янада ривожланади. Унинг бош вазифасини олимлар табиат қонунларини аниқлашда кўрадилар. Инсоннинг ақли табиат ҳодисаларининг ўхшаш ўзаро таъсирларида муқаррар тарзда такрорланувчи барқарор алоқалар мавжудлигини қадим замонлардаёқ пайқаган эди. Бунда муҳим, такрорланувчи хоссалар фан ва фалсафа категорияларида қайд этилади, уларнинг ўртасидаги такрорланувчи алоқалар эса табиат қонунлари сифатида тушунилади. Фан ва фалсафа қонунлари муҳим хоссаларига кўра, ўхшаш, иккинчи даражали хоссаларига кўра эса бир-биридан фарқ қиладиган табиий жараёнлар ранг-баранг вариантларининг идеал инварианти[1] ҳисобланади. Янги давр файласуфларининг асосий эътибори илмий билиш

[1] Инвариант – мазмунини айрим ҳодисалар туркуми барча муайян кўринишлари асосий белгиларининг нисбатан барқарор мажмуи ташкил этадиган тушунчани ифодаловчи тил бирлиги.

методологияси муаммоларига қаратилади. Бунда юзага келадиган энг катта қийинчилик зиддиятлар бирлиги англаб етилмаган, эмпиризм ва рационализм диалоги эса эмпиризмнинг тантанаси билан тугаган эмпирик ва назарий билимнинг ўзаро нисбати муаммосидир.

XVII–XVIII асрларда илмий билимнинг аксарият тармоқлари илмий далиллар йиғиш даражасида бўлган. Аксарият ҳолларда дунё турли-туман ўзгармас нарсалар ва такрорланувчи жараёнларнинг механик тўплами сифатида тасаввур қилинган, бунда нарсалар ва жараёнлар ўртасидаги алоқалар доим ҳам теран асосланмаган. Оламнинг ичдан зиддиятлилиги ҳақидаги тасаввур кўп жиҳатдан йўқолган, қарама-қаршиликлар ё инсон тафаккурининг норасолиги, ё айрим нарсалар тўқнашуви сифатида англанган. Ривожланиш ўзгармас нарсалар ва жараёнларнинг айланма ҳаракати сифатида тушунилган. Математик билимнинг равнақ топиши олимлар эътиборини табиий ҳодисаларнинг сифат жиҳатидан ўзига хослигига эмас, балки асосан, уларнинг миқдор жиҳатига қаратишга даъват этган. Шундай қилиб, қадимгилар диалектикаси ўрнини маълум даражада диалектиканинг муқобили сифатида тушуниладиган «метафизика» эгаллайди. Шуни таъкидлаш лозимки, «метафизика» атамаси, одатда, ё фалсафа синоними сифатида, ё фалсафа бўлими – онтология сифатида тушунилади. Марксистик анъанада «метафизика» атамаси салбий маъно касб этди: догматизм, тафаккурнинг торлиги, эски, қотиб қолган қарашларга содиқлик сифатида талқин қилинди. Янги давр фалсафаси ва фанининг мазкур тавсифи ҳақиқатга унча мос келмайди. Зеро, Янги давр илмий билими фалсафий тафаккур таркибидан унинг ажралмас қисми сифатида ўрин олган тушунчалар аппаратини яратди. Ломоносов–Лавуазье модда ва ҳаракатнинг сақланиши ғояси; Г.Лейбниц таърифлаб берган ривожланиш ғояси; Ньютон классик механикасидаги масса, инерция ва ҳаракат, марказга интилувчи ва марказдан қочувчи кучлар тушунчалари; табиатдаги турли-туман алоқаларнинг ўрганилиши; детерминизм тамойилининг асосланиши; механик ҳаракат диалектикаси; Ер эволюцияси ҳақидаги тасаввур; табиатга нисбатан тарихий ёндашувнинг назарий аҳамиятини намойиш этган Қуёш тизимининг келиб чиқиши ҳақидаги Кант–Лаплас гипотезаси; организм ва муҳитнинг бирлиги тамойилининг асосланиши – ўша давр фани ютуқларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Шу сабабли Янги давр ва Маърифат даври фалсафаси диалектика тамойилларидан бутунлай воз кечиш даври эмас, балки диалектика ривожланишининг ўзига хос ва анча етук босқичи ҳисобланади.

Немис классик фалсафасининг атоқли намояндаси Иммануил Кант XVII–XVIII асрлар фани ва фалсафасининг ғоялари ва категорияларини тизимга солишга аҳд қилади. Шу мақсадда у категорияларнинг уч гуруҳи: *ҳиссиёт, идрок ва ақл категорияларини фарқлайди.* Кант барча категориялар априор (тажрибада кўрилмаган) хусусиятга эга эканлигини қайд этади. Билиш категорияларини Кант тажрибага йўл очадиган дастлабки конструктив схемалар сифатида талқин қилади. Категориялар билаётган инсон ҳиссий таассуротлар хаоси устига «ташлайдиган» ва ҳар хил таассуротларни таснифлаш, таърифлаш ва ўзаро алоқани амалга оширадиган тушунчалар «тўри»га ўхшатилади.

Ҳиссиёт категориялари таркибига Кант макон ва вақт тушунчаларини киритади. Улар бизнинг ўз сезги органларимиз кўрсатган нарсаларни умумлаштириш ва англаб етиш қобилиятимизни тавсифлайди.

Идрок категориялари таркибига Кант категорияларнинг тўрт туркуми: миқдор, сифат, нисбат ва модалликни киритади. У инсон идрокининг априор шакллари объектив ва умумий мазмунга эга бўлади, бунинг натижасида тажриба умумий ва зарурий аҳамият касб этади, деб қайд этади.

Ақл категорияларини Кант ғоялар деб номлайди. Кант фикрига кўра, ғоя мумкин бўлган тажриба чегарасидан четга чиқувчи тушунчадир. Ғоялар бизнинг амалий ва билиш фаолиятимизни тартибга келтирувчи ва тизимга солувчи схемаларга айланади. Улар инсон фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тартибга солиш функциясини бажаради.

Схема – бу билиш методи ва йўналиши: у предметни тушунтирмайди, балки биз ақлга таянган ҳолда бутун оламнинг хоссалари ва алоқаларини қандай аниқлашимиз лозимлигини кўрсатади. Тартибга солувчи ғоялар сифатида Кант инсон (жон) ғояси, эркин ирода ғояси ва «нарса ўзида» ғоясини қайд этади. Худо ғоясини эса, Кант бу ғоя предметини шак-шубҳасиз қабул қилиш (у ўз ҳолича мавжудлигини тахмин қилиш) учун ҳеч қандай асосга эга эмаслигимизни таъкидлайди. Бу ғоя фақат бизга ақл дунёдаги барча алоқаларга олий ақл ниятининг маҳсули сифатида қарашни амр этишини кўрсатади. Бошқача айтганда, ақл бизга, Худо борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар, Худо амалда мавжуд, деб тахмин қилишни буюради. Аммо биз Худонинг борлигини аниқ била олмаймиз, чунки Худо ғояси тажрибада ўз тасдиғини топмайди. Худо ғояси назарий ақлни эмас, балки амалий ақлни тартибга солиш воситаси (регулятори) сифатидагина маъно касб этади: агар табиатшунос бу ғояга нафақат регулятив даражада, балки интуитив даражада ҳам амал қилса (яъни, Худо борлигига далил-исботсиз ҳам ишончи комил бўлса), бу ялқов ақл саналади ва у илм билан шуғулланмагани маъқулроқдир. Кант ақл ғояларини нотанқидий идрок этишдан сақланишга чақиради. Унинг фикрича, ақл ғоялари нафақат конструктив, балки деструктив роль ўйнаши ҳам мумкин. Ақл тажрибада синалган билим чегарасидан четга чиққан ва фақат тажрибада ҳеч қачон кўрилмайдиган соф тушунчалар билан иш кўрган ҳар бир ҳолда шундай бўлади. Ҳақиқийлиги ёки сохталигини бирон-бир тажрибада аниқлаш мумкин бўлмаган фикрлар ҳам мавжуд. Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра фан ҳисобланмайдиган метафизика (Кант бўйича – фалсафа) тушунчалари ана шундай хусусиятга эга. Кант инсон доим тажрибада кўрилган билим чегарасидан четга чиқиш ва табиий фанларнинг имкониятлари чекланган билимларини бутун дунёга нисбатан татбиқ этишга ҳаракат қилишини таъкидлайди. Тажриба чегарасидан четга чиқиш бизни, масалан, дунё вақтда ва маконда чекланган – дунё вақтда ва маконда чексиздир, дунёда ҳамма нарса мақсадга мувофиқдир – табиатда мақсадга мувофиқлик мавжуд эмас, Худо бор – Худо йўқ каби қарама-қарши фикрларнинг иккаласи ҳам ҳаққоний эканлигини исботлашимиз мумкин бўлган ақлнинг янглишишларига олиб келади.

Барча категорияларни Кант онгимизнинг билиш объектига эмас, балки субъектига тегишли бўлган априор элементлари деб эълон қилади. Априор элементлар деганда туғма эмас, балки индивиднинг ривожланиш жараёнида ўзлаштирилган элементлар тушунилади.

Кант мулоҳазаларининг мантиғини тушуниш учун бола нутқ қобилиятининг ривожланишини кузатамиз. Бунда биз бола сўзларни уларнинг умумий қабул

қилинган маъносида эмас, балки мазмунини ўзи ўзлаштирган сўзлар билан ўхшашлик бўйича қўллашини албатта пайқаймиз. «Ойи, менинг умуртқам қаерда?» деб сўрайди сиздан кичкинтой ўғлингиз. – «Мана у», деб унинг умуртқасини кўрсатасиз. «Йўқ, – деб у бош чайқайди ва менинг умуртқам мана бу ерда», деб қўли билан ўз қулоғини кўрсатади. Бу мисол бола туғилган пайтдан бошлаб тайёр нутқ шаклларини ўзлаштиришини тасдиқлайди. Боланинг шахсий ҳаёт тажрибаси янги сўзларни ўзлаштириш изидан қувиб етолмагани боис, у мазкур сўзларга ўзининг тор тажрибасидан олинган муайян маънони юклайди. Аввалига сўз шакли, сўнгра унинг тажрибадан олинадиган маъноси, аввал сўзлар, сўнгра – тушунча, сўзлар эса одамлар ўтган авлодлари маданиятининг ютуқларидан олинади: «apriori» – сўзма-сўз таржимада «аввалгидан» деганидир.

Кант мулоҳазалари замирида бола туғилган пайтдан бошлаб шаклланган тил, нутқ, фикрлаш мантиқи ва маданиятга дуч келади, деган фикр ётади. Тил, тайёр мантиқий шакллар таассуротлар хаосини муайян даражада тартибга солиш, борлиқ манзарасига оқилона тус бериш учун имконият яратади. Кант фикрига кўра, тил ҳиссий таассуротлар тажрибасидан олдин келади, илмий ва одатдаги билишнинг зарурий омили ҳисобланади. Мушоҳада юритиш ва идрок этиш шаклларининг априорлиги ғояси Кантга ҳиссий ва оқилона билишнинг бирлигини кўрсатиш имконини беради: «сезгилар ёрдамида биз нарсаларни биламиз ва фақат билишгина бизга мушоҳада юритиш имконини беради; нарсаларни биз ақл билан идрок этамиз ва идрок этиш натижасида тушунчалар юзага келади»[1]. Ақл мулоҳазаларининг далил-исботи «фақат шунга асосланадики, улар ҳар қандай тажрибанинг интеллектуал шаклини ташкил этади ва шу сабабли уларнинг қўлланилиши доим тажрибада кўрсатилиши мумкин»[2]. Умуман олганда, тажрибада тасдиқланмаган ҳар қандай тушунча уйдирмадан бошқа нарса эмас.

Кант таклиф қилган фалсафий категориялар таснифи борлиқ ва билиш категорияларинигина ўз ичига олмайди. Кант фалсафасининг таркибий қисмини «Соф ақлнинг танқиди» – «Амалий ақл танқиди» ва «Мулоҳаза юритиш қобилиятининг танқиди» асарлари ҳам ташкил этади. Бу асарларда мутафаккир инсоннинг маънавий қобилиятларини ахлоқ ва эстетика категорияларида тавсифлайди. Шундай қилиб, Кант шундай бир ўзига хос тизимни яратадики, у Европа фалсафий тафаккурига, айниқса, немис фалсафасига жуда кучли таъсир кўрсатди.

Кант ғоялари немис идеализмининг таниқли намояндалари – Фихте, Гегель, Шеллинг асарларида танқидий ёндашув билан қайта ишланди ва ривожлантирилди.

И.Фихте фалсафага ахлоқий қонун олий тамойили саналган мустақил онтологик асос сифатидаги фаолият категориясини киритди. Шу сабабли Фихте билишни ҳам субъект, яъни «Мен» (унинг терминологиясида) фаолиятининг маҳсули сифатида тушунади. Билиш объекти («Мен эмас»)га келсак, у инсон «Мени»нинг маҳсули саналса-да, лекин амалда мавжуд бўлган нарса эмас. Шу ўринда, инсон дунёнинг яратувчиси экан-да, деган табиий бир савол туғилади. Фихте ўз нуқтаи назарини шундай тушунтиради: «Мен эмас», яъни табиат «нарса ўзида», яъни объектив борлиқдир, лекин бизнинг «нарса ўзида» ҳақидаги билимимиз ўз тааc-

[1] Кант И. Соч. Т. 6. –М.: «АСТ», 1999 г. с. 127.

[2] Там же: с.127.

суротларимизни англаб етишимиздан бошқа нарса бўлмай, уларнинг манбаи «нарса ўзида» эмас, балки ақл-заковатимиз ҳаракати, яъни «соф Мен»дир. Фихте мушоҳадага асосланган билимнинг ролини инкор этмаган ҳолда, табиатни билишни ҳам, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги доирасини кенгайтиришни ҳам таъминлайдиган амалиётни биринчи ўринга қўяди. Фаолият назарий иш кўрадиган билувчи «Мен» билан «Мен эмас» дунёси ўртасидаги боғловчи бўғиндир, шу сабабли реал борлиқни фақат амалий ҳаракатлар ёрдамида билиш мумкин. Амалда инсон табиат предметларини ўз эҳтиёжларига мувофиқ ўзгартиради ва шу боис ўзгартирилган табиатни инсоннинг ўзи аниқ акс этади. Фихтенинг хизмати шундаки, у назарий муомалага, фалсафий категориялар тизимига амалиёт тушунчасини киритади ва шу тариқа билиш назариясини ҳам, антропология, яъни инсон ҳақидаги таълимотни ҳам сезиларли даражада бойитади.

Маълумки, Г.Гегель фалсафасининг энг кучли томони диалектика ҳисобланади. У диалектикани мантиқ ва билиш назарияси билан тенглаштиради. Гегель фалсафасида дунё мутлақ руҳнинг ўз-ўзини ривожлантириши сифатида намоён бўлади. Мутлақ руҳ бир вақтнинг ўзида ҳам субстанция (борлиқ асоси), ҳам субъект, яъни ўз ривожланиши ва билишининг манбаидир. Инкорни-инкор Гегель фалсафасининг асосий тамойили ҳисобланади. Икки томонлама инкор этиш ғоясига мувофиқ мутлақ ғоянинг ривожланиши қуйидаги уч босқичдан ўтади: соф борлиқ (тезис), йўқлик (антитезис); мавжуд борлиқ вужудга келиш ва йўқ бўлиш сифатида, шаклланиш (синтез). Билишнинг уч босқичи (триада) ғояси Гегель фалсафасини тўла қамраб олади. Нафақат Гегелнинг бутун фалсафаси, балки у илгари сурган фикрларнинг ҳар бир кичик ҳужайраси ҳам уч қисмга бўлинади («Мантиқ фани», «Натурфалсафа», «Руҳ фалсафаси»). Масалан, мантиқни Гегель илоҳий ақлга мос келадиган соф ақл соҳаси сифатида таърифлайди. У уч қисмдан иборат:

– борлиқ;

– моҳият;

– тушунча.

Мантиқнинг биринчи қисмида Гегель борлиқ тушунчасини тавсифловчи категориялар: сифат, миқдор, меъёрга таъриф беради. Сифатни Гегель «борлиқ билан айний бўлган бевосита муайянлик» деб таърифлайди. Айни шу сабабли предмет ўз сифатини йўқотар экан, ўзининг аввалги моҳиятини ҳам йўқотади[1]. Миқдор сифатнинг инкоридир: «Миқдор соф борлиқ бўлиб, унда муайянлик борлиқ билан айний эмас, балки йўқолган ёки бефарқ тус олади»[2]. Меъёр – предмет борлиғининг, миқдор ўзгаришларининг шундай бир чегарасики, бунда предмет ўзининг аниқ сифатини йўқотмайди. Миқдор ўзгаришлари меъёри чегарасидан ўтар экан, предмет янги сифат ҳолатига ўтади.

Гегельнинг моҳият ҳақидаги таълимоти – бу ҳаракатлантирувчи куч ҳақидаги таълимотдир. Моҳият ички зиддият, қарама-қаршиликларнинг айнийлиги. Айниятни Гегель тафовутни ўз ичига олувчи нисбий айният сифатида тушунади. Гегель айниятнинг математик типдаги (А=А қабилидаги) формал-мантиқий талқинини танқид қилади. Айният ҳақидаги таълимотда Гегель айният, тафо-

[1] Гегель Г.В. Энциклопедия философских наук. Т. 1. –М.: «Прогресс», 1974 г. с. 228.

[2] Гегель Г.В. Соч. Т. 1. –М.: 1999 г. с. 170.

вут, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар каби тушунчаларга таъриф беради. Гегель моҳиятни у ёки бу даражада тавсифловчи айрим бошқа категориялар, чунончи: асос, ҳодиса, мавжудлик, намоён бўлиш, муносабат, борлиқ, субстанциялилик, каузаллик, ўзаро боғланишни ҳам кўриб чиқади. Гегель моҳият рефлексия сифатида ҳам, объективлик омили сифатида ҳам тавсифланиши мумкинлигини қайд этади. Моҳият ҳодисадан айри ҳолда мавжуд нарса эмас, ҳодиса эса моҳиятни яширувчи нарса эмас, у моҳият билан узвийдир. Моҳият ҳодисада қандай намоён бўлишини ва ҳодиса моҳиятни қандай ифодалашини кўриш лозим. Моҳият кўриниш (рўё) ва намоён бўлишга ажратиш мумкин бўлган ҳодисанинг томони ҳисобланади. Аммо рўё ҳам ҳодисани нафақат ниқоблайди, балки уни намоён этади.

Тушунча ҳақидаги таълимотда Гегель объектив тушунчани фарқлайди у нарсаларнинг ўзида яшайди, унинг мавжудлиги туфайли нарсалар моҳият касб этади, нарсани англаш унинг тушунчасини англаш демакдир. Субъектив тушунча бизнинг борлиқни билиш усулимиз сифатида таърифланади. Умуман олганда Гегель мантиғида тушунчалар (категориялар)нинг ривожланувчи тизими ўз ифодасини топади. Унинг фикрича, тушунчалар диалектикаси нарсалар диалектикасини белгилайди. Ҳар бир категория муайян мазмунга эга бўлади ва инкорни-инкор тамойилига кўра ҳал қилинадиган ўз қарама-қаршилигининг мавжудлигини назарда тутади. Натижада янада умумийроқ тушунчалар тизими вужудга келади.

Гегель натурфалсафасида ўзи яшаган даврнинг маълум бўлган илмий тасаввурларини баён этади. У табиатни мутлақ руҳнинг ўзгача борлиғи сифатида тавсифлайди ва унинг вазифаси ўз фалсафасининг учинчи қисми – руҳ фалсафасида амалга ошадиган синтезга замин яратишдан иборат эканлигини қайд этади. Гегель таърифлаб берган табиатни ўрганишнинг асосий тамойиллари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Булар: антиредукционизм, табиатни ўрганишга нисбатан яхлит ёндашув, табиатнинг асосий соҳалари: механика, физика, органиканинг ўзига хос хусусияти кабилардир.

XX асрда биз яшаётган сайёра қиёфаси бутунлай ўзгарди. Инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти инсониятни дунё миқёсидаги экологик тангликка гирифтор этди. Ютуқлар ва зиддиятлардан иборат оғир ва машаққатли глобаллашув жараёни юз берди. Фанда, хусусан астрофизикани, Оламнинг келиб чиқишини ўрганиш борасида эришилган ажойиб ютуқлар, эҳтимоллик назариясини математик асослаш, тизимлар умумий назарияси, турли типдаги тизимларнинг қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши ва ҳоказолар диалектиканинг категориялар аппаратини сезиларли даражада бойитди ва уларга аниқлик киритди. Диалектика категориялари ҳақидаги тасаввурларга синергетика ҳам жиддий тузатишлар киритмоқда (унинг категорияларини биз тегишли бўлимларда кўриб чиқамиз).

Сўнгги ўн йилликларда фалсафий тадқиқотлар доирасига бутунлай янги соҳа – виртуалистика кириб келмоқда. Унинг фалсафий мақомини ва категориялар тизимини белгилаш шаклланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Ҳозирги замонда фалсафада илмий ва ноилмий билишнинг нисбати, билиш субъектининг роли, фалсафий категорияларнинг билиш жараёни ва одамлар амалий фаолиятидаги ролини тушунишга нисбатан ёндашувларда туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Бу фалсафа ўтмишнинг фалсафий тафаккури эришган ютуқлардан воз кечяпти, деган маънони англатмайди. Ўтмиш мутафаккирларининг дунёқараши қандай қонунларга мувофиқ ўзгарган бўлса, ҳозирги замон фалсафаси ҳам шу қонунларга мувофиқ ўзгармоқда ва ривожланмоқда: фан ва амалиёт муқаррар тарзда бизнинг дунё ҳақидаги тасаввурларимизга тузатишларини киритмоқда.

Категория тушунчаси ва унинг таснифи. Категория нима? Бу саволга жавоб бериш учун биз қандай фикрлашимиз ва ўз фикрларимизни бошқа одамларга қандай етказишимизни кўриб чиқамиз. Биз тушунчалар, мулоҳазалар ва мушоҳадалар кўринишида фикрлаймиз. Фикрлаш жараёнининг асосий материали тушунчалар бўлиб, предметлар умумий ва муҳим белгиларида улар орқали фикрланади. Тушунчалар ёрдамида биз воқеа ва ҳодисалар маъносини англаймиз, уларнинг ўзимиз учун аҳамиятини аниқлаймиз. Тушунча ва тушуниш ўзакдош сўзлардир, шу сабабли бизнинг дунёни тушунишимиз, дунёга онгли муносабатимиз инсон ихтиёрида мавжуд бўлган тушунчалар аппарати билан белгиланади. Биз ўз фикрларимизни сўзлар ёрдамида ифодалаймиз. *Сўз – фикр ва дунё ўртасидаги воситачи*. У фикрлаш омили, фикрни ифодалаш, уни бошқаларга етказиш воситаси ҳисобланади. Сўз бойлигимиз қанча катта бўлса, бизнинг дунёни англаш борасидаги имкониятларимиз шунча кенг бўлади. Объектив борлиқни аниқроқ ва теранроқ акс эттириш учун инсон фикрлаш мантиқий воситаларининг муайян мажмуини, тушунчаларнинг муайян доирасини яратади. *Тушунча – бу шундай бир фикрки, унда нарсанинг такрорланувчи хоссалари, алоқалари ва томонлари акс этади. Тилда тушунча сўз билан ифодаланади*. Масалан, «талаба», «университет», «аудитория» сўзлари муайян даражада умумий ва мавҳумдир. Аммо шундай тушунчалар ҳам борки, уларда шунчаки умумий эмас, балки ўта умумий нарсалар ва ҳодисалар қайд этилади. Бундай тушунчалар жуда юқори даражадаги мавҳумлаштириш (муайяндан узоқлашиш) маҳсули ҳисобланади.

Мана бундай мавҳумлаштиришнинг тахминий йўли: «бу атиргул» («бу» сўзи билан аниқ белгиланган); «атиргул» (бу ерда «бу» ишораси мавҳумлаштирилган); «атиргул» сўзи «бу атиргул» иборасидагидан умумийроқ нарсани қайд этади. Шундан сўнг бу иборага «гул» сўзини қўшамиз ва у амалда мавжуд барча гулларни қамраб олади. Шундай қилиб биз гулларнинг муайян ранг-баранглигидан фикран узоқлашамиз, чунки эътибор барча гулларда мавжуд бўлган умумий жиҳатга қаратилади. «Ўсимлик» сўзи бутун ўсимликлар дунёсини ўз ичига олади ва янада кенгроқ мавҳумлик ҳисобланади. Мавҳумлаштириш (муайяндан узоқлашиш) йўлида ҳаракатни давом эттирамиз. Бу йўлда «тирик» тушунчаси янада умумийроқ бўлади, чунки ўсимликлар дунёсинигина эмас, балки ҳайвонот дунёсини ҳам ўз ичига олади. «Тириклик» тушунчаси мавҳумлаштиришнинг янада юқорироқ даражасида туради. Бундай тушунчалар – категориялар (юнон. – «асос», «умумий баҳо») деб аталади.

Фикр бизнинг дунё билан ўзаро алоқа қилиш тажрибамизни у ёки бу даражада умумлаштиради. Дунё ўз хоссалари, нарсалари ва муносабатларининг ранг-баранглиги жиҳатидан чексиз даражада бойдир. Бизнинг сўз бойлигимиз ўзимиз яшаётган дунёдан қашшоқроқдир. Фанда янги кашф этилган ҳодисаларни ифодалаш учун мос келадиган атамани топиш зарурияти тез-тез юзага келиши тасоди-

фий ҳол эмас. Бизнинг дунё ҳақидаги тасаввурларимизни ифодаловчи сўзларнинг маъно бойлиги қанча аниқ бўлса, тафаккуримиз шунча теранроқ бўлади, бизнинг тушунчалар аппаратимиз қанча кенг бўлса, фикрлаш қобилиятимиз шунча теранроқ бўлади.

Ҳар қандай тушунча муайян нарсалар ва ҳодисаларнинг жамулжам ифодаси ҳисобланади. Аммо унинг ҳажми, яъни унда фикрланган нарсалар ва ҳодисалар миқдори ҳар хил бўлади. Масалан, ҳар қандай халқнинг тарихан вужудга келган тилида одамлар кундалик ҳаёти ва фаолиятининг тажрибаси қайд этиладиган ва англаб етиладиган тушунчалар мавжуддир. Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви табиий тил сўз бойлигининг кенгайиши ва бойишига туртки беради. Фан ва фалсафанинг ривожланиши алоҳида мақомга эга бўлган ва билиш жараёнида махсус функцияларни бажарадиган тушунчалар шаклланишига олиб келди. Бу тушунчалар категориялар деб номланди.

«Категория» (юнон. «kategoria» – «таъриф», «мулоҳаза») – борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган ўта кенг тушунча. Шундай қилиб, табиий тил тушунчалари фан ва фалсафа категориялари билан тинимсиз бойиб боради. Категорияларни таснифлаш, борлиқнинг турли шакллари ҳақидаги фалсафий тасаввурларга мувофиқ амалга оширилади. Одатда фан категориялари, хусусий-илмий категориялар ва фалсафа категориялари фарқланади.

Фан категориялари табиий тил тушунчаларидан анча фарқ қиладиган сўзлар билан ифодаланади. Аксарият ҳолларда улар қадимги юнон ёки классик лотин тилидан ўзлаштирилади, баъзан улар муайян ҳодисани кашф этган олимнинг исми билан аталади. Илгари маълум бўлмаган ҳодисани ифодалаш учун сунъий тарзда яратилган сўзлар – неологизмлар ҳам анча кўп учрайди. Табиий тилдан фарқли ўлароқ, фан тушунчалари ва категориялари атамалар (терминлар) ҳисобланади, яъни эркин талқинга йўл қўймайдиган аниқ белгиланган ҳажм ва мазмунга эга бўлади.

Ҳар қандай фан борлиқнинг муайян томонларини ўрганар экан, албатта, ўз категориялар аппаратини шакллантиради. Математика «сон», «дифференциал», «интеграл» каби категориялар билан боғлиқ. Биологияда «тур», «ирсият», «ўзгарувчанлик» каби категориялар мавжуд. Аммо, муайян фанларнинг категориялари маълум даражада умумий бўлса-да, борлиқнинг айрим соҳаларидагина қўлланилади ва мазкур соҳаларга хос бўлган алоқалар ва муносабатларни акс эттиради

Хусусий илмий категориялар алоҳида олинган хусусий илмий фанларда қўлланиладиган, моҳият нуқтаи назаридан бошқа фанларда қўлланилиши мумкин бўлмаган категориялардир. Масалан, физика, кимё геология, география фанлари категориялари хусусий характерга эга.

Фалсафий категориялар – борлиқнинг умумий, муҳим томонлари, хоссалари, алоқалари ва муносабатлари ҳақида фикрлаш учун қўлланиладиган ўта кенг тушунчалар мажмуидир. Айни шу сабабли фалсафий категориялар ҳеч қачон ҳажман чекланган табиий тил тушунчалари даражасида соддалаштирилиши мумкин эмас.

Тушунчалар сифатида категориялар фикрлашнинг зарурий шакллари ҳисоб-

ланади. Ўта кенг тушунчалар сифатида улар универсал қўлланиш ва бутун оламни тавсифлашга даъвогар бўлиши мумкин. Шу боисдан фалсафий категориялар дунёнинг манзарасини яратиш воситаси бўлиб хизмат қиладики, бу, умуман олганда, фалсафанинг бош вазифаси ҳисобланади. Ҳар қандай тушунчалар каби, категориялар инструментал функцияни бажаради, фикрлаш омили ва воситаси сифатида амал қилади. Шунингдек, *фалсафий категориялар инсоннинг турли ҳодисаларни билиш ва ўзлаштириш усули сифатида ҳам инструментал функцияни бажаради. Фалсафий категориялар илмий билишнинг муайян методологиясини, умуман борлиқни, айниқса, инсон борлиғини тушуниш меъёрларини яратиш орқали норматив функцияни ҳам бажаради.* Категорияларнинг аҳамияти ва универсаллиги шу билан белгиланадики, билиш натижалари муқаррар тарзда категорияларда қайд этилади, категориялар шакл-шамойилини касб этади. Улар фан таркибининг зарурий қисми ҳисобланади. Зеро, фан объекти фақат категориялар ёрдамида фикрланиши ва тушунилиши мумкин.

Фалсафанинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида фалсафий билиш предметининг ўзига хослигини ва фалсафий тафаккур хусусиятларини акс эттирувчи категориялар тизими мавжуд. Уларни мазмунан талқин қилиш дунёқарашнинг шаклланиш жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, фан, фалсафа ва умуман, маънавий маданиятнинг ривожланишига қараб ўзгариб боради. Фалсафий категориялар таркиби ҳам кенгаяди. Фаннинг аксарият категориялари фалсафий мақом касб этади. Илгари мавжуд бўлмаган янги жараёнлар ва ҳодисалар вужудга келиши билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш тегишли тарзда фалсафий идрок этиладики, бу фалсафанинг тушунчалар аппаратини янада бойитади. Фалсафий тушунчалар ва категориялар билан иш кўриш маҳоратини ўзлаштириш талабанинг фалсафий маданиятини, умуман фикрлаш маданиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Фалсафий категориялар тизимида шартли равишда уч муҳим гуруҳни фарқлаш мумкин.

1. *Фалсафий категорияларнинг биринчи ва энг муҳим гуруҳи – ҳар қандай фалсафий муаммоларни таҳлил қилишда қўлланиладиган умумий категориялар, яъни борлиқ категорияларидир* (фалсафий адабиётларда бу категорияларни диалектика категориялари деб номлаш одат тусини олган).

2. *Иккинчи гуруҳни фалсафанинг турли бўлимларига тегишли бўлган махсус категориялар ташкил этади*. Масалан, онтология, борлиқ, йўқлик, субстанция, дунёнинг бирлиги, материя, онг, макон, вақт, ҳаракат каби категориялар мазмунини аниқлайди ва муайян тарзда талқин қилади. Натурфалсафа, гносеология, антропология, праксиология, ижтимоий фалсафа, глобаллашув фалсафаси ҳам ўз категориялар аппаратига эгадир.

3. *Учинчи гуруҳни махсус фалсафий фанлар: мантиқ, ахлоқ (этика), эстетика категориялари ташкил этади.* Масалан, ахлоқ фанида фалсафий билимнинг айни шу соҳаси ва фалсафанинг ахлоқ билан турдош бўлимлари – антропология, ижтимоий фалсафа, аксиологияга хос бўлган категориялар тизими (яхшилик ва ёмонлик, шаън ва қадр-қиммат, ҳаёт маъноси, бахт ва бошқалар) вужудга келган. Тушунчалар, мулоҳазалар, мушоҳадалар, далиллаш ва ҳоказолар мантиқ категориялари ҳисобланади. Эстетикада гўзаллик ва хунуклик, фожеавийлик ва кулги-

лилик, улуғворлик ва тубанлик каби категориялар қўлланилади. Биз эса фалсафанинг умумий категорияларини кўриб чиқамиз.

Фалсафа категориялари муайян фанларнинг категорияларидан анча фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, диалектика категориялари объектив дунё ҳодисалари туркумларининг муҳим хоссалари ва алоқаларинигина эмас, балки барча моддий жараёнларга хос бўлган энг умумий хоссалар ва алоқаларни акс эттиради. Шундай қилиб, диалектика категориялари объектив дунёни идеал акс эттиришнинг ўта кенг шакллари бўлиб, улар воқеликни билиш ва маънавий-амалий ўзгартиришнинг асосий тамойиллари бўлиб хизмат қилади.

Баъзи ҳолларда, *умумий категориялар, яъни борлиқ категориялари* диалектика категориялари деб ҳам номланади. *Диалектика категорияларини икки турга ажратиш мумкин: субстанцион категориялар ва муносабатдош категориялар*. Субстанцион категориялар – бу бошқа категориялардан қатъи назар, алоҳида-алоҳида қўлланиладиган категориялар. Бундай категориялар қаторига «борлиқ», «материя», «ҳаракат», «ривожланиш», «макон», «вақт», «зиддият» ва ҳоказолар киради. Улар объектив воқеликнинг муайян умумий хоссаларини қайд этади, лекин бу категорияларнинг бошқа категориялар билан алоқалари ҳақида бевосита тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди.

Муносабатдош категориялар бири иккинчиси билан уйғун боғлиқ бўлиб, билиш жараёнида бири иккинчисини назарда тутади; уларнинг бири ҳақида тасаввур ҳосил қилганда, бошқасини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бундай категориялар қаторига қуйидагилар киради: яккалик ва умумийлик; ҳодиса ва моҳият; шакл ва мазмун; қисм ва бутун; сабаб ва оқибат; тасодиф ва зарурият; имконият ва воқелик.

Биз муносабатдош категорияларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Умумийлик, яккалик, хусусийлик *категориялари борлиқ нарсалари ва ҳодисаларининг нисбатан мустақиллиги, уларнинг ранг-баранглиги ва бирлигининг инъикосидир.*

Кундалик ҳаётда биз «якка», «хусусий», «умумий» тушунчаларини кўп ишлатамиз ва уларнинг мазмуни бизга баъзан ойдек равшан бўлиб туюлади. Аммо мазкур тушунчалар билан ифодаланадиган предмет ёки предметлар туркумини топишга ҳаракат қилганимиз заҳоти катта қийинчиликларга дуч келамиз. Масалан, унга иккита боланинг суҳбатини асос бўлиши мумкин:

– Умрингда ҳеч қушни кўрганмисан?

– Ҳа, кўрганман. Мана у (канарейкага ишора қилади).

– Э, бу қуш эмас, канарейка-ку. Канарейкани ҳам сен ҳеч қачон кўрмагансан. Сен фақат битта канарейкани, бизнинг канарейкамизни кўргансан.

Соғлом фикр канарейкада қушни кўрган бола у ҳеч қачон қушни кўрмаганини айтаётган боладан кўпроқ ҳақ эканлигидан далолат беради. Аммо умуман қуш, мева, дарахтини кўрганини ким узил-кесил қайд эта олади? Биз бу қуш, бу дарахт, бу мевани ўз тажрибамизда кўрганимиз ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Умумий тушунчалар амалда объектив мазмунга эга ёки эга эмаслиги фалсафа тарихида қизғин мунозараларга сабаб бўлган. Умумий тушунчалар табиати масаласи атрофида баҳс ўрта асрлардан бери давом этиб келади. Умумий тушунчалар амалда мавжудми? Нима ҳақиқий борлиқ ҳисобланади – яккаликми ёки уму-

мийликми? Умумийлик ва яккалик муносабати ҳодисалар хоссаларининг эмас, балки ҳодисаларнинг муносабати сифатида қараладиган дарсликларга ҳозир ҳам дуч келиш мумкин. Хўш, бугунги кунда фалсафада мазкур масала қандай ечилмоқда?

Яккалик – *фақат мазкур объектга хос бўлган хоссаларни ифодаловчи категория.* «Яккалик» категорияси нарсада, ҳодисада фақат шу нарсага, ҳодисага хос бўлган жиҳатни акс эттиради. Яккалик айрим нарсалар нисбатан мустақил мавжудлигини ҳам, мазкур нарсанинг бу нисбатан мустақиллиги, дискретлиги, алоҳидалиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган индивидуал бетакрор белгиларни ҳам қайд этади.

Умумийлик *айрим нарсанинг муайян туркумга мансуб барча нарсалар билан ўхшашлигини белгиловчи хоссалар билан ифодаланади. «Умумийлик» – бу нарсалар ва ҳодисалар ўртасида муайян сифат жиҳати доирасида амалда мавжуд бўлган айнийликдир.*

Умумийлик якка нарсанинг моҳиятини акс эттиради. Умумийликни фақат моҳиятни аниқлаш орқали очиб бериш мумкин. Яккаликсиз умумийлик сезгилар даражасида идрок этиладиган белгилардан, яккаликнинг бетакрор индивидуаллиги, бойлигидан маҳрум бўлган мавҳумлик бўлиб қолади. Яккалик ва умумийликнинг келтириладиган таърифлари уларни айни бир айрим объектнинг томонлари сифатида тавсифлайди. Масалан, ҳаёт бугунги кунда оқсилли жисмлар ва нуклеин кислоталарнинг мавжудлик шакли сифатида тавсифланади. Ирсият ва ўзгарувчанлик – бутун тирикликнинг умумий хоссалари. Аммо оқсилнинг кимёвий таркиби ва айниқса, тузилиши ҳар бир организмда индивидуал даражада бетакрордир. Бу бир жонзотни бошқа жонзотдан фарқлаш имконини берувчи бирдан-бир хоссадир. *Мантиқда яккалик ва умумийлик – тушунчалар тавсифидир сифатида намоён бўлади*. Умумийлик тушунчасида икки ва ундан ортиқ предмет, яккалик тушунчасида эса – битта предмет тушунилади. *Грамматик жиҳатдан умумийлик турдош от билан, яккалик эса – атоқли от билан ифодаланади*. *Фалсафада яккалик ва умумийлик борлиқ ҳодисаларининг ўхшашлиги ва фарқларини белгиловчи хоссалардир.*

Яккалик ҳам, умумийлик ҳам мустақил мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай айрим нарса ёки ҳодиса қарама-қаршиликлар бирлиги ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида у ҳам яккалик, ҳам умумийликдир. Ҳар қандай умумийлик айрим нарса, ҳодисанинг таркибий қисми, элементи ҳисобланади, чунки у айрим нарса ёки ҳодисани тўлиқ эмас, балки бир ёқлама – нарсаларда мавжуд айний жиҳатларни акс эттиради. Яккалик ўз моҳиятига кўра, мавҳум ҳисобланган умумийликдан бойроқдир. Аммо умумийлик нарсанинг мазмуни, моҳиятини чуқурроқ ёритади. Айрим нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар мустақил мавжуд бўлади. Умумийлик ҳам, яккалик ҳам фақат айрим нарса ёки ҳодисадагина мавжуддир.

Ўрта асрлар фалсафасида умумий тушунчалар табиати ҳақидаги масала атрофидаги баҳс унинг иштирокчилари реалистлар ва номиналистларга бўлинишига олиб келди. Реалистлар умумийликни яккаликдан ажратиб, умумийликни мустақил ҳолда мавжуд ҳодиса сифатида, нарсалар пайдо бўлгунга қадар – нарсаларнинг (Худо ақлидаги) илк тимсоли сифатида, нарсаларда – Худонинг рўёбга чиқарилган ғояси сифатида талқин қилганлар. Шундай қилиб, реалистлар фикри-

ча умумийлик нарсаларга қадар, нарсаларда ва нарсалардан кейин нарсанинг муайян ғояси сифатида мавжуд бўлади. Номиналистлар эса, аксинча, фақат якка нарсалар амалда мавжуд, умумий тушунчалар эса, айрим нарсаларнинг номлари, холос, деб ҳисоблаганлар. Мазкур тасаввурлар акс садосига бугунги кунда ҳам, масалан, умумийлик объектлар тўплами билан, яккалик эса – битта предмет билан тенглаштирилган ҳолда дуч келиш мумкин. Амалда умумийлик ва яккалик категориялари объектларни эмас, балки уларнинг хусусийлик томонлари сифатида биргаликда мавжуд бўлган хоссаларини акс эттиради. Умумийлик ва яккаликнинг бирлиги ўзига хосдир, чунки уларнинг ҳар бир объектдаги кўриниши, уйғунлиги, бирининг иккинчисидан устунлиги бетакрордир. Шу сабабли, ҳар бир айрим ҳодиса, нарса – хусусий.

Хусусийлик тушунчаси зикр этилган категориялар мазмунини очиб берувчи асосий тушунчадир. Хусусийлик – «нарса» тушунчасининг синоними, яъни борлиқнинг нисбатан мустақил, сифат жиҳатидан муайян парчаси. У хоссалар тўпламига эга. «Хусусийлик» яккалик ва умумийлик ўртасидаги оралиқ категория ҳисобланади. *Хусусийлик – яккага нисбатан умумий бўлган ва умумийга нисбатан якка бўлган нарса ёки ҳодиса*. Масалан: модда (қонун моддаси) – якка; қонун – хусусий; ҳуқуқ – умумий. «Қонун» тушунчаси «модда» тушунчасига нисбатан умумийдир. Ўз навбатида «қонун» тушунчаси «ҳуқуқ» тушунчасига нисбатан яккаликни акс эттиради.

Яккалик, умумийлик ва хусусийлик категориялари билиш жараёнида унинг таянч нуқталари, билимсизликдан билим сари босқич ролини ўйнайди.

Моҳият ва ҳодиса. Бу категориялар билишнинг турли босқичларини белгилайди ва уларнинг ҳар бири объектни англаб етишнинг ўзига хос даражасини акс эттиради.

Моҳият *объектив борлиқнинг ички, нисбатан яширин ва барқарор томонини ифодалаш учун мўлжалланган бўлиб, у нарса, жараённинг табиатини ва уларга хос бўлган қонуниятларини белгилайди.*

Ҳодиса – *бу нарса, жараёнда қаршимизда бевосита намоён бўлувчи хоссалар, томонлар йиғиндисини ифодалаш учун мўлжалланган категория.*

Ҳозирги фалсафий адабиётларда моҳият предмет борлиғи барча ранг-баранг ва қарама-қарши шаклларининг барқарор бирлигидан иборат бўлган предметнинг ички мазмуни сифатида тавсифланади. Моҳият ҳар қандай тизимнинг асосий жиҳатлари ва тенденцияларини белгиловчи теран алоқалар, муносабатлар, хоссалар ва ички қонунлар мажмуидир. Муайян моҳиятсиз жисм, жараён бўлмаганидек, муайян ҳодисада ўз ифодасини топмаган моҳият ҳам бўлиши мумкин эмас.

Фалсафада ҳодисанинг икки маъноси шаклланган. Биринчидан, ҳодиса *воқеа, табиат ва жамиятдаги жараёнладир. У мазкур жараёнлар бизнинг онгимиз, идрокимизда акс этишини англатади*. Масалан, момақалдироқ, камалак, қор ёғиши, сув тошиши, ер қимирлаши, вулқон отилиши – буларнинг барчаси табиат ҳодисаларидир. Инсон табиат ҳодисаларини тушуниш, тушунтиришга ҳаракат қилган ва уларнинг ўз онгидаги инъикоси билан амалдаги ифодаси ўртасида муайян фарқ мавжудлигини аниқлаган. Табиат ҳодисаларини уларнинг инсон биринчи навбатда идрок этадиган ва пировард натижада уни алдайдиган юзаки, ўзгарувчан

жиҳатлари тавсифлайди. Шу тариқа ҳодиса категориясининг моҳиятнинг зидди сифатидаги фалсафий маъносига эга бўлади.

Иккинчидан ҳодиса – *моҳиятни аниқлаш усули.* У, одатда, нарсалар ўзаро таъсирга киришганида, моҳият ўзини намоён этиши натижасида юз беради. Нарса қандай бўлса, кўрсатилган алоқалар ва ўзаро таъсирлар хусусияти ҳам шундай бўлади. Масалан, йиртқич ҳайвон уни ўтхўр ҳайвонга айлантиришга қанча уринмасинлар, барибир йиртқич бўлиб қолади. Аммо у қандай муҳитда ва ўз иштаҳасининг қайси потенциал қурбони билан тўқнаш келишига қараб, унинг хулқ-атвори ўзгаради. Айни шу сабабли ҳодиса нарсанинг моҳиятини, унинг муайян ички ва муҳим хоссасини у ёки бу тарзда намоён этади.

Ҳақиқийлик мезонига жавоб берувчи билимни олиш билишнинг муҳим вазифасидир. Бундай билим ўрганилаётган нарсанинг моҳиятига кириш демакдир. Моҳиятни билиш ривожланишнинг асосий жиҳатлари ва тенденцияларини белгилайдиган теран алоқалар, муносабатлар ва қонунларни аниқлашни назарда тутади. Табиатнинг моҳияти чексиз-чегарасиз бўлгани боис, уни билиш жараёни ҳам чексиздир. Моҳият тушунчаси билишни тўлиқ, мукаммал билимга эришишга йўналтирувчи тартибга солиш тамойили аҳамиятига эгадир. Ҳодиса тушунчаси моҳиятни билиш усулини кўрсатади ва шу боисдан методологик аҳамият касб этади. Ўрганилаётган объект ўзи учун ғайритабиий шарт-шароитларга солинадиган илмий эксперимент бутунлай янги ҳодисаларни қайд этиш ва шу тариқа ўз шаклланиши ва фаолиятининг илгари номаълум бўлган қонунларини кашф этиши тасодифий бир ҳол эмас.

Моҳият ва мавжудлик. Платон моҳиятни нарсаларнинг моддий-ҳиссий борлиғи билан боғлаш мумкин бўлмаган ғоя сифатида тавсифлаган. Ҳар қандай ғоя каби, моҳият номоддий, ўзгармас ва боқийдир. Аристотель моҳият деганда нарсалар борлиғининг абадий тамойилини тушунган. Нарсанинг моҳияти қотиб қолган материя билан эмас, балки шакл билан белгиланишига унинг ишончи комил бўлган. Маълумки, антик анъанада «шакл» ва «ғоя» тушунчалари бир хил маънога эга. Бироқ, Платондан фарқли ўлароқ, Аристотель шакл (ғоя) ва материяни бир-биридан ажратмайди, балки уларнинг узвий алоқасини қайд этади. Ўрта асрларда моҳият ва мавжудлик ўртасидаги фарқ англаб етилади. Моҳият муайян мақсад, мўлжални ўзида мужассамлаштиради, моҳиятни билиш эса унинг туб негизига мувофиқ бўлган таърифда ифодаланади.

Ўрта асрлар фалсафасида қайд этилган моҳият ва мавжудлик ўртасидаги фарқ кейинчалик моҳият ва ҳодисанинг номувофиқлиги сифатида талқин қилинган. Бу номувофиқлик тасодифий, ўткинчи бўлиши ва асосий тамойилни, яъни нарсани унинг муҳим хоссалари билан яратган Тангри ниятини тушунишдан чалғитиши мумкин.

Моҳият ва ҳодиса ўртасидаги диалектик алоқа қуйидагиларда намоён бўлади:

а) моҳият ва ҳодиса бир-бири билан узвий боғлиқ. Ҳодиса ўзида мужассамлашган нарса, яъни моҳиятсиз мавжуд бўла олмайди. Моҳиятда у ёки бу тарзда намоён бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ;

б) моҳият ва ҳодисанинг бирлиги уларнинг ўзаро мослиги, айнийлигини англатмайди. Моҳият доимо ҳодиса ортида яшириниб ётади. Агар нарсаларнинг

намоён бўлиш шакли ва моҳияти бевосита мос келганида, фанга ҳожат қолмас эди;

в) ҳодиса моҳиятга қараганда фаолроқ ва жўшқинроқ, моҳият эса барқарорроқ ва турғунроқ – у барча ўзгаришларда сақланиб қолади. Аммо, ҳодисага нисбатан барқарорроқ бўлган моҳият мутлақо ўзгаришсиз қолмайди;

г) ҳодиса моҳиятга қараганда бойроқ. У объект муҳим алоқаларининг ички мазмунигина эмас, балки бу объектнинг ҳар қандай тасодифий муносабатлари, алоҳида жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради.

Моҳият ва ҳодиса ўзаро муносабатларининг бир-бири билан зиддиятли алоқасини қайд этувчи ўзига хос шакли зоҳирийликдир. У бизнинг сезгиларимиз нарсаларнинг моҳиятини, аниқроқ айтганда, моҳиятнинг бирон-бир жиҳатини бир ёқлама ноаниқ акс эттиришини англатади. Илмий билишнинг мақсади нарсалар ва ҳодисаларнинг зоҳирийлик ортида яшириниб ётган моҳиятини ёритишдан иборат.

Мазмун ва шакл. Мазмун ва шакл тушунчалари, уларнинг диалектикаси қадимдаёқ синчиклаб ўрганилган. Уйғунлик, гўзаллик, мутаносиблик туйғуси, ақл ва тананинг баркамоллиги қадимги юнонлар учун жуда муҳим бўлган. Уларнинг тилида шакл тушунчаси табиатнинг оддий материали гўзал шакл-шамойил касб этишига имконият яратадиган ғоя тушунчасининг синоними саналган. Аристотель ғоя, яъни шаклни материя билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблаган. Қадимги Юнонистонда мазмун ва шакл муаммоси қўйилган бўлса, кейинги минг йилликда бу муаммони турли йўналиш мутафаккирлари ечишга ҳаракат қилди.

Мантиқда *мазмун тушунчаси унинг муҳим белгилари мажмуини англатади.* Фалсафада *мазмун нарсанинг негизини ташкил этадиган, унинг мавжудлиги, ривожланиши ва шаклларининг ўзгаришини белгилайдиган қисмлар, элементларнинг муайян тарзда тартибга солинган мажмуидир.* Кўриб турганимиздек, мантиқ ва фалсафадаги мазмун тушунчалари бир-бирини истисно этмайди, балки бир-бирини тўлдиради. Демак, *мазмун – мазкур нарса, жараён, ҳодисани белгиловчи элементлар, томонлар, хоссалар, алоқалар ва тенденцияларнинг йиғиндиси***.** Ҳар қандай нарса, ҳодиса аниқ мазмун билангина эмас, балки муайян шакл билан ҳам тавсифланади.

*Шакл – нарсанинг тузилиши, структурасини, мазмун элементларининг уюшиш, бир-бири ва ташқи омиллар билан ўзаро алоқа қилиш усулини тавсифловчи ички алоқа***.** Шакл, – дейди Ибн Сино, –жисмларнинг мавжудлиги қандай бўлса, шундай сақланиши ёки бошланғич материянинг конкрет жисмга айланишидир. Шакл – табиий куч сифатида анорганик жисмларни ҳаракатга келтиради: ўсимлик, ҳайвон, одам, космик руҳни ҳаракатга келтирадиган табиий жисмлар шаклидир. Шакл – жисмдан конкрет нарса ва предмет ҳосил бўлишидир. Шакл –жисмларнинг алоҳида хусусияти бўлиб, конкрет яшаш тарзини белгилайди. Шакл умумий ном бўлиб, нарса турини, нарсанинг мавжудлигини, иккинчи марта такомиллашишини, мавжудлигини билдиради. Шаклни аниқлашда нарсалар мавжудлиги муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, олов олов шакли асосида актуаллашади ва бошқа шаклга ўтади. Шакл туфайли жисм жисм бўла олади.

Мазмун ва шакл тушунчаларига берилган таърифларнинг ўзидаёқ биз уларнинг ўхшашлигини пайқаймиз, чунки структура, ички изчиллик – мазмун-

нинг ҳам, шаклнинг ҳам зарурий компоненти. Шу сабабли мазмунни шаклдан фақат мавҳумлик нуқтаи назардангина ажратиш мумкин. Икки ўхшаш мазмунни таққослашгина шакл омилларини фарқлаш имконини беради. Нафақат мазмун «шаклдор», балки шакл ҳам мазмунлидир. Шу сабабли айни бир жиҳат, элемент бир замоннинг ўзида бир предметнинг шакли ҳам, бошқа предметнинг мазмуни ҳам бўлиши мумкин.

Шакл ва мазмуннинг ўзаро алоқаси шунда ифодаланадики, нарсанинг бу икки қарама-қарши томонлари бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади. Қадимда мазмун ва шакл диалектикасида шакл устун қўйилган, унинг ёрдамида нарса ўз ғояси (шакли) ёки вазифаси (мақсади)га мувофиқ бўлган муайян борлиқ сифатида мавжуд бўлади, деб ҳисобланган. Кейинчалик фаннинг ривожланиши ва унинг фалсафага таъсири кучайиши билан мазмун ва шаклнинг алоқаси ҳақидаги тасаввурга ҳам аниқлик киритилган. Оддий соғлом фикр бизга шакл ниманингдир, яъни муайян мазмуннинг шакли бўлиши мумкинлигини, мазмунсиз шакл ҳеч қандай аҳамият касб этмаслигини кўрсатади. Шу сабабли формализм танқиди мутлақо ўринлидир. Масалан, санъатда «соф шакллар» билан ўйин қилишга уриниш шунинг учун ҳам муваффақиятсизликка учрайдики, ўзини формалист деб ҳисобловчи истеъдодли санъаткор асарида мазмун барибир мавжуд бўлади. Давлатни бошқаришда формализм турларидан бири саналган бюрократизм билан ҳам шундай ҳол юз беради. Ўз фаолиятини соф формал қоидаларга бўйсундирувчи, соғлом фикрга сонсаноқсиз тўсиқлар ўрнатувчи бюрократ амалда ҳокимият ваколатлари бирдан-бир мақсад саналган муайян давлат тизимининг вакили ҳисобланади. Формализмнинг яна бир кўриниши ҳуқуқнинг позитивистик талқини бўлиб, унга биноан ҳуқуқ иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ёки ўзгача асослашга муҳтож бўлмаган олий асосдир. Ҳуқуқнинг мазкур формал-догматик талқини қонунчининг ўзбошимчалигига кенг йўл очади. Натижада давлатда ноҳуқуқий қонунлар устуворлиги қарор топади.

Нарса шаклсиз ҳам мавжуд бўлмайди. Шунингдек, шакл мазмунга фаол таъсир кўрсатади, нарсага унда мавжуд бўлмаган хоссаларни бахш этади. Масалан, кўмир, графит ва олмосни олайлик. Уларнинг фарқи – фақат молекула структурасида, яъни шаклда. Аммо ҳеч ким бу моддаларни бир-бирига ўхшатмайди. Хуллас, шакл мазмунга фаол таъсир кўрсатиб, ё уни такомиллаштиради, ё ўзини тўла намоён этишига монелик қилади. Шакл мазмундан нисбатан мустақилдир. Бу ҳол айни бир мазмуннинг кўплаб шакллари мавжудлигида, шунингдек, шакл мазмундан ўзиши ёки ундан орқада қолишида намоён бўлади. Шу сабабли шакл ва мазмуннинг узлуксизлиги уларнинг бирлиги тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Бунда ҳар бир муайян ҳолда ё шакл, ё мазмун устунлик қилиши мумкин. Шакл ва мазмуннинг номувофиқлиги ёки қарама-қаршилиги юзага келишига сабаб бўладиган мазкур категориялар диалектикаси борлиқнинг ҳар қандай ҳодисаси ўзгариши ва ривожланишининг ички манбаи ҳисобланади.

Мазмун ва шакл ўртасидаги диалектик ўзаро алоқа қуйидаги омиллар билан белгиланади.

1. Мазмун ва шакл бир-бири билан узвий боғлиқ. Амалда шаклсиз мазмун ва мазмунсиз шакл ҳеч қачон ҳеч қаерда мавжуд эмас. Шаклни мазмундан ажратишга, шакл мустақил аҳамиятга эга эканлигини исботлашга уринишлар формализмга олиб келади.

2. Мазмун ва шаклнинг бирлигида мазмун етакчилик қилади. Мазмуннинг ўзгариши доим шаклнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Қандайдир ташқи куч эмас, балки айнан мазмун ўзини шакллантиради. Масалан, фанни ривожлантириш, янги қонунларни кашф этиш, объекив ҳақиқатларнинг тагига етиш мазкур янги қонунлар мазмунини расмийлаштирувчи тегишли янгича тасаввурлар, формулалар, назарияларни талаб қилади.

3. Мазмун ва шаклнинг бирлиги мазмунга нисбатан шаклнинг нисбатан мустақиллиги, фаоллигини назарда тутади. Шаклнинг нисбатан мустақиллиги қуйидагиларда намоён бўлади:

а) ривожланишда шаклнинг мазмундан оқсашида. Мазмун ҳеч қачон бир даражада турмайди, у ўзгаради, шакл ҳам ўзгаришсиз қолмайди. Аммо мазмун билан таққослаганда шакл барқарорроқ, турғунроқдир. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, мазмун ўз ҳаракатига эга бўлади, шакл эса мазмун билан белгиланади. Мазмундан фарқли ўлароқ, шакл ҳодисанинг турғунроқ томони сифатида амал қилади. У муқаррар тарзда ўз мазмунидан ортда қолади;

б) шаклнинг мазмунга акс таъсирида. Бу таъсир икки ёқлама намоён бўлади: шакл ё мазмуннинг ўзгаришига кўмаклашади, ё унга монелик қилади. Албатта, агар шакл мазмуннинг ўзгаришига мувофиқ бўлса, у мазмун жадал суръатларда ривожланишига замин яратади. Агар уларнинг ўртасида зиддият туғилса, мазмун лозим даражада ривожлана олмайди, чунки унга эски шакл халақит беради. Шу сабабли эртами-кечми зиддиятни ечиш вақти келади. Янги мазмунга мувофиқ янги шакл яратилади. Шундай қилиб, мазмун ва шакл ўртасидаги зиддият нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзгариш, уларнинг бошқа нарсалар ва ҳодисаларга айланиш сабабларидан бири ҳисобланади.

Бутун ва қисм. Ўзаро боғланган соддароқ нарсалардан ташкил топадиган ҳар қандай предметнинг мураккаб тузилишини ифодаловчи фалсафий категорияларнинг айрим нисбатан ажралмас мажмуасини ташкил этади.

*Предметни (бутунни) ташкил этувчи нарсалар унинг қисмлари ҳисобланади***.** Бутунни ташкил этувчи қисмларни бирлаштирадиган боғланиш предметга яхлитлик бахш этади, яъни бутунга хос бўлган, лекин уни ташкил этувчи қисмларга уларнинг тарқоқлик ҳолатига хос бўлмаган интегратив хоссалар ва қонуниятлар пайдо бўлишига олиб келади.

Бутун ўзини ташкил этувчи қисмларнинг бирлигидир. У ўз қисмларининг ўзаро алоқаси туфайли мавжуд бўлиб, бу алоқанинг барқарорлиги мазкур бутуннинг тузилишида ўз ифодасини топади.

Бутун ва қисм тушунчалари қадимги юнон фалсафасидаёқ маълум бўлган. Бутунни ўрганишга нисбатан ёндашувларни белгилашда юзага келган зиддиятларни ечиш қийинчилик туғдирган. Маълумки, Декарт ўзининг метод ҳақидаги мулоҳазаларида ҳар қандай предметни ўрганишни билиш вазифасини ечиш учун бу предметни неча қисмга ажратиш керак бўлса, шунча қисмга ажратишдан бошлашни тавсия этади. Демак, бутун – қисмлар йиғиндиси дейиш ҳам мумкин. Аммо бу фикр фақат қисман тўғри, чунки бутун ўзини ташкил этувчи қисмларнинг оддий йиғиндиси билан изоҳланиши мумкин эмас. Масалан, қурилиш материаллари бир уюмга тўкилса, бино пайдо бўлмайди. Қарама-қарши ёндашув бутуннинг устунлигини тан олишни назарда тутади. Бу ҳолда бутунни билиш

қисмларни билишдан олдин келади. Аммо, бутуннинг ўзига хослиги уни ташкил этувчи қисмлардан келиб чиқмаганидек, қисмнинг хоссалари ҳам бутундан келиб чиқмайди. Натижада қониқарли ечимини топиш мушкул бўлган яхлитлик антиномиялари юзага келди, чунки қарама-қарши фикрларнинг ҳар бирини амалиётдан олинган мисол билан исботлаш ва худди шунингдек, амалиётдан олинган мисол билан рад этиш мумкин. Масалан, бутун қисмларнинг йиғиндисидир, деган қоидага бутун ўзини ташкил этувчи қисмлар йиғиндисидан кўпроқдир, деган қарши қоида зид келади. Қисмлар бутундан олдин пайдо бўлади, деган фикрга бутун ўзининг қисмларидан олдинроқ пайдо бўлади, чунки уларга янги хоссалар бахш этади, деган фикр зид келади. Мазкур антиномиялар билиш методологиясида ҳам билишнинг қарама-қарши мўлжалларида ўз ифодасини топади: бутунни билиш унинг қисмларини билиш орқали амалга оширилади, бунга қарши қоида эса шундай янграйди: қисмлар бутунни қисмларга ажратиш маҳсули сифатида фақат бутун ҳақидаги билимга мувофиқ англаниши мумкин. Бу эса бутун ва қисмнинг яхлитлик орқали ифодасида намоён бўлади. Яхлитлик жумбоқларига қуйидаги ҳодиса мисол бўлади: ҳар бир атом ядросининг оғирлиги унинг таркибий қисмлари оғирлигининг йиғиндисидан камроқдир. «Масса нуқсони» деб аталадиган бу ҳодиса масса ва энергиянинг эквивалентлиги билан изоҳланади. Бу ҳодисани яхлитлик жумбоқлари нуқтаи назаридан қандай тушунтириш мумкин? Мазкур зиддиятларни ечиш бутун ва қисмнинг алоқаси ҳақидаги қарама-қарши тасаввурлар бирлигини тан олишни назарда тутади. Дарҳақиқат, қисм бутунга боғлиқ бўлади, у бутундан янги хоссалар олади. Бутун ҳам қисмларга, бироқ кўпроқ даражада – улар ўртасидаги алоқанинг хусусиятига боғлиқ бўлади.

Бутуннинг уч типи маълум:

а*) механик бутун (қум, тош уюми, чунки уларнинг қисмлари бутунга киради ва ундан деярли ўзгармасдан чиқади);*

б) уюшган бутун, агар қисмларнинг кўриниши ўзгарса;

в) органик бутун, агар қисмлар ўз-ўзидан ривожланса (тирик организмлар).

Қисмлар ўртасидаги алоқанинг хусусияти бутуннинг сифат жиҳатидан аниқлигини, унинг яхлитлигини белгилайди. *Яхлитлик қисмларнинг шундай бир алоқасики, унда бутун қисмларининг бирлиги таъминланади, бунинг натижасида бутун тизимлилик, уюшқоқлик хусусиятини касб этади.* Қисмлар алоқасининг типи яхлитлик типини белгилайди. Алоқанинг структуравий (тузилиши), функционал (предметнинг фаолият усулини тавсифловчи), генетик типлари яхлитликнинг тегишли типларини ташкил этади. Яхлитликнинг қуйидаги турлари фарқланади:

Механик яхлитликда қисмнинг бутунга камроқ боғлиқлиги ва бутуннинг қисмга сезиларли даражада боғлиқлиги кузатилади. Масалан, автомобиль ғилдираги ёки рули унинг ҳаракатланишини таъминловчи қисмлардир, лекин улар ўз сифатида автомобилдан қатъи назар мавжуд бўлиши мумкин.

Ноорганик яхлитликда қисмларнинг бутунга боғлиқлиги ортади, бутуннинг қисмга боғлиқлиги эса камаяди. Қисмларнинг барқарор алоқаси ҳар бир элементга ўз хоссаларини сақлаш ва нисбатан ўзгармас бўлиб қолиш имконини беради. Масалан, электрон атом таркибида ҳам, ундан ташқарида ҳам (ҳаракатланаётган электронларнинг изчил оқими сифатида) деярли ўзгаришсиз қолади.

Органик яхлитликда органик дунёда нафақат қисмларнинг ўзаро мослигига, балки уларнинг субординациясига ҳам дуч келиш мумкин. Органик тизимларнинг қисмлари бутундан ташқарида мавжуд бўлмайди. Танадан узилган қўл фақат номигагина қўл саналишини Аристотель қадим замонлардаёқ қайд этган эди.

Яхлитлик типлари ва турларининг таснифи бутуннинг табиатини билиш нафақат уни ташкил этувчи қисмларни, балки қисмлар ўртасидаги алоқалар хусусиятини ҳам билиш орқали амалга оширилишини кўрсатади.

Демак *бутун – нарса, ҳодиса ва уни ташкил этган қисмларнинг муайян тартибда жойлашуви ва ўзаро боғланган ягоналикнинг ифодаси. Қисм – бутун таркибига кирадиган, унинг таркибидагина ўз вазифаси (функцияси)ни бажара оладиган алоҳидалик*. Масалан, яхлит бир бутун сифатидаги H_2O молекулаларининг қисмлари – водороднинг икки атоми ва кислороднинг бир атоми. Бутун ўз қисмларининг оддий йиғиндисидан иборат эмас. Маълумки, водород ёнади, кислород ёнишни қувватлайди, лекин сув, албатта, ёнишга тўсқинлик қилади.

Диалектика бутун ва қисмга уларнинг диалектик бирлиги нуқтаи назаридан ёндашади. Бутун ҳосил бўлганда қисмлар хоссаларининг йиғиндисидан иборат бўлмаган янги сифат вужудга келади; шунга қарамай, у қисмлар – уларнинг миқдори ва ўзаро алоқанинг муайян типи билан белгиланади. Шу сабабли диалектика бутунни билиш фақат хоссалар, қисмлар ҳақида билим мавжуд бўлган тақдирда самарали бўлиши мумкин ва аксинча, қисмларни ўрганиш бутунга доир олдинги билимга таяниши лозим, деб ҳисоблайди.

Тизим, элемент структура. Бутун ва қисм категорияларини тизим, структура, элемент категориялари тўлдиради ва ривожлантиради.

Қадимги юнон фалсафасида тизим тушунчаси борлиқнинг тартиблилиги ва яхлитлиги сифатида тавсифланган. Ҳозирги талқинда тизим муайян яхлитликни ташкил этувчи қонуний муносабатлар ва алоқаларда бўлган элементларнинг органик тўплами сифатида тавсифланади. «*Тизим» (юнон. «systema» – «бирлаштириш», «яратиш») – бир-бирининг ўртасида қонуний боғланиш ёки ўзаро алоқа мавжуд бўлган муайян элементлар йиғиндиси*. Ҳар қандай тизимнинг структураси, аввало, унинг таркибий элементларига боғлиқ. Ўз навбатида, элементларнинг хоссалари ҳам кўп жиҳатдан ўзлари ҳосил қилган тизимнинг структураси билан белгиланади. Тизим ва элемент тушунчалари бутун ва қисм категорияларига яқин туради. Аммо улар айний тушунчалар эмас. Хусусан, қисм бўлинади, элемент – тизимнинг бошқа қисмларга ажралмайдиган компоненти ҳисобланади. Шунингдек, тизим бутун билан ҳам солиштирилиши мумкин ва худди бутун каби, қисмларнинг алоқадорлиги, тартиблилиги ва уюшқоқлиги билан тавсифланади. Аммо бутунни ўрганишда унинг ўзига хос хусусиятини, сифат жиҳатидан муайянлигини аниқлаш вазифаси биринчи ўринга чиқади.

Тизимли ёндашув тизимларнинг сифат жиҳатидан ўзига хослигидан қатъи назар, улар хулқ-атворининг умумий тамойиллари ва қонунларини аниқлашни назарда тутади. Айни шу сабабли тизимлар жуда кенг миқёсда қўлланилади. Аммо ҳар қандай объектни ўрганишга нисбатан тизимли ёндашув доим ҳам самарали эмас. Бирон-бир рўзғор буюми (қошиқ ёки чойнак, ёзув дафтари ва ш.к.)ни тизимли ўрганишнинг ҳожати йўқ. Баъзан шундай бир «тадқиқотлар» учрайдики, уларда тизимлар назарияси атамалари ишлатилган бўлса-да, уларни яратган сох-

та олимлар тавсифланаётган объект талқинига бирон-бир янги нарса киритмайди. Ҳозирги замон фанида *тизимли ёндашувнинг икки йўли қўлланилади*: *биринчиси-тизимлар тушунчасини муайян тарзда формаллаштириш ва уларнинг фан тилида тавсифланадиган умумий белгиларини аниқлаш; иккинчиси-муайян тизимларнинг типологик таҳлилидан фойдаланиш кабилардир*.

Тизимларнинг ўзига хос хусусиятлари. Тизимларнинг муҳим умумий хусусиятлари тизимли ёндашувнинг бир қанча тамойилларини таърифлаш имконини беради.

Биринчи – яхлитлик тамойили. Ҳар қандай тизим кўп сонли элементлардан ташкил топади, лекин уларнинг йиғиндисига боғлиқ эмас.

Иккинчи тамойил – тизимли тузилишининг иерархиявийлиги: тизимнинг ҳар бир элементи мураккаб тузилишга эга бўлиб, нисбатан мустақил тизим сифатида қаралади. Айни вақтда ўрганилаётган тизим мураккаброқ тизим таркибига унинг элементларидан бири сифатида киради.

Учинчи тамойил – тизимни ташкил этувчи элементлар бир-бири билан муайян муносабатларга киришади. Уларнинг орасида энг муҳимлари тизим ташкил этувчи, тизимнинг яхлитлигини таъминловчи элементлардир.

Тизимни ўрганиш структуравий ва функционал ёндашувлардан фойдаланишни назарда тутади.

Структуравий ёндашув тизимни унинг тузилиши ва шакли нуқтаи назаридан ўрганиш имконини беради.

Функционал ёндашув эса, тизимнинг хулқ-атвори ва бошқа тизимлар билан ўзаро алоқаларини тадқиқ этиш учун имконият яратади. Тизимларнинг ўзаро алоқаси каузал, аниқ белгиланган ва статистик, яъни эҳтимол тутилган бўлиши мумкин. Тизимнинг муҳитдаги хулқ-атвори актив ва реактив бўлиши мумкин. Тизимнинг актив хулқ-атвори мақсадлар нуқтаи назаридан тавсифланиши мумкин.

Тизимларнинг типлари. Тизимларнинг умумий белгилари билан бир қаторда, муайян типлари фақат ўзигагина хос бўлган типологик белгиларга эгадир. Масалан, белгилар тизимларини ўрганиш билан илмий билимнинг алоҳида соҳаси – *семиотика шуғулланади*. У бизнинг тил ҳақидаги, маданият турли тилларининг ўхшаш жиҳатлари ва фарқлари ҳақидаги тасаввурларимизни сезиларли даражада бойитади.

Кибернетика бошқарувчи тизимлар хулқ-атворини ўрганадики, бу оқилона асосланган бошқарув тизимларини яратиш имконини беради. *Ўйинлар назарияси* бизнинг конфликтлашаётган тизимлар ҳақидаги тасаввуримизни анча кенгайтиради*, синергетика* эса ўта мураккаб тизимлар хулқ-атворининг қонуниятларини аниқлайди. Шундай қилиб, тизим, структура ва элемент категориялари фан ва фалсафани янада бойитиб, муҳим методологик вазифани бажаради.

Элементлари ва структурасининг хусусиятига кўра тизимларнинг ҳар хил турлари фарқланади. *Объектив борлиқда мавжуд бўлган моддий тизимларни ва объектив борлиқнинг инсон онгидаги инъикоси ҳисобланган идеал тизимларни фарқлаш айниқса, кенг тарқалган. Элементлари ва алоқаларининг сонига кўра содда ва мураккаб тизимлар фарқланади*.

«Элемент» – (лот. «elementum» – «бирламчи модда») – бутуннинг нисба-

тан бўлинмас қисми. Қисм тушунчаси ўз ҳажмига кўра «элемент» тушунчасидан кенгроқ, чунки бу ҳар қандай қисм эмас, балки нисбатан бўлинмас қисм. Бунда «қисм» бутун тушунчаси билан, «элемент» эса, структура тушунчаси билан муносабатга киришади.

Элемент нарсанинг бошқа бўлинмайдиган заррасини англатувчи категория. Хусусан, модда атомлардан ташкил топади ва атомлар модданинг элементлари ҳисобланади. Аммо бизга маълумки, атом парчаланади. Нима учун биз элементар зарраларни модданинг элементлари деб ҳисобламаймиз? Шунинг учунки, элементар зарралар модданинг эмас, балки турли-туман майдонларнинг элементлари ҳисобланади.

«Структура» (лот. «structura» – «тузилиш», «жойлашув», «тартиб») *тизимнинг тузилиши ва ички шакли, мазкур тизим элементлари ўртасидаги барқарор ўзаро алоқаларнинг бирлиги.* Структура нарсалар ва ҳодисаларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги қонуний алоқа усули.

Сабаб ва оқибат. Қандай воқеа юз бермасин, барчасининг ўз сабаби бор. Тўғри олинган йўл йўловчини текисликлар орқали мўлжалланган манзилга олиб келади, хато ва бепарволик уни саҳрога олиб боради ва ҳалокатга гирифтор этади. Ҳодисаларнинг умумий ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этиши ғояси детерминизм тамойилида ўз аксини топади. Бу тамойилга биноан табиатда ҳамма нарса сабабнинг ҳукмига бўйсунади.

Сабаб тушунчаси инсонга унинг ривожланиши дастлабки босқичларидаёқ маълум бўлган. Табиий ҳодисаларнинг келиб чиқишини тушунтирувчи сабабларни аниқлашга бўлган илк уринишларга мифологияда, сўнгра динда дуч келиш мумкин. Кейинчалик сабабларнинг фалсафий ва илмий изоҳи юзага келади. Сабаб (лот. «causa» – «сабаб») шундай бир ҳодисаки, у бошқа бир ҳодисанинг оқибатини бевосита белгилайди, юзага келтиради. Сабабият моҳиятини бир ҳодисанинг бошқа ҳодисани юзага келтириши, сабабнинг оқибатни яратиши ташкил этади. Оддий онг сабабият жараёнини соддалаштиради: сабаб фаол томон, оқибат – пассив томон сифатида тасаввур қилинади, сабаб оқибатдан олдин келади. Д.Юм бундай тасаввурларни танқид қилар экан, – у сабаблар мавжудлигига шубҳа қилади, аниқроғи буни инкор этади: «Бир ҳодиса айрим ҳолда бошқа ҳодисадан олдин келишидан уларнинг бири – сабаб, иккинчиси – ҳаракат деган хулоса чиқариш, ақлга мувофиқ эмас. Уларнинг бирикуви тасодифий бўлиши мумкин, балки бир ҳодиса юз берганида бошқа бир ҳодисанинг мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш учун ҳеч қандай асос йўқдир. Шунга қарамай... инсонни бундай хулоса чиқаришга мажбур қилувчи қандайдир тамойил мавжуд. Бу тамойил одатдир...»[1], деб қайд этади. Сабаблар мавжудлигининг инкорини Юм шу билан тушунтирадики, сабабнинг оқибатни юзага келтириш жараёнини биз бевосита кузата олмаймиз. Сабаб ҳақида биз юз берган оқибатга қараб хулоса чиқарамиз, аммо бу воқеа чиндан ҳам айрим сабабнинг оқибатими, деган саволга биз аниқ жавоб бера олмаймиз, чунки сабаб-оқибат алоқаси мавжудлигини биз синов йўли билан ҳеч қачон тасдиқлай олмаймиз[2].

Ҳозирги замон фани сабаб объектлар ўртасидаги ўзаро алоқа бўлиб, унинг

[1] Юм Д. Соч.: в 2 т. Т. 2. –М.: 1965–1966 г.г. с. 44–46.

[2] Там же: с. 46.

оқибатида ўзаро алоқага киришган объектларнинг иккаласи ҳам ўзгаришини аниқлаш имконини беради. Масалан, Ерга йирик метеоритлар тушишига улкан экологик фалокатлар сабаб бўлган. Бир қарашда Ер жабрланган пассив томон, метеорит эса – фаол томон бўлган. Амалда классик механика қонунларига мувофиқ Ер ва метеоритнинг тўқнашуви юз берган. Бунинг оқибатида, иккала жисмда тегишли деформациялар юзага келган. Амалиёт ҳар қандай ҳодисанинг вужудга келиши бирон-бир омил ёки омиллар билан белгиланишини кўрсатади.

Юз бериши янги ҳодиса вужудга келишига олиб келувчи ҳодиса, сабаб деб аталади. Сабаб таъсирида вужудга келувчи ҳодиса эса, оқибат деб аталади. Дунёда барча ҳодисалар, ўзгаришлар, жараёнлар муқаррар тарзда муайян сабаблар туфайли юз беради. Дунёда сабабсиз ҳодисалар йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. *Сабабият қонуни дунёда барча ҳодисалар сабабий белгиланган деган қоидага асосланади. Сабабият қонунини тан олувчи ва уни борлиқнинг барча ҳодисаларига татбиқ этувчи файласуфлар детерминистлар деб, сабабият қонунини инкор этувчи файласуфлар эса индетерминистлар деб аталади.*

Сабаб ва оқибат диалектикаси. *Сабаблар ички ва ташқи, бевосита ва билвосита, объектив ва субъектив бўлиши мумкин. Субъектив сабаблар кўпинча фаолият, хулқ-атвор, қилмишларни изоҳлаш соҳасида намоён бўлади.*

Объектнинг моҳиятини ташкил этувчи қарама-қарши кучлар, тенденцияларнинг ўзаро алоқаси сабабнинг ички манбаи ҳисобланади. Масалан, одамлар ўз касаллиги ёки қарилигини қайғу-ҳасрат, муваффақиятсизликлар, оғир иш ва ҳоказолар билан тушунтиришга мойилдирлар. Амалда қарилик ёки ўлимни енгишга ҳали ҳеч ким муваффақ бўлмаган, чунки қарилик ҳам, ўлим ҳам ички сабаблар билан изоҳланади. Шу сабабли баъзилар оғир иш билан шуғулланиб ҳам узоқ вақт ёш ва соғлом бўлиб қолади, айрим такасалтанглар эса жуда тез қарийди. Ташқи сабаблар турли объектлар ўзаро алоқасининг маҳсулидир.

Сабаб ва оқибат муносабатларини орқага қайтариб бўлмайди. Сабаб ва оқибатнинг соф чизиқли жараён сифатидаги механистик талқини муқаррар тарзда сабаб ва оқибатни орқага қайтариш мумкин, деган хулосага олиб келади. Масалан, Ой қарама-қарши йўналишда айлана бошласа, у дастлабки ҳолатга келган бўлар эди. Аммо бу фараз замирида сохта асослар ётади: у сабаб-оқибат муносабатларига тасодифий омиллар тўплами кучли таъсир кўрсатишини ҳисобга олмайди. Дастлабки ҳолатга қайтиш – бу мазкур омиллар тўпламини амалда мужассамлаштириш демакдир. Ваҳоланки, уларнинг ҳаммасини амалда мужассамлаштириш мумкин эмас, демак, дастлабки ҳолатга қайтиш мумкин эмас.

Сабаблар ва оқибатларнинг муносабатлари мураккаб ва ранг-барангдир. Бир сабаб кўплаб оқибатларга сабаб бўлиши ва, аксинча, бир оқибат замирида кўп сонли сабаблар ётиши мумкин. *Айрим сабаблар чексиз оқибатлар занжирининг илк манбаи ҳисобланади*. Баъзи бир сабаблар «занжир реакцияси» кўринишини касб этиши, яъни икки ёки ундан ортиқ оқибатни юзага келтириши, улар эса, ўз навбатида, икки ёки ундан ортиқ оқибатга сабаб бўлиши мумкин.

Баҳона ва шарт. Сабаб, баҳона ва шартни фарқлаш лозим. *Баҳонани субъектив сабаблар қаторига киритиш мумкин.* Бунда воқеа ёки шерикнинг ҳаракати ўзининг, одатда, нотўғри жавоб ҳаракатларини оқлаш мақсадида талқин қилинади

ва баҳоланади. Шартлар-амалдаги ёки эҳтимол тутилган сабабнинг мавжудлик муҳитини ташкил этадиган ички омиллар ва ташқи муносабатлар мажмуидир. Синергетика муҳитга ягона негиз, бўлғуси тузилманинг ранг-баранг шакллари манбаи, ривожланишнинг турли йўллари учун майдон сифатида қарайди. Сабаб-оқибат муносабатлари тизимида шартларнинг амалдаги аҳамиятини тушуниш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз. Фуқаро А. хотини сузишни билмаслигидан хабардор бўлгани ҳолда, ундан қутулиш учун уни денгиз бўйлаб саёҳатга юборади. Оқибатда хотини сувга чўкиб ўлади. Эрнинг ҳаракатлари хотин ўлимининг сабаби ҳисобланадими? Бу мисол шартлар ўз ҳолича оқибат сабаби бўла олмаслигини, лекин сабабнинг амалга ошишига кўмаклашадиган ёки монелик қиладиган омил ҳисобланишини кўрсатади.

Синергетика сабабият ҳақида. Сабабият ҳақидаги фалсафий қарашлар узоқ эволюция жараёнини бошдан кечирди. *Механистик ёндашув сабабни сирт-дан кўрсатилган таъсир сифатида талқин қилади*. Дунё жисмларнинг тартибга солинган, олдиндан айтиш мумкин бўлган аниқ ўзаро алоқаси сифатида тасаввур қилинади. Тасодифнинг мавжудлиги рад этилади. Сабабият занжирлари чизиқли хусусият касб этади, оқибат сабаб таъсирига пропорционал бўлади. Бинобарин, сабабият занжирларига қараб ривожланиш жараёнининг ўтмишини ҳам, келажагини ҳам аниқлаш мумкин. Аммо илмий билимнинг ривожланиши механистик детерминизмнинг асоссизлигини намойиш этади. Синергетика йўналиши асосчиларидан бири И.Р.Пригожин механистик детерминизмга шундай баҳо беради: «Динамика рационалистик моделининг маҳсули сифатида тушунилган детерминизм эндиликда айрим ҳоллардагина намоён бўлувчи хосса билан боғланади»[1], деб баҳо беради.

Фан ривожланиши билан сабаб-оқибат алоқаларининг статистик қонуниятлари ва эҳтимолий табиати ҳақидаги тасаввур юзага келади. Мураккаб тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиши ҳақидаги фан – синергетика детерминизм талқинига маълум аниқликлар киритди. Бир қатор илмий далиллар олимлар ҳар қандай табиий ҳодисалар стохастик хусусиятга эга ва муайян ноаниқлик шароитида юз беради, деган хулоса чиқаришига олиб келди. Мураккаб тизимлар учун, одатда, ривожланишнинг бир неча муқобил йўллари мавжуд бўлади. Синергетика сабаб-оқибат алоқалари номутаносиб тизимларда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Бу тизимларнинг ривожланиши кўп вариантлидир. Бунда эволюциянинг ҳар қандай тури эмас, балки йўлларнинг муайян доираси мавжуд бўлиши мумкин. Ривожланишда кутилмаган бурилишлар юз бериш эҳтимоли мавжуд, чунки у тасодифий алоқалар орқали содир бўлади. Номутаносиб тизимлар ташқи омилларга ўта таъсирчандир. Шу боис интенсивлик даражасига кўра аҳамиятсиз бўлган таъсирлар ҳам кутилмаган натижаларга олиб келадиган шикастли оқибатлар сабаби бўлиши мумкин.

Сабаб ва оқибат ўртасида мураккаб диалектик ўзаро алоқаси қуйидагиларда намоён бўлади:

1) сабаб вақтда оқибатдан олдин келади. Оқибат сабабдан олдинроқ юз бермайди. Аммо, бу бири иккинчисидан олдин келадиган ҳар қандай ҳодиса у билан

[1] Пригожин И. Некоторые проблемы саморазвивающих систем // Вопросы философии. 1989 г. №8. с. 4.

сабабий боғланишда бўлади, дегани эмас. Масалан, тун тонгдан олдин келади, лекин у тонгнинг сабаби ҳисобланмайди;

2) сабаб муайян шароитда албатта оқибатни вужудга келтиради. Сабаб ва оқибат шу даражада боғлиқки, агар сабаб юз берса ва етарли шароит мавжуд бўлса, муқаррар тарзда оқибат ҳам юз беради;

3) сабаб ва оқибат бир-бири билан ўзаро таъсирга киришади. Бу ўзаро таъсирланиш жараёнида сабабгина эмас, балки оқибат ҳам фаол бўлади. У сабабга акс таъсир кўрсатади. Мисол учун, ғоялар борлиқни акс эттиради, лекин, вужудга келгач, ижтимоий борлиқнинг ўзгаришига кишиларнинг амалий фаолияти орқали фаол таъсир кўрсатади;

4) айни бир ҳодиса бир муносабатда сабаб сифатида, бошқа бир муносабатда – оқибат сифатида амал қилади. Айтайлик, ёмғир – муайян об-ҳаво шароитларининг оқибати, лекин унинг ўзи яхши ҳосилдорлик сабабига айланади; ҳосилдорлик эса давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш омили бўлиб хизмат қилади. Шу тариқа ҳодисалар ўртасида сабабий боғланиш вужудга келади. Аммо биз фақат иккита алоҳида-алоҳида ҳодисани кўриб чиққанимизда, улар ўрин алмашиши мумкин эмас;

5) сабаб ва оқибатнинг ўзаро таъсирига тегишли шароитлар таъсир кўрсатади. *Шароитлар – бу шундай бир ҳодисаларки, улар мазкур воқеа юз бериши учун зарур, лекин ўз ҳолича улар бу воқеани олдиндан белгиламайди*. Оқибат юз беришига қулайлик яратувчи шароитлар ҳам, сабабнинг таъсирини қайтарувчи шароитлар ҳам бўлиши мумкин. Айни бир сабаб муайян шароитларда турли шаклдаги оқибатлар юз беришига олиб келади;

6) сабабни баҳона билан айнийлаштирмаслик керак. *Баҳона – бу бошқа воқеадан бевосита олдин келадиган, унинг юз беришига имконият яратадиган, лекин уни вужудга келтирмайдиган ва олдиндан белгиламайдиган воқеа. Баҳона ҳаракатни яратмайди, балки унга туртки беради.*

Сабабий боғланиш тушунчаси муҳим методологик функцияни бажаради. Муайян оқибатнинг юз бериш сабаблари ва шароитларини билган ҳолда, инсон нафақат унинг юз беришини башорат қилади, балки зарур оқибатни яратади. Бу инсонга ўтмишни билиш ва келажакка назар ташлаш имконини беради.

Зарурият ва тасодиф фалсафий категориялари нарсалар ва ҳодисаларнинг бир-бири билан ҳар хил типдаги алоқаларини акс эттиради. Зарурият ва тасодиф тушунчалари қадим замонлардан бери файласуфлар эътиборини ўзига тортиб келади. Вақт ўтиши билан уларнинг талқини ўзгарган, айрим файласуфлар табиатда тасодифнинг мавжудлигини истисно этган бўлса, айримлар уни мутлақлаштирган. Масалан, синергетикада тасодиф тушунчаси ва унинг ўта мураккаб тизимлар ўз-ўзини ташкил этишидаги роли алоҳида, ҳатто анча муҳим аҳамият касб этади. Зарурият ва тасодиф категориялари бир қатор илмий йўналишлар: биология, тиббиёт, ҳуқуқшунослик, тарих ва ҳоказоларда муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Одамлар амалий фаолиятида тасодиф омили зарурийтдан камроқ аҳамият касб этмайди. Аммо, уларнинг диалектикасини, қарама-қаршиликка асосланган бирлигини тушуниш айниқса, муҳимдир.

Зарурият – бу ҳодисалар ўртасидаги уларнинг қонуний ўзгариши ва ривожланишини белгиловчи барқарор, муҳим ички алоқалар. Зарурият қонун тушунчаси-

га яқин туради, муқаррар тарзда намоён бўлади. Масалан, носоз тормоз муқаррар тарзда автомобиль ҳалокатига, унинг ё яқинроқдаги нарсалар, ё ҳаракатланаётган бошқа автомобиллар билан тўқнашувига олиб келади ёки у пиёдани уриб кетишига сабаб бўлади. *Ҳалокат айнан қандай юз бериши, ундан ким жабрланиши мумкинлиги тасодиф билан боғлиқ масаладир, зеро йўлда муайян пайтда исталган нарса ва исталган одам дуч келиши мумкин. Бу ерда зарурият автомобилнинг ички ҳолати билан, тасодиф – ташқи шароит билан белгиланади. Зарурият – юз бериши мумкин бўлган нарса. Зарурият – ички хусусиятга эга ҳодиса, унинг сабаби ўзида бўлади ва ҳодисаларнинг ички ўзаро алоқасидан келиб чиқади.* Аммо нафақат ички, балки ташқи зарурият ҳам мавжуддир. Масалан, жисмларнинг бир-бирига уларнинг массасига тўғри пропорционал ва улар ўртасидаги масофага тескари пропорционал бўлган куч билан тортишиши зарурият ҳисобланади. Бу ташқи заруриятдир. Тасодиф ҳам ички ва ташқи бўлиши мумкин. Масалан, тирик организмларнинг мутациялари тасодифий хусусият касб этади, аммо улар ички ҳодиса ҳисобланади, чунки бутун организмни қайта қуриш билан боғлиқ. Хўш, бу ҳолда зарурият ва тасодифни бир-биридан қандай фарқлаш мумкин?

Зарурият ҳодисанинг, жараённинг моҳиятидан келиб чиқади ва мазкур шароитда муқаррар тарзда юз беради. Масалан, ҳар қандай тирик организмнинг ўлими муқаррардир, чунки у мазкур организмнинг табиати ҳамда унда юз берувчи ички жараёнлар билан белгиланади.

Аммо дунёда ҳамма нарса зарурият сифатида пайдо бўладими? Йўқ, дунёда тасодифий воқеалар, ҳодисалар ҳам бор.

Тасодиф – объектларнинг вужудга келиши ёки мавжудлигининг муаммолилигини ёки муқаррар эмаслигини белгиловчи категория; соддароқ қилиб айтганда *муайян шароитда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган нарса тасодифий ҳисобланади*. Тасодиф воқеликнинг асосан ташқи шароитлар, юзаки, беқарор алоқалар ва мазкур ҳодиса учун иккинчи даражали омиллар таъсирида пайдо бўлувчи ҳолатларини акс эттиради. Тасодиф замирида нарсанинг моҳияти эмас, балки унга бошқа нарсалар ва ҳодисаларнинг таъсири ётади. Тасодиф юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин бўлган нарса сифатида таърифланади.

Нарсалар мавжудлигининг зарурийлиги ёки тасодифийлиги муаммоси хусусида икки нуқтаи назар мавжуд. Уларнинг бири зарурияти мутлақлаштиради: дунёда ҳеч қандай тасодиф йўқ, ҳамма нарса муқаррар тарзда юз беради. Бу нуқтаи назар тасодифни рад этиб, фатализмга йўл очади. *Фатализм – тақдирга, ҳамма нарса олдиндан белгиланганига бўлган ишонч.* Бошқа бир нуқтаи назар тасодифнинг аҳамиятини ошириб кўрсатади. Бу ерда, аксинча, воқеликдан ҳар қандай ички боғланишлар, нарсаларнинг объектив белгиланганлиги чиқариб ташланади: дунёда фақат тасодиф ҳукм суради.

Илмий дунёқараш биринчи нуқтаи назарни ҳам, иккинчи нуқтаи назарни ҳам тан олмайди. Зарурият ва тасодиф алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди. Уларнинг ўзаро алоқаси шундан иборатки, тасодиф зарурияттнинг намоён бўлиш шакли сифатида ва унинг тўлдирувчиси сифатида амал қилади. Масалан, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар зарурий хусусият касб этади. Уларда бу ислоҳотларни йўлга солувчи муайян сиёсий арбоблар тасодифий элемент ҳисобланади.

Зарурият ва тасодиф диалектикаси икки муҳим жиҳатни назарда тутади. Биринчидан, тасодиф ривожланиш жараёнида заруриятга айланиши мумкин (у ёки бу биологик турнинг қонуний белгилари аввал тасодифий оғишлар сифатида пайдо бўлади ва тўпланиб боради, сўнгра уларнинг асосида тирик организмнинг зарурий сифатлари шаклланади). Иккинчидан, зарурият сон-саноқсиз тасодифлар орқали ўзига йўл очади. Масалан, жамиятнинг ривожланиши турли мақсадларни кўзловчи, феъл-атвори ҳар хил бўлган кишилар фаолияти билан белгиланади. Бу мақсадлар ва интилишларнинг боғланиши, чатишуви ва тўқнашуви пировард натижада ривожланишнинг зарурий, муқаррар хусусиятга эга бўлган муайян йўналишига олиб келади.

Диалектиканинг барча қонунлари ва категориялари каби, зарурият ва тасодиф объектив воқеликни билишнинг таянч нуқталари ҳисобланади. Бу категорияларнинг функциялари тенг қимматга эга эмас. Билишда тасодиф доим бошланғич инстанция сифатида, зарурият – мақсад сифатида амал қилади. Билиш фаолияти тасодифдан зарурият сари юксалиш тарзида юз беради. Зарурият ва тасодиф тушунчаларига таъриф беришда одатда имконият категорияларига таянадилар. Шу сабабли у юз бериши ёки юз бермаслиги мумкин. Зарурият ва тасодифнинг қарама-қаршилиги – ички ва ташқи нарсалар қарама-қаршилигидир. Тасодиф – ташқи омиллар билан белгиланадиган алоқа типидир.

Зарурият ва тасодиф диалектик алоқадорлиги қуйидагиларда намоён бўлади.

Ички ва ташқи нарсалар тушунчалари нисбатдош эканлигини эътиборга олиш муҳимдир. Бир жиҳатдан ички бўлган нарса бошқа бир жиҳатдан ташқи хусусият касб этади. Масалан, сайёраларнинг Қуёш тизими орбиталари бўйлаб ҳаракати бу сайёраларни ўзаро боғловчи ва улар айланаётган орбиталар шаклини белгиловчи ички муносабатлар билан белгиланади. Қуёш тизимига нисбатан бошқа космик объектлар ташқи муҳитни ташкил этади. Аммо Қуёш тизими галактика элементи бўлиб, юлдузлараро маконда муайян ўрин эгаллайди. Шу сабабли айни шу объектлар Қуёш тизими сайёралари эволюциясининг ҳам, уларга яқин космик жисмлар эволюциясининг ҳам ички манбаи ҳисобланади. Шу боисдан зарурият ва тасодиф тушунчалари ҳам нисбатдошдир: бир жиҳатдан тасодифий бўлган нарса бошқа бир жиҳатдан зарурий ҳисобланади.

Зарурият ва тасодиф қарама-қаршиликлар бўлса-да, лекин улар бирдир. Ҳар қандай ҳодиса ички зарурият туфайли юз беради, аммо унинг юз бериши кўп сонли ташқи омиллар билан боғлиқ бўлгани боис, заруриятни тасодиф муқаррар тарзда тўлдиради. Бу зарурият ҳам, тасодиф ҳам соф ҳолда мавжуд бўлмаслигини англатади. Тасодиф – заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир. Зарурият, сабаб, қонунни кашф этиш – аҳамиятсиз, тасодифий нарсаларни мавҳумлаштириш демакдир.

Бир қарашда зарурият сабабиятга зид бўлиб туюлади. Бу зиддият ё тасодифий ҳодиса сабабга эга эмаслиги билан, ё тасодифий ҳодисалар умуман бўлмаслиги билан изоҳланиши мумкин. Амалда ҳар қандай, шу жумладан, тасодифий ҳодиса ҳам муайян сабабга эга бўлади. XVII–XVIII асрларда зарурият ва тасодиф талқинида табиатда тасодиф мавжуд эмас, деган тасаввур ҳукм сурган. Инглиз файласуфи Т.Гоббс: «Эртага ёғадиган ёмғир зарур, яъни зарурий сабаблар билан белгиланган; лекин биз унга тасодифий деб қараймиз ва уни шундай атаймиз, зеро

амалда мавжуд сабабларни ҳали билмаймиз. Умуман олганда, зарурий сабабини биз кўра олмайдиган нарса тасодифий деб аталади»[1], деб қайд этган. Шунга ўхшаш фикрни Гольбах ҳам илгари суради: «Табиатда бирон-бир ҳодиса тасодифан юз бериши мумкин эмас; ҳамма нарса муайян қонунларга бўйсунади; бу қонунлар фақат муайян оқибатларнинг сабаблар билан зарурий алоқаси ҳисобланади. Атомларнинг тасодифий бирикиши ҳақида гапириш ёки айрим оқибатларни тасодиф билан боғлаш жисмларнинг ҳаракатланиши, учрашиши, бирикиши ёки ажралиши қонунларини билмасликни тан олиш демакдир»[2]. Кўриб турганимиздек, тасодиф сабаби номаълум бўлган зарурият сифатида талқин қилинган. *Сабаби аниқлангани заҳоти тасодиф зарурият сифатида намоён бўлади. Бу – механистик материализм талқини.* Тасодиф илмий назариялардан қувғин қилинган, у иккинчи даражали, ёрдамчи, аҳамиятсиз омил деб ҳисобланган. Тасодифнинг инкор этилишидан дунёда ҳамма нарса зарур, деган хулоса келиб чиқади. Мазкур ёндашувнинг тадрижий оқибати ўлароқ фатализм юзага келади: яъни илгари таъкидланганидекнимаики юз бермасин, ҳатто аҳамиятсиз воқеалар ҳам зарур, муқаррар бўлиб, сабаб-оқибат алоқаларининг чексиз занжиридаги ажралмас бўғин ҳисобланади. Фаталистик тасаввур ҳар қандай воқеани муқаррар деб билади. XIX аср бошидагина зарурият ва тасодифнинг алоқаси Гегель диалектикасида кўрсатиб берилди.

Имконият ва воқелик. Имконият ва воқелик категорияларида борлиқнинг ўзгарувчанлиги, динамикаси, унинг ўзгариш тенденциялари ўз аксини топади. Имконият ривожланишнинг объектив тенденцияларини акс эттиради, у қонуният, заруриятга, ўзгараётган нарсанинг муҳим томонларига мувофиқ юзага келади.

Имконият – нарсанинг тугалланмаган, потенциал ривожланишидаги объектив мавжуд бўлган ва ичдан белгиланган ҳолатини акс эттирувчи фалсафий тушунча. Ҳар бир вазиятда имкониятларнинг муайян тўплами мавжуд бўлиб, улардан бири амалга ошгани бошқалари четда қолганини англатади. Имкониятларнинг «кураши» ва амалга ошиш хусусиятига ичдан зарур тенденцияларга нисбатан тасодифий ҳисобланган шароитлар ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли воқелик доим ички ва ташқи, моҳият ва ҳодиса, зарурият ва тасодифнинг диалектик бирлигидан иборат бўлади. Ижтимоий ривожланиш ва табиатнинг ўзгариши соҳасида имкониятнинг воқеликка айланиши кишиларнинг онгли йўл танлаши ва фаолияти билан тартибга солинади.

Аммо имконият қандай объектив асосларга эга бўлса, имконсизлик ҳам шундай объектив асосларга эгадир. Имконсизлик – икониятга зид тушунча. Имконсизлик тушунчаси икки хил маъно касб этади. Биринчиси – предметнинг табиатига мос келмайдиган нарса бўлиши мумкин эмас. Масалан, арпа уруғидан бодринг етиштириш мумкин эмас. Имконсизлик тушунчасининг бошқа бир маъноси имконият ва зарурият категорияларининг муносабатлари билан боғлиқ. Зарурият ва имконият – бир занжир бўғинлари: ривожланаётган предмет зарурияти унинг бошқа бир ҳолати бўлиши мумкинлигини белгилайди. Аммо предметнинг ривожланишида, одатда, кўп сонли муқобил имкониятлар мавжуд бўлгани боис, улардан бирини танлаш зарурий ҳисобланмайди. Бир имкониятнинг рўёбга

[1] Гоббс Т. О теле // Избр. произв.: в 2 т. Т. 1. –М.: с. 158–159.

[2] Гольбах. Здравый смысл // Избр. антирелигиозные произведения: в 2 т. Т. 1. –М.: с. 35.

чиқиши қолган имкониятларни рўёбга чиқариш имконини бермайди. Тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келган қабул қилган қарори, ўйламасдан содир этган қилмишидан афсус чекмаган одам топилмаса керак. Баъзан имконсизлик бой берилган имконият тарзида мавжуд бўлади. Бу ҳолда имконият имконсиз бўлмаган нарса сифатида ва айни вақтда зарур бўлмаган нарса сифатида намоён бўлади.

Воқелик – амалга ошган, актуаллашган борлиқни тавсифловчи фалсафий категория: воқелик амалга ошган имконият ҳисобланади.

Воқелик тушунчаси икки маънода ишлатилади. Биринчидан, воқелик – бу мавжуд борлиқ, биз яшаётган дунё, унинг онгимиздаги инъикосидир. Воқелик тушунчаси айрим предметнинг борлиғига ҳам тегишлидир. Бу маънода у объектнинг ҳолатини тавсифловчи мазкур лаҳзадир. Иккинчидан, воқелик рўёбга чиққан имконият сифатида тавсифланади. Бу маънода воқелик тушунчаси имконият категориясининг нисбатдоши ҳисобланади. Улар бир-бирига ўтувчи қарама-қаршиликлардир. Имконият потенциал, воқелик эса актуалдир. Имконият – мавҳум ва мазмун жиҳатидан қашшоқ тушунча. Воқелик – муайян ва мазмунан бой тушунча, чунки у кўп сонли хоссалар, индивидуал бетакрор жиҳатларни ўз ичига олади.

Ҳар бир предмет кўп сонли алоқалар юзага келишига замин яратувчи муайян муҳитда мавжуд бўлади. Шу сабабли муҳим ёки иккинчи даражали, тасодифий ёки зарурий бўлиши мумкин бўлган кўп сонли имкониятлар мавжуддир. Имкониятнинг рўёбга чиқишида ички ва зарурий алоқалар муҳим роль ўйнайди, аммо унинг рўёбга чиқиш шартлари, гарчи улар тасодифий хусусиятга эга бўлса-да, ривожланиш жараёнига сезиларли даражада, баъзан ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айни шу сабабли воқелик ҳам зарурий ва тасодифийнинг бирлиги ҳисобланади.

Имкониятларнинг турлари. Сифат жиҳатидан имкониятлар формал ва реал, мавҳум ва муайян имкониятлар фарқланади. *Реал имконият имкониятни воқеликка айлантириши мумкин бўлган шарт-шароитлар мавжудлигини англатади*.

Ривожланишнинг тасодифий омиллари маҳсули ёки амалга ошиш эҳтимоли паст, аниқроқ айтганда нолга яқин бўлган имконият формал ҳисобланади. Бундай имкониятга табиий ва ижтимоий ривожланиш қонунлари йўл қўяди. Шу маънода у табиий ва ижтимоий борлиқ қонунларига мутлақо зид бўлган имконсизликдан бутунлай фарқ қилади; объектив дунё қонунларига зид бўлган нарса имконсизлик ҳисобланади. Масалан, расман ҳар бир фуқаро депутат, миллионер ёки кўп болали бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, аксарият фуқаролар учун бу имконият воқеликка айланмаслиги ҳам мумкин. Масалан, боқий двигатель ясаш мумкин эмас; инсоннинг умрбоқийлиги мумкин эмас ва шу кабилар. Амалга ошиши учун барча зарур шароитлар вужудга келган реал имконият амалга оширишнинг олий даражасига эга бўлади. Масалан, инсоннинг космосга учиш имконияти бир пайтлар формал бўлган, эндиликда у реал тус олди. Имкониятнинг миқдорий тавсифи аниқроқ бўлади.

Агар имконсизликни «0» билан, воқеликни эса «1» билан ифодаласак, «0» дан «1» гача бўлган оралиқ қийматларнинг барчаси имконият даражасини тавсифлайди. Эҳтимолликнинг шартли ўқи атрофида имкониятнинг бутун доирасини кўрсатиш мумкин.

Мавхум ва муайян имконият ўртасидаги фарқ – бу моҳият ва мавжудлик ўртасидаги, шунингдек, предметнинг идеал образи ва унинг инсон онгига боғлиқ бўлмаган объектив хусусиятлари ўртасидаги фарқдир. Масалан, никоҳга кираётган ёшлар бир-бири ҳақида, оила ва умуман никоҳ ҳақида анча юзаки тасаввурга эга бўлиши мумкин. Улар оила-никоҳ муносабатларининг идеаллаштирилган манзарасини ўз бўлғуси никоҳига кўп жиҳатдан татбиқ этади. Ваҳоланки, бу манзара мазкур муносабатлар моҳиятига умуман олганда мос келса-да, лекин уларнинг бутун бойлиги ва мураккаблиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Никоҳга киргач, ёшлар имкониятини ўзлари олдиндан кўра билмаган муайян воқелик билан тўқнаш келади. Ёш оиладаги келишмовчиликлар сабаби – никоҳнинг моҳияти ва унинг мавжудлиги ўртасидаги, мавҳум имконият («улар қўша қаридилар ва ували-жували бўлдилар») ва аксарият жиҳатларини ёшлар ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаган муайян имконият ўртасидаги зиддиятдир. Айрим фалсафий адабиётларда муайян ва реал имконият билан формал ва мавҳум имконият тенглаштирилади. Бу ҳолда реал имконият уни рўёбга чиқариш учун шарт-шароит мавжудлиги билан, формал ёки мавҳум имконият эса – айни пайтда имкониятни воқеликка айлантириш учун шарт-шароит мавжуд эмаслиги билан белгиланади.

Мураккаб тизимлар учун, одатда, ривожланишнинг бир неча муқобил йўллари мавжуд бўлади. Айни бир муҳитда ҳар хил структуралар вужудга келиши, ривожланиш жараёни кўп вариантли тарзда амалга ошиши, бунинг натижасида ривожланишда кутилмаган бурилишлар юз бериши мумкин. Шу боис прогноз ва тахминлар ишончсиз ёки янглиш бўлиши мумкин. Шунга қарамай, мазкур муҳитда эволюциянинг ҳар қандай тури эмас, балки йўлларнинг муайян доирасигина мавжуд бўлиши мумкин. Муқобил имкониятлар ўртасидаги миқдорий нисбат математик жиҳатдан эҳтимол тутилган айрим воқеа юз беришининг эҳтимоллик даражаси сифатида ифодаланиши мумкин. Инсон ўз фаолиятида реал имкониятларни ҳисобга олади ва уларни воқеликка айлантириш учун замин ҳозирлайди.

Бу категориялар борлиқнинг шаклланиш жараёнига урғу беради. Маълумки, йўқ нарсадан бирон-бир янгилик вужудга келмайди, у фақат эски нарсанинг муайян хоссалари, жиҳатлари негизида вужудга келиши мумкин. Янги нарсанинг борлиғи унинг потенциал ҳолатида имконият ҳисобланади. Имкониятнинг етуклик даражаси имконсизликдан воқеликкача бўлган доирада ўзгариши мумкин. Бу жиҳатдан имкониятни тавсифлашни унинг сифат ва миқдор меъёрларини ҳисобга олиб амалга ошириш мумкин.

Хулосалар. Категориялар фикрлашнинг универсал шакллари бўлиб, уларда объектив воқеликда мавжуд бўлган умумий алоқалар, хоссалар ва муносабатлар акс этади. Категорияларда кишилик жамиятининг тажрибаси ва фаолияти мужассамлашади.

Билиш натижалари ўз аксини топувчи тушунчалар ва категориялар бўлмаса, бугунги кунда билишнинг ўзи ҳам бўлмас эди. Категориялар объективлик, муайянлик, амалиёт билан боғлиқлик ва тарихийлик, ўзгарувчанлик ва ш.к. хусусиятлар билан тавсифланади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Категория, фан категориялари, фалсафий категориялар, дунёнинг манзараси, априор, миқдор, сифат, моҳият, айният, тафовут, тушунча, синергетика, нарса, алоқа, қарама-қаршилик, зиддият, зиддиятларнинг турлари, инкорни-инкор қонуни, ҳаракат, ривожланиш, яккалик, хусусийлик, умумийлик, айримлик, бутун, қисм, яхлитлик, механик яхлитлик.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Фалсафа тарихида категорияларга ёндашувларнинг хилма-хиллиги

↓

Шарқ анъанасида ҳам, қадимги Юнонистонда ҳам диалектика категорияларининг жуфтли хусусияти ва уларнинг зиддиятли муносабатларини ҳал қилишга эҳтиёж англанади. Диалектика категорияларига хос бўлган қарама-қаршиликлар бирлигини тушунтиришга уринишлар жараёнида фикрлаш ва борлиқнинг қарама-қаршиликларини бирлаштирувчи ягона асосни топиш йўлида изланишлар олиб борилган. Мазкур ёндашув натижасида диалектика категориялари умумий ва фундаментал хусусият касб этиб борган.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Субъектив ва объектив диалектиканинг ўхшашлиги ва фарқи нимада?
2. Диалектиканинг билиш мантиқи ва методологияси сифатидаги асосий хусусиятини айтинг.
3. Нима учун зиддият тушунчаси диалектикада бош тушунча ҳисобланади?
4. Диалектика категориялари фалсафий категориялар тизимида қандай ўрин эгаллайди?
5. Бутун ва қисм, тизим ва элемент категорияларининг қиёсий таҳлил қилинг.
6. Моҳият ва қонун категорияларининг ўхшашлиги ва фарқи нимада?
7. Мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса категорияларининг ўхшашлиги ва фарқи нимада?
8. Имкониятларнинг қайси турларини биласиз?
9. Фалсафа тарихида диалектиканинг асосий категориялари ҳақидаги тасаввурларнинг эволюциясига тавсиф беринг.

Реферат мавзулари

1. Диалектиканинг тарихий ривожланиш босқичлари.
2. Борлиқ ва тафаккур айнияти муаммоси.
3. Диалектика борлиқнинг универсал алоқалари ҳақида.
4. Диалектика ва синергетика.
5. Фалсафа категорияларининг ижтимоий аҳамияти ва тарихий зарурияти.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1. Дунё билан ўзаро алоқа қилиш тажрибасини умумлаштирувчи ҳодиса бу – ...

А. Фикрлаш Б. Сўзлаш

В. Идрок этиш Г. Сезиш

2. Борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган кенг тушунча бу – ...

А. Категория Б. Атама

В. Хулоса Г. Тушунча

3. Борлиқнинг умумий, муҳим томонлари, хоссалари, алоқалари ва муносабатлари ҳақида фикрлаш учун қўлланиладиган ўта кенг тушунчалар мажмуи, бу – ...

А. Фалсафий категориялар Б. Фан категориялари

В. Умумий категориялар Г. Атамалар

4. Фалсафий категориялар ва формал мантиқ категориялари ўртасида фарқнинг юзага келишига қайси файласуфнинг ижоди тасир қилган?

А. Аристотель Б. Спиноза

В. Гегель Г. Кант

5. И.Кант категорияларнинг неча турини фарқлайди ва улар қайсилар?

А. Уч, ҳиссиёт, идрок ва ақл

Б. Икки, сезги ва тафаккур

В. Тўрт, ҳиссий, рационал, иррационал ва трансцендентал

Г. Фақат битта

Адабиётлар

1. Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й.

2. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.

3. Туленов Ж. Диалектика назарияси. –Т.: «Шарқ», 2001 й.

4. Имамалиева Р.М. Природа связи и формы её проявления. // Дисс.докт. филос. Наук. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ». 1990 г.

5. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: Учебник. –М.: 1997 г.

6. Микешина Л.А., Опенков М.Ю. Новые образы познания и реальности. –М.: 1997 г.

7. Новая философская энциклопедия: в 4 т. –М.: 2000–2001 г.г.

8. Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. –М.: 1994 г.

9. Спиркин А.Г. Философия. –М.: 2001 г.

10. Хуков В.А., Хан Г.Н. Оправдание случайности. –М.: 1990 г.

11. Рябов А.С. Категория случайности в свете синергетики : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Волгоград, 2003 г.

12. Усова Н.А. Связь как онтологическая категория и ее место в структуре духовного бытия человека: диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Челябинск, 2006 г.

IV БЎЛИМ. ГНОСЕОЛОГИЯ – БИЛИШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

БИЛИШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза: Билишнинг мазмун ва моҳияти
Маъруза режаси	1. Билиш назариясининг предмети. Гносеологиянинг моҳияти ва мазмуни. Оптимизм. Скептицизм. Агностицизм. 2. Билимнинг асосий турлари. 3. Билим шаклларининг ўзига хос хусусиятлари. 4. Ноилмий билим шакллари.
Машғулотнинг мақсади: Билишнинг мазмуни ва моҳияти, билим ва билишнинг ўзаро фарқи, билим турлари ва шакллари ҳақида тушунчага эга бўлиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Билиш назариясининг предмети.	Дунёни билиш ўз-ўзини билиш-билмасликдан билим сари интилиш.
Гносеологиянинг моҳияти ва мазмуни. Оптимизм. Скептицизм. Агностицизм.	Билиш ва унинг моҳияти, мазмуни.
Билимнинг асосий турлари.	Ҳақиқий исботланган, асосланган билимнинг таснифи.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзунинг мақсадни баён қилади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «билиш даражалари» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Билишнинг моҳияти ва аҳамияти? 2. Билим объектив реаллик сифатида? 3. Билиш турларининг ўзига хос хусусиятлари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Билимларнинг асосий шакллари», «Билиш тараққиётининг умумий ва хусусий қонуниятлари», «Ҳозирги замон билишининг хусусиятлари», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Билиш назариясининг предмети. Гносеологиянинг моҳияти ва мазмуни. «Гносеология» – соф фалсафий категория. Унинг номи юнонча «gnosis» – «билим», «илм» ва «logos» – «таълимот», «фан» сўзларидан келиб чиққан. Сўзма-сўз маъноси – «билиш ҳақидаги таълимот (фан)», «онг ҳақидаги таълимот (фан)». Фалсафий адабиётларда, шу жумладан, фалсафий қомуслар ва луғатларда «гносеология» атамаси «билиш назарияси» деб таржима қилинган. Шу билан бир қаторда, айни шу мазмунни ифодалаш учун фалсафий адабиётларда «эпистемология» сўзи ҳам қўлланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, гносеологияга татбиқан билиш назарияси ва эпистемология номларининг қўлланилишини ўринли деб бўлмайди. Зотан, «episteme» сўзи «pistis» – «эътиқод» сўзи билан узвий боғлиқ. Бироқ, «биз биладиган» (гносио) ва «биз ишонадиган» (пистио), мавжудлигига эътироз билдирмайдиган нарсалар – фалсафий ва илмий билимларнинг ҳозирги даражасида мазмунан ҳар хил тушунчалардир. Шу боис Ғарбий Европа фалсафасида эпистемологиянинг мазмуни икки хил, баъзан эса – уч хил талқин қилинади.

Умуман олганда, ҳозирги замон фалсафасида гносеология билиш жараёнининг умумий, аниқроқ айтганда, фалсафий моҳияти ҳамда умумий муаммоларига эътиборни қаратади. Эпистемология эса, бизнинг муайян нарсалар ҳақидаги билимларимиз ва (ёки) эътиқодларимизнинг ишончлилик даражасини ўрганади.

Демак, эпистемология гносеологиянинг таркибий қисми ёки унинг амалий ифодасидир. Том маънодаги эпистемология ҳозирги кунда илмий, ҳақиқий билимнинг мазмунини, шунингдек, диний эътиқодларнинг гносеологик моҳиятини ўрганиш билан шуғулланади. Бунда эса билиш (онг)нинг моҳияти тўғрисида баҳс юритувчи фалсафий таълимот маъносидаги «гносеология» атамасидан фойдаланилади. Шу билан биз аввал гносеология муаммолари доирасини аниқлаб олишга ҳаракат қиламиз.

Гносеология ёки билиш назарияси фалсафий билимлар (фалсафа фани) бўлими бўлиб, унда:

1) инсоннинг дунёни билиш имконияти;

2) инсоннинг ўзликни англаш жараёни;

3) билишнинг билмасликдан билим сари юксалиши;

4) билимлар табиати ва уларнинг мазкур билимларда акс этувчи нарсалар билан ўзаро нисбати ўрганилади.

Шундай қилиб, умуман олганда, *гносеология онг, билиш, билимни ўрганиш билан шуғулланади.*

Шахсий ва ижтимоий тажрибада биз онгнинг мавжудлигини аниқ сезамиз, онгнинг ўз-ўзига, бошқа одамларга ва умуман, жамиятга таъсири натижаларини физиологик даражада ҳис қиламиз ва кўрамиз. Бироқ бу жараёнда онгнинг ўзи кўринмайди. Моддий дунё ҳодисаларидан фарқли ўлароқ, онгни кузатиш мумкин эмас. У гўё вақт ва макон чегараларидан ташқарида туради. Гносеологиянинг вазифаси бу кўринмас онгни идрок этиш, унинг моддий нарса ва ҳодисалар дунёси билан ўзаро алоқаларини аниқлаш, уни ўз муҳокама ва тадқиқот предметига айлантиришдан иборат.

Гносеологиянинг асосий муаммоси бизнинг барча билимларимиз тажрибада синалганми? деган «оддий» масалани ечишдан иборат: Бу саволга жавоб излаш ва масаланинг ечимини топишда гносеологияда икки мухолиф анъана: билимларимиз тажрибада синалганини қайд этувчи эмпиризм ва буни инкор этувчи рационализм тўқнашади.

Рационализм (рационалистлар) *инсонда туғма ғоялар, адолат, инсонийлик, уйғунлик ғоялари ва тажрибадан олиниши мумкин бўлмаган бошқа ғоялар мавжудлигидан келиб чиқади*. Зотан, тажриба тўла адолат, ялпи инсонийлик мавжуд эмаслигини, бизни қуршаган дунёда уйғунлик устидан хаос ҳукм суришини кўрсатади. Бунда айрим ашаддий рационалистлар (масалан, Платон, Августин ва уларнинг ҳамфикрлари) кўрсатиб ўтганидек ғоялар инсон ақлига хос туғма ғоялар бўлиб, уларни инсон фақат ўз ақлидан олишини қайд этадилар; бошқа, мўътадил рационалистлар (масалан, Лейбниц, Вольф, Баумгартен) эса, ғоялар ақлга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса-да, бироқ улар фақат ақлда тафаккур ва фалсафий мушоҳада юритиш жараёнида туғилишини таъкидлайдилар.

*Эмпиризм (*эмпиристлар, Ф.Бэкон, Ж.Локк, Т.Гоббс, Д.Юм, Л.Фейербах), аксинча, *инсон, инсоният шахсий ёки ижтимоий тажрибага эга бўлгунга қадар бирон-бир ғоя мавжуд бўлишини инкор этадилар*. Улар барча ғоялар инсон онги замирида ё шахсий тажриба, ё бошқалар тажрибаси, бутун инсоният тажрибасини умумлаштириш орқали туғилишини қайд этадилар ва бу тезисни исботлашга ҳаракат қиладилар. Уларнинг фикрига кўра, тажриба инсон онгида унинг сезгилари ва ўзини қуршаган дунёни идрок этиши орқали акс этади. Фалсафада идрок этишни перцепция (лотинча «perception» – идрок этиш) деб аташ одат тусини олган. *Перцепция ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларни сезгилар орқали идрок этишга айтилади*, *апперцепция борлиқни ақл билан англаш, билиш, уларни ғояларда ифодалашдир.*

Гносеология инсон билимининг чегаралари тўғрисидаги масалани ечишни ҳам ўз ичига олади. Кўпгина эмпириклар (масалан, Давид Юм, Дюбуа Раймонд, агностиклар) ва рационалистлар (масалан, Кант ва унинг ҳамфикрлари) инсон нафақат умумий нарса ва ҳодисаларни, балки муайян, конкрет нарсаларни ҳам билиши мумкин эмас, деган фикрга қўшиладилар. Айрим нарсалар, ҳодисалар ва концепциялар борки, улар перцепциямизнинг чегараларига ҳам, тафаккуримиз, рефлексиямиз (лотинча «reflexes» – «орқага қайтиш») доирасига ҳам сиғмайди.

Масалан, Кант Коинот ибтидоси ёки ибтидосизлиги, Худонинг борлиги ёки йўқлиги, жоннинг боқийлиги ёки фонийлиги, ахлоқнинг сабабийлиги ёки сабабсизлиги ақлнинг билиш чегараларига сиғмайдиган, оқилона ўрганиб бўлмайдиган трансцендентал (лотинча «transcendentalism» – чегарага сиғмайдиган) масалалардир, деб ҳисоблаган. XX аср позитивистлари, эмпиризм ғояларини ҳимоя қилган йирик олимлар: Морис Шлик, Рудольф Карнап кабилар Кантнинг трансцендентал муаммоларини мантиқсиз деб эълон қилдилар.

Гносеология инсон билими ва билишга доир жуда кўп муаммолар билан шуғулланади. У бизнинг билимларимиз қай даражада эътиқод, қай даражада кўр-кўрона ишонч ва қай даражада реал борлиқнинг ҳақиқий инъикоси эканлигини аниқлашга ҳаракат қилади. Сўнгги ўн йилликларда гносеологияда билимлар ўртасидаги фарқ, «нимани биламан», «қандай биламан», «шахсий тажрибамдан биламан», «далилга кўра биламан» каби иборалар мазмунининг ўзаро нисбати масалалари муҳокама қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, гносеология борлиқни тўлиқ қамраб олиб, унда бирон-бир тафсилотни назардан қочирмасликка ҳаракат қилади. Демак гносеология фалсафанинг энг муҳим омилидир.

Оптимизм. Скептицизм. Агностицизм. Билиш жараёни ривожланиш қонуниятларининг шакллари, ҳақиқатнинг тагига етиш имкониятлари нуқтаи назаридан ўрганилади. Унинг ҳар хил моделлари, ёндашувлари мавжуд. Материалистик моделлар замирида дунёнинг инсон онгида акс этиш тамойиллари: Демокритда – образлар (эйдослар), Янги давр файласуфларида – сенсор сигналлари, Берклида – субъектнинг сезгилари ётади. Лейбниц билишни илоҳийлаштирилган ғоянинг инсон туғма тушунчаларига таъсири деб ҳисоблаган. Гегель таклиф қилган моделнинг замирида мутлақ ғояни англаш ётади. Мах, Авенариус ва бошқа субъектив идеалистларда (XIX аср охири – XX аср бошлари) билиш жараёни – бу сезгиларнинг бўш ва тежамли алоқасини амалга оширишдир.

Инсон ақли билиш пиллапоясидан юқорига кўтарилар экан, ҳар бир янги поғонада қайта-қайта қуйидаги саволга жавоб топишга ҳаракат қилади: дунёни билиш мумкинми?, билишнинг чегаралари борми? Фалсафада бу саволларга жавоб берувчи уч асосий йўналишни фарқлаш мумкин: оптимизм, скептицизм ва агностицизм (Кант ва бошқалар). *Оптимистлар дунёни билиш мумкинлигини таъкидлайдилар, агностиклар, аксинча, буни рад этадилар* (И.Кант – «нарса ўзида»). *Скептиклар дунёни билиш мумкинлигини инкор этмайдилар (XVIII асрда Д.Юм), бироқ билимнинг ҳақиқийлигига шубҳа билдирадилар.* Одатда, скептицизм парадигмалар, қадриятлар, ижтимоий тизимлар ва ҳоказолар ўзгараётган даврда (ёки унинг арафасида), илгари ҳақиқий деб ҳисобланган хулосалар фан ва амалиёт олган янги маълумотлар нуқтаи назаридан сохта, асоссиз бўлиб чиққан ҳолда равнақ топади. Скептицизм психологиясига хос хусусият шундан иборатки, у дарҳол нафақат эскирган, балки янги, шаклланаётган фикрлар, ғояларни ҳам топтай бошлайди. Бу психология замирида тадқиқотчининг янгиликка ташналиги ва инсон тафаккурининг кучига бўлган ишонч эмас, балки қачондир қабул қилинган «қулай» тамойилларга таяниш ётади. Скептицизм таълимот сифатида, ҳеч шубҳасиз, зарарлидир, чунки у инсоннинг билиш борасидаги деярли барча имкониятларини камситади.

Билимга чанқоқ бўлган, билишга ҳаракат қилаётган одам оптимист: «Мен

бунинг нималигини билмайман, бироқ билишга умид қиламан», дейди. Агностик эса, «Мен бунинг нималигини билмайман ва ҳеч қачон била олмайман», деб таъкидлайди. Юзаки скептицизм, кўр-кўрона фанатизм каби, дунёқараши тор одамларда кўп учрайди. Ф.Ларошфуко таъбири билан айтганда, калтабин одамлар, одатда, ўз дунёқараши доирасидан четга чиқадиган ҳамма нарсани қоралайди. Бироқ оқилона даражадаги скептицизм фойдали ва ҳатто зарур. Билиш усули сифатида скептицизм шубҳа шаклида амал қилади, бу эса ҳақиқатнинг тагига етиш сари ташланган қадамдир. Шубҳа эскирган, қотиб қолган ақидалардан воз кечади, уларга путур етказади. У – ривожланаётган фаннинг муҳим унсури. Билимсизлик қайд этади ва инкор қилади, билим – шубҳаланади.

Бироқ, бу уч йўналишни фарқлаш, бизнингча, масалани соддалаштиришдан бошқа нарса эмас. Тўғри, агностиклар дунёни билиш мумкинлигини инкор этадилар, аммо бу кўр-кўрона, ҳеч нарсага асосланмаган инкор этиш эмас. Улар кўрсатаётган кўпгина саволларга чиндан ҳам ҳали жавоб топилмаган. Агностицизмга олиб келувчи асосий муаммо шундан иборатки, нарса ёки ҳодисани билиш жараёнида бу нарса ёки ҳодиса албатта бизнинг тафаккур ва сезги аъзоларимизда акс этади. Бу нарса ёки ҳодиса бизнинг тафаккур ва сезги аъзоларимизда акс этиш натижасида қандай кўриниш касб этган бўлса, биз улар ҳақида шундай маълумотга эга бўламиз. Нарсалар ва ҳодисалар аслида қандай эканлигини биз билмаймиз ва билишимиз мумкин ҳам эмас. Қаршимизда бош-адоғи йўқ дунё ястаниб ётади, биз эса унга ўз формулаларимиз, моделларимиз ва тушунчаларимиз билан яқинлашиб, чексизликни ўз тасаввурларимиз билан илғаб олишга ҳаракат қиламиз. Тушунчалар, категориялар ва назариялар «тугунлари»ни қай даражада қаттиқ қилиб тугмайлик, дунёни тушуниб етишга шу йўсинда даъвогар бўлишимиз тўғрими? Бундан чиқди, биз ўз билиш усулларимиз билан чегаралангган дунёда яшаймиз ва олам ҳақида ҳаққоний бир гап айтишга қодир эмасмиз.

Бироқ, билиш фанининг ривожланиши агностицизмнинг бу амалий хулосасини ҳар қадамда рад этади. Масалан, позитивизм асосчиси О.Конт инсоният Қуёшнинг кимёвий таркибини аниқлашга қодир эмас, деб таъкидлаган эди. Бироқ кейинчалик спектрал анализ ёрдамида Қуёш таркиби аниқланди. XIX аср фанининг баъзи бир намояндалари атомлар амалда мавжуд эмас, улар фақат тафаккур маҳсули, деб ҳисоблар эди. Бироқ Э.Резерфорд атомлар амалда мавжуд эканлигини исботлаб берди, орадан ярим аср ўтгач, генларнинг кенг кимёвий таркиби аниқланди.

Шунга қарамай, бугунги кунда ҳам агностик хулосаларни неопозитивизм, феноменология, экзистенциализм, прагматизм ва ҳоказоларда кузатиш мумкин. Уларнинг агностицизми нафақат гносеологик хусусиятга эга бўлган сабаблар, ички мантиқ билан, балки маълум даражада Д.Юм ва О.Конт фалсафаси бошлаб берган анъана билан ҳам белгиланади. Агностцизм ҳақида сўз борар экан биз беихтиёр И.Кантга мурожаат қиламиз.

Кант агностицизмининг қисқача мазмуни қуйидагича: биз биладиган нарса (феномен) ва ўз ҳолича мавжуд бўлган нарса (ноумен) мутлақо ҳар хилдир. Биз ҳодисалар моҳиятини қай даражада теран англамайлик, бизнинг билимимиз барибир ўзича мавжуд бўлган нарсалардан фарқ қилади. Шундай қилиб, И. Кант фикрича, бизнинг онгимиз, ҳиссиётимиз, тафаккуримизга боғлиқ бўлмаган

нарсалар олами мавжуд. Уни файласуф «нарса ўзида» сифатида таърифлайди. И.Кантнинг фикрича, билиш жараёни «нарса ўзида»нинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсири остида ҳис-туйғунинг уйғонишидан бошланади. Ваҳоланки, ҳис-туйғулар, тушунча ва ҳукмлар ўз ҳолича «нарса ўзида» ҳақида муайян назарий билим беришга қодир эмас. Лекин бундан ишончли билим йўқ экан, деган хулосага келмаслик керак. Математика ва табиатшунослик айнан шундай ишончли билим манбаидир. Аммо улар қай даражада ишончли бўлмасин, «нарса ўзида» ҳақидаги ҳақиқий билим бўла олмайди. Кант бизнинг тафаккуримизда шаклланган тушунчалар «нарса ўзида»ни қай даражада тўғри ёки нотўғри акс эттира олади, деган саволга аниқ жавоб мавжуд эмас, деб таъкидлайди.

Гносеологик релятивизм – борлиқ ҳодисалари ва воқеаларини билиш ўзгарувчанлиги, ўткинчилигини мутлақлаштирувчи агностицизмнинг йўналишларидан биридир. Релятивизм тарафдорлари дунёда ҳамма нарса ўткинчи, ҳақиқий дунёвий даражада ҳам, ҳаттоки илмий даражада ҳам бизнинг олам ҳодисалари ҳақида олган фақат шу пайтдаги билимларимизни ифодалайди, кеча ҳақиқат деб ҳисобланган нарса бугун иштибоҳ, хато сифатида тан олинади: худди дори каби, ҳақиқатнинг ҳам сақланиш муддати бор. Нисбий мушоҳадалар бундан ҳам омонатроқ. Бу ижтимоий ҳаётда, ахлоқ нормалари ва эстетик дидларда айниқса, яққол сезилади. Яқиндагина шак-шубҳасиз деб эътироф этилган нарса энди дўзахдан чиққан бало сифатида инкор этилади. Баҳолар калейдоскопдаги рангли доғлар каби ўзгаради. Бундан гўё билиш жараёни – муваффақиятсизликка учраши тайин бўлган ҳақиқат кетидан «қувиш», деган умумий хулоса чиқарилади. Бизнинг барча билимларимиз гўё ноаниқлик ва ноҳақиқийлик денгизида сузади, у фақат – ва фақат – нисбий, шартли конвенциал (лотинча «conventional» – «шартномага мувофиқ») ва субъективдир.

Скептикларга хос бўлган бу ёндашув антик даврдаёқ юзага келган. Дунёда ҳамма нарса шу қадар тез ўзгарадики, унда мутлақо ўзгармас бўлган ҳеч нарса мавжуд эмас, деб ҳисоблаган Кратил таълимоти ашаддий релятивизмга мисол бўлиши мумкин.

Барча билимларимизни фақат нисбий деб ҳисоблаш, моҳият эътибори билан, билишда ўзбошимчалик ҳукм суришини тан олиш билан баробардир. Бу ҳолда билиш нисбатан ўзгармас, ишончли нарсалар мавжуд бўлмаган, ҳақиқат билан иштибоҳ ўртасида фарқ қолмайдиган, ҳар қандай қоида ва тамойилга ишонч йўқоладиган, бинобарин, ҳаётда ҳеч нарсага амал қилиб бўлмайдиган узлуксиз оқимга айланади. Билиш назариясида мутлақ релятивизм – бу тафаккур «бойлиги»нинг намоён бўлиш шаклларидан бири. Унга қуйидаги мушоҳада хос: ҳақиқат, албатта, мутлақ бўлиши керак, агар ҳақиқат мутлақ бўлмаса, у ҳақиқат эмас. Бу фикр замирида нафақат нисбий, балки мутлақ ҳақиқатга ҳам ишончсизлик ётади. Релятивизм намояндалари, одатда, ҳақиқий деб ҳисобланган қоидалар кейинчалик сохта деб инкор этилган ва аксинча, сохта деб ҳисобланган қоидалар фан ривожланиши жараёнида ҳақиқий деб эътироф этилган ҳоллар, фан тарихида кўп эканлигига ишора қиладилар. Илмий билишнинг ҳаракат йўли – амалда тўғри чизиқ эмас, балки кесимларида янглишиш ҳоллари юз бериши мумкин бўлган эгри чизиқдан иборат. Бироқ, бу бизнинг барча билимларимиз сафсата эканлигини исботламайди. Релятивист «билимда нисбийлик унсури мавжуд» деган тўғри

қоидани «билим доимо нисбийдир», бинобарин, билим керак эмас, деган янглиш қоидага алмаштиради. «Бу энг ёмон фикр: агар мен ҳамма нарсани била олмасам, мен ҳеч иш қилмайман»[1].

Билимнинг асосий турлари. Билим нима? Билим тушунчасига аниқ таъриф бериш қийин, балки ҳатто мумкин ҳам эмас. Гап шундаки, биринчидан, бу тушунча энг умумий тушунчалардан бири ҳисобланади, умумий тушунчаларга эса доим аниқ таъриф бериш қийин. Иккинчидан, билимнинг жуда кўп турлари мавжуд ва уларнинг ҳаммасини ёнма-ён қўйиб бўлмайди. Шуни эътиборга олиб, билим нима эканлигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Одатда, биз ниманидир билишимиз ҳақида гапирганимизда, ўзимиз бу «нимадир» ҳақида анча тўғри тасаввурга эгамиз, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, бизнинг тасаввуримиз хом хаёл ёки фақат ўз шахсий фикримиз эмаслигига ҳам ишончимиз комил бўлади. Ниҳоят, биз бу ишончни мустаҳкамловчи қандайдир далиллар келтиришимиз мумкин. Шундай қилиб, ўз шахсий ҳаётимизда биз амалдаги ҳолатга мос келадиган ва маълум асосларга эга бўлган ишонч, эътиқодни билим деб ҳисоблаймиз.

Теран маъно билан суғорилган бу билим талқинининг умумий руҳи гносеологияда ҳам сақланиб қолган. Айни замонда, гносеология бу талқин замирида мужассам баъзи бир ҳолатларни аниқлайди ва уларга ойдинлик киритади. «S субъект қандайдир P предметни билади», деган стандарт гносеолгик талқин қуйидаги уч шартни ўз ичига олади:

○ *Ҳақиқийлик (мувофиқлик) шарти – «агар P ҳақиқий бўлса, у ҳолда S P ни билади».* Биз Чимён Тошкентдан шимолроқда жойлашганлигини биламан, башарти Чимён чиндан ҳам Тошкентдан шимолроқда жойлашган бўлса. Агар биз Амударё Тинч океанига қуйилади, деб айтсак, бизнинг бу фикримиз билим эмас, балки янглиш фикр, хато бўлади.

○ *Ишончлилик (эътиқод, мақбуллик) шарти – «агар S P ни билса, у ҳолда S P га ишонади (унинг мавжудлигига эътиқоди комил бўлади).* Масалан, агар биз Ўзбекистонда дарё бор десак, биз унинг амалда мавжудлигига ишонамиз. Одатда, билим шундай ишонч ёки шундай эътиқод ҳисобланади ва уларни ажратиш мумкин эмас. Шундай бир вазиятни тасаввур қилинг: сиз ойна олдига келиб, ташқарида ёмғир ёғаётганини кўрасиз. Сиз: «Ёмғир ёғяпти, лекин мен бунга ишонмайман», дейсиз. Бу иборанинг анотўғрилиги билимимиз бизнинг эътиқодимиз эканлигини кўрсатади.

Асослилик шарти «S P ни билади, башарти у ўзининг P га бўлган ишончини асослаб бера олса». Бу шарт билимни тўғри чиқадиган тахминлар ёки тасодифан мос келиш ҳолларидан фарқлаш имконини беради. Айтайлик, сиз беш яшар болакайдан: «Қуёш тизимида нечта сайёра бор», деб сўрадингиз ва «Тўққизта», деган жавобни эшитдингиз. Сиз бола сайёралар сонини тасодифан тўғри айтди, деб ҳисоблайсиз. Агар у ўз жавобини ҳеч бўлмаса буни онасидан эшитганини айтиб, асослаб бера олмаса, сиз болакайда бу далил ҳақида ҳақиқий билим мавжуд эмас, деган тўхтамга келасиз.

Шундай қилиб, бу «уч қисмли» талқинга мувофиқ, қуйидаги мухтасар таърифни бериш мумкин: *билим – бу ҳақиқатга мос келадиган ва асосланган ишончдир.*

[1] Толстой Л.Н. Воспоминания. –М.: «Прогресс», 1991 г. с. 3.

Бу таъриф анча содда бўлиб, уни билимнинг барча турларига нисбатан татбиқ этиш мумкин. Бу сўзлар замирида муайян муаммо ётади. Масалан, биз Ньютон механикаси ҳақиқатга етарли даражада мувофиқ эмас ва унинг ўрнини Эйнштейннинг аниқроқ назарияси эгаллади, деб ҳисоблаймиз. Бироқ бунинг натижасида Ньютон назарияси ўзининг билим хусусиятини йўқотгани йўқ-ку? Эйнштейнга қадар, унинг ҳақиқийлигига кўпчиликнинг ишончи комил бўлган даврда у билим эдими? Шунга ўхшаш сўзларни ҳозирда фан тарихидан ўрин олган минглаб назариялар шаънига айтиш мумкин. Билимни қандай қилиб асослаш мумкин ва етарли асослар мавжудми? Бу савол ҳам анча мавҳум. Гипотеза, фараз, одатда, билим шакли сифатида қаралади, бироқ олимлар ўзлари илгари сураётган гипотеза ёки фаразларнинг тўғрилигига баъзан ишончи комил бўлмайди.

Балки билимни стандарт тушуниш ҳаддан ташқари тахминий ва нисбийдир? Қисман шундай, бироқ билим-бир таъриф чегараларига сиғдириш жуда қийин бўлган ранг-баранг ҳодиса эканлиги муҳимроқ. Агар «билмоқ» сўзи тилимизда қандай қўлланилишига назар ташласак, билим турлари жуда ранг-баранг эканлигини кўришимиз мумкин. Қуйидаги гапларни кўриб чиқамиз. Мен бу машинани қандай қилиб тузатиш мумкинлигини биламан. Мен гитара чалишни биламан. Мен Пўлатни ўн йилдан бери биламан. Мен Тошкентни яхши биламан. Мен учбурчак бурчакларининг йиғиндиси икки тўғри бурчакка тенг эканлигини биламан. Мен кит сут эмизувчилар оиласига мансуб эканлигини биламан.

Бу бир қарашда ўхшаш гапларда «биламан» сўзи ҳар хил маъноларда келади. Дастлабки икки гапда билиш ниманидир бажара олишни англатади. Гносеологияда у «*билим-кўникма*» деб аталади. Кейинги икки мисолда билиш – бу «*билим-танишувлик*» демакдир. У инсон ёки қандайдир объектни таниш қобилиятини англатади. Сўнгги гапларда билим «*ниманидир билиш*»ни ифодалайди, чунончи: у нарсаларда қандайдир хоссалар, нисбатлар, қонуниятлар ва шу кабиларнинг мавжудлигини тавсифлайди. Билим бу ерда маълум ахборот кўринишида келади деб айтиш мумкин.

Кўриб турганимиздек, «билим-кўникма» ва «билим-танишувлик» билимнинг стандарт талқинига унча мос келмайди. Умуман олганда, уларга нисбатан ҳақиқийлик ва асосланганлик тушунчаларини татбиқ этиш мумкин эмас. Пўлатни яхши ёки орқаворотдан билиш мумкин, бироқ биз уни «тўғри» ёки «ишончли» билишимиз мумкинми? Бироқ, бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, юқорида зикр этилган билим турлари ўртасидаги чегаралар аниқ эмас. Масалан, сизнинг Тошкент ҳақидаги билимингиз сиз шаҳарнинг катталиги, аҳолисининг сони, у Ўзбекистон пойтахти эканлиги ва ҳоказолар ҳақида маълум ахборотга эга эканлигингизни назарда тутади. Бироқ, бу билим, аввало, шаҳар билан танишлик, унда яхши мўлжал ола билиш демак.

Гносеологияда асосий эътибор муайян нарсалар ҳақидаги билимни таҳлил қилишга қаратилади. Зеро, фақат шундай билимни асосли ва асоссиз, ишончли ва ишончсиз, ҳақиқий ёки сохта билим сифатида аниқ баҳолаш мумкин. Билимни асослаш усуллари, унинг ишончлилиги, ҳақиқийлигини аниқлаш мезонларини излаш қадимдан билимни фалсафий таҳлил қилишнинг асосий омили бўлиб келади.

Бироқ, ҳатто билимнинг шу турини фалсафий тушунишда ҳам муаммолар бисёр. Ўттиз йилча муқаддам эпистемологлар шундай мисолларни ўйлаб топдиларки, уларда ишонч, эътиқод билимнинг юқорида зикр этилган учала хусусиятига эга, бироқ, шунга қарамай, улар билим ҳисобланмайди. Мана, шунга ўхшаш оддий мисоллардан бири. Масалан, ўқитувчи фалсафадан ёзилган рефератларни текшираётиб, талабалардан бири – Валиев ўз ишини компьютерда терганини кўрди. Ўқитувчи дарсда бу гуруҳда ўқийдиган талабаларнинг қайси бирида уйида компьютер борлигини сўрашга қарор қилади. Валиев ўзида чиндан ҳам яхши компьютер борлигини ва бу компьютерда у ишлашни ўрганганлигини айтди. Қолган талабларнинг бирортаси ҳам ўзида бундай буюм борлигини айтмади. Шунга асосланиб ўқитувчи гуруҳда бир талабада компьютер бор экан, деган хулосага келди. Ўқитувчининг бунга ишончи комил ва у ўзининг бу эътиқодига етарли даражада асосланган ва ишончли билим сифатида ёндашади. Бироқ, энди фараз қилайликки, Валиевда компьютер аслида йўқ ва у ёлғон гапириб, ёқтирадиган бир талаба қизнинг эътиборини ўзига қаратмоқчи бўлган. Аммо бошқа талаба – Алиевнинг уйида компьютер бор, бироқ у муайян сабабларга кўра буни ошкор этмасликни лозим топган. Натижада ўқитувчи ўзи дарс берадиган гуруҳда камида бир талабада компьютер бор деб ҳисоблар экан, у асосланган ва ўз нуқтаи назаридан ҳақиқатга мос келадиган ишонч, эътиқодга эга бўлади. Бироқ бу эътиқодни билим деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки унинг ҳақиқийлиги замирида фақат тасодифий ҳақиқатга мувофиқлик ётади.

Албатта, бундай мисолларни бор-йўғи тафаккур ўйини деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ, ҳаққоний тасаввурлар сохта фикрлардан келиб чиққан ёки уларга асосланган ҳоллар ҳатто фанда ҳам учрайди.

Аммо бундай қарши мисолларга йўл қўймаслик учун билимга янада қаттиқроқ талаблар қўйиш, масалан, билим ролига даъвогар эътиқодлар фақат ишончли ва хатосиз деб қараш мумкин бўлган фикрлар ва маълумотларга таянишини талаб қилиш мумкин.

Билим замирида аниқ, ишончли ва хатосиз асослар ётиши лозим, деган тасаввур билиш назариясидаги энг нуфузли ёндашув ҳисобланади. Унга антик файласуфларнинг асарларидаёқ дуч келиш мумкин, энг аниқ кўринишда ва дастурилмал сифатида у Янги даврда машҳур файласуфлар Ф.Бэкон, Р.Декарт ва Ж.Локк томонидан таърифлаб берилган. Бу ёндашувни классик фундаментализм деб номлаш, унинг барча муқобилларини эса, ҳозирча ундан маълум даражада четга чиқиш сифатида тавсифлаш мумкин.

Билим шакллари – Инсон ўзини қуршаган оламни англаб етади, уни ҳар хил усуллар ёрдамида ўзлаштиради. Бу усуллардан иккита энг муҳимини қайд этиш мумкин. Биринчи – моддий-техникавий усул – тирикчилик воситаларини ишлаб чиқариш, меҳнат, амалиёт. Иккинчи – маънавий (идеал) усул; унинг доирасида субъект ва объектнинг билишга доир муносабатлари улар ўртасидаги кўп сонли муносабатларнинг биридир. Ўз навбатида, билиш жараёни ва унда олинадиган билимлар амалиёт ва билишнинг тарихий ривожланиши мобайнида табақаланади ва ўзининг ҳар хил шаклларида мужассамлашади. Билишнинг бу шакллари, гарчи ўзаро боғлиқ бўлса-да, лекин бир-бирига ўхшамайди ва ҳар бир-бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Билиш, маънавий фаолият шакли сифатида, жамият пайдо бўлган даврдан ва жамият билан бирга муайян ривожланиш босқичларидан ўтиб келмоқда. Бу босқичларнинг ҳар бирида билиш жараёни инсоният тарихи мобайнида юзага келган ранг-баранг ва ўзаро боғланган ижтимоий-маданий шаклларда амалга оширилади. Шу боис яхлит ҳодиса сифатидаги билишни бирон-бир шаклга, ҳатто сўзнинг ўз маъносидаги билишни тўлиқ «қопламайдиган» илмий шаклга ҳам боғлаш мумкин эмас. Шу сабабли гносеология умумлаштириш учун фақат бир соҳа – илмий билимдан ва ҳатто юксак даражада ривожланган табиатшуносликдан материал олиб, ўз хулосаларини чиқара олмайди.

Кундалик амалий билим. *Табиат ҳақида, шунингдек, одамларнинг ўзлари, уларнинг яшаш шароити, ижтимоий алоқалари ва ҳоказолар тўғрисида элементлар билимлар берувчи кундалик-амалий билимлар билишнинг тарихан энг биринчи шакли ҳисобланади*. Билишнинг бу шакли кундалик ҳаёт, одамлар амалий тажрибасидан келиб чиққан. Шу асосда олинган билимлар гарчи мустаҳкам бўлса-да, бироқ тартибсиз, тарқоқ хусусиятга эга бўлади, маълумотлар, қоидалар ва шу кабиларнинг оддий мажмуини ташкил этади. Кундалик билиш соҳаси жуда ранг-баранг. У соғлом фикр, эътиқодлар, белги-аломатлар, шахсий тажрибадан чиқарилган дастлабки хулосалар, уларнинг анъаналар, ривоятлар, ўгитлар ва ҳоказоларда ифодаланган кўринишлари, интуитив ишонч, сезгилар ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Кундалик билим – бу ҳар хил фаолият шакллари – жумладан, ишлаб чиқариш фаолияти, эстетик фаолият, сиёсий фаолият ва ҳоказоларнинг таъсирида шаклланадиган турмуш билан боғлиқ тушунчалар мажмуи авлодлар тўплаган жамоа коллектив тажрибаси маҳсули ҳисобланади.

Шахсий даражада кундалик билим муайян шахснинг эмоционал кечинмалари ва ўз ҳаёт тажрибасини англаб етиши билан боғлиқ. Инсон дунёни нафақат илмий ўрганиш, балки ўз ҳаёти, кундалик амалиётида ўзлаштириш жараёнида ҳам тушуниб етади. Бундай ўзлаштиришнинг универсаллигини ҳозирги замон немис файласуфи Гадамер «дунёни синаш» деб номлаган. Кундалик билим замирида одамлар фаолиятининг ранг-баранг шакллари ётади. Бу фаолият турлари урф-одатлар, расм-русумлар, байрамлар, маросимлар, жамоа ҳаракатлари (ўйин, рақс ва ҳ.к.), ахлоқий қоидалар ва тақиқлар билан тартибга солинади. Улар одамларни жамоавий ижтимоий, маданий тажрибага жалб этиш воситалари бўлиб хизмат қилади, одамларнинг табиатга ва бир-бирига муносабатини тартибга солади, янги билимларнинг шаклланишига хизмат қиладиган бошланғич билим сифатида амал қилади.

Ўйин воситасидаги билим нафақат болалар, балки катталар фаолиятининг ҳам муҳим унсури ҳисобланади. *Ўйин жараёнида шахс қизғин билиш фаолиятини амалга оширади, билимларнинг катта ҳажмини ўзлаштиради, маданий бойлик – ишга доир ўйинлар, спорт ўйинлари, актёрларнинг ўйинлари ва шу кабиларни қон-қонига сингдиради.* Ўйин болаларнинг қизиқувчанлигини қондириш, уларнинг маънавий дунёси ва маълум билимлари, ўзаро тил топиш кўникмалари ва шу кабиларни шакллантиришда муҳим ижтимоий роль ўйнайди.

Ҳозирги замонда ўйин тушунчасидан математика, иқтисодиёт, кибернетика ва бошқа фанларда кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда мураккаб жараёнлар кечи-

шининг ҳар хил вариантлари, илмий ва амалий муаммоларнинг ечимлари кўриб чиқиладиган махсус ўйин моделлари ва ўйин сценарийлари тобора кўпроқ қабул қилинмоқда. Ҳозирги замон фалсафий ва илмий тафаккурининг бир қанча нуфузли йўналишлари ўйинни мустақил ўрганиш соҳаси сифатида илгари сурмоқдалар. Герменевтика (Гадамер), фалсафий антропология шундай фанлар жумласидан. Масалан, Хайдеггер ўйинни маданият шаклланишининг умумий тамойили, ҳар қандай даврда кишилик жамиятининг негизи деб ҳисоблайди. Гадамер фикрига кўра, ўйин – санъат асарларининг мавжудлик усули, мазкур асарларнинг мавжудлиги эса, ўз навбатида, ҳақиқатни аниқлашнинг муҳим усулидир.

Мифологик билим инсоният тарихининг дастлабки босқичида муҳим роль ўйнаган. *Мифологик билимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у борлиқнинг фантастик инъикоси ҳисобланади.* Мифология доирасида табиат, коинот ва одамлар, улар мавжудлигининг шарт-шароитлари, алоқа шакллари ва ҳоказолар ҳақидаги муайян билимлар шаклланган. Сўнгги вақтда (айниқса, структурализм фалсафасида), мифологик тафаккур – бу шунчаки фантазиянинг тийиқсиз ўйини эмас, балки аждодлар тажрибасини қайд этиш ва кейинги авлодларга бериш учун имконият яратадиган дунёни ўзига хос тарзда моделлаштириш эканлиги аниқланди.

Мифологик тафаккурга унинг эмоциялар соҳаси билан узвийлиги, билиш объекти ва субъектини, предмет ва белгини, нарса ва сўзни, ҳодисанинг келиб чиқиши (генезиси) ва моҳиятини аниқ фарқламаслик хос. Унда табиий ва ижтимоий ҳодисаларни, шунингдек, бутун дунёни тушунтириш уларнинг келиб чиқиши ва яралиши ҳақидаги ҳикояларга боғланган (герметизм).

Айрим ҳозирги тадқиқотчиларнинг фикрича, бизнинг давримизда мифологик билишнинг аҳамияти пасаяётгани йўқ. Масалан, П.Фейерабенд дунё ютуқлари маданиятга асос солгани, рационалистлар эса фақат уни доим яхши томонга ўзгартиришганига ишончи комил.

Миф – ибтидоий одам тафаккурининг табиат ҳодисаларини тушуниш ва тушунтиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Миф нарса ва образ, жисм ва хосса, «асос» ва тамойилларни фарқламайди. Воқеалар ўхшашлиги ёки кетма-кетлигини сабаб ва оқибат боғланиши сифатида талқин қилади. Миф олий даражада универсал воқеалар, чунончи: инсон ўлими ва унинг мангу барҳаётлиги, дунёнинг вужудга келиши, қаҳрамонона қилмишлар, маданият ютуқлари (масалан, оловнинг ўғирланиши ҳақидаги миф) ва шу кабилар ҳақида ҳикоя қилади. Мифнинг мазмуни рамзий тилда ифодаланади, натижада унинг хулосалари кенг ва кўп маъноли тус касб этади. Кўп сонлилик тамойилини, акс эттириш, муайянлик ва антроморфлик (яъни, инсон хусусиятларини табиат объектларига ўтказиш), образ ва объектни тенглаштириш кабилар мифологик билишнинг ўзига хос хусусиятларидир. Борлиқни англаб етиш усули сифатида миф инсон, жамият, дунёни моделлаштиради, таснифлайди ва талқин қилади.

Шаклан миф муайян воқеани табиатда ёки муайян халқлар тарихида бўлиб ўтгандек ифодаловчи ривоятдир. Космогоник мифларда Логос ёки Ақл ҳаракатга келтирадиган ва бошқарадиган, иерархик тузилишга эга бўлган ягона ва яхлит космос ҳақидаги тасаввур шаклланган. Шу сабабли космос олий баркамолликка эга деб тасаввур қилинган. Бу тасаввурлар космоснинг ўзгаришларида табиат

ҳодисаларининг узлуксиз айланишини ҳосил қилувчи ер, ҳаво ва олов стихиялари подшолиги сифатидаги талқинида муайянлашган.

Мифларда қатъий риоя қилиш лозим бўлган амалий тавсиялар ҳам ифодаланган. Гарчи мифологиянинг амалий тавсиялари исботланмаган ва қоида сифатида белгиланган бўлса-да, улар одамларнинг жуда кўп авлодлари тажрибасини умумлаштириш маҳсули ҳисобланади.

Бадиий билим *борлиқни тушуниб етиш рефлексиянинг ўзига хос шакли бўлиб, у санъат борлиғининг барча босқичларида – асар ғоясидан бошлаб унинг одамлар томонидан қабул қилинишигача – ўзига хос тарзда рўёбга чиқади.* Бадиий ижодни ижодкорнинг фикрлари ва кечинмаларини англаб етиш объекти – бутун дунёга узвий боғлаган ҳолда, санъат тилида моддийлаштириш, деб таърифлаш мумкин. Шаклан бадиий фаолият объектга қараб мўлжал олади, мазмунан эса, у шахс ўзлигининг ифодаси, инсон маънавий ҳаётининг интим томони, ижодкор идеаллари ва дидининг мажмуи ҳисобланади.

Борлиқни бадиий идрок этишнинг ўзига хос хусусияти кўп жиҳатдан санъат тилининг ўзига хослиги билан белгиланади. Унинг таржимони – ижтимоий алоқалар тизимига кирувчи маданиятнинг белгилар тизимларидир. Санъат маданият тилларини бадиий тафаккур ва алоқа воситаларига айлантиради. Бунда санъат тили икки хил маънода: дастлабки, маданий (асарни идрок этишда у айнан тушунилиши мумкин) ва шартли, бадиий маънода келади. «Маънолар ўйини» асл борлиқдан чалғитмайди, бироқ уни мутлақо кутилмаган томондан кўриш имконини беради. Санъатни идрок этишда муттасил кашфиётлар юз беради. Уларнинг орасида энг муҳими қалбимизнинг хилват бурчакларини ёритувчи яшин чақинига ўхшайдиган ўзликни кашф этишдир. Онгнинг кутилмаган кашфиётлар хос бўлган бундай ҳолати психологияда «инсайд» деб аталади. Санъатни идрок этиш ўзликни англаш билан боғлиқ чексиз ва тенгсиз лаззат бахш этади. Санъатни идрок этиш механизми сифатида эмпатия, яъни ўзини образ билан тенглаштириш амал қиладики, бу кучли эмоционал таъсирланишга сабаб бўлиши мумкин. Ижобий ва салбий эмоционал ҳолатларнинг бир-бирига ўтиши билан боғлиқ мураккаб жараён шахсни ўз тажрибасини қайта тушунишга мажбур қилади ва унинг қадриятлар тизимида тўнтариш ясашга қодир.

Шундай қилиб, санъатнинг билишдаги аҳамияти шундан иборатки, у билиш ва ўзликни англашнинг ўзига хос бирлигидир. Санъат – шахсни маънавий бойитиш манбаи. У инсоннинг ижодий имкониятларини фаоллаштиради, унинг маданият дунёси ва умуман жамиятдаги хулқ-атворни тушуниш қобилиятини ривожлантиради. Санъатни идрок этишда объект ва субъект муштаракдир. Шахс санъат асарининг мазмунига ўзининг дахлдорлигини ҳис қилади ва уни ўзида кашф этади. Шу сабабли санъатни идрок этиш орқали билиш фаоллиги намоён бўлади.

Билишнинг мифология билан узвий боғлиқ бўлган қадимги шакллари диний билишдир.

Диний билим *инсоният тўплаган тажрибага таяниб, инсон ҳаётининг муҳим кўринишлари, чунончи: оила ва турмушдаги хулқ-атвор, ахлоқий қоидалар, меҳнат, табиат, жамият ва давлатга муносабатни тартибга солади*. Диннинг асосий вазифаси – инсон ҳаёти, табиат ва жамият борлиғининг мазмунини аниқлашдан иборат. Дин универсумнинг пировард мазмунлари ҳақидаги ўз

тасаввурини асослаб, дунё ва инсониятнинг бирлигини тушунишга кўмаклашади. У инсон ҳаётини ўзгартиришга қодир бўлган ҳақиқатлар тизимидан иборат. Диний таълимотларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар жамоа тажрибасини ифодалайди ва шу боис нафақат ҳар бир диндор одам, балки динга сиғинмайдиганлар учун ҳам қадрлидир.

Диний таълимотларнинг вазифаси Худо борми, уни қандай қилиб билиш мумкин, умуман, Худони билиш мумкинми, деган саволларга жавоб беришдан иборат. Дин ўз дунёқарашини Муқаддас Китоб матнларида, шунингдек, диний расм-русум ва урф-одатларда ифода этади. Диний расм-русумларнинг бир унсури рамзий аҳамиятга эгадир. Диний рамзлар ғоя ва образ мувозанатини ўзида мужассамлаштиради.

Онгнинг ўзига хос шакли сифатида дин эътиқод, ишонч ва билиш механизмлари (ҳаёт тажрибаси)га таянади. Диний эътиқод рефлексия билан қўллаб-қувватланади, шахснинг фожеавий тажрибаси (ўлим хавфи ёки яқинларини йўқотиши)ни англаб етиш орқали юзага келади ёки мустаҳкамланади, бу тажриба шахсни ўз ҳаёти ва тафаккур тарзини тубдан ўзгартиришга даъват этади. Диндорлар фикрича, диний эътиқод диний ваҳий келиши натижасида туғилиши мумкин.

Дин дунё ва инсонни интуитив-мистик йўл билан англашнинг ўзига хос усулларини яратган. Бундай усуллар жумласига ваҳий ва медитацияни киритиш лозим. Ваҳий тушунчаси диний тасаввурларнинг тадрижий ривожланиши жараёнида шаклланган. Дастлаб у олий кучлар танлаган айрим шахсларнинг трансцендент ҳолатида шу кучлар номидан сўзлаш қобилияти сифатида қаралган (валилар, шаманлар ва ш.к.). Муқаддас китоб матнларига доимий мурожаат этиш, диндорга уларда янги ҳақиқатларни кашф қилиш, ўз ҳаётини солиштириш ва уни қайта тушуниш имконини беради.

Медитация – ўз тафаккурини бир объектга қаратиш, инсон эътиборини чалғитувчи барча бегона омилларни четга чиқариш йўли билан фикр юритиш, нарса, ғоя, дунёни идрок этишдир. Динда медитация шахсий онгнинг Абсолют билан бирикувини англатади. Христианликда медитация инсон шахси ва илоҳий шахснинг муайян оқибати сифатида талқин қилинади. Медитация, одатда, табиий рефлексия жараёнига айланадиган ҳаракатларнинг муайян кетма-кетлиги билан боғлиқ. У айрим психотехник усуллардан фойдаланишни назарда тутади. Бунда диндор мазкур усуллар ёрдамида ўзини бошқариш, ўзликни ёки табиатни англашга кўмаклашувчи ғайритабиий руҳий кучлардан фойдаланаётганига ишончи комил бўлади. Медитациянинг билиш усули сифатидаги самарадорлигини фан тан олади; даволаш учун мўлжалланган психотехника ва аутоген машқ тизимлари диний-мистик ғоялар билан боғлиқ эмас.

Диний билишнинг ўзига хос хусусиятлари шу билан белгиланадики, у одамларнинг ўзини бошқарувчи дунёвий (табиий ва ижтимоий) кучларга муносабатининг бевосита эмоционал шакли билан боғлиқ. Бу кучларнинг хаёлий инъикоси бўлган диний тасаввурлар борлиқ ҳақидаги муайян билимларни ифода этади. Одамлар асрлар ва минг йилликлар мобайнида тўплаган диний ва бошқа билимлар хазинаси сифатида, масалан, Инжил ва Қуръонни қайд этиш мумкин. Бироқ дин (мифология каби) билимни изчил ва назарий шаклда ифодаламаган. У умумий, яхлит

ва исботланган объект сифатида билим ишлаб чиқариш вазифасини бажармаган ва бажармайди.

Агар диний билишга дунёга эмоционал муносабатнинг ғайритабиий нарсалар ва ҳодисаларга ишонч билан бирикуви хос бўлса, фалсафий билишнинг замирида эмоциялар ва эътиқодни ўзига бўйсундирувчи оқилоналик ётади.

Фалсафий билим. Фалсафа санъат ва дин каби, билиш вазифаларини ечиш билангина кифояланмайди. *Унинг бош вазифаси санъат ва дин билан уйғун ҳолда– инсоннинг дунёда маънавий мўлжал олишига кўмаклашишдан иборат.* Фалсафий билиш айни шу мақсадга бўйсундирилган. Фалсафа умуман дунё, унинг «биринчи» асослари, ҳодисаларнинг универсал ўзаро алоқаси, борлиқнинг умумий хоссалари ва қонунлари ҳақида умумий тасаввурни шакллантиради. Фалсафа дунёни инсонга боғлаб ўрганади. Меъёрлар ва идеаллар, илмий билимлар ва санъат ютуқлари, инсоннинг ташвишлари, эҳтиёжлари, ҳаёт мазмунини англаш йўлидаги изланишлари файласуфнинг дунёқарашини, фалсафий мушоҳада юритиш шаклини белгилайди. Фалсафа жамият онги, жамият маданиятининг назарий ифодаси сифатида амал қилади. У тафаккур тарзи, қадриятлар, идеаллар, фалсафий муаммолар ва уларни кўриб чиқиш хусусиятини белгилайдиган маданият билан узвий боғлиқдир. Фалсафа умуман дунёга ва маданият субъекти сифатидаги инсонга мурожаат этади. Фалсафий билим донишмандлик сифатида тавсифланади. Донишмандлик – дунёни ва инсоннинг ундаги ўрнини яхлит тушуниш андозаси. Фалсафа барча одамлар учун муҳим бўлган ҳақиқатларнинг тагига етиш учун (илмий ва ноилмий) билимдан фойдаланади. Кант фалсафа инсон ақлининг бошқа билимларга олий қадрият тусини берувчи энг сўнгги мақсадларини англаб етишни тушунишга, бу билимларнинг инсон учун аҳамиятини аниқлашга ёрдам беради, деб ҳисоблаган. Фалсафа инсон фаолиятини йўлга солувчи тамойиллар, ёндашувлар, қадриятлар ва идеаллар тизимини, унинг дунёга ва ўз-ўзига муносабатини белгилайди. Дунёнинг инсон билан муштарак ҳолдаги образини яратиб, фалсафа муқаррар тарзда қадриятлар дунёсига мурожаат этади. Этика, эстетика, аксиология – фалсафий билимнинг қадриятлар дунёсини ўрганувчи махсус соҳалардир. Фалсафа санъатда ўзининг ёрқин ва ишонарли ифодасини топиши бежиз эмас. Кўпгина файласуфлар унинг метафораларга бой образли тилидан ўз ғояларини ифодалаш учун фойдаланади.

Дин каби, фалсафий билимнинг ҳам бош мақсади – инсонни кундалик ташвишлар соҳасидан олиб чиқиш, унда юксак идеалларга қизиқиш уйғотиш, унинг ҳаётига чин мазмун бахш этиш, энг замонавий қадриятлар сари йўл очишдир. Бироқ *дин – оммавий онг бўлса, фалсафа – нафақат истеъдод, балки касбий билим ва кўникмаларни ҳам талаб қилувчи элитар онгдир.*

Фалсафий билимда икки асос – илмий-техникавий ва назарий-маънавий асосларнинг уйғунлашиши унинг онгнинг бетакрор шакли сифатидаги ўзига хос хусусиятини белгилайди. Бу фалсафа тарихида – тарихан вақтда бир-бири билан тасодифий эмас, балки муқаррар тарзда боғланган фалсафий таълимотларнинг ғоявий мазмунини мерос қилиб олиш, ривожлантириш жараёнида айниқса, бўртиб кўринади. Бу таълимотларнинг барчаси – яхлит бир бутуннинг қисмлари, холос. Оқилоналикнинг бошқа соҳаларида (масалан, фанда)ги каби фалсафада ҳам янги билим ўзининг аввалги даражасидан воз кечмайди, балки уни ўзининг

айрим кўриниши сифатида ўз таркибида қолдиради. Гегель тафаккур тарихида биз тараққиётни, мавҳум (номукаммал, бирёқлама) билимдан янада аниқроқ (мукаммал, серқирра) билим сари муттасил юксалишини кузатамиз, деб таъкидлаган эди. Фалсафий таълимотларнинг кетма-кетлиги ҳам ғоя мантиқий таърифларининг кетма-кетлиги билан асосан бир хил, яъни билиш тарихи англаб етилаётган предметнинг объектив мантиғига мос келади.

Бироқ фалсафий билимнинг маънавий (қадриятлар ва мўлжаллар) қисми юксалиш қонунига ҳам, ҳокимият ва вақтга ҳам бўйсунмайди. У тарихига «юксак», «тубан» мезонлари билан ёндашиш мумкин бўлмаган санъатга яқинроқ. Ньютон таъбири билан айтганда, олимлар ўз ўтмишдошларининг «елкалари»да туради: улар ўз ижоди билан бир умумий ишни давом эттиради, ривожлантиради. Санъаткорлар эса бу сафга кирмайди. Зеро, уларнинг ҳар бири – алоҳида дунё, алоҳида олам (лекин бу даврлар ва авлодларнинг бадиий тажрибасида ворисийликни истисно этмайди). Буюк санъаткор ўз даврининг буюк ифодачиси бўлиб, айни шу маънода унинг ижоди одамлар учун оламшумул аҳамият касб этади.

Бироқ фалсафий билимнинг назарий қисми, яъни унинг ички мантиқи анча мураккабдир. Бу фалсафий ғоянинг сермаънолилиги, у ривожлантирилиши, ҳар хил, ҳатто қарама-қарши йўналишларда давом эттирилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Масалан, Локк (XVII аср инглиз файласуфи) фалсафасидан унинг издошлари (идеалист Беркли ва француз маърифатчи материалистлари Дидро, Гольбах) бир-бирини мутлақо истисно этувчи хулосалар: Беркли – субъектив-идеалистик, француз мутафаккирлари – эса маърифатчилик билан боғлиқ хулосалар чиқарганлар. Кант, ва Гегелнинг фалсафий ғоялари ҳозирги замон тафаккурига асос солди. Бироқ ҳар бир кантчи, гегелчининг ўз Канти, ўз Гегели бор, уларнинг ҳар бири ўз ўтмишдошларини ўзича талқин қилади. Боз устига, бирон-бир йирик файласуф ўз ғояларини битта ягона манбадан олмаган. Кант Лейбниц ва Юмга, Форобий Аристотель ва Платонга таянган ва ҳоказо. Буларнинг барчаси янги фалсафий билимнинг вужудга келишига асос бўлади. Шаклланган бу янги фалсафий билимда эса ижодий танқид муҳим роль ўйнайди.

Ҳар қандай билим сингари, фалсафий билим ҳам ҳақиқат ва иштибоҳ бирлигидир. Бироқ, гносеологияда бу тушунчалар алоҳида мазмун касб этади. Бу мазмун ижтимоий-тарихий, ижтимоий-маънавий хусусиятга эга бўлиб, у муқаррар тарзда нафақат бизнинг тафаккуримизни, балки унга боғлиқ бўлган, унга асосланган бизнинг ҳаракатларимизни ҳам баҳолашни ўз ичига олади. Бироқ, инсоннинг олий мақсадлари – унинг универсал, жисмоний, ақлий ва маънавий кучларини ривожлантиришга мос келадиган ҳаракат (қилмиш, қарор, ният)гина ҳақиқийдир. Ҳақиқат, чин ҳаёт каби, инсоннинг юқорида зикр этилган кучлари ва ижодий қобилиятини чекламайдиган, торайтирмайдиган, балки уларни кенгайтирадиган ва ривожлантирадиган тамойиллар ва қадриятларга риоя қилиш демакдир. Ўз навбатида, иштибоҳ ҳам оддий субъектив мантиқий хато, янглишиш ёки душманларнинг кирдикорлари маҳсули эмас, балки тарих янглишувининг муқаррар натижасидир. Масалан, коммунистларнинг барча йўллар бизнинг асримизга, жамиятни эркинлик, тенглик ва бирдамликка етаклайди, деган умид ва ишончларини хатога йўйиш мумкин, чунки уларнинг бирон-таси ҳам ўз тасдиғини топмади. Бироқ хатолар замирида теран мазмун ётади. Ахлоқий импе-

ратив (идеал, орзу) борлиқ эмас, бироқ у мазкур борлиқнинг даракчиси. Жамиятда ахлоқий тушунчалар, қадриятларга муносабатнинг ўзгариши инсоният миллионлаб кишилар ҳаётида оламшумул ўзгаришлар юз бериши арафасида турганининг энг аниқ кўрсаткичидир. Зотан, ғоялар йўқ жойдан пайдо бўлмайди, осмондан тушмайди. Илмий билим маънолар, мақсадлар, қадриятлар ва инсоннинг қизиқишларига бефарқ бўлса, фалсафий билим инсоннинг дунёдаги ўрни ва роли ҳақидаги билимдир.

Илмий билим. Билишнинг энг олий шакли фандир. Айрим фанларнинг вакиллари фанни таърифлар эканлар, уни муайян тадқиқотлар соҳаси билан боғлайдилар. Илмий билим бошқа билим турларидан ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради.

Илмий билим, маънавий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари каби, пировардида инсон фаолиятини тартибга солиш учун зарур. Билишнинг ҳар хил турлари бу вазифани турлича бажаради ва мазкур фарқнинг таҳлили илмий билимнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг биринчи ва муҳим шарти ҳисобланади.

Фан амалий фаолият предметларининг (бошланғич ҳолатдаги объектнинг) тегишли маҳсулотларга (пировард ҳолатдаги объектга) айланиш жараёнини олдиндан кўра билишни ўз олдига пировард мақсад қилиб қўяди. Бу ўзгариш ҳар доим объектларнинг ўзгариш ва ривожланиш қонунлари билан белгиланади, фаолият шу қонунларга мувофиқ бўлган тақдирдагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Шу сабабли фаннинг асосий вазифаси объектларнинг ўзгариш ва ривожланиш қонунларини аниқлашдан иборат.

Табиатнинг ўзгариш жараёнларига татбиқан бу вазифани табиий фанлар ва техника фанлари бажаради. Ижтимоий объектларнинг ўзгариш жараёнларини ижтимоий фанлар ўрганади. Ҳамонки фаолият жараёнида ҳар хил объектлар – табиат предметлари, инсон (ва унинг онги ҳолатлари), жамиятнинг кичик тизимлари, маданият ҳодисалари сифатида амал қилувчи белгилар кўринишидаги объектлар ва ҳоказолар ўзгариши мумкин экан, уларнинг ҳаммаси илмий-тадқиқот предметлари бўлиши мумкин.

Фаннинг фаолиятга жалб қилиниши мумкин бўлган объектларни ўрганиш ва уларни фаолият ва ривожланишнинг объектив қонунларига бўйсунувчи объектлар сифатида тадқиқ қилишга қараб мўлжал олиши илмий билимнинг биринчи энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Илмий билим ўзининг айни шу хусусияти билан инсон билиш фалиятининг бошқа шаклларидан ажралиб туради. Масалан, борлиқни бадиий ўзлаштириш жараёнида инсон фаолиятига жалб қилинган объектлар субъектив омиллардан ажратилмайди, балки уларга ўзига хос тарзда боғланади. Объектив дунё предметларининг санъатдаги ҳар қандай инъикоси айни вақтда инсоннинг предметга муносабатини акс эттиради. Бадиий образ – бу объектнинг шундай бир инъикосики, унда инсон шахси, унинг қадриятларга муносабати акс этади, бу хоссалар акс эттирилаётган борлиқ тавсифидан ўрин олади. Бу муштаракликни истисно этиш – бадиий образни бузиш демакдир. Фанда эса, билим яратаётган шахс ҳаёт фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг мушоҳадалари яратилаётган билим таркибига бевосита кирмайди (Ньютон қонунлари Ньютонга нима ёққани ва ёқмаганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини бермайди, ваҳоланки, масалан,

Рембрандт мўйқаламига мансуб портретларда Рембрандт эссе, унинг дунёқараши ва ўзи тасвирлаётган ижтимоий ҳодисаларга шахсий муносабати ўз ифодасини топади; буюк мусаввир томонидан яратилган портрет доим унинг автопортрети сифатида ҳам амал қилади).

Илмий билим борлиқни моддий ва объектив ўрганишга қараб мўлжал олади. Бироқ бу олимнинг шахсий хусусиятлари, унинг қадриятларини белгилашда, илмий ижодида роль ўйнамайди ва унинг натижаларига таъсир кўрсатмайди, деган маънони англатмайди. Илмий билим нафақат ўрганилаётган объектнинг ўзига хос хусусиятлари, балки ижтимоий-маданий хусусиятга эга бўлган кўп сонли омиллар билан ҳам белгиланади.

Илмий билимнинг тарихий ривожланиши маданиятнинг ўзгариши илмий билимни баён этиш андозалари, фанда борлиққа ёндашиш усуллари ва тафаккур услубларининг ўзгаришига боғлиқ. Бу андозалар, усуллар ва услублар маданият контекстида, унинг ҳар хил ҳодисалари таъсирида шаклланади. Бу таъсирни илмий билимнинг ривожланиш жараёнига ҳар хил ижтимоий-маданий омилларнинг қўшилиши сифатида тавсифлаш мумкин. Бироқ ҳар қандай билиш жараёнида объектив ва субъектив нарсалар ва ҳодисаларнинг алоқаларини қайд этиш ҳамда фанни инсон маънавий фаолиятининг бошқа шаклларига боғлаб ўрганиш зарурлиги фан билан бу шакллар (кундалик билиш, бадиий тафаккур ва ш.к.) ўртасидаги фарқ масаласини кун тартибидан чиқармайди. Илмий билимнинг объективлиги ва моддийлиги бундай фарқнинг биринчи ва энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Фан инсон фаолиятида фақат унинг моддий тузилишини фарқлайди ва ҳамма нарсани шу тузилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Қадимги афсонада подшо Мидас нимага қўл теккизмасин, ҳаммаси олтинга айланганидек, фан ҳам нимага мурожаат этмасин, ҳамма нарса унинг учун объектив қонунларга кўра яшайдиган, фаолият кўрсатадиган ва ривожланадиган предметдир.

Фан нафақат ҳозирги амалиёт жараёнида ўзгартириладиган, балки келажакда амалда оммавий ўзлаштириш предметига айланиши мумкин бўлган объектларни ўрганишга қараб мўлжал олиши илмий билимнинг иккинчи ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу хусусият илмий ва одатдаги, стихияли-эмпирик билимни фарқлаш ва фаннинг табиатини тавсифловчи айрим тушунчаларни таърифлаш имконини беради.

Шахсий билим. Билим шакллари тўғрисида сўз юритар эканмиз, М.Полани томонидан ишлаб чиқилган шахсий билим концепциясини четлаб ўтишимиз мумкин эмас. Олим ўз концепциясини тузишда билим – англаш мумкин бўлган нарсаларни фаол ўзлаштириш, алоҳида маҳорат ва алоҳида воситаларни талаб қилувчи ҳаракат, деган тамойилдан келиб чиққан. Модомики фанни одамлар яратар экан, билиш фаолияти жараёнида олинадиган билимларни (худди шу жараённинг ўзи каби) одамлардан ажратиш мумкин эмас. Демак, одамларни (аниқроғи, ўз қизиқишлари, мақсадлари ва мўлжалларига эга бўлган олимларни) улар яратаётган билимлардан ажратиб ёки бошқа одамлар билан алмаштириб бўлмайди.

Полани фикрига кўра, *шахсий билим муқаррар тарзда интеллектуал салоҳиятни талаб қилади. Унда нафақат билиш борлиғи, балки билишга ҳаракат қилаётган шахс, унинг билимга қизиқиши, билимни талқин қилиш ва ундан фойда-*

ланишга нисбатан шахсий ёндашуви, уни ўзига хос тарзда англаб етиши мужассамлашади.

Шахсий билим нафақат қандайдир фикр-мулоҳазалар мажмуи, балки шахснинг кечинмалари ҳамдир. Шахс билимни шунчаки қайд этмайди, балки у билан бирга яшайди.

Ижтимоий билим, *асосан, ўзи ўрганаётган борлиқнинг сифат томонини тавсифлашга қараб мўлжал олади. Бу ерда ҳодисалар ва жараёнлар миқдор ва умумийлик нуқтаи назаридан эмас, балки сифат ва хусусийлик нуқтаи назаридан ўрганилади*. Шу сабабли миқдор методларининг улуши, бу ерда, табиий-математик циклга мансуб фанларга қараганда камроқ. Бироқ, билимнинг математикалашуви, компьютерлашуви жараёнлари бу ерда ҳам тобора кенгроқ тус олиб бормоқда.

«Инсон борлиғи», ижтимоий билим предмети сифатида, ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, унда математик аппаратдан фойдаланиш анча мушкул. Бу соҳага математик методларни татбиқ этишга ижтимоий объектларнинг ўта индивидуаллиги (ва ҳатто бетакрорлиги), субъектив (шу жумладан, соф иррационал) жиҳатлар доимо мавжудлиги, назорат қилиб бўлмайдиган, тасодифий муносабатларнинг кўплиги, маъноларнинг мужмаллиги, номукаммаллиги ва ҳоказолар халақит беради.

Бироқ, бу ижтимоий фанларни математикалаштириш мутлақо мумкин эмаслигидан далолат бермайди. Бу борада тоқ тўпламлар назариясига катта умид боғланмоқда. Тоқ тўпламлар деганда чегаралари аниқ бўлмаган тўпламлар тушунилади, бунда элементларнинг мазкур тўпламга мансублигидан унга мансуб эмаслигига ўтиш кескин эмас, балки аста-секин юз беради.

Ижтимоий фанларда миқдор методларидан фойдаланиш тобора кенг ва самарали тус олиб бормоқда. Уларнинг айримлари (иқтисодиёт, социология)дан миқдор методлари мустаҳкам ўрин олган, айримлари (тарих, санъатшунослик ва бошқалар)га эса улар эҳтиёткорлик билан кириб бормоқда. Масалан, тарих фани доирасида математик методлар тарихни ўрганишнинг асосий воситаси бўлган алоҳида фан – киометрия (сўзма-сўз маъноси – тарихни ўлчаш) юзага келди ва шаклланмоқда. Бироқ, ижтимоий фанларда математик методлар қай даражада кенг қўлланилмасин, улар бу фанлар учун асосий эмас, балки ёрдамчи методлар бўлиб қолаётир.

Ижтимоий билимда эмпирик ва назарий унсурларнинг ўзига хос уйғунлиги кузатилади. Ижтимоий билимда эмпирик методларнинг имкониятлари чекланган бўлса-да, улар бу ерда тобора кенгроқ ва ўзига хос тарзда қўлланилмоқда. Булар, аввало, кўриб чиқилаётган ҳодисаларнинг соф объектив хоссаларини эмас, балки уларнинг инсоний кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган сўровлар, анкеталаш, тестлаш, моделда эксперимент ўтказиш ва ҳоказолардир.

Билишда субъект ва объектнинг ўзаро алоқаси. Билиш дунёнинг объект ва субъектга бўлинишини назарда тутади.

Фалсафада бу тушунчалар жонли мавжудот бўлган инсонни билиш жараёнига олиб кирадиган ва бу жараёнга салбий таъсир кўрсатадиган субъективликдан узоқлашиш учун ишлаб чиқилган. Билимнинг объективлиги, ҳақиқатнинг субъектдан мустақиллигини эълон қилинганда намоён бўлади. Схоластика таби-

атшуносликнинг ривожланишига тўсқинлик қилган шароитда илмий билиш субъектларининг ўткинчи манфаатлари кўпинча объективликка халақит берган, шу боис бу тушунчаларнинг аниқ фарқланиши ўринли бўлган. Файласуфларни субъектнинг объектга таъсири муаммолари, англаб етилаётган объектга субъективликнинг таъсири йўллари ва хусусияти масалалари тобора кўпроқ қизиқтира бошлаган ҳозирги кунда ҳам бу муаммо ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Субъект – бу билиш фаоллигининг манбаи. Субъект деганда одатда индивид тушунилади. Бироқ бу унча тўғри эмас. Субъект – бу, албатта, аввало билиш қобилиятига эга бўлган индивид. Субъект – бу микрогуруҳ, ижтимоий гуруҳ синф, жамият ҳамдир. Тафаккур жараёни амалга ошадиган бош мия пўстлоғида тафаккур муайян инсоннинг ҳаракатлари, унинг кечинмалари, ҳис-туйғуларига қаратилиши мумкин: бу ҳолда онг ўзининг алоҳида жиҳати – ўзликни англаш сифатида амал қилади, тафаккур (индивид доирасида) нимага қаратилган бўлса, шу объект бўлади.

Субъект негизи бутун ижтимоий яхлитликни ташкил этувчи мураккаб иерархиядан иборат. Унинг тарихий ривожланишида унча йирик бўлмаган бирликлар ажратилади, бу бирликлар сифатида айрим халқлар амал қилади. Ҳар бир халқ ўз маданиятида қайд этиладиган меъёрлар, ғоялар ва қадриятларни яратиб, асрдан асрга билиш фаолиятининг алоҳида субъекти сифатида ўтиб келади. У табиат ҳодисалари, ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг шифобахш хоссалари, турли халқларнинг ҳуқуқлари ва урф-одатлари ҳақида маълумотлар тўплайди. Жамиятда махсус вазифаси ва машғулоти ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган билимлар яратишдан иборат бўлган индивидларнинг тарихий гуруҳлари ажратилади. Хусусан, субъекти олимлар ҳамжамияти бўлган илмий билимлар шундай билимлар жумласидан. Бу ҳамжамиятда қобилияти, истеъдоди ва билими билан билиш соҳасида юксак натижаларга эришадиган айрим индивидлар алоҳида ўрин тутади. Бу одамларнинг исмлари тарихда илмий ғоялар эволюциясидаги буюк босқичлар рамзи сифатида сақланиб қолади.

Билишнинг ҳақиқий субъекти ҳеч қачон фақат гносеологик хусусиятга эга бўлмайди: у ўз майллари, қизиқишлари, феъл-атвори, мижози, ақл ёки ақлсизлик, қобилият ёки қобилиятсизлик даражасига эга бўлган, иродали ёки иродаси бўш тирик шахс. Бироқ, кўпинча билиш субъекти деганда, интеллектуал фаолликнинг қандайдир шахссиз мантиқий бўлаги тушунилади.

Субъектнинг билиш фаолияти фақат муайян тарихий контекстда аниқ тушунчаларда намоён бўлиши мумкин. Илмий билиш нафақат субъектнинг объектга нисбатан, балки ўзига, ўз фаолиятига нисбатан ҳам онгли муносабатини, яъни тадқиқотчилик фаолияти шартлари, усуллари, меъёрлари ва методларини билиши, анъаналарни ҳисобга олиши ва ҳоказоларни назарда тутади.

Борлиқнинг муайян парчаси изланаётган тафаккур диққат марказидан ўрин олгач, билиш объектини ташкил этади, субъект билан «субъект – объект» муносабатларига киришиб, маълум маънода субъектнинг «мулки»га айланади. Бинобарин, субъектнинг онгига боғлиқ бўлмаган ўзича борлиқ ва субъект билан юқорида зикр этилган муносабатга киришган борлиқ мавжуд. У гўё субъектни ўзини билишга даъват этади. Бир сўз билан айтганда, субъект билан муносабат-

га киришган объект оддий борлиқ эмас, балки у ёки бу даражада англаб етилган, яъни онг – ўзининг билишга интилишида ижтимоий белгиланган онг далилига айланган борлиқдир, шу маънода билиш объекти энди ижтимоий далилга айланади.

Объект – бу субъектнинг билиш фаолияти қаратилган нарса ёки ҳодиса. Асбоб ҳам (ўрганилаётган ва таъмирланаётганида), бошқа индивид ҳам, индивид билан боғлиқ нарса ва ҳодисалар ҳам объект бўлиши мумкин. «Объект» тушунчасини объектив борлиқ билан аралаштирмаслик керак. Масалан, ҳайвонларнинг ҳужайраларидаги хромосомалар улар цитология ва генетикада ўрганиш «объекти»га айланишидан олди ҳам объектив мавжуд бўлган, бироқ кашф этилганидан кейингина ўрганиш «объектлари»га айланган.

Бу тушунчалар нафақат билиш фаолияти, балки амалий баҳолаш фаолияти билан ҳам боғлиқ.

Билиш фаолиятида субъект объектсиз, объект эса – субъектсиз мавжуд бўлмайди. Масалан, ген жонли нарсалар таркибида мавжуд бўлган ҳолда, нафақат антик даврда, балки Ж.Б.Ламарк ва Ч.Дарвин учун ҳам илмий тафаккур объекти бўлмаган. Олимлар бу кўзга кўринмас биологик борлиқни муайян вақтгача ўз билиш фаолиятининг объекти сифатида аниқлай олмаганлар. Бунга нисбатан яқинда, дунёнинг умумий илмий манзарасида жиддий ўзгаришлар юз берганидан сўнг муваффақ бўлинди. Ёки, айтайлик, илмий тафаккур, техника ютуқлари ва ижтимоий шарт-шароитлар атиги бир неча ўн йилликлар муқаддам Космоснинг олис кенгликларини тадқиқот объектига айлантириш имконини берди.

Ҳозирги замон гносеологиясида билиш объекти ва предметини фарқлаш одат тусини олган. Билиш объекти деганда борлиқнинг ўрганилаётган амалда мавжуд бўлаклари тушунилади. Билиш предмети – бу изланаётган фикрнинг диққат марказидан ўрин олган муайян жиҳатлар. Масалан, инсон жуда кўп фанлар – биология, тиббиёт, психология, социология, фалсафа ва ҳоказоларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Бироқ уларнинг ҳар бири инсонни ўрганишга ўз нуқтаи назаридан ёндашади: масалан, психология инсоннинг руҳияти, ички олами, хулқ-атворини, тиббиёт – инсоннинг касалликлари ва уларни даволаш усулларини ўрганади ва ҳоказо. Бинобарин, тадқиқот предметига тадқиқотчининг муҳим мўлжали киради, яъни у тадқиқот вазифаси нуқтаи назаридан шаклланади.

Маълумки, инсон тарих яратувчиси, субъекти ҳисобланади, ўз тарихий мавжудлигининг зарур шарт-шароитлари ва асосларини ўзи яратади. Ижтимоий-тарихий билиш объекти одамлар томонидан нафақат ўрганилади, балки яратилади ҳам, демак, объектга айланишдан олдин у яратилиши, шакллантирилиши лозим.

Шундай қилиб, ижтимоий билишда инсон ўз фаолиятининг маҳсули, амалий фаол жонзот бўлган ўзи билан ҳам иш кўради. Билиш субъекти бўлган инсон шу тариқа унинг объектига ҳам айланади. Шу маънода ижтимоий билиш инсоннинг ижтимоий ўзликни англаш жараёнидир. Бунда инсон тарихий ривожланиш жараёнида яратиладиган ўзининг ижтимоий моҳиятини ўзи учун кашф этади ва ўрганади.

Шу сабабли ижтимоий билишда субъект ва объектнинг ўзаро алоқаси мураккаблашади, бу ерда объект бир вақтнинг ўзида тарихий ижод субъекти ҳамдир.

Ижтимоий билишда ҳамма нарса ва ҳодисалар инсон соҳасида айланади: билиш объекти – одамларнинг ўзи ва улар фаолиятининг натижалари, билиш субъекти ҳам инсондир. Билиш жараёни шоҳидларнинг гувоҳликлари, ҳужжатлар, сўровлар, сўровномаларсиз, одамлар яратган меҳнат қуроллари ва маданий ёдгорликларисиз бўлиши мумкин эмас.

Буларнинг барчаси ижтимоий билишга маълум даражада ўз таъсирини ўтказади ва унинг ўзига хос хусусиятларини шакллантиради. Айни шу сабабли ижтимоий билишда олимнинг гражданлик позицияси, унинг маънавий қиёфаси, ҳақиқат идеалларига содиқлиги жуда муҳимдир.

Билиш фаолият тури сифатида. Инсоннинг ўзини қуршаган дунёни тушуниб етиши муҳим фалсафий муаммолардан биридир. Моҳият эътибори билан, дунёни билиш мумкинми, деган масала дунёнинг инсон онгида аниқ ва тўлиқ акс этиш, инсоннинг бу дунёда онгли ва эркин мўлжал олиш ва фаолият олиб бориш имконияти тўғрисидаги масаладир.

Инсоннинг ўзини қуршаган дунёда мўлжал олиш функциясини билим бажаради. Билим – инсон онг ёрдамида оладиган дунё ҳақидаги маълумотларнинг энг олий даражасидир. Билим образлар ва белгилар шаклида мавжуд бўлади ва ундан одамлар амалий фаолиятининг идеал режаси сифатида фойдаланади. Билимсиз (оддий, илмий, бадиий ва бошқа билимларсиз) дунёнинг манзарасини шакллантириш мумкин эмас. Ф.Бэкон шу муносабат билан билим кучдир, деб таъкидлаган эди. Билимни Гегель таъбири билан айтганда, фақатгина субъектив тасаввур, эркин мулоҳаза, тасаввур маҳсули бўлган фикрдан фарқлай билиш лозим. Инсоннинг дунёни билишга интилишининг моҳияти у аниқ ёки ноаниқ билимларни фаол ва изчил излаши ва уларни олишидан иборат. Фалсафанинг билиш муаммолари кўриб чиқиладиган бўлими гносеология ёки билиш назарияси деб аталади. Инсоннинг дунёни билиш жараёнини бошқа фанлар – мантиқ, психология, социология ҳам ўз нуқтаи назаридан ўрганади.

Билиш ва билим тўғрисида сўз юритганда ўрта асрлардаги каби билим ва эътиқодни қарама-қарши қўйиш ярамайди. *Эътиқод – моддий ва маънавий дунё нарсалари, жараёнлари ва ҳодисаларини далил-исботсиз билиш демак*. «Мен Худонинг борлигига ишонаман»; «мен яқинда баҳор келишига ишонаман»; «мен ўз ишимнинг муваффақиятига ишонаман» ва ҳоказо ва шу кабилар. Эътиқод – бу инсоннинг ишончи. *Билим бизга аниқ-равшан кўриниб турадиган нарсаларни кашф этиш имконини берса, эътиқод, ишонч инсонга ҳозирча кўринмайдиган сирли нарсаларни аниқлашга ёрдам беради.* Шу тариқа эътиқод билиш жараёнида фаол иштирок этади ва унинг муҳим унсури ҳисобланади. Бироқ, шу билан бир вақтда, замирида ақлнинг сўқирлиги, мутаассиблик ва инсоннинг кучсизлиги ётувчи сохта эътиқод ҳам мавжудлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, инсон куч-қудратининг рамзи саналган оқилона эътиқод мавжуд бўлиб, у одамзоднинг эмоционал ва интеллектуал фаоллигига имконият яратади, билиш йўлида изланишга рағбатлантиради. Барча олимларнинг илмий фаолияти замирида инсон тафаккурига қаттиқ ишонч ётади, акс ҳолда улар ўз кашфиётларини ярата олмайдилар. Шу маънода оқилона эътиқод гўё зулматдаги нур, ҳақиқат ва тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Оқилона эътиқод билим йўлини машъал каби ёритади, ижодга имконият яратади, бу йўлда

инсонга ишонч ва куч бахш этади. Эътиқоднинг йўқлиги эса, аксинча, скептицизм, бўшлиқда мавжудлик ва билишнинг самарасизлиги туйғусини уйғотади. Шундай қилиб, фикр, эътиқод ва билим ҳақиқат сари юксалишнинг зарур босқичлари, инсон маънавий тажрибасининг муҳим шакллари ҳисобланади.

Хўш, билишнинг ўзи нима? Унинг моҳияти нимада?

Аввало, билиш – инсон акс эттириш фаолиятининг алоҳида тури. У «инсон – меҳнат воситалари – табиат» тизими доирасида инсоннинг нарсалар моҳияти, масалан, магнетизм табиати, ҳаёт мазмуни ва ҳоказолар яшириниб ётган дунёнинг «қобиғи»ни очишга йўналади. У дунёнинг сирларини очади.

Билиш – *инсон қўлга киритадиган ахборотнинг энг олий даражаси.* Бу ахборотни у билиш муаммолари ва вазифаларини қўйиш ва ечиш йўли билан, изчил англаб етади. Ахборот миянинг мвҳумлаштирувчи фаолияти ёрдамида белги шаклини (2 + 2 = 4) касб этадики, бу унга ишлов бериш, сақлаш ва кейинчалик ундан фойдаланиш учун қулайдир.

Билиш инсон изчил ва ижодий фаолиятининг ижтимоий жараёни бўлиб, унда ташқи дунёнинг идеал образлари юзага келади ва билиш мақсади бўлган билим шаклланади.

Билиш жараёни тарих фалсафасида муайян вақт мобайнида (масалан, XVIII аср фалсафий материализмида) инсоннинг сезги аъзоларига табиатнинг механик таъсири сифатида қаралган. Инсон пассив мавжудот ва табиат уни ўз мақомига йўрғалатади, деб ҳисобланган. «Биз қўғирчоқларимиз ва тақдир бизни ипларимиздан тортиб ўйнатади», деб ёзган эди В.Гюго. Бироқ амалда билиш доим анча фаол хусусиятга эга бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бу одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари, уларнинг умумий мақсадларга эришиш йўлидаги ҳамкорлиги ва бошқа омиллар билан белгиланади. Бошқача айтганда, билиш ижтимоий табиат, жиҳат ва хусусиятларга эга. Бунга, жумладан, немис классик фалсафасида субъектнинг фаоллиги концепциясида (И.Фихте ва бошқалар) алоҳида эътибор қаратилган.

Билишнинг ижтимоий табиати, агар бу ҳақда атрофлича сўз юритадиган бўлсак, яна қуйидагиларни ҳам англатади. Билиш доим ижтимоий муносабатлар ва маданий дунёсининг фаол таъсири остида юз беради. Биз фақат ўзимиз яшаётган давр шарт-шароитларида ва бу шарт-шароитлар берадиган имконият даражасида билишимиз мумкин. Бу шарт-шароитлар жамиятнинг муҳим эҳтиёжлари кўринишида ижтимоий буюртмани юзага келтиради. Улар субъектни шакллантиради ва билиш жараёнига муайян даражада таъсир кўрсатади – уни жадаллаштиради ёки секинлаштиради. Масалан, ўрта асрларда дунё ва инсонни билишга дин ва черков катта таъсир кўрсатган. XX асрда эса билишга бошқа омиллар, чунончи: космосни кенг миқёсда ўзлаштириш, экология, озиқ-овқат муаммоларини ечиш ва ҳоказолар кучли таъсир кўрсатмоқда.

Билиш интеллектуал манбага таянишни талаб қилади. Интеллектуал манба инсониятнинг жами билимлари, билиш методлари, тушунчалар аппарати, мавжуд илмий далиллар ва бошқа билимларни ўзида мужассамлатиради. Ишни ҳар сафар бўш жойда, «нолдан» бошламаслик учун билишда эришилган ютуқларга таяниш жуда муҳим. И.Ньютон бу ҳақда сўз юритар экан, у гигантлар елкасида тургани учунгина фанда ҳаммадан узоқни кўрганини қайд этган эди.

Билиш жараёнини муомала воситаси сифатидаги тил ёрдамидагина амалга ошириш мумкин. У бутун жамиятнинг жамоа бойлиги, инсоният маданиятининг муҳим унсури ҳисобланади. Фан учун эса тил, аввало, ахборотни жамғариш ва сақлаш воситаси, дунё ҳақидаги билимлар ва маълумотларнинг улкан омборидир.

Ижтимоий муносабатлар субъект билиш объектига ўз манфаатларидан келиб чиқиб ёндашишини белгилайди. Шундан ижтимоий ҳаётнинг айнан бир ҳодисалари ва муаммоларини ҳар хил, баъзан ҳатто бир-бирига тескари идрок этиш ва талқин қилиш ҳоллари юз беради. Масалан, тарихда инсониятнинг келажакдаги ривожланиш йўли ва шакли ҳар хил тасаввур қилингани маълум. Ҳозирги сиёсий ҳаётда айнан бир ҳодисалар (хусусий мулк институти, бозорнинг шаклланиши ва бошқалар) айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан ижобий баҳоланса, бошқа ижтимоий гуруҳлар томонидан салбий баҳоланади. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳодисаларни билишда мафкура, яъни муайян ижтимоий ҳодисаларни ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ва табақалар нуқтаи назаридан баҳолаш мавжудлигидан далолат беради.

Билишга инсоннинг сезгилари, унинг эҳтиролари дунёси кучли таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан К.Гельвеций: «...эҳтиролар бўлмаса, буюк артистлар ҳам, буюк саркардалар ҳам, буюк вазирлар ҳам, буюк шоирлар ҳам, буюк файласуфлар ҳам бўлмас эди»[1], деб ёзган эди. Эҳтиролар тадқиқотчига куч-ғайрат беради ва билиш жараёнини илгари суради. Инсон эҳтиросларисиз ҳақиқатни излаш мумкин эмас.

Билиш доимо қандайдир янги, илгари номаълум бўлган нарсани яратишга йўналган ижоддир. Ижоднинг бош мезони (кўрсаткичи) – олинган натижаларнинг янгилиги ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги. У жуда катта ақлий ва жисмоний ҳаракат («ижод машаққатлари» деб бежиз айтмайдилар), баъзан фуқаролик жасорати ва ҳатто жонбозлик талаб қилади.

Билишдаги қарама-қаршиликлар. Билиш жараёнининг ички мантиғи (изчиллиги) қандай?

Билиш жараёни маълум қарама-қаршиликлардан ҳам холи эмас. Улар билишнинг мураккаб муаммоларга тўла хусусиятини акс эттиради. Билиш жараёнида мавжуд қарама-қаршиликларнинг айримларини айтиб ўтамиз.

Субъект ва объект (яъни инсон ва ташқи дунё) ўртасидаги қарама-қаршилик мангу ва мутлақо табиийдир. У инсоннинг дунёни амалда ўзгартириш эҳтиёжи билан бу дунё ҳақидаги билимларнинг камлиги (ёки умуман мавжуд эмаслиги) ўртасидаги номувофиқликни ифодалайди. Аслида билиш жараёни доим айни шу номувофиқликдан бошланади.

Баъзан билишга сезги аъзолари маълумотлари билан ташқи дунёнинг фикр ва тушунчалардаги инъикоси ўртасидаги қарама-қаршилик хосдир. Маълумки, Қуёшнинг чиқишини фақат Қуёш ҳаракатсиз Ер атрофида айланишини тахмин қилиб, сезги аъзолари ёрдамида тушунтириш мумкин. Бироқ бу ҳодисани илмий мушоҳада ёрдамида, иккала осмон жисмининг ҳаракатчанлигини исботлаш йўли билан ҳам тушунтириш мумкин. Бу қарама-қаршилик тахминларимиз-

[1] Гельвеций // История философии: Энциклопедия. – Минск: «Книжный дом», 2002 г. с. 310.

нинг мантиқий далиллар ва мулоҳазалар тизими ёрдамида тажрибада синаш йўли билан ечилади.

Шаклланган назария билан олинган янги илмий далиллар ва экспериментал маълумотлар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам билиш учун табиий бир ҳолдир. Бунда мазкур далиллар ёрдамида назарияга аниқлик киритиш ёки аксинча, уни эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган деб топиш талаб этилади.

Билиш жараёнида фандаги оқимлар, мактаблар ва айрим назариялар ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келади. Бундай қарама-қаршилик фалсафада ҳам, масалан, «Демокрит йўналиши» ва «Платон йўналиши» ўртасида мавжуд. Инсоннинг ташқи дунёни тўлиқроқ ва аниқроқ билишга интилиши билан бунинг учун субъектив ва объектив чегаралар (инсон қобилиятининг чекланганлиги, фан ва техника ривожланиш даражасининг етарли эмаслиги ва бошқалар) мавжудлиги ўртасидаги номувофиқлик одатдаги ҳол ҳисобланади. Фаол ва ривожланувчи жараён бўлган инсон билиши учун қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги табиий бир ҳолдир. Уларнинг умумий негизини амалиёт, ижтимоий ҳаёт ташкил этади. Қарама-қаршиликлар амалиёт жараёнида янги методлар ва далилларни излаш, билиш субъектининг интеллектуал қобилиятини такомиллаштириш йўли билан ечилади.

Хулосалар. Шундай қилиб, инсоннинг билиши ривожланиб борувчи, фаол жараёндир. Бу, аввало, жамиятда янги эҳтиёжларнинг туғилиши, тегишли равишда амалиётнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан белгиланади. Айни шу сабабли билиш «мангу ҳаракат, қарама-қаршиликларнинг юзага келиши ва уларнинг ечилиши жараёни» деб қаралиши лозим.

Тажрибавий-амалий матнлар

Гносеология, эпистемология, эмпиризм, идрок, перцепция, трансцендентал, оптимизм, скептицизм, агностицизм, гносеологик релятивизм, билим, билим шакллари, меҳнат, амалиёт, кундалик амалий билим, ўйин воситасидаги билим, мифологик билим, бадиий билим, диний билим, медитация, фалсафий билим.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Билишнинг моҳияти нимада?
2. Билиш жараёнида қарама-қаршилик мавжудми?
3. Билишда субъектнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
4. Билишда объект қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
5. Гносеологиянинг асосий муаммоси қайсилар?
6. Гносеологиянинг эпистемологиядан фарқи нимада?
7. Билишнинг моҳияти нимадан иборат?
8. Фалсафий билимнинг бошқа билим турларидан фарқи нимада?
9. Илмий билишнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
10. Билишнинг моҳияти нимада?
11. Билиш жараёнида қарама-қаршилик мавжудми?
12. Билишда субъектнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
13. Билишда объект қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
14. Гносеология нима?
15. Оптимизм, скептицизм, агностицизм нима?
16. Билимнинг қандай шаклларини биласиз?

Реферат мавзулари

1. Билим шаклларининг ўзаро мутаносиблиги.
2. М. Полани шахсий билимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.
3. Илмий билимнинг устувор йўналишлари
4. Кант агностицизмининг ўзига хос хусусиятлари

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Билиш ҳақидаги таълимот бу – ...

А. Гносеология Б. Онтология
В. Идеология Г. Эпистемология

2. Илмий билиш қайси тушунча билан номланади?

А. Эпистемология Б. Онтология
В. Идеология Г. Гносеология

3. Қайси қаторда эмпиризм вакиллари берилган?

А. Бэкон, Локк, Гоббс Б. Платон, Августин

В. Декарт, Гоббс Г. Вольтер, Конт

4. Ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ходисаларни сезгилар орқали идрок этишга нима деб аталади?

А. Перцепция Б. Апперцепция

В. Фатализм Г. Формализм

5. Борлиқни англашнинг ғояларда ифодалаш нима дейилади?

А. Апперцепция Б. Перцепция

В. Фатализм Г. Формализм

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. –Т.: «Университет», 2005 й.
2. Основы философии. Под ред. Ахмедова М. – Т.: «Шарк», 2003 г.
3. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. Под ред. Файзуллаева. –Т.: «Фан», 2000 г.
4. Шермухамедова Н. Гносеология – билиш назарияси. –Т.: «Ношир», 2011 й.
5. Границы науки: о возможности альтернативных моделей познания. –М.: 1991 г.
6. Современные теории познания. –М.: 1992 г.
7. Каримов Б.Р. Диалектика объективного и субъективного в методе восхождения от абстрактного к конкретному. – Т.: 1998 г.
8. Абдуллаева М.Н. Методологические возможности научного познания // Методологические основы поиска возможности развития науки. –Т.: «Фан», 1990 г.
9. Методы научного познания. Под ред. Нысанбаева А.Н. Алматы, «Галыш», 1996 г.
10. Шарипов М. Категориальные знания и их выводы. –Т.: «Университет», 1995 г.
11. Иззетова Э. Научное знание в свете гуманитарных идеалов. Карши, 2001 г.
12. Семенова О.А. Гносеология духовного : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Иваново, 1996 г.
13. Иванов О.Е. Самосознание как основа метафизики : дисс... доктора философ наук. Санкт-Петербург, 1996 г.

ҲИССИЙ, ЭМПИРИК, НАЗАРИЙ, МАНТИҚИЙ ВА ИНТУИТИВ БИЛИШ ДАРАЖАЛАРИ

1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар машғулоти: Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари
Машғулот режаси	1. Ҳиссий даражаси билимнинг шакллари. 2. Эмпирик ва назарий билишнинг ўзаро алоқдорлиги. 3. Мантиқий шакллари. 4. Интуитив билиш даражаси.
Машғулотнинг мақсади: Ҳиссий, эмпирик, мантиқий, назарий, интуитив билим даражаларининг ўзаро алоқаси ва фарқи ҳақида билимга эга бўлиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Ҳиссий даражадаги билим ва унинг шакллари.	Ҳиссий билимни шакллари: сезги, хотира, тасаввур ҳақида тушунча шаклларда.
Эмпирик билим ва унинг шакллари.	Эмпирик билимни тушуниш, таҳлил қилиш.
Эксперимент ва уларнинг турлари.	Тажриба ва унинг амалиёт билан мувофиқлиги.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни асослайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.

	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Эмпирик билиш» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Назарий билим на унинг шакллари? 2. Гипотеза, назария, тамойил, парадигмаларнинг ўзига хос хусусиятлари? 3. Тафаккур ва унинг моҳияти. Тафаккур шакллари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Ҳиссий, эмпирик ва назарий билиш даражаларининг бирлиги», «Ҳиссий, эмпирик ва назарий билиш даражаларининг фарқи», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Ҳиссий даражадаги билимнинг шакллари. Сезги аъзолари орқали олинган билим – ҳиссий билимлардир. *Нарсаларнинг хоссаларини сезги аъзолари сезиш ва идрок этиш натижасида олинган билим ҳиссий билимдир.* Масалан, инсон учаётган самолётни кўради ва бунинг нималигини билади.

Сезги. *Билиш фаолиятида сезги – нарсалар айрим хоссаларининг сезги аъзолари орқали ҳис қилинган оддий образи, инъикоси, нусхаси ёки ўзига хос сурати дастлабки сезги образи ҳисобланади*. Масалан, аплеьсинда биз тўқ сариқ ранг, ўзига хос ҳид, таъмни сезамиз. Чунки, сезгилар инсондан ташқаридаги муҳитда юз бераётган ва унинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатаётган жараёнларда юзага келади. Овоз ва ёруғлик тўлқинлари, механик босим, кимёвий таъсир ва ҳоказолар ташқи таъсирлантирувчилар ҳисобланади.

Форобий билишнинг икки шакли – ҳиссий ва оқилона билишни фарқлайди. Инсонни ташқи дунё билан боғловчи сезгилар ролига эътиборни қаратар экан, Форобий уларни беш турга ажратади. У сезгиларни билимнинг асосий манбаи деб ҳисоблаб, сезгилар фақат нарсанинг инъикоси нарсанинг ўзига мос тушган ҳолда ҳақиқий бўлиши мумкин[1], деб таъкидлайди. Форобийнинг билишда ва умуман ҳиссий идрок этишда сезгиларнинг роли ҳақидаги қарашлари Аристотелнинг «сезмайдиган одам ҳеч нарсани билмайди ва тушунмайди», деган фикрига жуда ўхшаш.

Инсоннинг ҳайвондан фарқи шундаки, у ақл ва сезгилар ёрдамида билимларни ўзлаштиришга қодир. «Ақл кучи» борлиқ нарсаларининг фикрий инъикосини ўзида гавдалантиради. Дунёвий ҳодисаларнинг моҳияти ва сабабларини билган ақл осмон жисмлари ва уларнинг шаклларини билишга ҳаракат қилади. Шу охирги босқичда инсонга таъсир кўрсатувчи коинот ақл билан бирикади ва боқийлик хусусиятини касб этади.

Ақл дунёнинг яралиш босқичлари сифатида инсон ва биринчи сабаб ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади, биринчи сабаб эса, ўз навбатида, ақлга бевосита таъсир кўрсатади. Ҳаракатланувчи ақл жон билан руҳ орқали боғланади, жон инсон танасидан ўрин олади, шундай қилиб, нодунёвий ҳаёт жиҳатлари инсонга ўтади ва пировардида инсон моҳияти, билимлари – унинг ақли боқийлик хусусиятини касб этади.

Форобий фикрича, сезгилар тартибга эга бўлганидек, ақлнинг ҳам ўз тегишли тартиби мавжуддир[2]. Биринчи метод табиий фанлар (физика)га, иккинчиси – математикага мос тушади. Иккала методдан ҳам фақат фанда нарса ва ҳодисанинг у ёки бу жиҳатини теранроқ тушуниш мақсадида фойдаланилади.

Сезгилар дунёнинг сифат жиҳатидан ранг-баранглигининг объектив хусусиятини акс эттиради ва унинг таъсирида юзага келади. Сезгилар ҳодисаларнинг миқдор кўрсаткичлари ҳақида ҳам анча бой ахборот беради. Сезгилар бир хил оҳангдаги овозлар ўртасидаги фарқни уларнинг кучига қараб, ранг тусларини, температурадаги ўзгаришларни, нарсалар ва жараёнлардаги бошқа фарқларни анча аниқ акс эттиради. Сезиш қобилиятининг йўқолиши муқаррар тарзда онгнинг йўқолишига олиб келади.

Сезишнинг кўриш, эшитиш, тебраниш, пайпаслаш, об-ҳаво, оғриқ, мувозанат

[1] Қаранг: Фараби. Китаб ал-Хуруф. Душанбе. «Илм», 1972 г. с. 23.

[2] Там же:. с. 24.

ва тезлашишни ҳис этиш, ҳид, таъм билиш каби умумий органик турлари фарқланади. Сезгиларнинг ҳар бир шакли ўзининг айрим кўриниши орқали материя ҳаракатининг мазкур шакли ва тури, масалан, электромагнит, овозли тебранишлар, кимёвий таъсирлар ва ҳоказоларнинг умумий хоссаларини акс эттиради.

Ҳар қандай предмет жуда кўп ҳар хил жиҳатлар ва хоссаларга эгадир. Масалан, қанд бўлагини олайлик: у қаттиқ, оқ, ширин, маълум шакл, ҳажм ва вазнга эга. Бу хоссаларнинг барчаси бир предметда мужассамлашган. Биз бу хоссаларни алоҳида-алоҳида эмас, балки яхлит ҳолда – қанд бўлаги сифатида идрок этамиз ва тушунамиз. Бинобарин, яхлит образни идрок этишнинг объектив негизини предметнинг турли жиҳатлари ва хоссалари бирлиги ва айни вақтда уларнинг кўп сонлилиги ташкил этади.

Сезги – объектив дунёнинг субъектив образи, деган тамойил сифатларни бирламчи ва иккиламчига механик тарзда ажратишга қарши йўналган. Бу нуқтаи назардан бирламчи сифатлар (шакл, ҳажм ва ҳ.к.) нарсаларнинг объектив мавжуд хусусиятлари инъикоси ҳисобланади, иккиламчи сифатлар (ранг, овоз ва ҳ.к.) соф субъектив хусусият касб этади. Айни бир сезгига нарсаларнинг ҳар хил хоссалари мос келиши мумкин: оқ ранг сезгиси кўриш доирасидаги тўлқинлар барча узунликларининг электромагнит хоссалари қоришмасини ҳам, қўшимча ранглар ҳар қандай жуфтлиги (қизил ва кўк-яшил, сариқ ва сафсар) қоришмасини ҳам акс эттиради. Бундан оқ ранг тўлқин ёки нарса юзасининг объектив хоссаси сифатида қаралиши мумкин эмас, деган янглиш хулоса чиқарилади. Қора ранг тўлқин хоссаси эмас: унинг шарти – кўриш доирасида нурланишнинг йўқлиги. Тўлқин йўқ нарса ҳақида ахборот бера олмайди. Бундан қуйидаги сохта хулоса келиб чиқади: ранг, ҳид – бу нарсаларнинг хоссалари эмас, балки бизнинг сезгиларимиздир (Э.Мах); «ранг» сўзи билан руҳий кечинмаларнинг муайян тоифаси белгиланади (В.Оствальд). Дунё эса овозсиз, бўёқлар ва ҳидлардан холи. Унда иссиқ ҳам, совуқ ҳам мавжуд эмас. Буларнинг ҳаммаси – фақат бизнинг сезгиларимиз.

Бу ерда масаланинг икки томонини: сезгилар манбаси нималиги ва уларнинг психофизиологик механизми қандайлигини фарқлаш лозим.

Образнинг сифат жиҳатидан аниқлиги предметнинг сифат жиҳатидан аниқлигини акс эттиради. Жисмнинг тебраниши ёки айни шу электромагнит нурларни тарқатиши жисм тузилиши, унинг ҳарорати ва бошқа хоссаларига боғлиқ бўлади. Масалан, ҳар бир металл оловни ўз рангига бўяйди; ҳар бир модда у ёнаётган газга айланганида ўз рангини касб этади. Қор кўзимизга оқ бўлиб кўрингани учун оқ эмас, балки у амалда оқ бўлгани учун ҳам биз уни шундай кўрамиз. Механицистлар ва субъективистларнинг нарса унга қараётганимиздагина рангга ва уни ҳидлаётганимиздагина ҳидга эга бўлади, деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Кўз – ўзининг ранг сезадиган аппарати билан ўзи идрок этувчи ранг мавжуд бўлгани туфайли юзага келган ва мавжуд.

Идрок. *Сезги аъзоларига бевосита таъсир кўрсатувчи предметлар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи яхлит образни идрок этиш деб аталади*. Инсоннинг идрок этиши нарсалар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини тушуниш ва англаб етишни ўз ичига олади. Бунда инсон ўзининг ҳар бир янги таассуротини мавжуд билимлар тизимига киритади. Сезиш ва идрок этиш инсон ташқи дунёга амалий таъсир кўрсатиши жараёнида, меҳнатда, сез-

ги аъзолари фаол ишлаши натижасида амалга ошади ва ривожланади; масалан, ҳаракатсиз кўз нарсалар рангини фарқлашга қодир эмас.

Организмнинг макроскопик, яхлит нарсалар ва жараёнлар оламида мўлжал олишга бўлган эҳтиёжи бизнинг сезги аъзоларимизни шундай ташкил қилганки, биз нарсаларни яхлит ҳолда идрок этамиз. Акс ҳолда ҳамма нарса ҳаракатланаётган зарралар, молекулалар пардасига айланган ва биз нарсаларларнинг чегараларини кўрмаган бўлур эдик. Кўриш аъзоси организм ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган борликдаги ёруғлик ҳодисаларини мумкин қадар яхшироқ акс эттириш йўналишида ривожланган. Шу сабабли кўз табиатда мавжуд ёруғлик таъсирида ёруғликни қабул қилиш, қулоқ – овоз тебранишларини фарқлаш учун мослашган ва ҳоказо. Сезги аъзоларининг ўзига хослиги, «физиологик» идеалистлар фикридан фарқли, ташқи дунёни тўғри билишга нафақат монелик қилмайди, балки, аксинча, нарсаларнинг объектив хоссалари аниқроқ ва тўлиқроқ акс этишини таъминлайди.

Гарчи сезиш ва идрок этиш инсоннинг барча билимлари манбаи саналса-да, ҳиссий билиш улар билангина кифояланмайди. У ёки бу предмет инсоннинг сезги аъзоларига маълум замон мобайнида таъсир кўрсатади. Сўнгра бу таъсир барҳам топади. Бироқ предметнинг образи изсиз йўқолмайди. У хотирада гавдаланади ва сақланиб қолади. Бинобарин, бирон-бир нарса ҳақида у йўқолганидан кейин ҳам фикр юритиш мумкин, чунки у ҳақда муайян тасаввур қолади. Юмиқ кўзлар билан ҳам биз нималарнидир тасаввур қиламиз.

Шундай қилиб, биз ҳақиқатга элтувчи йўл нақадар оғир эканлигини кўрамиз: у амалда жоннинг барча кучлари – хотира, ирода, тасаввур, интуиция ва ақлнинг бор кучини ишга солишни назарда тутади. Масалан, хотирани олайлик. Билиш ҳақида хотирасиз фикр юритиш мумкинми? Албатта, йўқ: хотирасиз жон – балиқсиз тўр деган гап. Бу ажойиб ҳодисасиз билишни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Сезиш ва идрок этиш жараёнлари ўзидан кейин мияда «из» қолдиради. Бу изларнинг моҳияти инсонга айни лаҳзада таъсир кўрсатмаётган нарсаларнинг образларини гавдалантириш қобилиятидан ва иборат.

Хотира *ўтмиш ва ҳозирги замонни бирлаштиради, уларнинг бир-бирига ўтишини таъминлайди.* «Товушлар ва сўзлар сони кўпайгандан кейин, одамга унинг хотираси ёрдамга келади... Ёзув ҳам хотира билан бирга инсон имкониятларини оширади»[1]. Агар образлар мияда унга предмет таъсир кўрсатган пайтда пайдо бўлиб, бу таъсир тўхтаганидан кейин дарҳол ғойиб бўлганида, инсон нарсаларни ҳар сафар мутлақо нотаниш нарсалар сифатида қабул қилган, у мазкур нарсаларни танимаган, демак, уларни англамаган бўлар эди. Бирор нарсани англаш учун ақлнинг ишлаши – ҳозирги ҳолатни олдинги ҳолат билан таққослаши талаб этилади. Ташқи таъсирларнинг идрок этилиши ва уларнинг вақтда сақланиши натижасида хотирада тасаввурлар уйғонади.

Тасаввурлар – *бу бир пайтлар инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган алоқалар бўйича гавдаланадиган нарсаларнинг образларидир.*

Сезиш ва идрок этиш онг, фикр шаклланишининг бошланиши ҳисобланади.

[1] Қаранг: С.М.Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. –Т.: «Минҳож», 2003 й. 74-б.

Хотира олинган ахборотни қайд этади ва сақлайди. Тасаввурда эса онг илк бор ўзининг бевосита манбаидан ажралади ва нисбатан мустақил субъектив ҳодиса сифатида мавжуд бўла бошлайди. Инсон нисбатан янги образларни эркин яратишга қодир. Тасаввур – бу идрок этиш ва назарий тафаккур ўртасидаги боғловчи бўғин.

Хаёл инсоннинг муҳим хоссаси. *Хаёл кучи тажрибада (онгда) мавжуд образларни нафақат қайта чақиради, балки уларни бир-бири билан боғлайди ва шу тариқа уларни умумий тасаввурлар даражасига кўтаради* Хаёл тафаккур оқимида етишмаётган кўргазмалилик ўрнини тўлдиради. Образларни қайта гавдалантириш хаёл кучи билан эркин ва бевосита кузатиш ёрдамисиз амалга оширилади. Тасаввурлар пайдо бўлишининг бу шакли бундай эркин фаолият кўрсатиш қобилиятига эга бўлмаган, бироқ амалда кузатишга муҳтож бўлган ва образлар беихтиёр пайдо бўлишига йўл қўядиган оддий эслашдан шу билан фарқ қилади.

Эмпирик билим ва унинг шакллари. *Эмпирик билим мавжуд нарсанинг бевосита эмас, балки билвосита инъикоси*. Масалан, олим ўзи кўрмаётган тегишли объектнинг ҳолати ҳақида унга ахборот бераётган асбоб кўрсаткичи ёки электрокардиограмманинг электр чизиғини кўради. Бошқача айтганда, билишнинг эмпирик даражаси ҳар хил асбоблардан фойдаланиш билан боғлиқ; у кузатиш, кузатилаётган нарса ёки ҳодисани тавсифлаш, баённомалар юритиш, ҳужжатлардан фойдаланишни назарда тутади, масалан, тарихчи архивлар ва бошқа манбалар билан ишлайди. Хуллас, бу оддий сезги даражасида билишга қараганда билишнинг юқорироқ даражасидир.

Эмпирик билимлар назарий билим негизини ташкил этувчи илмий далиллар мажмуидир. Эмпирик билим кузатиш ва эксперимент, тавсифлаш, таққослаш, ўлчаш ва далиллар каби методлар ёрдамида шаклланади.

Кузатиш – *билиш объектининг муҳим хоссалари ва муносабатларини аниқлаш мақсадида атайлаб амалга ошириладиган изчил идрок этишдир*. Кузатиш мақсадини белгилаш, унинг усулларини аниқлаш, ўрганилаётган объект хулқ-атворини назорат қилишнинг режасини тузиш, асбоблардан фойдаланиш кабилар кузатишнинг муҳим хусусиятларидир. Кузатишларнинг натижалари бизга борлиқ ҳақида илмий далиллар кўринишида дастлабки ахборот беради.

Кузатиш бевосита ёки билвосита, масалан, микроскоп ёрдамида бўлиши мумкин. Ҳозирда электрон микроскоп ёрдамида молекулаларни визуал кузатиш мумкин. Кузатиш – бу фаолиятнинг муайян объектларга қаратилган мақсадлар ва вазифаларни таърифлашни назарда тутадиган фаолият шакли. Бирон-бир нарсани билишни хоҳлаган ҳар қандай одам ўз кўзларини кузатувчанликка ўргатиши лозим.

Зеҳнли, ижодкор ва теран ақл нарса ва ҳодисаларнинг кўпчилик эътибор бермайдиган муҳим жиҳатларини кўриш ва сезиш қобилияти билан ажралиб туради. Бу қобилият фан ва санъатдаги новаторлик омилидир. Кузатиш махсус тайёргарликни талаб қилади. Кузатишларни тайёрлашда кузатиш вазифалари, у жавоб бериши лозим бўлган талабларни аниқлаш, кузатиш режаси ва усулларини олдиндан ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади. Кузатиш табиатнинг ўзида мавжуд нарсалар ва ҳодисаларни қайд этади. Бироқ инсон кузатувчи роли билан кифоялана олмайди. У экспериментлар ўтказиш орқали фаол синовчига айланади. Мия-

да тасаввур қилинган модель устида ўтказиладиган фикрий эксперимент билишнинг алоҳида шаклини ташкил этади. Унга хаёл ва тафаккурнинг узвий алоқаси хосдир.

Эксперимент – *бу шундай тадқиқот методики, унинг ёрдамида объект ё сунъий тарзда яратилади, ё тадқиқот мақсадларига мос келадиган маълум шарт-шароитларда ўрганилади*. Экспериментда тадқиқотчи илмий-тадқиқотни ўтказиш шарт-шароитларига фаол аралашади. У жараённи исталган босқичда тўхтатиши мумкин бўлиб, бу объектни янада муфассалроқ ўрганиш имконини беради. Тадқиқотчи ўрганилаётган объектни бошқа объектлар билан ҳар хил тарзда боғлаши ёки у илгари кузатилмаган шарт-шароитларни яратиши ва шу тариқа фанга маълум бўлмаган янги хоссаларни аниқлаши мумкин.

Эксперимент ўрганилаётган ҳодисани сунъий тарзда гавдалантириш ва назарий ёки эмпирик билим натижаларини амалда синаш имконини беради.

Эксперимент доим, айниқса, ҳозирги замон фанида баъзан жуда мураккаб техника воситалари, яъни асбоблардан фойдаланиш билан боғлиқ. *Асбоб – бу инсоннинг сезги аъзолари билиши мумкин бўлмаган ҳодисалар ва хоссалар ҳақида ахборот олиш учун мўлжалланган, керакли хоссаларга эга бўлган мослама ёки мосламалар тизимидир.* Асбоблар бизнинг сезги аъзоларимизни кучайтириши, объект хоссаларининг фаоллик даражасини ўлчаши ёки уларда ўрганилаётган объект қолдирган изларни аниқлаши мумкин.

Тадқиқот мақсадларига кўра ўрганиш эксперименти, янги нарса ёки ҳодисани кашф этиш ҳамда янги хоссаларни аниқловчи ва уларни намойиш этувчи текширув эксперименти; (гипотезаларнинг тўғрилигини аниқлаш), объектлар ёки уларнинг хоссаларини аниқлашга қаратилган сифат эксперименти ва ўрганилаётган объектнинг хоссаларини ўлчаш билан боғлиқ миқдор эксперименти фарқланади. Ўрганиш объектига кўра табиий ва ижтимоий эксперимент, амалга ошириш усулларига кўра эса – табиий ва сунъий, моделли ва бевосита амалий ва тафаккур воситасида амалга ошириладиган экспериментлар фарқланади. Шунингдек, илмий ва ишлаб чиқариш эксперименти ҳам мавжуд. *Ишлаб чиқариш эксперименти саноат ва дала шароитидаги экспериментларни ўз ичига олади. Моделли эксперимент алоҳида аҳамиятга эга.* Физик ва математик моделлаштириш фарқланади. *Физик модель ўрганилаётган объектнинг номаълум хоссаларини аниқлаш учун унинг муайян хоссаларини гавдалантиришни назарда тутади (самолётлар, космик кемалар ёки нейронларнинг моделлари ва ш.к.). Математик модель ҳар хил объектларнинг умумий, функционал боғлиқлигини тавсифловчи формал (математик) ўхшашлиги асосида тузиладики, бу ҳам амалда мавжуд объектларнинг номаълум хоссаларини аниқлаш имконини беради.*

Экспериментнинг асосий мақсади – ўрганилаётган объект мавжуд бўлган одатдаги шарт-шароитларни ўзгартириш. У ўрганилаётган объект хоссалари билан шарт-шароитлар ўртасидаги сабабий боғланиш, шунингдек, шарт-шароитларнинг ўзгариши муносабати билан бу хоссаларнинг ўзгариш хусусиятини аниқлаш имконини беради. Шу билан бир вақтда, бу метод предметларнинг табиий шароитда намоён бўлмайдиган янги хоссаларини аниқлаш учун имконият яратади, масалан, сунъий иқлим лабораторияларида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига температура, ёруғлик, намлик ва шу кабиларнинг таъсирини у

ёки бу даражада тўғри аниқлаш мумкин. Зеро, шарт-шароитлар ўзгариши билан предметнинг муайян хоссалари ўзгариши (баъзан, яна юзага келар), бошқа хоссаларида эса сезиларли ўзгаришлар юз бермаслиги мумкин. Экспериментга шарт-шароитларни назорат қилиш, жараёнларнинг кўрсаткичларини ўлчаш имкониятининг мавжудлиги ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш хосдир. Инсон тажриба ўтказиш чоғида янглишиши мумкин. Асбоблар бу камчиликдан холи. Микроскоп, телескоп, рентген аппарати, радио, телевидение, телефон, сейсмограф ва шу кабилар ёрдамида инсон ўзининг идрок этиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди ва теранлаштирди. Фан, айниқса, табиатшуносликда эришилган ютуқлар эксперимент ўтказиш методлари ва воситаларининг такомиллашуви билан узвий боғлиқ. Сўнгги йилларда олимлар илмий ижод жараёнига бевосита киритилган компьютерлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Экспериментни кўп такрорлаш ва шу йўл билан хулосаларни кузатувларнинг кўпроқ сонига таянган ҳолда асослаш мумкин. Эксперимент ўтказиш учун дастлабки билимлар керак, И.П.Павлов қайд этганидек, далилларни ривожлантириш предмет ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш лозим. Бу умумий тасаввурлар, фаразлар, гипотезалар олдинги кузатишлар, экспериментлар ва инсониятнинг барча тажрибасидан олинади. Улар экспериментга йўл кўрсатади. Аниқ англанмаган мақсадсиз, кўр-кўрона амалга ошириладиган кузатиш, эксперимент самара бериши мумкин эмас. Каллада ғоя бўлмаса, ҳеч қандай далилни кўролмайсан[1], деган эди И.П.Павлов.

Тавсиф. *Кузатиш ва эксперимент ўтказиш жараёнининг натижаси тавсифлаш ёки баён этиш йўли билан ифодаланади. У умумий қабул қилинган атамалар ёрдамида тузилган, графиклар, расмлар, фото ва кинотасвирлар илова қилинган, математик, кимёвий формулалар киритилган ҳисобот кўринишида ифодаланиши ҳам мумкин*. Тавсифга қўйиладиган асосий илмий талаб – кузатиш ва эксперимент маълумотларини тўғри ва аниқ акс эттиришдир. Тавсиф тўлиқ ёки нотўлиқ бўлиши мумкин, бироқ у доим материални маълум даражада тизимга солишни, яъни уни гуруҳлаш ва умумлаштиришни назарда тутади: соф тавсиф илмий ижод доирасидагина қолади.

Таққослаш. *Билиш эмпирик методларининг муҳим унсури – таққослаш, яъни ўрганилаётган объектларнинг кузатиш ёки экспериментда аниқланаётган хоссалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашдир*.

Ўлчаш – *таққослашнинг айрим кўриниши, объект хоссаларининг ривожланиш даражасини тавсифловчи катталикни аниқлаш жараёни.* Кузатиш ва эксперимент натижалари ўлчаш йўли билан ифодаланган тақдирдагина илмий аҳамиятга эга бўлади.. У ўлчаш бирлиги сифатида қабул қилинган бошқа катталик билан таққослаш шаклида амалга оширилади.

Илмий далил. Илмий далил эмпирик билишнинг натижаси ҳисобланади. Далил (ёки далиллар)ни аниқлаш илмий-тадқиқотнинг зарур шартидир. *Далил – билимнинг тасдиқланган бойлигига айланган моддий ёки маънавий дунё ҳодисаси, бирон-бир ҳодиса, хосса ёки муносабатни қайд этишдир*. А.Эйнштейн сўзлари билан айтганда, фан далиллардан бошланиши ва бошланиш билан тугалланиш ўртасида қандай назарий тузилмалар бўлишидан қатъи назар, далиллар билан

[1] Павлов И.П. Полн.собр.соч. 2 изд. Т.1. –М.: 1951 г. с. 67.

якунланиши лозим[1]. Далил тушунчаси ҳар хил маъно-мазмунга эга. «далил» атамасининг кўп сонли таърифлари орасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин. *Биринчидан, борлиқ ҳодисаси, асос қилиб олиш мумкин бўлган воқеа, ҳодиса, ҳолат сифатидаги далил. Бу инсон томонидан англанган ёки англанмаганлигидан қатъи назар мавжуд бўлган ҳаёт далилларидир.*

Иккинчидан, «далил» тушунчаси борлиқнинг англаб етилган воқеалари ва ҳодисаларини белгилаш учун қўлланилади. Инсон билиш имкониятларининг серқирралиги шунда намоён бўладики, борлиқнинг айни бир далили билишнинг оддий ва илмий даражаларида, санъат, публицистика ёки юридик амалиётда англаб етилиши мумкин. Шу сабабли турли усуллар билан аниқланадиган ҳар хил далилларнинг ишончлилик даражаси ҳам ҳар хил бўлади. Кўпинча илмий далил билан борлиқ воқеаси ўхшаш бўлиб кўринади ва бу айрим файласуфлар ва олимларга далил ҳақиқатини мутлақ ҳақиқат сифатида тавсифлаш имконини беради. Бундай тасаввур билишнинг ҳақиқий манзарасига мос келмайди, уни догмага айлантиради ва соддалаштиради.

Далиллар мураккаб тузилишга эга. Улар борлиқ ҳақидаги ахборот, далил талқини, уни олиш ва тавсифлаш усулини ўз ичига олади.

Далилнинг муҳим томони – борлиқ ёки унинг айрим хоссалари ҳақида тасаввурнинг шаклланишига имконият яратувчи борлиқ тўғрисидаги ахборот. Далилнинг борлиққа мувофиқлиги уни ҳақиқий деб тавсифлаш имконини беради. Шу сабабли далиллар фаннинг эмпирик асоси, назарияни тасдиқлаш ёки инкор этишнинг муҳим усули ҳисобланади. Далил ёрдамида борлиқ холисона, назарияга боғланмаган ҳолда англаб етилади. Далиллар эски назария доирасига сиғмайдиган, унга зид бўлган ҳодисаларни кашф этиш имконини беради.

Талқин қилиш далилнинг муҳим унсури бўлиб, у ҳар хил шаклларда амалга оширилади. Илмий далил назария билан билвосита боғлиқ. Назария ёрдамида эмпирик тадқиқотнинг вазифалари аниқланади ва унинг натижалари талқин қилинади. Талқин қилиш далил таркибидан уни шакллантиришнинг назарий-методологик шарти, далилдан келиб чиқадиган назарий хулоса, унинг илмий изоҳи ёки ҳар хил мафкуравий, илмий ёки фалсафий нуқтаи назарларда амалга ошириладиган баҳолаш сифатида ўрин олади.

Далилнинг моддий-техник ёки методик томони, яъни уни олиш усули ҳам бор. Далилнинг ишончлилиги кўп жиҳатдан у қайси усулда, қандай воситалар ёрдамида олинганлиги билан белгиланади. Масалан, сайловолди кампанияларида номзодлар рейтинги, уларнинг муваффақият қозониш имкониятларини кўрсатувчи социологик тадқиқотларнинг натижаларидан кўп фойдаланилади. Кўпинча уларнинг натижалари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади, баъзан бир-бирига мутлақо зид бўлади. Тўғридан-тўғри хатога йўл қўйиш имконияти истисно этилса, бундай фарқларнинг сабаби методикаларнинг ҳар хиллиги билан изоҳланиши мумкин.

Фаннинг кўп асрлик тарихи нафақат кашфиётлар тарихи, балки далилларни назарий мавҳумлаштириш, умумлаштириш ёки тизимга солишнинг муҳим омили ҳисобланган фан тилининг ривожланиш тарихи ҳамдир. Шу сабабли ҳар қандай далил белги-алоқа жиҳати, яъни у тавсифланган фан тилига эга бўлади. График-

[1] Эйнштейн А. Физика в жизни моего поколения. –М.: 1963 г. с. 89.

лар, схемалар, илмий белгилар ва атамалар – фан тилининг муҳим атрибутлари. Агар илмий кашфиётни одатдаги атамаларда тавсифлашнинг иложи бўлмаса, уни идрок этиш жараёни баъзан узоқ йилларга чўзилади.

Илмий билимнинг ривожланишига қараб табиий тил унда ифодаланаётган нарсалар мазмунига семантик жиҳатдан мувофиқ эмаслиги бўртиб кўрина бошлади. Табиий тил ибораларининг сермаънолиги, гаплар мантиқий тузилишининг ноаниқлиги, тил белгиларининг маънолари контекст таъсирида ўзгарувчанлиги, психологик ассоциациялар – буларнинг барчаси илмий билишда зарур бўлган маънонинг аниқлиги ва равшанлигига эришишга монелик қилади. Натижада табиий тилни сунъий тарзда формаллаштирилган тил билан алмаштиришга эҳтиёж туғилди. Унинг кашф этилиши фаннинг билиш воситаларини жуда бойитди, унга янги ва янги мураккаб вазифаларни ечиш имконини берди. Шуни таъкидлаш лозимки, илмий далиллар ҳам, гипотезалар, назариялар, илмий муаммолар ҳам фанда яратилган сунъий тилларга таянади.

Илмий далил назарий тизимга киради ва икки муҳим хосса: ишончлилик ва бир вариантлиликка эга бўлади. Илмий далилнинг ишончлилиги шунда намоён бўладики, уни тадқиқотчилар томонидан турли даврларда ўтказиладиган янги экспериментлар ёрдамида олиш ва ифодалаш мумкин. Илмий далилнинг бир вариантлилиги у ўзининг ишончлилиги талқинларининг ранг-баранглигидан қатъи назар сақлаб қолади.

Фан далиллари умумлаштирилиши натижасида улар назария учун асос бўлиб хизмат қилади. Далилларни умумлаштиришнинг оддий шакллари – уларни таҳлил, синтез қилиш, типларга ажратиш, бирламчи тушунтириш схемаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар асосида амалга ошириладиган тизимга солиш ва таснифлашдир. Маълумки, жуда кўп илмий кашфиётлар олимларнинг далилларни тизимга солиш ва таснифлаш борасидаги фидокорона меҳнати натижасида юзага келган (масалан, Ч.Дарвин яратган турларнинг табиий танланиш йўли билан пайдо бўлиши назарияси, Д.И.Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий тизими).

Далиллар, уларни талқин қилувчи назария, таснифлаш методи мавжуд бўлган ва бошқа далилларга боғлаб, англаб етилган ҳолдагина, илмий аҳамият касб этади. Фақат ўзаро боғланган ва яхлит кўринишда далиллар назарий умумлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Алоҳида ва тасодифан, ҳаётдан ажратиб олинган далиллар бирон-бир нарса ёки ҳодисани асослашга қодир эмас. Нотўғри танлаб олинган далиллардан ҳар қандай назарияни тузиш мумкин, бироқ у ҳеч қандай илмий аҳамиятга эга бўлмайди.

Назарий билим даражаси ва унинг шакллари. Илмий далиллар назарияга нисбатан ҳам икки хил вазифани бажаради: мавжуд назарияга нисбатан илмий далил ё уни мустаҳкамлайди (верификация қилади), ё у билан тўқнашади ва унинг асоссизлигини кўрсатади (фальсификация қилади). Бироқ, бошқа томондан, назария эмпирик тадқиқот даражасида олинган илмий далиллар йиғиндисини шунчаки умумлаштиришгина эмас. Унинг ўзи янги илмий далиллар олиш манбаига айланади. Шундай қилиб, эмпирик ва назарий билим яхлит ҳодиса – илмий билим икки томонининг бирлиги ҳисобланади. Бу томонларнинг муайян илмий билиш жараёнидаги ўзаро алоқаси ва ҳаракати, уларнинг ўзаро нисбати назарий билимга хос бўлган шаклларнинг изчил қатори юзага келишини белгилаб бера-

ди. *Назарий билим муайян мақсадга йўналган илмий асосланган билим даражаси. Назарий билимнинг асосий шакллари: илмий муаммо, гипотеза, назария, тамойиллар, қонунлар, категориялар, парадигмалардир.*

Илмий муаммо. Ҳар қандай илмий билиш муаммодан бошланади. Умуман олганда, инсон билимининг ривожланиш жараёнини айрим муаммоларни қўйишдан уларни ечишга ўтиш, сўнгра янги муаммоларни қўйиш сифатида тавсифлаш мумкин. Бироқ муаммонинг ҳақиқий ўрни қандай? Илмий муаммолар нима учун юзага келади? Муаммонинг масаладан фарқи нимада? Илмий муаммолар доираси қандай?

Муаммо – билишнинг ривожланиш жараёнида объектив тарзда юзага келадиган, ечимини топиш муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган масала ёки масалалар мажмуидир. Шунингдек, муаммо, ҳал қилишни талаб этувчи назарий ёки амалий масала; фанда – бирон-бир ҳодисалар, объектлар, жараёнларни тушунтиришда қарама-қарши ёндашувлар кўринишида амал қилувчи ва уни ечиш учун мувофиқ назарияни талаб этувчи зиддиятли ҳолатдир.

Муаммони тўғри қўйиш уни муваффақиятли ечишнинг муҳим шартидир. Тўғри қўйилмаган муаммо ёки сохта муаммо ҳақиқий муаммоларни ечишдан чалғитади.

Муаммони қўйиш – илмий билиш жараёнининг дастлабки босқичи. Муаммони қўйишда, аввало, айрим ҳолатни масала сифатида англаб етиш, қолаверса, муаммонинг мазмунини аниқ тушуниш, маълум ва номаълум нарсаларни ажратган ҳолда уни таърифлаш лозим.

Илмий муаммолар предметга ёки процедурага доир бўлади. *Предметга доир муаммоларда ўрганилаётган объектлар, процедурага доир муаммоларда эса – билим олиш ва уни баҳолаш усуллари акс этади.* Ўз навбатида, предметга доир муаммоларнинг эмпирик ва концептуал, процедурага доир муаммоларнинг методологик ва баҳолаш каби турлари фарқланади.

Предметга доир муаммолар эмпирик муаммоларни ечиш учун материални соф назарий таҳлил қилиш билан бир қаторда, предметлар билан маълум амалларни бажариш лозим, ваҳоланки, концептуал муаммолар борлиққа бевосита мурожаат этишни талаб қилмайди. Предметга доир муаммолардан фарқли ўлароқ, *процедурага доир муаммолар доим концептуал хусусиятга эга бўлади*; процедурага доир муаммолар ўртасидаги фарқ шунда кўринадики, *методологик муаммолар нисбий мушоҳада кўринишида ечимга эга бўлиши мумкин эмас, баҳолаш билан боғлиқ муаммолар эса фанга мезон вазифасини бажарувчи кўрсаткичлар ва мўлжалларни олиб киради.*

Эмпирик муаммо аввало маълумотларни излашни назарда тутади; эмпирик муаммоларга кузатиш, эксперимент, ўлчаш каби илмий методлар ёрдамида жавоб топиш мумкин. Бундан ташқари, ечимини топиш учун асбоблар ясаш, реактивлар тайёрлаш ва ҳоказолар керак бўлган муаммо ҳам эмпирик ҳисобланади.

Концептуал муаммолар илгари олинган кўп сонли маълумотлар билан боғлиқ бўлиб, уларни тартибга солиш ва талқин қилиш, оқибатларни келтириб чиқариш ва гипотезаларни шакллантириш, мантиқий изчиллик талабларига мувофиқ қарама-қаршиликларни бартараф этишни назарда тутади.

Методологик муаммолар асосан тадқиқотни режалаштириш билан боғлиқ:

уларни ечиш йўли билан айрим келишувлар тузилади, муаммони ечиш, кузатиш ва экспериментлар ўтказиш тартиби аниқланади, мўлжалланаётган концептуал процедуралар белгиланади ва ҳоказо.

Баҳолаш билан боғлиқ муаммолар эмпирик маълумотлар, гипотезалар, назариялар ва шу кабиларни баҳолаш, ҳатто муаммонинг ўзи қай даражада тўғри тузилган ва таърифланганлигини баҳолашни назарда тутади. Муаммо тўғри қўйилган деб ҳисобланиши учун:

1) ўрганилаётган муаммонинг таркибига киритиш мумкин бўлган муайян илмий билим (маълумотлар, назария, методика) мавжуд бўлиши;

2) муаммо шаклан тўғри тузилган бўлиши;

3) муаммо ўринли бўлиши, яъни унинг асослари сохта бўлмаслиги;

4) муаммо муайян даражада чегараланган бўлиши;

5) ечимнинг мавжудлик шарти ва унинг ягоналиги кўрсатилган бўлиши;

6) мақбул ечим белгилари ҳамда ечимнинг мақбуллигини текшириш усуллари ҳақидаги шартлар қабул қилиниши лозим.

Шундай қилиб, пировард натижада барча илмий муаммолар ҳам ўз ечимини топавермайди: айрим муаммолар улар қўйилганидан кейин узоқ вақт мобайнида ечилмай қолаверади (масалан, Ферм теоремаси бир неча юз йиллар мобайнида ечилмай келган), айрим муаммолар ўз ечимини топмайди (масалан, айлана квадратураси, бурчак трисекцияси ва кубнинг иккиланмаси ҳақидаги масалалар), баъзи бир муаммолар эса, олимларнинг алмашаётган авлодлари диққат марказидан бутунлай йўқолади.

Илмий муаммо бошқа муаммолардан қуйидаги белгилари билан ажралиб туради:

– у олимни доим ҳақиқий билим олишга йўналтиради;

– янги билим олишга қараб мўлжал олади. Олим онгли равишда янгилик сари интилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, «дунёнинг биринчи материяси нима?» «объект нима?» «ҳаракат нима?» «ақл нима?» қабилидаги оламшумул муаммолар айрим фанларнинг чегараларинигина белгилаши мумкин, бироқ илмий-тадқиқотнинг дастлабки босқичи ҳисобланмайди.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳар қандай муаммо ҳам илмий бўлавермайди. Илмий муаммолар қолган турдаги муаммолардан шуниси билан ажралиб турадики, улар илмий асослар негизида қўйилади ва асосан илмий билимни кенгайтириш мақсадида илмий методлар ёрдамида ўрганилади.

Теран, самарали ечимини топадиган муаммоларни яратишнинг умумий методи мавжуд эмас. Шунга қарамай, фан тарихи кўпгина ҳолларда теран илмий ва самарали муаммолар қуйидаги тўрт мўлжални рўёбга чиқариш пайтида юзага келганлигидан далолат беради:

1) илгари қўйилган муаммоларнинг таклиф қилинаётган ечимларига, ҳатто бу ечимлар бир қарашда шак-шубҳасиз бўлиб кўринса ҳам, танқидий ёндашиш лозим; ҳар қандай ҳолатда ҳам айрим камчиликларни топиш ёки ҳеч бўлмаса топилган ечимни умумлаштириш айрим ҳолатга татбиқан муайянлаштириш мумкин;

2) янги ҳолатларга нисбатан маълум ечимларни татбиқ этиш, уларнинг яроқли

ёки яроқсизлигини баҳолаш лозим: агар муаммонинг ечими ўз кучини сақлаб қолса, бунинг натижасида нафақат ечимлар, балки муаммолар ҳам умумлаштирилади, агар ечим яроқсиз бўлса, муаммоларнинг янги мажмуи юзага келади;

3) муайян муаммоларни янги соҳаларга кўчириш ёки унга яна бир кўрсаткич киритиш йўли билан уларни умумлаштиришга ҳаракат қилиш лозим;

4) муаммонинг мавжудлигини билимнинг бошқа соҳаларидаги билимлар билан боғлаш, муаммоларни комплекс ўрганишга ҳаракат қилиш керак.

Умуман олганда, муаммоларни танлаш ижодий хусусиятга эга бўлиб, бу ерда методикадан ҳам кўра кўпроқ интуиция ва тажриба иш беради.

Илмий муаммо, дидактик тизим каби, билимлар ва фаолият усулларини ижодий ўзлаштириш қонуниятларига асосланади, у билиш ва амалий фаолият жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг самарали воситаларидан биридир.

Илмий муаммо билимларнинг изчиллиги, уларнинг фундаменталлиги ва ихтисослашувини уйғунлаштириш, турдош фанлар методларидан фойдаланиш, билимларни илмий умумлаштириш ва тизимга солиш кўникмаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўрганилаётган масалаларни танқидий таҳлил қилишни ўз ичига олади. У билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга даъват этади, янги муаммоларни мустақил қўйиш, уларнинг ечимларини излаш ва топишга қизиқишни кучайтиради. Айни вақтда, илмий муаммо зарур интеллектуал кескинликни вужудга келтиради, билиш жараёнидаги қийинчиликларни енгиш, ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантиради.

Бош вазифа – у ёки бу мавзуга мос келадиган муаммоларни топиш, фарқлаш ва аниқ таърифлашдир. Пухта ишлаб чиқилган ва тўғри таърифланган муаммо илмий ҳамда ижодий жиҳатдан диққатга сазовор бўлиши мумкин.

Илмий муаммо соф информатив хусусиятини йўқотади, тайёр билим беришдан иборат бўлмай қолади ва янги билим излаш, ҳақиқий ижодий билиш жараёнига айланади. Инсонга зарур билимлар ҳажми жадал суръатларда ошиб бораётган ҳозирги шароитда далилларнинг маълум йиғиндисини ўзлаштиришга қараб мўлжал олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўз билимларини мустақил тўлдириш, илмий ва сиёсий ахборотларнинг жўшқин оқимида мўлжал олиш кўникмасини шакллантириш муҳимдир. Бу тамойиллардан ҳозирги даврда инсон эга бўлган билимларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки унинг билимлари ижодий қобилияти ва ғоявий эътиқоди билан уйғунликда ҳар томонлама етук шахснинг бош мезонидир, деган хулоса келиб чиқади.

Муаммоли вазият ва унинг аҳамияти. *Мавжуд фаолият стратегиялари ва ўтмиш тажрибаси инсонга юзага келган қийинчиликни бартараф этиш имконини бермайдиган, мутлақо янги стратегияни яратиш талаб этиладиган вазият муаммоли вазият деб аталади*. Муаммоли вазият аниқланган далилларни мавжуд билим доирасида тушунтириш мумкин эмаслигини ифодаловчи вазиятдир. Илмий кашфиёт сари йўл муаммоли вазиятни аниқлашдан бошланади, уни таърифлашдан ўтади ва бу вазиятнинг ечимини топиш билан якунланади.

Муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши ҳар хил омиллар билан белгиланади. Аввало, у далилни асосланган хусусиятга эга бўлган мавжуд назарий билим ёрдамида тавсифлаш мумкин бўлмаган ҳолда юзага келади. Бу ерда муаммоли вазият

кўп жиҳатдан бизга ҳали аниқ бўлмаган объектив мавжуд ҳодисалар таъсирида юзага келади. Бироқ, муаммоли вазият баъзан мавжуд назарий дастурни ривожлантириш ва кенгайтириш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Муаммоли вазият шаклан субъектив, бироқ мазмунига кўра объективдир. Амалда у тадқиқотчи олдида кузатишлар ва экспериментларнинг эмпирик билимлар – далиллар ва қонунлар шаклида ифодаланувчи янги натижалари билан ўз тасдиғини топган назарий билимларнинг бирикуви кўринишида юзага келади. Кўпинча муаммоли вазият жамиятнинг амалий ёки назарий манфаатлари нуқтаи назаридан ўзини намоён этади. Уни моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиш жараёни, шу жумладан, фан назарияси ва амалиётининг ривожланиши, унга давлат ва жамиятнинг муносабати, давлат ва жамиятнинг уни ечишдан манфаатдорлиги тайёрлайди. Муаммоли вазиятнинг аниқланиши ва ҳал қилинишига ижтимоий-тарихий муҳит сезиларли таъсир кўрсатади. У илмий кашфиётга имконият яратиши, бироқ унинг олинишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин.

Муаммоли вазиятда олимнинг ўзига хос хусусиятлари, чунончи: унинг касбий тайёргарлик даражаси, муаммода мўлжал ола билиши, қотиб қолган эскича қарашлардан узоқлаша олиши, зеҳнининг ўткирлиги ва ҳоказолар айниқса, ёрқин намоён бўлади.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишда шахсий-психологик тусдаги масалаларни ҳам ўрганишга тўғри келади, чунки бу вазиятни олим ўз бошидан кечиради ва унда олимнинг интуицияси, тафаккур услуби ва ҳоказолар намоён бўлади.

Муаммоли вазиятнинг пировард негизи амалиёт ҳисобланади. Бизнинг объект ҳақидаги билимларимиз етарли эмаслиги аён бўлиб, «салбий» натижалар олинади, амалиёт янги муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунда, фан нисбатан мустақилликка, ўз ривожланишининг ички мантиғига, ўз ички қарама-қаршиликларига эга эканлиги, бу омиллар ҳам муаммоли вазиятларни юзага келтиришини унутмаслик лозим

Гипотеза – *янги далилларнинг моҳиятини тушунтирувчи қонун мавжудлиги ҳақидаги асосли тахминдир*. Гипотеза олимлар томонидан илмий муаммонинг қўйилишига сабаб бўлган илмий далилларни тахминий тушунтириш мақсадида илгари сурилади. Гипотеза текшириладиган бўлиши лозим, у эмпирик текшириш имконини берувчи оқибатларга олиб келади. Агар бундай текширишнинг иложи бўлмаса, гипотеза илмий жиҳатдан асоссиз ҳисобланади.

Гипотеза формал-мантиқий қарама-қаршиликлардан холи ва ички изчилликка эга бўлиши лозим. Гипотезани баҳолаш мезонларидан бири – унинг мумкин қадар кўпроқ илмий далилдан келиб чиқадиган оқибатларни тушунтириш қобилияти. Бироқ, илмий муаммони қўйиш билан боғлиқ далилларни тушунтирувчи гипотезани илмий жиҳатдан асосли деб бўлмайди.

Гипотеза илгари маълум бўлмаган нарсалар ва ҳодисаларни, эмпирик тадқиқот жараёнида ҳали аниқланмаган янги илмий далилларнинг пайдо бўлишини башорат қилади. Гипотеза мумкин қадар содда бўлиши лозим. У оз сонли асослар билан кўп сонли ҳодисаларни тушунтиради. Унда илмий далилларни ва гипотезанинг ўзидан келиб чиқадиган оқибатларни тушунтириш зарурати билан боғлиқ бўлмаган ортиқча фаразлар бўлмаслиги керак. Гипотеза қай даражада асосли бўлмасин, у назарияга айланмайди. Шу сабабли илмий билишнинг навбатдаги

босқичи – гипотезанинг ҳақиқийлигини асослаш серқирра жараён бўлиб, мазкур гипотезадан келиб чиқадиган оқибатларнинг мумкин қадар кўпроғи ўз тасдиғини топиши лозимлигини назарда тутади. Шу мақсадда кузатиш ва экспериментлар ўтказилади, олинган янги далиллар гипотезадан келиб чиқадиган оқибатлар билан таққосланади. Эмпирик даражада қанча кўп оқибатлар ўз тасдиғини топган бўлса, уларнинг бошқа гипотезадан келиб чиқиш эҳтимоли шунча кам бўлади. Гипотезанинг энг ишонарли тасдиғи – эмпирик тадқиқот жараёнида гипотезада башорат қилинган оқибатларни тасдиқловчи янги илмий далилларнинг аниқланишидир. Шундай қилиб, ҳар томонлама текширилган ва амалда ўз тасдиғини топган гипотеза назарияга айланади.

Назария – *ҳодисаларнинг муайян туркуми, бу туркумдаги ҳодисаларнинг моҳияти ва уларга нисбатан амал қиладиган борлиқ қонунлари ҳақидаги билимларнинг мантиқий асосланган ва амалиёт синовидан ўтган тизимидир.* У ўрганилаётган ҳодисаларнинг мазмунини ёритувчи табиат ва жамият умумий қонунларининг кафш этилиши натижасида шаклланади. Гипотеза борлиқнинг муайян бўлагини тушунтириш ёки талқин қилишга қаратилган ғоялар мажмуини ўз ичига олади. Назария таркибига эса унинг асослари сифатида мавжуд бўлган ва юзага келишини белгилаган барча элементлар киради. Дастлабки назарий негиз, яъни жамулжам ҳолда тадқиқот объекти ҳақида умумий тасаввурни, объектнинг идеал моделини ташкил этувчи кўп сонли тамойиллар, аксиомалар, қонунлар назариянинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Назарий модель айни вақтда асосий назарий тамойиллар тизимига таянувчи келгуси тадқиқотлар дастури ҳамдир.

Назария тушунтириш, башорат қилиш, амалда синаш ва синтез қилиш каби муҳим функцияларни бажаради. Назария илмий далиллар тизимини тартибга солади, уларни ўз таркибига киритади ва ўзини ташкил этувчи қонунлар ва тамойиллардан оқибатлар сифатида янги далилларни яратади. Пухта ишлаб чиқилган назария фанга маълум бўлмаган ҳодисалар ва хоссаларни башорат қилиш имкониятига эга бўлади. Назария одамлар амалий фаолиятининг негизи бўлиб хизмат қилади, уларга табиий ва ижтимоий ҳодисалар дунёсида йўл кўрсатади. Назарияда илмий ғоялар, яъни унда акс эттирилган объектлар туркуми доирасида амал қилувчи фундаментал қонуниятлар ҳақидаги билимлар марказий ўринни эгаллайди. Илмий ғоя мазкур назарияни ташкил этувчи қонунлар, тамойиллар ва тушунчаларни мантиқан изчил яхлит тизимга бирлаштиради.

Назария бошқа назарияларга кириш ва шу йўл билан уларни қайта қуриш қобилиятига эга. У ҳар хил назарияларнинг бирлашиши ва дунёнинг илмий манзараси ўзагини ташкил этувчи тизимга айланишини рағбатлантиради. Назария бутун бир даврнинг тафаккур услубини белгилашга қодир бўлган янги ғояларга замин яратади. Ўз шаклланиш жараёнида назария мавжуд тамойиллар, категориялар ва қонунлар тизимига таянади ва янги тамойиллар, категориялар ва қонунларни кашф этади.

Тамойиллар – *асосий назарий билим, илмий далилларни тушунтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилувчи устувор ғоялардир.* Тамойиллар сифатида, жумладан, исботлаб бўлмайдиган ва исбот талаб қилмайдиган аксиомалар, постулатлар амал қилиши мумкин.

Категориялар – *борлиқнинг энг муҳим томонлари, хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчалардир*. Фан категорияларига ҳам шундай таъриф бериш мумкин. Бироқ, умумий хусусиятга эга бўлган фалсафий категориялардан фарқли ўлароқ, фан категориялари бутун борлиқнинг эмас, балки борлиқнинг муайян парчаси хоссаларини акс эттиради.

Фан қонунлари ҳодисалар ўртасидаги зарур, муҳим, барқарор, такрорланувчи муносабатларни ёритади. Бу ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланиши қонунлари бўлиши мумкин. Табиат, жамият ва инсон тафаккури қонунларини билиш – фаннинг муҳим вазифаси. У ўрганилаётган ҳодисаларнинг тушунчалар ва категорияларда қайд этиладиган умумий ва муҳим томонларини ёритишдан уларнинг барқарор, такрорланувчи, муҳим ва зарур алоқаларини аниқлашга қадар бўлган йўлни босиб ўтади. Фан қонунлари ва категориялари тизими унинг парадигмасини ташкил этади.

Парадигма – *фан тарихининг муайян даврида унинг ривожланишини белгиловчи барқарор тамойиллар, умумий меъёрлар, қонунлар, назариялар ва методлар мажмуи.* У бутун илмий ҳамжамият томонидан фаннинг муайян даражасида юзага келувчи вазифаларни қўйиш ва ечиш усулларини белгилайдиган андоза сифатида тан олинади. Парадигма тадқиқотчилик фаолияти, илмий экспериментларнинг натижаларини талқин қилишга йўл кўрсатади, янги далиллар ва назарияларнинг башорат қилинишини таъминлайди. У ўзига мос келмайдиган концепцияларни инкор этади ва тадқиқотчилик вазифаларини ечиш учун андоза бўлиб хизмат қилади. Парадигма тушунчаси билиш назариясига америкалик файласуф Т.Кун томонидан киритилган. Унинг фикрича, «нормал фан»га тегишли илмий парадигмага таянган ҳолда муайян вазифаларни ечиш хосдир. Фан ривожланишидаги нормал даврлар инқилоблар билан алмашади. Улар эски парадигма доирасига сиғмайдиган ҳодисаларнинг кашф этилиши билан боғлиқ. Натижада фанда инқироз даври бошланади ва у эски парадигма сифатида ўз аҳамиятини йўқотиши ва янги парадигманинг юзага келиши билан якунланади. Янги парадигманинг қарор топиши фанда инқилоб ясалишига сабаб бўлади.

Мантиқий билиш даражаси ва унинг шакллари. Инсон ҳамиша нималар ҳақидадир ўйлайди. Ўйсиз ҳолат ҳам, психологлар фикрига кўра, амалда ҳеч бўлмаса ҳеч нарса ҳақида ўйламасликни ўйлаш ҳолатидир. Билишнинг диалектик йўли сезги аъзолари орқали билиш, далилларни аниқлашдан мантиқий тафаккур сари олиб боради. *Тафаккур – бу инсоннинг нарсалар муҳим хоссалари ва муносабатларини изчил, билвосита ва умумий акс эттиришидир*. Ижодий тафаккурлаш амалиёт, фан, техникада янги натижалар олишга қаратилади. Тафаккурлаш – муаммолар қўйиш ва уларни ечишга қаратилган фаол жараён. Тиришқоқлик – фикрлаётган одамнинг муҳим белгиси. Сезгидан фикрга ўтиш замирида билиш объектининг ички ва ташқи моҳиятнинг ифодаси, айрим ва умумийга бўлиниши ётади. Зотан, илмий ва фалсафий билим фақат сезги ва тасаввурлардан иборат эмас: *сезги идроки нақадар гўзал бўлмасин, мазмунан қашшоқдир – у нарсанинг моҳиятини ёритмайди.*

Нарсалардаги умумийлик – аввало, муҳим хоссалар ва муносабатлар мажмуидир. Маълумки, улар айрим предмет каби аниқ кўриниб турмайди, уларни бевосита идрок этиш мумкин эмас. Нарса, ҳодисаларнинг ташқи томони асосан амалда

кузатиш, эмпирик билиш йўли билан, нарсаларнинг моҳияти, умумий жиҳатлари эса – тушунчалар, мантиқий фикрлаш ёрдамида аниқланади. Фикрлашда, тушунчаларда нарсалар билан бевосита алоқа мавжуд бўлмайди. Биз идрок этишга қодир бўлмаган нарсаларни ҳам тушунишимиз мумкин.

Махсус тузилишга эга бўлган оз сонли сезги аъзоларимиз шунинг учун ҳам билишнинг мутлақ чегараларини ўрнатмайдики, уларга назарий тафаккур фаолияти қўшилади. Инсон фикри ҳодисаларнинг ташқи қобиғидан ўтиб, объектнинг ичига киради. Сезги даражасида аниқланган маълумотлар ва эмпирик тажрибадан келиб чиқиб, тафаккур сезги аъзоларининг кўрсатмаларини мазкур индивид миясида мавжуд барча билимлар, бундан ташқари, инсониятнинг умумий тажрибаси, билимларига, улар мазкур одамнинг бойлигига айланган даражада фаол солиштириши ва ҳодисалар орқали янада теранроқ моҳиятни англаб, амалий ва назарий муаммоларни ечиши мумкин.

Мантиқий тафаккур – *тафаккур қоидалари, қонунлари ва тамойилларига мувофиқ бир ҳақиқатдан бошқа, янада теранроқ ҳақиқатга интилишдир.* Тафаккур қоидалари, қонунлари фан сифатидаги мантиқнинг мазмунини ташкил этади. Бу қоидалар ва қонунлар тафаккурга ичдан хосдир. Мантиқий қонунлар – нарсаларнинг объектив муносабатларини амалиёт асосида умумлаштиришдир. Демак, инсон тафаккурининг баркамоллик даражаси унинг мазмуни объектив борлиқ мазмунига қай даражада мувофиқлиги билан белгиланади. Бизнинг ақлимиз амалий ҳаракатлар мантиғи ва маънавий маданият тизимида акс этган нарсалар мантиғига бўйсунади. Тафаккур жараёни амалда нафақат айрим шахс миясида, балки бутун маданият тарихида шаклланади. Асосий қоидалар тўғри бўлган ҳолда фикрнинг мантиқийлиги унинг тафаккурда, тушунчалар ҳаракатида акс этишида намоён бўлади. Инсон теран фикр юритишида, мантиқ қонунларига бўйсунади, унинг бирон-бир тамойилини бузмайди.

Ҳозирги замон фани ва техникаси қаршисида кўндаланг бўлган муаммоларнинг мураккаблиги мантиқни фаол ривожлантириш, тафаккурнинг мантиқий аппаратини, айниқса, кибернетика техникасининг ривожланган талаблари билан мувофиқ ҳолатга келтиришни талаб қилди. Бу муҳим эҳтиёж мантиқда янги йўналишлар – кўп маъноли, эҳтимол тутилган ва бошқа мантиқий фанларнинг пайдо бўлишини белгилаб берди, формал мантиқни математика билан яқинлаштирди ва математик мантиқ юзага келишига сабаб бўлди.

Объектив борлиқ жараёнларининг алоқаси, уларнинг ривожланиши ўзига хос «нарсалар мантиғи», объектив мантиқни ташкил этади. Бу мантиқ бизнинг тафаккуримизда тушунчалар алоқаси кўринишида акс этади – бу субъект тафаккури мантиғи. Фикрларимизнинг мантиқийлиги шу билан белгиланадики, биз нарсаларни улар амалда қандай боғланган бўлса, шундай боғлаймиз. Ҳамонки борлиқ диалектика қонунларига бўйсунар экан, инсон тафаккурининг мантиғи ҳам шу қонунларга бўйсуниши лозим.

Тафаккур ва борлиқнинг бирлиги. Тафаккур билан борлиқ ўртасида бирлик мавжуд. Тафаккур ва борлиқнинг бирлиги замирида мантиқий шакллар ва тафаккур қонунларини шакллантирувчи ижтимоий амалиёт ётади. Дунё ривожланишининг объектив умумий қонуниятларидан мантиқий қонуниятларнинг фарқи шундаки, инсон мантиқий қонуниятларни онгли равишда қўллаши мум-

кин, табиатда эса дунёнинг ривожланиш қонуниятлари ўзига онгсиз тарзда йўл очади.

Инсон ўзини қуршаган дунё ҳақидаги барча билимларни пировард натижада сезги аъзолари орқали олади. Бироқ улар айрим сохта ғоялар, масалан, Ернинг ясси тузилиши, Қуёш Ер атрофида айланиши каби ғоялар манбаи ҳамдир. Бу кўпинча сезги аъзоларининг маълумотларига ишончсизлик уйғотган, рационалистлар бу аъзоларнинг билишдаги ролини камситиши ва билишда асосий ролни тафаккур ўйнашини қайд этишига сабаб бўлади. Бироқ, эмпириклар бу фикрга эътироз билдириб, билишда хатоларга кўпроқ тафаккур йўл қўйганини қайд этадилар. Уларнинг фикрича, ҳайвон табиат йўлларидан четга чиқа олмайди: унинг мотивлари замирида сезги аъзолари орқали идрок этиладиган нарсалар ётади. Ҳайвонлар ҳеч нарсани ўйлаб топмайди ва шунинг учун ҳам улар ақлсизлик ҳолатига тушмайди. Инсон эса ҳар хил хом хаёллар қурбони бўлади.

Сезги даражасида билишнинг ролини мутлақлаштирадиган ва мавҳум назарий тафаккурга ишонмайдиган эмпиризм илмий билишнинг ривожланишига монелик қилади. Мутахассислар фикрича, қадимги математиклар, файласуфлар, пифагорчилар, математикага иррационал, баъзан – каср сонларининг киритилишига қарши чиққанлар, ўз фикрларини бу сонларнинг ноаниқлиги билан исботлашга ҳаракат қилганлар. Бундай фикрлар юнонларни алгебрани фан сифатида инкор этишга мажбур қилган, бу эса математиканинг аналитик методлари Уйғониш даврига қадар замондан орқада қолишининг сабабларидан бири бўлган. Қадимги мутафаккирлар сезгида бўлмаган нарса тафаккурда ҳам бўлмайди деб қайд этган. Тафаккур жараёни моделлар, схемалар, табиий, сунъий тил ва ҳоказолар кўринишидаги сезги унсурларига таянмай иш кўра олмайди.

Тафаккурнинг асосий шакллари. Тафаккур жараёнининг оқилона мазмуни тарихий ривожланиш жараёнида яратилган мантиқий шакллар қобиғига ўралади. Тафаккур ўзининг асосий шакллари – тушунчалар, мулоҳазалар ва хулосалар кўринишида юзага келган, ривожланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Тушунча – *нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хосса ва алоқалари акс этувчи фикр.* Тушунча – тафаккур, тушуниш фаолиятининг маҳсули. Улар нафақат нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий жиҳатларини акс эттиради, балки уларни бир-биридан ажратади, улар ўртасида мавжуд фарқларга қараб уларни гуруҳлайди, таснифлайди. Бундан ташқари, биз бирор нарса ҳақида тушунчага эга эканлигимизни таъкидлар эканмиз, бунда мазкур объектнинг моҳиятини тушунишимизни назарда тутамиз. Масалан, «инсон» тушунчаси нафақат муҳим умумий, яъни барча одамларга хос бўлган жиҳатни, балки ҳар қандай одамнинг бошқа ҳар қандай нарсалардан фарқини ҳам акс эттиради, мазкур одамнинг моҳиятини тушуниш эса, умуман инсоннинг моҳияти, яъни инсон ҳақидаги тушунчанинг мазмунини билишни назарда тутади: «Инсон – ақл, сўзлашиш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган биоижтимоий мавжудот».

Сезги, идрок ва тасаввурлардан фарқли ўлароқ, тушунчалар кўргазмалилик ёки ҳиссийликдан холидир. Идрок дарахтларни, тушунча – умуман дарахтни акс эттиради. Тушунчанинг мазмунини кўпинча аниқ образ кўринишида тасаввур қилиш мумкин эмас. Инсон, масалан, яхши одамни тасаввур қилиши мумкин, бироқ у яхшилик, ёмонлик, гўзаллик, қонун, ёруғлик тезлиги, сабаб, қиймат

каби тушунчалар ва жараёнларни сезги образи кўринишида тасаввур қила олмайди. Ҳар қандай фаннинг барча тушунчалари ҳақида шу фикрни айтиш мумкин. Уларнинг объектив таърифи кўргазмалилик чегараларидан ташқарида билвосита аниқланади.

Тушунча муҳим жиҳатлар ва хоссаларни аниқлайди ва уларни ўзида мужассамлаштиради: тушунча моҳиятнинг фикрда ифодаланган образидир. Шунинг учун ҳам оз сонли тушунчалар сон-саноқсиз нарсалар – хоссалар ва муносабатларни қамраб олади. Тушунчалар турли даврларда мазмунан ҳар хил бўлган. Улар айни бир инсон ривожланишининг турли даражаларида ҳар хилдир. Ҳақиқий илмий тафаккур маданияти бирон-бир тушунчани аниқ таърифсиз қолдирмасликни ўзи учун қоида деб билади. Буюк мутафаккир Суқрот тушунчаларни мантиқий жиҳатдан аниқ таърифлаш ҳақиқий билимнинг бош шартидир, деган эди. Тушунчалар инсон онгида маълум боғланишда, мулоҳазалар кўринишида юзага келади ва мавжуд бўлади. Тафаккур – бирор нарса ҳақида ҳукм чиқариш, нарсанинг турли томонлари ўртасидаги ёки нарсалар ўртасидаги муайян алоқалар ва муносабатларни аниқлаш демакдир.

Мулоҳаза – *фикрнинг шундай бир шаклики, унда тушунчаларни боғлаш йўли билан бирор нарса ҳақидаги бирон-бир фикр тасдиқланади ёки рад этилади.* Масалан, «Терак – ўсимлик» деган шундай бир мулоҳазаки, унда терак ҳақида унинг ўсимлик эканлиги хусусида фикр билдирилади. Тасдиқлаш ёки рад этиш, сохталик ёки ҳақиқийлик, шунингдек, эҳтимол тутилган нарсалар бор жойда биз мулоҳазаларга дуч келамиз.

Агар бизнинг онгимизда фақат тасаввурлар, ўз ҳолича тушунчалар мавжуд бўлган ва улар бир-бири билан мантиқан боғланмаганида, тафаккур жараёни ҳам бўлмас эди. Маълумки, сўзнинг ҳаёти фақат нутқда, гапдагина ҳақиқийдир. Худди шунингдек, тушунчалар ҳам фақат контекстда «яшайди». Айрим тушунча сунъий «препарат», масалан, организмдан ажратиб олинган ҳужайра билан баробар. Тафаккур – бирор нарса ҳақида хулоса чиқариш демак. Бунда биз мулоҳаза кўринишида ифодалай олмайдиган тушунча биз учун мантиқий маънога эга бўлмайди.

Мулоҳаза (ёки мулоҳазалар) – кенг маънода ифодаланган тушунча, тушунчанинг ўзи эса – торайтирилган мулоҳаза (ёки мулоҳазалар), деб айтиш мумкин. Нима юксакроқ – тушунчами ёки мулоҳаза, деган масала атрофидаги баҳслар схоластик, шунинг учун ҳам бесамардир.

Фикрнинг бевосита, моддийлаштирилган ифодаси бўлган гап мулоҳазани ифодалашнинг оғзаки шаклидир. Ҳар қандай мулоҳаза субъектнинг предикат, яъни тавсифланаётган нарса ёки ҳодиса билан бирикувидир. Шу сабабли мулоҳазаларнинг мантиқда кўрилмайдиган турлари субъект, предикат ва улар ўртасидаги алоқанинг эҳтимол тутилган модификациялари билан боғлиқ. Биз: «Олов куйдиради», деймиз. Бу – мантиқан субъект предикат билан боғланган ҳукм. Оловни ҳам, куйишни ҳам сезиш мумкин, бироқ улар ўртасидаги алоқани фикримиз англайди.

Субъектнинг ўзгаришига қараб мулоҳазалар, масалан, шахссиз бўлиши мумкин: «Тонг отяпти», «Кайфият йўқ». Якка, айрим ва умумий мулоҳазалар фарқланади: «Ньютон тортилиш қонунини кашф этган», «Айрим одамлар ёвуз

ниятли бўлади», «Суяк – фаол тўқималардан бири». Мулоҳазалар тасдиқловчи ва инкор этувчи бўлади: «Тана кучни ўсимлик шарбатларидан олади», «Сайёралар юлдузлар эмас».

Инсон у ёки бу мулоҳазага бирон-бир далилни бевосита кузатиш орқали ёки билвосита йўл билан – хулоса чиқариш ёрдамида келиши мумкин.

Тафаккур фақат мулоҳаза юритиш эмас. Тафаккур жараёнида амалда тушунчалар ва мулоҳазалар алоҳида ўрин тўтмайди. Улар ақлнинг янада мураккаброқ ҳаракатлари занжири – мушоҳаданинг бўғинлари ҳисобланади.

Хулоса – мушоҳаданинг нисбатан тугалланган бирлиги. Мушоҳада юритиш жараёнида мавжуд мулоҳазалардан янги мулоҳаза – хулоса чиқарилади. *Хулоса чиқариш тафаккурнинг шундай бир амалики, унда айрим фикрларни таққослаш йўли билан янги мулоҳаза яратилади.*

Инсон нарсаларнинг, хоссалари ва муносабатларини теран билиш орқали вақти вақти билан ҳозирги замон чегараларидан ўтиб, сирли келажакка назар ташлаши, ҳали маълум бўлмаган нарсаларни олдиндан кўриши, юз бериши эҳтимол тутилган ва муқаррар бўлган воқеаларни башорат қилиши мумкин.

Башорат қилиш *«мураккаб нарсани оддий нарсага айлантириш»нинг олий даражасини ташкил этади.* Илмий билим тараққиёти илмий башорат кучининг ўсиши ва мазкур ҳодиса чегараларининг кенгайиши билан боғлиқ. Башорат қилиш жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш имконини беради. Илмий билиш нафақат келажакни башорат қилиш, балки бу келажакни онгли равишда шакллантириш учун имконият яратади. Ҳар қандай фаннинг ҳаёт мазмунини шундай тавсифлаш мумкин: башорат қилиш учун билиш, иш кўриш учун башорат қилиш керак. Масалан, Д.И.Менделеев юз йил кейин кашф этилган кимёвий элементларнинг мавжудлигини башорат қилган эди.

Интуиция – *ҳақиқатни мантиқий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб етиш қобилиятидир*. У доим инсон ақли ва жони биргаликда амалга оширган катта иш маҳсули ҳисобланади. Шу маънода фақат истеъдодли, меҳнаткаш ва тиришқоқ одамларгина интуитив билишга қодир.

Интуиция муаммоси фалсафа ва табиатшунослик тарихида ҳар хил, баъзан бир-бирини истисно этувчи ёндашувлар, нуқтаи назарлар ва тасаввурлар билан тавсифланади. Антик фалсафадаёқ бу муаммо атрофида кескин баҳслар бўлган. Иония фалсафаси намояндалари интуицияга бевосита билим, сезги аъзолари орқали билиш шакли деб қараган бўлсалар, элей мактаби вакиллари, шунингдек, Левкипп ва Демокрит бевосита билим ва сезги аъзолари орқали билишни рад этганлар, сезгиларни сохта деб эълон қилганлар. Суқрот талқинида интуиция «даймоний» ёки «предмет ғоясига эгалик»дир. Платон ҳам ҳиссий билишни ҳақиқат эмас деб ҳисоблаган.

Янги даврда Декарт, Спиноза, Лейбниц интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимотни яратди. Декарт интуиция деганда сезгиларнинг омонат гувоҳлиги ва тартибсиз хаёлнинг алдамчи мулоҳазасига бўлган ишончни эмас, балки теран ва зеҳнли ақлни тушунади. Спиноза интуицияни нарсаларнинг моҳиятини қамраб олувчи энг ишончли билиш деб ҳисоблайди. Сенсуалистлар сезги даражасидаги интуицияни тарғиб қилади ва сезги аъзолари орқали бевосита билишни биринчи ўринга қўяди. Ж.Локк фикрига кўра, ақл – сезги аъзолари фаолияти-

нинг ҳақиқий натижаларини узлуксиз қайд этувчи кўзгу, холос. Билишнинг бу томонини рад этиб бўлмайди: ақл шу томонга ўз эътиборини қаратгани заҳоти у, худди қуёшнинг ёрқин нурлари каби, ўзини бевосита идрок этишга мажбур қилади. Иккиланиш, шубҳаланиш, ўрганишга ҳеч қандай ўрин қолмайди: ақл шу заҳоти унинг ёрқин нурлари билан тўлади, исботлаш ёки ўрганишга муҳтож бўлмайди, бироқ ҳақиқатни фақат унга ўз эътибори қаратилганлиги туфайли идрок этади.

Муаммони ўрганишга немис классик фалсафаси муҳим ҳисса қўшди. Кант интеллектуал интуиция қобилиятини инкор этиб, соф аперцепция ғоясини илгари суради. Бироқ кейинчалик Фихте Кантнинг соф аперцепцияси амалда интеллектуал интуициянинг ўзи эканлигини, у Декарт, Спиноза ва Лейбницнинг амалда мавжуд нарсаларни билиш қобилияти сифатида қаралган интеллектуал интуициясидан Кантда интуиция фаолиятни билишга қаратилганлиги билан фарқ қилишини кўрсатди. Фихтенинг ўзи интеллектуал интуицияни амалда мавжуд нарсаларни эмас, балки мутлақ нарсалар фаолиятини билиш сифатида тушунади. Шеллинг Кант-Фихте йўналишини ривожлантириб, уларнинг таълимотини ўзининг трансцендентал идеализми – «субстанцияни билиш учун» ўз натурфалсафаси билан тўлдиради, эстетик тасаввурни биринчи ўринга қўяди. Ўтмиш рационалистларидан фарқли ўлароқ, у интуициянинг сабабларини идрок эмас, балки ақл фаолиятидан қидиради.

Гегель ўз ўтмишдошларининг интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимотларига танқидий ёндашиб, билиш мантиғи, назарияси сифатида диалектикани ишлаб чиқади. У фалсафани тафаккур фанига айлантиради, унинг соф тафаккурга асосланган мантиқий оқилона тизимини яратади, шу сабабли унинг таълимотида интеллектуал интуиция ўрнини диалектика эгаллайди.

XX аср бошида ҳар хил мактаблар: жумладан, Гуссерлнинг феноменологик интуиция (редукция), Бергсоннинг интуитивизм, Фрейднинг онг ости интуицияси ва бошқа йўналишлар юзага келди. Бу мактаблар интуицияни билишнинг инстинкт, онг ости ҳодисаси, диний эътиқод ва ҳоказоларни ўзида уйғунлаштирган иррационал ҳаракати сифатида тушунади. Бу йўналишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар дунёни илмий билишда ақлнинг, тушунчалар воситасида тафаккурнинг ролини камситади. Тафаккур ўрнига предметни кераксиз рационалистик мулоҳазаларсиз «асл ҳолича» қамраб олиш имконини берувчи интуиция қўйилади.

Бугунги кунда иррационализм ғояларини экзистенциализм, неопозитивизм ва ҳозирги замон фалсафасининг айрим бошқа йўналишлари ривожлантирмоқда. Масалан, экзистенциалист Хайдеггер фикрига кўра, «экзистенция»ни мантиқий тушуниш мумкин эмас. Ясперс ижодида эътиқод, интуитив тарзда қараладиган мистик «ваҳий» биринчи ўринга қўйилади. Марсель «абстракциялар руҳи»га қарши аёвсиз курашни тарғиб қилади. Инглизлар Росс, Мур, Ричард моддий нарсаларни билишнинг сезги ва ақл даражаларини четлаб ўтиб, қандайдир мистик интуиция ёрдамида, бевосита билиш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, ўтмишда файласуфлар интуиция деганда инсоннинг ҳақиқий борлиқни билиш қобилиятини тушунган, уларнинг айримлари (Спиноза) интуи-

цияга ақлнинг олий кўриниши сифатида ёндашган бўлсалар, ҳозирги интуитивистлар ақлнинг, тафаккурнинг ролини камситадилар ёки инкор этадилар, алогизм ва мистик иррационализмни тарғиб қиладилар.

Мантиқ сифатида тушуниладиган диалектика интуициянинг шаклланиши ва унинг натижаларига танқидий ёндашилишига имконият яратади. Гарчи интуиция дедуктив назариянинг муҳим бўғинларини кўрсатиб берса-да, у бизни уларни исботлаш заруриятидан халос этмайди. Бевосита, кутилмаган ва англаб етилмаган билим сифатида интуиция қуруқ жойда эмас, балки вазифаларни ечиш, ечимни «интуитив» топишни белгилайдиган муайян асослар мавжуд бўлган ҳолда юзага келади. Бироқ интуиция натижаларини билимнинг тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлган соҳаларида текшириш лозим. Масалан, математика ва физикада олинган натижаларни фақат тажриба ўтказиш йўли билан текшириш мумкин.

Инсон руҳияти ҳиссий, оқилона ва эйдетик билимнинг янги шаклларини яратиш узлуксиз жараёни сифатида амал қилади. Инглиз олими Г.Уоллес маънавий ижод жараёнларининг тайёргарлик, етилиш, англаш ва текширишнинг босқичларини қайд этган, жумладан, ижоднинг муҳим босқичи – янгиликни интуитив англаш, тушуниб етиш. Интуиция – кутилмаганда бевосита олинган билимдир.

Ҳиссий, эмпирик ва назарий билиш бирлиги. Кўп сонли маълумотлар сезги аъзолари орқали ва оқилона билиш нафақат бир-бири билан боғлиқ, балки бир-бирини тақозо этишидан далолат беради. Инсон руҳияти бир-бирини белгилашнинг кўп сонли занжирларига эга бўлган мураккаб тизимидир. Шу сабабли, сезгининг мазмуни нафақат ташқи таъсирлантирувчи куч, балки тафаккур, хотира, хаёлнинг ҳолати билан ҳам белгиланади. Сезиш ва тафаккур мумкин бўлган нарсалар ўзаро муштаракдир.

Айтайлик, бизни – сариқ, юмалоқ ва ширин «олма»нинг руҳий образи қизиқтиради. Бу ерда уч тушунча: ранг тушунчаси, геометрик шакл тушунчаси ва таъм тушунчаси аниқ-равшан кўриниб турибди. Ранг тушунчаси ҳар хил рангларни қамраб олади, бироқ айни ҳолда уларнинг орасида фақат сариқ ранг мавжуд. Таъм тушунчаси айни ҳолда «ширин» тушунчаси билан ифодаланган. Олманинг руҳий образи кўп сонли тушунчалар ва уларнинг сезги даражасида аниқлаш мумкин бўлган кўрсаткичларининг кесишуви сифатида амал қилади.

Агар тушунчаларни чизиқлар, сезги шаклларини – нуқталар билан ифодаласак, ҳар қандай объектнинг руҳий образи чизиқлар ва нуқталарнинг кесишиш маркази сифатида амал қилади.

Билишнинг сезиш ва тафаккур шакллари кесишиш нуқтасида яхлит бир бутун нарсани ҳосил қилади. «Бу олма»нинг яхлит руҳий образи сифатида «олма» тушунчаси билан олма ҳақидаги тасаввурнинг синтези амал қилади. Олма тушунчаси айнан «шу» олманинг яхлит руҳий образи эмас. Олма ҳақидаги тасаввур олма образини яратмайди. Фақат биргаликда, бир-бири билан чатишган ҳолда олма тушунчаси ва олма ҳақидаги тасаввур «бу олма»нинг яхлит руҳий образини яратади.

Сезги аъзолари орқали ва оқилона билишнинг бирлигини ифодалаш учун алоҳида атама керак. Антик фалсафа ва адабиётда қўлланилган «эйдос» атама-

си, бизнингча, сезги аъзолари орқали ва оқилона билишнинг бирлигини ифодалаш учун энг қулай ва аниқ атамадир. Эйдос «кўриниш, образ» деган маънони англатади. Антик фалсафада эйдос деганда кўпинча тафаккур ва кўриш мумкин бўлган нарсалар тушунилган. «Эйдос» атамаси одатда сезги аъзолари орқали ва ақл билан билиш мумкин бўлган нарсалар тўғрисида сўз юритилган ҳолларда қўлланилади.

Билиш нафақат сезиш ва англаш мумкин бўлган нарсалар, балки эйдослардан ҳам иборат. Ҳодисанинг энг яхлит руҳий образи эйдосдир.

Билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини фарқлаш мезонлари. Назарий ва эмпирик нарсалар ва ҳодисалар муаммоси хусусида жуда кўп методологик адабиётлар мавжуд. Билишнинг бу даражаларида XX асрнинг 30-йилларида позитивизм таълимотида фан тилини таҳлил қилиш натижасида эмпирик ва назарий атамалар маъносидаги фарқлар аниқланган. Бу фарқ тадқиқот воситаларига ҳам тааллуқли. Бироқ, бундан ташқари, тадқиқот предметининг хусусияти ва уни ўрганиш методларининг ҳар хиллигини эътиборга олиб, илмий билишнинг икки даражасини ҳам фарқлаш мумкин. Бу фарқларни муфассалроқ кўриб чиқамиз. Назарий ва эмпирик тадқиқот воситаларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади.

Эмпирик тадқиқот замирида тадқиқотчининг ўрганилаётган объект билан амалда бевосита алоқа қилиши ётади. У кузатишларни амалга ошириш ва эксперимент ўтказишни назарда тутади. Шу сабабли эмпирик тадқиқот амалда кузатиш ва экспериментда асбоблар, мосламалар ва бошқа воситаларни ўз ичига олади.

Назарий ўрганишда тадқиқотчи объектлар билан амалда бевосита алоқа қилмайди. Бу даражада объект фақат билвосита, амалда эмас, балки тафаккур йўли билан амалга ошириладиган экспериментда ўрганилиши мумкин.

Экспериментлар ва кузатишларни ташкил этиш билан боғлиқ воситалардан ташқари, эмпирик тадқиқотда тушунчалар аппаратидан ҳам фойдаланилади. Тушунчалар, бу ерда кўпинча, фаннинг эмпирик тили деб аталадиган алоҳида тил сифатида амал қилади. Бу тил анча мураккаб тузилишга эга бўлиб, унда эмпирик атамалар ва назарий тил атамалари ўзаро таъсирга киришади.

Эмпирик атамалар эмпирик объектлар деб номлаш мумкин бўлган алоҳида абстракцияларни англатади. Уларни борлиқ объектларидан фарқлаш лозим. Эмпирик объектлар – бу амалда нарсалар хоссалари ва муносабатларининг айрим тўпламига эга бўлган абстракциялардир. Борлиқ объектлари эмпирик билишда аниқ қайд этилган ва чекланган белгилар тўпламига эга бўлган идеал объектлар образида намоён бўлади.

Назарий билишга келсак, унда бошқа тадқиқот воситалари қўлланилади. Бу ерда ўрганилаётган объект билан моддий, амалий ўзаро таъсирга киришиш воситалари мавжуд эмас. Бироқ назарий тадқиқот тили ҳам эмпирик тавсифлар тилидан фарқ қилади. Унинг негизи сифатида назарий идеал объектларни англатувчи назарий атамалар амал қилади. Улар, шунингдек, идеаллаштирилган объектлар, мавҳум объектлар ёки назарий конструктлар деб ҳам аталади. Улар борлиқнинг мантиқий реконструкциялари ҳисобланадиган алоҳида абстракциялардир. Бирорта ҳам назария бундай объектлар ёрдамисиз яратилмайди.

Билишнинг эмпирик ва назарий даражалари нафақат тадқиқот фаолиятининг воситалари, балки методларига кўра ҳам фарқ қилади. Эмпирик даражада асосий методлар сифатида амалда эксперимент ўтказиш ва кузатишдан фойдаланилади. Бу ерда ўрганилаётган ҳодисаларни объектив тавсифлашга қаратилган эмпирик тавсифлаш методлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Назарий даражада билишга келсак, бу ерда алоҳида методлар, чунончи: идеаллаштириш (идеаллаштирилган объектни яратиш методи); идеаллаштирилган объектлар билан назарий эксперимент ўтказиш; назарияни яратишнинг алоҳида методлари (мавҳумдан муайянга юксалиш, аксиоматик ва гипотетик-дедуктив методлар); мантиқий ва тарихий ўрганиш методлари ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Методлар ва воситаларнинг бу ўзига хос хусусиятлари эмпирик ва назарий ўрганиш предметининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Бу даражаларнинг ҳар бирида тадқиқотчи айни бир объектив борлиқ билан иш кўриши мумкин, бироқ у мазкур борлиқни ҳар хил нуқтаи назардан ўрганади, шу сабабли унинг билимлардаги ифодаси ҳар хил кўринишга эга бўлади.

Шундай қилиб, эмпирик ва назарий билимлар бир-биридан предмети, тадқиқот воситалари ва методларига кўра фарқ қилади. Бироқ, уларнинг ҳар бирини фарқлаш ва алоҳида кўриб чиқиш абстракциядан иборат. Амалда билимнинг бу икки қатлами доимо ўзаро алоқа қилади.

Хулосалар. Инсон билимининг жадал суръатларда ривожланиши ижод қилишни ўрганиш вазифасини қўяди. Ижодий фаолият ҳамда таълим методларини ўрганиш ҳақидаги фан, эвристика деб аталади. Илмий даврлардаги суҳбатлар, фикрлар алмашинуви, мунозаралар, муаммоли вазиятлар таҳлили – шахснинг маънавий, ижодий қобилияти ривожланишига кўмаклашади.

Интуиция ва ижодни формал мантиқ воситалари ёрдамида тавсифлаш мумкин эмас, бироқ эвристик методлар орқали субъектнинг истеъдоди, хотираси, зеҳни, тасаввурини сафарбар этишни талаб қилувчи янгилик устида изланишлар олиб борилади.

Индуктив тафаккур – ҳодисаларнинг бир қисмини ўрганиш орқали олинган билимни ҳодисаларнинг бутун туркумига нисбатан татбиқ этиш эвристик усул ҳисобланади. Ўхшашлик бўйича тафаккур ҳам эвристик мушоҳада юритишнинг ҳақиқатга эришишни кафолатламайдиган, бироқ оддий фараз ҳам ҳисобланмайдиган усулидир. Математик моделлаштириш ҳам эвристик усул ҳисобланади. Фаннинг барча тамойиллари эвристик мазмунга эга. Масалан, физикада мувофиқлик принципидан фойдаланилади: эски ва янги назария ўртасида мувофиқлик бўлиши керак, янги назариянинг математик аппарати маълум даражада эски назарияга мос келиши лозим. Фалсафа эвристик хусусиятга эга, шу сабабли юксак чўққиларни эгаллаш интуиция ва ижодни англаб етишнинг таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Сезги, идрок, хотира, хаёл, тасаввур, эмпирик билим, кузатиш, эксперимент, илмий далил, назарий билим, муаммо, илмий муаммо, муаммоли вазият, гипо-

теза, назария, категория, парадигма, тафаккур, мантиқий тафаккур, тушунча, мулоҳаза, хулоса, интуиция, эвристика, индуктив тафаккур.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Сезги аъзолари орқали билишнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
2. Сезги даражасида билиш эмпирик ва оқилона билишдан нима билан фарқ қилади?
3. Эмпирик билимнинг қандай шакллари бор?
4. Оқилона билим шаклларини айтинг.
5. Сезги даражасида ва оқилона билишнинг бирлиги мавжудми?
6. Эмпирик ва назарий билишни фарқлаш мезонларини кўрсатинг.
7. Интуиция нима?

Реферат мавзулари

1. Билиш даражаларининг ўзаро алоқадорлиги.
2. Ҳиссий ва эмпирик билимнинг фарқи ва алоқадорлиги.
3. Далилларнинг илмий билишдаги роли.
4. Муаммо ва муаммоли вазият назарий билиш шакли.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. «Сезмайдиган одам ҳеч нарсани билмайди ва тушунмайди» деган фикр қайси файласуфга тегишли?

А. Аристотель Б. Форобий

В. Платон Г. Ибн Сино

2. Билишнинг қайси шакли сифатларни бирламчи ва иккиламчига механик тарзда ажратишга қарши йўналган?

А. Сезги Б. Хаёл

В. Хотира Г. Тасаввур

3. Билиш жараёнини, инсон онгини ўтмиш ва келажак билан боғловчи, эгалланган билимларни сақловчи ҳодиса нима дейилади?

А. Хотира Б. Тасаввур

В. Хаёл Г. Идрок

4. Қачонлардир инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган алоқалар бўйича гавдаланадиган нарсаларнинг образлари бу – ...

А. Тасаввур Б. Хотира

В. Хаёл Г. Идрок

5. Эмпирик билим қайси методлар ёрдамида шаклланади?

А. Кузатиш ва эксперимент Б. Мавҳумлаштириш ва кузатиш

В. Анкета ва сўровнома Г. Эксперимент ва баённома

Адабиётлар

1. Назаров. Қ. Билиш фалсафаси. – Т.: «Унивеситет», 2005 й.
2. Шермуҳамедова Н. Синергетика ва эвристика // Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: «Университет», 2005 й.
3. Sharipov M., Favzixujayeva D. Mantiq. –T.: «Universitet», 2006-y.
4. Библер В.С. От наукоучения к логике культуры. –М.: 1991 г.
5. Ильин В.В. Теория познания. Эпистемология. –М.: 1994 г.
6. Бабаев Б.Д. Диалектика теоретического и эмпирического в научном познании. –Т.: 1992 г.
7. Камилова С. Научная проблема в структуре научного знания. – Т.: «Фан», 1984 г.
8. Туленова К. Научное предвидение. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998 г.
9. Хайруллаева В. Гибкость мышления и её методическое значение // Дисс. кан. филос. наук. –Т.: 2000 г.
10. Рассел Б. Интуиция и научное творчество. –М.: «Наука», 1999 г.

ФАЛСАФАДА ҲАҚИҚАТ МУАММОСИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар машғулоти: Фалсафада ҳақиқат муаммоси.
Машғулот режаси	1. Фалсафа тарихида ҳақиқат (билимларнинг ҳақиқийлиги) муаммоси. 2. Ҳақиқатнинг корреспондент, когерент ва прагматик концепциялари. 3. Билиш натижаларини баҳолаш. 4. Билишнинг маънавий қадриятлари.
Машғулотнинг мақсади: Ҳақиқатнинг намоён бўлиш хусусиятларини таҳлили, ёлғон ва ҳақиқатнинг ўзаро алоқаси ва фарқини билиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Фалсафада ҳақиқат муаммосини таҳлил қилиш.	Ҳақиқатнинг англаш масаласи.
Ҳақиқатнинг асосий шаклларини аниқлаш ва уларни баҳолаш.	Ҳақиқат шаклларининг тушуниш тамойиллари.
Ҳақиқатнинг асосий концепциялари.	Ҳақиқатнинг турлари, унинг намоён бўлиш жараёни.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзунинг мақсадини ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага « Фалсафада ҳақиқат масаласи» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Исботлаш ва рад этиш нима? 2. Эмоциялар: ирода, ишонч, идеал деганда нимани тушунасиз? 3. Ёлғон ва янглишиш ҳақиқатнинг зидди? 4. Берунийнинг ҳақиқат ҳақидаги қарашларининг таҳлили? 5. Ҳақиқатнинг классик ва ноклассик хусусияти?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Ҳақиқат тушунчасининг таснифи», «Ҳақиқатнинг асосий шакллари ва концепциялари», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Ҳақиқат – билиш назариясининг бош категорияси. У борлиқнинг билишдаги идеал ифодаси, чунки ҳақиқат онгдан, билаётган субъектдан ташқарида ва ундан қатъи назар мавжуддир. Ҳақиқат – билимларнинг объектив борлиққа мувофиқ бўлган мазмуни. У билиш жараёни, билиш инъикосининг натижасидир. Ҳақиқат илмий назарияда мужассамлашган англаб етилган тасдиқловчи мулоҳазалар кўринишида ўз ифодасини топади. Ҳар қандай илмий назария ривожлантирилиши, баъзан бошқа, янада ҳақиқийроқ назария билан алмаштирилиши лозим. Шу маънода ҳақиқат – билиш ривожланишининг якуни ва омилидир.

Фалсафа тарихида ҳақиқат (билимларнинг ҳақиқийлиги) муаммоси қадимги даврлардаёқ таърифланган. «Авесто»да ҳақиқат олий шарофатдир дейилади. Дарҳақиқат инсоният доимо ҳақиқатга интилган. Зеро, ҳақиқат адолатга, шарофатга элтадиган буюк қудрат. Аристотель фикрича ҳақиқат – мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир.

Платон ҳақиқатни ғоялар дунёсига мос келувчи ғайритабиий мустақил идеал моҳият сифатида тушунган, инсон билими жоннинг шу ғоялар дунёси билан муштараклиги даражасидагина ҳақиқийдир, деб ҳисоблаган.

Фома Аквинский ҳақиқат ёлғон нарсаларда эмас, балки ақлда мавжуд бўлади, ҳар бир нарса ўзи боғлиқ бўлган ақлга муносабати даражасидагина ҳақиқий деб номланиши мумкин, деб қайд этган.

Беруний фикрича, ҳақиқат билимнинг воқеликка мувофиқлигидир. Форобий фикрича, ҳақиқатни билиш ақлнинг камолотига боғлиқ. Бу ақл инсон қалбидадир, унинг камолотига эса, фаол ақлга қўшилиш орқали эришилади. Фаол ақлда борлиқнинг энг олий даражаси бўлган. Биринчи сабабдан бошлаб то охирги ҳақиқатнинг барча сура шакллари мавжуд. Шунингдек, Форобий ва унинг издошлари фикрича, ҳақиқат бир нечта бўлиши мумкин эмас, ҳақиқат битта, шу боис фалсафа ҳам бир нечта бўлиши мумкин эмас. Форобий ҳақиқатнинг ўзгармаслигига ишонган ва фалсафани ҳақиқатнинг бирдан бир ифодаси деб ҳисоблаган[1].

Ҳақиқат-тасаввуфда руҳни камолотга ва унинг сўнгги мақсади –Яратганнинг дийдорига эришув йўлларидаги тўртинчи босқичдир. Бунда суфий шахс сифатида тугаб, Худога мўлжалланган ҳақиқатга етишиши, оллоҳга сингиб кетиши ва

[1] Қаранг: С.М. Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. –Т.: «Минҳож», 2003 й. 126-б.

натижада абадийликка эришуви зарур. Бу жараён маълум давомли вақтни талаб этади. Махсус руҳий, жисмоний ҳаракат, фаолият, сиғиниш, ибодатлар, оҳанглар ёрдамида амалга оширилади»[1]. Баҳоуддин Нақшбандий, ҳақиқат бу – Аллоҳни англашдир, деб ҳисоблаган. Ҳақиқат сўфийлар талқинида шариат доирасидан четга чиқувчи ички мазмунни англатади. Илк сўфийлар шариат ва ҳақиқат ўртасида жарлик юзага келишига йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар. Кейинги сўфийлар, масалан, Абу Бакр аз-Закок, ҳақиқат ҳақидаги фан шариат сари йўлни ойдинлаштиради, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, диний ақидаларни рад этиш, одам шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга эришганидан кейингина ўзининг «ҳақиқий борлиғи»ни касб этиши, ҳақиқат билан бирикиши ва ўзи ҳам ҳақиқатга айланиши ҳақидаги таълимот сўфизм ривожланишининг кейинги босқичлари маҳсули сифатида ваҳдати вужуд (борлиқнинг бирлиги), яъни мистик пантеизм ҳақидаги таълимот асосчилари саналган Боязид Бистомий, Ибн Ҳаллож ва бошқаларнинг асарларида илгари сурилган.

Гегелда ҳақиқатни тушуниш, унинг фалсафасидаги асосий тамойил билан боғлиқ. Бу тамойилга биноан ғоя ўзининг тўлиқ ва муайян кўринишида «ўзида ва ўзи учун борлиққа эга бўлган ҳақиқат»дир. Гегель фикрича, ҳақиқат ўзининг мавҳум кўринишида муайян мазмуннинг ўзига мувофиқлигини англатади. Ҳамонки бу мазмуннинг тўлиқлигига мутлақ ғоянинг ўз-ўзидан ҳаракати натижасида эришилар экан, Гегель ўзининг ҳақиқатни тайёр ҳолда берилиши ва шу ҳолда чўнтакка солиб қўйиш мумкин бўлган зарб этилган танга сифатида эмас, балки соф тафаккур соҳасида билимларнинг диалектик шаклланиш жараёни сифатида тушуниш лозимлиги ҳақидаги машҳур тезисини таърифлайди: «...ҳамма гап ҳақиқий нарсани субстанция сифатида эмас, балки шунингдек, субъект сифатида», яъни тафаккур фаолияти сифатида ҳам тушуниш ва ифодалашда[2].

Ҳақиқатни объектив-идеалистик тушунишнинг ўзига хос хусусияти унга дунёнинг онгда акс этиш жараёнига боғламасдан қараш ва уни инсоннинг объект ҳақидаги билими хоссаси сифатида эмас, балки эмпирик борлиққа қўшимча тарзда объективлашган қандайдир вақтдан ташқаридаги ғоянинг хоссалари сифатида талқин қилишда намоён бўлади.

Ҳақиқатни субъектив идеалистик тушуниш эса инсон билимининг хоссалари ва таркиби билан боғланади, бироқ мазкур билим унда ташқи, мустақил дунёнинг акс этишига боғланмайди, чунки бундай дунёнинг мавжудлиги инкор этилади. Ҳақиқат «тафаккурнинг тежамкорлиги» сифатида (Мах), фойдали натижаларга эришиш имконини берувчи жараён, тафаккуримиз образидаги қулайлик сифатида (Жеймс), инсон тажрибасининг мафкуравий таърифни ташкил этувчи шакли сифатида (Богданов) талқин қилинади.

Идеализм фалсафаси ҳал қила олмаган ҳақиқатни тушуниб етишдаги қийинчиликлар шунга олиб келдики, файласуфлар инсонга ҳақиқатни ваҳий воситасида очувчи таълимотни илгари сурдилар. Бу йўналиш интуитивизм деган ном олди. Унга Шопенгауэр асос солди. У ақл ва илмий билишнинг устуворлигини рад этди, фанни интуициядан кейинги ўринга қўйди. Илмий изланиш интуицияга асосланади, демак, унга боғлиқ бўлади ва бўйсунади. Шопенгауэрнинг

[1] Қаранг: Хайруллаев М. Ўрта Осиё ва Уйғониш даври маданияти. –Т.: «Фан», 1994 й. 62-б

[2] Қаранг: Гегель Г. Феноменология духа. –М.: «Наука», 1994 г. с. 196.

қарашларини Бергсон ривожлантирди. У интуитив билимнинг устунлигини ҳимоя қилар экан, қумурсқаларнинг инстинктив хулқ-атворига ишора қилади, яъни инстинкт – интуициянинг бир тури, деган ғояни илгари суради. Унинг фикрича, қумурсқалар ҳақиқатни дарҳол – туғилгани заҳоти англаб етади. Буни ақл тушунишга қодир эмас. Ақл фақат муносабатларни билиш билан шуғулланади. Нарсаларнинг моҳиятини фақат инстинкт тушунишга қодир. Инсон техникаси қай даражада қудратли бўлмасин, у қумурсқа осонгина бажарадиган ишни уддалай олмайди. Бергсон ақлга ишонмаслик ва кўпроқ интуицияга таянишни маслаҳат беради. Гарчи инсон интуицияси қумурсқаларнинг интуицияси даражасида кучли бўлмаса-да, ҳар қалай, унинг ақлидан кучлироқдир, чунки ақл «ҳаётни органик тушуниш билан тавсифланади». Бергсон интуицияга ақлга қарама-қарши турувчи инстинкт нуқтаи назаридан ёндашади ва уни ҳақиқатдан устун қўяди.

Ҳозирги замон билиш назариясида ҳақиқий билим ва унинг шакллари ҳақида турли фикрлар мавжуд.

Объектив ҳақиқат – *билимларимизнинг инсон инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни.* Бизнинг билимларимизда доим ё муайян одамга, ё муайян ижтимоий гуруҳга боғлиқ бўлган унсур мавжуд бўлади. Бинобарин, ўз билимларимизда субъектив унсурларга боғлиқ бўлмаган ва шу сабабли объектив ҳисобланадиган мазмунни қайд этишимиз лозим. Объектив ҳақиқат ривожланиб, икки шакл: нисбий ва мутлақ ҳақиқат шаклларида амал қилади.

Мутлақ ҳақиқат – *предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукаммал билишдир*. Олам вақт ва маконда чексизлиги туфайли бундай билимга амалда эришиш мумкин эмас. Ҳақиқат тушунчасини мутлақ ҳақиқат тушунчаси билан тенглаштириб, биз унга эришиб бўлмаслиги, демак, умуман билиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирамиз. Бироқ фаннинг ҳақиқий тарихи бунинг тескарисидан далолат беради: фан ривожланади, чунки у нисбий ва мутлақ билимнинг бирлиги сифатида тушуниладиган ҳақиқатни билишга қодир. Бошқача айтганда, объектив ҳақиқат тўла ва мукаммал кўринишдаги мутлақ ҳақиқатдир. Айрим ҳолларда, агар ҳақиқат вақт ўтиши билан ўзгармаса, яъни вқат шарт-шароитларига боғлиқ бўлмаса, у боқий ҳақиқат деб аталади.

Нисбий ҳақиқат – *борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим*. Нисбий ҳақиқат тўғри, бироқ нотўлиқ, тахминий, вақт ва жойнинг муайян тарихий шарт-шароитлари билан чекланган ҳақиқатдир.

Нисбий ва мутлақ ҳақиқат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Нисбий ҳақиқатлар билиш тараққиёти жараёнида ривожланиб, ўз чегараси бўлган мутлақ ҳақиқатга яқинлашади.

Бироқ билишнинг тарихий ривожланиш жараёни нафақат нисбий ҳақиқатларнинг мутлақ ҳақиқатга айланиш жараёни, балки айрим мутлақ ҳақиқатларнинг юзага келиш жараёни ҳамдир. Бу фикрни физикада атом ва унинг тузилиши ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши мисолида кўриш мумкин. Юз йил муқаддам физиклар ва химиклар атомлар амалда мавжуд ва ажралмас шарчалар кўринишида, деб тахмин қилар эдилар. Бу тасаввур замирида мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд эди. Бундан: «Кимёвий элементларнинг атомлари амалда мав-

жуд», деган хулоса келиб чиқади. Физика ва кимёнинг кейинги ривожланиши мутлақ ҳақиқатнинг бу элементини бекор қилмади. Бироқ, бу тасаввурларда хатолар мавжудлиги (таранглик, ажралмаслик ва ҳ.к.) аниқланди.

XIX аср охирида электронлар кашф этилиши натижасида атом тузилишининг янги манзараси яратилди. Томсон мусбат зарралар ва манфий зарядли электронлардан ташкил топган атом моделини яратди. Атомнинг бу нисбатан ҳақиқий манзарасида мутлақ ҳақиқатнинг янги унсурлари пайдо бўлди. Дарҳақиқат, атом мусбат зарядли зарралардан иборат.

Атом ҳақидаги тасаввур ривожланишининг учинчи босқичи Резерфорд-Бор модели билан боғлиқ. Бу моделда атом ядро ва унинг атрофида айланувчи электронлардан ташкил топади. Умуман олганда, аввалги моделлардан аниқроқ бўлган бу моделда мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд. Ҳозирги замонда атом тузилиши ҳақидаги тасаввурлар замирида квант механикаси ва атом ядросини ўрганиш натижалари ётади. Ҳозирда электронларнинг атом ядроси атрофидаги ҳаракатини зичлиги нотекис бўлган булут ҳаракатига ўхшатиш мумкинлиги, чунки электронлар корпускуляр ва тўлқин хоссаларига эга эканлиги, ядро эса протонлар ва нейтронлардан иборат тизим ҳисобланиши ва ҳоказолар маълум. Ҳозирги замон физикасида атом манзараси Н.Бор назариясидагига қараганда тўлиқроқ ва аниқроқ, унда мутлақ ҳақиқат унсурлари кўпроқ. Бироқ атомнинг ҳозирги манзараси келажакда ўзгариши, унга аниқлик киритилиши, унда янги ҳақиқат ва хатолар аниқланиши шубҳасиз. Ҳақиқатда нисбий ва мутлақ жиҳатлар узвий, ўзаро боғланган: бир томондан, нисбий ҳақиқатда доим мутлақ ҳақиқат унсурлари мавжуд бўлса, бошқа томондан, инсон билимларининг ривожланиши жараёнида нисбий ҳақиқатлардан мутлақ ҳақиқат юзага келади.

Нисбий ва мутлақ ҳақиқат диалектикаси бизнинг билимимиз атрофимиздаги оламни ҳар томонлама ва аниқ қамраб олишга интилиб, қарама-қаршиликларни ечиб, объектив борлиқни янада теранроқ ва мукаммалроқ акс эттиришини кўрсатади.

Ҳақиқатнинг корреспондент, когерент ва прагматик концепциялари мавжуд. Уларнинг ҳар бири фанда ривожланиш жараёнида катта қийинчиликларга дуч келади.

Ҳақиқатнинг корреспондент концепцияси назариянинг тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлишини талаб қилади. Бу талаб фанда қабул қилинади, у таклиф қилинаётган гипотеза фан соҳасига тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Когерент (назарий) концепция экспериментга мувофиқ бўлиши, унга зид келмаслиги, унинг натижаларини башорат қилиш имконини бериши лозим. Масалан, неопозитивистлар экспериментни назария тўғри эканлигининг мукаммал тавсифи деб ҳисоблаганлар. Назария экспериментда текширилади, верификация қилинади: у ё мазкур синовдан муваффақият билан ўтади, ё ўтмайди; у ё тўғри, ё нотўғри. К.Поппер бу фикрда камчилик топди: ҳамонки назариялар эртами, кечми инкор этилар, фальсификация қилинар экан, уларнинг экспериментга аввалги мувофиқликлари амалда ҳақиқий синов ҳисобланмайди. Попперга эътироз билдириш мумкин: агар назария экспериментда олинган айрим маълумотлар билан зиддиятга киришган бўлса, бу назариядан мазкур маълумотларни шарҳлаш учун

фойдаланиш мумкин эмас, бироқ у бошқа экспериментал маълумотлар учун ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Фанда янги назария эскисини доим ҳам истисно этавермайди. Физикада баъзи бир физик ҳодисаларни талқин қилиш учун Ньютон механикасидан ҳозиргача фойдаланилади. Ваҳоланки, у энг янги физик назариялар билан рад этилган. Ньютон механикаси нисбийлик назарияси ва квант физикасининг айрим, нисбатан содда кўриниши сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Назариянинг экспериментга номувофиқлигини оддий воситалар ёрдамида, хусусан эски назарияни такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш мумкин. Бундай ҳолларда иш илмий инқилобгача етиб бормайди. Лакатос фикрига кўра, назариянинг энг муҳим қоидалари муҳимлиги иккинчи даражали қоидалардан ташкил топган ҳимоя қобиғи билан ўралган бўлиб, у экспериментал маълумотларнинг дастлабки «зарбалари»ни ўзига қабул қилади. Назариянинг ўзаги унинг ҳимоя қатламидан ўтилганидан кейингина бузилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, экспериментда назариянинг у ёки бу айрим қоидаси эмас, балки умуман назария синовдан ўтади ёки рад этилади. Ҳар қандай муайян қоида умуман назария маҳсулидир. Шу сабабли эксперимент бутун назарияга нисбатан татбиқ этилади.

Ҳақиқатнинг прагматик концепциясида амалиёт мезони кўпинча тўғридан-тўғри эксперимент тушунчаси билан боғланади. Бироқ, илмий амалиёт фақат экспериментдан иборат эмас, у фанда қўлланиладиган бутун майдонни, унинг инсон учун ҳаётий аҳамиятини қамраб олади. Шуни ҳисобга олганда, инсоннинг бутун ҳаёти, унинг фандан амалда фойдаланиладиган барча жабҳалари фаннинг ҳақиқийлигини синаш майдонига айланган, десак, муболаға бўлмайди.

Фаннинг сертармоқ, мураккаб хусусияти уни талқин қилишга жиддий талаблар қўяди. Фаннинг кучи нимада? У қандай идеалларга эга? Фандан «Ҳодисалар қандай юз беради?» ёки «Улар нима учун айнан шундай юз беради?» деган саволга жавоб беришни талаб қилишнинг ўзи кифоями? Фан санъат, динга, инсон ҳаётининг бошқа соҳаларига зид эмасми? Фан инсониятни пировард натижада ҳалокатга олиб келмайдими, деган саволлар фаннинг ҳақиқатни билиш жараёнида шаклангандир.

Исботлаш ва рад этиш. Фаннинг у ёки бу қоидасининг ҳақиқийлиги ёки сохталиги, аниқ-равшан кўриниб турмайди. Фақат энг содда мулоҳазалар ўзининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун сезги идрокидангина фойдаланишни талаб қилади: кўрсатиш мумкин бўлган нарсани исботлашнинг ҳожати йўқ.

Фаннинг аксарият қоидалари сезги аъзолари орқали билиш даражасида ва бошқа ҳақиқатлардан алоҳида эмас, балки мантиқий тафаккур даражасида, бошқа ҳақиқатларга боғланган ҳолда, яъни исботлаш йўли билан ҳақиқий деб қабул қилинади. Исботлаш – илмий тафаккурнинг муҳим воситаси.

Ҳар қандай исботда тезис, исботлаш учун асослар (далиллар) ва исботлаш усули мавжуд. *Ҳақиқийлиги ёки сохталиги исботлаш йўли билан аниқланаётган қоида тезис деб аталади. Тезиснинг сохталигини аниқлаш – рад этиш деб аталади. Исботлашда фойдаланилаётган ва исботланаётган тезиснинг ҳақиқийлигини кўрсатаётган барча қоидалар асослар ёки далиллар деб аталади. Асослар ва далиллар ишончли далиллар ҳақидаги қоидалар, таърифлар, аксиомалар ва илгари исботланган қоидалардан ташкил топади.*

Қоиданинг ҳақиқийлигини исботлаш у яхши текширилган далиллар ҳақидаги қоидалардан бевосита келиб чиқишини кўрсатиш демакдир. Бироқ ҳаёт шу даражада мураккабки, амалда жуда кўп, ҳатто ақлга мутлақо зид қоидаларни тасдиқлаш учун ҳам айрим далиллар тўплаш мумкин. Бунда айни шу қоидаларни рад этувчи далиллар ҳам мавжудлиги бир-биридан ва атроф-муҳитдан ажратиб олинган айрим далиллар ўзича ҳеч нарсани исботламаслигидан далолат беради. Далиллар ҳақидаги фикрлар ўзаро боғлиқ ҳолда қаралган тақдирдагина исботлаш учун асос бўлиш мумкин. Исботлаш учун асослар жумласига мазкур фан асосий тушунчаларининг таърифлари киради. Бу мазкур фаннинг барча тушунчалари таърифланиши лозим, деган маънони англатмайди. *Таърифлаш – номаълумни маълумга, мураккабни соддага боғлаш демак.*

Исботланаётган тезис таянадиган исботлаш учун асослар қаторига фаннинг асосий тушунчалари таърифлари ва аксиомалардан ташқари тезисни асослаш учун зарур бўлган фаннинг илгари исботланган қоидалари ҳам киради. Фан ўз қоидаларининг далил-исботларини қанча кўп ривожлантирса, ҳар бир янги қоидани исботлаш учун олдинги асослар сони шунча кўпаяди.

В.Ф.Асмус фикрига кўра, *асослар ва улардан чиқарилган хулосаларнинг алоқаси, агар у исботланаётган тезиснинг ҳақиқийлиги тан олинишига олиб келган бўлса, исботлаш усули деб аталади*. Фаннинг айни бир қоидасини исботлаш ҳар хил, масалан, дедукция, индукцияга, аналогиядан фойдаланишга, моделлаштиришга асосланган бўлиши мумкин.

Эмоциялар. Ирода, ишонч, идеал. Илгари сезгилар ҳодисаларнинг муҳим жиҳатларига нисбатан нейтрал деб қаралар эди. Одатда, бу нейтраллик мавжуд бўлмайди. Бу ҳолда, сезгилар субъектга юз бераётган воқеанинг шахсий маъносини тушуниш имконини берувчи кечинмалар сифатида амал қилади. *Ҳодисалар ва ҳолатлар аҳамиятини бевосита ҳис этиш, эмоциялар деб аталади. Ижобий эмоциялар – лаззатланиш, қувонч, ҳайрат, муҳаббат ва шу кабилар. Салбий эмоциялар – қўрқув, ҳайиқиш, нафрат, қайғу ва шу кабилар*. Инсоннинг эмоциялар дунёси жуда мураккаб бўлиб, уни психология атрофлича ўрганади. Фалсафий жиҳатдан эмоцияларни экзистенциализм кўпроқ ўрганган бўлиб, бу ерда экзистенциал деганда кўпинча вазиятли эмоциялар (кучли руҳий ҳаяжонланиш, эҳтиросларэмас, балки инсон борлиғининг барқарор структуралари тушунилади. Инсон эмоцияларига унинг бутун ҳаёт тажрибаси кучли таъсир кўрсатади. Баъзан бир сўз билан ифодаланган қисқача хабар инсон ўлимига сабаб бўлган ҳоллар маълум.

Ирода инсон руҳиятининг ҳар хил шакллари орасида – субъектнинг ўз фаолиятини ўзи тартибга солиши муҳим аҳамиятга эга. Кант ва Фихте учун ирода ахлоқий тамойилларни рўёбга чиқариш манбаи, инсон амалий фаолиятининг негизи ҳисобланади. Шопенгауэр ва Ницше учун ирода – борлиқнинг иррационал импульси. Бу ерда ирода руҳият доирасидан бутунлай чиқарилади.

Ишонч инсоннинг қадриятлари ва мўлжаллари дунёсида бирон-бир нарса ёки ҳодисани ҳақиқий деб қабул қилишида муҳим аҳамиятга эга. Ишончга шубҳа замин ҳозирлайди, у бир қанча руҳий ҳолатлар натижасида ишончга айланади. Илоҳиётчилардан фарқли ўлароқ, файласуфлар шубҳа ва ишончнинг ўзаро нисбатига кўпроқ эътибор берадилар. Диний эътиқод, одатда, ваҳийнинг бево-

сита маҳсули сифатида исботлашга муҳтож эмас, деб қаралади. Швейцариялик тараққийпарвар илоҳиётчи Карл Барт, эътиқоднинг исботи унинг ўзида, деб ҳисоблаган. Файласуф Карл Ясперс учун «фалсафий эътиқод – фалсафий мушоҳада юритиш натижасидир».

Идеал – пировард келажакнинг муайян образи эмас, балки қайта кўрилиши мумкин бўлган ҳар хил назарий ва бошқа тасаввурларнинг келажакка қаратилган мажмуи. Идеал доим ҳам пировард мақсаднинг устунлигига боғланмайди. Муайян пировард мақсаднинг устунлиги, айниқса, агар у олис келажакда бўлса, утопияга олиб келади. Айрим утопистлар эркинликнинг устунлигини тан олади, бошқа утопистлар бу ўринга адолатни қўяди, утопистларнинг учинчи тоифаси фақат ижтимоий мулкни тан олади, тўртинчи тоифаси эса, аксинча, хусусий мулкни ҳамма нарсадан устун қўяди. Хуллас, идеал яратиш, агар унга етарли даражада масъулият билан ёндашилмаса, утопияга олиб келади. Айни вақтда, идеал яратиш – инсон ютуқларининг муҳим негизи. Агар инсоният идеал яратиш билан шуғулланмаганида, ўзининг ҳозирги тараққиётига эриша олмаган бўлар эди. Бироқ идеал яратиш жараёни оқилона кечиши учун ривожланган, замонга ҳамоҳанг фалсафа бўлиши лозим. Тўғри фалсафий мўлжаллар утопизмдан сақлайди. Асосан, XX асрда шаклланган ноклассик фалсафа идеаллар билан жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилади.

Билиш натижаларини баҳолаш. Эришилган натижани баҳолаш – билишнинг зарур унсуридир. *Баҳолаш йўли билан инсон олинган билимнинг ҳақиқийлиги ёки сохталиги, ундан амалий фаолиятда фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқланади*. У олинган билим кейинги билиш жараёнида иштирок этиши ёки иштирок этмаслигини белгилайди, унинг инсонга ва шахснинг маънавий фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятларини аниқлайди. Шу сабабли баҳолаш учун асос сифатида нафақат гносеологик, балки амалий, мафкуравий ва ахлоқий мезонлар амал қилади.

Олим ўз фаолиятида нафақат ўзининг методлари ва илмий фаолияти натижаларини баҳолайди, балки уларга илмий жамоатчилик, ҳокимият, дин намояндаларининг муносабатига қараб мўлжал олади. Умуман олганда, ҳар қандай билиш ҳақиқатни излашдир. Бу инсон ақлининг азалий вазифасидир. Билимларимизнинг ҳақиқийлиги муаммоси билиш фаолиятининг ҳар қандай турларида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли билимнинг ҳақиқийлиги унинг муҳим асоси ҳисобланади. Ҳақиқат – билишнинг мутлақ қадрияти.

Билишнинг маънавий қадриятлари. Ҳар қандай илмий-тадқиқотда маънавий қадриятлар ва меъёрлар мавжуддир. Илмий метод негизини объективлик ва оқилоналик каби анъанавий маънавий қадриятлар ташкил этиши лозим. Объективлик олим тадқиқот меъёрларини танлашга нисбатан виждонан ёндашиши, шахсий манфаатдорликни сиқиб чиқариши, ҳақиқатни гуруҳ манфаатларидан устун қўйишини назарда тутади.

Айрим илмий концепциялар эскиришига қараб ўзига хос «тимсол» белгиларини касб этади. Эскирган концепциялардан воз кечиш кўпинча уларни яратувчиларнинг қаршилигини бартараф этиш билан боғлиқ. Олим баъзан фанда инқилобга йўл очувчи янги ғояларни афзал кўришга ўзида куч топа олмай, эскича ёндашувлар асири бўлиб қолиши мумкин.

Билим ва ҳақиқат амалда айний тушунчалардир. Билиш – нарсаларнинг ҳақиқий ҳолатига мос келувчи ишончли ахборотга эга бўлиш демак. Ҳақиқий билимга эришиш мумкинми? Қандай билимни ҳақиқий деб ҳисоблаш мумкин? Билим ҳақиқийлигининг объектив ва мутлақ мезонлари мавжудми? Бу саволларга жавоблар фан ва фалсафанинг ривожланишига доимо йўлдош бўлган. Масалан, Аристотель ҳақиқатни борлиқ билан тенглаштирган. Унинг фикрича, ўзгармас нарсаларгина ҳақиқийдир, ҳақиқат борлиқнинг олий шаклидир.

Скептицизм вакиллари, аксинча, билимнинг предметга мувофиқлиги масаласи баҳсли бўлиб, уни исботлаш мумкин эмас, чунки билишни чалғитувчи ёки унга монелик қилувчи омиллар мавжуд, деб ҳисоблаганлар. Билимнинг номувофиқлиги сабаблари билиш объектининг таркибида бўлиши мумкин. Дунё шу даражада чексизки, инсон ўз тафаккури билан уни қамраб олишга қодир эмас. Ҳақиқий билимга эришишга билувчи субъектнинг хоссалари ҳам монелик қилиши мумкин. Инсон сезги аъзоларининг алдамчилиги ва ишончсизлиги антик даврдаёқ қайд этилган эди. Кейинчалик Юм, Беркли ва унинг издошлари инсоннинг сезгилар дунёсини мутлақо субъектив деб кўрсатдилар ва шу йўл билан инсоннинг сезги аъзоларига ишончсизлик билдирдилар.

Билишнинг тараққиёти жараёнида олимлар билимлар ҳақиқийлигининг ишончли мезонларини топиш йўлида ҳам изланишлар олиб бордилар. Ҳақиқатнинг мутлақ мезонлари мавжудми? Бу мезонларни билимнинг барча турларига нисбатан татбиқ этиш мумкинми ёки у фақат илмий билимга нисбатан амал қиладими? Фалсафада билимнинг барча турларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин бўлган мезонлар, шунингдек, фақат илмий билим талабларига жавоб берадиган мезонлар яратилган. Улар орасида қуйидагилар қайд этилган: умумий аҳамиятга моликлик мезони (кўпчилик қабул қиладиган нарса ҳақиқийдир); ғоянинг фойдалилиги, амалий самарадорлиги ва ишга яроқлилиги, унинг у ёки бу мақсадга эришиш учун фойдалилиги мезони (прагматизм). Одамлар ишонадиган нарсалар, олимлар ўртасидаги шартли келишувга мос келадиган нарсалар ва ҳодисалар (конвенционализм), мавжуд назарияга мувофиқлик мезони талабларига жавоб берувчи нарсалар ва ҳодисалар ҳақиқий деб аталган.

Верификация тамойилига биноан дунё ҳақидаги ҳар қандай фикрнинг ҳақиқийлиги пировард натижада уни сезги аъзолари орқали олинган маълумотларга таққослаш йўли билан аниқланиши лозим. Шу нуқтаи назардан парапсихологиянинг «энергия», «биомайдон» каби тушунчалари мантиққа эга эмас, чунки улар верификацияланмайди. Бу тамойилни эълон қилган позитивистик фалсафа гўёки билишда аҳамиятга эга бўлмаган фалсафий тушунчаларни илмий муомаладан чиқаришга ҳаракат қилган. Бироқ мазкур тамойил изчил қўлланилган ҳолда сезги аъзолари орқали олинган маълумотлар билан тасдиқланмайдиган кўпгина назарий қоидаларни ҳам илмий муомаладан чиқариш керак бўлади.

Фалсификация тамойилига кўра амалда синаш ва рад этиш мумкин бўлган назариялар илмий ҳисобланади. Назарий тизимларнинг фальсификацияланиш мезонини Карл Поппер таклиф қилди. У верификация билан фальсификация ўртасида номутаносибликнинг мавжудлигини мезон сифатида қараган: агар верификация қилиш учун оқибатларнинг чексиз сони тасдиқланиши лозим бўлса, фальсификация қилиш учун битта қарши мисолнинг мавжудлиги кифоя. Амалда

фальсификацияланиш талаби инсон билими натижаларига нисбатан танқидийлик талабининг муайянлаштирилишидир. Критицизм фан руҳини энг оқилона кўринишда ифодалайди.

Ёлғон ҳақиқатнинг қарама-қаршиси. *Ёлғон одатда нотўғрилиги аён бўлган тасаввурларни била туриб ҳақиқат даражасига кўтариш сифатида тушунилади.*

Ёлғон кундалик ва ижтимоий ҳаётда кенг тарқалган бўлиб, одамлар ўзаро алоқа қилувчи ҳамма жойда учрайди; у индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг «учрашуви» юз берадиган ҳар қандай инсоний муносабатлар функциясидир. Гап ёлғон мавжуд ёки мавжуд эмаслигида эмас (оддий ҳаёт тажрибаси унинг мавжудлигидан далолат беради), балки ҳар бир муайян ҳолда унинг улуши қанчалигидадир.

Беруний фикрича, «Шундай кишилар бўладики, уларнинг табиатига ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гўё унга шу вазифа юклатилгандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмасдан туролмайди... Баъзан киши ёлғон хабар тарқатувчига тақлид қилиб, билмасдан ёлғон хабар тарқатади. Бу хабарчилар биринчи марта атайлаб ёлғон хабар тарқатган киши билан энг кейин ёлғон хабарни эшитувчи оралиғида воситачи бўладилар. Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради, зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкларини ҳийла билан босиб олиш, ўғирлик, дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишилар яхши қилиб кўрсатадилар»[1]. Беруний инсонни ростгўйлик қолиб, ёлғончилик йўлидан юрмаслиги, бошқаларга яхшилик қилиш, яхшилик қилиш имконияти бўлмаса, яхши тилаклар изҳор қилишга чорлайди. Ростгўйлик, одиллик, Беруний фикрича, юксак маънавият, гўзал одоб – ахлоқ белгисидир.

Инсоннинг индивидуал ривожланиш жараёнида ёлғон болада жазодан қутулиб қолишга ҳаракат қилиш, катталар ўрнаги ва шу кабилар орқали шаклланади. Кейинчалик бунга жамият кучлироқ таъсир кўрсатади. Инсонни бу томонга итарувчи омиллар мажмуи орасида эҳтиролар, шу жумладан, муҳаббат тобора кенгроқ ўрин эгаллай бошлайди. Муҳаббат «сон-саноқсиз ёлғонни вужудга келтиради. Ошиқ одам ўзининг нархини ошириш учун ёлғон сўзлайди, ўз рақибининг обрўсини тушириш учун, рашк ўтини ёқиш учун... совиб бораётган муҳаббат оташини қайта ўт олдириш учун алдайди, ниҳоят, муҳаббат йўқолган ҳолда ёлғон гапиради»[2]. Ёлғон такаббурлик, иродасизлик, муваффақиятга интилиш, пулга, ҳокимиятга ўчлик ва ҳоказолар заминида юзага келади.

Ёлғон индивидлар учун ижобий маънода ҳам муҳимдир (бу жиҳатдан ўлаётган одам тўшаги олдида ёлғон гапириш ҳоллари диққатга сазовор). Лекин, ёлғон, кўпинча, ўзгалар ҳисобидан ва уларнинг манфаатларига зид равишда қандайдир афзалликларни қўлга киритиш билан боғлиқ. Ёлғонни яшаш услубига айлантирган одамлар ҳам бор.

Шунга қарамай, ҳалол, виждонли одамлар кўпроқ. Уларни ёлғончилардан қандай фарқлаш мумкин? Чинакам самимият икки асосий белги: «аччиқ ҳақиқат билан бировга озор етказишга ва ўз хатоларини очиқ-ойдин тан олишга қодирлик» билан ажралиб туради. «Хайрихоҳ бўлган ҳолда, ёлғон гапирмай сизга озор етка-

[1] Беруний А. Ҳиндистон. –Т.: «Фан», 1966 й. 25-б.

[2] Милитан В. Психология лжи. –М.: «АСТ», 1993. с. 39.

зиши мумкин бўлган одамни, сиз хоҳлаган ва кутган жавобни бериш ўрнига, сизни хафа қилишдан чўчимай, ҳақиқатни юзингизга айтган одамни самимий деб ҳисоблаш мумкин. Лекин самимий одамни унинг ўз хатоларини тан олиш жасоратига кўра фарқлаш мумкин, яъни ростгўй одам ўзининг номақбул қилмишига ҳеч қандай важ-корсонларсиз иқрор бўлади, деб айтиш мумкин. Ёлғонга бундай иқрор бўлишни афзал кўриш – ростгўйликнинг шак-шубҳасиз мезонидир»[1].

Янглишиш – *ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим*. Ҳақиқат ёйилиши ва теранлашувининг барча босқичларида унинг доимий ва зарурий ҳамроҳи янглишишдир. Ҳақиқат нима ва уни янглишишлардан (Бэкон таъбири билан айтганда, «тафаккур бутлари»дан) қандай қилиб халос этиш мумкин, деган саволлар одамларни (фақат фан соҳасидагина эмас) доим қизиқтириб келган. Ҳақиқат ва янглишиш категориялари билиш назариясидаги ягона билиш жараёнининг икки қарама-қарши, лекин бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки томонини ифодаловчи асосий категориялардир. Бу томонларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни қуйида кўриб чиқамиз.

Билимнинг нотўғри шакли бўлган янглишишнинг бош манбаи ижтимоий-тарихий амалиёт ва билишнинг чекланганлиги, норасолиги ёки заифлигидир. Янглишиш ўз моҳиятига кўра борлиқнинг айрим жиҳатларини билиш натижаларининг мутлақлаштирилиши натижаси сифатида юзага келувчи борлиқнинг нотўғри инъикосидир. Масалан, «назарий астрология», гарчи унда ҳақиқатнинг айрим унсурлари мавжуд бўлса-да, умуман олганда янглишиш ҳисобланади. Худди шунингдек, илмий астрономияда ҳам янглишишлар мавжуд, лекин умуман олганда бу кузатишлар жараёнида ўз тасдиғини топган ҳақиқий билим тизимидир.

Янглишишлар ҳақиқатнинг тагига етишни қийинлаштиради, бироқ улар муқаррардир, билишнинг ҳақиқат сари ҳаракатининг зарурий унсури, мазкур жараённинг мумкин бўлган шаклларидан биридир. Масалан, моддалар ҳақидаги фан – кимёнинг шаклланиши «улкан янглишиш» – алхимия шаклида юз берган.

Янглишишлар ўз шаклларига кўра ранг-барангдир. Илмий ва ноилмий, эмпирик ва назарий, диний ва фалсафий янглишишларни фарқлаш лозим. Хусусан, фалсафий янглишишлар орасида эмпиризм, рационализм, софистика, эклектика, догматизм ва релятивизм мавжуд.

Янглишишни ёлғондан – ҳақиқатни ғаразли мақсадларда атайлаб бузиб кўрсатиш ва бу билан боғлиқ бўлган сохта билим бериш, дезинформациядан фарқлаш лозим. Янглишиш билим хусусияти бўлса, хато – индивиднинг инсон фаолияти муайян жабҳасидаги нотўғри ҳаракатлари натижасидир: ҳисоблашдаги, сиёсатдаги, турмушдаги хатолар ва ҳоказо. Мантиқий хатолар – (формал ёки диалектик) мантиқ тамойиллари ва қоидаларини бузиш ва предметни, ишларнинг асл ҳолатини билмаслик билан белгиланувчи ҳақиқий хатолар фарқланади.

Хулосалар. Ҳақиқат билишнинг мезонидир. Инсон амалий фаолияти ҳақиқатни аниқлашга йўналтирилган. Бироқ ҳақиқат ёлғон билан ёнма-ён туради. Ёлғон инсон ҳаётининг таркибий қисми сифатида амал қилади.

Амалиёт ва билишнинг ривожланиши у ёки бу янглишишлар эртами, кечми бартараф этилиши: ё саҳнадан тушиши (масалан, «абадий двигатель» ҳақидаги

[1] Милитан В. Психология лжи. –М.: «АСТ», 1993. с. 39.

таълимот каби), ё ҳақиқий билимга айланиши (алхимиянинг кимёга айланиши)ни кўрсатади. Янглишишларни юзага келтирган ижтимоий шароитларни ўзгартириш ва такомиллаштириш, ижтимоий-тарихий амалиётнинг етуклиги, билимнинг ривожланиши ва теранлашуви янглишишларни бартараф этишнинг муҳим омилларидир. Бу эса, борлиққа нисбатан апологетик (ҳимояловчи-оқловчи) ёндашувни эмас, балки конструктив-танқидий ёндашувни, «синовлар ва хатолар» методини амалга оширишни (Поппер) тақозо этади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Ҳақиқат, объектив ҳақиқат, мутлақ ҳақиқат, нисбий ҳақиқат, ҳақиқатнинг прагматик концепцияси, исботлаш, рад этиш, эмоциялар, идеал, ирода, ишонч, шубҳа, билиш натижаларини баҳолаш, билишнинг маънавий қадриятлари, верификация тамойили, ёлғон, янглишиш.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ҳақиқат нима? Фалсафада ҳақиқатнинг қандай концепциялари мавжуд?
2. Мутлақ ва нисбий ҳақиқатнинг ўзаро нисбати ҳақида гапириб беринг.
3. Ҳақиқатнинг қандай мезонлари бор?
4. Ёлғон, дезинформация, янглишиш нима?
5. Ҳақиқатни аниқлашда эмоциялар қандай роль ўйнайди?

Реферат мавзулари

1. Шарқ Фалсафасида ҳақиқат масаласи.
2. Ғарб мутафаккирлари ижодида ҳақиқат масаласи.
3. Ҳақиқатни билишда ёлғоннинг роли.

4. Гегель ижодида ҳақиқат масаласи.
5. Беруний ҳақиқат ҳақида.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1. Ҳақиқат – мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир, деб эътироф этган файласуф ким?

А. Аристотель Б. Платон
В. Суқрот Г. Демокрит

2. Ҳақиқатни тушунишда интуитивизмга асос солган файласуф ким?

А. Шопенгауэр Б. Кант
В. Фихте Г. Ницше

3. Ҳақиқатнинг қандай шаклига шундай таъриф берилади: ... – билимларимизнинг инсон инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни?

А. Объектив ҳақиқат Б. Субъектив ҳақиқат
В. Мутлақ ҳақиқат Г. Нисбий ҳақиқат

4. Предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукаммал билиши бу – ...

А. Мутлақ ҳақиқатдир Б. Нисбий ҳақиқатдир
В. Объектив ҳақиқатдир Г. Субъектив ҳақиқатдир

5. Борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим, бу – ...

А. Нисбий ҳақиқат Б. Объектив ҳақиқат
В. Субъектив ҳақиқат Г. Мутлақ ҳақиқат

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. –Т.: «Университет», 2005 й.
2. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.
3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: «Университет», 2005 й.
4. Шермухамедова Н. Гносеология – билиш назарияси. –Т.: ЎФМЖ, 2010 й.
5. Falsafa asoslari. M.Ahmedova tahriri ostida. –T.: O‘FMJ, 2006-y.
6. Вригт Г.Х. Логико-философские исследования. –М.: 1986 г.
7. Ильин В.В. Теория познания. Эпистемология. –М.: 1994 г.
8. Кочергин А.Н. Методы и формы научного познания. –М.: 1990 г.
9. Никифоров А. Философия науки. История и методология. –М.: 1998 г.
10. Свинов В.И. Заблуждение, ложь, дезинформация // Философские науки. 1982 г. №1.
11. Поппер К. Ложь и истина научного знания. –М.: «Знание», 1993 г.
12. Бережной С.Б. Категории «бытие», «ничто», «истина» как предмет сравнительного анализа: Мартин Хайдеггер и буддийская онтология : автореферат дис. ... кандидата философских наук : 09.00.01 / МГУ, Москва, 2007 г.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ БИРЛИГИ

1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар машғулоти: Назария ва амалиётнинг бирлиги.
Машғулот режаси	1. Амалиёт фалсафаси. 2. Амалиётнинг таркибий қисмлари. 3. Амалиёт ва билиш бирлиги.
Машғулотнинг мақсади: Амалиётнинг назария билан бирлигини таҳлил қилиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Амалиёт тушунчасининг тавсифи.	Фалсафада амалиёт тушунчасининг таҳлили.
Амалиёт фалсафаси	Амалиёт фалсафаси ва унинг шакллари.
Билиш ва амалиётнинг ўзаро нисбати.	Билиш ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлигини тушуниш жараёни.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзусининг мақсадини баён қилади.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.

	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Амалиёт фалсафаси» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Илмий назариялар тараққиёти муаммоси? 2. Назарий билимларнинг бир-биридан фарқи ва уларнинг бирлиги? 3. Билишда назария ва амалиёт алоқадорлиги ва шартлилик муаммоси?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Назариянинг умумий таснифи», «Назария ва амалиёт муносабати», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Амалиёт. *Билишнинг негизини амалиёт ташкил этади*. Бу инсоннинг бутун билиш жараёни сезгилардан бошлаб илмий мавҳумликларга қадар ижтимоий-амалий фаолият асосида ривожланиши, унинг эҳтиёжлари ва муваффақиятлари билан белгиланиши ва йўлга солинишини англатади.

Амалиёт мазмуни ва шаклларига кўра, моддий неъматлар яратиш; ижтимоий-сиёсий фаолият; илмий-амалий фаолият каби турлардан иборат. Шунингдек, амалиёт одамлар ижтимоий-тарихий фаолиятининг ранг-баранг шаклларини қамраб олади.

Ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари доим билиш ривожланишининг негизи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амал қилади. Ер майдонларини ўлчаш, вақтни ҳисоблаш, савдода ҳисоб-китобларни амалга ошириш зарурати математик билимларнинг ривожланишига йўл очди. Бинолар, ариқлар, тўғонлар, кемалар, машиналар ва ҳоказоларни қуриш эҳтиёжлари механиканинг ривожланишига олиб келди.

Ижтимоий амалиёт билишнинг негизи ҳисобланиши ҳақида сўз юритганда илмий билиш жараёнининг нисбатан мустақил эканини унутмаслик керак. Зеро, амалиёт билан билиш мураккаб билвосита хусусиятга эга. Билишнинг ҳар бир босқичида илмий тафаккурнинг олдинги ривожланиш жараёнида шаклланган муаммолар ечилади. Шу сабабли фаннинг у ёки бу ютуқларини у ёки бу тарихий даврнинг амалий тажрибаси ва эҳтиёжларига боғлашга уриниш хато бўлур эди.

Инсон тафаккури доимо олдинги авлодлардан олинган билимлар мажмуи ва фаннинг олдинги ривожланиш жараёнида қўйилган муаммолар билан иш кўради. Фан бу муаммоларни ечиб, амалиётдан ўзиши ва унга онгли равишда йўл кўрсатиши мумкин ва лозим.

Амалиёт – одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадига таъсир кўрсатиш фаолиятидир. *Билишга нисбатан амалиёт уч хил вазифани бажаради. Биринчидан, у билишнинг манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи сифатида билишга умумлаштириш ва назарий ўрганиш учун зарурни материал беради. Шу тариқа амалиёт билишни озиқлантиради ва реал ҳаётдан узоқлашишга йўл қўймайди. Иккинчидан, амалиёт билимларни татбиқ этиш соҳасидир. Шу маънода у билишнинг мақсадидир. Учинчидан, амалиёт билиш натижаларининг ҳақиқийлигини текшириш мезони. Билишнинг амалиёт синовидан ўтган натижаларигина амалда объектив аҳамиятга эга бўлиши мумкин.*

Шундай қилиб, амалиёт – барча босқичларда билишнинг шаклланиш ва ривожланиш негизи, билим манбаи, билиш жараёни натижаларининг ҳақиқийлиги мезондир. Тажриба тушунчаси ҳар хил маънога эга: тажриба (эмпирия) мавҳум фикр юритишга қарши қўйилади ва шу маънода у кузатиш ва экспериментни қамраб олади. Ҳаёт тажрибаси, машина ҳайдаш, маърузалар ўқиш ва шу кабилар маъносидаги билим ва кўникмалар даражаси ҳам тажриба, деб аталади.

Ўз-ўзидан равшанки, инсон борлиқни ёлғиз ўзи тушуниб етмайди: ҳақиқатни билиш тажрибага асосланади, деганда, илдизлари ўтмишга, асрларнинг йиғма ва жамланиб борадиган тажрибасига бориб тақалувчи ворисий ахборот назарда тутилади. Индивидуал тажриба, агар у мавжуд бўлган тақдирда ҳам, ҳақиқатни англаш учун мутлақо етарли бўлмайди.

Илмий-тадқиқот предметини танлашга, билимнинг ривожланиш йўналиши ва суръатларига, унинг ютуқларидан фойдаланиш хусусиятига жуда кўп ижтимоий омиллар, чунончи: моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари; ижтимоий-сиёсий ҳаёт; жамиятнинг иқтисодий тизими; ҳукмрон дунёқараш хусусияти; ижтимо-

ий онгнинг турли шакллари; ишлаб чиқариш, техника, маънавий маданият, маорифнинг ривожланиш даражаси, шунингдек, илмий билишнинг ички мантиғи таъсир кўрсатади. Бу омиллар орасида моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари биринчи ўринда туради. Улар билиш олдига муайян тадқиқот вазифаларини қўядилар. Ишлаб чиқариш илмий билиш натижаларининг асосий фойдаланувчиси ва билиш техника воситалари – асбоблар, мосламаларни етказиб берувчи ҳисобланади. Илмий ижоддаги муваффақият нафақат олимнинг истеъдоди, зеҳнининг ўткирлиги билан, балки керакли техник жиҳозларнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Айнан техниканинг ривожланиши фанни экспериментал ва мантиқий ўрганишнинг қудратли воситалари билан таъминлайди. Масалан, электромагнит ва атом ўрганиш жараёнлари жамият ишлаб чиқариш ривожланишининг фандаги бу ҳодисаларни билиш учун зарур воситалар билан таъминланганлик юксак даражага етганидан кейингина, тадқиқот предметига айланди.

Илмий ижод натижалари фақат моддий ишлаб чиқариш, техникадагина ўзининг амалий ифодасини топмайди. Илмий билимнинг ҳар бир соҳаси тегишли қонуниятларни ёритиш, муайян ҳодисани тушунтириш йўли билан дунёнинг ягона манзарасини яратиш, дунёқарашни шакллантиришда иштирок этади. Э.Шредингер таъбири билан айтганда, фан биз ким ва нима учун дунёга келганмиз, деган саволга ҳам жавоб бериши лозим. Бу ҳам метафизик, ҳам амалий мазмун касб этади.

Амалиёт нафақат жамият учун зарур бўлган ҳодисаларни аниқлайди, балки инсонни қуршаган нарсалар ва ҳодисаларни ўзгартиради, уларнинг шу пайтгача инсонга маълум бўлмаган ва шу сабабли ўрганилмаган томонларини аниқлайди. Нафақат дунёвий жисмлар, балки биз ўзгартирмайдиган осмон жисмлари ҳам онгимиз ва идрокимиз қаршисида саф тортади ва дунёда мўлжал олиш воситалари сифатида ҳаётимизга кириб келишига қараб англаб етилади.

Илмий билиш тарихи бирон-бир кашфиёт амалда қўлланилиши натижасида билишнинг тегишли соҳаси жадал суръатларда ривожлана бошлашини, техниканинг ривожланиши фанда инқилоб ясашини кўрсатади.

Амалиёт замирида нафақат табиат ҳақидаги фан, балки жамият ҳақидаги фаннинг ривожланиши ҳам ётади.

Амалиёт фалсафаси. Инсон – фаол мавжудот. Юнонча «практикос» сўзи – «фаол» деган маънони англатади. Шунингдек, амалиёт инсоннинг фаолиятидир.

Инсон фаолияти сифатида амал қиладиган ҳамма нарса амалиётдир. Тил, маданият ва унинг кўп сонли таркибий қисмлари амалиёт турларидир. Кўпинча, амалиёт деганда моддий амалиёт, яъни воситаси ва маҳсули сифатида предметли моддий дунё амал қиладиган фаолият тушунилади. Бироқ моддий амалиёт ҳам амалиёт турларидан бири, холос.

Амалиёт мавзуси маънавият муаммолари билан узвий боғлиқ. Инсон нима учун ҳаракат қилади? Кантнинг машҳур саволи қуйидагича янграйди: «Инсоннинг мақсади нима?»

Платон учун амалиёт маънавий жиҳатдан ижобий ва боз устига ажойиб фаолият. Стоиклар, инсоннинг эркин хоҳиш-иродаси яхши ишларда мужассамлашади, деб ҳисоблаганлар.

Антик жамиятда жисмоний меҳнатни бажариш қулларнинг вазифаси ҳисоб-

ланган. Ҳатто санъатга ҳам паст назар билан қаралган. Доно одамнинг мушоҳада қилиши фаолиятнинг энг олий шакли сифатида тан олинган. Борлиққа нисбатан бундай ёндашув амалиёт муаммосини инсон ақли соҳасига кўчирган. Амалиёт ҳақидаги таълимот (праксиология) ахлоқ, яхши хулқ ҳақидаги таълимот сифатида амал қилади. Ахлоқни ўрганиш антик фалсафага ҳам, Қадимги Ҳинд фалсафасига ҳам хос. Амалиётни ахлоқий тушуниш анъанаси бутун жаҳон фалсафаси орқали ўтади. Қадимги манбалардан бири «Авесто»да амалиёт инсон моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга интилишида намоён бўлади. Жумладан, меҳнат қилиб, бойлик яратиб, ташландиқ жойларга ишлов бериб, суғориб обод қилган сут, гўшт, дон етиштириб, фаровонликни таъминлаган деҳқонлар, чорвадорлар, боғбонлар овчилар, ҳунармандлар улуғланган. Асарда, «Кимки ҳам чап қўли ва ҳам ўнг қўли билан ерга ишлов берса, у ерга фойда келтиради»[1], деб таъкидланади.

Диний таълимотларга кўра, инсон фаолияти Худонинг унга берган инъомидир. Худо ўзида олий фазилатни ифода этади. Худо инсонни яхшилик сари етаклайди, бироқ бу йўлдан бориш учун нафс балосини енгиш лозим. Христианликда, меҳнатга – Худо инсонга юборган лаънат сифатида қараган. Фаолиятнинг асосий шакли Худога хизмат қилиш, яъни сиғиниш, ибодат қилиш ва шу кабилар билан боғланган.

Марказий Осиё мутафаккири Беруний фикрича, инсон амалий фаолиятининг бирон бир соҳаси уларнинг ўзаро таъсирисиз амалга ошмайди.

Янги даврда схоластикага қарши курашда фалсафанинг амалиётга қаратилганлиги инглиз файласуфлари (Бэкон, Гоббс, Локк) томонидан қайд этилди. Ҳаётга татбиқ этиладиган фалсафани яратишга уриниш, ақлнинг қудратига асосланади. Дарҳақиқат, янги давр фалсафасида тафаккур фаолиятнинг ҳақиқий шакли сифатида қаралади.

Хусусан, амалий фаолият инсоннинг тирикчилигини енгиллаштириш ва яхши мақсадларга, айниқса, одамлар ўртасида муросаи мадорага эришишга қаратилиши керак.

Кант бу фикрни ривожлантиради: у яхши мақсадларга интилишни эмас, балки асосий ахлоқий қонунни амалга оширишни энг катта ютуқ, деб ҳисоблайди. Мақсад муаммоси мавжуд нарсалар соҳасида эмас, балки бўлиши керак бўлган нарсалар соҳасида ечилади. Шу муносабат билан кўп сонли аксиологик (қадриятлар билан боғлиқ) муаммолар юзага келади.

Кант ақл даражалари тушунчасини муомалага киритди: назарий ақл нарсалар дунёси ҳақида мушоҳада юритади; фақат амалий ақл объектларни кузатиш чегараларидан ўтади ва шунинг учун ҳам у назарий ақлдан устун туради. Амалий ақл хоҳиш-ирода сифатида, амалиёт эса – ахлоқий-одилона фаолият сифатида амал қилади. Кант амалиётни мақсад, эркинлик, хоҳиш-ирода, ахлоқ категориялари орқали тавсифлайди.

Гегель амалиётни субъектив ёндашувдан халос этиш йўлида дадил қадам ташлаган. У ўз эътиборини восита категориясига қаратади. Гегель фикрига кўра, восита мақсаддан «мавжуд борлиқнинг умумийлиги» билан устун туради. Субъектив нарсалар якка, восита эса умумийдир. Гегель учун меҳнат инсоннинг

[1] Қаранг: Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий маърифий таълимотлар тараққиёти. –Т.: «Янги аср авлоди», 2001 й. 73-б.

ўз-ўзини яратишидир, бироқ у инсон, ишлаб чиқариш воситалари эмас, балки мутлақ руҳ мантиқини рўёбга чиқаради. Мутлақ руҳ яхлит ҳолда назария ва амалиётда ўзининг мавҳум кўринишларида намоён бўлади. Амалиёт назарий билишдан устун туради, чунки у нафақат умумийлик, балки мавжудлик фазилатига ҳам эгадир. Гегелнинг объективнинг субъективдан, амалийнинг назарийдан, воситанинг мақсаддан устунлигига итальян файласуфи ва сиёсий арбоби Грамши амалиёт фалсафаси деб номлаган марксизм яқин туради.

XX аср Ғарб фалсафасининг кўпгина йўналишлари учун амалиёт ўз эркинлигини лойиҳа ва танлаш имкониятида рўёбга чиқарадиган (Сартр) хоҳиш-иродали (прагматизм), оқилона (неопозитивизм) мавжудот сифатида тушуниладиган индивиднинг фаолиятидир. Гуссерль фалсафасида амалиёт инсон фаоллигининг барча шаклларини ўзида мужассамлаштиради, бироқ фалсафий таҳлил улардан соф билим, назарияни ажратиб олади. Айни шу билим таҳлил предметига айланади. Хайдеггер учун инсоннинг «дунёда борлиги» нарсалар билан муомала қилиш демакдир. Ижтимоий-амалий соҳа ҳақиқий борлиққа эга эмас, унда инсоният инқирозининг манбалари мавжуд.

Марксизмда, амалиётнинг тарихий вазифаси яхшилик ва ёмонлик диалектикасини рўёбга чиқаришдан иборат, деб тушунилади. Марксистлар таклиф қилган дунёни қайта қуриш дастури, уларнинг фикрича, ижтимоий-ахлоқий хусусиятга эга бўлган коммунистик идеалларга эришишга қаратилган.

Гуссерль, муҳим маънавий қадриятларга риоя этган ҳолдагина, амалиёт, ўзининг ҳақиқий мақсадларига эришади, деб ҳисоблайди.

Демак, фалсафада амалиётга яхши мақсадларга эришиш сифатида ёндашиш анъанаси мавжуд. Файласуфлар, асосан, амалиётни тор практицизм, ҳамма нарсадан бевосита моддий наф кўриш йўсинида тушунишга мойил эмаслар. Файласуфларнинг қизиқиши умумий аҳамиятга молик қадриятларни рўёбга чиқаришга қаратилган. «Мақсад воситаларни оқлайди», деган тезисни Кант ҳам, Гегель ҳам танқид тиғи остига олган. Яхшиликка қаратилмаган воситалардан фойдаланиш муқаррар тарзда ёмон мақсадларга эришилишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, амалиёт турли фалсафий йўналишларда ҳар хил талқин қилинади. Амалиёт категорияси кенг ва тор маънода ё инсоннинг ҳар қандай фаолияти, ё унинг фақат моддий фаолияти сифатида тушунилади.

Амалиётнинг таркибий қисмлари: *1) мақсад; 2) мақсадга мувофиқ фаолият; 3) амалиёт воситалари; 4) амалий ҳаракат объекти; 5) ҳаракат натижаси кабилар*.

Мақсад субъектга ёки одамлар гуруҳига хос. *Мақсад – эришиш мўлжалланган келажакнинг субъектив образи.* Пировард мақсад муқаррар тарзда муайян предметларга боғланади, деб ўйлаш ярамайди. Инсоннинг чегара билмас интилиши билан тавсифланадиган идеал ҳам мақсад бўлиши мумкин. Мақсад ҳақидаги фалсафий таълимот – телеология, деб аталади. Амалиёт ўз мақсадларини кўзловчи одамнинг фаолиятидир. Шу сабабли у мақсадга мувофиқ фаолият ҳисобланади.

Бу фаолиятнинг ўзи мақсад тимсоли сифатида амал қилади. Бу ерда субъект муқаррар тарзда ғайри ниятни эмас, балки кучни тан оладиган табиат билан тўқнашади. Инсон табиатга табиий куч сифатида қарши туради. Табиатда инсон ўз мақсадини рўёбга чиқаради.

Мақсадга эришиш учун ишга солинадиган ҳамма нарса амалиёт воситаси деб аталади. Бу нафақат машиналар, меҳнат қуроллари, балки одамларнинг билимлари ва ҳаёт тажрибаси ҳамдир. Ҳаракат қаратилган нарса амалиёт объекти деб аталади. Фаолият маҳсулотда тўхтайди, мақсад рўёбга чиқади. Рўёбга чиққан мақсад мақсад эмас. Имконият борлиққа айланади; амалий ҳаракат бажарилади. Амалий ҳаракатлар эстафетаси инсон амалиёти, унинг фаол ҳаётини ташкил этади.

Амалиёт натижасига эришиш босқичида субъект ўз ҳаракатларининг самарадорлигини, уларга йўлдош бўлган эмоционал ва оқилона жиҳатларни баҳолаш имкониятига эга бўлади. Амалиёт ҳақиқат мезонига айланади. Амалиёт ҳақиқатнинг бирдан-бир мезони эмас, бироқ у ҳақиқатни баҳолашнинг бош мезонларидан бири сифатида тан олинади. Инсон ўз тафаккурининг ҳақиқийлигини, унинг бутун қудратини амалиётда исботлаб бериши лозим. Амалиёт таркибида ҳар хил аҳамиятга эга бўлган нисбатан мустақил жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар фалсафий таълимотлар мазмунида ўз аксини топади. Кантчилар амалиётни таҳлил қилишда субъектнинг фаоллигидан келиб чиқадилар. Марксчилар амалиёт воситаларини биринчи ўринга қўяди. Ваҳоланки, амалиёт яхлит ҳодиса бўлиб, бу ерда ҳамма нарса ўзаро боғлангандир. Амалиётни таркибий қисмларга ажратиш ва улар ўртасида субординация ўрнатиш доим ҳам ўринли бўлавермайди.

Дунёдаги барча нарсалар ва ҳодисалар каби амалиёт ҳам у ёки бу даражада ривожланган шаклларда мавжуд бўлади. Нафақат ижтимоий ишлаб чиқариш, балки инсоннинг ҳар қандай фаолияти амалиёт ҳисобланади. Масалан, индивидуал тафаккур жараёни ҳам амалиётдир. Амалиётда нафақат ишчи ва муҳандис, балки сиёсатчи, олим, хуллас, ҳар бир одам иштирок этади. Агар табиий жараёнлар инсон фаолияти соҳаси билан боғлиқ бўлмаса, улар амалиёт соҳасига кирмайди. Назария ва амалиёт ўртасидаги тафовутни бартараф этиш лозимлиги тўғрисида кўп сўз юритилади, демак, назария амалиётга зид бўлиши мумкин. Бошқа бир ёндашувга кўра, яхши назариядан амалийроқ нарса йўқ. Назария ва амалиёт ўртасидаги сохта тафовутни бартараф этиш эмас, балки амалиётни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш муҳим вазифадир. Самарали иш кўрадиган субъект ва жамият яхши амалиётчидир.

Амалиёт шаклларига келсак, улар инсон фаолиятининг таркибига мувофиқ анча кўп. Масалан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаёт амалиёти, санъат ва фан амалиёти, тил амалиёти ва ҳоказолар бор. Фалсафа амалиётга категориялар, яъни амалиётнинг барча шаклларига хос бўлган умумий жиҳатлар нуқтаи назаридан ёндашади.

Амалиёт ва билиш бирлиги. Фалсафада амалиёт деганда инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзини қуршаган дунёни ёки унинг айрим қисмларини ўзгартиришга қаратилган фаолият тушунилади. Амалиётнинг асосий шакли меҳнат бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида инсон табиат билан тўқнашади. Шунингдек, бошқарув амалиёти, сиёсий, ижтимоий амалиёт ва амалиётнинг бошқа шакллари фарқланади. Хўш, амалиётнинг билиш билан алоқаси қандай?

Биринчидан, амалиёт билишнинг сарчашмаси, негизи, уни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Амалиётнинг муайян эҳтиёжлари инсониятнинг билишга бўлган эҳтиёжлари ва вазифалари, умуман, фаолият тури сифатидаги билишнинг ўзи юзага келишига сабаб бўлган. Масалан, Қадимги Мисрда зироатчилик

геометрия ва математика пайдо бўлишини рағбатлантирган, кемачилик ва савдо иши эса астрономия ва бошқа фанларнинг ривожланишига туртки берган. Амалиёт жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги муаммолар (масалан, коинотни ўзлаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва б.)га дуч келиб, билишнинг янги тармоқлари ривожланишини таъминлаган. Масалан, XX асрда космик тиббиёт, кристаллография, генетика ва бошқа фанлар вужудга келди.

Иккинчидан, амалиёт ўзининг муҳим эҳтиёжлари билан бирга билишнинг мақсади ҳамдир. Инсон билимлари улардан ўз кундалик турмушда фойдаланиш учун мўлжаллангандир. Бироқ, улар буюмлар ва товарлар, меҳнат қуроллари яратиладиган саноатда биринчи даражали аҳамиятга эга. Масалан, Д.И.Менделеев жадвали ва унда ифодаланган маълумотларсиз ҳозирги кимё саноатини тасаввур қилиш мумкин эмас. Кундалик ҳаётдан мустаҳкам ўрин олган телевидение ва радио физика ва бошқа фанларда эришилган ютуқлар маҳсулидир. Агар билимларга амалиётда ҳожат бўлмаса, улар ўз ижтимоий аҳамиятини йўқотиши мумкин. Бинобарин, амалиёт билимлар изчил қўлланиладиган улкан соҳадир.

Учинчидан, амалиёт инсон билимлари ва тасаввурларининг ҳақиқийлиги мезони (кўрсаткичи)дир. У илмий гипотезалар ва назарияларнинг (масалан, Қуёш тизимининг бошқа сайёраларида ҳаёт борлиги ҳақидаги фаразнинг) аниқлигини текширишнинг муҳим усули ҳисобланади. Бироқ, бунда мазкур мезон ўзининг номукаммаллиги туфайли универсал (умумий) эмаслигини эътиборга олиш лозим. Зотан, дунё ҳақидаги ғоялар ва тахминларнинг барчасини ҳам амалда синаш мумкин эмас. Шу сабабли фан билимларнинг ҳақиқийлигини асослаш учун, масалан, мантиқий исботлаш каби усуллардан фойдаланади.

Хулоса. Амалиёт ҳар қандай билиш жараёнининг негизи, таянч нуқтаси ва тадрижий якуни ҳисобланади. Амалий фаолият мақсадга йўналган ва билимнинг ифодаси сифатида унинг натижасида намоён бўлади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Амалиёт, ижтимоий амалиёт, амалиёт фалсафаси, мақсад, мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалари, амалий ҳаракат объекти, ҳаракат натижаси, билиш ва амалиётнинг ўзаро нисбати.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Билиш жараёнида амалиёт қандай роль ўйнайди?
2. Амалиётда ижтимоий омилларнинг роли мавжудми?
3. Амалиётнинг қандай шакллари бор?
4. Билиш ва амалиётнинг ўзаро нисбати қандай?

Реферат мавзулари

1. Билим ва амалиёт бирлиги.
2. Амалиётда ижтимоий омилларнинг роли.
3. Фалсаф тарихида амалиётга муносабат

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Амалиёт мазмуни ва шаклларига кўра қандай турларга бўлинади?

А. Моддий неъматлар яратиш, ижтимоий-сиёсий фаолият, илмий-амалий фаолият ва бошқалар

Б. Илмий-тадқиқот, кашфиёт ва янгиликлар яратиш, халқ хўжалигини ривожлантириш

В. Моддий неъматлар яратиш, ишлаб чиқариш, сиёсий жараёнлардан иштирок этиш ва бошқалар

Г. Ижтимоий-сиёсий фаолият, маънавий-маърифий фаолият ва ишлаб чиқаришда иштирок этиш

2. Одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадига таъсир кўрсатиш фаолияти, бу – ...

А. Амалиёт Б. Билим

В. Тажриба Г. Гипотеза

3. Билишга нисбатан амалиёт неча хил вазифани бажаради?

А. Уч Б. Икки

В. Тўрт Г. Чексиз

4. Амалиётнинг таркибий қисмлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Мақсад; мақсадга мувофиқ фаолият; амалиёт воситалари; амалий ҳаракат объекти; ҳаракат натижаси

Б. Мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалари, амалий ҳаракат субъекти кабилар

В. Мақсад, мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалари, амалий ҳаракат субъекти ва объекти

Г. Мақсад; мақсадга мувофиқ фаолият; амалиёт воситалари; амалий ҳаракат объекти ва субъекти, ҳаракат натижаси

5. Амалиёт назариясида фаолият нимада (қайси босқичда) тўхтайди?

А. Маҳсулотда Б. Мақсадда

В. Мақсадли фаолиятда Г. Фаолият тўхтамайди

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. –Т.: «Университет», 2005 й.

2. Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: «Университет», 2005 й.

3. Шермухамедова Н. Гносеология – билиш назарияси. –Т.: ЎФМЖ, 2010 й.

4. Соифназаров И., Қосимов Б., Никитченко Г. Илмий ижод методологияси. –Т.: «Янги аср авлоди», 2004 й.

5. Қурбонова Л. Ижодий тафаккур. Андижон, АДУ, 2009 й.

6. Қурбонова Л. Илмий ижодий тафаккурнинг фалсафий методологик таҳлили // Дис...канд... филос... –Т.: 2007 й.

7. Творческая природа научного познания. –М.: 1984 г.

8. Фармак И.П. Воображение в структуре познания. –М.: 1994 г.

9. Степин В.С. Становление научно теории. Минск, 1996 г.

10. Рузавин И.Н. Теоретическое знание. Проблемы генезиса и различия форм. Ростов-на-Дону, 1989 г.

11. Семенов Ю.И. Проблема обоснования возможности априорного знания в теории научного познания и гносеологии // Дисс... канд... философ... наук. –М.: 1999 г.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар: Метод ва методология: Асосий тушунчалар.
Семинар режаси	1. Метод, методология тушунчалари. 2. Методларнинг таснифи. 3. Фалсафа методлари. 4. Ҳозирги замон методлари.
Машғулотнинг мақсади: Методларнинг таснифи ва уларнинг фаолиятда қўллаш малакаларини шакллантириш	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Метод, методология ва методика тушунчалари.	Метод тушунчасининг таҳлили.
Илмий билиш методларининг классификацияси.	Илмий билишда метод масаласи.
Фалсафа методлари.	Фалсафада методларни тушуниш масаласи.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганиш мақсадини тушунтиради.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади	ЎУМ га қарайдилар.

	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Фалсафий методлар» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Метод, методология методика мутаносиблиги? 2. Баъзи методологик тамойиллар ва ёндашувлар? 3. Фалсафа методларини таҳлил қилинг?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Умумий мантиқий методларнинг ўзига хос хусусиятлари», «Фан методлари ва хусусий илмий методлар умумтадқиқот методлари», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

«Метод» ва «методология» тушунчалари. «*Метод» (юнон. «metodos» – «усул») кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади. Методология тушунчаси икки асосий мазмунга эга – фаолият-*

да қўлланиладиган маълум усуллар тизими (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳ.к.); тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси.

Ҳозирги даврда методология, фақат илмий билиш соҳаси билан чекланиши мумкин эмаслиги аён бўлди ва у, албатта, билиш чегарасидан чиқиши ва ўз соҳасида амалиётда ҳам қўлланиши зарур. Бунда билиш ва амалиётнинг узвий алоқадорлигига эътибор қаратмоқ керак.

Методология фақат методларни эмас, балки тадқиқотни таъминловчи бошқа воситаларни ҳам ўрганади. Тамойил, қоида ва кўрсатмалар, шунингдек, категория ҳамда тушунчалар мана шундай воситалар жумласига киради. Номувозий, беқарор дунё шароитларида воқеликни методологик ўзлаштиришнинг ўзига хос воситаларини ажратиш, фан ривожланишининг «постноклассик», деб номланган ҳозирги босқичида, анча долзарб аҳамият касб этмоқда.

Фан методологияси, унинг структураси, тараққиёти, илмий-тадқиқот воситалари ва усуллари, унинг натижаларини асослаш йўллари, билимни тажрибага татбиқ қилиш механизмлари ва шаклларини ўрганади. Шунингдек, методология методлар йиғиндиси ва фаолият тури ҳақидаги таълимотдир.

Метод, у ёки бу шаклда маълум қоида, тартиб, усул, ҳаракат ва билим мезонларининг йиғиндиси ҳамдир. У тамойиллар, талаблар тизими бўлиб, субъектни аниқ вазифани бажаришга, фаолиятнинг шу соҳасида маълум натижаларга эришиш сари йўналтиради. У ҳақиқатни излашда вақт, кучни тежайди, мақсадга энг яқин ва осон йўл билан етишишга ёрдам беради.

Методнинг асосий вазифаси фаолиятнинг билиш ва бошқа шаклларини бошқарувдан иборат. Бироқ:

– биринчидан, метод ва методологик муаммоларнинг ролини инкор қилиш ёки тўғри баҳоламаслик («методологик негативизм»);

– иккинчидан, методнинг аҳамиятини бўрттириш, мутлақлаштириш, уни барча масалаларнинг калити, илмий янгиликларни яратишнинг энг қулай воситаси («методологик эйфория»), деб тушуниш нотўғридир.

Ҳар қандай метод муайян назария асосида яратилади ва тадқиқотнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Ҳар бир методнинг самарадорлиги унинг чуқур мазмун ва моҳиятга эгалиги, назариянинг фундаменталлиги билан асосланади. Ўз навбатида, метод мазмуни кенгайиб боради, яъни билимнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, тажрибага татбиқ этилиши билан методнинг кўлами ҳам ўзгаради.

Илмий билишда нафақат илмий натижа (билимлар мажмуи) ва предметнинг моҳиятини англаш, балки унга элтувчи йўл, яъни метод ҳам ҳақиқий бўлмоғи лозим. Шунга кўра, предмет ва методни бир-биридан айри ҳолда тушуниш мумкин эмас. Ҳар қандай метод у ёки бу даражада реал ҳаётий жараёнларда шаклланади ва яна унга қайтади. Метод ҳар қандай тадқиқот бошланишида тўла ҳолда намоён бўлмаса-да, маълум даражада предметнинг сифат ўзгариши билан ҳар сафар янгидан шаклланади.

Метод билиш предмети ва ҳаракатни сунъий равишда боғламайди, балки уларнинг хусусиятлари ўзгариши билан ўзгариб боради. Илмий-тадқиқот предметга дахлдор далил ва бошқа белгиларни жиддий билишни талаб қилади. У маълум материалнинг ҳаракати, унинг хусусиятлари, ривожланиш шакллари ва

ҳоказоларда намоён бўлади. Демак, методнинг ҳақиқийлиги, энг аввало, тадқиқот (объект) предметининг мазмуни билан боғлиқ.

Метод субъект билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача қилиб айтган-да, «Инсон умум методологиянинг марказидир» (Фейербах). Иккинчидан, ҳар қандай метод у ёки бу даражада бошқарув қуроли вазифасини бажаради.

Метод субъект ва объектнинг мураккаб диалектикаси асосида ривожланади ва бунда охиргиси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода, ҳар қандай метод, энг аввало, объектив, мазмунли ва конкрет бўлсада, айни пайтда, субъектив ҳамдир. Бироқ, у фақат мавжуд қоидалар тизими эмас, балки объектив илмийликнинг давоми сифатида намоён бўлади.

Метод методикада конкретлашади. Методика далилий материалларни йиғиш ва саралаш воситаси, аниқ фаолият туридир. У методологик тамойиллардан фарқ қилса-да, уларга асосланади.

Методлар хилма-хиллигига қараб, турли мезонлар асосида классификация қилинади. Энг аввало, маънавий, ғоявий (шунингдек, илмий), моддий ва амалий фаолият методларини ажратмоқ лозим.

Фан тарихида методлар янги назарияларни яратиш жараёнида шаклланади. Янгилик яратиш санъати янгиликлар жараёнида камол топади. Дастлабки тадқиқот тажрибада шаклланар экан, метод тадқиқотнинг бошланғич нуқтаси, амалиёт билан назарияни боғловчи восита сифатида намоён бўлади. Метод ва назариянинг узвий алоқаси илмий қонунларнинг методологик ролида ўз аксини топади. Ҳар қандай фанга оид қонун инсонни воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни шу фанга мансуб соҳага мос фикрлашга ундайди. Масалан, энергиянинг сақланиш қонуни бир вақтнинг ўзида методологик тамойил бўлиб, у олий нерв фаолиятининг рефлекторлик назарияси, ҳайвонлар ва инсон ахлоқини тадқиқ қилишнинг методларидан бири ҳамдир.

Илмий-тадқиқот жараёни тарихан ишлаб чиқилган методлар асосида амалга оширилади. Ҳеч ким, ҳеч қачон ҳақиқатни йўқдан бор қила олган эмас. Албатта, олим изланишлар, хатолар қуршовида ҳаракат қилади. Баъзи ҳолларда бир нарсани излаш жараёнида бутунлай бошқа нарса яратилади.

Метод ўз-ўзидан тадқиқотнинг муваффаққиятли бўлишини таъминлай олмайди, чунки нафақат яхши метод, балки уни қўллаш маҳорати ҳам муҳимдир. Илмий билиш жараёнида турли методлардан фойдаланилади. Умумий даражасига кўра, улар кенг ёки тор кўламда қўлланилади. Ҳар қандай фан ўз предметини ўрганишда у ёки бу объектнинг моҳиятидан келиб чиқувчи турли хусусий методлардан фойдаланади. Масалан, ижтимоий жараёнларни ўрганиш методи оламнинг ижтимоий шакли, унинг қонуниятлари, моҳиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

Методлар умумийлик даражаси ва амал қилиш доирасига кўра бир неча гуруҳга бўлинади. Улар: *фан методлари хусусий илмий методлар умумилмий-тадқиқот методлари, фанлараро тадқиқот методлари, фалсафа методлари, ижтимоий-гуманитар фанлар методлари кабилардир.* Қуйида уларнинг мазмунини таҳлил қиламиз.

Фан методлари – *маълум фан тармоғига кирувчи ёки фанлар туташган жойда вужудга келган муайян фан соҳасида қўлланиладиган усуллар тизими.* Ҳар бир

фундаментал фан, моҳият-эътибори билан, ўз предметига ва ўзига хос тадқиқот усулларига эга бўлган соҳалар мажмуидир. Фанда, кўп ҳолларда танланган метод тадқиқотнинг тақдирини ҳал қилади. Айнан бир далилий материални турли методлар асосида ўрганиш зиддиятли хулосаларга олиб келиши мумкин. Илмий билишдаги тўғри методни характерлар экан, Ф.Бэкон уни, йўловчининг йўлини ёритувчи чироқ билан қиёслайди. Нотўғри йўлдан бора туриб, у ёки бу масалани ҳал қилишда муваффақиятга эришишга умид қилиш мумкин эмас. Зеро, нафақат натижа, балки унга элтувчи йўл ҳам тўғри бўлмоғи лозим.

Фан методларининг гуруҳларга бўлиниши бир нечта асосларга эга. Билиш жараёнида унинг роли ва ўрни нуқтаи назаридан: формал, эмпирик, назарий-тадқиқот, изоҳлаш, шунингдек, бошқа методларга ажратиш мумкин. Ўз навбатида, билишнинг сифат ва сон, билвосита ва бевосита оригинал ҳамда фаолиятли методлари ҳам мавжуд. Методларни танлаш ва турли методик тадқиқот фаолиятида қўллаш ўрганилаётган ҳодиса табиати ва қўйилган вазифалар билан характерланади.

Хусусий илмий методлар – *материя ҳаракатининг асосий шаклига мос бўлган муайян фанда қўлланиладиган билиш усуллари, тамойиллари, тадқиқот усуллари ва тартиб-таомиллари мажмуи.* Механика, физика, кимё, биология ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг методлари шулар жумласидандир. Хусусий фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари моддий ифодасини топган билиш воситалари: микрофизикада зарраларни тезлатгичлар, тиббиётда аъзолар фаолиятини қайд этувчи турли ўлчагичлар ва шу кабилар ҳозирги замон методологик тадқиқотининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Умумилмий-тадқиқот методлари *фалсафа билан махсус фанларнинг фундаментал назарий-методологик қоидалари ўртасида ўзига хос «оралиқ методология» бўлиб хизмат қилади.* Умумилмий тушунчалар қаторига кўпинча «ахборот», «модель», «тузилма», «функция», «тизим», «элемент», «оқилоналик», «эҳтимоллик» сингари тушунчалар киритилади.

Биринчидан, бир қанча хусусий фанлар ҳамда фалсафий категорияларнинг алоҳида хосса, белги ва тушунчалари умумилмий тушунчаларнинг мазмунига «сингдириб» юборилганлиги, иккинчидан, (фалсафий категориялардан фарқли ўлароқ) математик назария ва символик мантиқ воситалари билан уларни формаллаштириш, уларга аниқлик киритиш мумкинлиги умумилмий тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Агар фалсафий категориялар умумийликнинг мумкин бўлган энг юқори даражаси – муайян умумий даражани ўзида мужассамлаштирган бўлса, умумилмий тушунчаларга кўпроқ умумий мавҳум (бир хил) даража хоски, бу уларни мавҳум-формал воситалар ёрдамида ифода этиш имконини беради. Фалсафанинг асосий масаласини (тўла ҳажмда) ечишда «иштирок этиш» шарти муайян «тафаккур шаклини яратиш»нинг «фалсафийлиги», «диалектиклиги» даражасини аниқлашнинг муҳим мезонидир.

Умумилмий тушунча ва концепциялар асосида билишнинг тегишли методлари, тамойиллари таърифланади, улар эса, ўз навбатида, фалсафанинг махсус илмий билим ва унинг методлари билан оқилона ўзаро алоқасини таъминлайди. *Умумилмий методлар қаторига тизимли ва структуравий-функционал, кибер-*

нетик, эҳтимолий ёндашувлар, моделлаштириш, формализация ҳамда бошқалар киради.

Умумилмий тушунчаларнинг муҳим роли шундан иборатки, улар ўзининг «оралиқ хусусияти» билан фалсафий ва алоҳида илмий билимнинг (шунингдек, тегишли методларнинг) ўзаро ўтишини таъминлайди. Гап шундаки, биринчи билим иккинчи билимга соф юзаки тарзда, бевосита ўтмайди. Шунинг учун ҳам махсус илмий мазмунни дарҳол фалсафий тушунчалар тилида ифодалашга уринишлар, қоида тариқасида, ноконструктив ва самарасиз бўлади.

Фанлараро тадқиқот методлари – *асосан фан соҳалари туташган жойда амал қиладиган (методологиянинг турли даражаси элементларини бирлаштириш натижасида юзага келган) бир қанча синтетик ва интегратив усуллар мажмуи.* Мазкур методлар комплекс илмий дастурларни амалга оширишда кенг қўлланилади.

Фалсафа методлари. *Фалсафа методларининг асослари бевосита амалий фаолият билан боғлиқ.* Турли конкрет вазифаларни ҳал қилишнинг зарурий шартларидан бири универсал хусусиятга эга бўлган умумий фалсафий методларга мурожаат қилишдир. Бу методлар ҳақиқатни англашда умумий йўлни кўрсатади. Мазкур методларга фалсафанинг қонун ва категориялари, кузатиш ва тажриба, таққослаш, анализ, синтез, индукция, дедукция ва ҳоказолар тааллуқли. Агар махсус методлар объектнинг қонуниятларини ўрганишнинг хусусий усуллари сифатида намоён бўлса, фалсафий методлар шу объектларда намоён бўладиган, алоҳида хусусиятлардаги ҳаракат, тараққиётнинг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Айнан шу ўринда тажриба ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар бир метод объектнинг алоҳида томонини билишга имконият яратади. Фалсафанинг энг қадимги кенг тарқалган методлардан бири диалектика бўлса, иккинчиси метафизикадир. Бироқ фалсафа методлари булар билан чекланмайди. Бугунги кунда унинг софистика, эклектика, аналитик, (ҳозирги замон аналитик фалсафаси), интуитив, феноменологик, синергетик, герменевтик (тушуниш) ва бошқа турлари ҳам мавжуд. Эндиликда турли методларни бирлаштириш жараёни ҳам рўй бермоқда (масалан, Гадамер герменевтикани рационал диалектика билан бирлаштиришга ҳаракат қилади).

«Диалектика» (юнон. «dialektike» – «баҳс», «суҳбат») табиат, жамият ва билиш тараққиёти қонуниятлари ҳамда уларнинг асосида шаклланадиган умумий тафаккур услуби ва амалий фаолият ҳақидаги таълимотдир. У грек тилида баҳс ва суҳбатлашиш санъати, деган маънони англатади. Антик дунё файласуфлари уни ҳақиқатга эришиш йўли ва усули сифатида талқин этганлар. Ҳозирги даврга келиб, диалектика оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда, тараққиёт ва ривожланишда, деб тушунишга асосланади. Унга кўра, оламда ўз ўрнига ва жойига, яшаш вақти ва ҳаракат йуналишига эга бўлган барча нарсалар ва воқеалар бир-бирлари билан боғлиқ ва алоқадор тарзда, бир-бирларини тақозо этадиган, доимий ва такрорланиб турадиган боғланишлар орқали намоён бўлади.

Масалан, инсоният тарихида бу усулга ёндашилганида, у узлуксиз тарзда рўй берадиган авлодлар ўрин алмашуви, бирининг ўрнига иккинчиси келиши, муайян қадриятларни мерос қолдириши ва янгиликнинг эскиликни инкор

килишидан иборат доимий ва такрорланиб турадиган жараёндир. Башариятнинг муайян даврида эса, шу вақтнинг ижтимоий манзарасини белгилайдиган турли уруғ ёки қабилалар, давлат, миллат ва халқлар, оқим ва йўналишлар, ғоя ва мафкураларнинг хилма-хил шаклларини кўриш, уларнинг бир-бири билан узвий алоқадорликда намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Тараққиёт жараёнида авлодлар, даврлар, сиёсий тузумлар, умуман ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ўз-ўзидан автоматик тарзда содир бўлиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди. Балки уларнинг барчаси инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларнинг ҳосиласи, ижтимоий жараёнларнинг натижаси, бирор сабабнинг оқибати сифатида намоён бўлади. Бир давр иккинчисининг ўрнига, бир авлод олдингисидан кейин, бир воқеа бошқасининг ортидан содир бўлиб туради. Ана шу абадий ва азалий узлуксизлик, доимий алоқадорлик, вақтнинг орқага қайтмаслиги ва воқеаларнинг кетма-кетлиги тарзидаги боғланишлар, ривожланиш ва тараққиёт, оламнинг ранг-баранглиги ва уйғунлиги диалектиканинг асосий тамойилларини ташкил қилади.

Фалсафада мазкур тамойилларга асосланган тафаккурни – диалектик тафаккур, ана шундай дунёқарашни – диалектик дунёқараш, ёндашувни – диалектик ёндашув, методни – диалектик метод деб аташ анъанага айланган. Шу билан бирга, у ёки бу олимнинг ушбу тамойилларга асосланадиган дунёқараши, фалсафий таълимотлари ҳам бор. Масалан, Демокрит ва Гераклит, Кант ёки Гегель диалектикаси дейилганда, ана шундай ҳол назарда тутилади.

Фалсафа тарихида диалектика тўғрисида хилма-хил қарашлар бўлган. Антик давр диалектикаси содда ва стихияли бўлиб, асосан, ҳаётий тажрибага асосланган. Ўша даврда «Диалектика» сўзини биринчи бўлиб, Суқрот (эр.ав. 469–399 й.) ўз фалсафий фаолиятида қўллаган. Суқрот диалектикани майевтика (ҳарфларни яратиш санъати) билан таққослаган. Зотан, мулоҳаза қилиш шундай диалектик усулдирки, унинг натижасида рақиб нутқидаги ички зиддиятлар очилади ёки фикрлаш жараёнида янги ихтилофли фикр-мулоҳазалар пайдо бўлади. Суқрот бошқаларни ҳақиқатни излашга даъват этар экан, ўз онаси доя Фенарети ишини давом эттираяпман, деб изоҳлайди.

«Диалектика» сўзи пайдо бўлишига қадар антик фалсафада мазмунига кўра, диалектик бўлган назариялар шаклана бошлаган. Ўтмиш мутафаккирлар ўз вақтида дунёнинг ягона бирлиги сокинлик, бу бир бутунлик ичида доимий узлуксиз ўзгаришлар, яратиш жараёни содир бўлувчи коинот ҳақидаги фикрларни илгари сурганлар. Улар коинотни ўзгарувчанлик ва барқарорликнинг зиддияти сифатида тасаввур қилганлар. Борлиқнинг умумий ўзгарувчанлиги бир нарсанинг иккинчи нарсага – ернинг сувга, сувнинг ҳавога, ҳавонинг оловга, оловнинг эфирга айланиши ва қайта такрорланиши билан характерланади, деб ҳисоблаганлар.

Масалан, Гераклит (эр.ав. 540–483 й.) умумий ўзгарувчанликнинг универсаллигини шундай изоҳлайди: «Ариқда оқаётган муайян сувга икки марта тушиб бўлмайди, чунки янги ва янги сувлар оқиб келаверади. Ўзгарувчанликнинг манбаи курашдир»[1]. Ўзгарувчанлик антик диалектик назарияда янгини яратмасдан, бир-бирини такрорловчи жараён сифатида мавҳум тушунилган. Айнан шундан бири иккинчисини тақозо қилувчи дунёнинг ягона бирлиги сифатида чексиз кои-

[1] Гераклит // История философии. Энциклопедия. Минск. 2002 г. с. 238.

нот образи яратилган. Шунга кўра, Гераклит зиддиятларнинг айнийлигини яхшилик ва ёмонликнинг бир хил эканлигини таъкидлайди, Бу мутафаккир ижодининг қонуний натижаси бўлиб, у реалликнинг назарий моделини яратади. Гераклит зиддиятлар ҳақида гапирмайди, бу тушунча фанга Аристотель томонидан киритилган, Аристотель (Арасту) (эр.ав. 384–322 й.) Афлотун таълимотини танқидий ўрганар экан, ўзгарувчанлик муаммосини тараққиёт омили сифатида таҳлил қилади. Унинг диалектикасига хос алоҳида хусусиятлар, аввало, тараққиётни моддийлик, ҳаракатда, формал ва сабабий боғланишдалигини тан олишда, янги босқични бошқалари билан боғлиқ эмас, деб тушунишда яққол кўринади. Иккинчидан, Аристотель зиддиятлар билан боғлиқ бўлган муаммолар доирасини яратади. Зиддиятларнинг мутлақ мос келишини инкор қилар экан, мутлақо мос келмаслигини ҳам инкор қилади, бироқ, уларнинг қандайдир ҳолатида мавжудлигини тан олади. Учинчидан, Аристотель формал мантиққа асос солар экан, унинг онтологияда намоён бўлиши ва у эса, ўз навбатида, мазмунан прогрессив, шаклан мукаммал фалсафий методни яратиш зарурлигига олиб келади, деб ҳисоблайди. Тўртинчидан, Аристотель ўша даврдаёқ бу асосий фалсафий методнинг йўналишини белгилаб беради.

Диалектик метод янги даврда, хусусан, немис фалсафасида, айниқса, Кант, Фихте, Шеллинг ва Гегель томонидан янада чуқурроқ таҳлил қилинган.

Янги даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу даврга келиб тараққиётга янгича муносабат шаклланди. Диалектик метод предметларда эмас, балки муносабатларда ўз аксини топа бошлади. Бу чексизлик ҳақидаги ғояни қайта ишлаш билан боғлиқ эди. Чексизлик ғоясининг янгича талқини парадоксал назария шаклида намоён бўлди. Бу Кантнинг планетар тизимларнинг туманликдан пайдо бўлганлиги ҳақидаги гипотезани яратиши билан боғлиқ. Билиш назариясида Кант икки мулоҳазанинг зиддиятлилиги антиномиясини очиб ташлар экан, бунда ҳар иккаласини етарли асосга эга, деб ҳисоблайди. Масалан: 1. Дунё вақтда бошланғич нуқтага эга ва вақтда чеклидир. 2. Дунё вақтда бошланғич нуқтага эга эмас ва вақтда чексиздир.

Кант зиддиятларга эскича, яъни инсон ақлининг иллюзияси сифатида қарайди. У бу зиддиятларни янги назария яратиш жараёнида кашф қилади, бироқ ундан қутилиш йўлини кўрсата олмайди. Уларга ақлнинг хатоси сифатида қараш керакми? Ҳиссий идрок қилишда хатога йўл қўйилар экан, ақлнинг хатолигидан шубҳаланиш тўғримикан? – деган саволларга жавоб излаган Кант ақлдаги зиддиятларни бартараф қилиш йўлини топадики, айнан шу йўл позитив диалектиканинг асоси бўлади. Бунда инсон ақли ўзгарувчанлигининг тарихийлиги тан олинади, ақлнинг хатоси эса, тарихий асосга эга бўлиб, у тараққиётнинг чексизлиги, билиш жараёнини тўғри тушуниш қобилиятига эга эмас. Кант диалектика методидан янгича фойдаланиш имкониятини кўрсатди, тараққиёт муаммосини янгича қўйиш ва ҳал қилиш заруриятини эътироф этди. Тараққиётнинг янги назариясини Кант субъект ақлининг диалектик характери билан боғлайди ва субъектив диалектикани асослаб беради.

Диалектика тараққиётининг кейинги имкониятлари Гегель фалсафасида ўз ифодасини топди.

Гегель диалектикани фалсафа тараққиётининг умумий назарияси сифатида

асослаб берган. Маълумки, ўрта аср рационализми тажрибанинг аҳамиятини ва назариянинг эмпирик пайдо бўлишини тан олиши билан характерланган. Гегель фикрлари бошқача характерга эга. У, фалсафа ўз хусусиятларини асословчи методга эга бўлмас экан, фан бўла олмайди, деб ҳисоблайди.

Гегель диалектик методни мукаммаллаштириш мумкинлигини ва у ягона ҳақиқий методлигини таъкидлайди. Фалсафа методи табиат ва руҳ тараққиётини ифодаловчи фикр ҳаракатига адекват бўлиши лозим. Гегель ўз методида шундай адекватликка эришилганлигига ишонади. Гегель диалектикасини тушуниш учун даставвал, гегелча диалектиканинг резонанс, салбий, позитив диалектика каби шаклларини таҳлил қилиш лозим.

Резонанс (субъектив) диалектика – субъект тафаккури бўлиб, у предметдаги зиддиятларни ифодалайди, бироқ мавжуд зиддиятлардан илгарилаб кетади. Субъект фақат буни изоҳлаш билан кифояланади, холос.

Салбий (объектив) диалектика резонанс диалектикадан баъзи устуворликка эга, чунки у бошланишидан анча илгарироқ ҳаракат қилади. «У томон», «Бу томон» каби изоҳлашлар мутлақ бутунликни инкор қилади. Салбий диалектика мустаҳкам нарсаларни синдиришга интилади. Унинг кучи айнан шундадир. Ожизлиги эса, уларнинг ўзидаги чекланганликни изоҳлар экан, жудаям кам мақсадга эришилади. Унинг натижаси ноль, салбий, тасдиқлаш унда ҳали намоён бўлган эмас.

Диалектиканинг резонанс ва салбий шаклидан фарқ қилувчи юқорироқ шакли ички (имманент) диалектикадир. Бу нафақат резонанс ва инкор қилувчи, балки яратувчи диалектикадир. Чунки *имманент диалектика предметнинг имманент ҳаракат бирлигидаги тараққиёт мантиғи сифатида намоён бўлади.* Шунга биноан, фан предметни имманент ўрганади. Предметни имманент ўрганмоқ нима? Бу мазмунни соф тушунчада исботламоқ, яъни предметнинг моҳиятини исботламоқдир. Гегель фикрича, диалектик зиддиятлар – руҳнинг зиддияти. Пировард натижада, мазкур зиддиятлар реал борлиқдаги зиддиятларни акс эттирувчи субъект тафаккуридаги зиддиятлар бўлиб, Гегель уни ғоянинг ўз-ўзини намоён қилишидаги зиддиятлар сифатида акс эттиради. Гегель фикрича, диалектика мутлақликдан бошланади ва у билан тугайди. Диалектик нуқтаи назардан фақат мутлақлик реал бўлиши мумкин. Шунинг учун, Гегель диалектикаси мутлақ ақл фаолиятининг назарияси, мантиғи ва методи сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, идеалистик диалектика бўлгани сингари материалистик диалектика ҳам бор. У моддийликнинг яшаш тамойиллари, категориялар ва қонунларининг ягона, бир бутун тизимини ифодалайди.

Умуман олганда, диалектик методга кўра, агар объектив оламда доимий ривожланиш, пайдо бўлиш ва йўқолиш, ҳодисаларнинг ўзаро бир-бирига ўтиши бўлар экан, унда тушунча, категория ва тафаккурнинг мавжуд шакллари, ҳаракатчан, ўзаро боғлиқликда, зиддиятлар бирлигида бўлиб, ривожланувчи реал ҳақиқатни тўғри акс эттириши керак. Шунинг учун диалектиканинг асосий тамойили тарихийлик бўлиб, у предметнинг доимий ривожланишда, ўзгаришда ва ҳаракатдалигини ифодалайди.

Бизни ўраб турган олам ягона бир бутунлик, аниқ тизим бўлиб, бир-бири билан узвий боғлиқ предметлар хилма-хиллиги ягоналикда, бир-бири билан ўзаро таъ-

сир ва ўзаро узвий боғлиқликда намоён бўлади. Шунга мос равишда диалектиканинг яна бир тамойилига кўра, ҳар қандай нарсани фақат ундаги ички ва ташқи томонлар мужассамлигини тадқиқ қилгандагина, тўғри тушуниш мумкин. *Диалектиканинг объективлик, конкретлик, детерминизм ва бошқа тамойиллари ҳам мавжуд.*

«Метафизика» (юнон. «физикадан кейин») – диалектика каби универсал методдир. Бу сўз илмий муомалага эрамиздан аввалги I асрда Аристотелнинг шогирди, унинг шеърлари шарҳловчиси Родосский томонидан киритилди. Мутафаккир асарларини бир тизимга солар экан, у борлиқ ва билиш ҳақидаги умумий масалаларни физикадан сўнг «биринчи фалсафа»нинг (моҳият, сабаб ва бошқа) иккинчи фалсафадан фарқли хусусий-илмий билимларни ўрганадиган қисми сифатида талқин қилган.

Кўп ҳолларда, диалектикага қарама-қарши деб талқин этиладиган *метафизика оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишда, уларнинг муайян вақт давомида нисбатан ўзгармасдан, алоҳида турган ҳолатига диққатни кўпроқ қаратадиган усулдир*. Бу усул қўлланганида, оламнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг алоҳида қисми ёки ҳолатига асосий эътибор берилади. Воқеа, ҳодиса ва жараёнларни доимий ўзгариш ҳолатида ўрганиш ниҳоятда қийин бўлганлигидан, нафақат файласуфлар, балки барча фан мутахассислари унинг нисбатан тинч ва ўзгармай турган ҳолатини ўрганадилар, тадқиқ этадилар.

Аслини олганда, олам гарчанд диалектик ўзгариш ва ҳаракатда бўлсада, бу жараён доим ҳам ниҳоятда тез содир бўлавермайди. Биз эса, дунёдаги нарса, ҳодиса ва одамларга шунчалик метафизик тарзда ўрганиб қолганмизки, гўё кечадан бугуннинг фарқи йўқдек, кеча кўрган кишига бугун дуч келганимизда, унда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмагандай туюлади. Шу маънода, ҳаётда кўп ҳолларда метафизик усулда фикр юритамиз, нималаргадир ана шундай муносабатда бўламиз. Аслида эса, улар ҳам азалий ўзгаришлар жараёнига тушган нарса ва кишилар эканлигини жуда камдан-кам ҳолларда ўйлаб кўрамиз. Худди шундай, бизнинг умримиз ҳам кечадан эртага қараб оқиб турадиган диалектик жараёндир. Биз ҳам ана шундай ўзгариб борамиз, аммо кўп ҳолларда бунга унчалик кўп эътибор берилавермайди. Шу тариқа мактабни тугатиб қўйганимизни, улғайганимизни, болаликнинг ортда қолганини гўёки билмай қоламиз...

Алоҳида таъкидлаш лозимки, метафизик усулнинг ҳаётда, илмий изланишлар ва фалсафий тадқиқотларда ҳам ўз ўрни бор. Бизда ҳалигача метафизиканинг тушунчалари, категориялари, тамойиллари ва илмий моҳияти изоҳланган ёхуд тадқиқ этилган асарлар, тадқиқотлар йўқ. Қолаверса, уни диалектика билан бутунлай қарши қилиб қўйиш ва бу фарқни мутлақ зиддият даражасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Айнан ана шундай ёндашув собиқ Иттифоқда диалектикани мутлақлаштиришга, метафизикани эса қуруқ ва ўлик таълимот сифатида қарашга, унинг имкониятларидан фойдаланилмаслигига сабаб бўлди.

Ҳозирги давр фанида метафизика уч асосий маънога эга:

1. Фалсафа умумий ҳодисалар ҳақидаги фандир. Бу таълимотнинг асосчиси Аристотель бўлиб, у «нарсанинг биринчи тури» ҳақидаги таълимотдир. Бу маънода, «метафизика» тушунчасини XX асрнинг йирик немис файласуфи М.Хайдеггер

ҳам ўрганади. Унингча, бу категория билишнинг объекти ва субъектини бир вақтда ифодаловчи тушунчадир.

2. Махсус фалсафий фан онтология, умуман, борлиқ ҳақидаги таълимот бўлиб, назария билиш мантиғи ва унинг хусусий кўринишларидан мустаснодир. Шу маънода, бу тушунча Ғарб фалсафасида ўтмишда ҳам (Декарт, Лейбниц, Спиноза ва ҳ.к.), ҳозирда ҳам кенг қўлланилади.

3. У билиш (тафаккур) ва ҳаракатни фалсафий тушуниш маъносида диалектикага қарама-қарши қўйилади. Бунда шу маънодаги тушунча, яъни антидиалектика ҳақида сўз боради. Унинг энг асосий хусусиятларидан бири бир томонламалик билиш жараёнининг фақат бир қисмини мутлақлаштиришдир.

Фалсафа тарихида метафизика (диалектика каби) ҳеч қачон ўзгармасдан қолмаган. У турли тарихий шаклларда намоён бўлган.

Эски метафизика XVII–XIX аср фалсафаси ва фанида, айниқса, камол топди (метафизик материализм, натурфалсафа, фалсафа тарихи ва ҳ.к.) *метафизиканинг бу шаклига хос хусусият умумий ўзаро алоқадорлик ва тараққиётни инкор қилиш, оламга бир бутун тизимли ёндашувнинг йўқлиги, тафаккурнинг иккиланувчанлиги, умумий дунёвий алоқадорликнинг тугаганлигига ишонишдир.*

Эски метафизик тафаккур услуби шаклланишининг объектив асослари бутуннинг алоҳида элементлари хусусийликни, алоҳида томонлар (фикран) нима учун бир бутунликдан айри ҳолда бўлиши ва бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишини тушунтириш заруриятидир. Бу усул кундалик турмушда, ақл даражасида, предмет тараққиётидаги муносабатларда зарур ва тўғридир. Шунинг учун метафизиканинг бу шакли предметлардаги барқарорликни, улардаги ўзгаришларни тизимли ўрганиш, тараққиётнинг манбалари ва механизмларини аниқлаш билан боғлиқ.

XIX–XX асрларда эски метафизикадаги кескин курашда тараққиёт ғоясининг янги далиллар билан мустаҳкамланиши икки муҳим натижага олиб келди: диалектик тафаккурнинг янги услублари пайдо бўлди. XX асрда эски метафизиканинг илмий далилларини инкор қилувчи янги метафизика шаклланди.

Янги метафизика *эски метафизикадан фарқли ўлароқ, нарсаларнинг умумий алоқадорлигини ва улар тараққиётини инкор қилмайди.* Бу фандаги ва жамиятдаги буюк кашфиётлар даврида абсурддир. Антидиалектика янги шаклининг асосий хусусияти – тараққиётни изоҳлашнинг турли вариантлари ва йўлларини излашдан иборат.

Буни қуйидаги йўналишларда тушуниш мумкин:

а) энг умумий, абадий ўсиш, ўзгариш ёки аксинча, кичрайиш (текис эволюционизм) тарзида;

б) худди сифат ўзгаришлари каби сакрашлар занжири (катастрофизм) шаклида;

в) такрорлаш сифатида қатъий линияли йўналишга эга бўлган доимий жараён (тўғри чизиқли ривожланиш) ҳолатида;

г) ҳеч қандай янгиликларсиз, айлана доирасидаги абадий ҳаракат кўринишида;

д) моҳиятидан зиддият келиб чиқувчи ҳаракат сифатида;

е) прогресс сифатида, яъни оддийдан мураккабга, пастдан юқорига интилиш

тарзида. Тараққиётнинг ўзаро алоқадорлик ва таъсирнинг бошқа аралаш изоҳлари ҳам бўлиши мумкин.

Метафизиканинг турлари ҳар хил асослар, мезонлар билан фарқланиши мумкин. Билишнинг метафизик методи – бюрократизм, консерватизм, волюнтаризм ва ҳоказо амалий фаолиятнинг бошқа бир томонлама ҳаракатлари тарзида намоён бўлиши ҳам мумкин.

Билимнинг метафизик усуллари турлича бўлиб, идеализм, сенсуализм, рационализм, эмпиризм, догматизм, релятивизм ва бошка шаклларда намоён бўлиб, билимнинг алоҳида шакллари натижаларини мутлақлаштириш жараёнида пайдо бўлади.

Софистика. Софистика фалсафий методлар жумласидан бўлиб, Қадимги Юнонистонда, милоддан аввалги V ва IV асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-сиёсий ҳаётда хусусий бир йўналиш сифатида пайдо бўлган. Софистика намояндалари: Протагор, Горгий, Гиппий, Антифонт ва бошқалардир. Софистиканинг пайдо бўлиши, антик Юнонистонда иқтисодий тараққиётга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ. Бу оила уруғ анъаналаридаги турғунликни бартараф қилиш, янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга эҳтиёж даври эди. Софистиканинг инқирози эрамиздан аввал IV аср ўрталарида бошланди. Эрамизнинг II асрида классик юнон софистларининг ғоя ва услубларини қайта ишлашга интилувчи янги оқим пайдо бўлди.

Софистика мавжуд назария ва маълумотларни сақлашга интилади. У, янги фикр эски фикрнинг бир қисми эканлигини асослашга ёки мантиқ қонунини тузиб, мавжуд билимлар тизимини барча зиддиятлардан тозалашга ҳаракат қилади. Бу методдан семантик ва мантиқий қонунларда исталган нарсани исботлаш учун фойдаланилади. Кўпгина дарслик ва қўлланмаларда бу ибора юнон тилидаги «sopism» сўзи асосида, яъни атайлаб хилма-хил маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли, аммо ҳақиқатга тўғри келмайдиган, кўчма маъномазмунга эришиш усули, деб таъкидланади. Бу усул қўлланилганда фикрнинг мазмуни кўчма маънода баён қилинади, яъни «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит», деганга ўхшаш ҳолат назарда тутилади. У, нафақат, Қадимги Юнонистон, балки ўрта асрларда Европада ҳам кенг тарқалган. Агар бу усул ёлғон хулосаларга олиб келса, нега ўз даврининг кўпгина доно кишилари ундан фойдаланганлар, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, инсоният тарихида ҳурфикрлилик ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатни тўғри ифодалашнинг иложи қолмаган замонлар кўп бўлган. Бундай ҳолни инквизиция ҳукмрон бўлган ўрта асрлар Европасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Ўша даврда ҳам кўпгина зиёлиларнинг ана шу усулга суянмасдан иложи йуқ эди. Умуман олганда, фалсафада «дўппи тор келиб қолган» ана шундай замонларда фикрни Гулханийнинг машҳур «Зарбулмасал» асари каби ифодалаш ҳоллари учраб туради. Буни ўрта асрлар Европасига нисбатан олсак, унда Сервантеснинг «Дон Кихот» асари нима сабабдан шундай ёзилганлиги, унинг бош қаҳрамони эса нима учун шамол тегирмонларига қарши жанг қилганлиги ва бу лавҳалар замирида қандай ботиний мазмун яширингани аниқ бўлади.

Софистика – қарама-қарши фикрлар асосида ихтиёрий танланган фойдали мулоҳаза бўлиб, унинг ёрдамида ҳар қандай нарса ёки фикрни исботлай олиш мум-

кин. Масалан, Аристотелнинг ёзишича, бир афиналик аёл ўғлига, жамоа ишларига аралашма, чунки агар тўғри гапирсанг, сени одамлар; ёлғон сўзласанг – Худолар ёмон кўради, деган экан. Софизмга кўра, афиналик аёлга шундай рад жавоби бериш мумкин: сен жамоа ишларида иштирок қилишинг керак, чунки тўғри сўзли бўласан ва бунинг учун сени Худолар ҳам, одамлар ҳам яхши кўради.

Софистика мавжуд билимлар тизимидан зиддиятларни сиқиб чиқаради, бу билан эски ва янги билимларни муросага келтиради. Софистика инсон билими доирасида чексиз релятивизмни улуғлайди. Предмет ҳақида ҳар нарса дейиш мумкин. Қандай мақсад кўзланмасин, сўзлар ифодасида ҳеч қандай чегара йўқ (масалан, асал – ширин; асал – аччиқ; кўрғон – айланасимон, қўрғон – тўртбурчак ва ҳ.к.), шунга кўра, софист – моҳир уста, сўзамол донишманд маъноларини англатади.

Софистикага фақат салбий муносабатда бўлиш ноўриндир. У одатда янги ғоя, назария ва турмуш шароитининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Софистика билиш тизимидаги мантиқий зиддиятларни аниқлаш, эски билим тизимини қайта қуришда зарурий элемент сифатида намоён бўлади. Софизм муайян, яхлит хусусиятга эга, чунки ҳодисага таъсирчан бўлиб, эски нарса хавф остига олинади. Шунинг учун ҳар қандай софизм ўзига хосдир.

Софистика қадимги Европа тафаккур услубининг асоси бўлиб хизмат қилди. Аммо софистикани танқид қилиш орқали антик давр фалсафаси дунёнинг янгича концепциясига эришди. Бу концепция фикр ва борлиқ айнийлигига асосланади. У Аристотель фалсафасида ўзининг ниҳоясига етди ва насронийликда мустаҳкамланди. Шу маънода, софистика инсоният тафаккурининг умумий тараққиётида ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Эклектика. *Эклектика ҳеч қандай билим фаолияти билан боғланмаган, бир-бирига зид далилларга асосланади ва оламни бузиб ёлғон акс эттиради*. У билим тизими ривожидаги йўналиш, у ҳеч қандай ягона назарий асосга эга эмас ва баъзида объектни ўрганишнинг зиддиятли жиҳатларини характерловчи билим элементларидир.

Методологик усул сифатида эклектика биринчи марта қадимги юнон фалсафасида пайдо бўлди ва иқтибосларга асосланган ўрта аср схоластик баҳсларида, янги давр XV–VIII асрлар фалсафий баҳсларида кенг фойдаланилди. У ҳозирги даврда ҳам реклама ва ташвиқотда, оммавий коммуникация тизимида қўлланилиб, инсон психикасидаги анъаналар, кўникмалар, интилишларни бўрттиради. Бундай усулнинг бемаънилигини Суқрот ва Аристотелдан бошлаб, ҳозирги давр мутафаккирларигача танқид қиладилар. Аммо бу ундан фойдаланилмасликни англатмайди. Эклектика олам, нарса ва ҳодисаларнинг бир бутунлигини, умумий асосларини парчалаб ташлаш услубига таянади.

Синергетика. Ҳозирги замон фанида синергетика методи кенг қўлланилмокда. Синергетика сўзи юнонча («синергена») бўлиб, келишув, ҳамкорлик, ўзаро таъсир каби маъноларни англатади. Герман Хакеннинг фикрича, синергетика кўп қисмлардан иборат бўлган, ўзаро мураккаб алоқадорликдаги компонентлар тизимини ўрганади. Хакен фикрича, *синергетика ҳамкорлиқдаги ҳаракат бўлиб, бутуннинг тизим сифатида акс этувчи қисмларининг келишилган фаолияти маъносида талқин қилинади*.

Барча таълимотлар пайдо бўлади, ривожланади ва ниҳоят, эскиради. Хакен синергетикаси ҳам ворисийликка асосланган. Унинг давоми бўлган И.Шеррингтоннинг синергетик услуби, С.Уламнинг синергияси, И.Забусскийнинг синергетик йўналишлари ана шулар жумласидандир.

И.Шеррингтон синергетик ёки интегратив тафаккурни мускуллар ҳаракатининг бошқарувида (орқа мия) асаб тизимидаги келишилган таъсирни изоҳлаш усулидир, деб тушунади. С.Улам эса, ЭҲМнинг биринчи авлоди вакилларидан бири бўлиб, у синергиянинг, яъни машина ва унинг оператори орасидаги узлуксиз ҳамкорликнинг фойдалилиги, аҳамиятининг ҳозирги даврдаги таъсирига эътиборни қаратади.

И.Забусский ўтган асрнинг 60-йилларида линиясизлик масалаларини ҳал қилишда аналитик жиҳатдан чекланганлик бир ёқламаликка йўл очганлигини таъкидлайди. Линиясиз математика ва физика масалаларида синергетика усулининг татбиқ этилишини одатдаги математика ҳисоблаш машинасининг фаолиятини таҳлил қилиш билан қиёслайди.

Ҳозирги даврда И.Пригожиннинг синергетика тўғрисидаги фикрлари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Юқоридаги барча ҳолатларда узлуксиз ҳаракат ҳақида сўз боради. Синергетика орқали содда тизимлардан мураккабларини яратувчи ўлик табиатдаги ўз-ўзидан ҳаракатнинг тамойили шаклланди. Синергетика билан физикада эволюцион йўналиш пайдо бўлди ва фан ижодкорликдан янгилик яратиш тушунчаси томон ривожланди. Синергетика фаннинг макроскопик даражаларига тасодифийликни киритди ва бу билан механика методларини макроскопик даражага, яъни микродунё масалаларига татбиқ қилди. Синергетика нисбийлик назариясидаги энергия ва нарсанинг ўзаро бир-бирига ўтишини тасдиқдайди ва нарсаларнинг пайдо бўлишини ўзига хос тарзда изоҳлайди. У биз яшаётган макротизимлар қандай пайдо бўлганлиги масаласини ҳал этишга ҳаракат қилади.

Синергетика назариясида энергия кристалл сифатида қотиб қолади ва кинетикликдан потенциалликка айлана бошлайди, деб талқин қилинади. Бунга кўра, нарса қотиб қолган энергиядир. Энергия фаолиятнинг ишлаб чиқариш қобилиятини характерловчи тушунча, лекин ҳозирда энергия нафақат механик фаолият, балки янги структураларни яратувчиси сифатида ҳам ўрганилмоқда. Синергетика табиатдаги эволюция ниманинг ҳисобига содир бўлиши мумкинлигини асослайди. Барча янги структуралар яратилаётган жойда, энергиянинг кучли тўлқини ва муҳит билан алмашинув зарур (эволюция ҳаёт каби) метаболизмни талаб қилади. Агар, осмон жисмлари эволюциясида биз ишлаб чиқаришнинг натижасини кузатсак, синергетика табиатни яратиш жараёнини ўрганади. Синергетика нисбийлик назариясининг хулосаларини тасдиқлайди: энергия оламнинг янада юқорироқ даражаларини яратади.

Хуллас, синергетика – оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва вақтда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуидир. Бу таълимотни диалектика асосида шаклланган ва уни тўлдирадиган илмий қарашлар мажмуаси, дейдиганлар ҳам

бор. Уларга қарши ўлароқ, диалектика энди керак эмас, уни синергетика билан алмаштириш лозим, деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас.

Синергетикада бифуркация, флуктуация, тартибсизлик, диссипация, ғалати аттракторлар, чизиқсизлик сингари тушунчалар машҳур. Улардан тизимлар барча турларининг, жумладан, олд организмик, организмик, ижтимоий, этник, маънавий ва бошқа тизимларнинг хулқ-атворини тушунтириш учун фойдаланилади.

Бифуркация *иккиланиш нуқталарининг мавжудлигини ҳамда ривожланиш давомининг ҳар хиллигини назарда тутади*. (Масалан, битта оила негизида янги оила пайдо бўлади ва янги оила ўзининг ривожланиш тамойилларига эга бўлади). Уларнинг фаолияти натижаларини олдиндан башорат қилиш қийин. И.Пригожиннинг фикрига кўра, бифуркация жараёнлари тизимнинг мураккаблашувидан далолат беради. Н.Моисеевнинг фикрича, «ижтимоий тизимнинг ҳар бир ҳолати бифуркация ҳолатидир».

Флуктуациялар *умумий ҳолда таъсирлантиришни англатади. Уларнинг икки катта туркуми: ташқи муҳит яратадиган флуктуациялар ва тизимнинг ўзида вужудга келадиган флуктуациялар фарқланади.* Баъзан флуктуациялар жуда кучайиб, тизимни тўла эгаллаб олиши ва моҳият эътибори билан унинг мавжудлик тартибини ўзгартириб юбориши мумкин. Улар тизимни унга хос бўлган «тартиб тури»дан олиб чиқади, аммо хаосга олиб чиқадими ёки йўқми[1] – бу масаланинг бошқа томони.

Диссипатив тизим *таъсирлар тарқаладиган тизим ҳисобланади. Умуман олганда, бу флуктуациялар тўла қамраб олган тизим хулқ-атворининг хусусиятидир.* Ҳар хил таъсирларга ўта таъсирчанлик ва бунинг натижасида ҳаддан ташқари номувозийлик – диссипатив тизимнинг асосий хоссасидир.

Аттракторлар *тўпламларни ўзига тортувчи, элементлар интиладиган марказларни ҳосил қилувчи тузилма*. Масалан, бир ерга оломон тўпланганида, ўз йўналишида ҳаракатланаётган одам унга эътибор бермасдан ўтиб кета олмайди. Унинг траекторияси оломон томонга бурилади. Кундалик ҳаётда бу қизиқувчанлик, деб аталади. Ўз-ўзини ташкил этиш назариясида мазкур жараён «тўпланиш нуқтасига силжиш» деб номланади. Аттракторлар ўз атрофига стохастик элементларни тўплайди, шу тариқа муҳитни тузилмаларга ажратади ва тартиб ўрнатиш иштирокчисига айланади.

Дунёнинг постноклассик манзарасида тартиблилик ва тузилмаларга ажратилганлик тартибсизлик ва стохастиклик сингари воқеликнинг объектив, универсал хусусиятлари эътироф этилган. Улар ривожланишнинг барча структуравий даражаларида намоён бўлади. Номувозий тизимларнинг номунтазам хулқ-атвори муаммоси синергетиканинг диққат марказида туради. Хуллас, синергетика – структурогенезнинг энг умумий қонуниятларини аниқлашни ўз предметига айлантирган ўз-ўзини ташкил этиш назариясидир.

Ижтимоий-гуманитар фанлар методлари. *Ижтимоий-гуманитар фанларда кузатиш натижалари кўп жиҳатдан кузатувчининг шахсига, унинг ҳаётий қарашларига ва бошқа субъектив омилларга боғлиқ бўлади.* Мазкур фанларда оддий (фактлар ва ҳодисалар четдан туриб қайд этилади) кузатиш ва иштирокчиликка асосланган ичдан туриб (бунда, тадқиқотчи маълум ижтимоий муҳитга

[1] Моисеев Н. Современный рационализм. –М.: 1995 г. с. 48.

қўшилади, унга мослашади ва ҳодисаларни «ичдан» таҳлил қилади) кузатиш фарқланади. Психологияда кузатишнинг ўз-ўзини кузатиш (интроспекция) ва эмпатия (бошқа одамларнинг руҳий кечинмаларига кириб бориш, уларнинг ички дунёси – сезгилари, фикрлари, хоҳиш-истакларини тушунишга интилиш ва ҳ.к.) фарқланади.

Этнометодология *ичдан туриб кузатишнинг турларидан бири бўлиб, у ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни тавсифлаш ҳамда кузатиш натижаларини уларни тушуниш ғоялари билан тўлдиришни назарда тутади*. Мазкур ёндашув ҳозирда этнография, ижтимоий антропология, социология ва культурологияда тобора кенг қўлланилмоқда.

Ижтимоий экспериментлар *улар ижтимоий ташкил этиш ва жамиятни бошқаришни оқилоналаштиришнинг янги шаклларини амалга татбиқ этишга кўмаклашмоқда.* Ижтимоий эксперимент объекти одамларнинг маълум гуруҳи экспериментнинг бевосита иштирокчиларидан бири бўлиб, уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашишга тўғри келади, тадқиқотчи эса, ўзи ўрганаётган вазиятга бевосита қўшилади. Ижтимоий экспериментлар тадқиқотчидан ахлоқий ва юридик норма ва тамойилларга қатъий риоя этишни талаб қилади. Бу ерда, (тиббиётда бўлгани сингари) «зиён етказма!» тамойили муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг интим дунёсига кириш қуроли бўлиб хизмат қилиш – ижтимоий экспериментларнинг асосий хусусияти.

Шакллантирувчи экспериментда *муайян руҳий фаолият қандай шаклланишини аниқлаш учун тажриба ўтказилаётган шахс турли экспериментал шароитларга қўйилади ва унга маълум масалаларни ҳал қилиш таклиф этилади.* Бунда мураккаб руҳий жараёнларни шакллантириш ва уларнинг тузилишини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш мумкин. Мазкур ёндашув педагогик психологияда қўлланилади.

Ижтимоий-гуманитар фанларда фалсафий ва умумилмий воситалар, метод ва амаллардан ташқари, мазкур фанларнинг предмети билан боғлиқ махсус воситалар, метод ва амаллардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг жумласига қуйидагилар киради:

Идеографик метод – *алоҳида тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш.*

Диалог *«савол-жавоб методи» икки ва ундан ортиқ кишилар орасидаги мулоқот.*

Тушуниш ва оқилона (интенционал) тушунтириш (бу ҳақда ушбу бобнинг кейинги параграфида батафсил сўз юритилади).

Ҳужжатларни таҳлил қилиш – *сон ва сифат жиҳатидан таҳлил қилиш (контент-анализ).*

Сўровлар ўтказиш – *махсус тайёрланган саволлар ёрдамида у ёки бу масалага оид ижтимоий фикрни аниқлаш.* «Юзма-юз» сўров (интервью) ёки сиртдан (сўровнома ёрдамида, почта, телефон орқали ва ш.к.) сўров ўтказиш, оммавий ва махсус сўровлар фарқланади. Махсус сўровларда профессионал экспертлар ахборот олишнинг бош манбаи ҳисобланади.

Проектив методлар (психологияга хос) – *инсоннинг продуктив фаолияти натижаларига қараб, унинг шахсий хусусиятларини билвосита ўрганиш усули.*

Тестлаш *(психология ва педагогикада) – стандартлаштирилган топшириқлар бўлиб, уларни бажариш натижалари айрим шахсий хусусиятлар (билим, кўникма, хотира, зеҳн ва ш.к.)ни ўлчаш имконини беради*. Тестларнинг икки асосий гуруҳи фарқланади – интеллект тестлари (машҳур Қ коэффициенти) ва эришилган (касбда, спортда ва ҳ.к.) натижалар тестлари. Тестлар билан ишлашда ахлоқий жиҳат муҳим аҳамият касб этади. Зотан, лаёқатсиз ёки ғирром тадқиқотчининг қўлида тестлар жиддий зарар келтириши мумкин.

Биографик ва автобиографик методлар *ёрдамида у ёки бу кишининг ҳаёт йўли ўрганилади.*

Социометрия методи – *ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда математика воситаларидан фойдаланишдир*. Ундан кўпинча «кичик гуруҳлар»ни ва улардаги шахслараро муносабатларни ўрганишда фойдаланилади.

Ўйин методлари – *бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда қўлланилади*. Имитацион ўйинлар (ишбилармонлик ўйинлари) ва очиқ ўйинлар (айниқса, ностандарт) вазиятларни таҳлил қилишда фарқланади. Ўйин методлари орасида психодрама ва социодрама алоҳида ўрин тутади. Уларда иштирокчилар муайян индивидуал ва группавий вазиятларни кўриб чиқадилар.

Ҳозирги замон методологияси. «Куматоид», «case studies», «абдукция» тушунчалари анъанавий методологик тушунчалар руҳида тарбияланган одамга эриш туюлиши мумкин. Аммо, айнан улар методологиянинг ҳозирги ривожланиш босқичининг ўзига хос хусусияти илмий муомалага мутлақо янги тушунчаларни киритиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Мазкур тушунчаларнинг аксарияти муайян (хусусий) фанлар соҳаси билан боғлиқ. Бундай тушунчалар қаторига ҳозирда анча машҳур бўлган бифуркация, «флуктуация», «диссипация», «аттрактор» тушунчаларини, шунингдек, «куматоид» (юнончадан – «тўлқин») деган инновацион тушунчани киритиш мумкин.

Куматоид – *сузаётган объектни англатади ва объектларнинг тизимли хусусиятини акс эттиради. У вужудга келиши, ҳосил бўлиши, шунингдек, йўқолиши, парчаланиши мумкин.* У ўзининг барча элементларини бирваракай эмас, балки ўзига хос «ҳиссий-ўта ҳиссий» тарзда намоён этади. Масалан, тизимли объект – ўзбек халқини маълум вақт, макон бўлагида ифода этиш ва маҳаллийлаштириш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, объектни яхлит ифода этиш учун ўзбек халқининг барча вакилларини йиғиш мумкин эмас. Шу билан бирга, мазкур объект сохта эмас, реалдир. Уни кузатиш, ўрганиш мумкин. У бутун цивилизацион-тарихий жараённинг йўналишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Яна бир мисол – талабалар гуруҳи. У дам пайдо бўладиган, дам кўздан йўқоладиган сузувчи объект сифатида ўзаро алоқаларнинг деярли барча тизимларида намоён бўлади. Масалан, ўқув машғулотлари тугаганидан кейин гуруҳ яхлит объект сифатида мавжуд бўлмайди, аммо институциявий белгиланган маълум вазиятлар (гуруҳ рақами, талабалар сони, гуруҳ тузилиши, умумий хусусиятлари)да у объект сифатида намоён бўлади ва ўз-ўзини идентификация қилади. Бундан ташқари, мазкур куматоид гуруҳ аъзолари ўртасидаги дўстлик, рақобат ва бошқа муносабатлар билан ҳам қўллаб-қувватланади.

Куматоиднинг ўзига хос хусусияти шундаки, у вақт ва маконда маҳаллийлашишга бефарқ бўлибгина қолмай, субстрат – ўзини ташкил этувчи материал-

га ҳам қаттиқ боғланмаган. У тизимли хусусиятларга эга эмас. Бинобарин, мазкур хусусиятлар унинг таркибий қисмларига мавжуд ёки мавжуд эмаслигига, айниқса, уларнинг ривожланиш йўналиши ёхуд хулқ-атвор тарзига боғлиқ. Куматоидни моддий тарзда мустаҳкамланган маълум бир хусусият ёки бундай хусусиятлар тўплами билан аниқ идентификация қилиш мумкин эмас. Бутун ижтимоий ҳаёт сузувчи объектлар – куматоидлар билан тўлиб-тошган.

«Case studies», яъни вазиятли тадқиқотлар ўтказиш ҳозирги замон методологиясидаги муҳим янгиликдир. Мазкур тадқиқотларни ўтказишда, фанлараро тадқиқотлар ўтказиш методологиясига таянилади, аммо индивидуал субъектларни, маҳаллий группавий дунёқарашлар ва вазиятларни ўрганиш назарда тутилади. *«Case studies» атамаси прецедентнинг, яъни кузатиш остида бўлган ва тушунтиришнинг мавжуд қонунлари доирасига сиғмайдиган индивидуаллаштирилган объектнинг мавжудлигини акс эттиради.* Вазиятли тадқиқот методологияси неокантиантлар Баден мактабининг идиографик методи билан боғлиқ.

Вазиятли тадқиқотларнинг икки типи: матнли ва майдондаги тадқиқотлар фарқланади. Уларнинг иккаласида ҳам маҳаллий детерминация биринчи даражали аҳамиятга эга. Маҳаллий детерминация «ички ижтимоийлик» тушунчаси билан муайянлашади ва айни гуруҳ ёки вазиятга хос бўлган фаолият, мулоқот шакллари таъсирида шаклланадиган билимнинг ноаниқ шартларининг туташ тизими деб, алоҳида сўзлар ва ҳаракатларнинг маъно-мазмунини белгилайдиган ижтимоий-маданий контекст деб тушунилади. Вазиятли тадқиқотларнинг устунлиги шундаки, уларда билим тизимининг мазмуни шартларнинг пировард тўплами, ҳаётий вазиятларнинг муайян ва алоҳида шакллари нуқтаи назаридан очиб берилади.

Ҳозирги замон методологияси ўз анъанавий методларининг универсаллиги чекланганлигини тушунади. Масалан, гипотетик-дедуктив метод ишни тайёр гипотезалардан бошлаб, «далилларни энг яхши тушунтириш» босқичидан сакраб ўтганлиги учун танқид қилинади.

Абдукция *фикр юритиш орқали эмпирик фактлардан уларни тушунтирувчи гипотезага юксалишни назарда тутади.* Бундай фикр юритиш турмушда ва амалиётда кўп учрайди. Ҳар бир инсон тушунтириш йўлларини излашда беихтиёр абдукцияга мурожаат этади. Масалан, врач касаллик аломатларига қараб, унинг сабабини, детектив эса, жиноят изларига қараб жиноятчини қидиради. Худди шунингдек, олим ҳам содир бўлаётган ҳодисани тушунтиришда абдукция методидан фойдаланади. Мазкур атама индукция ва дедукция сингари машҳур, кенг эътироф этилган бўлмаса ҳам, у янги ҳамда самарали методологик стратегияни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

«Эвристика» юнонча, «heurisko» – «топаман», «кашф этаман», деган сўздан келиб чиққан. «Эвристика» атамасининг қўлланилиши қадимги юнон олими александриялик Папп (мил. ав. III аср) номи билан боғланади. Бу нуқтаи назардан эвристика математика масалаларини ечишни ўрганишни истаганларга мўлжалланган қоидаларнинг махсус тўплами сифатида намоён бўлади. «Маҳорат сирлари» ҳамиша қатъий сир тутилган ва тавсифланмаган. Эвристикани кашфиётлар тўғрисидаги фан сифатида тавсифлаш барча замонларда ҳам жуда мураккаб вазифа ҳисобланган. Г.Лейбницнинг «Кашфиёт санъати» ғояси амалга ошмади. Б.Спиноза тўғри метод оқилона танлашни таъминлаши, номаълумни билиш

қоидаларига эга бўлиши, фойдасиз имкониятларни четлатиш тартибини белгилаши лозимлигини қайд этган бўлса-да, буни асословчи назарияни яратмади.

Муайян илмий билимдаги барча иккиламчи, ноаниқ методологик қоидалар эвристика соҳасини тўлдиради. Шунинг учун ҳам эвристика баъзан қайғуриш, илҳомланиш, инсайт билан боғланади. Методологик тафаккурнинг изчил тизимида эвристикага, кўпинча, етарли даражада англаб бўлмайдиган, аммо излаш ва топиш салоҳияти катта бўлган соҳа деб қаралади. Формал мантиқий методлар эвристик методларга қарама-қарши қўйилади. Барча мумкин бўлган ҳолларда эвристикадан билим мазмунини кенгайтириш, илгари маълум бўлмаган янгиликни яратиш кутилади.

Кўпинча, «эвристика» тушунчасини тафаккурга боғлаб, «эвристик тафаккур» тарзида қўлланилади. Айтиш мумкинки, бундай ҳолларнинг барчасида тафаккурнинг яратувчи функцияси тўғрисида сўз юритилади. Ғарб фалсафасида эвристик тафаккурни тушунтиришга ҳаракат қилувчи назарияларнинг уч туркуми фарқланади: «тинч оқар сув» ёки ўртача ҳисобга келтирилган меҳнат назарияси; блицкриг ёки инсайт назарияси; яхши қопқон ёки оқилона методологик қоида назарияси.

Эвристика методологиянинг бўлими сифатида ҳали расман эътироф этилгани йўқ. Аммо, ўз-ўзидан аёнки, илмий билимнинг ҳар бир соҳасида у энг тез, самарали ва ўзига хос ечим топишнинг стратегияси ҳисобланади, эвристик усул ва қоидалар ноанъанавий йўлларни излаш, улардан фойдаланишга туртки беради. Эвристика фанлараро хусусиятга эгалиги мазкур соҳанинг ўзига хос белгисидир. Аммо эвристик хусусият фан ичидаги билимда ҳам мавжуд. Эвристик сезги илмий изланишнинг деярли ҳар бир қадамига ҳамроҳ бўлади. Редукция, методларини ўзлаштириш, гуманитар ва техника фанларининг усулларини бирлаштириш, муайян илмий ишловларни амалга татбиқ этишни танлаш, ҳал қилувчи экспериментнинг ўзи маълум даражада эвристик фаразларга асосланади. Эвристика илмий ва ноилмий билим, оқилоналик ва нооқилоналик ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади. У хулқ-атвор тактикасини танлашга ва ривожланиш жараёнида тўғри йўл топишга кўмаклашади. Илмий таваккалчилик мезони сифатида эвристика илмий билимни ривожлантиришнинг таркибий қисми сифатида ҳамиша олқишланган, дунёнинг постноклассик манзарасида эса, назариянинг эвристик хусусияти билим бериш жараёнини ўзгартириш, уни ижодий, муаммоли, ўйин тарзида ўтказиш имконини берадиган илмий билим мезони даражасига кўтарилди.

Эвристика сирларига яқинлашишга бўлган энг сўнгги уринишлардан А.Ф.Осборннинг «мияга ҳужуми»ни қайд этиш мумкин. Унда кашфиётчиликнинг ўриндошлик, ўтказиш, бирлаштириш ва ажратиш билан боғлиқ анъанавий усуллари билан бир қаторда, хаёлни рағбатлантирувчи усуллар: тиғиз муддатлар тизими, муаммони танқидсиз вазиятда эркин муҳокама қилиш, тортишувлик муҳитини яратиш, шунингдек, ҳазил тахминлар қилиш қайд этилади. Аммо, эвристика йўналишининг вакили Д.Пойя илгари сурган ижоднинг (ёки муаммоларни самарали ҳал қилишнинг) муқаррар тарзда амал қиладиган қоидаларини ишлаб чиқиш амалга ошириб бўлмайдиган вазифа, деган ғояси янада анъанавийроқ ҳисобланади.

Дарҳақиқат, эвристика ўзига хос методология, яъни ижодий фаолият методларининг мажмуи сифатида маълум талаблар қўяди:

– у оддий танлаш усулларига эмас, балки муаммони ҳал қилиш вақтини қисқартириш имконини берадиган усулларга таянади;

– қўлланилувчи усуллар анъанавий қабул қилинган ва эскирган усуллардан жиддий фарқ қилиши мумкин;

– усуллардан фойдаланишга тадқиқот кўрсаткичларига қўйиладиган ташқи чеклашлар қаршилик кўрсатади;

– изланиш моделлари жиддий даражада индивидуаллаштирилган бўлиб, билиш субъектининг руҳий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Хулосалар. Шундай қилиб, методология муайян бир, ҳатто, «энг муҳим метод»га ҳам боғлиқ бўлмайди. «Олим ҳеч қачон фақат битта таълимотга таяниб қолмаслиги, ҳеч қачон ўз тафаккур методларини фақат битта фалсафа билан чеклаб қўймаслиги керак»[1]. Методология алоҳида методларнинг оддий йиғиндиси, уларнинг «механик бирлиги» ҳам эмас. Методология – турли даражадаги усул ва тамойилларнинг фаолият соҳалари, йўналишлари, эвристик имкониятлар, мазмунлар, тузилмалар ва ҳоказоларнинг мураккаб, яхлит ҳамда мувофиқлаштирилган тизими.

Илмий билишда турли даражаларда, фаолият соҳаларида ва йўналишларда турли-туман методларнинг мураккаб, динамик ва мувофиқлаштирилган тизими фаолият кўрсатади. Мазкур методлар ҳар доим тадқиқотнинг муайян шартлари ва предметидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Метод, методология, методика, метафизика, янги метафизика, софистика, эклектика, синергетика, бифуркация, флуктуация, аттрактор, умумилмий ёндашувлар, тадқиқот методлари, хусусий илмий методлар, фан методлари, фанлараро тадқиқот методлари, хусусий фанлар методлари, эмпирик тадқиқот методлари, кузатиш, эксперимент, социометрия методи, ўйин методлари, куматоид, «Case studies», абдукция, эвристика.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

[1] Гейзенберг В. Физика и философия. Часть и целое. –М.: 1989 г. с. 85.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Илмий методнинг уч жиҳатлилигини асосланг?
2. Илмий методнинг ўзига хос белгилари нималарда намоён бўлади?
3. Илмий билишнинг барча методларини умумийлиги ва қўлланиш даражасига қараб гуруҳларга бўлинганлигини тушунтиринг?
4. Диалектик методологиянинг илмий билишдаги ўрни ва аҳамияти?
5. Синергетиканинг умумилмий метод сифатидаги ролини кўрсатинг?

Реферат мавзулари

1. Фалсафа методларининг ўзаро алоқадорлиги.
2. Метод ва методологиянинг ўзаро мутаносиблиги.
3. Диалектика фалсафа методи сифатида.
4. Синергетиканинг асосий тамойиллари.
5. Ҳозирги замон методологияси.
6. Метафизика: тушунча ва таълимот.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Методнинг асосий вазифаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
А. Фаолиятнинг билиш ва бошқа шаклларини бошқариш

Б. Кашфиётлар йўналишини аниқлаш

В. Билимнинг янги қирраларини кўрсата олиш

Г. Илмий тафаккур йўналишларини аниқлаш

2. Фалсафий методлар тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг?

А. Диалектика, метафизика, софистика, эклектика

Б. Диалектика, кузатиш, эксперимент, таққослаш

В. Метафизика, эклектика, аналитика, софистика

Г. Метафизика, софистика, эксперимент, кузатиш

3. Диалектика сўзини биринчи бўлиб қайси файласуф қўллаган?

А. Суқрот Б. Гераклит

В. Аристотель Г. Платон

4. «Яратувчи» диалектика сифатида эътироф этилувчи диалектика турини аниқланг?

А. Имманент Б. Резонанс

В. Субъектив Г. Объектив

5. Қуйидаги таъриф қайси методга берилган: «Қарама-қарши фикрлар асосида ихтиёрий танланган фойдали мулоҳаза бўлиб, унинг ёрдамида ҳар қандай нарса ёки фикрни исботлай олиш мумкин?»

А. Софистика Б. Эклектика

В. Диалектика Г. Метафизика

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. –Т.: «Университет», 2005 й.

2. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири астида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.

3. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: «Университет», 2005 й.

4. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация / Под ред. О.Файзуллаева. –Т.: 2000 г.

5. Шермухамедова Н. Гносеология – билиш назарияси. –Т.: «Noshir», 2007 й.

6. Қурбонова Л.А. Ижодий тафаккурнинг фалсафий-методологик таҳлили: Фалсафа фан. номзоди дис... Автореф. Тошкент, 2007 й.

7. Азизқулов А.А. Илмий ижодиётда рационаллик ва норационаллик: концептуал таҳлил ёндашувлар: Дис. ... Фалсафа фан. номзоди : 09.00.01, СамДУ. Самарқанд, 2007 й.

АХБОРОТ ВА АХБОРОТЛАШУВНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар: Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари
Семинар режаси	1. Ахборот тушунчасининг таҳлили. 2. Ахборотлашган жамият назарияси. 3. Ахборот инқилоби. 4. Нанотехнологияларни аҳамияти. 5. Ижтимоий-информатика.
Машғулотнинг мақсади: Ахборот, маълумот ва билим тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқини, ахборот технологияларини аҳамиятини билиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Ахборот тушунчасининг фалсафий таҳлили.	Ахборот тушунчасининг ўрганилиши.
Информатика ва информатизациянинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи.	Информатика ва информатизациянинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқини тушуниш омиллари.
Ижтимоий ва илмий информацияларнинг ўзаро алоқаси ва фарқи.	Ижтимоий ва илмий информацияларнинг ўзаро алоқаси ва фарқини англаш.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.

	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Ахборот ва фалсафа» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Билим информативлигининг таҳлили? 2. Ахборотлашган жамият назарияси? 3. Ахборот инқилоби?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Информация ва информацион вазият», «Илмий информациянинг билимни информативлиги даражасини оширишдаги роли», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Ахборот. Сўнгги йилларда «ахборот», «инвариантлик», «номуайянлик» каби умумилмий тушунчалар фалсафий таҳлил предметига айланди. Билимнинг, у ёки бу тармоқларида юзага келган ва илмий билишнинг мантиқий-методологик воси-

талари даражасига кўтарилган бу тушунчалар нафақат объектлар ва жараёнларни кўришнинг умумий усуллари, балки ривожланаётган билимни таҳлил қилиш шакллари ҳамдир.

Энг умумий маънода ахборот нарса ва ҳодисалар ҳақидаги ҳар қандай маълумотни англатади, бироқ ҳозиргача ахборотнинг умум қабул қилинган таърифи йўқ.

Ахборотнинг энг содда классик таърифи бу – маълумот беришдир. Н.Винер фикрича, «Ахборот – ташқи оламга кўникиш жараёнида ундан олинган мазмунни ифодалашдир»[1]. Бу ерда ахборот ташқи оламни акс эттириш (гносеологик жиҳат) ва адаптация (унга кўникиш) деб ифодаланади. Л.Попов «Ахборот коммуникация ва алоқа жаарёнидаги ноаниқликнинг бартараф қилиниши»[2], деб ҳисоблайди. Бу таърифда асосан ахборотнинг фалсафий-психологик (коммуникация, алоқа) томонига эътибор қаратилади.

Р.Эшби, «Ахборот – структураларнинг меъёри, янгилик, оригиналлик»[3], С.Моль эса, «Ахборот – танлаш эҳтимоллиги»[4], деб таъриф беради. Л.Г.Свитич, «Ахборот тушунчаси кўп маънога эга, лекин умумий фалсафий, метолингвистик маънода потенциал, кенг ёритилган реал моҳиятларнинг мажмуи»[5], деб тушунади.

Ахборот – объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бўлиб, ўзини сақлаш, қайта ишлаш ва таъсир натижалари (излари)дан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий тизимларда намоён бўлади. Объективлик, моддийлаштириш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги – ахборотнинг муҳим хусусиятлари.

«Ахборотни ўрганиш ахборот-бошқарув жараёнини таҳлил қилиш билан узвий боғлиқ, чунки ахборот унда функционал хосса сифатида мавжуддир»[6].

«Ахборот», «маълумот», «билим» тушунчалари кўпинча бир-бирига ўхшатилади. Бу қисман шу билан изоҳланадики, бир даражада ахборот сифатида амал қилувчи далиллар бошқа даражада маълумотлар сифатида амал қилиши мумкин. Масалан, радио ёки телевидение мухбири интервью жараёнида муайян ахборот олади. Бу ахборот жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази учун маълумот бўлиб хизмат қилади. Мазкур марказ томонидан эълон қилинган ахборотдан, ўз навбатида, юқори идора таҳлил учун маълумот сифатида фойдаланиши мумкин.

Маълумотлар муайян хулоса чиқариш ёки қарор қабул қилишга хизмат қилади. Улар сақланиши, узатилиши ва берилиши мумкин, аммо ахборот сифатида амал қилиши мумкин эмас. «Маълумотлар» тушунчаси ўзаро боғлиқ бўлмаган далиллар мажмуини акс эттиради. Маълумотларни таҳлил қилиш,

---

[1] Винер Н. Кибернетика и общество. –М.: «Наука», 1991 г. с. 620.

[2] Попов Л. Информациология и информационная политика. –М.: «Луч», 1999 г. с. .27.

[3] Эшби Р. Массовая информация: стратегия и тактика потребления. –М.: «Дело», 1993 г. с. 469.

[4] Моль С. Информационное воздействие в современном мире. –М.: «Крымский мост», 2004 г. с. 484.

[5] Свитич Л.П. Социальная информациология. –М.: «Алгоритм», 2000 г. с. 250.

[6] Тураев Б. Информационное свойство пространства и времени // Естествознание и философия. III международный семинар. Санкт-Петербург. 1992 г. с.64.

алоқаларини аниқлаш, энг муҳим далилларни ажратиш ва уларни синтез қилиш йўли билан ахборотга айлантириш мумкин. Шу боис ахборот маълумотларга қараганда кўпроқ қимматга эга бўлади. *Ахборот бу оқилона фойдаланиш учун муайян шаклга солинган маълумотлардир.* Ўз навбатида, ахборот блокларини тегишли тарзда ишлов бериш йўли билан яхлит билим корпусига айлантириш мумкин.

Аммо ҳар қандай ахборот ҳам билим бўла олмайди. Хўш, ахборот ва билимнинг ўзаро нисбати қандай? Кўпинча бу тушунчалар бир-бирига ўхшатилади, Фалсафа қомусий луғатида билим «Кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари»[1], деб тавсифланади. Бизнингча, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Аммо билим ва ахборотнинг ўзаро нисбати муаммосининг бир хил ечими мавжуд эмас.

Умуман олганда, ахборот тушунчаси билим тушунчасидан кенгроқ. Масалан, сўқмоқда ётган синган дарахт шохи ахборот беради – йўловчининг ҳаракат йўналишини кўрсатади, аммо йўл ҳақида – унинг оғирлиги, узунлиги, рельефи, сўқмоқдан ўтиш учун қулай кун вақти ёки йил мавсуми ва ҳоказолар тўғрисида билим бермайди. Билим – билиш фаолиятининг натижаси, мазкур фаолият ёрдамида олинган борлиқ ҳақидаги тушунчалар тизими. Бинобарин, ҳар қандай билим ҳам ахборот беравермайди. Фақат муайян даражада ўзгартирилган, тилда (овозлар, имо-ишоралар, расмлар ва б.) қайд этилган ва ифодаланган ахборотга билим деб қараш мумкин. Билим, ижтимоий ва табиий борлиқнинг белги шаклидаги идеал инъикоси сифатида, ахборотдан фарқли ўлароқ, шахсий инсоний ҳодиса ҳисобланади, у субъектив шаклда мавжуд бўлади. Ахборот нафақат субъектив шаклда (билим шаклида), балки объектив шаклда ҳам мавжуддир. У ўзининг бевосита яратувчисидан ажратилган ва бошқа моддий ташувчиларда мустаҳкамланган. Ахборот доим алоқа тармоқлари орқали билим бериш хусусиятига эга, билим эса доим ўз яратувчисининг шахси билан боғлиқ.

Бошқа томондан, агар биз ахборотни фақат формаллаштирилган билим деб, билимни эса онгнинг мавжудлиги шакли деб тушунадиган бўлсак, билим тушунчаси ахборот тушунчасидан кенгроқ. Бирон-бир символ ёки символлар гуруҳи ўзининг фақат физик хусусиятига кўра билим бўла олмайди. Улар билимга айланиши учун муайян маънога эга бўлиши ва фаолият учун асос бўлиб хизмат қилиши, маълум прагматик муносабатларга киришиши лозим. Билим жараён ёки нарса эмас, балки субъект билан объект ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида тизимидир. Билим инсоннинг борлиққа нисбатан амалий муносабатда бўлиши жараёнида юзага келган, инсон фаолиятининг зарур шарти ҳисобланган борлиқнинг ҳиссий ва мантиқий шакллардаги инъикосидир. Билим таркибида доим ахборот мавжуд, лекин бу «инсоний» ахборот ўз хусусиятларига эга. Билим – инсон онгининг таркибий қисми. Онг, билимдан ташқари, ҳиссиёт, кайфият, сезги, ирода ва ҳоказоларга ҳам эга. Билим, онгнинг таркибий қисми сифатида, улар билан чамбарчас боғлиқ. Ахборот коммуникатив жараёнга қўшилиб, билим муайян шахснинг бойлигига айланишига имконият яратади. Билим – субъект онгининг мазмуни, билиш фаолиятининг натижаси, амалда мавжуд предметларга боғланган билиш образлари мажмуи. Муайян субъект билимининг мазмуни

[1] Фалсафа қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004 й. 40-б.

ҳеч қачон идрок этилган ахборот мазмуни билангина чекланмайди. Идрок этиш билимнинг алоҳида тури сифатида олинган ахборотни англаб етиш, тушуниш, талқин қилишни назарда тутади.

Дарҳақиқат, инсоният илгари ҳеч қачон ҳозиргидек жадал суръатларда ахборот тўпламаган. Бу айниқса, илмий билимларнинг ўсишига хосдир. Агар милод бошидан илмий билимларнинг икки баравар ўсиши учун 1750 йил талаб этилган бўлса, иккинчи шундай ўсиш 1900 йилда, учинчи ўсиш эса – 1950 йилда, яъни атиги 50 йил ичида содир бўлди. Бу ярим аср мобайнида ахборот ҳажми 8-10 баравар кўпайди. Агар XIX асрда илмий ахборот ҳажми ҳар 50 йилда икки баравар кўпайган бўлса, ҳозирда ҳар 20 ойда икки баравар кўпаймоқда.

Ахборот ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий тараққиётнинг муҳим ресурсидир; ундан фойдаланиш масштаблари, анъанавий ресурслардан фойдаланиш (энергия, хом ашё ва ҳ.к.) масштабларига тенг. Ахборотга сарф қилинган маблағ макроиқтисодий аҳамиятга эга. Ахборотнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти кундан-кунга ортмоқда. Ахборот билан ишлаш усуллари ўзгармоқда, янги ахборот технологияларини қўллаш соҳалари кенгаймоқда**.**

Ахборот ўз субъекти ва объекти (манбаи) ўртасидаги ўзаро алоқа жараёнининг маҳсули (натижаси) сифатида вужудга келади. Акс эттиришнинг узатилган, инвариант қисми сифатидаги ахборот концепцияси танлаш жараёнини амалга оширишга қодир ўзини ўзи бошқарувчи тизимлар фаолиятини тавсифлаши мумкин. Ахборот мураккаб таркибли тизимларда акс эттирилган ранг-баранглиқнинг бошқарувга хизмат кўрсатувчи муҳим қисми, коммуникация воситаси сифатида намоён бўлади. У бир қанча хоссаларни ўзида мужассамлаштиради – нафақат акс эттириш, бошқариш, балки алоқа воситаси сифатида ҳам амал қилади. Бу ерда ахборотнинг коммуникатив жиҳати биринчи ўринга чиқади.

Ахборот – объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бўлиб, ўзини сақлаш, қайта ишлаш ва таъсир натижалари (излари)дан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий тизимларда намоён бўлади. Ахборот бу тизимларнинг фаолият жараёнида ўз мазмунига эга. Объективлик, моддийлаштириш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги – ахборотнинг муҳим хусусиятларидир. «Ахборотни ўрганиш ахборот-бошқарув жараёнини таҳлил қилиш билан узвий боғлиқ, чунки ахборот унда функционал хосса сифатида мавжуддир»[1].

Илмий билимлар ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ бўлган демократик жамият шароитида билимнинг янги шаклларини излаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммо асосан билимни семиотика воситалари ёрдамида соддалаштириш йўли билан шаклан ўзгартириш билан боғлиқ.

Ахборотнинг эвристик мазмунини ўрганишда информацион вазиятнинг қуйидаги унсурлари муҳим ўрин тутади: 1) ахборот субъекти (ахборот олувчи, уни ўзгартирувчи ва ундан фойдаланувчи), ахборот объекти (ахборот манбаи): субъект билан ўзаро алоқага киришади; 2) эҳтиёжлар: акс эттирилган ранг-баранглиқнинг муҳим қисмини танлаш масаласини ечади. Субъектнинг қизғин изчил фаолияти ахборотнинг шаклланиш жараёнида муҳим омиллардан бири сифатида амал қилади. Ташқи таъсирлардан ахборот объектининг субъектга таъсири, таъсирни

[1] Тураев Б. Информационное свойство пространства и времени // Естествознание и философия. III международный семинар. Санкт-Петербург. 1992 г. с. 64.

кодлаштириш ва моделлаштириш, тескари алоқа, субъектнинг билим даражаси таъсирида ўзгариш ва ҳоказоларни қайд этиш мумкин.

Хуллас, ахборот ва билим ўзаро нисбатининг бир хил таърифи мавжуд эмас. Фақат шу нарса аниқки, улар ўртасида чуқур диалектик алоқа мавжуд. Бу алоқа шу қадар чуқурки, баъзан ахборот ва билим тушунчалари кундалик амалиётимизда, айниқса, ҳозирги кунда «информацион портлаш» деб ном олган, инсон билимининг жадал ўсиши тўғрисида сўз юритилган ҳолларда бир-бирига ўхшатилади.

Билимнинг информативлиги *билиш фаолиятининг барча соҳалари, коммуникатив жараёнларда муҳим аҳамиятга эга*. Бунда «кундалик амалиёт, ишлаб чиқариш фаолияти, одамлар ўртасидаги муносабатларда алоқа техникаси маъносидаги ахборот миқдори эмас, балки, аввало, ахборотнинг мазмуни ёки бошқача айтганда информативлик муҳимдир. Зотан, ахборот миқдори қанча кўп бўлмасин, агар у идрок этилмаса, тушуниб етилмаса, ундан заррача наф бўлмайди»[1].

Билимнинг информативлиги борлиқ қонунларини аниқ акс эттирувчи ва инсонга унинг амалий-ўзгартириш ва билиш фаолиятида хизмат қилувчи тушунчалар, мулоҳазалар, концепциялар, назариялар ва билимнинг бошқа шаклларида ифодаланган муҳим ахборот мажмуидир.

Билим информативлигининг мазмунини қуйидагилар тавсифлайди: 1) ёритилаётган масалаларнинг муаммолилиги; 2) ўрганилаётган объектнинг хоссалари, алоқалари ва муносабатларини аниқ акс эттирувчи билимнинг муҳимлиги ва ўзига хослиги; 3) ахборотнинг янгилиги, агар у амалда ижтимоий аҳамиятга эга ва ўзлаштирилганидан сўнг фойдаланувчининг муносабатини ўзгартириши мумкин бўлса; 4) ахборотдан фаолият жараёнида фойдаланаётган субъект мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги; 5) билимнинг тушунтирувчи, башорат қилувчи ва уюштирувчи кучи; 6) билим мазмуни мантиқий-гносеологик ўзагининг хусусияти сифатидаги билимнинг инвариантлиги; 7) билимнинг номуайянлик даражаси.

Илмий билимнинг информативлиги фаннинг ҳозирги даврдаги ривожланиш қонуниятлари, аввало, унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи билишдаги интеграция жараёнлари билан белгиланади. Фаннинг интеграциялашуви информативликнинг муҳим хусусиятларидан бири – билимнинг тушунтирувчи ва башорат қилувчи кучини оширади. Илмий билишга информативликни инвариантлик орқали таҳлил қилиш хос. Информативлик инвариантлик маъносида кўп жиҳатдан концептуал тизимларнинг тушунтирувчи кучи ёрдамида ифодаланади.

Ҳозирги замон фанининг мантиқий-гносеологик асосларидан бири бўлган интеграция илмий билимнинг информативлик даражаси ва асосий информацион имкониятларини ўзгартиради. Бу билимнинг бир даражасидан бошқа даражасига, нарсалар ва ҳодисалар мазмунини янада теранроқ акс эттирувчи билимга ўтиши билан боғлиқ. Интегратив жараёнлар назарий тизимларнинг теранлик даражасини ошириб, назария ва эмпирик маълумотларнинг қўлланиш доирасини кенгайтиради. Назария мазмунининг янада теранлашуви информативлик даражасининг ошишига, тушунчалар ҳақидаги ахборотнинг интегратив жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Шундай қилиб, фаннинг интеграциялашуви тушунчалар тизимларининг

[1] Бирюков Б.В. Кибернетика и методология науки. –М.: «Наука», 1994 г. с. 315.

информативлигини уларнинг ўзаро алоқаси асосида рўёбга чиқариш механизми ҳисобланади.

Билимнинг информативлиги илмий фаолиятни ўзгартириш, билиш, ижтимоий-коммуникатив ва психологик жиҳатларини қайд этишни тақозо қилади. Илмий ахборот коммуникатив жараёнга қўшилиб, билиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш воситасига айланади. Бу билимнинг информативлигига нисбатан гносеологик ва социологик ёндашувларнинг бирлиги билан белгиланади. Социологик ёндашув шуни кўрсатадики, билимнинг информативлик даражасини моддий ишлаб чиқаришнинг ўсиши, моддий-ўзгартириш фаолияти асосий вазифалари комплекс, интегратив хусусиятининг кучайиши ҳам, илмий коммуникацияларнинг ривожланиши ҳам оширади. Билимнинг янги унсурлари вужудга келишида ижтимоий-коммуникатив жараёнга қўшилган, ўзлаштирилган ижтимоий муҳим унсурлар фаол иштирок этади.

Ижтимоий ахборот – *билимнинг шундай бир қисмики, у муайян моддий жисмларда қайд этилган ва белгилар тизимида ифодаланган ҳолда ижтимоий-коммуникатив, субъектлараро жараёнга қўшилиб идрок этилади ва инсоннинг билим даражасини ўзгартиради, шунингдек, унинг ўзи ҳам ўзгартирилиб, ундан фаолиятнинг турли жабҳаларида фойдаланилади*. Шу маънода билим тушунчаси олимнинг билим жараёнини гносеологик томондан, ахборот тушунчаси эса, асосан, коммуникатив томондан тавсифлайди, деб айтиш мумкин.

Инсон фаолиятининг ўзига хос томони ахборотни талқин қилиш имкониятидан етарли фойдалана олишида. Бироқ, билиш фаолиятининг гносеологик (акс эттириш) ва коммуникатив жиҳатларининг фарқланиши (тегишли равишда билим ва ахборотнинг фарқланиши), уларнинг муштараклигини тушуниш билан тўлдирилиши лозим. «Ахборот коммуникатив жараёнга қўшилиб, билим муайян олимнинг қадриятлари жабҳасида ривожланишига кўмаклашади»[1]. Ижтимоий ахборотни ўзлаштириш учун уни англаб етиш ва талқин қилиш лозим.

Ижтимоий ахборот жараёни икки фаолият тури – интериоризация ва экстериоризацияга асосланади. **Интериоризация** *инсоннинг ижтимоий-коммуникатив жараёнларда моддийлашган ижтимоий (шу жумладан илмий) ахборотни англаб етиш, уни ижодий ўзгартириш борасидаги фаолияти*, **экстериоризация** *янги ахборот яратиш борасидаги фаолиятдир*. Шу сабабли инсон билиш фаолиятида гносеологик, ижтимоий-коммуникатив ва психологик жиҳатлар муштаракдир. Табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги мавжуд ахборотни ўзлаштириш жараёнида инсонда англаб етилмаган объектлар ва жараёнларни билишга эҳтиёж туғилади. У субъектлараро коммуникатив жараёнга қўшилиб, билиш эҳтиёжи объектига айланади ва ижтимоий мероснинг функционал-генетик таркибига «ўрнашиб», яна интериоризацияни келтириб чиқаради.

Инсоннинг фаолиятида билим тил, ҳужжат, техника ва бошқа тизимлар кўринишида моддийлашади (объективлашади) ва ривожланиб, ижтимоий ахборотдан кенг фойдаланиш мумкин бўлган яхлит изчил амалиётда мужассамлашади. Фаолият воситалари сифатида нафақат моддий воситалар (меҳнат қуроллари, асбоблар ва ҳ.к.), балки объективлашган билим, ахборотнинг техник ва операционал-

[1] Шульман Е.А. Социальное реагирование на информацию. – Т.: «Узбекистан», 1993 г. с. 80.

методик унсурлари, бевосита ва тескари алоқа йўллари, ахборот танлашни белгиловчи «мезонлар тизими»дан ҳам фойдаланилади.

Билимни ривожлантириш индивидуал ва ижтимоий шаклларининг ўзаро алоқаси инсон фаолиятининг коммуникатив жиҳатини акс эттиради. Ижтимоий ахборот фаолият предмети, воситаси ва маҳсули сифатида амал қилади. Ижтимоий ахборот ижтимоий-коммуникатив жараён билан узвий боғлиқ, чунки билиш маҳсули (натижаси) ва билиш жараёни билан муштаракдир. Ижтимоий ахборот – ахборот оқимларида моддий омиллар (сўз, матн ва ҳ.к.) ёрдамида рўёбга чиқарилади. Статик кўринишда ижтимоий ахборот ижтимоий маъно касб этмайди. Ижтимоий ахборотнинг муҳим белгиларидан бири, унинг, инсоннинг ўзини қуршаган дунё ҳақидаги билим даражасини ўзгартириш қобилиятидир. Ижтимоий ахборот инсон онгида акс этган оддий билим эмас, балки бизнинг онгимизда ўзгаришлар ясайдиган, руҳиятимиз даражасида фаол амал қиладиган, ўзлигимиздан мустаҳкам ўрин оладиган билимдир. Ижтимоий ахборотнинг билиш фаолиятида фойдаланиладиган алоҳида тури илмий ахборотдир.

Илмий ахборот – *илмий билиш жараёнида олинган, тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, назариялар ва гипотезалар тизимида қайд этилган, табиий ёки сунъий белгилар тизими ёрдамида ифодаланган, объектив борлиқни олимнинг маънавий фаолияти натижалари орқали аниқ акс эттирадиган ва ижтимоий-тарихий амалиётда фойдаланиладиган ижтимоий аҳамиятга молик ва мантиқий жиҳатдан (шаклан) умумийлаштирилган ахборот.*

Инсоннинг илмий билиш фаолияти ўзини қуршаган дунё ҳақида янги билим олишга қаратилади. Билимнинг янгилик даражасини текшириш учун уни айрим шахс эмас, балки бутун жамият ривожланишининг муайян тарихий босқичида шаклланган билим билан солиштириш лозим, чунки бир шахс учун янги ҳисобланган ахборот бошқа шахс учун доим ҳам янги бўлавермайди.

Шу сабабли *илмийлик талабига жавоб берувчи, илгари аниқланган илмий билимлар рўйхатида бўлмаган, билимнинг у ёки бу бирлиги «янги» деб аталади.* Шу муносабат билан моддий ва маънавий дунё фаолияти ва ривожланиш қонуниятлари ҳақида жамиятга илгари маълум бўлмаган ахборот ифодаланган билим янги деб ҳисобланишини қайд этиш, айниқса, муҳимдир. Айни вақтда, ижтимоий муҳим билимларнинг янгилик даражасини берилаётган ахборотнинг нафақат мазмуни, балки шакли нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш лозимлигини ҳисобга олиш керак. Илмий билимлар ҳажмининг ўсиши натижасида фанда амал қилаётган билимнинг янги шаклларини излаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммо, асосан, билимни семантик соддалаштириш орқали шаклан ўзгартириш билан боғлиқ.

Объектив ҳодисалар ва жараёнларни акс эттирувчи илмий ахборот уларга хос бўлган муайянликни ҳам, номуайянликни ҳам қайд этиши лозим. Ахборотнинг бундай хоссалари бирлиги А.Д.Урсул томонидан асоосланган: «Илмий ахборотнинг номуайянлигини, айниқса, келажакни акс эттириш билан боғлиқ ноаниқликни ҳисобга олиши келажакни башорат қилиш методларини ўрганувчи шаклланаётган илмий йўналишларни илмий-техник прогноз қилишнинг «аксиомалари»дан биридир»[1]. Илмий билимнинг турли соҳаларида илмий тафаккур услубининг

[1] Урсул А. Д. Диалектика определенности и неопрделенности. Кишинев, 1996 г. с. 61.

шаклланишига семантик ахборотнинг номуайянлиги ҳақидаги ғоялар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Билишнинг ривожланиши нотўлиқ ва номуайян ахборотдан тўлиқроқ ва муайянроқ ахборотга ўтишни тақозо этади. Олимга керак бўлган билим, мавжуд билимнинг номуайянлигини камайтириши, ундан кўпроқ ахборот бериши лозим.

Илмий ахборот ҳажми ижтимоий ахборот ҳажмидан анча кўп, уларнинг мазмуни эса ранг-барангдир. Илмий ахборотда эмоциялар, кечинмалар, дунёни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ индивидуал-руҳий унсурлар намоён бўлиши мумкин. Илмий ахборот комплекс тузилма сифатида мураккаб бўлиб, олим илмий фаолиятининг кўпгина томонлари билан белгиланади.

Информатика. XX асрда инсоният ривожланишининг муҳим хусусиятлари қаторида, аввало, компьютерларнинг пайдо бўлиши ва ахборотлашган жамиятнинг шакллана бошлашини қайд этиш лозим. Компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш жараёни турли мамлакатлар ва минтақаларда нотекис кечмоқда, бироқ, у ўз ривожланишининг шундай бир босқичига етдики, баъзи бир натижаларни кўриб чиқиш ва келажакка назар ташлаш мумкин. Инсон фаолиятининг барча жабҳаларини компьютерлаштириш бугунги кунда жамиятнинг муҳим вазифаси ва ижтимоий тараққиёт омилидир. Бу вазифани ечмасдан ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш, ўзининг барча фуқароларига муносиб турмуш даражасини таъминлашга қодир жамиятнинг иқтисодий ривожланиши мумкин эмас. Сўнгги йилларда эълон қилинган илмий асарларда информатиканинг фалсафий муаммоларига айни шу нуқтаи назардан ёндашилади.

«Информатика» (француzча «informatique» – «ахборот» ва «automatique» – «автоматика») – ахборот олиш, унга ишлов бериш, уни сақлаш ва тақдим этиш жараёнларини тадқиқ қилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ахборот-техникаси ва технологиясини яратиш, амалиётга жорий этиш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи фан-техника фаолиятидир.

Информатика-техник воситалари ахборот технологиясининг негизини ташкил этади. Информатика воситалари ривожланишининг тарихий босқичларини қуйидагича таснифлаш мумкин: информатика-табиий воситалари (инсоний – имо-ишора, рақс, нутқ; табиий – олов, белги); информатика-механик воситалари (ўрта асрлар телеграфи, матбаачилик, ҳисоблаш мосламалари, арифмометр); информатика-электр воситалари (телеграф, телефон, кино); информатика-электрон воситалари (телевизор, компьютер, принтер).

Илмий билимларни ўқув билимларига айлантириш жараёнида информатика катта роль ўйнайди. Информатика ҳар хил таълим дастурлари тузиш, назорат масалаларининг назорат ечимлари алгоритмларини ишлаб чиқиш, расмли, графикли, диаграммали, жадвалли, формулали ва чиройли сарлавҳали матнлар тузиш, лаборатория топшириқларини ишлаб чиқиш, ўрганилаётган материалнинг ўзлаштирилиши устидан назорат қилиш орқали фаннинг энг янги ютуқлари таълим жараёнига нисбатан тез кириб келишига имконият яратади.

Ҳозир информатика усуллари ва воситалари инсоннинг бутун тафаккурига катта таъсир кўрсатмоқда – назарий-информацион ёндашув ва компьютерлар одамлар турмушига кириб бормоқда. Информатика назария, объектив борлиққа

янгича назар ва техника воситалари мажмуи сифатида илмий билишга, илмий-тадқиқотларни ташкил этишга ва уларнинг натижаларини амалга татбиқ қилишга жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Қадимдан мерос қолган илмий тафаккурнинг эски оқилона усули, мавҳум тушунчалар ва дедуктив мулоҳазаларга асосланган далиллар ўзгармоқда. Мураккаб назарияларни бевосита текшириш ҳамда бундай текширув натижаларини сон кўринишида ифодалаш имконияти пайдо бўлмоқда, уларни турли фанларда тадқиқ қилишга нисбатан миқдорий ёндашув доираси кенгайиб бормоқда. Фан жуда улкан ахборот тўпламига катта тезликда ишлов бериш имкониятига эга бўлди. Дунё миқёсидаги ахборот тизимлари, чунончи, Интернет орқали илмий фаолиятнинг байналмилаллашуви содир бўлмоқда. Шахсий компьютерлар илмий фаолиятнинг чекланганлигини бартараф этишга имконият яратмоқда. Билимларга қатъий мантиқий ишлов бериш учун уларни формализация қилиш усуллари фанга жорий этилмоқда.

Айни вақтда, информатика тадқиқ қилинаётган объектларни дисплей экранида схемалар, графиклар, жадваллар шаклида акс эттириб, уларни ҳиссий идрок этиш соҳасини кенгайтирмоқда. Мазкур образларни информатика мавҳум қарашлар билан боғламоқдаки, бу мавҳумлик муайян юксалишнинг ўзига хос шаклидир.

Комплекс муаммоларнинг ечимини топиш учун ахборот воситаларини кенг жалб қилган ҳолда, билишнинг бошқа воситалари яратилади, умумий қонуниятларни ифодаловчи янги даражадаги кенгроқ ва чуқурроқ умумлаштириш амалга оширилади. Бунда алоҳида, умумилмий тушунчалар туркуми: тизим, структура, элемент, бошқарув, моделдан фойдаланилади. Бу туркумга информатика тушунчалари: алгоритм, маълумотлар банки, ахборот ва бошқалар қўшилади. Пировард натижада, турли фанларнинг тушунчаларини ўзаро таққослаш ва умумий илмий тилни ишлаб чиқиш имконини берувчи концептуал схема яратилади. Алоҳида билим шакли – комплекс билим юзага келади. Комплекс билим ҳажми тадқиқотда иштирок этаётган фанларнинг билим ҳажмидан кўпроқ бўлади ва тадқиқ қилинаётган объект моҳиятини билимнинг бошқа даражасида акс эттиради.

Шу нарса диққатга сазоворки, информатика фанларнинг ўзаро алоқасида, умумий илмий тилни ишлаб чиқишда иштирок этибгина қолмасдан, балки илмий билимнинг мустақил соҳаси сифатида бошқа фанлар билан ўзаро таъсирга киришиб, илмий билимнинг янги соҳалари – ахборот психологияси, мехатроника, ахборот иқтисодиёти, ижтимоий-информатика ва бошқаларни вужудга келтиради.

Ҳозир ахборот (компьютер) психологияси мустақил фан соҳаси сифатида фаол ривожланмоқда. У шиддат билан такомиллашиб бораётган ахборот-техникаси, ахборот оқимларининг кўпайиши ва мураккаблашишидан инсоннинг қўрқиши, компьютер билан мулоқотни одамлар билан мулоқотдан устун қўйиши, компьютерда ишлашда одамларнинг толиқиши («киберкасаллик») сабабларини таҳлил қилишни назарда тутади.

Механика, информатика соҳаларидаги ҳамда техниканинг айрим тармоқлари (микропроцессорли техника, машиналар ва агрегатларнинг ҳаракатини компьютерда бошқариш)даги билимлар негизида ҳозир жадал ривожланаётган янги техник фан – мехатроника вужудга келди. Бу фан номининг ўзи, «механика» ва «элек-

троника» атамаларини ўзида мужассамлаштирган. Бу фаннинг «гибрид» хусусиятидан далолат беради. Дарҳақиқат, *мехатроника компьютерда бошқариладиган машиналар ва тизимлар яратиш ва улардан фойдаланишга йўналтирилган механика, информатика ва электроника воситалари ва тамойиллари мажмуидир*.

Фалсафа, информатика, кибернетика, синергетика, социология ва иқтисодиёт туташган жойда илмий билимнинг интеграл соҳаси – ижтимоий ривожланишнинг ахборот назарияси шаклланади. Бу назария доирасида ахборот иқтисодиёти марказий ўринни эгаллайди. *Ахборот иқтисодиёти нуқтаи назаридан, иқтисодий тизимларнинг ташкил топиши ва ривожланиши қонунлари информатика қонунлари билан белгиланади. Ахборот жамиятида инсоннинг янги роли ва ўрнини тадқиқ қилиш ахборот иқтисодиётининг асосий вазифасидир.*

Информатика фалсафий билимнинг ўзига хос соҳаси – техника фалсафасининг жадал ривожланишини белгилаб берди. Техника фалсафасида кучайиб бораётган техника, унинг ривожланиш қонунлари ҳақидаги билимни техниканинг ижтимоий функцияларини тушуниш, уни амалда қўллаш оқибатлари билан бирлаштиришга уриниш техника фалсафасидан технософияга – техника фалсафасининг ривожланишидаги сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш масаласини кўтариш имконини беради.

Ахборот техникаси оғир ва баъзан мазмунсиз жисмоний меҳнатдан инсонни озод қилади. Ақлий меҳнатнинг аҳамияти ва салмоғи ошиб боради. Меҳнат, инсон эҳтиёжларини қондириш учун табиий ва ижтимоий кучларни ўзгартириш жараёни сифатида, инсоннинг меҳнат предмети билан билвосита алоқаси кучайиши билан тавсифланади. Агар илгари меҳнат қуроллари инсон табиий жисмоний аъзоларининг давоми ҳисобланган ва уларни кучайтиришга хизмат қилган бўлса, энди ахборот қурилмалари инсон ақлининг ишини давом эттиради ва кучайтиради. Малакасиз меҳнатнинг жуда кўп шакллари ўрнини малакали меҳнат эгаллайди. Ахборот технологиясининг ривожланиши меҳнаткашлар маълумот ва малака даражасининг ўсишига, ишлаб чиқаришда юқори малакали мутахассислар миқдорининг кўпайишига ва паст малакали касблар сонининг камайишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигига меҳнатнинг оғирлашиши натижасида эмас, балки бу ишнинг оқилона бажарилиши натижасида эришилади. Меҳнат жараёни ижодий фаолият турига, инсоннинг ўз қобилиятини намоён этиш воситасига айланади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ўрнини инсонни интеллектуал ўстириш эгаллайди, инсон қобилиятини ривожлантириш ҳаётий фаолиятнинг асосий шаклига айланади, меҳнатнинг инсонпарварлашуви содир бўлади.

Ижтимоий-информатика ахборот жамиятини шакллантиришнинг илмий негизидир. У илмий-тадқиқотларнинг тўрт асосий йўналишини ўз ичига олади: «жамиятнинг ахборот ресурсларини ҳамда жамиятнинг уларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш; жамиятнинг информацион салоҳиятини тадқиқ қилиш; ахборот жамиятининг ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш; ахборот жамиятидаги янги имкониятларни ва шахс муаммоларини тадқиқ қилиш» шулар жумласидандир. Зеро, информатика фан сифатида ахборот технологиясининг назарий негизидир.

Информатизация нисбатан янги атама бўлиб, бизга илгари ҳам таниш бўлган «автоматизация», «компьютеризация», «электронизация» каби тушунчалар билан бирга ишлатилмоқда.

Бир қатор муаллифлар фикрича, «Информатизация ўзига учта бир – бирига боғлиқ жараённи мужассамлаштиради»[1]: медиатизация – ахборотни йиғиш, сақлаш ва тарқатиш воситаларини такомиллаштириш жараёни; компьютеризация – ахборотни излаш, қайта ишлаш воситаларини такомиллаштириш жараёни; интеллектуализация – ахборотни яратиш ва идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш жараёни, яъни жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш. Бу уч жараён, айниқса, улар жамиятга жадал суратлар билан киритилган ижтимоий тизимни радикал ўзгаришига олиб келади.

Ахборот техникаси инсонни оғир ва баъзан мазмунсиз жисмоний меҳнатдан инсонни озод қилади. Ақлий меҳнатнинг аҳамияти ва салмоғи ошиб боради. Меҳнат, инсон эҳтиёжларини қондириш учун табиий ва ижтимоий кучларни ўзгартириш жараёни сифатида, инсоннинг меҳнат предмети билан билвосита алоқаси кучайиши билан тавсифланади. Агар илгари меҳнат қуроллари инсон табиий жисмоний аъзоларининг давоми ҳисобланган ва уларни кучайтиришга хизмат қилган бўлса, энди ахборот қурилмалари инсон ақлининг ишини давом эттиради ва кучайтиради. Малакасиз меҳнатнинг жуда кўп шакллари ўрнини малакали меҳнат эгаллайди. Ахборот технологиясининг ривожланиши меҳнаткашлар маълумот ва малака даражасининг ўсишига, ишлаб чиқаришда юқори малакали мутахассислар миқдорининг кўпайишига ва паст малакали касблар сонининг камайишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигига меҳнатнинг оғирлашиши натижасида эмас, балки бу ишнинг оқилона бажарилиши натижасида эришилади. Меҳнат жараёни ижодий фаолият турига, инсоннинг ўз қобилиятини намоён этиш воситасига айланади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ўрнини инсонни интеллектуал ўстириш эгаллайди, инсон қобилиятини ривожлантириш ҳаётий фаолиятнинг асосий шаклига айланади, меҳнатнинг инсонпарварлашуви содир бўлади.

Ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш ва автоматлаштириш ишчилар ва хизматчиларга турли талаблар қўйиб, уларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнидан олиб чиқади ва мазкур жараён билан бир қаторда турувчи субъектларга айлантиради. Инсон шахсининг ўзига хосликларини намоён этиш учун шарт-шароит ва ижтимоий эркинликни ривожлантириш учун имконият яратилади. Бир касбий фаолиятдан бошқа касбий фаолиятга ўтиш учун қўшимча имкониятлар пайдо бўлади. Меҳнат ижтимоий ёки шахсий заруриятга қараб ўзгарувчи хусусият касб этадики, бу стандартлаштирилган оммавий ишлаб чиқаришдан мослашувчан, яъни кўп ўзгарувчи, истеъмолчиларнинг оммавий эҳтиёжларига йўналтирилган ишлаб чиқаришга ўтишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ахборот техникаси илгари олинган ахборотни излашни енгиллаштиради ва янги илмий муаммоларни қўйиш мақсадида олинган натижаларга қатъий баҳо бериш учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, компьютерлар тадқиқот натижаларини олдиндан тахмин қилиши ва ҳатто бундай натижага эришиш йўллари ва воситаларини белгилаши, яъни тадқиқотнинг идеал режасини тузиши мумкин. Хуллас, илмий фаолиятнинг барча босқичларида ахборот-техникаси тадқиқотчига яқиндан ёрдам беради.

[1] Под. Ред. Иноземцева В.Л. Новая постиндустриальная волна на Западе. –М.: «Академия», 1999 г. с. 640.; Иванова М. Институт развития информационого общества. –М.: «Владос», 2002 г. с. 840.; Каныгин Ю.М., Маркашев В.Е. Информатизация: социальный аспект // Вестник ВОИВТ, 1990 г, №2 с. 3.; Барулин В.С. Социальная философия. Учебник, Изд.2-е, –М.: «ФАИР», «Пресс», 1999 г. с. 560.

Компьютерлар илмий ходимларни оғир меҳнатдан халос этиб, илмий ижод учун қўшимча имконият, ижодий тафаккур эркинлигининг ошиши учун шарт-шароит яратмоқда. Компьютерлар олимга жуда катта ахборот тўпламидан фойдаланиш имконини беради, тизимли тадқиқ қилиш ва илмий моделлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ахборот технологияси ёрдамида илмий билимлар формаллаштирилади ва айни вақтда, маълумотларни ифодалашнинг кўргазмали шакллари (схемалар, графиклар)дан фойдаланилади. Ахборот техникаси илгари олинган ахборотни излашни енгиллаштиради ва янги илмий муаммоларни қўйиш мақсадида олинган натижаларга қатъий баҳо бериш учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, компьютерлар тадқиқот натижаларини олдиндан тахмин қилиши ва ҳатто бундай натижага эришиш йўллари ва воситаларини белгилаши, яъни тадқиқотнинг идеал режасини тузиши мумкин. Хуллас, илмий фаолиятнинг барча босқичларида ахборот-техникаси тадқиқотчига яқиндан ёрдам беради.

Ҳозирги замон фанининг ривожланиши, хусусан, илмий-тадқиқот усуллари ва воситалари муттасил мураккаблашиб боришида намоён бўладики, бу ахборот-техникасини қўллашни тақозо этади. Бундай ҳолат илмий-тадқиқотнинг барча даражалари – эмпирик даражасига ҳам, назарий даражасига ҳам хос. Эмпирик тадқиқот босқичида информатика илмий экспериментни ҳунармандчилик кўринишидаги фаолиятдан катта-катта ахборот тўпламларини автоматлаштирилган йўсинда олиш ва уларга ишлов беришга йўналтирилган замонавий илмий таҳлилнинг алоҳида турига айлантириш учун имконият яратади. Назарий-тадқиқот босқичида ахборот-техникаси ҳар хил илмий-гипотезаларни текшириш воситаси бўлиб хизмат қилади, тартибга келтирилмаган маълумотлар йиғиндиларини илмий-назарий қоидаларга айлантиришга ёрдам беради.

Ахборотни киритиш, унга ишлов бериш, уни сақлаш ва бериш учун фанда автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари – мантиқий, математик, лингвистик ва техник воситаларнинг ўзаро боғлиқ мажмуидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимига қўйиладиган талаблар ё тадқиқот объекти томонидан, ё мазкур фан соҳасининг назарий негизи ва ахборот-техника воситалари ёрдамида шаклланади. Бундай тизимлар математик усуллар ва алгоритмлар мажмуи шаклида математик таъминлаш воситаларига эга бўлади. Мазкур воситалар экспериментларнинг натижаларига ишлов беради, қарорлар қабул қилиш усуллари ва алгоритмларини белгилайди. Ўта мураккаб ҳодисалар ва жараёнларни тадқиқ қилишга фаннинг ўтиши, қисқа муддатда аниқ натижаларга эришиш талабининг қўйилиши фанда экспериментлар ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов беришни автоматлаштиришни тақозо этади.

Ахборот технологияси – *бу ахборотни танлаш, жамғариш, таҳлил қилиш ва фойдаланувчига етказиб беришга йўналтирилган ҳисоблаш техникаси, электр алоқа, информатика имкониятларининг уйғунлигидир.*

Ишлаб чиқариш жараёни замирида ётувчи ҳар қандай технологияни таърифлашда ишлов бериш предмети, усул ва методларини, ишлаб чиқариш қуролларини, ишлаб чиқариш усулларининг тавсифини ажратиш мумкин. Технология жараён сифатида тартибга солинган ва ташкил этилган бўлади. Аммо анъанавий технологиялар моддий-энергетик омилларга таянса, ахборот технологияси ахборотга асосланади. Ахборот технологиясининг негизини моддий эмас, балки

идеал омиллар ташкил этади. *Ахборот технологияси, ахборотнинг айланиши ва унга ишлов бериш жараёнлари мажмуи, шунингдек, бу жараёнларни тавсифлаш, деб таърифланади*. Ахборот, маълумотларга ишлов бериш ва айланиш объектлари ҳисобланади. Ахборотга ишлов бериш жараёнларининг технологик маршрутлари ва сценарийларини тавсифлашнинг таркибий қисмларини яратиш мумкин. Шу боис ахборот технологияси тушунчаси икки хил – назарий ва амалий нуқтаи назардан талқин қилинади. «Назарий нуқтаи назардан ахборот технологияси илмий-техник фан бўлиб, унинг доирасида ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муаммолари тадқиқ қилинади. Амалий нуқтаи назардан ахборот технологияси ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнлари мажмуи, муайян соҳага боғлиқ бўлган ва замонавий техник-иқтисодий воситаларда амалга оширилган мана шу жараёнларнинг тавсифидир[1].

Ҳозирги замон ахборот технологияси ўтмишнинг телеграф, телефон, радио, телевидение сингари техник ютуқларидан фойдаланади. Илмий-техник тажрибадан келиб чиқиб ахборотни машина ўқийдиган ташувчиларда жамғариш воситалари яратилди. Бундай воситалар вақт ва маконда бирон-бир чеклашларсиз ахборотни ер куррасининг исталган нуқтасига етказишни таъминлайди. Ниҳоят, белгиланган алгоритмлар бўйича компьютерлар ёрдамида ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилди.

Ахборотлашган жамияти концепцияси (муаллифлари – Е.Масуда, Д.Мартин, Г.Молитор ва б.) ҳозирги замон фанида муҳим ўрин эгаллайди. У *индустриал ва постиндустриал жамият концепцияси ўрнини эгаллаган бўлиб, информатика ва ахборот технологияси жамиятнинг ижтимоий тузилишини, ишлаб чиқариш кучларини ўзгартириш, яхлит ахборот саноатини вужудга келтириш воситаси бўлиб хизмат қилади*. Айрим ривожланган мамлакатларда ахборотлашган жамиятни қуриш давлат дастурлари қабул қилинган. Бундай дастур, масалан, Японияда қабул қилинган. Уни япон олими Е.Масуда ўзининг «Ахборотдан дунё миқёсида фойдаланишнинг янги даври» ва «Ахборотлашган жамият – постиндустриал жамият» асарларида баён этган.

Дунёда ахборотлашган жамият ривожланишининг назарий асосларини XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларнинг бошида ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги янги концепцияларда ижтимоий тараққиётнинг асосий омили ишлаб чиқариш ва ахборотлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланади. З.Бжезинский, Д.Белл, Э.Тоффлер[2] жамият тараққиётини «босқичлар алмашинуви» сифатида ўрганар эканлар, ахборотлашган постиндустриал жамият тараққиётини, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа иқтисодий хизмат соҳаларидан кейин келувчи «тўртинчи» иқтисод ахборотлашган секторининг устуворлиги билан боғлайдилар. Улар индустриал жамиятнинг асоси – капитал ва меҳнат ўз ўрнини ахборотлашган жамиятда ахборот ва билимга боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Бошқа баъзи назариётчилардан фарқли ўлароқ бу

[1] Мамфорд Л. Миф машины. Техника и развитие человечества. –М.: «Логос», 2001 г. с. 58.

[2] Бзежинский З. Великая шахматная доска. –М.: «Международные отношения», 1998 г. с. 254.; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. –М.: «Академия, 1999 г. с. 95.; Тоффлер Э. Шок будущего –М.: «АСТ», 2001 г. с. 560.: Тоффлер Э. Третья волна. –М.: «АСТ», 1999 г. с. 784.

олимлар инқилобни ижтимоий – сиёсий ҳаракат натижаси сифатида эмас, балки жамиятнинг синфий тузилишини ижтимоий нодифференциал «ахборотлашган жамоа» билан алмаштирувчи «ахборотли портлаш»ида кўрадилар[1].

Э.Тоффлер келажакни «ахборотлашган редукционизм» асосида таҳлил қилади: индустриализмдан янги постиндустриал цивилизацияга ўтиш компьютер инқилоби асосида ахборот технологияларининг ҳукмронлиги билан амалга оширилади. Бу ишлаб чиқариш услуби инновациялари турмуш тарзи ва маданият билан бошқарилади ва ҳозирги замон глобал муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қилади.

«Учинчи тўлқин» асарида Э.Тоффлер «постиндустриал жамият»га ўтиш манзарасини ёритади, яъни «тўлқинлар – бу тарих тўлқинлари бўлиб, уни инсоният ўз тараққиёти жараёнида ўтиб, цивилизацияни яратади[2]. Бир – биридан кейин келувчи бу тўлқинлар уч ҳаракатдан иборат тарих драмасини кўрсатувчи фанни яратади: уч цивилизация тўлқини; индустриал жамиятгача бўлган (аграр) цивилизация, индустриал (саноат) цивилизация, ва жамият инфратузилмасини ва кишилар турмуш тарзини ўзгартирувчи ахборот технологиялар асосида постиндустриал (компьютер – ахборотлашган) цивилизациядир[3]. Бунда Э.Тоффлер бугунги кун учун радикал, янги бўлган ва келгуси авлод турмушини тубдан ўзгартирадиган ахборотлашган жамият элементларини баён этади.

Г.Маклуэн, «Ахборотлашган жамиятни электрон (аудиовизуал) коммуникация ғалабаси шароитида шахснинг интеллектуал қобилияти ва ижодий характерини оширувчи индивид даври»[4], деб таъриф беради. У, электрон инқилоб ҳаётни ўзгартиради, деб ҳисоблайди.

А.Турен фикрича, ахборотлашган жамият тушунчаси ҳақида сўз борганида асосий эътиборни иқтисодий муносабатларга қаратиш зарур. У телекоммуникатив – ахборот инқилоби жараёнида инвестициянинг бошқариш сиёсатидаги ўзгаришларга алоҳида таъсирини таъкидлайди. У ахборотлашган жамиятда бошқарувни ахборот ва коммуникацияларнинг мураккаб тизимини қўллаш қобилиятини кўради, постиндустриал жамият иқтисодий тизим элементларининг жамиятнинг ўзидаги ҳаракатларга тегишли эканлигини тан олади. Бу ҳаракатлар доим ҳам онгли ирода шаклида амалга ошмайди, шунинг учун бу жамиятни у «дастурлашган жамият», деб атайди.

А.И.Ракитов, «Ахборотлашган жамият ижтимоий тузилмаларидаги кескин ўзгаришлар ахборотлашган фаолиятнинг ва бошқаришнинг барча соҳаларида автоматлаштириш ва роботлаштириш жараёнининг шаклланишига олиб келади»[5], деб таъкидлайди. Бинобарин, ахборотлашган жамият ривожланган бўлса-да, ҳали у мукаммалликдан йироқ. Бу назариянинг тарафдорлари цивилизациянинг янги ҳолатини унинг алоҳида белгиларини таҳлил қилган ҳолда аниқлашга интиладилар, бунда асосий эътибор жамиятга ижтимоий бир бутунлик сифатида белгиланмайдиган ҳодисаларга қаратилади.

Ахборот жамиятининг ишчилари машинага тобе бўлмайди. Улар ишга эркин,

[1] Баталов Э. О книге Э.Тоффлера «Третья волна». –М.: 1998 г. с. 85.

[2] Тоффлер Э. Третья волна. –М.: «АСТ», 1999 г. с. 398.

[3] Там же: с. 396.

[4] Маклуэн Г. Коммуникационная революция. –М.: «Наука», 2000 г. с.75.

[5] Ракидов А.И. Философия компьютерной революции. –М.: 1991 г. с. 217.

оқилона ёндашади, муайян маҳорат ва билимга эга бўлади. Меҳнатни автоматлаштириш даврида информатика инсонни турғун, катта меҳнат сарфини талаб этувчи, оғир жисмоний ва ақлий меҳнатдан халос этади, унинг тафаккурини кучайтиради. Информатика меҳнатнинг жуда кўп турлари самарадорлигини кескин ошириш имконини беради, инсонни янги ҳодисалар доирасига, янги билим соҳаларига олиб киради. Инсон меҳнати тобора интеллектуал мазмун касб этиб боради. Меҳнатнинг интеллектуаллашуви ахборотлашган жамиятдаги меҳнатнинг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Меҳнатнинг интеллектуаллашуви, унинг «илмийлашиши»да ўз аксини топади. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган билимлар таркибида илмий билимлар салмоғи ошиб боради. Меҳнат жараёнида илмий билимлардан фойдаланилиши, меҳнатнинг интеллектуаллашуви, ишчининг бевосита технологик жараёндан эркинлиги даражасининг ортиши шахс ўз ижодий қобилиятини намоён этишига имконият яратади ва унинг меҳнатига ижодий мазмун бахш этади, меҳнат шароити яхшиланади. Ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш ва автоматлаштиришнинг ривожланишига қараб, ишчининг ижоди ҳам такомиллашиб боради. Қайта тузиш қийин бўлган дастурлар ёрдамида бошқариладиган роботлар фаолият кўрсатган даврда, инсон ўз иш жойидан эркин бўлмаган ва унинг ижодий ёндашуви чекланган эди. Адаптив бошқарувли роботлар иш тизимларини тез тузатиш имконини берди ва ишчилар ўз ижодий салоҳиятини намоён этиш учун бўш вақтга эга бўлди. Интеллектуал функцияларни бошқарувчи роботларнинг яратилиши ходимларнинг янги технологиялар ва техника воситаларини такомиллаштириш ва кашф этиш бўйича ижодий қобилиятларини намоён этиши, ишлаб чиқариш жараёнини оқилоналаштириш учун шарт-шароит яратади.

Маълумки, янги технология ва техникани ўзлаштириш ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита боғлиқ. Улар одамлар ижод қилиши ва ташаббус кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиши лозим. Ахборот технологияси ёрдамида илмий билимлар формаллаштирилади ва айни вақтда маълумотларни ифодалашнинг кўргазмали шакллари (схемалар, графиклар)дан фойдаланилади.

Ахборотни киритиш, унга ишлов бериш, уни сақлаш ва бериш учун фанда автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари-мантиқий, математик, лингвистик ва техник воситаларнинг ўзаро боғлиқ мажмуидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимига қўйиладиган талаблар ё тадқиқот объекти томонидан, ё мазкур фан соҳасининг назарий негизи ва ахборот-техника воситалари ёрдамида шаклланади. Бундай тизимлар математик усуллар ва алгоритмлар мажмуи шаклида математик таъминлаш воситаларига эга бўлади. Мазкур воситалар экспериментларнинг натижаларига ишлов беради, қарорлар қабул қилиш усуллари ва алгоритмларини белгилайди. Ўта мураккаб ҳодисалар ва жараёнларни тадқиқ қилишга фаннинг ўтиши, қисқа муддатда аниқ натижаларга эришиш талабининг қўйилиши фанда экспериментлар ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов беришни автоматлаштиришни тақозо этади.

Ахборот инқилоби. 1981 йилда биринчи шахсий компьютер пайдо бўлиши билан бошланган ахборот инқилоби (у, «компьютер инқилоби», деб ҳам аталади), жаҳоннинг аксарият мамлакатларида одамлар турмуш тарзини ва уларнинг меҳнати хусусиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу инқилобнинг ўзига хос хусусияти

шундаки, ахборот муҳим ресурсга, ҳозирги дунё жараёнларини бошқаришнинг зарурий омилига айланди. Унинг натижаси ўлароқ, нафақат чиқиндисиз, энергия ва ресурсларни асровчи технологиялар пайдо бўлди, балки иқтисодий фаолиятнинг ўзи ҳам ишлаб чиқаришнинг майдаланиши ва табақаланиши томонга ўзгарди. Масалан, ҳозирги вақтда, АҚШ экспортининг атиги етти фоизи 500 дан ортиқ одам ишлайдиган корхоналарда яратилади. Қолган барча маҳсулотларни кичик жамоалар, баъзан бир неча киши ишлайдиган ўрта ва кичик компаниялар ишлаб чиқаради. Янги технологиялар ва халқаро меҳнат тақсимоти шарофати билан эндиликда глобал иқтисодиётда муҳим роль ўйнаш учун катта мамлакат бўлиш шарт эмас. Бунга ўз ютуқлари билан ҳам, чуқур иқтисодий тангликлари билан ҳам жаҳон иқтисодиётининг умумий ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётган Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея каби мамлакатлар мисол бўлиши мумкин.

Янги технологиялар ва ахборот инқилоби одамларнинг атроф-муҳитда, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар устидан назорат олиб бориш борасидаги имкониятларини ҳам кўп карра оширди. «Компьютер шахснинг қудратини кенгайтирган шароитда фуқаролар ўз ҳукуматларининг ҳаракатларини, ҳукуматлар фуқароларнинг ҳаракатларини кузатганидан самаралироқ кузатишлари мумкин»[1], деб қайд этади америкалик футурологлар Д.Несбит ва П.Эбурдин.

Дарҳақиқат, инсон фаолияти унга нисбатан ташқи уч омил – модда, энергия ва ахборотга асосланади. «Техник тараққиётда уч асосий унсур: билим, энергия ва материал иштирок этади, – деб қайд этади Ж.Томсон. – Кишилик жамияти табиат устидан қай даражада ҳукмронлик қилиши мана шу уч унсурга боғлиқ. Улар орасида билим асосий унсур эканлиги шубҳасиз; билимсиз қолган икки унсур бефойдадир»[2]. Техник тараққиётда ахборот шаклидаги билимни узатиш ва қабул қилиш техник воситалари доим муҳим роль ўйнайди.

Жамият, унинг маданияти, техник ва илмий тараққиётнинг ривожланишига қараб ахборот-техник воситалари ҳам ўзгариб боради. Одатда тил, ёзув, матбаачилик ва замонавий технологияларнинг кашф этилиши билан боғлиқ ахборот инқилоблари қайд этилади. Бундай инқилоблар сифат жиҳатидан ҳар хил жамиятлар пайдо бўлишига олиб келган. Бу фикр ижтимоий ривожланишнинг бошқа сабабларини инкор этувчи технократик детерминизм ҳисобланади. Аммо ахборотнинг йўқлиги кишилик жамиятининг ривожланишини маълум даражада чеклайди. Шу боис Д.С.Робертсоннинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин: «Янги цивилизацияга ўтилишига олиб келган ҳар бир информацион портлаш, одамларнинг турмуш тарзи, маданияти ва ҳоказони тубдан ўзгартирган. Янги даражадаги цивилизацияга ўтишга олиб келувчи ҳозирги информацион портлаш олдинги барча портлашлардан кучли ва салмоқлирокдир»[3].

Ижтимоий тараққиётнинг дастлабки босқичларида одамлар ахборот узатиш табиий воситаларидан фойдаланганлар ва кейинчалик уларни яратганлар. Тошлар, чирмовуқлардан ясалган тугунлар, гулханлар, овозлар ва имо-ишоралар шулар жумласидан. Жамият ривожланишининг кейинги, цивилиза-

[1] Несбит Д., Эбурдин П. Что нас ждет в 90-е годы. –М.: 1992 г. с. 347.

[2] Томсон Дж. Предвидимое будущее –М.: 1978 г. с. 40–41.

[3] Робертсон Д.С. Информационная технология. –М.: «Прогресс», 1998 г. с. 24.

цион босқичида ахборот технологияси сунъий ташқи хотира – ёзувнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ёзув инсоннинг биологик эволюциядан ижтимоий эволюцияга ўтишида катта роль ўйнади, унинг борлиқни билиш ижтимоий хусусияти даражасини анча оширди. Ахборот техникасининг ривожланишидаги кейинги босқич ахборот узатиш техник воситалари (телефон, телеграф, радио)нинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Аммо инсоннинг акс эттирувчи тизим сифатидаги психофизиологик имкониятлари аста-секин бошқариладиган жараёнларнинг мураккаблиги билан тўқнашди ва бу мутлақо янги ахборот воситаси – компьютерлар пайдо бўлишига олиб келди.

Компьютерлар пайдо бўлиши билан ахборот воситаларининг ривожланишида янги босқич бошланди. Инсон техник воситалар ёрдамида ўз организмининг психофизиологик чекланганлигини енгишга ҳаракат қилиб, ахборот-техникасига ақлий меҳнат, ахборотга ишлов бериш ва ҳатто айрим мавҳум фикрлаш функцияларини юкламоқда.

Замонавий ахборот-техник воситаларининг пайдо бўлиши фан-техника тараққиётининг илғор ютуқлари – электрон саноат, алоқа техник воситалари, аудиовизуал техникага асосланади. Информатика фан ва ишлаб чиқаришнинг янги муносабатларини ўзида мужассамлаштирди.

Компьютерлар ривожланиши ҳозиргача беш авлодни ўз ичига олади. 1937 йилда америкалик физик Ж.Атанасовда, диссертация устида ишлаш жараёнида ҳисоблаш амалларини автоматлаштириш ғояси туғилади ва у ўз аспиранти К.Берри билан ҳамкорликда компьютер моделини яратади. Бу моделни улар 1942 йилгача такомиллаштирадилар. Айни шу вақтда, бу йўналишда АҚШда А.Фелирс ва Россияда С.А.Лебедев ҳам иш олиб борди. Сал кейинроқ электрон лампаларда ишлайдиган компьютерлар – АҚШда «ЭНИАК» ва Англияда «КОЛОС» компьютерлари яратилди. 1946 йилда Ж. фон Нейман компьютерлар ясашга оид бир қанча янги ғоялар таклиф қилди[1]. Мана шу ғоялар негизида ҳозиргача мавжуд компьютерлар архитектураси яратилди.

1949 йилда Буюк Британияда конструктор М.Уилкс Ж. фон Нейман ғояларини «ЭДАК» машинасида техник жиҳатдан гавдалантириб, сақланадиган дастурли биринчи компьютерни яратди. Сал кейинроқ, 1951 йилда Россияда «МЭВМ компьютери яратилди. Сақланадиган дастурли лампали компьютерларни серияли ишлаб чиқаришга ўтилиши билан биринчи авлод компьютерлари даври бошланди.

Лампали диодларнинг ярим ўтказгичли диодлар билан, лампали триодларнинг транзисторли триодлар билан алмаштирилиши, ферритли ўзакларда тезкор хотирани ва магнитли дискларда узоқ муддатли хотиранинг яратилиши, алгоритмик тилларнинг пайдо бўлиши иккинчи авлод компьютерларига хос. Учинчи даврнинг бошланиши интеграл схемалардаги «IBM-360» компьютерларининг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ. Кейинчалик, мос келадиган периферияли қурилмали компьютерлар, кичик интеграл схемалардаги мини-компьютерлар яратилди. Ҳозир катта интеграл схемалардаги тўртинчи авлод компьютерларидан фойдаланилмоқда. Микропроцессорлар яратилмоқда, улар микрокомпьютерлар яратиш имконини бермоқда. Микропроцессорларнинг яратилиши ахборот-

[1] Раҳмонқулова С.И. Шахсий компьютерларда ишлаш. –Т.: «Университет», 1996 й. 86-б.

техникасида шу қадар катта силжиш содир бўлишига олиб келдики, ҳозирда микропроцессор инқилоби тўғрисида кўп сўз юритилмоқда. Шахсий компьютерлар пайдо бўлди ва улар ялпи компьютерлашишга асос солди.

80-йиллар бошидан бешинчи авлод компьютерлари устида иш бошланди. Бундай компьютерлар ўта катта интеграл схемалар ва сифат жиҳатидан янги архитектура асосида қурилади: Фон Нейман структураси ўзак шаклида сақланади, унинг атрофида янги блоклар жойлаштирилади. Мазкур блоклар, хусусан, фойдаланувчи билан компьютер ўртасида табиий тилга яқин тилда алоқа боғланишини таъминлайди. Маълум фан соҳасига оид билимлар базаси структурада муҳим ўрин эгаллайди. Сунъий интеллект ғояси негизида ишлаб чиқилган моделлар ва воситалардан кенг фойдаланилади. Аммо сунъий интеллект тизимини ишлаб чиқиш бешинчи авлод компьютерлари вазифасидир.

Бешинчи авлод компьютерлари устида иш, 1978 йилда, Японияда, амалда эса, 1982 йилдан бошланди. Бу иш 10 йилга мўлжалланган эди. Тегишли лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг мақсади – компьютер тизимлари ёрдамида кейинги ўн йилликда юзага келиши мумкин бўлган жамиятнинг муҳим эҳтиёжларини қондириш, чунончи, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқаро ҳамкорликда Япониянинг янада кенгроқ иштирок этишини таъминлаш, энергия ва фойдали қазилмаларга бўлган талабни қондириш, ёшларнинг маълумот даражасини ошириш кабилардир. Лойиҳа машинада таржима қилиш, инсон-компьютер диалоги, мантиқий дастурлаштириш, машинада лойиҳалаш дастурларини ҳам ўз ичига олди. Инсон учун энг табиий интерфейсни яратиш, машина билан табиий тилда алоқа қилишга эришиш бош вазифа қилиб қўйилди.

1982 йилда ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун Япониянинг 8 та фирмаси, Токиода, янги авлод компьютерлари институтини ташкил қилди. Ишга «фан самурайлари» – фаол ва ижодий фикрлайдиган ёш олимлар жалб этилди. Улар ҳукумат органлари кўмагида компьютер ва эксперт тизимларини техник ва дастурий таъминлаш воситаларини яратиш устида иш бошладилар. Супержамғаргичлар, эксперт тизимлари, билим банклари ва 16 мегабайтли чип яратилди. Бироқ, мазкур дастурнинг кўпгина бандларини амалга оширишда олимлар катта қийинчиликларга дуч келдилар ва улар бажарилмай қолди. Аммо лойиҳа устида ишлаш жараёнида интеллектуал компьютер яратиш имконияти синовдан ўтказилди. 1991 йилда, Японияда «Ахборотга ишлов бериш янги технологияси» янги ўн йиллик дастурининг турли жиҳатлари муҳокама қилинди. Бу дастур, олтинчи авлод компьютерлари лойиҳаси, деб баҳоланди.

Японияда амалга оширилган янги авлод компьютерлари яратиш бўйича миллий лойиҳалар бошқа мамлакатларда ҳам шундай ишлар амалга оширилишига туртки берди. Чунончи, 1984 йилда, АҚШда 10 йилга мўлжалланган «Стратегик компьютер ташаббуси» дастури қабул қилинди. 2001 йилгача суперкомпьютер имкониятларига эга бўлган интеллектуал компьютер яратилиши ҳақида эълон қилинди. Францияда 1983 йилдан бешинчи авлод компьютерлари яратишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича олти лойиҳа устида иш бошланди. Шунга ўхшаш дастурларни Германия ва Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ҳам ишлаб чиқди. 1985 йилдан Россияда ҳам Фанлар академиялари ҳамкорлиги доирасида 11 лойиҳа устида иш бошланди, лекин 1987 йилда улар тўхтатилди ва компьютер

ишлаб чиқариш ҳажмлари Россияда АҚШдаги даражанинг 1 фоизгача камайди. Ҳозирги кунда компьютер саноатида, илғор технологияларнинг бошқа турларида бўлгани сингари, жаҳонда, айниқса, АҚШ ва Япония ўртасида кескин рақобат кетмоқда.

Компьютер техникасининг ривожланиш истиқболлари ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд. Айрим мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда компьютерлар сифати ва миқдорида ақл бовар қилмас ўсиш содир бўлади. Бошқаларнинг тахминига кўра эса, кремнийли технология ўз аҳамиятини йўқотиши натижасида, бунинг батамом тескариси бўлади. Аммо ҳозирда ярим ўтказгичли бошқа материаллар ҳам синовдан ўтказилмоқда, истиқболда компьютерлар конструкциясига нисбатан «нейронли-тармоқли» ёндашув, оптик элементлар, молекуляр биология негизида компьютерлар яратиш назарда тутилмоқда. Ҳар доимгидек, бир табиий тамойилнинг эскириши янги табиий тамойиллар, материаллар, энергияга ўтилишига олиб келади.

Дастурий таъминлаш воситалари ишлаб чиқиш йирик тармоққа, дастурчи касби – оммавий касбга айланди. Чунончи, АҚШда ҳозир дастурлаштириш саноати йилига 30 фоизга ўсмоқда. Жаҳон дастурий маҳсуллар ишлаб чиқариш саноатининг 70 фоизга яқини АҚШга тегишли эканлиги бежиз эмас. Дастурий хизматлар кўрсатувчи фирмаларнинг умумий миқдори АҚШда 4000 дан, Буюк Британияда – 3000 дан, Японияда эса – 2500 дан ошиб кетган[1].

Ҳозирги замон ахборот технологияси илғор номеханик технологиялар орасида муҳим ўрин эгаллайди. У жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатади. Бу жараён, жамиятни ахборотлаштиришни индустриал саноат ўрнига келаётган техноген цивилизацияни ривожлантириш босқичига айлантиради.

Сўнгги йилларда олимларнинг умумий сони ҳам кўпайди. Агар 1910 йилда дунё бўйича 15 минг нафар илмий ходим фаолият кўрсатган бўлса, 1962 йилда уларнинг сони 2 млн дан ошиб кетди. Олимлар сонининг кўпайиши билан бир вақтда илмий асарлар миқдорининг ўсиши ҳам қайд этилмоқда: 1665 йилда ер юзида биринчи илмий журнал пайдо бўлди, 1865 йилга келиб, 1000 номда илмий журналлар нашр этила бошланди, 1965 йилга келиб эса, бундай журналлар миқдори 100 мингдан ошиб кетди (уларда йилига 5 млн дан ортиқ мақола эълон қилинади).

Информацион портлаш техник тараққиёт суръатининг тезлашишига, кашфиётлар миқдори кескин ўсишига туртки берди. Сўнгги 10 йилда олдинги 2000 йилдагига қараганда кўпроқ кашфиётлар пайдо бўлди. Янги маҳсулларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш даври изчил қисқариб бормоқда: буғ машинасини ўзлаштириш даври – 100 йил, паровозни ўзлаштириш даври – 34 йил, дизелни ўзлаштириш даври – 19 йил, реактив двигателни ўзлаштириш даври – 14 йил, турбореактив двигателни ўзлаштириш даври – 10 йил, автомобиль двигателини ўзлаштириш даври – 7 йил, транзисторларни ўзлаштириш даври – 5 йил, лазерни ўзлаштириш даври эса – атиги 2 ойни ташкил қилади. Бунда ҳар бир янги кашфиёт ва кўпайиб бораётган билимлар ҳажми бир ёки бир нечта янги кашфиётларга туртки бермоқда.

[1] Арипов М. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. –Т.: «Университет», 2001 й. 306-б.

Информацион портлаш ахборот инқирозини келтириб чиқарди, яъни ўсиб бораётган ахборот ҳажми билан уни идрок этишнинг чекланган имкониятлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келди. Тўғри, информацион портлаш одамларни маълум даражада шошириб қўйди. Аммо, одамлар муаммони юзага келтиргач, қоида тариқасида, унинг ечимини ҳам топадилар. Информатика янги воситаларини ишлаб чиқиш фаннинг илғор ютуқларидан фойдаланишга асосланади ва ўз навбатида, илмий билимнинг янги соҳалари шаклланиши ва ривожланишига туртки беради.

Инсоният ҳамда инсон фаолияти турли соҳаларининг глобаллашувида Интернет катта роль ўйнайди. Интернет – жаҳон ахборот тизими ёки бир-бири билан узлуксиз боғланган тармоқлар бирлашмасидир. Мазкур тармоққа уланган ҳар қандай компьютер бошқа компьютер билан бир лаҳзада боғланиши мумкин. Мазкур жаҳон ахборот тизими ўзига хос кибернетик муҳитни, идеал борлиқни, ўз тушунчалари, қадриятлари, фикрлаш тарзи ва тилига эга кибернетик маданиятни вужудга келтиради. Интернет тармоғига уланган компьютерлар миқдори 1969 йилги 4 компьютердан 1994 йилда 3,2 миллион компьютерга етди. Ҳозирги кунда, Интернет бутун дунёни қамраб олган, жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакатида 15 миллионга яқин абонентга эга бўлган глобал компьютер тармоғидир. Тармоқ ҳар ойда 7–10 фоизга ўсиб бормоқда. Бугун Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 700 000 нафардан ошиб кетди. «UZ» миллий тармоқида эса, 3000 дан ортиқ сайт рўйхатдан ўтган. 2004 йил якунларига кўра, ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасида кўрсатилган хизматлар миқдори 300 млрд сўмни ташкил қилади[1]. Компаниялар билан уларнинг ҳамкорлари ёки мижозлари ўртасидаги ташқи муносабатларда ҳам, компанияларнинг ички тузилишида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Тижорат фаолиятини олиб боришнинг янги йўналишлари пайдо бўлибгина қолмасдан, мавжуд йўналишлар ҳам тубдан ўзгарди. Бундай ўзгаришлар ҳар қандай давлатда вужудга келган «гибрид» фаолият соҳалари устидан назорат қилувчи тегишли тузилмаларни ташкил этишни тақозо этади. Ҳозирги пайтда 28 йўналиш бўйича дунёнинг 180 мамлакатига чиқадиган тўғридан-тўғри алоқа каналлари ташкил қилинган. Рақамли халқаро телефон каналлари улуши 84,7 фоизни ташкил қилади[2].

Нанотехнология. XXI асрда инсоният ахборот технологияларининг такомиллашган шакли – нанотехнологияларни яратди. Нано ўлчов бирликларнинг олд қўшимчаси бўлиб, миллиарддан бирни белгилайди. Масалан, бир нанометр метрнинг миллиарддан биридир. «Нано» юнонча «нанос» сўзидан олинган бўлиб, «митти» деган маънони билдиради. *Нанотехнология – митти технология бўлиб, унинг прототипи табиатнинг ўзида мужассам. Кўзга кўринмас бактериялар, чумоли, ўргимчак ва шунга ўхшаш ҳашаротлар табиий нано жисмлардир.* Атомлар ва улар орасидаги масофалар ҳам нанометр улушларида ўлчанади. Нанотехнология атамасини биринчи бўлиб, 1974 йилда япон олими Норио Танигучи янги объектлар ва материаллар тузиш жараёнини изоҳлаш учун ишлатган. Бу соҳадаги

[1] Ғофуров Б., Ҳидиров К. Интернет ва миллат манфаати // «Халқ сўзи», 2005 йил 13 май.

[2] Замонавий рақамли ахборот телекомуникация ва компьютер технологияларини жорий этиш вазифалари// Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Масъул муҳаррир Назаров Қ. –Т.: «Академия», 2005 й. 59-б.

дастлабки техник воситалар Швейцариянинг «IBM» лабораториясида ихтиро қилинган. 1982 йилда сканерловчи зондни ихтиро қилган Герд Бининг ва Генри Рорерлар, 1986 йилда, Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Нанонайчаларнинг қалинлиги соч толасидан ўн минг марта кичик, аммо мустаҳкамлиги пўлатдан ўн марта катта. Келажакда бир метр узунликдаги нанонайчалар синтез қилинишига эришилса, саноат ва техникада катта ўзгариш рўй бериши мумкин. Чунки, юзлаб килограмм юкни кўтарадиган соч толасидек ингичка материал жуда кўп соҳаларда фойда бериши кўзда тутилмоқда. Экспертлар фикрича, учинчи минг йиллик нанофан ва нанотехнологиялар асри бўлади. Яқин 40–50 йил ичида наномаҳсулот ва нанотехнологияга бўлган бизнес иқтисод энг ривожланган тармоққа айланади. Нанобиотехнологиялар воситасида тиббий хизмат ривожланади ва инсон соғлиғини сақлашда янги имконият пайдо бўлади. Жумладан, бугунги кунда яратилган жарроҳлик нанотехнологиялари оғир операциялар ва уларнинг салбий оқибатларининг олдини олмоқда. Хусусан, лазер қайчилари одам организмининг яллиқланган жойидаги ярани ҳеч қандай қийинчиликсиз олиб ташламоқда (бурун, жигар ва бошқа органлардаги ўсимта). 2020-йилларда нанотехнологиялар ёрдамидаги операциялар янада такомиллашиши, инсон томир ва тўқималарида ҳаракатланиб, касалланган ҳужайрани топиб, ўлдирадиган наножарроҳларни яратиш кўзда кутилмоқда. Бунда организмга 20 мингта нанороботлар инъекция орқали юборилади, нанороботларнинг ҳажми битта бактерия ҳажмига тенг, бу нанороботлар организмнинг қайси қисми яллиқланганлиги аниқлаб, шу парчани ё даволайди ёки кесиб ташлайди.

Олимлар, 2020 йилда инсонни автомобил ҳалокатидан сақлайдиган, кайфиятини кўтарадиган, организмининг қайси қисми носоғлом эканлигидан хабар берувчи нанокийимлар яратилиб, улар оддий магазинларда сотилиши башорат қилинмоқда. Барча алоқа тармоқларини бирлаштирувчи глобаллашган янги алоқа тизимини ўрнатиш имкони туғилади. Бироқ, XX асрнинг бошида сув ости кемалари кир ювиш машиналари, мобиль телефонлари, рангли телевизорлар, компьютерлар, соатига 2000 км тезликда учадиган авиалайнерлар, сув ости туннелларининг яратилишига инсоният ишонмаган ва улар яратилгандан сўнг фойдалана бошлаган. Шу боис, нанотехнологияларнинг имкониятларига ҳам ҳозирча шубҳа билан қараш мумкин, лекин 2020 йилга жуда оз вақт қолди, душман тўппончасидан отилган ўқни бошқа томонга йўналтирувчи биринчи ҳарбийлар кийимлари эса яратилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, 1975 йилда Тошкент Давлат техника университетини тамомлаган Анвар Зоҳидов 2001 йилда Техас университети ҳузурида нанотехнология институтига асос солишда иштирок қилди. Ҳозирги кунда, у, шу институтнинг директор ўринбосари ва «Nanoscience» журналининг муҳаррири лавозимида фаолият кўрсатмоқда. А.Зоҳидов илк бор ёруғлик таъсирида қўзғатилган зарядларнинг ўзаро бириктирилган фюллерен полимер тузилмасидан ўтишини ва ундаги фотокимёвий жараёнларни кашф қилган. У фюллерен билан ўтказгич полимерлар ва ишқорий металлар комплекс бирикмалари асосида ўта ўтказгич фюллеридларни ва органик ферромагнит материалларни биринчи марта синтез қилган олим. 2003 йилда, А.Зоҳидов нанотехнологиялар соҳасида

эришган ютуқлари учун йилнинг Осиё-Америка муҳандиси унвони билан мукофотланган.

Биометрик идентификация қилиш технологияси. Биометрик идентификация қурилмаси одамнинг характерли хусусиятларини рақамли тасвирлаш учун хизмат қилади. Белгиларни ажратиш муолажаси одамнинг биометрик параметрларини ўлчаш натижасида муайян шахснинг ўзига хос бўлган биометрик имзосини шакллантиради. Шахснинг идентификация қилишни амалга ошириш учун тизим маълумотлар базасидаги намуналар чиқариб олинади ва идентификация қилинаётган шахснинг биометрик имзоси билан таққосланади. Берилган имзо билан бирор намунанинг орасидаги масофа яқин бўлса, улар бир одамга тегишли ҳисобланади. Ҳозирги вақтда биометрик технологиялар одам шахсини идентификация қилишнинг энг юқори даражадаги кафолатини таъминлайди. ЎзФА Математика ва информацион технологиялари институтида олиб борилаётган илмий ишлардан бири – турли биометрик технологияларни бирлаштиришга асосланган кўп поғонали биометрик тизимнинг алгоритмик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқишдан иборат.[1]

Хулосалар. Ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш ва автоматлаштириш ишчилар ва хизматчиларга турли талаблар қўйиб, уларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнидан олиб чиқади ва мазкур жараён билан бир қаторда турувчи субъектларга айлантиради.

Инсон шахсининг ўзига хосликларини намоён этиш учун шарт-шароит ва ижтимоий эркинликни ривожлантириш учун имконият яратилади. Бир касбий фаолиятдан бошқа касбий фаолиятга ўтиш учун қўшимча имкониятлар пайдо бўлади.

Меҳнат ижтимоий ёки шахсий заруриятга қараб ўзгарувчи жўшқин хусусият касб этадики, бу стандартлаштирилган оммавий ишлаб чиқаришдан мослашувчан, яъни кўп ўзгарувчи, истеъмолчиларнинг оммавий эҳтиёжларига йўналтирилган ишлаб чиқаришга ўтишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тажрибавий-амалий матнлар

Ахборот, ахборотнинг эвристик мазмуни, информацион вазият, информативлик, билимнинг информативлиги, ижтимоий ахборот, илмий ахборот, информатика, ахборот технологияси, ахборотлашган жамият, меҳнатнинг интеллектуаллашуви, Интернет, кибернетика.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



1 Фозилов Ш., Мирзаев Н., Тўхтасинов М. Шахснинг биометрик идентификация қилиш технологиялари // «XXI asr texnologyalari». 2012 йил № 1.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий ахборотнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
2. Илмий ахборотнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
3. Информацион вазият қандай аҳамиятга эга?
4. Жамиятнинг ривожланишида информатика қандай роль ўйнайди?
5. Нанотехнологияларнинг аҳамияти нималарда намоён бўлади?
6. Биометрик идентификация қилиш нима?

Реферат мавзулари

1. Ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Илмий ва ижтимоий ахборотнинг узаро алоқадорлиги.
3. Ахборот билим ва маълумот бирлиги ва фарқи.
4. Таълимнинг ахборотлашуви.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Ахборотнинг муҳим хусусиятлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Объективлик, моддийлаштириш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги

Б. Объективлик, холислик, бир маънолилик

В. Моддийлаштириш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги

Г. Узатиш имкониятининг мавжудлигини ва янги билим сифатинини аниқлаш имконияти

2. Информативлик ва унинг имкониятларини рўёбга чиқаришга асос бўлувчи ҳолатни аниқланг?

А. Фаннинг интеграциялашуви Б. Глобаллашув

В. Фан тараққиётининг янги босқичи

Г. Ижтимоий ҳаёт даражасининг ошиши билан

3. Моддий жисмларда қайд этилган ва белгилар тизимида ифодаланиб, субъектлараро жараёнга қўшилиб идрок этилувчи ва олимнинг билим даражасини ўзгартирувчи ахборот қандай ахборот дейилади?

А. Ижтимоий ахборот Б. Илмий ахборот

В. Субъектив ахборот Г. Оммавий ахборот

4. Янги ахборот яратиш борасидаги фаолият нима дейилади?

А. Экстериоризация Б. Интериоризация

В. Глобаллашув Г. Информативлик

5. Илмий билиш жараёнида олинган, тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, назариялар ва гипотезалар тизимида қайд этилган, ижтимоий аҳамиятга молик ва мантиқий жиҳатдан (шаклан) умумийлаштирилган ахборот, бу – ...

А. Илмий ахборот Б. Ижтимоий ахборот

В. Субъектив ахборот Г. Оммавий ахборот

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. –Т.: «Университет», 2005 й.

2. Фалсафа асослари. Қ.Назаров таҳрири астида. –Т.: «Шарқ», 2005 й.

3. Қосимов С.С Ахборот технологиялари. –Т.: «Алоқачи», 2006 й.

4. Арипов М.М Информатика. Информацион технологиялар. –Т.: ТДЮИ, 2004 й.

5. Афанасьев В.Г. Социальная информация и управление обществом. –М.: 1975 г.

6. Тураев Б.О. Информационное свойство пространства и времени // Естествознание и время. –СП(б).: 1992 г.

7. Шермухамедова Н. Ахборолашишнинг фалсафий асослари // Гносеология – билиш назарияси. –Т.: ЎФМЖ, 2010 й.

8. Шульман Е.А. Социальное реагирование на информацию. –Т.: 1993 г.

9. Карпинская Р.С. Мировоззрение в контексте научно-исследовательской деятельности. –М.: 1991 г.

10. Коган В. Человек в потоке информации. Новосибирск. 1991 г.

11. Ёқубова М.И. Жамият ахборотлашувининг фалсафий асослари. Фалс.фан. номз. .... дис. Тошкент. «Университет», 2006 й.

12. Ёқубова М.И. Ахборот технологияларининг фалсафий асослари. –Т.: «Университет», 2008 й.

13. Худайберганова Г.Т., Рахимбаева М.Д. ИКТ – средство формирования компетентности студентов гуманитарных направлений обучения. Труды конференции Актуальные проблемы прикладной математики и информационных технологий – Аль Хорезми 2009. Тошкент. «Университет», 2009 г.

14. Токарева О.В. Проектная работа в информационной образовательной среде вуза на основе сервисов Web 2.0. Труды конференции Актуальные проблемы прикладной математики и информационных технологий – Аль Хорезми 2009. Тошкент. «Университет», 2009 г.

ТУШУНИШ ВА ТУШУНТИРИШ

1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар машғулоти: Тушуниш ва тушунтириш.
Машғулот режаси	1. Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро нисбати. 2. Маъно, Семиотика ва Символ тушунчаларини таҳлили. 3. Тушунтиришнинг рационал ва иррационал жиҳати.
Машғулотнинг мақсади: Тушуниш ва тушунтиришнинг ўзаро мутаносиблигини аниқлаш, маънони англашнинг аҳамиятини билиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро муносабати.	Герменевтика ва онглилик масаласи.
Тушунишда маънонинг ўрни	Оламни тушунишда герменевтик қарашлар.
Символ ва диалог тушуниш воситаси.	Рамзларнинг фалсафадаги ўрни.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тушунтиради.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.

	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Тушуниш ва тушунтириш» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Семиотиканинг тушунишдаги ўрни? 2. Тушунтиришнинг моделлари? 3. Тушуниш ва тушунтириш нисбати?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Изоҳлашдан тушунтиришга ўтиш семантикаси», «Билиш ва тушуниш муносабати», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро нисбати. Тушуниш ва унинг билиш (ва тушунтириш) билан ўзаро нисбати муаммоси кўпдан бери муҳокама қилинади. У бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва кўп жиҳатдан баҳслидир. Маса-

лан, Дильтей тушунишни матн муаллифининг маънавий дунёсига кириш сифатида тавсифлаган бўлса, Хайдеггер учун тушуниш инсоннинг борлиққа ўзига хос муносабати, инсоннинг дунёда мавжуд бўлиш усулидир. Гадамер фикрига кўра, ўтмиш маданиятини тушуниш талқин қилувчининг ўзини тушуниши билан узвийдир. Шу сабабли, тушуниш предметини муаллиф матнга жойлаган маъно эмас, балки мазкур матн орқали англаб етилиши лозим бўлган моддий мазмун («ишнинг моҳияти») ташкил этади. Бунда, Гадамер фикрига кўра, ҳар қандай тушуниш тил муаммосидир: унга «тил медиуми»да эришилади (ёки эришилмайди) ва исботлашни тақозо этмайди.

Ҳозирги адабиётларда тушуниш турлари, типлари ва даражаларининг ҳар хил таснифлари мавжуд. Масалан, Г.И.Рузавин тушунишнинг уч асосий турини фарқлайди:

А. диалогда тил воситасида алоқа қилиш жараёнида юзага келадиган тушуниш. Тушуниш ё тушунмаслик натижаси бу ерда суҳбатдошлар ўз сўзларига қандай маъно юклашига боғлиқ.

Б. Бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш билан боғлиқ тушуниш. Бу ерда ўзга тилда ифодаланган маънони она тили сўзлари ва гаплари ёрдамида ифода этиш ва сақлаш назарда тутилади.

В. Матнларни, бадиий адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек, одамларнинг турли вазиятлардаги қилмишлари ва ҳаракатларини талқин қилиш билан боғлиқ тушуниш. Бу ерда, маънони интуитив тушунишнинг ўзи етарли бўлмайди. Бу тушунишнинг биринчи даражаси. Тушунишнинг иккинчи даражаси тадқиқотнинг бошқа, хусусан: мантиқий-методологик, аксиологик, культурологик восита ва методларини жалб қилишни тақозо этади[1].

Тушуниш тўғрисида сўз юритганда, яна икки муҳим жиҳатга эътиборни қаратиш керак:

1. Герменевтик доира тамойили тушунишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. У тушунишнинг циклик хусусиятини акс эттиради. Мазкур тамойил тушуниш ва тушунтиришни боғлайди: ниманидир тушуниш учун уни тушунтириш керак ва аксинча. Мазкур ўзаро алоқа бутун билан қисмнинг доираси сифатида ифода этилади: бутунни тушуниш учун унинг алоҳида қисмларини тушуниш керак, алоҳида қисмларни тушуниш учун эса, бутуннинг маъноси ҳақида тасаввурга эга бўлиш лозим. Масалан, сўз – гапнинг қисми, гап – матннинг қисми, матн – маданият унсури ва шу кабилар.

2. Герменевтик доира – «олмахон ғилдираги» эмас, зеро, унда тафаккур қисмлардан аввалги бутунга эмас, балки ўз қисмларининг билими билан бойиган бутунга, яъни бошқа бутунга қайтади. Герменевтик доира диалектик хусусиятга эга: унда тўлиқ ва чуқур тушунишдан янада тўлиқроқ ва чуқурроқ тушунишга томон ҳаракат содир бўлади, мазкур ҳаракат жараёнида тушунишнинг янада кенг уфқлари намоён бўлади.

Тушунишни ҳозирги даврга боғлаш керакми?

Мазкур масала юзасидан икки асосий қараш мавжуд:

А. Керак эмас. Мазкур қарашга кўра, матнни мувофиқ тарзда тушуниш унга муаллиф юклаган маънони очиб беришни назарда тутади. Яъни муаллиф юкла-

[1] Рузавин Г.И. Методология научного исследования. –М.: «Прогресс», 1999 г. с. 214–215.

ган маънони ҳеч қандай қўшимча ва ўзгартиришларсиз, мумкин қадар соф шаклда аниқлаш лозим. Лекин амалда бундай бўлмайди, зеро, ҳар бир давр матнга (масалан, санъат асарларига) ўз мезонлари билан ёндашади.

Б. Тушуниш жараёни муқаррар равишда тушунишга ҳаракат қилинаётган нарсага қўшимча маъно юклаш билан боғлиқ. Бинобарин, матнни муаллиф қандай тушунган бўлса, шундай тушунишнинг ўзи етарли эмас. Демак, тушуниш ижодий жараён ва у муаллиф юклаган маънони айнан акс эттиришнигина эмас, балки унга танқидий баҳо бериш, ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш, маънони ҳозирги воқеликнинг мазмуни билан бойитишни назарда тутади.

Ҳозирги замон француз герменевтикасининг вакили Поль Рикернинг фикрича, тушуниш ҳеч қачон билишдан ажралмайди, балки «маънони ўзлаштириш фаолиятининг босқичи» ҳисобланади. Тушуниш – фикр юритиш орқали символда яширин маънони аниқлаш демак. Бунда Рикер қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади:

а) герменевтика – изчил талқин қилиш жараёни;

б) талқинларнинг хилма-хиллиги герменевтиканинг моҳиятини ташкил этади;

в) тушуниш – бир онг томонидан узатиладиган, иккинчи онг эса уни ташқи ифодалар орқали қабул қилиб оладиган белгилар маъносини тушуниб етиш жараёни;

г) айни бир матн бир нечта маънога эга ва бу маънолар бир-бирига қўшилиб, қатлам ҳосил қилади.

Шундай қилиб, тушуниш – муайян ҳодисанинг маъносини, унинг дунёдаги ўрнини, яхлит бир бутун тизимдаги функцияларини тушуниб етиш демак. У борлиқнинг маъноларини теран англаб етишга кўмаклашади. *Тушуниш жараёни содир бўлиши учун қуйидагилар зарур: ҳар қандай табиатли матнда ифодаланган предмет; унда маънонинг мавжудлиги; мазкур маъно тўғрисидаги дастлабки тасаввур; матнни талқин қилиш, яъни матннинг мазмунини тушуниш; талқин қилувчида ўз-ўзини тушунишнинг мавжудлиги, мулоқот, алоқа; «тил стихияси»; диалог юритиш қобилияти; ўз фикрини билдиришга интилиш, бошқача фикрлайдиган одамга сўз бериш, унинг айтганларини ҳазм қила олиш; айни бир матн (унга муаллиф юклаган маънодан ташқари) бир нечта маънога эга бўлишини назарда тутиш; матннинг предмет мазмунини ҳозирги даврнинг маданий тафаккури тажрибаси билан боғлаш.*

Тушуниш жараёни инсоннинг ўзини қуршаган оламни билиш жараёни билан узвий боғлиқ, аммо бунда инсон фақат билиш фаолияти билангина чекланмайди. Тушуниш муаммолари билиш назарияси масалаларини четга сиқиб чиқара олмайди, улар кенг ижтимоий-маданий нуқтаи назардан билиш ва предметли–амалий фаолиятнинг диалектик бирлиги асосида таҳлилдан ўтказилиши лозим.

Тушуниш тавсифлаш, тушунтириш ва талқин қилиш билан бир қаторда, илмий билим фаолиятининг асосий муолажаларига киради. Тушунишни тадқиқ қилишга нисбатан кўп сонли ёндашувлар мазкур жараён уни бошқа интеллектуал жараёнлар ва гносеологик операциялардан ажратадиган ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам тушунишни билишга ўхшатиш («тушуниш – тушунчаларни мантиқда ифода этиш демак») ёки уни тушунтириш муолажаси билан (гарчи улар ўзаро боғлиқ бўлса-да) аралаштириш мумкин эмас. Аммо тушуниш жараёни кўпинча англаб етиш, яъни инсон учун маълум маънога эга бўлган нарсаларни аниқлаш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам «тушуниш маънолардаги реал ҳаракат, мазкур маъноларга амалда эгалик қилиш сифатида ҳар қандай билиш фаолиятининг ажралмас қисмидир»[1], деган фикрга қўшилиш лозим.

Маъно. *Тушуниш инсон фаолиятининг маъноларини тушуниш ва маъно ҳосил қилиш тарзида келиши мумкин. Тушуниш бошқа одамнинг «маънолар олами»га кириб бориш, унинг фикрлари ва ўй-кечинмаларини тушуниб етиш ва уларни талқин қилиш билан боғлиқ.* Тушуниш – маънони қидириш демак, зеро, фақат маъноли нарсанигина тушуниш мумкин. Мазкур жараён ўзаро алоқа, мулоқот ва диалог шароитларида содир бўлади. Тушунишни ўз-ўзини тушунишдан ажратиш мумкин эмас. У тил стихиясида содир бўлади.

Маъно тушуниш муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Маъно – тилдаги иборалар (сўзлар, гаплар ва ш.к.) мазмунининг синонимигина эмас, балки мураккаб, кўп қиррали ҳодиса. М.Хайдеггернинг фикрича, маъно биринчидан, ҳар қандай қилмиш, хулқ-атвор, амал «нимага» ва «нима учун» содир этилганини назарда тутиши керак. Иккинчидан, маъно йўналишга эга, яъни у ниманингдир пировард мақсади (ҳаёт мазмуни, тарих мазмуни ва ҳ.к.)[2].

Маъно ҳосил қилиш жараёнлари объектив тарзда анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар ва рамзлар соҳасида содир бўлади ва тилда ифода этилади. Гадамернинг таъбири билан айтганда, у бизда, бизнинг ҳозирги дунёмизда зоҳир. Маданий мероснинг узлуксизлигини таъминловчи анъана қамровли маъно универсумига реаллик бахш этади.

Тушунишнинг иштирокисиз муомалани давом эттириш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш, англанилган хатти-ҳаракатни амалга ошириш ва таъсир ўтказишнинг имкони йўқ. Тушуниш кенг кўламдаги фанлар (психология, филология, философия, социология, тарих) томонидан тадқиқ этилади. Тушуниш муаммоси билан махсус шуғулланадиган герменевтика фани мавжуд.

Тушунишнинг ўзига хос алоҳида хусусияти шундан иборатки, инсон ўзи таҳлил қилаётган нарса ва ҳодисаларнинг ички мураккаб алоқалари, боғланишларини аниқ сезади. Олдин механик равишда ўзлаштирилган, ҳатто маъноси англанилмаган маълумотлар, сабабий боғлиқликлар тушуниш туфайли мантиқан муайян тартибга, бир хил мантиқий тизимга келтирилиши мумкин. Масалан, математик назарияни далиллаш, формулаларни, табиатшунослик билимларини тушуниш худди шу тариқа кечади.

Инсон ҳодисаларнинг моҳиятини ва ўзаро боғлиқликларини мантиқий воситаларсиз аниқ ҳис қила олади. Бунда ҳодиса индивиднинг мақсади билан уйғунлашиб кетади, унинг мақсадга мувофиқ акс этишини таъминлайди. Жумладан, бошқа кишининг хулқини, унинг фикри ва ҳаракат мотивини тушуна олади. Ижтимоий-маданият, тарихий воқеалар, обидалар, ёзма ёдгорликлар моҳиятини индивид худди шу аснода тушуниб етади. Ҳайвонлар табиати, ҳодисалар тўғрисидаги

[1] Загадка человеческого понимания. –М.: 1991 г. с. 17.

[2] Хайдегер М. Бытие и время. –М.: «Ad Marginem», 1997 г. с. 41.

таассуротлар билан ҳозиргисининг ўзаро ўхшашлигини тез тушуниш имконини беради.

Матнни «маънавий маданиятнинг моддийлаштирилган ифодаси» деб тушунишдан келиб чиқиб, матнларда объективлашган субъектив маъноларни предметлаштириш, «улар орқали одамларнинг овозларини эшитиш» ва улар ёрдамида ўтган замонлар, бошқа маданиятларнинг «руҳи»га кириб бориш ижтимоий-гуманитар билимнинг муҳим методологик муаммосидир.

Хуллас, биринчидан, ҳар қандай матн – уни ҳар хил тушуниш ва талқин қилишлар манбаи. Муаллифнинг матнни тушуниши – мана шундай тушунишларнинг бири. Асар бир пайтнинг ўзида бир нечта маънога эга бўлади. Унинг рамзийлиги ҳам ана шундадир. Зотан, рамз образ эмас, балки маънолар тўпламидир. Шунинг учун ҳам матнни тушуниш унга асар (матн, санъат асари ва ш.к.) муаллифи, шунингдек, талқин қилувчи жойлаган маънолар билангина чекланиши мумкин эмас. М.М.Бахтин таъбири билан айтганда, тушуниш яхшироқ бўлиши мумкин ва лозим, у матнни тўлдиради, фаол ижодий хусусият касб этади. Аммо матнни тушуниш уни талқин қилишнинг муайян тарихий шароитларига боғлиқлиги уни соф психологик ва субъектив жараёнга айлантирмайди.

Иккинчидан, сермаънолилик бирдан ва дарҳол намоён бўлмайди, чунки маънолар яширин, потенциал мавжуд бўлиши ва фақат келгуси даврларда ривожланиш учун қулай шароитларда ўзини намоён этиши мумкин.

Учинчидан, тарихий ривожланиш жараёнида матннинг маъноси ўзгаради. Ҳар бир давр, айниқса, буюк асарларда – янги нимадир кашф этилади. Янгича тушуниш эски маънони бекор қилади, унга қайта баҳо беради.

Тўртинчидан, матнни тушуниш – тайёр натижа эмас, балки диалектик жараён, турли маданий дунёлар диалоги, «ўзининг – ўзганинг» (Бахтин) маънолари тўқнашуви натижаси, матнлар, шахслар ва маданиятлар диалоги.

Бешинчидан, ўзга маданиятга оид матнни тушуниш – ҳозирги маданиятимизда туғилаётган саволларга жавоблар топиш демак.

Маданият – тайёр нарсалар ёки қадриятлар тўплами эмас, балки уларни ўзлаштириш, улардан фойдаланиш, инсоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти жараёнларида иштирок этиш билан боғлиқ фаол жараён. Ўз навбатида, ижтимоий-маданий воқеликни билиш мазкур тайёр маҳсулотлар дунёсини бевосита акс эттиришдан ҳам кўра кўпроқ уларнинг орқасида турган нарсаларни, яъни инсон маънолари ва мазмунлари дунёсини акс эттиришни назарда тутади.

Ижтимоий билиш матнли хусусиятга эга бўлгани туфайли ижтимоий фанларда семиотика муаммоси алоҳида ўрин эгаллайди.

«Семиотика» (*юнончадан – «белги», «аломат») – белгилар ва белгили тизимларнинг хоссаларини ўрганувчи фан. Белги хабарлар (ахборот, билим)ни ифодалаш, сақлаш ва қайта ишлаш воситаси сифатида амал қилувчи моддий предмет (ҳодиса-воқеа)дир.* Тил белгилари (муайян белгилар тизимига кирувчи белгилар) ва тилга оид бўлмаган белгилар, уларнинг орасида эса – нусхалар, аломатлар ва символлар фарқланади. Табиий ва сунъий тилларнинг белгилари ҳам мавжуд. Белгили тизимларга табиий тиллар (сўзлашув тиллари), илмий назарияларнинг гаплар тизими, сунъий тиллар, автоматлар учун дастурлар ва алгоритмлар, табиат ва жамиятдаги сигналлар тизимлари мисол бўлиши мумкин.

Белгили тизимлар сифатида тасвирий санъат, театр, кино ва мусиқа «тиллари», шунингдек, кибернетика нуқтаи назаридан таҳлил қилинувчи ҳар қандай мураккаб бошқарув тизимлари: машиналар, дастгоҳлар, асбоблар ва уларнинг схемалари, жонли организмлар ва уларнинг айрим кичик тизимлари (масалан, марказий нерв тизими), ишлаб чиқариш ва ижтимоий бирлашмалар ва умуман жамият қаралиши мумкин.

Белги инсон онгида ифода ёки символ тарзида акс этади. Маданият дунёси «фикциялар дунёси» эмас, балки символик шакллар дунёсидир.

«Символ» *(юнон. «symbol» – «рамз», «шартли белги») – бу: 1) фанда (мантиқ, математика ва б.) белги; 2) санъатда – илоҳий образнинг уни англаш, ифодалаш ёки муайян бадиий образ нуқтаи назаридан тавсифи*. Аллегориядан фарқли ўлароқ, символнинг маъноси унинг образи структураси билан узвий бўлиб, ўз мазмунининг чексиз кўп маънолилиги билан ажралиб туради.

Символ – моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмуни. Символнинг моҳиятини формал мантиқ доирасида аниқ таърифлаш мумкин эмас. У, идрок этувчи субъектнинг фаолиятига мўлжалланган сермаъно тизимдир. Символик фаолият инсон онгига хос. Немис файласуфи – неокантчи Кассирер фикрига кўра, «инсон символик ҳайвондир»; тил, миф, дин, фан «символик шакллар» бўлиб, уларнинг воситасида инсон ўзини қуршаган муҳитни тартибга солади. Символнинг маъноси фақат одамлар мулоқоти доирасида амалда мавжуд бўлади. У қанча сермаъно бўлса, шунча бой мазмун касб этади. Символ структурасининг ўзи айрим ҳодиса орқали дунёнинг яхлит образини тавсифлашга қаратилгандир.

Шундай қилиб, гуманитар билиш шундай ўзига хос хусусиятга эгаки, субъектив дунёни унинг матнлар, белгилар ва символлар, хуллас, тил тарзида амал қилувчи ташқи объектив омилларини таҳлил қилиш орқалигина аниқ билиш мумкин. Тил онг ва маданиятнинг бевосита борлиғи бўлиб, ижтимоий фанлар фақат ундан келиб чиқиши мумкин. «Матн», «белги», «маъно», «символ», «тил» ва «нутқ» каби тушунчаларсиз ижтимоий-гуманитар билим тўғрисида ҳатто сўз юритиш ҳам мумкин эмас.

Бироқ, бунда ижтимоий-маданий ҳодисаларни тўла формаллаштириш, шунингдек, буни формал белгили тизимларнинг қатъий доирасига сиғдириш мумкин эмаслигини эътиборга олиш лозим. Бу ҳолда символ формал белгидан бойроқ ва теранроқдир, чунки икки (ва кўп) маънолилик, номуайянлик, ноаниқлик ва ҳатто сирлиликка йўл қўяди.

Диалог ижтимоий билишда (суҳбат, сўзлашув) муҳим роль ўйнайди. Маълумки, диалог қадим замонлардаёқ муаммоларни диалектика ёрдамида баён этиш учун фойдаланилувчи адабий шакл сифатида машҳур бўлган (Суқрот ва Платон уни олий шакл даражасига кўтарган). Диалог ҳақида сўз юритганда, Николай Кузанский асарларини, Галилейнинг «Дунёнинг икки бош тизими – Птолемей ва Коперник тизимлари ҳақида диалог» асарини, диалог мазмунни яратиш усули ҳисобланувчи Уйғониш даврининг гуманистик маданиятини ва Гадамернинг «савол-жавоб методи»ни эсга олмаслик мумкин эмас.

Юнончадан таржимада, «диалог» – «икки ёки бир неча шахс ўртасидаги суҳбат, улар ўртасидаги ёзма тарзда қайд этилиши мумкин бўлган оғзаки мулоқот

шакли», деган маънони англатади. *Диалог мураккаб, ранг-баранг мазмунга бой ва тушуниш билан узвий боғлиқ ўзаро алоқа шаклидир. Диалогда инсоннинг икки табиий интилиши: айтиш ва ўзини эшитишларига эришиш, шунингдек, тушуниш ва тушунилишга интилиш рўёбга чиқади.* Ўз-ўзидан равшанки, буни амалга ошириш усули фалсафани амалга ошириш усулига ўхшашдир. Шу сабабли бу усулни излаш фалсафага, аниқроғи унинг асослари, яъни антик фалсафага мурожаат этишни назарда тутади.

Антик даврда нафақат боқий фалсафий масалалар қўйилган, балки бу масалаларни ечиш усули ҳам яратилди. Бу усул диалогдир. Диалог муаммосининг ўзи ҳам «боқий масалалар»дан бири сифатида намоён бўлади. Бутун фалсафий ва илмий тафаккур тарихи мобайнида бу масалага мурожаат этиш ўзининг турғунлиги билан ажралиб туради.

Тушуниш жараёни доим диалог кўринишини касб этади, чунки тушуниш мулоқот (кўпинча, билвосита мулоқот) билан узвий боғлиқ бўлиб, «субъектлар учрашуви»ни назарда тутади. Тушуниш – бу доим шахслар, матнлар, фикрлар, маданиятлар ва ҳоказолар диалогидир. Сўнгги йилларда ижодий фикрлаш ва тушуниш асоси сифатидаги диалог муаммоларига қизиқиш сезиларли даражада кучайди. Бу бежиз эмас. Зеро, Бахтин таъбири билан айтганда, диалогик муносабат, инсон нутқи ва ҳаётининг барча муносабатлари ва кўринишларини, умуман, маъно ва мазмун касб этувчи ҳамма нарсаларни қамраб олувчи универсал ҳодисадир.

Субъектларнинг бир-бирини билиши ва ўзаро тил топиши айнан диалогда амалга ошади. Бу жараёнда икки субъектив дунёнинг ҳар бири ўз теран маъноларини намоён этади. Ижтимоий фанларда диалог мантиқи кўп жиҳатдан эксперимент ўрнини босади, десак, муболаға бўлмайди. Давримизнинг кўпгина муаммоларини ечишда диалог муҳим роль ўйнайди. Бу ижтимоий тафаккур соҳасида ҳам ўз аксини топади. Бу ерда, унинг аҳамияти шундаки, икки одам учрашиб, ўзаро фикр алмашар экан, икки дунё, икки дунёқараш бир-бирининг қаршисида намоён бўлади ва уларнинг бирортаси ҳам шак-шубҳасиз ҳақиқий ҳисобланмайди. Ҳар ким бу дунё ҳақида ўз сўзини айтиш ҳуқуқига эгадир.

Сўнгги даврда ҳар хил сабабларга кўра сўзлаш, баҳслашиш, оғзаки тарзда мунозара қилиш «санъати» яна биринчи ўринга чиқмоқда. Натижада, риторикага қизиқиш тикланмоқда, янги оғзаки нутқ маданиятини шакллантириш зарурати юзага келмоқда. *Анъанавий риторика нутқ орқали мулоқот қилиш модели сифатида қаерда, қачон, нимани ва қандай сўзлаш лозимлигини белгиловчи анча изчил тизим (нотиқлик санъати назарияси)дир.* Риторика соҳасидаги ҳозирги тадқиқотлар бундай тор талқин доирасига сиғмайди ва самарали мулоқот шартлари, шакллари, қоидалари ва тамойиллари назариясини ташкил этади.

Бугунги кунда диалог мантиғини тузиш йўли фундаментал хусусият касб этади. Диалог мантиғини тузиш деганда, оқилона диалогнинг ҳар хил моделлари назарда тутилади. Бу моделлар оқилона бўлмаган диалогларни (ва ижтимоий оғзаки мулоқотнинг бошқа усуллари ва шаклларини), уларнинг иштирокчилари хулқ-атворини ҳам ўрганиш ва мулоқот жараёнларининг норматив кодексларини шакллантириш имконини беради.

Ижтимоий-гуманитар билишда диалогнинг муҳим ролини қайд этар эканмиз, бошқача ёндашувлар билан асосли мунозарада ҳақиқий диалог ўз нуқтаи назарининг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришда катта масъулият ва ўта фаолликни назарда тутишини аниқ тасаввур қилишимиз лозим.

Тушунтириш. Тушуниш билан бир қаторда, – тушунтириш ҳам мавжуд. *Тушунтиришнинг бош мақсади – ўрганилаётган предметнинг моҳиятини, ривожланиш сабаблари, шартлари ва манбаларини, ҳаракат механизмларини аниқлашдан иборат.* Тушунтириш одатда тавсифлаш билан чамбарчас боғлиқ ва илмий башоратнинг негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам тушунтириш деганда, умумий тарзда, муайян ҳодисани умумлаштиришни тушуниш мумкин. Тушунтириш объектнинг моҳиятини очиб бериш билан бирга, тушунтиришни асослашда фойдаланилган билимларга аниқлик киритиш ва уларни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади. Хуллас, тушунтириш вазифаларини ҳал қилиш илмий билим ва унинг концептуал аппарати ривожланишининг муҳим стимулидир.

Илмий тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели илмий билишнинг ҳозирги методологиясида кенг қўлланилади. Бу модель (схема) тушунтирилаётган ҳодисани маълум қонунга боғлайди – унинг асосий хусусияти ана шунда. Мазкур моделда тушунтириш ҳодисани қонунлардан келтириб чиқаришни назарда тутади. Бунда, мунтазам ва зарур муносабатларнинг нафақат сабабий, балки функционал, структуравий ва бошқа турларига ҳам қонунлар, деб қаралади. *Тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели фандаги реал тушунтириш жараёнини эмас, балки пировард натижанигина тавсифлайди.*

Гуманитар, ижтимоий фанлар соҳасида оқилона тушунтириш усули қўлланилади**.** *Оқилона тушунтиришнинг моҳияти шундан иборатки, маълум тарихий шахснинг қилмишини тушунтиришда тадқиқотчи мазкур субъектнинг айни қилмишига нима туртки берганлигини аниқлаш ва ушбу мотивлар нуқтаи назаридан қилмиш оқилона бўлганлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.*

Телеологик ёки интенсионал тушунтириш ҳаракатнинг оқилоналигини эмас, балки ҳаракат қилаётган шахс кўзлаган мақсадни, тарихий ҳодисалар иштирокчиларининг ниятини кўрсатиб беради. Машҳур файласуф ва мантиқчи Г.Х.фон Вригт фикрига кўра, телеологик тушунтириш «инсон ҳақидаги фан методологиясида узоқ давр етишмаган ва қонун орқали тушунтириш моделининг ҳақиқий муқобили бўлиб хизмат қиладиган тушунтириш моделидир»[1].

Бунда, шуни назарда тутиш керакки, биринчидан, дедуктив-номологик модел (схема)га баъзан тушунтиришнинг бирдан-бир илмий шакли, деб қаралади. Ваҳоланки, бу нотўғри (айниқса, гуманитар фанларга татбиқан). Иккинчидан, айрим шахсларнинг хулқ-атворини тушунтиришда мазкур моделни қўллаш мумкин эмас – бу ерда рационал ва интенционал схемалар амал қилади.

Ижтимоий билишда бу иккала схема дедуктив-номологик тушунтиришга нисбатан устун туради. Дедуктив-номологик тушунтириш гуманитар фанларда ҳам қўлланилади, аммо бу ерда у табиатшуносликдаги сингари муҳим ўринни эгалламайди.

Тушунтириш ва тушунишнинг ўзаро нисбати. Тушуниш ва тушунтириш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Аммо тушуниш тушунтиришни, яъни

[1] Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования. –М.: «Наука», 1986 г. –с. 64.

ўрганилаётган ҳодисани қонунга ва сабабга боғлашни назарда тутмаслигини унутмаслик керак. Бундан ташқари, тушунишни тушунтиришга қарама-қарши қўйиш, шунингдек, инсон билиш фаолиятининг ҳар қандай соҳасида фаолият кўрсатувчи ва бир-бирини тўлдирувчи бу икки тадқиқотларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Уларни фарқлаб, М.М.Бахтин шундай деб ёзган эди: «Тушунтиришда фақат бир онг, бир субъект, тушунишда эса – икки онг, икки субъект қатнашади. Объектга нисбатан диалогик муносабат бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам тушунтириш диалогик жиҳатларга эга эмас (формал-риторик жиҳатдан ташқари). Тушуниш ҳар доим маълум даражада диалогик хусусиятга эга»[1].

Тушунтириш ва тушуниш (талқин қилиш)нинг ўзаро нисбати тўғрисида сўз юритар экан, Вригт мазкур тушунчаларни фарқлаган маъқул деб кўрсатади. Бу фарқни у қуйидагиларда кўради: «Бу нима?» деган саволга жавоб бериш талқин қилишнинг натижасидир. Айтайлик, намойиш нима учун содир бўлди ёки инқилобга нима «туртки» берди, деган саволларга жавоб берар эканмиз, биз содир бўлаётган ҳодисаларни нисбатан тор маънода тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Бундан ташқари, бу икки омил ўзаро боғлиқ ва маълум тарзда бир-бирига таянади... Бир даражадаги тушунтириш кўпинча далилларни янада юқори даражада талқин қилишга замин ҳозирлайди»[2].

Аммо ижтимоий билишда, аввалambор, унинг предмети хусусияти билан белгиланувчи тушуниш методикалари, табиатшуносликда эса – тушунтириш методикалари устун қўйилади.

Хулосалар. Тушунтириш – инсоннинг ҳамкорлик фаолиятида билиш жараёнлари объектига кирган нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини фикр узатиш, ўзаро таъсир ўтказиш, таъсирланиш, мулоқот, тақлид ёрдами билан ойдинлаштириш, хотирадаги билимлар ва ижтимоий тажрибалар билан уларни уйғунлаштирган ҳолда тушуниш сари етакловчи ақлий фаолият. Тушунтириш ҳамкорлик фаолиятида (фикрни изоҳловчи – фикрни қабул қилувчи иштирокида) индивидуал, триалогик, полилогик шаклларида амалга оширилади. Ўзининг муддати, кўлами, узатиш воситалари, вербаль ва новербаль нутқ турлари устуворлиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Тушуниш, матн, диалог, герменевтика, герменевтик доира, талқин (интерпретация), тушунтириш, маъно, сермаънолилик, символ (рамз), аллегория, интенционал тушунтириш, оқилона тушунтириш, тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели.

---

[1] Бахтин М.М. Автор и герой. К философским основам гуманитарных наук. –СП(б).: «Питер», 2000 г. с. 306.

[2] Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования. –М.: «Наука», 1986 г. с. 164.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Тушунишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Тушуниш ва тушунтиришнинг ўзаро алоқаси мавжудми?
3. Тушуниш нима?
4. Тушуниш ва тушунтиришнинг ўзаро нисбати қандай?

Реферат мавзулари

1. Имкониятни тушуниш ва тушуниш имконияти.
2. Ўзликни англашда тушунишнинг роли.
3. Тушуниш ва тушунтириш диалектикаси.
4. Тушунишда семиотиканинг роли.
5. Тушунтиришда монологнинг роли.
6. М.Фуконинг «Сўзлар ва нарсалар» асарида тушуниш муаммоси.
7. Гадамернинг герменевтика ҳақидаги таълимотининг методологик аҳамияти.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Тушуниш ва тушунтириш муаммоларини ўрганувчи фалсафий таълимот, бу – ...

А. Герменевтика Б. Диалектика

В. Прагматизм Г. Лингвистика

2. М. Хайдеггернинг герменевтик қарашлари тушунишнинг қандай хусусиятини очиб беради?

А. Онтологик Б. Гносеологик

В. Экзистенциал Г. Эпистемологик

3. Герменевтикага оид машҳур «Ҳақиқат ва метод» асари муаллифи ким?

А. Х.Г.Гадамер Б. М.Хайдеггер

В. Ф.Соссюр Г. Л.Витгенштейн

4. Герменевтикада асосий тадқиқот объекти сифатида нима эътироф этилади?

А. Матн Б. Сўз

В. Фаолият Г. Ижтимоий ҳодисалар

5. Бадиий ижодни тушунишни чуқур таҳлил этган машҳур рус файласуфини топинг?

А. М.Бахтин Б. В.Соловьев

В. В.Кузнецов Г. А.Чумаков

Адабиётлар

1. Shermuhamedova N. Tushunish va tushuntirish // Falsafa va fan metodologiyasi. –T.: «Axborot texnologiyalari», 2008-y.

2. Герменевтика и деконструкция / Под ред. Штегмайера В., Франка Х., Маркова Б. –СП(б).: 1999 г.

3. Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы. –М.: «Прогресс», 1996 г.

4. Шлейермахер Ф. Герменевтика. –СП(б).: «Европейский дом», 2004 г.

5. Брудный А.А. Пространство постижений. Бишкек. 1998 г.

6. Тулмин С. Человеческое понимание. –М.: 1994 г.

7. Познание в социальном контексте. –М.: 1994 г.

8. Брудный А.А. Наука понимать. Бишкек. 1996 г.

9. Гусев С.С., Тульчинский Г.Л. Проблема понимания в философии. –М.: 1995 г.

10. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV–XX аср манбалари: Филол. фан. докт. .... дис. Тошкент. «Академия», 1998 й.

11. Аллаярова С. Фалсафий герменевтиканинг методологик жиҳатлари. Фалс. фан. номз. .... дис. Тошкент. «Университет», 2010 й.

12. Гаранина, О. Д. Философские основания целостного понимания человека : диссертация ... доктора философских наук : 09.00.11. Москва. 1999 г.

13. Долгова О.А. Феномен понимания в структуре познавательной деятельности : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.01. Уфа. 2004 г.

V БЎЛИМ. ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФА

ЖАМИЯТНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза: Жамиятнинг фалсафий таҳлили.
Машғулот режаси	1. Жамият тушунчаси ва маданий тарихий типлар ғояси. 2. Маданиятнинг вужудга келишига доир қарашлар. 3. Цивилизациялар таснифи.
Машғулотнинг мақсади: Жамият ривожланишининг асосий босқичларини таҳлил қилиш, цивилизацияларнинг таснифларини билиш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Жамият ҳақида маълумот.	Жамият пайдо бўлишининг ўрганилиш моҳияти.
Жамият ривожига оид қарашлар эволюцияси.	Жамият эволюцияси борасида манбаалар.
Жамиятнинг тузилиши.	Жамият фалсафасининг тузилиши ва унинг аҳамияти масаласи.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида даст-лабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мав-зуни ўрганишдан мақсадни тушунтиради.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.

	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Жамият ва инсон» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Жамиятнинг мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси? 2. Жамиятга формацион ва цивилизацион ёндашувлар? 3. Жамият фалсафасида тарихий тараққиёт ғояси?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Тарихий тараққиёт мезонлари», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Жамият тушунчаси. Жамият фанга маълум тизимлар орасида энг мураккаби бўлиб, уни ўрганиш жиддий қийинчиликлар туғдиради. Жамият ҳаёти жуда фаол бўлиб, ҳар бир халқ ўзининг алоҳида, бетакрор тарихига эга. Жамият ҳаётининг барча жараёнлари бир-бири билан шу даражада узвий боғлиқки, баъзан турли вазиятларда белгиловчи ва белгиланувчи жараёнлар ўрин алмашади. Тарихий жараёнда тасодифлар ва субъектив омил айниқса, муҳим роль ўйнайди.

Жамият ҳаёти асрлар оша олимлар ва файласуфларнинг тадқиқот объек-

ти бўлиб келмоқда. У турли фанлар, чунончи: социология, тарих, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, этнография, иқтисодий назария ва ҳоказолар доирасида ўрганилади. Фаннинг вазифаси – жамият тузилишини ўрганиш, тарихий жараёнда такрорланувчи, умумий хоссалар, жиҳатлар, омиллар ва қонуниятларни аниқлашдан иборат. Илмий билим тарихий жараёндан таққослаб бўлмайдиган даражада қашшоқроқ бўлса-да, у жамиятга зарур, чунки унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, унинг ўтмишда ва ҳозирги даврда ривожланишининг муқобил имкониятларини аниқлаш, бугунги куннинг муҳим вазифаларини ҳамда ҳозирги замон ва келажакка таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш имконини беради.

Муайян фанлардан фарқли ўлароқ, фалсафанинг вазифаси тарихий жараённинг умумий жиҳатларини ўрганишдан иборат. Фалсафа, муайян ҳодисаларнинг сабаблари нимада, деган саволга жавоб топиш вазифасини ўз олдига қўймаса-да, тарих фанининг методологик асосларини яратади, мазкур сабабларни аниқлашга нисбатан қандай ёндашиш керак, деган саволга жавоб беради. У дунёқарашга доир ўз мўлжалларига таянади, ижтимоий ва гуманитар фанларнинг категориялар аппаратини ишлаб чиқишда иштирок этади. Ўз категорияларининг ижтимоий мазмунини ёритар экан, фалсафа шунга асосланиб, муайян-тарихий жараёнларни таҳлил қилишни амалга оширади. Тарих фалсафасининг муаммоларидан бири бу тарихий жараённинг бирлиги муаммоси ва тарихни даврийлаштириш тамойилларини белгилашдир. Фалсафанинг вазифаси жамият ҳаётининг асосий негизларини, унинг тизим ташкил этадиган омилларини аниқлашдан иборат. Тарих фалсафасида дунёқарашга доир мўлжалларининг ранг-баранглиги билан ажралиб турадиган кўплаб оқимлар ва йўналишлар мавжуд бўлган. Шу сабабли ҳар бир файласуф, одатда, ўз мўлжалларига амал қилади, нафақат дунёни, балки жамиятни ҳам ўзига хос тарзда тушунтиради.

Маданий-тарихий типлар ғояси. XIX асрда маданий-тарихий типлар назарияси вужудга келган бўлса-да, аслида бу ҳақдаги дастлабки қарашлар Форобий ижодига мансуб. Форобий инсонлар жамиятини икки маданий-тарихий типларга ажратади. Биринчиси тўлиқ жамият бўлиб, у ўзида а) ер юзидаги жами инсонларни қамраб олувчи йирик жамият, б) Ернинг муайян қисмида яшовчи бир миллат ёки бир динга мансуб кишиларнинг ўрта жамияти в) муайян қавм ёки динга мансуб бир шаҳар жамиятини қамраб олади. Иккинчиси бир қишлоқ, овул, ёки бир оиладан иборат бўлган тўлиқсиз жамият[1]. Форобий фикрича, «Энг яхши фазилат ва олий даражадаги комилликни кичик бирлиги шаҳар ҳисобланадиган маданий жамият ичидагина қўлга киритиш мумкин. Тўлиқсиз жамиятлар инсонни такомиллаштиришга қобил эмаслар»[2]. Форобийнинг бу фикрлари Платон ва Аристотелнинг жамиятга оид қарашларидан фарқ қилади, чунки у жамиятдаги ўзгаришларни инобатга олган. Жамиятни тўлиқ ва тўлиқсизга ажратар экан, Форобий шаҳар тўлиқ жамиятнинг биринчи босқичидир деб эътироф этади. Платон ва Аристотель эса тўлиқ жамиятни шаҳар билан чегаралаганлар ва шаҳар инсоният жамияти такомилининг охирги даражаси, жамоавий бахт саодатнинг бош маркази деб таъкидлаганлар. Форобий эса, бутун дунёдаги жамият ҳақида фикр юритиб, унинг хукмдори қандайдир алоҳида олинган халқ, қавм ёки жамоа

[1] Форобий. Фозил шаҳар аҳолиси. –Т.: «Шарқ», 1999 й. 82–83-б.

[2] Ўша асар: 69-б.

бошлиғи эмас, балки бутун маданий дунёдир деб таъкидлайди ва бу фикри билан юнон файласуфларидан илгарилаб кетади.

Маданий-тарихий типлар тушунчаси социологияга Н.Я.Данилевский томонидан киритилган бўлиб, у тарихни «ўзига хос цивилизациялар»нинг ўзаро муносабатлари сифатида тасаввур қилган. Бу цивилизацияларнинг ривожланиши этник гуруҳларнинг тил жиҳатидан бирлиги ва цивилизацияни ташкил этадиган халқларнинг сиёсий мустақиллиги; (улар бир типнинг асосларини бошқа типга ўтказмайдилар, лекин бошқа ўтмишдаги ва ҳозирги цивилизациялар таъсирини ҳис қиладилар); барча цивилизацияларнинг этник жиҳатдан ранг-баранглиги ва ривожланиш жараёнининг бирлиги (улар ўсиш, қисқа муддат равнақ топиш ва таназзул босқичларини бошдан кечиради) каби қонунлар билан белгиланади. Н.Данилевскийнинг ғоялари кейинчалик Шпенглер ва Тойнби концепцияларида ривожлантирилди, лекин уларнинг илмий асосларини П.А.Сорокин таклиф қилди.

П.А.Сорокин (1889–1968). Таниқли файласуф П.А.Сорокин тарих фалсафасининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди. У жамиятга индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолияти билан белгиланадиган бир-бири ва жамият билан ўзаро муносабатлари натижасида вужудга келадиган интеграл яхлитлик сифатида қараган. П.А.Сорокин жамиятни горизонтал, вертикал йўналишларда ва флуктуация (тебраниш) тарзида мураккаб ҳаракатда бўлган ижтимоий-маданий тизимларнинг ранг-баранглигини тан олиш нуқтаи назаридан тавсифлаган. П.А.Сорокин социологиясида ўтмиш ва ҳозирги социология фанининг муҳим ғоялари уйғун бирликда жамланган ва ифодаланган.

Жамиятнинг вужудга келишига доир қарашлар. Жамиятнинг вужудга келиши ҳақида аждодларимиз ҳаётининг археологлар топган ва одамларнинг кўплаб авлодлари босиб ўтган мураккаб ва фожиаларга тўла тарихий йўлдан далолат берадиган изларга қараб хулоса чиқариш мумкин. Шунга қарамай инсон ва жамият келиб чиқишининг тўлиқ манзараси фанда ҳанузгача яратилмаган. Жамият келиб чиқишининг диний талқини ҳам (у ўз мифологиясини, ҳақиқат, деб тан олишни талаб қилади), идеалистик концепция (ўзининг спекулятивлиги туфайли) ва материализм (илмий далиллар етарли эмаслиги боис) ҳам асосли эътирозлар уйғотади. Кант материализмдан инсон руҳининг табиатини тушунтирувчи тамойил сифатида фойдаланиш ҳеч қачон мумкин эмас, деганида, маълум маънода ҳақ эди. Аммо, далилий маълумотлар озлигига қарамай, биз жамиятнинг вужудга келиш манзарасини анча аниқ яратиш имконини берадиган илмий далилларга ишонч билан қараш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятнинг келиб чиқишини илмий тавсифлаш борасидаги қарашлар. Бундай қарашлар меҳнат ва меҳнат қуроллари марксча назарияси доирасида амалга оширилган. Бу назарияга кўра меҳнат, сўнгра бурро нутқ инсон жамиятини яратган. Инсон ҳаётида меҳнат қуролларининг аҳамиятини рад этмаган ҳолда, бу фаразни тасдиқловчи аниқ илмий далилларга дуч келмадик. З.Фрейд, инсон виждонини унинг келиб чиқиш манбаи, деб ҳисоблаган. Этнографик тадқиқотлар бу фаразни умуман тасдиқламайди. Й.Хейзинга ўйин ва ўйин фаолиятига маданиятнинг инсонни шакллантирувчи асосий тамойил сифатида қарайди. Эрнст Касси-

рер (1875–1945) илгари сурган фаразга кўра, символик шакллар, яъни инсон ва унинг онги пайдо бўлишини белгилаган рамзлар ва белгилар маданиятнинг турли шаклларини бирлаштирувчи олий ва универсал тамойил ҳисобланади. Кассирер фикрига кўра, қадимги аждодларимиз уларнинг яшаб қолишини таъминловчи етарли табиий кучга эга бўлмаган. Инсон ўзининг ҳайвонлар хулқ-атворини кузатиш ва уларга тақлид қилиш қобилияти билан яшаб қолиш имкониятини қўлга киритган. Ўз навбатида, тақлидга асосланган хулқ-атвор рамзий белгилар, кейинчалик эса, нутқ вужудга келишига асос бўлган.

Тўпланган тажрибани белгилар тизимида қайд этиш ва авлоддан-авлодга ўтказиш қобилиятининг шаклланиши ҳайвонлар тўдаси кишилик ҳамжамиятига айланишининг муҳим омили бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Бундай қобилиятга ҳайвонларнинг бирон-бир тури эга эмас. Намойиш этиш, ўрнак кўрсатиш, тақиқлар ва чеклашлар тизими мулоқотнинг нафақат новербал, балки аста-секин шаклланган вербаль воситаларида ҳам ўз ифодасини топган. Мулоқот меҳнат кўникмаларини мустаҳкамлаш, овқат топиш ва унга ишлов беришни тартибга келтириш, ўз жамоа ҳаракатларини мувофиқлаштириш имконини берган. Этнографик маълумотлар тажрибани авлоддан-авлодга ўтказиш ва жамоа фаолияти кўникмаларини шакллантириш шакли сифатида ўйин улкан аҳамият касб этганидан далолат беради.

Маълум тақиқлар орасида овқатга доир хулқ-атвор билан боғлиқ тақиқлар, шунингдек, сексуал чеклашлар, аввало, яқин қариндошлар жинсий алоқага киришиши – инцестнинг тақиқланиши, айниқса, ажралиб туради. Улар инсоният келажаги учун оламшумул аҳамият касб этган. Зеро, тартибсиз жинсий алоқалар наслнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган. Аслида, олинган тажриба яқин қариндошлар ўртасида никоҳнинг тақиқланишига сабаб бўлган. Бу никоҳ алоқалари тизимини тартибга солиш, уларни қатъий қайд этиш, аёллар, қизлар, сингилларни айирбошлаш, сўнгра бу билан ўхшашлик бўйича – озиқ-овқат, буюмлар, сўз-белгилар айирбошлашни йўлга қўйиш имконини берган. Мазкур жараёнлар одамлар ўртасида мулоқот, муносабатлар ва хулқ-атвор меъёрлари ўрнатилиши ва уларга риоя этиш зарурлиги англаб етилишига туртки бўлган. Меъёрларнинг мустаҳкамланишига мифологик ва илк диний тасаввурлар ҳамда тақиқлар тизими кўмаклашган. Жамоадан ташқарида яшаб қолиш имконияти мавжуд эмаслигини англаган жамоанинг ҳар бир аъзоси унда ўрнатилган кундалик хулқ-атвор меъёрларига риоя қилган. Шундай қилиб, жамият ишлаб чиқариш ва кўпайиш эҳтиёжлари билан белгиланган одатлар, меъёрлар ва қадриятлар билан тартибга солинадиган одамларнинг биргаликдаги фаолияти ва уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими сифатида вужудга келган. Меъёрлар инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига нисбатан татбиқ этилади ҳамда маданият ва цивилизация вужудга келишига замин ҳозирлайди. Жамиятда қандай ўзгаришлар юз бермасин, у одамзод билан бирга вужудга келган мазкур муҳим таркибий элементларни сақлаб қолади.

Иқтисодий кичик тизим. **Ижтимоий ишлаб чиқариш тушунчаси.** Ҳозирги кўринишда жамият такрор ишлаб чиқариш, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи ташкил этиш ички механизмларига эга бўлган тарихан муайян, яхлит ва барқарор тизим сифатида намоён бўлади. *Жамият – бу одамларнинг шундай бир бирлаш-*

масики, унинг яхлитлиги ижтимоий ишлаб чиқариш, яъни одамларнинг умуман ишлаб чиқариш, ўз ҳаётини қувватлаш ва такрор ишлаб чиқаришга қаратилган биргаликдаги фаолияти билан таъминланади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш – вақтда давом этадиган ва вақти-вақти билан такрорланадиган жараён (такрорий ишлаб чиқариш). Айни вақтда, у ўзгарувчанликни, муайян ижтимоий динамикани (яъни соф ишлаб чиқаришни) ўз ичига олади. Кўрсатилган омилларнинг бирлиги, бир томондан, анъана, ижтимоий меросга, бошқа томондан эса, амалий ва маънавий тажрибанинг ошиши ва тўпланишига асосланади. Ижтимоий динамика, жамиятнинг ривожланиши ишлаб чиқаришда ва одамлар хулқ-атворини бошқаришда тўпланган тажрибани сақлаш ва келгуси авлодларга қолдириш усулларини такомиллаштириш билан таъминланади. Тажрибани баҳам кўришнинг муҳим воситалари – тил, намойиш этиш, ўрнак кўрсатиш ва энг муҳими – тажрибани ўзлаштираётган одам қайси халқ вориси бўлса, шу халқнинг ижтимоий бойлиги ва маданий мулки ҳисобланади.

Кенг маънода ижтимоий ишлаб чиқариш – ижтимоий ҳаётнинг барча элементларини ўз ичига олувчи серқирра жараён. Унга одамларнинг кўпайиши; моддий ишлаб чиқариш, яъни одамлар ҳаётини сақлаш ва қувватлашнинг моддий омилларини яратиш; маънавий ишлаб чиқариш, яъни билим, тажриба, қадриятларни яратиш; одамларни бошқариш, улар фаолиятининг мувофиқлигини, жамиятнинг яхлитлиги ва уюшқоқлигини таъминлаш кабилар киради. Ижтимоий ишлаб чиқариш – жамоанинг иши. Айни шу сабабли, у ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир элементига хос бўлган муносабатлар тизимини ўз ичига олади. Уларнинг асосийлари – оила-рўзғор, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий, маънавий (мафкуравий), сиёсий муносабатлардир. Ижтимоий ҳаёт мураккаблашувига қараб жамиятда табақаланиш ва меҳнат тақсимоти кучайиб боради. Натижада жамиятнинг нисбатан мустақил бўлган алоҳида муҳим кичик тизимлари вужудга келади. Бу кичик тизимларнинг ҳар бири бутун ижтимоий организм учун муҳим бўлган функцияларни бажаради. Жамиятнинг муҳим кичик тизимлари: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий кичик тизимлардир.

Моддий ишлаб чиқариш *иқтисодий кичик тизим ишлаб чиқариш фаолияти ва кишиларнинг бу жараёндаги муносабатлари шаклларининг мажмуидир*. Ҳар бир жамият ўз мавжудлиги ва ривожланиши учун зарур табиий бойликларга эга. Аммо, ижтимоий бойлик инсон меҳнати билан яратилади. Аждодлар яратиб қолдирган бойликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳамда жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ижтимоий бойликнинг ўсишига олиб келади. Бунинг натижасида мулк институти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим воситаси ва рағбатлантирувчи омили сифатида вужудга келади. Даставвал куч ҳуқуқи, обрў ва одатга таянган мулкий муносабатлар кейинчалик юридик шаклшамойил касб этади. Ривожланган кўринишда мулк ижтимоий бойликнинг маълум улушига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини англатади. У турли шаклларда мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, бу ижтимоий ишлаб чиқаришнинг шаклини ҳам белгилайди.

Иқтисодий тизим моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни ҳамда моддий ва маънавий хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. *Ходимлар, уларнинг меҳнати ва ишлаб чиқариш воситалари – меҳнат қуроллари ва воситалари ишлаб чиқаришнинг муҳим омиллари ҳисобланади*. Ишлаб чиқариш моддий-техника воситалари ва уларни ишга солишга қодир бўлган одамлар мажмуи жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида турли-туман муносабатлар юзага келади. Уларнинг орасида ташкилий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш-технологик муносабатлар техника ва ишлаб чиқариш технологиясининг хусусияти ривожланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлса, ташкилий-иқтисодий ва айниқса, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, асосан, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулк шакллари билан белгиланади.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқариш натижасида яратиладиган неъматлар ва хизматларни айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида юзага келувчи муносабатларни ўз ичига олади. Мазкур муносабатлар тизими ижтимоий нормалар ва ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади ва ижтимоий ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулк ҳуқуқининг хусусияти билан белгиланади.

Мулк. *Мулк – хўжалик жабҳаси, иқтисодий жабҳада вужудга келадиган институт*. *У нафақат ишлаб чиқариш воситалари, балки истеъмол предметлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳам татбиқ этилади.* Ижтимоий бойликнинг барча элементлари – ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари, ер ва ер ости бойликлари, моддий ишлаб чиқариш, маънавий-ижодий ва ўзга ақлий фаолият маҳсуллари ва ҳоказолар мулк бўлиши мумкин. Мулк иқтисодий ҳокимиятга ким эга бўлишини, хўжалик фаолиятидан олинган фойда кимга тегишини ва у қандай моддий мулкий манфаатларни юзага келтиришини белгилайди. Мулк шакллари ишлаб чиқариш ижтимоийлашувининг амалдаги даражаси билан белгиланади, унга эса, ўз навбатида, умумий технологик тараққиёт таъсир кўрсатади. Мулкнинг давлат мулки, хусусий мулк, шахсий мулк жамоа мулки каби шакллари мавжуд.

Маънавий кичик тизим. Одамларнинг маънавий фаолияти жамият мавжудлигининг зарурий шартидир. Одамлар онгли мавжудотлар бўлиб, улар ўз тафаккури билан ижтимоийликнинг барча кўринишларини англаб етади. Бу жараёнда олимлар, рассомлар, журналистлар, турли партиялар ва ҳаракатларнинг мафкурачилари ва шу кабиларнинг ихтисослашган касбий маънавий фаолияти муҳим роль ўйнайди. Уларнинг нисбатан мустақил касбий фаолияти ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига хизмат кўрсатади. Маънавий ишлаб чиқаришда иқтисодий кичик тизим қонуниятлари, яъни жамиятнинг хўжалик жараёнлари ўртасидаги такрорланувчи муҳим-зарурий боғланишлар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Уларнинг қаторига, эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш қонунлари, қиймат қонунини киритиш мумкин.

Жамият маънавий кичик тизимининг вужудга келиши ранг-баранг ижтимоий ва шахсий маънавий эҳтиёжлар билан белгиланади. Уларнинг энг муҳимлари – маърифий, ахлоқий, эстетик, диний эҳтиёжлардир. Уларни қондириш ахборот ва коммуникация турли воситаларининг мавжудлигини назарда тутади. Ахбо-

рот ва коммуникация ҳам шахс ва жамиятнинг муҳим маънавий эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Маънавий мулоқотга бўлган эҳтиёж маънавий эҳтиёжлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Жамиятда маънавий ишлаб чиқаришнинг алоҳида тармоқлари ва институтлари аста-секин вужудга келади. Улар турли маънавий эҳтиёжларни қондиришни назарда тутади. Масалан, илмий институтлар ва олимларнинг турли-туман бирлашмалари табиат, жамият ва инсонни ўрганиш билан шуғулланади ва шу тариқа одамлар фаолиятини илмий жиҳатдан таъминлайди. Фанда ҳам ижтимоий амалиётга бевосита чиқиш имкониятига эга бўлмаган ўз муаммолари юзага келади. Мазкур муаммоларни ечиш фан ривожланишининг шарти, унинг ички эҳтиёжи ҳисобланади.

Ахборот ва коммуникация. Маънавий ишлаб чиқаришнинг ахборот алмашинувига бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган соҳалари мавжуд. Бу, аввало, аҳолига тўғридан-тўғри ахборот бериш воситаларидир. Қадимда булар подшоларнинг фармонларини майдонларда ўқиб эшиттирган жарчилар, воизлар, шоирлар ва бахшилар, масхарабозлар, театр, шунингдек, ёзма адабиёт бўлган. Кейинчалик, ахборот-техника воситалари ривожланиши билан маънавий мулоқотга бўлган эҳтиёжлар босма нашрлар (китоблар, газеталар, журналлар) билан қондирилган, сўнг радио, кино, телевидение, яъни ҳозирги кўринишдаги оммавий ахборот воситалари (ОАВ) пайдо бўлган. Ҳозирги шароитда оммавий ахборот воситалари ўз маҳсулотини ишлаб чиқарадиган ва уни бозорда сотадиган саноатнинг алоҳида типидир.

Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши одамларнинг бевосита шахсий ва коллектив мулоқотига бўлган эҳтиёжга чек қўймайди. Мазкур эҳтиёж бутунлай бошқа воситалар билан ва ўзга шароитда (уйда ёки театрда, ўқув аудиториясида ёки ёзишмалар орқали ва ҳ.к.) қондирилади. Шунга қарамай оммавий ахборот воситалари ҳозирги жамиятда маънавий мулоқотнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Илмий адабиётларда ва кундалик нутқда «ахборот» ва «коммуникация» тушунчалари кўпинча синонимлар сифатида ишлатилади. Аммо, маънавий мулоқотнинг мазкур ҳодисалари амалда ҳар хил маънони англатади. *Ахборот деганда янги билимни акс эттирадиган ва мазкур ахборотни идрок этувчи шахс ёки гуруҳ хулқ-атворини ўзгартирадиган хабар тушунилади*. *Коммуникация – ғоялар, қарашлар, баҳолар алмашинувини назарда тутадиган маънавий мулоқот тури. У одамлар ўртасида ҳамжиҳатликнинг мавжудлиги билан белгиланади.*

Инсонга таълим ва тарбия бериш маънавий ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаси ҳисобланади. Жамиятда таълим ва тарбия муассасаларининг тармоқланган тизими: болалар мактабгача тарбия муассасалари, мактаб таълимининг турли-туман шакллари: коллежлар, пансионатлар, интернатлар, олий ўқув юртлари ташкил этилади. Ахлоқий ва эстетик тарбия бериш, дунёқарашни шакллантириш ўқувчилар онгида дунёнинг илмий манзарасини шакллантириш йўли билан, шунингдек, санъат, фалсафа ва диний муассасалар ёрдамида амалга оширилади. Тарбиялаш функциясини оила, дўстлар ва таниш-билишлар давраси, давлат муассасалари, ҳуқуқий тартибот органлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари бажаради.

Ижтимоий онг маънавий кичик тизимнинг бош бўғини ҳисобланади. У билим-

лар, ғоялар, қарашлар, фикрлар, дунёқарашга доир мўлжаллар, қадриятлар ва ҳоказоларнинг бутун ранг-баранглигида намоён бўлади.

Индивидуал ижтимоий онг. *Индивидуал онг – айрим инсонда унинг яшаш шароити ва руҳий хусусиятлари таъсирида шаклланадиган дунёнинг субъектив образи.* У шахснинг ички борлиғига эга бўлади, аксарият ҳолларда ҳаммадан яширин онг оқимини ташкил қилади. *Ижтимоий онг ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар ташқи омиллар – жамият ҳаётининг моддий шароитлари ва унинг маънавий маданияти таъсирида шакллантирадиган коллектив тасаввурларни тавсифлайди.*

Индивидуал ва ижтимоий онгнинг фарқи фақат ижтимоий онггина социал хусусият касб этишини англатмайди. Индивидуал онг – жамият онгининг ажралмас қисми. Жамиятда асрлар мобайнида шаклланган маданият шахсни маънавий жиҳатдан бойитади ва индивидуал онгнинг узвий қисмига айланади. Ҳар бир индивид ўз халқи, этносининг, ўзи истиқомат қиладиган жойнинг вакили бўлиб, унинг онги жамият билан чамбарчас боғлиқ. Айни вақтда, ижтимоий онг фақат индивидуал онг билан муттасил ўзаро таъсирга киришиш орқали ривожланади.

Ижтимоий онг тузилиши. *Ижтимоий онг мураккаб тузилишга эга. У икки даражда: кундалик онг ва назарий онгни ўз ичига олади.* Кундалик онг ўз тузилишига кўра турли жинслидир. У аждодлар тўплаган меҳнат фаолияти тажрибасини, ахлоқий меъёрлар, одатларни, кундалик туриш-турмуш қоидаларини, табиатни кузатиш натижасида шаклланган тасаввурларни, дунёқарашга доир баъзи бир мўлжалларни, халқ оғзаки ижоди (фольклор) ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Кундалик онг, асосан, меҳнатга, кундалик туриш-турмушга ва одамларнинг улар билан боғлиқ бўлган яшаш шароитлари ва муносабатларига қараб мўлжал олади. Кундалик ҳаёт, яъни фаолият, одатлар ва муносабатларнинг узлуксиз такрорланадиган шакллари кундалик онг мазмунини тавсифловчи асосий тушунча ҳисобланади. У ўзининг синкретик хусусияти, мазмунан қашшоқлиги, эмоцияларга бойлиги, стихиялилиги ва амалиётга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Кундалик онгнинг билиш имкониятлари чекланган: у ҳодисалар мазмунини теран англашга, далилларни тизимга солишга қодир эмас. Назарий онг кундалик онгга таянади, лекин унинг тор доирасидан ташқарига чиқа олади.

Мазкур даражалар ижтимоий онг тузилишини билиш ҳаракатидаги унинг объектга мувофиқлик даражаси билан фарқ қиладиган жиҳатлари сифатида тавсифлайди. Айни вақтда ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар маънавий фаолиятининг маҳсули саналган ижтимоий онг уларнинг субъектив қобилиятларини ўзида мужассамлаштиради. Ижтимоий онг манбаларининг ўзига хос хусусиятлари таъсири ижтимоий психология ва мафкурада акс этади.

Ижтимоий психология. *Ижтимоий психология тушунчасида ўз моҳиятига кўра ижтимоий бўлган инсон руҳиятининг намоён бўлиш шакллари аксини топади.* Аммо, ижтимоий психология ижтимоий онгнинг таркибий қисми сифатида кишиларнинг оммавий хулқ-атвори хусусиятларини, ижтимоий бирликлар ва гуруҳларнинг ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига бўлган муносабатларининг муайян типини тавсифлайди. Улар эътиқодлар, ижтимоий мўлжаллар, туйғулар, одатлар, стереотиплар ва ҳоказолар кўринишида намоён бўлади. Ижтимоий психология руҳият тарзини, муайян ижтимоий гуруҳга хос бўлган жамоа хулқ-атворининг

руҳий хусусиятлари ва шакллари барқарор мажмуини ҳам ўз ичига олади. Ижтимоий бирликлар ва гуруҳларни тушунишда ижтимоий феъл-атворни ҳисобга олиш муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий психологияда у ёки бу гуруҳга ёки бутун жамиятга мазкур жамият тарихининг муайян даврида хос бўлган ижтимоий туйғулар муҳим ўрин тутади. Ижтимоий туйғулар жуда фаол ва ўта таъсирчандир. Улар акс этиш ва тарқалиш хусусияти ва усулларига кўра фарқ қилади. Ўзаро руҳий индукция, тақлид, ижтимоий назорат, таъсир кўрсатиш, эмоцияларни юқтириш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Мафкура. Онг доим ҳаётнинг мазмуни муаммоларини у ёки бу тарзда ҳал қилади, ижтимоий ривожланиш эҳтиёжлари ва истиқболлари билан боғлиқ бўлган ҳаётий муҳим саволларга жавоб беради. Мазкур саволлар мафкура доирасида қўйилади ва ҳал қилинади.

Мафкура ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлиб, ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларининг тизимга солинган, назарий кўринишда акс эттрадиган ва ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш ёки ўзгартиришга хизмат қиладиган ғоялар, қарашлар мажмуидан иборат. Мафкура мазмунини ижтимоий ривожланишнинг етилган, муҳим, долзарб ва ечишни талаб қиладиган зиддиятлари ташкил этади. Шунга мувофиқ юз бераётган жараёнлар мазмунига ва ижтимоий муаммоларни ечиш йўлларига нисбатан алоҳида ёндашувни акс эттирувчи айрим назарий мулоҳазалар юзага келади. Бу мафкуранинг шакли ҳисобланади. Унинг мазмуни эса муайян ижтимоий гуруҳ – синф, этник гуруҳ, ҳукмрон элита ёки унинг мухолифати ва ҳоказоларнинг манфаатларини ифода этишдан иборат. Мафкура шаклан объектив, лекин мазмун жиҳатидан субъективдир. У назарий жиҳатдан тизимга солинган кўринишда ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларига бўлган муносабатини акс эттиради ва уларнинг ижтимоий-сиёсий натижаларини назарий жиҳатдан асослаш ва оқлашга ҳаракат қилади.

А.Очилдиев истибдод мафкураси, истиқлол мафкураси, ва жамият мафкураси кабиларни фарқлайди. Истибдод мафкурасидан фарқли ўлароқ, «Истиқлол мафкураси миллат, жамият, давлатни мустақил тараққиёт йўлига бошлайдиган, уни белгилаб берадиган, эркин ва озод ривожланишини таъминлашга қаратилган ғоялар, қарашлар тизимидир»[1]. Унинг фикрича, ҳар қандай давлат ўз фаолиятида ягона этносоциал бирлик сифатида чиқадиган миллат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилиши, унинг жипслиги, тараққиётини таъминлайдиган миллий мафкурага таянмоғи лозим. Зеро, миллий мафкура давлат органлари, ижтимоий институтлар фаолиятини ташкил қилувчи, йўналтирувчи қурол вазифасини ўтайди.

Ижтимоий онг шакл ва мазмун жиҳатидан ранг-барангдир. Ижтимоий онгнинг илмий, диний, ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий турлари фарқланади. Улар ўзи акс эттирувчи ҳодисалар мазмуни, моддийлашув шакли ва ижтимоий функцияларига кўра фарқ қилади. Ижтимоий онг турлари ёки шакллари кўп даражали тузилмалар бўлиб, ўзига хос кўринишга эга бўлган оддий ва назарий даражаларни, ижтимоий психология ва мафкурани ўз ичига олади.

Ижтимоий онг ҳолатлари. Ижтимоий онгнинг яхлит тавсифи ижтимоий

[1] Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: «Ўзбекистон», 2004 й. 28-б.

онг ҳолати, оммавий онг, жамоатчилик фикри каби тушунчаларда ифодаланади. Ижтимоий онг ҳолати мазкур тарихий даврда қайси ғоялар ва қарашлар етакчилик қилаётгани, ижтимоий онгнинг қайси шакллари жамоатчилик фикри ва кайфиятига, айниқса, самарали таъсир кўрсатаётгани, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг қайси механизмлари устувор аҳамиятга эга эканлиги (у мафкуравий мажбурлов маҳсулими ёки стихияли тарзда шаклланадими), жамоатчилик фикрини шакллантириш воситалари орасида фан, дин, сиёсат ва ҳуқуқ қандай ўрин эгаллаши билан белгиланади. Ижтимоий онг ҳолатларини тавсифлашда илмий ва ноилмий тасаввурларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ижтимоий бўҳронлар ва тангликлар даврида ўта хурофий ақидалар тикланади, саросималик кайфиятлар, ижтимоий онгнинг беқаролиги кучаяди. Ижтимоий онг маданиятда ўзининг амалий ифодасини топади.

Ижтимоий кичик тизим *ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат тақсимоти ва ихтисослашиш муқаррар тарзда ижтимоий табақаланишга туртки беради, ўзига хос вазифаларнигина бажарадиган, жамиятда маълум мавқега эга бўлган ва ўз манфаатларини илгари сурадиган нисбатан мустақил ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар вужудга келишига сабаб бўлади*. Шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий табақаланиш ва одамлар ўртасидаги тенгсизлик жамиятнинг табиий ҳолатидир. «Олтин аср», умумий ва тўла тенглик ҳақидаги орзу мутлақо ноилмий бўлгани боис уни рўёбга чиқариш мумкин эмас. Шунингдек, у зарарлидир, чунки одамларни тўғри йўлдан оздиради, ижтимоий муносабатларга кескин тус беради. Тарихдан маълумки, умумий тенглик ҳақидаги шиорлар ҳеч қачон рўёбга чиқмаган: бир тенгсизлик ўрнида бошқа тенгсизлик пайдо бўлган. Оилада, уруғ ёки қабилада устун мавқега эришиш учун, ўз шахсий обрўси – кучи, мардлиги ёки маҳорати тан олиниши учун кураш ижтимоий ҳаётнинг дастлабки босқичларидаёқ юзага келган. Таъбир жоиз бўлса, тенгсизлик шахс ва пировард натижада – жамият ривожланишининг муҳим омилидир.

Ижтимоий тенгсизлик вужудга келиши ва жамиятнинг ривожланишида мулк институти алоҳида роль ўйнаган. Мазкур институт вужудга келиши билан одамларнинг мулкий тенгсизлик билан боғлиқ табақаланиши кучайган. Алоҳида касбий фаолият сифатида ақлий меҳнат билан шуғулланадиган кишилар пайдо бўлган. Мазкур жараёнлар меҳнат тақсимотини фаоллаштирган. Айрим гуруҳларнинг алоҳида ажралиб чиқишига, бошқаларининг турли ҳамжамиятларга бирлашишига туртки берган. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий тузилиши мазкур жамият тарихининг маълум давридаги муайян-тарихий ижтимоий бирликлар ва гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда мазкур муносабатларни тартибга солувчи махсус институтлар ва муассасалар мажмуи билан тавсифланади.

Ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар. *Ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар ижтимоий тузилманинг муҳим элементи ҳисобланади. Улар кишиларнинг умумий ижтимоий белгилари мавжудлиги билан ажралиб турадиган бирлашмаларидир*. Мазкур белгилар қаторига гуруҳ учун умумий саналган эҳтиёжлар ва манфаатлар, қадриятлар ва меъёрлар, турмуш тарзи, ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ўрин ва улар билан боғлиқ ижтимоий роллар киради. Ижтимоий гуруҳ хусусияти ва типи унинг хулқ-атворини ва жамиятнинг ижтимоий кичик тизимидаги ўрнини ҳам белгилайди. Эҳтиёжлар ва манфаатларнинг бирлиги ижтимо-

ий бирликлар ва гуруҳларни бирлаштирувчи асосий белги ҳисобланади. Мазкур эҳтиёжлар ва манфаатлар ижтимоий бирликлар ва гуруҳларнинг жамиятдаги мавқеи билан белгиланади. Ижтимоий бирликлар ва ижтимоий гуруҳлар ижтимоий бир жинслилик ва барқарорлик даражасига кўра фарқ қилади. Ижтимоий гуруҳларга таққослаганда, ижтимоий бирликлар ижтимоий жиҳатдан турли жинслилиги ва ташкилий жиҳатдан мураккаблиги билан ажралиб туради. Ижтимоий бирликларга, жумладан, этник ва конфессионал бирликлар, экологик, сиёсий ҳаракатлар, спорт ёки ҳаваскорларнинг уюшмалари каби жамоат бирлашмалари мисол бўлиши мумкин.

Ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар турли асосларга кўра таснифланади. Жумладан, катта ва кичик ижтимоий гуруҳлар фарқланади. Кичик гуруҳ аъзоларининг яқинлиги, алоқаларнинг мустаҳкамлиги, муносабатларнинг норасмийлиги, бевосита шахсий алоқалар ўрнатилгани, умумий қадриятлар ва хулқ-атвор қоидалари амал қилиши билан тавсифланади. Кичик гуруҳга корхона, муассасанинг меҳнат жамоаси, оила мисол бўлиши мумкин. *Жамоа – умумий фаолият, манфаатлар ва хулқ-атвор қоидаларининг бирлиги белгисига кўра уюшган кичик ижтимоий гуруҳ (масалан, меҳнат, ўқув, ҳарбий, спорт жамоалари).* Оила – жамиятнинг никоҳга ёки қон-қариндошликка асосланадиган муҳим институти. Оилавий муносабатлар насл қолдириш учун зарур шарт-шароитлар яратадиган ва болаларни тарбиялаш, уларга жамиятнинг маданий анъаналарини сингдиришга қулай замин ҳозирлайдиган шахслараро ўзаро алоқаларнинг норасмийлиги билан ажралиб туради. Оилавий муносабатлар қариндошлик алоқалари билангина чекланмайди: улар оила аъзоларининг бир-бири олдида ўзаро маънавий жавобгарлиги, биргаликдаги меҳнат ва туриш-турмуш ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ва ҳуқуқ билан тартибга солинадиган мулкий муносабатлар билан мустаҳкамланади.

Катта ижтимоий гуруҳлар – *тарихий ривожланиш жараёнида вужудга келадиган синфий, этник, ҳудудий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа гуруҳлардир.* Улар шахс ва жамият ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди.

Этник бирликлар. *Этник бирликлар ижтимоий ҳаёт хўжалик, ҳудуд, тил, одатлар, анъаналар, расм-русумлар, эътиқодларнинг бирлиги белгисига кўра таркиб топадиган ва этник бирликларнинг ҳар хил турларини ташкил этадиган кишиларнинг айрим муайян-тарихий жамоалари доирасида кечади. Уруғ мазкур бирликларнинг илк шакли. У қон-қариндошлик белгисига кўра уюшган одамлар бирлашмаси бўлиб, ибтидоий жамоанинг асосий, ишлаб чиқарувчи ва этник бўғини ҳисобланган.* Қабила икки ёки ундан ортиқ уруғнинг бир неча юздан бир неча минггача бўлган одамлардан иборат бирлашмасидир. Қабила умумий мулк, умумий бошқарув, туриш-турмушнинг умумий жиҳатлари ва айрим умумий хўжалик фаолиятига эга бўлган.

Бир ҳудудда яшайдиган, умумий хўжалик фаолияти, тил, руҳият тарзининг хусусиятлари, туриш-турмуш, маданият ва ҳаёт тарзининг одатлар ва анъаналарда мустаҳкамланган баъзи бир жиҳатлари элат ва миллатни тавсифлайди. Аммо уларнинг ўртасида жиддий фарқлар ҳам мавжуд. Қабилаларнинг уюшмалари, аҳоли миграцияси, тилнинг яқинлиги элат вужудга келишининг омиллари ҳисобланади. Улар қон-қариндошлик, уруғдошлик алоқаларини бузувчи омиллардир. Аммо элатни бирлаштирувчи алоқалар ҳам анча шартлидир. Элат-

ни ташкил этадиган қабилалар яшайдиган ҳудуд муҳим бирлаштирувчи асос ҳисобланади.

Миллатнинг асосий ўзига хос хусусияти – муайян яхлит тузилмага бирлашган ва ассимиляциялашган элатларнинг фаол иқтисодий алоқалари негизида шаклланадиган моддий ва маънавий маданиятнинг ўзига хослиги. Миллатга уни ташкил этадиган элатлар учун умумий саналган тил; руҳият тарзининг умумийлиги; маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари; шаклланган барқарор ҳаёт тарзи; анъаналар; тарихий тақдирнинг бирлиги ва ривожланган этник ўзликни англаш туйғуси мерос бўлиб ўтади. Маданий ривожланиш, тил, умуман, миллий ўзига хослик муаммоларига миллатнинг таъсирчанлиги айни шу омиллар билан белгиланади.

Табақалар ва синфлар. Жамиятнинг ижтимоий тузилишида табақалар ва синфлар салмоқли ўрин эгаллайди. *Табақалар – саноатлашиш босқичидан олдинги жамиятларда вужудга келган, юридик ёки одатга асосланган ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган ҳуқуқлар ва бурчларга кўра фарқ қиладиган ижтимоий гуруҳлар.* Табақавий бўлиниш жамиятнинг мураккаб иерархиявий тузилишининг шаклланишига сабаб бўлади.

Йирик гуруҳлар орасида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-психологик мақомига кўра фарқланадиган синфлар алоҳида ўрин эгаллайди. Иқтисодий белги синфнинг бош белгиси ҳисобланади, зеро синфий бўлиниш шакллари ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабат ҳамда мулк шакллари билан белгиланади. Ҳозирги замон социологиясида синфларни фарқлашнинг бошқа асослари ҳам мавжуд. Масалан, ижтимоий гуруҳлар эга бўлган ижтимоий бойлик улушига кўра улар олий, ўрта ва қуйи синфларга бўлинади. Бунда даромад манбаи ҳисобга олинмайди, шу боис олий синф вакиллари орасидан машҳур киноактёрлар, эстрада юлдузлари ва банкирлар ҳам ўрин олишлари мумкин. Бу ҳол ўрта ва ҳатто қуйи синфларда ҳам кузатилади. Шунингдек, ижтимоий меҳнатни ташкил этишдаги ролига кўра бошқарувчилар синфи фарқланади.

Ҳозирги замон жамиятида юқори малакали ақлий меҳнат билан профессионал тарзда шуғулланадиган кишиларнинг катта ижтимоий гуруҳи – зиёлилар алоҳида роль ўйнайди. Зиёлилар сони тинимсиз кўпайиб, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ортиб бормоқда. Бу аввало фан-техника тараққиёти, шунингдек, ҳозирги жамиятда маънавий хизматларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ. Зиёлилар гуруҳи ўз келиб чиқишига кўра ҳам, ижтимоий мақомига кўра ҳам турли жинслидир. Тегишли равишда унинг сиёсий мўлжаллари ҳам ҳар хилдир.

Институтлар. Жамиятнинг ривожланиш жараёни алоҳида муҳим вазифаларни бажарадиган ва аниқ ташкилий тузилмага эга бўлган ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар – институтларнинг тармоқланган тизими яратилиши билан тавсифланади. *Институтлар жамият нормал фаолиятининг зарурий омили саналган ижтимоий муҳим фаолиятни амалга оширади.* Бундай институтлар қаторига давлат ва унинг институтлари, партиялар ва ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, диний муассасалар, таълим ва маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш ва санитария хизмати тизимлари, бозор, банклар ва ҳоказолар киради. Ижтимоий институтлар фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари: оила ва ишлаб чиқариш, товарлар ва пуллар ҳаракати, ишлаб чиқариш, истеъ-

мол ва ҳоказоларга нисбатан татбиқ этилади. Институтлар турли бирликлар ва гуруҳларнинг манфаатларини мувофиқлаштиришни амалга оширади, уларнинг самарали ўзаро алоқасини таъминлайди, вужудга келган ижтимоий қадриятларни мустаҳкамлайди ва янгиларини яратади.

Ҳудудий гуруҳлар. Аксарият мамлакатларда ҳудудий гуруҳларнинг ўзаро муносабатларида жиддий муаммолар юзага келади. Бу маънавий ҳаёт анъаналари ва иқтисодий ривожланиш даражасига кўра фарқ қиладиган вилоят ва марказ, пойтахт ва чекка ўлка ҳамда йирик минтақаларнинг муносабатлари бўлиши мумкин (масалан, АҚШ ёки Италияда Шимол ва Жануб муносабатлари). Этник ёки диний фарқлар, бир маъмурий бирликнинг бошқа маъмурий бирликларга ҳудудий эътирозлари ҳудудий гуруҳлар ўртасидаги зиддиятни кучайтириши мумкин.

Жамият ривожланишига қараб унинг ижтимоий тузилмаси мураккаблашиб боради. Бу миқдор ва сифат жиҳатидан ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро алоқаси ва манфаатларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Ижтимоий бирликлар ва гуруҳларнинг турлари уларнинг ўртасидаги муносабатлар ва ижтимоий алоқалар хусусиятини ҳам белгилайди. Алоқалар узоқ ёки қисқа муддатли, мустаҳкам ёки бўш ва заиф, бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Алоқалар хусусиятининг шаклланишида манфаатлар муҳим роль ўйнайди, уларни мувофиқлаштириш вазифасини эса жамиятнинг махсус институтлари, аввало, сиёсий тизим ҳал қилади.

Ижтимоий макон. Моддий борлиқ макони каби, ижтимоий макон ҳам моддий объектнинг тузилиши билан белгиланади. Тегишли равишда ижтимоий тузилма ва ижтимоий ўзаро алоқалар ижтимоий макон хусусиятини белгилайди. Макондаги алоқалар ўзаро алоқага киришаётган субъектлар ўртасида маълум масофа мавжудлиги билан ажралиб туриши мумкин. Биз мазкур масофа хусусиятини ўзимиз учун ботиний тарзда аниқлаймиз ва ё уни сақлаб қолишга, ё ўзгартиришга ҳаракат қиламиз. Одамлар ўртасидаги алоқалар ҳам макон мезони билан ўлчанади. Улар визуал, ё бевосита, ё билвосита, ё доимий, ё номунтазам бўлиши мумкин.

Ижтимоий макон ўзининг сердаражалилиги билан ажралиб туради. Бу айни бир инсон турли бирликларда ҳар хил мақомга эга бўлишида намоён бўлади (масалан, ўзи меҳнат қиладиган ишхонада у хизмат пиллапоясида энг паст ўринни эгаллайди, оилада эса бошлиқ ҳисобланади).

Инсоннинг ижтимоий макондаги ўрни унинг бутун умри мобайнида ўзгариб туради. Бу ҳол «ижтимоий мобиллик» категорияси билан тавсифланади.

Сиёсий кичик тизим. Ривожланган ижтимоий тизимга эга бўлган жамиятда ижтимоий, этник ва диний табақаланишнинг кучайиши муқаррардир. Мавжуд мавқеидаги туб ўзгаришлардан келиб чиқадиган қарама-қарши манфаатларни кўзловчи ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар мавжудлиги уларнинг ўртасида сиёсий муносабатлар юзага келишига сабаб бўлади. Бу манфаатларни мувофиқлаштириш зарурияти жамият сиёсий тизимининг тузилиши ва функцияларини белгилайди. *Сиёсий тизим жамиятда сиёсий муносабатларни тартибга солувчи давлат ва сиёсий ташкилотлар, институтлар ва муассасалар мажмуидир.* Сиёсий тизим мураккаб тузилишга эга. Жамиятда фуқароларга нисбатан қонунийлаштирилган мажбурлов чораларини қўллаш йўли билан ўзининг сиёсий муносабатларни тартибга солиш борасидаги функцияларини амалга оширувчи давлат сиёсий тизим-

нинг бош элементи ҳисобланади. Давлат жамиятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий институти бўлиб, муайян ҳудудда унга олий ҳокимият ваколатлари берилади. Бу ваколатлардан давлат одамлар, уларнинг гуруҳлари ва бирлашмалари хулқ-атворини бошқариш учун фойдаланади. Давлатнинг асосий белгилари:

1. Жамиятдан ажратилган халқ ҳокимияти. Ҳокимият – бир субъект (ҳокимият бошлиғи)нинг ўз ҳукми остидаги фуқароларга буйруқлар бериш, уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш ва уларни бажаришдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан санкциялар қўллаш имконияти.

2. Суверенитет, яъни ўз мамлакати ҳудудида олий ҳокимиятга тўлиқ эгалик қилиш ва ташқи сиёсатда мустақиллик.

3. Ҳокимият чиқарган қонунлар ва унинг ваколатлари амал қилинадиган ҳудуд.

4. Бутун аҳоли учун мажбурий саналган қонунлар ва нормалар қабул қилиш мутлақ ҳуқуқи.

5. Давлат хизмати ходимлари, қуролли кучлар, мажбурлов органлари ва ҳоказоларни таъминлаш учун аҳолидан солиқлар ундириш ҳуқуқи.

Давлатнинг бошқарув шакли (яъни, ҳокимиятни ташкил этиш усули) ва давлат қурилиши шакллари мавжуд. Бошқарув шаклларига кўра монархия ва республика фарқланади. Монархия қуйидаги белгилар билан тавсифланади: биринчидан – ҳокимият бир шахсга қарашли бўлади; иккинчидан – давлат бошлиғига ҳокимият мерос бўлиб ўтади. Давлат бошлиғининг ваколатлари ҳеч қандай конституциявий нормалар билан чекланмайдиган мутлақ монархиялар ва монарх ваколатлари конституция билан чекланадиган конституциявий монархиялар фарқланади. Республиканинг асосий хусусияти шундан иборатки, унда ҳокимият манбаи халқ ҳисобланади. Зеро, давлатнинг олий органларини халқ сайлайди. Парламент, президентлик республикалари ва аралаш республикалар фарқланади.

Парламент республикаси *ҳукуматни парламент кўпчилиги тамойилига кўра шакллантиришни назарда тутади*: қайси партия парламентда кўпчиликни ташкил қилса, шу партия парламентга ҳисобдор бўлган ўз ҳукуматини шакллантиради.

Президентлик республикаси *давлат бошлиғи ва ҳукумат бошлиғи вазифаларини президент бажариши билан тавсифланади.*

Аралаш республика (ярим президентлик республикаси)да *кучли президентлик ҳокимияти ҳукумат фаолияти устидан парламентнинг самарали назорати билан уйғунликда амал қилади.*

Давлат қурилиши шаклига кўра унитар, федератив ва конфедератив давлатлар фарқланади. Маъмурий бирликлари ўз давлатчилигига эга бўлмаган ягона, сиёсий жиҳатдан бир жинсли давлат унитар давлат ҳисобланади.

Федерация – *сиёсий субъектлар (штатлар, ерлар, федерация субъектлари ва ш.к.), ўз конституциялари, қонунчилик, ижро ва суд органларига эга давлатлар уюшмаси*. Уларнинг мустақиллиги марказ билан федерация таркибига кирувчи субъектлар ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши билан белгиланган чегараларга мувофиқ чекланади. *Давлатлараро бирлашманинг алоҳида шакли конфедерация бўлиб, у мустақил давлатлар муайян ўзаро мақсадларга эришиш учун тузган доимий уюшмадир.*

Форобий фикрича, давлат жамиятнинг таянчидир. У жамиятнинг мукаммалиги ва мукаммал эмаслиги ҳақидаги ғояга таянади. Мукаммаллик «...шундай давлат воситасида қўлга киритиладики, у эзгу анъаналар, одамлар ва яхши ахлоқни тарқата олсин» ва жамиятда бу хислатларни барқарор эта олсин. Бундай давлат бўлмаса фозила, эзгу хислатлар одамларда узоқ сақланмайди ва барқарор бўлмайди. Форобий назарда тутган давлат, мустабидликка эмас, балки тикланиш ва фаолиятида халқнинг истак ва иродаси бевосита роль ўйнайдиган давлатдир. Халқ иродасига асосланмаган давлат идеал давлат эмас. Демак, давлат – жамиятнинг таянчи, халқнинг иродаси ва хоҳиши, унинг шаклланиши учун шароит яратади.

Ҳозирги давлатларнинг аксарияти ўз фаолиятини конституцияга мувофиқ амалга оширади. *Конституция – сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузум асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини, асосий давлат органларини таркиб топтириш механизми ва уларнинг фаолият тамойилларини, сайлов тизими асослари ва ҳоказоларни мустаҳкамловчи давлатнинг асосий қонуни*. Конституция бошқарув ва давлат қурилиши шаклини белгилайди.

Ҳуқуқий давлатда конституция нафақат фуқаролар ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи нормаларни, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини белгилайди, балки ҳокимиятни чеклайди. Конституцияда инсон ҳуқуқларининг давлат қонунларидан устунлиги мустаҳкамланади. Ҳуқуқий давлат ривожланган фуқаролик жамияти мавжудлиги билан тавсифланади. Ҳар бир индивиднинг эркинлиги бошқа одамларнинг эркинлиги ва ҳуқуқлари билан чекланади. Қонуннинг устунлиги ва ҳуқуқнинг умумийлиги, ҳокимият, қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига бўлиниши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгилари ҳисобланади.

Сиёсий тизим мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этувчи турли-туман партиялар, ҳаракатлар, ташкилотлар, институтлар, диний муассасалар ва таъсир гуруҳлари мажмуини ҳам ўз ичига олади. Сиёсий ташкилотлар давлат тузилмаларининг шаклланишига таъсир кўрсатади, ўз фаолияти дастурларини белгилайди, ижтимоий бирликлар ва гуруҳларнинг манфаатларини тегишли шиорлар, ижтимоий лойиҳаларда ифода этади ва уларни амалга оширишда қонуний воситалар билан иштирок этади. Уларнинг фаолияти ўз гуруҳларининг ўзгаларнинг манфаатларига зид бўлган ёки уларни камситадиган манфаатларини рўёбга чиқариш зарурияти билан белгиланади. Шу сабабли партиялар ва ҳаракатлар ҳокимият обрўсига таянади. Ҳокимиятнинг аралашуви зиддиятларни тартибга солиш, манфаатларни мувофиқлаштиришга кўмаклашади.

Сиёсат. *Жамиятни бошқаришни амалга оширувчи давлат фаолияти ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва муассасаларнинг ўз ижтимоий муҳим манфаатларини рўёбга чиқариш учун халқ ҳокимияти институтларидан фойдаланиш борасидаги фаолияти сиёсат соҳасини ташкил қилади.* Давлат сиёсатининг асосий вазифаси – жамиятнинг яхлитлигини таъминлаш, аҳолини жипслаштириш, қарама-қарши манфаатларни илгари сурувчи ижтимоий бирликлар ва гуруҳларнинг муносабатларини оқилоналаштириш, мазкур вазифаларни ҳал қилиш учун ҳуқуқдан фойдаланишдир. Давлат жамиятнинг хўжалик, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жабҳаларини мазкур жамият нормал фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун зарур бўлган даражада тартибга солади.

Партиялар ва ҳаракатлар сиёсатининг асосий вазифаси – халқ ҳокимияти институтларига изчил таъсир кўрсатишдир. Ўз сиёсати билан улар ҳокимият тузилмасини яратишда иштирок этадилар, уларни қўллаб-қувватлайдилар ёки вайрон қиладилар. Жамият ривожланишининг инқирозли даврларида сиёсатнинг асосий вазифаси – ҳокимият учун курашиш ва уни турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида тақсимлашдан иборат. Шундай қилиб, сиёсат бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасидаги ўзаро алоқа шакли сифатида амал қилади. Давлат ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолияти ҳуқуқ билан, шунингдек, жамиятда ҳукм сурувчи одатлар ва анъаналар билан тартибга солинади.

Сиёсат – онгли ёки стихияли ҳаракатлар соҳаси. У ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини, ҳокимият эса – ўз сиёсий вазифасини англаб етишини назарда тутади. Сиёсий жараён мазмуни ва йўналиши асосан фуқароларнинг сиёсий менталитети билан белгиланади. Шу сабабли сиёсий онг сиёсий тизимнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. У фуқароларнинг ҳокимият институтлари бир-бири билан жамият ва давлатни бошқаришда ўз иштирокига доир алоқалари ҳақидаги ҳиссий ва оқилона, қадриятларга доир ва норматив, оқилона ва интиутив тасаввурларини қамраб олади. У, фуқаро, ўзининг муайян гуруҳга мансублигини ва бундан келиб чиқадиган манфаатларни англаб етишини, ҳокимиятга, ўз фуқаролик мақомига, ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига нисбатан сиёсий нуқтаи назарини англаб етишини назарда тутади. *Сиёсий онг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ва уларнинг ижтимоий ривожланиш эҳтиёжлари тизимидаги аҳамиятини англаш сифатида мафкурани ўз ичига олади*. Сиёсий мафкура назарий, дастурий-сиёсий ва эмпирик даражалардан таркиб топади. Хусусан, эмпирик даража жамиятнинг айрим гуруҳлари сиёсий дастурларни қай даражада ўзлаштирганини тавсифлайди. *Сиёсий психология сиёсий онг элементи сифатида омманинг сиёсий хулқ-атворини, уларнинг кайфияти, мўлжаллари ва одатларини тавсифлайди.* Ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий психологияси омманинг сиёсий хулқ-атворида онглилик ва стихиялиликнинг, оқилона ва нооқилона ҳаракатларнинг ўзаро нисбати билан ажралиб туради.

Сиёсий онг омманинг сиёсий хулқ-атворига бевосита таъсир кўрсатади. У стихияли тарзда шаклланиши ҳам, изчил шаклланиши ҳам мумкин. Шу сабабли давлат ўз вазифаларига мос келадиган сиёсий онг шаклланишидан манфаатдор. Сиёсий онгнинг шаклланишида оммавий ахборот воситалари, айниқса, муҳим роль ўйнайди. Улар «тўртинчи ҳокимият» деб номланиши бежиз эмас.

Коммуникация – сиёсий тизимнинг зарурий элементи. У, биринчидан, сиёсий тизим институтлари ўртасидаги алоқа воситаларини, иккинчидан, ҳукуматга ахборот узатиш йўлларини, учинчидан, оммавий ахборот воситаларини ўз ичига олади. Мазкур ахборот тизимлари ўртасида узвий алоқа мавжуд. Оммавий ахборот воситалари нафақат аҳолига ахборот беради, балки ҳокимият вакиллари, партиялар ва ҳаракатларнинг у ёки бу сиёсий баёнотларини шарҳлайди, уларга баҳо беради, информацион материалларни тегишли тарзда саралайди, фуқароларнинг кайфияти ва сиёсий мўлжалларини шакллантиради. Умуман олганда, сиёсий тизим ижтимоий ва иқтисодий муносабатларга жуда кучли таъсир кўрсатади. У

ўз вазифаларини бажариш учун нафақат ўзининг ҳуқуқ ва давлат мажбурлови институтларидан фойдаланади, балки жамиятда вужудга келган қадриятлар ва меъёрлар тизимига таянадиган ва ўз фуқароларининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантирадиган ишонтириш воситаларини ҳам ишга солади.

Ижтимоий ҳаётнинг асослари. Жамиятнинг юқорида санаб ўтилган кичик тизимлари ўзига хос вазифаларни бажаради ва бир-бири билан алоқа қилади. Шу ўринда савол туғилади: уларнинг ўртасида белгиловчи ва белгиланувчи муайян иерархия мавжудми? Ахир жамият – яхлит тузилма ва ҳар бир мамлакат бетакрор тарзда ўзига хос, ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эга. Бу тарқоқ ижтимоий кичик тизимларни муайян бирликка бирлаштирадиган омиллар мавжудлигини назарда тутади. Марксча фалсафа нуқтаи назаридан моддий ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкдорлик шаклларига асосланадиган ишлаб чиқариш муносабатлари тизим ташкил этувчи омил сифатида қаралади. Ҳозирги вақтда Ғарбдаги технократик оқим файласуфлари жамиятнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи асос сифатида техниканинг ролини мутлақлаштиради. Ҳозирги замон фалсафасида етакчилик қиладиган қарашга мувофиқ жамиятнинг яхлит тавсифи цивилизация ва маданият тушунчаларида берилади.

Фуқаролик жамияти, давлат, демократия. Ҳозирги замон жамияти ўта мураккаб ва фаол ижтимоий тизимдир. Умуман олганда, уни қуйидаги хусусиятларга эга бўлган жамият сифатида тавсифлаш мумкин:

• у спонтан тарзда вужудга келади ва бирон-бир бошланғич ғояни ўзида мужассамлаштирмайди, жамиятнинг барча аъзолари учун муқаррар бўлган олам-шумул мақсадга эга бўлмайди;

• у ўз ҳаётининг барча томонларини ягона марказдан назорат қилмайди;

• унда мувофиқлаштиришга муайян умумий мақсад ва ягона марказга бўйсуниш ҳисобига эмас, балки хулқ-атвор умумий қоидаларига риоя этиш ҳисобига эришилади;

• мазкур жамиятнинг иқтисодий асоси хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик, марказлаштиришдан чиқарилган бозор тизими ва рақобатдир;

• унинг индивидлари эркин ва мустақил бўлиб, қонун билан муҳофаза этиладиган шахсий ҳаёт соҳасига эгадирлар, бу ҳаёт доирасида улар ўзлари истаган ҳар қандай қарорларни мустақил равишда қабул қилишга ҳақлидирлар;

• индивидлар шак-шубҳасиз ва узвий фундаментал ҳуқуқлар ва эркинликларга, шу жумладан фикрлаш ва сўз эркинлиги, уюшмалар ва ташкилотлар тузиш эркинлиги, виждон эркинлиги, бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриш эркинлиги, ўзи истиқомат қиладиган мамлакатни танлаш эркинлигига эгадирлар;

• бу кўппартиявий жамият бўлиб, унда сиёсий партиялар ҳеч қандай бевосита оммавий-ҳокимият ваколатларига эга эмаслар;

• давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг вакиллик органлари аҳоли томонидан сайланади;

• ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари бир-биридан ажратилган.

Замонавий жамиятнинг умумий тавсифида қуйидаги тушунчалар марказий ўринни эгаллайди: фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, кўппартиявийлик, демо-

кратия, ҳокимиятнинг бўлиниши, хусусий мулк, бозор, шахс эркинлиги ва суверенитети.

Фуқаролик жамияти – давлат ҳокимияти органларининг тўғридан-тўғри аралашувидан қонунлар билан муҳофаза этилган ихтиёрий уюшмалар ва ташкилотлар мажмуи.

Замонавий жамиятда давлат одамларнинг шахсий ҳаётига аралашмайди, уларни ягона мафкура ва қадриятлар ягона тизимини қабул қилишга мажбурламайди. Кишиларнинг ранг-баранг манфаатлари, уларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари орқали рўёбга чиқарилади, бунга эришиш учун улар давлат олдида ҳисобдор бўлмаган ихтиёрий бирлашмалар ва уюшмаларга бирлашадилар. Одамларнинг манфаатларини акс эттирадиган нодавлат, ноҳукумат ташкилотлари фуқаролик жамиятини ташкил этади. Улар расмий статистикага кирмайди ва уларнинг ҳисобини юритиш анча қийин иш. Чунончи, айрим маълумотларга кўра, АҚШда юз минглаб бундай ташкилотлар фаолияти 25 мингдан ортиқ хайрия фондларидан маблағ билан таъминланади. Норвегияда бу мамлакат фуқароси ҳисобланган ҳар олти кишидан бирига битта ноҳукумат ташкилоти тўғри келади.

XIX аср француз социологи А.де Токвиль Америкада демократияни қўллаб-қувватловчи ижтимоий шароитлар тўғрисида мулоҳаза юритар экан, америкаликларнинг фуқаролик ва сиёсий ташкилотлар тузишга бўлган мойиллигига алоҳида эътиборни қаратган: «Турли ёш, мавқе ва қизиқишларга эга бўлган америкаликлар турли хил уюшмаларга ихтиёрий равишда бирлашадилар. Булар тижорат ёки ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган, америкаликларнинг барчаси иштирок этадиган бирлашмаларгина эмас, балки бошқа хил турдаги минглаб бирлашмалар: диний-маънавий уюшмалар, жиддий ва аҳамиятсиз, очиқ ва берк, кўп кишилик ва атиги бир нечта аъзодан иборат бирлашмалардир... Шундай қилиб, одамлар ўзларининг умумий хоҳиш-истакларига мувофиқ бўлган мақсадга баҳамжиҳат эришиш санъатида олий баркамолликка эришдилар ва жамоа ҳаракатининг мазкур усулини бошқаларга қараганда кўпроқ қўллай бошладилар»[1].

Фуқароларнинг бирлашмалари ўз аъзоларида ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва жамиятга садоқат туйғулари ривожланишига кўмаклашади. Кенг мақсадли гуруҳга ихтиёрий қўшиладиган индивидлар нафақат ҳамжиҳатлик кўникмаларини ва коллектив ҳаракатлар учун фуқаролик масъулияти ҳиссини касб этадилар, балки ўзини ўзи бошқариш, сабр-тоқатлиликни ва бошқалар фикрини ҳурмат қилишни ўрганадилар.

Давлат доим фуқаролар ҳаётининг барча томонларини ўз назорати остига олишга, уларнинг тартибга солинмаган фаолияти доирасини торайтиришга, уларни бир-биридан ажратиш ва тарқатишга ҳаракат қилади. Фуқаролик жамияти давлатга ўз фаолият соҳасини кенгайтириш ва уни кишиларнинг ахлоқий, маънавий, диний, миллий ва бошқа муносабатларига татбиқ этишга йўл қўймайди. Давлат фуқаролик жамиятини «ютиб юбориши» тоталитаризмга хос бўлган хусусиятлардан биридир.

Фуқаролик жамияти давлатга муттасил таъсир кўрсатади. Бу шундай бир таъсирки, усиз давлат ўз ваколатлари доирасини торайтиришга ҳеч қачон

[1] А.де Токвиль. Избранные произведение. –М.: 2003 г. с. 45.

бормаган бўлур эди. Давлатга фуқаролик жамияти таъсирининг бош механизми «демократия» (юнон. «demos» – «халқ» ва «cratos» – «ҳокимият») – вақти-вақти билан бошқарилувчилар бошқарувчиларга ўз ҳукмини ўтказишидир. Давлат ва фуқаролик жамиятининг бу қарама-қаршилиги ва айни вақтда ўзаро боғлиқлиги эркинликнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятининг шаклланиши демократик ўзгаришларнинг негизидир. Кишиларни ижтимоий тартибни ихтиёрий равишда, чўчимасдан, қабул қилишга мажбур этадиган шароитлар фақат фуқаролик жамиятида мавжуддир.

Сиёсий эркинлик – фуқаронинг давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи. Бу эркинлик фақат демократия шароитида, яъни ҳамма ўз хоҳиш-иродасини ифода этиш имкониятига эга бўлган шароитларда рўёбга чиқарилиши мумкин. «Формал демократия, яъни эркин, тенг ҳуқуқли ва яширин овоз бериш ҳуқуқи эркинликнинг кафолати эмас, балки аксинча, унга таҳдиддир»[1], деб ёзади К.Ясперс.

Демократия механизми самарали фаолият кўрсатишининг асосий шартларидан бири қонунга зид аралашувлардан муҳофаза этилган барқарор фуқаролик жамиятининг мавжудлигидир. Шундай шартлардан яна бири ҳуқуқий давлат – қонунлар фақат ҳуқуқий йўл билан қабул қилинадиган ва ҳаммага тенг татбиқ этиладиган давлатдир. Бундай давлат инсонни зўравонликдан ҳимоя қилиш орқали унга ўз қарашлари ва хоҳиш-иродасини ифода этиш ёки демократия учун имконият яратади.

Демократия очиқ ва ҳеч нарса билан чекланмаган баҳс-мунозара имкониятини назарда тутади. Бунга эришиш учун матбуот, йиғилишлар, сўз эркинлиги талаб этилади. Демократия сиёсий партиялар мавжудлигини ҳам талаб қилади.

Демократиянинг самарадорлигини таъминлашнинг яна бир муҳим шарти жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг юксак даражасига эришишдир. Сўнгги икки юз йиллик мобайнида саноат инқилоби ғарб жамияти ҳаётининг муҳим омилига айланди. У шаҳар аҳолиси сезиларли даражада ўсишига, синфий тузилишнинг ўзгаришига, ҳаёт андозалари, таълим ва соғлиқни сақлаш сезиларли даражада юксалишига олиб келди.

Демократия сиёсатни иқтисоддан ва дунёқарашга оид муаммолардан ажратишни, ҳокимиятнинг бўлинишини, самарали фаолият олиб борадиган суд тизимини талаб қилади.

Демократия эркин жамият қўлида самарали қурол бўлиб қолишини белгилайдиган омиллар рўйхати у доим муайян ижтимоий контекстда амалга оширилишини ва ҳокимиятни сайловда ғалаба қозонган кўпчиликка берадиган умумий сайлов ҳуқуқидангина иборат эмаслигини кўрсатади.

«Цивилизация» (лот. «civilis» – «фуқаролик», «давлатга доир») атамаси ҳар хил маънода ишлатилади. Биринчидан, *цивилизация – инсоният ривожланишида варварликдан кейин бошланган ва синфлар, давлат вужудга келиши, урбанизация ва ёзув пайдо бўлиши билан тавсифланадиган тарихий босқич.* Мазкур талқинда «цивилизация» атамаси «жамият» тушунчаси билан қисман мос келади ва жамият ҳаётини ташкил этишнинг ижтимоий шаклини табиий вужудга келган уруғдошлик шаклларига қарама-қарши қўйишга хизмат қилади. Ҳозирги адаби-

[1] Ясперс К. Смысл и назначение истории. –М.: 1991 г. с. 124

ётларда «цивилизация» атамаси ўзининг варварликка қарама-қарши сифатидаги дастлабки маъносини сақлаб қолмоқда.

Иккинчидан, *цивилизация – барча маданиятлар яхлитлигининг тавсифи, уларнинг умуминсоний бирлиги сифатида («жаҳон цивилизацияси», «маърифатли ҳаёт тарзи» ва ш.к.)намоён бўлади.*

Учинчидан, *цивилизация – «моддий маданият» атамасининг синоними сифатида: қулай нарса, техника яратадиган қулайлик (турар жой, рўзғор техникаси, транспорт ва алоқа, хизматлар кўрсатиш ва ш.к.)ни ифодалайди.*

Тўртинчидан, *цивилизация – тарихий жараён бирлигининг тавсифи сифатида характерланади.* Бу тушунча, ижтимоий бойлик ривожланиши муносабати билан тарихнинг муайян босқичларига қиёсий баҳо бериш мезони бўлиб хизмат қилади. Айни ҳолда, жамиятнинг ривожланиши «маърифатлилик», «цивилизация ривожланишининг қуйи босқичи», «цивилизациянинг умумий даражаси», «цивилизациянинг оралиқ босқичлари» тушунчалари билан тавсифланади. Аммо цивилизациянинг мазкур талқини тўлиқ эмас, чунки унинг ривожланиш даражаси ёки босқичини аниқлаш имконини берадиган мезон йўқ.

Ибн Халдун (1332–1406) ўз даврида биринчи бўлиб, цивилизацияларнинг юзага келиши, ривожланиши ва таназзули ҳақида илмий асоссланган ғояларни илгари суради. Жумладан маданиятлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши, яшаши ва инқирози муайян тарихий қонуният эканлигини, унга табиий географик ва иқтисодий омиллар, турмуш тарзи ва дунёқарашлар жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлигини айтади.

XVIII аср ўрталарида цивилизация тушунчасидан инсон «табиий» ҳолатининг зидди сифатида фойдаланилган, цивилизация тараққиётининг мезони сифатида эса ижтимоий фаровонлик ғояси турли кўринишларда илгари сурилган. Кант цивилизация ва маданият ўртасида фарқ мавжудлигини қайд этган. Шпенглер цивилизацияни маданиятнинг ривожланишидаги бир босқич сифатида тавсифлаб, бу фарқни мутлақлаштирган. Унинг (кейинчалик П.Сорокин, А.Тойнби ва бошқа мутафаккирларнинг) концепциясида, цивилизация маданиятнинг завол топиш босқичи сифатида, маданиятда мужассамлашган табиий-ҳаётий асосни сиқиб чиқарадиган техник-механик элементлар салтанати сифатида тавсифланади.

XIX–XX асрларда амалга оширилган этнографик тадқиқотлар цивилизациянинг мазмунини тушунишга муҳим ҳисса қўшди. Улар турли халқлар маънавий дунёси, ҳаёти, одатлари, иқтисодиёти ва маданиятининг улкан бойлиги ва ранг-баранглигини ёритиб берди. XIX асрнинг машҳур этнографларидан бири Ч.Тэйлор маданият ва цивилизация одамлар тарих жараёнида ўзлаштирадиган билимлар, эътиқодлар, маънавий-ахлоқий концепциялар, юридик қоидалар, одатлар ва амалий кўникмалар мажмуини ифодалайди деб ҳисоблаб, бу тушунчалар айнийдир деган хулосага келди.

И.А.Каримов, «Ҳар қандай цивилизация кўпдан кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди»[1], деб таъкидлайди.

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: «Шарқ», 1998 й. 21-б.

Цивилизация одамлар мавжудлиги ва ижтимоийлигининг хусусияти ва йўналишини белгилайди. Ижтимоий нормаларнинг муҳимлиги уларни узатишнинг тегишли усуллари (коммуникация воситалари)ни ва уларни мустаҳкамловчи институтларни шакллантиришни тақозо этган. Ҳар бир цивилизация ижтимоий нормаларда ўзига хос ифодасини топган ижтимоий тажрибани аниқлаш, сақлаш ва авлоддан-авлодга қолдириш алоҳида тизимини яратган. Жазолар тизими, шунингдек, жамоа, оммавий онг шакли сифатида дин ва унинг номидан иш кўрувчи ижтимоий институтлар ижтимоий нормаларни сақлаш ва ижро этиш кафили ҳисобланган. Дин ва черков таъсирида цивилизация қиёфа касб этган. Ҳуқуқий нормаларнинг тармоқланган тизимини ўз ичига олган давлатдан иборат олий ҳокимият цивилизациянинг уни сақлашни кафолатлайдиган олий бирлаштирувчи асос сифатида амал қилган. Турли цивилизациялар давлат ҳокимиятининг турли: теократик, табақавий, ҳуқуқий, сиёсий тизимларини яратган.

Марказий Осиёда цивилизация ахлоқ шаклида юзага келган. У ўзида яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат ўртасидаги курашда яхшилик ва муҳаббат ғалабаси билан боғлиқ маънавий ахлоқий меъёрларни мужассамлаштирган. Инсон моҳиятида акс этувчи бу меъёрлар шарқ цивилизациясининг асосини ташкил қилган.

Ижтимоий муносабатлар, одамлар фаолияти ва хулқ-атворини тартибга солувчи нормалар универсал тизимининг таъсирини ўрганиш цивилизацияларнинг ранг-баранглигини тушунтириш имконини беради. Улар, биринчидан, ҳукмрон диний ва дунёқарашга доир мўлжалларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий жараёндаги ўрни билан; иккинчидан, уларнинг техник-иқтисодий ривожланиш даражаси билан; учинчидан, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар суръати, шунингдек, уларнинг манбалари, механизмлари хусусияти ва уйғунлик даражаси билан фарқ қилади. Цивилизациянинг ҳар бир типи сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўз ҳуқуқий қоидаларининг хусусияти билан тавсифланади. Цивилизациялар ахборотни кодлаштириш, сақлаш ва авлоддан-авлодга қолдириш усуллари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Жамиятнинг цивилизацион асослари цивилизациялар типологиясида, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Бунда цивилизацияларнинг европача ва ноевропача типларини фарқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу фарқлар шу даражада каттаки, европача цивилизация қадриятлари узоқ вақт олий қадриятлар сифатида тавсифланган. Хўш, европача ва ноевропача цивилизациялар ўртасидаги фарқ нимада?

Цивилизацияларнинг типлари. Ноевропача цивилизациялар анча катта гуруҳни ташкил этади (А.Тойнби таснифига кўра, бундай цивилизациялар 21 та). Бу цивилизацияларнинг аксарияти бетакрор тарзда ўзига хос ва айни вақтда, умумий типологик жиҳатларга эга. Булар европача цивилизациядан анча олдин вужудга келган анъанавий цивилизациялардир. Анъанавий жамият жуда суст ривожланади ва мавжуд ҳаёт тарзини асрлар ва ҳатто минг йилликлар оша сақлашга қодир. Ноевропача цивилизацияларнинг хўжалик фаолияти қишлоқ хўжалик-ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва технологиясининг ҳукмронлигига асосланади. Анъанавий цивилизациянинг маънавий соҳасида диний-мифологик тасаввурлар ҳукм суради, илмий билимларнинг дастлабки шакллари асосан мавжуд фао-

лият турлари учун рецептура вазифасини бажаради. Ноевропача цивилизациялар эволюцияси цикллилиги ва ўзига хос институтлар ва нормаларга эга бўлган давлат вақти-вақти билан дам кучайиб, дам заифлашиб туриши билан тавсифланади. Бундай жамият ҳалокати цивилизация типини ўзгартирмайди, у ижтимоий ворисийлик механизмлари ёрдамида авлоддан-авлодга ўтади.

Европача цивилизация ижтимоий ва маданий ривожланишнинг алоҳида типи бўлиб, у Европада тахминан XV–XVII асрларда шаклланган. Унинг ўтмишдошлари антик дунё маданиятлари ва Европа христианча анъанасидир. Уйғониш даврида бу икки анъана синтези техноген цивилизациянинг теран ўзига хослигини ва унинг техника ва технология жадал суръатларда ривожланишини, одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар тубдан ўзгаришини таъминлаган маданиятини шакллантирди. Унинг замирида ҳуқуқий давлатнинг вужудга келиши, шахс ўз ташаббускорлиги, фаоллиги ва мустақиллиги билан олий қадрият сифатида ижтимоий ҳаёт марказидан ўрин олиши ётади. Одамлар ўртасида мулоқотнинг фаоллашуви ва самарали коммуникация воситалари пайдо бўлиши техноген цивилизациянинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Маданиятда илмий оқилоналик алоҳида ўзига хос қадрият сифатида ҳукм суради. Инсон табиатни фаол ва оқилона тарзда ўзгартиришига имконият яратган қонунларнинг кашф этилиши фаннинг устунлигини тасдиқлайди. Унда янгилик ва унумдорлик, билувчи субъектнинг билими, эркинлиги ва мустақиллигини тинимсиз ошириш талаблари шаклланади.

Цивилизациянинг «европача» ва «ноевропача» типлари тушунчалари умумий, муҳим, жинс билдирувчи белгиларни қамраб олади. Мазкур типлар доирасида мавжуд турга оид фарқлар пировард натижада жаҳон тарихида европача цивилизациянинг бетакрорлигини эътироф этиш билан боғлиқ. Айрим мутахассислар фикрига кўра, у анъанавий жамият маданиятининг мутацияси натижасида вужудга келган ва инсоният тарихида унинг ўхшаши мавжуд эмас. Шунга қарамай цивилизациялар типологияси европача ва ноевропача ривожланиш хусусиятлари билан чекланмайди, чунки инсоният тарихида озми-кўпми ўхшаш бўлган кўп сонли цивилизациялар мавжуд.

Жумладан, *маданий-тарихий бирлик белгисига кўра, Ғарбий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларини, шунингдек, европача цивилизацияга мансуб бўлган, лекин ўз маданиятининг хусусиятига кўра фарқ қиладиган АҚШ ва Канадани фарқлаш мумкин.*

Вужудга келиш ва ҳалок бўлиш даврига кўра ҳозирги замон цивилизациялари ва ўлик цивилизациялар (масалан, мексика, халдейлар ёки қадимги сомийлар цивилизацияси) фарқланади.

Цивилизациялар типологиясида маданий-диний бирлик белгиси, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. А.Тойнби, С.Хантингтон ва бошқа олимлар таклиф қилган цивилизациялар таснифида диний омил муҳим роль ўйнайди. *А.Тойнби таснифига кўра, ҳозирги вақтда, Ғарб – христиан, православ-христиан, ислом, ҳинд, Узоқ Шарқ цивилизациялари мавжуд.*

О.Тоффлер, Д.Белл, К.Пекка ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини таснифлаш учун асос қилиб олиб, *қуйидаги цивилизацияларни фарқлайдилар:*

– илк цивилизация (архаик, анъанавий ёки ибтидоий жамоа);

– қишлоқ хўжалик-ҳунармандчилик цивилизацияси;

– индустриал (саноатлашган) цивилизация;

– ҳозирги постиндустриал ёки информацион цивилизация.

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт хусусиятига кўра анъанавий, либерал ва оралиқ цивилизациялар фарқланади.

Либерал цивилизация *ёки Ғарб цивилизацияси маданий ва сиёсий плюрализм ҳамда жамиятнинг асосий қадрияти – ҳуқуқ тизимининг вужудга келиши билан боғлиқ.* Унинг илдизлари хусусий мулк ва эркин бозор ҳукм сурган даврда вужудга келган антик цивилизацияга бориб тақалади. Ўз навбатида, бозор ва хусусий мулк индивид учун кафолатларни, мулкдор имтиёзларини, мулкдорлар гуруҳининг маъмуриятдан устунлигини, шахс эркинлиги ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш тамойилларини ўз ичига олган ҳуқуқий тамойиллар ва институтлар тизими вужудга келишига сабаб бўлган.

Анъанавий цивилизациялар *ижтимоий ҳаётнинг варварликка чек қўйиш билан боғлиқ дастлабки шаклидан иборат*. Булар барча аъзолари бевосита эмоционал мулоқот жараёнида бўлган нисбатан кичкина локал ҳамжамиятлардир. Улар жамоа қадриятларининг устунлиги, қабила оқсоқолларига нисбатан ҳурмат, ўтмишга қараб мўлжал олишга асосланган. Анъанавий цивилизациянинг ўзига хос жиҳатлари – паст малакали, лекин анча кенг бюрократияга таянувчи жабр-зулмга асосланган ҳокимият, табақаларнинг ҳуқуқсизлиги, жамоавий тузилма, ҳуқуқнинг норасолиги, индивиднинг камситилиши кабилардир.

Оралиқ цивилизация *ёки ўтиш даври цивилизацияси улкан иншоотлар (тўғонлар, каналлар ва ш.к.) барпо этиш, янги ҳудудларни босиб олиш ёки ўз ҳудудини ташқи душмандан ҳимоя қилиш (масалан, Буюк Хитой девори) зарурияти туфайли вужудга келади.* Натижада, анъаналари ва қадриятларига кўра, ҳар хил локал ҳамжамиятларнинг механик бирлашуви юз беради. Мазкур бирлашув расмий хусусият касб этади ва идрок этиш анча қийин бўлган норматив-ҳуқуқий қоидаларга мувофиқ ва жамиятни ташкил этишнинг локал ҳамжамиятлар кўниккан ҳаёт тарзига зид бўлган шаклларида амалга оширилади. Аксарият ҳолларда жамиятни бирлаштириш вазифаси давлат томонидан ва асосан, куч ишлатиш йўли билан ҳал қилинади. Айни шу сабабли нормалар тизими, асосан, бирлаштирувчи механизм сифатидаги давлат эҳтиёжларини акс эттиради. Бундан ўтиш даври цивилизацияларига хос бўлган ҳуқуқий нигилизм келиб чиқади. Давлат қадриятлари ва локал ҳамжамиятларнинг қадриятлари асосан бир-бирига зид бўлгани боис уларнинг ўртасида тўқнашув юз бериши мумкин. Қаттиқ давлат интизоми, кўп сонли солиқлар тўлаш, амалдорларнинг ўзбошимчалиги, рекрут мажбурияти, урушларда иштирок этиш зарурияти каби давлатнинг бу талаблари аҳолининг аксарият қисмида норозилик уйғотади.

Шундай қилиб, жамиятнинг муҳим хусусиятлари ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг кенг кўламли шакли саналган цивилизацияга асосланади. Цивилизациялар вақтда ва маконда ўта барқарор бўлади, индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг алоқаларини тартибга соладиган ва жамиятнинг моддий асосларини ҳам, маънавий асосларини ҳам белгилайдиган умумий нормаларга асосланади. Улар маданият ва ижтимоий муносабатларнинг умумий шаклларини

яратиб, жамият ҳаётининг тизим ташкил этадиган муҳим асоси сифатида амал қилади. *Цивилизация – авлодлар ворисийлигини таъминловчи тарихий тажриба манбаидир.*

Цивилизация ижтимоий ҳаётнинг барча омилларини: маданият ва маданиятсизликни, ютуқлар ва камчиликларни ўзида бирлаштиради. Маълумки, жамият ривожланишига қараб унинг нормалари эскириб боради. Улар мазкур социумнинг ўзгарган яшаш шароитлари билан тўқнашиб, унинг мавжудлигига тўғридан-тўғри таҳдид солади. Аммо, муҳими шундаки, нормалар ўз ҳолича жамиятнинг сақланишини кафолатламайди, улар мазкур нормаларга амал қилишга, улардан ўз фаолиятида фойдаланишга, уларни ўзига хос тарзда талқин қилишга қодир бўлган одамларни шакллантиришни назарда тутади. Шу сабабли маданият цивилизациянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Маданият, унинг тузилиши ва ижтимоий функциялари. Маданият тушунчасига турли луғатларда, файласуфлар ва олимларнинг асарларида берилган таърифларни таққосласак, уларнинг ўртасида жиддий фарқ мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бу тасодифий бир ҳол эмас. Маданият – шахс ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи ўта серқирра ҳодиса. Маданият нима, деган саволга жавоб топиш у қай тарзда вужудга келган ва турли, айрим жиҳатларга кўра эса бир-бирига зид маданиятларнинг мавжудлик сабаби нимада, деган саволларга жавобни ҳам назарда тутади.

«Маданият» атамаси арабча – «мадина» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «шаҳар», деган маънони англатади. Араблар кишилар ҳаётини икки турга ажратиб, бирини – бадавий ёки саҳройи турмуш, иккинчисини – маданий турмуш, деб атаганлар. Тугаб бораётган Рим империясида, кейинчалик эса, Ўрта асрларда ҳам маданият тушунчаси шаҳардаги турмуш тарзи ва цивилизация неъматлари билан боғланган.

Марказий Осиёда маданият ахлоқ кўринишида шаклланган. Шу боис, энг қадимги даврлардан ҳозирги кунгача ҳам юртимизда маънавий маданият, гўзалликка интилиш, санъатни қадрлаш кабилар устуворлик қилади. Уйғониш даврида маданият шахсий баркамоллик белгиси сифатида қаралган. Шу даврда маданиятни маънавий фаолиятнинг турли соҳалари: вужудга келаётган фан, ахлоқ, санъат, фалсафа, дин билан боғлаш одати пайдо бўлган. Маданият хулқ-атвор андозалари мажмуи сифатида, маънавий фаолият антик анъанасининг давоми сифатида эътироф этилган. Шу маънода маданият тушунчаси ижтимоий-илмий муомаладан ўрин олган XVIII асргача амал қилган.

Маърифат даври файласуфлари маданиятга инсон фаолиятининг алоҳида мустақил ва ўзига хос жабҳаси сифатида қарайдилар. Уларнинг талқинида, жамият ва шахс ҳаётининг барча соҳаларида ақл, оқилоналик тамойилларининг қарор топиши маданиятнинг энг муҳим жиҳатидир. Ақлнинг вазифаси инсоният олдига умумий аҳамиятга эга бўлган мақсадларни қўйиш ва ижтимоий ўзгаришларни ўзига бўйсундиришдан иборат. Маърифат даврида маданият деб ҳисоблаш мумкин бўлган нарсаларни саралаш мезонлари яратилди. Маданий фаолият интеллектуал, ижодий, самарали, новаторлик руҳи билан суғорилган бўлиши, яъни нафақат яратиши, балки инсон имкониятлари соҳасини тинимсиз кенгайтириши лозим эди. Аммо, маданиятнинг асл моҳияти, унинг ўзига хослиги инсон

ақлининг мутлақ эркинлиги сифатидаги маънавий фаолият доираси билангина чекланарди.

Кант кўникма маданиятини ва интизом маданиятини фарқлайди. Кўникма мақсадларга эришиш қобилиятини, интизом эса – оқилона мақсадлар қўйиш ва инсон иродасини оқилона йўл танлаш имкониятидан маҳрум қиладиган майллар туткунидан халос этишни назарда тутади. Кант маданият тушунчасини фан ва санъат доираси билан чеклайди. Фанда ақл-идрокнинг қонунчилик кучи, санъатда – тасаввурнинг маҳсулдор кучи жамланади. Улар объектив билим ва субъектив сезги каби бир-бирига зиддир. Шунга қарамай Кант фан ва санъат муносабатларига бир-бирини тўлдирувчи муносабатлар сифатида қарайди.

XIX асрда маданиятга, аввало, у ёки бу типдаги жамият ҳаёти ва унинг ўз-ўзини ташкил этишидаги ролига кўра фарқланадиган қадриятлар ва ғоялар тизими сифатида ёндашила бошланди. Гегель маданиятга мутлақ ғоя ўз-ўзини англаб етишининг бошланғич ва якунловчи (фалсафа) бўғини сифатида қарайди. Гегелнинг бу назарияси XIX–XX асрларнинг маданиятга доир бир қатор концепцияларида танқид қилинади. Жумладан, «Локал цивилизациялар» концепциясида Шпенглер, халқлар маданиятига ўз ривожланиш жараёнида вужудга келиш, равнақ топиш, таназзулга учраш ва ҳалок бўлиш босқичларидан ўтадиган берк, бетакрор организмлар сифатида қарайди. Шпенглер тарихий жараённинг ўзига хос узлуклилиги далилидан маданиятларнинг кўп сонлилиги ғоясини келтириб чиқаради.

XX асрда маданиятни ўрганиш асосан этнография ва ижтимоий антропология доирасида амалга оширилади. XX асрнинг иккинчи ярмида маданиятнинг коммуникатив хоссалари ҳақидаги тасаввурлар ривожланади, унинг герменевтик талқини кенг тарқалади. Бу эса маданиятнинг тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш учун асос сифатида тилга қизиқиш кучайишига сабаб бўлади.

Жумладан, И.Каримов маданиятни маънавият билан узвий алоқадорлигини асослайди. Унинг фикрича, «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»[1].

Шундай қилиб, тарихий жараёнда шаклланган маданиятга доир ранг-баранг концепцияларда мазкур ҳодисанинг муҳим хусусиятларига тавсиф берилади. Маданиятнинг ҳозирги талқини мазкур тавсифларни ўз ичига олади. Маданият тушунчасининг мазмуни моддий ва маънавий қадриятлар, уларни яратиш, аждодлар тажрибасини ўзлаштириб, ундан янги қадриятлар яратиш учун фойдаланишга қодир бўлган инсонни шакллантириш усуллари тизимидан иборат. Маданият яхлит бўлиб, анча мураккаб тузилишга эга. Унинг элементлари турли асосларга кўра фарқланади. *Ҳар қандай маданият:*

– барқарор элементлар, яъни маданий универсалияларни;

– муайян тарихий шароитда вужудга келадиган ва йўқ бўлиб кетадиган ўткинчи элементларни ўз ичига олади.

Маданий универсалиялар. *Маданий универсалиялар қаторига ижтимоий ҳаётнинг барча умуминсоний шакллари, чунончи: ижтимоий ишлаб чиқариш,*

[1] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й. 19-б.

меҳнат ва ўйин, дам олиш ва мулоқот, жамоат тартиби ва бошқарув, таълим ва тарбия, маънавий ҳаёт (ҳуқуқий ва ахлоқий онг, санъат, дин ва ҳ.к.) киради. Улар табиий муҳитни ўзгартириш борасидаги фаолият сифатида ва янги нарсани бунёд этиш шакли сифатида вужудга келади. Элементар маданият универсалиялар: ўз баданини парвариш қилиш, болаларни тарбиялаш, овқат тайёрлаш, турар жойни йиғиштириш, ўлганларни дафн этиш ва ҳоказолар ҳам мавжуд. Ҳаёт фаолиятининг мазкур шакллари барча маърифатли жамиятларнинг ҳаёт тарзига уларнинг бутун тарихи мобайнида бетакрор тарзда хосдир.

Тарихан ўткинчи элементлар жамият эволюцияси жараёнида вужудга келадиган ва йўқ бўлиб кетадиган муайян типдаги маданиятларга хос. Маданият типи ўз ижтимоий-психологик замини, аҳоли менталитети, уни вужудга келтирган цивилизация билан узвийдир. Маданият типига хос бўлган ҳаёт тарзи, қадриятларга муносабат анъаналарнинг ворисийлиги билан қувватланади. Маданиятда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар зарурият тақозоси билан ёки тасодифан пайдо бўладиган янги хоссаларнинг ўзлаштирилиши билан белгиланади. Муайян типдаги маданият ранг-баранг ҳодисалари кенг доирасининг ички бирлиги уни бошқа маданият типларидан фарқлаш имконини берадиган рамзлар аппаратида (тилда ва мантиқий амалларда, руҳий стереотиплар ва бадиий стилистикада, расм-русумлар ва муомала одобида) намоён бўлади. Антик давр, Ўрта асрлар, Уйғониш даври ва ҳоказолар маданияти жамият, шу жумладан айрим халқлар тарихининг турли босқичларига мос келадиган маданиятнинг муайян-тарихий типларидир. Ўз навбатида, маданиятнинг муайян-тарихий типи кичик маданиятларни, яъни маданиятнинг этник, минтақавий ёки диний ўзига хослик билан белгиланган қисмларини ўз ичига олади.

Маданиятнинг ички тузилиши. Ҳар қандай маданиятнинг ички тузилиши, унинг амал қилиш хусусиятлари билан белгиланади. Маданиятнинг борлиғи, инсоният тажрибасини ўзида мужассамлаштирган алоҳида маданий предметликни яратувчи субъектнинг ўзига хос фаолияти билан таъминланади. Шундан келиб чиқиб, маданиятнинг қуйидаги муҳим элементларини фарқлаш мумкин:

– маданият субъекти;

– инсон фаолияти;

– маданий предметлилик;

– маданиятнинг асосий функцияси – аждодлар маънавий тажрибасини сақлаш, авлоддан-авлодга ўтказиш ва ўзлаштиришни амалга ошириш билан боғлиқ одамлар ўртасидаги алоқалар.

Маданият субъекти – *индивид (шахс), ижтимоий гуруҳ ёки жамият. Маданият, инсон имкониятларини, унинг қобилиятлари, билим ва кўникмаларини рўёбга чиқариш сифатидагина шаклланади ва амал қилади*. У инсоннинг ижтимоий фазилатлари, ақли, иродаси, интилишлари, бошқа кишиларга ва ўз-ўзига, табиат ва жамиятга бўлган муносабатининг яхлит тавсифини акс эттиради. *Маданият – инсоннинг руҳлантирилган фаолияти; у инсоннинг билиш қобилияти, билими, эстетик диди, иродаси, баркамоллик ва гўзаллик идеалига мувофиқ бўлган ижод қилиш қобилиятининг ривожланиш даражасини тавсифлайди.* Аммо, маданиятли одамнинг бош негизи ахлоқийлик ҳисобланади.

Маданият субъекти айрим индивид ёки ижтимоий гуруҳ бўлгани боис группа-

вий ва индивидуал маданиятнинг турли-туман шакллари фарқланади. Группавий маданият деганда, миллий маданият, манзилгоҳ (кичик, катта шаҳар ёки мегаполис, қишлоқ, шаҳарча) маданияти; синф, касбий гуруҳ ва ҳоказолар маданияти тушунилади. Группавий маданият муайян омиллар таъсирида ўзгаради, унинг янги шакллари вужудга келади. Масалан, ҳозирги замон жамиятида оммавий маданият ва элитар маданият алоҳида ўрин эгаллайди.

Элитар маданият шахсий асосни излаш ва қарор топдириш сифатида амал қилади. У жиддий, мураккаб, ўзига хос бўлиб, новаторлик хусусиятини касб этади. Унинг маҳсулоти жамиятнинг новаторларча изланишларни тушуниш ва баҳолашга қодир бўлган интеллектуал элитаси учун мўлжалланган. Оммавий маданият вужудга келишига оммавий ахборот воситалари – газеталар, оммабоп журналлар, радио, овоз ёзиш, кинематограф, телевидение, магнитли ва видеомагнитли ёзиш воситаларининг ривожланиши замин ҳозирлади.

Индивидуал маданият – инсоннинг ижтимоийлиги мезони. Инсон қандай бўлса, унинг маданияти ҳам шундай бўлади. У маданият даражаси, унинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тушунчалари билан тавсифланади. Индивидуал маданият, у ёки бу даражада тизимли хусусият касб этиши мумкин, шунингдек, у кўп сонли тасодифий тарқоқ омиллар таъсирида шаклланиши ҳам мумкин. Инсон – нафақат маданият маҳсули, балки унинг бунёдкори ҳамдир. У жамиятнинг олий қадриятларини ўзлаштиргани ва рўёбга чиқаргани, уларни ўзининг ички маънавий бойлигига айлантиргани учунгина маданиятли ҳисобланади. Инсон ҳақида унинг маданият ҳақидаги фикрларига қараб эмас, балки у мазкур тасаввурларни қандай амалга оширишига қараб хулоса чиқариш мумкин. Маданият инсон фаолиятида амалга оширилган, гавдалантирилган индивидуал ва ижтимоий онг, идеаллар ва дидлар, ахлоқий ва сиёсий мўлжаллардир. Шу сабабли маданиятнинг муҳим элементи маданий фаолият ҳисобланади.

Маданий фаолият. *Маданият – инсон дунёси, фақат унга хос фаолият усули бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида одамзод ўзи яратаётган нарсаларга руҳ бахш этади, табиатни, ўзи яшайдиган муҳитни инсонийлаштиради*. Маданий фаолият онгли ва қадриятларга қаратилгандир. Унда меъёрларга риоя қилиш ва уларда нисбатан мустақиллик, мақсадга мувофиқлик ва ноутилитарлик ўзининг уйғун ифодасини топади. Маданий фаолият умуминсоний идеаллар ва қадриятларни этник ёки минтақавий шаклда акс эттиради. Маданият жабҳасида инсон фаолияти унинг эҳтиёжлари билан белгиланади, лекин фақат уларга боғлиқ бўлмайди. Унда мақсадга эришиш учун зарур бўлган элементлар ҳам, ортиқча унсурлар ҳам мавжуд. Ортиқчалик тушунчаси, маданият ҳодисаларида, уларнинг маънавий мазмунини амалда гавдалантириш учун талаб этиладиган воситаларнинг зарур даражасидан ортиқроқ элементлар мавжудлигини англатади. Маданиятда утилитар мақсадга мувофиқлик мезони билан ўлчаш мумкин бўлмаган муҳим қадриятлар яратилади. Гарчи маданият биологик, физик, ижтимоий, техник-иқтисодий ва бошқа шунга ўхшаш омилларга таъсирчан бўлса-да, улар маданиятда ўзининг вариатив – кўп маъноли ифодасини топади. Бу маданиятда эркинлик ҳамда бутунлай янги предметлиликни яратиш имкониятлари мавжудлигидан далолат беради.

Маданиятнинг ўзига хослиги шу билан изоҳланадики, у теран шахсий мазмун

касб этадиган субъектив таассуротлар уйғотади. У, ҳатто, инсоннинг оддий маданий универсалияларга мувофиқ қондириладиган табиий эҳтиёжлари даражасида ҳам намоён бўлади. Маданият – инсон эҳтиёжларини руҳлантиради, уларга эстетик тус беради, аксарият ҳолларда табиий эҳтиёжнинг ўзидан анча узоқ бўлган рамз-аломатлар билан қуршаб олади. *Маданият – эҳтиёжларни қондиришнинг ўзига хос инсоний усули. Маданият меъёрларидан четга чиқиш – маданиятсизлик белгиси ҳисобланади.*

Маданият продуктив ва репродуктив, ижодий, анъанавий ва новаторлик фаолияти билан бирликдагина самарали ривожланади. Ҳар қандай маданий ҳодисанинг аҳамияти, унинг мазмуни объектив, субъектга олдиндан белгилангандир, чунки янги авлод маданият ҳодисаларига тайёр ҳолда дуч келади. Шу маънода маданий фаолият репродуктив хусусият касб этади. Маданий фаолият ижод, янгини яратиш соҳаси ҳисобланади. Маданият жабҳасида новаторлик изланишлари турли шаклларда амалга оширилади.

Маданий фаолият эҳтиёжлар билангина чекланмайди, чунки у мотивлар, идеаллар, қадриятлар, яъни маънавий мўлжаллар билан тартибга солинади. Улар инсонни ўз ҳаракатларида нафақат эҳтиёжларни, балки ўзи ўзгартираётган предметнинг хусусиятларини ҳам ҳисобга олишга даъват этади. Ҳайвон табиатни фақат истеъмол қилади, инсон ҳар қандай предметда нафақат ўз мақсадини, балки унинг алоҳида хоссаларини ҳам кўради. Табиатга истеъмолчилик нуқтаи назаридан ёндашиш инсоннинг ёввойилашуви, варваралашуви белгисидир.

Маданиятни фаолият усули, технологияси сифатида тавсифлаш ижтимоий ҳаёт турли ҳодисаларининг маданий томонини: меҳнат, кундалик ҳаёт, фикрлаш, ишлаб чиқариш маданиятини, сиёсий, ҳуқуқий маданиятни, ижтимоий муносабатлар ва ҳоказолар маданиятини фарқлаш имконини беради. У инсон борлиғи ва ижтимоийликнинг ҳар қандай кўриниши усулидир.

Маданий предметлилик. Инсон фаолияти – маданиятнинг зарурий элементи. У маданиятни қадриятлар яратиш жараёни сифатида тавсифлайди. Маданият – фаолиятда инсон онги воситасида рўёбга чиқарилади ва ижтимоий тажриба, фаолият усуллари ва дастурларини авлодларга қолдириш учун имконият яратадиган маданий предметлиликни ўз ичига олади. *Маданий предметлилик кенг тушунча бўлиб, у жамиятдаги билимлар, кўникмалар, меъёрлар ва қадриятларни гавдалантирувчи барча нарсаларни қамраб олади*. У моддий маданият элементлари – моддий ишлаб чиқариш воситалари, маҳсуллари ва инфратузилмасини, рўзғор буюмлари ва шу кабиларни ўз ичига олади. Маданий предметлилик тил ва нутқда, ахлоқий хулқ-атвор ва санъат асарларида, ҳуқуқий ва сиёсий хулқ-атворда, илмий асарлар ва диний расм-русумларда мужассамлашган маънавий маданиятни ҳам қамраб олади. Моддий ва маънавий маданият бир-бири билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик қуйидагиларда ўз ифодасини топади: биринчидан, ижтимоий ғоялар ва тасаввурлар ўзининг моддий ифодасини топади (тил, рамзлар, санъат асарлари ва шу кабилар кўринишида). Иккинчидан, моддий маданиятнинг ҳар қандай предметида муайян мазмун (режа, ният, кайфият, билимлар ва ш.к.) акс этади. Умуман олганда, инсоннинг меҳнат фаолияти ва ўзга фаолиятда мужассамлашган маънавий дунёси маданиятнинг мазмуни ҳисобланади. Шу сабабли, маданий предметлилик рамзий табиатга эга: нарсалар, санъат асарла-

ри, имо-ишоралар ва ҳоказоларда мазкур предметларни яратган инсон мазмуни «шифрланган» бўлади. Маданият предметларини идрок этар эканмиз, биз уларнинг мазмунини «ўқиймиз» ва уларни яратган кишилар ҳақида ахборот оламиз.

Маданият билимлар, қадриятлар ва маънолар манбаи саналган ўз тилига эга. Маданий коммуникация воситалари нафақат шахслараро мулоқот тилини, балки фан, сиёсат, тарғибот, бошқарув, дин тилларини ҳам ўз ичига олади. Улар қаторига маданий коммуникация новербаль воситалари – имо-ишора, мимика, уст-бош, заргарлик буюмлари, соч турмаги, татуировка ва шу кабилар ҳам киради. *Маданий предметлилик онгли фаолият маҳсули бўлиб, маданиятнинг ҳар бир элементида муайян мазмун акс этади, умуман маданиятда эса кишилар кўплаб авлодларининг орзу-умидлари, билим ва иштибоҳлари, қувонч ва қайғулари ўз ифодасини топади.* Маданиятнинг жамият учун аҳамияти айни шу омиллар билан белгиланади. Маданий қадриятларнинг бой берилиши авлодлар ўртасидаги алоқа узилишига сабаб бўлади, жамиятни ортга улоқтириб юборади, унинг мавжудлигини хавф остида қолдиради.

Маданий коммуникация. Маданият бойликларидан фойдаланиш уларни ўзлаштиришни, яъни шахс ва жамиятнинг маънавий ва амалий мулкига айлантиришни назарда тутади. Шу сабабли, юқорида зикр этилган предметлиликни авлоддан-авлодга қолдириш, идрок этиш ва англаб етиш борасидаги фаолият маданиятнинг муҳим элементи ҳисобланади. Маданиятнинг ҳар қандай предмети матнни эслатади. Бу матн белгиларнинг тасодифий ва мантиқсиз тўпламига эмас, балки фикрга айланиши учун уни кимдир ўқиши талаб этилади. Билим, тажриба ва фикр алмашиш маданият борлиғининг зарурий шартидир. Маданий предметлиликни яратишда, инсон ўз маънавий кучлари ва қобилиятини «моддийлаштиради», «предметга айлантиради». Маданий бойликни ўзлаштиришда эса, инсон маданий предметлиликни «моддийликдан чиқаради», унинг маънавий мазмунини аниқлайди ва уни ўз мулкига айлантиради. Шу сабабли, маданиятнинг борлиғи маданий ҳодисаларни яратувчилар ва уларни идрок этувчиларнинг мулоқотини талаб қилади. Маданиятлар мулоқоти ўзаро алоқа қилиш, маданий предметликни тушуниш, унга баҳо бериш шакли ҳисобланади ва маданий жараён марказидан ўрин олади.

Маданий жараёнда мулоқот тушунчаси кенг мазмун касб этиб, бу маданий бойликларни яратувчи ва ундан фойдаланувчининг мулоқоти, авлодлар мулоқоти, халқларнинг ўзаро алоқа қилиш ва тил топиш шакли сифатидаги маданиятлар мулоқотидир. *Маданий тафовутлар – жаҳон халқлари бетакрор тарихининг қонуний натижаси, тарихий жараённинг ранг-баранглиги манбаи.* Савдо-сотиқ ва яхши қўшничиликнинг ривожланиши, аҳоли миграциясига қараб маданиятларнинг ўзаро алоқаси муқаррар тарзда кенгаяди. У турли маданиятлар бир-бирини бойитиши ва ривожланиши манбаи бўлиб хизмат қилади. Бунда маданиятларнинг ўзаро алоқаси шакли, унинг йўналиши қандай, деган саволга жавоб топиш муҳим аҳамият касб этади. Умумий цивилизация доирасида мавжуд бўлган маданиятларнинг ўзаро алоқаси, айниқса, самарали ва шикастсиз ҳисобланади. Турли цивилизацияларга мансуб маданиятларнинг ўзаро алоқаси эса, доим ҳам ижобий хусусият касб этавермайди. Масалан, европача ва ноевропача маданиятлар, Шарқ ва Ғарб цивилизацияси маданиятларининг ўзаро алоқаси турли сценарийларга

мувофиқ амалга оширилиши мумкин: Ғарб цивилизацияси Шарқ цивилизацияларини ўз ичига олиши, Ғарб цивилизацияси Шарқ цивилизацияларига кириши, иккала цивилизациянинг биргаликда мавжудлиги (Япония). Европа мамлакатларида фан ва техника мисли кўрилмаган суръатларда ривожланиши, Ер курраси аҳолиси учун нормал яшаш шароитларини таъминлашга бўлган эҳтиёж анъанавий цивилизацияларни модернизация қилиш муаммосини кун тартибига қўйди. Аммо, модернизация қилишга уринишлар аксарият мамлакатлар учун самарасиз тугади. Анъанавий ислом маданиятларини модернизация қилиш оқибатлари, айниқса, шикастли бўлди.

Бу маданиятлар мулоқоти амалда мумкин эмас ёки анъанавий цивилизацияларни модернизация қилиш, фақат аҳолининг қадриятларга муносабати салбий томонга ўзгаришига ва дунёқарашнинг ялпи инқирозига сабаб бўлади, деган маънони англатмайди. Европача цивилизация жаҳон маданий жараёни учун андоза бўлиши керак ва ўзга маданиятларнинг европача андозага мос бўлмаган жиҳатлари сохта ёки тасодифийдир, деган тасаввурдан воз кечиш лозим. Аммо, турли маданиятларнинг ўзига хослигини мутлақлаштириш ҳам ярамайди. Ҳар бир маданият ўз маданий ўзагини сақлаган ҳолда, сиртдан таъсирлар натижасида муттасил ўзгаради, уларни ҳар хил кўринишда мослаштиради. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одамларни зарур моддий неъматлар билан таъминловчи илғор технологиялар кенг миқёсда амалга жорий этилиши, тиббий хизмат кўрсатишнинг тарқалиши, таълим ва маданият институтларининг ривожланиши, фаол маданий алоқалар – буларнинг барчаси турли маданиятларнинг яқинлашуви ва европача цивилизация ижобий таъсирининг далилидир.

Маданият ўз таркибий элементларининг яхлитлиги билан ажралиб туради. Бу яхлитлик унинг тизимлилиги, қадриятлар иерархияси, даражалари ва субординацияси мавжудлиги билан таъминланади. Анъана маданиятнинг муҳим бирлаштирувчи механизми ҳисобланади. Маданият тушунчасининг ўзи «хотира» каби анъананинг мавжудлигини назарда тутадики, уни йўқотиш жамият ҳалокати билан баробардир. Анъана тушунчаси – маданиятнинг маданий ўзак, эндогенлик, ўзига хослик, маданий мерос, маданий динамика каби омилларини ўз ичига олади.

Маданият ўзаги – маданиятнинг нисбатан барқарорлигини ва яшовчанлигини кафолатловчи тамойиллар тизими. У асрлар мобайнида шаклланади ва жамият борлиғининг ўзгарувчи шароитларига мослашиш механизмларини таъминлайди.

Эндогенлик маданиятнинг моҳияти, унинг тизимли бирлиги ички тамойилларнинг муштараклиги билан белгиланганини англатади.

Ўзига хослик – маданий ривожланишнинг нисбатан мустақиллиги ва эркинлиги билан белгиланадиган бетакрорлик.

Маданий мерос – аждодлар томонидан яратилган ва ҳар бир жамиятнинг ижтимоий-маданий жараёнига киритилган қадриятлар мажмуи. Маданият масалалари бўйича Мехикода ўтказилган Жаҳон конференциясида (1983 йил) анъана тарихнинг ҳаракатлантирувчи тамойилларидан бири сифатида эътироф этилган.

Маданият функциялари. Ижтимоий ҳодиса сифатида маданият кўп сонли функцияларни бажаради. *У инсоннинг билиш фаолиятини ўз ичига олади, ижтимоий тажрибани авлодларга қолдириш ва бошқа халқлар маданиятини ўзлаштириш воситаси сифатида информатив функцияни бажаради*. Маданий

ятнинг ривожланиши у бошқа маданиятлар билан алоқа қилишини тақозо этади. *Маданият норматив функцияни ҳам бажаради: у муайян цивилизацияда шаклланган меъёрларни амалга жорий этади, шунингдек, ўз меъёрлари ва қадриятларини яратиб, уларни инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларига татбиқ этади.* Ижтимоий-маданий жараёнда давлат ҳаёти қадриятлари муҳим аҳамият касб этади: идеократик, теократик ёки сиёсий давлат бошқа-бошқа маданий мўлжалларга таянади. Давлат ўз негизини мустаҳкамлайдиган меъёрларнинг устунлигини таъминлайди ва ўзига таҳдид солиши мумкин бўлган меъёрларни сиқиб чиқаради. Ўз навбатида, маданият ҳам ижтимоий тажрибани саралаш, уни рамзий тизимларда мустаҳкамлашни амалга оширади.

Маданиятнинг яна бир муҳим функцияси инсонни камол топтириш ҳисобланади: индивид маданиятни ўзлаштириш жараёнида шахсга айланади. Маданият норматив тартибга солинадиган фаолият саналгани боис, у қадриятларни яратиш соҳаси сифатида намоён бўлади. Маданият ҳодисалари ижтимоий ўзгаришларни бошқаради, уларни ижтимоий муҳим мақсадларни амалга оширишга йўналтиради. *Маданият қадриятлари мазкур ҳамжамиятда ижтимоий мўлжал бериш ва тартибга солиш функциясини бажаради.* Маданият ижтимоий муносабатлар тизимига хизматлар кўрсатади, бу ерда юз берувчи ўзгаришлар ва силжишларни белгилайди ва тайёрлайди, инсон хулқ-атворини тартибга солишни таъминловчи махсус механизмларни яратади. Бу, тўғридан-тўғри, бевосита тартибга солиш бўлиши мумкин (ҳуқуқ, ахлоқ, тақиқ). Бу, жамиятнинг, у ёки бу қадриятлари ва талабларини акс эттирувчи баъзи бир ҳаракатларни бажаришни буюриш орқали амалга ошириладиган билвосита тартибга солиш бўлиши ҳам мумкин.

Маданият инсоннинг жамиятдаги ўрнидан, унинг диний мансублиги ёки сиёсий қарашларидан далолат берувчи рамзларнинг кенг тизимини яратади. Баъзан мазкур гуруҳлар ёки қадриятларга бевосита мансублик рамзий хусусият касб этади: индивид диний расм-русумларда маънавий таскин топиш воситасини изламайди, лекин ўзининг диндорлигини намойиш этади; у муайян сиёсий мақсадларга эришишга ҳаракат қилмайди, лекин ўз ниятларини эълон қилади ва ҳоказо. Шунга қарамай, расм-русумларни адо этиш амалиёти ҳам, жамият талабларини тўғридан-тўғри бажариш ҳам этноснинг, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг яхлитлигини таъминлайди.

Маданият вайронкор жараёнларга қаршилик кўрсатади, чунки у қадриятларни саралаш механизмларига эга. Натижада цивилизациянинг тор тарихий аҳамият касб этувчи ҳодисалари йўқликка чекинади, тарих учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маданий ҳодисалар эса, умуминсоний маданият хазинасидан ўрин олади. Бунёдкор ҳодисаларни ҳам, вайронкор ҳодисаларни ҳам ўз ичига олувчи цивилизациядан фарқли ўлароқ, маданият ўзининг инсонийлиги, ижобийлиги билан тавсифланади. У инсон фаолияти ижодий асосининг манбаи ҳисобланади. Инсон яратган ҳар қандай предмет маданият ҳодисаси ҳисобланавермайди, худди шунингдек, ҳар қандай инсон ҳам маданиятли бўлавермайди.

Маданиятсизлик ёки маданият даражасининг пастлиги аҳолининг бир қисми ўз маданиятидан ажралиб қолганини англатади. Саводсизлик, ахлоқсизлик, маданий меъёрларга мувофиқ бўлган хулқ-атвор, мулоқот, меҳнат кўникмалари

мавжуд эмаслиги, табиатга нооқилона муносабат ва маданиятсизликнинг бошқа шунга ўхшаш кўринишлари оқилона бўлмаган маданий сиёсат ёки унинг умуман мавжуд эмаслиги натижасидир. Айни вақтда, маданиятсизлик онгли сиёсат натижаси бўлиши ҳам мумкин.

Маданият инсон фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий кичик тизимларини бирлаштиради. Аммо, маданий жараён чегараси цивилизация, унинг меъёрлари билан белгиланади. Маданият цивилизацияда чуқур илдиз отган бўлиб, у билан бир жон ва бир тан ҳисобланади. Маданият ва цивилизациянинг ўзаро алоқаси шу даражада кучлики, аксарият файласуфлар ва олимлар бу тушунчаларни айний деб ҳисоблайдилар. Бу бежиз эмас: жамиятнинг нормал ҳолатида уларни деярли фарқлаб бўлмайди. Цивилизация ва маданият бирдир: ўз маданиятисиз цивилизация бўлмаганидек, цивилизациясиз маданият ҳам бўлмайди. Маданият ҳам, цивилизация ҳам норматив табиатга эга. Уларнинг ўртасидаги фарқ шундаки, цивилизация маданий жараёнга шарт-шароит яратади, уни тартибга солади. Ўз навбатида, маданият янгилик ижодкори сифатида цивилизациянинг ривожланишига замин ҳозирлайди. Аммо маданият цивилизация билан айний эмас. У цивилизация белгилаган ижтимоий меъёрларни амалда мужассамлаштиришни назарда тутувчи эркин фаолиятдир. Маданият жамият қадриятлари, моддий ва маънавий бойликлари мажмуидир.

Цивилизация элементларидан бири сифатида маданият унга мувофиқ бўлади, лекин мустақил ривожланишга қодир элемент сифатида у цивилизация билан зиддиятга киришиши мумкин. Мазкур зиддиятнинг мавжудлиги маданиятнинг ҳам, цивилизациянинг ҳам ривожланиш манбаидир. Уларнинг ўртасида айнийлик назарий жиҳатдан фақат цивилизация маданиятга ўз ҳукмини тўла ўтказиши сифатида мавжуд бўлиши мумкин. Бу ҳаёт фаолиятининг техник-механик, маънавиятсиз шакллари ҳукм суришини, шахснинг ижодий ташаббуси бўғилишини англатган бўлур эди. Инсон ҳаётининг барча жабҳаларида унинг хулқ-атворини қаттиқ тартибга солиш жамиятни турғунлик салтанатига айлантиради. У ўзгараётган шароитларга мослашиш қобилиятини йўқотади. Шу сабабли маданиятнинг ўлими муқаррар тарзда бутун социумни ҳалокатга элтади. Бу ўз ҳалокатидан кейин бир вақтлар гуллаб-яшнаган маданият харобаларини қолдирган цивилизациялар тарихида кўп карра кузатилган.

Аммо маданият ва цивилизация ўртасида туб тафовут мавжудлиги ҳам цивилизациянинг ҳалокатига сабаб бўлади. Шу сабабли цивилизация маданиятни ижтимоий назорат қилиш механизмларига эга бўлади. Цивилизация маданиятнинг ривожланишини белгилаш ва рағбатлантириш йўли билан уни чеклайди, ўз манфаатларига бўйсундиради. Цивилизациянинг яшовчанлиги ва фаоллиги цивилизация механизмларининг маданий шакллар ранг-баранглигини ўз идеаллари ва андозаларига бўйсундириш қобилияти билан белгиланади. Зеро, маданият воситалари билан цивилизациянинг ривожланиши, унинг янги шароитларга мослашиши муаммолари ҳал қилинади. Айни вақтда цивилизациянинг мавжудлиги маданият вужудга келган андозалар, меъёрлар ва қоидаларга риоя қилишга ўзини мажбурловчи чеклашлар консерватизмига чек қўйишга қай даражада қодирлиги билан белгиланади. Маданият ўз табиатига кўра қолип ва андозаларга тоқатсиз бўлган

ижод соҳасидир. Агар у қатъий норматив чеклашларга барҳам бера олмаса, цивилизация, айтайлик, экологик ҳалокатдан ёки аҳоли сонининг ўсиши ва уни оммавий ҳалокат, очлик ва касалликлардан ҳимоя қилиш қобилияти ўртасида зиддиятларнинг кучайиши натижасида ҳалок бўлиши мумкин. Шу сабабли маданият ва цивилизация ўртасидаги зиддиятлар уларнинг ривожланиш манбаи ҳисобланади, уларнинг айнийлиги эса турғунлик ва ҳалокатни англатади.

Цивилизация маданий жараёнга умумий шарт-шароит яратади, у улкан минтақалар ва қитъаларни қамраб оладиган оламшумул ҳодисадир. Маданият цивилизация яратган заминда вужудга келади, индивидуал, бетакрор, этник хусусият касб этади. Ҳар бир социум индивидуал асосининг ифодаси сифатида маданият бир цивилизацияга мансуб халқлар ўртасидаги фарқларни белгилайди. У мазкур халққа хос бўлган, унинг этник-ижтимоий индивидуаллигини ташкил этадиган омиллар: тил, тарихий тақдир, дин, бошқа халқлар билан алоқалар ва ҳоказоларни хулқ-атвор қоидалари, одатлар, маънавий ҳаётда акс эттиради. Айни бир цивилизация кўп сонли маданиятларни яратади. Масалан, Европа цивилизацияси француз, немис, инглиз ва ҳоказо маданиятларни ўз ичига олади.

Меъёрлар, қоидалар, тақиқлар ва амр-фармойишлар мажмуи сифатида цивилизация одамлар фаолиятини ўзига бўйсундиради, уни тартибга солади. Маданият – мазкур нормаларга мувофиқ амалга ошириладиган эркин маънавий ва моддий фаолият. Аммо норматив жиҳатдан мақбул бўлган ҳар қандай ҳаракат маданий бўлавермайди. Масалан, тош қурол тенг даражада маданият предмети деб номланиши, айни вақтда яшаб қолиш воситаси ҳам бўлиши мумкин. Эркин юнон деҳқони ерга ишлов бериши маданий фаолият бўлиши мумкин, айни шу иш қул томонидан назоратчининг қамчиси остида бажарилишини эса, гарчи қул эркин одам билан айни бир деҳқончилик амалини бажараётган бўлса-да, маданий деб номлаш мумкин эмас. XX аср цивилизацияси ўзидан кейин инсон томонидан муҳандислик ҳисоб-китобларига кўра, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ яратилган чириётган сунъий денгизларни қолдирди. У Орол денгизини қуритди, лекин Каспий денгизида сувни тошириб юборди, натижада маданият объектларини сув босмоқда.

Хулосалар. Маданият инсон фаолияти билан узвийдир. Унинг тараққиёти маданий-тарихий ижодда индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар иштироки билан белгиланади. Цивилизация – ўз-ўзини қувватловчи ўзгармас жамият, ижтимоий статика манбаи. Маданият – ижтимоий динамика манбаи, у тарих талабига жавоб бериш ва ижтимоий ўзгаришларга замин яратишга қодир шахсларни шакллантиради ва айни вақтда ўзи ҳам мазкур шахслар томонидан шакллантирилади.

Тажрибавий-амалий матнлар

Жамият, ижтимоий фалсафа, маданий-тарихий типлар, ижтимоий-маданий тизимлар, меҳнат, иқтисодий кичик тизим, ижтимоий ишлаб чиқариш, моддий ишлаб чиқариш, мулк, маънавий кичик тизим, ахборот ва коммуникация, индивидуал ва ижтимоий онг, ижтимоий психология, мафкура, ижтимоий кичик тизим, катта ижтимоий гуруҳлар, этник бирликлар, институтлар, ҳудудий гуруҳлар, ижтимоий макон, сиёсат, цивилизация, маданият, маданий универсалиялар.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Жамият нима?
2. Ижтимоий ишлаб чиқариш нима?
3. Жамият кичик тизимлари нима билан тавсифланади? Уларнинг бирлиги нимада?
4. Цивилизация нима?
5. Европа цивилизацияси чиндан ҳам цивилизациянинг олий шакли ҳисобланадими ва у бутун инсоният ривожланишига йўл кўрсатишга қодирми?
6. Маданият нима? Унинг цивилизация билан алоқасига тавсиф беринг.

Рефератлар мавзулари

1. Тарихий жараённинг муқобил концепциялари.
2. Мулк ва ижтимоий тенгсизлик: уларни жамият ҳаётидан чиқариш имконияти.
3. Индивидуал ва ижтимоий онгда ижтимоий психология ва мафкура.
4. Ҳокимият ва сиёсат: афсона ва воқелик.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1. Маданий тарихий типлар назарияси қачон вужудга келди?
А. XIX аср Б. XVII аср В. XVIII аср Г. XX аср

2. Маданий тарихий типлар тушунчаси ким томонидан фанга киритилган?
А. Н.Я.Достоевский Б. П.А.Сорокин
В. Гегель Г. Т.Кун

3. Қайси олим жамиятни горизантал вертикал йўналишлар ва флуктуация тарзида мураккаб характерда бўлган ижтимоий маданий тизимларнинг ранг-баранглигини тан олиш нуқтаи назаридан тавсифлаган?
А. П.А.Сорокин Б. О.Шпенглер
В. А.Тойнби Г. Данилевский

4. «Материализмдан инсон руҳининг табиатини тушунтирувчи тамойил сифатида фойдаланиш ҳеч қачон мумкин эмас», ушбу сўзларнинг муаллифини топинг?
А. Кант Б. Дильтей В. К.Маркс Г. Хайдеггер

5. Инсониятнинг пайдо бўлишида асосан қайси омиллар роль ўйнаган?
А. Меҳнат ва бурро нутқ Б. Иқтисод
В. Эҳтиёж Г. Дин

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й.
2. Бердяев Н.А. Смысл истории. М., 1990 г.
3. Бергер П. Понимание современности // Социологические исследования. 1990. №7.
4. Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма. –М.: 1993 г.
5. Гумилев Л.Н. История людей и история природы. –М.: 1993 г.
6. Каган М.С. Философия культуры. –СП(б).: 1996 г.
7. О свободе. Антология западноевропейской либеральной мысли. –М.: 1995 г.
8. Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. –М.: 1992 г.
9. Тойнби А. Постижение истории. –М.: 1991 г.
10. Ясперс К. Смысл и назначение истории. –М.: 1991 г.
11. Прокофьева Г.П. Становление категории «Цивилизация» как универсальной единицы анализа исторического процесса : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.11. Хабаровск, 2001 г.

ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар машғулоти: Тарих фалсафаси.
Машғулот режаси	1. Тарихнинг мазмунини аниқлаш йўлидаги изланишлар. 2. Тарих фалсафасининг предмети, тузилиши ва функциялари. 3. Тарихий жараён йўналиши ва унинг мазмуни.
Машғулотнинг мақсади: Тарих фалсафасининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва уни баҳолаш.	
Педагогик вазифалар:	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Тарих фалсафасининг предмети.	Тарих фалсафасининг предметини ўрганилиши моҳияти.
Тарих фалсафасига оид қарашлар эволюцияси.	Тарих фалсафасига оид қарашлар эволюциясини таҳлили.
Тарих фалсафасининг тузилиши	Тарих фалсафасининг тузилиши ва унинг аҳамияти масаласи.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.

	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Тарих ва фалсафа» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси? 2. Тарихга формацион ва цивилизацион ёндашувлар? 3. Тарих фалсафасида тарихий тараққиёт ғояси?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Тарихий тараққиёт мезонлари», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Тарихнинг мазмунини аниқлаш борасидаги изланишлар. Маълумки, ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини ва унинг, жамиятнинг ривожланиш жараёнидаги ўрнини, фақат у бутун жамиятнинг ривожланиш жараёнига боғлаб, яъни умумий тарихий жараён доирасида ўрганилган тақдирдагина тушуниш мумкин. Бундан муқаррар тарзда бутун инсоният тарихига тегишли бўлган саволлар келиб чиқади: тарихий ривожланишнинг бирон-бир мақсади мавжудми; жаҳон тарихи қайси йўналишда ҳаракатланади; тарих бирон-бир муайян

мазмунга эгами? Бу саволларнинг барчасига фалсафанинг «Тарих фалсафаси» деган ном олган бўлими жавоб беради. Ҳозирги дарсликларда тарих фалсафасининг предметини, унинг тузилиши ва функцияларини ёритишга лозим даражада эътибор берилмаганини ҳисобга олиб, мазкур бўлимни айни шу муаммоларнинг таҳлилидан бошлаймиз.

Билимнинг интеграл шакли сифатида фалсафа жамият, тарих ва инсон ҳақидаги муайян-илмий тасаввурларни синтез қилади. У гуманитар фанлар – психология, санъатшунослик, семиотика, санъатга мурожаат этади. Тарих фалсафасининг асосий вазифаларидан бири – ўзгарувчан ва мураккаб ижтимоий дунёда ҳаёт мазмунига доир мўлжалларни топиш, инсоният мавжудлигининг ҳар бир муайян даврида унинг олдида турган устувор вазифаларни белгилашдир. Ҳар бир инсон ва кишилик ҳамжамияти ҳаётининг бурилиш даврларида унинг олдида ҳаёт мазмуни нимада деган савол кўндаланг бўлади.

Тарихнинг мазмун ва моҳиятини англаб етиш борасидаги илк уринишларга қадимги файласуфларнинг асарларида дуч келиш мумкин. Тарих уларнинг талқинида олдинма-кетин юз берадиган воқеалар мажмуи сифатида намоён бўлган. Тарих тавсифи анча тўлиқ бўлган, баъзан бўяб кўрсатилган, лекин уларнинг ҳикоятлари тарих ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини бермаган. Бу нарратив тарихдир (тарихчининг талқини, интерпретацияси). Кейинчалик, қадимги файласуфлар тарихни узлуксиз такрорланиб турадиган жараёнлар, «абадий ортга қайтиш» (Ф.Ницше) сифатида тасаввур қилганлар.

Диний анъана тарихнинг бутунлай бошқача талқинини таклиф қилди. Ўрта асрларда илоҳий тақдир асосий тарихий куч сифатида эътироф этилди. Тарихий воқеаларнинг ички мантиқи алоҳида мазмун касб этди: Худо нафақат тарихий жараённи бошқаради, балки адашган инсониятга гуноҳлардан фориғ бўлиш, жаннатдаги боқий ҳаётга эришиш йўлини кўрсатади. Аврелий Августин ўзининг «Илоҳий шаҳар ҳақида» асарида боқийлик ва муваққатлик, илоҳийлик ва дунёвийликнинг бирлиги тўғрисида сўз юритади. Унинг фикрича, Исо Масиҳ инсониятга боқийлик сари йўл кўрсатган. Тарихнинг мазмуни – боқийликка элтувчи йўлдан боришда, инсон ҳаётининг мазмуни эса – Худога хизмат қилиш, гуноҳлардан фориғ бўлишдадир.

Ибн Халдун тарихнинг мазмуни ҳақида мулоҳаза юритар экан, уни, инсон ҳаётининг мазмуни каби тарих тугаганидан кейингина аниқлаш мумкинлигини қайд этади. Аммо, шунга қарамай, тарихнинг мазмуни ҳақида эркинлик, ижод тушунчаларига таяниб сўз юритиш мумкин, деб ҳисоблайди. Тарихнинг ҳаракатида, Ибн Халдун, объективлашувнинг инсон устидан ҳукмини камайтирадиган, унинг эркинлиги ва ижодининг тантанасини қарор топтирадиган жараёнларни аниқлашга ҳаракат қилади.

Тарихда мазмуннинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввур, шунингдек, Ўрта асрлар фалсафаси илк бор таърифлаб берган инсониятнинг тараққиёти ғояси анча яшовчан бўлиб чиқди: у турли йўналиш ва оқимларга мансуб файласуфлар томонидан муайян фалсафий таълимотлар нуқтаи назаридан у ёки бу тарзда талқин қилинган. Масалан, Маърифат даврида барча тарихий воқеаларга оқилоналик мезонига мувофиқ баҳо берилган. Мазкур концепция энг мукаммал кўринишда, Д.Дидро ташаббуси билан яратилган «Энциклопедия»нинг фаол иштирокчила-

ридан бири, француз маърифатчиси Николай Кондорсе асарида ўз аксини топган. У ўзининг, «Инсон тафаккури тараққиётининг тарихий манзарасига чизғи» деб номланган рисоласида, кишилик жамиятининг барча жабҳаларига тафаккурнинг кириши ғоясини, мазкур жамият ривожланишининг узоқ истиқболи сифатида асослашга ҳаракат қилади.

Тафаккурнинг тантанаси ғояси, инсоният тарихининг мазмуни сифатида Гегель томонидан ҳам асосланган. У тарихга мутлақ руҳ, оламий Ақл тараққиёти сифатида ёндашган. Гегель фикрига кўра, мазкур тараққиёт ўзининг алоҳида вазифасини адо этиши лозим бўлган айрим халқлар руҳи орқали амалга ошади. Унинг фикрича, тарихий жараён «ақлга мувофиқ», яъни тасодифлардан ёки айрим шахсларнинг ўзбошимчалигидан қатъи назар ўзига йўл очадиган объектив қонуниятлар билан белгиланади. Тарихнинг мазмуни мутлақ руҳ ўзини ўзи англаб етишидадир, деб қайд этади Гегель.

Тарихнинг мазмунини аниқлаш борасидаги кейинги изланишлар амалда муайян идеал тажассуми сифатидаги тарихнинг мазмуни ҳақидаги тезиснинг кўринишлари ҳисобланади. Идеалнинг мазмуни ҳар хил, ҳатто қарама-қарши бўлиши мумкин: технократик иллюзиялар, оммавий истеъмол жамияти идеали, ахборот жамияти идеали, хусусий мулк ва эксплуатациясиз умумий тенглик жамияти ва ҳоказо. Тарихнинг мазмунини аниқлаш йўлидаги изланиш рангбаранг эканлигига қарамай, унинг ҳар бир талқини аҳоли муайян қисмининг орзу-умидларига мосдир. Тарихнинг мазмуни тушунчасининг энг теран талқинларини XX аср файласуфларидан К.Ясперс таклиф қилган. У жаҳон тарихининг мазмунини даврларнинг умуминсоний алоқаларга асосланадиган мазмун жиҳатидан боғланишида кўради. Мазкур боғланишнинг мавжудлигини тарихнинг мазмунини акс эттирадиган дунёвий вақт ўқи кафолатлайди. У Шарқ ва Ғарб маданиятларининг умумий асоси ҳисобланади. Ясперс жаҳон тарихида тилларнинг вужудга келиши, меҳнат қуроллари ихтиро қилиниши, оловдан фойдаланишга киришилиши каби тўрт босқичини фарқлайди:. Вақт ўқининг бошланиши Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Марказий Осиё, Эрон буюк маданиятлари деярли бир вақтда вужудга келган милоддан аввалги 800 ва 200 йиллар оралиғидаги даврга мос келади. Европада фан-техника даврининг бошланиши мазкур маданиятларнинг давоми (маълум маънода эса, уларнинг зидди) бўлган. Тўртинчи босқичда инсониятнинг бирлиги вужудга келади. Бу даврда жамият инсонга муносиб бўлган асослар ва тамойилларга мувофиқ ривожланади. Тоталитаризмдан бутунлай воз кечишга асосланган ҳуқуқий давлат мазкур бирликнинг кафили ҳисобланади. Тарихнинг мазмуни – умуминсоний маданиятни ва вақт ўқининг аввалида шаклланган анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришдадир.

Бугунги кунда жамиятнинг глобаллашуви муносабати билан тарихнинг мазмуни ҳақидаги масала яна кун тартибидан ўрин олмоқда. Замонлар ва халқлар алоқасини, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни қарор топтирадиган, аждодларнинг маънавий меросини сақлаш ва кўпайтиришни, ҳозирги авлодларнинг эркинлиги ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қадриятлар тизимига қараб мўлжал олувчи ғоялар яна муҳим аҳамият касб этмоқда.

XIX асрда фалсафадан социология ажралиб чиқа бошлади. Мазкур фан жами-

ятни тушунишга нисбатан фалсафий ёндашувларни асосан тан олади ва айни вақтда ўз предмети ва тадқиқот методларига эга.

О.Конт (1798–1857). Ижтимоий тадқиқотларнинг объективлигига эришиш лозим, деган ғояни ҳимоя қилган О.Конт фан сифатидаги социология асосчиси. У социологияни икки қисмга ажратади: биринчи қисм ижтимоий статикани, яъни ижтимоий тизимларнинг мавжудлик шартларини ва уларнинг амал қилиш қонунларини, иккинчи қисм эса – ижтимоий динамикани, яъни жамиятнинг ривожланиш ва ўзгариш қонунларини ўрганади. Ижтимоий статика – одам организмининг тузилишига ўхшаб кетадиган жамият «анатомияси»дир. Конт жамиятда оила, дин, давлат каби муҳим институтларни фарқлайди. У жамият ривожланишининг уч босқичи қонунини таърифлайди. Мазкур босқичлар инсоният ақлий ривожланишининг уч босқичига мос келади: теологик босқич (у қадимги давр ва илк Ўрта асрларни қамраб олади ва XIII асрда тугайди), метафизик босқич (XIV–XVIII асрлар) ва позитив босқич (XIX асрда бошланади).

Тарихни материалистик тушуниш концепцияси жамиятни ўз-ўзидан ривожланадиган, иқтисодий ривожланишнинг бир босқичидаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган ўта мураккаб тизим сифатида тавсифлайди. Жамиятнинг зиддиятли бирликни ташкил этадиган барча таркибий қисмлари моддий ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгиланади. Мазкур муносабатлар мажмуи базисни, яъни жамиятнинг иқтисодий негизини ташкил этади. Шу асосда жамиятнинг ўзига хос ижтимоий муносабатлар амал қиладиган муайян-тарихий типи шаклланади. Жамиятнинг умумий иқтисодий асосда шаклланадиган ва «алоҳида, ўзига хос хусусият»га эга бўлган типини бу таълимот ижтимоий-иқтисодий формация, деб белгиланган. Ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг ўзгаришига, пировард натижада ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектикаси билан белгиланадиган қонуний, табиий-тарихий жараён сифатида қаралган. Бу таълимот ўзини оқламади.

Г.Спенсер (1820–1903). Социологияда, органик йўналиш асосчиси, Герберт Спенсер жамиятга индивидлар бирлашмаси сифатида ёндашади. Унинг фикрича, мазкур индивидларнинг ривожланишидаги фарқлар жамият эволюциясининг дастлабки шартлари ҳисобланади. Жумладан, ибтидоий қабилалар ривожланишда оқсаганини Спенсер уларнинг қобилиятлари ривожланиш даражасининг пастлиги билан тушунтиради. Энг мослашувчан жамиятларнинг яшаш учун курашини ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуни, деб ҳисоблайди. У иқлим, табиий шароитнинг ижтимоий жараёнларга таъсирини ўрганган. Спенсер яратган таълимотни кейинчалик социологиядаги географик оқимларнинг вакиллари ривожлантирган.

Э.Дюркгейм (1858–1917). Э.Дюркгейм, жамиятни тушунишни қадриятлар тизими билан боғлаган, фақат шу йўл билан тарихни унинг ўзига хос хусусиятига мувофиқ тарзда ўрганиш мумкин, деб ҳисоблаган. Э.Дюркгейм ҳам қадриятларни жамият тузилишини белгиловчи муҳим омил деб билган. Жамият тузилмасини ўрганишга нисбатан у структуравий функционализм нуқтаи назаридан ёндашган. Жамият борлиқнинг алоҳида соҳаси бўлиб, у ўз қонунларига мувофиқ ривожланади. Ноижтимоий хусусиятга эга бўлган омиллар жамият ҳаётига жиддий таъсир кўрсатишга қодир эмас. Жамият тузилмасига Дюркгейм ўзаро таъсирга кири-

шадиган ва бир-бирини вужудга келтирадиган ижтимоий далиллар мажмуи сифатида қарайди. Ижтимоий далиллар сабабини онгдан эмас, балки бундан олдинги ижтимоий далиллардан қидириш лозим. Ижтимоий тузилма далилларнинг икки гуруҳидан таркиб топади: биринчидан, у моддий ва маънавий қадриятларни, иккинчидан, ижтимоий жамоаларни ўз ичига олади. Ижтимоий жамоаларни таҳлил қилар экан, Дюркгейм оила, касбий гуруҳ каби жамоаларни, шунингдек, меҳнат тақсимотига мувофиқ вужудга келадиган, ижтимоий бирлик (ахлоқ, дин) ни ифода этадиган ижтимоий институтларни фарқлайди. Ижтимоий жараёнда сабабият ижтимоий муҳитнинг юқорида зикр этилган элементларининг у ёки бу ҳодисани вужудга келтирадиган ўзаро таъсиридир.

Дюркгейм ижтимоий эволюция мавжудлигини қайд этади ва уни меҳнат тақсимоти билан боғлайди. У ривожланган меҳнат тақсимоти, ихтисослашув ва кооперацияни юксак даражада уюшган жамиятнинг белгиси деб ҳисоблайди. Мазкур жамият меҳнат тақсимоти мавжуд бўлмаган архаик жамиятлардан айни шу белгига кўра фарқ қилади. Меҳнат тақсимоти индивидлар ўртасидаги фарқларни белгилайди ва шахс шаклланишининг омили ҳисобланади. У одамларни ўзаро алоқадорлик тизими билан бирлаштириб, ижтимоий алоқаларга уйғун тус беради.

Дюркгейм шахс ва жамиятнинг узвий алоқасини қайд этади. Унинг фикрича, жамиятнинг тубанлашуви муқаррар тарзда шахснинг тубанлашувига сабаб бўлади. Неъматлар ва хизматларни айирбошлашнинг бузилиши натижасида юзага келадиган тенгсизлик, шунингдек, шахс ўз касбий ролига мослашмагани жамиятда синфий курашни келтириб чиқаради. Меҳнат тақсимотини мувофиқлаштиришнинг мақбул воситаларини топиш, имкониятлар тенглигини таъминлайдиган қоидаларнинг аниқ мажмуини белгилаш талаб этилади. Дюркгейм бу жараёнда социология фан сифатида, айниқса, муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблаган.

М.Вебер (1864–1920). Макс Вебер ўз социологик қарашларида Риккертнинг борлиқ ва онгнинг ўзаро алоқаси замирида субъектнинг қадриятга бўлган муайян муносабати ётади, деган ғоясига таянган. Шунга мувофиқ Вебер таҳлил қилинаётган материалнинг иқтисодий, диний ва ахлоқий қадриятлар билан ўзаро нисбатини аниқлаш лозим деб ҳисоблаган. Ўзининг «Протестантча ахлоқ ва капитализм руҳи» асарида Вебер, дастлаб, Нидерландия, Англия ва АҚШда вужудга келган саноат капитализмининг қарор топишига протестантча ахлоқ қадриятларининг таъсирини таҳлил қилади. У ҳозирги замон хўжалик ҳаётида ҳукм сураётган капитализмнинг ўзига хос хусусиятига мос келадиган хўжалик юритувчи субъектлар – тадбиркорлар ва ишчилар шаклланиши натижасида вужудга келганини қайд этади. Вебер тарихий материализмнинг ғоялар иқтисодий муносабатлар устқурмаси сифатида юзага келган, деган «содда» тасаввурларига тўғридан-тўғри эътироз билдиради ва аксинча, капитализм «руҳи» унинг вужудга келиш омили бўлган, деб ҳисоблайди.

У капитализм моделини капиталистик наф кўришга оқилона интилишдан келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. Вебер рационализм тамойиллари Ғарб маданиятининг барча ҳодисаларида: фанда, санъатда, монументал қурилмалар яратиш конструктив тамойилларида ҳукм суришини қайд этади. Оқилона ишлаб

чиқилган конституция, ҳуқуқ, оқилона яратилган қоидаларга қараб мўлжал оладиган мутахассис-амалдорлардан иборат сиёсий институт сифатидаги давлат фақат Ғарбда мавжуд. Аммо рационализм қадриятларини амалга оширишнинг энг оқилона ифодаси тадбиркорлик соҳасида мужассамлашган: ишлаб чиқаришнинг коммерциализациялашуви, бухгалтерия ҳисоботи, чайқовчиликни оқилоналаштирувчи қимматли қоғозлар ва биржалар, меҳнатни оқилона ташкил этиш ва ҳоказолардир.

Ўзининг бошқа бир қатор асарлари, чунончи: «Тушунувчи социологиянинг баъзи бир категориялари ҳақида», «Жаҳон динларининг хўжалик ахлоқи», «Хўжалик ва жамият», «Хўжалик тарихи»да Вебер ижтимоий ҳаракат ва унинг мотивацияси тушунчасини таърифлаб берди. Борлиқни тушунтириш учун у «идеал типлар» методологиясини яратди ва ундан фойдаланди. Вебер фикрига кўра, ижтимоий организм ҳужайраси ҳисобланадиган ижтимоий ҳаракат икки омил: субъектив мотивация ва бошқаларга қараб мўлжал олишни ўз ичига олади. У ижтимоий ҳаракатнинг оқилона мақсадли ижтимоий ҳаракат, оқилона қадриятли ижтимоий ҳаракат, аффектли ижтимоий ҳаракат ва анъанавий ижтимоий ҳаракат каби типларини фарқлайди.

Ўзининг ижтимоий ҳаракат концепциясини Вебер ҳокимиятни тушунишга нисбатан ҳам татбиқ этади. Ўзгаларнинг умидларига қараб мўлжал олиш ижтимоий ҳаракатнинг муқаррар белгиси бўлгани боис, ҳокимият сиёсий муносабатларда иштирок этувчи томонларнинг ўзаро умидларини назарда тутади. Шу ҳолдагина ҳокимият қонунийлик касб этади: бошқараётганлар ўз буйруқларига бўйсунишларига умид қиладилар; бошқарилаётганлар эса оқилона буйруқларни кутадилар. Вебер қонуний давлатларнинг: иш ваколатлари қонуний белгиланишининг мажбурийлигига бўлган ишончга кўра ҳукмронлик; муайян хулқ-атворга кўникиш билан белгиланган ҳукмронлик; харизматик ҳукмронлик каби уч типини фарқлайди. Бошқарувнинг оқилона-бюрократик типи вужудга келиши билан боғлиқ бўлган ҳокимиятнинг намунавий-оқилона типини, Вебер, «ҳокимият идеали», деб ҳисоблаган.

XX асрда М.Вебер илгари сурган тарихий жараённинг тенг ҳуқуқли омиллари таъсири ҳақидаги ғояси асослаб берилди. Ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги бир қанча назариялари техника, саноат, ахборот тизимлари, коммуникация, глобаллашув каби омилларни биринчи ўринга қўядилар.

И.А.Каримов (1938) тарих фалсафасини тарихий хотира билан уйғун ҳолда кўради. Унинг фикрича, «Инсон учун тархидан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»[1]. Фикрининг давомида у тарихий хотираси бор инсон иродали инсон, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади, деб таъкидлайди. Бунинг учун ҳар бир миллат ўзининг тарихий илдизларига назар солиши, у ёки бу мафкура таъсирида хаш-пўшланган тарихий хотирани ўз ҳолича, қайта тиклашга ҳаракат қилиши лозим. «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»[2]. Шундаги-

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: «Шарқ», 1998 й. 10-б

[2] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й. 4-б.

на миллат, халқ ўз-ўзини англайди. Тарихчилар миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, тарих халқ маънавиятининг асосидир.

Н.Жўраев (1952) фикрича, вақт ўтган сари инсоният тафаккури кенгайиб, ижтимоий фанлар тараққий топиб бориши натижасида тарих фалсафаси атрофидаги мулоҳазалар кенгаяди. Унинг предмети ва объектига аниқлик киритилади. Шу илмий ҳақиқатдан келиб чиқиб, Н.Жўраев ҳозирги замон тарих фалсафасининг қуйидаги вазифаларини белгилайди:

– инсоният тарихи ривожланиш қонуниятларини, уларнинг манбалари ва моҳиятини ўрганиш;

– инсоният тарихини, жумладан, миллий тарихни ҳам ҳозиргача таъсирини ўтказиб келапётган коммунистик мафкура асосидаги илмий методологияда мавжуд бўлган тамойиллардан воз кечиб, миллий истиқлол ғояси асосида ўрганиш ва даврлаштириш муаммосини ҳал этиш;

– цивилизациялар ва маданиятлар юзага келишининг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, улар инқирози сабабларини чуқур таҳлил этиш;

– тарихий жараённинг умумий шаклини таҳлил этиш, уларни ўтмиш, бугун, келажак тизимида мантиқан ўрганиш ҳамда инсоният истиқболи ҳақида тасаввурларга аниқлик киритиш;

– тарихий тараққиёт омилларини диний ва дунёвий қонунлар нуқтаи назаридан ўрганиш, назарий жиҳатдан бақувват илмий ва амалий асосланган хулосаларни ишлаб чиқиш;

– қадриятлар тизимини ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва баҳолаш;

– инсоният тарихида тўпланган моддий, маънавий ва маданий қадриятларнинг тарихий таҳлили орқали мантиқий ва фалсафий асосларини ўрганиш;

– тарихни англашнинг янги йўналишларини ҳозирги замон фалсафий тафаккур мезонлари асосида белгилаш ҳамда унга таянган ҳолда ижтимоий тараққиёт мақсадларини аниқлаш орқали, тарихнинг мураббийлик ролини ошириш;

– яхлит инсоният тараққиёти омилларини ва манбаларини ўрганиш, шу асосда жаҳон тарихий тараққиёт истиқболларини белгилаш;

– тарих фани предмети ва методологиясини ҳозирги замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш ҳамда тарихни тадқиқ этишнинг турли йўналишларини, жумладан, сиёсий тарих, иқтисодий тарих, дин тарихи, санъат тарихи, этногенезис ва бошқа йўналишлар билан муштарак ҳолда комплекс тадқиқотларни олиб бориш орқали, инсон, инсоният ва унинг тарих яхлит моҳиятини очиб бериш[1].

Ана шу вазифаларни ҳал этишда тарих фалсафаси ва тарих фанининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Унинг фикрича, бир қарашда тарих фалсафаси ва тарих фани бир-биридан айри йўналишдек кўринади. Зотан, реал жараёнга, реал воқеликка, инсоният тарихида қайсидир ҳодисага тарихчи тарих кўзи билан қараса, файласуф файласуф кўзи билан қарайди. Аслида ҳар икки қарашлар замирида инсон тақдири, тафаккур тарзи ва манфаатлар устуворлиги ётадики, бу инсон феномени ва ҳаёт фалсафасининг мантиғидир.

Тарих фалсафасининг предмети, тузилиши ва функциялари. «Тарих фал-

[1] Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: «Маънавият». 2001 й. 186-б.

сафаси» нима ва унинг предмети нимадан иборат? Бу саволга жавоб берар эканмиз, тарих фалсафаси тушунчасига «Фалсафий қомусий луғат» муаллифлари берган таърифни келтириш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз: «Тарих фалсафаси – фалсафанинг тарихий жараённи ва тарихий билишни талқин қилиш билан боғлиқ бўлган бўлими»[1]. Шундай қилиб, тарих фалсафаси фалсафанинг таркибий қисми ҳисобланади. Тарих фалсафасининг предмети эса, тарихий жараён ва тарихий билишни талқин қилиш, уларнинг мазмунини ёритиб беришдан иборат. Аммо, бу тарих фалсафасини тавсифлашга нисбатан бирдан-бир ёндашув эмас, чунки тарихий ривожланиш жараёнида тарих фалсафасининг предмети ва муаммолари сезиларли даражада ўзгарган ва ҳозирги вақтда тарих фалсафасининг турли йўналишлари томонидан ҳар хил талқин қилинади.

Масалан, антик давр тарихчилари ва файласуфлари (Геродот, Платон, Фукидид, Аристотель, Плутарх ва б.)нинг тадқиқотлари ўтган ва ҳозирги замон кишиларининг қилмишлари, табиат ва инсоннинг ўзаро алоқаси ҳақида маълумотлар йиғишдан, яъни тарихий далилларни уларни назарий жиҳатдан англаб етмасдан ва ягона фалсафий-тарихий тизимга солмасдан тавсифлаш ва ўрганишдан иборат бўлган.

Ўрта асрларда (Августин ва б.) тарих фалсафасининг предмети сифатида, аввало, Худо ва инсоннинг ўзаро алоқаси муаммоси, ҳаракатлантирувчи кучи илоҳий ваҳий саналган тарихий жараённинг мазмунини аниқлаш, тарихий асарларнинг моҳияти ва вазифасини ўрганиш амал қилган.

Шарқда тарих фалсафасининг (Беруний, Ибн Халдун, А.Б.Наршахий, Р.Ҳамадоний) предмети сифатида жаҳон тарихи, умумий тарихий тараққиёт қоидалари, йўналиш ва омилларини белгиловчи кишилик жамиятининг ўзига хос даврийлик назарияси алоҳида ўрин тутади. «Одамлар каби давлат ҳам ўзининг ҳаётий даврига эга»[2]. Беруний тарихни ўрганиш таҳлил қилиш ва сўнг хулосалар чиқариш зарулигини тавсия қилар экан, уни даврларга бўлиш, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва ана шу усул орқали ижтимоий ҳаётга, кишилик жамиятига тегишли ва асосли баҳо бериш мумкин деб ҳисоблайди.

Уйғониш даврида ва Янги даврда (Никколо Макиавелли, Жамбаттиста Вико, Фрэнсис Бэкон, Томас Гоббс ва б.) тарихнинг мақсади, йўналишини, шунингдек, тарихий жараёнда инсоннинг, синфларнинг ролини аниқлаш (Огюстен Тьерри, Франсуа Гизо, Огюст Минье) тарих фалсафасининг предметига айланган. Янги даврда «тарих фалсафаси» атамаси ҳам пайдо бўлган, уни илк бор 1765 йилда тарихчи тарихий воқеаларни шунчаки тавсифлабгина қолмасдан, балки тарихий жараённи фалсафий жиҳатдан англаб етишга ҳаракат қилиши лозим, деб ҳисоблаган француз маърифатчиси Вольтер ишлатган. Кейинчалик, тарихий жараённинг умумий қонуниятлари ва диалектикасини аниқлаш йўлида изланишлар олиб бориш Георг Гегель ҳамда диалектик материализм асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс учун тарих фалсафасининг асосий предметига айланган.

XIX аср охири – XX аср бошида тарих фалсафасининг кўпгина янги йўна-

[1] Философский энциклопедический словарь. –М.: «Современный литератор», 1989 г. с. 700.

[2] Қаранг. С.М.Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. –Т.: «Маънавият», 2003 й. 263-б.

лишлари вужудга келган. Уларнинг ҳар бири ўз тадқиқот предметига эга бўлган. Масалан, тарихнинг айланма ҳаракати назарияси намояндалари (Николай Данилевский, Освальд Шпенглер, Арнолд Тойнби), ўз ўтмишдошлари каби, ўз олдига тарихий жараён қонуниятларини аниқлаш вазифасини қўйган. Христиан тарих фалсафасининг кўп сонли йўналишлари: неотомизм (Жак Маритен, Этьен Анри Жильсон ва б.), неоавгустизм (Морис Блондель, Габриель Марсель, Жан Лакруа), тейярдизм (Пьер Тейяр де Шарден) ва қисман экзистенциализм (Карл Ясперс) намояндалари, тарихнинг мазмуни муаммосини бош муаммо, деб ҳисоблаганлар. Тарихий билиш гносеологик назарияси ва танқиди намояндалари (Вильгельм Дильтей, Бенедетто Кроче) эса, тарихшунослик (историография) доираси билангина чекланиб қолмаганлар, балки сўзнинг кенг маъносидаги тарихий онгни ҳам таҳлил қилганлар. Неокантчилик тарих фалсафаси (Вильгельм Виндельбанд, Генрих Риккерт) ва «аналитик» тарих фалсафаси (Эрнест Нагель, Карл Гемпель ва б.) ҳам ўзининг алоҳида предметига эга. XX аср тарих фалсафаси аксарият ҳозирги йўналишларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг предмети сифатида жаҳон тарихи, ҳозирги цивилизациянинг глобал муаммолари амал қилади.

Бу мухтасар шарҳдан кўриниб турганидек, турли фалсафий-тарихий мактабларда тадқиқот предмети муаммосига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Айни ҳол, аввало, шу билан боғлиқки, тарихий воқеликнинг моҳияти турли тадқиқотчилар томонидан ҳар хил тушунилиши ўз-ўзидан тарихий жараённинг, яъни «тарих фалсафаси»нинг кўп сонли фалсафий талқинларини вужудга келтиради. Аммо, мазкур ёндашувларни умумлаштириш тарих фалсафаси – бу фалсафанинг тарихий жараён мазмуни, унинг қонуниятлари ва асосий йўналишларини тушунтириш билан шуғулланувчи, шунингдек, уни билиш методларини асословчи бўлими, деган хулосага келиш имконини беради.

Тарих фалсафаси предметининг умумий тавсифи, унинг тузилиши ва функцияларини ўрганишга ўтиш имконини беради.

Тарих фалсафасининг тузилиши. Тарих фалсафасининг тузилишини тавсифлар эканмиз, бу элемент тарих фалсафаси у ёки бу йўналиши намояндаларининг методологик мўлжаллари билан узвий боғлиқ, деган хулосага келишимиз мумкин. Айни вақтда, аҳамиятсиз тафовутларни эътибордан соқит этсак, аксарият йўналишлар доирасида ўрганиладиган асосий муаммоларни қайд этишимиз мумкин. Тарих фалсафасининг асосий таркибий қисмларини айтиб ўтамиз ва уларга қисқача тўхталамиз

Тарих фалсафаси онтологияси – бу тарих фалсафасининг тарихий борлиқ муаммолари, чунончи: тарихнинг мазмуни ва йўналиши, ижтимоий тараққиёт, ижтимоий детерминизм, ягона тарихий маконнинг вужудга келиши, жаҳон тарихининг ягоналиги асосларини, инсоннинг коинотдаги ўрнини аниқлаш, тарихий вақт масаласи ва ҳоказоларни ўрганиш билан шуғулланувчи таркибий қисми. Мазкур бўлимда жамиятнинг ривожланиш мантиғини, унинг турли томонлари ўртасидаги алоқалар ва ўзаро боғланишларни ўрганиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Тарих фалсафаси гносеологияси асосий эътиборни тарихий билиш муаммоларига, аниқроқ айтганда, тарихий фактлар ва воқеаларни ўрганиш, таҳлил қилиш

ва тушунтириш, тарихий билимнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, тарихий билишда ҳақиқатнинг тагига етишга қаратади.

Тарих фалсафаси тарихи – тарих фалсафасининг вужудга келиши ва ривожланиши, тарих фалсафаси предметининг шаклланиши муаммоларини, тарих фалсафасининг турли йўналишлар ва оқимлар вужудга келишига сабаб бўлган ички дифференциацияланиш жараёнини ўрганади. Тарих фалсафаси мазкур бўлимининг муҳим муаммолари қаторига тарихий жараённи даврийлаштириш, бошқа ижтимоий фанлар орасида тарих фалсафасининг ўрнини аниқлаш масалалари ҳам киради.

Тарих фалсафаси антропологияси инсоннинг тарихий жараёндаги ўрнини, бу жараёнда тарих субъектларининг ролини аниқлайди ва «Тарихни ким ҳаракатга келтиради», деган саволга жавоб беради. Одатда, тарих фалсафасининг турли йўналишлари тарихий жараён субъектлари қаторига халқ, миллат, омма, оломон, ижтимоий синфлар ва атоқли шахсларни киритади ва қўйилган саволга ҳар хил жавоб беради.

Тарих фалсафасининг функциялари. Тарих фалсафасининг функциялари тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан, унинг предмети ва ўзига хос жиҳатларини тўла англаб етиш мумкин эмас. Тарих фалсафаси фалсафанинг таркибий қисми эканлигига асосланиб, тарих фалсафасининг функциялари, умуман, фалсафанинг функциялари билан асосан бир хил, деб тахмин қилиш мумкин. Айни вақтда, шуни ҳам унутмаслик керакки, тарих фалсафаси ўз алоҳида объекти, предмети, методлари, тадқиқот мақсадлари ва вазифаларига эга ва бу унинг муайян хусусиятлари мавжудлигидан далолат беради. Қуйида уларни кўриб чиқамиз.

Тарих фалсафасининг дунёқарашга доир функцияси шундан иборатки, у инсонда тарихга, яъни жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши, тарихий жараённинг ягоналиги ва ранг-баранглигига, унинг мазмуни ва йўналишига, инсоннинг ундаги ўрни ва ролига ва ҳоказоларга нисбатан умумий муносабатни шакллантиради.

Тарих фалсафасининг назарий функцияси шундан иборатки, у тарихий жараённи теран англаб етиш ва у ҳақда назария, яъни тарихий жараённинг мавжудлиги, мазмуни, ривожланиш йўналиши ҳақидаги қарашлар тизими даражасида хулоса чиқариш имконини беради. Тарих фалсафасининг мазкур функцияси тарихий ўтмишни назарий даражада реконструкция қилишни амалга ошириш, тарихий далиллар ва воқеаларнинг ҳаққонийлик даражасини аниқлаш учун имконият яратади.

Тарих фалсафасининг методологик функцияси унинг қоидаларини, тарихий ўтмишнинг у ёки бу ижтимоий фанлар доирасида ўрганилувчи айрим ҳодисалари ва воқеаларини ўрганиш жараёнида амалга татбиқ этиш имкониятидан иборат. Бу ҳолда, тарих фалсафасининг қоидалари ва хулосалари тарих, социология, иқтисод, сиёсатшунослик, ҳуқуқ фалсафаси, психология ва бошқа фанлар соҳасида амалга оширилувчи тадқиқотларда қудратли методологик восита ролини ўйнайди.

Тарих фалсафасининг прогностик функцияси шундан иборатки, тарихий жараён қонуниятларини билиш жамият, унинг айрим кичик тизимларининг ривожланиш тенденцияларини, тарих воқеалари, кишилар фаолиятининг яқин ва узоқ келажакдаги оқибатларини башорат қилишга ёрдам беради. Бундай башорат

негизида у ёки бу ижтимоий ҳодисалар ва умуман жамиятнинг ривожланишини прогноз қилиш мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, тарих фалсафасининг кўриб чиқилган функциялари бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирига ўтади. Уларнинг ҳар бири қолганларини назарда тутади ва уларни ўз таркибига у ёки бу тарзда киритади.

Тарих фалсафасининг ҳозирги концепциялари. «Тарих фалсафаси» атамаси нисбатан яқинда пайдо бўлган бўлса-да, дастлабки фалсафий-тарихий ғоялар қадим замонлардаёқ вужудга келган. Шу сабабли тарих фалсафасининг ҳозирги концепциялари моҳиятини яхшироқ англаб етиш учун тарихий ўзликни англашнинг тадрижий ривожланиш жараёнига назар ташлаш лозим. Тарихий жараённинг ягоналиги ва ранг-баранглиги, уни даврийлаштириш ва унинг шаклларини тизимга солиш ҳақидаги тасаввурлар, шунингдек, инсоният тарихий ривожланишини ҳаракатлантирувчи кучлар ва унинг йўналиши ҳақидаги масала ҳар доим юқорида зикр этилган жараённинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланган.

Тарихий ҳаракат йўлларини, тарихий жараён тенденциялари ва йўналишини англаб етиш муаммоси антик давр мутафаккирлари, аввало, Геродот, Фукидид, Аристотель, Теофраст, Плиний Катта ва бошқаларда кучли қизиқиш уйғотган. Бу тарихчи ва файласуфларнинг асарларида, инсониятнинг ўтмиши ва келажаги ҳақида муайян тасаввурлар, одамларнинг қилмишлари ҳақида, тарихий воқеаларнинг йўналиши ва мазмуни тўғрисида мулоҳазалар мавжуд бўлган. Кейинчалик, буларнинг барчаси жамулжам ҳолда «Тарих фалсафаси» деб номланган, лекин улар ҳали қарашларнинг мукаммал тизимини ташкил этмаган. Бундан ташқари, қадимги файласуфлар ва тарихчиларнинг аксарияти диний-мифологик дунёқарашга амал қилган. Бу дунёқарашга кўра, жамиятда, худди табиатдаги каби, айланма ҳаракат мавжуд, одамларнинг хатти-ҳаракатлари тақдирга ёки худолар иродасига бўйсунади. Буюк шахслар – жамоа оқсоқоллари, сиёсий арбоблар, қаҳрамонларга хос бўлган, ўз табиатига кўра ўзгармас саналган эҳтирос ва ирода инсон хулқ-атворини белгиловчи омил ҳисобланади.

Ўрта асрларда фалсафий тафаккурининг намояндалари – Аврелий Августин, Фома Аквинский ва бошқалар Инжил ва Юнон-рим фалсафий-тарихий тафаккурини синтез қилиб, тарихнинг янги, теологик концепциясини яратди, тарихий воқеаларнинг мазмуни, тарихий асарларнинг моҳияти ва вазифалари ҳақида янгича тасаввурларни илгари сурди. Мазкур концепцияга мувофиқ, христиан муаллифлари, тарих орқали илоҳий ниятни тушуниб етишга ҳаракат қилиб, айланма ҳаракат ғоясини рад этдилар ва тарихий жараённи ўтмишдан келажак (бўлғуси паноҳга эришиш, масиҳнинг келиши) сари чизиқли ҳаракат сифатида тасаввур қилдилар.

Марказий Осиё мутафаккири Беруний подшоликлар тарихи орқали ўтмишни даврларга бўлишни таклиф қилади. Тарих, унинг фикрича, фикр ва тафаккур манбаи. У доимо турли фанларнинг ўзаро таъсирининг узвийлиги ва уйғунлиги натижасида такомиллашади. Шу боис, тарих ҳар қандай олим учун тадқиқотнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади. Беруний тарихий тадқиқотларни бошқа турдош фанларни ўрганиш билан уйғун ҳолда олиб бориш, муайян натижага олиб келишини таъкидлайди. Зеро, тарихий манбани ўрганиш, унинг асосли ёки асоссиз эканлигин исботлаш тарихий тадқиқот учун масъулиятли жараёндир. Чунки

тарихий манба яратганлар, турли ҳужжатларни битганлар ёки ўз манфаатлари, мақсадлари доирасида далил тўплайдилар. Шу ҳолат нуқтаи назаридан Беруний, «хабар – хабарчилар туфайли рост ва ёлғон тусини олади»[1], деб эътироф этган. Тарихий ҳақиқатни тиклаш, тарихий тафаккур ва тарихий маълумотларни йиғиш, Шарқ тарих фалсафасида аниқ меъёрлар воситасида амалга оширилган.

Феодализмнинг инқирози, капиталистик муносабатларнинг ривожланиши, ҳурфикрлиликнинг кучайиши ижтимоий онг тарихга нисбатан теологик ёндашувдан халос бўлишига кўмаклашдики, бу фаннинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Уйғониш даври (XIV–XVI асрлар) мутафаккирлари, христиан тарихчиларидан фарқли ўлароқ, тарихий жараённи дунёвий шароитлардан, инсоннинг табиатидан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Масалан, Никколо Макиавелли (1469–1527) ўз асарларида моддий манфаат, хусусий мулкни асраш ва кўпайтиришга интилиш жамиятнинг ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч эканлигини исботлаб, циклли ривожланиш ғоясини асослашга ҳаракат қилди. Унинг айрим асарларида ижтимоий ҳодисаларнинг қонуниятларига доир фаразлар ҳам мавжуд, лекин у мазкур қонуниятларни таърифлашнинг уддасидан чиқмаган.

XVII–XVIII асрлар Европа учун буржуа индустриал цивилизацияси вужудга келишига ва ижтимоий ривожланиш жараёнининг жадаллашувига олиб келган саноат ва ижтимоий-сиёсий инқилоблар даврига айланди. Янги давр мутафаккирлари қарашларининг шаклланишида табиий фанлар улкан роль ўйнади. Бу даврда ижтимоий фанларнинг ривожланишига табиатшунослик шу даражада кучли таъсир кўрсатганки, тарих аксарият ҳолларда табиий-илмий нуқтаи назардан тушунтирилган.

Айни шу даврда, юқорида санаб ўтилган сабаблар таъсирида тарих фалсафасининг бир нечта «натуралистик» (лот. «naturalis» – «табиий», «натурал») концепциялари вужудга келган. Мазкур концепцияларнинг намояндалари табиатга бутун борлиқни, шу жумладан, тарихий жараённи тушунтиришнинг универсал тамойили сифатида ёндашган. Бунда натурализм тушунчаси турлича талқин қилингани боис, қуйидаги йўналишлар ажралиб чиққан: ижтимоий ҳодисалар табиий муҳит таъсирида тушунтирилган географик натурализм (Шарль Луи Монтескье, Иоганн Гердер ва б.); тарихий жараёнларни демографик детерминизм ёрдамида тушунтирган демографик натурализм (Томас Мальтус); жамиятдаги ўзгаришларни, аввало, инсон тафаккури билан боғловчи идеалистик натурализм (Клод Гельвеций, Жан Жак Руссо).

Тарихий ўзликни англашнинг ривожланишига ўз тадқиқотларида тарихни инсон ақлли табиатининг эволюцияси ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган алоҳида борлиқ сифатида фалсафий жиҳатдан англаб етишга урғу берган Вольтер (1694–1778) асарлари, шунингдек, тарихий жараён ғоясини биринчилардан бўлиб асослаб берган Мари Жан Кондорсе (1743–1794) тадқиқотлари ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Г.В.ф.Гегель (1770–1831) ижтимоий ривожланишнинг ўзига хослигини объектив идеализм нуқтаи назаридан англаб етиш йўлида янги қадам ташлади. У

[1] Беруний А. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: «Фан», 1968 й. 50-б.

тарихга ҳар бир давр бетакрор тарзда ранг-баранг бўлган ҳолда, айни вақтда, инсоният ривожланишининг қонуний босқичи саналган ягона қонуний жараён сифатида ёндашди. Бу ривожланиш табиий қонуниятлар соҳаси билан таққослаганда бошқача хусусият касб этади. Бу ерда тарихий қонунлар кишиларнинг онгли фаолияти воситасида амалга татбиқ этилади, лекин шу билан бирга тарихда муайян объектив мантиқ ҳам амалга оширилади ва тарихий жараён дунёвий ақл, мутлақ ғоянинг чексиз тарзда ўз-ўзидан ривожланиши, ўзини ўзи рўёбга чиқариш жараёни сифатида намоён бўлади.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида тарихий билим сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Турли матнларнинг тарихий ва лингвистик таҳлили, методларининг такомиллашиши, археологиянинг ривожланиши, ўтмиш гувоҳликларига янада танқидийроқ ёндашиш натижасида, тарихий билим фан мақомини қўлга киритди. Шу билан бир вақтда тарихий ва табиий-илмий билимлар бутунлай ҳар хил объектларга мансуб бўлибгина қолмасдан, ўзлари ҳам бир-биридан бутунлай фарқ қилиши янада теранроқ англаб етилди.

Тарихий ўзликни англаш жараёни эволюциясининг келтирилган тавсифи бизга тарих фалсафасининг ҳозирги концепцияларига назар ташлаш имконини беради. Бу концепциялар орасида гносеологик йўналиш (танқидий тарих фалсафаси), онтологик концепция, аксиологик концепция, тарихнинг технократик концепциялари алоҳида ўрин эгаллайди.

Тарих фалсафасининг гносеологик йўналиши XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан мазкур фаннинг мустақил йўналиши сифатида шакллана бошлади. Бу ёндашув намояндалари (Вильгельм Дильтей, Бенедетто Кроче, Георг Зиммель, Робин Коллингвуд, Раймон Арон ва б.) тарих фалсафасининг асосий предмети – тарихий ўтмишни ўрганишнинг мантиқий-назарий ва методологик муаммолари, уни назарий жиҳатдан реконструкция қилиш ва тарихий далилларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш, деб ҳисоблаганлар.

Тарих фалсафаси мазкур йўналишининг асосчиси сифатида ҳақли равишда немис маданият файласуфи Вильгельм Дильтей (1833–1911) эътироф этилади. Унинг назариясида, инсон борлиғи усули, маданий-тарихий воқелик сифатидаги ҳаёт тушунчаси марказий ўринни эгаллайди (шу сабабли, Дильтей нуқтаи назари, кўпинча, «ҳаёт фалсафаси»нинг историцистик варианти, деб аталади). Олим фикрига кўра, инсон ўз тарихига эга эмас, лекин унинг ўзи тарихдир ва айнан шунда унинг моҳияти намоён бўлади. Бошқача айтганда, Дильтей учун ҳаёт ва тарих айнийдир.

Дильтейнинг тарих фалсафасига ижтимоий ва табиий фанларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш хос. У инсон табиатни тушунтиради, ижтимоий ҳаётни эса фақат тушунади, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, мазкур тушуниш ҳар хилдир, чунки ҳар бир инсон тарихий воқеаларга ўз нисбий мушоҳадалари нуқтаи назаридан ёндашади. Бундан хулоса шуки, илмий ҳақиқатнинг тагига етиш, тарихий жараённи илмий нуқтаи назардан холисона билиш амалда мумкин эмас.

Хўш, бу ҳолда тарих фалсафаси нимани ўрганиши лозим? Дильтейнинг издоши – Коллингвуд фикрига кўра, тарих фалсафаси тарихчининг фикр-мулоҳазаларини ва шу билан бир вақтда мазкур фикр-мулоҳазаларнинг объектини ўрганади. Шу сабабли тарихий жараённи ўз ҳолича ўрганиш, тарих фалсафа-

си вазифалари қаторидан чиқариб ташланади: тарихий жараён файласуфга унда ҳодисаларнинг тарихий билим моҳиятини белгиловчи хусусиятлари тўғрисида сўз юритилгани учунгина тегишлидир.

Гносеологик йўналиш, баъзан «Танқидий тарих фалсафаси», деб ҳам аталади. Бу ҳол шу билан боғлиқки, мазкур йўналиш вакиллари тарихни танқидий ўрганишгина инсоният тарихи моделини яратиш, тарихий далилларнинг ҳаққонийлик даражасига баҳо бериш ва тарихий воқелик манзарасини назарий жиҳатдан гавдалантириш имконини беради, деб ҳисоблаганлар. Мазкур ёндашув куртакларини тарихий билишнинг методологик муаммолари, инсоният тарихининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланган неокантчилик Баден мактабидан излаш лозим. Аксарият тадқиқотчилар томонидан бу мактабнинг асосчиси сифатида француз файласуфи Раймон Арон (1905–1983) эътироф этилади. Унинг асарларидан бири «Танқидий тарих фалсафаси» деб аталади.

Онтологик концепция намояндалари тарих фалсафасининг предмети деганда ижтимоий ҳодисалар, жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар мажмуини тушунганлар. Мазкур тадқиқотлар шундай умумфалсафий онтологик муаммолар билан боғлиқки, уларни ечишда жамият тарихининг қолган ижтимоий ҳодисалардан фарқини ҳисобга олиш лозим. Ушбу ёндашув намояндалари (Р.Мель, Р.Рамон, Э.Калло ва б.) тарих фалсафасининг диққат марказида аввало онтологик муаммолар, чунончи: инсоният тарихининг мазмуни ва вужудга келиши, тарихий жараённинг моҳияти келажакни башорат қилиш имкониятлари, тарихий жараёнда инсоннинг ўрни ва роли муаммолари туриши лозим. Масалан, ижтимоий ривожланишни ҳаракатлантирувчи кучлар тўғрисидаги масалани ўрганиш жараёнида инсон онги, эркинлигининг тарихий жараёндаги роли тўғрисидаги масала юзага келади. Аммо, инсондан бошқа ривожланган онгга эга бўлган мавжудотлар фанга маълум эмаслиги туфайли, жамиятнинг ривожланишида онгнинг роли тўғрисидаги масалалар жамият, тарихий жараёнлар ҳақидаги масалалар ҳисобланади.

Тарих фалсафасининг аксиологик концепцияси тарихнинг қиммати муаммосига, шунингдек, тарихий билимнинг айрим ҳодисаларини қимматга эга ёки эга эмас деб эълон қилувчи мулоҳазалар учун оқилона асосларни аниқлашга алоҳида эътибор беради.

Мазкур концепциянинг ривожланишига немис файласуфлари – неокантчилик Баден мактаби намояндалари Вильгельм Виндельбанд (1848–1915) ва Генрих Риккерт (1863–1936) салмоқли ҳисса қўшган. Бу тадқиқотчилар фалсафани қадриятлар ҳақидаги умумий фан сифатида тавсифлаганлар. Риккерт қадриятлар «субъект ва объектнинг нариги томонида жойлашган бутунлай мустақил салтанат»ни ташкил қилади, деб ҳисоблаган. Виндельбанд ва Риккерт назарий ва амалий ақлнинг кантча тафовутидан келиб чиқиб, қадриятлар ҳақида мулоҳаза юритиш ва жоизликни билишга асосланган норматив таълимот сифатидаги тарих фалсафасини назарий мулоҳаза юритиш ва «борлиқ» ҳақидаги эмпирик маълумотларга таянувчи тажрибага асосланган фанларга қарши қўйган. Улар қонуниятни тарихий билишнинг асосий тамойили сифатида рад этиб, уни «қадриятларга мансуб деб топиш» тамойили билан алмаштирган. Виндельбанд ва Риккерт фикрига кўра, қадриятлар тарихдан устун хусусият касб этади ва жамулжам ҳолда одам-

ларга боғлиқ бўлмаган идеал трансцендентал (нариги) дунёни ташкил қилади. Бу дунёдан тегишли ғоялар, аввало, трансцендентал жоизлик ғояси келиб чиқади. У мазкур қадриятларнинг вақт ва макон билан чекланмаган шак-шубҳасиз, мутлақ аҳамиятига ишора қилади. Одамлар уларни англаб етишларига қараб қадриятларга тегишли муносабат ва талабларни яратадилар ва уларга ҳаётда, хулқ-атворда, кундалик ва тарихий фаолиятда амал қиладилар.

Виндельбанд ва Риккерт ижтимоий борлиқ ва маънавий ҳаётнинг ўзаро нисбатини ўрганиб, жамият тарихида маънавий ҳаёт борлиққа нисбатан етакчи роль ўйнайди, деган хулосага келган ва шу боис улар К.Маркс таклиф қилган, жамиятнинг ривожланишида иқтисодий омил (яъни борлиқ)нинг ҳал қилувчи аҳамияти асосланган тарихни материалистик тушунишга танқидий кўз билан қараган. Риккерт фикрига кўра, мазкур ёндашув ноилмийдир, чунки у пролетариат ғалабасини «мутлақ қадрият» деб эълон қилувчи марксизм сиёсий дастури билан белгиланади.

Бу мулоҳзалардан келиб чиққанда, тарих фалсафаси қадриятларнинг табиати ва моҳиятини, шунингдек, уларнинг одамлар ҳаёти ва фаолиятидаги аҳамияти ва тажассумини ёритиб берувчи қадриятлар ҳақидаги фан сифатида амал қилади.

Ҳозирги замон Ғарб ижтимоий фалсафаси ва тарих фалсафасида технократик концепциялар ижтимоий тафаккурнинг ижтимоий ҳаётда ва жамият тараққиётида техника ҳал қилувчи роль ўйнайди деб ҳисобловчи ва саноатлашишгина жамият ҳаёти ва шахсни оқилона тартибга солиш ва камол топтиришга қодир, деган фикрни асослашга ҳаракат қилувчи йўналишларидан биридир. Мазкур концепциялар қаторига постиндустриал жамият ёки ахборот жамияти концепциясини (Даниел Белл, Олвин Тоффлер), технотрон жамият концепциясини (Збигнев Бжезинский), янги индустриал жамият концепциясини (Жон Гэлбрейт)ни киритиш мумкин.

Мазкур технологик детерминизм жамият ривожланишининг асосий омиллари қаторига, аввало, ишлаб чиқариш кучлари, техника, фан ва информатиканинг ривожланиш даражасини киритади. Масалан, постиндустриализм концепцияси ҳозирги замон жамиятида иқтисодиётнинг бирламчи соҳаси қишлоқ хўжалиги, иккиламчи соҳа саноат эмас, балки ахборот ҳал қилувчи роль ўйнайдиган учламчи соҳа (хизматлар соҳаси) етакчилик қилишидан келиб чиқади. Постиндустриал жамиятда содир бўлаётган микроэлектрон инқилоб меҳнатни эмас, балки ахборотни жамиятнинг ривожланиши замирида ётувчи фундаментал ижтимоий омилга айлантириши қайд этилади.

Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси. Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси тарих фалсафасининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Унинг моҳияти кишилик жамияти ўзгарадими, агар ўзгарса, бу ўзгариш қайси йўналишда юз беради ва мазкур ўзгаришларни қандай даврийлаштириш мумкин, деган саволларга жавоб топишдан иборат.

Мазкур муаммо қадимги дунё мутафаккирларидаёқ қизиқиш уйғотган. Антик файласуфлар чизиқли тарих фалсафасининг уч муҳим йўналиши: прогрессив, регрессив ва циклли йўналишларни фарқлаганлар. Шуни қайд этиш муҳимки, бу йўналишларнинг барчаси ҳозирги вақтда ҳам ўз издошларига эга. Шу билан бир қаторда, XIX аср охири – XX аср бошларида тарихий ривожланишнинг ночизиқ концепцияси ҳам асосланган. Бу йўналишларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Антик давр мутафаккирларининг аксарияти, шу жумладан, Протагор ва Демокрит жамиятнинг ривожланиши, асосан, ёввойиликдан «олтин аср» сари юксалиб борувчи йўналишда кечган, деб ҳисоблаган. Уларни прогрессив йўналиш асосчилари деб ҳисоблаш мумкин. Бошқа мутафаккирлар (Гесиод, Сенека), аксинча, жамиятнинг ривожланиши регрессив йўналишга эга, яъни у «олтин аср»дан жамиятнинг таназзули, ахлоқнинг бузилиши ва ҳоказолар билан тавсифланувчи «темир аср» сари ривожланади, деган фикрни илгари сурган. Яна бир тоифа файласуфлар (Платон, Аристотель, Полибий) жамият юксалиб борувчи йўналишда, лекин туташ доира бўйлаб ҳаракатланади ва ҳар доим ортга, дастлабки босқичга қайтади, деб ҳисоблаган.

Ўрта асрлар файласуфлари, тарих муайян йўналишда ривожланувчи жараён эканлигини рад этмаган ҳолда, унинг йўналишини Худо белгилайди, деб ҳисоблаганлар.

Ўз асарларида тарихнинг йўналиши, шунингдек, тарихий жараёнда ягоналик ва ранг-барангликнинг ўзаро нисбати муаммоларини, айниқса, тўла қамраб олган дастлабки тадқиқотчилардан бири итальян файласуфи Жамбаттиста Вико (1668–1744) бўлган. Ўзининг «Миллатлар умумий табиати ҳақидаги янги фан асослари» деб номланган рисоласида у, жаҳон тарихининг барча халқлар учун ягона бўлган тарихий айланма ҳаракат сифатидаги дунёвий концепциясини илгари сурган. Вико фикрига кўра, барча халқлар ўз ривожланишида бир хил босқичлардан ўтади (ибтидоий варварлик («худолар асри»)дан феодализм («қаҳрамонлар асри») орқали демократик республика ёки конституциявий монархия («цивилизация асри») сари ҳаракатланади). Ҳар бир цикл мазкур жамиятнинг умумий инқирози ва парчаланиши билан тугайди. Цикл якунлангач, ривожланиш жараёни янгиланади ва айни шу босқичлардан, лекин юқорироқ даражада ўтади. Шундай қилиб, Вико ғоялари маданиятлар ва цивилизацияларнинг ривожланишида цикллилик назариялари (Данилевский, Шпенглер, Тойнби)га асос бўлган.

Ҳозирги замон тарих фалсафасида, тарихий жараён мантиғи ва йўналишини тушунтиришга нисбатан икки асосий ёндашув: формацион ва цивилизацион ёндашувлар мавжуд. Уларга батафсилроқ тўхталамиз.

Формацион ёндашув тарихни монистик, универсалистик тушунишга асосланади. У жаҳон тарихини ижтимоий-иқтисодий формациялар олинма-кетин алмашувидан иборат ягона, чизиқли-ҳужумкор табиий-тарихий жараён сифатида талқин қилади.

Ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳақидаги таълимотни Карл Маркс ўзининг «Капитал», «Сиёсий иқтисод танқидига доир» каби асарларида илгари сурган. Маркс назариясининг моҳиятини, унинг бир қанча қоидалари орқали ифодалаш мумкин:

1) ижтимоий-иқтисодий формация – сифат жиҳатидан аниқ, яхлит ижтимоий тизим бўлиб, унинг муҳим элементи одамларнинг ҳаёт фаолияти жараёнида улар ўртасида ўрнатиладиган моддий (иқтисодий), маънавий (мафкуравий) ва бошқа алоқалар ва муносабатлардир. Моддий ва маънавий муносабатларнинг ўзаро алоқасида моддий муносабатлар етакчи роль ўйнайди. Уларнинг ўзагини ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил қилади. Айнан ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий тизим фаолиятини белгиловчи асос ҳисобланади;

2) ижтимоий-иқтисодий формация турли мамлакатларда улар ривожланишининг муайян босқичида ижтимоий ҳаётга хос бўлган умумий жиҳатларни акс эттиради. Капитализмни ўрганиш ва турли мамлакатлардаги моддий ва маънавий муносабатларни таққослаш жараёнида бу муносабатларнинг кўпгина томонлари такрорланишининг ва мазкур мамлакатлар ижтимоий ривожланишнинг бир босқичи – капиталистик босқичда, деган хулосага келинган;

3) ижтимоий-иқтисодий формация жамият ривожланишининг муайян босқичидир. Кўп сонли ижтимоий алоқалар орасида ишлаб чиқариш муносабатларини фарқлаш, уларнинг бир неча турлари мавжудлигини аниқлаш имконини ҳам берган; турли ижтимоий организмлар бир хил ижтимоий-иқтисодий тузилишга эга бўлиши ҳам, ҳар хил ижтимоий-иқтисодий тузилишга эга бўлиши ҳам мумкинлиги (яъни, ҳар хил типдаги ишлаб чиқариш муносабатлари) аниқланган. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳар бир типи ривожланиш босқичи, тарихий даврни, бу ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ва ўзгариши эса жамият ривожланишининг моҳиятини белгилайди, деган хулосага келинган.

Бу қоидалардан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий формация – бу жамиятнинг муайян тарихий типи, ишлаб чиқаришнинг муайян усулига асосланган ва ижтимоий тараққиёт босқичи сифатида амал қиладиган яхлит ижтимоий тизим, деган тўхтамга келиш мумкин.

«Ижтимоий-иқтисодий формация» категориясини асослаш тарихий жараённи даврийлаштириш имконини берган. У жами формацияларнинг беш типини фарқлаган: ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм, коммунизм. Жаҳон тарихий жараёни бир формациядан бошқа формацияга юксалишдан иборат бўлган чизиқли жараён сифатида тавсифлаган.

XIX асрда ишлаб чиқилган формацион ёндашув ўзини оқламади. Бунда тарихий ривожланиш жараёнини тушунтиришга нисбатан Марксниng ёндашуви эмас, балки уни догмага айлантириш ва мутлақлаштириш шаклланди. Айрим тадқиқотчилар формацион ёндашувни таҳлил қилар эканлар, унинг қуйидаги заиф жиҳатларини қайд этадилар. Биринчидан, тарихнинг ҳар қандай босқичида жамият ҳаётини ижтимоий-иқтисодий муносабатларгина белгилайди, деб айтиш ўринли бўлмайди. Иккинчидан, бир формациядан бошқа формацияга табиий юксалиш ҳақидаги монистик тасаввур инсон эркинлигига, инсоният ривожланишининг муқобил йўлларини танлашга ўрин қолдирмайди. Учинчидан, халқлар, жамиятлар, давлатларнинг ҳақиқий тарихи юксалиб борувчи чизиқ бўйлаб формацион ривожланишнинг тор доирасига сиғмайди. Мазкур ёндашув амалга татбиқ этилганда ҳар бир халқ ва цивилизациянинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги йўқолади, улар айни ҳолда келажак баркамол жамиятининг шарти сифатидагина амал қилади.

Шундай қилиб, ҳозирги давр шароитида тарихий жараённи беш ижтимоий-иқтисодий формациядан иборат бўлган чизиқли схема сифатида талқин қилишнинг бир ёқламалиги, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Жаҳон тарихий жараёни мазкур назарий моделдан бойроқ. Шу сабабли ушбу талқинни тарихни тушунишга нисбатан ўзгача, ночизиқ ёндашув билан тўлдириш талаб этилади. Цивилизацион ёндашув тарихий жараённи тушунишга нисбатан айнан шундай ёндашувдир.

Фалсафани тушунишга нисбатан цивилизацион ёндашув XIX–XX асрларда вужудга келган. У, асосан, кўп сонли маданиятлар ва цивилизациялар мавжудлиги, уларнинг локаллиги ва ҳар хиллиги ҳақидаги ғояни илгари суриши билан тавсифланади. Бу ерда ижтимоий тараққиётнинг қатъий бир чизиқли схемаси рад этилади.

Мазкур ёндашув асосчиларидан бири, табиатшунос олим Николай Данилевский (1822–1885) бўлган. У ҳар бири алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган, фаолиятнинг тўрт муҳим шакли ёки цивилизациялар «асоси» – диний, маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий асослар орқали намоён бўлувчи маданий-тарихий типлар (цивилизациялар) ҳақидаги концепцияни илгари сурган. Маданий-тарихий типлар, биологик организмлар каби, ташқи муҳит ва бир-бири билан узлуксиз кураш жараёнида бўлади ва вужудга келиш, вояга етиш, қариш ва ҳалок бўлиш босқичларидан ўтади. Жаҳон тарихининг мазмунини, Данилевский ўзининг алоҳида қонунларига биноан ривожланувчи халқлар маданий-тарихий типларининг ўз-ўзини намоён этиш хусусиятларини аниқлашдан иборат, деб билган. Данилевский маданий-тарихий типлар ривожланишининг айрим қонунларини таърифлаган: 1) бир тилда ёки ўхшаш тилларда сўзлашувчи халқлар бир маданий-тарихий типни ташкил этади; 2) маданий-тарихий тип вужудга келиши ва ривожланиши учун муайян сиёсий мустақиллик талаб этилади; 3) цивилизациянинг муваффақиятлари маданий-тарихий типнинг турли элементларига боғлиқ бўлади; 4) цивилизациянинг шаклланиш жараёни узоқ давом этади, уларнинг равнақ топиш даври эса, қисқадир; 5) цивилизациялар алоҳида ва берк шароитда ривожланади, лекин бу улар бир-бирига таъсир кўрсатмайди, деган маънони англатмайди.

Данилевскийнинг қарашларини немис мутафаккири Освальд Шпенглер (1880–1936) ривожлантирган. У ҳам ижтимоий тараққиётнинг бир чизиқли европоцентристик схемасига танқидий ёндашган. Шпенглер фалсафасида маданият асосий категория ҳисобланади. Файласуф маданият деганда ўзига ўхшаш бошқа «организмлар»дан ажралиб турадиган алоҳида «организм»ни тушунган. Бундан ягона умуминсоний маданият йўқ ва бўлиши мумкин эмас деган хулоса келиб чиққан. Шу сабабли Шпенглер жаҳон тарихининг яхлитлиги ва ягоналигини, унда «ўзгармас ва умумий» жиҳатлар мавжудлигини рад этган. У инсоният тарихида саккиз маданият: Миср, Ҳинд, Бобил, Хитой, Юнон-рим, Шарқ, Ғарбий Европа ва Майя маданиятларини фарқлаган. Шпенглер фикрига кўра, ҳар бир маданий организм маълум ҳаёт муддати (тахминан минг йил) мобайнида мавжуд бўлади, шундан сўнг у цивилизацияга айланади ва ҳалок бўлади. Ҳар бир маданият ўз теран мазмунига эга бўлади ва тарихий жараёнда бир хил аҳамият касб этади. Шпенглер тарихнинг мазмуни маданиятлар тақдири, руҳи ва тилини англаб етишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Локал цивилизациялар назариясининг яна бир тарафдори, инглиз тарихчиси ва социологи Арнольд Тойнби (1889–1975)дир. У Данилевский ва Шпенглернинг тарихнинг цикллилиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ривожлантириб, уни айрим, ўзига хос ва нисбатан берк цивилизациялар тарихларининг йиғиндиси сифатида тушунган (дастлаб, у, 23 цивилизацияни фарқлаган, кейинчалик эса, уларни 13 тагача қисқартирган). Тойнби цивилизацияларга «эволюцион типдаги

фаол тузилмалар» сифатида ёндашиб, ҳар бир цивилизацияда тарихий мавжудликнинг асосий босқичлари: вужудга келиш, ривожланиш, таназзулга учраш ва завол топишни фарқлаган. Бу асосий босқичлардан ўтгач, цивилизация, одатда, ҳалок бўлади ва унинг ўрнини бошқа цивилизация эгаллайди.

Тойнби, бу цивилизацияларда олдинма-кетин юз берувчи ижтимоий жараёнларни ўхшаш, деб ҳисоблаб, шунга асосланган ҳолда, яқин келажакда, дунё миқёсида юз берадиган воқеаларни башорат қилиш имконини берувчи, ижтимоий ривожланиш такрорийлигининг айрим формал эмпирик қонунларини келтириб чиқаришга ҳаракат қилган. У жаҳон тарихининг мазмуни диний эволюция ҳамда инсониятнинг маънавий жиҳатдан камол топиши билан белгиланади, деб ҳисоблаган.

Шундай қилиб, цивилизацион ёндашув нуқтаи назаридан тарихий жараён ҳужумкор хусусияти «юқори – қуйи» кўрсаткичлари билан эмас, балки ҳар бир цивилизация ўз ривожланиш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёнида инсоният филогенетик йўлининг барча асосий босқичларидан ўтиши ва ўз тарихи ва бетакрор индивидуаллигига эга бўлган ноёб ижтимоий тузилма сифатида қаралиши билан белгиланадиган изчил ночизиқ жараён сифатида намоён бўлади.

Формацион ва цивилизацион ёндашувларни таққослаш қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради: 1) формацион ёндашув таҳлил жараёнида бутун жамиятни қамраб олишга ҳаракат қилади ва асосий эътиборни унинг динамикасига қаратади; цивилизацион ёндашув эса, жамиятнинг бир қисмини (айрим цивилизацияни) ўрганади, жамиятни эса, статик, деб эътироф этади; 2) формацион ёндашув жамият ҳаётининг иқтисодий омилларига алоҳида эътибор беради; цивилизацион ёндашув асосий эътиборни маънавий омилларга қаратади.

Тарих фалсафаси ривожланишининг ҳозирги босқичида тарихнинг шундай бир талқини вужудга келадики, унда муаллифлар бу муқобил ёндашувларнинг ижобий ғояларидан фойдаланишга ва уларнинг камчиликлари ўрнини тўлдиришга ҳаракат қиладилар. Мазкур ёндашув «монадага доир ёндашув», деган ном олган.

Монадага доир ёндашувнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у жаҳон тарихий жараёнига кўп сонли тарихий индивидлар (социумлар)дан иборат бўлган яхлитлик сифатида қарайди. Бунда монадага доир ёндашувнинг формацион элементи тарихий ривожланишнинг айни бир босқичини бошдан кечираётган турли мамлакатлар учун умумий бўлган жиҳатларга, цивилизацион элемент эса, ижтимоий организмларнинг хусусиятларига, уларнинг бетакрорлигига эътиборни қаратади. Шундай қилиб, монадага доир ёндашув доирасида формацион ёндашувнинг умумлаштирувчи имкониятлари ва цивилизацион ёндашувнинг индивидуаллаштирувчи имкониятлари уларни қарама-қарши қўйиш асосида эмас, балки уларнинг ягоналиги ва бир-бирини тўлдиришини тан олиш асосида ҳисобга олинади ва рўёбга чиқарилади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, тарихнинг мазмуни муаммоси тарих фалсафасининг аксарият йўналишларида кўзга кўринадиган ўринни эгаллайди. Айни вақтда шундай концепциялар ҳам пайдо бўлганки, уларда тарихнинг мазмуни муаммоси марказий муаммо ҳисобланади. Бу концепцияларнинг моҳиятига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Таниқли немис файласуфи Карл Ясперс (1883–1969) яратган назарияга мувофиқ, тарихнинг мазмуни тарихнинг чегарасидан ташқарида ётади. Тарихнинг мазмуни ва негизи бутун инсоният учун умумий бўлган эътиқод билан белгиланади. Мазкур эътиқод инсоният вакилларини бир-биридан ажратмайди, балки жипслаштиради. Инсониятга бундай эътиқодни бирон-бир жаҳон дини ёки миллий дин таклиф қилолмайди.

Ясперс, жаҳон тарихининг «вақт ўқи» амал қилган даврда вужудга келган фалсафий эътиқодгина инсоният учун умумий эътиқодга айланиши мумкин, деб ҳисоблаган. Файласуф қадимги юнон файласуфлари, яҳудий халқининг пайғамбарлари, Эронда зардўштийлик динининг, Хитойда – конфуцийлик ва даосизмнинг, Ҳиндистонда – буддизм ва жайнизмнинг асосчилари бир вақтда ижод қилган милоддан аввалги 800 ва 200 йиллар оралиғидаги даврни тарихнинг универсал мазмунини намоён этган «вақт ўқи» даври, деб ҳисоблашни таклиф қилган. Мазкур даврда мажусийлик ўрнини эгаллаган жаҳон динлари пайдо бўлган ва мифологик дунёқараш ўрнида фалсафий тафаккур вужудга келган; жаҳонда деярли бир вақтда ичдан ўзаро муштарак бўлган бир нечта қудратли маънавий марказлар пайдо бўлган. «Вақт ўқи» даври инсонга ўзини инсон сифатида ҳис қилишга ёрдам берган, унинг маънавиятини уйғотган, уни маданият ва ахлоқ асослари билан ошно этган, унинг олдига инсоннинг мавжудлиги ва ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги масалаларни қўйган. Ясперс фикрига кўра, инсон ўз-ўзини англаб етиши, инсон маънавиятининг уйғониши шу вақтгача ўзаро боғланмаган локал маданиятларга бўлинган инсоният умумий тарихининг ибтидосига айланган. Шундан бери инсоният умумий тақдир ва ягона эътиқод билан боғланган. Акс ҳолда унинг тарихи ҳалокат билан тугаши мумкин. Ясперс таълимотига кўра, одамларни умумий маънавий асосларда бирлаштириш, улар ўзаро тил топишини таъминлашда коммуникация улкан роль ўйнайди, шу боис, унинг тарих фалсафаси, баъзан коммуникатив тарих фалсафаси, деб ҳам аталади.

Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси билан америкалик файласуф Френсис Фукуяма ҳам шуғулланган. У ўзи яратган «тарихнинг интиҳоси» назариясини таклиф қилган. «Тарихнинг интиҳоси»ни у шунда кўрганки, инсоният охир-оқибатда жамият ва давлатнинг оптимал шаклини, албатта, топади. Фукуяма либерал ғоялар ва қарашларни умуминсоний идеал сифатида эътироф этган, уларнинг негизида инсоннинг барча эҳтиёжлари қондирилиши ва жамиятдаги асосий зиддиятлар ҳал қилиниши лозим, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, либерализм жамиятни ташкил этишнинг оқилона шакли сифатида, ўз муқобилига эга эмас, шу сабабли инсоният олдида бу мафкурани бошқа мамлакатларга ёйиш ва шу тариқа умуминсоний давлат – сиёсий жабҳада либерал демократияни яратишдан бошқа йўл йўқ. Инсоният тарихининг мазмунини Фукуяма ана шунда кўрган.

Тарихнинг мазмунини тавсифлашга нисбатан бошқача ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, айрим файласуфлар тарих ҳар қандай мазмундан холи, одамлар учун жумбоқ деб ҳисоблаганлар ва инсоният келажагига пессимистик баҳо берганлар (Артур Шопенгауэр, Яков Бургхардт). Баъзи бир мутафаккирлар тарих воқеаларнинг оқилона тушунтириш мумкин бўлмаган иррационал оқимидир, деб ҳисоблаганлар (Фридрих Ницше, Эдуард Гартман).

Тарих фалсафасида тарихий тараққиёт ғояси ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Тараққиёт ривожланиш жараёнининг қуйидан юксакка, норасо ҳолатдан баркамол ҳолатга ўтиш билан тавсифланувчи йўналишини англатади. Тараққиёт ҳақида жамиятга татбиқан (бу ҳолда ижтимоий тараққиётни назарда тутилади) ва унинг айрим элементларига, жамиятнинг тузилиши ёки бошқа параметрларига татбиқан (бу ҳолда фан-техника тараққиётини, маънавий соҳадаги, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги тараққиёт назарда тутилади) сўз юритиш мумкин. Тараққиётнинг асосий концепцияларини биз юқорида кўриб чиқдик. Бу ерда шуни қайд этиш муҳимки, тараққиёт ўз моҳиятига кўра зиддиятлидир, чунки унинг тескари томони регресс, яъни олийдан тубанга, баркамол ҳолатдан норасо ҳолатга ўтишдир. Инсоният бирор нарсани қўлга киритар экан, муқаррар тарзда ниманидир йўқотади. Шу сабабли инсониятнинг тараққиёт ёки регресс йўлидаги ҳаракати ҳақида фақат умумий маънода сўз юритиш мумкин.

Жамият тарихини таҳлил қилар эканмиз, шуни қайд этишимиз мумкинки, ҳозирги давргача у, асосан, тараққиёт йўлидан ҳаракатланган ва бу фикрга ҳозирги тарих файласуфларининг кўпчилиги қўшилади. Аммо ижтимоий тараққиёт ғоясига ҳамма олимлар ҳам ишонавермайди, айримлар ҳатто тараққиётнинг ривожланишга шикастли таъсири ҳақида сўз юритади. Масалан, Аурелио Печчеи тараққиёт хавфли жараён эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, бу анархик жараённи сиртдан туриб тартибга солиш мумкин эмас ва у Ер юзида ҳаётнинг ривожланиши учун шикастли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига эътибор бермай, жамият эҳтиёжлари билан бирон-бир реал алоқасиз олға янги қадамлар ташлашда давом этади. Бу фикрга Элвин Тоффлер (1928 йилда туғилган) ҳам қўшилади. У тараққиёт жамият ва давлат институтларини вайрон қилувчи, қадриятларни ўзгартирувчи ва бизнинг ҳаёт илдизларимизга путур етказувчи ўзгаришлар оқимини олиб келиши ҳақида огоҳлантиради.

Тараққиёт мезонларини аниқлаш ижтимоий тараққиёт назариясининг баҳсли масаласи ҳисобланади. XVII аср мутафаккирлари, инсон ақлини тараққиёт мезони, деб ҳисоблаганлар. Кейинчалик ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражаси шундай мезон сифатида эътироф этилган. Ҳозирги вақтда тараққиётнинг асосий мезонлари сифатида, кўпинча ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, гуманистик ва бошқа мезонлар қайд этилади. Бу мезонлар ёрдамида у ёки бу ижтимоий тизимлар, сиёсий режимлар, ижтимоий ҳаракатларнинг прогрессивлик даражасини аниқлаш мумкин.

Аммо, юқорида зикр этилган мезонларнинг барчаси ижтимоий ҳаётнинг айрим томонларинигина тавсифлайди ва бутун жамият тараққиёти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Жамиятнинг инсонпарварлашуви даражасини, шахснинг ундаги ўрнини, унинг маънавий ва ижтимоий эркинлик даражасини, моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишининг сифатини жамият ривожланишининг умумий ёки умумфалсафий мезони, деб ҳисоблаш мумкин бўлса керак. Бу мезон мазкур жамиятда инсон камол топиш учун имкониятларга қай даражада эга эканлигини кўрсатади. Мазкур мезон нуқтаи назаридан ҳар бир жамиятнинг прогрессивлик даражаси, у шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари доирасини қай дара-

жада кенгайтиргани, ўз имкониятларини рўёбга чиқариши, эҳтиёжларини ривожлантириши ва уларни қондириши учун қандай шарт-шароитлар яратгани билан белгиланади.

Хулосалар. Тарих фалсафаси – бу фалсафанинг тарихий жараён мазмуни, унинг қонуниятлари ва асосий йўналишларини тушунтириш билан шуғулланувчи, шунингдек, уни билиш методларини асословчи бўлими. Қуйидагилар тарих фалсафасининг таркибий қисмлари ҳисобланади: тарих фалсафаси онтологияси, тарих фалсафаси гносеологияси, тарих фалсафаси тарихи, тарих фалсафаси антропологияси. Тарих фалсафасининг дунёқарашга доир, назарий, методологик ва прогностик функциялари фарқланади.

Тарих фалсафасининг ҳозирги концепциялари орасида гносеологик йўналиш (танқидий тарих фалсафаси), онтологик концепция, аксиологик концепция, тарихнинг технократик концепциялари алоҳида ўрин эгаллайди.

Формацион ва цивилизацион ёндашувлар тарихий жараён йўналишини айниқса, тўлиқ ва теран акс эттиради. Айрим тадқиқотчилар кўрсатилган ёндашувларга мувофиқ монадага доир ёндашувни тахмин қиладилар.

Тажрибавий-амалий матнлар

Тарих фалсафаси, формацион ва цивилизацион ёндашув, тарихий тараққиёт концепцияси, тараққиёт мезонлари, постиндустриал жамият, технологик йўналиш, аксиологик йўналиш, онтолигик йўналиш, прогресс, регресс, цивилизация.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Тарих фалсафасининг структураси



Тарих фалсафасининг функциялари



Ҳозирги замон жаҳон тарих фалсафасининг асосий йўналишлари



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. И.А.Каримов тарих фалсафаси ҳақидаги қарашларининг таҳлил қилинг
2. Тарихий жараён мазмуни ва унинг йўналиши муаммоси кимнинг ижодига мансуб?
3. Тарих фалсафасининг замонавий концепциялари қайсилар?
4. Тарих фалсафаси ва фалсафа тарихи: ўзаро уйғунлик ва фарқларни аниқланг.
5. Тарих фалсафасининг функцияларини биласизми?
6. Тарихга оид формацион ва цивилизацион ёндашувлар

Реферат мавзулари

1. А.Беруний ижодида тарих фалсафаси муаммоси.
2. Ибн Халдун тарихнинг мазмуни ҳақида.
3. Э.Тоффлер цивилизациялар тарихи ҳақида.
4. Тарих фалсафаси аксиологик йўналишининг ўзига хос хусусиятлари

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Қайси файласуф тарихга мутлақ руҳ, амалий ақл тараққиёти сифатида ёндашади?

А. Гегель

Б. Кант

В. Дидро

Г. Кандорсе

2. Монадага доир ёндашувнинг ўзига хос жиҳатини аниқланг?

А. Жаҳон тарихий жараёнига кўп сонли тарихий индивидлар (социумлар)дан иборат бўлган яхлитлик сифатида қарайди.

Б. Жаҳон тарихини тан олмайди

В. Давлатлараро алоқа воситаси сифатида намоён бўлади

Г. Миллат тараққиётини тарихга боғлайди

3. Тарих фалсафасининг дунёқарашга доир функциясини аниқланг?

А. Инсонда тарихга, яъни жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши, тари-

хий жараённинг ягоналиги ва ранг-баранглигига, унинг мазмуни ва йўналишига, инсоннинг ундаги ўрни ва ролига ва ҳоказоларга нисбатан умумий муносабатни шакллантиради.

Б. Тарихга индивидуал муносабатни шакллантиради.

В. Тарихга хусусий-илмий муносабатни шаклллантиради

Г. Тарихий тараққиётни тан олмайди

4. Тарих фалсафасининг назарий функцияси шундан иборатки, ...

А. У тарихий жараённи теран англаб етиш ва у ҳақда назария, яъни тарихий жараённинг мавжудлиги, мазмуни, ривожланиш йўналиши ҳақидаги қарашлар тизими даражасида хулоса чиқариш имконини беради.

Б. Хаосдаги тартибсиз билим беради

В. Тарихий жараёнлар мазмуни ҳақида билим беради

Г. Шахснинг тарихга индивидуал муносабатини шакллантиради

5. Онтологик концепция намояндалари тарих фалсафасининг предмети деганда

А. Ижтимоий ҳодисалар, жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар мажмуини тушунганлар

Б. Ижтимоий жараёнларнинг тарихий тараққиётга таъсирини тан олмаганлар

В. Минтақавий ва миллий низолар таъсирини тан олганлар

Г. Тарихда омманинг ролига эътибор қаратганлар

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й.
3. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: «Маънавият», 2008 й.
4. Бердяев Н. Смысл истории. –М.: 1990 г.
5. Вольтер. Философия и методология истории // Историки и история: жизнь, судьба, творчество. В 2-томах. –М.: 1998 г.
6. Фукуяма Ф. Конец истории // Вопросы философии. 1990 г. №3.
7. Шпенглер. Закат Европы. Очерки мифологии истории. В 2-х томах. 1998 г.
8. Ломоносов Ю.Л. «Конец истории» как социофилософская проблема : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.11. Москва. 2002 г.

ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯ (ИНСОН ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ)

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Маъруза: Фалсафий антропология (Инсон ҳақидаги таълимот)
Маъруза режаси	1. Инсон фалсафий муаммо сифатида. Фалсафа тарихида инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотлар. 2. Фалсафий антропологиянинг вужудга келиши ва унинг предмети. 3. Биологизаторлик ва социологизаторлик концепциялари. 4. Ҳаётнинг мазмуни.
Машғулотнинг мақсади: Фалсафий антропологиянинг вужудга келиши ва унинг тарихий аҳамиятини билиш.	
Педагогик вазифалар:	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Инсон фалсафий муаммо сифатида. Фалсафа тарихида инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотлар.	Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида қарашлар.
Инсонга нисбатан биологизаторлик ва социологизаторлик концепциялари.	Инсон ҳақида диний ва илмий қарашлар ҳамоҳанглиги.
Ҳаётда инсоннинг вазифаси ва унинг моҳияти.	Инсоннинг жамиятдаги роли.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Инсон ...» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Фалсафий антропологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши? 2. Инсоннинг биоижтимоий моҳияти. Инсоннинг кўп ўлчовлиги? 3. Ҳаётни тарк этиш босқичлари: ижтимоий, руҳий, биологик ўлим, миянинг ўлими.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Инсон космопланетар мавжудот», «Инсоннинг ҳаёти маъноси», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Инсон фалсафий муаммо сифатида. Фалсафа тарихида инсонга мурожаат этмаган, инсон моддий ва маънавий борлиғининг турли томонларини бевосита ёки билвосита таҳлил қилмаган файласуф ёки фалсафий йўналишни топиш деярли мумкин эмас. Аксарият фалсафий ва диний тизимлар, катта олам ёки макрокосмга зид ўлароқ, инсонга микрокосм ёки кичик Коинот сифатида қараб, уни бутун оламни тушуниш калити, деб ҳисоблаганлар. Файласуфлар инсон сирининг тагига етиш борлиқ жумбоғининг тагига етиш билан баробар эканлигини қайта-қайта англаб етганлар. Зеро, Форобий айтганидек, «Одамлар ўзларининг хос хусусиятларига ва табиий эҳтиёжларига кўра жамият тузадилар. Уларнинг ҳаракат ва феълларини даставвал бора-бора одатларга айланадиган табиий қобилиятлар белгилайди»[1]. Ўз-ўзингни англа ва шу орқали дунёни англайсан. Дунёни инсоннинг теран қатламларига кирмасдан, сиртдан билишга бўлган барча уринишлар, нарсалар ҳақида фақат юзаки тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Инсондан сиртга қараб ҳаракат қиладиган бўлсак, нарсалар моҳиятини ҳеч англай олмаймиз, зеро, бу моҳият инсоннинг ўзида мужассамлашган.

Бу фикр қадимги мутафаккирларгаёқ яхши маълум бўлган. Унга турли кўринишларда Шарқда ҳам, Юнон-рим фалсафий анъанасида ҳам дуч келиш мумкин. Хусусан, антик даврда Дельфидаги Аполлон ибодатхонасига кираверишда устунга ўйиб ёзилган, ривоятларга қараганда, Суқрот такрорлашни яхши кўрган «Ўз-ўзингни англа», деган ибора, айниқса, машҳур бўлган. Ажабланарлиси шундаки, орадан икки ярим минг йил вақт ўтгач, ҳозир ҳам бу фикр ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У нафақат нарсалар дунёсини, балки инсон борлиғининг моҳиятини, инсон ва ижтимоий муносабатларнинг асл табиатини тушунишга ҳаракат қилаётган ҳар бир одам учун ўз-ўзини англашга чорловчи фикр бўлиб қолмоқда. Буни фақат шу билан изоҳлаш мумкинки, айни ҳолда ҳар бир янги авлод ўз даври ҳамда табиий-илмий ва фалсафий тасаввурларнинг тегишли даражаси нуқтаи назаридан ечишга ҳаракат қиладиган ўта мураккаб, «боқий» фалсафий масалалардан бири тўғрисида сўз юритилади.

Тарихга бошқа кўп сонли иборалар ҳам маълум бўлиб, улар вақт, маданият ва диний эътиқоддан қатъи назар, инсон барча замонларда бутун дунё мутафаккирларининг диққат марказида бўлгани ва ҳозир ҳам шундай эканлиги, таянч нуқтаси ва ҳатто билиш мезони бўлиб хизмат қилишидан далолат беради. Хусусан, қадимги хитой файласуфи Лао Цзи фикрига кўра, «бошқаларни билувчи –

[1] Ал-Фараби. Философия политики. –М.: 1989 г. с. 529.

оқил, ўзини билувчи – донишманддир». Протагорнинг: «Инсон барча нарсалар мезонидир», деган фикри ҳам жуда машҳур. «Тангри салтанати бизнинг ичимиздадир», деб ўргатган Исо Масиҳ. Буддавийларнинг: «Ўзлигингга назар ташла, сен Буддасан», деган чорлови ҳам юқоридаги фикр билан ҳамоҳангдир. Исломда «Кимки ўзини билса, у Аллоҳни ҳам билгайдир», дейилади.

Демак, инсон ўзини дунёдан олдинроқ ва кўпроқ билади, айни шу сабабли, у дунёни ўзидан кейин ва ўзи орқали англаб етади. Фалсафа дунёни инсон орқали ичдан билишдир, фан эса инсондан ташқаридаги дунёни юзаки билиш демакдир. Инсонда мутлақ борлиқ, инсондан ташқарида эса – нисбий борлиқ намоён бўлади.

Дарҳақиқат, антик даврдан бошлаб инсонга бўлган қизиқиш дам кучайиб, дам маълум вақт пасайиб турган, лекин ҳеч қачон йўқолмаган. «Инсон нима», деган савол бугунги кунда ҳам аввалгидек жаҳон фалсафасидаги ўта муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда, инсониятнинг энг ўткир ақл-заковат соҳиблари эътиборидан тушмай ва айни вақтда, ўзининг узил-кесил, умумий эътироф этилган ечимини топмай келмоқда.

Инсон ҳар сафар мутафаккирлар диққат марказидан ўрин олар экан, унинг моҳиятини янги тарихий шароитда ва янгича нуқтаи назардан англаб етишга ҳаракат қилиб, уни қайта ва қайта янгидан кашф этганлар. Пировардида, фалсафа фанида инсондан мураккаброқ ва зиддиятлироқ предмет йўқ, десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Инсон барча яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ўзига хос, бетакрор ва баркамол мавжудот – чексиз микрокосм сифатида ҳам, инсон табиатининг норасолиги ва бузуқлиги туфайли ҳалокатга маҳкум бўлган табиат хатоси сифатида ҳам, Худо яратган банда сифатида ҳам, бошқа одамлар фаолиятининг маҳсули сифатида ҳам талқин қилинади. Хусусан, Шарқ мутафаккири Беруний жаҳон фанида биринчи марта инсон ва табиат, одам ва олам ўртасидаги муносабатларни дунёвий фан нуқтаи назаридан ўрганади. У, «одамлар тузилишининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одам яшайдиган жойларнинг турличалиги ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб, одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан бу иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган»[1], деб ҳисоблайди. Демак, Беруний фикрича, инсоннинг феъл-атвори ва маънавий қарашлари, сурати ва сийрати бевосита табиий муҳит таъсирида шаклланади. Зеро, айнан шу табиий муҳит, географик шароит халқлар, миллатлар шаклланишининг муҳим асоси бўла олади. «Инсон ўз табиатига кўра мураккаб танага эгадир. Инсоннинг танаси бир-бирига қарама-қарши қисмлардан иборат бўлиб, бу қисмлар тобелик кучи асосида бирлашган»[2]. Беруний фикрича, ҳамма одамларда ўзаро бир-бирига ўхшаш ва айни пайтда фарқ қилиб турадиган жиҳатлар мавжуд. Ибн Сино, «Инсон бошқа барча ҳайвонот оламидан

[1] Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: «Фан», 1968 й. 16–17-б.

[2] Қаранг: Ирисов А. Абу Райҳон Беруний ҳикматлари. –Т.: «Ёш гвардия», 1973 й. 40–43-б.

сўзи, тили ва ақли, тафаккур қилиши билан фарқ қилади. Инсон ақли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди»[1], деб ҳисоблайди. Форобий фикрича, инсон ўз табиатига кўра ҳаётини тартибга келтириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун бошқа инсонларга муҳтож бўлади. Якка ҳолда ҳеч ким бунинг уддасидан чиқа олмайди. «Инсон шундай махлуқотки, у фақат жамиятда ўз эҳтиёжларини қондириши ва олий маънавий даражага кўтарилиши мумкин»[2]. Инсон ўз ҳаётининг меъмори, ижодкори бўлмоғи, ўзида фозила хислатлар, истеъдодларни тарбиялаши лозим. Бунга эса, у жамиятда яшаб фаолият кўрсатгандагина эришади. Инсон ижтимоий мавжудот. Ёлғизлик, узлат уни қашшоқлаштиради, инсоний қиёфасини ва бахтга олиб борадиган истеъдодини йўқотади. Ибн Халдун инсонга ижтимоий воқелик сифатида қарайди. Ундан ижтимоий моҳият излайди. Инсон жонзот сифатида эзгулик ва ёвузлик оламидир. Шунга кўра, у умрининг ҳар дақиқасида ёвузликдан кўра эзгуликка, ёмонликдан кўра яхшиликка, нафратдан кўра муҳаббатга интилиб яшашга маҳкум этилган ақл соҳиби, бебаҳо неъматдир.

Инсон барча ижтимоий муносабатлар мажмуидир, деган фикр инсонга механистик нуқтаи назардан ёндашган Маърифат даври мутафаккирлари, хусусан, «Инсон–машина» деб номланган асар муаллифи француз Ж.Ламетри (1709–1751) илгари сурган ғоялар билан тўқнашади.

Бошқа бир машҳур француз файласуфи Р.Декарт (1596–1650) асарларида инсон моҳияти масаласига нисбатан бутунлай ўзгача ёндашувга дуч келамиз. У «Инсон фикрловчи нарсадир», деб ҳисоблайди.

«Инсон, у узоқ вақт ўйлаганидек, дунёнинг статик маркази эмас, балки эволюциянинг ўзига ва чўққиси бўлиб, бу анча гўзалроқдир»[3], деб қайд этади атоқли француз файласуфи ва теологи П.Т. де Шарден (1881–1955).

Унга зид ўлароқ, А.Шопенгауэр (1788–1860) инсон нуқсонли мавжудот эканлигини таъкидлайди, уни «табиат халтураси», деб атайди.

Француз ёзувчиси ва файласуфи Ж.П.Сартр (1905–1980) бу фикрни бутунлай рад этади. Унинг фикрича, инсон келажакка қараб интилади ва шу тариқа ўзини ўзи яратади. У «Инсон – одамзод келажагидир», деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, фалсафанинг икки ярим минг йиллик тарихи мобайнида инсонга жуда кўп таърифлар ва тавсифлар берилди, у кўп сонли синонимлар орттирдики, фалсафий таҳлилнинг бошқа бирон-бир объектида бундай ҳолга дуч келиш мушкул. Зеро, фалсафа тарихида инсон:

– «ақлли мавжудот»;
– «сиёсий ҳайвон»;
– «табиат гултожи»;
– «ҳаётнинг боши берк кўчаси»;
– «ҳаётнинг сохта қадами»;
– «меҳнат қуроллари ясовчи ҳайвон»;
– «ўзликни англаш қобилиятига эга мавжудот»;
– «маънавий ва эркин мавжудот» ва ҳоказолар сифатида талқин қилинган.

---

[1] Ибн Сина. Данишнамэ. Душанбе. 1957 г. с. 59.

[2] Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1993 й. 69-б

[3] Тейяр де Шарден П. Феномен человека. –М.: 1987 г. с. 40.

Фикрларнинг бундай ранг-баранглиги сабабини, аввало, инсоннинг ўз табиатидан излаш лозим. Инсон табиатининг сири, ҳеч шубҳасиз, «боқий муаммолар»дан бири бўлиб, фалсафа ўз предметининг моҳияти ва хусусиятига кўра унга қайта-қайта мурожаат этган ва шундай бўлиб қолади. Бу ерда мазкур соҳадаги барча фикр-мулоҳазаларга мўлжал берувчи инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги масала, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Инсон қаердан ва қандай пайдо бўлгани ҳақидаги кўп сонли ғоялар орасидан энг муҳимларини ажратиб олсак, уларнинг барчасини маълум даражада шартлилик билан икки асосий концепция – *инсоннинг табиий ва ғайритабиий келиб чиқиши ҳақидаги концепциялар* доирасида бирлаштириш мумкин.

*Инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги биринчи ёндашув инсоннинг пайдо бўлишига олиб келган табиатнинг қонуний ривожланиши ғоясид*ан келиб чиқади. Бунда инсон жонсиз, кейинчалик эса – жонли модданинг табиий эволюцияси маҳсули сифатида қаралади. Мазкур концепция, 1859 йилда, инсон келиб чиқишининг табиий-илмий талқинига асос бўлган, Ч.Дарвиннинг «Ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиши ҳақида» деб номланган машҳур асарини эълон қилган эволюцион назариясига таянади ва ҳозирги вақтда молекуляр биология ва ген инженерияси соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқлар таъсирида ўз шакл-шамойилини сезиларли даражада ўзгартириб, аксарият олимлар учун уларнинг илмий фаолиятида ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, инсонда нафақат ўта ривожланган тирик жонзотлар, балки ўта содда мавжудотлар билан ҳам кучли генетик ўхшашлик мавжуд. Хусусан, шимпанзе билан бундай ўхшашлик 98 фоизни, каламуш билан – 80 фоизни ва ҳатто банан билан – 50 фоизни ташкил этади.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, «табиий» ёндашув тарафдорлари инсон келиб чиқишининг дунёвий концепциясига ҳам (масалан, дарвинчилар билан боғлиқ ҳолда бўлганидек), космик концепциясига ҳам таянишлари мумкин.

Иккинчи ёндашув инсонга, Худо ёки космик Ақл меҳнатининг маҳсули сифатида қараб, уни ғайритабиий асосдан келтириб чиқаради. Гарчи бу концепция исботланганлик жиҳатидан биринчи таълимотга ҳозирги замон табиатшунослиги нуқтаи назаридан ён берса-да, лекин фалсафий нуқтаи назардан у инсоннинг табиий-илмий келиб чиқиши концепцияси каби мавжудлик ҳуқуқига эгадир, зеро, биринчи ёндашув ҳам, иккинчи ёндашув ҳам оқилона асосланган ва узил-кесил далил-исботлар келтирмайди.

Инсонга фан нуқтаи назаридан ёндашув. Табиат ҳақида билимлар тўпланиши ва уларнинг ривожланишига қараб, одамзоднинг ўз-ўзига бўлган қизиқиши ҳам кучайиб борди, инсон борлиғининг бу соҳадаги тадқиқотлар учун янада кенгроқ имкониятлар яратувчи янги ва янги ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Одатда, жамият ҳаётида тарихан қисқа вақт ичида жиддий ва теран ўзгаришлар юз берган, инсоний муносабатлар негизини ташкил этувчи эскича тасаввурлар ва қарашлар таъсирида бутунлай ўзгарган даврларда инсонга бўлган фалсафий қизиқиш, айниқса, кучайган. Бундай даврларда фалсафада инсоннинг моҳияти, унинг бурчи, вазифаси ва юз бераётган воқеалар учун жавобгарлиги ҳақидаги азалий масалаларга бўлган қизиқиш яна кучайган. Шундай қилиб, фалсафанинг онтология, гносеология, этика, эстетика каби бўлимлари билан бир қаторда, инсон

ҳақидаги билимлар соҳаси аста-секин шаклланиб борди. Бу ерда инсон нафақат турли томонлардан таҳлил қилинди, балки унинг ижтимоий, табиий ва космик жараёнлар билан ўзаро алоқалари ҳам ўрганилди.

Хўш, билимнинг бу соҳасида асрлар мобайнида қандай ижобий билимлар тўпланган? Инсонни тушуниш борасида тараққиётга эришилдими? Фалсафа ва фан соҳасида эришилган инсоннинг моҳиятини тавсифловчи, унинг муҳим хусусиятларини ёритиб берувчи қандай шак-шубҳасиз ютуқларни қайд этиш мумкин?

Инсонни билиш борасидаги кўп асрлик саъй-ҳаракатларни бир ерга жамлаб, уларнинг орасидан узил-кесил ечилган, деб ҳисоблаш мумкин бўлганларини ажратиб олсак, шак-шубҳасиз ютуқлар сони унча кўп бўлмайди. Улар орасида, аввало, шу далилни қайд этиш лозимки, инсоннинг пайдо бўлиши Ерда ҳаётнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, у ўз ибтидоси ва муайян тарихига эгадир. Хусусан, 1982 йил Ватикандаги Рим Папаси фанлар академияси ташкил этган конгресс иштирокчилари – дунёга машҳур антропологлар, биохимиклар ва генетиклар ҳозирги замон табиатшунослигига таяниб, инсон ва ҳайвонот дунёси ўртасида яқин алоқа мавжуд, деган умумий хулосага келдилар.

Инсон ва уни қуршаган дунё тадрижий ривожланишини исботланган, деб ҳисоблаш мумкин. Бу, нафақат археология ва Ер геологик тарихи билан тасдиқланади, балки Ердаги ҳаётга доир ҳозирги тасаввурлардан ва умумий эътироф этилган «кенгайиб борувчи Олам» назарияси тушунтирадиган дунёдаги эволюцион жараёнлардан ҳам келиб чиқади.

Бироқ, фан, айниқса, генетика, баъзан бизнинг аввалги тасаввурларимизни бутунлай ўзгартирадиган янги кашфиётлар қилишда давом этмоқда. Хусусан, жонли мавжудотларнинг биологик нусхаларини яратиш имкониятини берувчи клонлаш кетидан генетиклар, шов-шувга сабаб бўлган энг сўнгги хабарларга кўра, қадимги файласуфларнинг илгари фақат одатдаги тажрибага таянган ўлмайдиган одам йўқлиги ҳақидаги тахминий (индуктив) хулосани жиддий шубҳа остида қолдиришга қодир натижага яқинлашдилар. Жумладан, итальян олимлари сут эмизувчиларнинг қариш жараёнини P66SHC сифатида маълум бўлган алоҳида ген бошқаришини аниқладилар. Улар мазкур генни «назорат ости»га олиш ва шу тариқа синалаётган ҳайвонлар умрини популяция бўйича умрнинг ўртача узунлик кўрсаткичига нисбатан 35 фоизга узайтиришга муваффақ бўлдилар.

Шунга қарамай, бугунги кунда жисмоний умрбоқийлик илмий нуқтаи назардан биологиянинг фундаментал қонунларига зид ҳисобланади. Бу қонунларга мувофиқ ҳужайраларнинг бўлиниш йўли билан кўпайиш қобилиятининг сусайиб бориши инсон ҳаётини чеклайди. Хусусан, инсоннинг етук организми тахминан 50 000 миллиард ҳужайрадан иборат эканлиги аниқланган. «Одамда унинг умри мобайнида бир ҳужайра авлодида кетма-кет бўлинишлар сони элликтагача бўлади. Бўлиниш жараёнлари маромини ҳисобга олганда, шуни тахмин қилиш мумкинки, инсон умрининг узунлиги (баъзи бир истисно ҳоллардан ташқари) 110 ёшдан ошиши мумкин эмас»[1].

Бироқ, фан бир жойда тўхтаб тургани йўқ ва шу боис матбуотда вақти-вақти

[1] Годфруа Ж. Что такое психология. Т. 2. –М.: 1996 г. с. 10.

билан пайдо бўлаётган генетик олимларнинг ҳужайра қаришини тўхтатадиган моддани топиш, шунингдек, организмда мазкур модданинг ажралишини бошқарадиган генни аниқлаш борасидаги уринишлари ҳақидаги хабарлар ўзига жиддий эътибор беришни талаб қилади.

Инсон нима ва унинг моҳияти қандай деган саволларга жавоб топиш учун йўл очадиган баъзи бир муҳим муаммоларнинг таърифланишини ҳам илмий-тадқиқотларнинг шак-шубҳасиз натижаси, деб ҳисоблаш лозим. Уларнинг энг муҳими – инсоннинг келиб чиқиши, шунингдек, онг, тил, ижод, ахлоқ, маънавият ва шу кабиларнинг табиатини аниқлашдир.

Кўрсатилган муаммоларни англаб етишга аҳд қилган ҳар қандай одам:

○ ҳаёт нима?

○ биринчи одам қаерда ва қачон пайдо бўлган?

○ инсон маънавиятининг табиати қандай?

○ Ерда инсон пайдо бўлишининг сабаби нимада?

○ бунда муайян мантиқ, қонуният, азалдан белгиланган муқаррарлик мавжудми ёки бунга қандайдир тасодиф, аномалия, кимнингдир хоҳиш-истаги сабаб бўлганми?

○ ҳаёт космик ҳодисами ёки фақат бизнинг сайёрамизда мавжудми?

○ инсон бутун Коинотдаги бирдан-бир ақлли мавжудотми? каби масалаларни эътибордан четда қолдириши мумкин эмас.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш масалалар ечимини топиш устида фалсафий тафаккур ҳам, илмий тафаккур ҳам тинимсиз изланади. Аммо табиатшунослик учун уларнинг аксарияти нафақат мушкул, балки ечиб бўлмайдиган, баъзи бир ҳолларда эса, умуман очиқ масалалар ҳисобланади, чунки улар хусусида мавжуд билимлар шу қадар оз, юзаки ва муаммоларга тўлаки, бундай билимларга асосланган мулоҳазалар (бошқача мулоҳазалар умуман мавжуд эмас) ўзининг ишончлилик даражасига кўра тахминий хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Аммо фан ўз кучини йўқотган, ёки, ҳали кучга тўлмаган жойда аниқ таърифлар, бир хиллаштирилган тил, ягона методология ва ишончли далиллар билан чекланмаган фалсафа ўзини эркин ҳис қилади. Бу муайян соҳа – антропологияда ўз ифодасини топади.

Фалсафа «боқий» масалаларни ўрганар ва бутун борлиқнинг дастлабки асослари ва муҳим қадриятларини аниқлашга ҳаракат қилар экан, у узил-кесил ечимлар ва шак-шубҳасиз жавоблар олишга даъвогарлик қилмайди. Синовдан ўтказилган далиллар ва исботланган асосларнинг йўқлиги уни хижолатга солмайди. Зеро, фалсафа интуиция, ғойибона таъсир, илҳом, мантиқий кучга асосланган фаразлар, тахминлар, тўлдиришлар билан кифояланадики, бу унга мавжуд билимлар ва шаклланган тасаввурлар доирасидан четга чиқиб, аниқ исботланган илмий ечимга эга бўлмаган нарса ёки ҳодисани ўзгача тарзда, эркин тушунтириш имконини беради. Шу тариқа фалсафа инсонни билиш чегараларини кенгайтириб, уни нафақат юқорироқ даражага кўтаради, балки янги муаммоларни қўйиш имконини берувчи янгича ёндашувлар, ўзгача нуқтаи назарлар ва энг муҳими – эски муаммоларнинг янгича талқинлари билан бойитади.

Шу маънода С.Шерозий, «Инсон нимадан бошланади», деган саволга ҳеч иккиланмасдан: «Инсон марҳумга мотам тутишдан бошланади», деб жавоб

беради[1]. Дунёга келдиму, бозорга бордим, кафанни олдиму, мозорга бордим[2].

Шундай қилиб, ҳақиқий фалсафада муайян масалалар, айниқса, инсон билан боғлиқ мураккаб масалалар хусусида бир хил фикрлаш ҳоллари кузатилмайди. Бундан фарқли ўлароқ, фанда бир фикрлилик у ёки бу муаммонинг узил-кесил ечими топилганидан далолат беради. Масалан, «абадий двигател»ни яратиш масаласи хусусида олимлар орасида тўла бир фикрлилик ҳукм суради: ҳозирги замон табиатшунослиги қонунларига мувофиқ бундай двигателни яратиш мумкин эмас. Аммо фандан фарқли ўлароқ, фалсафанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ҳар қандай ҳодисани ўрганиш ва тушунишда таяниладиган қадриятлар ва мўлжаллар тизимидан ташкил топади. Айни шу сабабли бу ерда у ёки бу файласуфнинг дунёни қандай тушуниши, унинг ҳаётга муносабати, айниқса, муҳим роль ўйнайди. У қайси аксиомаларни илгари суриши, қайси устуворликларни қайд этиши, нимани муҳим деб ҳисоблаши, нимага ишониши ёки ишонмаслигидан файласуфнинг бошқа нарсаларга бўлган тегишли муносабати, унинг умумий ва хусусий масалаларга доир фалсафий позицияси келиб чиқади.

Шундай қилиб, билимни умумий махражга келтириш анъанаси узоқ вақт ҳукм сурган фандан фарқли ўлароқ, фалсафа ҳар хил, шу жумладан бир-бирини истисно этадиган нуқтаи назарларни илгари суради, айни бир ҳодисалар ва объектларни тушунишга нисбатан ҳар хил ёндашувларни таърифлайди. Инсонни тушунишга доир турли-туман фалсафий концепцияларнинг кўплиги айни шу ҳол билан изоҳланади. Бу концепцияларда инсон азалдан, дам умумий образ сифатида, дам ўз индивидуал борлиғидаги муайян одам сифатида, дам бошқа одамлар, жамоа, жамият, инсоният билан, ниҳоят, табиат, космос билан узвий боғлиқ бўлган ақлли мавжудот сифатида талқин қилинади.

Инсоннинг кўп ўлчовлилиги. Инсонни ўрганишга нисбатан «*интровертив» ва «экстровертив*» ёндашувлар, айниқса, ажралиб туради.

Интровертив ёндашув инсоннинг онг, жон, руҳият, инстинктлар, нуқсонлар, фазилатлар каби муҳим хусусиятларини таҳлил этиб, уни «ичдан» тушуниш, англаб етишни назарда тутади. Бунда инсоннинг жисмоний ва маънавий моҳияти ҳақидаги фалсафий мулоҳазалар аксарият ҳолларда табиий фанларнинг эмпирик маълумотларига, аввалambор биология ва психология ютуқларига таянади, лекин, баъзан мистика, эзотерика, оккультизм билан белгиланади. Бундай ёндашувлар, айниқса, немис антропологлари М.Шелер (1874–1928) ва А.Гелен (1904–1976), австриялик файласуф К.Лоренц (1903–1989) ижодига хосдир.

Экстравертив ёндашув инсонга назар ташлаш, унинг моҳиятини таҳлил қилиш гўёки «сиртдан» амалга ошириладики, бунинг натижасида диққат марказидан унинг ижтимоий ва табиий моҳияти ўрин олади; тегишли мўлжалларга мувофиқ инсоннинг Худо, космос, универсум ва шу кабилар билан алоқаси таҳлил қилинади. Бу ерда фалсафа кўпинча тарих, социология, экология, теология билан иттифоқ тузадики, бу ҳол диний фалсафа вакиллари Н.А.Бердяев, С.Н.Булгаков, С.Л.Франк, Н.О.Лосский каби вакилларига кўпроқ хосдир.

Шундай қилиб, инсонни фалсафий тушуниш учун ягона асос мавжуд эмас,

[1] Қаранг: Саъдий Шерозий. Рубоийлар. –Т.: «Шарқ», 1995 й. 26-б.

[2] Ўша жойда. 26-б.

худди шунингдек, бундай асос яқин келажакда пайдо бўлишига умид қилиш учун ҳам асослар йўқ. Ҳозирча фақат шуни қайд этиш мумкинки, диққат марказидан юқорида санаб ўтилганлардан қайси бири, чунончи: космос, табиат, Худо, жамият ёки бевосита инсон ўрин олганига қараб, фалсафа тарихида инсонни тушуниш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда асос бўладиган турли фалсафий нуқтаи назарлар фарқланади. Уларнинг орасида космоцентризм, теоцентризм, социоцентризм ва антропоцентризм айниқса, кенг тарқалган бўлиб, турли даврларда уларнинг ҳар бири ҳар хил кўринишда намоён бўлган, лекин инсон муаммоларини ўрганувчи фалсафий концепцияларда доим у ёки бу тарзда мавжуд бўлган.

Шарқ фалсафасида инсон. *Қадимги Шарқ, хусусан, Хитой фалсафий тизимлари асосан социоцентрик концепциялардан иборат бўлиб, уларда инсон, одатда, жамият, социум билан узвий боғлиқ, деб қаралади.* «Идеал муносабатлар қонуни»га одамлар ўртасида, оила, жамият, давлатда риоя қилиш инсон ҳаётининг муҳим маъноси ҳисобланади; бунга жамиятда қабул қилинган меъёрлар, қоидалар, расм-русумлар ва шу кабиларга иззат-икром билан ёндашиш имконият яратади. Бошқача айтганда, инсон ўз шахсий ҳаётини доим жамият равнақи, камолоти билан ўлчаши лозим, хусусан, у кейинчалик оила ва давлатни такомиллаштиришга ҳаракат қилиш учун ўзини камол топтириши лозим. Шу маънода машҳур қадимги хитой файласуфи Конфуций (мил. ав. 551–479-йиллар)нинг фикрлари диққатга сазовор бўлиб, у шундай деб сабоқ беради: «Қилмишларнинг асослари ва тамойилларини ўргансанг, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги фикрларинг (ахлоқий билимлар) баркамолликнинг энг сўнгги даражасига етади. Ниятлар соф ва холис бўлса, қалб ростгўй ва самимий бўлади. қалб ростгўй ва самимий бўлса, инсон тўғри йўлга киради, камол топади. Инсон тўғри йўлга кирса ва камол топса, оилада тартиб ўрнатилади. Оилада тартиб ҳукм сурса, халқларни бошқариш осонлашади. Халқларни бошқариш осонлашса, бутун дунё тинч-тотув яшайди»[1].

Қадимги ҳинд фалсафасига дунёнинг ички дунёсини биринчи ўринга қўйиш, яъни антропоцентризм хосдир. Масалан, буддизмда, нирванага эришиш инсон барча ниятларининг пировард мақсади, деб эълон қилинади. Нирвана жоннинг шундай бир ҳолатики, бунда ҳар қандай майллар йўқолади ва ички уйғунлик юзага келади, мутлақо эркинлик ва ташқи дунёга қарам эмаслик туйғуси пайдо бўлади.

Қадимги ҳиндларнинг бошқа бир диний-фалсафий таълимоти – жайнизм нуқтаи назаридан инсон, ўзининг маънавий моҳияти билан моддий моҳиятни назорат қилиш ва бошқаришга эришиш учун узоқ ва оғир йўл – жоннинг эркинлашуви йўлини босиб ўтиши лозим.

Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида инсонни назарий ақл бошқаради. Жумладан, ал-Форобий фикрича, «Инсон шахсини шакллантирадиган, уни бошқа махлуқотлардан ажратиб турадиган ва унда инсоний хислатларни ривожлантирадиган нарса унинг фаол ақлидир. Бу куч, аввал-бошда фақат қобилиятдир, бу қувват ўйлаш, мулоҳаза юритишга қобил, аммо ҳаётга татбиқ этиш, яъни жорий қилишга қобил эмас»[2]. Ақлни ҳаётга татбиқ этиш учун, унга ташқи куч таъсир этиши керак, бу эса фаол ақлдир. Фаол ақл – мустақил қувват

[1] Будда. Конфуций. Жизнь и учение. –М.: 1995 г. с. 139.

[2] Ал-Форобий. Фозил шаҳар аҳолиси. –Т.: «Шарқ», 1999 й. 69-б.

бўлиб, ўз моҳияти, Биринчи ва иккинчи ва бошқа сабаблар моҳияти ҳақида фикрлай олади. Айнан шу фаол ақл одам имкониятларининг ташқи воқеаларга таъсир этиши ва уни ривожлантиришга туртки беради. Форобий таъбири билан «моддий ақлдан амалий ақлнинг юқорироқ пиллапоясига кўтарилади ва унинг фаол ақлга муносабати қуёш билан кўзни солиштирландек бўлади»[1]. Агар Қуёш бўлмаса, инсон нарсаларни кўра олмайди. Фаол ақл қуёши инсон руҳи да пайдо бўлганидан кейин, ақлий қувват фаол ақлга қарайди. Инсон табиат гултожи, яъни ақлли мавжудот. Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, инсон дунёда абадий эмас, бу дунёга келган ҳар қандай одам вақти етгач, кетади. Инсон умрининг қиммати неча йил яшагани билан эмас, қандай эзгу ишларни амалга оширганлиги, ҳаётда қолдирган изи билан белгиланади. У, киши оламдан ўтгандан сўнг, бу дунёда ундан икки хил, бири ёмон, иккиничиси яхши деган ном қолади. Инсон иложи борича ўзидан яхши ном қолдириши, яхши олқиш олиши лозим, деб таъкидлаган.

Умуман олганда, барча замонларда инсонда умумий асосни излаш билан банд бўлган Шарқ тафаккурига ҳозир ҳам инсонни ва унинг ташқи дунё билан алоқасини тушунишга нисбатан Ғарб фалсафасидагидан ўзгача ёндашув хосдир. XX аср бошида ҳинд мутафаккири С.Вивекананда шундай деб ёзган эди: «Инсон табиатни ўзига бўйсундириш учун туғилади ва бу ўринлидир, аммо Ғарб «табиат» деганда – фақат моддий, ташқи дунёни тушунади. Бу ташқи табиат ўзининг барча тоғлари, океанлари, дарёлари, ўзининг чексиз кучлари, чексиз ранг-баранглиги билан жуда улуғвор, лекин ундан ҳам улуғворроқ дунё борки, бу инсоннинг ички дунёсидир. У қуёш, юлдузлар, ер ва бутун моддий Коинотдан юксакроқ, бизнинг шахсий жажжи ҳаётларимизнинг тор чегарасига сиғмайдиган дунёдир. Ғарб одами ташқи дунёда «ўзиники» бўлганидек, бу ички дунёда Шарқ одами ҳам худди шундай «ўзиники»дир. Шу боис, Ғарб маънавий дунё нима эканлигини, худо нима эканлигини, инсон жони нима эканлигини билмоқчи, дунёнинг сири ва мазмуни нимада эканлигини англаб етмоқчи бўлса, у Шарқ оёқлари остига чўкиб қулоқ солиши керак. Ҳамонки дунё ҳозир маълум маънавий уйғонишга муҳтож экан, бунда у кучни Шарқдан олади»[2].

Ибн Халдун фикрича, инсон табиатида эзгулик ва ёвузлик мавжуд. Агар одамлар ўз ҳолига қўйилса ва инсонийлик руҳида тарбияланмаса, унда Худо неъматини қўлга киритиш камдан-кам кишига муяссар бўлади. Хайр ва шарр оралиғида қолиб, ҳар иккисидан бирини танлаш лозим бўлганида, унда шаррни танлайди, зеро, инсон табиатида шаррга мойиллик кўпроқ. Адолатсизлик ва бошқаларга ҳужум қилиш инсонларга хос хислат. Шунинг учун жамиятда кишиларнинг бир-бирларига жабр қилмасликлари учун маърифатга эришмоқ зарур.

Келтирилган сўзлар нафақат теран маънога эга, балки ҳозирги дунёнинг глобаллашуви ва ягона инсониятнинг шаклланиши нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади.

Ғарб фалсафасида инсон. Шарқ тафаккурида инсонга нисбатан юқорида қайд этилган ёндашувлар билан бир қаторда табиат, космос муаммолари ҳам қадимдан муайян ўрин эгаллаб келади. Бунда инсонга улкан дунёдаги бир зар-

[1] Ал-Форобий. Фозил шаҳар аҳолиси. –Т.: «Шарқ», 1999 й. 73-б.

[2] Вивекананда Свами. Философия йога. Магнитогорск, 1992 г. с. 488–489.

ра сифатида қаралади. Аммо, дунёга нисбатан космоцентрик ёндашув антик фалсафа ривожланишининг илк босқичларига кўпроқ хосдир. Дунёнинг мазкур талқинига мувофиқ биринчи ўринга, Суқрот давридаёқ фалсафанинг диққат марказидан ўрин олган, инсон ҳақида мулоҳаза юритиш учун ҳам тегишли замин ҳозирловчи дунё ва космос муаммолари чиқади.

Космоцентризм нуқтаи назаридан инсон, аввало, космоснинг бир қисми сифатида, «кичкина дунё» сифатида (Демокрит), баъзан жонли организм сифатида тасаввур қилинадиган макрокосм билан узвий боғлиқ бўлган микрокосм сифатида идрок этилади. Антик файласуфлар, Коинотни ва унда мавжуд тартибни тушуниш орқали инсоннинг ўзини ҳам англаб етиш мумкин, деб ҳисоблаганлар (Платон, Аристотель). Бунда тафаккур, билим, ақл-заковат ва донишмандлик муҳим роль ўйнагани боис, улар доим космоцентристлар томонидан юксак баҳоланган, инсон ва унинг қобилиятларига баҳо беришда биринчи ўринга қўйилган.

Бундай қарашлар Европа фалсафий анъанасида V асргача, уларнинг ўрнини теоцентризм концепцияси эгаллагунга қадар кузатилади. Бу концепцияга мувофиқ ҳамма нарсани Худо белгилайди. Христианликнинг моҳиятини акс эттирувчи турли креационистик назарияларга кўра, бутун дунё, шу жумладан, жонли дунё (ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон) дарҳол ва ўзининг мукаммал кўринишида яратилган. Инжилнинг дунё олти кунда яратилгани ҳақидаги ривоятига асосланган бу нуқтаи назар европаликлар тафаккурида, Дарвиннинг эволюцион назарияси пайдо бўлгунича, яъни XIX асрнинг ўрталарига қадар ҳукм сурди. Христианлар дунёсида диндор одамлар орасида у бугунги кунда ҳам амал қилмоқда.

Теоцентризм нуқтаи назаридан, инсоннинг моҳиятини англаб етиш, масалан, қадимги юнон файласуфлари ёки кейинги материалистик фалсафий концепциялардаги каби оқилона фикрлаш йўли билан эмас, балки Муқаддас Китобда таърифланган ваҳийлар ёрдамида амалга оширилади. Бу ваҳийларни фақат Инжил ақидаларига эътиқод қилиш орқали тушуниб етиш мумкин. Теоцентризм нуқтаи назаридан эътиқод нуридан чароғон бўлган ақл дунёдаги илоҳий тартибнинг таркибий қисми саналган ва «Худонинг тимсоли» сифатида амал қиладиган инсоннинг ўзини эмас, балки унинг баъзи бир жиҳатларинигина аниқлашга ёрдам беради. Айни шу сабабли христианлик, Худони олий моҳият деб эътироф этадиган ва инсонга У яратган банда сифатида қарайдиган бошқа теоцентрик фалсафий тизимлар каби, инсонни Худонинг ўзи сингари тагига етиш мумкин бўлмаган сир, жумбоқ, деб эълон қилади.

Теоцентризм фалсафасини бошқа фалсафий нуқтаи назарлар – антропоцентризм ва космоцентризм сиқиб чиқара бошлаган Уйғониш даврида инсонга доир қарашларда жиддий ўзгаришлар юз берди. Ўрта асрларда инсон у ёки бу корпорация вакили сифатида амал қилган бўлса, Уйғониш даврида у ўзликни англаш туйғуси ва ижтимоий нуқтаи назари ўсиши натижасида ўз манфаатларини ифода эта бошлади. Инсон шахс сифатида камол топди. У ўзини ўз шахсий ҳаёти ва тақдирининг бунёдкори сифатида тобора кучлироқ англай бошлади. Инсон мустақилликка ва табиатни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилди, ўз ижодий имкониятлари чексиз эканлигига ишона бошлади. Мазкур қарашлар итальян файласуфи Пико делла Мирандоланинг «Инсон қадр-қиммати ҳақида сўз» деб номланган машҳур асарида ўз аксини топди. Тасвирий санъат, меъморчилик, ахлоқ, эстети-

ка, адабиёт ва педагогикани яхши тушунадиган ҳар томонлама комил инсон ўша даврнинг идеалига айланди. Уйғониш даври бу идеалга тўла мос келадиган Леонардо да Винчи, Альберти Боттичелли, Рафаэль каби атоқли шахсларни дунёга берди.

Ўша давр фалсафасида, инсонга бўлган қизиқишнинг кучайиши билан бир қаторда табиатга бўлган қизиқиш ҳам тикланди. Н.Кузанский, Ж.Брунонинг пантеистик концепциялари христианлар Худосини сиқиб чиқара бошлади. Юнонларнинг космоцентризми табиийцентризм сифатида қайта англаб етилди. Бунда антик файласуфларнинг марказида Ер жойлашган пировард космос ҳақидаги тасаввурлари чексиз ва марказсиз космосга ўрин бўшатди.

Бундай космос умумийроқ ва кенгроқ тушунча – «табиат» билан тенглаштирилади. Шундан бери у турли фалсафий тизимларда фаол ўрганилади. Хусусан, Маърифат даври фалсафасида фундаментал тушунчага айланади, Шеллинг ижодида марказий ўрин эгаллайди, шунингдек, экологияга қараб мўлжал олувчи айрим ҳозирги фалсафий концепцияларда дунё ва инсонни тушунишда таянч нуқтаси ҳисобланади. Мазкур ёндашувга кўра инсон табиатнинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Бундай қарашларнинг изчил тарафдорлари, масалан, XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган ижтимоий экология намояндалари эътиборни ҳаддан ташқари кенг қаратадиган табиатдан унинг муайян қисмига – инсон ўз ҳаёт фаолиятини амалга оширадиган биосферага қаратиш лозимлигини қайд этадилар ва бунда антропоцентристик қарашлардан воз кечиб, уларни биосфероцентризм билан алмаштиришни талаб қиладилар. *Биосфероцентризмда фалсафий тадқиқотлар марказига инсон ўрнига табиатни қўйиш таклиф қилинади ва шу тариқа табиат инсон эҳтиёжлари нуқтаи назаридан қаралмайди, инсон моҳияти ва унинг эҳтиёжлари эса табиий қонунларни ва биосферанинг тадрижий ривожланиш тенденцияларини билиш нуқтаи назаридан тадқиқ этилади.*

Янги даврда инсонга қизиқиш, асосан, ижтимоий муносабатлардаги иштироки билан боғланди. Янги даврда инсонга билувчи субъект сифатида ёндашилди. Масалан, Декарт инсоннинг моҳияти, ўзига хос хусусиятини унинг тафаккури, фикрлаш қобилиятида кўрди. XVIII аср француз материалист файласуфлари (Дидро, Гольбах, Гельвеций, Ламетри) табиатшунослик ва механика соҳасида эришилган ҳайратомуз ютуқлар таъсирида инсоннинг жонини онг билан, танасини эса – автомат, машина билан тенглаштириб, уни механистик талқин қилдилар.

Буюк немис файласуфи И.Кант (1724–1804) инсонни тушуниш йўлида муҳим қадам ташлади. У, инсон бетакрор мавжудот ва у ҳақда алоҳида фалсафий мулоҳаза юритиш мумкин, деб ҳисоблар эди. Айни вақтда, у, «инсон учун мактаб бўлиб хизмат қиладиган маданият соҳасидаги барча муваффақиятларнинг мақсади ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни амалга татбиқ этишдан иборатдир. Аммо, бу билимлар татбиқ этилиши мумкин бўлган дунёдаги энг муҳим предмет инсондир, зеро, у ўзи учун пировард мақсаддир»[1], деб қайд этади.

Дунёнинг бутун ранг-баранглиги орасида, И.Кант табиатнинг турли, лекин бир-бири билан узвий боғланган уч даражаси: нотирик табиат, тирик табиат ва

[1] Кант И. Соч. Т. 6. – М.: 1966 г. с. 351.

инсон табиатини фарқлади. Унинг фикрича, бу даражаларнинг ҳар бирида табиат ўз қонунларига, чунончи: нотирик табиат – механика қонунларига, тирик табиат – мақсадга мувофиқликка бўйсунади, инсон табиати эса, эркинлиги билан тавсифланади. Айни вақтда, у инсон табиатини қолган икки табиатга боғлаш ва улар орқали билиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Инсон табиатини фақат унинг эркинликдан келиб чиқадиган ўз қонунларига мувофиқ англаб етиш мумкин. Шундай қилиб, И.Кант, инсон табиатнинг ундаги бошқа жонли ва жонсиз объектлар каби ўзига тўқ объекти ҳисобланиши ҳақидаги фикрни илгари суриш орқали инсонни ўрганиш учун янги имкониятлар яратди ва шу тариқа фалсафий билимнинг мустақил бўлими сифатида фалсафий антропологиянинг яратилишига йўл очди.

И.Кантдан кейин немис классик фалсафасида инсон, асосан, маданият дунёсини яратувчи маънавий фаолият субъекти сифатида, умумий идеал асос – руҳ, ақл манбаи сифатида тушунилди. Л.Фейербах (1804–1872) бу ёндашувга қарши чиқди. Ўша даврда объектив идеализм фалсафасида ҳукм сурган тушунчалар («ғоя», «руҳ»)га зид ўлароқ, у «инсон» категориясини илгари сурди. Фейербах инсонга тарихий маънавий ривожланиш маҳсули сифатида эмас, балки, аввало, биологик, ҳиссий-жисмоний мавжудот сифатида ёндашиб, ундаги табиий-биологик асосга мурожаат этди. Унда, инсон Худо яратган банда эмас, балки табиатнинг бир қисми бўлиб, француз файласуфлари қайд этганидек механизм эмас, балки организмдир.

Айни шу сабабли, Фейербах фалсафаси, «антропологик материализм», деган ном олди. Унинг инсонга нисбатан ёндашуви шу билан тавсифланадики, инсондаги табиийлик ва ижтимоийлик материалистик монизм нуқтаи назаридан тушунтирилади. Бу инсон бир вақтнинг ўзида нотирик ва тирик табиатнинг тадрижий ривожланиши маҳсули саналган биологик мавжудот сифатида ҳам, моҳияти ижтимоий муносабатлар билан белгиланадиган ижтимоий мавжудот сифатида ҳам қаралишини англатади.

XIX асрдан бошлаб Европа фалсафий тафаккури Ф.Шеллинг, А.Шопенгауэр, М.Штирнер, С.Кьеркегор, Ф.Ницше, Н.Бердяев, А.Бергсон каби файласуфларнинг саъй-ҳаракатлари билан инсон мавжудлигини индивидуал ва тарихий муайянлаштириш сари юз бурди. Ҳаёт, сезгилар, хоҳиш-ирода, иррационаллик тушунчалари махсус фалсафий таҳлил предметига айланди ва кейинчалик экзистенциализм, интуитивизм ва персонализм фалсафасида ривожлантирилди.

Хусусан, экзистенциализм нуқтаи назаридан объектив дунё – бу, аввало, «инсон борлиғи» бўлиб, инсондан ташқарида дунё ҳақида бирон-бир гап айтиш мумкин эмас. Инсон борлиғи тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади, чунки инсон борлиқ хусусида саволлар беради, унинг мазмунини ташкил этган ҳолда, уни бошдан кечиради, англаб етади.

Инсон муаммосига қисқача тарихий-фалсафий назар ташлаш XX аср бошига келиб, фалсафада билимнинг янги мустақил соҳаси – инсон ҳақидаги таълимот, яъни фалсафий антропология вужудга келиши учун барча шарт-шароитлар яратилганини кўрсатади.

Фалсафий антропологиянинг вужудга келиши ва ривожланиши. Юнонча «sophia» – «донишмандлик», «anthropos» – «инсон» ва «logos» – «таълимот»

сўзларидан келиб чиққан «фалсафий антропология» атамаси, этимологик жиҳатдан, инсон ҳақидаги фалсафий таълимотни англатади. Фалсафий антропология инсоннинг алоҳида борлиқ манбаи сифатида келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши ва мавжудлигининг ўзига хос хусусиятларига доир фалсафий қарашларни акс эттиради.

Юқорида қайд этилганидек, инсон ҳақидаги фалсафий таълимотлар қадимда вужудга келган ва бутун фалсафа тарихи орқали ўтади. Конфуций, Суқрот, Гераклит, стоиклар, киниклар, Августин, Фома, Форобий, Ибн Сино, А.Навоий, А.Жомий, Декарт, Руссо, Кант, Фейербах, Ницше ва бошқалар инсоннинг фалсафий, назарий образини яратиб, фалсафий антропология фалсафий билимнинг мустақил бўлими сифатида вужудга келиши учун замин ҳозирлади.

Шу маънода фалсафий антропологиянинг илк илдизларига XVIII аср француз материалистларининг асарларида дуч келиш мумкин. Аммо Кант, шунингдек, инсоннинг моҳияти муаммосини фалсафанинг «бирдан-бир, универсал ва олий» предмети даражасига кўтарувчи антропологик тамойилларни фалсафага киритган ва асослаб берган Фейербах саъй-ҳаракатлари билан фалсафий антропология мустақил фалсафий фан сифатида шакллана бошлади.

Фалсафий антропология XX асрнинг 20-йилларида асосан М.Шелер, А.Гелен, Х.Плеснер асарлари таъсирида узил-кесил вужудга келди. Хусусан, М.Шелернинг «Инсоннинг космосдаги ўрни» асарида инсон ҳақида фундаментал фан яратиш лозимлиги қайд этилади ва уни фалсафий билиш дастури таклиф қилинади. Муаллиф фикрига кўра, инсонни яхлит фалсафий билиш инсон борлиғининг турли жабҳаларига нисбатан олинган муайян илмий натижалар билан бирикиши лозим.

М.Шелер фалсафий антропология инсоннинг яхлит концепциясини яратиб, уни муайян илмий, фалсафий ва диний жиҳатдан англаб етишда бирлаштирувчи роль ўйнаши лозим, деб ҳисоблайди. У «Фалсафий антропологиянинг вазифаси инсоннинг барча ўзига хос монополиялари, ишлари ва амаллари: тил, виждон, асбоблар, қурол... давлат, раҳбарлик, миф, дин, фан... инсон борлиғининг асосий структурасидан қандай келиб чиқишини аниқ кўрсатиб беришдан иборатдир»[1], деб қайд этади.

Макс Шелер ўзининг бир қатор асарларида, Ғарбий Европа маданиятининг ривожланиш жараёни инқирозга юз тутганлигини қайд этади ва бу ҳолатдан чиқиш йўлларини топишга ҳаракат қилади.

Жамият инқирози, ижтимоий қарама-қаршиликлар ва бошқа зиддиятларни М.Шелер, инсон, унинг шахсияти инқирозининг аломатлари, деб ҳисоблайди. У, инсон шу пайтгача (XX асргача), ҳали ҳеч қачон бу даражада «муаммоли» бўлмаганлигини таъкидлайди. Бунинг асосий сабабини Шелер инсонни ўрганиш антропологик тафаккурнинг бир-бири билан унча боғлиқ бўлмаган турли йўналишлари – теологик, фалсафий, табиий-илмий антропология доирасида амалга оширилишида кўради. Масалан, теологик антропология инсонни фақат иудейча-христианча анъаналар нуқтаи назаридан ўрганади. Фалсафий антропология асосий эътиборни инсоннинг ўзлигини ўрганишга қаратади, табиий-илмий антропология (табиатшуносликнинг барча тармоқлари ва генетик психология) эса,

[1] Шелер М. Избранные произведения. –М.: 1994 г. с. 187.

фақат Ер ривожланишининг энг сўнгги маҳсули сифатидаги, ҳайвонот дунёсидаги ўзидан олдинги шакллардан энергия ва қобилиятлар бирикмасининг мураккаблик даражаси билангина фарқ қилувчи мавжудот сифатидаги инсон ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Инсон муаммосини ўрганиш жараёнида уни антропология фанининг турли тармоқлари билан боғлаш, унинг қайсидир хулосаларини мутлақлаштириш М.Шелерга хос эмас. У Европа фалсафасини И.Кант томонидан қўйилган, бутун фалсафий билимни синтезловчи хусусиятга эга бўлган «Инсон нима», деган саволни унутганликда айблайди. Инсон ҳақидаги синтезловчи таълимотнинг йўқлиги, М.Шелер фикрига кўра, инсон борлиғининг беқарорлигини белгилайди. Шу туфайли ҳам у инсон борлиғининг турли соҳаларини конкрет ўрганишни уни фалсафий нуқтаи назардан яхлит англаб етиш билан бирлаштиришга қодир бўлган инсоншунослик илмий тизими – фалсафий антропологияни яратиш зарур, деб ҳисоблаган.

М.Шелер фикрига кўра, фалсафий антропологиянинг вазифаси инсон борлиғи структурасидан инсоннинг барча ишлари ва амаллари, шу жумладан тил, фан, миф, санъат, дин, жамият, давлат, тарих, ғоялар, виждон ва инсонни тавсифловчи бошқа омиллар қандай келиб чиқишини кўрсатиб беришдан иборат. Шу нуқтаи назардан инсон фалсафаси барча фанлар фани мақомини касб этади.

М.Шелер фалсафий антропологиянинг предметига таъриф беради. Унинг фикрича, *фалсафий антропология – бу инсон моҳияти ва унинг структураси ҳақидаги фандир*.

М.Шелер Ғарбий Европа жамиятини ахлоқий, фалсафий ва диний қадриятлар одамлар учун иккинчи даражали аҳамият касб этаётгани учун танқид қилади ва уларга бу қадриятларни биринчи ўринга қўйишни тавсия этади. Жамиятни чулғаб олган инқироздан чиқиш йўлини М.Шелер айнан шунда кўради.

Шундай қилиб, инсон онгли мавжудот сифатида, М.Шелер фалсафасида, марказий ўринни эгаллайди, инсон борлиғининг асосий тамойиллари сифатида қудратли, бироқ келажакни олдиндан кўролмайдиган яшашга интилиш, ҳамма нарсани англаб ета оладиган, аммо ҳаётни белгилашга ожиз бўлган онг амал қилади.

Шелер таълимоти ҳаёт фалсафаси ва экзистенциализмнинг ривожланишига анча кучли таъсир кўрсатди. Унинг негизида кейинчалик алоҳида фалсафий-антропологик таълимотлар – биологик, психологик, маданий, диний ва бошқа назариялар вужудга келди.

Фалсафий антропология фанининг моҳияти. Инсон ҳақидаги билимларни бирлаштириш лозимлиги хусусида Шелердан олдинроқ ҳам сўз юритилган эди. XIX аср ўрталарига келиб инсон ўта мураккаб структура эканлиги, уни фақат фалсафа ёки бошқа бирон-бир муайян фан методлари билан тўла англаб етиш мумкин эмаслиги, яъни инсон жамулжам ҳолда аниқ билим предмети бўла олмаслиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Шунингдек, айрим табиий фанлар, ҳар бири ўз соҳасида, вақт ўтиши билан умумийроқ хулосаларга келишни талаб этувчи салмоқли материал тўплади.

Бундай умумлаштиришга эҳтиёж Дарвиннинг эволюцион назарияси пайдо бўлиши билан айниқса, бўртиб кўрина бошлади. Бу назария инсонга оид табиий-

илмий-тадқиқотларга кучли туртки берди, шунингдек, материалистик фалсафий концепциялар ривожланиши учун қўшимча асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур ёндашув тарафдорлари инсон кўп ўлчовли ва муттасил ўзгарувчи мавжудот эканлигидан келиб чиқади. Гарчи унинг муҳим хусусиятлари минг йиллар мобайнида ўзгаришсиз қолаётган бўлса-да, улар инсоннинг моҳиятини тўла намоён этмайди. Бу ёндашув тарафдорлари инсон ўз олдига янги ва янги жумбоқлар қўяётган, ташқи дунёни, ўзининг ундаги ўрнини аниқлашга ҳаракат қилаётган, атроф-муҳитни ўрганиш орқали, уни ўз ихтиёрига кўра, ўзгартирадиган фаол асос сифатида амал қиладиган микрокосм ҳисобланишига ҳам эътиборни қаратмоқдалар.

Бошқача айтганда, инсон бунёдкор ва айни вақтда маданият маҳсули, ўзини қолган жонли дунёдан фарқлаш имконини берувчи маънавият манбаидир.

Фалсафий антропология тарафдорлари инсоннинг мазкур талқинидан келиб чиқиб, бу фан изчил илмий қарашларни илгари суришга даъвогар бўла олмаслигини ва айрим фанлар: психология, социология, биология ва бошқа ижтимоий фанларнинг турли ёндашувлари ва хулосаларини синтезловчи инсон ҳақидаги билимлар тизимини яратишга қаратилиши лозимлигини қайд этмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу фан ўз предмети сифатида инсон борлиғини белгилайди, унинг моҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиб, шу тариқа инсоннинг ўзини ҳам, уни қуршаган дунёни ҳам фалсафа нуқтаи назаридан англаб етишга ҳаракат қилади. «Антропология ёки аниқроқ айтганда – антропологик онг нафақат онтология ва космологияга, балки гносеология ва билиш фалсафасига, ҳар қандай фалсафа ва ҳар қандай билишга замин яратади»[1].

XX асрнинг 60–70-йилларида фалсафий антропология шундай бир ғоявий ҳаракатга айландики, унинг доирасида олимлар инсоннинг ҳозирги ҳолатини назарий жиҳатдан англаб етиш ва талқин қилиш, унинг табиатига нисбатан янгича ёндашувни илгари суришга ҳаракат қилдилар. Бу даврда юз берган фан-техника тараққиёти ва инсоннинг ўз илмий ва амалий фаолияти натижалари учун жавобгарлик туйғусининг кучайиши фалсафий антропологиянинг ривожланишига қўшимча туртки берди. Шундай қилиб, у энди инсон ҳақидаги билимларнинг умумийроқ мажмуи – умумий антропологиянинг таркибий қисмига айланди. Бу фан турли-туман таълимотлар, концепциялар ва йўналишларни ўз ичига оладики, уларнинг орасида фалсафий йўналишдан ташқари биологик, теологик (диний), социологик, психологик, маданий (этнографик), структуралистик, педагогик ва бошқа йўналишларни қайд этиш мумкин.

Уларнинг ҳар бири, фалсафий йўналишдан фарқли ўлароқ, инсоннинг муайян бир томонини ёритади. Масалан, биологик антропология анатомия, физиология, ирқ ҳақидаги таълимот ва шу кабиларга таяниб, инсоннинг қолган барча тирик мавжудотлардан фарқини унинг жисмоний тузилиши нуқтаи назаридан аниқлайди. Теологик антропология инсон ҳақидаги тегишли тасаввурларни уни Худо яратгани нуқтаи назаридан шакллантиради. Фалсафий антропология эса, бутунлай бошқа вазифани ҳал қилади – у вазиятга яхлит ёндашади ва фанлараро хусусиятга эга бўлган хулосалар чиқаради.

[1] Бердяев Н.А. Смысл творчества. –М.: 1989 г. с. 293.

Фалсафий билимнинг таркибий қисми сифатида фалсафий антропология ижтимоий фалсафа, ахлоқ, социология ва психология билан узвий боғлиқ бўлиб, улар билан биргаликда инсон ҳақидаги фанлар мажмуини ташкил этади.

Фалсафий антропологиянинг предмети ва вазифалари. *Фалсафий антропология изланишларининг бош мўлжали ва ўзагини инсон ва фақат инсон ташкил этади. Шу маънода фалсафий антропологияни антропоцентристик фалсафий таълимот деб номлаш мумкин, чунки унда инсон атрофида борлиқнинг бошқа барча муаммолари айланувчи ўзига хос «марказий ўқ» ҳисобланади.*

Фалсафий антропологиянинг антропоцентризми фалсафанинг тадқиқот марказида инсон туриши билангина эмас, балки унинг барча мактаблари учун инсон дунёнинг маркази ҳисобланиши билан ҳам белгиланади. Мазкур ёндашув замирида антик фалсафанинг Протагор таърифлаб берган «Инсон ҳамма нарсалар мезонидир», деган тамойили ётади. Фалсафий антропологиянинг антропоцентризми Европа маданияти асосларидан бири саналган христианлик мафкурасидан ҳам келиб чиқади. Айнан христианлик дунёвий ҳаёт марказига инсонни қўяди, уни Худо ўзига ўхшатиб яратган, деган ғояни илгари суради.

Шу нуқтаи назардан христианча маданият вакилининг менталитети асосида шаклланган фалсафий антропологияни шарқ фалсафий мактаблари билан таққослаш ўринли бўлади. Шу нарса диққатга сазоворки, шарқ фалсафасида инсон ҳеч қачон дунёнинг маркази ҳисобланмайди, зеро, у табиатнинг таркибий қисми, унинг узвий элементи, Коинотнинг кўп сонли даражаларидан бири сифатида қаралади. Шарқ фалсафасида антропоцентризм йўқ, умуман олганда, фалсафий антропология ҳам мавжуд эмас. Бу фалсафада инсон дунёнинг табиий бир бўлаги, табиатнинг ажралмас элементи ҳисобланади. Табиатнинг ўзи эса мукаммал бўлиб, инсон унга қарши турмаслиги, балки унинг измига бўйсуниши лозим.

Шундай қилиб, кўпгина файласуфлар томонидан қўйилган «Инсон нима», деган савол Европа фалсафий антропологияси учун унинг фалсафий муаммолари мажмуини белгиловчи бош масала ҳисобланади (ва у фалсафий тафаккурнинг бошқа йўналишларидан айни шу жиҳатдан фарқ қилади). Фалсафий антропология инсоннинг борлиғи нуқтаи назаридан инсон ҳақидаги таълимотдир. Инсон ва унинг борлиғи тўғрисидаги мулоҳазалар муаммоларнинг кенг доирасини қамраб олади. Буларнинг барчаси антропологизм, яъни инсоннинг моҳияти муаммоларини изчил ўрганувчи тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши – тор маънодаги фалсафий антропология тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Кенг маънода эса, фалсафий антропология, шу жумладан, инсон, унинг табиат ва жамиятдаги борлиғи ҳақидаги таълимотни ҳам ўз ичига олувчи фалсафий қарашлар тизими сифатида майдонга чиқади.

Инсоннинг биоижтимоий моҳияти. Фалсафий антропология ечадиган муҳим муаммолар орасида инсон биологик ва ижтимоий моҳиятининг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала алоҳида ўрин эгаллайди. Инсон жонли табиатнинг бир қисми, шунингдек, биологик эволюция маҳсули эканлиги ҳозирги замон табиатшунослиги фанида нафақат олимлар ва мутахассислар, балки маърифатли одамларнинг кенг доираси учун ҳам аниқ-равшан ва деярли шак-шубҳасиз далилга айланди. Ҳар бир инсон ўз биологик хусусиятлари: генетик коди, вазни, бўйи,

мижози, териси ва сочининг ранги, яшаш муддати ва шу кабиларга кўра бетакрордир. Бироқ, айни вақтда, инсон ижтимоий мавжудот эканлиги, унинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги одамзоднинг ижтимоий табиати, у камол топган, таълим-тарбия олган, маданий ва ахлоқий қадриятлар ва мўлжалларни ўзлаштирган ижтимоий муҳит билан белгиланиши ҳам шак-шубҳасиздир.

Айни шу сабабли инсон индивиди нафақат биологик, балки ижтимоий мавжудот сифатида ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Бошқача айтганда, инсоннинг камол топиши жамиятда ва фақат жамиятда юз беради.

Инсоннинг моҳияти. *Инсоннинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиш жараёнида у нафақат ташқи, балки ички, пинҳона хусусиятларга ҳам эга эканлигини, улар жамулжам ҳолда инсоннинг индивид, индивидуаллик, шахс каби тушунчаларда акс этадиган муайян образини шакллантиришини ҳам ҳисобга олиш лозим.* Бошқача айтганда, инсоннинг моҳиятини унинг ички ва ташқи борлиғи бирлигида, унинг дунёга фаол муносабатида излаш керак.

Шундай қилиб, *индивид муайян инсоннинг умумий образи сифатида амал қилса, индивидуаллик уни муайян ўзига хос хусусиятлар соҳиби сифатида тавсифласа, «шахс» тушунчасига янада торроқ маъно юкланади, чунки айни ҳолда инсон, унинг барча ижтимоий сифатлари билан жамулжам ҳолда олинадики, бу фақат ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу тизимини назарда тутган ҳолда шахс тўғрисида сўз юритиш имконини беради*. Яъни, кенг талқинга йўл қўядиган «индивид» ва «индивидуаллик» тушунчалари нафақат инсонга нисбатан, балки индивидуал хусусиятларга эга бўлган айрим тирик мавжудот, ҳайвонга нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин. «Шахс» тушунчаси эса, доим ижтимоий мавжудот сифатидаги инсон билангина боғлиқ бўлиб, фақат шу маънода, айрим инсонни унинг жамиятдаги ўрни, «ижтимоий қиёфаси» нуқтаи назаридан тавсифлайди.

Кези келганда яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар қандай шахс замирида оқилона фаолият ётувчи онгли-ихтиёрий фаоллик тавсифланади. Шунингдек, инсон янги моддий ва маънавий бойликлар яратиб, ўз ижодий имкониятларини изчил рўёбга чиқариш орқали шахс сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги замон фанида шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи уч муҳим омил: ирсият, маданий муҳит ва яшаш шароити фарқланади. Бу омиллар ўзаро таъсирга киришиши натижасида инсон шахс сифатида ўзига хос хусусиятлар мажмуи: тегишли эҳтиёжлар, қизиқишлар, мижоз, қобилиятлар, мақсадлар, мўлжаллар, маънавият ва шу кабиларга эга бўлади. Инсоннинг мазкур бетакрор индивидуал хусусиятлари, асосан, у яшаётган муҳитдаги ижтимоий ва маданий шарт-шароитлар таъсирида шаклланадики, бу шахснинг шаклланиши ва камол топишида жамият жуда муҳим роль ўйнашини қайд этиш имконини беради. Айни вақтда шахс умумий эътироф этилган меъёрларга мувофиқ ёки уларга зид шаклланиши ва камол топиши мумкин. Бу маънода ижобий шахслар тўғрисида ҳам, салбий шахслар тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин.

Ҳозирги вақтда аксарият олимлар ва файласуфлар инсон эволюциясидаги ижобий жараёнларни ва ижтимоий ўзгаришлар имкониятларини ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлашуви, одамлар онгидан умуминсоний меъёрлар мустаҳкам ўрин олиши билан боғламоқдалар. Бунда инсон ўзининг бутун умри

мобайнида, бир томондан, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга ҳаракат қилиб, бошқа томондан эса – ўзини қуршаган ижтимоий ва табиий муҳит таъсирини ҳис этиб, яхлит бир бутун ҳодиса сифатида, узлуксиз тадрижий ривожланишини эътиборга олиш лозим. Бошқача айтганда, ўзининг камол топиш жараёнида у доим ҳам субъект, ҳам объект ҳисобланадики, бу шахснинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши ва ҳаёт мазмунини излаши билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим фалсафий муаммо юзага келишини белгилайди.

Инсонни тушунишда дуализм ва монизм. Одамлар ўртасидаги биологик ва ижтимоий фарқларни ва уларни бетакрорлигини тан олишдан инсон табиатининг яхлитлигини тушунишга нисбатан икки муҳим ёндашув: дуалистик ва монистик ёндашувлар келиб чиқади.

Қадим замонларда вужудга келган инсонга нисбатан дуалистик ёндашув шундан иборатки, одамзод, бир томондан, моддий организмдан, бошқа томондан эса – мустақил моҳият саналадиган ва бу организмни бошқарадиган номоддий жондан ташкил топган мавжудот сифатида қаралади. Бу ёндашув, масалан, боқий ғоялар дунёсида яшайдиган ўлмас жон инсон туғилаётган пайтда унинг танасига худди зиндонга тушгандек кириб ўрнашади, унинг ўлимидан кейин эса вужудни тарк этиб, яна ғоялар дунёсига қайта, деб ҳисоблаган Платон фалсафасида, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Жонларнинг ўлмаслиги ғояси Шарқ фалсафий анъанасига ҳам хосдир.

Ҳозирги олимларнинг аксарияти қўллаб-қувватлайдиган инсон талқинининг монистик концепцияси инсон руҳияти, унинг туйғулари, фикрлари, эмоциялари ва кайфияти инсон организмининг таркибий қисми саналган бош мия нерв ҳужайралари ҳаёт фаолиятининг маҳсулидан ўзга нарса эмас, деган тушунчадан келиб чиқади. Бу ёндашув тарафдорларининг фикрига кўра, руҳий ҳодисалар қандайдир номоддий асосга эга, деб ҳисоблаш учун етарли далиллар мавжуд эмас, шу сабабли руҳият табиатини тушунтиришда, инсон организмида юз берадиган моддий жараёнлар чегарасидан четга чиқишнинг ҳожати йўқ.

Шундай қилиб, тавсифланган муаммо инсон ўз табиатига кўра фақат биологик мавжудотми ёки фақат ижтимоий мавжудотми, деган масала билан боғланмайди. У, ҳеч шубҳасиз, ҳам биологик, ҳам ижтимоий мавжудотдир.

Аммо бу икки асоснинг ўзаро нисбати қандай, уларнинг бири иккинчисидан устунроқми ва инсон моҳиятини нима белгилайди – бу энди қизғин баҳсмунозаралар предметидир. Мазкур масалалар ҳанузгача ўзининг узил-кесил ечимини топгани йўқ, ҳозирда мавжуд турли биологик, психологик ва фалсафий мактаблар бу саволларга ҳар хил жавоблар беради.

Юқорида зикр этилган муаммонинг ечимига нисбатан мавжуд ёндашувлар орасида инсоннинг биоижтимоий табиатини тушунишга нисбатан қарама-қарши нуқтаи назарлар ифодаси саналган биологизаторлик ва социологизаторлик концепциялари алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда уларнинг ҳар бири бошқасини бутунлай рад этмайди, аммо инсоннинг муайян бир (биологик ёки ижтимоий) табиатини устунроқ қўяди ёки ҳатто мутлақлаштиради.

Биологизаторлик концепциялари. *Биологизаторлик концепцияларининг тарафдорлари, инсонни унинг табиий, биологик асосидан келиб чиқиб тушунти-*

ришга ҳаракат қилади. XVIII аср охирида жамият ҳаётига айрим одамларнинг ўз мавжудлиги учун кураш майдони сифатида қарашни таклиф қилган Т.Мальтус назариясини бундай тушунтиришга бўлган биринчи жиддий уриниш, деб ҳисоблаш мумкин. Мальтус фикрича, бу курашда кучлилар ғолиб чиқади, кучсизлар эса ҳалок бўлишга маҳкумдир. Мазкур курашга табиий омиллар туртки беради. Хусусан, аҳоли сони геометрик прогрессия бўйича кўпайиб боради, тирикчилик воситалари таклифи эса, фақат арифметик прогрессия бўйича ўсади, бу эса муқаррар тарзда очарчилик, эпидемиялар, урушлар ва бошқа ижтимоий тангликларга олиб келади. Мазкур омилларга Мальтус кучлиларнинг яшаб қолишини таъминловчи ижтимоий муносабатларнинг «табиий», муқаррар ва ҳатто зарур тартибга солиш воситалари сифатида қарайди.

Демографик муаммоларнинг ечилмагани, шунингдек, улар XX асрда янада кескинроқ тус олиши шунга сабаб бўлдики, Мальтус ғоялари неомальтузчилар деб номланган ўз давомчиларини топди ва топишда давом этмоқда.

Биологизаторлик ёндашувлари XIX ва XX асрлар чегарасида Дарвиннинг табиий танланиш ҳақидаги таълимотини мутлақлаштириб, нафақат инсоннинг келиб чиқиши, балки унинг моҳиятини, пировард натижада эса – бутун ижтимоий муносабатлар табиатини тушунтиришга ҳаракат қилган социал-дарвинистларга ҳам хосдир. Ҳозирги вақтда бу йўналишни одамларга ҳам, ҳайвонларга ҳам тенг даражада хос бўлган ирсиятга урғу берувчи социобиология давом эттирмоқда. Социобиологлар фикрига кўра, инсон хулқ-атвори ҳам, ҳайвон хулқ-атвори ҳам ирсий омиллар билан белгиланади ва ҳеч ким ўз ирсияти таъсирини – у хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон – енгишга қодир эмас.

Инсон табиати хусусида, шунга ўхшаш қарашларга айрим одамларнинг бошқа одамлардан устунлигини фақат уларнинг «олий» ёки «паст» ирққа мансублик белгисига кўра эълон қилувчи ирқчилик концепцияларида ҳам дуч келиш мумкин. Бу, хусусан, «ирқий тозалик» учун кураш олиб борган ва «ирқий танланиш»ни амалга ошириш ғоясини фаол илгари сурган фашистик мафкурада, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Мазкур ғоялар замирида асосан XIX аср охири – XX аср бошларида кенг тарқалган «инсон ирсиятининг олий сифати»га қандай воситалар билан ва қай тарзда эришиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот – евгеника ётади.

XX аср бошларида бу таълимот шу даражада кенг тарқалдики, айрим мамлакатларда давлат сиёсати билан узвий боғланди. Хусусан, 1920–1930-йилларда Дания, Швеция ва Норвегияда жамиятда табиий танланишни ижтимоий мустаҳкамловчи ирқий қонунлар қабул қилинди.

Социологизаторлик концепциялари. *Биологизаторлик ёндашувига зид ўлароқ, социологизаторлик ёндашуви инсон табиатини ижтимоий муносабатларда кўришга ҳаракат қиладилар*. Бунда улар баъзан нафақат инсоннинг ижтимоий асосини унинг биологик асосига қарама-қарши қўядилар, балки сўнгги зикр этилган асосни ҳайвоний ва ҳаттоки тубан, шу боис жиддий эътиборга лойиқ эмас, деб ҳисоблайдилар. Асосий эътибор ижтимоий муносабатлар таҳлилига ва индивид, шахснинг шаклланишида жамият қандай роль ўйнашини аниқлашга қаратилади. Пировардида ижтимоий асос индивидуал асосга қараганда устунроқ аҳамият касб этади, уни ўзига бўйсундиради ва қамраб олади. Мазкур ёндашув тотал ижтимоий тизимларга ва уларни асослашга ҳаракат қилувчи фалсафий таъ-

лимотларга, хусусан, Платон фалсафаси, айниқса, хосдир. Умуман олганда, бу индивидуализм ва коллективизм муаммосидир.

Ҳаётнинг мазмуни ва инсоннинг вазифаси. Инсон ҳаётнинг тезоқарлигини ёдда тутиши, унинг шомини кузатиши, одамзод ҳаётининг бебаҳолиги ҳақида ўйлаши, ўлим ҳақ эканлигини унутмаслиги лозимлиги ҳақидаги фикрларга биз фалсафа фани шаклланиш жараёнининг илк босқичидаёқ, Ғарб фалсафий анъанасида ҳам, Шарқ фалсафасида ҳам дуч келишимиз мумкин. Шундан бери ўтган икки ярим минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида бу борада деярли ҳеч қандай ўзгариш юз бергани йўқ, зеро, аввалгидек, одамзоднинг ҳаёт йўли туғилиш ва ўлиш саналари билан чегараланади. Шунингдек, биринчи сана доим муайян, аниқ бўлса, иккинчи сана инсон умрининг охирги сонияларигача мавҳум бўлиб қолади.

Айни шу сабабли ҳаётнинг мазмуни муаммоси ҳар бир инсон қаршисида эртами-кечми кўндаланг бўлади ва у ўзига аниқ ва узил-кесил жавоб топиш мумкин бўлмаган саволларни беради. «Бу дунёда нима учун яшаяпман», деб сўрайди ўзидан инсон ва агар бу саволга ўзи жавоб бермаса, ўз ҳаётига муайян мазмун бахш этмаса, бу ишни унинг ўрнига ҳеч ким ва ҳеч қачон бажармаслигини вақт ўтиши билан англай бошлайди. Абадият қаршисида, ўлим қаршисида ҳар ким, охир-оқибатда, ўзи билан ўзи танҳо қолади.

Албатта, жамиятда инсон ўзини бу даражада ёлғиз ҳис этмайди, бироқ, экзистенциалистлар фикрига кўра, бу ҳол токи инсон бошқаларнинг ҳам ўз ҳаёти борлиги ва улар ҳам ўз ҳаётининг мазмуни ва ўзининг вазифаси ҳақидаги ўта шахсий муаммоларни мустақил ечиш зарурияти қаршисида турганини англаб етгунга қадар давом этади.

Бундан экзистенциализм фалсафасида ёлғизлик муаммоси келиб чиқади. Аслида, мазкур муаммо фалсафий антропологияда ҳам инсон борлиғи таҳлилидаги бош муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳаётни тарк этиш босқичлари. Биологик мавжудот сифатида ҳар бир инсон ўлимга маҳкумдир. Буни қадимги мутафаккирлар ҳам яхши тушунган. Хусусан, ўз мухолифларидан бирининг: «Ўттиз тиран сени ўлимга ҳукм этди», деган гапига Суқрот: «Уларни эса, ўлимга табиат ҳукм этган», деб жавоб берган. Аммо, одамзод ижтимоий мавжудот сифатида ҳам ўлимга маҳкумдир.

Ҳозирги замон фанида ўлиш жараёнининг тўрт босқичи фарқланади. Бу босқичларга организмда юз берадиган ва унинг қаришини тавсифлайдиган орқага қайтариб бўлмайдиган биологик ўзгаришлар сабаб бўлади.

Хусусан, 25 ёшдан бошлаб ва айниқса, 45 ёшдан кейин инсонда ҳар куни у туғилган пайтга қадар «жамланган» ва бошқа ҳеч қачон янгиланмайдиган ўн минглаб нерв ҳужайра (нейрон)лари ҳалок бўлади. Аммо бош мия қобиғида бундай ҳужайралар сони 40 миллиардга етади ва шу сабабли «қариётган нормал мия учун бу жиддий оқибатларга сабаб бўлмайди, чунки унда яна ўн миллиардлаб нейронлар нормал фаолият кўрсатишда давом этади»[1].

Амалда инсоннинг ҳаётни тарк этиши у одамлардан ўзини олиб қочиб, жамиятдан узоқлашиши билан тавсифланадиган **ижтимоий ўлим** юз берганида бошланади. Сурункали гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш, кашандалик, ички-

[1] Годфруа Ж. Что такое психология. Т. 2. –М.: 1996 г. с. 11.

ликбозлик, ўз ҳаётидан доимий норозилик ижтимоий ўлимни билдиради. Сўнгра **руҳий** ўлим юз беради, бунда инсон ҳаёт тугагани ва ўлимнинг муқаррар эканлигини ва ўз ҳаёти давомида ҳеч нарсага эриша олмаганини англайди. **Мия ўлиши** билан бош мия фаолияти бутунлай тўхтайди, организмнинг турли функцияларини бошқариш барҳам топади. Бу жараён **физиологик ўлим** билан якунланади. Бунда инсоннинг уни тирик организм сифатида тавсифловчи барча функциялари узил-кесил тўхтайди.

Хулосалар. Муайян инсон ўз ҳаёти сўнишининг юқорида санаб ўтилган босқичларини англамаслиги ҳам мумкин (аксарият ҳолларда шундай бўлади), аммо у ўз ҳаёт йўлидан илгарилар экан, бу дунёда нима учун яшаяпман, деган саволга ўз ҳаракатлари, қилмишлари билан жавоб беради. Агар инсон уларни ҳали тўла англаб етмаган бўлса, мазкур вазифани ечиш ўз ҳаёт йўлини эндигина танлаётган одам учун ҳам, умрининг шомида ортга назар ташлаб, ўз ҳаётини сарҳисоб қилаётган одам учун ҳам тенг даражада мушкул иш бўлиб қолади.

Инсон ўз табиатига кўра ўлимга маҳкум, аммо, буни тушунган ҳолда, у ўзи билан боғлиқ ҳамма нарса ўзининг туғилиш ва ўлиш саналари билан чегараланган қисқа вақт оралиғида жамланганини тан олишни истамайди. У ўз тақдирини ижтимоий муҳим мақсадлар, маънавий уйғониш билан боғлашга ҳаракат қилиши айни шу ҳол билан изоҳланади.

Яна бир йўлни дин таклиф қилади. Бу ерда, у ёки бу эътиқодларга қараб, ҳаётнинг мазмуни ва шахсий умрбоқийликка эришиш ҳақидаги саволга шаклан ҳар хил, лекин мазмунан жуда ўхшаш жавоблар берилади. Уларда, асосан, у дунё чин дунё эканлиги, бу дунёда бажарилган ишларга ҳақиқий баҳо у дунёда берилиши ва шу кабилар тўғрисида сўз юритилади.

Яна бир имконият – бу дунёда ўз ҳаётини одамларга, эзгулик, ҳақиқат ва адолатга хизмат қилишга бағишлашдан иборат. Шу тариқа инсон ўз ишлари, ғоялари ва қилмишлари билан келгуси авлодлар хотирасида қолиш имкониятини қўлга киритади.

Инсон бу йўлларнинг қайси бирини танлаши фақат унинг ўзига боғлиқ. У ўз ҳаётида бу ерда кўрсатилганидан бутунлай бошқа йўлни танлаши ҳам мумкин. Лекин эртами-кечми ҳар бир инсон ҳаётда ўзи танлаган йўлнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида мулоҳаза юритиши муқаррардир.

Тажрибавий-амалий матнлар

Фалсафий антропология, инсон, ҳаёт, тасодиф, аномалия, Ерда инсон пайдо бўлиши, инсон маънавияти, инсоннинг кўп ўлчовлилиги, космоцентризм, теоцентризм, социоцентризм, антропоцентризм, биосфероцентризм, экзистенциализм, инсоннинг биоижтимоий моҳияти, инсонни тушунишда дуализм ва монизм, биологизаторлик концепциялари, социологизаторлик концепциялари, инсоннинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, ҳаётни тарк этиш, инсоннинг вазифаси.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Турли фалсафий тизимларда инсон ҳақидаги тасаввурлар қандай шаклланган?
2. Фалсафий антропология қачон вужудга келган ва у нимани ўрганади?
3. Антропологиядаги фалсафий ва бошқа йўналишлар ўртасидаги фарқ нимада?
4. Нима учун инсон моҳияти «боқий» фалсафий муаммо ҳисобланади?
5. Инсонда биологик ва ижтимоий асосларнинг ўзаро нисбати қандай?
6. Инсон ҳақида ягона фан бўлиши мумкинми?
7. Инсоннинг биоижтимоий табиати фалсафий муаммо ҳисобланадими?
8. «Биологизаторлик» ва «социологизаторлик» концепцияларини қандай баҳолайсиз?
9. Фалсафа ҳаётнинг мазмунини англашда ёрдам бериши мумкинми?
10. Умрбоқийлик мумкинми?

Реферат мавзулари

1. Инсонни фалсафий тушунишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Фалсафа тарихида инсон муаммоси.
3. Инсонни ўрганишга нисбатан фалсафий ва табиий-илмий ёндашувларнинг фарқи.
4. Фалсафий антропологиянинг шаклланиш босқичлари.
5. Инсон келиб чиқишининг фалсафий концепциялари.
6. Инсон биологик ва ижтимоий табиатининг бирлиги.

7. Инсон, индивид, шахс.
8. Инсон ҳаётининг мазмуни муаммоси.
9. «Ҳаёт», «ўлим», «умрбоқийлик» фалсафий категориялар сифатида.
10. Фалсафа инсоннинг вазифаси ҳақида.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Қуйидаги сўзлар муаллифи ким: «Инсон ўзини дунёдан олдинроқ ва кўпроқ билади, айни шу сабабли у дунёни ўзидан кейин ва ўзи орқали англаб етади...»?

А. Н.А.Бердяев
Б. В.Соловьев
В. В.Кузнецов
Г. А.Чумаков

2. «Инсон–машина» асарининг муаллифи ким?

А. Ж.Ламетри
Б. Дж.Беркли
В. Дж.Бруно
Г. Б.Спиноза

3. Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги эволюцион концепция асосчиси ким?

А. Ч.Дарвин
Б. К.Линней
В. Ч.Пирс
Г. А.Эйнштейн

4. Инсонни ўрганишнинг интровертив ёндашуви вакиллари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. М.Шелер, А.Гелен, К.Лоренц
Б. Н.А.Бердяев, А.Гелен, К.Лоренц
В. С.Л.Франк, Л. П.Карсавин, С.Н.Булгаков
Г. Н.О.Лосский, Л. П.Карсавин, С.Н.Булгаков

5. Фалсафа тарихида инсон ҳақидаги қарашларни «антропологик материализм» сифатида баҳоланган файласуф ким?

А. Л.Фейербах
Б. И.Кант
В. В.Гегель
Г. Ф.Ницше

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Инсон қадри ва шахсий қадриятлар // Қадриятлар фалсафаси. –Т.: ЎФМЖ, 2004 й.
2. Бердяев Н.А. О назначении человека. –М.: «Прогресс», 1993 г.
3. Choriyev A. Inson falsafasi. –Toshkent.: O‘FMJ, 2006-y.
4. Шермухамедов С. Инсон фалсафаси. –Т.: «Фан», 2009 й.

5. Борзенков В.Г., Юдин Б.Г. Философская антропология: Учебное пособие. –М.: «АСТ», 2005 г.

6. Гаранина О.Д. Философия человека. –М.: 2006 г.

7. Гуревич П.С. Человек. –М.: 1995 г.

8. Камю А. Бунтующий человек. –М.: 1990 г.

9. Кувакин В.А. Твой рай и ад: Человечность и бесчеловечность человека. –СП(б).: 1998 г.

10. Молодцова Е.И. Традиционное знание и современная наука о человеке. –М.: 1996 г.

11. Мочалов Е.В. Антропология всеединства в философии. –СП(б).: 2006 г.

12. Олпорт Г. Становление личности: Избр. тр.: пер. с англ. –М.: 2002 г.

13. Тейяр де Шарден П. Феномен человека. –М.: 2002 г.

14. Фромм Э. Душа человека. –М.: 1992 г.

15. Кошкарова Н.И. Бытие человека в культуре : На материале амер. культур. антропологии : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.11. Уфа. 1996 г.

16. Мандшир Д. Социализация как философско-антропологическая проблема : диссертация ... кандидата философских наук : 09.00.13. Москва, 2000 г.

17. Шелер М. Место человека в космосе. –М.: 2001 г.

18. Қурбонова Л. Инсон борлиғи. Андижон; АДУ. 2009 й.

АКСИОЛОГИЯ – ҚАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ

1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар машғулоти: Аксиология-қадриятлар фалсафаси
Машғулот режаси	1. Қадрият тушунчаси ва унинг умумий тавсифи. Қадрият категориясининг мазмуни. 2. Баҳолаш ва баҳолаш структураси. 3. Қадриятларнинг турлари. 4. Қадриятлар иерархияси.
Машғулотнинг мақсади:	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Қадрият тушунчаси ва унинг шаклланиш жараёни масаласи.	Қадриятнинг ривожлариш иерархияси.
Қадриятнинг табиати ва моҳиятини тушуниш масаласи.	Қадриятларнинг ўзгарувчанлиги масаласи.
Қадрият турларининг таҳлили.	Қадрият ва баҳолаш мезонларининг шаклланиши.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.

	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Қадрият ва анъана» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режанинг муҳокамаси ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Жамият ва инсон ҳаётида қадриятларнинг роли? 2. Соғлиқ қадрият сифатида? 3. Эркинлик қадрият сифатида? 4. Шахснинг қадриятларга бўлган муносабати?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Қадрият категориясининг мазмуни», «Қадриятларнинг турлари», «Эҳтиёж ва қадриятлар», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Қадрият тушунчаси ва унинг умумий тавсифи. Қадриятлар ва баҳолар. Атроф-борлиқда одамлар эътиборидан четда қоладиган, улар қадрият сифатида қарамайдиган ҳодисалар жуда кам. Шу сабабли қадриятлар табиат ҳодисалари,

жамиятдаги жараёнлар, инсоний хатти-ҳаракатлар ва туйғулар каби кўпдир. Аммо бу фикр биз айрим инсонни эмас, балки бутун инсониятни назарда тутган тақдирдагина ўринлидир. Айрим инсонда қадриятлар, яъни уни қизиқтирган ҳодисалар доираси жуда тор, чекланган бўлиши ҳам мумкин. Инсон шахсиятининг торлиги унинг ҳаёт қадриятлари, қизиқишлари сонининг озлиги ва уларнинг хусусиятида намоён бўлади.

Жамиятда мавжуд қадриятларнинг ранг-баранглиги уларни таснифлаш зарурияти-ни белгилайди. Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги замон аксиологиясида бу муаммони ечишга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу сабабли, турли концепциялар доирасида илгари сурилган бу муаммони ечишга нисбатан ёндашувларни умумлаштириб, қадриятларни ижтимоий ҳаёт соҳаларига кўра; қадриятларнинг субъектлари ёки манбаларига кўра; қадриятларнинг жамиятдаги ролига кўра таснифлаш мумкин. Қуйида уларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз

Қадриятлар ҳақидаги таълимот яқинда вужудга келган, деб ҳисоблаш одат тусини олган. Аммо бу нотўғри. Фалсафа тарихида илдизлари илк фалсафий тизимларга бориб тақалувчи анча кучли қадриятларга доир анъанага дуч келиш мумкин. Қадимги даврдаёқ файласуфларни қадриятлар муаммоси қизиқтирган. Аммо ўша даврда қадрият борлиқ билан айнийлаштирилган, қадриятга хос бўлган хусусиятлар эса унинг мазмунига киритилган. Масалан, Зардўшт, Моний, Суқрот ва Платон учун яхшилик ва адолат каби қадриятлар ҳақиқий борлиқнинг бош мезонлари ҳисобланган. Бундан ташқари, қадимги файласуфлар қадриятларни таснифлашга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Моний зулмат ва зиё дунёси мавжуд, биринчи дунёда адолатсизлик, зулм, зўравонлик, иккинчисида эса абадий, енгилмас доимий қадриятлар ҳукм суради, деб ҳисоблайди. Аристотель ўзига тўқ қадриятларни (улар жумласига файласуф инсон, бахт, адолатни киритган) ва англаб етиш имконияти инсоннинг оқиллигига боғлиқ бўлган нисбий қадриятларни фарқлайди.

Турли фалсафий даврлар ва уларда мавжуд бўлган фалсафий мактаблар қадриятлар тушунчасининг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган. Масалан, Ўрта асрларда Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам қадриятлар диний хусусият касб этган ва илоҳий моҳият билан боғланган. Уйғониш даврида А.Навоий, А.Жомий, Румий, Леонардо да Винчи ижодида инсонпарварлик ва ҳурфикрлилик қадриятлари биринчи ўринга чиққан. Жумладан А.Навоийнинг одил жамият қуриш ҳақидаги ғоясида умуминсоний қадриятлар тизими, комил инсон таълимотида эса, энг етук инсон қиёфасига хос шахсий қадриятлар тизими ифодаланган.

Янги даврда қадриятлар ҳақидаги таълимотга нисбатан ёндашувлар рационализм нуқтаи назаридан тавсифлана бошланганки, бу ҳол фаннинг ривожланиши ва янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши билан изоҳланади. Бу даврда қадриятлар ва уларнинг мезонлари муаммоси Рене Декарт, Бенедикт (Барух) Спиноза, Клод Адриан Гельвеций, Поль Анри Гольбах, А.Авлоний, А.Дониш, Фурқат, Муқимий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида ўз аксини топган. Жумладан, А.Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида, «яхши хулқлар» – муҳаббат, яхшилик, адолат, ҳақиқат, шижоат, ибрат каби ижобий қадриятларни ва разолат, ғийбат, жаҳолат, адоват каби «ёмон хулқлар»ни фарқлайди. Кейинроқ, XX асрда, ўзбек файласуфи С.Шермухамедов Авлоний ғоясини давом эттириб, инсонга табиат 36 та ижобий фазилат ва 36 та салбий иллат ато этганли-

гини, уларнинг қай даражада намоён бўлишини, инсон ўз ҳаётининг қадрига етишида кўринишини эътироф этади.

Иммануил Кант фалсафаси қадриятлар ҳақидаги таълимотнинг ривожланиш жараёнида туб бурилиш ясади. Кант мавжудлик ва жоизлик, воқелик ва идеал, борлиқ ва яхшилик тушунчаларини биринчи бўлиб фарқлади, эркинлик сифатидаги ахлоқийлик муаммосини зарурият қонуни таъсири остида бўлган табиат соҳасига қарама-қарши қўйди ва ҳоказо.

Қадриятлар назарияси фалсафий билимларнинг илмий тизими сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида Вильгельм Виндельбанд, Рудольф Лотце, Герман Коген, Генрих Риккерт каби немис файласуфларининг асарларида шакллана бошлади. Айни шу даврда Р.Лотце ва Г.Коген объект маъносидаги қадрият тушунчасига илк бор фалсафий таъриф берди. XX асрнинг бошида француз файласуфи П.Лапи қадриятлар назариясини ифодалаш учун «аксиология» (юнон. «axios» – «қадрият», «logos» – «фан», «таълимот») атамасини муомалага киритди. Кейинчалик, аксиология муаммолари феноменология, герменевтика, экзистенциализм ва бошқа фалсафий йўналишларнинг вакиллари томонидан тадқиқ этилди.

Мамлакатимизда аксиология қадриятлар ҳақидаги фан сифатида шўро даврида, унинг назарий асосини идеалистик фалсафа ташкил қилгани учун рад этилди. XX асрнинг 80-йилларидан эътиборан бу назария ривожлана бошлади. Бу, дастлаб, Х.Шайхова, Қ.Назаров ижодида миллий қадриятларнинг асосий шакллари, инсон қадри ва шахсий қадриятларнинг таҳлилида, сўнгра бир қанча ёш олимлар ижодида ўз ифодасини топди. Хусусан, Қ.Назаров инсон қадри ҳақида фикр юритар экан, «Қарилик иборасини инсонга нисбатан биологик маънода ишлатиш мумкин, аммо бу тушунчани инсон қадрига ва қадриятларига нисбатан ишлатиш ножоиз. Зеро, қарилик қадрсизланиш бўлмагани каби ёшлик ҳам беқадрлик дегани эмас»[1], деб таъкидлайди. Бинобарин, ўз шахси ва бошқаларнинг қадрини англаш учун инсоннинг маънавий дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг бебаҳо неъмат эканлигини англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим.

Демак, қадим замонлардан бошлаб ҳозирги вақтгача, фалсафада, қадрият муайян нарсанинг атрибутими ёки у шахс ва жамият эҳтиёжлари билан белгиланган баҳолаш маҳсулими, деган масала атрофида турли фалсафий мактаблар ва йўналишларнинг вакиллари ўртасида муҳокама қилинган ва у ҳозир ҳам давом этмоқда. Биринчи ҳолда қадрият инсондан қатъи назар мавжуд бўлган объектив нарса ёки ҳодиса сифатида талқин қилинади. Иккинчи ҳолда қадрият тушунчаси эркин хусусиятга эга бўлган субъектив нисбий мулоҳазалар билан боғланади. Қадриятлар мазмуни объектлардан эмас, балки инсоннинг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу икки қарама-қарши нуқтаи назар қадрият тушунчасининг баъзи бир хусусиятларини акс эттиради, лекин у ҳақда аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди.

Қадрият воқеликнинг, яъни табиат, жамият ёки маданият ҳодисаларининг хоссаси, деган фикрга қўшилсак, ҳақиқат ва қадриятнинг айнийлаштирилиши муқаррардир. Аммо, аксиологиянинг: «Бахт-саодат нима», деган асосий масаласини биринчи бўлиб таърифлаган Сукрот ҳақиқат ва қадрият ўртасида жид-

[1] Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). –Т.: ЎФМЖ. 2004 й. 109-б.

дий фарқларни кўрсатиб берган. Билим бахт-саодатга эришишнинг муҳим шарти, лекин у мазкур қадриятга эришишнинг бирдан-бир шарти эмас. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, табиат ва жамият предметлари ва ҳодисалари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни англаб етиш ё амалда нима мавжудлиги ҳақидаги билим шаклида, ё бу борлиқ қандай бўлиши лозимлиги, инсон табиатга ва бошқа одамларга нисбатан ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақидаги тасаввур кўринишида амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолда предмет ҳақидаги билим унинг ҳақиқийлиги ёки сохталиги нуқтаи назаридан, иккинчи ҳолда – предметнинг қиммати, яъни унинг инсон учун аҳамияти нуқтаи назаридан тавсифланади.

Хўш аксиология нимани ўрганади? *Аксиология – фалсафанинг қадриятларни ўрганиш билан шуғулланувчи алоҳида бўлими (юнон. «axios» – «қадриятлар», «logos» – «билим»: қадриятлар ҳақидаги фан).* Қадриятлар улкан фалсафий аҳамиятга эга. *Қадриятлар тушунчаси инсоннинг дунёга бўлган муносабатининг алоҳида жиҳатини намоён этади. Улар инсон фаолияти, жамият ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини янада теранроқ англаб етиш имконини беради*. Қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди, чунки инсоннинг ҳаёт тарзини, унинг ҳайвонот дунёсидан ажралиш даражасини айнан қадриятлар тавсифлайди. Қадриятлар шахснинг ҳаёт фаолиятида фундаментал аҳамият касб этади. Қадриятлар одамларни жипслаштириш, уларни ҳамжамиятларга бирлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Умумий қадриятларнинг мавжудлиги фуқаролар, ижтимоий бирликлар ва гуруҳларнинг тинч-тотувлигини таъминлайди. Қадриятлар муаммоси жамият ривожланишининг ўтиш даврларида, туб ижтимоий ўзгаришлар жамиятда мавжуд бўлган қадриятлар тизимларида ўзгаришлар ясаб, одамларни ё ўзлари кўниккан эски қадриятларни сақлаш, ё турли партиялар, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, ҳаракатларнинг вакиллари томонидан таклиф қилинаётган, ҳатто мажбурий тарқатилаётган янги қадриятларга мослашишга мажбур этувчи даврларда алоҳида аҳамият касб этади. Қадриятлар ва мўлжалларни йўқотиш ёки вужудга келган қадриятлар тизимидан воз кечиш эса муқаррар тарзда жамиятнинг таназзулга юз тутиши ва парчаланишига олиб келади. Қадриятлар – маданиятнинг тизим яратувчи муҳим омили. Қадриятлар мазмунига қараб бутун жамият ҳақида ҳукм чиқариш мумкин. Шу сабабли, қадриятлар нима, қадрият ва баҳонинг ўзаро муносабати қандай, қайси қадриятлар инсон учун энг муҳим ва қайсилари иккинчи даражали, деган саволлар бугунги кунда оламшумул аҳамият касб этади. Аксиологиянинг предметини барча турдаги қадриятлар, уларнинг табиати, турли қадриятларнинг бир-бири, ижтимоий ва маданий омиллар ҳамда шахс структураси билан алоқаси ташкил этади. Аксиология таълимотига кўра, қадриятлар муайян норматив категория бўлиб, улар мақсад, идеал, майл, интилиш, қизиқиш предмети саналган ҳамма нарсани қамраб олади. Қуйидагилар бу назариянинг асосий тушунчалари ва категориялари ҳисобланади: яхшилик, қадр-қиммат, фойда, аҳамият, баҳо, ғалаба, ҳаётнинг мазмуни, бахт, ҳурмат ва ҳоказо.

Қадриятнинг табиати ва моҳиятини тушунишга нисбатан бир неча ёндашув мавжуд бўлиб, улар аксиология фалсафий тадқиқотларнинг мустақил соҳаси сифатида вужудга келганидан сўнг пайдо бўлган. Қуйида уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

1. **Натуралистик психологизм** (Алексиус фон Мейнонг, Ральф Бартон Перри, Жон Дьюи, Кларенс Ирвинг Льюис) қадриятларга манбаи инсоннинг биологик ва психологик эҳтиёжларида мужассамлашган объектив омиллар сифатида қарайди. Мазкур ёндашув инсон ўзининг муайян эҳтиёжларини қондириш жараёнида фойдаланувчи ҳар қандай предметлар ва ҳаракатларни қадриятлар қаторига киритиш имконини беради.

2. **Персоналистик онтологизм.** Мазкур йўналишнинг энг таниқли намояндаси Марк Шелер ҳам қадриятларнинг объектив хусусиятини асослашга ҳаракат қилган. Аммо, Шелер концепциясига биноан, муайян предметлар, ҳодисалар қадриятини уларнинг эмпирик табиати билан айнийлаштириш мумкин эмас. Айтайлик, ранг ўзи тегишли бўлган предметлардан қатъи назар мавжуд бўлиши мумкин бўлганидек, қадриятлар ҳам (гўзаллик, эзгулик, фожеавийлик) ўзлари тавсифловчи нарсалардан қатъи назар идрок этилиши мумкин.

Шелер фикрига кўра, қадриятлар дунёси муайян иерархияга эга. Бу иерархиянинг қуйи поғонасини ҳиссий майлларни қондириш ва моддий неъматлар билан боғлиқ бўлган қадриятлар эгаллайди; юксакроқ қадриятлар – бу «гўзаллик» қадриятлари ва «маърифий» қадриятлар; «илоҳийлик» ва Худо ғояси энг олий қадрият ҳисобланади. Бу қадриятлар дунёсининг реаллиги илоҳий шахснинг қадриятига асосланади. Инсон шахсининг типи эса унга хос бўлган қадриятлар иерархияси билан белгиланади. Айни шу иерархия мазкур шахснинг онтологик асоси ҳисобланади.

3. **Аксиологик трансцендентализм** (Вильгельм Виндельбанд, Генрих Рикерт) қадриятларни объектив борлиқ сифатида эмас, инсон эҳтиёжлари ва майларига боғлиқ бўлмаган идеал борлиқ сифатида тушунади. Бундай қадриятлар қаторига мустақил мазмун касб этадиган ва идеал меъёрлар тарзида мавжуд бўлган қадриятлар – ҳақиқат, яхшилик, адолат, гўзаллик киради. Шундай қилиб, мазкур концепцияда қадрият борлиқ эмас, балки манбаи муайян трансцендентал, яъни ғайриоддий онг саналган идеалдир.

4. **Маданий-тарихий релятивизм**. Аксиологиянинг бу йўналиши асосчиси Вильгельм Дильтей бўлган. Унинг таълимоти замирида аксиологик плюрализм ғояси ётади. Аксиологик плюрализм деганда, Дельтей тарихий метод ёрдамида фарқланувчи ва таҳлил қилинувчи тенг ҳуқуқли қадриятлар тизимларининг кўп сонлилигини тушунган. Моҳият эътибори билан бу ёндашув реал маданий-тарихий контекстни мавҳумлаштириб, қадриятларнинг бирдан-бир тўғри, мутлақ концепциясини яратиш йўлидаги уринишларни танқид тиғи остига олган.

5. **Қадриятларнинг социологик концепцияси.** Бу концепциянинг асосчиси қадриятлар тушунчасини социологияга киритган ва ундан ижтимоий ҳаракат ва ижтимоий билимни талқин қилиш учун фойдаланган Макс Вебердир. Вебер фикрига кўра, қадрият – ижтимоий субъект учун муайян аҳамиятга эга бўлган меъёр.

Кейинчалик Вебернинг бу ёндашувини америкалик социолог Уильям Томас ва поляк социологи Флориан Знанецкий ривожлантирди. Бу олимлар қадриятларни уларнинг ижтимоий аҳамияти нуқтаи назаридангина эмас, балки ижтимоий мўлжаллар орқали ҳам тавсифлай бошладилар. Уларнинг фикрига кўра, тавсифлаш мумкин бўлган мазмунга ва муайян ижтимоий гуруҳ аъзолари учун аҳамиятга

эга бўлган ҳар қандай предмет қадрият ҳисобланади. Мўлжаллар эса гуруҳ аъзоларининг қадриятга бўлган субъектив муносабатини англатади.

Ҳозирги замон фалсафий ва социологик адабиётларида ҳам қадриятларнинг табиати ва моҳиятини тушунишга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Айрим тадқиқотчилар қадриятга, инсоннинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга ёки унга муайян фойда келтиришга қодир бўлган предмет сифатида; айримлар – идеал, меъёр сифатида; яна бир гуруҳ олимлар – бирон-бир нарсанинг инсон ёки ижтимоий гуруҳ учун аҳамияти сифатида ёндашадилар. Зикр этилган ёндашувларнинг ҳар бири мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга, чунки уларнинг барчаси қадриятларнинг муайян жиҳатини акс эттиради; уларга бир-бирини истисно этувчи ёндашувлар сифатида эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи ёндашувлар сифатида қараш керак. Мазкур ёндашувлар синтези ҳозирги замон қадриятлар умумий назариясини ташкил этади.

Қадрият категориясининг мазмуни. Қадриятлар умумий назарияси муаммоларига ва унинг энг муҳим категорияларига батафсилроқ тўхталамиз. Аввало, мазкур назариянинг асосий тушунчаси – қадрият категориясининг мазмунига ойдинлик киритамиз. Бу сўзнинг этимологик маъноси анча содда бўлиб, атаманинг ўзига мос келади: қадрият – одамлар қадрлайдиган нарса. Нарсалар ёки буюмлар ҳам, табиат ҳодисалари ҳам, ижтимоий ҳодисалар ҳам, инсоннинг хатти-ҳаракатлари ҳам, маданият ҳодисалари ҳам қадрият бўлиши мумкин. Аммо, «қадрият» тушунчасининг мазмуни, унинг табиати оддий онг тасаввур қилганидек содда эмас**.** Қадрият, худди ҳақиқат каби, хосса эмас, балки фикр ва воқелик ўртасидаги муносабатдир. Инсон ўзининг индивидуал тажрибасига асосланиб, ўзи учун муҳим бўлган объект билан ўз эҳтиёжлари ва манфаатлари ўртасида алоқа мавжудлигини англаб етади.

Инсон учун ижобий аҳамиятга эга бўлган нарса ёки ҳодиса қадрият ҳисобланади. Муҳимлик нарсанинг ўзидаги хоссалари билан эмас, балки уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти билан белгиланади. Кант тафаккур қадриятларнинг манбаларини ва уларни мақбул нарсага айлантирувчи қадриятлар ўлчовини англаб етишга қодир эканлигини қайд этади. Табиат ва маданият предметлари саналган манбалар бўлмаса, қадриятлар ҳам бўлмайди. Қадриятлар ўлчови эса, айрим мезонларнинг мавжудлигини назарда тутади. Муайян предметнинг мазкур мезонларга мувофиқлиги уни шахс ёки жамоа учун қадриятга айлантиради. Мақбуллик субъектив даражада баҳолаш, яъни турли ҳодисаларнинг инсон учун аҳамиятини аниқлаш тарзида амал қилади. Мазкур ҳодисаларнинг инсон учун аҳамияти унинг ижтимоий позицияси, дунёқараши, маданият, ақл-заковат ва маънавият даражаси билан белгиланади. Шу сабабли қадриятнинг борлиғи интеллектуал даражадагина эмас, балки эмоционал даражада ҳам англаб етилади. Ўз-ўзидан равшанки, субъектив мақбул нарса ёки ҳодиса билан қадрият ўртасида тўқнашув юз бериши мумкин. Масалан, инсон учун муҳим маданий ҳодиса – ўйинни кўпчилик фақат болаликдагина кечиши мумкин бўлган беҳуда ва бефойда фаолият деб ҳисоблайди. Шелер, аксинча, ўйиннинг инсон учун аҳамиятини қайд этиб: «Инсон сўзнинг тўлиқ маъносида инсон бўлган ҳолдагина ўйнайди ва у фақат ўйнаётган пайтдагина тўлақонли инсон бўлади»[1], деб ёзади.

[1] Шелер М. Статьи по эстетике. –М.: 1935 г. с. 302–303.

Аммо, баҳоларгина эмас, балки қадриятлар дунёси ҳам инсониятга боғлиқ бўлиб, унинг ривожланиш даражаси, фаолият соҳасининг кенгайиши, маданият ва цивилизациянинг хусусияти билан белгиланади. Табиат аксиологик жиҳатдан нейтрал бўлиб, у қадрият сифатида инсоният билан бир контекстда, инсоният мавжудлиги ва ривожланишининг муайян тарихий шароитларидагина актуаллашади. Турли цивилизацияларга хос бўлган меъёрларни таққослаш қадриятлар динамикаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Масалан, қадимги Юнонистонда инсон ҳаёти тўлақонли тарзда уйғун намоён бўлиши, Мисрда эса – инсон ҳаётининг ўлимга бўйсуниши олий қадрият ҳисобланган.

Қадриятлар индивидуал бўлиб, улар англаниши ёки англанмаслиги ёки нотўғри англаниши мумкин. Аммо қадриятларни субъектив даражада мақбул ҳодиса сифатида англашнинг ҳар қандай варианти баҳолаш кўринишида амал қилади. Ҳақиқатдан фарқли ўлароқ, баҳолаш нарсаларнинг ҳақиқий ҳолатига билимнинг мувофиқлигига эришишдан эмас, балки нарсаларни ва уларнинг хоссаларини инсон учун зарур ва муҳим деб англаб етишдан иборат. Предметнинг объектив мазмуни (аҳамияти) билан субъект баҳолаш жараёнида экспликация қилувчи шахсга доир мазмун ўртасида кучли тафовут мавжуд. Шу сабабли баҳолашда дунёни англаб етишнинг шахсий хусусияти билан изоҳланувчи субъектив омил устунлик қилиши мумкин. Бу тафовутга қарамай, ҳақиқат ва қадрият ўртасида узвий алоқа мавжуд. Маълумки, ҳақиқий билим баҳолаш предмети бўлиши, қадрият сифатида тавсифланиши мумкин. Ўз навбатида, ҳодисалар дунёсининг инсон учун аҳамиятини фақат улар ҳақидаги билимлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Нарсанинг аҳамияти ҳақида хулоса чиқариш, у субъектга зарур бўлган сифатларга эга эканлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш демакдир. Қадриятлар субъектнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, майллари, мақсадлари ва идеаллари билан объектнинг амалдаги алоқасини акс эттиради. Шу сабабли қадриятлар ҳақидаги мулоҳазалар тўғрисида уларнинг ҳақиқийлиги ёки сохталиги нуқтаи назаридан сўз юритиш мумкин. Шунга қарамай, қадриятлар ҳақидаги мулоҳазалар, улар ҳақиқий билимга ёки хурофий ақидаларга, фанга ёки бидъатга, ҳаёт тажрибасига ёки унинг мавжуд эмаслигига асосланганидан қатъи назар, қадриятларни аниқлайди, уларни қайд этади. Ҳақиқат ва баҳолашнинг фарқи уларни англаб етиш усулларида ҳам, ифодалаш шаклларида ҳам, қадриятларни билиш жараёнида иштирок этувчи онг структураларида ҳам намоён бўлади. Ҳақиқат субъективликни чеклаш йўли билан англаб етилади, билиш ўрганилаётган нарсага нисбатан тасодифий ва сиртқи хусусиятга эга бўлган нарсаларни мавҳумлаштиришни назарда тутади. Ҳақиқатда, дунё инсондан қатъи назар қандай бўлса, шундай кўринишда намоён бўлади. (Аммо, ҳақиқатда субъективлик омилини бутунлай истисно этиш мумкин эмас.) Баҳолаш етакчи омил сифатида субъектив асосни ўз ичига олади, унда предметнинг ўз хоссалари эмас, балки (гарчи, билим баҳолаш омили саналса-да) унинг инсон учун аҳамияти намоён бўлади.

Ҳақиқат ва баҳолашни акс эттириш шакллари ҳам бир-биридан анча фарқ қилади. Ҳақиқат табиат, жамият ва тафаккур қонунларини очиб берувчи оқилона, мантиқий жиҳатдан зиддиятсиз билим кўринишига эга бўлади. Баҳолаш эмоциялар, майллар, ирода соҳасига қараб мўлжал олади. Гарчи, баҳолаш билим оми-

лини ҳам ўз ичига олса-да, лекин бу билим анча мавҳум образли шакл-шамойил касб этиши, далил-исботсиз бўлиши, интуицияга таяниши мумкин.

Қадриятлар санъат ва дин, ахлоқ ва ҳуқуқ, сиёсий ва маданий ҳаёт соҳасида етакчи ўринни эгаллайди. Уларни илмий тушунчалар тилига ўгириш мумкин эмас ва аксарият ҳолларда улар бадиий-образли мифологик ёки диний шакл-шамойилга солинади.

Қадриятлар ҳақидаги мулоҳазаларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, улар баҳолаш ёки ички ҳолат орқали, аввало, қадриятни эмоциялар даражасида ҳис қилиш орқали ҳаракатга даъват этишдир. Илмий билишнинг вазифаси тўлақонли аниқ билимга мумкин қадар яқинлашишдан иборат бўлса, қадриятларга муносабат бизни «мазмун подшолиги»га, муҳимликлар дунёсига олиб киради.

Хўш, **«қадрият» тушунчасининг фалсафий мазмуни нимада**? Қадрият моҳияти ва табиатининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Қадрият ўз моҳиятига кўра ижтимоийдир ва объект-субъектли хусусият касб этади. Маълумки, жамият бўлмаган жойда қадриятлар мавжудлиги ҳақида гапиришнинг ўзи беҳудадир. Зеро, нарсалар, воқеалар, уларнинг инсон Билан, социум ҳаёти билан алоқасисиз, ўз ҳолича қадриятлар билан боғланмайди. Хуллас, қадриятлар доим инсоний қадриятлар ҳисобланади ва ижтимоий хусусият касб этади. Бу инсонийлашган табиатга, яъни бутун цивилизациягагина эмас, балки, ҳатто кўп сонли табиат объектларига ҳам тааллуқли. Масалан, кислороддан иборат бўлган атмосфера Ерда инсон пайдо бўлишидан анча олдин мавжуд бўлган, лекин кишилик жамияти вужудга келганидан кейингина атмосферанинг одамлар ҳаёти учун улкан аҳамияти ҳақида сўз юритиш имконияти туғилган.

2. Қадрият инсоннинг амалий фаолияти жараёнида вужудга келади. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти муайян мақсадни белгилашдан бошланади ва мазкур фаолият айни шу мақсадга эришишга бағишланади. Мақсад – индивидга ўзининг муайян эҳтиёжларини қондириш имконини бериши мумкин бўлган фаолиятнинг пировард натижаси ҳақидаги инсоннинг тасаввури. Шундай қилиб, индивид ўз фаолиятининг мўлжалланган натижасига аввал-бошданоқ қадрият сифатида қарайди. Шу сабабли, инсон натижага эришишга қаратилган фаолият жараёнининг ўзига ҳам ўзи учун муҳим, қадрли бўлган жараён сифатида ёндашади.

Албатта, инсоннинг ҳар қандай фаолияти ва унинг ҳар қандай натижалари эмас, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, ижтимоий эҳтиёжларга ва одамларнинг манфаатларига мос келадиган фаолият ва натижаларгина қадриятларга айланади. Қадриятлар қаторига нарсаларгина эмас, балки ғоялар, муносабатлар, фаолият усуллари ҳам киради. Биз моддий неъматларни ҳам, инсоний хатти-ҳаракатлар эзгулигини ҳам, давлат қонунларининг одилоналигини ҳам, оламнинг гўзаллигини ҳам, ақлнинг улуғворлигини ҳам қадрлаймиз.

3. «Қадрият» тушунчасини «муҳимлик» тушунчасидан фарқлаш лозим. қадрият «муҳимлик» тушунчаси билан нисбатлашади, лекин у билан айний эмас. Муҳимлик қадриятга бўлган муносабатнинг фаоллик, қизғинлик даражасини тавсифлайди. Нимадир бизни кўпроқ, нимадир камроқ таъсирлантиради, нимадир бизни ўзига нисбатан бутунлай бефарқ қолдиради. Шунингдек, муҳимлик қадрият хусусиятигагина эмас, балки «аксилқадрият», яъни зиён хусусиятига эга бўлиши ҳам мумкин. Ёмонлик, ижтимоий адолатсизлик, урушлар, жиноятлар ва

касалликлар жамият ва шахс учун улкан аҳамиятга эга, лекин бу ҳодисаларни қадриятлар деб номлаш одат тусини олмаган.

Бинобарин, «муҳимлик» тушунчаси «қадрият»га қараганда кенгроқ. Демак, қадрият – ижобий муҳимлик. Ижтимоий ривожланишда салбий роль ўйнайдиган ҳодисалар салбий аҳамиятга молик, деб талқин қилиниши мумкин. Шундай қилиб, ҳар қандай муҳимлик эмас, балки инсон, унинг бирлашмалари ёки бутун жамият ҳаётида ижобий роль ўйнайдиган муҳимликкина қадрият ҳисобланади.

4. Ҳар қандай қадрият икки хосса: функционал аҳамият ва шахсга доир мазмун билан тавсифланади. Бу қандай хоссалар?

Қадриятнинг функционал аҳамияти – бу нарса ёки ғояларнинг уларни мазкур жамиятда қадриятга айлантирувчи ижтимоий муҳим хоссалари, функцияларининг мажмуи. Масалан, муайян ғояга маълум информацион мазмун ва унинг ҳаққонийлик даражаси хос.

Қадриятнинг шахсга доир мазмуни – бу унинг инсон эҳтиёжларига бўлган муносабати. Қадриятнинг шахсга доир мазмуни, бир томондан, қадрият функцияларини бажарувчи объект билан белгиланади, бошқа томондан эса, инсоннинг ўзига боғлиқ бўлади. Инсон нарсанинг мазмун ва моҳиятини англаб етиш жараёнида ўзининг мазкур нарсага бўлган соф табиий эҳтиёжидан эмас, балки ўзи мансуб бўлган жамият тарбиялаган эҳтиёждан, яъни жинс билдирувчи ижтимоий эҳтиёждан келиб чиқади. У нарсага гўё бошқа одамларнинг, жамиятнинг кўзи билан қарайди ва унда мазкур жамият доирасида ўз ҳаёти учун муҳим бўлган нарсани кўради. Инсон жинс билдирувчи мавжудот сифатида нарсаларда, уларнинг жинс билдирувчи моҳиятини, нарсанинг ғоясини излайди ва бу ғоя инсон учун мазмун касб этади.

Айни вақтда, шуни қайд этиш лозимки, қадриятлар одамлар учун бир хил мазмун касб этмайди, у одамларнинг жамиятдаги мавқеига ва улар ҳал қилаётган вазифаларга боғлиқ бўлади. Масалан, шахсий автомобиль ҳаракатланиш воситаси, қўшимча пул топиш воситаси ёки шахснинг мавқеидан далолат берувчи буюм бўлиши мумкин. Сўнгги зикр этилган ҳолда, автомобиль, унинг эгаси бошқа одамлар кўз ўнгида муайян нуфуз касб этиши учун имконият яратувчи эгалик объекти сифатида муҳимдир. Кўрсатилган ҳолатларнинг барчасида айни бир предмет турли эҳтиёжлар билан боғлиқ.

5. Қадриятлар ўз табиатига кўра объективдир. Бу қоида эътироз уйғотиши мумкин. Зеро, субъект мавжуд бўлмаган жойда қадрият тўғрисида сўз юритиш беҳуда иш эканлиги юқорида қайд этилган. Қадрият инсонга, унинг туйғулари, майллари, эмоцияларига боғлиқ бўлади, яъни қандайдир субъектив нарса ёки ҳодиса сифатида қаралади. Бундан ташқари, индивиднинг буюмга бўлган қизиқиши йўқолгани, буюм унинг эҳтиёжларини қондирмай қўйгани заҳоти индивид учун буюм ўзининг қадрият сифатидаги аҳамиятини йўқотади. Бошқача айтганда, субъект билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, унинг эҳтиёжлари, майллари, манфаатлари билан буюмнинг алоқасисиз қадрият мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Шунга қарамай қадриятни субъективлаштириш, уни инсон онгига бир томонлама боғлиқ бўлган нарсага айлантириш ўринли эмас. Қадрият, худди муҳимлик каби объективдир. Субъектнинг моддий-амалий фаолияти замирида қадриятнинг айни шу хоссаси ётади. Айнан шундай фаолият жараёнида, кишилар ўзини

қуршаган дунёга, қадрият сифатида қарай бошлайди. Бошқача айтганда, моддий-амалий фаолият буюмлар, атроф-борлиқ предметлари, одамларнинг ўзи, уларнинг муносабатлари инсон, жамият учун муайян объектив аҳамият касб этиши, яъни қадриятга айланишини белгиловчи омилдир.

Яна шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, қадриятларга муносабат субъекти сифатида, аввало, жамият, катта ижтимоий гуруҳлар амал қилади. Масалан, озон «туйнуклари» муаммосига у ёки бу индивидуум бефарқ қараши мумкин, лекин жамият унга бефарқ қарай олмайди. Бу, қадрият объектив табиатга эга эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Қадрият тушунчасининг юқорида келтирилган умумий тавсифидан келиб чиқиб, унга қуйидаги таърифни бериш мумкин: «Қадрият – бу борлиқ ранг-баранг элементларининг объектив аҳамияти бўлиб, уларнинг мазмуни жамият субъектларининг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан белгиланади».

Баҳолаш. Аксиологиянинг асосий категориялари қаторига қадрият билан бир қаторда ҳажман жуда кенг тушунча – «баҳолаш» ҳам киради. Баҳолаш – буюмнинг инсон фаолияти, унинг эҳтиёжларини қондириш учун аҳамиятини англаб етиш воситаси. Баҳолаш субъектнинг ўз ҳаёти ва фаолияти учун ҳодисаларнинг ижтимоий аҳамиятини аниқлашидир. У инсонга ҳодисалар дунёсида мўлжал олиш имконини беради, унинг фаолиятини йўлга солади. Баҳолаш универсалдир: у сезгилар ва ақл-идрок даражасида, эмоциялар ва туйғулар, тасаввурлар, идроклар, мулоҳазалар, майллар, истаклар, интилишлар, афзалликлар ва албатта, фаолият кўринишида рўёбга чиқиб, инсон ҳаёт фаолиятининг барча турларига таъсир кўрсатади.

Баҳолашнинг моҳиятини теранроқ англаб етиш учун уни «қадрият» билан солиштириш ўринли бўлади. Баҳолаш ва қадрият – бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тушунчалар, лекин уларнинг ўртасида жиддий фарқ ҳам мавжуд. Хўш, бу фарқ нималарда кўринади?

Биринчидан, қадрият биз баҳо бераётган нарса, яъни баҳолаш предмети бўлса, баҳолаш – бу баҳо бериш жараёни, яъни ақлий фаолият бўлиб, унинг натижаси ўлароқ борлиқнинг муайян предмети биз учун қандай қимматга эга эканлиги аниқланади. Предметни ёки унинг хоссасини фойдали, ёқимли, яхши, чиройли деб топиб, биз баҳолашни амалга оширамиз.

Иккинчидан, фақат ижобий аҳамият касб этувчи қадриятлардан фарқли ўлароқ («салбий қадриятлар» бўлиши мумкин эмас), берилган баҳо ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин. Биз муайян предметни ёки унинг хоссасини фойдали эмас, балки зарарли деб, топишимиз, муайян хатти-ҳаракатни ёмон, ахлоққа зид деб, баҳолашимиз, кўрилган фильмни мантиқсиз деб, қоралашимиз мумкин. Бундай фикрларнинг барчаси баҳолаш ҳисобланади.

Учинчидан, қадрият амалий муносабат маҳсули сифатида объектив ҳисобланади. Баҳолаш эса, субъективдир. У объектив қадриятнинг сифатигагина эмас, балки баҳоловчи субъектнинг ижтимоий ва индивидуал фазилатларига ҳам боғлиқдир. Айни шу сабабли, айни бир ҳодиса айни бир даврда яшаётган одамлар томонидан турлича баҳоланиши мумкин.

Бу ерда ҳақиқий ва сохта баҳолар тўғрисидаги масала юзага келиши мумкин.

Баҳолаш илмий билимларга таяниши ҳам, одатдаги билимларга, анъаналарда,

одатларда мужассамлашган ижтимоий тажрибага ва ҳатто турли хурофий ақида ва бидъатларга таяниши ҳам мумкин. Кези келганда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, баҳолашнинг фанга оддий мансублиги унинг муқаррар тарзда ҳаққонийлигидан далолат бермайди, худди шунингдек, оддий онг даражасида баҳолаш ўз-ўзидан унинг сохталигини англатмайди.

Берилган баҳонинг ҳаққонийлиги субъект қадриятнинг объектив аҳамиятини қай даражада аниқ англаб етгани билан белгиланишини тушуниш муҳимдир. Ҳақиқат тўғрисидаги масалада бўлганидек, бу ерда ҳам амалиёт бош мезон ҳисобланди.

Баҳолаш структураси. Баҳолаш структурасида икки томонни шартли равишда фарқлаш мумкин.

Баҳолашнинг биринчи томони нарсалар, хоссалар, жараёнлар ва ҳоказоларнинг айрим объектив хусусиятларини қайд этиш бўлса, иккинчи томони субъектнинг объектга бўлган муносабати: маъқуллаш ёки қоралаш, хайрихоҳлик ёки ёмон кўриш ва ҳоказолардир. Биринчи томоннинг баҳолаши билимга яқинроқ бўлса, иккинчи томоннинг баҳолаши меъёрга яқинроқдир.

Баҳолашнинг функциялари ҳам унинг ички зиддиятларга тўла табиати билан белгиланади. Ҳозирги замон қадриятлар назариясида одатда баҳолашнинг қуйидаги функциялари фарқланади.

Дунёқарашга доир функция. Мазкур функцияга мувофиқ баҳолаш субъект ўзлигининг шаклланиши, амал қилиши ва камол топишининг зарурий шарти ҳисобланади, чунки ҳар доим унинг учун атроф-борлиқнинг аҳамиятини аниқлаш билан боғлиқ.

Гносеологик функция борлиқнинг инъикоси, объектларнинг ижтимоий аҳамиятини англаб етиш омили саналган баҳолаш ва билишнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади.

Баҳолашнинг фаоллаштирувчи функцияси. Баҳолаш билишнинг билимлардан фойдаланишга қаратилганини акс эттиради, амалий фаолиятга фаол интилиш ва муносабатни шакллантиради.

Вариатив функция. Баҳолаш танлашни, субъект муайян объектларни, уларнинг хоссалари, муносабатларини афзал кўришини назарда тутади. Баҳолаш ҳодисаларни таққослаш ва уларнинг жамиятда мавжуд меъёрлар, идеаллар билан ўзаро нисбатини аниқлаш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, қадриятнинг моҳиятини ва унинг баҳолаш билан ўзаро алоқасини ўрганиш қадриятларнинг таснифига ўтиш имконини беради. Қадриятнинг борлиғи баҳолаш билан узвийдир. Баҳолаш йўли билан индивид айрим қадриятларни актуаллаштиради, баъзи бир қадриятларни эса рад этади, уларнинг иерархиясини ўрнатади. Баҳолаш структурасига, баҳолаш предмети, субъект ва асоси киради.

Баҳолаш предмети. Баҳолашнинг объектив мазмуни, унинг предмети билан белгиланади. Шу сабабли, баҳолаш билиш билан бевосита боғлиқ, зеро, предметнинг аҳамияти ҳақида хулоса чиқаришдан олдин, унинг объектив хоссалари ҳақида билимга эга бўлиш лозим. Ҳақиқий, ишончли билимнинг ўзи баҳолаш учун асос бўлиши мумкин.

Ҳақиқатнинг амалий жиҳатдан фойдалилиги уни ижобий тавсифлаш имкони-

ни беради. Аммо ҳақиқатга берилган салбий баҳолар ҳам яхши маълум: беҳуда, шафқатсиз, бефойда ва шу кабилар. Бу тасодифий бир ҳол эмас: илмий билиш ўз оқибатларини мавҳумлаштиради ва аксарият олимлар фан ва ахлоқнинг алоқасини рад этади. Айрим универсал алоқани холисона тавсифлашга қараб мўлжал олувчи илмий билимдан фарқли ўлароқ, баҳолаш бу алоқанинг мазмунини тушуниш, унинг аҳамиятини тафаккур ва эмоциялар даражасида англаб етиш ва бошдан кечиришдир. Баҳолашга доир мулоҳазаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, билим борлиқ ҳодисаларини эркин баҳолашга монелик қилмайди. Билишга доир мулоҳазалар интерсубъектив ҳамда нуқтаи назарларга боғлиқ бўлмаса, баҳолашга доир мулоҳазалар субъектив бўлиб, ҳар хил асосларга эга. Биз эстетик, сиёсий, ахлоқий, дунёқарашга доир, мафкуравий қадриятларда эркин баҳолашларга айниқса, кўп дуч келамиз. Маълумки, натижалар, методлар ва воситаларни баҳолаш – билиш жараёнининг ажралмас таркибий қисми. Бу хусусият гипотезалар, концепциялар, кашфиётларнинг амалдаги қиммати ва уларга илмий ҳамжамият, замондошлар берган баҳоларнинг номувофиқлигини тушунтиради. Янглиш тасаввурлар, гипотезаларнинг илмий аҳамиятини баҳолаш ҳам муҳим муаммодир. Билимнинг ҳақиқийлиги унинг объектив борлиққа бўлган муносабати билан белгиланса, унинг билим сифатидаги қиммати фаннинг ривожланиш жараёнида аниқланади ва унинг билиш жараёнига таъсирининг аҳамияти билан белгиланади. Масалан, ўтмишнинг кўпгина сохта концепциялари (астрология, алхимия ва ш.к.) ҳозирги замон фанининг шаклланишига анча кучли таъсир кўрсатган. Бу сохта тасаввурларнинг эвристик имкониятлари уларнинг билим сифатидаги мазмунидан бойроқ бўлиб чиққан.

Шуни қайд этиш лозимки, баҳолашга доир мулоҳазалар ҳам ҳақиқийлик ёки сохталик, адолат ёки адолатсзлик категорияларида баҳолаш предмети бўлиши мумкин. Баҳолашга доир мулоҳазаларнинг «ҳақиқийлик – сохталик» тушунчаларида тавсифланувчи туркумлари мавжуд. «Адолат – адолатсизлик» категорияларида тавсифланувчи баҳолашга доир мулоҳазалар катта бир туркумни ташкил этади. Булар сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик муносабатлар, хатти-ҳаракатлар, қилмишлар соҳасига тааллуқли бўлган баҳолашлардир.

Масалан, суд қарори, тергов хулосаси ва шу кабиларда ифодаланган мулоҳазаларнинг хусусияти қандай? Улар «ҳақиқийлик – сохталик» ёки «адолат – адолатсизлик» категорияларида баҳоланадими? Бу мулоҳазалар баҳолашга доирми ёки билиш соҳасига тааллуқли ва ҳақиқийлик мезонини қаноатлантириши лозимми? Суд у ёки бу қилмишни инқилобий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан тавсифласа, бу ерда, одатда, ҳақиқат эмас, балки баҳолаш мавжуд бўлади. Баъзан ҳақиқат ва баҳолаш ўртасидаги зиддият ўзининг чўққисига етади. Гарчи ҳуқуқ ўз табиатига кўра меъёрий ва, бинобарин, қадрият сифатида мазмунга эга бўлса-да, ҳар қандай қилмишни ҳуқуқий тавсифлаш ҳақиқийлик мезонини қаноатлантириши лозим. Ҳуқуқий тавсифлашдан баҳолаш элементини бутунлай ажратиш мумкин бўлмаса-да, у мазкур тавсифлашда иккинчи даражали ўрин эгаллайди, ҳақиқатнинг ҳосиласи ҳисобланади. Айни ҳолда ҳақиқат баҳолашнинг бирдан-бир асоси бўлиши лозим.

Баҳолашга доир тавсифий мулоҳазалар ҳам мавжуд. Улар ҳақиқат сифатида аҳамиятга эга бўлган тавсифлашни ҳам, қадрият сифатида мазмун касб этувчи

баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Суднинг кўпгина қарорларини баҳолашга доир тавсифий мулоҳазалар сифатида тавсифлаш мумкин. Шундай қилиб, баҳолаш билиш омилини, билимнинг ҳақиқийлиги талабини ўз ичига олади, лекин биргина унга боғлиқ эмас. Ўз навбатида, билим баҳолашнинг асоси ҳам, предмети ҳам бўлиши мумкин.

Баҳолаш субъекти. Баҳонинг шаклланишига баҳолаш субъекти: индивид, ижтимоий гуруҳ, жамият, инсоният анча кучли таъсир кўрсатади. Аввало, эҳтиёжларнинг бойлиги, инсон маънавий ҳаётининг мураккаблиги билан изоҳланувчи баҳолаш асосларини танлаш субъективдир. Маълум ҳолларда субъект шахсий (группавий) манфаатни, ўткинчи эгоистик майлларни баҳолашнинг бирдан-бир асоси сифатида танлайди. Бу тасодифий бир ҳол эмас. Индивид ижтимоий ва шахсий муносабатларининг кўп сонлилиги ва иерархиявийлиги унинг борлиқ воқеаларини баҳолашга нисбатан ёндашувларининг серқирралигини нафақат тушунтирди, балки буни назарда тутади. Айни вақтда психология ва социологияда мазмун ва аҳамият жиҳатидан ҳар хил бўлган ҳодисаларга айни бир субъект томонидан берилган баҳоларда барқарорлик, ўзгармаслик, такрорийлик қайд этилади. Шахс ижтимоий-маданий ва шахсий қадриятларнинг анча батартиб тизимига амал қилган ҳолда ўзини яхлитлик сифатида намоён этади. Эҳтиёжлардан келиб чиқувчи мазкур тизим инсон ўзини қуршаган борлиқ: табиат дунёси, маънвий маданият ва ўз-ўзини баҳолашининг теран асоси сифатида амал қилади. Шунга қарамай шахснинг йўл танлашини белгиловчи қадрият ва мўлжаллари инсоннинг яшаш шароитлари ва эҳтиёжлари каби ўзгарувчандир. Натижада баҳолашларда ўзбошимчалик, субъективизмга йўл қўйилиши хавфи юзага келади.

Баҳолашга доир мулоҳазаларда инсон маданияти, унинг тўғри тушуниш ва ҳис қилиш қобилияти намоён бўлади. Ўзининг моддий ифодасини топган қадриятлар барқарор ва нисбатан ўзгармас, шахс эҳтиёжлари ва манфаатлари эса ўзгарувчан бўлиб, бундан қадриятларни мунтазам равишда қайта баҳолаш зарурияти келиб чиқади. Мазкур зарурият маданият қадриятларига нисбий ёндашув, уларнинг айримларини актуаллаштириш ва бошқаларига эътиборсизлик билан боғлиқ.

Мақсадларни қўйиш баъзан кишибилмас тарзда анъаналар, меъёрлар ва қоидалар билан тартибга солинади. Улар қадриятларни тизимга солиш ва иерархиялаштиришни, қадриятлар «пирамидаси»ни яратишни белгилайди. Бунда пирамида чўққисидан актуал, лекин ўткинчи ва ҳатто сохта қадриятлар ўрин олиши ҳам мумкин. Масалан, социологлар ёшларнинг ҳаёт мўлжалларини ўрганиш жараёнида улар, кўпинча, ўзлари аниқ тасаввур қилмайдиган касбни танлашлари, ўзлари ҳеч қачон бўлмаган жойга кетишга ҳаракат қилишлари, яхши маълум бўлмаган нарсаларни танлашларини аниқлаганлар. Истеъмол моллари ва хизматларнинг тақчиллиги, шу пайтда тақчил бўлган нарсага кучли қизиқиш уйғотади. Индивид ўз эҳтиёжларини қондиришдан ҳам кўра кўпроқ, у мазкур эҳтиёжларни қондиришга қодир эканлигини атрофдагилар тан олишига эришишга ҳаракат қилади. Эҳтиёж ўрнини жамиятда обрў-эътибор топишга интилиш эгаллайди. Қадриятларга эркин субъективистик баҳо бериш мода, миш-мишлар, хурофий қарашлар ва шу кабиларнинг натижаси бўлиши мумкин. Майлларимизнинг

предмети саналган бу актуал қадриятлар, агар уларнинг асоси йўқолса, барбод бўлади. Баҳолашдаги субъективизм замирида шахс, жамият, табиат ва ҳоказолар учун оғир оқибатлар юз бериш хавфи яшириниб ётади. Инсон ўткинчи шубҳали қадриятлар ҳукмига бўйсуниб, фундаментал ижтимоий қадриятлар ва шахсий ҳаёт қадриятлари барбод бўлган ҳолатга тушиб қолиши мумкин (экологик ҳалокат, диктатура ўрнатилиши, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг йўқотилиши, соғлиқни йўқотиш, оиладан ажралиш, дўстларни, ўзи ёқтирган ишни йўқотиш ва ҳ.к.).

Баҳолаш асоси. Объектив асоснинг мавжудлиги баҳолашда субъективизм йўлида муайян ғов-тўсиқ ҳисобланади. Баҳолаш асоси – субъектга ҳодисани унинг мазкур даврдаги ёки келажакдаги ижтимоий аҳамияти нуқтаи назаридан тавсифлаш, борлиқ нарсалари ва ҳодисаларини саралаш, танлашни амалга ошириш ва ўз фаолиятининг стратегиясини белгилаш имконини берувчи мезон. Баҳолашга доир мулоҳазаларда баҳолаш асоси аниқ акс эттирилиши ҳам, имплицит тарзда, яъни аниқ бўлмаган кўринишда ифодаланиши ҳам мумкин. Аммо асос – баҳолашнинг муқаррар элементи.

Баҳолаш асоси сифатида шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг бевосита эҳтиёжлари, манфаатлари, мўлжаллари амал қилиши мумкин. Аммо баҳолаш замирида андозалар, қоидалар, стандартлар, ижтимоий императивлар ёки тақиқлар, меъёрлар кўринишида ифодаланган мақсадлар ёки лойиҳалар ётиши ҳам мумкин. Меъёрий тартибга солиш соҳаси инсон фаолияти соҳаси билан деярли мос келади. У ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлардан ташқари қоидалар, командалар, буйруқлар, стандартлар, техник меъёрлар, хизмат тартиби ва шу кабиларни ҳам ўз ичига олади. Меъёрларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бир вақтнинг ўзида қадрият сифатида ҳам, баҳолаш асоси сифатида ҳам амал қилади. Бу икки ёқламалик баҳолашга доир мулоҳазалар икки ёқламалигининг сабабларидан бири ҳисобланади. Хулқ-атворни баҳолашда, мақсаддан қатъи назар, қоидалар ва меъёрларга формал мувофиқлик биринчи ўринга чиққан ҳолда, меъёр мустақил қадрият сифатида кўпинча одатга айланади. Шаклан меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлган юзаки фаолият баъзан жамоатчилик фикрида ижобий баҳо олиши, иш манфаатларида сермазмун фаолият эса салбий баҳоланиши мумкин.

Ҳар қандай баҳолаш ўз предметини ҳам, баҳолаш субъектининг эҳтиёжини ҳам тавсифлайди. Субъект у ёки бу ҳодисани баҳолар экан, ўзининг унга бўлган муносабатини ҳам, ўз эҳтиёжини ҳам ифода этади. Бундан социологлар томонидан кузатилувчи баҳоларнинг вариативлиги келиб чиқади. Баҳолар ҳақиқий бўлиши, яъни предметнинг объектив қимматини аниқ акс эттириши ва ҳаққоний бўлиши, яъни баҳолаш субъектининг шахсий фикрини акс эттириши мумкин. Баҳолар ҳаққоний бўлиши, лекин ҳақиқий бўлмаслиги; ҳақиқий бўлиши, лекин ҳаққоний бўлмаслиги; ҳаққоний ҳам, ҳақиқий ҳам бўлмаслиги мумкин. Масалан, манзаранинг гўзаллиги ҳақидаги мулоҳаза ҳақиқий бўлиши, лекин ҳаққоний бўлмаслиги мумкин, чунки индивид ўз мулоҳазалари билан суҳбатдошига ўзини нозик дидли шахс қилиб кўрсатмоқчи бўлиши, манзаранинг гўзаллиги эса амалда уни қизиқтирмаслиги мумкин.

Ҳар бир баҳолашда фаолиятнинг турли томонлари асос бўлиши мумкин:

– меъёрий (муайян меъёрга мувофиқ) баҳолаш;

– ижтимоий-маданий (муайян жамиятнинг маданий ўзига хослиги билан муштарак) баҳолаш;

– профессионал (мазкур касб андозалари ва қоидаларига мувофиқ) баҳолаш;

– операционал баҳолаш (муайян мақсадга эришиш имконини берувчи операцияларнинг мақсадга мувофиқ мажмуи ва кетма-кетлиги).

Ҳар бир муайян ҳолда юқорида зикр этилган асослардан бири ёки уларнинг муайян уйғунлигидан фойдаланилиши мумкин бўлиб, бу айни бир ҳодисага берилган баҳонинг мазмунини сезиларли даражада ўзгартиради.

Масалан, ҳуқуқ билан тартибга солинувчи қилмиш ҳуқуқий меъёр нуқтаи назаридан баҳоланувчи юридик факт ҳисобланади. Айни шу қилмиш операцион (операция қай даражада муваффақиятли амалга оширилгани) ёки ахлоқий (қилмиш субъекти қайси ахлоқий принципларга амал қилгани) нуқтаи назаридан баҳоланиши мумкин.

Баҳолаш асоси саналган меъёрлар унинг предмети бўлиши ҳам мумкин. Улар фаолиятнинг ҳаёт синовидан ўтган усулларини мустаҳкамлаш воситаси сифатида вужудга келади. Айни вақтда, ижтимоий меъёрлар аллақачон эскирган ва шахс ўз-ўзини қадрият сифатида эркин англаб етишига монелик қилувчи тақиқлар ва қоидаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Ижтимоий меъёрлар ижтимоий амалиётдан оқсаши улар бирдан-бир мақсадга айланишига замин яратади. Бунда инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти ўрнини меъёрга кўр-кўрона амал қилиш эгаллайди, айрим қадриятлардан намойишкорона рамзий фойдаланиш вужудга келади. Индивиднинг ижтимоий жиҳатдан нуфузли ва меъёрий жиҳатдан мақбул гуруҳдаги ўрнини акс эттирувчи тимсол ўриннинг ўзидан муҳимроқ тус олади. Масалан, автомобилдан транспорт воситаси сифатида эмас, балки унинг эгаси (унинг жамиятдаги ҳақиқий ўрни қандай эканлигидан қатъи назар) жамиятнинг «олий» синфига мансублигидан далолат берувчи тимсол сифатида фойдаланиши мумкин.

Шунга қарамай, айнан, меъёрлар ҳар бир баҳолашда умуминсоний ва муайян тарихий, объектив ва субъектив, умумий ва хусусий омилларнинг муштараклигини таъминлайди. Индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг объектив ҳолатини акс эттирган, кишиларнинг амалий фаолияти асосида вужудга келган ҳолда, меъёрлар табиат ва жамият ҳодисаларини баҳолашда ўзбошимчаликнинг мавжуд эмаслигини таъминлашга қодир. Меъёр – инсон фаолиятини йўлга солувчи ва бошқарувчи, унинг жамият ёки одамлар айрим гуруҳларининг манфаатлари ва қадриятларига мувофиқлигини назорат қилувчи умум эътироф этилган қоида. Меъёр жамиятда жоизлик ҳақида мавжуд тасаввурлардан келиб чиқиб муайян ҳаракатларни буюрувчи ёки тақиқловчи талаб сифатида амал қилади. Бинобарин, меъёр жоизлик ҳақидаги тасаввурларни ўз ичига олади. Жамиятда вужудга келган меъёрлар нисбатан барқарорлик касб этади ва ўз навбатида, баҳолаш фаолияти жараёнларига таъсир кўрсатади. Субъект объектнинг амалдаги аҳамияти ҳақидаги тасаввуридангина эмас, балки ўз ҳаётида амал қилувчи меъёрлардан ҳам келиб чиқиб баҳолашни амалга оширади. Жамиятнинг ривожланиш жараёнида ҳодисалар ижтимоий аҳамиятининг ўзгариши ва тегишли равишда баҳоларнинг ўзгариши эски меъёрлар танқид тиғи остига олинишига ва янги меъёрларнинг шаклланишига олиб келади.

Эҳтиёжлар ва қадриятлар. Инсонга нима муҳим? Муҳимликлар дунёси қадриятлар дунёси билан айнийми? Инсон фаолиятининг биринчи манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи эҳтиёжлардир. Инсон эҳтиёжлари унинг ҳаётини, хусусан жисмоний, ақлий, маънавий, ишлаб чиқаришга доир, оилавий ҳаётни сақлаш ёки ўзгартириш заруриятининг ифодаси сифатида вужудга келади. Ижобий ёки салбий алоқалар ва муносабатларнинг бутун ранг-баранглиги тегишли эҳтиёжларни у ёки бу тарзда вужудга келтиради. Инсон бу эҳтиёжларни англаши ёки англамаслиги ёинки нотўғри англаши мумкин. Аммо, ҳар қандай шароитда эҳтиёжлар инсонни фаолиятга даъват этади. Бу фаолият самарали ёки самарасиз, пухта ўйланган ёки спонтан ва тартибсиз бўлиши мумкин. Эҳтиёжлар ташқи муҳит предметлари ва шароитларига ёки ички, маънавий уйғунликка эришишга муҳтожлик сифатида англанади. Улар ташқи дунё билан муайян муносабатларда намоён бўлиб, объектларни, ўзлари йўналтирилган мавжуд борлиқни ҳам, ўз манбаи саналган субъектнинг муҳим хусусиятларини ҳам тавсифлайди. Шахс фаоллигининг теран асоси саналган эҳтиёжлар инсон фаолиятини уларни рўёбга чиқаришга йўналтирувчи мўлжаллар, майллар ва манфаатларда ўз ривожини топади. Айнан эҳтиёжлар инсон онгининг нисбий мезони, унинг майллари, манфаатлари, дидлари ва идеалларининг пойдевори ҳисобланади.

Инсон эҳтиёжлари ўзгарувчан, ҳаракатчан, ўзаро боғланган ва бир-бирининг ўрнини босишга қодир. Уларнинг айримлари вужудга келади, баъзилари йўқ бўлади, айримлари актуаллашади, баъзилари иккинчи даражали аҳамият касб этади. Инсон эҳтиёжлари сифат жиҳатидан чексиз ва кенгайишга қодир, зеро, уларнинг шаклланиши индивидларнинг бир-бири ва жамият билан ижтимоий алоқаларининг кўп сонлилиги ва интенсивлигини акс эттиради. Ижтимоий ҳаётнинг, ижтимоий муносабатлар мажмуининг мураккаблашуви ва дифференциацияланиши, моддий ва маънавий ҳаётнинг ўз меъёрлари ва қадриятлари билан ривожланиши, инсон маънавий ҳаётининг жўшқинлиги – буларнинг барчаси унинг эҳтиёжлари ўзгариши ва ривожланишини белгилайди.

Гарчи, қадриятлар эҳтиёжлар билан бевосита боғлиқ бўлса-да, лекин улар билан узвий эмас. Эҳтиёжлар ҳаракатчан, қадриятлар нисбатан барқарордир; эҳтиёжлар иерархиявий бўлиб, уларнинг иерархияси мунтазам равишда ўзгаради, қадриятлар эса нисбатан ўзгармас ва индивид томонидан унинг ижтимоийлашуви жараёнида ўзлаштирилади. Бу ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида юз берган янгиликларга нисбатан анча кенг тарқалган мухолифатни изоҳлайди. Масалан, рим императорлари христиан динининг қимматини тан олгунларига қадар христианлар асрлар мобайнида қувғин қилинганлар. Белорусиялик машҳур рассом Марк Шагалнинг ўзига хос ижоди, гарчи бутун дунёда юксак баҳоланган бўлса-да, ўз ватанида ҳанузгача тан олинмаган ва унча маълум эмас. Сезанн ижоди рассомнинг ўлимидан кейингина тан олинган, унинг тириклик пайтида эса мазкур буюк мусаввирнинг асарлари Париждаги замонавий санъат кўргазмаларида бирор марта ҳам намойиш этилмаган, чунки нуфузли ҳайъат унинг асарларини диққатга сазовор деб ҳисобламаган ва шу кабилар. Айни ҳол шу билан изоҳланадики, эҳтиёжлар англаниши ёки англанмаслиги ёинки нотўғри англаниши мумкин. Шу сабабли амалда муҳим ҳодисалар қадриятлар сифатида идрок этилмаслиги, амалда қимматга эга бўлмаган нарса эса, янглиш тарзда қадрият сифатида тасаввур қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, эҳтиёжларни қондиришга ё кўмаклашувчи, ё монелик қилувчи ҳодисалар мавжуд. Бинобарин, аҳамиятга эга бўлган ҳамма нарсалар ҳам қадрият саналавермайди, балки ижобий аҳамиятга молик ҳисобланади.

Шундай қилиб, қадрият деганда, бирон-бир объектнинг ижобий аҳамияти тушунилади. Аммо, айрим ҳолларда, бирон-бир объектнинг ижобий аҳамияти фойдалилик чегарасидан четга чиқмаслиги мумкин (масалан, қуёш нури ўсимликлар учун фойдали). Муҳимликни объектив талқин қилиш мумкин. Қадрият эса, инсон учун муҳим бўлган ҳодисанинг мазмунини аниқлашни назарда тутади. Шу сабабли қадрият табиат ҳодисаларининг инсонга боғлиқ бўлмаган объектив алоқаси сифатидаги фойдалилик айрим кўриниши саналган ҳодисаларнинг моддий предметли борлиғи билан мос келмайди.

Қадрият борлиқнинг инсоннинг маънавий эҳтиёжларига бўлган муносабатидир. Бунда ижтимоий манфаатлар ва эҳтиёжларгина эмас, балки группавий ва шахсий манфаатлар ва эҳтиёжлар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Айрим гуруҳлар ёки индивидлар учун қадрият саналган нарса бошқалар учун ёвузлик, адолатсизлик, ўзбошимчалик ёки ахлоқсизлик ҳисобланиши мумкин. Айни бир ҳодисаларнинг турли субъектларга функционал муносабати ҳар хил ва ҳатто қарама-қарши бўлиши мумкин: муҳимликлар дунёси қадриятлар дунёси билан айний эмас.

Қадриятлар ҳақида мулоҳазаларнинг шаклланишида инсоннинг эҳтиёжларини ижтимоий шакл-шамойилга солувчи меъёрлар, айниқса, муҳим роль ўйнайди. Қадриятнинг борлиғи баҳолаш билан узвийдир. Баҳолаш йўли билан индивид айрим қадриятларни актуаллаштиради, баъзи бир қадриятларни эса рад этади, уларнинг иерархиясини ўрнатади.

Қадриятларнинг турлари. Шахс ва жамият эҳтиёжлари ва манфаатларининг ранг-баранглиги қадриятларнинг мураккаб тизимида ўз аксини топади. Бу қадриятлар турли асосларга кўра таснифланади.

Мазмун жиҳатидан жамиятнинг кичик тизимлари ҳақидаги тасаввурларга мос келувчи қадриятлар, чунончи: моддий (иқтисодий), сиёсий, ижтимоий ва маънавий қадриятлар фарқланади. Кичик тизимларнинг ҳар бири ўз таснифини назарда тутувчи таркибий қисмларга бўлинади. Масалан, моддий қадриятлар ишлаб чиқариш – истеъмолга доир (утилитар) қадриятларни, мулкий, маиший муносабатлар билан боғлиқ қадриятларни ўз ичига олади. Маънавий қадриятлар ахлоқий, маърифий, эстетик, диний ғоялар, тасаввурлар ва билимларни ўз ичига олади.

Қадриятлар муайян тарихий хусусият касб этади. Улар жамият ривожланишининг у ёки бу босқичига мос келади ёки турли демографик гуруҳлар (ёшлар, кекса авлод вакиллари)нинг, шунингдек, касбий, синфий, диний, сиёсий ва бошқа бирлашмаларнинг қадриятларини акс эттиради. Жамият ижтимоий тузилишининг бир жинсли эмаслиги қадриятларнинг ва қадриятларга муносабатнинг бир жинсли эмаслигини ва ҳатто зиддиятлилигини вужудга келтиради. Шу маънода қадриятлар ижтимоий муносабатлар мавжудлигининг моддий шаклидир.

Мавжудлик шаклига кўра моддий ва идеал (маънавий) қадриятлар фарқланади. Ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига мувофиқ одатда қадриятларнинг уч гуруҳи фарқланади: моддий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қадриятлар ва маънавий қадриятлар.

Моддий қадриятлар – бу қадрият аҳамиятига молик бўлган табиий объектлар ва предметлар, яъни меҳнат воситалари ва бевосита истеъмол буюмларидир. Табиий қадриятлар қаторига табиий бойликларда мужассамлашган табиий неъматлар киради. Моддий қадриятлар жумласига инсон меҳнати натижасида яратилган моддий дунё предметлари, шунингдек, ўтмиш маданий мероси предметлари киради. Моддий қадриятлар – бу табиий неъматлар, меҳнат маҳсулларининг истеъмол қиймати, ижтимоий ҳодисаларда мужассамлашган ижтимоий неъматлар, тарихий воқеалар, маданий мерос, ахлоқий эзгулик, гўзалик мезонларигани қаноатлантирувчи эстетик ҳодисалар, диний ибодат предметлари ёки ўзининг муайян рамзий ифодасини топган диний ғоялар ва шу кабилар. Моддий қадриятлар онгда эмас, балки одамлар ҳаёт фаолиятида амал қилувчи муайян нарсалар, ҳодисалар дунёсида мавжуд бўлади. Моддий қадриятларнинг асосий соҳаси – шахс ва жамиятнинг баркамоллик ҳақидаги тасаввурларини гавдалантирувчи инсон мақсадга мувофиқ фаолиятининг маҳсуллари. Бунда ўзининг моддий ифодасини топган қадрият сифатида фаолият натижаси ҳам, фаолиятнинг ўзи ҳам амал қилиши мумкин.

Ижтимоий-сиёсий қадриятлар – бу ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар, воқеалар, сиёсий актлар ва ҳаракатларнинг қадрият сифатидаги аҳамиятидир. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар қаторига, одатда, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларда мужассамлашган ижтимоий имтиёзлар, шунингдек, жамиятнинг равнақ топиши, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашувчи тарихий воқеаларнинг прогрессив аҳамияти киради.

Маънавий қадриятлар – бу ижтимоий онг ҳодисаларининг тегишли шаклларда намоён бўлган меъёрий-нисбий томони. Фан, ахлоқ, санъат, фалсафа, ҳуқуқ қадриятларини маънавий қадриятлар деб ҳисоблаш, одат тусини олган.

Маънавий қадриятлар қаторига бахт-саодат, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва адолатсизлик, ҳуқуқийлик ва ноҳуқуқийлик, тарихнинг мазмуни ва инсоннинг вазифаси ва ҳоказолар ҳақидаги меъёрий тасаввурлар кўринишида ифодаланган ижтимоий идеаллар, мўлжаллар ва баҳолар, меъёрлар ва тақиқлар, ҳаракат принциплари киради. Моддий қадриятлар инсон эҳтиёжлари ва манфаатлари объектлари сифатида амал қилса, маънавий қадриятлар икки хил функцияни бажаради: улар қадриятларнинг мустақил соҳаси ва моддий қадриятларни баҳолаш асоси, мезонидир.

Қадриятлар борлиғининг идеал шакли ё баркамоллик, жоизлик ва зарурият ҳақидаги аниқ тасаввурлар кўринишида, ё ботиний майллар, хоҳиш-истаклар, интилишлар кўринишида намоён бўлади. Баркамоллик ҳақидаги тасаввурлар ё муайян андоза, идеал кўринишида (масалан, эстетик фаолиятда) намоён бўлиши, ё тил воситалари билан ифодаланиши мумкин.

Маънавий қадриятлар мазмун жиҳатидан, функцияларига кўра ва уларни рўёбга чиқаришга қўйиладиган талабларга кўра ранг-барангдир. Фаолият мақсадлари ва усулларини қатъий белгиловчи қоидаларнинг бутун бир туркуми мавжуд. Булар стандартлар, қоидалар, қонунлар, андозалар. Маданият алгоритми сифатида хизмат қилувчи меъёрлар, дидлар, идеаллар қадриятларни рўёбга чиқаришда кўпроқ эркинлик беради. Меъёр – фаолиятнинг ягона ва барқарор шартлар билан белгиланувчи оптималлиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги

тасаввур. Меъёрлар қуйидагиларни ўз ичига олади: хатти-ҳаракатларнинг ягона кўриниши (инварианти)ни; хулқ-атворнинг бошқа кўринишларига нисбатан тақиқни; мазкур ижтмоий шароитларда хатти-ҳаракатларнинг мақбул варианти (андозаси)ни; меъёрдан четга чиқиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириш мақсадида айрим шахсларнинг хулқ-атворини баҳолашни (баъзан айрим санкциялар кўринишида). Меъёрий тартибга солиш инсон фаолияти ва муносабатлари тизимини тўла қамраб олади. Ижтимоий меъёрларни мустаҳкамлаш тизими уларни амалга оширишнинг шарти ҳисобланади. Мазкур тизим хатти-ҳаракатни ижтимоий маъқуллаш ёки қоралашни, ўз фаолиятида меъёрга риоя қилиши шарт бўлган шахсга у ёки бу санкцияларни тайинлашни назарда тутади. Шундай қилиб, эҳтиёжларни англаш билан бир қаторда уларни ижтимоий меъёрлар нуқтаи назаридан англаш ҳам мавжуд. Гарчи меъёрлар ижтимоий амалиёт ва ҳаёт синовидан ўтган фаолият усулларини мустаҳкамлаш воситаси сифатида вужудга келса-да, улар ундан ортда қолиши, аллақачон эскирган ва шахс ўз имкониятларини эркин рўёбга чиқаришига монелик қилаётган, ижтимоий тараққиёт йўлига тўғаноқ бўлаётган тақиқлар ва қоидаларнинг манбалари бўлиши мумкин.

Идеал – баркамолликнинг олий меъёри ҳақидаги тасаввур, инсоннинг инсон ва табиат, инсон ва инсон, шахс ва жамият муносабатларини тартибга солиш, баркамоллаштириш ва уйғунлаштиришга бўлган эҳтиёжининг маънавий ифодаси. Идеал тартибга солувчи функцияни бажаради, у инсон рўёбга чиқаришга бутун умрини бағишлашга тайёр бўлган стратегик мақсадларни аниқлаш имконини берувчи омил бўлиб хизмат қилади. Идеалга амалда эришиш мумкинми? Аксарият мутафаккирлар бу саволга рад жавобини берган: идеал баркамоллик ва тугалланганлик тимсоли сифатида эмпирик йўл билан кузатилувчи борлиқда ўз ўхшашига эга эмас, у онгда трансценденталлик рамзи сифатида намоён бўлади. Шунга қарамай идеал маънавий қадриятларнинг жамулжам ифодаси ҳисобланади.

Моддий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий қадриятлар ўртасида мавжуд тафовутларга қарамай, улар бир-бири билан узвий боғлиқ ва қадриятларнинг ҳар бир турида бошқа бир турнинг муайян жиҳати мавжуд. Айни пайтда, шундай қадриятлар ҳам борки, уларни моддий қадриятлар қаторига ҳам, ижтимоий-сиёсий қадриятлар қаторига ҳам, маънавий қадриятлар қаторига ҳам киритиш мумкин. Бу, аввало, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган қадриятлардир. Уларнинг орасида инсон ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ва шу кабиларни қайд этиш мумкин.

Қадриятларни таснифлашнинг иккинчи асоси – субъектларга кўра, индивидуал шахсий (субъектив – шахсий), группавий, умуминсоний қадриятлар фарқланади – (группавий, миллий, синфий, умуминсоний) қадриятлар фарқланади.

Индивидуал ёки шахсга доир қадрият – бу нарса, ҳодиса, ғоянинг муайян инсон учун қадрият сифатидаги аҳамияти. Ҳар қандай қадрият ўз моҳиятига кўра индивидуалдир, зеро, нарса, ҳодиса, ғояни фақат инсонгина баҳолашга қодир. Шахсий қадриятлар таълим ва тарбия, индивид ҳаёт тажрибасини тўплаши жараёнида шаклланади Шахсий қадриятлар индивиднинг эҳтиёжлари ва манфаатлари таъсирида вужудга келади. Улар кишиларнинг майллари, дидлари, одатлари, билим даражаси ва бошқа индивидуал хусусиятлари билан белгиланади.

Группавий қадриятлар тўғрисида сўз юритар эканмиз, биз бу билан маз-

кур нарса, ҳодисани бир индивид эмас, балки уларнинг муайян мажмуи ижобий баҳолашига урғу берамиз. Группавий қадриятлар – бу нарсалар, ҳодисалар, ғояларнинг одамлар муайян бирлиги (синф, миллат, меҳнат жамоаси ва ш.к.) учун қадрият сифатидаги аҳамиятидир. Группавий қадриятлар муайян жамоага кирувчи индивидларни ягона манфаатлар, қадриятлар ва мўлжаллар билан бирлаштириб, мазкур жамоанинг ҳаёт фаолиятида улкан аҳамият касб этади.

Умуминсоний қадриятлар – бу нарсалар, ҳодисалар, ғояларнинг жаҳон ҳамжамияти учун қадрият сифатидаги аҳамиятидир. Умуминсоний қадриятлар қаторига, биринчидан, жаҳон ҳамжамияти аҳолисининг аксарияти амал қиладиган ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий тамойиллар киради. Иккинчидан, умуминсоний қадриятлар жумласига умуминсоний идеаллар, умумхалқ мақсадлари ва уларга эришишнинг асосий воситалари (ижтимоий адолат, инсоннинг ҳаъни ва қадр-қиммати, фуқаролик бурчи ва ш.к.) киради. Шунингдек, умуминсоний қадриятлар қаторига табиий бойликлар ҳамда ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра оламшумул хусусият касб этувчи қадриятлар: тинчликни сақлаш, қуролсизланиш, халқаро иқтисодий тартиб муаммолари ҳам киради. Умуминсоний қадриятлар – жамият ва маданиятнинг ривожланиши маҳсули.

Шахсий, группавий ва умуминсоний қадриятлар бир-бири билан ижтимоий нуқтаи назардан узвий боғлиқ. Фалсафа учун қуйидаги саволлар айниқса, муҳим аҳамият касб этади: шахсий ва ижтимоий қадриятларнинг ўзаро нисбати қандай, қайси қадриятлар устунроқ – ижтимоий қадриятларми ёки шахсий қадриятларми, шахсий қадриятлар ижтимоий қадриятлар таъсирида шаклланадими ёки аксинча, ижтимоий қадриятлар индивидларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари мувофиқлаштирилиши натижасида вужудга келадими?

Фалсафа тарихида бу саволларга аниқ ва узил-кесил жавоб берилмаган. Масалан, релятивистик аксиология қадриятларни ва уларга мос келувчи баҳоларни инсоннинг индивидуал борлиғи билан белгиланувчи манфаат ёки вазиятдан келтириб чиқаради. Релятивизмга қарама-қарши ўлароқ, натуралистик йўналиш қадриятларни субъект тафаккурига ва унинг нисбий мулоҳазаларига боғлиқ эмас, баҳоловчига нисбатан бирламчи, деб тасаввур қилади. Фрейд ва экзистенциалистлар умумий қадриятларнинг таъсирини тан олади, лекин ижтимоий қадриятлар тазйиқи ининдивидуал қадриятлар билан тўқнашувга сабаб бўлади ва уларни четга суриб қўяди, деб ҳисоблаб, бу таъсирга салбий баҳо беради. Фрейд фикрига кўра, ижтимоий назорат неврозларнинг турли шаклларини вужудга келтириб, шахснинг мослашувчанлиги йўқолишига олиб келади. Фрейд индивиднинг ботиний майллари жамланган руҳияти билан унинг онгидан жамият талабларига зид бўлган ғояларни сиқиб чиқарувчи маданият ўртасида конфликт мавжудлигини кўради. Табиий асослар ва маданият қадриятларининг тўқнашуви инсон бахтининг камайишига, индивиднинг ўз табиий майлларини чеклашга қодир эмаслиги билан боғлиқ бўлган жамият олдида айбдорлик ҳиссининг кучайишига олиб келади.

Экзистенциализм ҳам ижтимоий талаблар индивидуал мотивацияга қарши туришини қайд этади. Ижтимоий қадриятларнинг тазйиқи шахс жамиятдан узоқлашиши ва ўз индивидуаллигини йўқотишига олиб келиши мумкин. Ҳукмрон қадриятлар кўр-кўрона қабул қилиниши натижасида, шаклланувчи конформистик

онг индивидуал ўзликнинг чегараси кенгайишига монелик қилади. Экзистенциализм фанни, расмий ҳуқуқ ва ахлоқни ҳам танқид тиғи остига олади.

Индивидуал ва ижтимоий қадриятлар ўзаро нисбатининг юқорида келтирилган талқинига қўшилиш мушкул. Ижтимоий қадриятлар индивиднинг тафаккури учун олдиндан белгиланган, у туғилгунга қадар шаклланади, мавжуд бўлади ва унинг ўлимидан кейин мавжудлик бўлишда давом этади. Шу маънода улар индивид учун муайян объектив борлиқ сифатида мавжуд бўлади ва идрок этилади. Аммо ижтимоий қадриятлар баркамолроқ ҳам, мутлақ ҳам эмас. Улар жамият ҳаётининг муайян шароитлари таъсирида вужудга келади, бу шароитларнинг субъектив ифодаси ҳисобланади. Шу сабабли ижтимоий қадриятларнинг индивидуал қадриятларга таъсири ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин. Аммо шахс ўзининг яқин ва узоқ мақсадлари ва вазифаларини эркин белгиловчи, ўз эҳтиёжларини англовчи ва ҳаётни ўз тажрибасига мувофиқ баҳоловчи онгли ва фаол иш кўрувчи субъект ҳисобланади.

Шу туфайли ҳам ижтимоий ва шахсий қадриятлар шахс структурасида қандай ўрин эгаллайди, уларнинг ўзаро нисбати қандай, деган саволга жавоб айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бу саволга жавоб шунинг учун ҳам муҳимки, қадриятлар шахс ўзагини белгиловчи, унинг яхлитилиги ва майянлигини таъминловчи асос ҳисобланади. Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий қадриятлар шахснинг камол топишида бирламчи аҳамиятга эга, улар шахсга ижтимоий шароитларга мослашиш, жамиятда муайян ўринни эгаллаш, қониқарли шахсий мақомга эга бўлиш имконини беради. Шахс ўзининг ижтимоийлашуви жараёнида асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ижтимоий қадриятларни ўзлаштиради. Психология ижтимоий қадриятларнинг индивид руҳий ҳаётининг барқарор ички элементларига айланиш механизмлари қандай, деган саволга ҳам жавоб беради. Бундай механизм **интериоризация**, яъни ташқи дунёнинг айрим жиҳатларини инсоннинг шахсий руҳий ҳаётига киритишдир. Бунинг натижасида ташқи дунёнинг ички омиллари инсон тафаккури ва хулқ-атворига, унинг руҳияти ички структураларининг шаклланишига ижтимоий фаолиятнинг ташқи структураларини ўзлаштириш орқали таъсир кўрсатади. Ҳозирги замон психологиясида **тарихий интериоризация** ғояси ҳам илгари сурилади: муайян тарихий даврда одамлар оммавий хулқ-атворининг шакли ҳисобланган механизмлар кейинчалик онгнинг ички механизмларига айланади. Бунга расм-русумлар, театр, черков, ўйин қабилидаги коллектив ҳаракатлар, ҳозирги шароитда эса – мактаб, телевидение, оммавий ахборот воситалари мисол бўлиши мумкин.

Аммо индивидуал қадриятларнинг шаклланишида фаолиятнинг ранг-баранг шакллари (меҳнат, билиш, мулоқот, ўйин)гина иштирок этмайди. Бундай восита сифатида умуман ижтимоий тузилмалар амал қилади. Бозор ва кундалик турмуш, реклама ва мода, сиёсат ва ҳуқуқ, таълим ва тарбия, оммавий ахборот воситалари ва санъат, ҳукмрон маданий меъёрлар ва ижтимоий-сиёсий институтлар томонидан расмий даражада андоза сифатида эътироф этилган айрим шахсларнинг обрўси, ижтимоий-психологик стереотиплар, андозалар, ахлоқ ва табу – буларнинг барчаси жамият маънавий ҳаётининг шахснинг қадриятларг муносабатини шакллантирувчи омилларидир.

Шахснинг шаклланиши ўзига хос қадриятлар мажмуига эга бўлган ижти-

моий гуруҳлар, бирликлар ва бирлашмалар доирасида юз беради. Кўрсатилган гуруҳларга шахснинг мансублиги шунда намоён бўладики, шахс уларнинг идеаллари ва қадриятларини қабул қилади. Аммо шахс, одатда, бир эмас, балки бир нечта ижтимоий гуруҳлар (миллатлар ва синфлар, оила ва ўқув юрти, дўстлар давраси ва ишлаб чиқариш жамоаси ва ш.к.)га қўшилади. Турли гуруҳларда ҳар хил ва ҳатто қарама-қарши қадриятлар устувор бўлиши мумкин. Бу гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар шахс тафаккурида қадриятларнинг тўқнашуви юз беришига олиб келиши мумкин. Айни ҳол шахс устувор қадриятларни мустақил излашига туртки беради. Шундай қилиб, шахснинг индивидуаллашган, ўзига хос ва бетакрор хусусиятлари вужудга келиши, унинг алоҳида ҳаёт тажрибаси муқаррар тарзда ижтимоий қадриятларга зид бўлмаган, балки уларни тўлдирадиган алоҳида индивидуаллашган қадриятларнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

Қадриятлар шахс хулқ-атворини тартибга солиш воситалари сифатида у ёки бу ҳодисалар қадриятлар сифатида идрок этилиши ёки идрок этилмаслигидан қатъи назар шахснинг хулқ-атворига таъсир кўрсатади. қадриятлар тизими ҳақидаги онгли тасаввурлар, қадриятлар ва мўлжаллар мажмуи шахснинг қадриятларга муносабатини белгилайди. Бу муносабат, давр ҳамда шахс қўшилган ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий меъёрлари ва талабларини ўзлаштириши жараёнида шаклланади.

Қадриятларга муносабат индивиднинг ҳаёт тажрибаси ва шахс кечинмаларининг бутун мажмуи билан мустаҳкамланади ва тартибга солинади. Улар индивидга муҳимни номуҳимдан ажратиш имконини беради, мотивларнинг барқарорлигини ҳамда шахс хулқ-атвори ва тафаккурининг ворисийлигини белгилайди. Шунга қарамай, ботиний майллар, хоҳиш-истаклар ва интилишлар ҳам, айниқса, улар шахснинг онгли қадриятларга муносабати билан тўқнашганда, ўз таъсирини кўрсатадики, бу онгли равишда эълон қилинган ва амалда эътироф этилган қадриятлар ўртасида зиддиятларга олиб келади. Кўрсатилган зиддиятлар инсон актуал қадриятларни афзал кўриб, ҳақиқий қадриятлар ҳақида ўз танасига ўйлаб кўрмагани билан изоҳланиши мумкин. Устувор қадриятларни танлаш жараёнида ўз-ўзига муносабат ва ҳақиқий шахсий мақом ўртасидаги зиддият, шунингдек, ўз индивидуаллашган қадриятлари билан нуфузли ижтимоий гуруҳлар томонидан эътироф этилган қадриятлар ўртасидаги зиддиятларни англаш ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Жамият ва инсон ҳаётида қадриятларнинг роли. Уларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Инсон ва жамият учун иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган қадриятлар. Бу шундай қадриятларки, уларсиз жамият ва инсоннинг нормал фаолияти издан чиқмайди.

2. Кундалик ҳаёт ва эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган қадриятлар. Бу гуруҳга аксарият моддий ва маънавий қадриятлар киради. Булар инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, жамиятнинг нормал фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган қадриятлардир.

3. Олий қадриятлар – бу ўз аҳамиятига кўра энг юксак даражада турувчи, одамларнинг фундаментал муносабатлари ва эҳтиёжларини акс эттирувчи қад-

риятлардир. Олий қадриятларсиз нафақат инсон шахс сифатида камол топа олмайди, балки жамият ҳам нормал ҳаёт кечира олмайди. Олий қадриятларнинг мавжудлиги доимо индивиднинг шахсий ҳаёти чегарасидан четга чиқиш билан боғлиқ. Улар индивидни унинг ўзидан юксак бўлган, унинг ҳаётини белгилайдиган, унинг тақдири узвий боғлиқ бўлган нарсалар билан ошно этади. Айни шу сабабли олий қадриятлар одатда умуминсоний хусусият касб этади.

Моддий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий қадриятларнинг бир қисми олий қадриятлар қаторига киради. Булар аввало: тинчлик, инсоният ҳаёти; адолат, эркинлик, одамларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, дўстлик ва меҳрибонлик ҳақидаги тасаввурлар; қариндошлик алоқалари; фаолият қадриятлари (меҳнат, ижод, бунёдкорлик, ҳақиқатни англаб етиш); ўз-ўзини асраш қадриятлари (ҳаёт, соғлиқ); ўз шахсиятини намоён этиш, ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш қадриятлари; шахсий фазилатларни танлашни тавсифловчи қадриятлар (ҳалоллик, довюраклик, садоқат, адолат, яхшилик) ва ҳоказо.

Қадриятларни турли асосларга кўра таснифлаш диалектик хусусият касб этади, яъни у қотиб қолган ва ҳаракатсиз эмас. Биринчидан, шароитлар ўзгариши билан қадриятлар бир турдан, бир муҳимлик даражасидан бошқа турга, бошқа муҳимлик даражасига ўтиши мумкин. Иккинчидан, жамият ривожланиши билан янги қадриятлар вужудга келиши мумкин ва аксинча, аввалги қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотади ёки умуман йўқ бўлади. Учинчидан, қадриятлар бир-бири билан муайян тур доирасидагина эмас, балки турлар ўртасида, гуруҳларда ва гуруҳлар ўртасида ҳам яқин алоқа қилади ва ўзаро таъсирга киришади. Ниҳоят, қадриятларнинг ҳар бир турида кўп сонли тур хилларини фарқлаш лозим. Масалан, маънавий қадриятлар гуруҳида ахлоқий қадриятлар, эстетик қадриятлар, билишга доир (гносеологик) қадриятларни аниқ фарқлаш мумкин.

Олий қадриятлар гуруҳида қадрият сифатидаги ҳаёт (ҳаёт қадриятлари), қадрият сифатидаги соғлиқ ва қадрият сифатидаги эркинлик алоҳида фарқланади.

Ҳаёт энг олий қадриятлар қаторига киради, зеро ҳаётсиз инсон бўлмайди ва қадриятлар ҳам бўлиши мумкин эмас. Индивид учун ҳаёт бошқа бирон-бир нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда энг юксак қадрият, неъмат сифатида амал қилади. Ўз навбатида, ҳаётнинг қиммати бошқа барча қадриятлар учун ўзига хос замин ва чўққи ҳисобланади. Ҳаётнинг қиммати қандай тушунилишига қараб одамлар ўртасидаги муносабатлар ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабати ҳам шаклланади.

Биринчи ҳолда ҳаётнинг қимматига индивидуал нуқтаи назардан ёндашилса, иккинчи ҳолда – ижтимоий нуқтаи назардан ёндашилади, яъни бу ерда ҳаётнинг аҳамияти индивиднинг ўзи учун эмас, балки жамият учун белгиланади.

Инсоннинг ўзи қадрият ҳисобланадими, деган саволнинг икки томони бор 1) инсон учун бошқа одамнинг ва умуман инсоннинг қиммати нимада? 2) унинг ўз ҳаётининг қиммати нима билан ўлчанади? Тафсилотларга берилмай шуни қайд этамизки, бу саволларга жавоблар аниқ ва узил-кесил бўлиши мумкин эмас. Гап шундаки, индивиднинг бошқа одамларга қизиқиши одамлар қандайлигигагина эмас, балки унинг ўзи қандайлигига ҳам боғлиқ бўлади. Бунга яна шуни қўшимча қилиш жоизки, инсон ҳаётининг ва инсоннинг қиммати тўғрисидаги масаланинг қўйилиши тарихий шароитлар билан бевосита боғлиқ. Масалан, Ўрта аср-

ларда феодал ўз крепостнойини ўлдириши жиноят ҳисобланмаган ва жазога тортилмаган. Ҳозирги вақтда ҳар бир кишининг яшаш ҳуқуқи тан олинган ва одам ўлдириш у ёки бу тарзда жазоланмайдиган мамлакат мавжуд эмас. Хуллас, инсон – алоҳида, мутлақ қадрият. Қолган барча қадриятлар инсон манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоланади.

Соғлиқ қадрият сифатида. Инсон соғлиғи – қадриятлар пиллапоясида энг юксак поғоналарадан бирини эгаллайдиган табиий, мутлақ ва боқий қадрият. Инсоннинг барча эҳтиёжларини қондириш даражаси унинг соғлиғи қай даражада эканлиги билан белгиланади. Соғлиққа бўлган эҳтиёж ялпи хусусият касб этади, у айрим индивидларга ҳам, бутун жамиятга ҳам хос. Шу сабабли индивидуал (шахсий) соғлиқ ва жамият соғлиғи ёки аҳоли саломатлиги фарқланади.

Соғлиқнинг ҳолати инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, муайян инсон ҳаётининг тўлақонлилиги ва фаоллиги унинг соғлиғи даражасига, «сифат» хусусиятларига бевосита боғлиқ. Ўз навбатида, аҳоли саломатлиги меҳнат ресурсларининг сифатига, ижтимоий меҳнатнинг унумдорлик даражасига ва шу тариқа жамиятнинг иқтисодий ривожланиши динамикасига кучли таъсир кўрсатади.

Эркинлик қадрият сифатида инсон учун улкан аҳамиятга эга. Бу категориянинг фалсафий талқини қуйидаги таърифда ўзининг айниқса, аниқ ифодасини топган: эркинлик – бу инсоннинг объектив зарурият билишга таянган ҳолда ўз манфаатлари ва мақсадларига мувофиқ иш кўриш қобилиятидир.

Эркинлик доим ва ҳамма жойда энг буюк қадрият ҳисобланади. Бошқа ҳолларда бўлганидек, эркинлик уни инсон англаган тақдирдагина қадриятга айланади. Эркинликнинг қиммати англаб етилмаган, инсон ўзини бошқа одамлар билан тенг жонзот сифатида идрок этмаган жойда ўзига қадрият сифатида ёндашиш ҳам, инсоннинг қадр-қиммати ҳам мавжуд бўлмайди. Ўзининг эрксизлигини тушуниш ва эркинликнинг қимматини англаб етиш туб ижтимоий ўзгаришлар даврида айниқса, бўртиб намоён бўлади.

Эркинлик – барча одамларнинг цивилизация ютуқларидан тенг даражада фойдаланиш ва ўз меҳнати меваларини ва ўз тақдирини тасарруф этиш ҳуқуқи. Эркинлик йўл танлаш имкониятидир. Онгли равишда амалга ошириладиган ҳар қандай йўл танлаш каби, эркинлик ҳам шахс учун муқобил имкониятлардан бирини афзал кўриш ва бошқасидан воз кечиш билан боғлиқ. Йўл танлаш шахснинг кейинги фаолиятини чекловчи омилга айланмаслиги учун у муҳим қоидага амал қилиши лозим: ҳар сафар йўл танлашни амалга ошираётганда кейинги йўл танлашлар истиқболи тораймаслигига, балки инсонга ўзининг янги касбий, ахлоқий ва интеллектуал имкониятларини аниқлаш имконини бериб, кенгайиб боришига эришишга ҳаракат қилиш керак.

Шундай қилиб, биз кўп сонли ранг-баранг қадриятлар мавжудлигини аниқладик ва уларни таснифлашни амалга оширдик. Энди барча реал қадриятлар инсон онгининг омилига айланадими, деган саволга жавоб топишимиз лозим.

Йўқ, ҳамма қадриятлар ҳам амалда инсон онгининг омилига айланавермайди. Баъзан бу инсоннинг ўзига боғлиқ бўлган объектив сабабларга кўра юз беради. Индивид томонидан англаб етиладиган ва унинг эътиқодлари қаторидан ўрин оладиган қадриятлар унинг ҳаракатлари тарзини белгиловчи мўлжалларга айлана-

ди. Бошқача айтганда, англаб етилган қадриятлар шахснинг қадриятларга бўлган муносабатига айланади.

Шахснинг қадриятларга бўлган муносабати. Мазкур тушунча илмий муомалага XX асрнинг 20-йилларида социологлар У.Томас ва Ф.Знанецкий томонидан киритилган. Улар қадриятларга муносабатни шахснинг унинг хулқ-атворини тартибга солувчи ижтимоий мўлжали сифатида ёндашган. Шу тариқа қадриятларга муносабат тадқиқотлар предметига айланган. Бу тушунчанинг кўп сонли турли талқинлари пайдо бўлган. Биз қуйидаги таърифга қараб мўлжал оламиз.

Қадриятларга муносабат – бу шахснинг ҳаёт тажрибаси, унинг барча кечинмалари мажмуи билан мустаҳкамланган ва шахс учун муҳим аҳамиятга молик бўлган нарсаларни иккинчи даражали, аҳамиятсиз нарсалардан ажратувчи муҳим элементлари.

Вужудга келган, кенг тарқалган қадриятларга муносабатлар мажмуи онгнинг шахснинг барқарорлигини, муайян турдаги хулқ-атвор ва фаолиятнинг ворисийлигини таъминловчи, индивиднинг эҳтиёжлари ва манфаатларига йўл кўрсатувчи ўзига хос ўзагини ташкил этади. Айни шу сабабли қадриятларга муносабат шахс мотивациясини тартибга солувчи, белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ривожланган қадриятларга муносабат – шахснинг етуклик белгиси, унинг ижтимоийлик даражаси кўрсаткичи. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, ижод шахснинг муҳим қадриятларга муносабатлари ҳисобланади.

Қадриятларга муносабатларнинг барқарор ва зиддиятлардан холи мажмуи шахснинг муайян тамойиллар ва идеалларга содиқлик, бу идеаллар ва қадриятларга эришиш йўлида ғов-тўсиқлардан ошиб ўтишга қодирлик, ҳаёт позициясининг фаоллиги, мақсадга эришиш йўлида тиришқоқлик каби фазилатларини белгилайди. Қадриятларга муносабатларда зиддиятлилик хулқ-атворда ноизчилликни вужудга келтиради. Қадриятларга муносабатларнинг норасолиги – инфантилизм (болалик ёши хоссалари), шахснинг ички структурасидан ташқи стимулларнинг устунлиги белгиси.

Қадриятлар иерархияси. Қадриятлар шахс ва жамият эҳтиёжлари, манфаатлари билан белгиланган боис, улар мураккаб тузилишга ва алоҳида иерархияга эга бўлади. Қадриятлар иерархияси замирида тирик мавжудот сифатидаги инсон ҳаёти учун зарур бўлган фундаментал қадриятлар (табиий бойликлар, моддий яшаш шароитлари – турар жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, соғлиқни сақлаш ва ш.к.) ва инсоннинг ижтимоий моҳиятига, унинг маънавий табиатига боғлиқ бўлган олий қадриятлар ётади. Биринчи гуруҳга моддий (утилитар) қадриятлар, иккинчи гуруҳга эса маънавий қадриятлар киради. қадриятларнинг биринчи гуруҳи инсондан ташқарида ётувчи мақсад билан белгиланади, иккинчи гуруҳ ички асосга эга. Моддий, утилитар қадрият воситанинг қимматидир, зеро, нарсанинг фойдалилиги у нимага хизмат қилишга мўлжалланган бўлса, шу вазифа билан белгиланади. Ўз вазифасини бажаргач, бу нарса қадрият сифатида ўз аҳамиятини йўқотади. Моддий, утилитар қадриятдан фарқли ўлароқ, маънавий қадрият ўзига тўқ хусусият касб этади ва ўзидан ташқарида ётувчи мотивларга муҳтож бўлмайди. Утилитар прагматик қадриятлар фаолият мақсадини белгиласа, маънавий қадриятлар инсон фаолиятининг мазмунини белгилайди.

Шунга мос равишда шахснинг маънавий дунёси ҳам ўз иерархиясига эга

бўлади. Инсон маънавияти учта: маърифий, ахлоқий ва эстетик асосларни ўз ичига олади. Уларга маънавий ижодкорларнинг уч типи: донишманд (билувчи), тақводор (авлиё) ва санъаткор мос келади. Бу асосларнинг ўзаги маънавиятдир. Билим бизга ҳақиқатнинг тагига етиш учун имконият яратиб, тўғри йўл кўрсатса, ахлоқий ва эстетик асос инсоннинг ўз эгоистик «Мени» чегарасидан четга чиқиб, эзгулик уруғини сочиш қобилияти ва эҳтиёжини назарда тутади.

Маънавий қадриятларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ноутилитар ва ноинструментал хусусият касб этади: улар бошқа бирор нарсага хизмат қилмайди, аксинча, бошқа барча нарсалар уларга бўйсунади ва олий қадриятлар билан боғлиқ ҳолдагина муайян мазмун касб этади. Олий қадриятларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, улар муайян халқ маданиятининг ўзаги ҳисобланади. Маданиятда одамларнинг фундаментал умуминсоний қадриятлари: тинчлик, саломатлик ва инсоният ҳаёти мужассамлашади. Маданиятда мулоқот қадриятлари (дўстлик, меҳрибонлик, ишонч, оила), турмуш тарзи қадриятлари (ижтимоий адолат, эркинлик, инсон ҳуқуқлари ва шу кабилар ҳақидаги тасаввурлар) ўз ифодасини топади. Олий қадриятлар йўл танлаш вазиятларининг чексиз тўпламида рўёбга чиқади.

Шундай қилиб, қадриятлар тушунчаси шахснинг маънавий дунёси билан узвий боғлиқ. **Ақл-идрок, оқилоналик, билимлар** инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятини белгиловчи онгнинг энг муҳим элементлари ҳисобланса, улар негизида шаклланувчи маънавият ўз ҳаёт йўлини, ўз фаолиятининг мақсадлари ва мазмуни ҳамда уларга эришиш воситаларини танлаш тўғрисидаги масалани у ёки бу тарзда ечаётган инсон ҳаётининг мазмуни билан боғлиқ бўлган қадриятлар қаторига киради.

Хулосалар. Қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида ўз ҳолича эмас, балки вужудга келган қадриятларга муносабатлар тизими заминида муҳим ўрин эгаллайди.

Қадриятларнинг бутун ранг-баранглигини уч асос: ижтимоий ҳаёт соҳаларига, субъектларга, қадриятларнинг жамият ҳаётидаги ролига кўра таснифлаш мумкин.

Қуйидагилар инсон учун энг олий қадрият ҳисобланади: қадрият сифатидаги ҳаёт, қадрият сифатидаги соғлиқ ва қадрият сифатидаги эркинлик.

Тажрибавий-амалий матнлар

Қадрият тушунчаси, натуралистик психологизм, персоналистик онтологизм, аксиологик трансцендентализм, маданий-тарихий релятивизм, қадриятларнинг социологик концепцияси, қадрият категориясининг мазмуни, қадриятнинг функционал аҳамияти, қадриятнинг шахсга доир мазмуни, баҳолаш, баҳолаш структураси, баҳолаш предмети, баҳолаш субъекти, баҳолаш асоси, эҳтиёжлар ва қадриятлар, моддий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қадриятлар, маънавий қадриятлар, идеал, интериоризация. тарихий интериоризация, эркинлик – қадрият сифатида.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун саво ва топшириқлар

1. Қадрият нима?
2. Ижтимоий муносабатлар ва институтлар тизимида қадриятлар қандай ўрин эгаллайди?
3. Баҳолаш нима? қадриятлар ва баҳолаш тушунчалари бир-бири билан қандай нисбатлашади?
4. Шахс қадриятлари конфликтлашувининг сабаби нимада?
5. Бундай конфликтни бошдан кечирганмисиз?

Реферат мавзулари

1. Қадриятларнинг турлари, уларнинг иерархияси ва ўзаро алоқадорлиги.
2. Шахсий гуруҳий ва умуминсоний қадриятлар мутаносиблиги.
3. Инсон ҳаёти мазмуни ва тарих мазмуни.
4. Ҳақиқат ва қадриятлар.
5. Инсон фаолияти нормалари, идеаллари, қадриятлари.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1. XX асрнинг бошида ким қадриятлар назариясини ифодалаш учун аксиология атамасини муомалага киритган?

А. П.Лапи

Б. Гермон Коген

В. Рудольф Лотций

Г. Генрих Риккерт

2. Қадрият тушунчасига ким илк бор фалсафий таъриф берган?

А. Рудольф Лотций ва Гермон Коген

Б. Генрих Риккерт

В. Рудольф Лотций ва Вилгельм Вендельбанд

Г. Вилгельм Вендельбанд

3. Аксиология қандай фан?

А. Фалсафанинг қадриятларни ўрганиш билан шуғулланувчи алоҳида бўлими

Б. Анъаналарни ўрганувчи фан

В. Урф-одатларни ўрганувчи фан

Г. Маросимларни ўрганувчи фан

4. Аксиология фалсафий тадқиқотнинг мустақил соҳаси сифатида вужудга келгандан сўнг қандай ёндашувлар пайдо бўлган?

А. Натуралистик психологизм, персоналистик онтологизм, аксиологик трансценденталистик, маданий-тарихий релятивизм, қадриятларни социологик концепцияси

Б. Қадриятларни социологик концепцияси, маданий-тарихий релятивизм

В. Натуралистик психологизм

Г. Тўғри жавоб йўқ

5. Натуралистик психологизм бу – …

А. Қадриятлар манбаи инсоннинг биологик ва писохологик эҳтиёжлари мужассамлашган объектив омиллар қаралади

Б. Қадриятларни объектив борлиқ сифатида эмас инсон эҳтиёжларини ва майилларига боғлиқ бўлмаган идеал борлиқ сифатида тушунилади

В. Моҳият эътибори билан реал маданий – тарихий контекстни мавҳумлаштириш

Г. Ижтимоий субъект учун муайян аҳамиятга эга бўлган меъёр

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Ўзбекистон», 2008 й.
2. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: ЎФМЖ, 2004 й.
3. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. –Т.: «Ўзбекистон», 1992 й.
4. Қосимов Б. Миллий тикланиш. –Т.: «Маънавият», 2002 й.
5. Баришков В.П. Аксеология личностного бытия. Саратов, «Луч», 2001 г.
6. Каган М. Философская теория ценностей. –СП(б).: 1997 г.
7. Қадрият // Фалсафа қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004 й.
8. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. Тошкент. «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2007 й.
9. Очилова Б. Миллий-маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. Тошкент. «Истиқлол», 2009 й.
10. Нескрябина О.Ф. Смысл и ценность человеческой индивидуальности : диссертация ... доктора философских наук : 09.00.11. Санкт-Петербург, 1996 г.

ФАОЛИЯТ ФАЛСАФАСИ (ПРАКСИОЛОГИЯ)

1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар машғулоти: Фаолият фалсафаси (праксиология).
Семинар машғулот режаси	1. Праксиология – фаолият тушунчасининг фалсафий таҳлили. 2. Фаолиятнинг тузилиши. 3. Фаолиятнинг унумлилиги. 4. Интериоризация тушунчаси ва интериоризация механизми. 5. Меҳнат ва ўйин фаолият бирлиги сифатида.
Машғулотнинг мақсади: Фаолиятнинг инсон ҳаёти мазмунини ташкил қилувчи асосий омил эканлигини тушуниш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Фаолият тушунчаси. Инсоннинг шаклланиши ва ривожланишида фаолиятнинг роли.	Инсоннинг шаклланиши ва ривожланишида фаолиятнинг ролини англаш масаласи.
Фаолиятнинг социологик, психологияда фаолияти.	Фаолиятнинг социологик жиҳатлари ва унинг инсон психикасига таъсири.
Фаолият атрибутлари.	Фаолият атрибутлари, намоён бўлиш шакллари.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.

	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Фаолият» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Интериоризация тушунчаси ва интериоризация механизми? 2. Интериоризация назариясининг танқиди? 3. Меҳнат ва ўйин фаолият бирлиги сифатида? 4. Ўйин моделининг шартлилиги ва реаллиги?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Психологияда фаолиятга муносабат. Инсон фаолиятини тартибга солишнинг аҳамияти. Фаолиятни тартибга солиш механизмлари» деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

«Праксиология» (юнон. «praktikos» – «фаол») – фалсафанинг инсон фаолиятини ўрганишга бағишланган бўлимларидан бири. Фаолият тушунчаси инсон борлиғининг табиати ва моҳиятини, унинг шахсий имкониятлари, ижтимоий алоқалари ва муносабатларини, инсон маънавий дунёси ва моддий амалиёт жабҳасини теранроқ тушуниш имконини беради. Инсон фаолияти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ҳайвонлар фаоллигидан бутунлай фарқ қилади. У индивид ва умуман жамият борлиғининг алоҳида усули ҳисобланади.

Ижтимоий йўналганлигига қараб фаолиятнинг турли фанларда ўзига хос хусусиятлари бўлади. Ижтимоий фалсафа шахснинг ижтимоийлашуви, яъни жамият тўплаган тажриба, қадриятлар ва меъёрларни ўзлаштириш усули сифатидаги фаолият мазмунини ёритади. Социологияда фаолият (ижтимоий ҳаракат) ижтимоий организмнинг субъектив мотивация ва бошқаларга қараб мўлжал олиш билан тавсифланадиган ҳамда шахс ва жамиятнинг алоқасини таъминлайдиган ҳужайраси сифатида қаралади. Онтологияда фаолият инсон борлиғи усули бўлиб, унда одамзоднинг моҳиятини белгиловчи кучлар, айниқса, тўла акс этади. Билиш назариясида асосий эътибор билишнинг негизи ва билимларимиз ҳақиқийлигининг муҳим мезони бўлган амалиёт сифатида тушуниладиган фаолиятга қаратилади. Ахлоқ ва ҳуқуқ фалсафасида хоҳиш-ирода эркинлиги муаммолари ва инсон фаолиятини тартибга солиш усуллари ўрганилади. Инсон фаолиятининг маданият билан алоқаси мазкур фаолиятнинг ўзига хос хусусиятини акс эттирувчи муҳим фалсафий муаммолардан биридир. Тўғри, инсон яратган барча нарсалар ҳам маданиятга мансуб бўлавермайди, лекин ижодий фаолиятсиз маданият мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ёндашувларнинг бундай ранг-баранглиги тасодифий бир ҳол эмас, чунки инсон фаолияти унинг яшаш омили ҳисобланади ва одамзоднинг табиатга, жамиятга, ўз-ўзига бўлган муносабатлари доирасини тўла қамраб олади. Моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш, сиёсат ва бошқарув, мулоқот ва билиш, бадиий ижод ва фалсафий мулоҳаза юритиш, тарбия ва ўзини ўзи тарбиялаш – буларнинг барчаси фаолиятни инсоннинг дунёга ва ўз-ўзига бўлган муносабатининг универсал шакли, шахс ва жамиятнинг ранг-баранг эҳтиёжларини қондириш усули сифатида тавсифлайди.

Фаолият тушунчасининг мазмуни. Фалсафада фаолият инсонга хос бўлган ва ташқи дунёни оқилона ўзгартиришга қаратилган фаолликнинг алоҳида шакли сифатида тавсифланади. Ижтимоий фалсафада фаолият ижтимоий жараёнларни амалга ошириш, инсоннинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўзини қуршаган дунё билан алоқага киришиш усули сифатида қаралади[11] Фаолият муайян фаолият тури билан шуғулланиш қобилияти унинг амалдаги моддий ифодасига ўзаро ўтишини назарда тутади. Бу фаол инсон ташқи дунёни ўзгартириши ва ўзи ҳам ўзгаришини англатади. Форобий фикрича, «Инсон фаолиятсиз тура олмайди, аммо ҳар қандай фаолият ва ҳаракат инсонни инсон қилиб кўрсата олмайди. Чунки ўз табиатига кўра ҳайвонлар ҳам ҳаракат қиладилар. Ҳайвон овқатни кўради ва унга интилади ва бунда онгсиз ҳаракатни амалга оширади. Одамни ҳайвондан ажратадиган нарса – алоҳида ирода бўлиб, у ихтиёр деб номланади»[2]. Ихтиёр – комилликка интилиш ва унга эришиш сари ҳаракат демакдир. Инсон мақсадни

[1] Фалсафа қомусий луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2004 й. 186-б.

[2] Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993 й. 55-б.

ҳам, унга эришиш воситалари, йўлни ҳам билиб олади. Натижада, у ўз мақсадига етиш учун онгли фаолият олиб боради. Инсон жуда кўп нарсани орзу қилиб яшайди, бироқ уларнинг ҳаммасига ҳам эга бўлмайди. Шу боис ҳақиқий бахтга у дунёда эришилади, охиратда мутлақ бахтга эришишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат – фазилатдир деб ҳисоблайди.

ХХ асрнинг атоқли мутафаккири Э.Кассирер инсоннинг энг муҳим хусусияти, унинг ўзига хос белгиси метафизик ёки жисмоний табиати эмас, балки унинг фаолиятидир, деб қайд этган эди. Инсоният соҳасини айнан меҳнат, фаолият турлари тизими белгилайди. Кассирер тил, миф, дин, санъат, фан, тарихни инсон фаолияти тизимининг турли секторлари сифатида қайд этади. Инсонни тушуниш бу фаолият турларидан ҳар бирининг теран қатламлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва айни вақтда уни яхлит бир бутун организм сифатида тушуниш демакдир.

Фаолиятни социологик жиҳатдан тавсифлаш қилмиш, хатти-ҳаракат, хулқ-атвор тушунчалари ёрдамида амалга оширилади. Бу тасодифий бир ҳол эмас. Жамият одамлар биргаликда амалга оширадиган фаолият шаклларидан бири ҳисобланади, шу сабабли инсон фаолияти доим ижтимоий хусусият касб этади, гарчи ўз шахсий эҳтиёжлари ва эгоистик тушуниладиган манфаатлар йўлида амалга оширилса-да, бошқаларга қаратилган бўлади. Қилмиш – шахс фаоллиги намоён бўлишининг бир шакли бўлиб, унинг ижтимоий аҳамиятга молик натижалар учун жавобгарлигини назарда тутади. Айни ҳолда мазкур натижалар шахснинг муайян мақсадлари ёки мўлжаллари билан белгиланган ёки белгиланмагани аҳамиятга эга бўлмайди. Хатти-ҳаракат – шахснинг маънавий ўзликни англаши натижаси саналган онгли ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) бўлиб, унда мазкур шахснинг ўз-ўзига ва бошқа одамларга, табиатга ва умуман жамиятга бўлган муносабати акс этади. Шахснинг ахлоқий мўлжаллари рўёбга чиқадиган қилмишлар тизими унинг хулқ-атворини тавсифлайди. Хулқ-атвор фаолиятнинг ташқи кўрсаткичи ҳисобланади, шу сабабли унинг ички механизмлари хулқ-атворда билвосита намоён бўлади ва инсон ўз фаолиятида амал қиладиган мотивларни доим ҳам намоён этавермайди.

Психологияда фаолиятга муфассалроқ тавсиф берилган бўлиб, у инсоннинг дунё билан муносабатлари динамик тизими сифатида талқин қилинади. Бунда субъектда руҳий образ юзага келади ва у объектда мужассамлашади. Содда қилиб айтганда, фаолият инсоннинг ҳар қандай объектга (дунёга) шундай бир муносабатини акс эттирадики, унинг замирида нафақат объект (дунё) ҳақидаги билим, балки уни ўзгартириш натижасида инсон нимага эришиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввур ҳам ётади. Психологияда билим ва мақсаднинг инсон эҳтиёжлари билан белгиланган ўзига хос чатишуви фаолият жараёнида объектда гавдаланадиган образ сифатида қаралади. Шундай қилиб, фаолият субъектнинг борлиққа бўлган муносабатларини рўёбга чиқариш усули ҳисобланади. Аммо, фаолиятнинг ўзи инсоннинг ташқи дунёга бевосита муносабати билан эмас, балки уни англаб етиши, яъни руҳий мотивлар, мақсадлар, воситалар (меҳнат қуроллари) билан тавсифланади.

Фаолиятнинг тузилиши. Фаолиятнинг умумий тузилиши эҳтиёжлар билан белгиланади. Инсоннинг эҳтиёжлари унинг фаоллик манбаи ҳисобланади. Ҳаёт

эҳтиёжлари (инсоннинг жонли мавжудот сифатидаги эҳтиёжлари), ижтимоий эҳтиёжлар (ижтимоий ривожланиш эҳтиёжлари, шунингдек, шахснинг жамиятга мослашув эҳтиёжлари) ва маънавий (маърифий, диний, ахлоқий, эстетик ва ш.к.) эҳтиёжлар фарқланади. Эҳтиёжларнинг ранг-баранглиги инсон фаолияти турларининг ранг-баранглигини белгилайди. Фаолият турларини таснифлаш замирида ётувчи энг муҳим омил у қаратилган ва фаолият мотивини ташкил этадиган предметлар фарқидир. Фаолият мотивсиз бўлмайди, «мотивлаштирилмаган» фаолият субъектив пинҳона мотивга эга бўлади.

Ҳаракатлар ва амаллар. Фаолият ҳаракатлардан ташкил топади. Ҳаракат алоҳида мақсадга, яъни эришилиши лозим бўлган натижа ҳақидаги тасаввурга бўйсунадиган жараён сифатида тавсифланади. Мақсад инсон онгида эҳтиёж ва мотив билан фаолият объектив ҳолатларининг нисбатлашуви жараёнида юзага келади. Ўз навбатида, ҳолатлар мақсадга эришиш йўлларини белгилайди. Булар фаолият шартлари билан белгиланадиган амаллар ҳисобланади. Шундай қилиб, умуман фаолият мотив билан, ҳаракат – мақсадлар билан, амаллар – шартлар билан белгиланади.

Фаолиятнинг атрибутлари. Инсон фаолияти ўта ранг-барангдир. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, фаолият турларини таснифлаш учун асос бўлиб унинг инсон томонидан ўзгартириладиган объект: табиат, жамият, инсоннинг ўзига қаратилганлиги хизмат қилади. Фаолият атрибутлари (хоссалари) фаолиятни мотивлаштириш ва амалга ошириш механизмларини тавсифлайди. Фаолият атрибутлари орасида, аввало, субъектлилик ва моддийлик қайд этилади.

Субъектлилик ва моддийлик. Фаолиятнинг субъектлилиги шу билан изоҳланадики, у шахснинг ўтмишдаги тажрибаси, унинг эҳтиёжлари ва мўлжаллари, мотивлари ва мақсадлари, эмоциялари ва иродасини тавсифловчи хусусиятлари, билиш қобилиятлари ва ҳоказолар билан белгиланади. Фаолиятнинг моддийлиги инсондан ташқарида жойлашган ва унинг қўли билан ўзгартириладиган табиат ва жамият кучларига қаратилганини англатади. Аммо инсоннинг ўзи, унинг ўз-ўзини камол топтириши, ўз-ўзини тарбиялаши ва шахс ўз олдига қўядиган мақсадларга эришишга қаратилган тегишли ҳаракатлар ҳам ўзгартириш фаолиятининг предмети бўлиши мумкин.

Моддийлаштириш ва моддийликдан чиқариш. Моддийлик фаолият жараёни ва натижасининг материалга боғлиқлигини белгилайди. Фаолият натижаси инсон оқилона ўзгартирган материалда ўз аксини топади, моддийлашади (предметга айланади). Фаолият натижаси инсон кучлари ва қобилиятларининг ўзига хос инъикоси ҳисобланади. Немис классик фалсафасининг таниқли намояндаси И.Г.Фихте фикрича, «Амалиёт ўзгартирилган табиат предметларини инсоннинг кўзгудаги аксига ўхшайди»[1].

Моддийлашув нима эканлиги ҳақида амалда тасаввур ҳосил қилиш учун чевар, ғишт терувчи, маърузачи ва шу кабиларнинг ишини кузатадиган бўлсак, инсон қандай ишлаши, унинг фаолияти натижасида нима вужудга келганига қараб инсоннинг ўзи ҳақида хулоса чиқариш, унинг ақл-заковат даражаси, иродаси, касбий маҳорати, эстетик диди, меҳнатга муносабати, ахлоқий мўлжаллари ва ҳоказоларни аниқлаш мумкинлигини кўрамиз. Шу маънода фаолият доим инди-

[1] Фихте И.Г. Назначение человека. –СП(б).: 2006 г. с. 81.

вид ва умуман инсониятнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши демакдир. Индивиднинг ижтимоийлиги айнан фаолиятда намоён бўлади. Фаолият орқали у ижтимоий жараён иштирокчисига айланади.

Инсон фаолияти меҳнат қуроллари ёрдамида амалга оширилади. Унинг ҳайвонлар фаоллигидан асосий фарқларидан бири қуроллилик ҳисобланади. «Қуруқ қўл ҳам, ўз ихтиёрига ташлаб қўйилган ақл ҳам катта кучга эга эмас, – деган эди Ф.Бэкон. – Иш қўлга ҳам, ақлга ҳам керак бўлган қуроллар ва воситалар ёрдамида бажарилади»[1].

Меҳнат қуроллари инсон ва у ўзгартирувчи нарсалар дунёси ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланади. Меҳнат қуролларида инсоннинг тажрибаси мужассамлашади. Одамлар яратган меҳнат қуроллари ва истеъмол предметларида уларнинг маънавий кучлари (ақл-заковати ва кўникмалари, билим ва қобилиятлари, мақсад ва майллари ва ш.к.) ўзининг моддий ифодасини топади. Бундан ташқари меҳнат қуроллари фаолият технологияси ҳақида ахборот беради ва шу тариқа инсонни бошқа одамлар билан боғлайди. Бошқа одамлар яратган нарсалардан фойдаланиш учун инсон уларнинг моҳиятини, вазифасини аниқлаши, бошқача айтганда, уларнинг маънавий мазмунини англаб етиши лозим. Бу жараён фалсафада, моддийликдан чиқариш, яъни инсон меҳнати билан яратилган маҳсулотнинг маънавий мазмунини фикрлаш йўли билан унинг моддий қобиғидан ажратиш, деб аталади. Пировардида инсон фаолияти унинг маънавий ва жисмоний кучлари ва қобилиятларининг моддийлашуви ва меҳнат маҳсулларида мужассамлашган уларнинг яратувчилари маънавий дунёсининг бирлигидан ташкил топади.

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик. Инсон фаолияти оқилона, онгли ва мақсадга мувофиқ бўлади. «Оқилоналик – инсон фаолиятининг барча турларига амалда хос бўлган жиҳат»[2], деб қайд этади Э.Кассирер. Оқилоналик инсоннинг ўз фаолияти мақсадларини ақлга мувофиқ тарзда белгилаш ва уларни эркин ва онгли бошқариш қобилиятини англатади. И.Г.Фихте инсон табиат каби зарурият тақозосига кўра эмас, балки онгли ният билан иш кўришини таъкидлайди. Айни шу сабабли табиат ва жамиятни ўзгартириш инсониятнинг маънавий бурчидир[3].

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик – инсон фаолиятини ҳайвонлар фаоллигидан фарқлаш имконини берувчи муҳим хоссалардир. Аммо улар «соф кўриниш»да мавжуд бўлмайди. Шу сабабли онглилик ва мақсадга мувофиқликка зид бўлган хоссаларни инсон фаолиятининг талқини доирасидан чиқариш ўринли бўлмайди. Хусусан, инсоннинг барча фаолияти ҳам онгли бўладими, деган савол устида мулоҳаза юритиб кўрайлик. Амалда фаолият айрим кўникмалар шаклланишини назарда тутади (касбий маҳорат эса аксарият кўникмаларни автоматизм даражасига кўтаради); фаолиятда англанмайдиган майллар, мўлжаллар, тажриба, ўтмишда (аксарият ҳолларда – болаликда) олинган таассуротлар ўз таъсирини кўрсатади. Фаолият «онглилик – онгсизлик» қарама-қаршилигининг бирлигидир, деб айтиш учун асослар мавжуд. Зиддиятли вазиятлар – мутлақо онгсиз ва онгга бутунлай бўйсунган фаолиятни ҳаётда жуда кам учрайдиган муайян абстрак-

[1] Бэкон Ф. Новый Органон. Афоризмы об истолковании природы и царства человека: Соч.: в 2 т. Т. 2. –М.: 1978 г. с. 12.

[2] Кассирер Э. Опыт о человеке: введение в философию человеческой культуры // Проблема человека в западной философии. –М.: 1988 г. с. 28.

[3] Фихте И.Г. Избр. соч. Т. 1. –М.: 1916 г. с. 402.

ция сифатидагина тасаввур қилиш мумкин. Шунингдек, онгга тўла бўйсунадиган ҳаракат кўпинча самарасиз бўлади.

Онглилик фаолиятнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди, чунки мақсадни қўйиш ўз эҳтиёжларини ҳамда мавжуд вазиятни бу эҳтиёжларни қондириш шарти сифатида англашни назарда тутади. Мақсадга мувофиқ фаолият олдиндан мўлжалланган муайян натижага қараб мўлжал олади. Энтони Гидденс ўзининг «Жамият тузилиши» асарида инсон фаолияти мўлжалланмаган натижасининг аҳамиятига эътиборни қаратади. Аммо, фаолият мақсадсиз бўлиши, яъни жараённинг ўзига бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилиши ҳам мумкин. Албатта, онгсиз фаолият мантиқсиздир, чунки ҳеч қандай мақсадни кўзламайди, лекин унинг натижаси мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Масалан, сузишни билмаган, лекин сувда оёқ-қўллари билан тинимсиз ҳаракат қилаётган одам чўкмайди. Аммо ҳар қандай мақсадсиз фаолият ҳам онгсиз бўлавермайди (масалан, ўйин).

Фаолиятнинг унумлилиги. Инсон фаолияти унумли, аксарият ҳолларда амалийдир, лекин унумсиз ҳам, ноамалий ҳам бўлиши мумкин. Масалан, расм-русумларни бажариш унумсиз ҳисобланади (аммо, баъзан муайян вазифаларни ҳал қилишга қаратилган расм-русумлар амалий хусусият касб этиши ҳам мумкин).

Моддий ва маънавий фаолият. Моддий фаолиятни соддалаштириб предметлар билан иш кўриш сифатида, маънавий фаолиятни эса – предметларнинг образлари билан иш кўриш сифатида тасаввур қилиш мумкин. Мавҳум мулоҳаза юритиш орқали моддий ва маънавий фаолиятни «соф кўриниш»да, муайян қарама-қаршилик сифатида тасаввур қилиш мумкин. Аммо маънавиятдан холи бўлган моддий фаолият беҳудадир. Маънавий фаолият «соф кўринишда» мавжудми? Объектив идеализм тизимида муайян мутлақ ва ўз-ўзидан ривожланувчи ғоя унинг моддий манбасидан ташқарида мавжуд бўлиши тан олинади. Аммо, инсоннинг реал ҳаётидаги маънавий фаолияти моддий фаолиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди, амалда моддий ва маънавий фаолият унсурлари турли даражада акс этган фаолият ранг-баранг шаклларининг «континууми» (лот. «continuum» – «узлуксиз тўплам»)гина мавжуддир.

Моддий ва маънавий фаолиятнинг бирлиги фаолият жараёни ҳам, унинг натижаси ҳам моддий-ашёвий субстрат ва маънавий мазмуннинг муайян синтезидан иборат эканлигини англатадики, бу унинг натижаларини объектив тарзда, инсон хоҳиш-иродасидан қатъи назар, рамзлар, яъни инсоннинг маънавий дунёси ҳақидаги ахборот манбалари тизимига айлантиради. Ўз хусусиятига кўра фаолият муайян идеал юзага келишига сабаб бўлади, чунки у моддий кўринишда предметни яратади, рамзий кўринишда эса маънавий мазмунни – шахснинг билимлари, қобилиятлари, ахлоқий мўлжалларини, унинг маҳорати ва ўз касбига муносабатини, шунингдек, ўз-ўзига ва бошқа одамларга бўлган муносабатини вужудга келтиради. Шу сабабли табиий объект инсоннинг ўзгартирувчи фаолияти натижасида ўзлаштирган хоссалар рамзий тарзда амал қилади. Шу маънода, инсон нафақат моддий, балки рамзий оламда ҳам яшайди.

Мулоқот фаолият сифатида. Меҳнат қуролларидан фойдаланиш усуллари, уларнинг вазифаси ҳақида ахборот бериш воситаси саналган ўзига хос «тил»га қараб мўлжал олиш инсон фаолиятининг зарурий шарти ҳисобланади. Инсонни

бу меҳнат қуроллари билан ишлашга тайёрлаш, чунончи: тегишли кўникмаларни шакллантириш ва энг муҳими – фаолият тажрибаси ва усулларини ўргатиш ҳам зарур. Бу иш ё намойиш этиш, ўрнак кўрсатиш ёки фаолиятда иштирокчилик орқали бевосита, ё тил ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли мулоқот инсоний муносабатлар, умуман жамият ҳаётининг муҳим томони ҳисобланади. Бу одамлар ўз ҳаётида йўл-йўлакай шуғулланадиган алоҳида фаолият тури, инсон ҳаётининг овлоқ бурчаги эмас, балки унинг ижтимоий муносабатларга киришиш жараёни юз берадиган марказидир.

Инсон фаолиятининг санаб ўтилган хоссалари унинг маданият билан белгиланишини кўрсатади. Э.Кассирер бу хусусда шундай дейди: «Инсон маданиятини, ҳеч шубҳасиз, ҳар хил мақсадларни кўзлаб, турли йўллардан ривожланадиган фаолиятнинг ҳар хил турлари ташкил этади. Фалсафий синтез ёрдамида биз инсон фаолияти оқибатларининг бирлигини эмас, балки ҳаракатлар бирлигини, фаолият маҳсуллари бирлигини эмас, балки ижодий жараён бирлигини аниқравшан кўришимиз мумкин»[1].

Инсон фаолияти маданият механизмлари томонидан дастурлаштириладиган ва амалга ошириладиган табиатан ижтимоий фаоллик сифатида тавсифланиши бежиз эмас. Фаолиятнинг нобиологик тарзда яратилган механизмлари серқирра ва мураккаб тизимини ўз ичига олган маданият унга ўзига хос инсоний тус беради.

Инсоннинг шаклланиши ва камол топишида фаолиятнинг роли катта. Талаба инсон фаолиятини ўрганишга мурожаат этар экан, мазкур муаммонинг шахсий ҳаётдаги аҳамиятини тасаввур қилиши лозим. Зеро, инсоннинг ақлли мавжудот сифатида ва индивиднинг шахс сифатида шаклланиши, инсон ўз имкониятларини рўёбга чиқариши фақат фаолият доирасида юз бериши мумкин. Инсон фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини билиш ўз меҳнати ва бўш вақтини ташкил этишни ҳам, ўз болаларини тарбиялаш жараёнини ҳам, бошқа одамлар билан ўзаро мулоқотни ҳам, расм-русумларни адо этишни ҳам, маданиятга муносабатни ҳам сезиларли даражада оптималлаштириш имконини беради.

Интериоризация тушунчаси. Онг ва фаолиятнинг алоқаси ғоясининг энг мукаммал тавсифига немис классик идеализми намояндаларининг асарларида дуч келиш мумкин. Нафақат, Фихте, балки Шеллинг ва Гегель ҳам маънавий ҳодисалар сабабини амалиётда, одамлар фаолиятида излаган. Хусусан, Шеллинг амалиётга, инсон фаолиятига одамзоднинг ўзини ўзи табиатда гавдалантириши, яъни объективлаштириши сифатида ёндашган. У инсон фаолияти натижасида икки дунё: табиат дунёси ва инсон дунёси, яъни ўзгартирилган инсонийлаштирилган табиат дунёси мавжуд эканлигини қайд этади. Дунёга нисбатан ҳаракатда Шеллинг умуман онг негизини кўради. Инсоннинг инсонга таъсирини у онгнинг иккинчи манбаи деб ҳисоблайди: ақлли мавжудотларнинг тинимсиз ўзаро таъсири онгнинг зарурий омили ҳисобланади. XX асрда психологлар айнан фаолият шахснинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш, унинг қобилиятлари, иродаси ва онгини шакллантириш механизми ҳисобланишини тажриба ўтказиш йўли билан ва кўп сонли этнографик ва тарихий материалга асосланган ҳолда кўрсатиб

[1] Кассирер Э. Опыт о человеке. Введение в философию человеческой культуры. Ч. II. Человек и культура. Лондон. 1945 г. с. 155.

бердилар. Индивидуал ва умуминсоний ривожланиш жараёнида фаолиятнинг мустақил соҳаси саналган фаоллик кўринишлари мураккаброқ маданий тузилмаларга қўшилиб, аста-секин онг шаклларига айланган. Сиртда бирламчи хусусиятга эга бўлган фаолият соф ички (интериоризациялашган) хусусият касб этиши мумкин.

Интериоризация тушунчаси фаолиятнинг табиатан сиртқи жараёнларини ичда, аввало, онгда юз берадиган жараёнларга ўтишини ифодалаш учун хизмат қилади. Э.Фром бу тушунчага шундай деб тавсиф беради: «Инсон ёмонлик қилар экан, унинг ўзи ҳам янада тубанлашади»[1]. Аждодларимиз руҳиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган қадимги маданий институтлар (расм-русумлар, черков, ўйин) ҳозирги инсон руҳиятида ўз-ўзидан амал қилишини назарда тутадиган тарихий интериоризация ғояси сиртдаги ҳаракатнинг шахс ички мулкига айланиш механизмини тушунтирадиган интериоризация тушунчасини тўлдиради.

Интериоризация механизми. Юқорида қайд этилганидек, фаолият инсоннинг дунёга ва ўз-ўзига бўлган муносабатининг универсал, умумий усулидир. Аммо инсон қай тарзда иш кўрмасин, ўз фаолиятида қайси вазифаларни ҳал қилмасин, унинг барча элементлари: фаолият предмети, воситалари ва жараёни доим рамзий табиатга эга бўлади. Тил, яъни сўз энг универсал рамз ҳисобланади. XIX аср охирида тилга ижоднинг биринчи маҳсули деб тавсиф берилган. Вербал (оғзаки) тил ва новербаль тил (имо-ишоралар, кийим-кечак ва зеб-гардонлар, санъат ва этикет тили) мавжуд. Тилнинг бу иккала турини ҳам биз болаликдан ўзлаштирамиз ва инсон ўзгартирган табиат дунёсида, ижтимоий муносабатлар дунёсида, маданият дунёсида тил ёрдамида мўлжал оламиз.

Тилда уч элемент: овоз, маъно ва образ фарқланади. Маънонинг моддий ифодаловчилари саналган овоз ёки график тасвир сўзга хосдир. Ўзга рамзлар бутунлай бошқача моддий ифодаловчиларга эга бўлиши мумкин (меҳнат амали, имо-ишора, расм-русум, рассом асарининг элементлари ва ш.к.). Шунга қарамай, ҳар қандай рамзларнинг қолган барча элементлари умумийдир: моддий ифодаловчи, маъно ва образ шулар жумласидандир. Фаолиятнинг ҳиссий идрок этиладиган ҳар қандай элементи моддий ифодаловчи бўлиши мумкин. Масалан, сўзда бу овоз ёки график тасвир, лекин бундай ифодаловчи вазифасини имо-ишора, меҳнат амали ёки бошқа ҳар қандай шунга ўхшаш сигнал ҳам бажариши мумкин.

Маънода инсониятнинг ўтмишдаги тажрибаси мужассамлашади. Ҳар қандай рамз маъноси инсоният учун умумий хусусият касб этади, айрим турдаги нарсалар, алоқалар, муносабатлар ёки ҳаракатларнинг шартли, конвенционал мустаҳкамланган ифодаси ҳисобланади. Инсон фаолият жараёнида маданий рамзларнинг маъноларини англаб етар экан, ўзини қуршаган дунёни бошқача идрок эта бошлайди, чунки унда ҳар қандай ҳодисани унинг сўздаги ифодаси билан боғлашга эҳтиёж ва қобилият юзага келади. Маънолар инсон онгида дунёни акс эттиради.

Образ – нарса ёки ҳодисанинг ўзига хос маъноси бўлиб, у ҳар қандай рамзнинг ҳақиқий маъносидан анча фарқ қилиши мумкин. Масалан, «туз» сўзи ҳамма учун айни бир маънони англатади – у барча одамлар овқатга қўшиб истеъ-

[1] Фромм Э. Духовная сущность человека. Способность к добру и злу // Человек и его ценности. –М.: 1988 г. с. 56.

мол қиладиган моддани ифодалайди. Аммо кимёгар, ёзувчи ёки ошпаз учун «туз» сўзи бутунлай бошқача маъно касб этиши мумкин. Ошпаз, тузда овқатга хушхўр бўлиши учун солинадиган қўшилмани кўради, кимёгар, туз деганда, ионли тузилиш хос бўлган кимёвий бирикмалар туркумини тушунади ва ҳоказо. Хуллас, ҳар қандай сўз кўплаб маъноларга эга бўлади. Образ – ҳақиқий маъно ва айрим маънонинг шахс манфаатлари ва эҳтиёжлари, унинг туйғулари ва майллари мужассамлашган ўзига хос синтезидир.

Инсон фаолияти ўз табиатига кўра маданийдир, тил рамзлари эса, маданиятнинг муҳим бойлиги ҳисобланади. Инсон фаолият жараёнида ташқи маданий рамзни ўзлаштирар экан, нафақат ранг-баранг меҳнат қуролларидан фойдаланишни, балки уларнинг бошқалар ва ўзи учун аҳамиятини англашни ҳам ўрганади. Маданият рамзлари психологик воситалар ҳисобланади: инсон меҳнат қуролларидан уларнинг асл мазмунига мувофиқ фойдаланиш орқали табиат дунёсини ўзгартириши мумкин. Аммо меҳнат қуроллари инсон учун муайян аҳамият касб этадиган рамзлар ҳам саналгани боис, одамзод уларнинг ёрдамида ўз руҳий функциялари – зеҳни, иродаси, тафаккурини ҳам бошқаради. Айни шу сабабли инсоннинг табиий истеъдоди айнан фаолиятда намоён бўлади, унинг қобилиятлари шаклланади ва эҳтиёжлари қондирилади.

Интериоризация назариясининг танқиди. Шахснинг шаклланиш жараёнида фаолият қай даражада муҳим роль ўйнамасин, уни мутлақлаштириш ярамайди. Психолог С.Л.Рубинштейн инсоннинг камол топишида фаолият ролининг мутлақлаштирилишига қарши эътироз билдирар экан, шундай деб қайд этган эди: «Инсон қобилиятларининг ривожланиш жараёни у яратадиган нарсаларнинг ривожланиш жараёни эмас, балки инсоннинг камол топиш жараёнидир, чунки қобилиятлар инсонда нарсалардан яралмайди»[1]. Инсон ташқи таъсирларни танлаш ва уларни ўзининг бетакрор, ҳеч кимникига ўхшамайдиган индивидуаллигининг ички мантиқига мувофиқ қабул қилишда эркиндир. Интериоризация назарияси ижод омилига путур етказади, инсон ҳаёт фаолиятида қадриятларнинг ролини (айниқса, санъат, дин ва ахлоқ соҳасида) инкор этади, инсоннинг ички дунёсини соддалаштиради. Шу сабабли, бола тарбияси билан шуғулланганда, унинг индивидуаллигини ҳисобга олиш, бунда унинг ички руҳлантирувчи мотивларига таяниш, уни фаолиятга мажбурламаслик, балки жалб қилиш, унинг имкониятлари ва қобилиятларини аниқлаш ва уларга таяниш лозим.

Интериоризация назариясининг танқиди шахснинг шаклланишига фаолиятнинг таъсирини рад этмайди, балки унинг имкониятлари чегарасини кўрсатади. Зеро, шахснинг шаклланишида фаолиятнинг ролини тушуниш учун инсоннинг муайян фаолият турларига бўлган муносабатини белгилайдиган ички хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Ички хусусиятлар деганда, аввало, шахснинг қобилиятлари ва иродаси замирида ётувчи табиий истеъдод нишоналари, олий нерв фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари (мижоз), умумий таъсирчанлик (яъни, сезиш ва идрок этиш индивидуал қобилияти), мия ярим палласи асимметрияси ва ҳоказолар назарда тутилади. Шахснинг ички хусусиятлари нафақат ирсий (генетик) ва туғма (эмбрионал ривожланиш жараёни билан белгиланган) хоссалар, балки шахс ҳаёти, тарбияси, билими, ҳаёт тажрибасининг

[1] Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. –М.: 1973 г. с. 227.

ўзига хос ҳолатлари таъсирида шаклланган индивидуал белгилар тушунчасини ҳам қамраб олади.

Меҳнат ва ўйин фаолият тури сифатида. Одатда, меҳнат инсоннинг меҳнат қуроллари ёрдамида ташқи дунёга таъсир кўрсатиш ва олдиндан мўлжалланган натижага эришишдан иборат мақсадга мувофиқ фаолияти сифатида тавсифланади. Меҳнат тушунчасига нисбатан бундай ёндашилган тақдирда, олим, актёр, педагог, ҳайкалтарош, файласуф фаолияти меҳнат ҳисобланмайди. Бугунги кунда унумсиз деб номлаш мумкин бўлган меҳнат турлари мавжуд эмаслиги аниқравшандир. Зеро, меҳнат яхлит жараён бўлиб, инсондан моддий ва маънавий куч-ғайрат сарфлашни тақозо этади. Инсон ва жамиятнинг ривожланиши жараёнида юз берган меҳнат тақсимоти мазкур яхлит жараён парчаланишига, жисмоний ва ақлий меҳнатнинг ажралишига олиб келди. Аммо, мазкур ажралиш жисмоний меҳнат, инсоннинг фақат жисмоний куч сарфлаши, унинг мускуллари ҳаракати билан боғлиқ эканлигини англатмайди. Жисмоний меҳнат инсон маънавий, руҳий ва асабий куч сарфлашини ҳам назарда тутади. Бироқ, жисмоний ва асабий куч-ғайрат улуши жисмоний меҳнатда кўпроқ бўлади. Ақлий меҳнат эса, ҳеч шубҳасиз, инсоннинг маънавий кучлари, унинг интеллектуал имкониятларидан кўпроқ фойдаланишни назарда тутади. Аммо, жисмоний меҳнат ҳам, ақлий меҳнат ҳам ўхшаш жиҳатларга эга. Биринчидан, жисмоний меҳнат ҳам, ақлий меҳнат ҳам муайян қуроллардан фойдаланишни назарда тутади. Иккинчидан, меҳнат олдиндан мўлжалланган натижага эришишни назарда тутади. Учинчидан, меҳнат табиат ва жамият кучларидан фойдаланмасдан яшай олмайдиган инсоннинг муайян эҳтиёжлари билан белгиланади (чунки инсон биоижтимоий мавжудотдир). Тўртинчидан, жисмоний ва ақлий меҳнатнинг энг содда омиллари – меҳнат предметлари, меҳнат қуроллари ва инсон меҳнатининг ўзи умумийдир. Аммо, меҳнатнинг асосий ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ташқи дунёнинг инсонга қарши турувчи кучларини моддий ва маънавий жиҳатдан ўзлаштиришни назарда тутади.

Меҳнатга муайян абстракция, яъни фаолият хоссаси сифатида ёндашадиган бўлсак, унинг амалийлик, айрим фойдали натижага эришишга қаратилганлик каби хусусиятларини аниқлашимиз мумкин. Бу инсон ва ташқи дунё ўртасида юз берадиган ва инсондан ташқаридаги унга қаршилик кўрсатувчи кучларни жиловлашга қаратилган жараёндир. Шу сабабли, меҳнат муқаррар тарзда инсоннинг жисмоний ва маънавий куч-ғайрат сарфланиши билан боғликдир. У ўзига зарур бўлган натижага эришиш йўлида бор куч-ғайратини сарфлайди. Меҳнат инсондан сидқидилдан ишлаш, заҳмат чекишни талаб қилади, тегишли кўникмаларни шакллантириш ва иродани тоблашни назарда тутади. Ўз маънавий кучларини инсон меҳнат жараёнини ўзлаштириш, ташқи кучлар қаршилигини енгишга сарфлайди. Шу сабабли меҳнат фаолияти инсонга ташқи дунёни ҳам, ўз-ўзини ҳам англаш имконини берувчи реал тажриба сифатида амал қилади.

Меҳнатда бегоналашув. Меҳнат муайян маҳсулотда ўзининг тадрижий ифодасини топади. Меҳнат маҳсули икки томонлама хусусият касб этади: у инсон меҳнат жараёнида ўзлаштирган ташқи дунё предметлари ва муносабатларини, ҳамда инсоннинг маҳсулотда ўз моддий ифодасини топган жисмоний ва маънавий кучларини қамраб олади. Меҳнат маҳсулининг мазкур хусусияти, инсон

борлиғининг ўзига хос ҳолати саналган, бегоналашув сабабларини тушунтиради. **Бегоналашув шундай бир ҳолатки, унда инсон ўз фаолияти, унинг натижалари ва ўз-ўзига бегона бўлиб қолади**. Меҳнат муқаррар тарзда бегоналашув билан боғлиқ, чунки инсоннинг ижтимоий борлиғи шундай шароитлар ва вазиятларни юзага келтирадики, инсон ўз меҳнати маҳсулларини бошқа одамларга топшириши ва шу тариқа ўз фаолияти, унинг натижалари ва ўз-ўзига бегона бўлиб қолиши лозим (ёки бунга мажбур) бўлади (маълумки, инсон фаолиятда ўзининг муҳим кучларини моддийлаштиради).

Бегоналашув меҳнат тақсимоти ва фаолият алмашинуви, шунингдек, ижтимоий неъматларни тақсимлаш зарурияти билан белгиланади. Гарчи, бегоналашув тарихан муайян шаклларга эга бўлса-да, унинг моҳияти бир – айрим одамларнинг бошқа одамлар кучи, воситалари ва фаолият натижаларини ўзлаштиришдир. Шу сабабли, меҳнатнинг шахс ҳаётидаги ролига муносабат ҳам шак-шубҳасиз ижобий бўлиши мумкин эмас. Меҳнат хусусиятига баҳо беришда меҳнатга рағбат, айниқса, муҳим ўрин тутади. Инсон меҳнати замирида зарурият тақозоси, мажбурлов ёки ички даъват, айни шу меҳнат тури билан шуғулланишга бўлган эҳтиёж ётиши мумкин. Инсон меҳнатни лаззат сифатида ҳам, лаънат сифатида ҳам идрок этиши бежиз эмас. Қўли-қўлига тегмай меҳнат қилиш, тирикчиликни деб ўзига маъқул бўлмаган касб-кор билан шуғулланиш, ижтимоий тенгсизлик ва касб касалликлари таъсирида инсоннинг деформацияланиши ва шахссизланишига сабаб бўлади, унинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши ва ўзини ўзи камол топтиришига монелик қилади.

Шунга қарамай, меҳнат инсон ҳаётининг боқий ва табиий омилидир, чунки у фаолиятнинг одамзод ўз эҳтиёжларини қондириш учун нарсалар яратадиган бирдан-бир шакли ҳисобланади. Шу сабабли инсоннинг бутун фаолияти кўпинча мақсадга мувофиқлик, моддийлик, унумдорлик, самарадорлик, амалийлик, табиат ва жамият кучларини ўзлаштиришга қаратилганлик билан тавсифланадиган меҳнатга тенглаштирилиши бежиз эмас. Аммо, инсон фаолиятини фақат меҳнат билан боғлаш ҳам тўғри бўлмайди. Меҳнат – муайян натижага эришишга қаратилган фаолият, аммо у мажбурловдан холи бўлиши ва инсонга натижадан қатъи назар, меҳнат жараёнининг ўзи билан қувонч бахш этиши ҳам мумкин. Бундай меҳнатда бегоналашувга чек қўйилади. Бироқ, фаолият ҳам фақатгина меҳнат бўлиб қолмайди ва айни вақтда, ўйин сифатида ҳам амал қилади. Фавқулодда ҳоллардагина меҳнат ва ўйин фаолиятнинг алоҳида ва мустақил шакллари ҳисобланади, амалда улар фаолиятнинг икки ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи, фаолият маҳсулларида ва инсоннинг ўзида акс этувчи томонларини ташкил этади. Аммо меҳнат ва ўйин диалектикасини тушуниш учун аввал ўйин нима эканлигини аниқлаб олиш лозим.

Ўйин. Ўйин – шундай бир фаолият шаклики, унда инсон ўзининг одатдаги функциялари ёки предметлар ва меҳнат қуролларидан амалий фойдаланиш чегарасидан четга чиқади. Ўйин одатда «жиддий» фаолият ва амалий мақсадларга қарши қўйилади. У моддий фойда ёки зарурият омилидан қатъи назар, муайян жой, вақт ва маъно доирасида юз берадиган жараён сифатида тавсифланади. Одатда, ўйиннинг ижобий эмоционал аҳамияти қайд этилади. У инсоннинг барча – жисмоний ва руҳий кучлари юксалиши, кўтаринкилик кайфияти ҳукм сури-

ши билан тавсифланади, чунки у ўйин хусусиятига эга бўлмаган ҳаракатлар натижасида юзага келган зўриқиш ҳолатини бартараф этиб, инсонга ҳақиқий қувонч бахш этади.

Имитация ўйин моҳиятини акс эттирувчи асосий тушунча бўлиб, у борлиқнинг нисбатан ҳаққоний моделини яратишни назарда тутади. Имитация ўйинда иштирокчилар муайян роль ўйнашини назарда тутади. Ўйин баъзи бир қоидалар билан тартибга солинади ва айни вақтда эркин импровизацияга ва ечимларнинг индивидуаллигига йўл қўяди. Гарчи ўйин фаолияти қоидалар билан тартибга солинсада, ўйиннинг энг муҳим хусусияти иштирокчилар хулқ-атворининг эркинлигида намоён бўлади. Ўйин фаолиятининг ўзи ҳам, иштирокчиларнинг ўйин қоидаларини бажаришга розилиги ҳам ихтиёрийдир. Ўйин динамикаси унинг иштирокчилари ўзаро алмашуви, ўйин вазиятларининг мантиқий таҳлили ва уларга эмоционал муносабат, психологик ҳимояланиш ва «рақиб»га фаол ҳужум қилиш билан боғлиқ бўлиб, бу ўйин фаолияти ривожланиши ва унинг натижаси ноаниқлигини белгилайди. Айни вақтда ўйин ҳаракати қоидаларга мувофиқ амалга оширилади ва унинг натижасини тахмин қилиш мумкин. Зикр этилган қарама-қарши томонлардан бирининг йўқлиги ўйин бузилишига сабаб бўлади. Ўйин жараёнида шахснинг ўз ролига бўлган муносабати ўзгаради. Шу сабабли ўйин амалдаги тажриба ўрнини тўлдириш, ижтимоий муносабатларни ўзлаштириш шакли ҳисобланади.

Ўйин иштирокчиларида қарама-қарши мўлжаллар мавжудлиги: биринчидан, ўйинда моделлаштирилаётган ҳаёт вазиятлари реаллигининг тан олиниши, иккинчидан, ўйиннинг ўзи реаллик деб эътироф этилиши унинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ўйиннинг бу икки жиҳатлилиги шунда намоён бўладики, ўйинчи ўз зиммасига олган роль билан қисман тенглаштирилади, қайси шахс ролини ўйнаётган бўлса, ўзини шу шахс сифатида англайди ва айни вақтда, ўзи ундан нима билан фарқ қилишини тушуниб етади. Ўйин уйғотадиган мураккаб туйғулар шу билан изоҳланадики, ўйинчи ўз ютуқлари ва камчиликларини теран ҳис этади ва айни вақтда ўз ролига четдан назар ташлаб, бошдан кечирилаётган туйғуларнинг ножиддийлигини кўради.

Ўйин образи. Ўйин жараёнида ўйинчилар бевосита идрок этувчи ва бошдан кечирувчи ўйин образи яратилади. У жонлилик, рамзий табиатга эгалик ва эмоционал «юқумлилик» билан тавсифланади. Ўйин образининг жонлилиги борлиқнинг моделлаштирилиши ва унда ўйинчилар муайян роль ўйнаши билан изоҳланади. Рамзийлик ўйин ҳаракатларининг рамзий табиатида, қоидаларнинг шартлилигида, шунингдек, маънолар бир предметдан бошқа предметга ўтказилишида намоён бўлади. Масалан, бола қўлига таёқчани олиб, у билан худди қошиқ каби манипуляция қилади. Ўйин образининг эмоционал «юқумлилиги» унинг қандай ривожланишини олдиндан айтиб бўлмаслиги, шунингдек, ўйинчи ўзини ўзи ўйнаётган ролга боғлаши билан белгиланади. Шахснинг эҳтиёжлари, майллари, мақсадлари ва мўлжалларини акс эттирувчи ва уларни қондиришнинг хаёлий усули бўлиб хизмат қилувчи ўйин образининг қадрият сифатидаги табиати иштирокчиларга анча кучли таъсир кўрсатади.

Ўйиннинг маъноси. Инсон ва унинг ижодий имкониятлари шаклланиши ва камол топишида муҳим аҳамият касб этадиган ўйин мутлақо ноамалийдир. У истеъмол маҳсулотлари, моддий неъматлар яратилишига олиб келмайди, моддий

наф кўриш билан боғлиқ амалий самарага эришиш йўлида амалга оширилмайди. Ўйин стимули унинг ўзида мавжуд. Ўйиннинг маъноси – инсон ўз ҳаёт фаоллигини ўзига қувонч бахш этадиган тарзда эркин намоён этишидир. Ўйин фаолиятининг асосий хусусияти шунда.

Ўйиннинг инсонга таъсирини кузатар эканмиз, биз унинг ўйинчи учун объектив ва шахсий маъносини фарқлашимиз лозим. Субъектив нуқтаи назардан ўйин иштирокчиси учун унинг маъноси ўйиндан олинадиган тажрибанинг аҳамиятида, ўйин бахш этадиган қувонч ва лаззатда намоён бўлади. Объектив маънода ўйин болани ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва киритишнинг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади. Ўйин реал дунё ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган таълим воситаси сифатида қаралади. У инсонни борлиқ билан тўқнашувга тайёрлайди, кучларни синовдан ўтказади, меҳнат кўникмаларини шакллантиради, дунёқарашни кенгайтиради, ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга ёрдам беради, шахснинг ахлоқий мўлжалларига таъсир кўрсатади, қондирилмаган майллар ўрнини тўлдириш шакли ҳисобланади, инсон ҳордиқ чиқариши учун имконият яратади, унинг эмоционал ҳолатини уйғунлаштиради ва ҳоказо. Аммо ўйиннинг асосий афзаллиги шундаки, у инсонни кундалик ҳаёт андозаларидан узоқлаштиради, унинг фантазиясини фаоллаштиради, меҳнат ва мулоқотга, ўз турмушини ташкиллаштириш ва фарзанд тарбиясига нисбатан ижодий муносабатни рағбатлантиради. Энг муҳими, ўйин инсоннинг ижодий салоҳиятини шакллантиради, уни санъатни идрок этишга тайёрлайди, унинг хулқ-атворига енгиллик ва моҳирлик бахш этади. Ўйиннинг жозибадорлигини фақат ижод олий шаклларининг жозибадорлиги билан тенглаштириш мумкин.

Ижод. Аксарият одамлар онгида ижод тушунчаси фаолиятнинг ҳеч қандай режалари ва андозаларига боғлаб бўлмайдиган соф шахсий жараён билан боғланади. Кўпинча у алоҳида одамлар, даҳолар англаш мумкин бўлмаган тарзда эга бўладиган қандайдир илоҳий инъом сифатида қаралади. Ижодда ҳамма нарса сирли ва номуайян бўлиб, у кундалик ҳаётга худди тўфон янглиғ кириб келади, эскича қарашлар, қотиб қолган андозаларни ағдар-тўнтар қилади. Ижоднинг моҳияти нимада, деган азалий фалсафий саволга психологлар ва педагоглар, социологлар ва тарихчилар, файласуфлар ва санъатшунослар жавоб беришга ҳаракат қилганлар, аммо улар ижод устидаги сирли парданинг бир чеккасинигина очишга муваффақ бўлганлар. Шунга қарамай, ижодни ижодий меҳнат маҳсуллари натижаларига мувофиқ анча аниқ тушунтириш мумкин; унга фаолиятнинг алоҳида кўриниши сифатида процессуал тавсиф бериш мумкин; ижоднинг табиати ҳақидаги саволга жавобни ижодкорларнинг руҳий дунёси, қобилиятлари, дунёқараши ва ахлоқий мўлжалларидан ҳам излаш лозим.

Мутлақо янги ижтимоий муҳим натижага эришиш ижоднинг муҳим хусусияти бўлиб, у давомли тарихий аҳамият касб этади. Зеро, ижод ҳамиша ўсиш, қўшилиш, илгари дунёда мавжуд бўлмаган янгиликни яратишдир. Гарчи инсоннинг ижодий фаолияти табиат материалига муҳтож бўлса-да, у тўлалигича табиатда аллақачон мавжуд бўлган нарса билан белгиланиши мумкин эмас. Ижод маҳсулида материал билан белгиланмаган янгилик мавжуддир. Ижодга хос бўлган бетакрорлик, ностандартликни фақат асосий материалнинг тор чегарасидан четга чиқувчи ижодкорнинг ўзига хослиги миқёси билан тенглаштириш мум-

кин. Ижод маҳсулининг янгилиги туфайли уни олдиндан режалаштириш мумкин эмас. Ибн Арабий ижодни улкан муваффақиятсизлик сифатида тавсифлайди, чунки ҳатто мукаммал маҳсулларда ҳам у ижодий ғояга камдан-кам ҳолда мос келади. Бу ижоднинг ўта шахсий интим жиҳатидир. Ижодкор шахс имкониятларининг бойлигини, одатда, ижод натижасининг торлиги билан таққослаб бўлмайди.

Ижодий ва ноижодий фаолият. Ижодий деб ҳисоблаш мумкин бўлган фаолият турларини аниқлаш имконини берувчи мезонлар ҳақидаги масала мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Одатда ижод деганда санъат, фан, фалсафа билан шуғулланиш тушунилади. «Санъат, дин, фалсафа ёки фанда инсоннинг асл моҳияти намоён бўлади»[1]. Бундан ижод билан алоҳида истеъдодли одамларгина шуғулланишга қодир деган хулоса келиб чиқади. Лекин бу фикрга қўшилиш мушкул. Психологлар ҳам, турли фалсафий йўналишларнинг намояндалари бўлган файласуфлар ҳам ижодга нисбатан бундай ёндашувга қўшилмаганлар. Н.А.Бердяев қуллик ва инсон эркинлиги ҳақида мулоҳаза юритар экан, ижод элитар, аристократик хусусиятга эга эканлигини қайд этган ва буни маданий ижод барча жабҳаларда комилликка, олий сифатга эришишга интилиши билан тушунтирган. Унинг фикрича, бу ҳолни билишда ҳам, санъатда ҳам, инсон туйғулари маданиятида ҳам кузатиш мумкин. Ҳақиқат, гўзаллик, муҳаббат миқдорга боғлиқ бўлмайди, зеро улар сифатлардир. Ўз навбатида, танланишнинг аристократик тамойили элитани, маънавий аристократияни вужудга келтиради. Аммо Бердяев маданий элита ўз қобиғига ўралиб қолиши мумкин эмаслигини қайд этади. Зеро, ҳар қандай гуруҳий аристократизм таназзулга юз тутиши муқаррардир. Маданий қадриятлар ижоди инсониятнинг сифатсиз оммасига дарҳол татбиқ этилиши мумкин бўлмаганидек, маданиятнинг демократиялашув жараёни ҳам юз бермаслиги мумкин эмас. Ҳақиқий маънавий аристократизм ўзининг имтиёзлилигини англаш билан эмас, балки оммага хизмат қилиш бурчини англаш билан боғлиқдир. Дин мутафаккирлари ижодда демократик асосга бошқача баҳо берганлар. Улар ижодда инсоннинг илоҳий-инсоний табиати намоён бўлади, чунки одамларни ўзига ўхшатиб яратган Яратгувчи – Худо уларга ўз ижодий даҳосини ҳам ҳадя этган, шу сабабли ижод ҳар қандай фаолият турида мавжуд бўлиши мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Дарҳақиқат, ижод санъат, фан, фалсафа ва умуман маънавий фаолият доираси билан чегараланмайди. У фаолиятнинг ишлаб чиқариш, сиёсат, бошқарув ёки оила-рўзғор каби шаклларида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Таълим-тарбия бериш, мулоқот қилиш, боғ бунёд этиш ёки хонаки ўсимликлар етиштириш ва шу кабилар ҳам ижод бўлиши мумкин. Айни вақтда, фаолиятнинг санъат ёки фан каби бир қарашда ўта ижодий турларида эскилик сарқитлари ва қотиб қолган андозалар мавжуд бўлишиҳам мумкин.

Ижодкор шахс фаолияти. Ижоднинг ички асослари қаторига одатда шахснинг қобилияти ва фаолият мотивлари киритилади. Бу асослар ягонадир: ижодий қобилиятлар муваффақият негизи ҳисобланади, лекин улар мотивация орқали рўёбга чиқади. Ижод қилиш қобилияти кўп сонли фазилатлар билан тавсифланади. Ижодкор шахс ўз ақл-заковатининг теранлиги, мустақил фикрлаши, тафакку-

[1] Фейербах Л. Избранные философские произведения. Т. 1. –М.: 1955 г. с. 232.

рининг ўзига хослиги, башорат қилиш қобилияти, зеҳнининг ўткирлиги, тасаввури ва интуициясининг кучлилиги, меҳнатда тиришқоқ ва интилувчанлиги, ўзига нисбатан танқидий муносабат ва муросасизлик, юксак ахлоқий фазилатлар билан ажралиб туради. Ижодий қобилиятлар инсонга вазият травиал, «муаммосиз» бўлиб туюлган жойда муаммони кўриш имконини беради, бундан янги мотивация пайдо бўлади ва у, дастлабки тарзда қўйилган вазифадан қатъи назар, ички даъваткор мотивга, фаолиятда эҳтиёжга айланади. Ижодкор ўзининг айни шу – кутилмаган ва салмоқли натижага эришиш қобилияти билан ажралиб туради.

Ижодкор шахснинг айниқса, кенг тарқалган тавсифи «қобилиятли», «истеъдодли», «даҳо» тушунчаларида берилади. Мазкур белгилар замирида қобилиятнинг шундай табиий нишоналари ётадики, уларнинг ривожланиш даражаси (бунга эса фақат қизғин фаолият билан эришилади) ижодий натижанинг аҳамиятини белгилайди. Қобилият муайян турдаги вазифаларни бошқаларга қараганда яхшироқ ечиш имкониятини беради. Истеъдод янги, ўзига хос натижага эришишни назарда тутади, даҳолик эса шахс ва унинг ижодий ютуқлари маданиятнинг ривожланишига давомли, оламшумул ва ижобий таъсир кўрсатишида намоён бўлади.

Эмоционал фаоллик, ижод жараёнида ижобий эмоционал ҳолатлар бўртиб кўриниши ижоднинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Кўтаринки руҳ, кайфият вазифаларнинг ечимларини тиришқоқлик билан излашга рағбатлантиради ва пировард натижада юз берадиган инсайт (фикрнинг равшанлашиш) лаҳзаларини белгилайди. Бунда изланаётган натижа ижодкор тафаккурида худди чақин чаққандек бир лаҳзада пайдо бўлади, мушкул масалаларни ечиш имконини берувчи мутлақо янги ғоя юзага келади. Психологияда инсайт муҳим муносабатлар ва умуман вазиятни туйқусдан ва ўтмишда олинган тажрибага боғлиқ бўлмаган ҳолда тушуниш орқали муаммони онгли тарзда ечиш сифатида тавсифланади. Эмоционал таъсирланиш ижодкор тафаккурига кучли туртки беради ва унинг синтез, таҳлил қилиш, умумлаштириш қобилиятларини фаоллаштиради.

Психологлар ижодий фаолиятнинг ўзига хослигини мотивациянинг ўзгариши, янги ниятнинг пайдо бўлишида кўрадилар. Бу омилларга улар ижоднинг ўта муҳим хусусияти сифатида қарайдилар. Зеро ижод шахснинг юзага келган стереотипларни бузиш, стандарт вазиятдан чиқишнинг ўз йўлини кўриш қобилиятини назарда тутадики, бу дастлабки қўйилган вазифа ва уни ечиш воситалари чегарасидан четга чиқишни белгилайди. Шахснинг интеллектуал салоҳияти, унинг мустақиллик, фаоллик, изчиллик каби иродани тавсифловчи фазилатлари ижоднинг зарурий субъектив омилларидир. Аммо, бу салоҳиятни фақат кучли мотивациягина ҳаракатга келтириши мумкин. Бу ташқи заруриятдан холи ички майл, фаолиятга бирдан-бир мақсад сифатида эҳтиёж бўлиши лозим. Ҳамонки фаолият инсоннинг табиий ҳолати экан, унга, амалда фойдали натижадан қатъи назар, бирдан-бир мақсад сифатида эҳтиёж туғилиши мумкин. Бундай эҳтиёж шахс учун ўз-ўзидан муҳим бўлган ҳар қандай амалий, одатдаги фаолият жараёнида юзага келиши мумкин.

Ижод меҳнат ва ўйин сифатида. Ижоднинг ўзига хос хусусияти уни ўйин билан яқинлаштиради. Зеро, ўйинга интилиш шахснинг ташқи эмас, балки ички беғараз мотивлари, унинг ўйин фаолиятидан лаззатланиш билан боғлиқ интим майллари билан белгиланади. Бизнинг назаримизда, ижодий фаолият ва ўйин

механизмлари умумийдир. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ўйин «жиддий» фаолиятнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Ҳар қандай фаолият қарама-қарши эҳтиёжлар: амалий натижага эришишга бўлган эҳтиёж ёки фаолият билан шуғулланишга бўлган эҳтиёж маҳсули бўлиши мумкин. Ижод фаолиятнинг шундай бир турики, у мазкур омилларнинг иккаласи билан ҳам у ёки бу даражада белгиланиши мумкин.

Масалан, талабаларда ўқишдан мақсад ҳар хил бўлиши мумкин. Айримлар касб ўзлаштиришни хоҳлайди ва ўз қизиқишларини асосан айни шу касбга тегишли фанларга қаратади. Кимдир «диплом учун» ўқийди ва «имтиҳонни топшириш» учун дарсликни қўлга олишга ўзини катта қийинчиликлар билан мажбур қилади. Яна бир тоифа талабалар билиш жараёнининг ўзидан лаззат олади. Айни шу талабалар, аввало, фанда ижодкор шахсларнинг реал заҳираси сифатида қаралиши мумкин.

Лекин олимнинг билиш фаолияти ҳам ё олдиндан белгиланган мақсадлар билан чегараланган, фанга нисбатан ташқи амалий вазифага бўйсундирилган, ё ички омил – билиш фаолияти билан шуғулланиш эҳтиёжининг маҳсули бўлиши мумкин. Бу ҳолда билиш инсонга фаолиятнинг ўзи билан лаззат бахш этадиган ижодий кучларнинг беғараз ўйини сифатида идрок этилади. Бошқа олимлар эътиборга лойиқ эмас деб қараган муаммоли вазиятни мустақил аниқлаш аксарият ҳолларда билиш фаоллигига туртки берувчи омил ҳисобланади. Сиртдан берилган туртки билан боғлиқ бўлмаган айни шу фаолият интеллектуал фаолликнинг муҳим белгисидир.

Ҳар қандай фаолиятга шундай тавсиф бериш мумкин. Масалан, инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти, хусусан жисмоний меҳнат ижтимоий муҳим вазифаларни ҳал қилишга, одамларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирилган. Меҳнат фаолиятида шахс ўз интилишлари ва кучлари ўйинини ўз меҳнатининг сиртдаги мақсади, предмети ва маҳсулига бўйсундириши лозим. Аммо, бунёдкорлик меҳнати меҳнатга бўлган эҳтиёжни сиртда намоён этиш заруриятидан холи бўлиши ҳам мумкин. Бундай меҳнат инсоннинг кайфиятини кўтаради, унга қувонч бахш этади. Объектив муҳим ва айни вақтда шахс томонидан киритилган янги нарса яратувчи ижодий меҳнатда фаолиятнинг ўзига хос, объектив ва шахсий аҳамияти тўла мос келиши мумкин. Бу ҳолда, шахс ижодий кучлари ўйин орқали ўзига кенг йўл топади. Албатта, ўйинни ўз ичига олган меҳнат ўзининг асл моҳиятини йўқотмайди. Лекин ижодий меҳнатга хос бўлган ўйин омили шахс ўзлаштирган аждодлар тажрибаси билан унинг ўз тажрибаси ўртасида, фаолиятнинг қатъий қоидалари билан уларнинг айни лаҳзада қўлланилиши ўртасида, бевосита эришиладиган амалий мақсад билан дастлабки қўйилган мақсаддан беҳад ортиқ бўлган шахсий мотивация ўртаси эркин боғланишларни юзага келтириб, фикрлаш жараёнини фаоллаштиради.

Ижод ва ўйин умумий психологик механизмга эга бўлса-да, лекин уларнинг ижтимоий табиати ҳар хилдир. Ижоднинг ўйиндан муҳим фарқи шундаки, у ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулот яратишни назарда тутади, бу эса инсондан фидокорона меҳнат қилишни тақозо этади. Сиртдан бирон-бир тазйиқ инсонни ижодий меҳнат қилишга мажбурлай олмайди. Фақат ўйин жиҳати, амалий натижадан қатъи назар фаолиятнинг ўзидан лаззат олиш омили сифатида, шахс

ўз қобилиятларини тўла рўёбга чиқаришига замин яратади. Мақсадга мувофиқ ва ўзига тўқ, амалда фойдали ва ноамалий меҳнат ва ўйиннинг инсон фаолиятида намоён бўлиш даражаси индивидуалдир. Ижодий фаолиятнинг ҳар бир натижаси умуминсоний маданиятга қўшиладиган ҳисса сифатида бетакрордир.

Ижодий фаолият объектив ва шахсий аҳамиятининг мос келишигина мазкур фаолият натижаларининг умуминсоний ва давомли аҳамиятини белгилайди. Ҳақиқий ижод шахс ижтимоийлигининг, у ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларига қаратилганининг олий тажассуми ҳисобланади. Ижодкор ўз ижодида ўз шахсидан, ўзидан узоқлашади. Ижод шахсий хусусият касб этади. Ижод ҳамиша ўзини қурбон келтиришни назарда тутади. Ижод доимо ўз имкониятлари доирасидан, ўзининг тор шахсий борлиғи чегарасидан четга чиқишдир. Ижодкор паноҳ топиш ҳақида ўйламайди, уни фақат олий инсоний қадриятлар ўзига тортади.

Шундай қилиб, ижод – бу нафақат маданият предметларини яратиш, балки ҳар қандай инсон ҳаётини ташкиллаштириш ҳамдир. Ҳамонки ижодни оқилона тушунтиришда қийинчиликлар юзага келар, уни оқилона қайд этилган қоидаларнинг муайян тўплами сифатида тавсифлаш мумкин эмас экан, инсон ижодда янгиликни яратиш омили саналган ўз индивидуаллигига таяниши лозим. Шу боис ўзликни сақлаш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ҳар бир инсоннинг вазифаси ва бурчидир. Ижод инсонни ўз-ўзини билишга даъват этади. Бу жараён муқаррар тарзда ўзини ўзи камолотга етказиш, ўзини ижодкор сифатида намоён этиш билан якунланади. Лекин айни вақтда инсон ўзлигини сақлаб, сўзнинг энг юксак маъносидаги умуминсоний қадриятларга ўзининг дахлдорлигини намойиш этиши лозим. Ижод инсонни ўзига тўла жалб қилади, унинг бор кучини суғуриб олади ва уларни инсон ҳаётининг мазмунига айланган ишга бағишлашга даъват этади. Инсон ўз имкониятлари даражасидан ортиқ бўлган дунё қаршисида доимо очиқдир. Бу эса дунё билан ўзаро алоқа қилишнинг янги усулларини кашф этиш учун чексиз имкониятлар яратади.

Инсон фаолиятини тартибга солишнинг аҳамияти. Фаолиятнинг ижтимоий ва шахсий аҳамияти уни тартибга солиш, индивид, жамоа ва умуман жамият фаолиятини бошқариш муаммосини кун тартибига қўяди. Инсон фаолиятини бошқарувчи механизмларни шартли равишда икки туркумга: ички ва ташқига ажратиш мумкин. Фаолиятни тартибга солишнинг ички механизмларини биз унинг асосий атрибутларини ўрганиш жараёнида кўриб чиқдик. Бу мақсадни белгилаш, мотивация, шахснинг феъл-атворини тавсифловчи хусусиятлар – унинг мижози, характери, иродаси, хуллас, мақсадлар ва уларга эришиш воситаларини танлашни, шунингдек, фаолият услубини белгилайдиган шахснинг барча хусусиятларидир.

Хулқ-атворни тартибга солишнинг ички механизмлари қаторига идеаллар ва дидни ҳам киритиш лозим. Идеал – баркамоллик ва етукликнинг хаёлий образи, одамзоднинг инсон ва табиат, инсон ва инсон, шахс ва жамият муносабатларини тартибга солиш, камолотга етказиш, уйғунлаштиришга бўлган эҳтиёжларининг маънавий ифодаси. Идеал тартибга солиш функциясини бажаради, у инсон амалга оширишга ўз ҳаётини бахшида этишга тайёр бўлган стратегик мақсадларни белгилаш имконини беради.

Дид – шахснинг борлиқ ҳодисаларига бўлган муносабатини белгилайдиган эстетик комилликнинг ўзига хос меъёри. Инсоннинг дидига қараб унинг тажрибаси, санъатга ошнолиги, бадиий ижод дурдоналарининг мураккаб ва ранг-баранг дунёсида мўлжал олиш имконини берувчи билим ва кўникмалари ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Диднинг ҳукми гўзал ва хунук, фожеавий ва кулгили, юксак ва тубан каби категориялар билан иш кўради. Диднинг ўзига хослиги шундаки, у туйғуларга таянади ва мантиқий асослашни талаб қилмайди. Қадимги мутафаккирлар диднинг тавсифида унинг асосий қарама-қаршиликларига дуч келганлар: дид индивидуал, инсоннинг шахсий ички туйғуси билан боғлиқ ва айни вақтда умумийдир; дид ўта шахсий ва субъектив ҳисобланади, лекин у умумийликка даъво қилади. Дидда сезиш ва тушунишнинг қарама-қаршилигига ҳам дуч келиш мумкин. Дид, хулқ-атвор тарзида, турмуш ва бўш вақтни ташкил этишда, санъат асарларига бўлган муносабатда, кийиниш услубида намоён бўлади.

Фаолиятни тартибга солиш механизмлари. Фаолиятни тартибга солишнинг умумий механизмлари қаторига инсоннинг дунёга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари тизимини тўла қамраб оладиган ва маданият алгоритми бўлиб хизмат қиладиган ранг-баранг ижтимоий қадриятлар ва меъёрларни киритиш лозим. Хулқ-атвор, одатлар ва анъаналарнинг ижтимоий-маданий меъёрлари, қоидаларининг мавжудлиги ва ривожланиши инсон фаолиятини тартибга солиш омили ҳисобланади. Меъёрлар муайян шароитда одамлар ўзини қандай тутиши лозимлигини белгилайди ва инсон фаолиятида бевосита иштирок этиб, ижтимоий ва табиий шароитларга шахснинг мослашувини таъминлайди, ижтимоий жараённинг узлуксизлигини таъминловчи механизм ҳисобланади. Мазмуни, ижтимоий мустаҳкамлаш усуллари ва ижтимоий функцияларига кўра меъёрлар ҳар хил бўлади.

Фаолият мақсадлари, воситалари ва усулларини қатъий белгиловчи қоидаларнинг бутун бир туркуми мавжуд. Бу қоидалар ижтимоий амалиётда яратилган нарсалар дунёсини ва одамлар ўртасидаги муносабатлар дунёсини ўзгартириш усулларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Булар стандартлар – муайян ишни бажаришда қатъий риоя қилиш лозим бўлган сифат, шакл ва ўлчамнинг қатъий белгиланган намунаси; қоидалар – тегишли ҳолатларда қандай иш кўриш лозимлигини белгиловчи кўрсатмалар; эталонлар – фаолиятда мўлжал сифатида фойдаланиш лозим бўлган қатъий белгиланган, стандартлаштирилган қадриятлардир. Инсон фаолиятини тартибга солишни таъминловчи ижтимоий меъёрлар тизимида ҳуқуқ нормалари ва ахлоқ меъёрлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳуқуқ ва ахлоқ. Ҳуқуқ – давлат томонидан белгиланган ва унинг мажбурлов кучига таянадиган хулқ-атвор умумий нормаларининг мажмуи. Ахлоқ ҳам жамоатчилик фикри, яъни қилмишни маъқуллаш ёки қоралаш билан мустаҳкамланадиган хулқ-атвор қоидалари мажмуидир.

Ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари ўзлари муҳофаза қиладиган ижтимоий муносабатлар мазмуни, норматив талабларни мустаҳкамлаш усуллари, уларнинг шахс хулқ-атворига самарали таъсири даражасига кўра ажралиб туради. Ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларининг мазмуни ўртасида жиддий фарқ мавжуд эмас. Масалан, «ўғрилик қилма» – бу ҳам ахлоқий қоида, ҳам ҳуқуқ нормасидир. Аммо ҳуқуқ нормалари ўз тартибга солиш доираси билан ахлоқ меъёрлари билан тартибга солина-

диган ижтимоий муносабатларнинг улкан ҳажмини тўла қамраб олмайди. Масалан, оилавий муносабатлар соҳасида ҳуқуқ ота-онага ўз фарзандларини тарбиялаш мажбуриятини юклайди, лекин ота-онани бир-бирини севиш, бир-бирига ғамхўрлик қилишга мажбурламайди. Ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги фарқни улар кўрсатадиган таъсирнинг самарадорлик даражасида ҳам кўриш мумкин. Бизнинг назаримизда, давлат мажбурлови кучига таянадиган ҳуқуқ ахлоққа қараганда самаралироқдир. Аммо, муайян шароитда инсон учун ҳуқуқ ахлоқий меъёрлар нуфузи қаршисида ожиз бўлиши мумкин. Бу ҳол, шахснинг қадриятларга муносабати мазмуни билан, муайян инсон қайси ахлоқий қадриятларга таяниши, шунингдек, у яшайдиган муҳит, яъни индивид фикрини қадрлайдиган референт гуруҳнинг қандайлиги билан белгиланади. Шу сабабли ахлоқий йўл танлашда айрим инсон учун ишлаб чиқариш жамоаси ёки мактаб (талабалар) гуруҳининг нуфузи муҳим аҳамият касб этиши мумкин, бошқа шахс учун эса диний секта ёки жиноий гуруҳ аъзоларининг фикри устунлик қилиши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ахлоқ жамоатчилик фикрига таянади. Аммо, инсон хулқ-атворига баҳо бериш жуда мушкул иш, чунки унинг замирида муайян сабаблар ётади, у муайян шароитда содир этилади, объектив оқибатларга олиб келади ва мақсадга эришишнинг муайян воситаларини танлашни назарда тутади. Жамоатчилик фикри шахс хулқ-атворига баҳо беришда ижтимоий мустаҳкамланган ахлоқ меъёрларига амал қилади, шахс эса ахлоқ ҳақидаги ўз тасаввурларидан келиб чиқадики, улар умумий эътироф этилган меъёрлардан анча фарқ қилиши мумкин. Муайян шароитда бир индивид ўз виждонининг овозига қулоқ солса, бошқа бир индивид умумий қабул қилинган ахлоқий тасаввурларга қараб мўлжал олади, яъни «ҳар қандай виждонли одам» каби иш кўради. Биринчи ёки иккинчи индивиднинг қилмишини ахлоқий деб ҳисоблаш мумкинми? Агар биринчи индивид виждонининг овози умуминсоний ахлоқий тамойилларга мос келса, унинг қилмишига ахлоқий жиҳатдан шубҳали, муросасоз ва қўрқоқ шахс, чунки унинг қилмиши жамоатчиликнинг қоралашидан қўрқиш билан изоҳланади. Сиртдан белгиланган қилмиш ахлоқий саналмайди. Ҳуқуқий мажбурлов ва жамоатчилик фикри ёки Тангри лаънатидан қўрқиш эмас, балки шахснинг ички майли ахлоқий қилмишнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Хулосалар. Ахлоқ шахс эркинлигини, унинг ўзини, ўз эҳтиросларини бошқариш қобилиятини, инсоннинг ўз қилмишлари учун, аввало, ўзи олдида жавобгарлигини назарда тутади. Ахлоқ инсон ақлини эзгу ишларга йўналтирадики, бу шахсий манфаатдорлик туйғусидан холи яхши ниятларда намоён бўлади. Индивид эркинлиги ва ахлоқий қадриятларнинг мос келиши ахлоққа хос хусусиятдир. Жамиятнинг ахлоқий қоидалари шахсга бу қоидаларга риоя этиш мажбуриятини юклайди, шу сабабли бурч ахлоқий қилмишларга туртки берадиган муҳим ички омил ҳисобланади. Бундан хулқ-атвор меъёрлари ва андозаларига оддий риоя этиш нари борса ижтимоий жараён бир маромда кечишини таъминлаш имконини беради. Унинг ривожланиши учун эса ижод имконият яратади. Бунда ижоднинг вазифаси тарих талабларига жавоб бериш, фаолиятнинг мутлақо янги дастурларини топишдан иборатдир.

Тажрибавий-амалий матнлар

Праксиология, фаолият, тил, миф, дин, санъат, фан, тарих, эҳтиёж, ҳаракат ва амал, фаолиятнинг атрибутлари, моддийлик ва субъектлилик, моддийлаштириш ва моддийликдан чиқариш, онглилик ва мақсадга мувофиқлик, фаолиятнинг унумлилиги, моддий ва маънавий фаолият, инсон фаолиятининг рамзий жиҳати, мулоқот фаолият сифатида, интериоризация, образ, интериоризация назарияси, меҳнат ва ўйин, бегоналашув, ўйин имитацияси, ижод, ижодий ва ноижодий фаолият, ижодкор шахс, дид.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Фаолият нима?
2. Инсон фаолиятининг тузилиши ва унинг асосий атрибутларига тавсиф беринг.
3. Моддийлаштириш ва моддийликдан чиқариш нима?
4. Меҳнат ва бегоналашувнинг алоқаси зарурми? Бегоналашувга қачон чек қўйилади?
5. Ўйин нима?
6. Шахс ва жамият ҳаётида ўйин феноменининг сақланиши нима билан изоҳланади?
7. Ижод нима? Меҳнатнинг қайси турларини сиз ижодий ва қайсиларини ноижодий деб ҳисоблайсиз?
8. Инсон фаолиятини тартибга солиш механизмлари ҳақида гапириб беринг.
9. Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўхшашлиги ва фарқига тавсиф беринг.

Реферат мавзулари

1. XX аср фалсафасида ижод муаммоси.
2. Меҳнат ва ўйин ижод жараёнининг таркибий қисмлари сифатида.
3. Инсон фаолиятини тартибга солиш муаммоси.
4. Фаолиятнинг тузилиши ва атрибутлари.
5. Фаолият инсонни тарбиялаш ва камолотга етказиш шакли сифатида: имкониятлар ва чеклашлар.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Инсон фаолиятини ўрганишга бағишланган фалсафий таълимот қандай номланади?

А. Праксиология Б. Аксиология

В. Феноменология Г. Тонатология

2. Инсонни фаолиятга ундовчи сабабларни топинг?

А. Эҳтиёжлар Б. Мақсадлар

В. Орзулар Г. Хаёллар

3. Фаолиятнинг энг муҳим атрибутлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Моддийлик ва субъектлилик Б. Моддийлик ва маънавийлик

В. Субъектлилик ва доимийлик Г. Чеклилик ва муайянлик

4. Қуйидаги фикр муаллифни топинг: «Амалиёт ўзгартирилган табиат предметларини инсоннинг кўзгудаги аксига ўхшайди, деган эди»?

А. И.Фихте Б. Г.Лейбниц

В. Б.Спиноза Г. И.Кант

5. Инсон фаолиятини бошқа тирик мавжудотлар фаолиятинидан фарқловчи муҳим хусусиятлар нима?

А. Онглилик ва мақсадга мувофиқлик

Б. Оқилоналик ва иррационаллик

В. Мақсадга мувофиқлик ва ҳиссийлик

Г. Ирода ва тассавур қилиш имконининг борлиги

Адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й.
2. Абу Наср ал-Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: 1993 й.
3. Жалолов А. Человеческий фактор философия, идеология, политика. –Т.: 1991 г.
4. Соифназаров И. Илмий ижод методологияси. –Т.: «Шарқ», 2004 й.
5. Батищев Г.С. Философская концепция человека и креативности в наследии С.Л.Рубинштейна // Вопросы философии. 1989 й. №4.
6. Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. –М.: 1995 г.
7. Бердяев Н.А. Смысл творчества. –М.: 1989 г.
8. Бердяев Н.А. Я и мир объектов // Философия свободного духа. –М.: 1994 г.
9. Бердяев Н.А. Самопознание. –М.: 1990 г.

ИЖТИМОИЙ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 2 соат
Машғулот шакли	Семинар машғулоти: Ижтимоий прогнозлаштириш муаммолари
Семинар машғулот режаси	1. Ижтимоий башорат тушунчаси, турлари, типлари, методлари. 2. Ижтимоий башоратнинг субъектив ва объектив асоси. 3. Келажакни прогнозлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
Машғулотнинг мақсади: Келажакни прогнозлаштиришнинг аҳамияти ва заруриятини тушуниш.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Ижтимоий башорат тушунчаси, турлари, типлари, методлари.	Башорат қилишнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини билиш.
Ижтимоий башоратнинг субъектив ва объектив асоси.	Диний ва илмий башоратнинг фарқини билиш.
Келажакни прогнозлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.	Келажак ҳақида олимларнинг қарашлари.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Семинар машғулотининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Мавзуни ўрганишдан мақсадни тавсифлайди.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Башорат қилиш» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Жонли мунозара олиб борадилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Ижтимоий башоратнинг субъектив ва объектив асоси? 2. Ижтимоий башорат: турлари, типлари, методлари? 3. Прогнозлаштиришнинг ижтимоий жараёнларга таъсири?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.

III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Норматив прогноз ва прогноз огоҳлантириш», «Прогнозлаштиришнинг ижтимоий жараёнларга таъсири», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Ижтимоий башорат: турлари, типлари, методлари. Ўзининг, ўз фарзандларининг, ўзи яшаётган мамлакатнинг келажаги ҳақида билишни истамаган одам бўлмаса керак. Шу сабабли, қадим замонлардан бошлаб турли халқларда эртанги кунга назар ташлаш, келажакни башорат қилиш қобилиятига эга бўлган кишилар катта иззат-икромга сазовор бўлган. Форслар уларни афсунгарлар, бобилликлар ва ассирияликлар – халдейлар, қадимги Миср аҳолиси – коҳинлар деб атаган. Башоратгўйлар қадимги Юнонистон аҳолисининг ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган. Келажакни башорат қилишга фалсафа тарихида ҳам, ижтимоий тафаккурда ҳам турли кўринишларда алоҳида эътибор қаратилган. Тарихнинг ўтиш даврларида, кескин ижтимоий конфликтлар юз берган даврларда башоратнинг аҳамияти айниқса, ошган. Бу инсоният ҳаётининг барча жабҳаларида оламшумул ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги даврга ҳам хос. Юзага келган шароитда ижтимоий башорат масалалари ўта муҳим назарий ва методологик аҳамият касб этмоқда, уларни ишлаб чиқиш эса фалсафий тафаккурнинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Дарҳақиқат, келажак билан шуғулланмаган фалсафанинг келажаги йўқ.

Ушбу мавзунинг мақсади башоратга умумий тавсиф бериш, унинг асосий турларини кўриб чиқишдан; ижтимоий прогноз нималигини, унинг методлари ва типларини аниқлашдан; давримизнинг оламшумул муаммолар билан белгиланган асосий футурологик концепцияларини таҳлил қилишдан иборат.

Башорат – келажак ҳақидаги, яъни ҳали амалда мавжуд бўлмаган, лекин ривожланишнинг кутилаётган ривожини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар кўринишида ҳозирги замонда потенциал мавжуд бўлган ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги билим. Башорат ўз гносеологик табиатига кўра гипотезани илгари суришга яқин туради. Аммо гипотеза – ўтмишни ҳам, ҳозирги замонни ҳам, келажакни ҳам билишга татбиқ этиладиган мантиқий шакл, башорат эса келажакка ёки ҳали маълум бўлмаган ҳозирги даврга қараб мўлжал олади.

Келажакни олдиндан айтиш усули, теранлик ва аниқлик даражасига кўра башоратнинг қўйидаги турларини фарқлаш мумкин: 1) мифологик башорат,1) кундалик башорат; 2) интуитив башорат; 3) илмий башорат, 4)ижтимоий башорат. *Мифологик башорат архаик онгда шаклланган образлар ҳаракатида келажакни башорат қилишди.* Масалан, Дрезден қўлёзмаларида таъкидланиши-

ча, Майя қабилалари башорат қилишича, 2012 йил 21 декабрь қиёмат куни, деб белгиланган. Хусусан, қўлёзмаларда тўп ўйнаётган навкарлар рамзи ифодаланган. Олимлар фикрича, тўп Қуёш рамзи, баландликдаги доира Сомон йўли рамзи мувозанат марказининг ифодаси. Навкарлар тўпни тепиб доирага киритиши лозим. Доирага тўпни кирита олмаган навкарнинг боши олинган. Олимлар, тўпнинг доирага тушишини қиёмат куни, яъни мувозанатнинг бузилиши рамзи, деб таҳлил қилмоқдалар. Шунингдек, Майя қабилалари қўлёзмаларида, дунёвий сув тошқинлари ҳам образларда ифодаланган. Дарҳақиқат, бундан икки минг йил илгари архаик онг даражасидаги башорат XX асрдаги тез-тез такрорланаётган зилзилалар, сув тошқинлари, денгиз тўфонлари ва шу каби бошқа табиий офатларда намоён бўлмоқда. Шу боис, бугунги кунда пессимист олимлар қиёмат куни яқин, деб айёҳаннос солсалар, оптимистлар бу астрономик цикллар алмашинуви холос, деб башорат қилмоқда. Инсониятни келажада нима кутмоқда. Бу саволга, инсон, ўз фаолияти мақсади ва натижаларига кўра жавоб бериши лозим.

Кундалик башорат инсоннинг кундалик ҳаёт тажрибасига, табиат ва жамиятда у ёки бу воқеаларнинг тез-тез такрорланишини бевосита кузатишга асосланади. Кундалик башоратларга халқда кенг машҳур бўлган об-ҳаво аломатлари мисол бўлиши мумкин. Масалан, Қуёш ботаётганда одатдагидан узоқроқ ушланиб қолган бўлса, ёмғирни кутиш керак; ёзда эрталаб туман тушган бўлса, демак, кундузи ҳаво очиқ бўлади; Шарқдан шамол эсса, тез орада ёмғирлар тугайди.

Астрологик башорат осмон жисмлари ҳаракати, Ой ва Қуёш тутилишини кузатишларга асосланади. Астрологик башорат ўрта асрларда кенг тарқалган бўлса-да, кейинчалик унга муносабат ўзгарган. Лекин, XX асрда эзотерик билимларнинг ривожи астрологик билимларнинг асосли эканлигини тан олмоқда.

Интуитив башорат илмий далиларсиз ва мантиқий мушоҳадасиз ҳақиқатнинг тагига билвосита етишдир. Башоратнинг бу тури ҳали яхши ўрганилмаган ва кўпинча унга етарлича баҳо берилмайди. Ҳолбуки, ақлни лол қолдирадиган далиллар маълум. Масалан, тўрт юз йил олдин яшаган француз табиби Мишель Нострадамус мисли кўрилмаган башоратгўйлик қобилиятига эга бўлган. Ўзининг машҳур «Центуриялари» ва бошқа асарларида, у XX асрнинг техник кашфиётлари – сув ости кемалари, самолётлар, водород бомбасинигина эмас, балки француз ва рус инқилобларини, шунингдек, де Голль, Франко, Ленин, Сталин, Гитлер, Муссолини каби шахсларнинг пайдо бўлишини ҳам башорат қилган.

Ўз даврининг машҳур фолбини Александра Филипповна Кирхгоф буюк шоир Александр Пушкинга, унинг ҳаётидаги муҳим воқеаларни: тез орада кўп пул олиш, икки сургун, уйланиш, машҳурлик, 38 ёшда ҳаётни тарк этиш эҳтимолини башорат қилган. Афсуски, бу башорат тўла рўёбга чиққан.

Украиналик атоқли файласуф ва шоир Григорий Сковорода ҳам башорат қилиш қобилиятига эга бўлган. У ўз қишлоғи – Ивановкага охирги марта келганда касал бўлмаган. Ҳаммага ўзининг ўлими яқинлигини эълон қилган, ўзи ўзига қабр қазган, ўз «хонақоси»га қайтиб келган, ич кийимини алмаштирган, бошига ўз асарларини қўйган ва вафот этган.

Бошқа кўплаб ғайриоддий далилларни келтириш мумкин. Уларнинг барчаси интуитив башоратни эътибордан соқит этиш ярамаслигидан далолат беради.

XX аср охири – XXI аср бошларида дунё тан олган ва эътироф этган башоратчилар Ванга хоним, Жуна Давиташвили, эр-хотин Павел ва Тамара Глобалар бўлиб, улар 1989 йилдаёқ, 1991 йилда СССР парчаланишини, ўша даврда ҳукуматни бошқараётган М.Горбачевнинг тахтдан ағдарилишини ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилиб, жамият ҳаётида янги давр бошланишини башорат қилганлар.

Илмий башорат фан доирасида ёки унинг ёрдамида амалга оширилади ва ўрганилаётган жараённинг қонуниятларини билишга асосланади. У келажакни анча самарали башорат қилиш ва олдиндан кўра билиш имконини беради. Илмий башоратнинг айрим элементлари қадимги дунёдаёқ мавжуд бўлган. Масалан, файласуф Фалес (милоддан аввалги 640–562-йиллар) милоддан аввалги 585 йилда Қуёш тутилишини башорат қилгани маълум. Аммо, башорат ҳақидаги дастлабки билимлар XV–XVII асрлардагина табиий ва ижтимоий фанларнинг ривожланиши билан бир вақтда илмий тизимга солина бошлаган. Бу жараён XX асрнинг 60-йилларида анча яхлит илмий назарияларнинг яратилиши билан якунланган.

Инсон фаолияти соҳалари ва билиш объектига қараб илмий башоратнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа турлари фарқланган. Ижтимоий башоратнинг хусусиятини қайд этиш учун «прогноз қилиш» тушунчаси муомалага киритилган. Прогноз қилиш башоратнинг алоҳида шакли бўлиб, у ижтимоий жараёнларни ўрганишда юқори даражада илмий асосланганлик ва объективлик билан ажралиб туради. Илмий башоратнинг бошқа шаклларидан фарқли ўлароқ прогноз қилиш – бу ўз методологияси ва техникасига эга бўлган махсус тадқиқот.

Ғарб мамлакатларида ижтимоий прогноз қилиш илмий башоратнинг тури сифатида «футурология» (лот. «futurum» – «келажак» ва юнонча «logos» – «таълимот») деган ном билан вужудга келган. Бу атамани илк бор Ғарбий Берлин Эркин университети ҳузуридаги Отто Зур номидаги институт профессори О.Флехтгайм ишлатган. Шуни қайд этиш лозимки, «футурология» атамаси умумий эътироф этилгани йўқ. Мисол учун, башорат муаммолари бўйича француз мутахассисларининг аксарияти футурология инсоннинг келажакни ишонч билан башорат қилиш қобилияти ҳақида хом хаёл қилиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Футурология ўрнига «фютюрибли» атамаси таклиф қилинган бўлиб, у «эҳтимол тутилган келажак», деган маънони англатади. Бунда, келажакнинг шартлилиги, кўп вариантлилигига урғу беради.

Мамлакатимизда ижтимоий башорат билан боғлиқ тадқиқотлар «прогностика» деган ном олган. Бу ёш фан прогноз қилиш қонунлари, тамойиллари ва методларини ўрганади, мантиқ муаммоларини ва ҳар хил типдаги прогностик тадқиқотларнинг таснифларини ишлаб чиқади. У эндигина шаклланиш даврини бошдан кечирмоқда, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ келажакнинг илмий муқобилларини яратишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Прогнозлаштириш масаласи билан К.Туленова шуғулланади.

Бугунги кунда ижтимоий прогноз қилиш муаммолари билан махсус халқаро ташкилотлар шуғулланади. Уларнинг орасида қуйидагилар бор: Гудзон институти, РЕНД ва Келажак учун ресурслар корпорациялари, Чикаго ва Калифорния университетлари (АҚШ); кейинги 30 йилда Англия, Франция, Германия, Голландиядаги футурология институтлари ва бошқалар. Йирик халқаро уюшмалар: Жаҳон Футурологлар жамияти, Келажак дунёси, Фютюрибллар халқаро ташкилоти тузилган. Бу футурологик ташкилотлар орасида Рим клуби алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур Халқаро ноҳукумат ташкилоти 1968 йил апрелда италиялик жамоат арбоби, «Оливетти» компаниясининг вице-президенти, ФИАТ компанияси маъмурий кенгашининг аъзоси Аурелио Печчеи ташаббуси билан таъсис этилган. Клуб Женевадаги махсус реестрда штат ва бюджетга эга бўлмаган, аъзолари сони чекланган ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказилган. Бугунги кунда Рим клубига жаҳоннинг 47 мамлакатида яшаб ижод қилувчи, илмий-техника инқилоби даврида инсоният ривожланишининг истиқболларини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган юздан ортиқ фан ва маданият арбоблари аъзо. Клуб фаолиятининг асосий шакли – ҳозирги даврнинг оламшумул муаммоларини ўрганишни ташкил этишдан иборат.

Ижтимоий прогноз қилишнинг асосий хусусиятлари қайсилар хос?

Ижтимоий прогноз қилиш асосан қуйидаги илмий-назарий хусусиятлар билан тавсифланади:

1. *Прогноз қилиш жараёни объектив ва субъектив асосларга эга. Прогноз қилишнинг объектив асоси ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг қонуний алоқаси билан белгиланади.* Келажак ҳозирги замонда бўлғуси оқибатни вужудга келтирувчи сабаб кўринишида; муайян шароитларда муқаррар тарзда воқеликка айланувчи имконият кўринишида; ҳозирги даврнинг келажакда янги сифат пайдо бўлишига олиб келиши муқаррар бўлган ҳодисаларидаги муайян миқдорий ва таркибий ўзгаришлар кўринишида зоҳирдир. Келажак ҳозирги замонда ҳодисаларнинг улар мавжудлигининг муайян шароитларидаги муҳим алоқаларини очиб берувчи қонунлар кўринишида зоҳирдир. Буларнинг барчаси билиш жараёнида маълумдан номаълумга, ўтмиш ва ҳозирги замондан келажакка ўтиш имконини беради. Агар, бирон-бир ҳодиса (жараён)нинг ривожланиш қонуни маълум бўлса, бу ҳодиса (жараён)ни ўрганиш орқали биз, унинг ҳозирги ҳолатини қайд этибгина қолмасдан, балки юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларнинг йўналиши ва хусусияти ҳақида хулосалар чиқаришимиз ҳам мумкин. Шундай қилиб, келажакни прогноз қилиш учун реал воқеликни билишдан, аниқроқ айтганда, тизимнинг ҳозирги ҳолатида зоҳир бўлган имкониятлар, тенденциялар, қонуниятларни англаб етишдан бошқа йўл йўқ.

Башорат қилишнинг субъектив асоси инсон тафаккурининг ўтмишдан ҳозирги замон орқали келажакка элтувчи қонуний тенденцияларини аниқлаш ва қайд этиш асосида келажакни олдиндан айтиш имкониятида зоҳирдир. Келажакни олдиндан айтиш бўлғуси воқеалар ҳақида хулосалар чиқариш қобилияти кўринишини касб этган.

Прогноз қилишнинг объектив ва субъектив асосларини аниқлаш уни баъзан башорат билан боғланадиган сохта башоратгўйликлардан фарқлаш имконини беради. Одатда, сохта башоратгўйликлар объектив жараёнларни ўрганишга

эмас, балки субъективистик ўзбошимчаликка, яъни кўнглига келган фикрни илгари суришга асосланади.

2. *Ижтимоий прогноз қилиш мавжуд назариялар билан узвий боғлиқ, улардан келиб чиқади.* Маълумки, ҳар қандай назария уч функцияни: синтез қилиш, тушунтириш ва прогноз қилишни бажаради. Яъни, назария у ёки бу соҳада мавжуд ҳолатни тушунтиради ва унинг ривожланиш тенденциясини башорат қилади. Бинобарин, илмий прогноз қилиш назариядан бошланади.

Илмий башоратнинг кейинги мантиқий тузилиши қуйидаги кўринишга эга:

– башорат муаммосини аниқлаш;

– гипотезани илгари суриш;

– прогноз қилиш (башоратнинг умумий муаммоси доирасида айрим вазифаларни ечиш учун прогнозларни илгари суриш);

– илгари сурилган прогнозлар асосида прогностик фаолият режасини тузиш;

– прогнозларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилигини асослаш ва уларни имконият даражасида амалиёт синовидан ўтказиш йўли билан тасдиқлаш.

Билиш жараёнида олинган янги хулосалар, одамларнинг бу хулосаларга мувофиқ амалга оширилган муайян ҳаракатлари мўлжалланган натижаларни берган ҳолдагина, ишончли, деб эътироф этилади. Башорат қилинган, янги билимларга мувофиқ таърифланган натижанинг олинган янги билимларни ҳисобга олиб эришилган амалий натижа билан мос келиши одамлар томонидан акс эттирилган объектлар ривожланишининг муайян қонунлари ва хоссалари ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун асос бўлади.

3. *Ижтимоий прогноз қилиш келажакни муайян тарзда даврийлаштиришни назарда тутади.* Келажак ҳақидаги билимлар ҳозирги даврдан узоқлашишига қараб ўзининг муайянлик ва аниқлик хоссаларини йўқотиб, умумийроқ ва номуайянроқ тус олиб боргани боис, бевосита, кўзга кўринадиган ва узоқ келажак ҳақида сўз юритилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бевосита келажакнинг вақтдаги чегараси 30 йилдан ошмайди. Илмий кашфиёт яратилганидан у амалда гавдалантирилгунга қадар тахминан 20 йил вақт ўтади. Шунга асосланиб, иқтисодиётнинг жорий юз йилликнинг 40-йилларидаги технологик даражаси ҳақида ишонч билан ҳукм чиқариш мумкин. Жорий юз йилликнинг каттагина қисмини қамраб олувчи кўзга кўринадиган келажакка келсак, бизнинг у ҳақдаги билимларимиз, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқатнамо хусусият касб этади ва уларга эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб этилади. Жаҳон аҳолиси сонининг жадал суръатларда ўсиши XXI асрнинг иккинчи ярмида тўхташини, 2100 йилга бориб, у тахминан 10–12,5 млрд кишига етишини кутиш мумкин. Кейинги юз йиллик чегараси ортида ётган узоқ келажак хусусида реал имкониятларга эга бўлмаган турли гипотетик фаразларга мувофиқ ҳукм чиқариш мумкин. Аммо, бу фаразлар тарихий муддатлар ва уларнинг ҳаётда гавдаланиш шакллари нуқтаи назаридан муайян тахминий баҳолар бўлиши ҳам мумкин эмас.

4. *Прогноз қилиш – бу махсус илмий методлар ёрдамида келажак ҳақида билимлар олиш жараёни.* Бу методлар прогноз тузиш мақсадида эмпирик ахборотни танлаш ва таҳлил қилиш усуллари ва амаллари йиғиндисидан иборат. Прогноз қилишнинг илмий воситалари тўплами келажакни билишнинг 200 дан ортиқ методлари, махсус методикалари ва мантиқий воситаларини ўз ичига ола-

ди. Аммо, уларни беш асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин (қолганлари уларнинг вариантлари ҳисобланади).

Прогнозлаштиришнинг методлари:

1. Экстраполяция методлари.
2. Тарихий аналогия.
3. Моделлаштириш.
4. Экспертиза усулида баҳолаш.
5. Келажак сценарийлари.

Кўрсатилган келажакни башорат қилиш методларининг ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга.

Экстраполяция методлари – қонуниятлари ўтмишда ва ҳозирги даврда яхши маълум бўлган тенденцияларни келажакка татбиқ этишга асосланади. Масалан, бирон-бир тизимга ўтмишда муайян ўзгармас тезлик ёки тезланиш билан ривожланиш хос бўлган бўлса, бизда бу тезлик ёки тезланиш келажакда ҳам муайян вақт оралиғида ўзгаришсиз қолади, деб ҳисоблаш учун асослар бор. Шундай қилиб, ўсиш (пасайиш) эгри чизиқларини график ёки аналитик усулда давом эттириш ва прогноз объекти бўлғуси ҳолатининг миқдор кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқариш мумкин. Шунга қарамай, агар ўрганилаётган тенденция бошқа тенденциялар билан ўзаро таъсирга киришиш натижасида ўзгарса ва бу ўзаро таъсирни лозим даражада ўрганиш имконияти мавжуд бўлмаса, экстраполяция методи унча самарали бўлмаслиги мумкин.

Тарихий аналогия – бу таққослаш йўли билан билиш. Таққосланаётган ижтимоий ҳодисалар ўртасида фарқ ҳам, ўхшашлик ҳам мавжуд бўлиши керак. Таққослаш учун асос бўлувчи омиллар таққосланиши лозим бўлган ҳодисаларга қараганда танишроқ бўлиши лозим. Тарихий аналогиянинг ижтимоий башоратга мослашувчанлик даражаси чекланган. Бу табиий бир ҳолдир, зеро келажакка бошқа тарихий шароитлар йўлдош. Тарихий аналогия кўпроқ тарихий фактни фаол танқидий таҳлил қилишга кўмаклашади.

Моделлаштириш методи билиш объектларининг ўзини эмас, балки уларнинг моделларини ўрганишга асосланади. Тадқиқот объектини моделлаштириш – уни прогностик хусусиятга эга бўлган хулосалар чиқариш учун қулай бўлган содда, схематик кўринишда гавдалантириш демак. Тадқиқот натижалари, моделдан объектга кўчирилади. Прогноз қилишнинг моделли методлари шаклларининг ранг-баранглиги билан тавсифланади. Моделлаштиришнинг моддий, физик, белгили (математик), имитацион, компьютерда моделлаштириш каби турларини фарқлаш мумкин.

Экспертиза усулида баҳолаш – бу илмий методнинг моҳияти экспертлар (фан ва техниканинг турли соҳасидаги етакчи мутахассислар) томонидан муаммони таҳлил қилиш ва сўнгра натижаларни формаллаштирилган асосда қайта ишлашдан иборат. Экспертларнинг умумий хулосаси муаммонинг мумкин бўлган энг мақбул ечими сифатида қабул қилинади. Бу методлар гуруҳига, одатда, қуйидагилар киритилади: консенсус (келажакка доир муайян масала бўйича экспертлар умумий бир тўхтамга келиши); «ақлий ҳужум» (муаммоларни ечиш воситаси ва прогноз қилиш усули, айниқса, келажакда юзага келиши мумкин бўлган бир нечта вазиятни кўриб чиқишга эҳтиёж туғилган ҳолда). Методнинг

моҳияти шундан иборатки, муаммога доир ҳар қандай, ҳатто «ғалати» ғоялар илгари сурилади; бу ғоялар ривожлантирилади, ўз ғояларини таклиф қилиш мумкин, лекин уларни танқид қилишга рухсат этилмайди; «Делфи» методи (қадимги Юнонистоннинг машҳур Оракули исми билан аталган). У экспертлар ўртасида сўров ўтказишга асосланган. Бунда олдинма-кетин сўров жараёнида ҳар бир эксперт бошқа экспертларнинг фикрлари билан таништирилади; бир нечта цикллар натижаси ўлароқ устувор фикр аниқланади. Экспертиза усулида баҳолашнинг яна бир ўзига хос методи – социологик сўров мавжуд бўлиб, у сўнгги йилларда бизда ҳам, чет элда ҳам тобора кенг қўлланилмоқда.

Келажак сценарийлари – бу кузатилаётган тенденциянинг эҳтимол тутилган келажаги ҳақидаги у ёки бу тусмолни асословчи дастлабки фаразларнинг тартибга солинган йиғиндиси. Сценарийлар: а) у ёки бу назарий вазиятни қай йўл билан босқичма-босқич амалга ошириш мумкинлигини; б) воқеаларнинг муайян ривожига йўл қўймаслик, уларни енгиллаштириш ёки четлаб ўтиш учун воқеаларнинг ҳар бир иштирокчиси учун ҳар бир босқичда қандай вариантлар мавжудлигини аниқлайди.

Шундай қилиб, сценарий мураккаб тизимларни ўрганишга нисбатан тизимли ва тарихий ёндашувларни бирлаштирувчи кўп вариантли прогноздир; аксарият ҳолларда у тавсифий хусусият касб этади ва комплекс прогнозларни тузишда кенг қўлланилади.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, кўриб чиқилган методларнинг бирортаси ҳам алоҳида ҳолда прогнознинг юксак даражада ишончлилигини таъминлай олмайди. Шу сабабли амалда, одатда, мураккаб, комплекс методлардан фойдаланилади. Мазкур ёндашув айрим методларнинг камчиликларини бартараф этиш ва прогнозларнинг кўпроқ даражада аниқлиги ва ишончлилигини кафолатлаш имконини беради.

Ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг ривожланиш имкониятларини прогноз қилиш натижаси прогноз ҳисобланади. У келажак у ёки бу муаммоларининг ривожланиши ва уларни ечишнинг мумкин бўлган барча вариантларини, уларнинг бир-бирини истисно этувчи вариантларини, стихияли ва онгли жараёнларни, уларнинг вақт ва кўлам параметрларини аниқлаш имконини беради. Келажакнинг ижтимоий прогнозлар таклиф қилаётган тавсифининг мазмунига қараб, улар инсонни ё унга фаол интилишга, ё унинг юз беришига қарши ҳаракат қилишга, ё уни пассив кутишга даъват этади. Шу сабабли ҳар қандай ижтимоий прогноз илмий билишга доир мазмунни ҳам, муайян мафкуравий вазифани ҳам ўзида бирлаштиради. Бунда билишга доир функция устунлик қилиши ҳам, мафкуравий функция устунлик қилиши ҳам мумкин. Турли прогнозларнинг мазмуни ва вазифасидан келиб чиқиб, уларнинг тўрт асосий типини фарқлаш мумкин.

Қидирув прогнози – ижтимоий объектнинг келажаги қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатиш учун тузиладиган прогноз. У ривожланиш қайси йўналишда юз беради, келажакнинг муайян даврида прогноз объектининг ҳолати қандай бўлиши мумкин, деган саволларга жавоб беради.

Норматив прогноз – бошқарувни оптималлаштириш йўлларининг оқилона ташкил этилган таҳлили. Бу прогноз образли қилиб «тескари прогноз» деб ата-

лади, чунки унда ўрганиш тескари йўналишда – келажакдан ҳозирги даврга қараб амалга оширилади. Норматив прогноз қўйилган мақсадларга эришиш ёки қўйилган вазифаларни ечиш учун нима қилиш мумкин ёки керак, деган саволга жавоб беради. Норматив прогнознинг предмети сифатида ижтимоий жараёнлар хусусиятини бутунлай ўзгартиришга қодир бўлган ғоялар, гипотезалар, фаразлар, ахлоқий меъёрлар, ижтимоий идеаллар, мақсадлар ва мўлжаллар амал қилади.

Аналитик прогноз. У келажакни ўрганишнинг турли методлари ва воситаларининг билишга доир қимматини илмий мақсадларда аниқлаш учун тузилади.

Прогноз-огоҳлантириш. Бу прогноз кишиларни эҳтимол тутилган келажакнинг масалан, юз бериши кутилаётган экологик ҳалокатларнинг олдини олишга мажбур қилиш мақсадида уларнинг онги ва хулқ-атворига бевосита таъсир кўрсатиш учун ишлаб чиқилади.

Шуни қайд этиш лозимки, прогнозларнинг бу асосий типлари ўртасидаги фарқ шартлидир; айни бир конкрет ижтимоий прогнозда бир неча турдаги белгилар мавжуд бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳаётни тартибга солишнинг ижтимоий қонун, зарурият, эҳтиёж, манфаат, муаммо, мақсад, вазифа, идеал, норма, кишилар фаолиятининг тамойили воситаларидан онгли равишда фойдаланиш замирида прогноз қилиш ётади. У билишни амалиёт билан боғловчи бўғин сифатида амал қилади, фаннинг назарияни кундалик ҳаёт билан, билишнинг амалий воқелиги билан узвий боғловчи функцияси ҳисобланади. Илмий бошқариш, хусусан, унинг муҳим функцияларидан бири – режалаштириш прогноз қилишга асосланади. Прогноз қилиш юз бериши муқаррар бўлган ёки эҳтимол тутилган мақбул ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги билимларни ҳам, номақбул ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги билимларни ҳам шакллантиради.

Хулосалар. Бизнинг давримизда келажакни прогноз қилиш инсоният учун тобора улкан аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда келажак авлодлар тақдири прогноз қилишга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ижтимоий тадқиқотларнинг ҳозирги даражаси келажак ҳақида анча аниқ билим олиш ва ижтимоий башоратни «утопиялар» соҳасидан фан соҳасига ўтказиш имконини беради.

Келажакни прогноз қилиш инсоният истиқболларини фанлараро комплекс ўрганиш бўлиб, у фақат гуманитар, табиий-илмий ва илмий-техникавий билимни бирлаштириш жараёнида самарали бўлиши мумкин.

Тажрибавий-амалий матнлар

Прогнозлаштириш, эксрополяция методлари, тарихий аналогия, келажакни прогноз қилиш, утопия, аналитик прогноз, прогноз огоҳлантириш, норматив прогноз, қидирув прогнози, келажак сценарийлари, башоратнинг субъектив асоси.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Башоратнинг қандай турларини фарқлаш мумкин?
2. Илмий башорат структурасини айтиб беринг?
3. Бугунги кунда футурология фанининг аҳамияти қандай?
4. Интуитив башорат қилишда қандай асосларга таянилади?
5. Башорат қилишда экстраполяция методининг аҳамиятини тушунтириб беринг.
6. Прогнозлаштиришда қандай методлардан фойдаланиш мумкин?
7. Кундалик башоратнинг аҳамияти нимада?

Реферат мавзулари

1. Келажакни башорат қилишнинг илмий асослари.
2. «Футурология» – келажак ҳақидаги фан.
3. Глобаллашув ва башорат қилиш.
4. Футурологиянинг фалсафий асослари.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Келажакни башорат қилиш қобилиятига эга бўлган кишиларни бобилликлар ва ассурияликлар нима деб аташган?

А. Халдейлар Б. Кохинлар

В. Афсунгарлар Г. Башоратчилар

2. Башоратнинг неча тури фарқланади?

А. 3 та Б. 2 та

В. 4 та Г. 5 та

3. Башорат ҳақидаги билимлар қайси асрларда тизимга солина бошланди?

А. XV–XVII Б. XVI–XVII

В. XIV–XV Г. XV–XVI

4. Қуёш тутилишини башорат қила олган файласуф ким?

А. Фалес Б. Анаксимандр

В. Анаксимен Г. Гераклит

5. Лотинчада келажак маъносини англатувчи тушунча?

А. Футурология Б. Прогностика

В. Прогноз Г. Тўғри жавоб йўқ

Адабиётлар

1. Туленова К.Ж. Предвидение и реальность. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1998 г.
2. Волкоганова О.Д. Приоткрывая завесу времени: о социальном предвидение будущего. –М.: 1999 г.
3. Спиркин А. Философия. –М.: 2008 г.
4. Тараненко А.Н. Философия. –М.: 2008 г.
5. Данильян О.Г. Тараненко В. Социальное прогнозирование и глобальные проблемы современности. Харьков. 1992 г.
6. Карпенко А.С. Фатализм и случайность будушего. –М.: 1990 г.
7. Научное предвидение общественных процессов. Киев. 1991 г.

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

Талабалар сони:	*Вақти:* 4 соат
Машғулот шакли	Маъруза: Глобаллашувнинг фалсафий муаммолари
Маъруза режаси	1. Глобаллашув ҳодисаси ва глобалистика. 2. Глобал муаммоларнинг моҳияти ва уларнинг таснифи. 3. Глобаллик мезонлари.
Машғулотнинг мақсади: Глобаллашув, глобалистика тушунчаларининг таҳлили ва муаммолларни ўрганишни зарурияти.	
Педагогик вазифалар	*Ўқув фаолияти натижалари:*
Глобаллашув – янги фалсафий мавзу.	Халқаро миқёсдаги масалаларнинг дунё давлатлари тараққиётига таъсири масаласи.
Глобал муаммоларнинг моҳияти.	Глобал масалалар, уларнинг англаниш имкониятлари.
Асосий глобал муаммолар тизими.	Глобал муаммоларнинг шакллари.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, тест назорати, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузаининг технологик картаси

Иш жараёнлари вақти	*Фаолиятнинг мазмуни*	
	Ўқитувчи	*Талаба*
I босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Мавзу номини айтиб, унинг доирасида даст-лабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар. Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.2. Мавзунинг моҳияти билан таништиради, унинг бошқа мавзулар билан узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу якунида талабалар рейтинг назорати мезонлари асосида баҳоланади	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.

	1.5. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Глобал муаммолар», деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II босқич. Асосий (60 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Мавзуни режа бўйича таҳлил қилади, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Глобаллашувнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари? 2. Глобаллашув шаротида фалсафий тафаккурнинг тутган ўрни? 3. Глобаллашувнинг истиқболли йўналишлари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: «Ижтимоий ривожланишнинг жадаллашувида глобал тенденцияларни англашнинг аҳамияти», «Технооптимизм, технопессимизм, экопессимизм», деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Фалсафа ва ҳозирги замон. Фалсафа нафақат инсоннинг азалий муаммолари ва ғам-ташвишларини, балки унинг сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти таъсирида тобора жадалроқ суръатларда, шу жумладан дунё миқёсида ўзгараётган

реал ҳаёти кундалик амалиётини ҳам акс эттиради. Шу муносабат билан юзага келаётган янги ҳодисалар, ғайриоддий қийинчиликлар ва алоҳида шароитлар олимларнинг ҳам, файласуфларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Бунда фалсафанинг фандан устунлиги шундаки – у ўз хулосаларида тафсилотлар ва муайян далилларга маҳкам ёпишиб олмайди, айрим, узуқ-юлуқ ва ўткинчи нарсаларни осонгина четлаб ўтадики, бу унга асосий эътиборни ишнинг моҳиятига қаратиш, ривожланишнинг энг муҳим омиллари ва асосий жараёнларини қайд этиш имконини беради. Фалсафанинг мазкур фазилатлари инсоннинг ижтимоий муносабатлар тизимида ёки «жамият-табиат» тизимида юзага келаётган мураккаб, комплекс вазифаларни ҳал қилишга мажбур бўлаётган ҳозирги шароитларда алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан фалсафий таҳлилнинг, муҳим нарсаларни иккинчи даражали нарсалардан, қонуний нарсаларни тасодифий нарсалардан фарқлаш, тарихий ривожланишда объектив жараёнларнинг субъектив омиллардан фарқи каби усуллари ва методлари ҳозирги замонда инсоният дуч келган оламшумул муаммоларни назарий англаб етиш ва амалда бартараф этиш учун айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув ҳодисаси ва глобалистика.. Ҳозирги давр ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун XX аср бошигача жаҳон тарихи асосан мустақил ривожланган ва бир-бирига жиддий таъсир кўрсатмаган цивилизациялардан иборат бўлганини назарда тутиш муҳимдир. Ҳозирги замонда дунё сўнгги юз йиллик ичида юз берган жамият ҳаёти барча жабҳаларининг фаол интеграциялашуви натижасида сезиларли даражада ўзгарди ва яхлит бир бутун организмга айланди. Бунинг оқибати ўлароқ, айрим халқлар ва бутун инсониятнинг ижтимоий онгида глобал жараёнлар ва уларнинг таъсирида юзага келган умумий (дунё миқёсидаги) муаммолар билан белгиланган жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Жаҳон ҳамжамияти ўз ривожланишининг янги босқичига қадам қўйгани, у аввалги босқичлардан нафақат ўзгаришлар миқёси, балки фаоллик даражаси ва универсал хусусияти билан ҳам фарқ қилиши аён бўлди.

Бу ўзгаришларнинг бутун мажмуи, шунингдек, уларнинг сабаблари 1990-йилларда глобаллашув (лот. «globus» – «Ер курраси») деб номланди. *Глобаллашув жамият ҳаётининг турли жабҳаларида бутун Ер сайёраси учун ягона бўлган тузилмалар, алоқалар ва муносабатларнинг шаклланиши, универсаллашув жараёнидир.* Шунингдек, глобаллашув глобал маконнинг туташлиги, ягона жаҳон хўжалиги, умумий экологик ўзаро алоқадорлик, глобал коммуникациялар ва шу кабилар билан тавсифланади.

Жаҳон ривожланишининг энг янги тенденцияларини англаб етиш борасидаги кўп сонли саъй-ҳаракатлар глобаллашув жараёнларининг моҳияти, тенденциялари ва сабабларини, улар таъсирида юзага келаётган глобал муаммоларни аниқлаш ва бу жараёнларнинг оқибатларини англаб етишга қаратилган фанлараро илмий-тадқиқотлар соҳаси – глобалистика пайдо бўлишига олиб келди. Кенгроқ маънода «*глобалистика» атамаси глобаллашувнинг турли жиҳатлари ва глобал муаммоларга оид илмий, фалсафий, маданий ва амалий тадқиқотларни, жумладан, уларнинг натижаларини, шунингдек, уларни айрим давлатлар даражасида ҳам, халқаро миқёсда ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабҳаларда амалга жорий этиш борасидаги амалий фаолиятни ифодалаш учун қўлланилади.*

Шуни таъкидлаш лозимки, глобалистика одатда илмий билимнинг табақаланиши натижасида ёки турдош фанлар туташган жойда пайдо бўладиган айрим фанлар қаторига кирмайди. Унинг вужудга келиши замирида қарама-қарши жараёнлар – ҳозирги замон фанига хос бўлган интеграциялашув жараёнлари ётади. Глобалистика тадқиқотлар ва билишнинг шундай бир жабҳасики, бу ерда турли фанлар бир-бири билан узвий алоқада, ҳар бири ўз предмети ва методи нуқтаи назаридан, глобаллашувнинг турли жиҳатларини таҳлил қилади, глобал муаммоларни бир-биридан алоҳида ва яхлит тизим сифатида ўрганиб, уларнинг ечимларини таклиф қилади.

Глобалистика мустақил илмий йўналиш ва ижтимоий амалиёт соҳаси сифатида 1960-йилларнинг охирларида шакллана бошлади, лекин унинг пайдо бўлиши учун объектив асослар анча олдин юзага келган эди.

Глобал жараёнларнинг шаклланиш тарихи. Ҳозирги глобаллашув жараёнларининг илк нишоналарига XV аср охирларидан бошлаб дуч келиш мумкин, XIX аср бошига келиб эса, у амалда реал шакл-шамойил касб этди. Бу пировардида ягона географик, маълум даражада иқтисодий ва сиёсий жаҳон майдони шаклланишига олиб келган, «Буюк географик кашфиётлар» юз берган давр эди. Айни шу даврда, дунёни тушунишга нисбатан геоцентрик ёндашувлар гелиоцентрик ёндашувларга ўрин бўшатди, инсоният эса, ниҳоят, кун ва туннинг алмашишини тўғри талқин қилишга муваффақ бўлди. Фан фалсафадан ажралиб чиқиб, билимлар тўпланиши ва техниканинг ривожланишига кучли туртки берди, фан-техника тараққиёти ва саноат инқилоби юз беришига сабаб бўлди. Сўнгги зикр этилган воқеалар, пировард натижада, инсоннинг табиатни ўзгартирувчи имкониятлари ва унинг атроф-муҳит билан муносабатини бутунлай ўзгартирди.

Ер курраси шар (глобус) кўринишида эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб, инсоният ўз тарихида биринчи бўлиб савдо-сотиқ соҳасида дунё даражасига чиқди ва дунё миқёсида халқаро муносабатларга асос солди. Айни шу даврда, илк трансмиллий савдо компаниялари вужудга келди. Тез орада уларнинг фаолияти соф савдо чегарасидан ташқарига чиқди ва улар қулларни қўлга киритиш ва уларни эксплуатация қилиш, босиб олинган ҳудудларда плантациялар ва манзилгоҳлар барпо этиш жараёнида иштирок эта бошлади, ниҳоят, ўз давлатлари амалга ошираётган мустамлакачилик сиёсатининг асосий ижрочисига айланди.

Буларнинг барчаси жиддий миграция жараёнлари юз беришига ҳам сабаб бўлди. Хусусан, мустамлакачилар қора танли қулларни Африкадан Америкага оммавий тарзда ташиб келтира бошладилар ва шу тариқа, унинг демографик таркибини бутунлай ўзгартирдилар. Шунинг ўзиёқ глобаллашув турли халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан аввалбошдан узвий боғлиқ бўлган, деган хулосага келиш имконини беради.

XVII аср бошларига келиб, Шарқ ва Ғарб савдогарлари улкан ҳудудларни ўзлаштирдилар ва деярли бутун дунё бўйлаб жойлашдилар. Шу тариқа, улар инсоният тарихида биринчи бўлиб ягона глобал иқтисодий ва сиёсий тизимнинг зарурий асосларини яратдилар ва мазкур тизим шаклланиши учун замин ҳозирладилар.

Шундай қилиб, XV–XVI асрларда юз берган буюк географик кашфиётлар

жаҳон тарихининг ривожланиш жараёнида туб бурилиш ясади ва «Европа сиёсатининг кескин, мисли кўрилмаган даражада кенгайишига олиб келди. Дунё чегаралари муайян даражада кенгайди. Эндиликда Европа мамлакатлари ўртасидаги турли зиддиятларга мустамлакалар учун курашда рақобат ҳам қўшилди»[1]. Шу тариқа, янги халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларга, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирига ва Ғарбий Европа денгиз давлатларининг ўзлари кашф этган Ер куррасининг турли ҳудудларидаги экспансиясига асос солинди.

Фундаментал глобаллашув *дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ.* Мазкур жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса, у тўла даражада борлиққа айланди.

Айни шу даврда, дунёни иқтисодий бўлиб олиш якунланди ва бунинг натижасида турли мамлакатлар ва халқларнинг кучайиб бораётган ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқадиган мутлақо янгича тусдаги кескин халқаро муаммолар юзага келди. Бу жараёнлар нафақат иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий ҳаётни, балки алоқа ва коммуникация воситаларини, шунингдек, маънавий жабҳа – маданият, фан ва фалсафани ҳам қамраб олди. Турли-туман халқаро ташкилотлар, форумлар, съездлар, конгресслар вужудга кела бошладики, бунга ўша даврда алоқа ва оммавий коммуникация воситаларининг фаол ривожланиши ҳам имконият яратди.

Шундай қилиб, амалда бутун дунё кучли давлатлар ва йирик монополиялар ўртасида кескин кураш ва таъсир доираларини бўлиб олиш майдонига айланди ва бу пировардда, биринчи жаҳон уруши бошланишига олиб келди. Бу урушда жаҳоннинг кўп сонли халқлари бевосита ёки билвосита иштирок этди, чунки шу давргача дунё миқёсида юзага келган иқтисодий ва сиёсий боғлиқлик, сайёранинг бирорта ҳам йирик давлатига, урушдан ёки ҳеч бўлмаса унинг таъсири ва оқибатларидан бутунлай четлашиш имконини бермас эди. Бу, мазкур даврдан эътиборан, тарих фақат Европа тарихи ёки айтайлик, алоҳида Хитой, Россия, Америка, Ғарб, Шарқ тарихи бўлибгина қолмасдан, инсоният тарихига, яъни том маънодаги жаҳон тарихига ҳам айланганидан далолат беради.

1918 йилда биринчи жаҳон урушининг тугаши халқаро майдонда кучларнинг янгича нисбати юзага келишига сабаб бўлди ва турли давлатларнинг урушдан кейинги муносабатлари, манфаатлари ва қарама-қаршиликларини янада тарангроқ тугунга боғлаган оқибатларга олиб келди, шу тариқа бутун дунёни барча асосий кўрсаткичлар бўйича жаҳон ҳамжамиятига айлантирди. Пировардда, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари оралиғидаги даврда глобаллашув жараёнлари янада бўртиброқ намоён бўлди. Бу даврда, *глобаллашувнинг асосий белигилари*:

а) биосферага антропоген таъсирнинг кучайиши ва инсоннинг реал «геологик куч»га айланиши;

б) оммавий маданият, аввало, кино, мусиқа, адабиёт, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида фаол ривожлана бошлаши;

в) телевизорнинг ихтиро этилиши, вақт ўтиши билан у оммавий маданиятнинг асосий тарғиботчисига ва глобаллашув рамзига айланиши;

[1] Харенберг Б. Хроника человечества. –М.: «Слово», 2000 г. с. 387.

г) макон ва вақтни илк бор инсоннинг кундалик ҳаёти кўрсаткичларига қадар узил-кесил «қисқартирган» ҳаво кемаларида қитъалараро кўнмай, тўғри учиб ўтишларларда намоён бўлди.

Аммо, ечилмаган зиддиятлар ва умумий боғлиқликнинг кучайиши, инсоният тарихидаги энг катта ва давомли уруш – иккинчи жаҳон уруши бошланишига олиб келди. Бу сафар дунё миқёсидаги урушда Ер аҳолисининг тўртдан уч қисми иштирок этди. биринчи жаҳон урушига қараганда бир неча баравар кўпроқ қурбонлар берилди.

Дунё миқёсидаги жараёнларнинг глобаллашуви нуқтаи назаридан, бу урушларнинг иккаласи ҳам амалда айни бир глобал урушнинг турли босқичлари эди. Уларнинг ўртасидаги фарқ фақат миқдор кўрсаткичларида кўринади. *Моҳият эътибори билан, иккала уруш ҳам айни бир масалаларни ечиш – XX аср бошида бўлиб олинган, яхлит ва ўзаро боғланган дунёни қайта бўлиб олишга қаратилган эди.* Уруш олиб бориш усуллари ҳам деярли бир эди, фарқи эса, техник жиҳозланиш даражаси ва миқёси иккинчи жаҳон урушида бир неча баравар юқори, мафкуравий таъсир эса, аввалги урушда ё мавжуд бўлмаган радио, телефон, ё ҳали яхши ривожланмаган авиация, денгиз, темир йўл, автомобиль транспорти алоқа ва коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш билан кўп карра кучайтирилишида намоён бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши ҳам, худди аввалги жаҳон урушидек, урушдан кейинги дунёвий тартибнинг ўзига хос хусусиятига айланган бир қатор оламшумул оқибатларга олиб келди. Уларнинг орасида энг муҳими шу бўлди-ки, уруш мутлақо янги қурол тури (атом ва реактив қурол) яратиш борасидаги тадқиқотлар ва амалий ишларни рағбатлантирди. Мазкур даврда уларнинг илк намуналари жанговар синовдан ўтказилди ва инсониятга бутун дунёни харобазорга айлантириш ва барча тирик мавжудотларни қириб ташлаш учун чексиз имкониятлар яратди. Фан-техника тараққиётининг айни шу ютуқлари кейинчалик «совуқ уруш» даврида авж олган қуролланиш пойгасининг моҳияти ва мазмунини белгилаб берди ва сайёрамизнинг нозиклиги ва маконда туташлигини амалда намойиш этди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошқа бир оқибати жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий соҳасида юзага келди ва у турли-туман халқаро ташкилотларнинг мислсиз даражада ўсишида намоён бўлди. Уларнинг орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), ҳеч шубҳасиз, ажралиб туради. Европадаги интеграция жараёнлари ҳам урушнинг тугаши билан боғлиқ бўлиб, Буюк Британия бош вазири У.Черчилль Европа қўшма Штатларини тузишга чақирган 1946 йилни, уларнинг саноқ боши, деб ҳисоблаш мумкин.

Бош ҳарбий жиноятчилар гуруҳи ва нацистларнинг асосий ташкилотлари устидан ўтказилган Нюрнберг суд жараёни яна бир муҳим тадбир ва айни вақтда халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида дунё миқёсидаги ҳамкорликнинг илк тажрибаси бўлди. Бу жараён 1945 йил 8 августда ғолиб мамлакатлар – СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция томонидан ташкил этилган тарихдаги биринчи Халқаро ҳарбий трибунал томонидан амалга оширилди ва ҳозирги Халқаро суд тизимини ташкил қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Айни шу даврда, либерализм ва демократия ғоялари дунё

миқёсида кенг тарқала бошлади, ижтимоий борлиқ асосларини, жамиятнинг ахлоқий негизлари ва ижтимоий ривожланишнинг асосий тамойилларини қайта англаб етишга қаратилган жиддий тадқиқотлар ва назарий ишловлар мажмуи пайдо бўлди.

Глобаллашувнинг серқирралиги. *Дунё миқёсидаги таҳдидлар ва глобаллашув жараёнларини аҳолининг кенг қатламлари англаб етиши, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ва унга мос келувчи қадриятларга муносабат, маданият, турмуш тарзининг шаклланиши глдобаллашув серқирралиги босқичига хос хусусият ҳисобланади.* 1970-йиллардан глобаллашув ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди ва серқирра тус олди. Айни шу даврда, ахборот-технология инқилобининг ривожланиши жадаллашди, миф, дин, фалсафа, фан, экология билан бир қаторда глобал онг, ижтимоий онгнинг яна бир шакли сифатида пайдо бўлди.

Глобаллашувнинг серқирраги жаҳон бозорини сезиларли даражада ўзгартирди, жаҳон хўжалиги ўзига хос хусусиятларини намоён этиб, миллий хўжаликлардан кучлироқ ва муҳимроқ тус олишига имконият яратди. Қуйидагилар *глобаллашув серқирралигининг муҳим хусусиятлари ҳисобланади:*

а) «резонанс эффекти»нинг пайдо бўлиши, бунда иқтисодий юксалишлар ёки тангликлар бир мамлакатдан у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа мамлакатлар ва минтақаларга ўтади;

б) турли товарлар ва хизматлар жаҳон бозорларининг яратилиши;

в) кўрсатилган товарлар ва хизматларга жаҳон нархларининг шаклланиши, улар мазкур товарлар ва хизматлар миллий ишлаб чиқарувчиларининг сиёсатини кўп жиҳатдан белгилаши.

Иқтисодиётнинг интернационаллашуви ва пул ролининг унификациялашуви билан бир қаторда оммавий жамият ва унга мос келувчи оммавий маданиятнинг шаклланиши серқирра глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятига ва муайян даражада унинг қонуний маҳсулига айланди.

Замонавий транспорт ва алоқа воситалари шарофати билан макон ва вақт омиллари амалда муҳим аҳамиятга эга бўлмай қолган глобаллашув шароитида, тил турли халқларнинг иқтисодий, сиёсий, илмий, маиший ва ҳоказо алоқалари ва мулоқоти йўлидаги охирги жиддий тўсиқ бўлиб қолди. Умумий қабул қилинган тилга объектив эҳтиёж доимо мавжуд бўлган, лекин жаҳон савдоси ва капиталларни бир жойдан бошқа жойга ўтказиш ҳажмлари кўп карра ўсган, сиёсий муносабатлар глобал даражагача кенгайган, халқаро жамоат ташкилотлари, спорт мусобақалари, туристик индустрия ва шу кабилар пайдо бўлган серқирра глобаллашув даврида у, айниқса, кучайди. Бугунги кунда, инглиз тили бир қатор объектив сабабларга кўра маданиятлараро мулоқот тилига айланди.

1991 йилда Интернет пайдо бўлганидан сўнг, дунё информацион жиҳатдан ҳам узил-кесил туташди. Компьютер инқилоби ва Интернет тармоғининг ривожланиши, чегаралардан бошқа ҳамма нарса мавжуд бўлган янги ахборот майдонини вужудга келтирди.

Глобаллашувнинг серқирралиги сиёсатнинг ҳам сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди. 1990-йилларгача «совуқ уруш» ҳолатида бўлган икки ҳарбий-сиёсий блокнинг қаттиқ қарама-қаршилиги билан тавсифланган икки қутблилик

халқаро муносабатларнинг асосий хусусияти саналган бўлса, социалистик тизим парчаланиши билан вазият бутунлай ўзгарди.

Сўнгги йилларда миллий давлатлар фаолияти билан бир қаторда халқаро муносабатларнинг янги, «ноанъанавий» субъектларининг фаоллиги ва таъсири ҳам анча ўсди. Бу субъектлар ўз сони, молиявий имкониятлари ва сиёсий таъсирига кўра айрим давлатлар билан бемалол беллаша олади. Халқаро муносабатларнинг мазкур субъектлари орасида энг муҳимлари ҳукуматлараро ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар, халқаро ноҳукумат ташкилотлар ҳисобланади. «Яшиллар», «муқобиллар», антиглобалистлар каби ижтимоий ҳаракатлар ҳам кенг довруқ қозонди.

Глобаллашувнинг серқирралиги маданият, халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ соҳасида жиддий таркибий ўзгаришлар ясаш билан бир қаторда ахлоқ, хулқ-атвор меъёрлари, қадриятларга муносабат ва мўлжалларда ҳам муҳим ўзгаришларга кучли эҳтиёжни юзага келтирди.

Мутлақо янги ҳодиса – жаҳон жамоатчилик фикри юзага келди ва сайёрамизда ўзини жаҳон фуқароси деб ҳисобловчи одамлар сони кўпайди.

Жаҳон ҳамжамияти янги минг йиллик чегарасидан ўтиб, ўз тарихий ривожланишининг бутунлай янги босқичига қадам қўйди. Бу босқич, жаҳон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий алоқаларининг тарқоқлиги ва парокандалигидан, уларнинг бирлиги, яхлитлиги, ягоналиги ва глобаллигига ўтиш билан тавсифланади.

Глобал муаммолар глобаллашувнинг оқибати сифатида. Кўриб чиқилган глобаллашув жараёнлари одамларга янги ғам-ташвишлар ва ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашувидан келиб чиқадиган янги (глобал) муаммолар келтирди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, улар ижтимоий ривожланишда, шунингдек, «жамият–табиат» тизимида узоқ вақт мобайнида юз берган миқдор ва сифат ўзгаришлари маҳсули бўлди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон ҳамжамияти нафақат янада ранг-баранг, балки аввалгидан ҳам зиддиятлироқ шакл-шамойил касб этгани билан тавсифланадиган ҳозирги вазият тарихда ҳеч қачон бўлмаган.

Бир томондан, у бир-бирига ўхшамайдиган, катта ва кичик, ривожланган ва қолоқ, тинчликсевар ва урушқоқ, ёш ва қадимги кўп сонли маданиятлар, миллатлар ва давлатлардан иборат. Бошқа томондан эса, инсоният учинчи минг йилликка ягона организм сифатида, бир «умумий уй», аниқроқ айтганда, яшаш шароитлари нафақат табиий кўрсаткичлар, яъни яшаш учун яроқли ҳудуд Билан, балки ҳаёт фаолияти учун зарур ресурслар мавжудлиги билан ҳам чегараланган Ер деб аталмиш катта ва одамга тўлиб кетган «коммунал квартира» аҳолиси сифатида қадам қўйди. Бу тўла англаб етиш жараёни сўнгги ўн йилликлардагина юз берган ва эндиликда у билан барча мамлакатлар ва халқлар ҳисоблашишга мажбур бўлган борлиқдир.

Айни вақтда шуни таъкидлаш лозимки*, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши қандайдир янглишиш, кимнингдир хатоси ёки ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг атайлаб танланган стратегияси натижаси эмас. Бу тарих инжиқлиги ёки табиий аномалиялар маҳсули ҳам эмас.* Ушбу муаммоларнинг илдизлари анча чуқур бўлиб, индустриал жамият, умуман технокра-

тик йўналтирилган маданиятнинг кенг миқёсдаги инқирозини юзага келтирган ҳозирги цивилизациянинг вужудга келиш тарихига бориб тақалади.

Мазкур инқироз одамларнинг бир-бири билан, жамият ва табиат билан ўзаро алоқаларининг бутун мажмуини қамраб олди ва деярли бутун жаҳон ҳамжамиятига, ривожланаётган мамлакатларга ва ривожланган мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатди. Инсоннинг атроф-муҳитга салбий таъсири айнан ривожланган мамлакатларда, асосан, бу ерда жадал суръатларда ва стихияли тарзда ривожланган иқтисодиёт билан боғлиқ сабабларга кўра, олдинроқ ва бўртиброқ намоён бўлди. Шу маънода 2008 йилда бошланиб, бутун дунёни ларзага солган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нафақат ривожланган саноат мамлакатлари, балки ривожланаётган, айниқса, бозор муносабатлари қарор топаётган давлатларда ҳам ўз салбий оқибатини ўтказмасдан қолмади. Айни пайтда, глобал молиявий инқироз жаҳон молия банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва уни тубдан ислоҳ қилишнинг зарурлигини кўрсатиб берди. Ушбу молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қандай давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари кўп жиҳатдан бир қатор омилларга, хусусан, мамлакат молия валюта тизими нечоғлик мустаҳкам эканлиги, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги, олтин валюта заҳирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти, шунингдек, иқтисодиётнинг барқарорлик, диверсификация ва рақобатбардошлик даражаси билан боғлиқ. Дарҳақиқат, И.А.Каримов айтганларидек, «Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009–2010-йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади»[1]. Бу эса, республикамиз молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг барқарор ва ишончлилиги, уларнинг ҳимоя механизмларини кучайтириш учун, халқаро молия инқирозининг мамлакат банк тизимига таъсири даражасини эътиборга олган ҳолда, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати дастаклари, ликвидлигини тартибга солиш инструментларини янада такомиллаштириш, банк хизматларидаги инновацияларни ҳисобга олган ҳолда банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни янада такомиллаштиришни талаб қилади. Ҳозирги кунда бу вазифа босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ижтимоий ривожланишнинг жадаллашуви. Бундай ривожланиш, аввало, атроф-муҳитнинг таназзулига олиб келди ва тез орада инсоннинг ўзи ҳам таназзулга юз тутганини намоён этди. Зеро, инсон хулқ-атвори, тасаввурлари ва фикрлаш тарзи, унинг атрофида юз бера бошлаган ўзгаришларга мувофиқ, ўз вақтида ўзгаришга қодир бўлмай қолди. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг жадал суръатларда ривожланишига эса, инсоннинг ўзи ва унинг фан ва техника соҳасидаги янги ва янги ютуқлар билан кўп карра кучайтирилган изчил ўзгартирувчи фаолияти сабаб бўлди.

Сўнгги ўн йилликларнинг ўзида фан-техника ютуқлари ўсиши натижасида жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишида аввалги юз йилликларга қараганда кўпроқ ўзгаришлар рўй берди. Бунда ўзгаришлар жараёни ўсиб борув-

[1] Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009 й. 30-б.

чи тезликда ривожланди ва ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда янада чуқурроқ ва жиддийроқ ўзгаришлар ясади. Масалан, вербаль (оғзаки) мулоқотдан ёзувнинг яратилишига қадар инсоният тахминан уч миллион йилга, ёзувдан китоб босмаси ихтиро қилингунга қадар тахминан беш минг йилга, китоб босмасидан телефон, радио, телевидение каби аудиовизуал воситалар яратилгунга қадар, тахминан беш юз йилга тенг йўлни босиб ўтган бўлса, одатдаги аудиовизуал воситалардан замонавий компьютерларга ўтиш учун эллик йилдан камроқ вақт талаб этилди. Мисли кўрилмаган суръатларда – атиги 10–5 йил ичида одамлар Интернет ва уяли алоқа ёрдамида мулоқот қилиш учун чексиз имкониятларни қўлга киритдилар. Янги ихтиролар яратилганидан улар амалга жорий этилгунга қадар ўтадиган вақт ҳам янада қисқарди; улар энди аксарият ҳолларда йиллар билан эмас, балки ойлар ва ҳатто кунлар билан ўлчанади. XXI асрнинг энг сўнгги кашфиётларидан бири бўлмиш нанотехнологиялар (митти технологиялар)нинг яратилиши инсоннинг барча соҳадаги имкониятларини янада кенгайтирди. (Бу ҳақда Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари мавзусида батафсил маълумот берилган).

Шундай қилиб, атиги икки-уч юз йил муқаддам турли миллатлар асосан алоҳида-алоҳида яшаган, уларнинг ўзаро алоқалари яхши йўлга қўйилмаган бўлса, эндиликда, Ерда нафақат «оқ доғлар», яъни инсон оёғи етмаган жойлар қолмади, балки табиий ҳолатига инсон бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаган соф ҳудудлар, сув ва фазо бўшлиқлари ҳам деярли мавжуд эмас. Буларнинг барчаси энди бизнинг сайёрамизни «умумий уй», «Коинотдаги оролча», «қаттиқ тўлқинланаётган океандаги қайиқ», «дунёвий қишлоқ» деб, барча одамлар учун умумий тус олган муаммоларни эса – оламшумул, умуминсоний, глобал деб номлаш учун асос бўлмоқда.

Глобал тенденцияларни англашнинг аҳамияти. Жаҳонда юз бераётган ўзгаришларнинг баъзи бир тенденциялари олимлар ва файласуфлар диққат марказидан бу ўзгаришлар барчага равшан бўлишидан олдинроқ ўрин олди. Масалан, ижтимоий ривожланишга турли цивилизацияларнинг олдинма-кетин алмашиши сифатида қараган инглиз тарихчиси А.Тойнби (1889–1975), компьютер инқилобидан анча олдин «XX асрда умумжаҳон тарихи бошланди», деган хулосага келди. Шу тариқа, туб ўзгаришлар нафақат жамият қурилиши негизларида, балки дунё миқёсида юз бераётган ижтимоий жараёнларнинг асосий тенденцияларида ҳам акс этгани таъкидланди.

Ҳозирги замон немис фалсафасининг атоқли намояндаси К.Ясперс (1883–1969) бу хусусда янада аниқроқ фикр билдирди. У, 1948 йилда эълон қилган «Тарих куртаклари ва унинг мақсади» асарида, жумладан, шундай деб ёзади: «Илк бор оламшумул аҳамият касб этган бизнинг тарихан янги шароитимиз Ерда одамларнинг реал бирлигидан иборатдир. Замонавий алоқа воситаларининг техник имкониятлари шарофати билан сайёрамиз инсонга тўла очиқ бўлган ягона яхлитликка айланди»[1].

Бу, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, тарихий ўлчовларга кўра жадал суръатларда эмас, балки мисли кўрилмаган шитоб билан юз берди. Бунда дунёнинг ягоналиги тарихий тараққиётни белгиловчи муҳим омилга айланди. Иккинчи жаҳон уруши жаҳон ҳамжамиятининг парокандалигига узил-кесил чек қўйди. Уруш

[1] Ясперс К. Смысл и назначение истории. –М.: 1991 г. с. 141.

тугагани заҳоти, К.Ясперс, «Шу даврдан эътиборан яхлит бир бутуннинг ягона тарихи сифатидаги жаҳон тарихи бошланади. Энди бутун дунё асосий муаммо ва вазифага айланди. Шу тариқа тарихнинг бутунлай ўзгариши юз беради. Дунё мамлакатлари ва халқлари туташди. Ер курраси яхлит ва ягона тус олди. Янги хавфлар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Барча муҳим муаммолар дунё миқёсидаги муаммоларга, вазият – бутун инсоният вазиятига айланди»[1], – деб қайд этди.

Борлиқ, онг, ҳаётнинг мазмуни азалий фалсафий муаммоларига ва фалсафада муттасил муҳокама қилинадиган бошқа масалаларга, **ҳозирги давр шу тариқа илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, мутлақо янги мавзу – инсониятнинг ягона тақдири ва Ердаги ҳаётни сақлаш** мавзусини қўшимча қилди.

XX асрда фан ва техника соҳасидаги ақлни лол қолдирадиган натижалар таъсирида илк технократик ижтимоий назариялар пайдо бўлди. Шулардан бирининг муаллифи – америкалик иқтисодчи ва социолог Т.Веблен жамиятнинг ривожланишида саноат ишлаб чиқариши ва техника тараққиётининг етакчи ролини биринчилардан бўлиб фалсафий жиҳатдан асослаб берди. Унинг фикрича, ҳозирги замон давлати муҳандислар ва техниклар томонидан бошқарилиши лозим, чунки ишлаб чиқаришни жамият манфаатларида ривожлантириш (бу ғоя Т.Веблен технократик назариясининг мағзини ташкил этади) фақат уларнинг қўлидан келади ва сиёсий ҳокимият уларга айни шу мақсадни рўёбга чиқариш учун керак.

Шу даврда янги тенденцияларга нисбатан бошқача муносабатни илгари сурувчи ёндашувлар ҳам пайдо бўлди. Хусусан, табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабати муаммоларини англаб етишда В.И.Вернадскийнинг роли ва у ноосферани яхлит умумбашарий ҳодиса сифатида тушуниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунга ўхшаш фикрларни таниқли француз файласуфи, теолог П.Тейяр де Шарден ҳам илгари суради. Биосферанинг таркибий қисми сифатида инсоннинг бетакрорлигини асослашга ҳаракат қилар экан, у инсоннинг табиат билан муносабатларини уйғунлаштириш концепциясини ривожлантирди ва бутун инсониятнинг бирлашиши йўлида эгоистик ниятлардан воз кечишга чақирди[2].

Шундай қилиб, файласуфлар ва олимлар XX асрнинг биринчи ярмидаёқ нафақат янги давр – умумбашарий ҳодисалар даври бошланаётганини, балки бу янги шароитларда одамлар табиий ва ижтимоий стихияга фақат баҳамжиҳат қаршилик кўрсата олиши мумкинлигини ҳам англаб етдилар.

Технооптимизм. Аммо, қайд этилган қарашлар 60-йилларнинг бошларига келиб, технократик кайфиятларнинг янги тўлқини билан четга суриб қўйилди ва қарийб икки ўн йиллик мобайнида оммавий онгга ўз таъсирини йўқотди. Бунга урушдан кейинги даврда жаҳоннинг деярли барча иқтисодий ривожланган мамлакатларини қамраб олган саноат юксалиши сабаб бўлди. 50–60-йилларда ижтимоий тараққиёт истиқболлари Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам аксарият мамлакатлар учун порлоқ бўлиб туюлар эди. *Ижтимоий онгда ҳар қандай дунёвий ва ҳатто коинот муаммоларини фан ва техника ёрдамида ҳал қилиш мумкин, деган иллюзияни яратган технооптимистик кайфиятлар кучайди* Бундай қарашлар, «истеъмол жамияти»ни ижтимоий ривожланиш мақсади, деб эълон қилган кўп сонли назарияларда ўз аксини топди. Айни шу даврда, «индустриал», «постиндустри-

[1] Ясперс К. Смысл и назначение истории. –М.: 1991 г. с. 142.

[2] Қаранг: П.Т. де Шарден. Феномен человека. –М.: 1987 г. с. 194.

ал», «технотрон», «информацион» жамиятларнинг турли концепцияларини яратиш устида фаол иш олиб борилди.

1957 йилда таниқли иқтисодчи ва социолог Ж.Гелбрейт «Серобгарчилик жамияти» китобини эълон қилди ва унинг асосий ғояларини кейинчалик, ўзининг «Янги индустриал жамият» деб номланган бошқа асарида ривожлантирди. Унинг асарларида, инсон фан ва техника соҳасида эришаётган ютуқларга юксак ва фақат ижобий баҳо берилади, мазкур ютуқлар таъсирида жамият иқтисодий ва ижтимоий тузилмаларида чуқур ўзгаришлар юз бераётганига эътибор қаратилади.

Таниқли француз файласуфи Р.Арон асарларида, шунингдек, унинг 1956–1959-йилларда Сорбонна университетида ўқилган маърузаларида, америкалик сиёсатшунос У.Ростоунинг 1960 йилда чоп этилган ва ўз даврида шов-шувга сабаб бўлган «Иқтисодий ўсиш босқичлари. Нокоммунистик манифест» китобида «индустриал жамият» назарияси янада тўлароқ асослаб берилди.

Бу олимлар фикрига кўра, фан-техника инқилоби таъсирида «одатдаги» аграр жамият ўрнини саноат жиҳатидан тараққий этган «индустриал» жамият эгаллайди ва бу ерда бозор шароитида оммавий ишлаб чиқариш биринчи ўринга чиқади. Саноатнинг ривожланиш ва техника ютуқларидан фойдаланиш даражаси бундай жамият прогрессивлигининг бош мезонларига айланади.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларига компьютерларнинг кенг жорий этилиши янги назариялар, чунончи: «постиндустриал», «информацион» (Д.Белл, Г.Кан, Ж.Фурастье, А.Турен), «технотрон» (З.Бжезинский, Ж.Ж.Серван-Шрайбер), «ўта индустриал», «компьютер» (А.Тоффлер) жамияти назариялари юзага келишига сабаб бўлди. Уларда ижтимоий тараққиётнинг асосий мезони сифатида техника ютуқлари, аниқроғи фақатгина улар эмас, балки фан ва таълимнинг ривожланиши амал қилади. Компьютер техникаси негизида яратилган янги технологияларнинг амалга жорий этилиши тараққиётнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Америкалик таниқли файласуф ва социолог Д.Белл бўлғуси ижтимоий қурилиш шакл-шамойилларини белгилар экан, ҳали Интернет пайдо бўлишидан анча олдин шундай деган эди: «Шунга ишончим комилки, ахборот ва назарий билим постиндустриал жамиятнинг стратегик ресурсларидир. Бундан ташқари, ўзининг янги ролида улар ҳозирги тарихнинг туб бурилиш нуқталаридир»[1].

Д.Белл, *биринчи бурилиш нуқтаси сифатида ҳозирги жамиятда «умумий билим» сифатида асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланган фан хусусиятининг ўзгаришини қайд этади. Иккинчи бурилиш нуқтаси янги технологиялар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, улар, саноат инқилоби даври технологияларидан фарқли ўлароқ, ўта мослашувчан ва осонгина қайта ихтисослаштирилиши мумкин*. У «Ҳозирги технология бетакрор ва айни вақтда ранг-баранг натижаларга эришиш учун кўп сонли муқобил йўллар очади, бунда моддий неъматлар ишлаб чиқариш мислсиз даражада ўсади. Булар – имкониятлар, ҳамма гап уларни рўёбга чиқаришда»[2], деб қайд этган эди.

Технопессимизм, *фан-техника ютуқлари инсониятни боши берк кўчага олиб киради ва пировардда, у ҳалок бўлади, деб ҳисоблайди*. Кўриб чиқилаётган наза-

[1] Белл Д. Социальные рамки информационного общества / Новая технократическая волна на Западе. –М.: 1986 г. с. 342.

[2] Там же: с. 342.

рияларнинг айрим тарафдорлари, фан-техника инқилобининг салбий оқибатларига, хусусан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммоларига маълум даражада эътибор берган бўлсалар-да, лекин, умуман олганда, уларнинг ҳеч бири бундан 1980-йилларнинг ўрталаригача жиддий ташвишга тушмади. Чунки, фан-техника тараққиёти ҳамма нарсага қодир эканлигига ишонч ҳаддан ташқари катта эди.

Айни замонда, 1960-йилларнинг охирларидан экологик қийинчиликлардан ташқари аксарият давлатлар ва ҳатто қитъаларга таҳдид солган бошқа муаммолар: аҳолининг назоратсиз ўсиши, турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг нотекислиги, хом ашё ресурслари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқалар тобора бўртиброқ намоён бўла бошлади. Тез орада улар фан ва фалсафа диққат марказидан ўрин олиб, қизғин баҳс ва мунозаралар предметига айланди.

Кўрсатилган муаммоларни фалсафий таҳлил қилиш борасидаги дастлабки уринишларнинг ўзиёқ технократик тенденцияларга зид бўлган, кейинчалик «технологик пессимизм» деб номланган қарашларни намоён этди. *«Экопессимизм», асосий эътибор инсон фаолиятининг салбий оқибатлари ва атроф-муҳит муаммоларига қаратилган, уларни ечиш имкониятлари салбий тусда кўрилган ҳолдир.*

Кўпгина таниқли олимлар ва файласуфлар, хусусан, Г.Маркузе, Т.Роззак, П.Гудмен ва бошқалар ўз ўтмишдошларини шафқатсиз сциентизмда[1], инсонни фан ва техника қулига айлантиришга уринишда айблаб, фан-техника тараққиётига қарши чиқдилар. Фан-техника тараққиётига ва умуман ижтимоий тараққиётга қарши норозиликнинг янги тўлқини юзага кела бошлади. Бу тўлқин таъсирида пайдо бўлган ғоялар «аксилистеъмол» жамиятини асослашга ҳаракат қилар ва «ўртача одам»ни озгинага қаноат қилиш лозимлигига ишонтиришга қаратилган эди. Глобал муаммолар пайдо бўлишининг айбдорини топишга уриниш жараёнида асосий айб «замонавий технология»га қўйилди. Нафақат фан ютуқлари, балки тараққиёт ғояси ҳам шубҳа остига олинди. Ўз даврида Ж.Ж.Руссо илгари сурган «табиат бағрига қайтиш»га чорловлар пайдо бўлди, иқтисодий ривожланишни эришилган даражада «тўхтатиш» таклиф қилинди.

Рим клуби. Юқорида қайд этилган қарашлардаги туб бурилиш, асосан, Рим клуби фаолияти таъсирида юз берди. 1968 йил Римда ўзининг биринчи мажлисига йиғилган олимлар, файласуфлар ва жамоат арбобларининг бу нуфузли халқаро ташкилоти ҳозирги даврнинг энг муҳим умуминсоний муаммолари бўйича маърузалар тайёрлаш ва эълон қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Бу ташкилотнинг 1972 йилда эълон қилинган «Ўсиш чегаралари» деб номланган биринчи маърузасиёқ жуда катта шов-шувга сабаб бўлди, чунки инсоният ўзи англамаган ҳолда «порохли бочка устида ўтириб, гугурт ўйнаётгани»ни кўрсатиб берди. Рим клубининг асосчиси ва биринчи президенти Аурелли Печчеи мазкур тадқиқотга ёзган сўзбошисида шундай деб қайд этган эди: «Эндиликда она-Еримиз ҳар қандай ўсиш суръатларига дош беришга, инсоннинг ҳар қандай эркаликларини кўтаришга қодир эканлигига соғлом фикрлайдиган одамларнинг бирортаси ҳам

[1] Сциентизм (ингл. *science* – фан) – фаннинг жамият ҳаётидаги ролини мутлақлаштирувчи концепция.

ишонмайди. Ўсиш чегаралари борлиги равшан, лекин уларнинг қандайлиги ва қаердалигини ҳали аниқлаш лозим»[1].

Мазкур маъруза муаллифлари шундай аниқлаш билан шуғулландилар. Олинган натижаларнинг мухтасар мазмуни шундан иборат эдики, сайёрамиз ҳажмининг чегаралари муқаррар тарзда инсон имкониятининг чегараларини ҳам назарда тутади; моддий ўсиш чексиз даражада давом этиши мумкин эмас; ижтимоий ривожланишнинг ҳақиқий чегаралари моддий омиллар билан эмас, балки экологик, биологик ва ҳатто маданий омиллар билан белгиланади. Улар жаҳон ривожланиши асосий тенденцияларининг компьютер моделини тузиб, мазкур тенденциялар сақланган ҳолда, учинчи минг йиллик бошидаёқ, инсоният воқеалар устидан назоратни бутунлай йўқотиши ва натижада ҳалокатга юз тутиши мумкин, деган тўхтамга келдилар. Бундан ишлаб чиқаришнинг ўсишини тўхтатиш, тобора кўпайиб бораётган аҳоли сонини эса тегишли ижтимоий сиёсат ёрдамида барқарорлаштириш лозим, деган хулосага келинди.

Маъруза жаҳоннинг кўплаб тилларига ўгирилди ва дунё бўйлаб кенг тарқалди, ишлаб чиқаришнинг ўсишини тўхтатиш ғояси тарафдорлари ва мухолифлари ўртасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Сўнгра навбатдаги маърузалар мажмуи (бугунги кунда улар йигирматадан ошиб кетди) пайдо бўлди. Бу маърузалар умуминсоний муаммоларнинг кўпгина жиҳатларини ёритиб берди ва уларга нафақат олимлар ва файласуфлар, балки сиёсатчилар, жамоат арбоблари, умуман жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратди.

Глобал муаммоларни ечишда фалсафанинг роли. Оғир ва мураккаб вазифаларни ечишда инсонга фан доим ёрдам берган. Бир пайтлар эришиб бўлмайдиган, инсон имкониятлари даражасидан ташқарида бўлиб туюлган нарсаларнинг аксариятига айнан фан ёрдамида эришилган. Айни шу сабабли глобал муаммолар хавф солаётгани ҳақидаги илк огоҳлантиришларнинг ўзиёқ одамларни фанга ўз эътиборини қаратишга, олимларни эса, бу муаммоларни ечиш йўлларини излашга мажбур қилди.

Юзага келган вазиятнинг ўзига хослиги ва янгилиги шундан иборатки, ҳар қандай муайян муаммоларни айрим фан ёки бир неча фанлар мажмуи доирасида ўрганиш мумкин бўлса, инсон, жамият ва табиатни уларнинг кўп сонли ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқликларида қамраб олувчи мураккаб тизимдан иборат глобал муаммоларни тадқиқ этишга айрим фанлар қодир эмас. Зеро, ўз тадқиқоти объекти – у ёки бу айрим муаммони бошқа глобал муаммолар контекстида талқин қилишга муайян фанлар доираси торлик қилади. Шу сабабли, у ёки бу фан қайси муайян вазифаларни ечишидан қатъи назар, улар билан боғлиқ жараёнлар ва ҳодисаларга, яъни бутун вазиятга, шу жумладан охир-оқибатда олинган натижаларга нисбатан фалсафий ёндашув доимо тадқиқотнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Ҳар қандай айрим фанлар муайян босқичда ўз тадқиқот предметини фалсафий жиҳатдан англаб етишга у ёки бу даражада муҳтож бўлади. Муайян фан предметига ва инсоният олдида турган муаммоларга нисбатан бундай кенг ёндашувсиз фундаментал кашфиётлар қилиш ҳам, умуман фаннинг ривожланиши ҳам мумкин эмас.

[1] Печчеи А. Человеческие качества. –М.: 1980. с. 123–124.

Шундай қилиб, айни ҳолда, бир томондан, масалаларнинг фалсафий ечими тўғрисида, бошқа томондан эса – фалсафа фанларнинг кенг доираси ўзаро алоқа қилишини рағбатлантириши, бунда уларнинг фанлараро бирлашуви муҳим ўрин тутиши тўғрисида сўз юритилади.

Гарчи фалсафа одамларнинг кундалик ҳаёти ва амалиётидан анча узоқда бўлган ҳаддан ташқари умумий масалаларни ўрганади, деган фикр мавжуд бўлсада, у (фалсафа) глобал муаммоларни ечишда муҳим роль ўйнайди. Зеро, умумий назариялар, баъзан билимнинг аксарият муайян соҳаларига қараганда кўпроқ самара бериши мумкинлиги яхши маълум.

Албатта, фалсафа сиёсий ва бошқа қарорлар қабул қилиш жараёнига муқаррар тарзда ва бевосита таъсир кўрсатади, деб айтиш унча ўринли бўлмайди. Зеро, унинг бош вазифаси дунёқарашни шакллантириш ва шу тариқа амалий қарорлар ишлаб чиқиш жараёнига билвосита таъсир кўрсатишдан иборат. Унинг вазифаси глобал муаммоларнинг табиий-илмий ва техникавий жиҳатларини бевосита ўрганишдан эмас, балки бошқа фанлар таклиф қиладиган тегишли ечимларнинг фалсафий, методологик, маданий ва ахлоқий негизини таъминлашдан иборат.

Фалсафий тадқиқот муайян фанларнинг мазкур соҳадаги ютуқларига таяниб, масаланинг айрим жиҳатларини мавҳумлаштиради ва глобал муаммоларни улар бир-бирини қай даражада тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганади. Бошқача айтганда, фалсафий ёндашув глобал муаммоларни уларнинг ижтимоий аҳамияти ва ижтимоий белгиланганлиги нуқтаи назаридан яхлит ўрганишни назарда тутади. Бундай тадқиқот, аввало, глобал муаммоларнинг моҳиятини аниқлашни назарда тутади, чунки уларнинг асл табиати ва генезисини аниқлаш бу муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини топиш йўлларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Глобал муаммоларни фалсафий англаб етишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлар эканмиз, фалсафанинг асосий функцияларидан келиб чиқадиган ва билишнинг шу шаклигагина хос бўлган хусусиятларни қайд этиб ўтамиз.

Биринчидан, фалсафа, дунёқарашни шакллантирар экан, инсон фаолияти йўналишини кўп жиҳатдан белгилайдиган муайян мўлжаллар беради. Шу тариқа фалсафа ўзининг дунёқарашни шакллантириш ва аксиологик функцияларини бажаради.

Иккинчидан, турли фанлар доирасида ўрганиладиган мураккаб тизимлар ҳақида яхлит тасаввур мавжуд эмаслиги бу фанларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлида жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шу маънода, фалсафанинг мазкур фан доирасида юзага келадиган назарияларни умумлаштирувчи методологик функцияси, айниқса, муҳим аҳамият касб этади, чунки илмий билимнинг интеграциялашувига кўмаклашади.

Учинчидан, фалсафа ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни тарихий контекстда тушунтириш имконини беради. У жамият ва табиат ривожланишининг умумий қонунларини таърифлайди ва шу сабабли глобал муаммоларни ўрганишда уларни ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлган қонуний ҳодиса сифатида тушунишга йўл кўрсатади. Шундай қилиб, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши тасодиф ёки инсониятни ҳалокатга олдиндан маҳкум этувчи тақдирнинг ҳукми сифатида эмас, балки қарама-қаршиликларга тўла инсоният тарихи объектив ривожланиш жараёнининг маҳсули сифатида қаралади.

Тўртинчидан, фалсафа глобал муаммолар ривожланишининг умумий тенденциясини, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиш даражасини фалсафий нуқтаи назардан англаб етиш имконини беради.

Бешинчидан, фалсафа назарий фикрлаш маданиятини ривожлантириш учун имконият яратиш орқали маънавий – маданий функцияни бажаради. Турли халқларнинг фалсафа тарихини ўрганиш, уларнинг маданияти билан ҳам танишиш имконини беради. Муайян халқлар олдида турган муаммоларнинг бирортасини ҳам уларнинг маданиятига боғламасдан ечиш мумкин эмас.

Олтинчидан, глобал муаммоларга оид илмий ахборотнинг шиддат билан ўсиб бораётган оқимида янада аниқроқ мўлжал олиш имконияти табиий-тарихий жараённи яхлит кўриш ва уни талқин қилишга нисбатан диалектик ёндашув маҳсули ҳисобланади.

Еттинчидан, фалсафа инсон ҳаётининг мазмуни, ўлим ва умрбоқийлик масалаларини кун тартибига қўядики, бу инсониятга глобал муаммолар таҳдид солаётган шароитда айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Ниҳоят, фалсафанинг яна бир муҳим методологик функцияси шундан иборатки, у инсониятнинг ҳозирги муҳим муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлган ва башарият ривожланишининг объектив тенденцияларини тушуниш ва англаб етишда улкан роль ўйнайдиган «табиат», «жамият», «цивилизация», «ижтимоий тараққиёт», «фан-техника инқилоби» каби бошқа категорияларни ишлаб чиқади.

Ҳозирги даврнинг глобал муаммоларини ўрганишга нисбатан фалсафий ёндашув ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилгач, энди глобаллашув жараёнлари кучайишига қараб аҳамияти ошиб бораётган муаммоларнинг ўзини шу нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

Глобал муаммоларнинг моҳияти. *«Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари» тушунчаси 1960-йиллар охири – 1970-йилларнинг бошларида кенг тарқалди ва шундан бери илмий ва сиёсий муомала(лексикон) ҳамда оммавий онгдан мустаҳкам ўрин олди.* Аксарият ҳолларда у глобал саналмаган воқеалар ва ҳодисаларга нисбатан қўлланиладиган атама сифатида ишлатилади. Бундай ҳолга миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик воқеалар тенглаштирилганида, масалан, муайян бир мамлакатнинг ижтимоий муаммоларини назарда тутиб, улар «глобал» деб номланган ҳолда дуч келиш мумкин.

Фалсафада бу вазифани ечиш учун тегишли мезонлар белгиланган бўлиб, уларга мувофиқ у ёки бу муаммо глобал деб белгиланади ва шу тариқа бундай хусусиятга эга бўлмаган бошқа кўп сонли муаммолардан фарқланади.

Этимологик жиҳатдан «глобал» атамаси, «глобаллашув» атамаси каби, ер курраси билан боғлиқ. Айни шу сабабли *бутун инсоният манфаатларига дахлдор муаммоларни ҳам, дунёнинг турли нуқталаридаги ҳар бир айрим инсонга тегишли бўлган, яъни умуминсоний хусусият касб этадиган муаммоларни ҳам «глобал» деб номлаш одат тусини олган*. Улар жаҳон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг муҳим объектив омили сифатида айрим мамлакатлар ва минтақаларнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Уларни ечиш аксарият давлатлар ва ташкилотларнинг куч-ғайратини халқаро даражада бирлаштиришни назарда тутади. Айни вақтда глобал муаммоларнинг ечилмай қолиши, бутун инсоният келажаги учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Муаммоларнинг турли даражалари. Глобал муаммолар бутун дунёгагина тегишли бўлмай, унинг минтақалари ва ҳатто айрим мамлакатлар даражасида намоён бўлгани боис, илмий адабиётларда уларнинг умуминсоний аҳамиятини тан олиш билан бир қаторда, уларни моҳияти ўзгача, таъсир доираси эса торроқ бўлган айрим, маҳаллий, минтақавий муаммолардан фарқлаш ҳам амалга оширилади. Турли даражадаги муаммоларни «умумийлик», «хусусийлик» ва «яккалик» фалсафий категорияларининг муайян ифодаси сифатида ўрганар эканлар, уларни одатда шундай талқин қиладиларки, хусусий муаммолар айрим муаммолар сифатида, маҳаллий ва минтақавий муаммолар – хусусий муаммолар сифатида, глобал муаммолар эса – умумий муаммолар сифатида амал қилади. Зикр этилган муаммоларни фарқлаш замирида ётувчи асосий мезон ҳам айни шу ёндашувни белгилайди. У географик деб аталади, чунки макон омилини ёки, бошқача айтганда, муайян муаммолар мавжуд ҳудудни акс эттиради.

Хусусий муаммолар *давлат фаолиятининг муайян жабҳасига, айрим аҳоли яшайдиган пунктларга ёки кичик табиий объектларга тегишли бўлган муаммолардир.* Булар, одатда, турли авариялар, носозликлар натижасида юзага келадиган ҳар хил муаммолар, маҳаллий ижтимоий конфликтлар ва шу кабилар.

Маҳаллий муаммолар *тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади.* Бу ерда, одатда, кучли зилзилалар, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

Миллий муаммолар *тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғамташвишларини акс эттиради. Миқёс даражасига қараб улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.*

Минтақавий муаммолар *айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади*. Бундай муаммоларга Шарқий Европанинг бир неча мамлакатлари ҳудуди радиоактив заҳарланишига олиб келган Чернобиль фожиаси ёки бир қатор давлатларни қамраб олувчи анча катта ҳудудларда юз берган иқлим ўзгаришлари мисол бўлиши мумкин. Масалан, 1968 йилда Сахел минтақасида юз берган қурғоқчилик «аср фалокати» деган ном олди. У Африка қитъасининг 18 давлатини қамраб олди, бунда очарчилик натижасида 250 мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлди, тахминан 18 миллион бош қорамол нобуд бўлди, хавфли касалликларнинг эпидемиялари юзага келди, бу улкан минтақа ҳудуди эса деярли тўла саҳрога айланди.

Глобал муаммолар *бутун ер куррасини, унинг нафақат одамлар бевосита яшайдиган қисмини, балки Ернинг қолган юзаси, ер ости бўшлиқлари, атмосфера, гидросфера ва ҳатто инсон фаолияти доирасига кирувчи космик фазони қамраб олиши билан изоҳланади.*

Шундай қилиб, глобал муаммолар тўғрисида сўз юритилганда бутун сайёра назарда тутилади, унинг энг йирик таркибий бирлиги сифатида эса минтақа қабул қилинади. Бунда минтақалар сони ва уларнинг миқёси кўриб чиқилаётган муаммолар хусусияти билан белгиланади. Масалан, дунё миқёсидаги иқтисодий

қолоқлик муаммосини тадқиқ этишда, одатда, бутун сайёрани икки минтақа – ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга ажратиш билан кифояланилади. Демографик, энергетик муаммолар ёки хом ашё муаммоларини ўрганишда эса, минтақалар сони кўпаяди ва ҳар сафар тадқиқотнинг муайян мақсадлари билан белгиланади.

Бунда шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай муаммо сайёранинг исталган минтақасига нисбатан муҳим саналган, яъни уларнинг ҳар бирида намоён бўлган ҳолдагина глобал, деб ҳисобланиши мумкин. Акс ҳолда, бир ёки бир неча минтақаларнинг муаммолари (ёки бундан ҳам кичикроқ миқёсдаги муаммолар) тўғрисида сўз юритилади.

Бундан барча глобал муаммолар, айни вақтда, минтақавий аҳамият ҳам касб этади, лекин минтақавий даражада аниқланган барча муаммолар ҳам глобал бўлавермайди, деган хулоса келиб чиқади. Ўз-ўзидан равшанки, глобал муаммолар сони камроқ бўлади. Бошқа даражаларга келсак, глобал муаммолар бевосита маҳаллий ёки хусусий кўринишга эга бўлмаслиги ёки бу ерда унча сезилмаслиги мумкин.

Масалан, Антарктидада ёки сайёрамизнинг атроф-муҳит ифлосланадиган асосий марказлари ва манбаларидан анча узоқда жойлашган бошқа бурчакларида ҳаво ёки сув ҳавзаларининг ҳолати қониқарли бўлиши, табиий муҳитга антропоген таъсир эса, деярли сезилмаслиги мумкин. Шунга қарамай, бу кескинлик даражаси табиий муҳитга антропоген таъсирнинг нотекислигига боғлиқ бўладиган экологик муаммонинг глобал хусусиятига шак-шубҳа туғдирмайди. Ўз навбатида, барча маҳаллий ёки хусусий муаммолар глобал муаммолар билан боғланавермайди, зеро, уларнинг сони таққослаб бўлмайдиган даражада кўпроқдир.

Келтирилган мулоҳаза глобал ва минтақавий муаммоларни нафақат илмий балки, амалий жиҳатдан ҳам фарқлаш имконини беради, чунки барча глобал муаммолар ўз миқёсида ўзгармайдиган ягона тизим – бутун сайёрага тегишлидир. Шу сабабли мазкур тизим учун уларнинг сони маълум тарихий босқичда муайян ҳисобланади. Айни вақтда бошқа даражадаги муаммолар сонининг аниқ ҳисобини юритиш мумкин эмас. Зеро, минтақаларнинг ва турли ҳудудларнинг чегаралари тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига қараб шартли олинади.

Глобаллик мезонлари. Фан ва фалсафада глобал муаммоларни янада аниқроқ тавсифлаш учун юқорида зикр этилган «географик» мезондан ташқари бу муаммоларни бошқа томондан – уларнинг сифати ва муҳим хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифловчи қўшимча мезонлар қўлланилади.

Биринчидан, *глобал муаммолар ўз моҳиятига кўра нафақат айрим кишиларнинг манфаатларига, балки бутун инсоният тақдирига дахлдордир*.

Иккинчидан, *уларни бартараф этиш учун бутун сайёра аҳолиси ҳеч бўлмаса аксарият қисмининг куч-ғайратини бирлаштириш ва улар баҳамжиҳат, изчил иш кўриши талаб этилади.*

Учинчидан, *бу муаммолар дунё ривожланишининг объектив омили ҳисобланади ва бирон-бир мамлакат уларни эътиборга олмаслиги мумкин эмас*.

Тўртинчидан, *глобал муаммоларнинг ечилмагани келажакда бутун инсоният ва унинг яшаш муҳити учун жиддий, балки тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.*

Қайд этилган мезонлардан ташқари баъзан глобал муаммоларнинг бошқа бир қатор хусусиятлари ҳам кўрсатилади. Хусусий, маҳаллий ва минтақавий муаммолардан фарқли ўлароқ, глобал муаммолар нисбатан турғунроқдир. Улар глобалликнинг юқорида санаб ўтилган барча мезонларига мос келишдан олдин, зимдан ва узоқ шаклланади, ечилишига қараб эса (назарий жиҳатдан), қуйироқ даражага тушиб, дунё миқёсида ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Аммо тенденцияларни тескари йўналишда ўзгартириш камида бутун жаҳон ҳамжамиятининг изчил ҳаракатларини талаб этувчи ўта оғир иш бўлиб, ҳали бунга эришилганича йўқ. Глобал муаммолар мавжудлигининг нисбатан қисқа тарихига нафақат уларнинг қуйироқ даражага тушиши, балки сусайиш ҳоллари ҳам маълум эмаслигининг сабаби ана шундадир.

Глобал муаммоларнинг бошқа бир муҳим хусусияти – уларнинг барчаси бир-бирига шу даражада боғлиқки, улардан бирини ечиш ҳеч бўлмаса унга бошқа муаммоларнинг таъсирини ҳисобга олишни назарда тутади.

Глобал муаммоларнинг таснифи. Глобал муаммоларнинг келтирилган мезонлари ва ўзига хос хусусиятлари асосан мазкур соҳадаги аксарият тадқиқотчиларнинг қарашларини акс эттиради ва глобал муаммоларни бошқа барча муаммолардан фарқлаб, аниқ айтиш имконини беради. Бунда у ёки бу муаммонинг кескинлик ва муҳимлик даражасини белгилаш, унинг бошқа муаммолар билан ўзаро нисбатини аниқлаш учун одатда турли таснифлашлар амалга оширилади, улар алоҳида гуруҳларга ажратилади.

Таснифлаш бирдан-бир мақсад ҳисобланмайди, балки ҳозирги даврнинг ўта кескин зиддиятларини комплекс ўрганишнинг муҳим элементи сифатида амал қилади ва мазкур муаммоларни уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганиш имконини беради. У муҳим алоқаларни фарқлаш, устуворликларни ва объектив мавжуд глобал муаммоларнинг кескинлашув даражасини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, таснифлаш глобал муаммоларнинг тизимли ўзаро алоқасини янада теранроқ тушунишга кўмаклашади ва амалий қарорлар қабул қилиш кетма-кетлигини белгилашга ёрдам беради.

Изчил ва аниқ амалга оширилган таснифлаш билишнинг мазкур соҳасидаги аввалги тадқиқотларни маълум даражада сарҳисоб қилади ва айни вақтда, бундай тадқиқотларнинг ривожланишида янги босқич бошланганини қайд этади.

Ҳозирги замонда глобал муаммоларни таснифлашга нисбатан ҳар хил ёндашувлар орасида, айниқса, кенг эътироф этилган таснифга мувофиқ глобал муаммоларнинг барчаси уларнинг кескинлик даражаси ва ечимининг аҳамиятига, шунингдек, реал ҳаётда уларнинг ўртасида қандай сабабий боғланишлар мавжудлигига қараб уч катта гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ энг катта умумийлик ва муҳимлик даражаси билан тавсифланадиган муаммолар. Улар турли давлатлар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқади. Айни шу сабабли улар *интерижтимоий глобал муаммолар деб аталади*. Бу ерда жамият ҳаётидан урушни бартараф этиш ва адолатли дунёни таъминлаш; янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш каби икки ўта муҳим муаммо фарқланади.

Иккинчи гуруҳ жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири натижасида юзага

келадиган муаммолар бўлиб, улар одамларни энергия, ёнилғи, чучук сув, хом ашё ресурслари ва шу кабилар билан таъминлаш кабилардир. Бу гуруҳга экологик муаммолар, шунингдек, Жаҳон океани ва космик фазони ўзлаштириш ҳам киради.

Учинчи гуруҳни «инсон – жамият» тизими билан боғлиқ муаммолар яъни демография муаммоси, соғлиқни сақлаш, таълим, халқаро терроризм таҳдиди маънавият масалалари ва шу кабилардир.

У ёки бу муаммонинг муайян гуруҳга киритилиши маълум даражада шартли хусусият касб этади ва муҳим омилларга, уларни ажратиш асосларига боғлиқ бўлади. Шу сабабли ҳар қандай тасниф масала ечимининг узил-кесил варианти сифатида эмас, балки мураккаб тизимни қайта тузишнинг глобал муаммолар ўзаро алоқаси табиатини яхшироқ тушунишга кўмаклашадиган усулларидан бири сифатида қаралиши лозим.

Энди бутун инсониятга жиддий хавф туғдираётган энг муҳим муаммоларга қисқача тавсиф берамиз.

Асосий глобал муаммолар тизими. Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари ўз ҳолатини замонда тинимсиз ўзгартирадиган ягона, фаол ва очиқ тизим ҳисобланади, чунки унга умуминсоний аҳамиятга молик бўлган янги муаммолар кириши, аввалги муаммолар эса, уларнинг ечилишига қараб, йўқолиши мумкин. Рим клубининг асосчиси ва биринчи президенти А.Печчеи бу ҳолатга эътиборни қаратиб, инсоният қаршисида кўндаланг бўлган аксарият муаммолар «бир-бири билан маҳкам чирмашиб олди, улкан спрут чангали янглиғ бутун сайёрани ўз исканжасига олмоқда... ечилмаган муаммолар сони ўсиб бормоқда, улар янада мураккаброқ тус олмоқда, уларнинг чирмашуви янада чигаллашмоқда, уларнинг «исканжаси» эса сайёрамизни ўз чангалида тобора қаттиқроқ сиқмоқда»[1], деб ёзган эди.

Аммо глобал зиддиятлар тугуни қанчалик чигал бўлмасин, уни фан ва фалсафа ёрдамида ечиш, яъни сабабни оқибатдан, муҳим тафсилотларни иккинчи даражали тафсилотлардан, объективни субъективдан фарқлаш учун назарий жиҳатдан англаб етиш лозим. Дунё миқёсидаги жараёнларга таъсир кўрсатиш учун одамларнинг имкониятлари ва ресурслари чекланганини ҳисобга олиб, муаммоларнинг қайси бири дарҳол ечишни талаб қилиши ва қайси бири иккинчи даражали аҳамият касб этишини ҳам фарқлаш муҳимдир.

Демографик муаммо. *Ҳозирги замонда инсониятнинг энг муҳим муаммолари орасида, аксарият давлатлар ва минтақаларда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайишига сабаб бўлаётган аҳолининг назоратсиз ўсиши қайд этилади.* Айрим мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, сайёрада мавжуд энергетика, хом ашё, озиқ-овқат ва бошқа ресурслар Ерда фақат бир миллиардга яқин киши («олтин миллиард») муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаши мумкин. Ваҳоланки, охирги минг йиллик мобайнида сайёрамиз аҳолиси 15 баравар кўпайди ва бугунги кунда 6 миллиард кишидан ошиб кетди. Бунда нафақат миқёс, балки аҳолининг ўсиш суръатлари ҳам ақлни лол қолдиради. Хусусан, биринчи икки баравар кўпайиш 700 йил ичида, иккинчиси – 150 йил ичида, учинчиси – 100 йил ичида ва охиргиси – 40 йилдан камроқ вақт ичида юз берди. Шуни айтишнинг ўзи кифояки, 1956

[1] Печчеи А. Человеческие качества. –М.: 1980 г. с. 7.

йил Ерда 2,8 миллиард киши яшаган бўлса, XX аср охирига келиб, бу рақам 6 миллиардга етди.

XX асрда Ер курраси аҳолисининг «демографик портлаш» деб номланган мислсиз даражада ўсиши биологик қонунларнинг эмас, балки стихияли, нотекис ижтимоий ривожланиш ва инсоният катта машаққатлар билан бартараф этишга ҳаракат қилаётган чуқур ижтимоий зиддиятлар маҳсули бўлди. Бу, аввало, ривожланаётган мамлакатларга тегишли бўлиб, уларга жаҳон аҳолиси ўсишининг ўндан тўққиз қисмидан кўпроғи тўғри келади. Бу ердаги вазият ривожланган мамлакатларга XX аср бошидаёқ хос бўлган ўлим даражасининг юқорилиги ва бутун инсониятга XVIII асрга хос бўлган туғилиш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Айни вақтда меҳнат унумдорлиги даражаси ва аҳоли жон бошига олинадиган даромад миқдорига, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлик даражаси ва қишлоқ хўжалигининг самарадорлигига, аҳолининг саводхонлик даражаси ва умумий маданий савиясига кўра, бу мамлакатлар халқларининг аксарияти ҳали XIX асрда яшамоқда.

Демографик муаммолар жуда мураккаб ва ўта турғун бўлиб, уларни тез бартараф этиш мумкин эмас. Уларни ечиш кечга сурилгани сари, янада мураккаброқ ва чигалроқ тус олади. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатларда барча ҳукуматлар туғилиш даражасини пасайтиришга қаратилган демографик сиёсатни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда 1995 йилда «Оилани режалаштириш» Давлат дастури қабул қилинди. Бу дастурда ҳар бир оилада фарзанд туғилишини режалаштиришнинг она ва бола соғлигини асрашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлардан бири бўлиши билан бир қаторда, мамлакатда демографик портлашнинг олдини олиш вазифасини босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган. Бу борада барча вилоятларда, қишлоқ ва овулларда репродуктив саломатлик бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолининг ўртача ёши эркаклар орасида – 73, аёллар орасида – 75 ёшга тенг.

Мазкур муаммо ривожланган мамлакатларда ҳам кескинлашди, лекин бу ерда унинг акс кўринишига дуч келиш мумкин. Умр узунлигининг ва кекса одамлар сонининг ўсиши жараёнида ҳатто аҳолининг оддий кўпайишини ҳам таъминламайдиган туғилиш даражасининг пасайиши кузатилмоқда. Айни ҳолда депопуляция, яъни аҳоли сонининг камайиши тўғрисида сўз юритилади-ки (Россия аҳолиси ўртача 54 ёшни ташкил қилади), бу ҳам миллий манфаатлар, ижтимоий дастурларни амалга ошириш, пенсия таъминоти ва шу кабиларга тегишли қўшимча қийинчиликларни юзага келтиради. Россиядаги сўнгги 20 йилликдаги демографик жараёнлар бунга ёрқин мисол бўлади. Бироқ, кейинги беш йилда бу масалада ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, аҳоли сони ортиши ва ўртача умргузаронлик 4 йилга ошди.

Таълим муаммоси. Демографик портлаш сабаблари таълим муаммоси билан узвий боғлиқ. Сўнгги йилларда, жаҳонда саводсизлар сони фоиз ҳисобида камайган бўлса, мутлақ ҳисобда ўсишда давом этмоқда. Бунда маълумотсиз одамларнинг ҳаёти амалда кўп болаликни хурофий ақидалар билан оқлайдиган архаик оилавий анъаналарга бўйсунади. Пировардда, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут бу жиҳатдан ҳам ортишда давом этмоқда. Ҳозирги вақтда

ажабтовур вазиятни кузатиш мумкин: саводхонлик мутлақ рақамларда ўсаётган бир пайтда, саводсизлар, яъни ўқиш, ёзиш, оддий арифметик амалларни бажаришни билмайдиган одамлар сони ҳам ўсиб бормоқда (Ҳиндистон аҳолисининг 70 фоизи, Покистон аҳолисининг 60 фоизи, Африка мамлакатлари аҳолисининг 80 фоизи саводсиз).

Шу билан бир қаторда аксарият одамларнинг маълумот даражаси янги технологиялар ва компьютер техникасидан кенг фойдаланувчи ҳозирги жамиятда тўлақонли яшаш ва меҳнат қилиш имконини бермаслиги билан боғлиқ *функционал саводсизлик ҳам ўсиб бормоқда*.

Бу муаммонинг бошқа бир жиҳати шундан иборатки, жаҳоннинг аксарият давлатларида таълим олиш имконияти барчага тенг даражада таъминланмаган бўлиб, бу ижтимоий кескинликнинг қўшимча манбаи ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги даврда таълим сифатини яхшилаш, унинг мазмунини ижтимоийлаштириш масаласи кўндаланг бўлиб турмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки таълимнинг ижтимоийлашуви ўқув жараёнида гуманитар фанларнинг ўқув соатлари ёки фанлар сонини кўпайтириш эмас, балки табиий-илмий фанлар мазмунини гуманитарлаштириш, ҳар қандай илмий кашфиётни инсон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириши лозим. Шундагина инсон ўз мавжудлигини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда 1997 йилда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида» айнан шу мақсадларни ўзида ифодалайди. «Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10–12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3–5 фоиздан ошмайди»[1]. Зеро, инсоннинг нафақат билим олиши, балки касбий малакаларга эга бўлиши ижтимоий саводсизликни бартараф қилишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш. *Аҳоли сони ва унинг яшаш шароити, шунингдек, атроф-муҳит ҳолати ҳозирги даврнинг яна бир глобал муаммоси билан узвий боғлиқ.* Аксарият касалликлар ва атроф-муҳитдаги антропоген ўзгаришлар ўртасида бевосита ва билвосита алоқа мавжуд. Ҳозирги одамлар авлодига атроф-муҳит ифлосланишининг ҳали ўрганилмаган ёки кам ўрганилган кўп сонли физик (аввало, электромагнит), кимёвий ва биологик омиллари таъсир кўрсатмоқда. Аввало, иқтисодий ривожланган мамлакатлар аҳолиси касалликларининг таркиби ва хусусиятида юз берган ўзгаришлар айни шу ҳол билан изоҳланади.

Бу ерда юқумли касалликлар бартараф этилган бўлиб, улар одамлар ўлимининг асосий сабаблари ҳисобланмайди. Лекин, юрак-қон томир касалликлари, руҳий касалликлар сезиларли даражада кўпайди, «цивилизация касалликлари» деб номланган бутунлай янги касалликлар: рак, ОИТС ва бошқалар пайдо бўлди. Бундай касалликлар, хусусан юрак-қон томир касалликлари ўсишининг асосий сабаблари кам ҳаракатчан турмуш тарзи, семириш, чекиш, руҳий зўриқиш, стресс ҳолатлари эканлиги аниқланган. Бу ҳодисалар инсонга табиатнинг қудратли кучларини жиловлаш ва ўзини жисмоний меҳнатдан асосан халос этиш, мазкур ишни машиналар, техника воситаларига юклаб,

[1] Каримов И.А. БМТ Саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқ. –Т.:. «Ўзбекистон», 2010

ўзига асосан ақлий меҳнат, тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини қолдириш имконини берган XX аср цивилизациясининг ривожланиш маҳсулидир.

Ривожланаётган мамлакатларда бошқача вазиятни кузатиш мумкин: бу ерда касалликлардан азоб чекаётганлар сони ривожланган мамлакатлардагидан кўпроқ, касалликнинг олдини олиш ёки даволаниш имконияти эса сезиларли даражада камроқдир. Тиббиёт сифатининг пастлиги, қашшоқлик ва антисанитария туфайли ривожланаётган мамлакатларда болалар ўлими, безгак, сил, трахома, қоқшол билан касалланиш даражаси, эпидемик юқумли касалликларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли, ривожланган мамлакатлардаги ҳолат билан таққослаб бўлмайдиган даражада юқоридир.

Сўнгги маълумотларга кўра, дунё бўйича юрак қон-томир касалликлари кун сайин ортиб бормоқда. Бундай касалликлар аксарият ҳолларда ўлим билан тугаганлиги сабабли жамият учун катта таҳдид саналади. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (WHO) ҳисоботига кўра, 2005 йилда юрак қон-томир касалликларидан 17,5 миллион инсон вафот этган. Ушбу кўрсаткич барча ўлим ҳолатларининг 30 фоизини ташкил қилади. Шу жумладан, 7,6 миллион киши юрак-ишемик касаллигидан 5, 7 миллион киши инсульт оқибатида ҳаётдан кўз юмган[1]. Ҳозирги вақтда ўрнатилган интернационал алоқалар натижасида давлатлар ўртасидаги улкан юк оқимлари, одамларнинг фаол миграцияси ва кенгайган иқтисодий муносабатлар оламшумул хусусият касб этди ва кўпгина юқумли касалликларнинг тарқалиш тезлигини оширди. Нотипик зотилжам, қуш гриппи, чўчқа гриппи каби илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, янги касалликларнинг пайдо бўлиши сабабларини ҳам айни шу ердан излаш лозим.

Айни пайтда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, XX–XXI асрда янги касалликлар сони кўпайиб борсада, касалликларга қарши кураш воситалари ҳам такомиллашиб бормоқда. Жумладан, XXI аср фанининг энг катта ютуғи сифатида, 2008 йилда немис олими Харелд цур Хаузен (1936), аёлларда бачадон саратони касаллигини «папилома» вируси келтириб чиқаришини аниқлаган ва унга қарши эмлаш воситасини яратгани учун Нобель мукофотига сазовор бўлди. Дунё бўйича умумий саратон касаллигининг 5 фоизини бачадон раки ташкил қилар ва ҳар йили икки юз мингга яқин аёллар шу касалликдан бевақт оламдан кўз юмар эди. Ушбу касалликка қарши вакцинациянинг оммалашуви юзлаб аёлларнинг соғлиги гаровига айланмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам 2009 йилдан 12–14 ёшдаги қизларда бачадон саратони касаллигига қарши эмлаш ишлари кенг амалга оширилмоқда. Харельд цур Хаузеннинг кашфиёти аср бошининг энг буюк кашфиётларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлиги бўйича давлат дастури қабул қилинган бўлиб, унга кўра, барча вилоятларда скрининг марказлари ташкил қилинди, она ва бола саломатлигининг профилактикаси, «Тез ёрдам» марказларининг фаолияти йўлга қўйилди, аҳолини нотипик грипп касаллигига қарши эмлаш ишлари режали амалга оширилмоқда. «Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болалар-

[1] Бобожонова Н. «Ёшарган» хавфли тўлқин. –Т.: «Ношир», 2008 й. 23-б.

нинг 98 фоизидан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Бунинг натижасида, дифтерия, қизамиқ касалликларига чалиниш ҳолатлари кескин камайганини айтиш даркор. 2010 йилда юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингикок инфекцияси – 28 фоиз, эпидемик паротит – 27 фоиз, вирусли гепатит – 13 фоизга камайгани ана шундай тадбирлар самарасидир»[1]. Дарҳақиқат, 1997 йилда 1-сонли юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтида янги лабораториянинг ташкил қилиниши, Ўзбекистонда (гиппотит) одам организмида сариқ касаллигининг нафақат А ва В вируси, балки С, Д, Е вирусларини аниқлаш имконини яратди. «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Эркакларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди»[2]. Замонавий диагностика технологияларидан кенг миқёсда фойдаланишнинг йўлга қўйилиши, сурункали сариқ касаллигининг оқибати бўлмиш жигар циррозининг камайишига ва аҳолининг умумий умргузаронлигини ошишига олиб келди.

Озиқ-овқат муаммоси. *Оммавий касалликлар ва умрнинг сезиларли даражада қисқариши сабабларидан бири озиқ-овқат муаммосидир*. Хусусан, сурункали тўйиб овқат емаслик ва номутаносиб овқатланиш кам ривожланган мамлакатлар аҳолисида оммавий тарзда намоён бўлаётган муттасил оқсил очлиги ва витамин тақчиллигига олиб келмоқда. Натижада, жаҳонда ҳар йили очликдан бир неча ўн миллионлаб одамлар, катталардан кўра кўпроқ болалар ҳалок бўлмоқда.

Озиқ-овқат тақчиллигига дуч келган мамлакатлар уни импорт қилишга мажбур, лекин бу, одатда, очарчиликка қарши курашда кам самара беради ва бундан ташқари, мазкур мамлакатларни экспортчиларга қарам қилиб қўяди. Шу тариқа ғалла ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тазйиқ ўтказишнинг самарали воситасига ва моҳият эътибори билан, аввало, энг қашшоқ мамлакатларга қарши «озиқ-овқат қуроли»га айланади.

1960-йилларда озиқ-овқат муаммосини ечиш ривожланаётган мамлакатлар учун «яшил инқилоб»ни амалга ошириш билан боғланган эди. Бу тадбирнинг моҳияти буғдой ва шолининг ўта унумли янги навларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини кескин оширишдан иборат эди. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар ёрдамида модернизация қилиш мўлжалланди. «Яшил инқилоб» аксарият ривожланаётган мамлакатларда қабул қилинди, лекин амалда ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келди. Қишлоқни қайта ташкил этиш учун тегишли ижтимоий шарт-шароитлар ва бунинг учун зарур маблағлар мавжуд бўлган давлатларда у ижобий самара берди. Аммо, бундай мамлакатлар унча кўп эмас, масалан Ҳиндистон, Покистон шулар жумласидан. Техника ва ўғитлар харид қилиш учун маблағлар мавжуд бўлмаган, аҳолининг маълумот даражаси жуда паст бўлган, турғун анъаналар ва

[1] Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир.–Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.

[2] Каримов И.А. БМТ Саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқ. –Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.

хурофий ақидалар хўжалик юритишнинг илғор шаклларини амалга жорий этишга тўсқинлик қилган ўта қолоқ мамлакатларда эса «яшил инқилоб» самара бермади. Шунингдек, у одатдаги майда хўжаликларни вайрон қила бошлади, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга миграциясини кучайтирди. «Яшил инқилоб» эски қишлоқ хўжалиги ўрнида янги, замонавий қишлоқ хўжалигини барпо эта олмади, яъни эски уйни бузиб, унинг ўрнида янги иморат қура олмади, бу эса озиқ-овқат муаммосини янада кескинлаштирди.

Ўзбекистонда бу муаммонинг ечимини топишга оқилона ёндошилди. Пахта яккаҳокимлигига чек қўйилиб, ғалла, шоли, чорма молларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, ғалла маҳсулотларини ишлаб чиқиш технологияларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди.

Иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги. Ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан чиқариш ва янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш, ҳозирги даврнинг глобал муаммолари орасида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ерда вужудга келган халқаро муносабатлар тизими беқарорлашувининг кучли омиллари яшириниб ётади. Сўнгги йилларда дунё миқёсида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсгани ҳолда, бойлар ва камбағаллар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги улкан тафовут янада ошди. Бу муаммо, баъзан «бой Шимол» ва «қашшоқ Жануб» ўртасидаги қарама-қаршилик сифатида ҳам тавсифланади.

1960-йилларда аксарият мамлакатларнинг тўғридан-тўғри мустамлака қарамлигидан халос бўлиш жараёни янги, лекин ўзгача тусдаги қарамлик ўрнатилишига олиб келди. Урушдан кейинги даврда жаҳон савдосининг ўсиши ва давлатлараро алоқаларнинг кучайиши юз берди. Айни вақтда Ғарб давлатлари иқтисодиётида монополиялашув жараёни кучайди ва трансмиллий корпорациялар пайдо бўла бошлади. Улар арзонроқ ишчи кучи топиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қўшимча харажатлардан қутулиш мақсадида меҳнат сарфи катта бўлган ва экологик жиҳатдан ифлос ишлаб чиқаришларни ривожланаётган мамлакатларга экспорт қила бошладилар. Бу ҳол, бир томондан, ривожланган капиталистик мамлакатларда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун оммавий ҳаракатнинг фаоллашуви ва экологик қонунчиликнинг янада кескинлашуви билан, бошқа томондан эса, ривожланаётган мамлакатлар ўзининг қашшоқлиги туфайли, қатъий экологик меъёрлар ва бу билан боғлиқ чеклов чоралари жорий этишни ўзига доим ҳам эп кўра олмаслиги билан изоҳланар эди.

Сўнгги ўн йилликларда вазият яна ривожланаётган мамлакатлар зарарига ўзгара бошлади. Ривожланган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча жабҳаларига ва иқтисодиётга компьютерлар ва микроэлектроника жадал суръатларда жорий этила бошлади. Шунингдек, технологик новациялар ва янги (юксак) технологиялар роли ҳам сезиларли даражада ошди, бу эса ишлаб чиқаришга маълумотли, малакали ишчи кучини жалб қилишни тақозо этди. Шу сабабли иқтисодий ўзаро алоқалар ва жаҳон савдоси асосан иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасидаги алмашинув ҳисобига амалга оширила бошлади, ривожланаётган мамлакатлар эса, агар улар кўп миқдорда хом ашё ресурсларига эга бўлмаса, жаҳон бозоридан сиқиб чиқарилди.

Ўзбекистонда эса, мустақиллик йилларида «...ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда[1].

Энергетика ва хом ашё ресурслари. Яна бир глобал муаммо – *инсониятни энергетика ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш халқаро майдонда кўп сонли зиддиятлар, шу жумладан, ҳарбий можаролар манбаига айланди*. Бу ресурслар моддий ишлаб чиқаришнинг негизи ҳисобланади ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига қараб инсон ҳаётида тобора муҳимроқ роль ўйнайди.

Мазкур ресурслар тикланадиган, яъни табиий ёки сунъий йўл билан тиклаш мумкин бўлган ресурсларга (гидроэнергия, ёғоч, қуёш энергияси ва ш.к.) ва миқдори мавжуд табиий заҳиралар билан чегараланган тикланмайдиган ресурсларга (нефть, кўмир, табиий газ, ҳар хил рудалар ва минераллар) бўлинади.

Ҳозирги истеъмол суръатлари сақланган тақдирда тикланмайдиган ресурсларнинг аксарияти инсониятга бир неча ўн йиллардан бир неча юз йилларгача бўлган муддат билан ўлчанадиган яқин келажакда фойдаланишгагина етиши ҳисоблаб чиқилди. Шунингдек, мавжуд захираларнинг анчагина қисми мураккаб шароитда жойлашган конларда жамланган ёки нисбатан қашшоқ рудалардан иборат.

Яқиндагина одамлар аксарият фойдали қазилмаларни очиқ усулда ёки 600 м дан ошмайдиган чуқурликда қазиб олган бўлсалар, бугунги кунда вазият сезиларли даражада ўзгарди. Қулай жойлардаги фойдали қазилмалар тугаб бормоқда ва эндиликда 8–10 км чуқурликда ёки океан тубида жойлашган конларни ишга солиш вазифаси пайдо бўлмоқда. Бу эса, нафақат кўп миқдорда капитал қўйилмаларни, балки уларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш учун янги техника ва технологиялар яратишни ҳам тақозо этади. Шу сабабли чиқиндисиз технологияларни ривожлантириш билан бир қаторда инсоният ихтиёрида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Уруш ва тинчлик муаммоси. Ҳарбий соҳа жамият ҳаётининг энг исрофгар соҳаси ҳисобланади. Айни шу сабабли, *жамият ҳаётидан урушни бартараф этиш ва Ерда мустаҳкам тинчликни таъминлаш бутун дунёда мавжуд барча глобал муаммолар орасида энг муҳими, деб эътироф этилади*. Унинг кескинлиги барча замонларда ҳеч қачон пасаймаган бўлса-да, XX асрда у нафақат айрим кишилар, халқлар, балки бутун инсоният олдига «ўлиш ё қолиш?» деган мудҳиш саволни қўйиб, алоҳида, фожеавий мазмун ва аҳамият касб этди.

Бу ҳол илгари мавжуд бўлмаган имконият – Ердаги ҳаётни йўқ қилиш имкониятини яратган ядро қуроли пайдо бўлиши билан изоҳланади. Ядро қуроли 1945 йил августда (Хиросима ва Нагасаки) илк бор қўлланилган пайтдан эътиборан мутлақо янги давр – инсон ҳаётининг барча жабҳалари: сиёсат, иқтисод, тафаккурда, жаҳон майдонидаги кучлар нисбатида туб ўзгаришлар ясаган ядро даври бошланди. Аммо муҳими шундаки, мазкур даврдан эътиборан нафақат айрим

[1] Каримов И.А. БМТ Саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқ. –Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.

инсон, балки бутун инсоният ўлиши мумкин бўлиб қолди. Тейяр де Шарден янги вазиятга баҳо берар экан, шундай дейди: «Бир индивид ўлса, унинг ўрнини доим бошқа бир индивид эгаллайди. Индивиднинг ўлими ҳаётнинг давом этишига тўсиқ бўла олмайди. Аммо бутун инсоният ўлса-чи?..»[1].

1940-йилларнинг охирида таърифланган бу масала вақт ўтиши билан айниқса, муҳим аҳамият касб этди. Атом бомбаси пайдо бўлиши билан «қиёмат-қойим» хом хаёл бўлмай қолди. Ўша даврда янги ихтиронинг бутун хавфини кўпчилик ҳали тушунмаган, айрим файласуфлар ва олимлар ядро уруши таҳдид солаётган шароитда одамлар ўзининг ўзгарган ҳолатини англаб етишлари ва инсоният ҳалок бўлишининг олдини олиш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирган эди.

Албатта, ўзини ўзи қириб ташлаш имконияти одамларда дарҳол пайдо бўлгани йўқ. Ядро қуролини яратиш ва уни бутун тирикликни қириб ташлаш учун етарли миқдорда жамғариш учун вақт, жуда катта моддий, молиявий ва бошқа харажатлар, шунингдек, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги олимлар, муҳандислар ва ишчилар кўп миллионли армиясининг куч-ғайрати талаб этилди. Аммо, биринчи ядро портлашларидан сўнг юзага келган вазиятнинг жиддийлигини жаҳон ҳамжамиятининг кенг давралари англаб етиши учун ҳам қарийб 30 йил вақт ўтиши керак бўлди.

АҚШ ва Совет Иттифоқида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда иш олиб борган олимлар икки жамоаси тадқиқотларининг ақлни лол қолдирувчи натижаси бўлган «ядро қиши» концепцияси пайдо бўлган 1980-йилларнинг бошига келибгина инсоният ядро қуроли яратилиши, шунингдек, глобал муаммолар пайдо бўлиши билан у ўзининг аввалги «умрбоқийлиги»ни йўқотганини узил-кесил англаб етди.

Компьютерда яратилган моделларда анча аниқ ҳисоблаб чиқилган мазкур концепциянинг асосий мазмуни шундан иборатки, жаҳонда Ердаги ҳаётни бутунлай йўқ қилиш учун етарли миқдорда ядро зарядлари тўпланган. Улар портлатилган тақдирда тўғридан-тўғри шикастлантирувчи таъсирдан ташқари ҳавога сон-саноқсиз миқдорда чанг, тутун ва кул кўтарилади ва уларнинг қалин пардаси сайёрамизни қуёш нурларидан бутунлай тўсиб қўяди. Бу атмосфера ва Ер юзасининг температураси кескин пасайишига сабаб бўлади ва уни муз босишига олиб келади. «Ядро қиши» концепцияси одамларни улар янги хавф даражасини англаб етишга ва цивилизацияни қутқариш учун ҳарбий куч ишлатишдан воз кечиб, чоҳ ёқасидан узоқлашишга қодирми, деган саволга жавоб беришда муқобилдан узил-кесил маҳрум қилди.

Муҳокама қилинаётган муаммонинг бошқа бир ўзига хос хусусияти шундаки, у моҳияти ва ҳозирги ҳолати «Табиат фалсафаси»мавзусида кўриб чиқилган экология билан узвий боғлиқ. Биз фан-техника тараққиёти даражаси экологик тангликни бартараф этиш борасидаги имкониятларни белгилашини қайд этган эдик, аммо қурол-яроғларнинг вайронкор имкониятлари, уларнинг шакллари, қўллаш методлари ва усулларининг ранг-баранглиги ҳам айни шу даражага боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, инсон ўз ҳаётини табиат билан уйғунликда йўлга қўйиш имкониятларини қўлга киритиш билан бир қаторда

[1] П. Тейяр де Шарден. Феномен человека. –М.: 1987 г. с. 216.

бутун тирикликни йўқ қилиш қобилиятини ҳам кўп карра оширди. Жамиятнинг ҳарбийлашуви, қуролланиш пойгаси ва ҳарбий можароларнинг салбий оқибатлари атроф-муҳитнинг бузилиш жараёнларини янада жадаллаштирмоқда. Ядро қуроли билан бир қаторда уруш олиб боришнинг «географик» воситалари ҳам олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлардан иборат алоҳида хавф туғдиради. Бу оқибатлар инсон сунъий йўл билан табиий офатлар, вайронгарчиликлар ва шу кабиларга эришиш мақсадида табиий жараёнларга изчил таъсир кўрсатиши натижасида келиб чиқиши мумкин. Уруш ҳаракатлари олиб боришнинг бундай усуллари, масалан муайян ҳудуд устидаги озон қатламини атайлаб вайрон қилиш ва шу кабилар ядро қуролининг қўлланилиши билан тенг оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ҳарбий қарама-қаршилик маълум даражада сусайганига қарамай, аксарият мамлакатларда мудофаа ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатларида улкан номутаносиблик ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Бу тафовут мудофаа фойдасига баъзан эллик баравар ва ундан кўпроқ даражага етади. Бу ҳол «учинчи дунё» мамлакатларида, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Бу ерга, бир томондан, қурол-аслаҳа, бошқа томондан эса, мураккаб экологик вазиятни янада оғирлаштирувчи эскирган асбоб-ускуна ва ноэкологик технологиялар тобора кўпроқ етказиб берилмоқда. Натижада ифлосланиш ва табиатнинг завол топиш суръатлари бу ерда ривожланган мамлакатлардагидан анча юқоридир.

Қуролланиш пойгаси нафақат улкан моддий ресурсларни, балки меҳнат ресурслари, интеллектуал ресурсларни ҳам беҳуда сарфламоқда. Бутун дунёда олимларнинг тўртдан бир қисми, одатда, энг малакали кадрлар урушга тайёргарлик кўриш борасидаги ишларга жалб қилинган бўлиб, уларнинг билим ва кўникмалари вайронкорлик воситаларини яратишга йўналтирилган. Аммо олимлар инсоният дуч келган хавф даражасини биринчи бўлиб (уларнинг энг илғор вакиллари) англаб етдилар.

Қуролланиш пойгаси авж ола бошлаган 1955 йилда таниқли инглиз файласуфи Б.Рассел тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш ташаббуси билан чиқди. У А.Эйнштейн билан ҳамкорликда Ф.Жолио-Кюри, М.Борн, С.Пауэлл, Л.Инфельд ва бошқа йирик олимлар томонидан қўллаб-қувватланган машҳур Манифестни эълон қилди. Бу Манифестда, инсоният унга таҳдид солаётган хавф ҳақида огоҳлантирилди, шунингдек, ядро асрида цивилизацияни асраб қолиш учун «янгича фикрлашни ўрганиш» лозимлиги уқтирилди.

Б.Рассел нафақат хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантирди, балки уларни ечиш йўлларини ҳам таклиф қилди. Хусусан, у барча урушларга чек қўйиши лозим бўлган жаҳон ҳукуматини ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Унинг фикрича, БМТ[1] бундай ҳукумат негизи бўлиши мумкин. У, шунингдек, давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни тинч йўл билан ечиш учун жаҳон конференцияси чақиришни талаб қилди.

Тинчлик, қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик учун кураш бошлаган жаҳон илмий ҳамжамияти бу борада ўз куч-ғайратини бирлаштириш лозимлигини англаб етди ва 1957 йилда Пагоуш (Канада)да ўз тарафдорларининг биринчи конферен-

[1] Бирлашган Миллатлар ташкилоти.

циясини ўтказди. «*Пагоуш ҳаракати»* деб номланган бу ташкилот тинчлик учун кураш олиб борувчи нуфузли халқаро ташкилотлардан бирига айланди. Эндиликда унга ҳозирги глобаллашув муаммолари ва номутаносибликларини бартараф этиш йўлида кураш олиб бораётган бошқа кўп сонли ташкилотлар ва ҳаракатлар (Гринпис, Рим клуби, антиглобалистларнинг ҳаракатлари ва бошқалар) қўшилди. Тинчлик ва қуролсизлантириш, халқаро терроризмга қарши биргаликдаги кураш ғоясини 1993 йилда И.А. Каримов БМТнинг 48 сессиясида таклиф қилган эди. Ўзбекистонда 1999 йил 16 февраль воқеалари, 2001 йил 11 сентябрда АҚШнинг марказида кўп қаватли савдо уйининг портлатиши, Чеченистондаги чексиз террорчилик ҳаракати натижасидаги минглаб қурбонлар И.А.Каримовнинг нечоғлик ҳақлигини яна бир карра исботлади.

Глобал онгни шакллантириш зарурияти. Глобаллашув жараёнларини назарий жиҳатдан англаб етиш ва глобал муаммоларни бартараф этиш нафақат ўта оғир ва узоқ давом этадиган, балки кутилган натижаларга қандай эришиш мумкинлиги хусусида ҳали аниқ жавоблар ва узил-кесил ечимларга эга бўлмаган ишдир. Айни вақтда аксарият тадқиқотчилар глобал тангликларни бартараф этиш имкониятини оммавий онгда янгича ахлоқнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, маданиятнинг ривожланиши ва унинг инсонпарварлашуви билан боғламоқдалар. Бунинг учун жиддий асослар бор, зеро, одамларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари, пировард натижада эса улар эришишга ҳаракат қиладиган натижа асосан уларнинг ҳаётга муносабати ва фикрлаш тарзи билан белгиланади.

Дарҳақиқат, асрлар мобайнида сақланиб қолаётган дунё ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириш, қотиб қолган фикрлаш андозаларини бартараф этиш ва одамлар онгида инсонийликнинг янгича тамойилларини шакллантиришнинг ўзи умуминсоний муаммолар ечими эмаслиги ҳам равшан. Бу мазкур муаммоларни бартараф этиш йўлидаги зарур, лекин фақат биринчи қадам ва у муттасил ўзгарувчи вазиятга мос бўлган ва ҳозирги давр руҳини аниқ акс эттирадиган дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ. Бундай янгиланган дунёқараш замирида фақат сўнгги юз йилликка хос бўлган жамият ҳаёти интернационаллашувининг кескин ўсиши билан белгиланадиган ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмуни ва шакл-шамойилларини акс эттирувчи янгича инсонийлик ётиши лозим. Мазкур *янгича инсонийлик глобал онгни шакллантиришга қаратилиши ва уч асосий негиз: глобаллик туйғуси, зўравонликка нисбатан муросасизлик ва инсоннинг асосий ҳуқуқларини тан олишдан келиб чиқадиган адолатпарварликни ўз ичига олиши даркор.*

Халқаро кучларнинг бирлашуви. Одамлар дунёқараши нафақат уларнинг дунё ҳақидаги билимларида, балки улар бу билимни қандай талқин қилиши, қандай хулосалар чиқариши ва қандай иш кўришида ҳам намоён бўлади. Шу сабабли глобал муаммоларни бутун дунё баҳамжиҳат ҳал қилиши лозимлиги тўғрисида сўз юритар эканмиз, инсоният назарияда муайян ютуқларга ва баъзи бир амалий натижаларга эришган ҳолда, дунё ривожланишининг салбий жараёнларини тўхтатишга ҳали муваффақ бўлмаганини эътибордан четда қолдиришимиз мумкин эмас. Халқаро кучларнинг муайян даражада бирлашуви, уларнинг мувофиқлаштирилган, изчил ва энг муҳими, самарали ҳаракатлари ҳам

ҳали мавжуд эмас. Нега шундай бўляпти ва бунга нима халақит беряпти? Ҳозирги ранг-баранг ва зиддиятларга тўла дунёда келишилган ҳаракатларни амалга ошириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, бунга қандай асосда эришиш мумкин? Булар бугунги кунда ижтимоий тафаккур, шу жумладан фалсафа ечишга ҳаракат қилаётган бош масалалардир.

Тарихий тажриба турли халқларнинг яқинлашуви уларнинг манфаатлари мос келган жойда айниқса, яхшироқ юз беришини кўрсатади. Ўзаро манфаатдорлик турли қийинчиликларни тез бартараф этиш, савдо-сотиқни фаол ривожлантириш, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Одатда бу йўлда енгишга тўғри келадиган энг катта қийинчиликлар эскича қарашлар, қотиб қолган фикрлаш услуби, анъаналар билан боғлиқ бўлади. Улар ўзгариш хусусиятига эга, лекин бу жуда узоқ, катта қийинчиликлар билан ташқи ёки ички омиллар таъсирида юз беради. Масалан, *ташқи омиллар қаторига экологик тангликнинг кучайиши, «демографик портлаш» оқибатлари, уруш хавфи ва нафақат одамларнинг турмуш тарзини сезиларли даражада ўзгартирган, балки уларнинг онгига ҳам ўз таъсирини кўрсатган бошқа глобал муаммолар киради. Ички омиллар инсон манфаати, унинг субъектив, шахсий асоси билан боғлиқ.* У ёки бу муаммоларнинг кескинлик даражаси, ҳатто бунинг учун зарур шарт-шароит ва етарли асослар пайдо бўлган ҳолларда ҳам, нима учун пасаймаяпти, деган саволга жавоб топишда юқорида зикр этилган омиллар, айниқса, манфаат омили албатта ҳисобга олиниши лозим.

Глобал муаммоларни ҳал қилишда хусусий ва умумий манфаатлар. Ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат халқаро муносабатларнинг у ёки бу тартибида, давлатлараро савдо оқимларининг йўналиши ва капиталларнинг тақсимланишида ўз муайян манфаатига эга бўлади. Улар табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-муҳитни сақлаш ва шу каби масалаларда доим ўз манфаатларини ҳимоя қиладики, бу уларнинг сиёсатида умумий масалаларда ҳам, хусусий масалаларда ҳам бевосита акс этади ва бошқа мамлакатлар сиёсатига ўхшамаслигига сабаб бўлади. Баъзан ички манфаатлар умумий манфаатлардан устунлик қилади. Бундай ҳолларда мазкур сиёсат бошқа давлатларнинг манфаатларига зид равишда амалга оширилади. Масалан, экология нуқтаи назаридан бу қўшни ҳудудларда яшовчи халқларнинг қарама-қарши манфаатлари тўқнашган ҳолларда кўп кузатилади.

Аммо ҳозир, жамият ҳаётининг интернационаллашуви ва иқтисодий алоқаларнинг ўсиб бораётган интеграциялашуви шароитида, сайёрамизнинг турли бурчакларида жаҳон ҳамжамиятининг ядро уруши, экологик танглик, демографик кескинлик ва ресурслар тақчиллигини бартараф этишдан иборат объектив манфаатларини ўзларининг умумий манфаати деб билувчи одамлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Маърифатли сиёсий ва жамоат арбоблари янада аниқроқ англаб етаётган келишилган ҳаракатларга бўлган бу объектив эҳтиёж ҳозирнинг ўзидаёқ айрим давлатлар хулқ-атворига таъсир кўрсатмоқда ва ҳатто уларнинг ички ва ташқи сиёсатини маълум даражада белгиламоқда.

Инқироз илдизлари. Айрим мамлакатларда ҳам, бутун дунёда ҳам барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш технократик жамият тузилиши ва моҳиятидан келиб чиқадиган катта қийинчиликлар билан боғлиқ. У ком-

пьютер инқилоби таъсирида ўзгарганига қарамай, техноген цивилизациянинг асосий шакл-шамойилларини сақлаб қолмоқда ва шу сабабли ҳозирда мавжуд кўринишда нафақат бундай жамият танқидчиларини, балки техника тараққиёти тарафдорлари (технократик оптимистлар) собиқ издошларининг бир қисмини ҳам қаноатлантирмаяпти.

Уларнинг аксарияти фикрига кўра, ҳозирги Ғарб цивилизацияси инсоният учун шикастли бўлган кўпгина зиддиятларни юзага келтирди, чунки унинг замирида табиат ва унинг ресурсларига нисбатан истеъмолчилик ёндашуви ётади. Тегишли қадриятлар тизимидан мустаҳкам ўрин олган бундай тасаввурлар тарихан саноат инқилоби, кейинроқ – фан-техника инқилоби даврида шаклланган бўлиб, ўз илдизлари билан инсон, худди Ердаги Худо каби, дунёни бунёд этади, уни табиат имкониятлари ва ўз имкониятлари билан ҳисоблашмасдан ўз ихтиёрига кўра ўзгартиради, деган дунёқарашга бориб тақалади. Пировардда нафақат экологик ва демографик тангликлар, балки маънавий инқироз ҳам юзага келади, бунда аввалги дунёқараш мўлжаллари объектив шароит тазйиқи остида ўзгараётган амалиёт билан тўқнашади. Шу боис Ўзбекистонда айнан маънавий инқирознинг олдини олиш мақсадида 1994 йилда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил қилинди, 1996 йилда марказ фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинди ва унга кўра 1997 йилдан барча таълим муассасаларида «Маънавият асослари» фанини ўқитиш жорий қилинди. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Маънавият ва маърифат марказлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Маънавият Кенгаши ташкил қилинди. 2008 йилда Республикамиз Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавий таҳдидлар ва маънавий юксалиш омилларини назарий асослади. Зеро, «Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир»[1], фақат маънан етук инсонгина ҳар қандай таҳдидга қарши курашга ўзида куч топиши мумкин.

Янги қадриятлар тизими. Айни шу сабабли қадриятлар муаммоси, ижтимоий ривожланишнинг янги устуворликларини ва бошқа дунёқараш мўлжалларини излаш жамиятни маънавий янгилашнинг бош вазифаларига айланади. Бугунги кунда турли мамлакатларнинг олимлари бошқа қадриятларга мувофиқ бунёд этилган ўзга цивилизацияга ўтиш амалга оширилган тақдирдагина инсоният экологик ва бошқа глобал муаммоларни бартараф эта олиши мумкинлигини деярли якдиллик билан қайд этмоқдалар. Уларнинг фикрича, мазкур қадриятлар табиат ва унинг эҳтиёжларини табиатдан устун қўювчи антропоцентризмга эмас, балки ҳаёт феноменининг бетакрорлигига ва биосферани мувозанат ҳолатида сақлаш лозимлигига эътиборни қаратувчи биосфероцентризмга асосланиши лозим. Инсон эса, ақлли мавжудот ва мазкур мураккаб тизимнинг таркибий қисми сифатида, бу билан нафақат ҳисоблашиши, балки тегишли тарзда иш кўриши ҳам лозим. Унинг дунёга муносабатини ўзгартириш, инсонпарварлик ва коэволюция, яъни табиат ва жамиятнинг муштарак ривожланиши тамойилларига таяниб, янги қадриятлар тизимини ва ижтимоий ривожланиш мўлжалларини яратишдан бошқа йўли йўқ.

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й. 18-б.

Дунё халқлар ўртасида ўзаро алоқа ва асосли ҳамкорлик йўлига янада ишонч билан кириши, одамларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти эса табиат билан зиддиятга киришмаслиги учун дунёда юз бераётган ҳозирги жараёнлар ҳақидаги илмий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, шунингдек, одамларнинг юз бераётган ҳодисалар ва жараёнларга ўз жавобгарлигини янада теранроқ тушунишига эришиш лозим. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, замонавий электрон қурилмалар ва ҳисоблаш техникаси инсоннинг ўз фаолияти натижаларини ҳам, улар олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни ҳам чамалаш ва башорат қилиш қобилиятини кўп карра оширади. Шу сабабли ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда олимнинг роли ортиши билан бир қаторда унинг инсон учун ҳам, атроф-муҳит учун ҳам муайян экологик, тиббий ва бошқа оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган техник лойиҳалар бўйича қарорлар ва тавсиялар учун жавобгарлигини мислсиз даражада ошириш масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда генетика соҳасидаги тадқиқотлар ва амалий ишлар ўзига тобора кўпроқ эътиборни тортмоқда. Бу ерда жонли организмларни, шу жумладан инсонни ҳам клонлаш имконини берувчи ген инженерияси учун кенг имкониятлар очилмоқда. Бу кўп сонли ахлоқий ва психологик масалаларни юзага келтиради, чунки инсон шахс сифатида генлар таъсирида фақат эллик фоизга шаклланади, қолган жиҳатдан у ижтимоий муҳит ва муайян яшаш шароитлари билан белгиланадиган ижтимоий мавжудотдир.

Шу муносабат билан энг янги фалсафий адабиётларда инсонпарварлик масалалари яна биринчи ўринга чиқмоқда. Фан-техника тараққиётини нафақат айрим инсоннинг, балки бутун инсониятнинг ахлоқий фазилатларига бевосита бўйсундирувчи инсон фаолиятини бутунлай ўзгартириш лозимлигини ифодаловчи «илмий инсонпарварлик» атамаси фаол ишлаб чиқилмоқда. И.А.Каримов бу хусусда: «Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин»[1], деган эди.

Умуминсоний қадриятлар. Ҳозирги шароитга татбиқан муайян *универсал асос сифатидаги «янги инсонпарварлик»нинг моҳияти Ер куррасида яшовчи барча одамларнинг муҳим манфаатларини акс эттирадиган ва шу сабабли бутун дунёда умумий қадриятлар сифатида идрок этиладиган борлиқ меъёрлари ва тамойилларини қарор топтиришдан иборат*. Бундай қадриятларнинг айримлари илк бор жаҳон динларида умуминсоний қоидалар сифатида таърифланган.

Кейинчалик муайян инсон дунёвий ахлоқ ва қадриятлар умумий тизимини яратишнинг бошланғич таянч нуқтасига айланди. Бу одамлар, давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда ахлоқ «олтин қоидаси»ни рўёбга чиқариш мумкинлиги ва зарурлигини эълон қилган Форобий, Ибн Сино, Т.Гоббс, П.Гассенди, М.Вольтер, Ж.Ж.Руссо, И.Кант, Г.Гердер ва бошқа мутафаккирлар этикасида, айниқса, бўртиб намоён бўлди. Унинг бизгача турли кўринишларда етиб келган мазмуни Вольтер баёнида барча одамларга қаратилган инсоний чорлов сифати-

[1] И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 г. 12-б.

да янграйди: «Ўзинг билан қандай муомала қилишларини истасанг, бошқалар билан шундай муомала қил». Айни шу XVII асрда инглиз либерализмининг ёрқин вакили Ж.Локк (1632–1704) инсоннинг узвий ҳуқуқлари (яшаш, эркинлик, мулк ҳуқуқи ва б.) дахлсиз эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Алишер Навоий ўзининг машҳур «эркинлик», «тенглик», «бирдамлик», «адолат» шиорларини эълон қилиб, одамларнинг умуминсоний қадриятларга бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Улар тўла ҳолда БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда қабул қилган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да ўз ифодасини топди ва 1975 йилда халқаро Хельсинки битими билан тасдиқланиб, жаҳон ҳамжамияти тан олувчи умумий нормага айланди.

Хулосалар. Инсоният ўзини ўзи ташкил этувчи жонли тизим сифатида ўз мавжудлиги учун кураш олиб бормоқда, яхшироқ келажакка эришишга ҳаракат қилмоқда. Бунда ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва улар юзага келтираётган турли муаммолар инсоният олдида тарқоқлик ва ихтилофларни енгиб, ўз бирлиги сари ҳаракат қилиш, айни вақтда маданиятлар, асрий анъаналарнинг ўзига хослигини, айрим миллатлар ва халқларнинг хусусиятларини сақлашдан бошқа чора қолдираётгани йўқ. *Бундай бирлашувга эса, фақат умуминсоний қадриятларни эътироф этиш ва уларга риоя қилиш орқали эришиш мумкин.*

Тажрибавий-амалий матнлар

Глобаллашув, глобалистика, глобал жараёнлар, фундаментал глобаллашув, серқирра глобаллашув, глобал муаммолар, ижтимоий ривожланиш, глобал тенденциялар, технократик назария, технооптимизм, технопессимизм, Рим клуби, глобаллик мезонлари, глобал муаммоларнинг таснифи, демографик тизим, таълим муаммоси, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат муаммоси, энергетика ва хом ашё ресурслари, уруш ва тинчлик, глобал онгни шакллантириш, халқаро кучлар, ахборот инқилоби, инқироз илдизлари, умуминсоний қадриятлар.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Фалсафада янги мавзу юзага келишига нима сабаб бўлди?
2. Глобал муаммолар қачон ва нима учун пайдо бўлди?
3. «Глобаллашув», «глобал муаммолар», «глобалистика» тушунчаларининг ўзаро нисбатига тавсиф беринг.
4. Технооптимизмнинг моҳияти нимадан иборат?
5. Технопессимистик фалсафий концепциялар қайси ғояларга асосланади?
6. Глобалликнинг мезонларини айтинг. Уларнинг ёрдамида қандай вазифалар ҳал қилинади?
7. Глобаллашув муаммоларини ечишда фалсафа қайси функцияларни бажаради?
8. Глобал муаммолар таснифи нима учун керак?
9. «Янги инсонпарварлик» тушунчаси нимани англатади?
10. «Барқарор ривожланиш концепцияси»нинг мазмуни нимада?

Реферат мавзулари

1. Фалсафа ва ҳозирги дунёнинг глобаллашуви.
2. Глобаллашув табиий-тарихий жараён сифатида.
3. Ахборот инқилобининг моҳияти.
4. Цивилизацион ривожланиш муаммолари ва унинг истиқболлари.
5. Инсониятнинг муҳим муаммолари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.
6. Рим клуби ва унинг глобал муаммоларни ечишдаги роли.
7. Глобаллашув муаммоларини ечишга нисбатан илмий ва фалсафий ёндашувлар.
8. Ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлашуви инсониятнинг яшаб қолиш омили сифатида.

9. Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий ривожланиш истиқболлари.
10. Инсоният ривожланишининг муқобил йўллари.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Глобалистика мустақил илмий йўналиш ва ижтимоий амалиёт жабҳаси сифатида нечанчи йиллардан шакллана бошлади?

А. 1960-йилларнинг охирларидан Б. 1950-йилларнинг охирларидан
В. 1970-йилларнинг охирларидан Г. 1980-йилларнинг охирларидан

2. Глобаллашувнинг вужудга келишига асос бўлган йирик сабабларни топинг?

А. Ҳаётнинг барча соҳасидаги интеграциялашув
Б. Фан ва техника кашфиётлари
В. Фалсафада янги таълимотларнинг вужудга келиши
Г. Одам сонининг кескин ўсиши

3. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг юзага келган ижтимоий-сиёсий ҳолат, бугунги кунда глобал муаммоларни бартараф қилувчи қайси асосий ҳамкорликнинг вужудга келишига сабаб бўлди?

А. БМТ Б. ЮНЕСКО
В. ЕҲҲТ Г. МДҲ

4. Ҳозирги замонда «жаҳон фуқароси» деб ҳисобловчи одамларнинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлди?

А. Серқирра глобаллашув Б. Экологик глобаллашув
В. Сиёсий глобаллашув Г. Маданий глобаллашув

5. «Тарих куртаклари ва унинг мақсади» асари муаллифи ким?

А. К.Ясперс Б. Ю.Хабермас
В. М.Хайдеггер Г. Г.Х.Гадамер

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 й.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: «Ўзбекистон», 2009 й.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009 й.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. Тошкент. «Ўзбекистон», 2010 й.
6. Каримов И.А. БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқ. –Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.
7. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008 й.

8. Холбеков М. Адабиётда глобаллашув жараёни. –Т.: «Тафаккур», 2006 й. №4.

9. Қаҳҳарова Ш.Б. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Т.: «Тафаккур», 2009 й.

10. Бжезинский З. Глобальное господство или глобальное лидерство. –М.: «Международные отношения», 2005 г.

11. Вайцзеккер Э., Ловинс Э., Ловинс Л. Фактор четыре. Новый доклад Римскому клубу. –М.: 2000 г.

12. Глобалистика: Международный междисциплинарный энциклопедический словарь // Гл. ред. И.И.Мазур, А.Н.Чумаков. –М., –СП(б).: Нью-Йорк, 2006 г.

13. Грани глобализации: Трудные вопросы современного развития. –М.: 2003 г.

14. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. –М.: 1990 г.

15. Моисеев Н.Н. Быть или не быть... человечеству? –М.: 1999 г.

16. Мунтян М.А., Урсул А.Д. Глобализация и устойчивое развитие. –М.: 2003 г.

17. Один мир для всех. Контуры глобального сознания // Под ред. Л.В.Семеновой и др. –М.: 1990 г.

18. Панарин А.С. Искушение глобализмом. –М.: 2002 г.

19. Пантин В.И. Циклы и волны глобальной истории. Глобализация в историческом измерении. –М.: 2003 г.

20. Печчеи А. Человеческие качества. –М.: 1985 г.

21. Чумаков А.Н. Глобализация. –М.: «Проспект», 2005 г.

22. Чумаков А.Н. Метафизика глобализации. Культурно цивилизационный контекст. –М.: «Канон», 2006 г.

ФАЛСАФИЙ АТАМАЛАР (ГЛОССАРИЙ)

Агностицизм – инсон объектив борлиқни тўлиқ билиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Антисциентизм – фаннинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини салбий баҳолайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Антропоген – инсон фаолияти билан боғлиқ.

Антропоцентризм – дунёни билишда инсонни устун қўювчи фалсафий ёндашув.

Априор – тажрибадан ташқарида. Инсон тафаккурида тажрибада кўрилгунга қадар, тажрибадан қатъи назар пайдо бўлган образ, ғоя, тушунча.

Атеизм – худонинг борлигини инкор этувчи фалсафий нуқтаи назар.

Атрибут – хосса.

Башорат – келажак ҳақидаги, яъни ҳали амалда мавжуд бўлмаган, лекин ривожланишнинг кутилаётган ривожини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар кўринишида ҳозирги замонда потенциал мавжуд бўлган ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги билим.

Белги – бошқа бир предмет, хосса ёки муносабатни ифодалайдиган ва муайян хабарни узатиш, сақлаш ёки унга ишлов беришда ишлатиладиган моддий, ҳиссий идрок этиладиган предмет.

Гармония – бир бутун нарса қисмларининг ўзаро мувофиқлиги.

Герменевтика – фалсафада – тарих, маданиятни, ўзга индивидуалликни тушуниш санъати.

Гипотетик – эҳтимол тутилган, фараз қилинган, тахмин (гипотеза)га асосланган.

Глобаллашув – ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.

Глобалистика – глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.

Гносеология – билиш назарияси.

Дедукция – тадқиқот ёки тавсифлаш методи, усули бўлиб, бунда айрим қоидалар умумий хулосалар, аксиомалар, қоидалар, қонунлардан тадрижий йўл билан келтириб чиқарилади.

Дезинтеграция – бутуннинг айрим қисмларга парчаланиши.

Деизм – Худо дунёни яратгач, унда иштирок этмайди ва унинг воқеалари табиий кечишига аралашмайди, деб ҳисоблайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Детерминизм – барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот.

Диалектика – ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Дискрет – узлукли.

Дифференциация – бутуннинг турли-туман қисмлар, босқичлар, шаклларга бўлиниши, парчаланиши, ажралиши.

Идеал – мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

Иерархия – бир нарсанинг функционал аҳамияти ёки хизмат мавқеига кўра иккинчи нарсага, учинчи нарсага ва ҳоказоларга бўйсуниши.

Ижтимоий прогноз қилиш келажакни муайян тарзда даврийлаштиришни назарда тутади.

Изотроп – барча йўналишларда бир хил.

Индетерминизм – детерминизмга қарама-қарши таълимот.

Интеграция – бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши.

Интровертив – ўзига, ўз ички дунёсига қараб мўлжал олувчи.

Имитация – тақлид қилиш, сохталаштириш.

Ахборот инқилоби – фан-техника инқилобининг ривожланиш босқичи бўлиб, бунда ахборот ўта муҳим ресурсга айланади.

Иррационализм – борлиқни оқилона мантиқий билиш имкониятини рад этувчи нуқтаи назар.

Каузаллик – сабабият, сабаб ва оқибатнинг қонуний алоқаси.

Коммуникация (кенг маънода) – мулоқот. Экзистенциализмда – мулоқот тури бўлиб, унинг ёрдамида «Мен» ўзини бошқа одамда топади.

Конституциялаш – яратиш, белгилаш, муайян ташкилий тус бериш.

Консьюмеризм – истеъмол қилишга бўлган кучли эҳтиёж.

Коэволюция – биргаликда тадрижий ривожланиш.

Креационизм – бутун борлиқни Худо яратган, деб ҳисоблайдиган диний таълимот.

Материализм – дунёнинг моддийлигидан ва онгдан қатъи назар мавжудлигидан келиб чиқадиган фалсафий йўналиш.

Маҳаллий муаммолар тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ерда, одатда, кучли зилзилалар, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

Метафизика – Гегелдан олдинги ва ҳозирги Ғарб фалсафасида борлиқнинг ўта ҳиссий тамойиллари ва асослари ҳақидаги фан. Фалсафанинг синоними сифатида ишлатиладиган атама.

Методология – метод ҳақидаги таълимот, билишнинг янги методларини яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Миллий муаммолар тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғамташвишларини акс эттиради. Миқёс даражасига қараб улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.

Минтақавий муаммолар – айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади.

Мистика – сирли, ғайритабиий, тушунарсиз нарса ёки ҳодиса.

Моддийлаштириш – маъно структуралари, схемалар, лойиҳаларнинг инсон фаолиятида гавдаланиши.

Модус – предметнинг унга айрим ҳолатлардагина хос бўлган муваққат хоссаси.

Монизм – плюрализмга зид ўлароқ, муайян бир асосдан келиб чиқадиган фалсафий ёндашув.

«Нано» – юнонча «нанос» сўзидан олинган бўлиб, митти деган маънони билдиради.

Нанотехнология – митти технология бўлиб, унинг прототипи табиатнинг ўзида мужассам. Кўзга кўринмас бактериялар, чумоли, ўргимчак ва шунга ўхшаш ҳашаротлар табиий нано жисмлардир.

Негатив – салбий, бирор нарсага зид.

Ноумен – мушоҳада йўли билан англаш мумкин бўлган моҳият.

Ноосфера – ақл-идрок соҳаси ёки биосферанинг шундай бир ҳолатики, бунда одамларнинг оқилона фаолияти биосфера ривожланишининг муҳим омилига айланади.

Образ – амалий фаолият ва билиш жараёнида шаклланган ҳиссий ёки оқилона тасаввур.

Оккультизм – махсус руҳий машқлар, алоҳида маросимлар орқали айрим инсонларгина била оладиган, коинотда сирли кучлар мавжудлигини эътироф этувчи таълимот.

Оппозиция – қарши ҳаракат, муайян нарсага очиқдан-очиқ ёки зимдан қаршилик кўрсатиш.

Пантеизм – Худони табиат билан тенглаштирувчи фалсафий таълимот.

Парадигма – мазкур даврда илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган муайян илмий-тадқиқот йўналишини белгиловчи принциплар мажмуи.

Пассионар – ички энергияга эгалик ёки ўта ғайратлилик.

Перманент – доимий, узлуксиз.

Перцепция – идрок этиш.

Прогноз қилиш – бу махсус илмий методлар ёрдамида келажак ҳақида билимлар олиш жараёни.

Рационализм – ақлни билиш ва одамлар хулқ-атворининг негизи деб эътироф этадиган фалсафий йўналиш.

Редукционизм – мураккаб нарса ёки ҳодисани соддароқ нарса ёки ҳодисага боғлаш.

Релятивизм – бизнинг барча билимларимиз, қадриятларимиз ва хулосаларимизни нисбий, шартли, деб ҳисоблайдиган фалсафий ёндашув.

Рефлексия – ўз фикрлари ва кечинмаларини таҳлил қилишга қаратилган мулоҳаза.

Сакрал – муқаддас.

Сенсуализм – ҳиссий билишнинг ролини оқилона билишнинг аҳамиятидан устунроқ қўювчи фалсафий йўналиш.

Символ – бирон-бир ғояни ифодаловчи белги, образ.

Синкретизм – қисмларга ажралмаганлик, бирон-бир ҳодисанинг норасо ҳолати билан белгиланадиган ҳар хил жинсли элементларнинг аралашуви.

Скептицизм – инсон билимининг ишончлилигига шубҳа билдирувчи ва барча ҳақиқатларни нисбий, деб эълон қилувчи фалсафий концепция.

Стереотип – кўпинча жамият томонидан фаол илгари суриладиган ва индивид танқидсиз қабул қиладиган борлиқнинг нисбатан барқарор ва соддалаштирилган образи.

Субстанция – биринчи асос, барча нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти.

Сциентизм – маданият тизимида, жамият ҳаётида фан ролини мутлақлаштириш.

Табу – бирон-бир нарса, ҳаракат, сўзга нисбатан белгиланадиган диний тақиқ.

Теология – диний таълимотлар тизими.

Теоцентризм – дунёни тушуниш марказига Худони қўювчи фалсафий ёндашув.

Техноген – техника билан боғлиқ, унинг таъсири билан белгиланган.

Технократик – техникани биринчи ўринга қўювчи.

Технооптимизм – турли муаммоларни ечишда фан-техника тараққиётининг ролини ошириб кўрсатувчи фалсафий ёндашув.

Технопессимизм – фан-техника тараққиётини жамият ва табиат таназзулининг манбаи ва омили деб эълон қилувчи фалсафий ёндашув.

Технотрон жамият – компьютер инқилоби босқичига кирган жамият.

Трансцендентал – ўта умумий.

Универсум – ягона Олам, яхлит дунё.

Хусусий муаммолар – давлат фаолиятининг муайян жабҳасига, айрим аҳоли яшайдиган пунктларга ёки кичик табиий объектларга тегишли бўлган муаммолар.

Фауна – барча турдаги ҳайвонлар мажмуи.

Фаолият атрибутлари (хоссалари) – фаолиятни мотивлаштириш ва амалга ошириш механизмларини тавсифлайди. Фаолият атрибутлари орасида, аввало, субъектлилик ва моддийлик қайд этилади.

Феномен – инсонга ҳиссий билиш тажрибасида берилган ҳодиса.

Феноменология – бевосита кузатиш мумкин бўлган идеал моҳиятлар сифатидаги феноменлар ҳақидаги фалсафий таълимот.

Флора – ўсимликлар дунёси.

Флуктуация – ўзгариш, белгиланган параметрлардан тасодифий оғиш.

Футурология – келажак ҳақидаги фан.

Фундаментал глобаллашув дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Бу жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса, у тўла даражада борлиққа айланди.

Эволюцион эпистемология – билишни жонли табиат эволюциясининг моменти ва унинг маҳсули сифатида ўрганувчи фан.

Эвристик – ижодий, номаълум нарсалар ва ҳодисаларни билишда сакрашни амалга оширувчи.

Эгалитаризм – умумий тенгликни тарғиб қилувчи ғоявий-сиёсий оқим.

Экзистенциализм – диққат марказида ҳаётнинг маъноси, инсон эркинлиги ва масъулияти муаммолари турувчи фалсафий йўналиш.

Экология – жонли мавжудотларнинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фан.

Экологик муаммо – жонли организмларнинг атроф-муҳит билан мувозанатининг бузилиши.

Экологик танглик – экологик муаммонинг кескинлашуви, бунда унинг оқибатлари орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этади.

Экспликация – у ёки бу предмет (ёки маданият объекти)нинг моҳиятини аниқлаш, унинг мазмунини кенг тавсифлаш.

Экспертиза усулида баҳолаш – бу илмий методнинг моҳияти экспертлар (фан ва техниканинг турли соҳасидаги етакчи мутахассислар) томонидан муаммони таҳлил қилиш ва сўнгра натижаларни формаллаштирилган асосда қайта ишлашдан иборат.

Экопессимизм – асосий эътибор инсон фаолиятининг салбий оқибатлари ва атроф-муҳит муаммоларига қаратилган, уларни ечиш имкониятлари салбий тусда кўрилган ҳол.

Экстравертив – сиртга қаратилган.

Экстраполяция методлари – қонуниятлари ўтмишда ва ҳозирги даврда яхши маълум бўлган тенденцияларни келажакка татбиқ этишга асосланади.

Эмпиризм – ҳиссий идрок этиш ва тажрибани билишнинг асосий манбаи, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Эмпирик – тажрибада кўрилган.

Этимология – у ёки бу сўз ёки иборанинг келиб чиқиши.

Эпистемология – билиш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Этногенез – халқлар ёки миллатларнинг келиб чиқиши.

Ўз имкониятларини рўёбга чиқариш – ўзининг бетакрор моҳиятини фаолиятда намоён этувчи ва гавдалантирувчи ҳар бир индивид ахлоқий фаолиятининг мақсади.

Қидирув прогнози – ижтимоий объектнинг келажаги қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатиш учун тузиладиган прогноз.

ФАЛСАФА

МАШҚЛАР ТЎПЛАМИ

Фалсафанинг предмети, мазмун ва моҳияти, жамиятдаги роли

1. Ҳаёт тажрибаси ва эмпирик билимлар асосида шаклланадиган дунёқараш оддий ёки эмпирик дунёқараш деб аталади ва инсоннинг дунё ҳақидаги тасаввурларининг қисмларга ажралмаган, тизимиз мажмуи сифатида амал қилади**.** У ҳар қандай дунёқарашнинг негизи ҳисобланади ва одамларга кундалик ҳаёти ва фаолиятида йўл кўрсатиб, уларнинг хулқ-атвори ва аксарият қилмишларини белгилаб, муҳим регулятив функцияни бажаради. Сиз бу қоиданинг амал қилиш босқичларини схемада ифодалай оласизми?

2. Дунёқарашнинг тузилиши *дунёни сезиш, дунёни идрок этиш ва дунёни тушуниш* каби энг муҳим элементлардан иборат. Уларнинг намоён бўлиш жараёнини тушунтириб беринг

3. Фалсафа ва дунёқараш мутаносиблиги қайси вариантда аниқ ифодаланган?



4. Сизнинг ўз дунёқарашингизда зиддиятлар бўладими, агар бўлса, у қандай кўринишда намоён бўлади?

5. Тарихий тажриба фалсафанинг ривожланиш жараёнида абадий муаммоларнинг қўйилиши ўзгариб туради, уларни тушуниш эса чуқурлашади ва кўп ҳолларда муқобил кўринган ҳақиқатлар бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради. Бу нима билан боғлиқ. Фалсафа билан фаннинг ўзаро муносабатини чизма асосида изоҳланг:

а



б



а



б

6. Фалсафа фандан фарқли ўлароқ бир томондан воқелик ҳақидаги мулоҳазаларни кенг қамровли материал асосида қуради. Иккинчи томондан эса бу материал фалсафани воқеликка инсоннинг муайян давр нуқтаи назаридан муносабатини аниқлашга мажбур қилади. Қуйидаги чизмада шу муносабатни аниқланг.



7. Фалсафий тафаккур ҳар қандай догмалардан холи бўлмоғи лозим, у барча нарсаларни, ҳаттоки энг ғайритабиий ҳодисаларни ҳам танқидий тафаккур элагидан ўтказади. Ўз навбатида, ҳар қандай дин ўзида ҳар қандай шубҳа ёки иккиланиш гуноҳ деган догмага асосланади. Бу диндорнинг фалсафий тафаккур оламига кирганида диндан воз кечишини англатадими? Агар файласуф аввал бошдан динга ишонса ва ўз эътиқодидан шубҳаланмаса, бу унинг фалсафий тафаккур эркинлигини чегаралайдими?

Чизмани изоҳланг:



8. Фалсафанинг ахлоқий функцияси ва тарбиявий функцияси мавжуд. Бу функцияларнинг ижтимоий ҳаётда амал қилиш қонунияти нималарда намоён бўлади?

9. Ҳозирги дунёда фалсафанинг аҳамияти қандай? Бугунги кунда, тезликлар ва юксак технологиялар асрида фалсафа керакми, у эскиргани йўқми? Узлуксиз ахборот оқими ва сурункали вақт танқислиги шароитида муайян билим фалсафани сиқиб чиқармайдими? Сиз фалсафий билим инсон билимининг зарурий компоненти деб ҳисоблайсизми, нега?

10. Нима учун фалсафа тарихида фикрлар ранг-баранглиги меъёр ҳисобланади?

11. Ҳозирги дунёда фалсафа қандай вазифаларни ҳал қилмоқда?

12. Мифология элементлари ҳозир ҳам одамлар онгида муҳим роль ўйнайди. Масалан учар ликобчаларда баҳайбат ўзга сайёраликлар, қор одам ҳақидаги ҳикоялар, сув парилари, телекинез, телепатия, экстрасенслар шулар жумласига киради. Булар қадимги мифлардан фарқ қиладими?

13. Фалсафанинг диний дунёқарашдан кескин фарқи нимада намоён бўлади?

14. Фалсафа донишмандликдан нимаси билан фарқ қилади? (қаранг: Золотухина-Аболина Е.В. Страна философии. Ростов-н/Дону, 1995 г.)

Фалсафий тафаккур эволюцияси. Қадимги давр, Ўрта асрларда уйғониш даври фалсафаси

1. Аристотелнинг Платон менинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан устунроқ, деган фикри тарихдан маълум. Бунинг моҳияти шуки Аристотель учун дўстликдан ҳақиқат устун. Аристотелнинг фикрига ўз муносабатингизни аниқланг. Сиз уни қўллаб-қувватлайсизми ёки аксинча, унинг фикрини рад қиласизми?

2. Объектив идеализм вакили Платон биз кўраётган нарсалар дунёсидан ташқари, инсон фақат ақл кўзи билан кўрадиган ғоялар дунёси ҳам бор деб таъкидлайди. Ғоялар дунёсида шар ғояси, кўза ғояси, тирик отлар ғояси мавжуд. Бироқ, тош ёки мис шарлар, лойдан ясалган кўзалар, нарсалар дунёсида яшовчи тирик отлар атиги мос келувчи ғояларнинг моддий ифодаси, уларнинг соясидир. Демак, Платон учун моддий дунё – нарсалар дунёси – маънавий дунё ғоялар дунёсининг маҳсулидир. Платоннинг нарсалар ва ғоялар муносабати ҳақидаги таълимотини инкор қилувчи аргументларни топинг.

3. Шарқ ва Ғарб фалсафаси пайдо бўлиши ва ривожининг қандай умумий ва фарқли жиҳатлари мавжуд?

4. Қадимда Шарқ фалсафаси ҳам, Ғарб фалсафаси ҳам яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва адолатсизлик, дўстлик, бародарлик, муҳаббат ва нафрат, бахт, лаззатланиш ва азоб чекиш каби муаммоларнинг ечимини излаган. Бу жараён ўша давр буюк файласуфларининг фикрларида, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Сиз Зардўшт, Гераклит, Демокрит, Эпикур, Платон, Ариистотель, Лао Цзи каби буюк файласуфларнинг инсоний қадриятларга оид фикрларини эслайсизми? Бу фикрлар сизга қандай таъсир қилади, сиз ўзингизни шу фикрлар таъсирида тарбиялай оласизми?

5. Қадимги дунё Шарқ ва Ғарб фалсафаси муаммоларидаги фарқлар нималарда намоён бўлади?

6. Форобий (870–950) фалсафа ва табиий фанлар тарихига оид юзга яқин асар муаллифидир. У фанлар билиш воситалари эканлигидан келиб чиққан. Бунда мутафаккир назарий (мантиқ, фалсафа, табиий фанлар) ва амалий (ахлоқ, сиёсат) фанларни фарқлаган. Форобийнинг риторикага оид асари ҳам борми? Форобий фикрича, «Сўз»нинг кучи нимада?

7. Ибн Синонинг «Ҳайй ибн Якзон» рисоласининг бош қаҳрамонлари кимлар? Ушбу рисолада кўтарилган масаланинг ечими борми?

8. Ибн Арабий фалсафаси Европа фалсафий анъанасида фойдаланилган тилга жуда яқин бўлган тилда яратилган философема. Уни айни ҳолда рационалистик философема деб номлаш мумкин (у бирлик, кўплик, сабаб, оқибат, биринчи асос, жисм, макон, замон каби категориялар ва атамалардан фойдаланади); тилини бадиий тил деб белгилаш мумкин бўлган, бироқ нафақат эстетика жабҳасини, балки онтология ва натурфалсафанинг рационалистик тили билан бир борлиқни тавсифловчи философема (унинг категориялари – муҳаббат, интилиш, эҳтирос, муҳтожлик, гўзаллик ва ш.к.); ниҳоят, «мистик» тилда яратилган философема (категориялари: завқ, ҳол, фано, бақо, жон, рўё ва ҳ.к.). Ибн Арабий философемаси неча қисмдан иборат? Уларнинг моҳияти нимага йўналтирилган?

9. Зенон «Апория»ларининг объектив реаллик билан алоқаси борми? Ушбу апориялар нима деб аталади?

10. Аристотель фикрича одамларни фалсафий мушоҳада юритишга нима ундайди? (қаранг: Аристотель. Метафизика. Фрагмент // Мир философии. Хрестоматия. Т.1. –М.: 1990 г.)

11. Даоизмнинг «донишмандлик» идеали, конфуцийликнинг «ҳақиқий эр йигит» идеалидан нимаси билан фарқ қилади?

12. Антропосоциогенезнинг сири нимада?

13. Мифологик ва диний дунёқарашнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи нимада?

14. Нима учун фалсафа дунёқарашнинг назарий асоси ҳисобланади?

15. Платон фикрича нарсалар моҳиятини эгаллашнинг механизми қандай? (қаранг: Платон. Символи пищеры. Фрагмент из работы «Государство» // Мир философии. Хрестоматия. Т.1. –М.: 1990 г.)

16. Эмпиризм ва сенсуализм бир-биридан нимаси билан фарқланади?

17. Қуйидаги а) тўғри; б) вулгар – биолагизаторлик; в) вулгар социологизаторлик қарашларни бир-биридан фарқланг. 1) Инсон ва унинг ҳаёти биологик қонунлар билан белгиланади. 2) Инсон ижтимоий муҳит маҳсули. 3) Инсон – ижтимоий мавжудот, лекин унинг хулқ-атворига биологик омиллар таъсир қилади. Ўзингиз қайси қараш тарафдорисиз?

18. Қуйидаги монизм, агностицизм, онтология, категория, қонун, идеализм, сциентизм каби тушунчаларга таъриф беринг. Қайси ҳолларда метафизика атамаси ишлатилади?

19. Хайдеггер фикрича фалсафанинг асосий хусусияти нимада? (қаранг: Хайдеггер М. Основные понятия метафизики // Мир философии. Хрестоматия. Т.1. –М.: 1991 г.)

20. Форобий ўзининг «Китоб-ул-хуруф» («Ҳарфлар китоби»)да, фалсафанинг динга нисбатан афзаллиги ва бирламчилиги ҳақида очиқ гапиради ҳамда диний

маросимлар фалсафий ҳақиқатлар ва субъектив тимсол, рамзларнинг тимсолидир, деб эътироф қилади. Аммо, у дин мутлақо керак эмас деган фикрни назарда тутмайди. Зеро, у динни инсонлар жамияти учун фойдали ва зарурий деб ҳисоблайди. Сиз бу фикрга қўшиласизми, нима учун?

Янги ва энг янги давр фалсафаси

1. Янги давр Ғарб ва Шарқ фалсафасидаги асосий муаммолар фан ва фалсафанинг вазифаси – инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини кучайтиришга, инсон соғлиғи ва гўзаллигига кўмаклашиш ҳодисаларнинг сабабларини, уларнинг муҳим кучларини ўрганиш зарурлиги англаб етилишига олиб келган. Шу сабабли субстанция ва унинг хоссалари муаммолари Янги даврнинг деярли барча файласуфларини қизиқтирган. Янги давр ғарб фалсуфларининг субстанция, материя, макон ва вақтга оид қарашлари бир-биридан фарқ қиладими? Бу қарашлардаги асосий ғоя нима?

2. Нидерланд файласуфи Бенедикт Спиноза (1632–1677) буни «causa sui» – «ўз-ўзининг сабабчиси» иборасида жуда тўғри ифодалаган. Субстанция деганда, у ўз ҳолича мавжуд бўлган ва ўзи орқали зоҳир бўлган, яъни ўзининг мавжудлиги учун бошқа нарсага муҳтож бўлмаган нарсани тушунган. Бунда субстанция қандай тушунилади?

3. Лейбницнинг «монадологияси», яъни монадалар ҳақидаги таълимоти монизмми, дуализмми ёки плюрализмми?

4. Қуйидаги қарашлар идеализмнинг қайси шаклига мос келади? а) Дунё биздан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Унинг реаллиги бизнинг онгимизга боғлиқ (Р.Тагор). б) Оламнинг яратувчиси кўпроқ соф математикга ўхшаб кўринади (Д.Джипс), в) Билувчи – мен –мавжудликнинг ўзидир, бошқа нарсалар билинувчи, яъни фикрдир, демак, мавжуд эмас. (Г.Фихте).

5. Европа цивилизацияси чиндан ҳам цивилизациянинг олий шакли ҳисобланадими ва у бутун инсоният ривожланишига йўл кўрсатишга қодирми?

6. Гегель, оламнинг асоси дунёвий ақлдан иборат, деб ҳисоблайди ва уни мутлақ ғоя, деб атайди. Дунёвий ақл фикрлайди ва унинг тафаккури мантиғи табиатнинг сўнгра инсоннинг пайдо бўлишига мос келувчи тушунчалар тизимининг ташкиллашишига олиб келади. Табиат, Гегель фикрича, қотиб қолган тушунчалар макони. Бундан Гегелнинг тафаккур ва борлиқ бирлиги ҳақидаги тезиси келиб чиқади, яъни барча ақлли нарсалар ҳақиқатда мавжуд, ҳақиқатда мавжуд нарсалар ақлли. Инсон Мутлақ ғояга тегишли бўлган мантиқ қонунлари каби фикрлаш қобилиятига эга. Табиатни ва ўз-ўзини ўрганиш жараёнида инсон аста-секинлик билан Мутлақ ғояни ўрганади. Натижада, у ҳам инсон ёрдамида ўз-ўзини ўрганади. Агар, Мутлақ ғоя ва Худо ўртасида фарқ ва боғликлик мавжуд бўлса, у нимада намоён бўлади?

9. XIX–XX асрда эмпиризм ва рационализм ғояларини инкор қилувчи фалсафий йўналиш иррационализм шаклланди. Унинг асосий ғоялари нимадан иборат?

10. XX аср ўзбек фалсафаси борми? Унинг шаклланиш босқичларини биласизми?

11. Ўзбек файласуф академиклари ҳақида нималарни биласиз.

Онтология – борлиқ фалсафаси

1. Борлиққа муносабат масаласида пантеизм, гилозоизим каби ёндашувлар мавжуд. Уларни характерланг ҳамда дуализм, монизм ва плюрализмдан фарқини кўрсатинг.

2. Худо тушунчаси руҳ тушунчасидан келиб чиқган, шундан кейин руҳ Худонинг иродаси сифатида қабул қилина бошланди. Инсоннинг руҳи ва Худо генетик тарзда бир-бири билан боғлиқ деб эътироф қилиш мумкинми?

3. Сиз ҳозирги давр санъат асарларида (кино театр, мусиқа, рассомчилик) идеалистик фалсафа ғоялари билан боғлиқ ҳолатларни аниқлай оласизми?

4. Материалистик нуқтаи назардан руҳ ҳақидаги диний тасаввурларни қандай баҳолаш мумкин?

5. Материализмни инкор қилиш мумкинми? Агар мумкин бўлса, асосланг (бу масалада, Лейбниц, Беркли таълимоти ва энергетизм таълимотини ўрганинг).

6. Материалистик нуқтаи назардан инсон барҳаётлигини таъкидлаш индивиднинг барҳаётлигини таъқидлаш билан баробар. Бироқ, адабиётларда инсониятнинг барҳаётлигига ишониш лозим деган фикр шаклланган. Зеро, унинг йўқолиши ҳақидаги ғоя пессимистикдир ва у одамларни келажакка ишончи ва умидини сўндиради. Қайси фикрга қўшиласиз? Биз ҳаммамиз ўлим ҳақлигини биламиз, лекин бу билан ўз ҳаётимизга нисбатан пессимистик руҳ шаклланмайдику?

7. Эҳтимол, онтологик бошқа дунёда инсон онги ва ақлидан кескин фарқ қилувчи қандайдир ғайри ногеоцентрик тизимлар мавжуддир? Бироқ, бундай дунёларда мураккаб диссипатив тизимларни ташкил қилиш учун, антиэнтроп жараёнларда амал қилинадиган қонунларга бўйсуниш лозим. Балки, материянинг ўз-ўзидан ташкиллашуви у ерда бошқача кечар ва у ернинг ақл эгалари ўзларига мос антроп тамойилларга риоя қилишар? Ҳозирги замон фани бу саволларга жавоб бера олмаяпти. Бу масалага оид сизнинг фикрингиз қандай?

8. Қадимги даврда элейлик Зенон ҳаракатнинг йўқлигини исботловчи апорияларни илгари суради. Улардан бири «Ёй» ҳақидаги апория бўлиб, унда учаётган ёй ўзининг учиши жараёнида маконда муайян жойга эга бўлади, бошқача айтганда, шу жойда тинчланади, демак, шу даврда у ҳамма вақт тинч ҳолда бўлади, яъни ҳаракатланмайди! Ҳаракатнинг юқорида келтирилган зиддиятли характерини ҳисобга олиб, Зенон таклиф этаётган зиддиятга аниқлик киритинг.

9. Борлиқ ва йўқлик диалектикаси. Келтирилган фикр амалда мавжуд нарсагина борлиққа эга бўлиши мумкин, деган хулоса чиқариш имконини беради. «Йўқлик» ҳар қандай тилда амалда мавжуд бўлмаган нарса билан тенглаштирилади ва бошқача тушунилиши мумкин ҳам эмас. Бошқача айтганда, йўқлик борлиқни инкор этади ва нарса, жисм, ҳодиса, онг... (яъни, амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлган нарсалар) ўзлигини йўқотган ҳолда «йўқлик» атамаси айни шу маънода ишлатилади ва улар ҳақида улар «йўқликка чекинди», мавжуд эмас, дейилади. Бу тўғри фикрми ёки нотўғри? Асосланг.

Субстанция ва материя муаммоси

1. Субстанция, субсрат тушунчалари айнийми**?**

2. Монадалар ҳақидаги таълимотнинг назарий асослари утопик характердами ёки объектив ҳақиқатга яқинми? Тушунтиринг.

3. Ҳозирги даврда материянинг уч таркибий даражаси фарқланади:

– микродунё – «...дан ташкил топади»;

– мегадунё – коинот дунёси;

– макродунё – барқарор шакллар. Уларни бир-биридан фарқлай оласизми, бу даражалар бир-бирига таъсир қиладими?

4. Геоцентрик ва ногеоцентрик моддий тизимлар нимаси билан бир-биридан фарқ қилади?

5. Космология ривожланишининг ҳозирги босқичи релятивистик космологиянинг устуворлиги билан тавсифланади. Релятивистик космология бутун дунёни мукаммал тавсифлашга даъво қилмайди, лекин чеклилик ва чексизликни биз яшаётган оламга татбиқан, унинг физикавий-макон тузилиши томонидан ўрганади. Релятивистик космологиянинг асосчилари кимлар? Уларнинг яна қандай таълимотларини биласиз?

6. Айрим олимлар чексиз кенгаювчи «Олам гипотезаси»ни қабул қилганлар ва «Катта портлаш» концепциясига кўра, тахминан 17–20 миллиард йил олдин олам жуда кичкина ҳажмда, ўта зич сингуляр ҳолатда бўлган, деб ҳисоблайдилар. Айрим олимлар фикрига кўра, кенгайиш ўрнини яна торайиш эгаллайди ва бутун жараён такрорланади. Шу асосда ҳаракатланувчи «Олам гипотезаси» илгари сурилган бўлиб, унга кўра, тахминан ҳар 100 миллиард йилда янги цикл «Катта портлаш»дан бошланади. Қайси фикрга қўшиласиз?

7. Нисбийлик назариясини ривожлантирувчи ва кучли, кучсиз, электромагнит ва гравитацион ўзаро таъсирларга нисбатан яхлит ёндашувчи ҳозирги табиий-илмий концепциялар маконнинг уч ўлчовлилиги ва вақтнинг бир ўлчовлилиги (у ўтмишдан келажакка қараб оқиши)ни моддий жисмлар борлиғининг эҳтимол тутилган ҳолларидан бири сифатида талқин қилади ва бизнинг Метагалактикамиз билан бир қаторда ўзга дунёлар ҳам мавжудлигини фараз қилиб, макон ва вақтнинг кўп ўлчовлилиги ғоясини илгари суради. Бошқа оламларда макон ва вақт бутунлай ўзгача тузилиш, кўламлилик ва шаклларга эга бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади. Макон ва вақт кўп ўлчовли бўла оладими? Асосланг.

Ҳаракат ва ривожланиш

1. Ҳозирги замон методологияси нуқтаи назаридан материя ҳаракат шаклларининг оддий чизиқли жойлашуви тўғри эмаслигини аниқ мисоллар билан исботлаб беринг.

2. Материя ҳаракатининг геологик шакли мавжудлиги ҳақидаги тахминни қабул қилиш мумкинми? Фикрингизни асосланг.

3. Зенон апорияларида ҳаракатнинг қандай шакли ҳақида фикр юритилади?

4. Ҳаракатнинг информацион шакли ижтимоий асосга ёки табиий асосга эгами?

5. Сизнинг харакатингиз ҳаракатнинг қайси шакли билан характерланади?

6. Диалектика ва метафизика ҳаракатга қандай таъриф беради?

Макон ва вақт

1. Макон ва вақт ҳақидаги субстанционал ва релаятив концепцияларнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

2. Макон ва вақтнинг топологик ва метрик хоссаларини айнийлаштириш мумкинми?

3. Макон ва вақтнинг субстанционал ва реляцон концепцияларининг фарқи нимада?

4. Ижтимоий вақт – бу инсоннинг индивидуал-биологик вақтими ёки жамиятнинг мавжуд бўлиши вақтими?

5. Макон ва вақтнинг кўпўлчовлилиги иилмий асосга эгами?

Табиат фалсафаси

1. География муҳит ва географик муҳит параметрлари орасида қандай алоқа мавжуд?

2. Географик мактабларнинг асосчилари кимлар? Уларнинг таълимотлари билан танишмисиз?

3. Сизнингча инсонни ғордан чиқишга нима мажбур қилган?

4. Жамиатни ўрганишда умумийсоциологик ва ижтимоий-фалсафий ёндашувлар бир-биридан нимаси билан фарқланади?

5. Глобал эволюционизмни қандай тушунасиз?

Инсон борлиғи

1. Онг тушунчасига баъзи ҳолларда англаш, бошқа ҳолларда инсоннинг қобилиятини намоён қилиш ҳолати, яна бошқа ҳолларда онгнинг мазмуни деган қараш шаклланган. Физиологлар, онг деганда, уйқуга қарши фаол нормал ҳолатни тушунадилар, психологлар учун онг бу қандайдир нарсага эътибордир.

2. Сизнингча онг нима? (ҳар бир мутахассисликка тегишли) Фикрингизни изоҳланг.

3. Индивидуал онг борлиғи ва ижтимоий онг борлиғини қайси кўрсаткичлар асосида фарқлаш мумкин, аниқ мисоллар билан фикрингизни исботланг.

4. Антроп таамойилнинг моҳиятини биласизми?

5. Инсон онгли мавжудот. Инсоннинг бошқа яна қандай моҳиятини биласиз?

Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари ва категориялари

1. Диалектиканинг муқобиллари борми? Агар бор бўлса уларни асосланг.

2. Қуйидаги мисолларни кўриб чиқинг ва уларда инкорни-инкор қонуни амал қилиши ёки қилмаслигини исботланг.

А) Одатда, қариликда инсон ёш болага ўхшаб қолади, деган фикр бор.

Б) Тарих, дастлаб бозор иқтисодига ўтиш муаммоси 1920-йилларда (янги иқтисодий-сиёсатга ўтиш, НЭП) СССРда социалистик тизимнинг ривожланиши жараёнида қўйилган ва 1991 йилда СССР парчаланиши билан яна бу масалага қайта мурожаат қилинди.

3. Қонунларни биласизми? Сизнинг ҳаётингиз қандай қонунларга буйсунади?

4. Шоир Тошпўлат Аҳмедов Ватанга муносабатни шундай билдиради:

Шодланиб қарайман жамолингга ман,
Зардўзи дўппидай камолингга ман.
Кимдир, сени жарга отмоқчи бўлди.
Шоир битта холга сотмоқчи бўлди.
Мен сени алишмам минг битта холга,
Минг битта чиройга хазина молга.
Сен менга умрдек эзгу бебаҳо,
Жаҳоним, жононим, жоним Бухоро.

Ушбу мисраларда қандайдир сифатнинг сон ўзгариши жараёнини кўриб чиқинг ва уларда сифат ўзгаришига олиб келувчи таянч ўқни топинг. Табиатда чексиз сон ўзгаришлари бўлиши мумкинми?

5. Сон кўрсаткичига эга бўлмаган кўпликни айта оласизми? Сон билан белгиланмайдиган кўплик борми?

6. Қуйидаги фикрлар мантиқан зиддиятли бўла оладими? «Дарё оқади ва оқмайди», «Қўшиқ эшитилмайди ва эшитилади». Бу фикрлар диалектик зиддиятни ифодалайди дейиш мумкинми?

7. Қандайдир асосга таянаётган пона эгилади. Бунда унинг юқори қисми сиқилади, қуйи қисми эса кенгаяди. Оқибатда, пона бир вақтнинг ўзида ҳам сиқилади ҳам кенгаяди. Бу хулоса мантиқан зиддиятли бўладими? Понанинг ўрта қисмида нима содир бўлади, у сиқиладими ёки кенгаядими?

8. Диалектиканинг тарихий шакллари: материалистик диалектика, идеалистик диалектика ва стихияли диалектика бўлиб улар тарихий тараққиётнинг турли даврларида шаклланган. Улар бир-биридан нимаси билан фарқланади. Бу таълимотлар кимларга тегишли?

9. Классик диалектика дунёни тушунишнинг шундай бир усули ҳисобланадики, бунда борлиқ нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий ўзаро алоқаси, уларнинг бир-бирини тақозо этиши ва муттасил ўзгариши нуқтаи назаридан англаб етилади. Объектив диалектика ва субъектив диалектика нима?

10. Бутун ва қисм, система ва элемент категорияларининг қиёсий таҳлилини амалга оширинг.

11. Фалсафа тарихида диалектиканинг асосий категориялари ҳақидаги тасаввурларнинг эволюциясига тавсиф беринг.

12. Сиз ўз ҳаётингиз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олаяпсизми?

13. Агар сизга кўп даромад ваъда қилиб, эвазига ниманидир бажаришни сўрашса, сиз бу имкониятдан қай даражада фойдаланасиз?

14. Одатда, барча одамларга тенг имконият яратилган, лекин ундан фойда-

ланиш даражаси индивидуал характерга эга, деган тушунча мавжуд. Бу фикрга муносабатингизни билдиринг. Агар дунёга қайта келиш имконияти бўлганида, сиз қайси имкониятлардан фойдаланган бўлар эдингиз?

15. Ҳаётингиз мазмунини тушунтириб бера оласизми?

16. Фан категориялари, хусусий илмий категориялар ва фалсафа категорияларининг амал қилиш доираларини изоҳланг.

17. Агар имконсизликни «0» билан, воқеликни эса «1» билан ифодаласак, «0» дан «1» гача бўлган оралиқ қийматларнинг барчаси имконият даражасини тавсифлайди. Эҳтимолликнинг шартли ўқи атрофида имкониятнинг бутун доирасини кўрсатиш мумкинми?

18. Объектив ва субъектив идеализм, объектив ва субъектив диалектиканинг фарқини кўрсатинг.

Билишнинг мазмун ва моҳияти

1. Ташқи дунё, нарсалар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда, объектив реал мавжуд. Улар фақат инсон онгига боғлиқ ва инсон фаолияти маҳсули сифатида намоён бўлади. Ташқи дунё ҳам бизнинг онгимиз ҳам мустақил мавжуд реаллик бўла олмайд. Зеро, униси ҳам, буниси ҳам қандайдир ҳеч қандай борлиққа боғлиқ бўлмаган, учинчи реаллик олий бошланғич асос таъсирида мавжуд бўлади, деган материалистик, субъектив идеалистик ва спиритуалистик ёки объектив идеалистик ғоя қуйидаги қайси чизмада ўз ифодасини топган чизмани асосланг:



2. Материя, онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда, мавжуд, деган материалистик қарашни, ҳар қандай материал объект инсон ақли ва онгига ҳеч қандай боғлиқ эмас, маъносида тушунмаслик керак. Айтайлик инсон тайёрлаган тухумли қуймоқ материал объект. Бироқ, у инсон истаги асосида пайдо бўлди ва шу маънода, унинг мавжудлиги инсон онгига боғлиқ. Инсон онгига унинг келажакдаги мавжудлиги ҳам боғлиқ: хоҳласа-еб қўяди. Модомики шундай экан, тухумли қуймоқнинг инсон онгига боғлиқ эмаслиги ва моддийлиги ҳақида гапириш мумкинми? Бу фикрда зиддият йўқми? Бу саволга жавоб бериш учун нима инсон онгига боғлиқ ва нима боғлиқ эмаслигини аниқланг.

3. Субъектив идеализм бутун олам ва ундаги нарсалар якка индивиднинг сезгилари ва таассуротлари, йиғиндисидир (инсон психикаси маҳсули), деб таъкидлайди. Ҳаттоки, одамлар ота-онаси ҳам инсон ақли маҳсули, деб қаралади. Субъектив идеализмнинг бундай шакли солипсизм, деб аталади. Солипсизмни инкор қилувчи мисоллар келтиринг.

4. Билиш муаммосининг турли давлардаги ифодасини қуйидаги чизмани изоҳланг:

Муаммонинг дастлабки ифодаси	Антик давр	Билиш сезги ва ақл		
Муаммонинг иккинчи ифодаси	XVII–XVIII аср	Эмпиризм: билим – тажриба манбаи	Рационализм-1: билим – ақл манбаи	
Муаммонинг учинчи ифодаси	XIX–XXаср	Рационализм-2: билиш – рационал жараён: тажриба – ақл		Иррационализм: ғайриҳиссий ва ғайриақлий билим

5. Ўйин шаклидаги билим олишни қандай тушунасиз?

6. Ўзингиз ўйин шаклида билим олганмисиз?

Билиш методологияси: асосий тушунчалар

1. Инсоният тарихида файласуфлар ўз таълимотларини ўзлари кашф қилган антиқа методлар ёрдамида изҳор қилганлар. Масалан, Суқротнинг майевтика методи, Форобийнинг фикрий эксперимент методи, Берунийнинг тажриба методи, Декартнинг умумий шубҳаланиш методи, Спинозанинг геометрик методи, Кантнинг танқидийлик методи, Гегелнинг тушунчалар диалектикаси методи, Марксннинг диалектика методи, Бергсоннинг интуитивлик методи, Витгенштейннинг тилнинг мантиқий таҳлили методи, Гуссерлнинг феноменологик редукция методи, Ясперснинг инсон моҳиятини тушунишга йўналтирилган трансценденлаш методи, Гадамернинг герменевтика методи кабилар. Шу методларнинг моҳияти, ўзаро алоқадорлиги ва фарқи нималарда намоён бўлади?

2. Агар диалектика билиш методологияси бўлса, унда антропологик материализм, механистик материализм, метафизик материализм нима?

3. Агар биз ўзгаришсиз оламда яшаган бўлсак ёки биз олам ҳақидаги тасаввурларимизни ўзгартирмасдан яшасак, унда бизга онг керакми?

4. Ҳайвонларнинг табиий муҳитнинг нисбатан барқарор шароитида яшаши учун ўзгаришсиз инстинктларнинг ўзи кифоя, уларга онгнинг кераги йўқ. Бироқ инсоннинг онги унга тўлиқ итоат этадими?

5. Инсон онгининг характерли хусусияти нимада?

6. Онг ёрдамида инсон қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

1) воқеликни акс эттиради ва у ҳақидаги билимларни эгаллайди;

2) воқеликдаги ҳодисаларни баҳолайди ва уларга муносабатини билдиради;

3) ўз эҳтиёжларини англайди ва шу боис ўз олдига мақсад ва вазифаларни белгилаб олади;

4) юқоридаги уч масаланинг ечимига қараб, ўз хулқ-атворини бошқаради ва ўзини тарбиялайди. Ушбу масалаларнинг ечимини онгнинг функциялари деб аташ мумкинми? Агар мумкин бўлса, уларга ном беринг.

5. Онг функцияларини кундалик турмуш мисоллари билан изоҳланг:

Бошқарувчи функцияси

8. Онг функцияларининг қайси бир устуворлигига қараб, онгнинг тури ва у орқали шахснинг характерини аниқлаш мумкин. Айтайлик шоир, ташаббускор, қаҳрамон, мақтанчоқ ва ҳоказо. Ўз танишларингиз онгининг турини аниқланг, улар маънавий дунёси ва хулқ-атворини баҳоланг. Онгнинг қайси функцияси инсон учун муҳим.

Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари

1. Эмперизмнинг эволюцияси уч босқичдан иборат.

1-босқич. Барча мавжуд нарсалар тажрибада билинади (Ф.Бэкон).

2-босқич. Тажрибада фақат бизнинг сезгиларимиз берилган (Бекрли).

3-босқич. Демак, сезги барча мавжуд нарсалардир (Милл).

Бу қарашларнинг қайси бири тўғри ва қайси бири нотўғри? Асосланг.

2. Рационализм эволюцияси уч босқичдан иборат.

1-босқич. Табиатнинг энг умумий қонунлари тажрибага мурожаат қилмасдан, ақл билан эгалланади (Р.Декарт).

2-босқич. Бироқ ақл тажрибага мурожаат қилмасдан, фақат мантиқ қонунларинигина билади (Кант).

3-босқич. Айнан тафаккур қонунлари табиат қонунларидир, зеро, табиат ақлнинг асосида ётувчи ташқи қобиқдир. Рационализм эволюциясининг босқичларини асосланг (Гегель).

3. Инсон ўзининг қарашлари ҳақида жиддий ўйламасдан, қайсидир масалада рационалистларга ён босиши ва қайсидир масалада иррационалистларни ҳимоя қилиши мумкин. Бу эса, фалсафий ноизчилликдан далолат беради. Агар бу ноизчилликни бартараф қилиш учун иррационал ва рационал тафаккур тарзининг бирини танлашга мажбур бўлса, қайси ёндашув муҳимроқ ва заруррок, рационализмми ёки иррационализм? Инсон рационализм ва иррационализмдан бирини танлар экан, ўзининг қарорини рационал асослай оладими?

4. Материалистлар – рационалистлар, улар рационализм нуқтаи назаридан илгари сурилган ҳар қандай ғояни қабул қиладилар. Уларнинг таянчи ақл ва тажрибадир. Материалист дунёни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилади ва ўрганади. Материалист, атеист, у худоларнинг, ҳар қандай ғайритабиий кучларнинг борлигини инкор қилади.

5. Идеалистларчи? Идеалистларнинг тафаккурини қандай баҳолаш мумкин. Материалистлар ва идеалистлар тафаккурининг умумий тамойиллари мавжудми?

6. Ҳар қандай ҳақиқий билим илмий билим бўла оладими? Агар бўла олмаса, нима учунлигини асосланг.

7. Кашфиётчи олим учун муаммонинг энг қулай ечимини топиш муҳим, масалан, транспорт воситаларини лойиҳалаштираётганда, унинг М массаси кичик бўлиши, юк кўтариш Г эса, кўпроқ бўлиши муҳим. Бироқ, бу зиддиятли талаб (нима учун?). Чунки вагон, автомобиль, самолётнинг янада такомиллашган моделини яратиш учун энг аввало, бу зиддиятни бартараф этиш ва унда К=М/Г коэффециенти илгари мавжуд бўлган моделлардан кам бўлиши зарур. Кўприк, кўтарма кран, ва бошқа техник воситаларни яратишда янги моделга таяниш мумкинми?

Фалсафада ҳақиқат муаммоси

1. Нильс Бор нафақат буюк физик олим, балки ажойиб файласуф ҳам бўлган, у дўстлари билан суҳбатда, «Ҳақиқатнинг буюклиги унга қарама қарши ҳақиқатнинг ҳам буюклигидир», деб таъкидлаган. Бу чуқур пурмаъно фикрнинг моҳиятини аниқланг. У нимани англатади?

2. Абсолют ғоя ва Худо ўртасида ўхшашлик ва фарқ бор. Улар нимада намоён бўлади?

3. Сув париси, кентаврлар, аждаҳоларнинг образлари ва шу кабилар воқеликда мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг элементларини эслатади. Ҳар қандай технологик кашфиёт, табиатни ўрганиш оқибатида эришилган тадқиқот натижаларига таянади. Фантаст рассомлар ўзга сайёралардаги ҳаётни тасвирлар экан, ердаги нарсаларни акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Ҳаттоки, Худони ҳам одамлар ўз образига ўхшатишга ҳаракат қиладилар. Бизни қуршаб турган оламда мавжуд нарсаларни эслатмайдиган, уларга ўхшамайдиган ниманидир ихтиро қилишга ҳаракат қилинг.

4. Умумэътироф қилинган нарсани ҳақиқат деб қабул қилиш мумкинми?

5. Билим ҳақиқийлигини овоз бериш йўли билан аниқлаш мумкинми? Кўпчилик ишонадиган бирор назария, фалсафий таълимот, диний қараш ҳақиқатнинг мезони бўла оладими?

6. Сиз, ҳақиқатнинг мезони билим олиб келадиган фойда, деб эътироф қилувчи прагматистларнинг фикрини қўллаб-қувватлайсизми?

7. Ҳақиқатнинг объективлигини инкор қилиш агностицизмга олиб келадими? Асосланг.

8. Ҳар қандай илмий муаммонинг ечимини топиш олимлар жамоасининг ушбу ечимни якдиллик билан қабул қилиши билан боғлиқ. Агар, олимлар, у ёки бу далилнинг билим ҳақиқийлигини асослаш учун етарли, деб ҳисоблашса, унда, у илмий далил бўла олади. Сиз билим ҳақиқийлигига асос бўлувчи ушбу назарияга қўшиласизми? Фикрингизни асосланг.

Тушуниш ва тушунтириш

1. Сизни доим тушуниш учун нималарга риоя қиласиз?

2. Сиз ўзингизни тушунасизми?

3. Суҳбат чоғида сиз тушунмаган мавзуни узоқ вақт диққат билан эшита оласизми?

4. Агар сизни кимдир тушунмаётганлигини сезсангиз, сизни тушуниш учун нима қиласиз?

Ахборотлашувнинг фалсафий асослари

1. Ахборот, билим, маълумотни қандай фарқлаш мумкин?

2. Нанотехнологиялардан ҳам такомиллашган янги технологияларни кашф қилиш мумкинми?

3. Агар сизда нанороботлардан фойдаланиш имконияти бўлганида улардан қайси мақсадларда фойдаланган бўлар эдингиз?

4. 2050 йилда ахборот технологияларнинг истиқболини прогнозлаштиринг.

5. Сиз Интернет тизими орқали эгаллаган билимингизни ҳақиқий билим, деб ҳисоблайсизми?

Жамиятнинг фалсафий таҳлили

1. Сиз ўзингиз яшаётган жамиятда шаклланган тартиб қоидаларга итоат этасизми?

2. Сизнингча, ҳозирги даврда жамиятда яшаётган халқнинг маънавий маданияти ўсдими, уни ўзгартириш керакми ёки шу ҳолича бўлгани яхшими?

3. Техноген цивилизациянинг оқибати инсонни қайси маънавий омилга етаклаши мумкин, сизнингча, замонамиз одами XX асрдаги жаҳон уруши воқелигини қайта бошидан кечириши лозим бўлса, жасорат ва ватанпарварлик устувор бўладими ёки разолат ва сотқинлик?

4. Ҳар доим ҳам олий маълумотли кишини маънавиятли инсон дейиш мумкинми?

Тарих фалсафаси

1. И.А.Каримовнинг тарих фалсафасига оид асарларини биласизми?
2. Сизнингча, қайси олим тарих фалсафасининг етарли назарий асосларини кўрсатиб берган?
3. Нарзулла Жўраевнинг тарих фалсафаси ҳақидаги қарашларини яна қайси мезонлар билан тўлдириш мумкин?
4. Тарих фалсафасининг функцияларини ҳаётий мисоллар билан асосланг.
5. Хотира тарихни билишда қайндай функцияни бажаради?

Фаолият фалсафаси (Праксиология)

1. Сиз ҳар куни умрнинг инсонга берилган буюк неъмат эканлигини ҳис қиласизми? Агар дунёга қайта келиш имкони бўлса, ҳаётингизни қандай бошлаган булар эдингиз?
2. Сиз ўзингиз яшаётган жамият қоидаларини қабул қилиб, уларга онгли итоат этиб яшаяпсизми ёки ҳаракатларингизга стихиялилик хосми? Агар сизнинг ихтиёрингизда бўлса, сиз нимани киритган ва нимани қолдирган булар эдингиз?
3. Инсон ўзига хос ҳаракати, хулқ-атвори, фаоллиги билан ҳайвондан фарқ қилади ва бу фаолият деб аталади. Қуйидаги чизма асосида инсон фаолиятининг шаклланиш босқичларини кўрсатинг.



4. Фундаментал тадқиқотлар объектив воқелик ҳодиса ва қонунлари ҳақида янги билим яратишга йўналтирилган. Улар тадқиқот натижаларини бевосита амалиётга татбиқ қилишни кўзламайдилар. Амалий тадқиқотларнинг мақсади, илмий изланиш натижаларини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ. Бунда муайян амалий аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳал қилиниши лозим. Фундаментал ва амалий тадқиқотнинг амалдаги ифодасига мисол келтиринг.
5. Қуйида шахснинг у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш механизми кўрсатилган. Уни ҳаётингиздаги саъй-ҳаракатлар асосида исботланг:

Қадриятлар фалсафаси

1. Сиз ўзингизнинг қадрингизни биласизми, у нимада намоён бўлади?

2. Суҳбатдошингиз, қариндошингиз муомаласида қадрсизланаётганингизни сезганмисиз? Бу қандай кўринишда намоён бўлади?

3. Ўзингиз ҳурмат қиладиган одамларни қандай қадрлайсиз?

4. Қадрланиш ва қадрсизланишнинг мезонлари борми?

Фалсафий антропология (Инсон ҳақидаги таълимот)

1. 70 кг оғирликка эга бўлган инсонда 44 кг кислород, 14 кг углерод, 7 кг водород, 2 кг азот элементлари мавжуд. Унда, шунингдек, 1000 гр кальций, 700 гр фосфор, 170 гр калий, 140 гр симоб, 70 грамдан натрий ва хлор, 30 гр магний, 3 гр темир, 1 гр дан мис, марганец, йод ва бошқа кимёвий элементлар мавжуд. Инсон деярли газдан ташкил топганлиги учун уни дунё эмас, балки осмон фарзанди деса ҳам бўлади. Инсоннинг 212 та суяги 10,5 кг, териси 5 кг, мускуллари 23 кг, ёғи 10 кг, мия(бош мия ва орқа мия) ва нерв тўқималари 2 кг, қон ва лимфалари 2,5 кг ни ташкил қилади. Инсоннинг барча тўқималари 65 % сув билан тўлган. Унинг 80 % терида, 77 % бош мияда, ҳаттоки суякларнинг ярми ҳам сувдан иборат (шунинг учун инсонни сув фарзанди ҳам дейиш мумкин). Инсон организмидан катта миқдордаги моддалар ўтади, ошқозон ва ичак тўқималари бир неча кун давомида янгиланади, лабнинг эпидермиси ярим ойда, қулоқ териси икки ойда алмашади. 5–7 йилда эса, инсон танасини ташкил қилувчи атомлар тўлиқ янгиланади. Инсоннинг танаси физика, кимё, биология ва бошқа фанлар билан белгиланадиган табиат қонунларига бўйсунади. Инсоннинг руҳичи, у нимадан ташкил топган? Руҳ табиий ҳодисами ёки психик?

2. Экстрасенслар фаолиятида намоён бўлаётган мўъжизаларнинг (телепатия, телекинез, ҳар хил даволаш усуллари) психофизик муаммоларга қандай алоқаси бор? Баъзида экстрасенсор ҳолатларни психик энергия, биомайдон билан боғлайдилар. Бу уринишлар илгаридан маълум бўлган психофизик муаммоларининг ечимига қўшимча янгилик бўла оладими?

3. Биргуруҳ биологларни доимо бироз аёни орангутаннинг жинсий ҳужайралари билан урчитилса, қандай мавжудот пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақидаги масала қизиқтириб келган. Баъзи биологлар бундай эксперимент ўтказиш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, инсон бош мия ҳужайраларига электромагнит

тебранишлар таъсири орқали, унинг маънавий дунёсига кириш, ички ҳеч кимга номаълум бўлган туйғуларини аниқлашга қизиқиш кўпаймоқда. Ҳозирги давр нейрофизиологияси буни амалга ошириш имкониятини топиши мумкин. Сиз бу эҳтимолда бўлиши кутилаётган экспериментларни ахлоқ ва гуманизм ғояларига мос келади деб ҳисолайсизми? Бундай экспериментларни ўтказишни тақиқлаш ёки уларни чеклаш лозим, деб ҳисоблайсизми?

4. Агар, одамзод олтин танга ичидаги олтин атомда яшаган бўлса, улар узоқ вақт бутун дунё олтиндан ташкил топган, деб ўйлаган булар эди. Агар инсон қон таркибида сўзувчи лейкоцит бўлганида, дунё унга қондан иборат бўлиб туюлар эди. Микродунёда яшар экан инсон эҳтимол элементар заррачаларни осонликча ўрганган булар эди. Бироқ, космик ҳодисаларни билиш у учун ниҳоятда мураккаб бўлиши мумкин эди. Сиз инсонни бошқа қандайдир қиёфада тасаввур эта оласизми? Реал инсон қиёфасида сурат муҳимми ёки сийрат?

5. Тарих ва ҳатто кундалик турмушимизда баъзи одамларнинг энг оддий ахлоқ нормаларига риоя қилмаётганлигини кузатишимиз мумкин. Инсонда гуманизмнинг намоён бўлиши учун қандай омиллар муҳим. У ҳар қандай вазиятда яхшилик қила оладими? Яхшиликнинг аниқ мезони, ўлчови борми?

6. Маънавиятнинг шаклланиши узоқ тарихий даврни қамраб олади. Инсоният доимо бойлик кетидан қувган, унга эришиш учун маккорлик, каззоблик, мунофиқликдан қайтмаган. Бугунги кунда маънавият масаласи кун тартибидаги энг долзарб масалалардан биридир. Бизнинг давримизда маънавий тушкунлик маънавий регрессни, инсониятнинг қаригани ўлаётганлигидан далолат берадими ёки аксинча, бугунги кунда маънавий юксалиш кучаймоқдами? Ҳар икки масалага муносабатингизни асосланг. Агар регресс ҳолати бўлса, уни бартараф қилиш нимага амал қилиш лозим?

7. Қуйидаги қобилият шаклланишининг механизмини ҳаётий мисоллар билан тушунтиринг.



Ижтимоий прогнозлаштириш муаммоси

1. Ўзингизнинг 10–15 йилдан кейинги ҳаётингизни башорат қилишга уриниб кўринг. Ўз башоратингизни ёзиб қўйиб, вақти келганда шахсий интуициянгиз кучини синаб кўришингиз мумкин.

2. Бизга маълумки, ҳозирги даврнинг ривожланаётган мамлакатлари мўътадил иқлим ҳудудида жойлашган, қолоқ мамлакатлар эса, аксарият ҳолларда, тропик минтақаларда жойлашган. Буни тасодифий ҳол дейиш мумкинми? Европа, фақат иқлими учун ривожланиш даражасига кўра бошқа барча давлатлардан ўзиб кетди, дея оламизми?

3. Баҳолашнинг функциялари ҳам унинг ички зиддиятларга тўла табиати билан белгиланади. Ҳозирги замон қадриятлар назариясида баҳолашнинг *функцияларини* фарқланг ва уларни аниқ мисоллар билан изоҳланг.

Глобаллашувнинг фалсафий муаммолари

1. Сизнингча, фан тараққиёти глобал ҳалокатнинг олдини олиши мумкинми?
2. Антиглобалистлар фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
3. Ахборот инқилоби натижасида ривожланган нанотехнологияларни маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қўллаш мумкинми?
4. Глобаллашувнинг оқибатини прогнозлаштиринг. Инсон ўз мавжудлигини сақлай оладими?
5. Глобаллик мезонларининг қайси жиҳатлари воқелик билан мутаносиб?
6. Сиз технооптимизм тарафдорими ёки технопессимизм тарафдори?
7. Сиз соғлигингизни асраш учун мақсадли фаолият юритасизми?
8. Саводсизликнинг яна қандай турлари мавжуд ва уни бартараф қилиш мумкинми?
9. Тасаввур қилинг, сиз жуда катта даромадга эга бўлдингиз ва сиздан, даромаднинг тенг ярмини муайян мақсадга, яъни янги мактаб қуришга ёки китоб яратишга сарфлаш учун ҳомий бўлишни илтимос қилишди. Сиз шахсий даромадингиздан нақд пул ҳисобида, бошқалар ўқийдиган мактабга сармоя бера оласизми?
10. «Глобал онг» деганда нимани тушунасиз?

КРОССВОРДЛАР

Фалсафанинг предмети, мазмун ва моҳияти, жамиятдаги роли

Энига: 2. «Sophia» нима? 3. Инсоннинг ўзини қуршаган борлиққа ва ўз-ўзига бўлган муносабатга нисбатан ёндашувлар тизими, шунингдек, одамларнинг мазкур ёндашувлар билан белгиланган ҳаётий идеаллари, эътиқодлари, билиш ва фаолият тамойиллари, қадрият ва мўлжалларидир. 5. Кўпхудолик. 7. Муайян одамлар гуруҳининг, тотем, яъни сиғиниш объекти саналган, аждод деб эълон қилинадиган, у ёки бу ҳайвон, ўсимлик, предмет билан умумий келиб чиқишига бўлган ишонч ташкил этади, зеро тотем мазкур жамоа ёки уруғнинг қудратли ҳомийси, ҳимоячиси ҳисобланади, уни озиқ-овқат ва шу кабилар билан таъминлайди. 9. Қадриятлар ҳақидаги таълимот. 12. Турли халқларнинг, дунёнинг келиб чиқиши, табиат ҳодисалари, фантастик мавжудотлар, худолар ва қаҳрамонларнинг ишлари ҳақидаги тасаввурини ифодаловчи муайян тарзда тизимга солинган дунёқарашдир. 14. Ахлоқ ҳақидаги таълимот. 15. Билиш назарияси. 16. Яккахудолик. 17. Бу ёндашув намояндалари дунёни, нарсалар ва ҳодисалар моҳиятини тўла (ёки, ҳатто қисман) билиш амалда мумкин эмас, деб ҳисоблайди. 18. Дунё азалдан моддий, онг эса, бу материянинг маҳсулидир, деб ҳисобловчилар. 19. Материалистлар ва идеалистларга ажратади ва бу ҳодисанинг айрим кўриниши сифатида фақат моддий ва маънавий субстанцияларни тенг ҳуқуқли асослар, деб ҳисобловчи.

Бўйига: 1. Фалсафа сўзини илк бор қадимги юнон мутафаккири. 2. Бирёқлама, нотанқидий фикрлаш. 3. Дунёқарашнинг тарихан иккинчи шакли. 4. Нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, предметлар ва борлиқ ҳодисаларини ҳам гўё руҳ, жон бошқариб туришига ишониш. 6. У ёки бу предметни мўъжизакор хислатларга, одамлар ҳаётига таъсир кўрсатиш қобилиятига эга, деб ҳисоблайди. 8. Ҳам ибтидоий дин шаклларидан бири бўлиб, унинг замирида табиий кучлар ёрдамисиз сирли тарзда, масалан расм-русумлар, ўзига хос амаллар мажмуи билан нарсалар, одамлар, ҳайвонлар ва ҳатто ғайритабиий кучлар – руҳлар, инсу жинслар ва шу кабиларга таъсир кўрсатиш мумкинлигига бўлган ишонч ётади. 10. Мавжудлик, борлиқ ҳақидаги билим. 11. Дунё замирида материядан олдин пайдо бўлган ва уни яратувчи идеал нарсалар ва ҳодисалар ётади, деган фикрни ҳимоя қилувчиларга ажратилади. 13. Бу, нафақат, у ёки бу одам дунёқарашининг шакли, балки ижтимоий онг шакли, одамлар борлиғи ва билишининг умумий тамойиллари, уларнинг дунёга муносабати акс этувчи, табиат, жамият ва тафаккурнинг энг умумий қонунлари кашф этилувчи ва таърифланувчи маънавий фаолиятдир. Яъни, бу дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига нисбатан қарашларнинг умумий тизимидир. 14. Мос равишда оддий дунёқараш.



Фалсафий тафаккур эволюцияси. Қадимги давр, Ўрта асрлар, Уйғониш даври фалсафаси

Энига: 2. Милет мактаби асосчиси. 5. Анаксагор фикрича, барча нарсалар муайян «уруғлар»дан иборат. 8. Юнон файласуф-неоплатоник). 9. Ҳиндларнинг қадимги фалсафий китоби. 14. Жоннинг қайта гавдаланиши, ўзга шакл-шамойилда намоён бўлиши. 15. Элейлик файласуф. 16. Хитой фалсафасида эркаклик асоси. 17. Стагирит. 18. Католик теологияни яратган ва схоластикани тизимга солган мутафаккир сифатида эътироф этилади. 19. «Иккинчи муаллим». 20. Патристиканинг энг ёрқин вакили. 22. Хитой фалсафасида аёллик асоси. 24. Мета... . 27. Файласуф Ибн Рушд лотинча. 28. «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал». 29. Христианликни асослаш ва ҳимоя қилиш фалсафаси сифатида вужудга келган. 31. Атоқли Шарқ астроном, математик, шоир ва мутафаккири. 32. Қайси Қадимги Юнон файласуфи икки дунё – «ғоялар дунёси» ва «нарсалар дунёси» мавжудлиги ҳақида сабоқ беради? 33. «Авесто»да яхшилик.

Бўйига: 1. Энг юксак ҳолат, инсон эришишни кўзлаган олий мақсад, «материя кишанларидан халос бўлган жон ҳолати» каби тушунчалар киритилган. 3. Ҳамма нарсанинг биринчи асоси. 4. Мактаб таълимида ҳукмронлик қилган ва илоҳиётга тўла боғлиқ бўлган ўрта асрлар христиан фалсафаси. 5. «Мен учун бир киши, агар у ҳаммадан яхши бўлса, ўн минг кишига тенг». 6. Элейлик файласуф. 7. Ким «диалектика» сўзини илк бор ишлатган? 10. Хитой фалсафасида «Ҳаёт йўли», табиат қонуни. 11. Инсон ўлимидан кейин тириклик пайтида қилган ишларига яраша мукофот ёки жазо олиши ёинки инсоннинг индивидуал тақдири. 12. «Одамлар сени билмасликларидан ғам чекма, ўзинг одамларни билмаслигингдан ғам чек». 13. Юнон файласуф-атомисти. 18. Буюк Шарқ файласуф ва табиби. 21.

Баҳоуддин .... 23. Ньяя Қадимги Ҳинд мактаби асосчиси. 25. «Авесто»да ёмонлик. 26. Санкхья Қадимги Ҳинд мактаби асосчиси. 30. Йогада муаллим.



Янги ва энг янги давр фалсафаси

Энига: 4. Биринчи ёндашув субстанцияни борлиқнинг чегаравий асоси сифатида онтологик тушуниш билан асосчиси, инглиз файласуфи. 5. Ф.Бэконнинг материалистик қарашлари бошқа бир инглиз файласуфи. 7. Француз файласуф-дуалист ва математиги. 8. Немис файласуф-агностик. 11. Фаол кучнинг номоддий, маънавий маркази. 13. «Инсон–машина» асарининг муаллифи. 16. Француз материализми фалсафий қарашларининг энг изчил ифодачиси. 17. Феноменология таълимоти асосчиси. 18. Позитивизм асосчиси. 22. Немис натурфайласуфи. 24. «Илмий инқилоблар структураси» асарининг муаллифи. 25. Позитив ва негатив ... 27. Немис файласуф-экзистенциалисти ... Ясперс. 30. Қайси принципи илгари сурилган қоидаларни тасдиқлашга эмас, балки рад этишга қараб мўлжал олади. 31. Италиялик файласуф ва олим. 33. Француз файласуф-постструктуралисти. 34. «Ижтимоий шартнома» асарининг муаллифи. 35. Немис файласуф-эмпириокритицист. 36. Француз файласуф-атомист ва материалисти.

Бўйига: 1. Субстанция тушунчасини таҳлил қилишга нисбатан гносеологик ёндашувга асосчиси, инглиз файласуфи. 2. «Илмий-тадқиқот мантиқи», «Очиқ жамият ва унинг душманлари», «Тарихийликнинг қашшоқлиги», «Объектив билим. Эволюцион ёндашув», «Реализм ва фан мақсади» асарларининг муаллифи. 3. Немис олими ва файласуфи. 4. Материализм, атеизм ва деизмга очиқ-ойдин қарши чиққан инглиз файласуфи, епископ. 6. Голландиялик файласуф-пантеист.

9. Инглиз файласуф-агностик. 10. Позитивизмнинг иккинчи тарихий шакли. 12. «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий принциплари», «Табиатни тушунтириш ҳақида мулоҳазалар», «Д'Аламбернинг туши» асарларининг муаллифи, француз файласуф. 14. Бутунлай бошқача методологик мўлжал – эволюцион эпистемология асосчиси. 15. География детерминизм асосчиларидан бири. 19. П.Тейяр де Шарден, В.И.Вернадский таълимоти. 20. Яратган яширин шахсий билим концепцияси ўзига хослиги ва олдинги босқичнинг норматив-рационалистик муаммоларига номувофиқлиги билан ажралиб туради. 21. Карл Поппер таълимоти. 23. «Руҳ феноменологияси», «Мантиқ фани», «Фалсафа фанлари қомуси» асарларининг муаллифи, буюк немис файласуфи. 26. Тамойили нуқтаи назаридан ҳиссий тажриба далиллари билан тасдиқланувчи илмий қоидаларгина ҳақиқий ҳисобланади. 28. Британиялик фан файласуфи ва тарихчиси. 29. Америкалик файласуф ва методолог. 32. Француз файласуф-постструктуралисти Жак ...



Онтология – Борлиқ фалсафаси

Энига: 3. Борлиқ фалсафа. 6. «Борлиқ бор, … эса – йўқ» 7. Мегадунё . 11. Ўз-ўзида мақсадга эга бўлган. 9. «Иккиламчи … « . 14. Буюк инглиз олими Чарльз Роберт ... . 15. «Vitalis» нима?

Бўйига: 1. «Ҳамма нарса …» (Пифагор). 2. «Ontos» нима? 4. Иккинчи даража табиат борлиғининг. 5. Йўқликка зид ўлароқ, «тўла» ёки «қаттиқ» борлиқ билан тенглаштирган. 7. «Мен фикрлаяпман, демак, мавжудман». 8. Платон « … борлиқ» – «объектив мавжуд ғоялар дунёси»ни фарқлади ва уни «ҳиссий борлиқ»қа қарама-қарши қўйди. 10. Немис файласуф-субъектив идеалисти. 12. «Монадология» асарининг муаллифи. 13. Инсон бош миясининг, дунёнинг борлиғини изчил акс эттириш, уни образлар ва тушунчаларга айлантириш қобилияти. 15. Америка прагматизмининг асосчиси.



Фалсафада Субстанция ва Материя муаммоси

Энига: 3. Моҳият, асос. 4. Кўплик, кўп хиллик, кўп сонлик. 6. Субстанциянинг назарий хусусият. 8. Тит Лукреций ... . 9. «Дунёнинг нарсалар ва ҳодисалар ранг-баранглиги бир субстанциядан иборат» деган таълимот. 11. Зенон апорияси. 13. Нарсалар, жараён ва ҳодисаларнинг муайянлилигини ва объектнинг мавжудлик чегарасини қайд этувчи тавсифни ифодалаш учун мўлжалланган фалсафий категория. 15. Тўшама, негиз. 16. Коинот дунёси (сайёралар, юлдузлар комплекслари, галактикалар, мегагалактикалар). 18. «Катта ...». 19. Релятивистик .... 21. Бир-бирини алмаштирувчи авлодларнинг ҳамиша бир хил сафини ҳам кўрсатди. 22. Немис файласуфи Христиан ... . 23. Альберт … .

Бўйига: 1. Икки ёқлама ҳақида таълимоти. 2. Асосий фалсафий категория. 3. «Causa sui» – «ўз-ўзининг …». 5. Барқарор шакллар ва инсонга мос каттаниклар дунёси (унга молекулаларнинг кристаллашган комплекслари, организмлар, организмларнинг ҳамжамиятлари ҳам киради). 7. «Инсон ҳамма нарсаларнинг ўлчовидир». 10. «...дан ташкил топади» тамойили амал қилмайдиган атомлар ва

элементар зарралар дунёси. 14. Француз файласуф-материалисти. 17. «Этногенез ва Ер биосфераси» асарининг муаллифи. 20. «Қизил …».



Ҳаракат ва ривожланиш

Энига: 2. Позитивизм асосчиси. 3. «Ахиллес ва ...» апорияси. 7. Ортга суриш 12. Янги замон диалектикаси асосчиси. 13. Ҳаракат шакли. 15. Муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантиқий қийинчилик, муаммо.

Бўйига: 1. Абу Наср ал-… . 3. Инглиз файласуфи Жон ... . 4. Ким материя ҳаракатининг олтита субатом-физик ҳаракат, кимёвий ҳаракат, молекуляр-физик ҳаракат, геологик ҳаракат, биологик ҳаракат, ижтимоий ҳаракат каби шаклларини таклиф қилган? 5. Ҳаракат шаккли. 6. Конвергенция ва ... . 8. У, «Мавжуд ҳамма нарсалар ё ҳаракатсиз, ё ҳаракатдадир, – деган. – Агар нарса ҳаракатда бўлса, у ўзи билан ўзи ёки бошқа нарса билан ҳаракатдадир. Агар у ўзи билан ўзи ҳаракатда бўлса, ўз-ўзидан ҳаракатда, бошқа нарса билан ҳаракатда бўлса – бошқача ҳаракатдадир. Бинобарин, ҳамма нарсалар ё ҳаракатсиз, ё ўз-ўзидан ҳаракатда, ё бошқача ҳаракатда бўлади». 9. Ҳаракатининг икки асосий типи: про-

гресс ва ... . 10. Бутун оламни илоҳийлаштириш. 11. «Айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди» (Гераклит). 14. Ривожланиш.



Макон ва вақт

Энига: 2. Макон чегараси ва у қамраб олувчи муайян ҳажмнинг бирлиги. 3. ... концепция вақт жараёнларининг, шу жумладан, вақт оқимининг объектив борлиғини, яъни ўтмиш, ҳозир ва келажак воқеалари ўртасида реал физик фарқлар мавжудлигини тан олади. 5. «... геометрияси». 8. Кибернетика асосчиси. 9. ... концепцияси вақт тартиби ва йўналишини тушуниб етишнинг иккинчи концепцияси – объектив вақт жараёнлари мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, вақтнинг ўтмиш, ҳозир ва келажакка бўлинишини рад этади. 11. Қайси файласуф диалогларининг амалда муаллиф фикрини ифодаловчи қаҳрамонларидан бири шундай дейди: «3 сони мукаммал эканлиги ва уч ўлчовли ҳамма нарсанинг мукаммаллигидан дарак беришга қодирлигини тан олишга ҳеч бир асос кўрмаяпман»? 13. Нарсаларни идрок этиш тартиби ёки категорияси бўлса, вақт воқеаларни идрок этиш категориясидир. 14. Субстанционал концепция асосчиси (замонга нисбатан ёндашувларда). 17. Бир жойнинг бошқа жойларга нисбатан координацияси.

Бўйига: 1. … хоссаларга сифат кўрсаткичлари, макон ва вақтнинг узлуксизлиги, боғлиқлиги, вақт тартиби, йўналиши ва ўлчамлилиги киради. 4. Реляцион концепция асосчиси. 6. Воқеалар юз берувчи жой. 7. … хоссаларга макон ва вақтнинг кўламлилик ҳамда давомлилик каби миқдор кўрсаткичлари киради.

10. Субстанционал концепция асосчиси (макон муаммоси бўйича). 12. «Ўтмиш – ҳозирги вақт – ...». 15. Давомлиликнинг бошқа парчалаб бўлмайдиган атоми, давомлилик кванти. 16. «Relativus» нима?



Табиат фалсафаси

Энига: 1. Немис биологи Эрнст .... 4. Буюк британиялик геосиёсатчи. 8. География .... 12. Ким 1924 йилдан Германияда «Геосиёсий журнал» нашр этган? 13. «Noos» юнончадан нима? 14. Энг муҳим ва кенг қўлланиладиган фалсафий категориялардан биридир. 17. «Демографик … » 18. «Қолоқ аграр ... ». 19. «Англия цивилизцияси тарихи» асарини муаллифи. 21. Ким «Геосиёсат» атамасини 1916 йилда биринчи бўлиб ишлатган? 22. Платоннинг ороли.

Бўйига: 2. «Фалокатлар назарияси» асосчиси. 3. Буюк италиялик натурфайласуф. 5. Экологик ... . 6. «Oikos» юнончадан нима?. 7. «Илғор индустриал ...

«. 9. Кимнинг ғояларининг издошлари ўз ўтмишдошининг ўта совуқ хулосаларидан халос бўлиб, унинг таълимотини XX аср бошида юз берган «демографик портлаш» тўлқинида вужудга келган неомальтусчилик кўринишида давом эттирдилар? 10. «Қонунлар руҳи» асарининг муаллифи. 11. Жан-Батист ... . 15. Буюк шоир, гуманист ва натурфайласуф Алишер ... . 16. Немис геосиёсатчи. 20. Француз олими.



Инсон борлиғи

Энига: 3. «Эмержентистик материализм» вакили. 5. … фақат инсон мияси ишининг натижаси, унинг хоссаси сифатида, шунингдек, онг намоён бўлишининг фикрлар, ғоялар, эътиқодлар, қадриятлар, мўлжаллар ва шу кабилар тарзида ифодаланган турли шакллари орқали тадқиқ этилиши мумкин. 6. Неофрейдизмнинг атоқли намояндаларидан бири. 8. «Инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса, йўқлигини белгилайди». 10. «Irrationalis» лотинчадан нима? 12. Брабанлик файласуф. 14. Инсоннинг уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса. 15. Француз файласуф-экзистенциалист.

Бўйига: 1. Француз файласуф-эмержентист. 2. Бюхнер, Фохт, Молешотт файласуфлар – … материалистлар. 4. Немис файласуф, вульгар материализм вакили. 7. Австриялик машҳур психиатр. 9. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди. 11. «Homo sapiens» – «ақлли …». 13. Неопрагматизм вакили.



Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари

Энига: 2. Принцип. 4. Моддий ва маънавий ҳодисаларнинг уларнинг ҳаракат ва ривожланиш хусусияти ва йўналишини белгиловчи объектив, муҳим, зарурий, барқарор ва умумий алоқаси. 9. Немис файласуфи. 10. Суҳбат қуриш санъати. 11. Предмет муайян хоссасининг намоён бўлиши, интенсивлиги даражаси. 12. Гармония, дисгармония, ... 14. Аввалги ҳолатдан сақланиб қолган хоссалар устунлик қилгани ҳолда, айни бир предмет хоссаларининг мос келмаслигидир. 16. Бир сифатнинг бошқа сифатга айланиш вақти, шакли, усули, миқдор ўзгаришларининг узлуксизлиги, босқичма-босқичлигидаги узилиш. 17. Нарсанинг ички хусусияти, предметни мазкур жиҳатдан фарқлаш учун зарур ва етарли бўлган хоссалар мажмуи.

Бўйига: 1. «Эволюция – … ». 3. Инкорни-... қонуни. 5. Борлиқнинг нисбатан мустақил ва нисбатан барқарор ҳолда мавжуд бўлган бир қисмидир. 6. Бу нарсалар, ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши. 7. Немис файласуфи. 8. Нарса ёки ҳодиса қарама-қарши томонларининг бир-бирини истисно этиш ва бир-бирига ўтиш муносабатларидир. 9. Предмет борлиғининг чегараси. 13. Предметнинг жиҳати бўлиб, унинг бошқа предметлардан фарқи ёки улар билан ўхшашлигини белгилайди ва улар билан ўзаро алоқада намоён бўлади. 15. Қаршиликлар – предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир.



Фалсафа категориялари

Энига: 3. «Struktura» лотинчадан. 7. Мазкур нарса, жараён, ҳодисани белгиловчи элементлар, томонлар, хоссалар, алоқалар ва тенденцияларнинг йиғиндиси. 10. Нарса, ҳодиса ва уни ташкил этган қисмларнинг муайян тартибда жойлашуви ва ўзаро боғланган ягоналикнинг ифодаси. 11. Бутун таркибига кирадиган, унинг таркибидагина ўз вазифаси (функцияси)ни бажара оладиган алоҳидалик. 12. И.Пригожин ва Г.Хакен йуналиши. 14. Бу шундай бир ҳодисаларки, улар мазкур воқеа юз бериши учун зарур, лекин ўз ҳолича, улар бу воқеани олдиндан белгиламайди. 17. Фақат мазкур объектга хос бўлган хоссаларни ифодаловчи категория. 18. Нарсанинг, унинг тугалланмаган, потенциал ривожланишидаги объектив мавжуд бўлган ва ичдан белгиланган ҳолатини акс эттирувчи фалсафий тушунча. 20. Нарсалар ва ҳодисаларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги қонуний алоқа усули. 21. Сабаб ва ... .

Бўйига: 1. «System» юночадан. 2. «Causa» лотинчадан. 4. «Нарса» тушунчасининг синоними, яъни борлиқнинг нисбатан мустақил, сифат жиҳатидан муайян парчаси. У хоссалар тўпламига эга. 5. Бу бошқа воқеадан бевосита олдин келадиган, унинг юз беришига имконият яратадиган, лекин у уни вужудга келтирмайдиган ва олдиндан белгиламайдиган воқеа. 6. Бу шундай бир фикрки, унда нарсанинг такрорланувчи хоссалари, алоқалари ва томонлари акс этади. 8. Борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган ўта кенг тушунча. 9. Амалга ошган, актуаллашган борлиқни тавсифловчи фалсафий категория. 13. Бу ҳодисалар ўртасидаги, уларнинг қонуний ўзгариши ва ривожланишини белгиловчи барқарор, муҳим ички алоқалар. 14. Бу нарсалар ва жараёнларнинг мазмунини белгиловчи томонлар, хоссалар ва алоқаларни уюштириш усули. 15. Объектларнинг вужудга келиши ёки мавжудлигининг муаммолилигини ёки муқаррар эмаслигини белгиловчи категория. 16. Бутуннинг нисбатан бўлинмас қисми. 19. Бир-бирининг ўртасида қонуний боғланиш ёки ўзаро алоқа мавжуд бўлган муайян элементлар йиғиндиси.



Билишнинг мазмуни ва моҳияти

Энига: 3. Билим шаклларидан бири. 6. Чегарага сиғмайдиган. 8. Билиш ҳақидаги таълимот (фан). 9. Ибтидоий одам тафаккурининг табиат ҳодисаларини тушуниш ва тушунтиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. 10. Билиш фаоллигининг манбаи. 11. Билимнинг асосий турларидан бири. 13. Идрок этиш. 16. Дунёни ва инсоннинг ундаги ўрнини яхлит тушуниш андозаси.

Бўйига: 1. Билим шаклларидан бири. 2. Билимнинг асосий турларидан бири. 4. Шахсни маънавий бойитиш манбаи. 5. Шахсий билим концепциясини асосчиси. 7. Ўз тафаккурини бир объектга қаратиш, инсон эътиборини чалғитувчи барча бегона омилларни четга чиқариш йўли билан фикр юритиш, нарса, ғоя, дунёни идрок этишдир. 12. «Gnosis» юночадан. 13. Юнон скептицизм асосчиси. 14. Субъектнинг билиш фаолияти қаратилган нарса ёки ҳодиса. 15. Конвенционализм асосчиларидан бири.



Ҳиссий, эмпирик, назарий ва интуитив билиш даражалари

Энига: 2. Бу инсоннинг нарсалар муҳим хоссалари ва муносабатларини изчил, билвосита ва умумий акс эттиришидир. 4. Нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хосса ва алоқалари акс этувчи фикр. 5. Янги далилларнинг моҳиятини тушунтирувчи қонун мавжудлиги ҳақидаги асосли тахминдир. 7. Бу бир пайтлар инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик, мияда сақланиб

қолган алоқалар бўйича гавдаланадиган нарсаларнинг образларидир. 9. Фан тарихининг муайян даврида унинг ривожланишини белгиловчи барқарор тамойиллар, умумий меъёрлар, қонунлар, назариялар ва методлар мажмуи. 10. Билишнинг ривожланиш жараёнида объектив тарзда юзага келадиган, ечимини топиш муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган масала ёки масалалар мажмуидир. 13. Объект хоссаларининг ривожланиш даражасини тавсифловчи катталикни аниқлаш жараёни. 14. Борлиқнинг энг муҳим томонлари, хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчалардир. 16. Объектив дунёнинг субъектив образи, деган тамойил сифатларни бирламчи ва иккиламчига механик тарзда ажратишга қарши йўналган.

Бўйига: 1. Бу шундай тадқиқот методики, унинг ёрдамида объект ё сунъий тарзда яратилади, ё тадқиқот мақсадларига мос келадиган маълум шарт-шароитларда ўрганилади. 3. Ҳодисаларнинг муайян туркуми, бу туркумдаги ҳодисаларнинг моҳияти ва уларга нисбатан амал қиладиган борлиқ қонунлари ҳақидаги билимларнинг мантиқий асосланган ва амалиёт синовидан ўтган тизимидир. 6. Билиш объектининг муҳим хоссалари ва муносабатларини аниқлаш мақсадида атайлаб амалга ошириладиган изчил идрок этишдир. 8. Билимининг тасдиқланган бойлигига айланган моддий ёки маънавий дунё ҳодисаси, бирон-бир ҳодиса, хосса ёки муносабатни қайд этишдир. 11. Фикрнинг шундай бир шаклики, унда тушунчаларни боғлаш йўли билан бирор нарса ҳақидаги бирон-бир фикр тасдиқланади (ёки рад этилади). 12. Мушоҳаданинг нисбатан тугалланган бирлиги. Мушоҳада юритиш жараёнида мавжуд мулоҳазалардан янги мулоҳаза – хулоса чиқарилади. 15. Ҳақиқатни мантиқий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб етиш қобилиятидир.



Фалсафада ҳақиқат муаммоси

Энига: 3. Билимларимизнинг инсон инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни бу – ... ҳақиқат. 5. Номаълумни маълумга, мураккабни соддага боғлаш демак. 6. Борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим бу – ... ҳақиқат. 7. Индивиднинг инсон фаолияти муайян жабҳасидаги нотўғри ҳаракатлари натижасидир. 8. «Био…». 10. Илмий тафаккурнинг муҳим воситаси (Исботлаш). 13. Ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим. 15. ... тамойили (Верификация). 16. Билиш назариясининг бош категорияси.

Бўйига: 1. Предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукаммал билишдир бу – ... ҳақиқат. 2. Ҳақиқат концепцияларидан бири. 4. Швейцариялик тараққийпарвар илоҳиётчи. 9. Ҳақиқат концепцияларидан бири. 11. Пара ... . 12. Ҳақиқатнинг қарама-қаршиси. 14. Пировард келажакнинг муайян образи эмас, балки қайта кўрилиши мумкин бўлган ҳар хил назарий ва бошқа тасаввурларнинг келажакка қаратилган мажмуи.



Назария ва амалиётнинг бирлиги

Энига: 2. ... инсоннинг эркин хоҳиш-иродаси яхши ишларда мужассамлашади, деб ҳисоблаганлар. 5. Одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадидага таъсир кўрсатиш

фаолиятидир. 7. Амалиёт ҳақидаги таълимот. 10. Эмпирия. 11. Инглиз файласуфи.

Бўйига: 1. ... муҳим маънавий қадриятларга риоя этган ҳолдагина амалиёт ўзининг ҳақиқий мақсадларига эришади, деб ҳисоблайди. 3. ...нинг машҳур саволи қуйидагича янграйди: «Инсоннинг мақсади нима?» 4. Итальян файласуфи ва сиёсий арбоби. 6. Эришиш мўлжалланган келажакнинг субъектив образи. 8. Инглиз файласуфи. 9. Ижтимоий-сиёсий ... .



Метод ва методология: асосий тушунчалар

Энига: 3. Фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизими (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳ.к.); тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси. 8. ... иккиланиш нуқталарининг мавжудлигини ҳамда ривожланиш давомининг ҳар хиллигини назарда тутади. 9. Қарама-қарши фикрлар асосида ихтиёрий танланган фойдали мулоҳаза бўлиб, унинг ёрдамида ҳар қандай нарса ёки фикрни исботлай олиш мумкин. 11. Оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуидир. 13. Интервью. 14. ... тизим.

Бўйига: 1. Софистика вакили. 2. Табиат, жамият ва билиш тараққиёти қонуниятлари ҳамда уларнинг асосида шаклланадиган умумий тафаккур услуби ва амалий фаолият ҳақидаги таълимотдир. 3. Физикадан кейин. 4. Стандартлашти-

рилган топшириқлар бўлиб, уларни бажариш натижалари айрим шахсий хусусиятлар (билим, кўникма, хотира, зеҳн ва ш.к.)ни ўлчаш имконини беради. 5. Сузаётган объектни англатади ва объектларнинг тизимли хусусиятини акс эттиради. 6. «Dialektika» юнончадан. 7. ... ҳеч қандай билим фаолияти билан боғланмаган, бир-бирига зид далилларга асосланади ва оламни бузиб ёлғон акс эттиради. 10. «Савол-жавоб методи». 12. «... тафаккур».



Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари

Энига: 6. «International Network». 8. Объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бўлиб, ўзини сақлаш, қайта ишлаш ва таъсир натижалари (излари)дан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий тизимларда намоён бўлади. 10. Ҳозир ахборот ... мустақил фан соҳаси сифатида фаол ривожланмоқда. 11. Информацион ... бутун ахборот жараёни майдонини ифода этади. 12. ... ахборот – ижтимоий ахборотнинг билиш фаолиятида фойдаланиладиган алоҳида тури. 13. Ахборотлашган жамияти концепцияси муаллифларидан бири.

Бўйига: 1. Бу фан номининг ўзи «механика» ва «электроника» атамаларини ўзида мужассамлаштирган. 2. Кибернетика асосчиси. 3. ... ахборот табиатини тушунтиришда ахборот жараёни турларидан бири ижтимоий-коммуникатив жараён муҳим аҳамиятга эга. 4. Ахборот олиш, унга ишлов бериш, уни сақлаш ва

тақдим этиш жараёнларини тадқиқ қилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ахборот-техникаси ва технологиясини яратиш, амалиётга жорий этиш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи фан-техника фаолиятидир. 5. Техника фалсафасининг ривожланишидаги сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш масаласини кўтариш имконини беради. 7. Ахборотлашган жамияти концепцияси муаллифларидан бири. 9. Субъект онгининг мазмуни, билиш фаолиятининг натижаси, амалда мавжуд предметларга боғланган билиш образлари мажмуи.



Тушуниш ва тушунтириш

Энига: 2. «Символ» юнончадан. 7. ... – изчил талқин қилиш жараёни. 8. Ким тушунишнинг уч асосий турини фарқлайди?. 12. «...» тушуниш муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. 14. Муайян ҳодисанинг маъносини, унинг дунёдаги ўрнини, яхлит бир бутун тизимдаги функцияларини тушуниб етиш демак. 15. Машҳур файласуф ва мантиқчи. 16. «Инсон символик ...» 18. Машҳур юнон файласуф. 19. Ҳозирги замон француз герменевтикасининг вакили. 20. Немис файласуф, герменевтика вакили.

Бўйига: 1. «Дунёнинг икки бош тизими – Птолемей ва Коперник тизимлари ҳақида диалог» асарини муаллифи. 3. Белгилар ва белгили тизимларнинг хоссаларини ўрганувчи фан. 4. ... ижтимоий билишда муҳим роль ўйнайди. 5. Немис файласуф, герменевтикасининг вакили Ханс Георг ... . 6. ... учун тушуниш инсоннинг борлиққа ўзига хос муносабати, инсоннинг дунёда мавжуд бўлиш усулидир. 9. Немис файласуфи – неокантчи. 10. ... объектнинг моҳиятини очиб бериш билан бирга, тушунтиришни асослашда фойдаланилган билимларга

аниқлик киритиш ва уларни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади. 11. Рус файласуфи, герменевтика вакили. 13. Моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмуни. 17. «Семиотика» юнончадан.



Тарих фалсафаси

Энига: 1. «Миллатлар умумий табиати ҳақидаги янги фан асослари» асари муаллифи, итальян файласуфи. 2. Тарих фалсафасининг функцияларидан бири. 6. Социология асосчиси. 9. «Илоҳий шаҳар ҳақида» асари муаллифи. 11. Демографик натурализм вакили, инглиз олими. 12. «Танқидий тарих фалсафаси» асари муаллифи, француз файласуфи. 14. Социологияда органик йўналиш асосчиси. 17. Технотрон жамият концепциясини асосчиси.

Бўйига: 1. Немис файласуф – неокантчилик Баден мактаби вакили. 3. Идеалистик натурализм вакили, француз файласуфи. 5. Тарих фалсафасининг функцияларидан бири. 6. Француз маърифатчи. 4. Ижтимоий ... – одам организмининг тузилишига ўхшаб кетадиган жамият «анатомияси»дир. 7. Америкалик файласуф, «тарихнинг интиҳоси» назариясини таклиф қилган. 8. Тарих фалсафаси мазкур йўналишининг асосчиси сифатида ҳақли равишда немис маданият файласуфи. 10. «Капитал», «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарлари

муаллифи. 13. «Протестантча ахлоқ ва капитализм руҳи» асари муаллифи. 15. Инглиз тарихчиси ва социологи. 16. Итальян файласуф, Рим клуби асосчиси.



Фалсафий антропология (Инсон ҳақидаги таълимот)

Энига: 2. Ҳинд мутафаккири. 3. Инсонни ўрганишга доир асосий ёндашувларидан бири. 4. «Naturalis» лотинчадан. 7. Инсон ҳақидаги таълимот. 10. «Инсон қадр-қиммати ҳақида сўз» асари муаллифи. 13. «Антропологик материализм» асосчиси. 15. ... концепцияларининг тарафдорлари инсонни, унинг табиий, биологик асосидан келиб чиқиб, тушунтиришга ҳаракат қилади. 17. Мазкур ғоялар замирида асосан XIX аср охири – XX аср бошларида кенг тарқалган «инсон ирсиятининг олий сифати»га қандай воситалар билан ва қай тарзда эришиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот.

Бўйига: 1. ... ёндашуви инсон табиатини ижтимоий муносабатларда кўришга ҳаракат қиладилар. Бунда улар баъзан нафақат инсоннинг ижтимоий асосини, унинг биологик асосига қарама-қарши қўядилар, балки сўнгги зикр этилган асосни ҳайвоний ва ҳаттоки тубан, шу боис жиддий эътиборга лойиқ эмас, деб ҳисоблайдилар. 5. Француз ёзувчиси ва файласуфи. 6. Машҳур қадимги хитой файласуф. 8. «Инсон–машина» асари муаллифи, француз файласуфи. 9. «Инсоннинг космосдаги ўрни» асари муаллифи. 11. «Ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиши ҳақида» асари муаллифи. 12. Инсонни ўрганишга доир асосий

ёндашувларидан бири. 14. Итальян файласуфи, «Подшоҳ» асари муаллифи. 16. «Anthropos» юнончадан.



Фаолият фалсафаси

Энига: 3. Фалсафанинг инсон фаолиятини ўрганишга бағишланган бўлимларидан бири. 8. «Жамият тузилиши» асари муаллифи. 10. «Praktikos» юнончадан. 12. «Узлуксиз тўплам». 13. Нарса ёки ҳодисанинг ўзига хос маъноси бўлиб, у ҳар қандай рамзнинг ҳақиқий маъносидан анча фарқ қилиши мумкин. 14. Шундай бир фаолият шаклики, унда инсон ўзининг одатдаги функциялари ёки предметлар ва меҳнат қуролларидан амалий фойдаланиш чегарасидан четга чиқади. 15. Бу нафақат маданият предметларини яратиш, балки ҳар қандай инсон ҳаётини ташкиллаштириш ҳамдир.

Бўйига: 1. Шахс фаоллиги намоён бўлишининг бир шакли бўлиб, унинг

ижтимоий аҳамиятга молик натижалар учун жавобгарлигини назарда тутади. 2. Шахснинг борлиқ ҳодисаларига бўлган муносабатини белгилайдиган эстетик комилликнинг ўзига хос меъёри. 4. Рус психолог. 5. Баркамоллик ва етукликнинг хаёлий образи, одамзоднинг инсон ва табиат, инсон ва инсон, шахс ва жамият муносабатларини тартибга солиш, камолотга етказиш, уйғунлаштиришга бўлган эҳтиёжларининг маънавий ифодаси. 6. ... тушунчаси фаолиятнинг табиатан сиртқи жараёнларини ичда, аввало, онгда юз берадиган жараёнларга ўтишини ифодалаш учун хизмат қилади. 7. Инсон фаолиятининг барча турларига амалда хос бўлган жиҳат. 9. Давлат томонидан белгиланган ва унинг мажбурлов кучига таянадиган хулқ-атвор умумий нормаларининг мажмуи. 11. Жамоатчилик фикри, яъни қилмишни маъқуллаш ёки қоралаш билан мустаҳкамланадиган хулқ-атвор қоидалари мажмуидир.



Ижтимоий прогнозлаштириш муаммоси

Энига: 5. Келажак ҳақидаги, яъни ҳали амалда мавжуд бўлмаган, лекин ривожланишнинг кутилаётган ривожини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар кўринишида ҳозирги замонда потенциал мавжуд бўлган ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги билим. 6. Украиналик атоқли файласуф ва шоир. 9. Келажакка доир муайян масала бўйича экспертлар умумий бир тўхтамга келиши. 10. ... прогноз – бошқарувни оптималлаштириш йўлларининг оқилона ташкил этилган таҳлили. 11. «... ҳужум». 12. Ғарб мамлакатларида ижтимоий прогноз қилиш илмий башоратнинг тури.

Бўйига: 1. «Futurum» лотинчадан. 2. «Центуриялари» муаллифи. 3. Бу илмий тажриба ва мантиқий мушоҳадасиз ҳақиқатнинг тагига бевосита етиш. 4. Милетчи файласуф. 7. ... методлари – қонуниятлари ўтмишда ва ҳозирги даврда яхши маълум бўлган тенденцияларни келажакка татбиқ этишга асосланади. 8. «Оливетти» компаниясининг вице-президенти, ФИАТ компанияси маъмурий кенгашининг аъзоси, итальян файласуфи.



Глобаллашувнинг фалсафий муаммолари

Энига: 2. Ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни. 4. Турли муаммоларни ечишда фан-техника тараққиётининг ролини ошириб кўрсатувчи фалсафий ёндашув. 6. Америкалик футуролог. 8. Америкалик сиёсатшунос. 10. Жонли мавжудотларнинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фан. 11. Техника билан боғлиқ, унинг таъсири билан белгиланган. 12. Бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши. 14. «Ахборот».

Бўйига: 1. Америкалик иқтисодчи ва социолог. 2. Глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси. 3. Фаннинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини салбий баҳолайдиган фалсафий нуқтаи назар. 5. Фан-техника тараққиётини жамият ва табиат таназзулининг манбаи ва омили деб эълон қилувчи фалсафий ёндашув. 7. Маданият тизимида, жамият ҳаётида фан ролини мутлақлаштириш. 9. Инглиз тарихчиси. 13. Инглиз либерализмининг ёрқин вакили.



ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1-мавзу. ФАЛСАФА: УНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ

1. «Фалсафа» сўзининг луғавий маъноси тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг:

А. Юнонча, «phileo» – «севаман» ва «sophia» – «донолик»

Б. Юнонча, «phileo» – «севаман» ва «sophia» – «билиш»

В. Лотинча, «philo» – «севаман» ва «sophi» – «донишмандлик»

Г. Лотинча, «phileo» – «севаман» ва «sophia» – «донолик»

2. «Фалсафа» атамасини биринчи бўлиб қайси файласуф ўз асарида қўллаган?

А. Аристотель Б. Пифагор

В. Суқрот Г. Платон

3. Археолог олимларнинг фикрига кўра тик оёқда юрувчи «homo sapiens» одам тахминан неча миллион йил олдин вужудга келган?

А. 5 млн йил аввал Б. 3,5 млн йил аввал

В. 1,5 млн йил аввал Г. 2 млн йил йил аввал

4. Қуйидаги жавоблардан қайси бирида дунёқарашнинг нисбатан муҳим функцияси кўрсатилган?

А. Билиш функцияси Б. Қадриятларга муносабати

В. А, Б, Г жавоблар тўғри Г. Хулқ атворни белгилаш

5. Дунёқарашнинг тузилиши қандай?

А. Дунёни сезиш, идрок этиш, тушуниш

Б. Дунёни тасаввур қилиш

В. Ахлоқни юксалтириш

Г. А, Б, В жавоблар тўғри

6. Дунёни сезиш бу – ...

А. Бу ўзини қуршаган дунёни сезгилар ёрдамида ҳиссий идрок этиш

Б. Фақат объектларни англаш

В. Инсон ўзини тушуниш

Г. Ақл ёрдамида тушуниш

7. Фақат инсонга хос хусусиятни аниқланг:

А. Дунёни тушуниш Б. Ҳаракат қилиш

В. Дунёни сезиш (қисман) Г. Барча жавоблар нотўғри

8. Тарихан дунёқарашнинг шакллари бу – ...

А. Миф, дин, фалсафа, фан Б. Миф, фан, ов

В. Дин, санъат, меҳнат Г. Фан, фалсафа, ов

9. Миф атамаси қандай маъноларни англатади?

А. Ривоят, афсона Б. Санъат, воқеа

В. Ўйин, санъат Г. Афсона, уруш

10. Мифлар нималар орқали ифодаланади?

А. Ривоят, эртаклар Б. Эртаклар, қўшиқлар

В. Меҳнат, ов Г. Қўшиқ, куй

11. Қуйидагиларнинг қайси бири диннинг функцияси эмас?

А. Фаровонлик функцияси

Б. Тартибга солиш функцияси

В. Коммуникатив функцияси

Г. Дунёқарашни шакллантириш функцияси

12. Фетишизм бу – ...

А. У ёки бу мўъжизакор предметнинг одамлар ҳаётида таъсир кўрсатишига сиғиниш

Б. Одамларга сиғиниш

В. Рухлар ва табиат кучларига сиғиниш

Г. Булутларга сиғиниш

13. Магия бу – ...

А. Илоҳий кучларга сиғиниш

Б. Ҳайвонларга сиғиниш

В.Одамларга сиғиниш

Г. Ёмғирга сиғиниш

14. Неолитик инқилоби бу – ...

А. Инсон чорвачилик ва зироатчилик билан шуғулланиш

Б. Инсон овчилик ва термачиликка ўтиши

В. Санъатнинг вужудга келиши

Г. Диннинг вужудга келиши

15. Монотеизм бу – ...

А. Якка худолик

Б. Кўп худолик

В. Худосизлик

Г. Руҳларга сиғиниш

16. Иудаизм қачон вужудга келган?

А. Мил. ав. VII асрда

Б. Мил. ав. IX асрда

В. Мил. ав. XI асрда

Г. Мил. ав. V асрда

17. Дунёқарашнинг қайси шакллари эътиқод ва туйғуларга таянган?

А. Мифологик ва диний дунёқараш

Б. Фалсафий дунёқараш

В. Илмий дунёқараш

Г. Кундалик дунёқараш

18. Фалсафий дунёқараш дунёни нималарга таянган ҳолда тушунтиради?

А. Ақл ва билимларда

Б. Туйғуларда

В. Эътиқодда

Г. Сезгиларда

19. Фалсафа нима биринчи ўринда туради?

А. Савол, масала

Б. Образ

В. Аниқ, жавоб

Г. Далиллар

20. Фалсафанинг предмети бу – ...

А. Оламнинг яхлит бирлиги

Б. Борлиқ

В. Инсон

Г. Фан

21. Космоцентризмниинг асосий хусусияти нимадан иборат?

А. Космос ва табиатни англашни

Б. Ерни тадқиқ этишни

В. Одамни тадқиқ этишни

Г. Ҳаётни англашни

22. XVII–XVIII асрларда фалсафа фанлар билан бирлашиб, унинг тадқиқотлар марказида – ...?

А. Билиш ва илмий методлар ўрин олди

Б. Глобаллашув ўрин олди

В. Ўзликни англаш олди

Г. Тўғри жавоб йуқ

23. Қуйидагилардан қайси бири диалектик билимлар соҳасига тегишли?

А. Ривожланиш ва ўзгаришлар ҳақидаги таълимот

Б. Ахлоқ ҳақидаги таълимот

В. Ҳаёт ҳақидаги таълимот

Г. Қонунлар ва усулларни ўрганувчи фан

24. Тафаккур қонунлари ва усуллари ҳақидаги фан бу – ...

А. Мантиқ Б. Диалектика

В. Этика Г. Тарих

25. Материалистлар деб қайси тоифадаги кишиларни айтиш мумкин?

А. Оламни азалдан, моддий деб, онг бу материянинг маҳсули деювчилар

Б. Онгни биринчи ўринга қўювчилар

В. Оламнинг марказига маданиятни қўювчилар

Г. Тўғри жавоб йуқ

26. Қуйидаги қаторлардан кимлар субъектив идеалистлар ҳисобланади?

А. Беркли, Юм, Фихте Б. Декарт, Ф.Бэкон

В. Гегель, Бердяев Г. Платон, Декарт

27. Механистик материализм тарафдорлари кимлар?

А. Гольбах, Ламетри, П.Гассенди

Б. Гегель, Кант

В. Фихте, Юм

Г. Беркли, Бэкон

28. Антик фалсафанинг асосий саволи?

А. Дунё нимадан яратилган?

Б. Ҳаёт яшашга арзийдими?

В. Инсон нима?

Г. Худонинг борлигини қандай асослаш мумкин?

29. Экзистенциализм тарафдорларининг энг йирик вакиллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Камю, Сартр Б. Фихте, Гольбах

В. Бахтин, Сартр Г. Кант, Гегель

30. Гносеологик оптимизм таълимоти қандай қарашни илгари суради?

А. Дунёни англаш ва билиш мумкин

Б. Дунёни билиб бўлмайди

В. Дунёни билиш мумкин, лекин шубҳа билан қараш керак

Г. Ҳамма жавоб тўғри

31. Агностицизм намояндаларининг асосий ғояси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Дунёни билиб бўлмайди

Б. Дунёни фақат сезгилар орқали билиш мумкин

В. Дунёни тўлиқ билиш мумкин

Г. Дунёни ақлий билиш мумкин

32. Фалсафанинг қайси функциясида «Ҳақиқат нима», «Унинг мезонлари қандай» деган саволлар берилади?

А. Гносеологик функцияда Б. Дунёқараш функциясида

В. Мифологик функцияси Г. Интегратив функцияси

33. Фалсафанинг қайси функцияси етакчи ўринни эгаллайди?

А. Дунёқараш функцияси Б. Гносеологик функцияси

В. Онтологик функцияси Г. Тарбиявий функцияси

34. 2008 йил Сеул шаҳрида XXII Жаҳон фалсафаси конгресси қандай умумий ном остида ўтди?

А. Ҳозирги даврда фалсафани қайта англаш

Б. Тарих фалсафасини ўрганиш

В. Фалсафада янги методни яратиш

Г. Фалсафанинг умумий масалалари

35. Қадимги мутафаккирлар ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашни қандай атама билан ифодалаган?

А. Пайдейя Б. Анимия В. Идеалистлар Г. Софистлар

36. Халқаро Бостон конгрессида француз мутафаккири Пьер Обенк қандай саволни ўртага ташлаган эди?

А. Инсоннинг ваҳшиёна табиатидан маърифатли табиатга ўтиш имконияти қай даража мавжуд

Б. Инсоннинг келиб чиқиш сабаблари

В. Инсониятнинг келажакдаги муаммолари

Г. Олам ва одамнинг ўзаро муносабталари

37. Пратогор, Суқрот ва Платон айтганидек, фалсафа бу – ...

А. Ишонтириш эмас, тўғри фикрлаш санъатидир

Б. Фалсафа оламни билиш

В. Умумийликни ўрганувчи фан

Г. Ишонтириш ўргатувчи фан

38. «Умумий нисбийлик назарияси» таълимотининг асосчиси ким?

А. Эйнштейн Б. И.Ньютон В. Н.Бор Г. Р.Эрнест

39. Фаннинг моҳияти бу – ...

А. Борлиқ тўғрисидаги объектив билимларни аниқлаш ва тизимлаштириш

Б. Борлиқ тўғрисидаги субъектив билимлар

В. Далилларсиз аниқлаш

Г. Ҳужжатларни йиғиш

40. Классик механиканинг қонунларини қайси олим таърифлаган?

А. И.Ньютон Б. Р.Декарт В. А.Эйнштейн Г. Н.Бор

41. XX асрнинг 30–40-йилларида фан-техниканинг тараққиёти нимага олиб келди?

А. Фан инқилобига

Б. Маънавиятнинг инқирози

В. Оламнинг англашнинг қийинлашувига

Г. Тўғри жавоб йуқ

42. Сциентизм қуйидаги фикрлардан қайси бирини илгари сурган?

А. Фан ютуқларини тан олади ва ижобий баҳолайди

Б. Фалсафани дунёқараш деб билиш

В. Фалсафани фан деб билиш

Г. Фалсафани фан даражасига тушириш ва дунёқараш масаласини олиб ташлаш

43. Объектив дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, одамзоднинг ўзини қуршаган борлиққа ва ўз-ўзига бўлган муносабатига нисбатан ёндашувлар тизими, бу – ...

А. Дунёқараш Б. Тафаккур

В. Идрок Г. Тасаввур

44. Тарихан дунёқарашнинг дастлабки шакллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Миф ва дин Б. Дин ва санъат

В. Санъат ва мифология Г. Поэтика ва лирика

45. Диннинг асосий функциялари қайси жавобда тўғри ва тўлиқ кўрсатилган?

А. Дунёқарашни шакллантириш, коммуникатив, тартибга солиш, компенсаторлик функциялари

Б. Дунёқарашни шакллантириш, комилликка кўтариш, сабрга ўргатувчи функциялари

В. Камолотга етказиш, компенсаторлик, коммуникатив функциялар

Г. Бошқарувчи, тартибга солувчи, дунёқарашни кенгайтирувчи, компенсаторлик функциялари

46. Фалсафий билимнинг муҳим таркибий қисмлари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг:

А. Онтология, гносеология, фан методологияси, ижтимоий фалсафа, этика, аксиология, фалсафий антропология

Б. Феноменология, гносеология, фан методологияси, ижтимоий фалсафа, этика, аксиология, фалсафий антропология

В. Прагматизм, позитивизм, структурализм, этика, эстетика, аксиология, феноменология

Г. Онтология, маънавият асослари, ғоялар фалсафаси, фалсафа тарихи, антропология

47. Фан ютуқларини тан оладиган ва ижобий баҳолайдиган таълимотнинг номи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А. Сциентизм Б. Гностизм В. Прагматизм Г. Антисциентизм

48. Археологик ва илмий маълумотларга кўра, қаддини тик тутиб юрадиган одам ёши тахминан неча миллион йилни ташкил этган?

А. 1,5 млн йилни Б. 4 млн йилни

В. 6 млн йилни Г. 1 млн йилни

49. «Homo sapiens», яъни ақлли одамлар типи неча минг йил олдин вужудга келган?

А. 40–60 минг йил Б. 50–80 минг йил

В. 30–70 минг йил Г. 60–90 минг йил

50. Дунёни идрок этиш бу – ...

А. Атроф-борлиқни идеал образларда тасаввур қилишдир

Б. Бу ўзини қуршаган дунёни сезгилар ёрдамида ҳиссий идрок этиш

В. Инсон ўзини тушуниш

Г. Барча жавоблар тўғри

2-мавзу. ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСР ФАЛСАФАСИ

51. Фалсафий тафаккур Қадимги Шарқ ва Ғарбда ижтимоий онгнинг дастлабки шакли сифатида қандай кўринишда вужудга келган?

А. Мифология Б. Онтологик

В. Гносеологик Г. Диалектик

52. Мифологияда дастлаб қандай масалалар қўйилган?

А. Дунё қандай вужудга келган ва у қандай ривожланади? Ҳаёт ва ўлим нима?

Б. Нега туғилдик ва нимага ўламиз

В. Биз киммиз нега туғилдик

Г. Ундай назария бўлмаган

53. Антик даврда фалсафа ривожланган шаҳарларни белгиланг:

А. Иония, Сицилия, Афина Б. Македония, Самарқанд, Бухоро

В. Бухоро, Тошкент Г. Хива, Тошкент

54. Шарқ ва Ғарб фалсафаси нимага қараб ривожланган?

А. Умуминсоний қадриятларга

Б. Давлатларга қараб

В. Меҳнат тақсимотига қараб

Г. Қуролларнинг такомиллашувига қараб

55. Марказий Осиёда маънавий-фалсафий мероснинг энг қадимгиси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Авесто Б. Талмут В. Инжил Г. Қуръони Карим

56. «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» ғояси ким томонидан илгари сурилган?

А. Зардўшт Б. Ғаззолий В. Насафий Г. Навоий

57. «Мен учун бир киши, агар у ҳаммадан яхши бўлса, 10000 кишига тенг» фикр кимга тегишли?

А. Гераклит Б. Платон В. Сукрот Г. Эпикур

58. «Ахмоқни мақтаган аслида унга ёмонлик қилади» ушбу фикр кимга тегишли?

А. Демокрит Б. Эпикур В. Сукрот Г. Платон

59. «Ўлим қўрқинчли эмас: мен унгача мавжудман, у мендан кейин мавжуд» фикр кимга тегишли?

А. Эпикур Б. Сукрот В. Платон Г. Арасту

60. «Олий ҳимматлик вазиятдан моҳирона фойдаланиш: ақл-идрок билан боғланган саховатлилик» фикр кимга тегишли?

А. Платон Б. Сукрот В. Эпикур Г. Демокрит

61. «Дўстлик – бирга яшашнинг зарурий шартидир» ушбу жумла кимга тегишли?

А. Арасту Б. Платон В. Левкипп Г. Искандар

62. «Одамлар сени билмасликларидан ғам чекма, ўзинг одамларни билмаслигингдан ғам чек» ушбу фикр кимга тегишли?

А. Конфуций Б. Лао Цзи

В. Сукрот Г. Арасту

63. Милет мактаб асосчиси ким?

А. Фалес Б. Гераклит В. Демокрит Г. Пифагор

64. Милет мактабининг қайси намояндаси оламнинг асосига сувни қўйган?

А. Фалес Б. Гераклит В. Демокрит Г. Пифагор

65. Анаксимен олам асосига нимани қўйган?

А. Ҳавони Б. Сувни В. Тупроқни Г. Ўтни

66. Олам асосига апейронни қўйган Ғарб файласуфи ким?

А. Анаксимандр Б. Демокрит

В. Платон Г. Фалес

67. Анаксагор уруғларни нима деб атаган?

А. Геомемериялар Б. Геометриялар

В. Циклоплар Г. Химейралар

68. Эмпидокл олов, ҳавони нима деб атаган?

А. Эфир Б. Сфинкс В. Хуфу Г. Хеопс

69. Зардўштийликда борлиқнинг субстанционал асоси нима?

А. Олов Б. Ўт В. Тупроқ Г. Ҳаво

70. «Юксак фазилатли инсон билан муносабатларда хушмуомала бўлиши, мамлакатни бошқаришда изчил бўлиши лозим, ишда имкониялардан келиб чиқиш, ҳаракатда вақтни ҳисобга олиш …» ушбу фикр муаллифини топинг?

А. Лао Цзи Б. Конфуций В. Форобий Г. Беруний

71. Платоннинг ғоялар ҳақидаги таълимоти қайси асарларида ўз аксини топган?

А. Базм, Федон, Федор, Давлат Б. Метафизика, Ғоялар ҳақида

В. Театет, Парменид Г. Софист, Критий

72. Конфуцийчилик нечанчи асрда вужудга келган?

А. Мил.ав V аср Б. Мил. ав. VII аср

В. Мил. ав. III аср Г. Мил.ав.IV аср

73. Қайси файласуф, «Давлатни бой ва зодагон кишилар эмас, балки ишнинг кўзини биладиган оқил одамлар бошқариши лозим», деб ҳисоблайди?

А. Суқрот Б. Платон В. Арасту Г. Эпикур

74. «Айни бир дарёга икки марта тушиши мумкин эмас, иккинчи марта тушаётган одамга янги сувлар оқади», деган фикр қайси файласуфга тегишли?

А. Гераклит Б. Суқрот В. Арасту Г. Платон

75. «Диалектика» сўзини илк бор ким ишлатган?

А. Суқрот Б. Платон В. Эмпидокл Г. Эпикур

76. Зенониннг диалектикага бағишланган машҳур асари?

А. Баҳслар Б. Мунозаралар диалектикаси

В. Қарама қаршилик диалектикаси Г. Диалектика

77. «Ҳар бир нарса ўз-ўзича ва бошқа нарсалардан айни» бу фикр муаллифи ким?

А. Платон Б. Суқрот В. Зенон Г. Эпикур

78. Аристотель сабабий боғланишларнинг ранг-баранглиги муаммосини илгари суриб, нарсалар ва ҳодисалар вужудга келишига сабаб бўлувчи омилни нима деб атаган?

А. Материя ва субстрат, моддий сабаб Б. Формал сабаб
В. Характерланувчи сабаб Г. Йўналтирувчи сабаб

79. «Категориялар» рисоласи муаллифи ким?

А. Аристотель Б. Сукрот В. Платон Г. Эмпидокл

80. Ғарб антик фалсафасида материянинг дискрет тузилиши ҳақидаги таълимот қандай аталади?

А. Атомистика Б. Гуманистика
В. Категориялик Г. Мантиқийлик

81. Атомистика асосчилари кимлар?

А. Левкипп ва Демокрит Б. Эпикур ва Лукреций Кар
В. Лукреций Кар ва Левкипп Г. Демокрит ва Эпикур

82. Демокрит фикрига кўра, қайси модда юмалоқ атомлардан иборат?

А. Сут Б. Сув В. Ўт Г. Тош

83. Фалсафий муамоларни ечишда Қадимги Ҳинд фалсафасининг қайси мактаби мушоҳада аҳмиятини алоҳида қайд этган?

А. Ньяя Б. Чорвака-Локаята
В. Лао Цзи Г. Миманса

84. «Осмон ҳар бир инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, уни тақдирлайди, уни жазолайди», бу фикр ким тегишли?

А. Конфуций Б. Ньяя В. Лао Цзи Г. Ғаззолий

85. «Умумий муҳтожлик айрим инсонни хусусий муҳтожлигидан оғирроқ. Зеро, умумий муҳтожликда ёрдамга ҳеч қандай илож қолмайди» фикр муаллифини топинг?

А. Демокрит Б. Платон В. Арасту Г. Гераклит

86. «Давлат» асарини муаллифи ким?

А. Платон Б. Эпикур В. Эмпидокл Г. Зенон

87. Худога, унинг моҳиятига дунёнинг биринчи сабаби ва асоси сифатида ёндашиш ўрта асрлар фалсафасига хос бўлиб, у қандай номланади?

А. Теоцентризм Б. Гелеоцентризм
В. Геоцентризм Г. Монизм

88. Конфуцийнинг қайси таълимоти унинг муҳим таълимотига айланган?

А. Осмон қонуни Б. Табиат – инсон ошёни
В. Жамиятда давлатнинг ўрни Г. Ижтимоий табақаланиш

89. Нечанчи асрда схоластика доирасида номинализм ва реализм кураши авж олган?

А. XI аср Б. IX аср
В. XII аср бошида Г. XII аср охирида

90. Ўрта асрлар фалсафасига хос хусусиятни белгиланг:

А. Теоцентризм Б. Космоцентризм
В. Антропоцентризм Г. Методологизм

91. Ахлоқ мезонлари кишиларнинг жамиятдаги мавқеларига, иқтисодий таъминланганлик даражасига қараб ўзгариб, такомиллашиб борувчи ижтимоий жараёндир, деб ҳисоблаган файласуф қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Конфуций Б. Лао Цзи В. Суқрот Г. Форобий

92. Қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг икки гуруҳи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Астика ва Настика Б. Веданта, Санкхья

В. Йога, Вайшешика Г. Ньяя ва Миманса

93. Дунё бўлинмас бўлакчалар (атомлар)дан ташкил топган, деган таълимотни илгари сурган юнон файласуфи ким?

А. Демокрит Б. Фалес В. Гераклит Г. Анаксимен

94. Ибн Синонинг фанлар классификациясида барча фанларни қандай туркумларга ажратилган?

А. Амалиёт фанлари ва назарий фанлар Б. Само фанлари ва Ер фанлари

В. Мантиқ ва математика фанлари Г. Фалсафа ва математика фанлари

95. IX–XIII асрларда қайси мутафаккирлар Марказий Осиё ҳудудида яшаб, ижод этган?

А. Ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний

Б. Форобий, Ибн Рушд, Фаридиддин Аттор

В. Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Беруний

Г. Алишер Навойи, Форобий, Ал-Хоразмий, Ибн Сино

96. Қайси аллома «Шарқ Арастуси» – «Муаллим ус-соний» деган юксак номга сазовор бўлган?

А. Абу Наср Форобий Б. Абу Райҳон Беруний

В. Ибн Сино Г. Али Қушчи

97. Форобий фикрича, билимларни ўзлаштириш қандай усул ва воситалар орқали амалга ошади?

А. Сезиш, идрок этиш, хотира, тасаввур қилиш, мантиқий мулоҳаза юритиш, тафаккур

Б. Мантиқий тафаккур, интуиция, эътиқод

В. Сезиш, хотира, тасаввур, ирода, мантиқий мулоҳаза, тажриба

Г. Фикрий эксперимент, сезиш, ҳис қилиш, тасаввур, идрок

98. Форобий билишнинг қандай шаклларини фарқлайди?

А. Ҳиссий ва оқилона Б. Интуитив ва мантиқий

В. Оқилона ва илоҳий Г. А ва Б жавоблар тўғри

99. Абу Али ибн Сино фикрича, моддий дунё предметлари асосан билишнинг қайси турининг асоси бўла олади?

А. Сезгининг Б. Тафаккурнинг

В. Интуициянинг Г. Ўзликни англашнинг

100. Сўфизмда табиат ва Аллоҳ қандай талқин этилади?

А. Аллоҳ ва табиатни узвий деб қарайди

Б. Табиат Аллоҳдан ажралган деб қарайди

В. Аллоҳнинг табиатга бефарқлигини ёқлайди

Г. Табиатни Аллоҳ яратган бўлсада, табиатдаги ўзгаришлар объектив деб қарайди

101. Ибн Арабий билишнинг неча турини кўрсатади ва улар қайсилар?

А. Уч – оқилона-мантиқий, мушоҳада юритиш ва мистик йўл

Б. Икки – интуитив мушоҳада ва илҳом

В. Беш – сезги, тасаввур, ирода, имон ва эътиқод

Г. Етти – ваҳий, эътиқод, мантиқий мушоҳада, имон, ихлом, мистик

3-мавзу. ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ

102. Янги даврда Э.Торричелли ҳаво босими мавжудлигини қандай йўл билан аниқлади?

А. Экспериментал Б. Кузатиш

В. Аниқламаган Г. Тажриба асосида.

103. Қон айланишини ким кашф этди?

А. В.Гарвей Б. Э.Торричелли

В. У.Гильберт Г. Р.Бойль

104. Ижтимоий фанларда табиий ҳуқуқ назарияси Англияда ким томонидан ишлаб чиқилди?

А. Т.Гоббс Б. Г.Гроций В. Г.Лейбниц Г. Р.Декарт

105. Янги даврда фанларнинг ривожланиш жараёнида фалсафада қандай ажралишлар содир бўлди?

А. Схоластика ва дин Б. Табиат ва дин

В. Схоластика ва табиат Г. Фалсафада ажралишлар бўлмади.

106. Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Ж.Локк, Р.Декарт, Б.Спиноза ва Лейбниц қайси асрга яшаб ижод этган?

А. XVII аср Б. XV аср В. XIX аср Г. XX аср

107. Позитивизмда билимлар нечага бўлинади?

А. Сохта ва ҳақиқий билим Б. Кундалик ва ижтимоий билим

В. Эски ва янги билим Г. Билимлар ажратилмайди.

108. Янги давр фалсафасида файласуфларни қизиқтирган асосий масала нима эди?

А. Субстанция ва унинг хоссалари Б. Инсон масаласи

В. Борлиқ масаласи Г. Макон ва замон

109. «Ҳаракат – материянинг туғма хоссаси» кимнинг фикри?

А. Ф.Бэкон Б. Т.Гоббс В. Р.Декарт Г. Спиноза

110. Т.Гоббснинг дунё ҳақидаги фалсафий қарашлари қандай?

А. Деистик Б. Атеистик В. Идеалистик Г. Ҳар хил

111. «Материя – мустақил ижодий кучга эга» кимнинг фикри?

А. Р.Декарт Б. Ф.Бэкон В. Т.Гоббс Г. Спиноза

112. Спиноза сабабиятни нечага бўлган?

А. 2 га Б. 3 га В. 4 га Г. 7 га

113. Субстанция тушунчасини таҳлил қилишда гносеологик ёндашувга ким асос солган?

А. Ж.Локк Б. Ф.Бэкон В. Т.Гоббс Г. Спиноза

114. «Ижтимоий шартнома» асари кимнинг қаламига мансуб?

А. Ж.Ж.Руссо Б. Вольтер В. Монтескье Г. Д. Юм

115. Жюльен Офрэ де Ламетрининг қайси асари шов-шувга сабаб бўлган?

А. «Инсон–машина»

Б. «XVIII аср материализми ва атеизми кодекси»

В. «Фалсафий луғат»

Г. Тўғри жавоб йўқ.

116. Қуйидаги фикр муаллифини топинг: «Инсон дунёга келганда, у нафақат ҳеч нарсани билмайди, балки сезиш қобилиятига ҳам эга бўлмайди. Буларнинг барчасини у тажриба орқали ўзлаштиради».

А. Кондильяк Б. Дидро В. Гольбах Г. Гельвеций

117. Шеллингнинг натурфалсафаси, унинг қайси қарашларида намоён бўлади?

А. Диалектикасида Б. Борлиқ масаласида

В. Билиш фалсафасида Г. Тўғри жавоб йўқ.

118. Гегель фикрича, мантиқ нечта қисмга бўлинади?

А. 3 та Б. 2 та В. 4 та Г. 8 та

119. «Ҳақиқат – бир марта ва бир умрга берилган мутлақо тўғри жавоб эмас, балки жараёндир» кимнинг фикри?

А. Гегель Б. Гольбах В. Дидро Г. Вольтер

120. «Шахсий билим – бу билувчининг интеллектуал жонбозлиги, фидокорлигидир» кимнинг фикри?

А. М.Полани Б. Поппер В. Фейерабенд Г. Тўғри жавоб йўқ.

121. Поппер фалсафанинг бош мақсади нимани ўрганишдан иборат, деб билган?

А. Илмий космологияни Б. Борлиқни

В. Мантиқни Г. Тўғри жавоб йўқ.

122. XIX аср охири ва XX аср бошидаги Ғарб фалсафаси қандай ном билан даврийлаштирилади?

А. Ноклассик давр Б. Постноклассик давр

В. Модернистик давр Г. Постмодерн давр

123. Ноклассик даврда Ғарб фалсафасида қандай янги оқим ва йўналишлар вужудга келди?

А. Позитивизм, неопозитивизм, структурализм, прагматизм, экзистенциализм

Б. Феноменология, оккультизм, марксизм, номинализм

В. Схоластика, неопозитивизм, структурализм, прагматизм, экзистенциализм

Г. А ва Б жавоблар тўғри

124. Сциентистик тенденциянинг моҳияти нима?

А. Фан натижалари фақат ижобий характерга эга

Б. Фан натижалари антигуманистик характерга эга

В. Фан ва фалсафа ҳеч қачон ўзаро мувофиқ бўла олмайди

Г. Фан инсон тақдирини ўзгартириш хусусиятига эга.

125. Ҳаёт фалсафаси, экзистенциализм ва герменевтика вакиллари қарашларида фан натижаларига нисбатан қайси ёндашув кучлироқ?

А. Антисциентистик Б. Сциентистик

В. Гуманистик Г. Антигуманистик

126. Позитивизмнинг асосчиси ким?

А. О.Конт Б. Р.Карнап В. Г.Спенсер Г. Р. Бультман

127. Қайси фалсафий таълимот сохта билимдан ҳақиқий билимни ажратишга ҳаракат қилувчи ижобий билимнинг фалсафий доктринасини илгари сурди?

А. Позитивизм Б. Экзистенциализм

В. Прагматизм Г. Феноменология

128. Позитивизмнинг иккинчи тарихий шакли қандай номланади?

А. Эмпириокритицизм Б. Постпозитивизм

В. Неопозитивизм Г. Мантиқий позитивизм

129. Позитивизмнинг учинчи тарихий шакли қандай номланади?

А. Неопозитивизм Б. Постпозитивизм

В. Эмпириокритицизм Г. Мантиқий позитивизм

130. Позитивизмнинг тўртинчи тарихий шакли қандай номланади?

А. Постпозитивизм Б. Неопозитивизм

В. Эмпириокритицизм Г. Мантиқий позитивизм

131. Постпозитивизм ва неопозитивизм ўзаро боғлиқлиги нимада кўзга ташланади?

А. Уларнинг иккиси ҳам илмий билим таҳлили билан шуғулланган, тилга катта эътибор берган

Б. Уларнинг иккиси ҳам илмий билимларнинг тараққиётлар тўқнашувига таъсирини ўрганган

В. Уларнинг иккиси ҳам фан мантиғи ва тафаккур услубини таҳлил қилган

Г. Улар ўртасида мутлақо боғлиқлик йўқ

132. XX асрда фалсафий-эпистемологик тасаввурлар, методологик мўлжаллар ва ўзига хос таҳлил бирлаштирувчи айрим фанлар (лингвистика, адабиётшунослик, этнография, тариҳ, эстетика, санъатшунослик, психология, социология, фалсафа)даги йўналишларни бирлаштирган фалсафий таълимотни аниқланг:

А. Структурализм Б. Постпозитивизм

В. Семиотика Г. Феноменология

133. Инсоннинг биологик эволюция маҳсули сифатидаги талқин этувчи фалсафий таълимот бу – ...

А. Эволюцион эпистемология Б. Феноменология

В. Структурализм Г. Герменевтика

134. «Илмий инқилоблар структураси» асари муаллифи ким?

А. Томас Кун Б. Стивен Тульмин

В. Мишель Фуко Г. Юрген Хабермас

135. И.Лакатос илгари сурган «Расо фан»нинг асосий хусусиятларини аниқланг?

А. Илгари маълум бўлмаган далилларни башорат қилади

Б. Янги ёрдамчи назарияларни олдиндан айтиб беради

В. Эвристик кучга эга бўлади ва назарий жиҳатдан мустақил бўлади

Г. Барча жавоблар тўғри

136. Қуйидаги қайси файласуф-мантиқшунослардан бири фан ва кумулятивизмнинг мавжуд гипотетик-дедуктив моделига назарий реализм ғоясини қарши қўяди?

А. П.Фейерабенд Б. Стивен Тульмин

В. Мишель Фуко Г. Юрген Хабермас

137. Инглиз файласуфи Томас Гоббс нечанчи йилларда яшаб, ижод этган?

А. 1588–1679 Б. 1612–1685 В. 1590–1650 Г. 1540–1600

138. Қайси жавобда Р.Декартнинг асари тўғри кўрсатилган?

А. Ҳайвон–машина Б. Инсон–машина

В. А ва Б жавоблар Г. Тўғри жавоб йўқ

139. Рене Декартнинг субстанция ҳақидаги дуалистик таълимотига зид ўлароқ, голландиялик файласуф Бенедикт (Барух) Спиноза дунё ҳақида қандай таълимотни яратди?

А. Монистик таълимотни Б. Дуалистик таълимотни

В. Эмперик таълимотни Г. Барча жавоблар тўғри

140. Немис файласуфи Готфрид Вильгельм Лейбниц нечанчи йилларда яшаб ижод этган?

А. 1646–1716 Б. 1653–1710 В. 1670–1720 Г. 1654–1718

141. «Монадология» асари қайси муаллифнинг қаламига мансуб?

А. Г.Лейбниц Б. Р.Декарт В. Т.Гоббс Г. Ж.Ж.Руссо

142. О.Конт қайси таълимотнинг асосчиси?

А. Позитивизм Б. Прагматизм

В. Экзистенциализм Г. Тўғри жавоб йўқ

143. Инглиз файласуфи Жон Локк субстанция тушунчасини таҳлил қилишга нисбатан қандай ёндашувга асос солган?

А. Гносеологик Б. Рационал

В. Эмперик Г. Фақат Б ва В жавоблар тўғри

144. 1632–1704-йилларда яшаб ижод этган файласуфни аниқланг?

А. Жон Локк Б. Б.Спиноза

В. Г.Лейбниц Г. Тўғри жавоб йўқ

145. «Руҳ феноменологияси» асарининг муаллифини аниқланг?

А. Гегель Б. Кант В. Шеллинг Г. Фихте

146. Позитивизмнинг биринчи тарихий шакли XIX асрнинг 30–40-йилларида вужудга келган пайтда, унга қайси файласуф асос солган эди?

А. О.Конт Б. Э.Мах

В. Р.Авенариус Г. Барча жавоблар тўғри

147. Структурализм сўзининг луғавий маъноси нима?

А. Тузилиш, жойлашиш, тартиб Б. Қўшилиш, бирикиш

В. Тартиб, бирикиш Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

148. Фанни интеллектуал фаолиятнинг бошқа турларидан фарқлаш имконини берувчи чегара нима деб аталади?

А. Демаркация Б. Эпигенетик

В. Преформистик Г. Эсхатологик

4-мавзу. БОРЛИҚ – ФАЛСАФА КАТЕГОРИЯСИ

149. «Онтология» атамаси қайси сўздан олинган?

А. Юнонча «ontos» – борлиқ, «logos» – сўз, таълимот.

Б. Лотинча «ontos» – борлиқ, «logos» – сўз, таълимот.

В. Арабчадан олинган

Г. Тўғри жавоб йўқ.

150. Борлиқ ҳақидаги тасаввурлар бизгача қандай етиб келган?

А. Афсоналар ва мифлар орқали Б. Илмий далиллар орқали

В. Қадриятлар, урф – одатлар орқали Г. Тўғри жавоб йўқ.

151. Упанишадаларда дунё ҳақидаги қандай тасаввурлар ўз аксини топган?

А. Материалистик ва атеистик Б. Деистик

В. Атеистик Г. Тўғри жавоб йўқ.

152. «Ҳамма нарса ер ва сувдан вужудга келади ва ривожланади, ҳатто «биз ҳам ер ва сувдан пайдо бўлганмиз» кимнинг фикри?

А. Ксенофан Б. Анаксимандр

В. Фалес Г. Пифагор

153. «Ҳамма нарса сондир» кимнинг фикри?

А. Пифагор Б. Фалес

В. Анаксимандр Г. Ксенофан

154. Файласуфлар орасида биринчи бўлиб, борлиқни категория сифатида ким тавсифлади?

А. Парменид Б. Анаксимандр

В. Фалес Г. Пифагор

155. Борлиқни тушунишга нисбатан диалектик ёндашувни илк бор ким илгари сурди?

А. Гераклит Б. Б. Фалес

В. Анаксимандр Г. Ксенофан

156. Шарқ мутафаккирларидан ким борлиқ муаммосини ҳал қилишда «Вужуди вожиб» ва «Вужуди мумкин»нинг ўзаро нисбатига мурожаат қилади?

А. Форобий Б. Ал-Хоразмий

В. Ат-Термизий Г. Тўғри жавоб йўқ.

157. Ибн Сино фикрича, «Вужуди вожиб» қандай талқин қилинган?

А. Аллоҳдир Б. Инсондир

В. Макон Г. Тўғри жавоб йўқ

158. XVII–XVIII аср материалистик файласуфлари борлиқ тушунчасини қандай талқин қилишади?

А. Физик борлиқ билан боғлайди Б. Материя билан боғлайди

В. Инсон билан боғлайди Г. Тўғри жавоб йўқ

159. «Субстанция» – бу нима?

А. Дунёни тушуниш замирида ётувчи, нисбатан барқарор ва мустақил ҳолда мавжуд моҳият

Б. Мутлақ «Мен»нинг эркин, соф фаолияти

В. Объектив ривожланувчи ғоя

Г. Тўғри жавоб йўқ

160. Неопозитивизм фалсафий йўналиши борлиқ муаммосини қандай талқин қилди?

А. Сохта муаммо Б. Ҳақиқий муаммо

В. Ечими йўқ муаммо Г. Тўғри жавоб йўқ

161. «... менимча, фалсафа ва фан айни бир жараённинг томонлари – муқаррар ва ажралмас томонлардир. Улар фақат бизнинг ақлимизда ажралади...» кимнинг фикри?

А. В.И.Вернадский Б. Ф.Бэкон В. Т.Гоббс Г. Спиноза

162. Борлиқнинг асосий категорияси нима?

А. «Борлиқ» ва «Йўқлик» Б. «Сифат» ва «Миқдор»

В. «Макон» ва «Замон» Г. Тўғри жавоб йўқ.

163. Фалсафада борлиқ ва йўқлик ўртасидаги ўзаро алоқа қандай?

А. Диалектик Б. Зиддиятли

В. Чамбарчас Г. Тўғри жавоб йўқ.

164. «... – фалсафий категория сифатида дунёни, унинг бутун ранг-баранглиги ва турли-туман намоён бўлиш шакллари билан яхлит акс эттириш имконини беради», бу нима?

А. Борлиқ Б. Йўқлик В. Билиш Г. Тўғри жавоб йўқ.

165. Борлиқнинг шакллари нечтага бўлинади?

А. 4 та Б. 3 та В. 2 та Г. 5 та

166. «... – инсон ва унинг фаолиятидан қатъи назар мавжуд бўлган нарсалар ва жараёнлар борлиғи», бу нима?

А. Табиат борлиғи Б. Инсон борлиғи

В. Маънавий борлиқ Г. Ижтимоий борлиқ

167. Маънавий борлиқ нечтага бўлинади?

А. 2 та Б. 3 та В. 4 та Г. 5 та

168. Индивидуаллашган маънавий борлиқ – бу нима?

А. Инсоннинг ички дунёси Б. Инсоннинг ташқи дунёси

В. Ижтимоий макон ва вақт Г. Тўғри жавоб йўқ

169. Илмий тасаввурларга кўра, биз яшаётган сайёра тахминан неча миллиард йил муқаддам пайдо бўлган?

А. 4,5 миллиард Б. 1 миллиард

В. 3,5 миллиард Г. Аниқланмаган

170. «... – инсон яратган нарсалар борлиғи кўп жиҳатдан инсоннинг ўз борлиғи билан боғланади, зеро, у бунёд этган «...», аввало, унинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади», бу нима?

А. Иккиламчи табиат Б. Табиат

В. Нарса-буюм Г. Тўғри жавоб йўқ

171. Аристотель ва Лейбниц қарашларида учраган «энтелехия» тушунчаси нимани англатади?

А. Юнонча, «entelechia» – «ўз – ўзида мақсадга эга бўлган»

Б. Лотинча, «entelechia» – «ўз – ўзида мақсадга эга бўлган»

В. Инглизча, «entelechia» – «ўз – ўзида мақсадга эга бўлган»

Г. Тўғри жавоб йўқ

172. Қайси фалсафий таълимот «Ҳаёт кучи» мавжудлигини тан олиш орқали ҳаётни тушунтиради?

А. Витализм Б. Энтелехия

В. Бундай таълимот йўқ Г. Тўғри жавоб йўқ

173. Органик дунё эволюцияси ҳақидаги яхлит таълимотлар нечанчи асрда вужудга келди?

А. XIX аср бошларида Б. XVII аср

В. XV аср Г. XX аср охирида

174. Фалсафанинг қайси соҳасида борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва номавжудлик муаммоларига доир масалалар ўрганилади?

А. Онтологияда Б. Гносеологияда

В. Аксиологияда Г. Ижтимоий фалсафада

175. Қадимги Шарқда илк маротаба қайси манбада борлиқ масалалари таҳлил қилинган?

А. Веда ва Упанишадаларда Б. Конфуций таълимотида

В. Ислом фалсафасида Г. Даосизмда

176. Қадимги юнон файласуфи Фалес борлиқнинг биринчи сабаби сифатида нимани эътироф этган?

А. Сув Б. Ҳаво В. Олов Г. Ер

177. «Борлиқ бор, йўқлик эса – йўқ», деган фикр кимга тегишли?

А. Парменидга Б. Платонга

В. Сукротга Г. Зенонга

178. Тирик табиат борлиғи неча даражага бўлинади?

А. Икки Б. Уч В. Тўрт Г. Чексиз

179. Онтология тушунчасини фалсафада биринчи бор ким қўллаган?

А. Х.Вольф Б. Д.Юм В. Ж.Беркли Г. И.Кант

180. Ҳар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти нима деб аталади?

А. Атрибут Б. Қисм В. Индивидуаллик Г. Материя

181. Қадимги Ҳиндистон мутафаккирлари борлиқ сирининг тагига етишга ҳаракат қилар эканлар, «Қуёш тунда қаерга кетади, юлдузлар кундузи қаёққа йўқолади» каби саволларга жавоб топишга уринганлар ва бу тасаввурларни инсониятга маълум бўлган энг қадимги қайси китобда акс эттирганлар?

А. Ригведаларда Б. Упаншадларда

В. Монументларда Г. Тўғри жавоб йўқ

182 «Онтология» атамаси фалсафада нечанчи асрдан бошлаб қўлланилмоқда?

А. XVII асрдан Б. XX асрдан В. XVI асрдан Г. XVIII асрдан

183. Дунёни тушуниш замирида ётувчи, нисбатан барқарор ва мустақил ҳолда мавжуд моҳият нима деб аталад?

А. Субстанция Б. Шакл В. Вақт Г. Ҳаракат

184. Эмпедокль «борлиқ» атамасини бевосита ишлатмаган бўлса ҳам, «барча нарсаларнинг нечта негизи» ҳақида сўз юритарган?

А. 4 Б. 3 В. 2 Г. 5

185. Қадимги Юнон файласуфи Гераклит қачон яшаб ижод этган?

А. Мил. ав. 544–483-йиллар Б. Мил. ав. 644–583-йиллар

В. Мил. ав. 744–683-йиллар Г. Мил. ав. 344–283-йиллар

186. Қайси файласуф «ҳақиқий борлиқ» – «объектив мавжуд ғоялар дунёси»ни фарқлади ва уни «ҳиссий борлиқ»қа қарама-қарши қўйди?

А. Платон Б. Аристотель В. Гераклит Г. Сукрот

187. Марказий Осиёнинг энг қадимий қайси китобида, борлиқ ҳаракатдаги дунё, бутун жонли ва жонсиз нарсаларнинг уйғунлигидаги мавжудлик деб ифодаланади?

А. Авестода Б. Ҳадисда В. Қуръонда Г. Тўғри жавоб йўқ

188. «... биз қор босган, қуюнлар чарх ураётган тоғлар орасида турибмиз. Қаршимизда баъзан туман пардаси оша сўқмоқлар намоён бўлади. Улар ишончсиз бўлиши мумкин...» деган фикр кимнинг қаламига мансуб?

А. У.Жемс Б. И.Вернадский

В. Ф.Бэкон Г. Т.Гоббс

5-мавзу. ФАЛСАФА СУБСАНЦИЯ ВА МАТЕРИЯ МУАММОСИ

189. Ўз-ўзини тўлиқ белгиловчи борлиқни хизмат қиладиган тушунча?

А. Субстанция Б. Материя В. Реаллик Г. Далил

190. Субсанция бир вақтнинг ўзида ҳам табиат, ҳам худо ва сифатида таърифлаган ва бу икки тушунчани тенглаштирган файласуфни топинг?

А. Спиноза Б. Гегель В. Фихте Г. Декарт

191. Биринчи асос сифатида иккита субстанция олинган фалсафий ёндашув нима деб аталади?

А. Дуализм А. Тотемизм В. Фетишизм Г. Деизм

192. Фалсафа тарихида дуализмнинг ёрқин вакили сифатида ўрин олган файласуф ким?

А. Р.Декарт Б. Гегель В. Шеллинг Г. Спиноза

193. Ламетрининг дуализмни инкор қилиб ёзган асарни кўрсатинг?

А. Руҳнинг табиий тарихи Б. Инсон ва машина

В. Инсон–ўсимлик Г. Эпикур тизими

194. Дунёнинг негизида иккита эмас балки ундан кўпроқ моҳият борлигини тан олувчи таълимот?

А. Плюрализм Б. Дуализм В. Деизм Г. Монизм

195. Плюралистик онтологиянинг турларидан бири сифатида амал қиладиган таълимот?

А. Дунёнинг тўрт асоси ҳақидаги таълимот

Б. Монадалар ҳақидаги таълимот

В. Телеологик таълимот

Г. Тўғри жавоб йўқ.

196. Монизм таълимотига тўғри таъриф берилган қаторни кўрсатинг?

А. Дунёнинг нарсалар ва ҳодисалар ранг-баранглиги бир субстанциядан иборат

Б. Дунёнинг негизида иккита эмас ундан кўпроқ моҳият бор.

В. Биринчи асос сифатида иккита субстанция олинган фалсафий ёндашув
Г. А ва Б жавоблар тўғри

197. Монизм нечта ёндашувга эга?

А. 2 та Б. 3 та В. 4 та Г. 6 та

198. Лотинчада «тўшама», «негиз» маъносини берадиган тушунчани топинг?

А. Субстанция Б. Материалицик монизм
В. Плюрализм Г. Идеалицик монизм

199. Материя тушунчасини асосий фалсафий категория сифатида илк бор ишлатган файласуф?

А. Платон Б. Сукрот В. Аристотель Г. Гегель

200. Материянинг таркибий даражалари тўғри кўрсатилган қаторни топинг?

А. Тирик, нотирик ва ижтимоий Б. Жонли ва ижтимоий материя
В. Тирик ва нотирик Г. Иерархия ва жонсиз материя

201. Ҳозирги даврда материянинг нечта таркибий даражаси бор?

А. 3 та Б. 2 та В. 4та Г. 5 та

202. Материянинг таркибий даражалари – иерархияда асосий ўринни нима эгаллайди?

А. Инсон Б. Дунё В. Худо Г. Табиат

203. «Инсон ҳамма нарсаларининг ўлчовидир» деган иборани ишлатган файласуф?

А. Протагор Б. Спиноза В. Сукрот Г. Гегель

204. Қайси воқеадан сўнг ҳар замон фани макро ва микро дунёларни ўрганишда янада кўпроқ олға силжийди?

А. Қудратли телескоплар ва тезлатгичлари пайдо бўлиши билан
Б. Нисбийлик назарияси ва кват механикасининг яратилиши
В. Чексизлик ғоясини асосли назарий далилларни таърифлаб берилиши
Г. Тўғри жавоб йўқ.

205. Релятивистик космогология асосчилари тўғри кўрсатилган қаторни топинг?

А. Эйнштейн ва Фрегман Б. Ньютон
В. Афлотун Г. Спенсер.

206. Релятивистик модел асосчиси ким?

А. Эйнштейн Б. Фрегман В. Ньютон Г. Ламетри

207. Нарсалар жараён ва ҳодисаларнинг муайянлиги ва объектнинг мавжудлик чегарасини қайд этувчи тавсифни ифодалаш учун мўлжалланган категория нима деб аталади?

А. Чексизлик Б. Чеклилик В. Муайянлик Г. Чеклилик

208. Чексизлик – ҳар нарса ўз чегарасига эга эканлигида барҳам топишини таъкидлаган файласуф?

А. Гегель Б. Сукрот В. Ламетри Г. Декарт

209. Амалдаги қонунларга бўйсунмайдиган, уларни аксиома тарзида қўллаб бўлмайдиган қисм, борлиқ нима?

А. Чексизлик Б. Чеклилик В. Чекланмаганлик Г. Чеклилик

210. Нисбийлик назарияси ва квант механикаси нечанчи асрда яратилган?

А. XX асрда Б. XX асрда В. XI асрда Г. XII асрда

211. «Этногенез» ва «Ер – биосфера» асарининг муаллифи ким?

А. Гумилёв Б. Вернадский

В. Фрейд Г. Ламетри

212. Ҳозирги кунда қанча элемент заррачалар кашф этилган?

А. 200 Б. 100 В. 300 Г. 400

213. Субстанциянинг қайси хусусияти ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, барқарор, ўзгармас ва мутлақликни ифодалайди?

А. Универсаллик Б. Ўз-ўзини белгилаш

В. Гўзаллик Г. Ягоналик

214. Субстанция нима?

А. Борлиқнинг энг асосий ва қуйи қатлами

Б. Биринчи негизининг ягоналиги

В. Моҳият ва мавжудининг бирлиги

Г. Тўғри жавоб йўқ

215. Субстанция барча ўзгаришлар ва ўз-ўзини сабабчиси сифатида тушуниш ким томонидан юксак баҳоланган?

А. Кант Б. Гегель В. Суқрот Г. Платон

216. «Мен фикрлаяпман, демак, мен мавжудман» ибораси муаллифи ким?

А. Декарт Б. Спиноза В. Кант Г. Ф.Ницше

218. Дуализм атамасини фалсафага киритган файласуф ким?

А. Вольф Б. Ламетри В. Кант Г. Ницше

218. Дуалистик таълимотга кўра, дунёнинг асоси неча асосга эга идея таъриф этилган?

А. 2 Б. 1 В. 3 Г. Чексиз

219. Фалсафада ўзининг мавжудлиги учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган биринчи асосни нима дейилади?

А. Субстанция Б. Акциденция

В. Реаллик Г. Далил

220. Субстанцияни «causa sui» – «ўз-ўзининг сабабчиси» деб атаган файласуфни топинг?

А. Спиноза Б. Декарт В. Кант Г. Фихте

221. Субстанциянинг икки турга фарқланиши қандай таълимотнинг келиб чиқишига асос бўлди?

А. Дуализм Б. Монизм В. Деизм Г. Томизм

222. «Cogio ergo sum» – «мен фикрлаяпман, демак, мавжудман» ибораси муаллифи ким?

А. Р.Декарт Б. Б.Спиноза В. И.Кант Г. Ф.Ницше

223. «Авесто»да бирламчи субстанция нима деб аталган?

А. Олов Б. Сув В. Ҳаво Г. Ер

224. Биринчи асос сифатида иккита субстанцияни оладиган фалсафий ёндашув нима?

А. Дуализм Б. Силлогизм

В. А ва Б жавоблар Г. Барча жавоблар тўғри

225. Нидерланд файласуфи Бенедикт Спиноза нечанчи йилларда яшаб ижод этган?

А. 1632–1677 Б. 1638–1689 В. 1656–1706 Г. 1640–1700

226. «Табиат ҳамма нарсанинг сабабчисидир; у абадий мавжуддир; табиат ўз-ўзининг сабабчисидир». «Табиат қандайдир буюм эмас; у доим ўз ҳолича мавжуд бўлган; ҳамма нарса унинг бағрида вужудга келади; у барча нарсалар билан таъминланган улкан устахонадир» деган фикр кимга тегишли?

А. Гольбах Б. Спиноза В. Кант Г. Гегель

227. Дуализмнинг луғавий маъноси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А. Икки ёқлама Б. Бир ёқлама

В. Уч ёқлама Г. Тўрт ёқлама

228. Конфликтология сўзининг маъносини аниқланг?

А. Зиддият Б. Яхшилик

В. Ёмонлик Г. Тўғри жавоб йўқ

6-мавзу. МАКОН ВА ВАҚТ

229. Субстанционал концепция асосчилари тўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг?

А. Демокрит ва Платон Б. Демокрит ва Суқрот

В. Суқрот ва Платон Г. Эпикур ва Суқрот

230. Нечанчи асрларда мутлақ макон ва вақт концепцияси фалсафада етакчилик қилди?

А. XVII–XIX Б. XVI–XVII В. XV–XVII Г. XIV–XV

231. Лотинчада «нисбий» деган маънони билдирувчи йўналиш номини кўрсатинг?

А. Реляцион Б. Материалистик

В. Субстанционал Г. Тўғри жавоб йўқ.

232. «Ташқарида макон ва замон мавжуд бўлмайди» деган фикр муаллифи ким?

А. Лейбниц Б. Д.Юм В. Кант Г. Августин

233. Нюьтон концепциясига кўра, ... –

А. Макон абсолют чексиз кўламга эга Б. Макон чексиз

В. Макон мутлақ Г. Тўғри жавоб йўқ.

234. Ўрта асрлар фалсафасида нима макон ва вақтдан ташқарида деб юритилади?

А. Худо Б. Дунё В. Табиат Г. Инкор

235. Субъектив идеализм вакиллари тўғри кўрсатилган қаторни топинг?

А. Беркли, Юм, Мах Б. Кант, Юм

В. Гегель, Лейбниц, Юм Г. Тўғри жавоб йўқ

236. Д.Юм макон ва вақтни нимада мавжудлигини таъкидлайди?

А. Идрок Б. Ақл

В. Сезги Г. Материя

237. Макон ва вақт табиати ҳақидаги метафизик ёндашувларини рад этувчи табиий-илмий далиллар нечанчи асрда шаклланади?

А. XIX аср охири Б. XVII аср боши

В. XVIII аср охири Г. XVII асрда

238. Ким макон ва замонни ташкил этувчи ва уйғунлаштирувчи инсон тафаккури маҳсули деб ҳисоблайди?

А. Богданов Б. Эйнштейн В. Парсон Г. Мох

239. Жонли организмлар симметрияси, ассиметрияси ҳодисаларини кимлар ўрганган?

А. Пастер, Кант, Вернадский Б. Пастер, Кант, Мох

В. Юм, Мах, Пастер Г. Тўғри жавоб йўқ

240. Схоластлар Пифагор ва Аристотель ғояларига таяниб, уч ўлчовликни қандай тушунтирганлар?

А. Дунёни муаммолиги нуқтаи назаридан

Б. Табиат кучларини ўзига хос хусусияти

В. Ғоялар ёрдамида

Г. Тўғри жавоб йўқ

241. Макон ва вақтнинг кўламлилик ҳамда давомийлик каби миқдор кўрсаткичлари хоссага мансуб?

А. Метрик хосса Б. Топологик

В. Вақт тартиби ва йўналиши Г. Динамик

242. Маконнинг топологик хоссалари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Маконнинг бир хиллиги ва изотроплиги

Б. Вақтнинг шаклланиши

Г. Борлиқ ҳодисаларини таснифлаш

Г. Барчаси тўғри

243. Вақт тушунчасини икки мажмуи ҳақидаги тасаввурни илмий муомалага ким киритди?

А. Мах Б. Т.Голд В. Винер Г. Рейхенбах

244. «Совиб қолган олам концепцияси» муаллифи?

А. Рассел Б. Винер В. Тагор Г. Тўғри жавоб йўқ

245. Дунёда мавжуд барча жисмлар маконлар неча ўлчамга эга?

А. 3 Б. 4 В. 5 Г. 2

246. Ижтимоий бахт нечанчи асрлардан эътиборан аҳамият касб эта бошлади?

А) XVII–XVII асрлардан Б) XX асрдан

В) XIX–XX асрлардан Г) XVIII–XIX асрлардан

247. Мия фаоллигини тавсифловчи «Альфа» ритм билан боғлиқ деган тахминни ким илгари сурган?

А. Н.Винер Б. Рассел В. Тагор Г. Голд

248. Тоффлер Ер юзи аҳолисининг неча фоизини ўтмишда яшаганлиги қайд этади?

А. 70 % Б. 50 % В. 40 % Г. 80 %

249. Макон ва вақтнинг концепцияларини кўрсатинг?

А. Динамик, статик Б. Реляцион, материалистик

В. Динамик, реляцион Г. Тўғри жавоб йўқ.

250. Кант макон ва замонни қай тарзда талқин қилади?

А. Ҳиссиёт шакли Б. Объектив имконият

В. Субъектив имконият Г. Тўғри жавоб Б ва В

251. Лейбниц яшаган йилларни кўрсатинг?

А. 1646–1716 йиллар Б. 1711–1776 йиллар

В. 1724–1804 йиллар Г. 1725–1801 йиллар

252. Макон ва вақт концепцияларининг тарихда шаклланган икки муҳим ва бир-биридан фарқ қиладиган йўналишлари қайсилар?

А. Субстанционал ва реляцион Б. Реляцион ва иррационал

В. Чекли ва чексиз Г. Чизиқли ва ночизиқли

253. Ньютон макон ва вақтни қандай таърифлайди?

А. Ажралган материя билан ҳаракатга боғлиқ бўлмаган мустақил нарса

Б. Ҳиссий мушоҳада шакллари

В. Кузатиш шакли

Г. Тўғри жавоб йўқ

254. Субъектив идеализм вакиллари макон ва вақтга қай тарзда ёндашади?

А. Индивидуал онг сифатида Б. Моддий нарсалар

В. Объектив макон сифатида Г. Барча жавоблар тўғри

255. Ньютон яшаган йиллар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. 1643–1722-йиллар Б. 1879–1955-йиллар

В. 1711–1776-йиллар Г. 1724–1804-йиллар

260. Давомий воқеа ҳодисаларининг айни бир вақтда юз бериши нима деб аталади?

А. Синхрония Б. Диахрония В. Давомлилик Г. Вақт таркиби.

261. Диахрония бу – ...?

А. Кетма-кетлик Б. Бир йўналишлилик

В. Муайян ўлчовлилик Г. Маконнинг бир хиллилиги

262. Макон ва вақт концепцияларининг тарихда шаклланган икки муҳим ва бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган йўналишлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Субстанциал ва реляцион Б. Рационал ва иррационал

В. Чекли ва чексиз Г. Чизиқли ва ночизиқли

263. Қайси концепцияда макон ва вақт материя ва онгга боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида қаралган?

А. Субстанциал Б. Реляцион

В. Рационал Г. Иррационал

264. Макон ва вақтни мустақил моҳиятлар сифатида эмас, балки реал дунё объектлари ва жараёнлари ўртасидаги алоҳида муносабатлар сифатида тушуниш макон ва замоннинг қайси концепцияга хос?

А. Реляцион Б. Чизиқли В. Чексиз Г. Субстанционал

265. Материя борлиғининг барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва кейинги ҳолат ўзгаришларини тавсифловчи шакл сифатида қайси фалсафий категория таърифланади?

А. Вақт Б. Макон В. Замон Г. Жисм

266. Дунёда мавжуд барча жисмлар маконда неча ўлчамга эга?

А. Уч Б. Тўрт В. Икки Г. Кўп ўлчамга эга

267. «Ҳамма нарса вақтда юзага келмайди ва юз бермайди, балки вақтнинг ўзи шу шаклланиш, юзага келиш ва юз беришдир» деган фикр муаллифини аниқланг?

А. Ф.Гегель Б. Ницше В. Гольбах Г. Дидро

268. «Соф мантиқий» хусусиятга эга бўлган билимларнинг мутлақ тизимини яратишга ҳаракат қилган файласуф ким?

А. Гегель Б. Кант

В. Руссо Г. Ламетри

269. Реляцион сўзининг маъноси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А. Нисбий Б. Салбий

В. Ижобий Г. Барча жавоблар тўғри

270. Қайси файласуф макон ва вақтни инсон ҳиссиёти шакли – кузатиш шакли сифатида талқин қилади?

А. И.Кант Б. Шеллинг

В. Д.Юм Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

271. И.Ньютон нечанчи йилларда яшаб, ижод этган?

А. 1643–1727 Б. 1743–1827 В. 1843–1927 Г. 1850–1910

7-мавзу. ҲАРАКАТ ВА РИВОЖЛАНИШ

272. Миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодалаш учун қандай категориялар қўлланилади?

А. «Ҳаракат» ва «Ривожланиш» Б. «Миқдор» ва «Сифат»

В. «Макон» ва «Замон» Г. Тўғри жавоб йўқ

273. Фалсафада турли жисмларнинг маконда механик силжиши, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ҳолатларининг ҳар қандай ўзгариши нима дейилади?

А. Ҳаракат Б. Ривожланиш В. Замон Г. Тўғри жавоб йўқ

274. Ҳаракатнинг асосий хусусиятлари қандай?

А. Абадий ва мутлақ Б. Нисбий ва ўткинчи

В. Жараён Г. Тўғри жавоб йўқ

275. Ҳаракатсизликнинг асосий хусусиятлари қандай?

А. Нисбий ва ўткинчи Б. Жараён

В. Абадий ва мутлақ Г. Тўғри жавоб йўқ

276. Муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантиқий қийинчилик, муаммо нима деб аталади?

А. Апория Б. Масала

В. Зиддиятли муаммо Г. Ечими йўқ муаммо.

277. «Дихотомия», «Ахилл», «Стадий» каби машҳур апориялар муаллифи ким?

А. Зенон Б. Гераклит

В. Протагор Г. Парменид

278. «Ҳамма нарса бир» кимнинг шиори?

А. Парменид Б. Гераклит

В. Протагор Г. Зенон

279. «Миқдор учун – кўпайиш ва камайиш, сифат учун – ўзгариш, макон учун – кўчиб юриш, моҳият учун – вужудга келиш ва йўқ бўлиш мавжуд», кимнинг фикри?

А. Аристотель Б. Платон

В. Гераклит Г. Сукрот

280. «...Ҳаракат вақт билан белгиланган. Ҳаракат ибтидо ва интиҳо билан чегараланмаган», кимнинг фикри?

А. Форобий Б. Аристотель

В. Ибн Сино Г. Сукрот

281. Ибн Сино фикрича, ҳаракат нима?

А. «Вужуди мумкин» нинг ички моҳиятидан келиб чиқади

Б. «Вужуди мумкин» нинг ташқи моҳиятидан келиб чиқади

В. Вақт бирлиги

Г. Тўғри жавоб йўқ

282. Ҳаракатни тушунтиришда «панпсихизм» – бутун оламни илоҳийлаштириш таълимотига қайси давр мутафаккирлари асосландилар?

А. Уйғониш даври мутафаккирлари

Б. Ўрта аср мутафаккирлари

В. Янги давр мутафаккирлари

Г. Тўғри жавоб йўқ

283. «Ҳаракат – материянинг муҳим хоссаси», кимнинг фикри?

А. Ж.Толанд Б. Д.Дидро

В. П.Гольбах Г. Ж.Руссо

284. П.Гольбах ҳаракат механизмини нечта турини фарқлаган?

А. 2 та Б. 3 та В. 4 та Г. 5 та

285. Ҳаракатнинг асосий типлари қандай?

А. Прогресс ва регресс Б. Субъектив ва объектив

В. Ички ва ташқи Г. Тўғри жавоб йўқ

286. Орқага қайтмаслик ва муайян йўналишга эгалик хос бўлган ҳаракат типи нима деб аталади?

А. Прогресс (ривожланиш) Б. Регресс

В. Турғунлик Г. Тўғри жавоб йўқ

287. Баркамолроқ ва ривожланганроқ шакллардан унча ривожланмаган шаклларга, мураккабдан оддийга қараб юз бераётган бўлса, бу нима?

А. Регресс Б. Турғунлик

В. Прогресс (ривожланиш) Г. Тўғри жавоб йўқ

289. Ҳаракат шакллари нечтага бўлинади?

А. 5 та Б. 4 та В. 3 та Г. 2 та

290. Бизнинг бирор нарса ва ҳодиса ҳақидаги фикр – мулоҳазаларимиздан қатъи назар, объектив мавжуд бўлган барча ўзгаришлар, турли жараёнлар, деганда нима назарда тутилади?

А. Умуман ўзгариш Б. Ҳаракат

В. Ривожланиш Г. Вақт

291. «... – бирон-бир нарсанинг унга ичдан (имманент тарзда) хос бўлган омиллар таъсирида ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини ифодаловчи категория сифатида амал қилади», бу нима?

А. Ўз – ўзидан ҳаракат Б. Умуман ўзгариш

В. Ривожланиш Г. Ҳаракат

292. «Редукционизм» сўзи қайси сўздан олинган?

А. Лотинча, «reduction» – «ортга суриш»

Б. Юнонча, «reduction» – «ортга суриш»

В. Французча, «reduction» – «ортга суриш»

Г. Тўғри жавоб йўқ.

293. Ҳаракат шакллари: Механика физика билан боғланиши ва унга ўтиши, физика кимёга, кимё биологияга ва ижтимоий фанларга ўтишини назарда тутувчи ёндашув нима деб аталади?

А. Субординация Б. Редукционизм

В. Механицизм Г. Тўғри жавоб йўқ.

294. Материянинг ҳаракат шаклларини таснифлаш тамойиллари нечта-га бўлинади?

А. 6 та Б. 5 та В. 4 та Г. 3 та

295. «Хаос» нима?

А. Тартибсизлик Б. Тартиблилик

В. Бўшлиқ Г. Тўғри жавоб йўқ

296. Материя ҳаракатининг комплекс шаклларига нималар киради?

А. Астрономия, геология, география

Б. Макрожисмлар

В. Материя, майдон

Г. Атомлар, ядролар

297. Зилзила ернинг қайси қобиғида содир бўлади?

А. Ернинг қаттиқ қобиғида Б. Ернинг юмшоқ қобиғида

В. Ернинг ҳаво қисмида Г. Тўғри жавоб йўқ

298. Фалсафа тарихидаги машҳур «Айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди» ибораси муаллифи қайси жавобда тўғри берилган?

А. Гераклит Б. Фалес В. Зенон Г. Платон

299. Табиий жараёнлар ва ҳодисалар ҳолатларининг ҳар қандай ўзгариши бу – ...

А. Ҳаракат Б. Тараққиёт В. Ривожланиш Г. Ўзгариш

300. Муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантиқий қийинчилик, муаммо қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Апория Б. Аксиома В. Теорема Г. Конфликт

301. Мазкур фикр муаллифи ким: «Миқдор учун кўпайиш ва камайиш, сифат учун – ўзгариш, макон учун – кўчиб юриш, моҳият учун – вужудга келиш ва йўқ бўлиш мавжуд»?

А. Аристотель Б. Платон

В. А.Бергсон Г. Б.Спиноза

302. Материя ҳаракатининг нечта асосий шакли мавжуд?

А. Беш Б.Олти В. Икки Г. Чексиз

303. Қадимги машҳур «panta rei» атамаси қандай маънода таърифланади?

А. «Ҳамма нарса оқади» Б. «Ҳамма нарса тамом»

В. «Ҳамма нарса ўлади» Г. «Ҳамма нарса қайтади»

304. Инсон ва кишилик жамиятининг шаклланиши бу – ...

А. Антропосоциогенез Б. Социогенез

В. Эпигенез Г. Тўғри жавоб йўқ

305. Ўзгаришларнинг бир шакли борки у фалсафада нима деб аталади?

А. Ривожланиш Б. Сакраш

В. Пасайиш Г. Барча жавоблар тўғри

306. Элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг ҳаракати қандай ҳаракат ҳисобланади?

А. Физик ҳаракат Б. Химик ҳаракат

В. Биологик ҳаракат Г. Ижтимоий ҳаракат

307. Атомлар ва молекулаларнинг ҳаракати қандай ҳаракат ҳисобланади?

А. Химиявий Б. Биологик

В. Физик Г. Барча жавоблар тўғри

308. Инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикрлар ҳаракатнинг қандай турига киради?

А. Ижтимоий ҳаракат Б. Биологик ҳаракат

В. Ижтимоий ва биологик ҳаракат Г. Тўғри жавоб йўқ

309. Физик ҳаракат деб нимага айтилади?

А. Элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг ҳаракатига

Б. Атомлар ва молекулаларнинг ҳаракатига

В. Инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикрлар ҳаракатига

Г. Барча жавоблар тўғри

310. Материя ҳаракатининг комплекс шаклларига нималар киради?

А. Астрономик, геологик, географик Б. Химик, биологик

В. Астрономик, химик, геологик Г. Тўғри жавоб йўқ

311. Қуйидаги қайси қаторда ҳаракат шакллари тўғри кўрсатилган?

А. Кимёвий, механик, физик, биологик, ижтимоий

Б. Химик, астрономик, геологик, механик

В. Ижтимоий, биологик, географик, физик

Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

312. Антропосоциогенез нима?

А. Инсон ва кишилик жамиятининг шаклланиши ҳақидаги таълимот

Б. Инсон ва хайвонларнинг урганувчи таълимот

В. Хайвон ва ўсимликлар билан шуғулланувчи таълимот

Г. Тўғри жавоб йўқ

8-мавзу. ТАБИАТ ФАЛСАФАСИ

313. Табиатнинг жонли қисми қайси сфераларда мавжуд деб эътироф этилган?

А. Атмосфера, гидросферани ва литосферанинг юқори қисми

Б. Атмосфера, стратосфера ва литосферанинг юқори қисми

В. Гидросфера, биосфера ва литосфера

Г. Атмосфера, гидросфера, биосфера

314. Ибтидоий одамнинг меҳнат шакллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Термачилик, овчилик, балиқчилик

Б. Чорвачилик, овчилик

В. Деҳқончилик, термачилик, балиқчилик

Г. Зироатчилик, чорвачилик, овчилик

315. Қайси даврда табиатга иззат-икрот кўрсатиш ғояси илгари сурилиб, табиат билан муросаи мадора қилиш ва унинг қонунларига мувофиқ яшаб, айни шундай ҳаётни энг муносиб ва мақбул деб эътироф этишган?

А. Антик даврда Б. Ҳозирги даврда

В. Уйғониш даврида Г. Илк ўрта асрларда

316. Табиий ҳуқуқ концепцияси муаллифини топинг?

А. Ж.Ж.Руссо Б. Д.Юм В. Дж.Беркли Г. И.Кант

317. Ижтимоий экология илмий ва фалсафий билимлар соҳаси сифатида нечанчи йилларда вужудга келди?

А. XX асрнинг 60–80-йиллари

Б. XX аср боши

В. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг

Г. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида

318. Ижтимоий экологиянинг асосий қонунлари қайси жавобда нотўғри кўрсатилган?

А Ҳеч нарса йўқолмаслиги керак

Б. Табиат яхшироқ билади

В. Текинга ҳеч нарса бўлмайди

Г. Ҳамма нарса ҳамма нарса билан боғланган

319. Қуйида келтирилган таълимотлардан қайси бирида табиатга оқилона муносабатда бўлиш, атроф-муҳитнинг экологик тозалигига риоя қилиш ғояси ўз аксини топган?

А. Зардўштийлик Б. Маздакия

В. Буддавийлик Г. Барча жавоблар тўғри

320. Географик детерминизм оқимининг асосчиси ким?

А. Ш.Л.Монтескье Б. Ж.Ж.Руссо

В. Дж.Беркли Г. И.Кант

321. Француз маърифатпарвар файласуфи Ш.Л. Монтескье қайси асарида географик детерминизмни алоҳида қайд этади?

А. «Қонунлар руҳи» Б. «Критий»

В. «Давлат ҳаёт шакли сифатида» Г. «Англия цивилизцияси тарихи»

322. Қайси даврда табиатга гўзаллик ва илҳом манбаи, деб қарашга асосланган янгича муносабат юзага келди?

А. Уйғониш даври Б. Антик давр

В. Янги давр Г. Энг янги давр

323. Ер табиатининг инсон фаолияти доирасига жалб қилинган ва жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий омили ҳисобланадиган қисми, бу – ...

А. География муҳит Б. Ландшафт

В. Иқлим Г. Жамият

324. Қуйида келтирилган жавоблардан қайси бирида географик мактаб асосчилари кўрсатилган?

А. А.Тюрго ва Ш.Монтескье Б. Гиппократ, Геродот

В. Полибий, Страбон Г. И.Кант, Дж. Беркли

325. «Геосиёсат» атамасини ким ва қачон биринчи бўлиб ишлатган?

А. 1916 йилда Р.Челлен Б. 1925 йилда Д.Юм

В. 1945 йилда Дж.Беркли Г. 1918 йилда И.Кант

326. «Давлат ҳаёт шакли сифатида» деб номланган асар муаллифи?

А. Р.Челлен Б. Д.Юм В. Дж.Беркли Г. И.Кант

327. Фалокатлар назариясини ким илгари сурган?

А. Ж.Кювье Б. Ш.Л.Монтескье

В. Дж.Беркли Г. И.Кант

328. «Экология» атамасини ким фанга киритган?

А. Э.Геккель Б. Д.Юм В. Ж.Ж.Руссо Г. Р.Челлен

329. «Экология» атамаси этимологик жиҳатдан юнонча, «oikos» ва «logos» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «oikos» – бу ...

А. Уй, бошпана Б. Табиат

В. Ўсимлик Г. Таълимот

330. Қуйида келтирилган жавоблардан қайси бирида жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида юз берган ўзгаришлар моҳияти теран ёритиб берган олим номи кўрсатилган?

А. В.И.Вернадский Б. Э.Геккель

В. Р.Челлен Г. Ж.Кювье

331. Жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида инсоннинг оқилона фаолияти энг муҳим омилга айланадиган ҳолатга эришиши қандай аталади?

А. Ноосфера Б. Атмосфера

В. Гидросфера Г. Литосфера

332. «Ноосфера» атамаси илк бор ким томонидан ишлатила бошланди?

А. Э.Леруа ва П.Тейяр де Шарден

Б. Д.Юм ва Дж. Беркли

В. В.И.Вернадский ва Ш.Л.Монтескье

Г. Р.Челлен ва Э.Геккель

333. Чорвачиликни ривожланиши қандай оқибатларга олиб келди?

А. Яйловлардан ёввойи ҳайвонларни сиқиб чиқарилишига

Б. Деҳқончиликни пайдо бўлишига

В. Капиталистик мануфактурага ўтишга

Г. Уруғчиликни пайдо бўлишига

334. Антик даврда табиат ҳодисаларига инсонлар томонидан қандай муносабат билдирилган?

А. Худоларга итоат этмаганлик учун жазо сифатида талқин қилинди

Б. Табиатнинг қудратли кучларини жиловлаш мумкин

В. Якка худони қаҳри сифатида

Г. Инсон ақлининг мутлақ ҳукмига бўйсуниши мумкин ва лозим, деб ҳисобланди

335. «Қонунчилик кишилик жамиятининг табиий қонунларидан келиб чиқиши лозим». Ушбу фикр муаллифи ким?

А. Ж.Ж.Руссо Б. Д.Юм

В. Э.Геккель Г. Р.Челлен

336. Ибтидоий одамлар меҳнат қуролларини ясаш учун нимадан фойдаланганлар?

А. Тош ва ёғочдан Б. Ўсимлик ва ҳайвондан

В. Жез ва темирдан Г. Ёғоч ва ҳайвондан

337. Платоннинг қайси асарида атлантида ҳалокати ўз аксини топган?

А. «Тимей», «Критий» Б. «Биринчи аналогия»

В. «Органон» Г. «Софист»

338. «Табиатга салбий антропоген таъсир даражаси ортида табиий муҳит таназзули орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этадиган ҳолат ..., дейилади».

А. Экологик танглик Б. Экологик ривожланиш

В. Экологик ўсиш Г. Экологик сакраш

339. Қуйида келтирилган қонунлардан қайси бирида: биноан сайёрамиздаги одамлар сони геометрик прогрессия бўйича кўпайиб боради, тирикчилик воситалари эса, фақат арифметик прогрессия бўйича ўсади, бу эса муқаррар тарзда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига олиб келади ва ижтимоий тангликларга сабаб бўлишди?

А. Табиий қонун Б. Ижтимоий ривожланиш қонуни

В. Сунъий қонун Г. Эволюцион ўсиш қонуни

340. Вернадский жамиятга қандай таъриф беришга ҳаракат қилади?

А. Жонли ва жонсиз табиатнинг бирлиги сифатида, инсон фаол субъект сифатида ҳукмронлик қилувчи яхлит система сифатида

Б. Жонли ва жонсиз табиатнинг бирлиги сифатида

В. Инсон фаол субъект сифатида ҳукмронлик қилувчи яхлит система сифатида

Г. Инсонлар гуруҳи сифатида

341. «Ноосфера» бу – ...

А. Ақл-идрок соҳаси
Б. Табиий билим соҳаси
В. Ижтимоий соҳа
Г. Иқтисодий ривожланиш соҳаси

342. Табиий қонун тарафдорлари тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг.

А. Неомальтусчилик
Б. Неоплатонистлар
В. Кантчилар
Г. Мальтусчилар

343. Табиат ва жамият коэволюцияси деб нимага айтилади?

А. Табиат ва жамиятнинг муштарак ривожланишга
Б. Табиатнинг тизимли ривожланиши
В. Жамиятнинг тизимли ривожланиши
Г. Иқтисодий сакраш

344. Гуманизм сўзининг маъноси?

А. Инсонпарварлик
Б. Мехнатсеварлик
В. Тинчликсеварлик
Г. Миллийлик

345. Ғарбда Н.Коперник, Г.Галилей, Н.Кузанский, Ж.Бруно каби мутафаккирлар космологик ва натурфалсафий ғояларни ривожлантирганда, Шарқ мутафаккирларидан А.Жомий ва А.Навоийлар қандай ғояни илгари сурган эдилар?

А. Гуманистик ғояни
Б. Плюралистик ғояни
В. Дуализм ғоясини
Г. Монизм ғоясини

346. «Қонунлар руҳи» номли асар қайси файласуфга тегишли?

А. Ш.Л.Монтескье
Б. Ж.Руссо
В. Ф.Вольтер
Г. Д.Дидро

347. Микродунё бу – ...

А. Атом миқёсидан кичик бўлган дунё
Б. Атом миқёсидан катта бўлган дунё
В. Атом миқёсига тенг бўлган дунё
Г. Барча жавоблар тўғри

348. Гравитацион ўзаро таъсирлари бириктириб турган дунё қандай дунё деб аталади?

А. Мегадунё
Б. Микродунё
В. Макродунё
Г. Мега ва макродунё

349. Ер табиатининг инсон фаолияти доирасига жалб қилинган ва жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий омили ҳисобланадиган қисми қандай муҳит ҳисобланади?

А. География муҳит
Б. Ижтимоий муҳит
В. Сиёсий муҳит
Г. Маънавий муҳит

350. XX асрнинг 60-йилларида, Марказий Осиё ҳудудида ҳам Орол денгизининг қуриб бориши натижасида иқлим ва табиий муҳит кескин ўзгарди. Бу ҳолат қандай салбий оқибатларга олиб келди.

А. Экин майдонларининг камайишига, шўр тупроқнинг кўпайишига олиб келди
Б. Экин майдонларининг кўпайишига ва унумдор ерларнинг кўпайишига олиб келди

В. Шўр тупроқнинг кўпайишига
Г. Тўғри жавоб Б ва В

351. Кескин экологик вазият қайси дарёлар оқимининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди?

А. Амударё, Сирдарё, Зарафшон Б. Зарафшон, Бўзсув
В. Амударё, Зарафшон, Чирчиқ Г. Сирдарё, Чирчиқ

352. «Англия цивилизцияси тарихи» номли асар қайси файласуф қаламига мансуб?

А. Г.Т.Бокль Б. Ж.Беркли
В. И.Ньютон Г. Б.Паскаль

353. География детерминизмнинг атоқли намояндаси Г.Т.Бокль нечанчи йилларда яшаб ижод этган?

А. 1821–1862 Б. 1721–1762 В. 1850–1912 Г. 1921–1980

9-мавзу. ИНСОН БОРЛИҒИ

354. «Инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди». Ушбу фикрнинг муаллифини топинг?

А. Протагор Б. Суқрот В. Платон Г. Аристотель

355. Жон ҳақидаги таълимотни биринчи бўлиб ким яратган?

А. Платон Б. Аристотель В. Форобий Г. Кант

356. «Мавжуд барча нарсалар орасида энг ишончлиси ва бизга кўпроқ маълум бўлгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз мавжудлигимиздир, зеро, бизда бошқа нарсалар ҳақида мавжуд тушунчаларни сиртқи ва юзаки деб ҳисоблаш мумкин, ҳолбуки ўз-ўзини билиш ички теран билишдир». Ушбу сўзларни муаллифини топинг.

А. И.Кант Б. Фихте В. А.Бергсон Г. М.Хайдеггер

357. Ҳозирги замон фалсафасининг қайси оқимларида онг муаммосига нисбатан янгича ёндашувлар мавжуд?

А. Рационализмда Б. Иррационализмда
В. Синергетикада Г. Эмпиризмда

358. Миқдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин бўлмаган, массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга бўлмаган фалсафий категория бу ...

А. Ҳодиса Б. Ҳаракат В. Сабаб Г. Онг

359. Гераклит қандай биринчи асосларни оқил ва олижаноб ва туб асос, деб ҳисоблаган?

А. Сув ва ҳаво Б. Олов ва сув
В. Олов ва ҳаво Г. Ҳаво ва апейрон

360. Қайси файласуфлар моддий ва идеал ҳодисаларни фарқлаган?

А. Суқрот ва Платон Б. Суқрот ва Протагор
В. Платон ва Протагор Г. Гераклит ва Суқрот

361. Қайси файласуфлар Европа фалсафий анъанасида биринчи бўлиб,

идеал асосни қайд этибгина қолмасдан, балки ундан моддий асосни ҳам келтириб чиқарган?

А. Аристотель Б. Сенэка В. Демокрит Г. Платон

362. Қайси файласуф руҳий ҳодисаларни туйғулар дунёси ва интеллектга ажратган?

А. Платон Б. Пифагор В. И. Кант Г. Гегель

363. Инсон уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса бу – …

А. Шахс Б. Ҳаракат В. Онг Г. Онгсизлик

364. Қайси файласуфлар онгга «вульгар материализм» нуқтаи назаридан ёндашади?

А. Бюхнер, Фохт, Молешотт

Б. Бюхнер, Фохт, Фихте

В. Молешотт, Шеллинг, Кант

Г. Фихте, Гегель, Шопенгауэр

365. «Вульгар материализм» ёндашувига кўра онг ….

А. Соф маънавий жараён сифатида талқин қилинади

Б. Соф идеалистик жараён сифатида талқин қилинади

В. Соф моддий жараён сифатида талқин қилинади

Г. Соф материализм жараён сифатида талқин қилинади

366. Онгсизлик бу – …

А. Инсон ейдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби билан боғланган.

Б. Инсон уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса

В. Жоннинг бир қисми

Г. Онгнинг мазкур лаҳзада онг билан бошқаришга қодир бўлмаган парчаси.

367. Онг ва онг ости ҳодисаларни илк бор муфассал ўрганган файласуф ким?

А. З.Фрейд Б. К.Юнг В. Д.Юм Г. Э.Фромм

368. Неофрейдизмнинг намояндаларидан бирини топинг.

А. К.Юнг Б. И.Кант В. Гегель Г. Фихте

369. Қайси файласуф онгни илмий воситалар билан билиш мумкин эмас, уни расмлар ва метафоралар ёрдамида тавсифлаш билангина билиш мумкин, дея фикр билдирган?

А. Э.Фромм Б. Гегель В. Д. Юм Г. К.Юнг

370. XX асрнинг 50-йилларида қайси мамлакатларда илмий материализм вужудга келди?

А. Франция ва Англия Б. АҚШ ва Англия

В. АҚШ ва Австралия Г. Австралия ва Франция

371. XX асрнинг 70-йилларида АҚШ ва Канадада қайси фалсафий йўналиш шаклланди?

А. Вульгар материализм Б. Илмий материализм

В. Эмерженистик материализм Г. Диалектик материализм

372. «Эмерженистик маматерализм» фалсафий йуналишининг вакилларини топинг?

А. Р.Рорти, Г.Фейгл
Б. Г.Фейгл, Д.Армстрон
В. М.Бунге, Ж.Марголис
Г. Г.Фейгл, М.Бунге

373. «Илмий материализм» фалсафий йўналишининг вакилларини топинг?

А. Р.Рорти, Г.Фейгл, Д.Армстрон
Б. Р.Рорти, Г.Фейгл, М.Бунге
В. М.Бунге, Д.Армстрон, Ж.Марголис
Г. Г.Фейгл, Ж.Марголис, М.Бунге

374. Инъикос – …

А. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди

Б. Инсоннинг уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса

В. Инсон миясининг объектив борлиқни идеал образларда акс эттириш ва бу образлардан фикрлаш жараёнида фойдаланиш қобилияти

Г. Инсон миясининг иш жараёни ҳисобланади, унинг функцияси сифатида амал қилади ва ундан айри ҳолда намоён булмайди.

375. Эмерженистик материализм фалсафий йўналиши қайси мамлакатларда вужудга келган?

А. АҚШ ва Австралия
Б. АҚШ ва Канада
В. Канада ва Австралия
Г. АҚШ ва Англия

376. Онгсизликни вужудга келишига қуйтдаги мисоллардан тўғрисини топинг.

А. Ҳар хил тушлар
Б. Галлюцинациялар
В. Интуиция
Г. Барча жавоблар тўғри

377. Иррационализм сўзининг маъносини топинг.

А. Иррационалис – нооқилона, онгсиз
Б. Иррационалис – оқилона, онгли
В. Иррационалис – сезги, ҳис-туйғу
Г. Иррационалис – материя

378. Илмий материализм қачон вужудга келган?

А. XX асрнинг 70-йилларида
Б. XX асрнинг 50-йилларида
В. XIX асрнинг 50-йилларида
Г. XIX асрнинг 70-йилларида

379. Эмерженистик материализм қачон вужудга келган?

А. XIXасрнинг 70-йилларида
Б. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида
В. XX асрнинг 50-йилларида
Г. XX асрнинг 70-йилларида

380. Эмерженистик материализм фалсафий йўналишининг мақсади …

А. Улар индивидуал руҳият ва онгнинг эволюцион келиб чиқиши ғоясини ҳимоя қилиб, руҳий ҳодисаларни жисмоний ҳодисаларга боғлашга қарши чиқадилар

Б. Моҳият эътибори билан маънавий ҳодисаларни миянинг физик ҳолатлари билан таққослаштиради.

В. Онгнинг материалистик концепциясини ишлаб чиқдилар.

Г. Барча жавоблар тўғри.

381. Илмий материализм фалсафий йўналишининг мақсадини топинг.

А. Улар индивидуал руҳият ва онгнинг эволюцион келиб чиқиши ғоясини ҳимоя қилиб, руҳий ҳодисаларни жисмоний ҳодисаларга боғлашга қарши чиқадилар

Б. Моҳият эътибори билан маънавий ҳодисаларни миянинг физик ҳолатлари билан таққослаштиради

В. Онгнинг материалистик консепциясини ишлаб чиқдилар

Г. Барча жавоблар тўғри

382. Тил бу – …

А. Инсонинг фикрлаш фаолияти амалга ошувчи муҳим шакл ҳисобланади

Б. Меҳнатни ривожлантиради

В. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди

Г. Барча жавоблар тўғри

383. Миқдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин бўлмаган, массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга бўлмаган фалсафий категория бу –

А. Онг Б. Сезги В. Ҳаракат Г. Моҳият

384. Оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос, деб ҳисоблаган файласуфни топинг?

А. Гераклит Б. Анаксимен В. Анаксагор Г. Зенон

385. Онг ва онг ости ҳодисаларини илк бор муфассал ўрганган файласуф – психоаналитик ким?

А. З.Фрейд Б. К.Юнг В. Э.Фромм Г. Н.Вернадский

386. Инсон уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса бу – ...

А. Шахс Б. Ўзликни англаш

В. Онг Г. Ижтимоий онг

387. Муайян нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва жараёнларнинг хилмахил кўринишлари ички бирлигини ифода этувчи ва улар орқали намоён бўлувчи моҳият нима деб аталади?

А. Субстанция Б. Параметр

В. Субстанция ва параметр Г. Барча жавоблар тўғри

388. Инсон борлиғи бу – ...

А. Инсоннинг нарсалар оламидаги борлиғи ва одамнинг ўзига хос бўлган инсоний борлиғи

Б. Индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ

В. Айрим одамнинг тарихий жараёндаги борлиғи ва жамият борлиғи

Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

389. «Ўзингни билсанг, оламни биласан» деган ибора қайси муаллиф қаламига мансуб?

А. Суқрот Б. Афлотун В. Аристотель Г. Демокрит

390. Австриялик машҳур психиатр З.Фрейд нечанчи йилларда яшаб, ижод этган?

А. 1856–1939 Б. 1879–1913 В. 1850–1929 Г. 1840–1919

391. З.Фрейд фикрича инсон руҳиёти нечта соҳага эга?

А. Уч Б. Тўрт В. Икки В. Беш

392. «Инсон ҳамма нарсаларининг ўлчовидир» деган иборани ишлатган файласуф?

А. Протагор Б. Спиноза

В. Суқрот Г. Гегель

393. «Атрибут» деганда нимани тушунасиз?

А. Ҳар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти

Б. Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусият

В. Бирон-бир жисмни аниқловчи хусусият

Г. Барча жавоблар тўғри

10-мавзу. ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНЛАРИ

394. «Диалектика» сўзининг маъносини топинг.

А. Суҳбат қўриш санъати Б. Сезги, хис-туйғу

В. Онг Г. Онгсизлик

395. Диалектика шаклланган дастлабки даврларда қандай ифодаланган?

А. Оламнинг асосига материяни қўйган

Б. Дунёни жонли олов ёки икки марта кириш мумкин бўлмаган дарё оқими сифатида тасаввур қилинган

В. Баҳслашиш, мунозара қилиш санъати сифатида тушунилган, бунда фикрлар, қарашлар қарама-қаршилиги воситасида ҳақиқатнинг тагига етиш мақсадида, муаммони ўзаро манфаатдор муҳокама қаратилган мунозара назарда тутилган

Г. Барча жавоблар тўғри

396. Диалектиканинг энг яхлит концепциясини қайси файласуф таърифлаган?

А. И.Кант Б. Фихте В. Аристотель Г. Гегель

397. Гегель диалектикани қандай таърифлаган?

А. Дунёни қуйидан олийга қараб борувчи умумий ривожланиш жараёни сифатида таърифлаган

Б. Одамлар онгига диний дунёқарашни сингдиришни тасвирлаган

В. Материализмни диалектик мантиқ билан боғлашга ҳаракат қилган

Г. Табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ва ривожланиши деб таърифлаган

398. Диалектиканинг 3-тарихий шакли қачон вужудга келган?

А. XIX асрнинг бошлари Б. XX асрнинг бошлари

В. XIX асрнинг 2-ярми Г. XX асрнинг 2-ярми

399. Объектив диалектика бу – …

А. Дунёни қуйидан олийга қараб борувчи умумий ривожланиш жараёни сифатида тасвирлаш

Б. Табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ва ривожланиши

В. Дунёни метафизик тушуниш

Г. Барча жавоблар тўғри

400. Субъектив диалектика бу – …

А. Табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ва ривожланиши

Б. Субъектнинг фикрлаш диалектикаси ва унинг объектив дунёни билиши

В. Дунёни қуйидан олийга қараб борувчи умумий ривожланиш жараёни сифатида тасвирлаш

Г. Дунёни метафизик тушуниш

401. Диалектик метод, аввало, мазмунни талқин қилиш аниқлаш учун қўлланилади? Ушбу сўзларни муаллифини топинг?

А. Гегель Б. И.Кант В. К.Маркс Г. П.Рикер

402. Фалсафий маънода тамойил нима?

А. Фундаментал қоида, биринчи асосни, бирон-бир концепция ёки назариянинг муҳим асосини англатади

Б. Макон ё вақтда бир-биридан муайян масофада узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ёки объектнинг ўзаро боғланиш жараёни тушунилади

В. Моддий ва маънавий ҳодисаларнинг, уларнинг ҳаракат ва ривожланиш хусусияти ва йўналишини белгиловчи объектив муҳим, зарурий, барқарор ва умумий алоқа

Г. Дунёда юз берувчи барча жараёнларни, уларнинг мазмунидан қатъи назар қамраб олади

403. «Алоқа» деганда нима тушунилади?

А. Дунёда юз берувчи барча жараёнларни, уларнинг мазмунидан қатъи назар қамраб олувчи жараён

Б. Фундаментал қоида, биринчи асосни, бирон-бир концепция ёки назариянинг муҳим асоси

В. Борлиқнинг универсал алоқаларини билиш шакли

Г. Макон ё вақтда бир-биридан муайян масофада, узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ёки объектнинг ўзаро боғланиш жараёни

404. Мазмун жиҳатдан алоқалар қандай турларга бўлинади?

А. Бир томонлама ва ўзаро алоқалар

Б. Генетик, функционал, структуравий

В. Ички, зарурий, муҳим

Г. Катта ва кичик, зарурий

405. Алоқа учун асос бу – …

А. Алоқа юзага келишига имконият яратувчи айрим хосса, белги ёки муносабат

Б. Категориялар

В. Тамойиллар

Г. Алоқа манбаи

406. Алоқа тушунчаси қайси тушунчалар орқали ёритилади?

А. Ички, муҳим, зарурий алоқалар

Б. Диалектик, синергетик

В. Сабаб ва оқибат

Г. Ўзаро алоқа, ҳаракат

407. «Нарсаларнинг ўзаро мавжудлик усули, уларда яширин хоссаларнинг намоён бўлиш омили» сифатида таърифланган категория бу – …

А. Хосса Б. Алоқа В. Муносабат Г. Тушунча

408. «Моддий ва маънавий ҳодисаларнинг уларнинг ҳаракат ва ривожланиш хусусияти ва йўналишини белгиловчи объектив, муҳим, зарурий, барқарор ва умумий алоқаси» деб таърифланган фалсафий категорияни топинг?

А. Муносабат Б. Қонун В. Алоқа Г. Нарса

409. Алоқанинг муҳимлиги бу – …

А. Нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи алоқа

Б. Муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи алоқа

В. Ишончли тарзда сақланадиган алоқа

Г. Объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари буйсунади.

410. Алоқанинг зарурийлиги бу – …

А. Нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи алоқа

Б. Муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи алоқа

В. Ишончли тарзда сақланадиган алоқа

Г. Объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсунади.

411. Алоқанинг барқарорлиги бу – …

А. Ишончли тарзда сақланадиган алоқа

Б. Объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсунади.

В. Нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи алоқа

Г. Муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи алоқа

412. Алоқанинг умумийлиги бу – …

А. Нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи алоқа

Б. Муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи алоқа

В. Ишончли тарзда сақланадиган алоқа

Г. Объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсунади.

413. Нарсалар, ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши бу – …

А. Қонун Б. Ўзгариш

В. Ривожланиш Г. Сабаб

414. Қарама-қаршилик бу – …

А. Нарсалар, ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши.

Б. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши

В. Объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсунади.

Г. Предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир.

415. Нарса ёки ҳодиса қарама-қарши томонларининг бир-бирини истисно этиш ва бир-бирига ўтиш муносабатлари деб эътироф этиладиган категория, бу – …

А. Қарама-қаршилик Б. Ўзгариш

В. Зиддият Г. Алоқа

416. Тафовут бу – …

А. Нарса ёки ҳодиса қарама-қарши томонларининг бир-бирини истисно этиш ва бир-бирига ўтиш муносабатлари

Б. Аввалги ҳолатдан сақланиб қолган хоссалар устунлик қилган ҳолда айни бир предмет хоссаларининг мос келмаслигидир

В. Предметни бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонлари

Г. Нарсалар, ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши

417. Гегель ғояларига асосланиб зиддият тарқалишининг қайси босқичлари фарқланади?

А. Айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият ва асос

Б. Айният, муносабат алоқа, асос

В. Айният, асос, нарса

Г. Қарама-қаршилик, зиддият, асос, алоқа

418. Қуйидаги жавоблардан хосса категорияси таърифини аниқланг.

А. Аввалги ҳолатдан сақланиб қолган хоссалар устунлик қилган ҳолда, айни бир предмет хоссаларининг мос келмаслигидир

Б. Предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир

В. Нарсаларнинг ўзаро мавжудлик усули, уларда яширин хоссаларнинг намоён бўлиш омили

Г. Предметнинг жиҳати булиб, унинг бошқа предметлардан фарқи ёки улар билан ўхшашлигини белгилайди ва улар билан ўзаро алоқада намоён бўлади

419. Миқдор бу – …

А. Предметнинг жиҳати бўлиб, унинг бошқа предметлардан фарқи ёки улар билан ўхшашлигини белгилайди ва улар билан ўзаро алоқада намоён бўлади

Б. Предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир

В. Предмет муайян хоссасининг намоён бўлиши, интенсивлиги даражаси

Г. Нарсанинг ички хусусияти, предметни мазкур жиҳатдан фарқлаш учун зарур ва етарли бўлган хоссалар мажмуи

420. Категория сўзининг луғавий маъноси?

А. Белги, изоҳлаш Б. Кўрсатиш, эшитиш

В. Далилларга ишониш Г. Барча жавоблар тўғри

421. Қайси қаторда Аристотелнинг асари тўғри кўрсатилган?

А. «Категориялар» Б. «Ахиллислар»

В. «Шер устидаги гулхан» Г. «Утопия»

422. Икки ёки бир нечта суҳбат – ...

А. «Диалог» Б. «Қисса»

В. «Роман» Г. «Диалог ва роман»

423. Диалектиканинг тарихан биринчи шакли қандай номланади?

А. Стихияли диалектика Б. Қадимий диалектика

В. Антик диалектика Г. Фақат В жавоб тўғри

424. Ўзгариш бу – ...

А. Нарсалар, ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши.

Б. Барқарор ҳолатда бўлиш

В. Сокинликка ўтиш

Г. Бирон-бир нарса ҳодисалар ҳолати

425. Энг қадимги ва кенг тарқалган фалсафий методлардан бири диалектика бўлса иккинчиси нима?

А. Метафизика Б. Арифметика

В. Синергетика Г. Эклектика

426. Диалектика сўзини биринчи бўлиб қайси файласуф ўз фаолиятида қўллаган?

А. Суқрот Б. Афлотун

В. Демокрит Г. Тўғри жавоб йўқ

427. Предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонлар нима деб аталади?

А. Қарама-қаршиликлар Б. Далиллар

В. Исботлар Г. Барча жавоблар тўғри

428. Қадимги Юнон файласуфи Суқрот нечанчи йилларда яшаб, ижод этган?

А. Мил. ав. 469–399 Б. Мил. ав. 459–349

В. Мил. ав. 466–377 Г. Мил. ав. 465–395

429. «Арикда оқаётган муайян сувга икки марта тушиб бўлмайди, чунки янги ва янги сувлар оқиб келаверади». Ушбу фикрнинг муаллифи ким?

А. Гераклит Б. Зенон

В. Арасту Г. Пифагор

430. «Метафизика» сўзининг луғавий маъноси?

А. Юнон. физикадан кейин Б. Лотин. физикадан кейин

В. Инг. Математикадан кейин Г. Барча жавоблар тўғри

431. Нарсанинг ички хусусияти, предметни мазкур жиҳатдан фарқлаш учун зарур ва етарли бўлган хоссалар мажмуи бу – ...

А. Сифат Б. Қаршилик

В. Зиддият Г. Тўғри жавоб йўқ

432. Диалектиканинг тарихий шакллари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А. Материалистик, идеалистик, стихияли диалектика

Б. Идеалистик, дуалистик, мистик

В. Стихияли, мистик, материалистик

Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

11-мавзу. ФАЛСАФА КАТЕГОРИЯЛАРИ

433. Диалектика категорияларини тизимга солиш ва формал мантиқий фикрлашнинг умумий қонунларини ишлаб чиқишга уриниш кимнинг ижоди билан боғлиқ?

А. Аристотель Б. Платон
В. Суқрот Г. Демокрит

434. Ўз даврининг фан ютуқларидан ҳисобланган модда ва ҳаракатнинг сақланиш ғоясини ким яратган?

А. Ломоносов–Лавуазе Б. Ньютон–Лейбниц
В. Кант–Лаплас Г. Эйнштейн

435. Кант категорияларининг неча турини фарқлайди?

А. 3 та Б. 4 та В. 5 та Г. 2 та

436. Кант макон ва вақтни категорияларнинг қайси турига киритади?

А. Ҳиссий Б. Идрок В. Ақл Г. Тасаввур

437. «Соф ақлнинг танқиди» асрининг муаллифи ким?

А. Кант Б. Фихте В. Шеллинг Г. Гегель

438. Шеллинг табиатни тушунтиришда қайси позицияда турган?

А. Пантестик Б. Рационалистик
В. Атестик Г. Дуалистик

439. Диалектикани ким фанга киритган?

А. Гегель Б. Кант В. Шеллинг Г. Фихте

440. Гегель мантиқни неча қисмга бўлади?

А. 3 Б. 4 В. 5 Г. 2

441. Қайси олим ўз таълимотида «Инкорни-инкор» қонунидан фойдаланади?

А. Гегель Б. Кант В. Шеллинг Г. Фихте

442. Гегель фалсафасининг 3-чи қисми нима?

А. Руҳ фалсафаси Б. Мантиқ
В. Натурфалсафа Г. Илмий фалсафа

443. Предмет борлиғининг чегараси нима?

А. Меъёр Б. Миқдор В. Моҳият Г. Ҳодиса

444. Нарсанинг такрорланувчи хоссалари, алоқалари ва томонларини акс эттирувчи тушунча қайси?

А. Тушунча Б. Ғоя В. Гипотеза Г. Мулоҳаза

445. Борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим мазмунини ўзида акс эттирувчи фалсафий тушунча нима?

А. Категория Б. Ғоя В. Гипотеза Г. Мулоҳаза

446. Категорияларнинг нечта тури фарқланади?

А. 2 Б. 3 В. 4 Г. 5

447. Дифференциал, интеграл, категориялар қайси фан билан боғлиқ?

А. Математика Б. Биология В. Физика Г. Химия

448. Фан ва фалсафа категорияларининг фарқи нимада?

А. Фалсафий категориялар ўта кенг тушунчалардир
Б. Фан категориялари ўта маъноли

В. Фалсафа категориялари жуда оз

Г. Фан категориялари иррационалликни тан олади

449. Фалсафий категориялар тизими нечта?

А. 3 Б. 4 В. 5 Г. 2

450. Нарса тушунчасининг синоними, яъни борлиқнинг нисбатан мустақил, сифат жиҳатдан муайян парчаси қайси категория?

А. Айримлик Б. Яккалик В. Умумийлик Г. Хусусийлик

451. Фақат мазкур объектга хос бўлган хоссаларни ифодаловчи категория қайси?

А. Яккалик Б. Умумийлик

В. Алоҳидалик Г. Хусусийлик

452. Яккага нисбатан умумий, умумийга нисбатан якка ҳодиса қайси категорияни топинг?

А. Хусусийлик Б. Умумийлик

В. Яккалик Г. Айримлик

453. Нарсанинг жараёнда бевосита намоён бўлувчи хоссалар йиғиндисини ифодаловчи категория нима дейилади?

А. Ҳодиса Б. Моҳият

В. Умумийлик Г. Яккалик

454. Мантиқда мазмун тушунчаси қандай маънони англатади?

А. Мазмун унинг муҳим белгилари мажмуини англатади

Б. Предметнинг зид томонларини талқин қилади

В. Нарсанинг ўхшаш томонларини ифодалайди

Г. Шаклнинг акси

455. Нарсанинг жараён ва ҳодисани белгиловчи элементлар хоссалар йиғиндиси бу – ...

А. Мазмун Б. Шакл

В. Моҳият Г. Ҳодиса

456. Яхлитлик категориясининг нечта типи мавжуд?

А. 3 Б. 4 В. 5 Г. 2

457. «Система» сўзининг маъноси қайси жавобда тўғри берилган?

А. Юнонча, «бирлаштириш» Б. Юнонча, «ҳаракат қиламан»

В. Юнонча, «ўрганаман» Г. Юнонча, «тизим»

458. Қуйидагилардан қайси бири нарсанинг бошқа бўлинмайдиган заррасини англатади?

А. Элемент Б. Структура

В. Система Г. Бутун

459. «Бир ҳодиса айрим ҳолда бошқа ҳодисадан олдин келишидан, уларнинг бири сабаб иккинчиси ҳаракат, деган хулоса чиқариш ақлга мувофиқ эмас», деган фикр кимга тегишли?

А. Д.Юм Б. Р.Декарт

В. Платон Г. Сукрот

460. Қайси мулоҳаза тўғри?

А. Оқибат сабаб таъсирида вужудга келади

Б. Сабаб оқибат таъсирида вужудга келади

В. Бутун ва қисм фан категорияларидир
Г. Тўғри жавоб йўқ

461. Сабабият қонунини инкор этувчи файласуфлар қандай аталади?

А. Индетерминистлар Б. Детерминистлар
В. Гностиклар Г. Агностиклар

462. Тасодиф ҳақида қайси фикр нотўғри?

А. Тасодиф ички, ташқи, умумий ва хусусий бўлади
Б. Тасодиф ташқи омиллар билан белгиланадиган алоқа типи
В. Тасодиф ички ва ташқи бўлади
Г. Тасодиф юз бериши ҳам юз бермаслиги ҳам мумкин

463. Амалга ошган борлиқни тавсифловчи фалсафий категория қайси?

А. Воқелик Б. Зарурият В. Тасодиф Г. Бутун

464. Имкониятнинг қандай турлари бор?

А. Реал ва формал, абстракт ва муайян
Б. Ички ва ташқи, аниқ ва ноаниқ
В. Катта ва кичик
Г. Тўғри жавоб йўқ

465. Сабабият қонунини тан олувчи файласуфлар қандай аталади?

А. Детерминистлар Б. Индетерминистлар
В. Гностиклар Г. Агностиклар

466. Структура нима?

А. Нарсалар ва ҳодисаларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги қонуний алоқа йўли
Б. Нарсанинг бошқа бўлинмайдиган қисми
В. Нарсанинг энг умумий хоссалари
Г. Нарсанинг, предметнинг яхлит белгилари

467. Гегель сифатга қандай таъриф беради?

А. Борлиқ билан айний бўлган бевосита муайянлик
Б. Нарсаларнинг муҳим хоссаларини англатади
В. Нарсаларнинг ўзигагина тегишли хоссалар мажмуи
Г. Тўғри жавоб Б ва В

468. Дунё билан ўзаро алоқа қилиш тажрибасини умумлаштирувчи ҳодиса бу – ...

А. Фикрлаш Б. Сўзлаш
В. Идрок этиш Г. Сезиш

469. Назарий муомалага, фалсафий категориялар тизимига «амалиёт» тушунчасини ким киритган?

А. Фихте Б. Шеллинг
В. Гегель Г. Кант

470. Фалсафада «нарса ўзида» ғояси кимга тегишли?

А. Кант Б. Шеллинг
В. Гегель Г. Фихте

471. Гегель фалсафасида мантиқ нечанчи қисмда тадқиқ этилади?

А. 1 Б. 2 В. 3 Г. 4

472. Агностикларнинг энг йирик вакили ким?

А. Кант Б. Шеллинг

В. Гегель Г. Фихте

473. Дунё билан ўзаро алоқа қилиш тажрибсини умумлаштирувчи ҳодиса бу – ...

А. Фикрлаш Б. Сўзлаш

В. Идрок этиш Г. Сезиш

474. Борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган кенг тушунча бу – ...

А. Категория Б. Атама В. Хулоса Г. Тушунча

475. Борлиқнинг умумий, муҳим томонлари, хоссалари, алоқалари ва муносабатлари ҳақида фикрлаш учун қўлланиладиган ўта кенг тушунчалар мажмуи, бу – ...

А. Фалсафий категориялар Б. Фан категориялари

В. Умумий категориялар Г. Атамалар

476. Фалсафий категориялар ва формал мантиқ категориялари ўртасида фарқнинг юзага келишига қайси файласуфнинг ижоди тасир қилган?

А. Аристотель Б. Спиноза

В. Гегель Г. Кант

477. И.Кант категорияларнинг неча турини фарқлайди ва улар қайсилар?

А. Уч, ҳиссиёт, идрок ва ақл

Б. Икки, сезги ва тафаккур

В. Тўрт, ҳиссий, рационал, иррационал ва трансцендентал

Г. Фақат битта

12-мавзу. БИЛИШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

478. Билиш ҳақидаги таълимот бу – ...

А. Гносеология Б. Онтология

В. Идеология Г. Эпистемология

479. Илмий билиш қайси тушунча билан номланади?

А. Эпистемология Б. Онтология

В. Идеология Г. Гносеология

480. Қайси қаторда эмпиризм вакиллари берилган?

А. Бэкон, Локк, Гоббс Б. Платон, Августин

В. Декарт, Гоббс Г. Вольтер, Конт

481. Ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларни сезгилар орқали идрок этишга нима деб аталади?

А. Перцепция Б. Апперцепция

В. Фатализм Г. Формализм

482. Борлиқни англашнинг ғояларда ифодалаш нима дейилади?

А. Апперцепция Б. Перцепция

В. Фатализм Г. Формализм

483. Оптимизм нима?

А. Дунёни билиш мумкинлигини таъкидлайди

Б. Дунёни билишни рад этади

В. Худони тан олмайди

Г. Тўғри жавоб Б ва В

484. Дунёни билиш мумкинлигини рад этувчилар кимлар?

А. Агностиклар Б. Гностиклар

В. Оптимистлар Г. Скептиклар

485. Билимнинг неча тури мавжуд?

А. 3 Б. 4 В. 5 Г. 2

486. Билим бу – ...

А. Ҳақиқатга мос келадиган ва асосланган ишончдир

Б. Билим – ёлғон маълумот

В. Ҳали асосланмаган фикр

Г. Ҳақиқатга мос келмайдиган фикр

487. «Агар Р ҳақиқий бўлса, бу ҳолда S Р ни билади». Бу шарт билимнинг қайси турига тегишли?

А. Ҳақиқийлик

Б. Ишончлилик

В. Асослилик

Г. Аниқлик

488. Қуйидагилардан қайси бири ноилмий билим шакллари ҳисобланади?

А. Псевдоилмий билим, анормал билим, девиант билим

Б. Ҳақиқий билим, шахсий билим, кундалик билим

В. Табиий билим, фалсафий билим

Г. Прагматик билим, шахсий билим

489. Қайси файласуф шахсий билим концепциясини ишлаб чиққан?

А. М.Полани Б. Рузавин

В. Дильтей Г. Гадамер

490. Билим шаклларини аниқланг?

А. Шахсий билим, кундалик билим

Б. Псевдоилмий билим, анормал билим, девиант билим

В. Табиий билим, фалсафий билим, девиант билим

Г. Прагматик билим, шахсий билим

491. Субъектнинг билиш фаолияти қаратилган нарса ёки ҳодиса бу – ...

А. Объект Б. Макон

В. Замон Г. Тушунча

492. Билиш фаоллигининг манбаи бу – ...

А. Субъект Б. Объект

В. Макон Г. Ҳодиса

493. Ўз тафаккурини бир объектга қаратиш инсон эътиборини чалғитувчи барча омилларни четга чиқариш йўли билан идрок этиш бу – ...

А. Медитация Б. Адаптация

В. Перцепция Г. Апперцепция

494. «Биз қўғирчоқмиз ва тақдир бизни ипларимиздан тортиб ўйнатади», деган фикрни ким айтган?

А. В.Гюго Б. Фихте

В. О.Конт Г. М.Хайдеггер

495. Инсон онги ёрдамида оладиган дунё ҳақидаги маълумотларнинг энг олий даражаси нима?

А. Билим Б. Ҳиссиёт

В. Сезги Г. Тасаввур

496. XVIII аср скептицизмининг энг йирик вакили ким?

А. Д.Юм Б. Шеллинг В. Гегель Г. Фихте

497. «Эҳтиёжлар бўлмаса буюк артистлар ҳам, буюк саркардалар ҳам, буюк министрлар ҳам, буюк файласуфлар ҳам бўлмас эди», деган фикр кимга тегишли?

А. К.Гельвеций Б. В.Гюго В. Вольтер Г. Руссо

498. Фалсафада гносеология нимани ўрганади?

А. Билиш жараёнининг умумий, фалсафий моҳияти ва муаммоларини ўрганади

Б. Бизнинг муайян нарсалар ҳақидаги билимларимиз ва (ёки) эътиқодларимизнинг ишончлилик даражасини ўрганади

В. Тафаккурнинг умумий қонуниятларини ўрганади

Г. Билим ва эътиқодимизнинг ишончлилик даражасини ўрганади

499. Эмпиризм вакиллари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг?

А. Бэкон, Локк, Гоббс, Юм, Фейербах

Б. Кант, Гегель, Шеллинг

В. Вольтер, Руссо, Дидро

Г. Гадамер, Хабермас, Деррида

500. Ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларни сезгилар орқали идрок этиш нима дейилади?

А. Перцепция Б. Аперцепция

В. Тафаккур Г. Мулоҳаза

501. Позитивизм вакиллари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. М.Шлик, Р.Карнап, А.Ж.Айэр

Б. Кант, Гегель, Рассел

В. Пирс, Конт, Моррис

Г. Вригт, Гуссерль, Хайдеггер

502. «Мен бунинг нималигини билмайман, бироқ билишга умид қиламан», дейдиган инсоннинг психологик хусусияти қандай бўлади?

А. Оптимист Б. Агностик В. Пессимист Г. Гностик

503. Гносеология бу – ...

А. Фалсафанинг билиш масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус соҳа

Б. Фалсафанинг борлиқ масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус соҳа

В. Фалсафанинг аксиологик масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус соҳа

Г. Фалсафанинг праксиологик масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус соҳа

504. Илмий билиш тўғрисидаги соҳа нима?

А. Эпистемология Б. Гносеология

В. Онтология Г. Аксиология

505. «Гносеология» атамаси қайси файласуф томонидан киритилган?

А. Ж.Ферер Б. Х.Вольф

В. Д.Юм Г. Ч.Пирс

506. «Эпистемология» бу – ...

А. Илмий билиш Б. Ақлиш билиш

В. Эмперик билиш Г. Барча жавоблар тўғри

507. «Гностицизм» бу – ...

А. Оламни билиш мумкин Б. Оламни билиш мумкин эмас

В. Дунёни эгаллаш Г. Тўғри жавоб йўқ

508. Агностицизм бу – ...

А. Оламни билиш мумкин эмас Б. Оламни билиш мумкин

В. Дунёни эгаллаш Г. Далиллар асосида ш кўриш

509. Фалсафада, оламни билиб бўлмайди, деб талқин қилувчи таълимот?

А. Агностицизм Б. Гностиклар

В. Рационалистлар Г. Номиналистлар

510. Фалсафада, оламни билиш мумкин, деб талқин қилувчи таълимот?

А. Гностиклар Б. Рационалистлар

В. Агностицизм Г. Номиналистлар

511. Рационализм бу – ...

А. Ақлий билим Б. Ҳиссий билим

В. Эмперик билим Г. Тажрибавий билим

512. Перцепция сўзининг луғавий маъноси нима?

А. Лотинча, «perception» – «идрок этиш»

Б. Юнонча, «perception» – «идрок этиш»

В. Ингилизча, «perception» – «идрок этиш»

Г. Ҳис қилиш

513. Борлиқни ақл билан англаш, билиш, уларни ғояларда ифодалаш нима деб аталади?

А. Апперцепция Б. Перцепция

В. Аккредитация Г. Репреция

514. Рефлексия сўзининг луғавий маъноси?

А. Лотинча, «reflexes» – «орқага қайтиш»

Б. Юнонча, «reflexes» – «орқага қайтиш»

В. Арабча, «reflexes» – «орқага қайтиш»

Г. форсча, «reflexes» – «орқага қайтиш»

515. Трансцендентал сўзининг луғавий маъноси?

А. Лотинча, «transcendentalism» – «чегарага сиғмайдиган»

Б. Юнонча, «reflexes» – «орқага қайтиш»

В. Арабча, «reflexes» – «орқага қайтиш»

Г. форсча, «reflexes» – «орқага қайтиш»

516. Ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларни сезгилар орқали идрок этишга нима деб айтилади?

А. Перцепция Б. Апперцепция

В. Перцепция Г. Аккредитация

517. Ҳар хил фаолият шакллари – жумладан, ишлаб чиқариш фаолияти, эстетик фаолият, сиёсий фаолият ва ҳоказоларнинг таъсирида шаклланадиган турмуш билан боғлиқ тушунчалар мажмуи авлодлар тўплаган жамоа коллектив тажрибаси маҳсули бу – …

А. Кундалик билим Б. Илмий билим

В. Тарихий билим Г. Ижтимоий билим

13-мавзу. ҲИССИЙ, ЭМПИРИК, МАНТИҚИЙ ВА ИНТИУТИВ БИЛИМ ШАКЛЛАРИ

518. Форобий билишнинг қандай шаклларини кўрсатиб ўтади?

А. Ҳиссий ва оқилона Б. Ақлий ва иррационал

В. Хотира ва тасаввур Г. Ақлий ва идрок

519. «Сезмайдиган одам ҳеч нарсани билмайди ва тушунмайди», деган фикр қайси файласуфга тегишли?

А. Аристотель Б. Форобий В. Платон Г. Ибн Сино

520. Билишнинг қайси шакли тамойил сифатларини бирламчи ва иккиламчига механик тарзда ажратишга қарши йўналган?

А. Сезги Б. Хаёл В. Хотира Г. Тасаввур

521. «Унинг кучи тажрибада мавжуд образларни нафақат қайта чақиради, балки уларни бир-бири билан боғлайди ва шу тариқа уларни умумий тасаввурлар даражасига кўтаради». Бу фикр билишнинг қайси шаклига тегишли?

А. Хаёл Б. Хотира В. Тасаввур Г. Идрок

522. Илмий билиш даражаларини кўрсатинг.

А. Эмпирик ва назарий Б. Ҳиссий ва амалий

В. Трансцендентал ва ақлий Г. Эмпирик ва амалий

523. Эмпирик билиш шаклларини санаб ўтинг?

А. Кузатиш, эксперимент, илмий далиллаш

Б. Моделлаштириш тарихий аналогия, башорат

В. Илмий муаммо, муаммоли вазият, тарихилик

Г. Гипотеза, парадигма, назария

524. Эмпирик билишнинг қайси шакли табиатнинг ўзида мавжуд нарсалар ва ҳодисаларни қайд этади?

А. Кузатиш Б. Эксперимент

В. Илмий далиллаш Г. Моделлаштириш

525. Экспериментга тўғри таъриф берилган жавобни кўрсатинг.

А. Шундай тадқиқот методики, унинг ёрдамида объектив, ё субъектив тарз-

да ёритилади, ё тадқиқот мақсадларига мос келадиган маълум шарт-шароитларда ўрганилади

Б. Билиш объектнинг муҳим хоссалари ва муносабатларини аниқлаш мақсадида атайлаб амалга ошириладиган изчил идрок этишдир

В. Билишнинг тасдиқланган болигига айланган моддий ва маънавий дунё ҳодисаси, бирон-бир ҳодиса, хосса ёки муносабатни қайд этишдир

Г. Билишнинг ривожланиш жараёнида объектив тарзда юзага келадиган, ечимнинг топиш муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган мослама ёки масалалар мажмуидир

526. Қайси файласуф, фон далиллардан бошланиши ва бошланиш тугалланиш ўртасида қандай назарий тузилмалар бўлишидан, тузилишидан қатъи назар, далиллар билан якунланиши лозим, деган фикрни илгар сурган?

А. А.Эйнштейн Б. И.Кант

В. Ф.Шеллинг Г. И.Ньютон

527. Илмий далилнинг икки муҳим хоссаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Ишончлилик ва бир вариантлилик

Б. Ишончлилик ва вариантлилик

В. Исботланганлик ва бетакрорлик

Г. Тасдиқланганлик ва вариантлилик

528. Илмий далиллар назарияга нисбатан қандай вазифаларни бажаради?

А. Верификация ва фальсификация

Б. Умумлаштириш ва тасдқилаш

В. Исботлаш ва инкор қилиш

Г. Сақлаш ва етказиш

529. .... фанда – бирон-бир, ҳодисалар, объектлар, жараённи тушунтиришда қарама-қарши ёндашувлар кўринишида амал қилувчи ва уни ечиш учун мувофиқ назарияни талаб этувчи зиддиятли ҳолатдир.

А. Муаммо Б. Далил В. Парадигма Г. Гипотеза

530. Илмий муаммо бошқа муаммолардан қандай белгилари билан ажралиб туради?

А. Ҳақиқий ва янги билим олишга чорлаш ҳамда янгилик сари интилиш билан

Б. Илмий муаммолар фақат табиий фанларга тааллуқли бўлганлиги билан

В. Илмий муаммолар борлиқни бутунлигига қамраб олганлиги билан

Г. Тўғри жавоб А ва Б

531. Асосий назарий билим, илмий далилларни тушунтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилувчи раҳбар ғоялар қандай номланади?

А. Тамойиллар Б. Категориялар

В. Парадигма Г. Гипотеза

532. Гипотезага тўғри таъриф берилган қаторни белгиланг.

А. Янги далилларнинг моҳиятини тушунтирувчи қонун мавжудлиги ҳақидаги асосли тахминдир

Б. Ҳодисаларнинг муайян туркуми бу туркумдаги ҳодисаларнинг моҳияти

ва уларга нисбатан амал қиладиган борлиқ қонунлари ҳақидаги билимларнинг мантиқий асосланган тизимидир

В. Борлиқнинг энг муҳим томонлари, хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчаларидир

Г. Фан тарихнинг муайян даврида унинг ривожланишини белгиловчи барқарор тамойиллар назариялар ва методлар мажмуи

533. Парадигма тушунчасини билиш назариясига киритган файласуф номини топинг?

А. Т.Кун Б. Д.Юм В. К.Поппер Г. К.Борт

534. Нарсалардаги умумийлик бу – ...

А. Муҳим хоссалар ва муносабатлар мажмуидир

Б. Инсоннинг нарсалар муҳим хоссаларива муносабатларини изчил, билвосита ва умумий акс эттиришдир

В. Борлиқнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчадир

Г. Нарсани бошқа нарсалардан ажратиб турадиган белгилар жамланмаси

535. Муаммолар қўйиш ва уларни ечишга қаратилган фаол жараён қандай номланади?

А. Тафаккур Б. Изланиш В. Тасдиқлаш Г. Исботлаш

536. Мантиқий тафаккур нима?

А. Тафаккур қоидалари, қонунлари ва томонларига мувофиқ бир ҳақиқатни бошқа янада теранроқ ҳақиқатга интилишдир

Б. Борлиқ ёки унинг айрим хоссалари ҳақида тасаввурнинг шаклланишига имконият яратувчи ахборот

В. Ечимини топиш муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган масала ёки масалалар тўплами

Г. Муҳим хоссалар ва мунсабатлар мажмуи

537. Объектив борлиқ жараёнларнинг алоқаси, уларнинг ривожланиши ўзига хос нарсалар мантиғи нимани ташкил этади?

А. Объектив мантиқни Б. Нисбий ҳақиқатни

В. Объектив ҳақиқатни Г. Субъектив мантиқни

538. Тушунча бу – ...

А. Нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хосса ва алоқалари акс этувчи фикр

Б. Фикрнинг шундай бир шакли, унда тушунчаларни боғлаш йўли билан бирор нарса ҳақидаги бирон-бир фикр тасдиқланади ёки рад этилади

В. Мушоҳаданинг нисбатан тугалланган бирлиги

Г. Мураккаб нарсани оддий нарсага айлантириш олий даражаси

539. «Эйдос» атамаси қандай маънони билдиради?

А. «Кўриниш образи» Б. «Тасаввур»

В. «Ҳис қилиш» Г. Барча жавоблар тўғри

540. Билишнинг эмпирик ва бошқа даражаларининг маъносидаги фарқлар қачон аниқланган?

А. XX асрнинг 30-йилларида Б. XIX асрнинг 80-йилларида

В. XX асрнинг 20-йилларида Г. XX асрнинг 50-йилларида

541. Ҳақиқатни мантиқий далиллар ёрдамисиз англаб етиш қобилияти нима деб аталади?

А. Интуиция Б. Хулоса

В. Тафаккур Г. Сезги

542. Янги даврда интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимот кимлар томонидан яратилган?

А. Декарт, Спиноза, Лейбниц Б. Декарт, Юм, Бергсон

В. Юм, Беркли, Лессинг Г. Шелер, Ламетрий, Гольбах

543. Бевосита билим ва сезги аъзолари орқали билишни рад этган ва сезгиларни сохта деб эълон қилган Левкипп ва Демокрит қайси мактаб вакиллари бўлганлар?

А. Элей мактаби Б. Пифагор мактаби

В. Киник мактаби Г. Кирен мактаби

546. Қайси файласуфнинг фикрича, «Ақл-сезги аъзолари фаолиятининг ҳақиқий натижаларни узлуксиз қайд этувчи кўзгудир».

А. Ж.Локк Б. Спиноза

В. Лейбниц Г. Гассенди

547. Ким интеллектнинг интуиция қобилиятини инкор этиб, соф операция ғоясини илгари сурган?

А. Кант Б. Фихте

В. Шеллинг Г. Гегель

548. Ижодий фаолият ҳамда таълим методларини ўрганиш ҳақидаги фан қандай номланади?

А. Эвристика Б. Синергетика

В. Кибернетика Г. Гносеология

549. Қайси антик мутафаккир тушунчаларни мантиқий жиҳатдан аниқ таърифлаш, ҳақиқий билимнинг бош шарти, деб ҳисобланган?

А. Суқрот Б. Платон

В. Аристотель Г. Демокрит

550. Билиш жараёнини, инсон онгини ўтмиш ва келажак билан боғловчи, эгалланган билимларни сақловчи ҳодиса нима дейилади?

А. Хотира Б. Тасаввур

В. Хаёл Г. Идрок

551. Қачонлардир инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган алоқалар бўйича гавдаланадиган нарсаларнинг образлари бу – ...

А. Тасаввур Б. Хотира

В. Хаёл Г. Идрок

552. Эмпирик билим қайси методлар ёрдамида шаклланади?

А. Кузатиш ва эксперимент Б. Мавҳумлаштириш ва кузатиш

В. Анкета ва сўровнома Г. Эксперимент ва баённома

553. Илмий далилнинг икки муҳим хоссаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Ишончлилик ва бир вариантлилик

Б. Ишончлилик ва инвариантлилик

В. Исботланганлик ва бетакрорлик

Г. Тасдиқланганлик ва бир вариантлилик

554. Сезги аъзолари орқали олинган билим қандай билим ҳисобланади?

А. Ҳиссий Б. Ақлий

В. Трансцендентал Г. Иррационал

555. Субъектнинг билиш фаолияти қаратилган нарса ёки ҳодиса бу – ...

А. Объект Б. Субъект

В. Фаолият Г. Ҳаракат

556. Сезги аъзолари орқали олинган билим бу – ...

А. Ҳиссий билим Б. Илмий билим

В. Ижодий билим Г. Барча жавоблар тўғри

557. «Сезмайдиган одам ҳеч нарсани билмайди ва тушунмайди», деган фикр муаллиф ким?

А. Аристотель Б. Гераклит

В. Демокрит Г. Платон

558. Билиш объектининг муҳим хоссалари ва муносабатларини аниқлаш мақсадида атайлаб амалга ошириладиган изчил идрок этиш бу – ...

А. Кузатиш Б. Эшитиш

В. Тушуниш Г. Белгилаш

559. Объект хоссаларининг ривожланиш даражасини тавсифловчи катталикни аниқлаш жараёни бу – ...

А. Ўлчаш Б. Эшитиш

В. Тушуниш Г. Белгилаш

560. Билимининг тасдиқланган бойлигига айланган моддий ёки маънавий дунё ҳодисаси, бирон-бир ҳодиса, хосса ёки муносабатни қайд этиш бу – ...

А. Далил Б. Ўлчаш

В. Кузатиш Г. Барча жавоблар тўғри

561. Борлиқнинг энг муҳим томонлари, хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчалар бу – ...

А. Категория Б. Сифат

В. Далил Г. Билим

562. Фан тарихининг муайян даврида, унинг ривожланишини белгиловчи барқарор тамойиллар, умумий меъёрлар, қонунлар, назариялар ва методлар мажмуи бу – ...

А. Парадигма Б. Категория

В. Фаолият Г. Ҳаракат

14-мавзу. ФАЛСАФАДА ҲАҚИҚАТ МУАММОСИ

563. Ҳақиқатни ғоялар дунёсига мос келувчи ғайритабиий идеал моҳият сифатида тушунган файласуф номини аниқланг?

А. Платон Б. Гегель

В. Фома Аквинский Г. Ницше

564. «Ҳақиқат бу – Аллоҳни англаш», деган фикрни илгари сурган Шарқ файласуфининг номини топинг?

А. Нақшбандий Б. Абу Бакр Аз-Заккок

В. А.Яссавий Г. Ал-Бухорий

565. «Инстинкт – интуициянинг бир тури», деган фикрни илгари сурган файласуф ким?

А. Бергсон Б. Гегель В. Шопенгауэр Г. Кант

566. Қандай ҳақиқат тўғри, бироқ нотўлиқ, тахминий, вақт ва жойнинг маълум тарихий шарт-шароитлари билан чекланади?

А. Нисбий ҳақиқат Б. Мутлақ ҳақиқат

В. Субъектив ҳақиқат Г. Объектив ҳақиқат

567. Қандай ҳақиқат билиш тараққиёти жараёнида ривожланиб, ўз чегараси бўлган мутлақ ҳақиқатга яқинлашади?

А. Нисбий ҳақиқат Б. Субъектив ҳақиқат

В. Объектив ҳақиқат Г. Тўғри жавоб А ва В

568. Ҳақиқатнинг қандай концепцияси назариянинг тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлишини талаб қилади?

А. Ҳақиқатнинг корреспондент концепцияси

Б. Ҳақиқатнинг прогматик концепцияси

В. Ҳақиқатнинг когерент концепцияси

Г. Тўғри жавоб йўқ

569. Ҳақиқатнинг когерент концепциясининг мазмуни нимадан иборат?

А. Назария экспериментига мувофиқ бўлиши, унга зид келмаслиги, унинг натижаларини башорат қилиш имконини бериши лозим

Б. Назария тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлиши лозим

В. Амалиёт мезони тўғридан-тўғри эксперимент тушунчаси билан бўлади

Г. Барча жавоб тўғри

570. Илмий тафаккурнинг муҳим воситаси нима?

А. Исботлаш Б. Рад этиш В. Таърифлаш Г. Шубҳа

571. Ҳақиқатлиги ёки сохталиги исботлаш йўли билан аниқланаётган қоида қандай бўлади?

А. Тезис Б. Аксиома В. Парадокс Г. Антитезис

572. Номаълумни маълумга, мураккабни соддага боғлаш нима деб аталади?

А. Таърифлаш Б. Исботлаш В. Асослаш Г. Тезис

573. «Асослар ва улардан чиқарилган хулосаларининг алоқаси, агар у исботланаётган тезиснинг ҳақиқийлиги тан олинишига олиб келган бўлса, исботлаш усули деб аталади» деган фикрни ким илгари сурган?

А. В.Ф.Амус Б. Фихте В. Кант Г. Бердяев

574. Ҳодисалар ва ҳолатлар аҳамиятини бевосита ҳис этиш қандай номланади?

А. Эмоция Б. Ишонч В. Асос Г. Шубҳа

575. Кант ва Фихтенинг фикрича, аҳлоқий тамойилларни рўёбга чиқариш манбаи ва инсон амалий фаолиятининг негизи нима?

А. Ирода Б. Идеал В. Ишонч Г. Эмоция

576. «Эътиқоднинг исботи унинг ўзида» деган фикр муаллифини топинг?

А. Карл Барт Б. Карл Ясперс В. Асмус Г. Бергсон

577. Илмий методнинг негизини қандай анъанавий–маънавий қадриятлар ташкил этади?

А. Объективлик ва оқилоналик

Б. Субъективлик ва тараққийпарварлик

В. Субъективлик ва ҳақиқатпарварлик

Г. Барча жавоб тўғри

578. Ким «Ўзгармас нарсаларгина ҳақиқийдир, ҳақиқат борлиқнинг олий шаклидир», деган фикрни илгари сурган антик файласуфини топинг?

А. Аристотель Б. Платон В. Эпикур Г. Суқрот

579. Верификация тамойилига биноан ...

А. Дунё ҳақидаги ҳар қандай фикрнинг ҳақиқийлиги провард натисижада уни сезги аъзолари орқали олинган маълумотларга таққослаш йўли билан аниқлаш лозим

Б. Амалда синаш ва рад этиш мумкин бўлган назариялар илмий ҳисобланади

В. Дунё шу даражада чексиз, инсон ўз тафаккури билан уни қамраб олишга қодир эмас

Г. Дунёни сезги аъзолари орқали англаб бўлмайди

580. Назарий тизимларнинг фальсификацияланиш мезони ким томонидан таклиф қилинган?

А. Карл Поппер Б. Карл Ясперс В. Карл Борт Г. Бергсон

581. Қайси омиллар инсоннинг сезгилар дунёсини мутлақо субъектив, деб кўрсатдилар ва шу йўл билан инсоннинг сезги аъзоларига ишончсизлик билдирдилар?

А. Юм, Беркли Б. Кант, Фихте

В. Спиноза, Декарт Г. Дидро, Руссо

582. Билиш назариясидаги ягона билиш жараёнининг икки қарама-қарши, лекин бир-бири билан узвий боғлиқ асосий категорияларини кўрсатинг.

А. Ҳақиқат ва янглишиш Б. Яхшилик ва ёмонлик

В. Ҳақиқат ва ёлғон Г. Ишонч ва шубҳа

583. Ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим бу – ...

А. Янглишиш Б. Шубҳа В. Идеал Г. Ёлғон

584. Қуйида кўрсатилган файласуфлардан қайси бири янглишишни «тафаккур бутлари» деб аталган?

А. Бэкон Б. Декарт В. Беркли Г. Спиноза

585. Борлиққа нисбатан конструктив-танқидий ёндашув, яъни «синовлар ва хатолар» методини ким яратган?

А. Карл Поппер Б. Асмус В. Карл Ясперс Г. Беркли

586. Ғоянинг фойдалилиги, амалий самарадорлиги ва ишга яроқлилиги, унинг у ёки бу мақсадга эришиш учун фойдалилиги мезони қандай номланади?

А. Прагматизм Б. Конвенционализм

В. Фальсификация Г. Верификация

587. Одатда, нотўғрилиги аён бўлган тасаввурларни била туриб, ҳақиқат даражасига кўтариш сифатида тушуниш ...

А. Ёлғон Б. Ҳақиқат В. Шубҳа Г. Ишонч

588. Билимнинг мутлақ қадрияти – ...

А. Ҳақиқат Б. Шубҳа В. Ишонч Г. Идеал

599. Инсоният тараққиётининг асосий негизи нима?

А. Идеал Б. Ирода В. Ишонч Г. Ҳақиқат

600. Қайси файласуфлар, «Ирода – борлиқнинг иррационал импульси», деган фикрни илгари сурганлар?

А. Шопенгауэр ва Ницше Б. Шопенгауэр ва Бергсон

В. Юм ва Беркли Г. Декорт ва Спиноза

601. Қуйида кўрсатилган фикрларнинг қайси бири Гегелга тегишли эканини аниқланг?

А. Ҳақиқат, ўзининг мавҳум кўринишида, муайян мазмуннинг ўзига мувофиқлигини англатади

Б. Ҳақиқат, билимнинг воқеликка мувофиқлигидир

В. Ҳақиқат – мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир

Г. Ҳақиқат ёлғон нарсалардан эмас, балки ақлда мавжуд бўлади, ҳар бир нарса ўзи боғлиқ бўлган ақлга муносабати даражасидагина ҳақиқий

602. Шопенгауэрнинг интуицияга асосланган илмий изланишини ким давом эттирди?

А. Бергсон Б. Асмус В. К.Поппер Г. Кант

603. Ҳақиқат – мулоҳазалар ва амалдаги ҳолат ўртасидаги мувофиқликдир, дея ҳақиқатга таъриф берган файласуф ким?

А. Аристотель Б. Платон В. Суқрот Г. Демокрит

604. Ҳақиқатни тушунишда интуитивизмга асос солган файласуф ким?

А. Шопенгауэр Б. Кант В. Фихте Г. Ницше

605. «... – билимларимизнинг инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни», ҳақиқатнинг қандай шаклига шундай таъриф берилади?

А. Объектив ҳақиқат Б. Субъектив ҳақиқат

В. Мутлақ ҳақиқат Г. Нисбий ҳақиқат

606. Предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукаммал билиши бу – ...

А. Мутлақ ҳақиқатдир Б. Нисбий ҳақиқатдир

В. Объектив ҳақиқатдир Г. Субъектив ҳақиқатдир

607. Борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим, бу – ...

А. Нисбий ҳақиқат Б. Объектив ҳақиқат

В. Субъектив ҳақиқат Г. Мутлақ ҳақиқат

608. «Авесто»да ҳақиқат ҳақида нима дейилади?

А. Олий шарофатдир Б. Ҳақиқат мутлақ мезондир

В. Ҳар қандай тушунчадир Г. Барча жавоблар тўғри

609. Ижобий эмоцияларга нималар киради?

А. Лаззатланиш, қувонч, ҳайрат, муҳаббат

Б. Нафрат, қувонч, ҳайиқиш

В. Лаззатланиш, қўрқув, қайғу

Г. Тўғри жавоб йўқ

610. Салбий эмоциялар нималар киради?

А. Нафрат, қўрқув, ҳайиқиш, қайғу

Б. Лаззатланиш, қувонч, ҳайрат, муҳаббат

В. Нафрат, қувонч, ҳайиқиш

Г. Лаззатланиш, қўрқув, қайғу

611. Ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим бу – ...

А. Янглишиш Б. Тўғри В. Келишиш Г. Мос келиш

612. Ҳақиқат концепциялари нечта?

А. 3 Б. 5 В. 6 Г. 4

15-мавзу. НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ БИРЛИГИ

613. Билишнинг негизини ташкил этувчи асосий тушунчалардан бири бу – ...

А. Амалиёт Б. Тарих В. Саноат Г. Адабиёт

614. «... – инсоннинг бутун билиш жараёни сезгилардан бошлаб, илмий мавҳумликларга қадар ижтимоий-амалий фаолият сифатида ривожланувчи, унинг эҳтиёжлари ва муваффақиятлари билан белгиланиши ва йўлга солинишини англатади». Ушбу қоида қайси фалсафий тушунчага тегишли?

А. Амалиёт Б. Мулоҳаза В. Тасаввур Г. Тафаккур

615. Амалиёт мазмуни ва шаклларига кўра қандай таснифланади?

А. Моддий неъматлар яратиш, ижтимоий-сиёсий фаолият, илмий-амалий фаолият

Б. Маънавий, маърифий, сиёсий

В. Иқтисодий, маданий, тарихий

Г. Кундалик, ноилмий, табиий

616. «Ижтимоий амалиёт эҳтиёжларини доим билиш ...», жумлани давом эттиринг.

А. Ривожлантиришнинг негизи ва (амал қилувчи) сифатида амал қилади

Б. Кенг аудитория ижтимоий фикрини чалғитади

В. Фалсафа ва гнесологияни нотўғри йўлдан ривожлантиради

Г. Фалсафа фанидан тўнтариш ясайди

617. Ижтимоий амалиёт қандай қулайликлар туғдиради?

А. Ер майдонларини ўлчами, ҳисоб-китобларни ўрганиш

Б. Вақтни ҳисоблаш, математик билимларни ўргатади

В. Маданий-маърифий ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларни ривожланишига

Г. Маънавий-тарихий билимларни ривожланишига

618. Инсон тафаккури нималар билан иш кўради?

А. Ҳар доим олдинги авлодлардан олинган билимлар мажмуи ва фаннинг олдинги ривожланиши жараёнида қўйилган муаммолар билан

Б. Фанда ечилмаган муаммолар билан

В. Фанда ечилган, лекин ўз тасдиғини ҳалигача топмаган билимлар билан

Г. Фаннинг барча муаммоларни билан

619. Одамларнинг қадимдан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзлаштириш мақсадига таъсир кўрсатиш фаолияти нима дейилади?

А. Амалиёт Б. Гепотеза

В. Назария Г. Мулоҳаза

620. Фан ўз муаммоларини ечгандан сўнг – ...

А. Амалиётнинг рационал асосларига ечим беради

Б. Амалиётни парчалаб ташлаши мумкин

В. Ривожланиш муаммолари билан иш кўради

Г. Билимнинг негизини яратади

621. Одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзлаштириш мақсадига таъсир кўрсатиш фаолияти бу – ...

А. Амалиёт Б. Институция

В. Илмий билим Г. Мифология

622. Билимга нисбатан амалиёт неча хил вазифа бажаради?

А. Уч Б. Икки В. Тўрт Г. Беш

623. Амалиётнинг асосий вазифалари нисбатан тўлиқ кўрсатилган жавобни қайси?

А. У билимнинг манбаи бўлиб, ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади; билишни умумлаштириш ва назарий ўрганиш учун зарурий материал беради

Б. Образнинг сифат жиҳатидан аниқлигини аниқлашга ёрдам беради

В. У ўтиш ва ҳозирги замонни бирлаштиришда уларнинг бир-бирига ўтишини таъминлайди

Г. Тафаккур оқимида етишмаётган кўргазмалик ўрнини босади

624. Амалиётнинг иккинчи даражали вазифаси тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Билимларни татбиқ этиш соҳаси

Б. Объектнинг сунъий тарзда яратилиши

В. Инсоннинг муҳим хоссаларидан бирлиги

Г. Назарий билимлар негизини ташкил этади

625. Амалиётнинг учинчи даражали вазифаси тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Билиш натижаларининг ҳақиқийлигини текшириш мезони

Б. Тадқиқот шарт-шароитларига замин яратади

В. Фанга маълум бўлмаган янги хоссаларни аниқлаш билан

Г. Билишнинг алоҳида шаклини ташкил этади.

626. Билим ва кўникмалар даражаси бу – ...

А. Тажриба Б. Ижод В. Амалиёт Г. Дунёқараш

627. Илмий-тадқиқот предметига қайси омилларнинг таъсири бор?

А. Моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, жамиятнинг иқтисодий тизими, техник, маънавий маданият

Б. Иқтисодий, моддий-маънавият

В. Маданий-сиёсий

Г. Амалий, мантиқий, тарихий

628. Илмий-тадқиқот предметига таъсир кўрсатувчи моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари

Б. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт

В. Техника

Г. Маънавий ҳаёт

629. Ишлаб чиқариш воситалари тўғри берилган жавобни белгиланг?

А. Илмий билиш илмий натижаларнинг асосий фойдаланувчиси техник воситалари – асбоблар масалаларини етказиб берувчи ҳисобланади

Б. Маҳсулотларни Европача йўл билан етказиб бериш

В. Объектларни муфассалроқ, теран ўрганиш

Г. Маълум бўлмаган хоссаларни ўрганиш

630. Илмий ижоддаги муваффақият нима билан белгиланади?

А. Олимнинг истеъдоди, зеҳнининг ўткирлиги, техник жиҳозларнинг мавжудлиги билан

Б. Ишлаб чиқаришнинг кучлиги билан

В. Олимлар сониннинг кўплиги билан

Г. Техниканинг юқори даражада ривожланганлиги билан

631. Шредингер фикрича, фан қандай саволга жавоб бериши керак?

А. Биз ким? Нима учун дунёга келганмиз?

Б. Нима учун? Қай тарзда?

В. Ким билан? Ким учун?

Г. Биз ким? Нима учун?

632. Шредингер фикрича, фан қандай мазмун касб этади?

А. Метафизик ва амалий Б. Диалектик ва назарий

В. Синергетик ва мантиқий Г. Ҳеч қандай мазмун касб этмайди

633. Юнонча «проктикос» сўзининг мазмуни қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Фаол Б. Амал В. Адаб Г. Инқилоб

634. Амалиёт турлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Тил, маданият, моддият Б. Иқтисод, сиёсат

В. Тарих, санъат, дин Г. Ҳеч нарса

635. Амалиёт ҳақидаги фанни ўрганиш қайси даврдан бошланган?

А. Антик даврдан Б. Янги даврдан

В. Ўрта асрлардан Г. XX асрдан

636. Янги даврда қайси олимлар фалсафанинг амалиётга боғлиқлигини ўрганди?

А. Бэкон, Гоббс Б. Руссо, Вольтер

В. Ньютон, Эйнштейн, Резерфорд Г. Драйзер, Гомер

637. Амалий ақлнинг назарий ақлдан устун туришини қайси файласуф таъкидлаган?

А. Кант Б. Гегель В. Фихте Г. Шеллинг

638. Кант амалиётни қайси категориялар орқали тавсифлайди?

А. Мақсад, эркинлик, хоҳиш-ирода, ахлоқ

Б. Софлик, инсонийлик, фидойилик

В. Яхшилик ва ёвузлик

Г. Эзгу сўз, эзгу амал, эзгу фикр

639. Гегель восита категориясига қандай таъриф берган?

А. Восита мақсаддан мавжуд борлиқнинг умумийлиги билан устун туради

Б. Восита объект ва субъект ўртасидаги жараён

В. Восита мақсад билан бирга пайдо бўлади

Г. Восита фан категориялари ичида биринчисидир

640. «Амалиёт инсон фаоллигини барча шаклларини ўзида мужассамлаштиради». Ушбу фикр муаллифини ким?

А. Гуссерль Б. Кант В. Сартр Г. Гегель

641. Амалиётнинг таркибий қисмлари қайси жавобда тўғри берилган?

А. Мақсад, мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалалари, амалий ҳаракат объекти, ҳаракат натижаси

Б. Восита, инсон, объект

В. Виждон, бурч, инсон

Г. Инсон, объекти, субъект, жамият

642. Мақсад ҳақидаги фалсафий таълимот бу – ...

А. Телеогия Б. Праксиология

В. Аксиология Г. Фатализм

643. XX асрларда қайси оқим файласуфлари амалиётни биринчи ўринга қўйган?

А. Марксчилар Б. Кантчилар

В. Ленинчилар Г. Гитлерчилар

644. Амалиёт шакллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаёт, санъат, тил

Б. Тарих, мантиқ, объект

В. Бурч, виждон, инсоф

Г. Ҳеч қандай шакли йўқ

645. Платон амалиётга қандай таъриф берган?

А. Маънавий жиҳатдан ижобий ва боз устига ажойиб фаолият

Б. Асаларидек тинимсиз меҳнат қилиш

В. Ақлни ишлатиш

Г. Ижтимоий меҳнат қилиш

646. Янги давр фалсафасида амалиётга қандай таъриф берилади?

А. Инсоннинг тирикчилигини енгиллаштириб, мақсадларга етишиш, одамлар орасида муросани яхшилаш

Б. Феодалга ишлаб бериш

В. Янгиликларни яратиш манбаи

Г. Тўғри жавоб йўқ

647. Марксизмда амалиётнинг тарихий вазифаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Яхшилик ва ёмонлик диалектикасини рўёбга чиқиши

Б. Мантиқий қадриятларни қайта тиклаш

В. Фалсафий ривожлантириш

Г. Фалсафани паралаб ташлаш

648. Фалсафада амалиётга қандай ёндашилади?

А. Инсон эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзини қуршаган дунёни уни айрим қисмларини ўзгартиришга қаратилган фаолият

Б. Объектлар, уларнинг хоссаларини аниқлашга қаратилган фаолият

В. Объектнинг сифатини аниқлашга қаратилган фаолият

Г. Аниқланмаган мақсад сифатида қараш

649. Амалиётнинг асосий шакли қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Меҳнат Б. Мулоҳаза В. Тафаккур Г. Кузатиш

650. XX асрда амалиёт натижасида қайси фанлар пайдо бўлди?

А. Космик тиббиёт, кристаллография, генетика

Б. Фалсафа, ижтимоий-фалсафий математика

В. Психология, социология, политология

Г. Ҳеч қандай фан вужудга келмаган

651. Э.Гуссерль фикрича, амалиёт ўзининг ҳақиқий мақсадларига қачон эришади?

А. Маънавий қадриятларга риоя этганда

Б. Тинимсиз меҳнат натижасида

В. Ҳаракат билан

Г. Ҳеч қачон етиша олмайди.

652. Амалиёт мазмуни ва шаклларига кўра қандай турларга бўлинади?

А. Моддий неъматлар яратиш, ижтимоий-сиёсий фаолият, илмий-амалий фаолият ва бошқалар

Б. Илмий-тадқиқот, кашфиёт ва янгиликлар яратиш, халқ хўжалигини ривожлантириш

В. Моддий неъматлар яратиш, ишлаб чиқариш, сиёсий жараёнлардан иштирок этиш ва бошқалар

Г. Ижтимоий-сиёсий фаолият, маънавий-маърифий фаолият ва ишлаб чиқаришда иштирок этиш

653. Одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадидага таъсир кўрсатиш фаолияти, бу – ...

А. Амалиёт Б. Билим В. Тажриба Г. Гипотеза

654. Билишга нисбатан амалиёт неча хил вазифани бажаради?

А. Уч Б. Икки В. Тўрт Г. Чексиз

655. Амалиётнинг таркибий қисмлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Мақсад; мақсадга мувофиқ фаолият; амалиёт воситалари; амалий ҳаракат объекти; ҳаракат натижаси

Б. Мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалари, амалий ҳаракат субъекти кабилар

В. Мақсад, мақсадга мувофиқ фаолият, амалиёт воситалари, амалий ҳаракат субъекти ва объекти

Г. Мақсад; мақсадга мувофиқ фаолият; амалиёт воситалари; амалий ҳаракат объекти ва субъекти, ҳаракат натижаси

656. Амалиёт назариясида фаолият нимада (қайси босқичда) тўхтайди?

А. Маҳсулотда Б. Мақсадда

В. Мақсадли фаолиятда Г. Фаолият тўхтамайди

16-мавзу. БИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

657. «Метод» сўзининг маъноси?

А. Юн. кенг маънода кўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли

Б. Юн. англаб етиш, тубига етмоқ

В. Лот. ўйламоқ, ақлни чархламоқ

Г. Инг. сўзламоқ, гапирмоқ

658. Методология икки мазмунга эга: булар қайсилар?

А. Фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизими, тизим ҳақидаги таълимот

Б. Башорат усули ва санъат ҳақидаги

В. Севиш усули ва санъат ҳақидаги

Г. Ёлғоншунослик ва кузатиш ҳақидаги

659. Методнинг асосий вазифаси нима?

А. Фаолиятни билиш ва бошқа шаклларни бошқаруви

Б. Тушунчаларни борлиқда англаб етиш

В. Шарт-шароитни назорат қилиш ва кузатиш

Г. Тушунча, мулоҳаза, фикрни ўрганишдан иборат

660. Ҳар қандай метод нима асосида яратилади?

А. Назария Б. Тушунча В. Гипотеза Г. Мулоҳаза

661. «Инсон – методологиянинг маркази» тезиси кимга тегишли?

А. Фейербах Б. Фромм В. Фрейд Г. Бердяев

662. Методика нима?

А. Далилий материалларни йиғиш ва саралаш воситаси, аниқ фаолият тури

Б. Далиллар учун асос бўлиб хизмат қилади

В. Фаннинг кашфиётлари билан шуғулланмайди

Г. Ҳеч қандай фаолият билан шуғулланмайди

663. Илмий билишдаги тўғри методни Бекон нимага қиёслаган?

А. Йўловчининг йўлини ёритувчи чироққа

Б. Йўлдан адаштирувчига

В. Ботқоққа ботиришга

Г. Инсонга ёрдам берувчи кучга

664. Фалсафа методлари қайсилар?

А. Диалектика, метафизика, софистика, эклектика

Б. Тарихий, объектив, субъектив

В. Доимий, вақтинчалик, мавсумий

Г. Анализ, индукция, дедукция

665. Диалектика қандай метод?

А. Қарама-қаршиликка асосланган

Б. Урушларга ва тўқнашувларга асосланган
В. Ёлғон-яшиқларга асосланган
Г. Ривожланиш ва тараққиётга асосланган

666. Диалектика сўзини фанга ким киритган?

А. Суқрот Б. Арасту В. Платон Г. Пифагор

667. Янги даврда диалектик метод қайси файласуфлар томонидан чуқурроқ таҳлил этилди?

А. Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель Б. Бэкон, Лок, Гоббс
В. Монтескье, Руссо, Вольтер Г. Сартр, Ясперс, Поппер

668. Гегель диалектикани қандай шаклларини ажратган?

А. Резонанс, салбий, позивтив Б. Ижобий, салбий, ўрта
В. Назарий, мантиқий Г. Ҳеч қандай шаклга ажратилмаган

669. «Метафизика» сўзининг маъноси?

А. Юнонча, «физикадан кейин» Б. Юнонча, «физика ҳақидаги фан»
В. Қарама-қаршилик ҳақида Г. Ривожланиш ҳақидаги

670. Метафизикани фанга ким киритган?

А. Арасту шогирди Родос Б. Платон
В. Арасту Г. Суқрот

671. Метафизика қандай метод?

А. Диалектикага қарама-қарши метод
Б. Диалектика билан бир хил метод
В. Йўлдошшунослик ҳақидаги фан
Г. Фалсафада бундай метод мавжуд эмас

672. Хайдеггер метафизикани қандай таърифлайди?

А. Унингча бу категория билишнинг объекти ва субъектни бир вақтда ифодаловчи тушунча
Б. Ўлчанилаётган объектларга доир метод
В. Илмий далиллар ҳақидаги метод
Г. Мулоҳаза ва гипотезалар ҳақидаги метод

673. Эски метафизика фалсафада қайси асрларда камол топди?

А. XVII–XIX асрларда
Б. XVIII–XX асрларда
В. XIX–XX асрларда
Г. Эски метафизика ҳалигача камол топмаган

674. Софизм намояндаларини топинг?

А. Пратагор, Гиппий, Горгий Б. Суқрот, Платон, Арасту
В. Аквинский, Августин, Плотин Г. Галилей, Августин, Бруно

675. Фалсафада ҳеч қандай билим фаолияти билан боғланмаган бир-бирига зид далилларга асосланади?

А. Эклектика Б. Диалектика
В. Софистика Г. Метофизика

676. «Синергетика» сўзининг маъноси?

А. Келишув, ҳамкорлик, ўзаро таъсир
Б. Юракдан, чин дилдан дегани

В. Ўйламоқ, хаёл сурмоқ

Г. Кузатиш, чуқур таҳлил қилиш

677. «Синергетика кўп қисмлардан иборат бўлган, ўзаро мураккаб алоқадорликдаги компонентлар тизимини ўрганади» жумласи кимга тегишли?

А. Хакен Б. Пригожин

В. Шеррингтон Г. Забусский

678. Иккиланиш нуқталарининг мажудлигини ҳамда ривожланиш давомининг ҳар хиллигини назарда тутади-бу нима?

А. Бифуркация Б. Флуктуация

В. Аттрактор Г. Интуиция

679. Таъсирлантириш маъносини англатувчи тушунча ...?

А. Флуктуация Б. Бифуркация

В. Интуиция Г. Эксперимент

680. Тўпламларни ўзига тортувчи элементлар интиладиган марказларни ҳосил қилувчи тузилма?

А. Аттрактор Б. Флуктуация

В. Бифуркация Г. Кузатиш

681. Маълум фан тармоғига кирувчи ёки фанлар туташган жойда вужудга келган муайян фан соҳасида қўлланиладиган усуллар тизими бу – …

А. Фан методлари Б. Фалсафа методлари

В. Онтология методлари Г. Физика методлари

682. Ичдан туриб кузатишнинг турларидан бири бўлиш, ижтимоий ҳодиса ва методларни тавсифлаш ҳамда кузатиш натижаларни уларни тушунча ғоялари билан тўлдиришни назарда тутувчи тушунча …?

А. Этнометодология Б. Методология

В. Метод Г. Эксперимент

683. Алоҳида тарихий факторлар ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш методи бу – ...

А. Идеографик метод Б. Фан методлари

В. Фалсафа методлари Г. Бундай метод йўқ

684. Диалог нима?

А. Савол-жавоб методи Б. Қарама-қаршилик методи

В. Тортишувлар методи Г. Мунозара методи

685. Ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда математик воситалардан фойдаланиш бу – ...

А. Социометрия методи Б. Ўйин методи

В. Фалсафа методи Г. Фан методи

686. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган метод бу – ...

А. Ўйин методи Б. Бифуркация

В. Флуктуация Г. Фан методи

687. Сузаётган объектни англатади ва объектларнинг тизимли хусусиятини акс эттирувчи тушунча?

А. Куматоид Б. Социометрия В. Интуиция Г. Индукция

688. Фикр юритиш орқали эмпирик фактлардан, уларни тушунтирувчи гипотезага юксалишни назарда тутувчи тушунча бу – ...

А. Абдукция Б. Интуиция

В. Индукция Г. Импликация

689. «Кашф этаман, топаман» маъносини англатувчи сўз...

А. Эвристика Б. Абдукция

В. Эксперимент Г. Ундай сўз йўқ

690. «Эвристика» сўзининг қўлланиши ким билан боғлиқ?

А. Рапп александриялик Б. Софист Гиппий

В. Неоплотончи Плотин Г. Схоласт Аквинский

691. Методнинг асосий вазифаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Фаолиятнинг билиш ва бошқа шаклларини бошқариш

Б. Кашфиётлар йўналишини аниқлаш

В. Билимнинг янги қирраларини кўрсата олиш

Г. Илмий тафаккур йўналишларини аниқлаш

692. Фалсафий методлар тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг?

А. Диалектика, метафизика, софистика, эклектика

Б. Диалектика, кузатиш, эксперимент, таққослаш

В. Метафизика, эклектика, аналитика, софистика

Г. Метафизика, софистика, эксперимент, кузатиш

693. «Диалектика» сўзини биринчи бўлиб қайси файласуф қўллаган?

А. Суқрот Б. Гераклит

В. Аристотель Г. Платон

694. «Яратувчи диалектика» сифатида эътироф этилувчи диалектика турини аниқланг?

А. Имманент Б. Резонанс

В. Субъектив Г. Объектив

695. «Қарама-қарши фикрлар асосида ихтиёрий танланган фойдали мулоҳаза бўлиб, унинг ёрдамида ҳар қандай нарса ёки фикрни исботлай олиш мумкин». Мазкур таъриф қайси методга берилган?

А. Софистика Б. Эклектика

В. Диалектика Г. Метафизика

17-мавзу. АХБОРОТЛАШУВНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

696. Билиш фаолияти билим олиш жараёни сифатида ўз ичига нималарни олади?

А. Эҳтиёжлар, мақсадлар, уларга эришиш воситалари, билишнинг шарт-шароитлари, субъектнинг информацион хулқ-атвори усуллари, объекти ва фаолияти натижаси

Б. Хулқ-атвор усуллари, билишнинг шарт-шароитлари, мақсадлари, эмпирик-тадқиқот методлари

В. Гипотезалар, назариялар, информацион вазиятлар, тамойиллар

Г. Объект ва фаолият натижалари, мотивлар, эҳтиёжлар

697. Ахборот нималарнинг эвазига вужудга келади?

А. Ўз субъекти ва объекти ўртасидаги ўзаро алоқа жараёни эвазига

Б. Сезгилар эвазига

В. Ақл ва идрок эвазига

Г. Тасаввур, хаёл ва интуиция эвазига

698. Объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бу…

А. Ахборот Б. Билим В. Ғоя Г. Фикр

699. Ахборотнинг муҳим хусусиятларини кўрсатинг?

А. Объективлик, моддийлаштириш ва узатиш имкониятлари

Б. Субъективлик ва қайта ишлаш

В. Объективлик ва субъективлик, ахборотни йиғиш

Г. Қайта ишлаш, йиғиш, узатиш

700. Билиш нима?

А. Амалда мавжуд предметларга боғланган билиш образлари мажмуи

Б. Субъект онгнинг мавжуди

В. Билиш фаолиятининг натижаси

Г. Барча жавоблар тўғри

701. Идрок этиш …ни назарда тутади

А. Олинган ахборотни англаб етиш, тушуниш, талқин этиш

Б. Сезгиларнинг яхлит образи

В. А ва Б жавоблар тўғри

Г. Тўғри жавоб йўқ

702. Билишнинг информативлиги бу – ...

А. Борлиқ қонунларини аниқ акс эттирувчи ва инсонга, унинг амалий ўзгаришлари ва билиш фаолиятига хизмат қилувчи тушунчалар: мулоҳаза, ғоялар, концепциялар, назариялар ва билишнинг бошқа шаклларида ифодаланган муҳим ахборот мажмуидир

Б. Ахборотнинг сифатида жиҳатини тадқиқ этувчи назарий концепциялар мажмуи

В. Ахборотни миқдор жиҳатидан тадқиқ этувчи консепциялар

Г. Б ва В жавоблар тўғри

703. Тушунчалар тизимларининг информативлигини уларнинг ўзаро алоқаси асосида рўёбга чиқариш механизми бу – ...

А. Фаннинг интеграллашуви

Б. Фаннинг диференциаллашуви

В. Фаннинг глобаллашуви

Г. Ахборотнинг информативлашуви

704. Олимнинг билиш жараёнини ахборот қайси жиҳатдан тавсифлайди?

А. Коммуникатив Б. Гносеологик

В. Рационал Г. Эмперик

705. Билиш тушунчаси олимнинг билиш жараёнини қай жиҳатдан тавсифлайди?

А. Гносеологик Б. Коммуникатив

В. Рационал Г. Эмперик

706. Олим фаолият**ининг ўзига хос томони нимада?**

А. Ахборотни талқин қилиш имкониятидан етарли фойдалана олишида

Б. Ахборотни танлай билишида

В. Ахборотни баҳолай билишида

Г. Ахборотни таҳлил қила билишида

707. Ижтимоий ахборотни ўзлаштириш учун нима қилиш керак?

А. Уни англаб олиш ва талқин қилиш керак

Б. Англаб етиш

В. Таҳлил ва баҳолаш

Г. Талқин қилиш

708. Билиш жараёни нималарга асосланади?

А. Интериоризация ва экстериоризация

Б. Анализ ва синтез

В. Таққослаш ва ўлчаш

Г. Формаллаштириш

709. Интериоризиция нима?

А. Ахборотни англаб етиш уни иқтисодий ўзгартириш борасидаги фаолияти

Б. Янги ахборотни яратиш

В. Ахборотни йиғиш

Г. Ахборотни қайта ишлаш

710. Экстериоризация бу – ...

А. Янги ахборотни яратиш борасидаги фаолият

Б. Ахборотни қайта ишлаш

В. Ахборотни узатиш

Г. Ахборотни йиғиш

711. Олимнинг фаолияти жараёнида билиш қандай шаклларда фаолла-шади?

А. Тил, техника ва бошқа тизимлар

Б. Тил, матн, фикр

В. Фикр, ғоя

Г. Матн, тил

712. Олим фаолиятининг коммуникатив жиҳатини нима акс эттиради?

А. Билишни ривожлантириш, индивидуал ва ижтимоий билиш, шаклларнинг ўзаро алоқаси

Б. Интериоризация ва экстериоризация жараёнларнинг ўзаро нисбати

В. Ахборотнинг информативлик даражаси

Г. Тўғри жавоб йўқ

713. Ижтимоий ахборот фаолиятига нисбатан қандай амал қилади?

А. Фаолият предмети, воситаси ва маҳсули

Б. Унинг объекти ва воситаси сифатида

В. Манбаи ва мақсади сифатида

Г. Манбаи мақсади ва объекти сифатида

714. Ижтимоий ахборот нималар ёрдамида рўёбга чиқади?

А. Моддий омиллар (сўз, матн ва ҳоказо)

Б. Маънавий омиллар

В. Рационал омиллар

Г. Ички ва ташқи омиллар

715. Олимнинг илмий билиш фаолияти нимага қаратилган?

А. Ўзини қуршаб турган дунё ҳақида янги билимни шакллантиришга

Б. Илмий ҳақиқатни кашф этишга

В. Илмий муаммоларни ечишга

Г. Барча жавоблар тўғри

716. Билишнинг ривожланиши нималарни тақозо этади?

А. Нотўлиқ ва номуайян ахборотдан тўлиқроқ ва муайянроқ ахборотга ўтишни

Б. Мавҳумликдан конкретликка ўтишни

В. Жузъийдан умумийликка қараб бориш

Г. Умумийдан жузъийга қараб бориш

717. Ахборотлашган жамият концепцияси муаллифларини аниқланг.

А. Е.Масуда, Д.Мартин, Т.Молитор ва бошқалар

Б. М.Хайдеггер, С.Тульмин

В. Аристотель, Платон, Суқрот

Г. Барча жавоблар тўғри

718. «Ахборотдан дунё миқёсда фойдаланишнинг янги даври», «Ахборотлашган жамият, постиндустриал жамият» асарларнинг муаллифи ким?

А. Е.Масуда Б. Д.Мартин

В. Г.Молтитер Г. Б ва В жавоблар тўғри

719. Меҳнатнинг интеллектуалашуви нимада ўз аксини топади?

А. Унинг илмийлашишида Б. Технологик ривожда

В. Информативлик даражасида Г. Фанлар интеграллашувида

720. «Информатика» сўзи қайси тилдан олинган?

А. Француз Б. Итальян

В. Рус Г. Инглиз

721. Нарсанинг умумий тушунчалар туркуми тўлиқ берилган жавобни аниқланг?

А. Система, структура, элемент, бошқарув ва модель

Б. Элемент, бошқарув ва модель

В. Гипотеза, назария ва муаммо

Г. Система, гипотеза, қисм

722. Информатика қайси фан соҳаларини вужудга келтирди?

А. Ахборот психологияси, механика, ахборот иқтисодиёти, ижтимоий-информатика ва бошқалар

Б. Электроника, механика, ахборот хавфсизлиги

В. Синергетика ва кибернетика

Г. Лингвистика, эвристика

723. «Мехамроника» сўзи қайси сўзлардан ташкил топган?

А. Механика ва электроник

Б. Меҳнат ва электр

В. Механика ва математик

Г. Математика ва физика

724. Фалсафа, информатика, кибернетика, синергетика, социология ва иқтисодиёт тутушган жойда ижтимоий ривожланишнинг қайси назарияси шаклланади?

А. Ахборот Б. Синергетика

В. Кибернетика Г. Энергетика

725. Ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш ва автоматлаштириш инсон шахсини қайси жиҳатларини намоён қилади?

А. Инсон соҳасини ўзига хосликларини намоён этиш учун шарт-шароит ва ижтимоий эркинликни ривожлантириш учун имконият яратади

Б. Интеллектуал потенцияни намоён қилади

В. Инсоннинг жисмоний потенциалини намоён қилади

Г. Барча жавоблар тўғри

726. Ахборотнинг муҳим хусусиятлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Объективлик, моддийлаштириш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги

Б. Объективлик, холислик, бир маънолилик

В. Моддийлаштириш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги

Г. Узатиш имкониятининг мавжудлигини ва янги билим сифатинини аниқлаш имконияти

727. Информативлик ва унинг имкониятларини рўёбга чиқаришга асос бўлувчи ҳолатни аниқланг?

А. Фаннинг интеграциялашуви

Б. Глобаллашув

В. Фан тараққиётининг янги босқичи

Г. Ижтимоий ҳаёт даражасининг ошиши билан

728. Моддий жисмларда қайд этилган ва белгилар тизимида ифодаланиб, субъектлараро жараёнга қўшилиб идрок этилувчи ва олимнинг билим даражасини ўзгартирувчи ахборот қандай ахборот дейилади?

А. Ижтимоий ахборот

Б. Илмий ахборот

В. Субъектив ахборот

Г. Оммавий ахборот

729. Янги ахборот яратиш борасидаги фаолият нима дейилади?

А. Экстериоризация Б. Интериоризация

В. Глобаллашув Г. Информативлик

730. Илмий билиш жараёнида олинган, тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, назариялар ва гипотезалар тизимида қайд этилган, ижтимоий аҳамиятга молик ва мантиқий жиҳатдан (шаклан) умумийлаштирилган ахборот, бу – ...

А. Илмий ахборот Б. Ижтимоий ахборот

В. Субъектив ахборот Г. Оммавий ахборот

731. «Информатика» сўзининг луғавий маъноси?

А. Французча, «information» – «ахборот» ва «automatique» – «автоматика»

Б. Инглизча, «information» – «ахборот» ва «automatique» – «автоматика»

В. Немисча, «information» – «ахборот» ва «automatique» – «автоматика»

Г. Лотинча, «information» – «ахборот» ва «automatique» – «автоматика»

732. Ахборот олиш, унга ишлов бериш, уни сақлаш ва тақдим этиш жараёнларини тадқиқ қилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ахборот-техникаси ва технологиясини яратиш, амалиётга жорий этиш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи фан-техника фаолияти бу – ...

А. Информатика Б. Экстериоризация

В. Интериоризация Г. Глобаллашув

733. Кибертерроризм сўзининг маъноси?

А. Компьютер тизимларига ҳужум

Б. Жамият тараққиётини жадаллаштириш

В. Техник савдо

Г. Барча жавоблар тўғри

734. Лотинчада таништириш, тушунтириш, шарқ тилларида хабар, ахборот соҳаси нима?

А. Информатика Б. Евгенетика

В. Герменевтика Г. Тўғри жавоб йўқ

735. Экстериоризация бу – ...

А. Янги ахборот яратиш борасидаги фаолият

Б. Техник пасайиш

В. Эски ахборотни қўллаш

Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

18-мавзу. ТУШУНИШ ВА ТУШУНТИРИИШ

736. Дильтей тушунишни қандай тавсифлаган?

А. Матн муаллифининг маънавий дунёсига кириш

Б. Инсоннинг борлиққа муносабати

В. Объект моҳиятини аниқлаш

Г. Билишнинг бошланиш нуқтаси

737. «Тушуниш инсоннинг борлиққа ўзига хос муносабати, инсоннинг дунёда мавжуд бўлиш усулидир». Ушбу таъриф муаллифи ким?

А. М.Хайдеггер Б. В.Дильтей

В. М.Бахтин Г. С.Тульмин

738. «Ўтмиш маданиятини тушуниш талқин қилувчининг ўзини тушуниши билан узвийдир». Ушбу фикр муаллифи ким?

А. Х.Г.Гадамер Б. С.Тульмин

В. Рузавин Г. М.Хайдеггер

739. Г.И.Рузавин тушунишнинг нечта турини кўрсатган?

А. 3 Б. 5 В. 7 Г. 2

740. Рузавин кўрсатган билиш турлари қайси жавобда берилган?

А. Диалог, таржима, бадиий

Б. Математик, физик, биологик

В. Снергетик сруктуравий ва кибернетика

Г. Диалектик, софистик

741. Нима ўзида тушунишнинг циклик хусусиятларини акс эттиради?

А. Герменевтик доира Б. Олмахон ғилдираги

В. Чизиқли тафаккур Г. Ночизиқли тафаккур

742. Герменевтик доира қанақа хусусиятга эга?

А. Диалектик Б. Герменевтик

В. Синергетик Г. Софистик

743. Герменевтик доиранинг «Олмахон ғилдираги»дан фарқини кўрсатинг?

А. Бир бутундан унданда тўлиқроқ бутунга қайтишида

Б. Метафизик хусусиятга эгалигида

В. Софистик хусусиятга эга эканлигида

Г. Эклектик хусусиятга эга эканлигида

744. «Тушунишни ҳозирги даврга боғлаш керакми» деган саволга ҳозирги кунда неча хил ёндашув мавжуд?

А. 2 Б. 3 В. 5 Г. 4

745. Тушуниш бу – ...

А. Фикр юритиш орқали символда яширин маънони аниқлаш демак

Б. Борлиқни англаш

В. Олимнинг иқтисодий ёндашуви

Г. Тўғри жавоб йўқ

746. Илмий фаолиятнинг асосий процедураларини санаб ўтинг?

А. Тушуниш, тавсифлаш, тушунтириш ва талқин қилиш

Б. Фармаллаштириш, умумлаштириш,

В. Индукция, анализ, синтез

Г. Идеаллаштириш ва эксперимент

747. Тушуниш жараёни нима билан боғлиқ бўлади?

А. Англаб етиш, яъни инсон учун маълум маънога эга бўлган нарсаларни аниқлаш билан

Б. Изоҳлаш билан

В. Тавсифлаш билан

Г. Талқин билан

748. Тушуниш қанақа шароитларда содир бўлади?

А. Ўзаро алоқа Б. Баҳс, монолог

В. Полилог, ўзаро мулоқот Г. Ҳамма жавоблар тўғри

749. Маъно бу – ...

А. Тилдаги иборалар синонимлигини эмас, балки мураккаб, кўп қиррали ҳодиса

Б. Фикрнинг мавжудлик шарти

В. Фикрнинг ифодавий шарти

Г. Тўғри жавоб йўқ.

750. «Маъно биринчидан, ҳар қандай қилмиш, хулқ-атвор, амалнинг «Нимага» ва «Нима учун» содир этилганлигини назарда тутиши

керак. Иккинчида, маъно йўналишга эга, яъни у ниманингдир пировард мақсадидир». Бу фикрларнинг муаллифи ким?

А. М.Хайдеггер Б. С.Тульмин В. Дильтей Г. Г.Гадамер

751. Маъно нимада ифодаланади?

А. Тилда Б. Ҳаракатда В. Матнда Г. Ижодда

752. Тушунишнинг ўзига хос хусусияти нималарда намоён этади?

А. Инсоннинг ўзи таҳлил қилаётган нарса ва ҳодисаларни ички мураккаб алоқалари, боғланишларни аниқ сезишда

Б. Ташқи алоқаларни англашда

В. Нарсаларнинг ўзаро алоқасини аниқлашда

Г. Тўғри жавоб йўқ

753. Маънавий-маданиятнинг моддийлаштирилган ифодаси бу – ...

А. Матн Б. Тил В. Тушунча Г. Тафаккур

754. Семиотика нимани ўргатади?

А. Белгилар ва белгили тизимларнинг хоссаларини ўрганиш

Б. Хатти-ҳаракатларни

В. Тафаккур қонунларини

Г. Грамматик қоидалар

755. «Символ» сўзининг маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Юнонча, «рамз», «шартли белги»

Б. Юнонча, «ўхшатиш»

В. Юнонча, «қиёслаш, ўлчаш»

Г. Юнонча, «ўлчаш»

756. Икки ёки бир неча шахс ўртасидаги ёзма тарзда қайд этилиши мумкин бўлган оғзаки мулоқот шакли бу – ...

А. Диалог Б. Монолог В. Полиолог Г. Тўғри жавоб йўқ

757. Ўрганилаётган предметнинг моҳияти ривожланиш сабаблари, шартлари ва манбаларини, ҳаракат механизмларини аниқлаш ниманинг бош мақсади?

А. Тушунтириш Б. Тушуниш В. Матн Г. Билиш

758. Ҳаракат қилаётган шахс мақсадни, тарихий ҳодисалар иштирокчиларининг ниятини кўрсатиб берувчи тушунтириш шакли қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Телеологик Б. Герменевтик

В. Синергетик Г. Диалектик

759. «Тушунишда фақат бир онг, бир субъект, тушунтиришда эса, икки онг, икки субъект қатнашади». Ушбу фикрлар кимга тегишли?

А. М.Бахтинга Б. Ф.Бэконга

В. Р.Декартга Г. К.Попперга

760. Оқилона тушунтириш усули қайси соҳада қўлланилади?

А. Ижтимоий-гуманитар Б. Табиий фанлар

В. Фалсафий билимлар Г. Диний билимлар

761. Дунёнинг икки бош тизими – «Птоломей ва Коперник тизимлари ҳақида диалог» асарнинг муаллифини аниқланг?

А. Г.Галилей Б. Птоломей В. К.Поппер Г. М.Бахтин

762. Ижтимоий-гуманитар билиш қайси тушунчаларсиз мавжуд бўла олмайди?

А. Матн, белги, маъно, символ, тил ва нутқ

Б. Матн, грамматика, топология

В. Сўз, гап, маъно

Г. Шартли белгилар, символлар, иероглифлар, нутқ

763. Рамз бу – ...

А. Маънолар тўплами

Б. Образ

В. Моддий оламнинг идеал ифодаси

Г. Тўғри жавоб йўқ.

764. «Тушуниш яхшироқ бўлиши лозим, у матнни тўлдиради, фаол ижодий хусусият касб этади». Ушбу фикр кимга тегишли?

А. М.Бахтин Б. Лакатос

В. Фейерабенд Г. Масуда

765. Белгили тизимлар бу – ...

А. Кибернетика нуқтаи назаридан таҳлил қилинувчи мураккаб бошқарув тизимлари

Б. Тасвирий саънат, театр ва кино

В. Мусиқий тиллар

Г. Ҳамма жавоблар тўғри

766. Тушуниш ва тушунтириш муаммоларини ўрганувчи фалсафий таълимот, бу – ...

А. Герменевтика Б. Диалектика

В. Прагматизм Г. Лингвистика

767. М.Хайдеггернинг герменевтик қарашлари тушунишнинг қандай хусусиятини очиб беради?

А. Онтологик Б. Гносеологик

В. Экзистенциал Г. Эпистемологик

768. Герменевтикага оид машҳур «Ҳақиқат ва метод» асари муаллифи ким?

А. Х.Г.Гадамер Б. М.Хайдеггер

В. Ф.Соссюр Г. Л.Витгенштейн

769. Герменевтикада асосий тадқиқот объекти сифатида нима эътироф этилади?

А. Матн Б. Сўз

В. Фаолият Г. Ижтимоий ҳодисалар

770. Бадиий ижодни тушунишни чуқур таҳлил этган машҳур рус файласуфини топинг?

А. М.Бахтин Б. В.Соловьев

В. В.Кузнецов Г. А.Чумаков

780. Муайян ҳодисанинг маъносини, унинг дунёдаги ўрнини, яхлит бир бутун тизимдаги функцияларини тушуниб етиш бу – ...

А. Тушуниш Б. Эшитиш

В. Кузатиш Г. Фикрлаш

781. Тушуниш ва тушунтириш муаммоларини ўрганувчи фалсафий таълимот бу – ...

А. Герменевтика Б. Синергетика

В. Арифметика Г. Прагматика

782. Белгилар ва белгили тизимларнинг хоссаларини ўрганувчи соҳа нима дейилади?

А. Семиотика Б. Символ

В. Аксиома Г. Барча жавоблар тўғри

783. Моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмуни бу – ...

А. Символ Б. Хатти-ҳаракат

В. Тафаккур қонуни Г. Грамматик қоида

784. «Инсон символик ҳайвондир»; тил, миф, дин, фан «символик шакллар» бўлиб, уларнинг воситасида инсон ўзини қуршаган муҳитни тартибга солади», деган фикр муаллифи ким?

А. Э. Кассирер Б. Гадамер

В. Дельтий Г. Гроций

19-мавзу. ЖАМИЯТНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

785. Маданий тарихий типлар назарияси қачон вужудга келди?

А. XIX аср Б. XVII аср В. XVIII аср Г. XX аср

786. «Маданий-тарихий типлар» тушунчаси ким томонидан фанга киритилган?

А. Н.Я.Достоевский Б. П.А.Сорокин

В. Гегель Г. Т. Кун

787. Қайси олим жамиятни горизонтал–вертикал йўналишлар ва флуктуация тарзида, мураккаб характерда бўлган ижтимоий маданий тизимларнинг ранг-баранглигини тан олиш нуқтаи назаридан тавсифлаган?

А. П.А.Сорокин Б. О.Шпенглер

В. А.Тойнби Г. Данилевский

788. «Материализмдан инсон руҳининг табиатини тушунтирувчи тамойил сифатида фойдаланиш ҳеч қачон мумкин эмас». Ушбу сўзларнинг муаллифи ким?

А. Кант Б. Дильтей В. К.Маркс Г. Хайдеггер

789. К.Маркс назариясига кўра инсониятнинг пайдо бўлишига асосан қайси омиллар роль ўйнаган?

А. Меҳнат ва бурро нутқ Б. Иқтисод

В. Эҳтиёж Г. Дин

790. Й.Хайзинга қайси маданиятга инсонни шакллантирувчи асосий тамойил сифатида қарайди?

А. Ўйин ва ўйин фаолияти Б. Меҳнат

В. Дин Г. Тўғри жавоб йўқ

791. Жамиятни муҳим кичик тизимларини кўрсатинг?

А. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий

Б. Оилавий, моддий, сиёсий

В. Ҳарбий, маҳаллий, иқтисодий

Г. Б ва В жавоблар тўғри

792. Иқтисодий кичик тизим бу – ...

А. Ишлаб чиқариш фаолиятини ва кишиларнинг бу жараёндаги муносабатлари шаклларинг мажмуидир

Б. Сиёсий муносабатлар мажмуи

В. Ҳарбий муносабатлар мажмуи

Г. Моддий ишлаб чикариш ва диний муносабатлар мажмуи

793. Хўжалик жабҳаси иқтисодий жабҳада вужудга келадиган институт бу – ...

А. Мулк Б. Ҳуқуқ В. Оила Г. Маҳалла

794. Жамиятни маънавий кичик тизимини вужудга келиши нималар билан белгиланади?

А. Ҳар хил ижтимоий ва маънавий эҳтиёжлар билан

Б. Ижтимоий ва моддий эҳтиёжлар билан

В. Мулкий эҳтиёжлар билан

Г. Тўғри жавоб йўқ

795. Янги билимни акс эттирадиган ва мазкур ахборотни инкор этувчи шахс ёки гуруҳ хулқ-атворини ўзгартирадиган хабар бу – ...

А. Ахборот Б. Ғоя В. Коммуникация Г. Маълумот

796. Коммуникация нима?

А. Ғоялар қарашлар баҳолар алмашинувини назарда тутадиган маънавий мулоқот тури

Б. Янги билимни акс эттирадиган ахборот тури

В. Ахборотни идрок этувчи шахс ёки гуруҳ хулқ-атворини ўзгартирадиган хабар

Г. Ҳамма жавоблар тўғри

797. Жамиятдаги таълим ва тарбия муассаларининг тармоқланган тизимини кўрсатинг?

А. Ҳамма жавоблар тўғри

Б. Олий ўқув юртлари

В. Болалар мактабгача муассасалари

Г. Мактаб таълимининг турли муайян шакллари

798. Индивидуал онг бу – ...

А. Айрим инсонда, унинг яшаш шароити ва руҳий хусусиятлари таъсирида шаклланадиган дунёнинг субъектив образи

Б. Дунёнинг объектив образи

В. Оммавий онг тури

Г. Тўғри жавоб йўқ

799. Ижтимоий онгнинг даражаларига нима дейилади?

А. Кундалик ва назарий онг Б. Амалий онг

В. Кундалик ва амалий онг Г. Амалий ва назарий онг

800. Ижтимоий онгнинг яхлит тасвири қайси тушунчалар ёрдамида яралади?

А. Ижтимоий онг ҳолати, оммавий онг ҳолати, жамоатчилик фикри

Б. Оммавий онг, индивидуал онг

В. Ижтимоий онг, диний онг оммавий онг

Г. Б ва В жавоблар тўғри

801. Ижтимоий тенгсизлик вужудга келиши ва ривожланишида қайси институтнинг роли муҳимроқ?

А. Мулк Б. Оила В. Маҳалла Г. Ҳамма жавоблар тўғри

802. Ижтимоий борлиқ ва гуруҳларни бирлаштирувчи асосий белги қандай аталади?

А. Эҳтиёжлар ва манфаатларнинг бирлиги

Б. Диний эҳтиёжлар

В. Моддий эҳтиёжлар

Г. Маънавий ва моддий эҳтиёжлар

803. Тарихий ривожланиш жараёнида вужудга келадиган синфий, этник, ҳудудий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа гуруҳлар бу – ...

А. Катта ижтимоий гуруҳлар Б. Кичик ижтимоий гуруҳлар

В. Этник бирликлар Г. Синфий бирликлар

804. Этник бирликларнинг илк шакли қандай номланган?

А. Уруғ Б. Оила В. Индивид Г. Маҳалла

805. Давлат бошқарув шаклига кўра, ...

А. Монархия ва республикага бўлинади Б. Унитар

В. Федератив Г. Унитар ва федератив

806. Давлат қурилиш шаклига кўра, ...

А. Унитар, федератив ва конфедератив Б. Монархия

В. Республика Г. Унитар ва монархия

807. Коммуникация бу – ...

А. Сиёсий тизимнинг зарурий элементи Б. Ҳарбий тизим

В. Иқтисодий тизим системаси Г. Тўғри жавоб йўқ

808. Европача цивилизация тахминан нечанчи асрларда вужудга келган?

А. XV–XVII аср Б. XIV–XV аср В. XVII–XVIII аср Г. X–XI аср

809. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт хусусиятига кўра қандай цивилизациялар фарқланади?

А. Анъанавий, либерал ва оралиқ Б. Неоевропача

В. Европача Г. Доимий, либерал, Шарқий

810. Шахс жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи ўта серқирра ҳодиса бу – ...

А. Маданият Б. Маънавият В. Қадрият Г. Тўғри жавоб йўқ

811. «Маданият» сўзининг маъноси қайси жавобда тўғри келтирилган?

А. Арабча, «мадина» шаҳар дегани

Б. «Давлат» сўзидан олинган

В. Инглизча, «уй» дегани

Г. Лотинча, «китоб» сўзидан олинган

812. Қайси файласуф кўникма ва интизом маданиятини фарқлайди?

А. Кант Б. Гегель

В. Тойнби Г. Бахтин

813. Маданият элементларини кўрсатинг?

А. Қуйидаги жавобларнинг барчаси тўғри

Б. Маданият субъекти

В. Инсон фаолияти

Г. Маданий боғлиқлик

814. Маданиятнинг моҳиятини унинг тизими бирлиги ички тамойилларинг муштараклиги билан белгиланганлигини англатадиган тушунча бу – ...

А. Эндогенлик Б. Ўзига хослик

В. Маданий мерос Г. Маданият узаги

815. «Инсон ўзини дунёдан олдинроқ ва кўпроқ билади, айни шу сабабли у дунёни ўзидан кейин ва ўзи орқали англаб етади». Ушбу фикрнинг муаллифи ким?

А. Н.А.Бердяев Б. В.Соловьев

В. В.Кузнецов Г. А.Чумаков

816. «Инсон–машина» асарининг муаллифи ким?

А. Ж.Ламетри Б. Дж.Беркли

В. Дж.Бруно Г. Б.Спиноза

817. Ғоялар, қарашлар, баҳолар алмашинувини назарда тутадиган маънавий мулоқот тури бу – ...

А. Коммуникация

Б. Интернация

В. Янги билимни акс эттирадиган ахборот тури

Г. Ахборотни идрок этувчи шахс ёки гуруҳ хулқ-атворини ўзгартирадиган хабар

818. Жамиятда сиёсий муносабатларни тартибга солувчи давлат ва сиёсий ташкилотлар, институтлар ва муассасалар мажмуи бу – ...

А. Сиёсий тизим Б. Диний тизим

В. Ахлоқий тизим Г. Барча жавоблар тўғри

819. Сиёсий субъектлар (штатлар, ерлар, федерация субъектлари ва ш.к.), ўз конституциялари, қонунчилик, ижро ва суд органларига эга давлатлар уюшмаси қандай аталади?

А. Федерация Б. Конфедерация

В. Унитар Г. Монархия

820. «Цивилизация» сўзининг луғавий маъноси?

А. Лотинча, «civilis» – «фуқаролик», «давлатга доир»

Б. Юнонча, «civilis» – «фуқаролик», «давлатга доир»

В. Инглизча, «civilis» – «фуқаролик», «давлатга доир»

Г. Форсча, «civilis» – «фуқаролик», «давлатга доир»

821. «Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан

айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди». Ушбу фикрнинг муаллифи ким?

А. И.А.Каримов Б. Форобий
В. Ибн Халдун Г. Хайдеггер

822. Аждодлар томонидан яратилган ва ҳар бир жамиятнинг ижтимоий-маданий жараёнига киритилган қадриятлар мажмуи бу – ...

А. Маданий мерос Б. Диний-иқтисодий
В. Ҳуқуқий-сиёсий Г. Тўғри жавоб йўқ

823. «Демократия» сўзининг маъноси?

А. Халқ ҳокимияти Б. Давлат ҳокимияти
В. Фикрлар кўплиги Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

824. «Маънавият» сўзининг луғавий маъноси?

А. Арабча маъни Б. Лотинча маъни
В. Юнонча моҳият Г. Барча жавоблар тўғри

20-мавзу. ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

825. Билимнинг интеграл шакли сифатида фалсафа қандай муайян илмий тасаввурларни синтез қилади?

А. Ижтимоий тарих, инсон ҳақидаги тарих
Б. География
В. Жамият, дин, тарих
Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

526. «Илоҳий шаҳар ҳақида» асарнинг муаллифи ким?

А. А.Августин Б. Аквинский
В. Гегель Г. Ницше

827. Қайси файласуф тарихга мутлақ руҳ, амалий ақл тараққиёти сифатида ёндашади?

А. Гегель Б. Кант В. Дидро Г. Кандорсе

828. Тарих мазмуни тушунчасининг энг теран талқинларини қайси файласуф таклиф қилган?

А. К.Ясперс Б. Сартр В. Ницше Г. Кант

829. Н.Бердяевга кўра тарих мазмунини қачон аниқлаш мумкин?

А. Тарих тугагандан кейин Б. Тарихни бошланишида
В. Унинг давомида Г. Тўғри жавоб йўқ.

830. Социологиянинг фан сифатидаги асосчиси ким?

А. О.Конт Б. Т. Кун В. Кант Г. Гегель

831. Тарихни О.Конт неча қисмга бўлади?

А. 2 Б. 3 В. 5 Г. 4

832. Ижтимоий статистика бу – ...

А. Одам организмининг тузилишига ўхшаб кетадиган жамият «онтология»сидир

Б. Жамиятнинг ривожланиш ва ўзгариш қонунларини ўрганиш

В. Давларнинг муҳим институти

Г. Ҳамма жавоблар тўғри

833. Конт жамиятнинг муҳим институтлари сифатида нималарни кўрсатади?

А. Оила, дин, давлат Б. Маҳалла, ҳуқуқ

В. Оила, ҳуқуқ Г. Маҳалла, дин, давлат

834. Конт жамият ривожланишини қайси босқичларини кўрсатиб ўтади?

А. Барча жавоблар тўғри Б. Теологик

В. Метафизик Г. Позитив

835. Маркс ва Энгельс таълимотига кўра, жамиятнинг базисини нима ташкил этади?

А. Моддий ишлаб чиқариш муносабатлари

Б. Маънавий базис

В. Синфий муносабатлар

Г. Меҳнат муносабатлари

836. Жамиятнинг иқтисодий асосда шаклланган ва «алоҳида ўзига хос хусусият»га эга бўлган типини Маркс нима деб атайди?

А. Ижтимоий-иқтисодий формация Б. Меҳнат формацияси

В. Комплекс-системали формация Г. Цивилизацион формация

837. Социологияда органик йўналиш асосчиси ким?

А. Г.Спенсер Б. Гегель

В. О.Конт Г. И.Кант

838. Қуйидаги файласуфлардан қайси бири жамиятни тушунишни қадриятлар тизими билан боғлаган?

А. Э.Дюркгейм Б. Спенсер

В. Маркс Г. Энгельс

839. Дюркгейм ижтимоий тузилма далилларининг қайси бирларини кўрсатиб ўтади?

А. Моддий ва маънавий қадриятлар Б. Маданий мерос

В. Ижтимоий онг Г. Тўғри жавоб йўқ

840. Дюркгейм ижтимоий эволюцияни нима билан боғлайди?

А. Меҳнат Б. Мулк

Г. Оила Г. Табиий танланиш

850. «Протестантча ахлоқ ва капитализм руҳи» асарининг муаллифи ким?

А. М.Вебер Б. Риккерт В. Дюркгейм Г. Спенсер

851. Ижтимоий ҳаракат ва унинг мотивацияси тушунчасини ким таърифлаб беради?

А. Вебер Б. Спенсер В. Кант Г. Гегель

852. Вебер ижтимоий ҳаракатнинг қайси турларини фарқлайди?

А. Барча жавоблар тўғри Б. Оқилона мақсад, оқилона қадрият

В. Афор сиғими Г. Анъанавий

853. Тарих фалсафасининг функцияларини белгиланг?

А. Дунёқараш, назарий методологик, прогностик

Б. Дунёқараш, педогогик, дидактик

В. Экспериментал, прогностик

Г. Инсонпарварлик, онтологик, гносеологик

854. Тарихий ҳаракат йўллари тўғрисидаги концепциялар антик давр файласуфларининг қайси бирида учрайди?

А. Барча жавоблар тўғри Б. Герадот

В. Аристотель Г. Плиний

855. Ўрта асрлар христиан фалсафий тафаккурининг намаёндаларини кўрсатинг?

А. А.Августин, Ф.Аквинский Б. Кант, Гегель

В. Вебер, Макиавелли Г. Б ва В жавоблар тўғри

856. Янги давр мутафаккирлари қарашларининг шаклланишида катта роль ўйнаган аспектни аниқланг.

А. Табиий фанлар Б. Дин

В. Фалсафа Г. Адабиёт

857. Тарих фалсафасининг гносеологик йўналиши қачон мустақил шаклланабошлади?

А. XIX асрда Б. XX асрда

В. XV асрда Г. XVIII асрда

858. Тарих фалсафасининг предмети, ижтимоий ҳодисалар жараёнларининг ўзига хос хусусиятини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар мажмуини тушунган концепция намояндаларини аниқланг.

А. Онтологик Б. Гносеологик

В. Аксиологик Г. Праксиологик

859. Тарих фалсафасининг гносеологик йўналишининг асосчиси ким?

А. В.Дильтей Б. Раймонд Лулли

В. М.Хадеггер Г. Г.Зиммель

860. Тарихнинг қиммати муаммоси қайси концепцияда кўриб чиқилади?

А. Аксиологик Б. Праксиологик

В. Онтологик Г. Гносеологик

861. Антик давр файласуфлари чизиқли таърифнинг қандай йўналишларини фарқлаганлар?

А. Прогрессив Б. Хаотик

В. Регрессив Г. Тўғри жавоб йўқ

862. Формацион ёндашув тарихни қандай ёндашувларда тушунтиради?

А. Монистик, универсалистик Б. Иқтисодий детерменистик

В. Комплекс-системали Г. Цивилизацион

863. Тарих фалсафасининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган файласуф П.А.Сорокин нечанчи йилларда яшаб, ижод этган?

А. 1889–1968 Б. 1885–1964

В. 1882–1960 Г. 1880–1961

864. Социологияда органик йўналиш асосчиси ким?

А. Г.Спенсер Б. Г.Гегель

В. И.Кант Г. Дельтий

865. «Инсон учун тархидан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир» деган фикр муаллиф ким?

А. И.А.Каримов Б. А.Арипов

В. Беруний Г. Форобий

866. Фалсафанинг тарихий жараён мазмуни, унинг қонуниятлари ва асосий йўналишларини тушунтириш билан шуғулланувчи, шунингдек, уни билиш методларини асословчи бўлими нима?

А. Тарих фалсафаси Б. Иқтисод фалсафаси

В. Ҳуқуқ фалсафаси Г. Дин фалсафаси

867. «Натуралистик» сўзининг луғавий маъноси?

А. Лотинча, «naturalis» – «табиий», «натурал»

Б. Юнонча, «naturalis» – «табиий», «натурал»

В. Инглизча, «naturalis» – «табиий», «натурал»

Г. Немисча, «naturalis» – «табиий», «натурал»

868. Тарихни монистик, универсалистик тушунишга асосланадиган ёндашув?

А. Формацион ёндашув Б. Информацион ёндашув

В. Таҳлилий ёндашув Г. Ижтимоий ёндашув

869. Ривожланиш жараёнининг қуйидан юксакка, норасо ҳолатдан баркамол ҳолатга ўтиш билан тавсифланувчи йўналиш қандай маънони англатади?

А. Тараққиёт Б. Агрессия

В. Формация Г. Барча жавоблар тўғри

870. Гегель ўзининг «Тарих фалсафаси»да умумжаҳон тарихини нечта босқичга бўлади?

А. 4 Б. 5 В. 6 Г. 3

871. Европача цивилизация тахминан нечанчи асрларда вужудга келган?

А. XV–XVII аср Б. XIV–XV аср

В. XVII–XVIII аср Г. X–XI аср

872. Одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш фаолияти бу – ...

А. Амалиёт Б. Билим В. Тажриба Г. Гипотеза

21-мавзу. ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯ (ИНСОН ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ)

873. «Инсон ўзини дунёдан олдинроқ ва кўпроқ билади, айни шу сабабли у дунёни ўзидан кейин ва ўзи орқали англаб етади». Ушбу фикрнинг муаллифи ким?

А. Н.А.Бердяев Б. В.Соловьев

В. В.Кузнецов Г. А.Чумаков

874. «Инсон–машина» асарининг муаллифи ким?

А. Ж.Ламетри Б. Дж.Беркли В. Дж.Бруно Г. Б.Спиноза

875. Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги эволюцион концепция асосчиси ким?

А. Ч.Дарвин Б. К.Линней В. Ч.Пирс Г. А.Эйнштейн

876. Инсонни ўрганишнинг интровертив ёндашуви вакиллари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. М.Шелер, А.Гелен, К.Лоренц

Б. Н.А.Бердяев, А.Гелен, К.Лоренц

В. С.Л.Франк, Л. П.Карсавин, С.Н.Булгаков

Г. Н.О.Лосский, Л. П.Карсавин, С.Н.Булгаков

877. Фалсафа тарихида инсон ҳақидаги қарашларни «антропологик материализм» сифатида баҳолаган файласуф ким?

А. Л.Фейербах Б. И.Кант

В. В.Гегель Г. Ф.Ницше

878. «Одамлар ўзларининг хос хусусиятларига ва табиий эҳтиёжларига кўра жамият тузадилар. Уларнинг ҳаракат ва феълларини даставвал борабора одатларга айланадиган табиий қобилиятлар белгилайди». Мазкур фикр муаллифи ким?

А. Форобий Б. Беруний

В. Навоий Г. Ибн Сино

879. Қуйида келтирилган фикрлардан қайси бири антик даврда Дельфидаги Аполлон ибодатхонасига кираверишда устунга ўйиб ёзилган?

А. «Ўз-ўзингни англаш»

Б. «Бошқаларни билувчи – оқил, ўзини билувчи – донишманддир»

В. «Кимки ўзини билса, у ўз Аллоҳни ҳам билгайдир»

Г. «Инсон барча нарсалар мезонидир»

880. «Инсон барча нарсалар мезонидир» иборасининг муаллифи ким?

А. Протагор Б. Афлотун

В. Лао Цзи Г. Суқрот

881. Жаҳон фанида биринчи марта инсон ва табиат, одам ва олам ўртасидаги муносабатларни дунёвий фан нуқтаи назаридан ўрганган Шарқ мутафаккири ким?

А. Беруний Б. Ибн Сино

В. Форобий Г. Навоий

882. Фалсафа тарихида инсонни «табиат халтураси» деб атаган файласуф?

А. А.Шопенгауэр Б. К.Линней

В. П.Т.де Шарден Г. А.Эйнштейн

883. Инсонни ўрганишга доир асосий ёндашувлар?

А. Экстравертив ва интровертив Б. Редукция

В. Контрредукция Г. Системали ёндашув

884. Инсоннинг онг, жон, руҳият, инстинктлар, нуқсонлар, фазилатлар каби муҳим хусусиятларини таҳлил этиб, уни «ичдан» тушуниш, англаб етишни назарда тутадиган фалсафий қараш қандай аталади?

А. Интровертив Б. Экстравертив

В. Социологизаторлик Г. Биологизаторлик

885. Инсонни ўрганишнинг экстравертив ёндашуви вакиллари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Н.А.Бердяев, С.Н.Булгаков, С.Л.Франк, Н.О.Лосский

Б. Н.А.Бердяев, А.Гелен, К.Лоренц, М.Шеллер

В. С.Л.Франк, Л. П.Карсавин, С.Н.Булгаков, К.Лоренц

Г. Н.О.Лосский, Л. П.Карсавин, С.Н.Булгаков, А.Гелен

886. Инсоннинг етук организми тахминан қанча ҳужайрадан иборат эканлиги аниқланган?

А. 50000 миллиард Б. 110000 миллион

В. 200 миллиард Г. 30000 миллиард

887. Инсон моҳиятини таҳлил қилиш гўёки «сиртдан» амалга ошириладиган, бунинг натижасида диққат марказидан, унинг ижтимоий ва табиий моҳияти ўрин оладиган фалсафий қарашни аниқланг.

А. Экстравертив Б. Интровертив

В. Контрредукция Г. Системали ёндашув

888. Қадимги Ҳинд фалсафасига қандай фалсафий қараш хос?

А. Антропоцентризм Б. Теоцентризм

В. Оккультизм Г. Сциентризм

889. Инсоннинг ички дунёсини биринчи ўринга қўйиш қайси фалсафий концепцияга хос деб ҳисобланилади?

А. Антропоцентризм Б. Теоцентризм

В. Космоцентризм Г. Сциентризм

911. XIX аср охири – XX аср бошларида кенг тарқалган «инсон ирсиятининг олий сифати»га қандай воситалар билан ва қай тарзда эришиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот нима дейилади?

А. Евгеника Б. Генетика

В. Трансплатация Г. Мутация

912. Инсоннинг алоҳида борлиқ манбаи сифатида келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши ва мавжудлигининг ўзига хос хусусиятларига доир фалсафий қарашларни акс эттирувчи соҳа?

А. Фалсафий антропология Б. Теология

В. Праксиология Г. Биосициология

22-мавзу. АКСИОЛОГИЯ – ҚАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ

913. XX асрнинг бошида ким қадриятлар назариясини ифодалаш учун аксиология атамасини муомалага киритган?

А. П.Лапи Б. Гермон Коген

В. Рудольф Лотций Г. Гейнрих Риккерт

914. Қадрият тушунчасига ким илк бор фалсафий таъриф берган?

А. Рудольф Лотций ва Гермон Коген

Б. Генрих Риккерт

В. Рудольф Лотций ва Вилгельм Вендельбанд

Г. Вилгельм Вендельбанд

915. Аксиология қандай фан?

А. Фалсафанинг қадриятларни ўрганиш билан шуғулланувчи алоҳида бўлими

Б. Анъаналарни ўрганувчи фан

В. Урф-одатларни ўрганувчи фан

Г. Маросимларни ўрганувчи фан

916. Аксиология фалсафий тадқиқотнинг мустақил соҳаси сифатида вужудга келгандан сўнг қандай ёндашувлар пайдо бўлган?

А. Натуралистик-психологизм, персоналистик онтологизм, аксиологик трансцендентализм, маданий-тарихий релятивизм, қадриятларни социологик концепцияси

Б. Қадриятларни социологик концепцияси, маданий-тарихий релятивизм

В. Натуралистик-психологизм

Г. Тўғри жавоб йўқ

917. Натуралистик-психологизм бу – ...

А. Қадриятлар манбаи, инсоннинг биологик ва психологик эҳтиёжлари мужассамлашган объектив омилларига қаралади

Б. Қадриятларни объектив борлиқ сифатида эмас, инсон эҳтиёжларини ва майлларига боғлиқ бўлмаган идеал борлиқ сифатида тушунилади

В. Моҳият эътибори билан реал маданий-тарихий контекстни мавҳумлаштириш

Г. Ижтимоий субъект учун муайян аҳамиятга эга бўлган меъёр

918. Қадриятнинг моҳияти ва табиатини асосий хусусиятлари?

А. Моҳиятига кўра ижтимоий ва объект-субъектли хусусиятига эга, қадрият инсоннинг амалий фаолияти жараёнида вужудга келади, ўз табиатига кўра объективдир

Б. Қадриятлар шахсга боғлиқ эмас

В. Қадрият объективлик хусусиятини касб этмайди

Г. Амалиёт фаолиятга дахлдор эмас

919. Қадриятнинг икки хоссасини аниқлаб беринг?

А. Функционал аҳамияти ва шахсга доир мазмун билан тавсифланиши

Б. Шахсга доир мазмун билан тавсифланиши

В. Қадриятнинг функционал аҳамияти

Г. Кишиларнинг эҳтиёжларига бўлган муносабати

920. Қадрият бу – ...

А. Борлиқнинг ранг-баранг элементларининг объектив аҳамияти бўлиб, уларнинг мазмуни жамият субъектларининг эҳтиёжлар ва манфаатлари билан белгиланади

Б. Кишилар учун ўтмишдан учун босиб ўтилган даврнинг энг муҳим хусусиятлари

В. Инсон учун урфга айланган тушунчалар йиғиндиси

Г. Тўғри жавоб Б ва В

921. Баҳолаш нима?

А. Субъектнинг ўз фаолияти ва ҳаёти учун ҳодисаларни ижтимоий аҳамиятни аниқлаш

Б. Объектни ўз ҳаёти ва фаолияти учун ҳодисаларни ва аҳамиятини аниқлаш

В. Бирор бир ҳодисани тушунтириш

Г. Маълум бир ҳодисани тушуниш

922. Мавжудлик ва жоизлик воқелик ва идеал борлиқ ва яхшилик тушунчаларини биринчи бўлиб фарқлаган, эркинлик сифатидаги ахлоқийлик муаммосини зарурият қонуни таъсири асосида билган, табиат соҳасида қарама-қарши қўйган файласуф ким?

А. Кант Б. Генрих Риккерт

В. Гегель Г. Ф.Аквинский.

923. Янги даврда қадриятлар ҳақидаги таълимотга нисбатан қандай ёндашувлар шаклланган?

А. Рационализм Б. Диний ёндашув

В. Эмперик ёндашув Г. Мифологик ёндашув.

924. Ҳозирги замон қадриятлар назариясида баҳолашнинг функциялар қайсилар?

А. Дунёқарашга оид функция, гносеологик функция, вариатив функция

Б. Геологик функция

В. Дунёқарашга оид функция

Г. Вариатив функция, мантиқий функция

925. Борлиқнинг инъикоси объектларнинг ижтимоий аҳамиятини англаб етиш омили саналган баҳолаш ва билишнинг ўзига хос жиҳати қайси функцияга хос?

А. Гносеологик функция

Б. Дунёқарашга оид функция

В. Вариатив функция

Г. Дунёқарашга оид функция, вариатив функция

926. Ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига мувофиқ қадриятлар нечта гуруҳга фарқланади?

А. 3 та гуруҳга, улар: моддий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қадриятлар ва маънавий қадриятлар.

Б. 2 та гуруҳга: маънавий ва ижтимоий-сиёсий

В. Фақат маънавий

Г. Моддий ва маънавий

927. Қадрият аҳамиятига молик бўлган табиий объектлар ва предметлар яъни мехнат воситалари ва бевосита истеъмол буюмлари бу – ...

А. Моддий қадриятларга киради

Б. Ижтимоий-сиёсий қадриятларга тааллуқли

В. Маънавий қадриятларга тегишли

Г. Диний қадриятларга тегишли

928. Маънавий қадриятларга қайси қатордагилар киради?

А. Бахт-саодат яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва адолатсизлик

Б. Ижтимоий-сиёсий ғоялар ва ҳодисалар

В. Меҳнат воситалари ва исътемол буюмалари

Г. Тўғри жавоб Б ва В

929. Қадриятларга муносабат нима билан мустаҳкамланади?

А. Индивиднинг ҳаёт тажрибаси ва шахс кечинмаларининг бутун мажмуи билан.

Б. Шахснинг хулқ-атвори билан

В. Шахснинг маънавияти билан.

Г. Индивиднинг хохиш истаклари билан

930. XX аср иккинчи ярмида аксиология муаммолари қайси фалсафий йўналиш вакиллари томонидан тадқиқ этилди?

А. Феноменология, герменевтика, экзистенциализм

Б. Феноменология

В. Экзистенциализм ва синергетика

Г. Герменевтика

931. Натуралистик психологизм вакиллари кимлар?

А. Алексиус фон Мейнонг, Р.Б Перри, Ж.Дьюи, К.И.Люс

Б. Кант, Алексиус фон Мейнонг

В. Р.Б.Перри

Г. Кант, Ж.Дьюи

932. Персоналистик онтологизм йўналишнинг энг таниқли намояндаси **ким?**

А. Макс Шелер Б. Ж.Дьюи В. Р.Б Перри Г. Генрих Риккерт

933. Қадриятларни объектив борлиқ сифатида эмас, инсон эҳтиёжлари ва майлларига боғлиқ бўлмаган идеал борлиқ сифатида тушуниш қадриятнинг қайси ёндашувига хос?

А. Аксиологик-трансцендентализм

Б. Персоналистик-онтологизм

В. Натуралистик-психологизм

Г. Қадриятнинг социологик концепцияси

934. Аксиологик-трансцендентализмнинг вакиллари кимлар?

А. Вилгельм Вендельбанд, Генрих Риккерт

Б. Макс Шелер

В. Жон Дьюи

Г. Кант

935. Маданий-тарихий релятивизм йўналишининг асосчиси ким?

А. В.Дильтей Б. У.Томс В. Гегель Г. Кант

936. «Қадрият ижтимоий субъект учун муайян аҳамиятга эга бўлган меъёр». Бу фикрлар кимга тегишли?

А. Макс Вебер Б. У.Томс В. Т.Гоббс. Г. В.Дильтей

937. «Инсон сўзининг тўлиқ маъносида инсон бўлган ҳолдагина ўйлайди ва у фақат ўйлаётган пайтдагина тўла қонли инсон бўлади». Ушбу сўзлар кимнинг қаламига мансуб?

А. Шелер Б. Кант В. Гегель Г. Т.Гоббс

938. Ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар, воқеалар, сиёсий актлар ва ҳаракатларни қадрият сифатидаги аҳамияти ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига мувофиқ қайси гуруҳга тааллуқли?

А. Ижтимоий-сиёсий қадриятларга

Б. Моддий қадриятларга
В. Маънавий қадриятларга.
Г. Моддий ва маънавий қадриятларга

939. Қадриятлар мавжудлик шаклига кўра, ...

А. Моддий ва идеал (маънавий) Б. Сиёсий ва иқтисодий
В. Моддий ва сиёсий Г. Иқтисодий ва маънавий

940. Шахснинг қадриятларга бўлган муносабати қачон илмий муомалага киритилган?

А. XX асрнинг 20-йилларида Б. XX асрнинг 30-йилларида
В. XX асрнинг ўрталарида Г. XX асрнинг 60-йилларида

941. Нарсалар, ҳодисалар, ғояларнинг одамларнинг муайян бирлиги учун қадрият сифатида – ...

А. Группавий қадриятлар Б. Индивидуал қадриятлар
В. Миллий қадриятлар Г. Шахсий қадриятлар

942. Ўзбекистонда ким қадриятлар назарияси билан шуғулланади?

А. К.Назаров Б. С.Шермухаммедов
В. Д.Нажмиддинова Г. Б.Тўйчиев

943. Қадриятлар тўғрисидаги фан?

А. Аксиология Б. Теология
В. Практология Г. Эвтаназия

944. «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир». Ушбу фикр муаллифини аниқланг?

А. А.Қодирий Б. Э.Воҳидов
В. А.Фитрат Г. Чўлпон

945. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарининг муаллифи ким?

А. А.Авлоний Б. Э.Воҳидов
В. А.Фитрат Г. Чўлпон

946. XX асрда ўзбек файласуфларидан ким Авлоний ғоясини давом эттириб, инсонга табиат 36 та ижобий фазилат ва 36 та салбий иллат ато этганлигини, уларнинг қай даражада намоён бўлиши, инсон ўз ҳаётининг қадрига етишида кўринишини эътироф этган?

А. С.Шермухамедов Б. Д.Нажмиддинова
В. Б.Тўйчиев Г. Қ.Назаров

947. «Аксиология» сўзининг луғавий маъноси?

А. Юнонча, «axios» – «қадрият», «logos» – «фан», «таълимот»
Б. Лотнича, «axios» – «қадрият», «logos» – «фан», «таълимот»
В. Инглизча, «axios» – «қадрият», «logos» – «фан», «таълимот»
Г. Арабча, «axios» – «қадрият», «logos» – «фан», «таълимот»

948. «Аксиология» атамасини ким муомалага киритган?

А. П.Лапи Б. И.Кант
В. К.Поппер Г. Э.Фромм

949. Инсон фаолиятининг биринчи манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи?

А. Эҳтиёж Б. Сифат
В. Категория В. Барча жавоблар тўғри

950. Бу нарса ёки ғояларнинг уларни мазкур жамиятда қадриятга айлантирувчи ижтимоий муҳим хоссалари, функцияларининг мажмуи?

А. Қадриятнинг функционал аҳамияти

Б. Қадриятнинг шахсга доир мазмуни

В. Қадриятнинг ижтимоий мақомга эгалиги

Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

951. Борлиқнинг ранг-баранг элементларининг объектив аҳамияти бўлиб, уларнинг мазмуни жамият субъектларининг эҳтиёжлар ва манфаатлари билан белгиланиши нима деб аталади?

А. Қадрият Б. Аксиологик-трансцендентализм

В. Персоналистик-онтологизм Г. Дунёқарашга оид функция

952. Субъектниг ўз фаолияти ва ҳаёти учун ҳодисаларни ижтимоий аҳамаятни аниқлаш нима дейилади?

А. Баҳолаш Б. Эҳтиёж В. Сифат Г. Категория

23-мавзу. ФАОЛИЯТ ФАЛСАФАСИ (ПРАКСИОЛОГИЯ)

953. Фалсафанинг инсон фаолиятини ўрганувчи бўлими қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Социология Б. Психология

В. Праксиология Г. Гносеология

954. XX асрда ким инсоннинг энг муҳим хусусияти, унинг ўзига хос белгиси, унинг фаолияти деб таъкидлаган?

А. Эйнштейн Б. Билл Гейтс

В. И.Фихте Г. Э.Кассирер

955. «Амалиёт ўзгартирилган табиат предметларини инсоннинг кўзгусидаги аксига ўхшайди». Фикр муаллифи ким?

А. Ейнштейн Б. Д.Юм

В. И.Фихте Г. Афлотун

956. Праксиологияда «фаолият» тушунчасига қандай таъриф берилган?

А. Ўз имкониятларини рўёбга чиқариш

Б. Ўз имкониятлари чегарасидан чиқиш

В. Фикрда мавжуд ҳолатларни амалга ошириш

Г. Тушунчаларни амалга ошириш

957. «Қуруқ қўл ҳам, ўз ихтиёрига ташлаб қуйилган ақл ҳам катта кучга ега эмас». Фикр муаллифи ким?

А. Ф.Бекон Б. Ж.Локк

В. И.Фихте Г. Афлотун

958. «Оқилоналик – инсон фаолиятининг барча турларига амалда хос бўлган жиҳат». Фикр муаллифи ким?

А. Ф.Бекон Б. Ж.Локк

В. И.Фихте Г. Э.Кассирер

959. И.Г.Фихте инсоннинг маънавий бурчи деб нимани назарда тутади?

А. Табиат ва жамиятни ўзгартиришни

Б. Жамият структурасини ўзгартириш

В. Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш

960. Ҳар қандай мақсадсиз фаолият онгсиз фаолият бўладими?

А. Ҳа Б. Йўқ

В. Фаолият турига қараб фарқланади Г. А, В

961. Continuum – ...

А. Узлуксиз тўплам Б. Қискача тўплам

В. Фалсафий тўплам Г. Илмий тўплам

962. «Инсон маданиятини ҳеч шубҳасиз ҳар хил мақсадларни кўзлаб, турли йўллардан ривожланадиган фаолиятнинг ҳар хил турлари ташкил этади». Фикр муаллифи ким?

А. Ф.Бекон Б. Ж.Локк В. И.Фихте Г. Афлотун

963. «Инсон ёмонлик қилар экан, унинг ўзи ҳам янада тубанлашиб боради». Фикр муаллифи тўғри берилган қаторни аниқланг?

А. Ф.Бекон Б. Ж.Локк В. Э.Фромм Г. Афлотун

964. Н.А.Бердяев ижоднинг хусусиятларига қандай тушунчаларни киритган?

А. Элитар, унитар Б. Аристократик, демократик

В. Демократик, унитар Г. Элитар, аристократик

965. «… – бу нафақат маданият предметларини яратиш, балки ҳар қандай инсон ҳаётини ташкиллаштириш ҳамдир». Нима ҳақида фикр юритилмоқда?

А. Ижод Б. Эркинлик

В. Адабиёт Г. Бадиий асар (китоб)

966. «… – баркамоллик ва етукликнинг хаёлий образи, камолотга етказиш, уйғунлаштиришга бўлган эҳтиёжларнинг маънавий ифодаси». Нима ҳақида фикр юритилмоқда?

А. Реаллик Б. Идеаллик В. Буюклик Г. А, Б

967. «… – шахснинг борлиқ ҳодисаларига бўлган муносабатини белгилайдиган эстетик комилликнинг ўзига хос меъёри». Нима ҳақида фикр юритилмоқда?

А. Дид Б. Фаросат В. Ақл Г. Ирода

968. «… – давлат томонидан белгиланган ва унинг мажбурлов кучига таянадиган хулқ-атвор умумий нормаларининг мажмуи». Нима ҳақида фикр юритилмоқда?

А. Прокуратура Б. Суд

В. Ҳуқуқ Г. Конституция

969. Инсонни фаолиятга ундовчи сабабларни кўрсатинг?

А. Эҳтиёжлар Б. Мақсадлар

В. Орзулар Г. Хаёллар

970. Инсон фаолиятини бошқа мавжудотлардан фарқловчи хусусияти нимада?

А. Ақлга таянишлик Б. Онглилик

В. Максадлилик Г. А, Б, В

971. «Амалиёт ўзгартирилган табиат предметларини инсоннинг кўзгудаги аксига ўхшайди». Ушбу фикр муаллифи ким?

А. Фихте Б. Кант В. Лейбниц Г. Спиноза

972. Энтони Гидденс асари қандай номланади?

А. «Давлат» Б. «Инсон таърифи»

В. «Жамият тузилиши» Г. «Вавилон»

973. Инсонни фаолиятга ундовчи сабабларни топинг?

А. Эҳтиёжлар Б. Мақсадлар

В. Орзулар Г. Хаёллар

974. Фаолиятнинг энг муҳим атрибутлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Моддийлик ва субъектлилик Б. Моддийлик ва маънавийлик

В. Субъектлилик ва доимийлик Г. Чеклилик ва муайянлик

975. «Амалиёт ўзгартирилган табиат предметларини инсоннинг кўзгудаги аксига ўхшайди». Ушбу фикр муаллифи ким?

А. И.Фихте Б. Г.Лейбниц В. Б.Спиноза Г. И.Кант

976. Праксиология сўзининг луғавий маъноси?

А. Юнонча, «praktikos» – «фаол» Б. Лотинча, «praktikos» – «фаол»

В. Инглизча, «praktikos» – «фаол» Г. Французча, «praktikos» – «фаол»

977. Фалсафанинг инсон фаолиятини ўрганишга бағишланган бўлими нима?

А. Праксиология Б. Аксиология

В. Эпистемология Г. Эвтаназия

978. Интериоризация тушунчаси нимага хизмат қилади?

А. Фаолиятнинг табиатан сиртқи жараёнларини ичда, аввало, онгда юз берадиган жараёнларга ўтишини ифодалаш учун хизмат қилади

Б. Инсон қай тарзда иш кўрмасин, ўз фаолиятидаги қайсидир вазифалари учун хизмат қилади

В. Индивидуал ва умуминсоний ривожланиш жараёнида фаолиятнинг мустақил соҳасига хизмат қилади

Г. Барча жавоблар тўғри

979. «Инсон қобилиятларининг ривожланиш жараёни, у яратадиган нарсаларнинг ривожланиш жараёни эмас, балки инсоннинг камол топиш жараёнидир, чунки қобилиятлар инсонда нарсалардан яралмайди». Ушбу фикр муаллифи ким?

А. С.Л.Рубинштейн Б. И.Кант В. Э.Фромм Г. Б.Спиноза

980. Ижод бу – ...

А. Маданият предметларини яратиш, балки ҳар қандай инсон ҳаётини ташкиллаштириш

Б. Шахснинг борлиқ ҳодисаларига бўлган муносабатини белгилайдиган эстетик ҳодиса

В. Фақат А ва Б жавоблар

Г. Тўғри жавоб йўқ

981. «... – баркамоллик ва етукликнинг хаёлий образи, одамзоднинг инсон ва табиат, инсон ва инсон, шахс ва жамият муносабатларини тартибга

солиш, камолотга етказиш, уйғунлаштиришга бўлган эҳтиёжларининг маънавий ифодаси». Нима ҳақида фикр юритилмоқда?

А. Идеал Б. Образ В. Вақт Г. Ирода

982. «... – инсон яратган нарсалар борлиғи кўп жиҳатдан инсоннинг ўз борлиғи билан боғланади, зеро, у бунёд этган «...», аввало, унинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади», бу нима?

А. Иккиламчи табиат Б. Табиат

В. Нарса-буюм Г. Тўғри жавоб йўқ

24-мавзу. ИЖТИМОИЙ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

983. Келажакни башорат қилиш қобилиятига эга бўлган кишиларни бобилликлар ва ассурияликлар нима деб аташган?

А. Холдейлар Б. Кохинлар

В. Афсунгарлар Г. Башоратчилар

984. Башоратнинг неча тури фарқланади?

А. 3 та Б. 2 та В. 4 та Г. 5 та

985. Башорат ҳақидаги билимлар қайси асрларда тизимга солина бошланди?

А. XV–XVII Б. XVI–XVII В. XIV–XV Г. XV–XVI

986. Қуёш тутилишини башорат қила олган файласуф ким?

А. Фалес Б. Анаксимандр В. Анаксимен Г. Гераклит

987. Лотинчада келажак маъносини англатувчи тушунча?

А. Футурология Б. Прогностика

В. Прогноз Г. Тўғри жавоб йўқ

988. Прогностика нима?

А. Ижтимоий башорат билан боғлиқ тадқиқот

Б. Ижтимоий жараёнларни ўрганиш

В. Ўрганилаётган жараёнларнинг қонуниятлари

Г. А, Б

989. Бугунги кунда Рим клубига нечта мамлакат арбоблари аъзо?

А. 47 Б. 37 В. 42 Г. 31

990. Ўтмиш ҳозирги замон ва келажакнинг қонуний алоқаси билан белгиланади. Бу прогноз қилишнинг қайси турига мансуб?

А. Объектив Б. Субъектив

В. Илмий Г. Тўғри жавоб йўқ

991. Келажакни вақтдаги чегараси неча йилдан ошмайди?

А. 30 Б. 40 В. 20 Г. 10

992. Махсус илмий методлар ёрдамида келажак ҳақида билимлар олиш жараёнлари бу – ...

А. Прогноз қилиш Б. Ижтимоий прогнозлаштириш

В. Моделлаштириш Г. Экстрополяция

993. Прогнозлаштириш неча гуруҳга бўлинади?

А. 5 та Б. 3 та В. 2 та Г. 4 та

994. Прогнозлаштириш нечта типга бўлинади?

А. 4 та Б. 2 та В. 3 та Г. Бўлинмайди

995. Инсоннинг кундалик ҳаёт тажрибасига, табиат ва жамиятда у ёки бу воқеани тез-тез такрорланишини бевосита кузатишга асосланадиган башорат турини белгиланг?

А. Илмий башорат Б. Интуитив башорат

В. Кундалик башорат Г. Йиллик башорат

996. Александра Филипповна Кирхгоф қайси буюк шоирни ҳаёти ҳақида башорат қилган?

А. Пушкин Б. Гёте В. Бах Г. Брехт

997. Тарихда Ленин, Сталин, Гитлер ва Муссолини каби шахсларни пайдо булишини башорат қилган француз табиби ким?

А. А.Эдди Б. Н.Кройт В. М.Нострадамус Г. Г.Филипп

998. «Футурология» сўзини биринчи бўлиб фанга ишлатган олим қайси қаторда тўғри келтирилган?

А. А.Эдди Б. О.Флехтгайм

В. М.Настрадамус Г. Г.Филипп

999. Александр Пушкинга, унинг ҳаётидаги муҳим бурилишлар ҳақида ким башорат қилган?

А. А.Ф.Кирхгоф Б. Н.Кройт

В. М.Настрадамус Г. Г.Филипп

1000. 640–562-йилларда яшаган файласуф ким?

А. Мирон Б. Гераклит В. Фалес Г. Сукрот

1001. Футурология ўрнига қулланиши мумкин бўлган атамани топинг?

А. «Фютюрибли» Б. «Фотология»

В. «Футурум» Г. «Фаитология»

1002. Украиналик файласуф ва шоир Григорий Сковороданинг вафот этган қишлоқ номи нима?

А. Ивановка Б. Одесса

В. Вернёвка Г. Запорожье

1003. Милоддан аввалги 585 йилда Қуёш тутилишини башорат қилган файласуф ким?

А. Фалес Б. Гераклит В. Зенон Г. Эмпедокль

1004. «Футурология» сўзининг луғавий маъноси?

А. Лотинча, «futurum» – «келажак»

Б. Юнонча, «futurum» – «келажак»

В. Инглизча, «futurum» – «келажак»

Г. Французча, «futurum» – «келажак»

1005. Прогноз қилиш бу – ...

А. Махсус илмий методлар ёрдамида келажак ҳақида билимлар олиш жараёни

Б. Тарихий муддатлар ва уларнинг ҳаётда гавдаланиши

В. Келажак ҳақидаги билимларни ҳозирги даврдан узоқлаштириш

Г. Тўғри жавоб йўқ

1006. Экстраполяция методи нимага асосланади?

А. Қонуниятлари ўтмишда ва ҳозирги даврда яхши маълум бўлган тенденцияларни келажакка татбиқ этишга асосланади

Б. Махсус илмий методлар ёрдамида келажак ҳақида билимлар олиш жараёнига

В. Тарихий муддатлар ва уларнинг ҳаётда гавдаланишига

Г. Келажак ҳақидаги билимларни ҳозирги даврдан узоқлаштиришга

1007. Қидирув прогнози бу – ...

А. Ижтимоий объектнинг келажаги қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатиш учун тузиладиган прогноз

Б. Бошқарувни оптималлаштириш йўлларининг оқилона ташкил этилган таҳлили прогноз

В. Юз бериши муқаррар бўлган ёки эҳтимол тутилган прогноз

Г. Барча жавоблар тўғри

25-мавзу. ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

1008. Фалсафанинг фандан устунлиги нимада?

А. Эътиборни ишнинг моҳиятига қаратиш

Б. Хулосаларни тафсилотларга қаратиш

В. Муайян далилларга таяниш

Г. Эътиборни ишнинг кўзга кўринмас айрим жиҳатларига қаратиш

1009. Дунёдаги ўзгаришларнинг бутун мажмуи, шунингдек, уларнинг сабаблари нечанчи йиллардан «глобаллашув» деб номланган?

А. 1990-йилларда

Б. 1985–1990-йилларда

В. 1980-йилларда

Г. 2000-йиллардан бошлаб

1010. Глобалистика замирида қандай жараёнлар ётади?

А. Қарама-қарши жараёнлар ва интеграция

Б. Илмий билишнинг табақалашуви

В. Турдош фанларнинг туташиши

Г. А ва В

1011. Глобалистика мустақил илмий йўналиш ва ижтимоий амалиёт жабҳаси сифатида нечанчи йилдан шакллана бошлаган?

А 1960-йиллардан

Б. 1980-йиллардан

В. 1970-йиллардан

Г. 1990-йиллардан

1012. Ҳозирги глобаллашув жараёнларининг илк нишоналари нечанчи асрлардан бошлаб кузатилган?

А. XV аср охирларидан

Б. XVIII аср бошидан

В. XVIII аср ўрталаридан

Г. XIX асрдан

1013. Глобаллашув жараёнларининг амалда реал шакл-шамойили қачондан бошлаб кўзга кўринган?

А. XIX аср бошида

Б. XV аср охирида

В. XVIII асрда

Г. XVIII асрда

1014. Фундаментал глобаллашувнинг илк аломатлари қачондан кузатилган?

А. XIX асрнинг 2-ярими Б. XX аср ўртаси

В. XIX аср охири Г. XVIII аср

1015. Фундаментал глобаллашувнинг тўла даражада борлиққа айланиши қачондан кузатилади?

А. XX аср ўрталарида Б. XIX аср охирида

В. XVIII аср охири Г. XVIII аср бошида

1016. Қайси даврда дунёни иқтисодий бўлиб олиш якунланди?

А. XX асрнинг ўрталарида Б. XX аср охири

В. XVIII асрда Г. XIX асрда

1017. Қайси давр оралиғида глобаллашув жараёнлари янада кучлироқ намоён бўлди?

А. I ва II жаҳон уруши оралиғида

Б. XV аср охири XXаср 20-йиллари

В. XXаср бошидан XXI аср бошигача

Г. XIX аср охири ва XX аср 2-ярими

1018. Нечанчи йилдан глобаллашув серқирра тус олди?

А. 1970-йилдан Б. 1950-йилдан

В. 1980-йилдан Г. 1940-йилдан

1019. Глобаллашувнинг қайси босқичда глобал онг ижтимой онгнинг яна бир шакли сифатида пайдо бўлди?

А. Серқирра глобаллашув Б. Фундаментал глобаллашув

В. Илк глобаллашув Г. Уруш йилларида

1020. Иқтисодий интеграциялашув, пул уникациялашуви, оммавий маданият ва унга мос эмас маданиятнинг шаклланиши қайси даврга хос?

А. Серқирра глобаллашув Б. Фундаментал глобаллашув

В. Илк глобаллашув Г. Уруш йилларида

1021. Нечанчи йилдан дунё информацион жиҳатдан узил-кесил туташган?

А. 1991-йилдан Б. 1985-йилдан

В. 1998-йилдан Г. 1992-йилдан

1022. «XX асрда умумжаҳон тарихи бошланди» деган хулоса кимга тегишли?

А. А.Тойнби Б. К.Ясперс

В. У.Черчилл Г. У.Клинтон

1023. Ким томонидан «Шу даврдан эътиборан (иккинчи жаҳон уруши тугагач), яхлит бир бутуннинг ягона тарих сифатидаги жаҳон тарихи бошланади» деган фикр айтилган?

А. К.Ясперс Б. А.Тойнби

В. У.Черчилл Г. Катта Ж.Буш

1024. Илк технократик ва ижтимоий назариялар қачондан пайдо бўлди?

А. XX асрда Б. XXI асрда

В. XIX асрда Г. XIX аср охирида

1025. Технократик назарияни биринчи бўлиб фалсафий жиҳатдан асослаб берган социолог ким?

А. Т.Ребвик Б. А.Тойнби

В. К.Ясперс Г. П.Тейяр де Шарден

1026. Биосферанинг таркибий қисми сифатида инсоннинг бетакрорлигини асослаб олиш ким томонидан илгари сурилган?

А. П.Тейяр де Шарден Б. А.Тойнби

В. К.Ясперс Г. Б.Веблен

1027. Технооптимистик кайфият қачон кучайган?

А. 1950–1960-йиллар Б. 1940–1950-йиллар

В. 1980-йиллар Г. 1970-йиллар

1028. «Янги индустириал жамият», «Серобгарчилик жамияти» асарларининг муаллифи ким?

А. Ж.Гелбрейт Б. П.Тейяр де Шарден

В. А.Тойнби Г. К.Ясперс

1029. «Индустириал жамият» назариясини янада тўлароқ асослаб берган олимлар кимлар?

А. Р.Арон, У.Ростоу Б. А.Тойнби, К.Ясперс

В. Ж.Гелбрейт, А.Тойнби Г. А.Турен, У.Ростоу

1030. «Ўта индустриал», «компьютер» жамият назарияси асосчиси ким?

А. О.Тоффлер Б. Г.Кан В. Ф.Белл Г. А.Турен

1031. Рим кулибининг биринчи мажлиси нечанчи йилда бўлиб ўтган?

А. 1968-йилда Б. 1965-йилда

В. 1977-йилда Г. 1970-йилда

1032. Рим клубининг асосчиси ким?

А. Аурелли Печчи Б. Д.Белл

В. А.Турен Г. О.Тоффлер

1033. Фаннинг жамият ҳаётидаги ролини мутлақлаштирувчи концепцияни топинг?

А. Сциентизм Б. Экопессимизм

В. Технопессимизм Г. Технологик пессимизм

1034. «Муаммолар бир-бири билан маҳкам чирмашиб олди, улкан спрут янлиғ бутун сайёрани ўз исканжасига олмоқда» деган фикрни ким айтган?

А. А.Печчи Б. Д.Белл В. А.Турун Г. О.Тоффлер

1035. 1956 йилда Ер шарида неча киши яшаганлиги қайд этилган?

А. 2,8 млрд Б. 5,6 млрд В. 2 млрд Г. 2,9 млрд

1036. «Демографик портлаш» деб ном олган ўсиш қачон юз берган?

А. XX асрда Б. XIX аср охирида

В. XIX аср ўрталарида Г. XXI асрда

1037. Ҳиндистонда саводсизлик аҳолининг неча фоизни ташкил этади?

А. 70 % Б. 80 % В. 28 % Г. 60 %

1038. Покистонда саводсизлик аҳолининг неча фоизни ташкил этади?

А. 60 % Б. 70 % В. 20 % Г. 80 %

1039. Африка мамлакатларида саводсизлик неча фоизни ташкил этади?

А. 80 % Б. 70 % В. 60 % Г. 40 %

1040. Цивилизацион касалликлар ичида энг хавфлисини белгиланг?

А. ОИТС Б. Қизамиқ В. Буйрак хасталиги Г. Сил

1041. 2005 йилда юрак-қон томир касалликлари билан вафот этиш ўлимнинг неча фоизини ташкил этди?

А. 30 % Б. 40 % В. 50 % Г. 60 %

1042. 2005 йилда инсульт туфайли ҳаётдан кўз юмганлар сони қанча?

А. 5,2 млн Б. 7,6 млн В. 3,8 млн Г. 1,8 млн

1043. 1955 йилда ким тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш ташаббусини илгари сурган?

А. Б.Рассел Б. М.Борн В. Л.Инфельд Г. Ф.Жолио Кюри

1044. Б.Рассел барча урушларга чек қўювчи жаҳон ҳукумати деб атаган ташкилотни белгиланг?

А. БМТ Б. ОПЕК В. Шанхай Г. Рим клуби

1045. Тинчлик, қуролсизланиш ва халқаро хавфсизликка бағишланган жаҳон илмий жамиятининг 1957 йилдаги биринчи йиғилиши қаерда бўлди?

А. Канадада Б. АҚШда

В. Францияда Г. Германияда

1046. Умумбашарий ҳодисалар даври қачондан бошланди?

А. XX аср биринчи ярими Б. XIX аср охирида

В. XXI асрда Г. XIX аср бошларида

1047. «Тарих куртаклари ва унинг мақсади» асари муаллифи ким?

А. К.Ясперс Б. А.Тойнби

В. М.Борн Г.Ф.Жолио Кюри

ҚЎШИМЧА ВА ТУШУНТИРУВЧИ МАТНЛАР

КИРИШ

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган.

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Шундагина инсон буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўша олади.

Ислом КАРИМОВ

«Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъи назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно-мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор».

Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият.
–Т.: «Ўзбекистон», 2006 й. 117-б.

Дарҳақиқат,фалсафани ўрганишга илк бор киришаётган деярли ҳар бир одам у ҳақда ниманидир у ёки бу даражада билади ёки ҳеч бўлмаса у ҳақда нимадир эшитган бўлади, чунки одамлар ҳатто кундалик ҳаётда ҳам бу кенг тарқалган тушунча билан кўп тўқнаш келади. Мактаб дастурига кўра ёки ўзининг қизиқувчанлиги туфайли фалсафага доир дарсликлар ва бошқа адабиётлар, балки таъсири деярли ҳар бир халқнинг маданий меросида чуқур из қолдирган буюк файласуфларнинг асарлари билан танишишга улгурганлар ҳам анчагина.

Шунга қарамай, фалсафа нималиги, у нима билан шуғулланиши ва қандай вазифаларни ҳал қилиши ҳақида мустақил тарзда, махсус билимларсиз аниқ тасаввур ҳосил қилиш осон иш эмас. Ҳатто фалсафа соҳасида профессионал иш олиб борувчилар орасида ҳам қўйилган саволларга жавобларда якдиллик мавжуд эмас. Кимдир фалсафани фан деб, кимдир – ақл ўйини деб ҳисоблайди, айримлар эса, бу фикрларга қўшилмай, одамлар дунёқараши, руҳий ҳолати, ақли, шахсий тажрибаси ва шу кабиларнинг турли шаклларига эътиборни қаратиб, бошқача таърифлар беради. Кимдир фалсафада мақсадни, кимдир воситани, инсон ўз-ўзини ва ўзини қуршаган дунёни оқилона, иррационал ёки интуитив англаб етиш усулини кўради.

Бунда ҳар ким у ҳар бир инсон учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган саволларга қандай жавоб беришига қараб ўз мулоҳазалар мантиғини тузади.

ФАЛСАФАНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ, ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ




Фалсафий билимнинг
муҳим таркибий қисмлари
онтология – мавжудлик, борлиқ ҳақидаги билим
гносеология (бошқа бир терминологияга
кўра – эпистемология) – билиш назарияси
ижтимоий фалсафа – жамият ҳақидаги таълимот
этика – ахлоқ ҳақидаги таълимот
аксиология – қадриятлар ҳақидаги таълимот
фалсафий антропология –
инсон ҳақидаги таълимот ва бошқалар

Мустақил фалсафий фанлар
Этика
маънавият ва
ахлоқ
ҳақидаги
таълимот
Мантиқ
инсоннинг билишни
амалга ошириш
шакллари,
қонунлари ва
усулларини
ўрганадиган фан
Эстетика
гўзаллик қонунларига
мувофиқ ижоднинг
моҳияти ва
шакллари
ҳақидаги фан


Фалсафанинг янги соҳалари
табиат фалсафаси,
танатология
ҳуқуқ, фан, тарих,
сиёсат, санъат, дин,
техника фалсафаси
геронтология


Фалсафанинг
асосий
масалалари
онг,
тафаккур
борлиқ
руҳ
материя
идеаллик

Дунёқараш – инсоннинг ўзини қуршаган борлиққа ва ўз-ўзига бўлган муносабатга нисбатан ёндашувлар тизими, шунингдек, одамларнинг мазкур ёндашувлар билан белгиланган ҳаётий идеаллари, эътиқодлари, билиш ва фаолият тамойиллари, қадрият ва мўлжалларидир.

Дунёқарашнинг умумий тушунчаси ва унинг асосий шакллари

Дунёқараш – оламга ва инсоннинг оламдаги ўрнига қараш

Инсоният тарихида белгиланадиган дунёқарашнинг уч асосий шакли

Мифология

Дин

Фалсафа


Дунёқарашнинг функциялари:
Билиш функцияси
Қадриятларга муносабат
Хулқ-атворни белгилаш
(инсонда қизиқиш уйғотувчи барча саволларни ва муайян йўл билан топилувчи жавобларни ўз ичига олади, билиш – одамлар дунёқарашини бойитади);
(инсоннинг энг аввало, ўзини олий қадрият эканлигини англашга, сўнгра атрофидагиларни қадрлашга ундайди);
(инсонни ўз-ўзини тарбиялаш жараёни)


Дунёқарашнинг ўзига хос асослари:
• Интеллектуал асос;
• Эмоционал асос;
• Руҳий асос;
Интеллектуал, эмоционал ва руҳий асослар ирода билан уйғунликда эътиқодлар, одамлар фаол қабул қиладиган, уларнинг онг даражаси ва ҳаётдаги мўлжалларига мос келадиган қарашларни юзага келтиради.

Дунёқарашнинг тузилиши
Дунёни сезиш
Дунёни идрок этиш
Дунёни тушуниш
– Бу ўзини қуршаган дунёни сезгилар ёрдамида ҳиссий идрок этиш
– Бу атроф-борлиқни идеал образларда тасаввур қилиш
– Инсон ва уни қуршаган дунёнинг моҳиятини аниқлаш, шунингдек, табиатда юз берувчи воқеалар ва жараёнларнинг ўзаро алоқаларини тушунишга қаратилган ақлий фаолияти

Мифология дунёқараш сифатида
Миф – бу турли халқларнинг дунёнинг келиб чиқиши, табиат ҳодисалари, фантастик мавжудотлар, худолар ва қаҳрамонларнинг ишлари ҳақидаги тасаввурини ифодаловчи муайян тарзда тизимга солинган дунёқарашдир.
Мифлар жавоб бермоқчи бўлган асосий саволлар
• Оламнинг, Ернинг ва инсоннинг пайдо бўлиши;
• табиат ҳодисаларини тушунтириш;
• инсоннинг ҳаёти, тақдири ва ўлими; инсон фаолияти ва унинг эришган ютуқлари;
• ахлоқ, бурч, шаън саволлари.
Миф хусусиятлари
Табиатни инсонийлаштириш;
• фантастик худоларнинг борлиги, уларнинг мулоқоти, инсон билан алокада бўлиши;
• абстракт мулоҳазаларнинг йўқлиги (рефлексиялар);
Мифларнинг конкрет ҳаётий масалаларни ечишга қаратилганлиги (хўжалик, офатлардан асраш ва б. д.);
• мифологик сюжетларнинг бир хиллиги ва юзакилиги.


Мифологик тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари
Бу оддий ривоят, бирор бир воқеа ҳақидаги ҳикоя эмас, балки оғзаки матннинг архаик онгдаги воқеа-ҳодисаларга, инсонга ва у яшаётган дунёга таъсир кўрсатувчи муайян борлиқ сифатидаги инъикос.
Инсоният тарихининг илк босқичларида одамлар хулқ-атвори ва ўзаро муносабатларини тартибга солиш функциясини бажарган. Чунки, унда ахлоқий қарашлар, инсоннинг борлиққа эстетик муносабати ўз ифодасини топган.

Мифологик тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари
Мифологияда ҳамма нарса бир, яхлит, ажралмасдир. Табиат нарсалари ва ҳодисалари инсон билан айни бир хил қонунларга мувофиқ яшайди. Инсон билан бир хил сезги, истак, майлларга эга бўлади.
Миф – кимнингдир уйдирмаси ёки ўтмиш сарқити эмас, балки, шундай бир ўзига хос тилки инсон унинг ёрдамида қадим замонларданоқ дунёни тавсифлаган. Ўзининг тарқоқ билимларини умумлаштирган талқин қилган, тасниф қилган ва муайян тизимга солган.
Мифда ота, оқсақол ҳукми ва қарор топган аъаналар муҳим роль ўйнайди. Ривоят ва унинг мазмунига нисбатан бундай муносабат заминида эътиқод, борлиқни бевосита, эмоционал идрок этиш ётади. Мифологик дунёқараш – дунёни яхлит тушуниш бўлиб, унда шубҳага ўрин йўқ.


Мифологик ва диний дунёқарашнинг ўзаро ўхшашлиги ва фарқи:
Ўзаро ўхшашлиги:
Фарқи:
Миф каби дин замирида ҳам эътиқод, туйғу ва эмоциялар ётади.
Агар мифологияда анънага, ривоят қилувчининг, яъни оқсоқолнинг обрўсига эътибор кучли бўлса, динда ғайриоддий нарсаларга эътиқод биринчи ўринда бўлади. Олий кучлар номидан ривоят қилувчи руҳонийлар обрўси эса, иккинчи даражали роль ўйнади. Дин – мураккаб маънавий тузилма ва ижтимоий ҳодиса бўлиб, унда эътиқод биринчи ўринга қўйилади ва ҳамиша билимдан устун туради.

Дин дунёқараш сифатида
Дин – дунёқарашнинг шакли бўлиб, инсон ҳаёти ва оламга таъсир қилувчи фантастик, ғайритабиий кучлар борлигига ишонишга асосланган. Диний дунёқараш оламни ҳиссий, эмоционал (рационал эмас) қабул қилиш шакли билан белгиланади. Дин мифлар кўриб чиққан саволларни кўриб чиқади.
Асосий дунё динлари
• христианлик;
• ислом;
• буддизм.
Кўп тарқалган динлар
• синтоизм;
• индуизм;
• иудаизм.

Диннинг асосий функциялари:
Дунёқарашни шакллантириш функцияси
Коммуникатив функцияси
Бутун борлиқ қачон ва нима учун пайдо бўлган ва бунда ғайриоддий кучнинг оламшумул роли қандай намоён бўлган, деган саволларга жавоб беради.
Мулоқот ва шахслараро алоқаларнинг муайян типини таъминлайди, жамиятнинг жипслашуви ва яхлитлигига кўмаклашади.


Диннинг асосий функциялари:
Тартибга солиш функцияси:
Компенсаторлик функцияси:
Одамлар хулқ-атворини тартибга солувчи тегишли меъёрлар ва қоидаларни белгилайди.
Етишмаётган ахборот, диққат-эътибор, ғамхўрлик ўрнини тўлдиради. Инсоннинг кундалик ҳаётда қондирилмаган эҳтиёжларининг ўрнини тўлдиради.

Диннинг асосий илдизлари
психологик
гносеологик
Инсон интеллектининг ривожланиш даражаси ва танқидий фикрлаш қобилиятидан қатъи назар, нафақат англаш, балки эътиқод қилиш истаги ва ҳаттоки, эҳтиёжининг ҳамиша намоён бўлишидир.
Оқилона билим нуқтаи назаридан дунё инсонга чексиз, мураккаб бўлиб туюлади. Ўта мушкул вазифа ақлни ўтмаслаштиради. Инсон ечимсиз муаммолар қаршисида ўзини ожиз ҳис қилади ва ақл далилларини ғайриоддий нарсалар билан тўлдириш учун динга мурожаат қилади.


Диннинг асосий илдизлари
Ижтимоий
Сиёсий
Муаммолар, қийинчиликларга дуч келган ва реал ҳаётда ўзига таянч топа олмаган инсон ғайриоддий кучларга умид боғлаб, нариги дунёга мурожаат қилади. Уларга эътиқод қилиб, таскин топади ва тақдирга тан беради.
Турли сиёсий кучларнинг диндан ўз мафаатлари йўлида фойдаланиш имконияти ва шу тариқа уни бевосита ёки билвосита қўллаб-қуввалаш, уни жамиятдаги таъсирини кучайтиришга ҳаракат

Диний эътиқоднинг тарихий шакллари
Фетишизм – у ёки бу предметни мўжизакор хислатларга, одамлар ҳаётига таъсир кўрсатиш қобилиятига эга деб ҳисоблайди. Бундай предмет илоҳийлаштирилади, сиғиниш ва топиниш объектига айланади.
Анимизм (лот. anima – жон) – нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, предметлар ва борлиқ ҳодисаларини ҳам гўё руҳ, жон бошқариб туришига ишониш. Анимизм нуқтаи назаридан бутун дунё руҳли ва жонлидир.


Диний эътиқоднинг тарихий шакллари
Тотемизм негизини муайян одамлар гуруҳининг тотем, яъни сиғиниш объекти саналган аждод деб эълон қилинадиган у ёки бу ҳайвон, ўсимлик, предмет билан умумий келиб чиқишига бўлган ишонч ташкил этади, зеро тотем мазкур жамоа ёки уруғнинг қудратли ҳомийси, ҳимоячиси ҳисобланади, уни озиқ-овқат ва шу кабилар билан таъминлайди (Ҳиндистонда Хонумон маймуни, турли қабилаларда у ёки бу илоҳий предмет).
Магия (юнон. mageia – сеҳргарлик) ҳам ибтидоий дин шаклларидан бири бўлиб, унинг замирида табиий кучлар ёрдамисиз сирли тарзда, масалан расм-русумлар, ўзига хос амаллар мажмуи билан нарсалар, одамлар, ҳайвонлар ва ҳатто ғайритабиий кучлар – руҳлар, инсу жинслар ва шу кабиларга таъсир кўрсатиш мумкинлигига бўлган ишонч ётади.
Политеизм – кўпхудоликка сиғиниш.
Монотеизм – яккахудоликка сиғиниш.


Монотеизм – кўп сонли худолар орасида куч-қудратда ягона бир худони фарқлаб, шу тариқа дунёвий подшо ҳукм сурувчи реал ҳаёт ҳақидаги ўз тасаввурларини ягона ва қудратли худо яшайдиган нариги дунё билан гўёки мувофиқ ҳолатга келтирилишидир, (юнон. *mono* – бир ва *theos* – худо).
иудаизм
ислом
буддизм
христианлик


Фалсафий дунёқарашнинг мифологик ва диний дунёқарашдан асосий фарқи:
Агар мифологик ва диний дунёқарашда эътиқод ва туйғуларга таянилган бўлса, **фалсафий дунёқарашда** ақл ва билимларга таянилади.

Фалсафа дунёқараш сифатида
Фалсафа – ўзига хос илмий-назарий дунёқараш тури.
Дунёкарашнинг энг юқори поғонаси ва тури, рационаллик,
системалилик, мантиқ ва назарий шакли борлиги билан ажралиб туради.
Фалсафий дунёқарашнинг диний ва мифологик дунёқарашдан фарқи
Фалсафанинг дунёқараш сифатидаги эволюцияси этаплари
• фалсафий дунёқараш билимга асосланган (ишонч ёки ривоятга эмас);
• фалсафий дунёқараш рефлексив (фикрнинг ўзига қаратилганлиги);
• фалсафий дунёқараш мантиққа асосланган (ички бирлик ва системага эга);
• фалсафий дунёқараш аниқ тушунчалар ва
• категорияларга асосланади.
• Космоцентризм – фалсафий дунекараш, унинг асосида оламни, табиат ҳодисаларни ташқи кучлар – Коинот (Космос) – қудрати ва чексизлиги орқали тушунтириш, унга кўра, бутун борлиқ Коинот ва космик цикларга боғлиқ (бу фалсафа Қадимги Ҳиндистон, Хитой ва бошқа шарқ мамлакатлари ва Қадимги Грецияга хос).
• Геоцентризм – фалсафий дунёқарашнинг тури бўлиб, унинг асосида бутун борлиқни тушунтириб бўлмайдиган, ғайритабиий куч – Худонинг ҳокимияти орқали тушунтириш (ўрта асрларда Европада тарқалган).
.• Антропоцентризм – фалсафий дунёқарашнинг тури, унинг марказида инсон масаласи туради (Ренессанс Давридаги Европа, янги ва энг янги даврлар, ҳозирги замон фалсафий мактаблари).

Фалсафанинг асосий масаласи ва йўналишлари
Фалсафанинг асосий масаласи – фикрнинг борлиққа муносабати, борлиқнинг эса фикрга муносабати.
Хусусияти
Ушбу масала моҳияти шундан иборатки, унинг ечими атроф-муҳит ҳақидаги билим ва инсоннинг ундаги ўрнига боғлиқ.
Материя ва онг – борлиқнинг бир-биридан ажралмас ва шу билан бирга умуман ҳар хил бўлагидир. Бунга мувофиқ фалсафа асосий масаласининг икки – онтологик ва гносеологик жиҳати мавжуд.
Гносеологик ва онтологик жиҳатларга қараб фалсафа қуйидаги асосий йўналишларга бўлинади: материализм ва идеализм, шу билан бирга, эмпиризм ва рационализм.
Фалсафа асосий масаласининг икки жиҳати:
Онтологик (борлиқ ҳақида) – фалсафанинг бу жиҳати масаланинг қўйилиши ва ечимидан иборат: қайси бири?
Онтологик жиҳатни кўриб чиқиш жараёнида эътиборга лойиқ бўлган фалсафий ёндашувлар:
• Объектив идеализм;
• Субъектив идеализм;
• Материализм;
• Қўпол материализм;
• Дуализм;
• Деизм.
Гносеологик (билишга оид) – мазкур жиҳат дунёни ўрганиш мумкинми, йўқми ва улардан қайси бири дастлабкиси, деган саволларга жавоб қидиради.
Гносеологик жиҳатни кўриб чиқиш жараёнида эътиборга лойиқ бўлган фалсафий ёндашувлар:
• Гностицизм;
• Агностицизм;
• Эмпиризм
• Рационализм.


Фалсафа асосий масаласининг онтологик жиҳати
Фалсафа асосий масаласининг онтологик жиҳатини намоён этувчи фалсафий ёндашувлар
Материализм («Демокрит йўли») – фалсафанинг йўналиши бўлиб, унинг намояндалари материя ва онг муносабатларида материя биринчи ўринда деган ғояни илгари сурган.
Асосий ҳолатлари
Хусусиятлари:
• Материя реал мавжуддир;
• Материя онгдан қатъи назар мавжуд;
• Материя мустақил субстанция бўлиб, мавжуд бўлишда ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмас;
• Материя ўзининг ички қонунларига асосланган ҳолда ривожланади;
• Онг – бу юксалган материянинг ўзини акс этиш хусусияти;
• Онг – мустақил субстанция эмас, у материя билангина мавжуд;
• Онг материя билан белгинади.
• Материалистик йўналишга ушбу файласуфлар тегишли: Демокрит, Бэкон, Локк, Спиноза, Дидро ва бошқа француз материалистлари, Герцен, Чернишевский, Маркс, Энгельс.
• Материализмнинг қадр-қиммати фанга таянчлигида, айниқса, аниқ фанларга, фан натижалари материализмнинг мантиқий исботи;
• Материалимзнинг камчилиги – онг ҳақида тушунчанинг етарли эмаслиги, яъни материалистлар тушунтириб бера олмайдиган дунё ҳодисаларининг борлиги;
• Материализмда ажралиб турадиган йўналиш – қўпол материализм. Унинг вакиллари материяни онгдан устун қўйиб, математика, физика ҳамда кимё билан керагидан ортиқча шуғулланишади, онг материяга таъсир этади, деган фикрни қабул қилишмайди;
• Материализм фалсафанинг асосий йўналишларидан бири сифатида Қадимги Юнонистонда, XVII асрда Англия ва Францияда, XX асрда СССРда тарқалган.

Фалсафа асосий масаласининг онтологик жиҳатини намоён этувчи фалсафий ёндашувлар
Идеализм («Платон йўли») – фалсафанинг йўналиши бўлиб, унинг намояндалари материя ва онг муносабатларида онг биринчи ўринда деган ғояни илгари сурган.
Идеализмнинг мустақил йўналишлари:
Объектив идеализм (Платон, Лейбниц, Гегель ва ҳ.к.)
Асосий ҳолатлари
• Ҳақиқатда фақат ғоя мавжуд;
• Ғоя бирламчидир;
• Бизни ўрат турган борлиқ «ғоялар олами» ва «нарсалар олами»га бўлинади;
• «Ғоялар олами» – (эйдосларнинг) олдиндан Дунё онгида (Худо ниятида) мавжуд;
• «Нарсалар олами» – моддий дунё бўлиб, мустақил мавжуд бўла олмайди ва «ғоялар оламининг» тимсолидир;
• Ҳар бир нарса – ушбу нарса ғоясининг тимсоли;
• «Соф ғоя»нинг аниқ нарсага ўзгаришида яратувчи – Худо катта роль ўйнайди;
Субъектив идеализм (Беркли, Юм ва ҳ.к.)
Асосий ҳолатлари
• Барча нарса фақатгина билим олаётган субъектнинг онгида мавжуд;
• Ғоялар – инсоннинг ақлидир;
• Моддий нарсаларнинг тимсоллари (ғоялари), шунингдек, фақатгина ҳиссий туйғулар орқали инсоннинг ақлида мавжуд;
• Инсоннинг онгидан ташқарида на материя ва на руҳ мавжуд.
• Алоҳида ғоялар («ғоялар олами») бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд.
Хусусиятлари:
• Идеализмнинг камчилиги: – «соф ғоялар» мавжудлигининг ишончли (мантиқий) тушунтирилишини йўқлиги ва «соф ғоялар»нинг аниқ нарсаларга (материя ва ғоянинг пайдо бўлиш механизмига) айланишидир;
• Идеализм фалсафанинг йўналиши сифатида Платон даврида Юнонистонда, ҳозирги кунда АҚШ, Германия, Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида мавжуд.

Фалсафа асосий масаласининг онтологик жиҳатини намоён этувчи фалсафий ёндашувлар

Дуализм – фалсафанинг оралиқли (келишувчи) йўналиши бўлиб, бунда материализм ва идеализм қутбий (бир-бирини тақозо этувчи) муносабатда мавжуд бўлади. Мазкур йўналишга Р.Декарт асос солган.

Асосий ҳолатлари:

• Иккита мустақил субстанция мавжуд: моддий (давом этиш хусусиятига эга бўлган) ва маънавий (фикрлаш хусусиятига эга бўлган);
• Дунёда барча нарсалар ёки у бу субстанциялардан келиб чиққан (яъни моддий нарсалар моддий, маънавий нарсалар маънавийдан келиб чиққан);
• Инсонда бир вақтнинг ўзида иккита субстанция мужассамлашган – ҳам моддий, ҳам маънавий; материя ва онг (руҳ) – ягона борлиқнинг икки қарама-қарши ва ўзаро боғлиқ томонларидир;
• Фалсафанинг асосий масаласи (қай бири бирламчи – онгми, материями) аслида мавжуд эмас, чунки материя ва онг бир-бирини тўлдиради ва доимо мавжуд.

Деизм – фалсафанинг йўналиши бўлиб, унинг тарафдорлари (XVIII асрнинг француз зиёлилари) Худонинг боригини тан олишган, уларнинг фикрича, Худо бир марта дунёни яратиб, оламнинг кейинги ривожланишида иштирок этмайди ва инсонларнинг ҳаёти ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатмайди (яъни, Худони деярли ҳеч қандай «мажбуриятлар»га эга эмас, фақатгина рамзий, деб тан олишган). Деистлар, шунингдек, материяни руҳий деб ҳисоблашган ва материя билан руҳни бир-бирига қарама-қарши қўйишмаган.

Фалсафа асосий масаласининг гносеологик жиҳати

Эмпиризм – асосчиси Ф.Бэкон, эмпиристлар билимнинг асосида фақат тажриба ва ҳиссий туйғулар ётади, онгда тажрибадан олдин ҳеч нарса мавжуд эмас, деган фикрни илгари суради.

Рационализм – асосчиси Р.Декарт, рационалистлар ҳақиқий (ишончли) билим фақатгина онгдан келтириб чиқарилган бўлиши керак ва билим ҳиссий тажрибага боғлиқ эмас, деган фикрни илгари суради.

Иррационализм – асосчилари Ф.Ницше, А.Шопенгауэрларнинг фикрича, рационалистларнинг фикрлари ички мантиққа эга эмас, шунинг учун ҳақиқий билимни фақат ақл билан тўла тушунтириб бўлмайди.

Гностицизм – асосчилари материалистлар, гностиклар билишнинг ҳозирги ҳолати ва келажагига оптимистик руҳда қарайдилар. Уларнинг фикрича, дунёни билиб бўлади, билим олиш имконияти эса, чекланмаган.

Агностицизмнинг энг кўзга кўринган вакили И.Кант, агностиклар инсоннинг дунёни билишини инкор этади, яъни дунёни англаб бўлмайди, англаш имкониятлари инсоннинг билиш имкониятлари билан чекланган деб ҳисоблайди.

Фалсафа асосий масаласининг ҳозирги кундаги аҳволи ва истиқболи
Фалсафанинг асосий масаласига камроқ эътибор қаратиш тамойили кузатилмоқда, чунки у жуда мураккаб ечимга эга.
Ҳозирги кунда файласуфларнинг минг йиллик изланишларига қарамай, фалсафанинг асосий масаласи на онтологик ва на гносеологик тарафдан ечимга эга эмас ва бу масала абадий ечимга эга бўлмаган фалсафа муаммоси бўлиб қолади.
К.Ясперс, М.Хайдеггер, А.Камю ва бошқалар келажакда фалсафанинг янги масаласи – экзистенциализм, яъни инсон муаммоси, унинг мавжудлиги, шахсий маънавий дунёсини бошқара билиши, жамиятнинг ичида ва жамият билан ўзаро муносабатларда бўлиши, танлаш ҳуқуқига эгалиги, ҳаётнинг мақсадини топиши ва ҳаётда ўз ўрнини, бахтини топиши муаммоси вужудга келиши мумкинлигига асос солишди.

Фалсафани ўрганишдаги ёндашувлар
идеализм
материализм
дуализм
Объектив идеализм
Субъектив идеализм
Содда материализм
Механистик материализм

Фалсафий билимнинг ўзига хос хусусиятлари

• фалсафий дунёқарашнинг ўзига хослиги унинг икки томонлилигида, чунки у илмий билим билан умумийликка эга (предмети, методлари, мантиқий-тушунчавий аппарати), лекин шу билан бирга илмий билим бўла олмайди;
• фалсафанинг бошқа фанлардан асосий фарқи унинг *назарий дунёқарашлилигида,* инсоният йиққан билимларнинг умумийлаштирувида;
• фалсафанинг предмети бошқа фанларнинг предметидан кенгрок, фалсафа умумийлаштиради, бошқа фанларни бирлаштиради, лекин ютиб юбормайди, ўз ичига бутун илмий билимни олмайди, улар тепасида турмайди;
• мураккаб структурага эга (онтология, гносеология, мантиқ ва бошқаларни ўз ичига олади);
• умумий назарий характерга эга;
• бошқа фанларнинг асосида ётувчи бирламчи, асосий ғоя ва тушунчаларни ўз ичига олади;
• кўп нарсаларда субъектив – ўзида инсон ва алохида файласуфларининг дунёқараши акс эттиради;
• объектив билим ва қадриятларнинг, ахлоқий идеалларнинг бирлиги бўлиб, давр таъсири остида бўлади;
• нафақат билиш предметини балки билиш механизмини ҳам ўрганади;
• рефлексия хусусиятига эга – фикрнинг ўзига қаратилганлиги (яъни билим ҳам предметлар оламига ҳам ўзига қаратилган);
• файласуфлар яратган доктриналар таъсири остида бўлади;
• шу билан бирга динамик – доим ривожланади ва янгиланади;
• категориялар – аниқ умумий тушунчаларга суянади;
• ўзининг моҳиятига қура тугалланмас;
• инсоннинг (англаётган субъектнинг) билиш қобилияти билан чекланган, ечиб бўлмайдиган, «доимий» масалаларга эга (борликнинг пайдо бўлиши, онг ёки материянинг бирламчилилиги, ҳаётнинг пайдо бўлиши, руҳнинг абадийлиги (ўлмаслиги), Худонинг бор ёки йўқлиги, унинг оламга таъсири), бу масалалар ҳозирги кунда мантиқий ечимига эга эмас.

Материалистлар – дунё азалдан моддий, онг эса бу материянинг маҳсулидир, деб ҳисобловчилар.

Идеалистлар – дунё замирида материядан олдин пайдо бўлган ва уни яратувчи идеал нарсалар ва ҳодисалар ётади, деган фикрни ҳимоя қилувчилар.


Материализм («Демокрит йўли») – фалсафадаги йўналиш, унинг тарафдорлари материя ва онг муносабатларида материя бирламчи деб ҳисоблашган
Асосий коидалари
• материя реал мавжуд;
• материя онгдан мустақил мавжуд (яъни фикрловчи жонзотлардан, у ҳақдаги фикрлар бор ёки йўқлигига қарамасдан мустақил, мавжуд);
• материя мустақил субстанция мавжуд бўлиши учун ўзидан бошқа нарсага муҳтож;
• материя ўзининг ички қонунлари орқали ривожланади ва мавжуд бўлади;
• онг (руҳ) юқори ташкил этилган материянинг ўзини акс эттириш хусусияти (модуси);
• онг материя билан бирга мавжуд бўлган мустақил субстанция эмас;
• онг материя (борлиқ) билан белгиланади.
Хусусиятлари
• материалистик йўналишида фаолият кўрсатган файласуфлар: Демокрит; милет мактаби файласуфлари (Фалес, Анаксимандр, Анаксимен); Эпикур; Бэкон; Локк; Спиноза; Дидро ва бошқа француз материалистлари; Герцен; Чернишевский; Маркс; Энгельс; Ленин.
• материализмнинг кучли тарафи – фанга суяниши, асосан аниқ ва табиий фанларга (физика, математика, химия ва б.), материалистлар қарашларининг мантиқий исботланиши.
• материализмнинг заиф тарафи – онгнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермагани, оламда материалистлар тушунтира олмайдиган ҳодисаларининг мавжудлиги.
• материализмда махсус йўналиш – *вульгар материализм* ажратилади. Унинг намояндалари (Фохт, Молешотт) материянинг ролини абсолютлаштиради, материяни фақат физика, математика, химия нуқтаи назаридан кўриб чиқади, Унинг механик томони билан қизиқишади, онгнинг борлиги ва материяга таъсирини тан олишмайди.
• Материализм фалсафанинг асосий йўналиши сифатида Демократик Грецияда, эллинистик давлатларда, Англиянинг, Франциянинг буржуа революциялари даврида (XVII–XVIII а.а.), XX асрда СССР ва социалистик мамлакатларда тарқалган.

Фалсафа фанининг таркиби:

Фалсафа фанида ўрганиладиган асосий бўлимларга тегишли масалалар:

- Борлиқнинг моҳияти;
- Борлиқнинг ташкил топиши;
- Материя (субстанция), унинг кўринишлари;
- Онг, унинг келиб чиқиши ва табиати;
- Онг ва материянинг ўзаро муносабати;
- Ҳушсизлик;
- Инсон, унинг моҳияти ва мавжудлиги;
- Жон ва инсон маънавий дунёси;
- Жамият;
- Табиат;
- Табиат ва жамият;
- Жамият ҳаётининг маънавияти;
- Жамият ҳаётининг моддий-иқтисодий соҳаси;
- Жамиятнинг ижтимоий соҳаси;
- Цивилизация ва маданият;
- Экология, тириклик муаммоси;
- Билимнинг хусусияти;
- Фалсафа категориялари;
- Ҳаракат;
- Диалектика ва унинг қонуниятлари.

Фалсафа дунёни англаш усули сифатида

• Фалсафа реал ҳаёт билан узвий боғлиқ ва доим инсон борлиғининг энг муҳим муаммоларини англаб етишга қараб мўлжал олади.
• Ҳозирги даврнинг муҳим муаммоси – глобаллашув ва уни фалсафадаги бутунлай янги мавзу сифатида фалсафий англаб етиш зарур.
• Фалсафа инсонни шахс сифатида тарбиялаш ва камол топтиришда муҳим аҳамиятга эга.
• Фалсафа фактларни эслаб қолишни ўргатмаслиги, балки мулоҳаза юритиш ва саволларга жавоб бериш қобилиятини ривожлантириши лозим. Фалсафадан сабоқлар инсон ҳар бир масала юзасидан мутафаккирлар фикрига мурожаат этмасдан, ўзи мустақил ўйлашни ва ўз ақлига қулоқ солишни ўрганишини назарда тутмоғи даркор. Айни шу сабабли фалсафанинг вазифаси инсонга мулоқот қилишни ўргатиш, у ўз шахсиятининг аҳамиятини кўрсатишга эмас, балки ҳақиқатнинг тагига етишга ҳаракат қилишига эришишдан иборат.

• Фан фалсафадан қанча кўпроқ ажралса, унда шунча кўпроқ масала ва муаммолар пайдо бўлади.


Фалсафа ва фаннинг умумий жиҳатлари
Аввало, ақлга таянади ва оқилона билимни яратишга ҳаракат қилади.
Ўрганилаётган объектлар ва ҳодисаларнинг қонунлари ва қонуниятларини аниқлашга қараб мўлжал олади.
Категориялар аппаратини яратади, ўзлари илгари сурган қоидаларни асослайди, уларга далил-исбот келтиради ва яхлит тизимларни яратишга ҳаракат қилади.


Фалсафа ва фаннинг фарқли жиҳатлари
Фалсафа:
Фан:
Фалсафа илмий билимлар ва далиллардан кенг фойдаланади, бироқ унинг узил-кесил хулосалари ишончли деб ҳисобланиши мумкин эмас, зеро улар, асосан, файласуфларнинг субъектив фикрлари ва мулоҳазаларига асосланади.
Фан моҳият-эътибори билан исботланган ва синалган билимлар олишга ҳаракат қилади, бунда олинган билимларни текшириш ёки рад этиш имкониятининг мавжудлиги бу билимлар ҳақиқийлиги ва илмий жиҳатдан асосланганлигининг муқаррар шарти ҳисобланади.


Фалсафа ва фаннинг фарқли жиҳатлари
Фалсафа:
Фан:
Фалсафа аниқ прогноз бера олмайди.
Фандаги илмий далиллар прогноз қилиш имконини беради.
Фалсафа доим у ёки бу файласуф номи билан боғланади. Унинг ғоялари, асарлари тўлиқ бўлиши ва уларга бошқа файласуфлар қўшилиши ва қўшилмаслиги ҳам мумкин.
Фан эса, моҳият-эътибори билан жамоа меҳнати маҳсулидир.


Фалсафа ва фаннинг фарқли жиҳатлари
Фалсафа:
Фан:
Фалсафада ягона тил ва ягона тизим мавжуд эмас, фикрларнинг ранг-баранглиги меъёр саналади.
Фанда эса, монизм ҳукм суради, чунки ҳеч бўлмаса фаннинг у ёки бу муайян соҳасидаги асосий тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизимига нисбатан ёндашувлар бирлиги албатта мавжуд бўлади.
Фалсафий билимларни тажрибада синаш мумкин эмас.

Фаннинг моҳияти
Кенг маънода
Тор маънода
Бутун инсон фаолияти жабҳаси бўлиб, унинг вазифаси борлиқ ҳақидаги объектив билимларни ўрганиш ва илмий назарий тизимга солишдан иборат
Фан муқаррар тарзда табиат, жамият, тафаккурнинг у ёки бу объекти (ҳодисаси) ҳақидаги илмий билимларнинг қатъий тартибга солинган, изчил тизими

ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ
Илк фан тараққиёти босқичи милоддан аввалги I асрдан XVI асргача
Классик XVI асрдан XIX аср охиригача
Ноклассик XIV аср охридан XX асрнинг 70-йилларигача
Постноклассик XX асрнинг 70-йилларидан ҳозирги давргача

ФАННИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ
ФАН
Маънавий-маданият элементи
Инсон билимининг олий шакли
Ижтимоий институт
Ривожланувчи билимлар тизими
Маънавий фаолият тизими
Илмий тамойиллар, категориялар, қонунлар тизими
Маънавий ишлаб чиқариш
Тадқиқотнинг методи ва воситалари
Билиш услуби


ФАНЛАРНИНГ ТАСНИФИ
1. ОБЪЕКТ
2. ФАН
Табиий
Табиат ноорганик
Техника
Математика
Химия
Инсон органик
Тараққиётнинг умумий қонунлари
Физика
Биология
Психология
Инсон жамияти ва тафаккур
Ижтимоий
Фалсафа
Гуманитар


ФАННИНГ УМУМИЙ ВАЗИФАЛАРИ
ФАННИНГ ВАЗИФАЛАРИ
Билиш вазифаси
Мантиқан ҳаракат қилувчи вазифаси
Фаннинг билиш жараёнида нарсаларнинг моҳиятини аниқлаш имконияти
Фаннинг жамият ва инсон фаолиятини ўзгаришида иштирок қилиши

ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ҚОНУНИЯТЛАРИ
Фан тараққиётининг асосий қонуниятлари
Фан тараққиёти жамият ва ижтимоий тажриба эҳтиёжлари билан асосланади
Фаннинг нисбий мустақиллиги тажрибанинг конкрет вазифалари билан эмас, балки билиш жараёни тараққиёти даражалари билан белгиланади
Ғоялар ва тамойиллар, назария ва тушунчалар, фан методи ва услубларидаги ворисийлик, мақсадга йўналган жараёндаги ички бирлик сифатида билишдаги узлуксизлик
Фаннинг аста-секинлик билан ривожланиши – фаннинг назарий асослари унинг тушунча ва тасаввур тизимларининг (дунёнинг илмий манзараси) нисбатан барқарор (эволюцион) ва шиддатли (революцион) даврларининг алмашинуви
Фаннинг барча соҳаларининг ўзаро таъсири ва ўзаро алоқаси, натижада бир фан предмети бошқа фан методи ва предметлари билан ўрганилиши мумкин ва шарт
Танқиднинг эркинлиги, бахсли ёки ноаниқ масалаларни муҳокама қилиш, турли фикрларнинг эркин тўқнашуви
Танқидийлик – фан доимо ўзининг энг мукаммал натижаларини ҳам қайта кўриб чиқиши ва шубҳаланиши мумкин

Фаннинг таснифи
Фалсафий фанлар:
Онтология
1. Гносеология
2. Мантиқ
3. Ижтимоий фалсафа
4. Этика
5. Эстетика
6. Фалсафа тарихи
Математик фанлар:
Математик мантиқ
1. Математика
2. Амалий математика (кибернетика, информатика)
Табиий фанлар:
1. Механика
2. Астрономия
3. Физика
4. Астрофизика
5. Физикавий-кимё
6. Кимё
7. Геокимё
8. Геология
9. География
10. Биология
11. Биокимё
12. Физиология
13. Антропология
Техник ва технологик амалий фанлар:
1. Космонавтика
2. Техник физика
3. Металлургия
4. Тоғ-кончилик
5. Қишлоқ хўжалиги
6. фанлари
7. Тиббиёт фанлари
Ижтимоий фанлар:
1. Тарих
2. Археология
3. Этнография
4. Иқтисодий география
5. Статистика
6. Иқтисодий фанлар
7. Ҳуқуқшунослик
8. Санъатшунослик
9. Тилшунослик
10. Психология
11. Педагогика


Фаннинг таснифи
Табиий-математик фанлар:
Математика
Макромеханика
Квант ёки микромеханика
Суператом ёки макромеханика
Фанлар интеграцияси
Физикавий-кимё
Кимёвий-физика
Геокимё
Биокимё
Психология
Зоопсихология
Антропология
Тарих
География
Геология
Биология
Ботаника


Фан тараққиётига ёндашувлар:
Сциентизм
Антисциентизм
Фан-техника тараққиётининг ижобий жиҳатларини мутлақлаштиради.
Сциентизмдан фарқли, фан-техника ютуқларига салбий муносабатда бўлиб, оқилоналикни оқламайди.


ХУЛОСА
Дунёқараш бу инсоннинг дунёга, ундаги воқеаларга муносабатлари ва ундаги ўрни ва ҳаёт мазмуни ҳақидаги энг умумий қарашлари тизими.
Инсоният тарихида дастлаб мифологик дунёқараш шаклланган бўлиб, унда инсон атроф-муҳит билан бирлашади ҳамда на табиат ва на ўз уруғидан ажралмаган ҳолда намоён бўлади. Диний дунёқарашга оламни бу дунё у дунё ва ғайритабиий дунёга бўлиш хос. Диннинг асоси ғайритабиий кучларга ишонч билан йўғрилган.
Фалсафа мифологик ва диний дунёқарашдан ўзининг атроф-муҳитга танқидий муносабати асосидаги дунёқарашли функциясини бажаради, гносеологик ва онтологик категорияларга мурожаат қилиб мантиқий хулосалар чиқаради.
Фалсафа назарий асосланган дунёқараш, умумий категориялар, инсоннинг оламга фаннинг табиат ва жамият ҳақидаги ютуқларига таянилган назарий муносабати.
Фалсафанинг аҳамияти, унинг инсонни ўз-ўзини, оламни англашга, ижодий баркамолликка йўналтира олишидадир.

Фалсафий тафаккур эволюцияси. Қадимги давр, Ўрта асрлар, Уйғониш даври фалсафаси




Қадимги дунё Шарқ ва Ғарб фалсафаси муаммоларидаги фарқлар
Шарқ
Асосий эътибор инсон муаммосига қаратилади; Инсон муаммоси амалиёт, одамларнинг ҳаёт фаолияти, турмуш тарзи нуқтаи назаридан ўрганилади. Инсоннинг ўзлиги, одоб-ахлоқи, ҳукмдорларга, турли ёшдаги одамларга, шунингдек, жамиятдаги ижтимоий ҳолати турлича бўлганларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ муаммолар ўрганилади. Дин билан ўзаро алоқадорликда ривожланади. Фалсафий оқим фалсафа сифатида ҳам, дин сифатида ҳам намоён бўлади (брахманизм, индуизм, конфуцийчилик, зардўштийлик). Шарқда ўзига хос фалсафий категориялар аппарати мавжуд (Инь – аёллик, Янь – эркаклик асоси, Ци – уларнинг бирикмаси, Сансара – жоннинг қайта гавдаланиши, Ахурамазда – яхшилик, Ахриман – ёвузлик).
Ғарб
Натурфалсафа, онтология, гносеология, методология, эстетика, мантиқ, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ муаммолари ўрганилади. Ғарбда инсонга руҳий борлиқ ёки одоб-ахлоқи орқали мурожаат этилмайди, балки борлиқ ва билишнинг умумий тамойиллари сифатида ёндашилади. Диндан ажралишга ҳаракат қилади. кўпроқ илмий методологияга таянади. Қадимги Ғарб фалсафий таълимотларининг бирортаси кенг тарқалган динлардан бирига айланмади.
Ғарбда фалсафий категориялар аппарати моҳият, миқдор, ўрин, жой, ҳолат, ҳаракат ва ҳоказолар билан белгиланади. Дастлаб улар ҳақида Аристотелнинг «Категориялар» китобида келтирилган.

Материянинг тузилиши ҳақидаги таълимотдаги фарқлар

Билиш муаммосидаги фарқлар



Ижтимоий муаммоларни ечишдаги фарқлар

Шарқ

Ўтмиш, ҳозирги давр ва келажак манбаи бўлган «дунёвий инсон» муаммолари, умуминсоний қадриятлар, ўзини ўзи камол топтириш, бошқа одамларни бошқариш учун зарур бўлган инсоний фазилатлар ўрганилган. «Қонун» муаммоси устувор бўлган.

Ғарб

Давлат, қонун, меҳнат, бошқарув, уруш ва тинчлик, майллар, манфаатлар, ҳокимият, жамиятнинг мулкий табақаланиши муаммолари ўрганилган.

Қадимги Ҳиндистон фалсафаси

Қадимги Ҳиндистон фалсафасини даврлаштириш

Веда даври (мил. авв. XV–VI асрлар). *Ведалар* («билимлар») – диний-фалсафий ёзма (трактат)лар, Ҳиндистонга милоддан аввалги XV асрдан сўнг Ўрта Осиё, Волга атрофи, Эрондан келган арий қабилалари томонидан яратилган. Қадимги Ҳиндистон фалсафасини ўрганувчилар ведаларнинг охирги хулосавий қисмлари – упанишадалар (санскритдан – ўқитувчи оёғи остида ўтириш) – билан жуда қизиқишади. Упанишадаларда ведаларнинг фалсафий талқини берилади.

Ведаларнинг таркибий қисмлари

- «муқаддас ёзув», диний мадҳиялар («самхитлар»);
- маросимларнинг таърифи («брахманлар»), брахманлар томонидан ёзилган ва улар томонидан диний маросимларни ўтказишда фойдаланилган;
- ўрмон қаландарлари китоблари («араньяклар»);
- ведаларга фалсафий шарҳлар («упанишадалар»).

Эпик давр (мил. авв.VI–II асрлар), бу даврнинг энг машҳур манбалари – икки поэма *«Маҳабхарата»* ва *«Рамаяна»* эпослари, уларда даврнинг кўплаб фалсафий масалалари ўз ифодасини топган.

Сутралар даври (мил. авв. II а. – мил.VII а.) – қисқа фалсафий ёзмалар даври, уларда алоҳида масалалар кўриб чиқилган (м-н, «намасутра» ва б.) – Қадимги Ҳиндистон фалсафасига якун ясайди.

Кейинчалик (ўрта асрларда) Ҳиндистон фалсафасида Гаутама-Будда – буддизм таълимоти етакчи ўринни эгаллади. XVIII–XX асрларда Ҳиндистон фалсафаси Европа фалсафаси ютуқлари билан бойиди, айниқса, инглиз фалсафаси ютуқлари билан.

Қадимги Ҳиндистон фалсафасининг онтологияси



Қадимги Ҳиндистон фалсафаси

Ведалар тўртта тўпламдан иборат бўлиб, булар «Ригведа», «Самаведа» «Яжураведа», «Адхарваведа» деб аталади. Уларнинг фалсафий шарҳлари, фалсафий мушоҳадага оид қисмлари «Упанишад»лар деб номланди.

Қадимги ҳинд фалсафий мактаблари икки гуруҳга бўлиниб, улар Астика ва Настика деб аталади.

Астика гуруҳига кирувчи фалсафий мактаблар Веданта, Санкхья, Йога, Вайшешика, Ньяя ва Миманса мактаблари «Веда»нинг илоҳийлигини тан олишади ва бу ёзма ёдгорликни ҳақиқатнинг ягона манбаси деб билишади.

Настика гуруҳига кирувчи мактаблар сифатида Чорвака, Локаята, буддизм, жайнизм мактаблари қайд қилинади.

Қадимги Ҳиндистон фалсафасининг гносеологияси

Хусусияти

• Қадимги Ҳиндистон гносеологиясининг (билиш ҳақидаги таълимот) асосий хусусияти – предмет ва ҳодисаларнинг ташқи (кўринадиган) хусусиятларини (билишнинг Европа типига хос) эмас, балки онгда бўлаётган жараёнларни предмет ва ҳодисалар олами билан биргаликда ўрганишдадир.

• шунинг учун ҳинд фалсафаси уч хил онг турларини ажратади: *«прак-рити»* – материал онг, *«пуруша»* – тоза онг (бирламчи энергия, ундан Олам ва инсон вужудга келган) ва *«майя»* – тушни англаш, сароб.

• ҳинд фалсафасига кўра онгнинг ҳар бир тури реал ва ўрганилиши керак – ҳинд фалсафаси Европа фалсафасидан фарқ қилган холда фақат материал онгни тан олади ва узоқ вақт мобайнида (О.Контгача) асл ва асл эмас борлиқ, моҳият ва хаёлот масалаларини кўриб чиқмаган.

Ҳинд фалсафасида руҳ масаласи

Ҳинд фалсафасига кўра руҳнинг икки асоси

• *Атман* – Худо Брахманинг инсон руҳидаги бўлаги. Атман биринчи асосдир, у ўзгармайди, доимийдир.
• *Манас* – инсоннинг ҳаёти давомида пайдо бўладиган руҳи. Манас доим ривожланади, инсон хатти-ҳаракатларидан, шахсий тажрибасидан, тақдиридан келиб чиққан ҳолда юқори поғоналарга кўтарилади ёки ёмонлашади.

Сансара, карма, мокша и ахимсанинг умумий тушунчаси

• **Сансара** – абадийлик ва руҳнинг ўлмаслиги, ердаги ҳаётда қатор азоблардан ўтиши ҳақидаги таълимот.

• **Карма** – инсон ҳаётининг, тақдирининг белгиланганлиги. Карманинг мақсади – инсонни синовлардан ўтказиш, унинг руҳи комилликка интилиши ва энг юқори маънавий ривожланишга – мокшага етишишига эришиш. Бу мақсадга эришиш учун руҳ ўнлаб, юзлаб ер ҳаётидан ўтиши мумкин.

• **Мокша** – энг юқори маънавий комиллик, унга етгандан сўнг руҳ эволюцияси (карма) тугайди. Мокшага эришиш (руҳнинг эволюцион ривожланишинг тугаши). Ҳар бир руҳнинг ердаги ҳаётда эришиши мумкин бўлган энг олий мақсади. Мокшага эришган руҳлар тугалмас ҳаёт занжиридан қутулиб, *Махатмалар* – Буюк руҳлар бўладилар.

• **Ахимса** – ердаги барча ҳаёт шаклларининг бирлиги (инсон, ҳайвон, табиат бирлиги. Ахимсанинг асосий тамойили – ўраб турган атроф-муҳитга зарар етказмаслик (инсонларга, ҳайвонларга, жонли табиатга), ўлдирмаслик.

Қадимги Хитой фалсафаси

Эрамиздан олдинги VI–III асрларда Хитойда асосан олтита фалсафий таълимот (мактаб) шаклланган: конфуцийчилик, даосизм, моизм, легизмлар ва бошқалар.

Конфуцийчилик таълимоти бўйича ҳар бир ижтимоий қатламнинг ахлоқ нормалари мавжуд бўлиб, уни ўзгартириш мантиққа зиддир. Масалан, бошқарувчилар тоифасига кирган кишилар ахлоқ нормаларини иктисодий кам таъминланган ижтимоий қатлам ахлоқ қоидаларига қараб ишлаб чиқиш мумкин эмас. Ахлоқ мезонлари кишиларнинг жамиятдаги мавқеларига, иқтисодий таъминланганлик даражасига қараб ўзгариб, такомиллашиб борувчи ижтимоий жараёндир.

Асосий фалсафий доктриналар

Хитой фалсафасининг даврлари ва ўзига хослиги

Хитой фалсафаси
Хитой фалсафасининг ривожланиш даврлари.
Хитой фалсафасида ўз аксини топган Олам ва борлиқнинг хитойча кўришнинг ўзига хос хусусиятлари

• мил. авв. VII а. – мил. III а. – қадимги миллий фалсафий мактабларнинг вужудга келиши ва ривожланиши;
• III–XIX а.а. – Хиндистондан буддизмнинг кириб келиши ва миллий фалсафий мактабларга таъсири;
• Хитойни мавжуд оламнинг маркази сифатида қабул қилиш;
• алоҳида ҳодисалар, тарихни циклик (айланма) жараён сифатида тушуниш;
• Ер ва Осмон олдида Ерда космик циклларнинг тўғри амалга ошиши учун жавобгарлик сезиш;
• инсон, табиат ва коинот бир бутунлик сифатида қабул қилиш;
• онгнинг консервативлиги, ўтмишга йуналганлик, узгаришлардан қўрқиш;
• XX а. – ҳозирги давр – хитой жамиятининг эпиклигига чек қўйилиши, Хитой фалсафасининг Ғарб ва жаҳон фалсафаси ютуқлари билан бойиши.
• жамоадан алоҳида бир шахснинг ажратилмаслиги;
• табиат офатлари билан курашда алоҳида шахснинг кучсизлигини англаш;жамоавий (оммавий) мехнат шаклларига урғу бериш (Буюк Хитой девори қурилиши, дамбалар қурилиши, каналлар казилиши, сув тошкинлари билан кураш, ирригацион деҳқончилик ва б.); шундан – ташкил қилувчи куч – давлат олдида ҳурмат ва қурқув;
• инсон, жамият ва давлатни бутун бир бирлик сифатида қабул қилиш; жамиятда вертикал муносабатларнинг (ҳокимият–буйсуниш), субординация, бошлиқларга бўйсуниш, императорни давлатни бирлаштирувчи буюк куч сифатида тан олиниши, давлатни эса, жамиятни бирлаштирувчи куч сифатида тан олиш, император шахси, ҳокимияти ва мансабининг худолаштирилишининг тарқалиши;
• ўзаро муносабатларда конформизм, тинчлик ва ҳаракатсизликка мойиллик билдириш;
• ҳаётни авваломбор руҳнинг танадаги ҳаёти сифатида қабул қилиш, нариги дунёдаги ҳаётни ердаги ҳаётдан устун қўйиш, ҳар бир инсоннинг ердаги ҳаётини имкон даражасида узайтириш (ўтлар, жисмоний машқлар ёрдамида, тўғри ҳаёт тарзи олиб бориш, оламга тўғри муносабатда бўлиш);
• ташқи кучларни реал деб тан олиниши, ўлганларни тирикдек қабул қилиш;
• ота-оналарга, катталарга ҳурмат, аждодлар ва руҳларга («шэнларга») эҳтиром.

Хитой фалсафаси ва мифологиясида инсон ва олам пайдо бўлишининг масалалари

Хитой фалсафасида инсон масаласи

Хитой фалсафасида инсон масаласи: Инсон табиат ва коинот билан бир деб тушунилсада, жамиятнинг бир бўлаги сифатида инсон борлиғи марказий ўринни эгаллайди.

Хитой фалсафаси буйича инсоннни ташкил этивчи коинот энергиясининг уч тури

• ***Цзин*** – *бутун борлик яралган* энергия, тирик организмнинг «томири», «уруғи». Бу психофизик энергиянинг икки тури ажратилади: *«Олдинги Осмон уруғи»* – инсонга туғилганида берилган нарсалар, генетик программа, жисмоний белгилар, ва *«Кейинги Осмон уруғи»* – инсон ҳаёти давомида туплайдиган нарсалар. Айрим ҳолларда цзин сексуал энергия билан тенглаштирилади.
• ***Ци*** – маънавий-материя энергия, бутун борлиқни «қурилиш материали» бўлиб хизмат қилади (цзиндан фарқли ўлароқ – вужудга келиш энергияси). Ци энергияси *моддий ци,* ундан барча нарса ва жонзотлар материал шаклни қабул қилади ва *маънавий ци* – инсон ва бошқа тирик жонзотлар руҳиятини ташкил этади. Маънавий ци – инсон ҳаётининг асоси.
Омадли, жисмоний ва руҳий соғлом инсон «ёруғ», «тоза» цига эга. Касалманд, заиф, омадсиз инсон эса – «оғир», «ифлос», «қора» цига эга. Омад, жисмоний ва руҳий соғлик, бахтга йўл – цини барча кераксиз нарсалардан озод қилиш, руҳни тозалаш.
• ***Шзнь*** – инсондаги йўқотиб бўлмайдиган (ўлмайдиган) маънавий энергия, бу энергия инсоннинг «ўзаги«ни ташкил этади ва инсон ўлганидан сўнг ҳам йўқолмайди (цидан фарқли равишда).


Хитой фалсафасида инсон идрокининг ўзига хослиги
Хитой фалсафасидаги инсон идрокининг Ғарб фалсафасидан фарқи
Хитой фалсафаси инсон тушунчасини аниқ ёритмайди, инсон моҳиятини аниқ тушунчалар билан эмас, балки инсон образини яратиш ва уни ўрганиш билан англашга интилади (шунинг учун хитой фалсафасида инсон тушунчаси эмас, Образ – тушунчалар, нафақат инсон балки нарсалар образи ҳақида гапириш тўғри бўлади);
Инсон ҳаёти бошланишини туғилишдан эмас, балки ҳомилалик вақтидан ҳисоблайди;
инсон муносабатлари системасидан инсоннинг ўлимидан сўнг ҳам олиб ташламайди, яъни инсон (унинг айрим материал ҳолатга эга руҳи – «шен») ўлганидан сўнг ҳам инсоний муносабатлар системасида қолади – овқат, меҳрга муҳтож, аввалги мансабини сақлаб қолади, у кўтарилиши, мукофотланиши мумкин, авлодларининг ахлоқидан келиб чиқиб амалдан олиб ташланиши, жазоланиши мумкин;
инсонннинг маънавий руҳий маркази қилиб бошни (мия, юз, кўз ва б.) эмас, юракни белгилайди;
Инсонни табиат ва коинотнинг бўлаги сифатида қабул қилади, Инсонннинг табиат ва бошқа жонзотлар устидаги ҳукмронлигини тан олмайди, Индивидуализм ва бир шахснинг жамиятнинг бошқа вакилларигага қаршилиги тан олинмайди;
Ердаги ҳаётни қадрлашга ва уни узайтиришга ҳаракат қилишга чақиради.
Узоқ умр кўришнинг асосий шартлари (хитой фалсафасига кўра)
Руҳий-психофизик энергия – «ци»ни тоза ҳолатда сақлаш, бунга кераксиз ташвишлардан холос бўлиш, ёмон ва зарарли фикрлардан холос бўлиш, ўраб турган оламга тўғри муносабатда бўлиш, катталарга ва атрофдагиларга ҳурмат, оптимизм, уй ва унинг жиҳозларининг тўғри жойлашуви, ёмон «ци»га эга булган инсонлар билан мулоқотда бўлмаслик, фақат тоза «ци»га эга инсонлар билан алоқа қилиш киради;
Ўз танаси ва устида ишлаш – «син чун» – ўзини маданийлаштириш;
Тақдир устида ишлаш, жамиятга фойда келтириш – «мин чун»;
Жамиятдаги тартибни сақлаш;
Фойдали ва доривор утларни истеъмол килиш, тўғри овкатланиш;
Хитойда яшаш, хитой маданияти билан бирлашиш, Хитойнинг маънавий энергиясидан озиқланиш.

Хитой мифологияси ва фалсафасининг инсон ҳамда оламнинг вужудга келишини тушунтириши



Даосизм – Хитойнинг қадимий фалсафий таълимоти

Даосизм – Хитойнинг қадимий фалсафий таълимоти, оламнинг тузилиши ва мавжудлиги (яшаши)ни тушунтиришга ва инсон, табиат, коинот юриши керак бўлган йўлни топишга ҳаракат қилади. Бу таълимот асосчиси Лао Цзи (Кекса Устоз) – мил. авв. VI–V а.а. яшаган. Асосий манбалари – «Даоцзин» ва «Дэцзин» фалсафий ёзмалар (трактатлар), биргаликда «Даодэцзин» деб номланади.

Даосизм фалсафасининг асосий ғоялари

- Оламда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ, ҳар бир нарса ва ҳодиса бошқа бир нарса ва ҳодиса билан боғлиқ;
- Оламни ташкил этувчи материя ягонадир; табиатда материянинг айланмаси мавжуд («ҳамма нарса ердан чиқади ва ерга киради»), яъни бугунги инсон кеча оламдаги бошқа бир формада бўлган – тош, дарахт, ҳайвон қисмлари ва инсон ўлимидан сўнг унинг аъзолари бошқа бир ҳаёт формаси ва ҳодисалар учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади;
- Оламдаги тартиб, табиат қонунлари, тарих ўзгармайди, шунинг учун инсон ҳаётининг асосий тамойили – тинчлик ва ҳаракатсизлик («у-вэй»);
- Император мукаддас шахс, фақат у худолар ва юқори кучлар билан маънавий алоқада бўла олади; император шахси орқали Хитой ва бутун инсониятга «Дэ» – тетиклантирувчи куч ва неъмат ўтади; инсон императорга қанча яқин бўлса, шунча кўп «Дэ» унга императордан ўтади;
- «Дао»ни англаш ва «Дэ»ни олиш учун даосизмнинг барча қонунларига тўлиқ амал қилиш керак, «Дао» билан бирлашиб, императорга бўйсуниш ва унга яқин бўлиш;
- Бахт ва ҳақиқатга олиб борадиган йўл – хирс ва истаклардан озод бўлиш.

Асосий тушунчалар

«Дао» – иккита маънога эга: биринчидан, бу инсон ва табиат ўз ривожланишида ўтиши керак бўлган йўл, оламнинг борлигини таъминлаб берувчи умумбашарий қонун; иккинчидан, бу бутун олам яралган субстанция, энергетик бўшлиқ бўлган биринчи борлиқ.

«Дэ» – тепадан берилуви неъмат; биринчи борлиқ «Дао»ни оламга айлантирган энергия.

Конфуцийчилик – қадимий фалсафий мактаб, инсоннни аввалambор ижтимоий ҳаёт қатнашчиси сифатида кўриб чиқади. Конфуцийчиликнинг асосчиси *Конфуций* (Кун-Фу-Цзы) мил. авв. 551–479-йиллар яшаган. Асосий манбаси *Лунь Юй* («Суҳбатлар ва мулоҳазалар») асари.

Хусусиятлари

Конфуцийчилик ҳал этадиган масалалар: инсонларни қандай бошқариш керак ва жамиятда инсон ўзини қандай тутиш керак.

Мазкур мактаб намояндалари жамиятни юмшоқ бошқариш тарафдорлари. Мисол тариқасида отанинг ўғиллар устидаги ҳокимияти келтирилади, асосий шарт сифатида эса – бошлиқларнинг қўл остидагиларга оталик муносабати, қўл остидагиларнинг эса бошлиққа нисбатан ўғиллик муносабати.

Конфуцийчиликнинг жамиятда инсонлар ўзини тутушининг *олтин қонуни*: ўзинга раво кўрмаган нарсангни бировга қилма.

Конфуций таълимоти Хитой жамиятининг бирлашишида катта роль ўйнади. Асосчисининг ҳаёти ва фаолиятидан сўнг 2500 йил ўтган бўлса ҳам бу таълимот ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Конфуций таълимотининг асосий тамойиллари

Конфуцийчиликда бошлиқлар ва бўйсунувчи шахслар муаммоси

- жамиятда ва жамият учун яшаш;
- бир-бирига ён бермоқ;
- мансаби ва ёши катта бўлган кимсаларга қулоқ солиш;
- императорга бўйсуниш;
- ўзини тийиш, ҳар нарсада меъёрга риоя қилиш, радикалликдан қочиш;
- инсонпарвар бўлиш.

Бошлиқ эга бўлиши керак бўлган фазилатлар

- императорга буйсуниш ва конфуцийчилик тамойилларига риоя этиш;
- эзгулик асосида бошқариш («бадао»);
- етарли билимларга эга бўлиш;
- давлатга содиқ хизмат қилиш, ватанпарвар бўлиш;
- юксак мақсадларни олдига қўйиш;
- олижаноб бўлиш;
- давлат ва атрофдагиларга фақат яхшилик қилиш;
- мажбуриятдан шахсий малака ва маслакни устун қўйиш;
- давлат ва инсонларнинг шахсий фаровонлиги тўғрисида қайғуриш.

Бўйсунувчи шахслар эга бўлиши керак бўлган фазилатлар

- бошлиққа нисбатан содиқ бўлиш;
- ишда тиришқоқ бўлиш;
- доим ўқиш ва ўз устида ишлаш.


Легизм тавсифи
Легизм (қонунчилар мактаби ёки Фацзя) – Қадимги Хитойнинг бошқа ижтимоий таълимоти
Хусусиятлари
• Легизм асосчилари – Шан Янь (мил. авв.390–338 й.й.) ва Хань Фэй (мил. авв.288–233 й.й.).
• Император Цинь-Ши-Хуа даврида (мил. авв. III а.) легизм расмий ғоя сифатида тан олинди.
• Легизмнинг асосий масаласи (конфуцийчилик каби): жамиятни қандай бошқариш керак?
• легистлар давлатни қонунларга асосланган зўравонлик йўли билан бошқариш керак дейишади.
• шундай қилиб, легизм – кучли давлат ҳокимияти фалсафаси.
Легизмнинг асосий қоидалари
• инсон ҳаракатларининг асосий омили – шахсий эгоистик қизиқишлар;
• алоҳида шахсларнинг (ижтимоий гуруҳларнинг) қизиқишлари ўзаро қарама қарши;
• бебошликни ҳамда адоватни олдини олиш учун давлат ижтимоий муносабатларга аралашиши керак;
• Давлат (армия, амалдорлар тимсолида) қонунларга риоя этадиган фуқароларни рағбатлантириши керак ва айбдорларни шавқатсиз жазолаши керак;
• барча инсонларнинг қонуний ҳаракатларининг асоси – жазоланиш олдидаги қўрқув;
• қонуний ва ноқонуний ҳаракатларни, жазо қўллашнинг белгиловчиси бўлиб қонунлар хизмат қилиши керак;
• қонунлар барча учун баробар бўлиши ва қонун бузилганда оддий инсонлар учун ҳам амалдорлар учун ҳам бир хил қулланиши лозим;
• давлат аппарати мутахассислардан ташкил топиши лозим (яъни, амаллар фақат зарур билимга эга бўлган ва ишбилармон номзодларга берилиши лозим, ворислик бўлиб ўтиши мумкин эмас);
• давлат – жамиятнинг асосий тартибга солувчи механизми, шунга кўра у ижтимоий муносабатлар, иқтисод ва фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиш ҳуқуқига эга.

Қадимги юнон фалсафасининг ривожланиш даврлари

Эллинизм даври (мелоддан аввалги VI–II аср) полис инқирози ва юнонлар ҳукмронлиги ва Искандар Зулқарнайн ва унинг авлодлари бошчилигидаги Осиё ва Африкада йирик давлатчиликнинг ташкил қилиниши даври

Асосий йўналишлар	Хусусиятлари
Киникларнинг анти-ижтимоий фалсафасининг тарқалиши;	Антик ахлоқнинг ва фалсафий қадриятлари инқирози;
Фалсафада стоиклар йўналишининг пайдо бўлиши;	Худолар ва шунга ўхшаш ғайритабиий кучларга нисбатан қўрқувнинг нисбийлиги;
Сократ мактабларининг фаолияти Платон Академияси, Аристотель Ликея киреклар мактаби ва ҳоказо;	Ўз-ўзида жисмоний ва руҳий мадад излаш;
	Воқеликдан воз кечишга интилиш;
Эпикур фалсафаси ва ҳ.к.;	Шахсни бахт ва лаззатнинг олий неъмати эканлигини тан олиш (жисмоний – киренаиклар, ахлоқий – Эпикур).

Фалес (эрамиздан олдинги 624–547-йиллар), у Милет шаҳрида истиқомат қилган.

Дунёнинг асосида сув ётади, ҳамма нарса сувдан келиб чиқади ва яна сувга айланади.

Анаксимен (эрамиздан олдинги 588–525-йиллар) ҳавони ҳамма нарсанинг асоси деб тушунган.

Ҳаво қуюқлашса – сув, янада қуюқлашса – ер, тош ва бошқа моддий жисмлар вужудга келади, агар ҳаво сийраклашса – олов вужудга келади, деб ишонтиришга ҳаракат қилган.

Қадимги юнон (антик давр) фалсафасининг ривожланиш даврлари
Рим даври милоддан аввалги I аср ва милодий V аср
Машҳур файласуфлар
Хусусиятлари
Сенека
Марк Аврелий (Рим императори 161–180-йиллар)
Тит Лукреций Кар
Стоиклар
Дастлабки насронийлар
Қадимги Юнон ва қадимги Рим фалсафасининг ўзаро таъсири. (Қадимги юнон фалсафаси рим давлатчилиги доирасида ривожланган ва ўзида унинг таъсирини сезган, айни пайтда қадимги Рим фалсафаси қадимги Юнон ғоялари ва анъаналари заминида шаклланган);
Қадимги Юнон ва қадимги Рим фалсафаси – антик фалсафада ўз ифодасини топади;
Антик фалсафага забт этилган халқларнинг анъана ва ғояларининг таъсири
Фалсафа, файласуф ва давлат институтларининг яқинлиги (Сенека Рим императорини тарбиялаган, Марк Аврелийнинг ўзи император бўлган);
Табиат муаммоларига эътиборнинг нисбатан камлиги;
Инсон, жамият давлат муаммоларига эътиборнинг кучлилиги;
Эстетиканинг гуллаб яшнаши, (фалсафанинг предмети инсон хулқ-атвори ва фикри бўлган);

Қадимги юнон (антик) фалсафасининг ривожланиш даврлари

Суқротгача бўлган давр (эра. VII–V аср) уларнинг асосий муаммоси табиат ҳодисаларини тушунтириш, космос моҳияти, теварак-атроф, борлиқнинг келиб чиқиши эди, фалсафа услуби – ўз дунёқарашини баён қилиш ва уларни догмага айлантириш

«Суқротгача бўлган файласуфлар, бу даврнинг вакиллари»

Милет мактаби – «физиклар» Фалес, Анаксимандр, Анаксимен

Эфеслик Гераклит

Элей мактаби

Атомчилар (Демокрит, Левкипп)

барча бошқа файласуфлар

Классик (мумтоз) Суқрот даври (эр.авв. V аср ўртаси IV охири – қадим Юнон фалсафасининг гуллаб-яшнаган давр)

Суқротгача бўлган файласуфлар, бу даврнинг вакиллари

Асосий йўналишлари

- Софистлар фалсафаси
- Суқрот фалсафаси
- «Суқрот» мактабининг юзага келиши
- Платон фалсафаси
- Аристотель фалсафаси

Космос ва табиат моҳиятини ўрганишнинг мумтоз даври ва «Суқротгача»лар томонидан ўрганилиши

- Суқротчилар даври файласуфлари бирламчилик масаласига кам эътибор берганлар
- Коинот табиатини яратишда худоларнинг иштирокини фараз қилганлар
- Борлиқни пайдо бўлишини тахминий ғоясини илгари сурганлар Платон реал дунёдаги илгариги ёки реал дунёда кўринган тоза ғоялар таълинотини яратган.
- фалсафанинг демократик-догматик услубидан диологик-нисбат услубига ўтдилар
- Мантиқнинг риволанишига хисса қўшдилар
- Амалий фалсафа таълимотини илгари сурдилар

Эфеслик Гераклит (милоддан аввал VI асрнинг иккинчи ярим – V асрнинг биринчи ярми) – йирик қадимги Юнон файласуфи – фалсафий йўналиши асосчиси. Дастлаб мантиқий мактабга тегишли бўлган

Асосий қарашлари

- Оламнинг бошланғич асосини олов деб ҳисоблаган;
- Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунини яратган – диалектиканинг асосий қонуни (Гераклитнинг муҳим фалсафий кашфиётларидан);
- Бутун олам доимий ҳаракат ва ўзгаришда деб ҳисоблаган (ариқдан оққан сувга икки марта оёқ босиб бўлмайди);
- Табиатдаги моддаларнинг алмашинуви ва тарихнинг даврийлиги тарафдори бўлган;
- Оламнинг нисбийлигини тан олган (денгиз суви инсон учун ифлос, балиқ учун эса тоза, турли вазиятларда инсоннинг айнан бир хил хатти-ҳаракати ҳам яхши, ҳам ёмон бўлиши мумкин);
- Барча нарсалар Дунёвий Ақл билан эгалланади;
- Инсон ва олам руҳининг моддийлигини тан олган;
- Ҳар қандай жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи «кураш»; «уриш (кураш) барча нарсанинг отаси ва онасидир».


Пифагор (милоддан аввалги V аср) – катта софистларнинг таниқли вакили
Хусусиятлари
Ўзининг фалсафий қарашини Пифагор шундай ифодалайди «Инсон барча мавжуд нарсаларнинг мавжуд бўлганлиги, мавжуд бўлмаган нарсаларнинг мавжуд бўлмаганлиги учун меъёридир».
Пифагор замондошларидан бири борлиқ ва билишнинг нисбийлиги ҳақидаги фикрни баён этувчи «иккиёқламали нутқ» асарининг муаллифи деб эътироф қилинади («Касаллик касал учун ёмон, шифокор эса яхши»; «ўлим ўлаётган киши учун ёмон, бироқ гўрков ва мурдашуй учун яхши») инсонни ҳар қандай вазиятда ютуққа эришишга чорлайди.
Ўз даврига нисбатан Пифагорнинг Худоларга нисбатан муносабати ҳам инқилобийдир. «Худолар ҳақида мен ҳеч нарса билмайман, чунки жуда ҳам кўп нарса уларни билишга тўсқинлик қилади», масала ниҳоятда мураккаб, инсон умри эса ниҳоятда қисқа.
Пифагор фалсафасининг асосий ғоялари
Инсон онгидан ташқарида ҳеч нарсанинг бўлиши мумкин эмас;
Ҳеч нарса мутлақликка даъвогар бўла олмайди;
Инсон учун бугун нима яхши бўлса, демак у ҳақиқатан ҳам ҳозир ёмон ва зарарлидир;
Агар эртага бугун яхши нарса ёмон бўлса, демак у ҳақиқатан ҳам ҳозир ёмон ва зарарлидир;
Бизни ўраб турган барча нарсалар инсоннинг ҳиссий идрокига боғлиқ («Соғлом одам учун ширин нарса, касал одам учун аччиқдир»);
Бизни ўраб турган олам нисбий;
Объектив (ҳақиқий) билимга эга бўлиш мумкин эмас;

Пифагорчилар – қадимги юнон файласуфи ва математиги Пифагор тарафдорлари ва издошлари (милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярми V аср бошлари).

Асосий қарашлари

- Барча нарсаларнинг бошланғич асоси сонлар деб ҳисоблаганлар (воқеликдаги барча нарсаларни ва воқеаларни сонларга боғлаш ва сонлар ёрдамида ўлчаш мумкин);
- Оламни сонлар орқали билишни ҳимоя қилганлар (сонлар орқали билишни ҳиссий идрок орқали билиш деб билганлар);
- Бирликни барча нарсаларнинг майда зарраси деб ҳисоблаганлар;
- Оламнинг диалектик бирлигини кўрсатувчи «протокатегорияларни« ажратишга ҳаракат қилганлар (тоқ-жуфт, ёруғ-қоронғи, тўғри-қийшиқ, ўнг-сўл ва ҳ.к.).

Элейликлар – элей фалсафа мактаби намояндалари, эрамиздан аввалги VI–V асрларда қадимги Элей – ҳозирги даврдаги Италия ҳудудида яшаганлар

Бу мактабнинг машҳур файласуфлари

- **Парменид;**
- **Элейлик Зенон;**
- **Самослик Мелисс**

Асосий қарашлари

- Билиш муаммоларини ўрганганлар;
- Ҳиссий билиш ва олий руҳий билишни ажратадилар (фикр);
- Монизм тарафдори бўлганлар – турли ҳодисаларнинг ягона бошланғич асосдан пайдо бўлганлигини тан оладилар;
- Барча нарсалар ғояларнинг моддий ифодаси, деб ҳисоблаганлар (идеализмнинг бошловчилари бўлганлар).



Суқрот (милоддан аввалги 469–399-й). Софистикага алоқадор файласуфлардан бири

Суқрот фаолиятининг тарихий аҳамияти

- Билимни тарқатишга, фуқароларнинг маърифатли бўлишга хайриҳоҳ бўлган;
- Инсониятнинг азалий муаммолари яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат, ҳалоллик ва шу кабиларга жавоб излаган;
- Ҳозирги замонда кенг қўлланиладиган «майевтика» методини яратган;
- Ҳақиқатга эришишнинг диалектик методини яратди, уни эркин баҳсда эгаллаш мумкинлигини исботлаган;
- Ўз ишининг давомчилари шогирдларини тарбиялади (масалан, Платон) қатор «Суқрот мактаблари» бошида турган.

Хусусиятлари

- Суқрот йирик фалсафий асарларни яратмаган бўлсада, тарихга буюк колемист, (баҳсга чорловчи) донишманд, файласуф-педагог сифатида ном қолдирган.
- Суқрот яратган ва қўллаган асосий метод «майевтика« номини олди. Унинг моҳияти шундаки, мантиқий усуллар, қарши саволлар ёрдамида суҳбатдошни ҳақиқатни мустақил топишга йўналтириш.
- Суқрот ўз фалсафасини ва маърифий ишларини майдонларда халқ орасида очиқ мулоқот тарзида олиб борган диалог мавзулари ўз даврининг долзарб муаммолари ҳатто ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган, яхшилик; ёмонлик; муҳаббат; бахт; ҳалоллик ва шу кабилар бўлган.

Протагор (милоддан аввалги V аср) – катта авлод сафсатабозларининг таниқли вакили



Хусусиятлари

Ўзининг фалсафий қарашини Протагор «Инсон барча мавжуд нарсаларнинг мавжуд бўлганлиги ва мавжуд бўлмаган нарсаларнинг у мавжуд бўлмагани учун меъёридир». Бу дунёни, яхши ва ёмонни баҳоловчи мезонсифатида сафсатабозлар инсоннинг субъектив фикрини илгари сурганларини англатади.

Борлиқ ва билишнинг нисбийлиги тўғрисидаги фикрга олиб келувчи ва ёш йигитни баҳсда исталган вазиятда ғалаба қозонишга ўргатувчи «Икки маъноли нутқлар» асарини ҳам Протагорнинг замондошларидан бири томонидан яратилган деб ҳисоблайдилар (касаллик бемор учун ёвузлик, лекин ҳакам учун неъматдир; ўлим ўлаётган киши учун ёвузлик, лекин гўрков ва тобутсоз учун неъматдир).

Ўз даврига нисбатан Протагорнинг худоларга муносабати ўзгача ва инқилобийдир. «Худоларнинг борлиги ёки йўқлигини била олмайман, чунки жуда кўп нарса уларни билишга тўсқинлик қилади – масала ниҳоятда мураккаб, инсон умри эса қисқа».

Протагор фалсафасининг асосий ғоялари

- Инсон онгидан ташқарида ҳеч нарса мавжуд эмас.
- Ҳеч нарса мутлақликка даъвогар бўла олмайди.
- Бугун инсон учун нима яхши бўлса, у чиндан ҳам яхши нарса бўлади.
- Агар бугун яхши бўлган нарса эртага ёмон бўлса, демак у чиндан ҳам зарарли ва ёмондир.
- Бизни ўраб турган бутун борлиқ инсоннинг ҳиссий идрокига боғлиқ («Соғ одам учун ширин бўлиб туюлган нарса, беморга аччиқ умр туюлади«).
- Бизни ўраб турган олам нисбийдир.
- Объектив (ҳақиқий) билимга эришиб бўлмайди.
- Фақат фикр дунёсигина мавжуд.

Платон (милоддан аввалги 427–347) Қадимги Юнонистоннинг йирик файласуфи, Суқротнинг шогирди, ўз мактаби – Академиясининг асосчиси

Хусусиятлари

Соф (танасиз) ғоялар ҳақиқий, абадий ва доимий;

Фақат соф ғоягина реал мавжуд (эйдос);

Платоннинг аксарият асарлари диалог баҳс шаклида ёзилган.

Моддий нарсалар ўзгарувчан ва аслида умуман мавжуд эмас;

Олам (нарсалар олами) вақтинча ўзгарувчан ва аслида умуман мавжуд эмас;

Платон – ўзидан кейин бири «Суқрот Апологияси», «Парменид», «Горгий», «Федон», «Давлат» қонунлар каби йирик фалсафий асарларини қолдирган биринчи қадимги юнон файласуфи.

Ҳар қандай мавжуд, шунчаки нарса ҳақидаги бошланғич ғоя (эйдос)нинг моддий инъикосидир (масалан отлар туғиладилар ва ҳалок бўладилар, бироқ улар абадий ва ўзгармас от ғоясининг намоён бўлишигина халос);

Платон гносеологияси

Мадомики модий олам «ғоя»лар оламининг инъикоси бўлар экан, унда билиш предмети энг аввало соф ғоя бўлиши керак;

«Соф ғоя»ни фақат ақл ёрдамида олиш маънавий фаолият натижасида билиш мумкин;

Олий маънавий фаолият билан фақат маълумотли интелектуаллар, файла-суфлар шуғулланиши мумкин, демак фақат уларгина «соф ғоя»ни кўриши ва англаши мумкин

«Соф ғоя»ни ҳиссий қабуллаш орқали билиш мумкин эмас (бу турдаги билиш бизга ҳақиқий билимни эмас, балки фақат фикрни бериши мумкин);

Суқрот мактаблари – Суқрот ғоялари таъсирида шаклланган фалсафий таълимотлар ва уларнинг Суқрот шогирдлари томонидан ривожлантирилиши

Платон Академияси – милоддан аввалги 385 йилда Платон яратган диний фалсафий мактаб, унинг мақсади, фалсафий муаммоларини тадқиқ қилиш. Милоддан аввалги VI асргача мавжуд бўлган (1000 йил) худоларни улуғлашдан иборат.

Киниклар – жамиятдан ташқаридаги, эркинлик ғоясини асословчи фалсафий мактаб. Унинг намояндалари ўз фалсафий қарашларини ўзларида текширганлар. Киниклар дарвешона ҳаёт кечирганлар, оила қурмаганлар, давлат ва қонунларни яратганлар, анъанавий маданият, ахлоқ бойликдан ҳазар қилганлар, диққат-эътиборларини инсоний камчилик ва ёмонликка қаратганлар, киникларнинг ёрқин намояндалари Антисфен, синоплик Диоген (Платон уни «девона» деб атаган).

Кирен мактаби – Суқротнинг шогирди киренлик Аристипп томонидан милоддан аввалги VI асрда асос солинган.

Мегар мактаби – Суқротнинг шогирди мегарлик Евклид томонидан милоддан аввалги IV асрда асос солинган. Намояндалари – Евбулид, Диодор Крон.

Мегар мактаби – Суқротнинг шогирди Евклид томонидан милоддан аввалги IV асрда асос солинган. Намояндалари – Евбулид, Диодор Крон.

Хусусиятлари

Мегарликлар олий мавҳум неъмат мавжуд бўлиб, аниқ изоҳлаб бўлмайдиган – Худо, ақл ҳаётий энергиядир. Олий неъматнинг қарама-қаршиси (мутлақ ёмонлик) мавжуд эмас.

Фалсафий-назирий изланишлардан ташқари, мегарликлар фаол амалий фаолият олиб борганлар (аниқроғи софистика билан шуғулланганлар) ва «баҳсловчи» деб ном олганлар.

Мегар мактаби вакиллари (Евбулид, яъни парадоксларни) апорияларнинг муаллифи бўлганлар (софизм билан қориштирмаслик керак). «Уюм» ва «Кал» апорияси ёрдамида сон ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши диалектикасини тушунишга ҳаракат қилганлар.

«Уюм» апорияси, агар ерга дон ташланса ва унинг ёнига биттадан дон ташланиб борилса, унда қайси вазиятда бу ерда уюм ҳосил бўлади? Донлар йиғиндиси унга битта дон қўшилиши билан уюмга айлана оладими?

«Кал» апорияси, агар одам бошидан биттадан соч толаси туша бошласа, унда қачондан у кал бўлади? Инсонни кал бўлишига олиб келувчи конкрет соч толасини аниқлаш мумкинми?

Атомистлар – ушбу фалсафа мактаби намояндалари (Демокрит, Левкипп) оламнинг бошланғич асоси майда заррачалар – атомлардир, деб ҳисоблаганлар (фалсафада Демокрит йўналиши Платоннинг йўналишига қарама-қаршидир).

Демокрит таълимотининг асоси

- Бутун моддий олам атомлардан ташкил топган;
- Атом-майда зарра, «оламнинг бошланғич асоси»;
- Атом бўлинмас (бу ғоя фақат бизнинг замондошларимиз томонидан инкор қилинган);
- Атомлар турли ҳажмга (энг майда, энг йирик) турли шаклга эга (эгри, қалқонсимон, айлана, узунчоқ ва ҳ.к.).
- Атомлар абадий ҳаракатда;
- Атомларни ҳиссий билиш орқали «кўриш« мумкин эмас.
- Атомлар орасида бўшлиқ билан тўлдирилган макон мавжуд;
- Атомлар хаосда ҳаракат қилади; нарсалар, тирик организмларда мавжуд бўлади, бўлинади, сўнгра бу атомлардан янги тирик организмлар ва моддий олам предметлари пайдо бўлади;

Арасту – (эрамиздан олдинги 384–322) буюк юнон файласуфи

Арасту устози Афлотуннинг ғоялар дунёси тўғрисидаги қарашларига эътироз билдирган

Унингча, ғоя, албатта, бор, мавжуддир. Ғоялар, ҳатто нарсалар ва ҳодисалардаги жараёнлар учун сабаб бўлади.

Ғоя, фикр, тушунча нарса ёки ҳодисаларнинг ўзида мавжуд бўлиши керак. Ғоя (тушунча)лар нарсаларга хос бўлган жиҳатларнинг умумийлигини акс эттиради.

Ҳар бир нарса ёки ҳодиса конкрет «шакл» ва «мазмун»га эга. Нарсаларнинг шакли ана шу нарса ёки ҳодисанинг моҳиятини белгилайди. Масалан, мисдан ясалган шарни олайлик, унинг шарсимон (думалоқ)лиги шакл бўлиб, мазмуни унинг мисдан ясалганлигидир.

Арасту фикрича:

– биринчидан, олам ягона. У руҳий ҳамда моддийдир. Шу билан бирга реал мавжуддир

– иккинчидан, реал мавжуд дунёнинг нарсалари ва ҳодисаларининг моҳиятини нариги, ғоялар дунёсини ўрганиш орқали эмас, оламнинг ўзини ўрганиш орқали англаб олишимиз мумкин

– учинчидан, билиш жараёнининг объекти қилиб мавҳум, абстракт схемаларнигина эмас, балки нарсалар ва жараёнларнинг ўзини қўйишимиз керак. Ана шундагина илм-фан реал нарсаларни ўрганиши орқали маълум маъно касб этади

Аристотель Платоннинг шогирди, Александр Македонскийннинг устози. Машҳур асарлари: «Органон», «Физика», «Механика», «Метафизика», «Руҳ ҳақида», «Ҳайвонлар тарихи», «Никомахова этикаси», «Сиёсат», «Афина сиёсати», «Шеърият»
Аристотелнинг фалсафий фаолиятининг асосий босқичлари
Эр.ав. 367–347 й. Платон академиясида 17 ёшдан ишлаган ва унинг шогирди бўлган (Платоннинг ўлимига қадар).
Эр.ав. 347–335 й. Пелледа – Македонский давлатининг пойтахтида шоҳ Филипп таклифига кўра, яшаб, ижод этган. Александр Македонскийни тарбиялаган.
Эр.ав. 335–322 й. – ўзининг Литей (перипатетик мактаб) фалсафий мактабига асос солди ва у ерда умрининг охиригача ишлади.

Аристотель томонидан ажратиб кўрсатилган фалсафа турлари фаолиятининг асосий босқичлари
Назарий
Амалий
Мантиқ
Борлиқ муаммосини, борлиқнинг турли кўринишларини, барча нарсанинг мавжудлигини, турли ҳодисаларнинг сабабларини тадқиқ этиш (дастлабки «фалсафа» номини олди).
Инсон фаолияти, давлат тузилиши тўғрисида
Шеърий
Аристотель томонидан фалсафанинг тўртинчи қисми сифатида эътироф этилган.

«Соф ғоялар» таълимотини танқид қилиш орқали Платон фалсафасининг бир қанча қисмига ўзгартиришлар киритди
Олам ва инсон келиб чиқишининг моддий таърифини келтирди
Категориялар орқали борлиқнинг таърифини берди
Аристотель фалсафасининг тарихий аҳамияти
Материянинг моҳиятини аниқлади, 10 фалсафий категорияни ажратди
Давлатнинг 6 турини эътироф этди ва намунавий турдаги давлат – политиянинг таърифини берди.
Мантиқнинг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшди (дедуктив методга тушунча берди, хусусийдан умумийга, силлогизм тизимини исботлади – икки ва ундан ортиқ белгилар орқали хулосага келиш).


Платоннинг «эйдос» (соф ғоялар) таълимотига Аристотелнинг танқиди
Аристотель борлиқ муаммосини кўриб чиқар экан, Платон фалсафасини танқид остига олди, унга кўра, атроф-олам «нарсалар олами» ва «соф ғоялар олами» ҳамда «нарсалар олами» ҳар бир нарса каби «соф ғоянинг« моддий кўринишидир.
Аристотелнинг фикрича, Платоннинг хатоси, у «ғоялар олами»ни реал оламдан ажартиб кўрсатган, реал олам ўз хусусиятларига эга – ҳажм, ҳаракат, ҳаракатсизлик ва бошқалар.
Аристотелнинг фикрича, атроф-олам билан боғланмаган «соф ғоялар» мавжуд эмас, уларнинг акси эса моддий оламнинг барча нарсалари ҳисобланади; фақат ягона ва аниқ белгиланган нарсалар мавжуд.
Бу нарсалар «индивидуум» деб аталади (таржимада «бўлинмас»), яъни муайян от муайян ерда мавжуд, «от» ғояси эмас ёки аниқ жойда турган ўз хусусиятларига эга аниқ стул, «стул ғояси» эмас, муайян ўлчамларга эга «уй ғояси» эмас, уйнинг ўзи мавжуд ва ҳоказо.
Индивидуумлар дастлабки нарса ҳисобланади, индивидуумнинг тур ва шакллари эса иккинчи даражалидир.
Борлиқ «соф ғоя» (эйдос) ва унинг моддий акси бўлмаганлиги сабабли, борлиқнинг ўзи нима, деган савол туғилади. Бу саволга Аристотель борлиқ тўғрисидаги фикрлари, яъни категориялар (қадимги грек тилида «фикр») орқали жавоб беришга ҳаракат қилади.


Аристотелга кўра,
Категория – бу атроф-оламнинг энг юксак инъикосидир,
уларсиз борлиқнинг ўзи бўлиши мумкин эмас
Миқдор
Моҳият
(субстанция)
Жой
Сифат
Муносабат
Аристотель томонидан ажратиб кўрсатилган 10 та категория,
улар борлиқ тўғрисидаги саволларга жавоб беради,
бунда биттаси борлиқнинг нималигига жавоб берса,
қолган 9 таси унинг хусусиятларини ёритади
Жойлашув
Вақт
Изтироб
Ҳолат
Ҳаракат


Аристотель фалсафасида давлат муаммоси
Платон каби Аристотель ҳам давлатнинг номақбул (тирания, ашаддий олигархия, охлократия) ва мақбул шаклларини (монархия, аристократия ва полития) эътироф этади.
Аристотель фикрича, давлатнинг энг яхши шакли – бу политиядир, мўътадил олигархия ва ўрта демократия аралашмаси, «ўрта синф» давлати (Аристотель орзуси)
Аристократия
Монархия
Тирания
Аристотель ажратиб кўрсатган 6 типдаги давлат
Охлократия
Полития
Ашаддий олигархия

Эллинизм
қадимги юнон фалсафасининг учинчи даври,
қадимги Римдаги ижтимоий-фалсафий
фикрлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши зарур
Рим жамияти ўз идеалларини ўзи босиб олган тобе халқларнинг
маънавий муҳитидан излай бошлади. Унда дастлаб эрамизнинг
II асрида зардўштийликнинг алоҳида бир кўриниши
бўлган митраизм кенг тарқалди.
Рим империясининг Яқин Шарқдаги маданий марказларни
босиб олиш ҳисобига ўз ҳудудларини кенгайтириши
Рим салтанатидаги маънавий муҳитнинг ўзгаришига олиб келди.
Лекин митраизм ижтимоий базасининг торлиги, ғоявий асосларнинг
етарлича шакллантирилмаганлиги боис, IV аср ўрталарига
келиб, христиан мафкурасидан мағлубиятга учради.


Зардўштийлик
Асосчиси
Асосий ғояси
Эътиқод
Зардўшт Сепитома
Эзгу фикр,
эзгу сўз,
эзгу амал
Якка худолик
Асосий манбаси
Яшт
Ясна
«Авесто»
Биндедот
Биспарат
Хордо Авесто
(Кичик Авесто)


«Авесто»
Ўз даврининг ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлари ўз аксини топган.
Олов – оламни нурафшон қилувчи, Одамларни гуноҳлардан покловчи сеҳрли куч. Ер ва сув – ҳаёт манбаи.
Олам нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик кабиларнинг азалий курашидан иборат
Ҳаётнинг кечиши: табиатда нур ва зулмат, борлиқда ҳаёт ва ўлим, ижтимоий ҳаётда яхшилик ва ёмонлик, нафосат оламида гўзаллик ва хунуклик, динда Ахурамазда ва Ахриманнинг азалий ва адабий зиддияти каби шаклларда намоён бўлади
Миллий давлатчилик анъаналари ўз аксини топган бу китоб, фақат мустақиллик йилларида қадрланди. 2001 йилда «Авесто»нинг 2700 йиллиги нишонланди.
«Авесто» китобини биринчи марта ўзбек тилига Асқар Маҳкам таржима қилган.


Хулоса:
Қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафаси мазкур дунё маданиятининг ўзаги ҳисобланади, Ғарб ва Шарқ маънавий цивилизациясининг қиёфасини белгилайди.
Фалсафа қадимги дунёнинг барча маънавий қадриятлари: санъат ва дин, ахлоқ ва эстетик тафаккур, ҳуқуқ ва сиёсат, педагогика ва фанни қамраб олган.
Шарқ маънавий цивилизацияси шахснинг борлиғига, унинг ўзликни англаш туйғусига ва моддий дунёдан узоқлашиш орқали ўзини ўзи камол топтиришига мурожаат этиш руҳи билан суғорилган бўлиб, бу Шарқ халқларининг турмуш тарзида ва маданий қадриятларни ўзлаштириш усулларида ўз аксини топган
Ғарб маънавий цивилизацияси ўзгаришларга, ҳақиқатнинг тагига етиш йўлидаги изланишларга очиқ бўлган. Бу изланишлар турли, шу жумладан, атеистик, интеллектуал ва амалий йўналишларда кечган.
Умуман олганда, қадимги дунё фалсафаси кейинги даврлардаги фалсафий тафаккур ва маданиятга, кишилик жамиятининг ривожланишига улкан таъсир кўрсатган.

Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб фалсафаси вужудга келиши ва ривожланишининг умумий белгилари:

Дин Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам феодал жамиятнинг ҳукмрон мафкураси ҳисобланган

Муқаддас китоб ақидалари фалсафий мулоҳазаларнинг таянч нуқтасига айланган. Билим эмас, балки эътиқод, фан эмас, балки дин афзал кўрилган

Теоцентризм, яъни Худога, унинг моҳиятига дунёнинг биринчи сабаби ва биринчи асоси сифатида ёндашиш ўрта асрлар фалсафасига хос хусусиятдир

Буддизм фалсафаси асосий эътиборни борлиқнинг ўткинчилиги ва йўқликнинг ҳақиқийлиги, жоннинг боқийлиги ва абадий маънавий дунёни англаб етиш йўлида ўзликни камолотга етказиш орқали унинг ўз шакл-шамойилини ўзгартириши муаммоларини ўрганишга қаратган. Конфуцийчилик феодал тузумни оқлаш учун буддизм ва даосизмнинг идеалистик ва даосизм ғояларини ўзлаштирган: одамлар ўзларининг «ёмон» ниятларини жиловлаб, тақдирга бўйсунишлари лозим. Ҳокимиятга бўйсуниш, уни ардоқлаш ва ҳурмат қилишни талаб этувчи «Осмон қонуни» ҳақидаги таълимот конфуцийчиликда энг муҳим таълимотга айланган. Европа феодализми шароитида христиан дини ҳукмронлик қилган. У ўзининг одамлар ақли ва қалбини назорат қилиш марказлаштирилган тизимини кўп сонли тарқоқ феодал давлатларга қарши қўйган.

Ўрта асрлар Европасида фалсафий тафаккурнинг ривожланиш хусусиятлари

Ғарб ва Шарқ фалсафий тафаккури XVI асргача ҳар бири ўз йўлида ривожланган: араб Шарқида ва Испаниянинг араблар истило қилган қисмида фалсафага диннинг таъсири Европа ва Шарқий Осиёдагидан камроқ бўлган. Бу даврда араб фани ривожланишда Европа фанидан анча илдамлаб кетган.

Европа фалсафасида материализм ўрта асрларда Шарқдагидек кенг тарқалмаган ва маданиятга кучли таъсир кўрсатмаган.

Илк ўрта асрларда фалсафий тафаккур ривожланишининг асосий шакллари апологетика ва патристика бўлган

Апологетика ортидан «черков оталари»нинг фалсафий таълимоти – патристика (лот. *pater* – ота) пайдо бўлган. Патристиканинг энг ёркин вакили Гиппон (Шимолий Африка)даги епископ *Авлиё Августин* (354–430)дир. У ўрта асрлар фалсафасига, шунингдек фалсафий ижоднинг кейинги даврлардаги кўпгина вакилларига кучли таъсир кўрсатган.

Схоластика (юнон. *schole* – мактаб) – мактаб таълимида ҳукмронлик қилган ва илоҳиётга тўла боғлиқ бўлган ўрта асрлар христиан фалсафаси. XI асрда схоластик фалсафа доирасида *номинализм* ва *реализм* ўртасида кураш авж олган


Ўрта асрлар Европасида фалсафий тафаккурнинг ривожланиш хусусиятлари
Номиналистлар «универсалиялар нарсалардан кейин вужудга келган *номлар*дир», деган фикрни илгари сурганлар. Айрим нарсалар, масалан, одамлар, уйларгина реалдир, «умуман инсон» ёки «умуман уй» эса фақат *сўзлар* ёки *номлар* бўлиб, уларнинг ёрдамида одамлар айрим предметларни умумлаштирадилар.
Реализм умумийликка нарсадан олдин пайдо бўлувчи идеаллик сифатида ёндашган, яъни амалда умумий ва якканинг алоқаси тўғрисидаги идеалистик концепцияни ишлаб чиққан бўлса, номинализм бу муаммони материалистик йўл билан ечишнинг ўзига хос тимсоли бўлган.


Авлиё Августин (354–430)
Асосий асарлари: «Илоҳий шаҳар», «Инсоний шаҳар», «Тавба»
Августин «ҳақиқий фалсафа ва ҳақиқий дин»ни бир деб ҳисоблаган. Христианлик асосларини у Платон фалсафасидан топишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, Платон ғоялари – «бу ижодкор ижодга киришиш олдидан юритган мулоҳазалар»дир.
Худо дунёни йўқликдан яратган. Инсон паноҳ топишининг асосий йўли унинг христиан черковига мансублигидир.
Августин инсон фаолиятининг икки қарама-қарши турини таҳлил қилади: биринчи – «дунёвий шаҳар», яъни «Худога нисбатан нафрат даражасига кўтарилган ўз-ўзига бўлган муҳаббатга» асосланган давлатчилик; иккинчи – «ўз-ўзига нисбатан нафрат даражасига кўтарилган Худога бўлган муҳаббат»га асосланган «илоҳий шаҳар».

Августин *шахс*
ва *кишилик тарихи* динамикаси
муаммоларини ечишга ҳаракат қилади.

Августин *шахс эркинлиги* муаммосини илгари суради.

Августин инсон субъектив тарзда *эркин* ҳаракат қилади, лекин унинг барча ҳаракатларини у орқали Худо бажаради, деб ҳисоблаган.

Антик файласуфларда «тарихийлик» Тушунчаси мавжуд бўлмаган: юнонлар дунёни эстетик жиҳатдан, мукаммал коинот сифатида идрок этганлар. Августин эса ўтмиш – ҳозирги давр – келажакнинг ўзаро алоқасини фалсафий жиҳатдан англаб етишга ҳаракат қилган.

Худонинг борлиғини инсоннинг ўзлигидан, инсон тафаккурининг ўз-ўзи учун ишончлилигидан келтириб чиқариш мумкин. Августин шахс учун ўзликнинг ролини кўрсатиб берди.

- **Уильям Оккам** (тахминан 1300–1350) номинализмнинг йирик вакилларидан биридир. Унинг фикрича, яққол ҳиссий билимгина фактларнинг мавжудлигидан гувоҳлик бера олади. Уни ҳиссий интуиция деб атаб, билишнинг қолган икки талаби: тушунтиришнинг соддалиги (тежаш принципи) ва якка предметларнинг мавжудлигини тан олиш тамойили билан боғликлигини кўрсатишга уринади. Оккам фикрича, билишнинг вазифаси – якка предметларни тушуниб етиш. Универсалийлар (тушунча, ғоя) якка предметларга хос эмас, улар фақат онгда мавжуд.
- Оккам зарурият бўлмаса, ақл билан ҳосил қилинадиган билимларни ўринсиз кўп ишлатиш керак эмас, деган тезисни илгари суради. Бу фалсафа тарихида «Оккам устараси» деган ном билан машҳурдир.


Фома Аквинский
(1225–1274)
Асарлари: «Теология йиғиндиси», «Фалсафа йиғиндиси», «Мажусийларга қарши йиғиндир», «Подшолар бошқаруви ҳақида».
Онтологияси: борлиқ ҳам эҳтимол тутилган, ҳам амалда мавжуд; борлиқ – айрим нарсаларнинг мавжудлиги, яъни субстанциядир; материя – имконият, шакл – воқелик
Фома Аквинский «илоҳий борлиқ», ҳамонки у ўз-ўзидан равшан нарса эмас экан, тафаккуримиз англашга қодир бўлган нарсалар орқали исботланиши лозим. У Худо борлигининг ҳозирги замон католик черкови ҳам фойдаланувчи ўз далил-исботини таклиф қилади.
Материя шаклсиз мавжуд бўлмайди, шакл эса олий шаклга ёки «шаклларнинг шакли» – Худога боғлиқдир. Худо эса соф маънавий мавжудот. Шаклнинг материя билан бирикуви моддий дунё учунгина зарур. Боз устига материя (Аристотелдаги каби) пассивдир. Унга шакл фаол тус беради.

Фома Аквинскийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари
Шахс – «оқилона табиатдаги энг олижаноб» ҳодиса, Шахс ақл-заковат, сезгилар ва ирода билан тавсифланади. Ақл-заковат иродадан устун туради.
Худони билишни Худога бўлган муҳаббатдан кейинги ўринга қўяди, яъни сезгилар, агар улар оддий нарсаларга эмас, балки Худога қаратилган бўлса, ақлдан устун бўлиши мумкин.
Инсонга, аввало, ижтимоий мавжудот сифатида, давлатга эса халқ фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилувчи ташкилот сифатида ёндашади. Ҳокимиятнинг моҳиятини ахлоқ, хусусан яхшилик ва адолат билан боғлайди ва ҳатто халқнинг адолатсиз подшоларга қарши бош кўтариш ҳуқуқи тўғрисида сўз юритади

Фома Аквинскийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари
Худо одамлар онги ва қалбига жойлаган «табиий қонун» ва черковнинг давлат ва фуқаролик жамиятидан устунлигини белгиловчи «илоҳий қонун» ҳақидаги муаммони ҳам муҳокамага киритади.
Дунёвий ҳаёт бўлғуси маънавий ҳаётга тайёргарликдир. Подшонинг ҳокимияти олий – маънавий ҳокимиятга бўйсуниши лозим. Бу ҳокимиятни осмонда – Исо Масиҳ, Ерда – Рим Папаси бошқаради. Фома Аквинский сиёсий ҳокимият шаклларини муҳокама қилар экан, Аристотель каби монархияни афзал кўради.
Фома Аквинский фалсафаси XIV асрдан бошлаб доминикан схоластларининг байроғига айланди, XVI асрдан эътиборан иезуитлар томонидан тарғиб қилина бошлади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб унинг таълимоти ҳозирги замон фалсафий тафаккурининг қудратли оқимларидан бири саналган неотомизм негизига айланди

Ўрта аср теологик фалсафасининг кейинги фалсафа ривожидаги аҳамияти
Антик фалсафа, ўйғониш фалсафаси ва янги аср фалсафаси ўртасида боғловчи вазифасини бажарди;
Бир қатор антик фалсафий ғояларни сақлаб қолди ва ривожлантирди, чунки насронийлик таълимотининг антик фалсафаси асосида вужудга келди;
Фалсафанинг янги соҳаларга бўлиниб кетишига сабаб бўлди (антик фалсафа билан бутунлай қўшилиб кетган онтология – борлиқ ҳақидаги таълимотдан ташқари, гносеология – билиш ҳақидаги мустақил таълимот);
Идеализмнинг объектив ва субъектив қисмларга бўлинишига олиб келди;
Фалсафанинг келажакда эмпирик (Бэкон, Гоббс, Локк) ва рационал (Декарт) йўналишларининг вужудга келишига асос яратди;
Тарихий жараёнларни англашга қизиқиш уйғотди;
Эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ва қайта тирилишга ишонч, оптимизм ғоясини илгари сурди.


Ғарб Уйғониш даври фалсафаси
Ғарб уйғониш фалсафасининг ривожланишида учта даврни ва шунга мувофиқ ҳолда учта оқим, йўналишни фарқ қилиш мумкин:
Гуманистик (антропоцентрик) давр – XIV аср ўрталари – XV аср ўрталари;
Гуманистик (антропоцентрик) давр – XIV аср ўрталари – XV аср ўрталари;
Гуманистик (антропоцентрик) давр – XIV аср ўрталари – XV аср ўрталари;

Уйғониш даврининг ижтимоий-сиёсий фалсафаси
Муаммолар
Давлат муаммоси;
Жамият тузилиши;
Черков, давлат институтлари ва диндорларнинг ўзаро муносабатлари
Асосий йўналишлар
Ислоҳотлар (Реформация) фалсафаси;
Сиёсий фалсафа;
Социалист-утопиячилар фалсафаси


Ислоҳотлар (Реформация) фалсафаси
Мақсадлари
Католицизм ислоҳоти;
Черков демократизацияси;
Худо, черков ва диндорлар ўртасида янада адолатли муносабатларни ўрнатиш.
Сабаблар
Феодализм инқирози;
Савдо-саноат буржуазияси синфининг вужудга келиши ва кучайиши;
Феодал тарқоқликнинг кучсизланиши, Европа давлатларининг кучайиши;
Давлат раҳбарлари ва сиёсий элитанинг Рим Папаси ва католик черковининг чексиз, миллий давлатлардан устун турувчи умум Европа ҳукмронлигидан манфаатдор эмаслиги;
Инқироз, католик черковининг маънавий парчаланиши, унинг халқдан ажралиб қолганлиги, ҳаётдан орқада қолиши, индульгенциялар бериш амалиёти;
Гуманизм ғояларининг оммалашуви;
Динсизлик, гусизм каби антикатолик диний-фалсафий таълимотлар таъсирининг кучайиши.
Асосий оқимлар
Бюргер-евангелизм (унинг етакчилари – М.Лютер, У.Цвингли, Ж.Кальвин);
Халқ ҳаракати
Шахс ўз ўзини англашининг ўсиши, индивидуализм


Энг машҳур гуманист-файласуфлар
Данте Алигьери (1265–1321) «Илоҳий комедия» муаллифи
Лоренцо Валла (1507–1557) «Асл эзгулик сифатидаги лаззатланиш ҳақида» асарининг муаллифи
Франческо Петрарка (1304–1371) «Ашулалар китоби», «Оламга нафрат» ва бошқа асрлар муаллифи

Данте ўз асарларида қуйидагиларни билдирган
Насронийликни улуғлаган, шу билан бирга насронийлик таълимотининг тушунтириб бўлмас ғояларини кулгига олган;
Инсонда ҳам Худонинг, ҳам табиатнинг хусусиятлари мавжуд ва улар бир-бирига мос келади;
Инсонни улуғлаган;
Инсоннинг бахтли келажагига ва ибтидоий эзгулигига ишонади;
Инсон фақатгина Худо яратган вужуд ғоясидан узоқлашган;


Петрарка схоластикага зид бўлган ғояларни адабиётга, фалсафага ва маданиятга олиб киради
Инсон ҳаёти бир марта берилади ва у такрорланмасдир;
Инсон Худо учун эмас, ўзи учун яшамоғи лозим;
Инсон шахсияти жисмоний ва руҳий жиҳатдан эркин бўлиши керак;
Инсон ўзини Худога бағишламаслиги ва ҳаётдан лаззатланиши лозим;
Инсон ўз кучига ишонган ҳолда бахтга эришиши мумкин ва бунинг учун етарлича имкониятларга эга;
Ўлимдан кейинги ҳаёт мавжуд эмас ва мангуликка фақат инсонлар ҳотирасидагина эришиш мумкин.
Инсоннинг ички ва ташқи олами гўзалдир.
Инсонга танлаш ва ўзини намоён этиш эркинлиги хосдир;

Лоренцо Валла ўз асарида қуйидагиларни билдирган
Черков ғояларини рад этган;
Эркак ва аёл тенглиги тарафдори бўлган;
Оламнинг марказида инсонни қўйган;
Инсон ва унинг ақли имкониятларига ишонган;
Аскетизм ва таркидунёчиликни рад этган;
Схоластикани сунъийлиги ва ҳақиқатга тўғри келмаслиги учун танқид қилган;
Инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш орқали лаззатланишни энг олий бахт деб билган.


Неоплатонизмнинг энг машҳур намояндалари
Николай Кузанский (1401–1464) – руҳоний, янгича фикр юритувчи шахс бўлган. Борлиқ ва билишнинг янгича талқинини илгари сурган.
Худо ва унинг мавжудотлари ўртасида фарқ мавжуд эмас (олам битта, Худо, атроф-олам ва борлиқ ягонадир);
Худо «ягона» ва унинг яратганлари «чексиздир», улар минимум ва максимумдир (қарама-қаршидир), Худо ва унинг махлуқлари мос келганлиги сабабли минимум ва максимум ҳам мос келади;
Қарама-қаршиликларнинг мос келиши қонунияти кашф қилинди, улар мос келганлиги сабабли шакл ва материя ҳам мос келади (демак, моҳият ва борлиқ бир-бирига боғлиқ ва ягонадир);
Материя ва ғоя ягонадир;
Фаол чексизлик реал мавжуддир (барча нарсани ўзига қамраб олади);
Олам чексиздир, ибтидо ва интиҳога эга эмас, марказга эга эмас, Ер унинг маркази эмас;

Неоплатонизмнинг энг машҳур намояндалари

Джованни Пико дела Мирандола (1463–1494) «900 тезислар» эклектик асарида диний ва фалсафий таълимотларни бирлаштиришга ҳаракат қилди.

- Инсонни улуғлаш ва атроф-оламдан ажратиб кўрсатиш, алоҳида реаллик сифатида эътироф этиш (фазонинг «тўртинчи олами» сифатида, элементар, осмон ва фаришгавий);
- Инсоннинг танлаш эркинлиги мавжуд эканлигини эътироф этиш;
- Барча фалсафий таълимотларни бирлаштириш ва уларни мослаштириш орқали «олтин марказ»ни аниқлаш.

Натурфилософия (сўнгги уйғониш даврида (XVI–XVII асрлар) Европада, айниқса, Италияда кенг оммалашган).

Натурфилософиянинг асосий ҳусусиятлари

- Дунёга бўлган материалистик қарашни асослаш;
- Фалсафани теологиядан ажратишга интилиш;
- Теологиядан мустақил бўлган илмий дунёқарашни шакллантириш;
- Дунёнинг янги тасвирини илгари суриш (Худо, табиат ва фазо ягонадир, Ер эса оламнинг маркази эмас);
- Дунёни билиш мумкинлигини тасдиқлаш ва бунда биринчи навбатда сезгилар ва ақл ёрдамида (Худонинг ваҳийси ёрдамида эмас).

Андреас Везалий фалсафаси (1514–1564)

- Дунёнинг келиб чиқишини материалистик асослаб берган;
- Ҳайвонларни ўрганиш ёрдамида инсон тузилишини тасвирлаб берган, қадимги Рим табиби Гален даврида (130–200) тиббиётда ҳукм сурган қарашларни рад этди;
- Кўпгина анатомик текширувлар натижасида Везалий ўз йўналишини яратди ва машҳур бўлган «Инсон танаси тузилиши» номли китоб нашр эттирди, унда ҳақиқатга тўғри келадиган инсон анатомияси батафсил ёритиб берилган.

Николай Коперник (1473–1543) астрономик изланишларга асосланиб, борлиқнинг янги тасвирини илгари сурди

- Ер оламнинг маркази эмас (геоцентризм ғояси рад этилган);
- Қуёш Ерга нисбатан марказ (геоцентризм гелиоцентризм билан алмашган), Ер Қуёш атрофида айланган;
- Барча коинот жисмлари ўз йўналиши бўйича ҳаракатланади;
- Фазо чексиздир;
- Фалсафани теологиядан ажратишга интилиш;
- Фазодаги жараёнлар табиий нуқтаи назардан тушунтириб берилган ва ўз «муқаддаслигини» йўқотган.

Николай Коперник

Джованни Бокаччо (1313–1375) ўзининг «Декамерон» китобида гуманистик йўналишни ривожлантириб, уни моддий ҳиссиёт ва амалий утилитаризм даражасигача кўтарди.

Джаноццо Манетти (1396–1459) «Инсоннинг шаъни ва устунлиги» асарида олам лаззатланиш учун яратилган, инсон эса «кичик олам»дир, деган фикрни билдирди.

Джордано Бруно (1548–1600) Коперникнинг фалсафий ғояларини ривожлантирди ва чуқурлаштирди.

- Қуёш – Ерга нисбатан марказда жойлашган, аммо коинотнинг маркази эмас;
- Барча осмон жисмлари уларда мавжуд барча нарсалар ҳаракатланиш хусусиятига эга;
- Юлдузлар – Қуёшга ўхшаш осмон жисмлари ва ўз планета тизимларига эга;
- Коинотдан алоҳида ҳолда Худо мавжуд эмас. Худо ва Коинот – бир бутундир.
- Коинот галактикалардан иборат;
- Коинот марказга эга эмас ва чексиздир;
- Коинотда оламлар сони чексиз;

Галилео Галилей






Никколо Макиавелли сиёсий фалсафаси
Никколо Макиавелли (1469–1527) – италиялик (флоренциялик) сиёсий арбоб, файласуф ва ёзувчи.
Макиавелли фалсафаси қуйидагиларга асосланади:
Инсон аввалдан ёвуз табиатга эга бўлади;
Инсонни килгиндиларини сабаблари, унинг эгоизми ва шахсий фойда олиш ҳисобланади;
Агар ҳар бир инсон ўз шахсий фойдасини кўзласа, у ҳолда жамиятда инсонларни биргаликда яшаш имкони бўлмайди;
Инсонни паст табиатини, эгоизмини қўлга олиш мақсадида, давлатдек ташкилот ташкил топади;
Давлат бошлиғи давлатни бошқаришда, инсонларни паст табиатини унутмаслиги керак;
Правитель должен выглядеть щедрым и благородным, но не быть таковым в действительности, поскольку при соприкосновении с реальностью данные качества приведут к противоположному результату (правитель будет свергнут далеко не благородными соратниками либо противниками, а казна – промотана);
Ҳукмдор ҳеч қайси ҳолда инсонларнинг шахсий ҳаёт ва мулкига тажовуз қилмаслиги керак;
Ватанни келгиндилардан озод қилиш йўлида ва мустақиллигини қўлга киритишда ҳамма услублар кул келади.
Хусусиятлари
Янгиланиш фалсафасидан фарқли бўлиб (Худо, черков ва инсон ўртасидаги муносабатларни назарда тутади), сиёсий-фалсафа мавжуд давлатни бошқаришдаги муаммоларни, инсонларга таъсир қилиш усулларни, сиёсий кураш усулларини ўрганиб чиқади;
Борлиққа реал муносабатга асосланган Макиавелли фалсафаси, кўпгина ўрта аср ва ундан кейинги аср сиёсатчилар фаолиятига қўл келган.

Социалист-утопистлар фалсафаси
Социалист-утопистлар фалсафаси
Хусусиятлари
Ушбу ғоя тарафдорлари асосий эътиборни ижтимоий низоларни йўқ қилиб, ижтимой адолатга етакловчи идеал давлат ташкил этишга қаратганлар.
Уларни ғоя ва қарашлари ҳақиқатдан йироқда бўлгани учун, ушбу фалсафа намояндалари тарихда социал-утопист номини олишган.
Машхур социалист-утопистлар
Томас Мор (1478–1535) – утопик социализм асосчиси. Сиёсат билан шуғулланган учун, унга давлатнинг ҳақиқий муаммоларидан хабардор бўлган. Парламент аъзоси, Умумий палата раиси, Буюк Британия лорд-канцлери бўлган.
(1535 й. католицизм ғояси тарафдори бўлгани ва инглиз қиролга Рим Папасидан мустақил олароқ инглиз черкови бошлиғи сифатида тан олмай, қасамёд қилишдан бош тортгани учун қатл қилинган.
Томмазо Кампанелла (1568–1639)
Социалист-утопистлар фалсафаси мазмуни
Социал-утопистлар қарашлари, ўша вақтдаги ижтимоий ноҳақликларга жавоб бўлган.
Уларни қарашлари Тикланиш даври ва келажак дунёни ўзгартиришга ҳаракат қилган кўп издошларга эга бўлган.

• **Томас Мор** (1476–1535 й) Уйғониш даври фалсафасида янги ижтимоий-сиёсий ғоялар, жумладан, илк утопик таълимотларнинг асосчиларидан бири. Унинг асосий асари «Утопия»дир. Томас Мор фикрича, жамиятдаги барча иллатларнинг сабаби хусусий мулкчиликнинг ҳукмронлигидадир; жамиятда адолатсизликнинг ҳукм суриши кишиларнинг манманлик, мақтанчоқлик каби сифатлари билан боғлиқдир.

• **Томаззо Кампанелла** (1568–1639) италиялик хаёлий социалистдир. Ўзининг «Қуёш шаҳри» асарида адолатли жамият тўғрисидаги ғояларни илгари сурган. Кампанелла, хусусий мулкчиликка, жамиятнинг кескин табақаланишига, зулм ва адолатга қарши бўлган. У бир бутун хаёлий адолатли жамият қуриш тўғрисида фикр юритиб, инсониятни ягона давлатга бирлаштиришга, миллий, диний қарама-қаршиликларни бартараф қилишга даъват этган.

Т. Мор фалсафаси «Утопия» асарида ўз аксини топган. (Утопия (юнон. – ҳеч қаерда йўқ жой) – идеал давлат жойлашган, ўйлаб чиқилган орол). Т.Мор қарашлари бўйича Утопияда

- Хусусий мулк бўлмайди;
- Ишлаб чиқаришда ҳамма фуқаролар қатнашиши шарт;
- Меҳнат ҳаммани меҳнат мажбуриятидан келиб чиқилган ҳолда амалга оширилади;
- Ишлаб чиқарилган озиқ-овқатлар (меҳнат натижаси) жамият ихтиёрига ўтади (жамият омборлари) ва Утопия фуқаролари ўртасида тенг бўлинади;
- Бутун аҳоли меҳнат билан машғул бўлгани учун, Утопияни таъминлаш учун – олти соатлик иш куни етарли бўлади;
- Илмга алоҳида қобилиятга эга бўлганлар, меҳнатдан озод қилинганлар;
- Қора ишларни малаклар бажаради – асирлар ва маҳкум этилган жиноятчилар;
- Жамият қон қариндошлардан эмас, балки «меҳнаткаш оиладан» ташкил топган;
- Ҳамма амалдорлар тўғридан-тўғри ёки яширин овоз бериш йўли билан танланади;
- Эркак ва аёллар тенг ҳуқуқга эгалар (мажбуриятлари ҳам тенг);
- Шаҳар аҳолиси Худога ишонадилар.


Томаззо Кампанелла фалсафаси
«Қуёш шаҳри» асарида ўз аксини топган.
Хусусий мулк бўлмайди;
Ишлаб чиқаришда ҳамма фуқаролар қатнашиши шарт;
Меҳнат натижалари бутун жамият тасарруфига ўтади ва кейин улар ўртасида тенг тақсимланади;
Меҳнат ўқиш билан бир вақтда қилиниди;
Солярийларни турмуши тонг отишидан бошлаб кун ботгунча қадар тартибга солинган;
Солярийлар ҳамма ишни биргаликда қилишади: ишга биргаликда боришади, бирга меҳнат қилишади, бирга озиқланишади, бирга дам олишади, бирга қўшиқлар айтишади;
Катта эътибор боланинг тарбиясига берилади. Туғилган чақалоқ ота-онасидан олиб қўйилади ва махсус мактабларда таълим олади. Мактабда бола илмларни ўрганади, биргаликда турмуш қуришга ўргатилади ва Қуёш шаҳри қоидаларини ўрганади.
Қуёш шаҳри бошчилигида умрбод ҳукмдор (солярийлар томонидан танланган) – Метафизик туради. У ўз даврининг илмлари ва касбларини яхши билади.

Ўрта асрлар Шарқ фалсафасининг ўзига хос хусусиятлари
Барча одамларни маърифатли қилишга интилиш, бу йўлда ўтмиш меросидан, ва қўшни мамлакатларнинг фан, маданият ютуқларидан фойдаланиш, табиий-фалсафий ва ижтимоий фанларни ривожлантириш;
Табиатни ўрганиш, табиий-илмий билимларни, оқилоналикка таяниб ривожлантириш, ақлнинг кучига ишониш, асосий эътиборни ҳақиқатни билишга қаратиш, ҳақиқатни инсон билимининг негизи деб билиш;
Инсонга хос табиий, бадиий, маънавий фазилатларини юксалтириш, инсонпарварликни улуғлаш, баркамол авлодни тарбиялашда олий маънавий қонунларга риоя қилиш;
Универсализм – борлиқ ва ижтимоий ҳаётнинг барча муаммоларига қизиқиш бу давр маданиятининг муҳим жиҳатларидир.


Дастлабки Шарқ фалсафаси
Шарқ фалсафасининг асосий йўналишлари
Мутазилитлар мактаби
Мутакаллимлар мактаби
Суфизм
Мутазалимлар ҳам ислом файласуфлар сирасига киради, лекин уларнинг ғоялари нисбатан материалистик характерга эга бўлган.
Мутакаллимлар радикал Ислом тарафдорлари бўлган. Мутакалимлар мактаби намояндалари исломнинг динни ғояларини фалсафиий исботлаб беришган ва араб-ислом схолистлар сифатида танилганлар.
Суфизм тарафдорлари Ал-Беруний фикрича, инсон учун энг фойдалиси, ўз хоҳиши билан дунёнинг нози-неъматларидан воз кечиб, тарку дунё қилиб яшамоқ. Аскетизм.
Оламни, инсонни пайдо бўлиш ислом назарияларини рад этишган ва ўз ғояларини материализм ва рационализмга асосланиб тушунтириб беришга ҳаракат қилганлар;
Худони инсон қиёфасида бўлганлик назарияни рад этишган;
Худо билан борлиқни тенглаштирганлар
Инсонни идроки ва кучига ишонганлар;
Инсонни атроф-муҳитни идроки орқали таниши мумкинлиги, назариясини олға сурганляр


Ўрта аср Араб мусулмон фалсафаси
1. Араб фалсафаси умумий тушунчаси ва унинг даврлашиши.
Араб фалсафаси деганда, араблар томондан ташкил этилган, ҳамда яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданияти ва сиёсати таъсирида остида пайдо бўлган фалсафа назарда тутилади.
Ўрта аср араб фалсафасининг иккита асосий босқичи
VII–IX асрлар – араб фалсафаси пайдо бўлиш даври;
IX–XV асрлар – араб фалсафасининг қадимги юнон фалсафасини ўрганиш даври. Араб фалсафасини юнон-араб фалсафасига айланиши.


Прогрессив Шарқ фалсафаси
Ривожланаётган Шарқ фалсафасининг янги босқичи (IX аср.)
Асосий хусусиятлари
Янги йўналиш намояндалари
Материалистик ғоя таъсирининг кучайиши (таббиий фан ва медицина сохасида ихтиролар пайдо бўлишига олиб келди);
Европа фалсафаси ғояларига ва айниқса қадимги юнон фалсафасига асосланиш. Шарқ фалсафасини шарқ-юнон фалсафасига айланиши.
Аль-Кинди (800–879)
Ал-Форобий (870–950)
Абу Райҳон Беруний (973–1048)
Ибн Сино (980–1037)
Ибн-Рушд (1126–1198)


Аль-Кинди фалсафаси
Просубстанциялар ҳақида таълимот
Дунёни билиш ғояси
Аль-Кинди фалсафаси муҳимлиги
Аль-Кинди просубстанцияларга қуйидагиларни киритган
Аль-Кинди илмнинг уч босқичини келтирган
Аль-Канди арабларни учун қадимги юнон фалсафаси, хусусан, Аристотель фалафаси билан таништирди.
Аль-Канди ўзининг субстанция ҳақидаги таълимтотини илгари сурди.
Аль-Киндий ортодоксал ислом схоластлари – мутакаллимлар инкор қилган оламни инсон ақли билан билиш мумкинлигини тан олди.
Ҳақиқий билимни эгаллашнинг учта босқичини асослади.
Шарқ фалсафасида аристотелизм анъаналарига асос солди, Шарқ перипатезмини илгари сурди ва уни Европа ва Осиёдаги энг илғор ғояларидан бири бўлишига ҳиссасини қўшди.
Материя;
Шакл;
Ҳаракат;
Вақт;
Борлиқ.
Мантикий ва математик;
Табиий илм;
Метафизика (фалсафий).


Абу Наср Форобий (870–950)
Таълимоти:
Асосий асарлари:
«Китоб-ул хуруф»,
«Фозил одамлар шаҳри»,
«Фан ва санъатнинг,
ўзига хос хусусиятлари»
Назарий (мантиқ, фалсафа, табиий фанлар) ва амалий (ахлоқ, сиёсат) фанларни фарқлаган
Форобий борлиқнинг биринчи сабаби ва ҳаракат манбаи сифатида Худо мавжуд деб ҳисоблаган бўлса-да, унинг фалсафаси билиш ва борлиқнинг мураккаб масалаларини ечишга интилиш билан тавсифланади.
Фалсафа инсонга борлиқнинг моҳиятини тушуниш имконини беради. Борлиқ «ягона» ва айни вақтда «кўп»дир. Борлиқнинг мазкур ҳолати эманация, яъни «ягона« муҳитдан борлиқнинг турли муҳитлари келиб чиқиши маҳсулидир
Файласуф борлиқнинг ҳолатларини, унинг шаклларини: оддий элементлар – ҳаво, олов, ер, сувни; шунингдек, минераллар, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон ва осмон жисмларини синчиклаб ўрганади.


Форобий гносеологияси
Табиат инсондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд.
Объект субъектга қадар мавжуд бўлган.
Сезиладиган нарсалар сезгилардан олдин пайдо бўлганидек, билиш мумкин бўлган нарсалар ҳам билишдан олдин пайдо бўлган.
Инсон билимларни ташқи дунёдаги ҳодисаларни билиш жараёнида ўзлаштиради. Бу жараён сезиш, идрок этиш, хотира, тасаввур қилиш ва энг муҳими – мантиқий мулоҳаза юритиш, тафаккур каби усулларни қамраб олади.
Билиш – бу билишдан билимга, сабабни билишдан оқибатни билишга, ҳодисани билишдан моҳиятни билишга элтувчи йўл.
Инсон пайдо бўлганидан сўнг, аввало, «озиқлантирувчи куч» пайдо бўлади, унинг ёрдамида озиқланиш жараёни юз беради. Сўнгра, сезги органлари пайдо бўлади, улар инсонга сезиш, тасаввур қилиш қобилият ва хотирани беради. Шундан кейингина инсон «орзу кучи» ёрдамида билим ва ҳунарларни ўзлаштиради, фойдали нарсаларни фойдасиз нарсалардан фарқлайди, ўз хулқ-атворини тартибга солади.


Форобий гносеологияси
Форобий инсон руҳининг бир танадан бошқа танага ўтишини қатъиян рад этади ва руҳ ҳам тана каби субстанцияларнинг индивидуал бирлигидан иборат, деб ҳисоблайди.
Универсалиялар мавжуд бўлгани учун ҳам умумий тушунчалар мавжуддир.
Айрим нарсалар бирламчи, мавжуд тушунчалар ва ғоялар – иккиламчидир ва улар ақлда муайян нарсаларнинг мавҳумлашиши натижасида пайдо бўлади.
Билишнинг физиклар фойдаланувчи биринчи йўли сезишдан бошланиши лозим, чунки тана сезгига яқинроқдир. Бу ҳол сезгилар муайян нарсаларни акс эттириши билан изоҳланади. Нарсалар сезги органларида акс этгач, жисмни ва унинг юзаси, чизиқлари ва нуқталарини мавҳум ўрганишга ўтиши лозим. Математиклар жисмнинг у ёки бу жиҳатларини теранроқ билиш учун фойдаланувчи билишнинг иккинчи йўли мавҳумлаштиришдан бошланиши даркор. Билишни мавҳум нуқтадан бошлаган ақл муайян жисм бўйлаб ҳаракатлана бошлайди, мавҳум чизиқ, юза, жисмни англайди ва сўнгра муайян жисмни тушуниб етади.


Абу Райҳон Беруний
Табиат ва унинг объектив қонунлари мавжудлигига шубҳа қилмаган. Табиат муттасил ўзгариш ва ривожланишда бўлади, материя нарсалар шаклини ўзи яратади ва ўзгартиради, жон (тафаккур, маънавий ҳодисалар) тананинг муҳим хоссасидир, деб ҳисоблайди.
Беруний Шарқда астрономия кузатиш асбобларини яратиш техникасининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди
Асарлари: «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минералогия»
Тажриба, эксперимент борлиқни билиш усулларидан бири
Тажрибада олинган билим айрим меъёрларга мувофиқ ишончли билимдир
Кузатувчи кузатилаётган ҳодисани у юз бераётган жойда идрок этади. Бинобарин, кузатиш у ёки бу ҳодисани унинг муайян кўринишида қайд этади. Кузатишларнинг эски маълумотлари объектнинг ҳақиқий кўрсаткичини анча бузиб ифодалаши мумкин.

Ибн Сино (980–1037)

Асарлари:
«Тиб қонунлари»,
«Билим китоби»,
«Донишнома»,
«Хай ибн Якзон».

Ибн Сино моддий дунё предметларини сезгилар манбаи деб ҳисоблаб, уларнинг объектив табиатини ташқи моддий дунё инъикоси сифатида ёритади.

Сезги материянинг хоссалари ва олий шаклларидан бири.

Таълимоти:

Табиат азалий ва абадийдир, унинг қонунлари ўз-ўзидан ўзгармайди ва инсон уларни англаб етишга қодир, жон тана фаолияти билан белгиланади ва унинг индивидуал умрбоқийлиги мумкин эмас.

Ибн Сино кўриш ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Кўриш жараёнини тушунтирар экан, у айни вақтда Платоннинг бу борадаги таълимоти асоссиз эканлигини кўрсатади. Ибн Сино ёруғликни кўришнинг асосий воситаси сифатида алоҳида қайд этади.

Ибн-Рушд фалсафаси (аверроизм)

Асосий қоидалар

Яралиш таълимоти инкор этилади (дунё доимий, у яралмайди, йўқолмайди).

Худо ҳамма нарсани ҳаракатлантиради деган фикр инкор қилинади.

Детерменизм ғояси илгари сурилади (табиатдаги ҳамма нарса шартли ва зарурий).

Худо учун чекланган вазифалар имкониятлар тан олинган, энг асосийси материяга шакл бериш.

Ҳаракат – материянинг мустақил хусусияти ва унинг ўзида мужассамланган деб исботлаш учун ҳаракат қилинган.

Ҳақиқатнинг икки томони ғояси илгари сурилган, яъни фалсафа ва диний ҳақиқат алоҳида, диндаги ҳақиқат фалсафада ҳақиқат бўлмаслиги мумкин ва аксинча

Руҳнинг ўлмаслиги ғояси инкор қилинади, жисм ўлгач, руҳ ҳам ўлади, лекин жамоа онги-бутун одамзод онги ўлмас, унинг бўлаги сифатида алоҳида одамнинг руҳи ўлмас.

Худо бор бўлиши мумкин, лекин унинг материянинг яратиши ҳақидаги фикри қабул қилинмайди (худо ва атрофдаги материал дунё биргаликда доимий).


Сўфизм фалсафаси
Мўътадил сўфизм
Ашаддий сўфизм
Гностик (ориф)нинг асосий вазифаси олий мақсадга эришиш – ҳақиқатни билишдан иборат. Бу мақсадга ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўзини ўзи билиш йўли билан эришилади. Ўз моҳиятини билиш жараёнида инсон ўзида илоҳий унсурлар мавжудлигини, Аллоҳни билишнинг бирдан-бир тўғри усули ўзини ўзи билиш, яъни ўзликни англаш эканинини тушуна бошлайди.
Сўфизм Аллоҳни табиат билан узвий деб қарайди. Уни инсонни қуршаган ташқи дунёда, мавжуд ҳар бир нарса билан тенглаштиради, уларда Аллоҳнинг сиймоси, моҳиятини кўриб, табиат, атроф муҳит сари, унинг сирларини очиш томон, бу яширин ҳодисаларнинг ҳар бирида илоҳий ҳақиқат белгиси, моҳиятини топиш ва билиш мақсадида муайян қадам ташлайди.
Ҳақиқат (Аллоҳ) ва табиатни бир деб қарайдилар. Табиат илоҳий эмансипация оқибатидир. Инсон бу эмансипация занжирида охирги бўғинни эгаллайди. У нафақат Ҳақиқат (Аллоҳ)ни билиш даражасига етади, балки ўзи ҳам Ҳақиқат – «Аллоҳ»га айланади. Сўфийликнинг бу тариқати вакиллари яширин, сирли нарсаларни билишни афзал кўриб, шариат ақидалари ва меъёрларини тан олмаганлар.


Ибн Арабий фалсафаси
Билишнинг биринчи усули – оқилона-мантиқий билиш
Билишнинг иккинчи усули – муаммони мушоҳада юритиш йўли билан ечиш, ечимдан шартлар сари
Билишнинг учинчи усули – муаммони мистик йўл билан ечиш: шартлар ва ечим айнийдир.
Унинг воситаси – ақл, амалга ошириш усули – силлогизмлар ёки далиллар орқали чиқарилган хулосалар тарзидаги мантиқий мулоҳазалар. Оқилона билим инсон танасини бошқарувчи инсон жонига керак: у жоннинг дунё ҳақидаги билими муқаррар унсуридир.
Мушоҳада юритиш жараёнида билиш субъекти ўзининг билиш объектидан онтологик мустақиллигини сақлаган ҳолда у билан бирикади, уни бутун вужуди билан англаб етади. Бунга билиш субъекти бўлган инсонда ҳам «яширин маъно» мавжудлиги имконият яратади. У ягона ва узвий бўлгани учун билиш объекти билан «ички Моҳият» жиҳатидан бирикиш имконияти юзага келади, «ташқи моҳият»да эса субъект ва объектнинг алоҳидалиги сақланиб қолади.
Мистик билиш жараёнини тавсифлар экан, Ибн Арабий гирдоб (хиро) образидан фойдаланади. «Хиро» сўзи «саросималик» деган маънони ҳам англатади. Бу ўзига хос саросималик, ҳамма нарсада Аллоҳни кўрувчи, Ягонани кўпликда, кўпликни Ягонада, «аниқни яширин, яширинни аниқ, шунингдек, бошқа зиддиятли нарсаларни» кўрувчи сўфийнинг саросималигидир. «Бироқ бу йўқотган ёки тушунмайдиган Одамнинг саросималиги эмас».


Хулоса
Ўрта асрлар фалсафаси дунёвий динларнинг вужудга келиши, хусусан христиан, ислом динларининг жаҳон бўйлаб тарқалиши, улар ғояларининг ҳукмрон мафкура мавқеига эга бўлиши даврида шаклланган ва ривожланган. Бу даврда ҳар қандай фалсафий таълимот у ёки бу даражада мазкур динлар таъсирида бўлган. Ана шунинг учун ҳам ўрта аср фалсафасининг асосий хусусиятини *теоцентризм* ташкил этади, деган фикр шаклланган.
Ғарб ва Шарқда ўз тафаккур услубида билимларни ифодалаш ва ўзлаштиришнинг ўз механизмлари ва шакллари, билим ва ҳақиқатга элтувчи йўлни ёритувчи ўз мўлжаллари мавжуд. Шарқ таълимотлари ва тафаккур услубини Шарқ амалиёти ва тажрибасидан олинган Шарққа хос усуллар ва методлар ёрдамида тушуниш ва ичдан англаб етиш мумкин.
Ўрта аср ислом фалсафасида ҳақиқат муаммосининг кўтарилиши унинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Зеро, Ўрта аср фалсафасининг умумий белгиларидан бири диний дунёқарашнинг тўла ҳукмронлиги ва унга фалсафий тафаккурнинг бўйсундирилиши билан характерланади. Милоднинг VII–VIII асрларида Миср, Фаластин, Месопотамия, Эрон ва Ўрта Осиёнинг араб халифалиги томонидан босиб олиниши араблар ҳукмронлиги остидаги салтанатнинг маданиятига жуда катта таъсир кўрсатган эди.

ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ

ЯНГИ ДАВР ФАЛСАФАСИНИНГ ТАБИИЙ-ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

XVII асрдан бошлаб табиатшунослик жадал суръатларда ривожланади. Денгизларда кемаларнинг юриш эҳтиёжлари астрономиянинг ривожланишини, шаҳарсозлик, кемасозлик, ҳарбий иш – математика ва механиканинг ривожланишини белгилайди.

Э.Торричелли ҳаво босими мавжудлигини экспериментал йўл билан аниқлади, симобли барометр ва ҳаво насосини ихтиро қилди. И.Ньютон механиканинг асосий қонунларини, шу жумладан, бутун олам тортишиш қонунини таърифлади. Р.Бойль кимёда механикани қўллади, кимёвий элемент тушунчасини ишлаб чиқди. Инглиз физиги У.Гильберт магнит хоссаларини ва унинг амалда қўлланилишини ўрганди. В.Гарвей қон айланишини кашф этди ва унинг ролини эмпирик усулда тадқиқ этди. Р.Декарт ва Г.Лейбниц математика, механика, физика ва физиологиянинг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Ижтимоий фанларда табиий ҳуқуқ назарияси ишлаб чиқилди (Англияда Т.Гоббс, Голландияда Г.Гроций).

ЯНГИ ДАВР ҒАРБ ВА ШАРҚ ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Янги давр, аввало, XVII аср фалсафасида онтология, яъни борлиқ ва субстанция ҳақидаги таълимотга катта эътибор берилади (айниқса, ҳаракат, макон ва замон тўғрисида сўз юритилганда).

Фан ва фалсафанинг вазифаси – инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини кучайтиришга, инсон соғлиғи ва гўзаллигига кўмаклашиш ҳодисаларнинг сабабларини, уларнинг муҳим кучларини ўрганиш зарурлиги англаб етилишига олиб келган. Шу сабабли субстанция ва унинг хоссалари муаммолари Янги даврнинг деярли барча файласуфларини қизиқтирган.

Янги давр инглиз фалсафасининг вужудга келиш шартлари ва умумий тавсифи

Янги давр инглиз фалсафаси (XVII–XVIII асрлар)

- Англиядаги файласуфлар, бошқа давлатлардаги файласуфларга, масалан, Германия файласуфларига қарши ўлароқ, борлиқ муаммоларини тушунтиришни афзал кўрганлар;
- Эмпиризмнинг рационализм устидан ҳукмронлиги (Англия билиш масалаларида эмпиризм – фалсафадаги билишда рационализмлаги ақл каби эмас, тажриба ва ҳиссий қабул қилиш асосий аҳамият касб этувчи йўналиш – ғалаба қозонган ўз даври учун ноёб давлатлар сарасига кирган);
- Ижтимоий – сиёсий муаммоларга катта қизиқиш билан қаралган (Англия файласуфлари борлиқ ва билишнинг моҳиятини, инсоннинг дунёдаги ўрнини тушунтиришга интилиш билан чекланиб қолмай, жамият ва давлатнинг пайдо бўлиш сабабларини излаганлар, мавжуд давлатларнинг самарали тузилиш лойиҳаларини илгари сурганлар).

XVII–XVIII асрлар инглиз фалсафаси табиатига катта таъсир кўрсатган сиёсий воқеалар

- XVI аср ўрталарида рўй берган Оливер Кромвель инқилоби, қиролнинг тахтдан ағдарилиши ва қатл қилиниши, республиканинг қисқа вақт ҳукмронлик қилиши (индепендентлар ҳаракати);
- 1688 йил «шонли инқилоби»;
- Протестантликнинг католицизм устидан узил-кесил ғалаба қозониши, инглиз черковининг ички мухториятга эришуви, унинг Рим папасига бўйсунмаслиги;
- Парламент аҳамиятининг ортиши;
- Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши.



ФРЕНСИС БЭКОН

Биринчи ёндашув асосчиси – инглиз файласуфи ***Френсис Бэкон*** (1561–1626) субстанция шаклларининг хусусиятларига тавсиф берган ва субстанцияни муайян нарсалар шакли билан айнийлаштирган. Унинг фикрича, материя сариқлик, мовийлик, қорамтирлик, илиқлик, оғирлик ва бошқа шунга ўхшаш хоссаларга эга. Булар материянинг энг содда хусусиятларидир. Бу хоссаларнинг турли бирикмаларидан табиатнинг ранг-баранг нарсалари вужудга келади.

Материянинг сифат жиҳатидан ҳар хиллиги ҳақидаги таълимотни Ф.Бэкон ўзининг *шакл ва ҳаракат* ҳақидаги таълимоти билан қувватлаган. Унинг талқинида шакл – бу нарсага хос бўлган хусусиятнинг моддий моҳияти. У Платон ва Аристотелнинг шакл ҳақидаги мушоҳадалари билан баҳсга киришади. Бэкон фикрига кўра, шакл – жисмни ташкил этувчи моддий зарралар ҳаракатининг тури. Аммо бу зарралар атомлар эмас. Ф.Бэкон қадимги файласуфларнинг материянинг атомистик тузилиши ҳақидаги таълимотига, айниқса *бўшлиқ*нинг мавжудлиги ҳақидаги таълимотга салбий ёндашади.


Ф.Бэкон фалсафасининг аҳамияти
• Фалсафада эмпирик (тажриба йўналишига асос солинди;
• Гносеология (билиш) фани фалсафанинг иккинчи даражали соҳасидан онтология даражасигача кўтарилди (борлиқ ҳақидаги фан ҳар қандай фалсафий тизимнинг асосий икки бўлимидан бирига айланди);
• Фалсафанинг янги мақсади аниқланди – инсонга унинг фаолиятида амалий натижаларга эришиш учун кўмаклашиш (шу билан Ф.Бэкон келажакдаги америка прагматизми фалсафасининг тамал тошини қўйди);
• фанни таснифлашда биринчи уринишга қўл урилди;
• Англияда ҳамда бутун Европада антисхоластик фалсафасини ҳаракатга келтирди.
Ф. Бэкон фалсафасида билиш муаммоси
Эмпиризм
Асосий ҳолатлар
• Френсис Бэконнинг асосий фалсафий ғояси (эмпиризм)нинг мазмуни – билишнинг асоси ёлғиз тажриба;
• инсоният (алоҳида шахс) қанчалик кўпроқ тажриба (назарий ҳамда амалий) тўпласа, шунчалик ҳақиқий билимга яқинлашади;
• Бэконнинг фикрича, ҳақиқий билим шахсий мақсад бўла олмайди;
• билим ва тажрибанинг асосий мақсади – инсонга унинг фаолиятида амалий натижаларга эришиш учун ёрдам бериш, янги кашфиётлар, иқтисодиётнинг ривожланиши ва инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилишга кўмаклашиш. Шунга кўра Бэкон томонидан афоризм илгари сурилдики, унинг барча фалсафий қарашларини қисқагина ифодалаб берди: «Билим бу – куч».

Билишнинг асосий методи сифатида – индукция

↓

Хусусиятлари

↓

– Файласуф индукцияни кўпгина ҳусусий ҳодисаларнинг йиғиндиси ва умумлашган хулосалар асосида билимга эга бўлиш деб тушунган (масалан, агар аксарият металлар суюлтирилса, демак, барча металларда босим мавжуд).
– Бэкон индукция методини Декартнинг дедукция методига қарама-қарши қўйди, унга кўра, ҳақиқий билимга аниқ мантиқий мисоллар ёрдамида олинган ишончли ахборотга таяниб эришиш мумкин.
– Бэкон индукциясининг Декарт дедукциясидан афзаллиги – билиш жараёнининг интенсификациялашуви имкониятининг кенгайишидадир.
– Индукциянинг камчилиги – унинг ишончли эмаслиги, тахминий хусусияти (агар, бир қанча нарса ёки ҳодисаларнинг умумий белгилари бўлса, мазкур белгилар шу турга кирувчи барча нарса ва ҳодисаларда мавжуд дегани эмас; ҳар бир алоҳида ҳолатда тажриба ёрдамида синаб кўриш, индукцияни тасдиқлаш зарурати вужудга келади).

Ф. Бэкон фалсафасида билиш муаммоси

Билиш фаолияти кечадиган аниқ йўллар

• **«Ўргимчак йўли»** – «соф тафаккурдан билимга эга бўлиш, яъни рацион-диетик йўл билан. Мазкур йўл аниқ далиллар, амалий тажрибани инкор этади ёки аҳамиятини сезиларли даражада пасайтиради. Бэконнинг фикрича, рационалистлар ҳақиқий ҳаётдан узилиб қолганлар догматиклардир ва «фикрлар тўрини ўз идрокларидан тўқишмоқда».
• **«Чумоли йўли»** – билимга эга бўлишнинг бундай усулида фақатгина тажрибага эътибор қаратилади, яъни догматик эмпиризм (рационализмдан ажратилган қарама-қаршиликларга тўла). Бу усул ҳам мукаммал эмас. «Соф эмпириклар» амалий тажрибага, тартибсиз далилларни йиғишга эътиборни қаратадилар. Шундай қилиб, улар билимнинг ташқи тасвирига эга бўладилар, муаммоларни «ташқаридан», «унинг қирраларини» кўришади, аммо тадқиқ қилинаётган нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини тушуна олмайдилар, муаммони ичидан кўра олмайдилар.
• **«Асалари йўли»** – Бэконнинг фикрича билишнинг энг мукаммал йўли. Файласуф-тадқиқотчи уни қўллаб, «ўргимчак йўли» ва «чумоли йўли»нинг барча афзалликларини олади ва айни вақтда унинг камчиликларидан ҳалос бўлади. «Асалари йўли»га мувофиқ, барча далилларни йиғиш, уларни умумлаштириш (муаммога ташқи томондан назар солиш) ва тафаккур имкониятларидан фойдаланиб муаммонинг ичига кириб бориш, унинг моҳиятини англаш. Шундай қилиб, Бэконга мувофиқ, энг яхши йўл эмпиризм бўлиб, индукцияга асосланади (далилларни йиғиш ва умумлаштириш, тажриба орттириш) ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини тафаккур орқали англаб етишнинг рационалистик усулларидан фойдаланади.

(Идоллар (унсур) – инсонга (инсониятга) ҳақиқий билимга эришишга тўсқинлик қиладилар

Инсоннинг туғма янглишиши, унинг мазмуни билишнинг табиатини инсоннинг шахсий табиати билан аралаштирилиб юборилишидадир.

Орттирилган янглишишлар

• **Уруғ унсури –** инсон (аждодлари) маданияти орқали билишнинг кечиши, яъни инсон билишни умуминсоний маданият доирасида олиб боради ва бу якуний натижага ўз салбий таъсирини кўрсатади, билимнинг ҳақиқийлигини пасайтиради.
• **Ғор руҳлари –** муайян инсон (билувчи субъект) шахсиятининг билиш жараёнига таъсир этиши. Натижада инсон шахсияти (унинг қарашлари, янглишишлари – «ғор») билишнинг якуний натижасида акс этади.

• **Майдон унсури** – нутқ, тушуниш аппаратини: сўзлар, иборалар, тушунчаларни ноаниқ қўллаш.
• **Театр унсури** – мавжуд фалсафанинг билиш жараёнига таъсири. Кўпинча билиш жараёнида эски фалсафа янги услубни қўллашга тўсқинлик қилади, билишни ҳар доим ҳам тўғри йўналишга бошламайди (мисол учун, ўрта асрларда схоластиканинг билишга таъсири). Шунингдек, лаганбардорлар, иккиюзламачилар, сафсатабозлар фаолияти.

Томас Гоббс (1588–1679) – Ф. Бэконнинг шогирди ва фалсафий анъаналари, қарашлари давомчиси



Фалсафий қарашлари

– қатъий равишда теология ва схоластикани рад қилган;
– фалсафанинг мақсадини инсон фаолиятида амалий натижаларга эришиш, илмий-техник тараққиётга кўмаклашишда кўрган;
– эмпиризм (тажрибавий билиш) ва рационализм (тафаккур ёрдамидаги билиш) ўртасидаги зиддиятда эмпиризм тарафдори бўлган; Декарт фалсафасини танқид қилган;
– ашаддий материалист бўлган;
– асосий фалсафий муаммо деб жамият ва давлат масалаларини кўрган;
– давлат назариясини ишлаб чиққан;
– биринчи бўлиб, давлатнинг келиб чиқишида ижтимоий (ўзаро) шартнома асос бўлганлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган.

ТОМАС ГОББС

Гоббс материяга бирдан-бир субстанция сифатида ёндашган, барча ҳодисалар, нарсалар, жараёнларни бу субстанциянинг намоён бўлиш шакллари деб ҳисоблаган. Материя – абадий, жисмлар ва ҳодисалар – ўткинчи: улар вужудга келади ва йўқ бўлади. Фикрлашни материядан ажратиб бўлмайди, зеро, материянинг ўзигина фикрлайди. Жисмсиз тана бўлмаганидек, жисмсиз субстанция ҳам бўлиши мумкин эмас. Айнан материя барча ўзгаришлар субъекти ҳисобланади.

Барча моддий жисмлар кўламлилик ва шакл билан тавсифланади. Уларни ўлчаш мумкин, чунки улар узунлик, кенглик ва баландликка эга. Ф.Бэкондан фарқли ўлароқ, Гоббсда материя сифат кўрсаткичларига эга эмас: у материяни математик ва механик сифатида миқдор жиҳатидан ўрганади. Унда материя дунёси ранг, ҳид, овоз каби хоссалардан маҳрум. Т.Гоббс талқинида материя гўё геометрик тус олади ва сифат жиҳатидан бир жинсли, рангсиз нарса тарзида, миқдорий катталикларнинг муайян тизими сифатида намоён бўлади. Ҳаракатни у фақат механик нуқтаи назардан тушунади. *Макон ва замон* муаммоларини ўрганишга нисбатан Гоббс материалистик нуқтаи назардан ёндашади.

Гоббснинг фалсафий тадқиқотларининг предмети

Гносеология (билиш ҳақидаги таълимот); Гоббс билиш услуби сифатида бир вақтнинг ўзида ҳам индукция ва ҳам дедукциядан фойдаланиш керак деб билган. Инсоннинг билиши асосан ҳиссий сезишдан келиб чиқади. Ҳиссий билиш – бу сезги аъзолари (кўз, қулоқ ва ҳ.к.) ташқи оламдан сигналларни қабул қилиши ва уларнинг кейинги таҳлилидир. Бу сигналларни Т. Гоббс «белгилар» деб атаган.

Белгиларнинг таснифланиши

- **товушлар** – ҳайвонлар томонидан ўз хатти-ҳаракатлари ва ниятларини ифодалаш учун йўлланадиган овозлар (қушларнинг сайраши, йиртқичларнинг ўкириши, миёвлаши ва ҳ.к.).
- **аломатлар** – инсон томонидан мулоқат учун ўйлаб топилган ҳар хил белгилар;
- **табиий белгилар** – табиат «аломатлари» (момақалдироқ, чақмоқ, булутлар ва ҳ.к.);
- **ихтиёрий коммуникатив белгилар** – турли тилларнинг сўзлари;
- **«аломат» сифатидаги белгилар** – кўпчиликка тушунарли бўлмаган, махсус «кодланган» нутқ (илмий тил, диний тил, жаргон ва ҳ.к.);
- **белгилар белгиси** – номлар номи – универсаллар (умумий тушунчалар)


Гоббснинг ижтимоий-фалсафий қарашлари
Жамият ва давлат муаммоси, Гоббснинг фикрича, фалсафада асосийдир, чунки фалсафанинг мақсади инсонга, унинг фаолиятида амалий натижаларга эришишга кўмаклашишдир, инсон эса жамиятда ва муайян давлатда яшаб, фаолият юритади.
Жамият ва давлат назарияси 1651 йил Кромвель диктатураси даврида нашр этилган «Левиафан» («Маҳлуқ») фалсафий асарида келтирилган.
• инсон табиати аввалбошдан ёвуздир;
• инсон фаолиятини ҳаракатлантирувчи куч шахсий манфаат ва эгоистик ҳиссиётлар, эҳтиёжлар, аффектлардир;
• кўрсатилган сифатлар ҳар бир инсоннинг барча нарсага бўлган ҳуқуқини англаб олишга олиб келади;
• ҳар бир инсоннинг барча нарсага бўлган ҳуқуқи ва бошқаларнинг манфаатларини эътиборга олмаслик «ҳамманинг устидан барча ҳам ҳуқуққа эга эмас» фикрига олиб келади, унда ғолиб бўлиш мумкин эмас ва у инсонларнинг биргаликдаги ҳаётини мумкин бўлмаган ҳолатга ва иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмаслигига олиб келади;
• инсонлар биргаликда яшаб қолишлари учун умумий шартнома тузишади (ўзаро шартномада ўз хоҳишларини ва ҳамманинг барча нарсага бўлган ҳуқуқини чеклашади);
• «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши»ни олдини олиш, ашаддий эгоизмни бостириш, жамият ва давлат ҳаётини тартибга солиш мақсадида, умумий институт (механизм) вужудга келади;
• ўзининг ўта мураккаб функцияларини самарали амалга ошириш учун давлат қудратли бўлиши лозим;
• давлат – мустаҳкам, кўпқиррали, қудратли маҳлуқ «Левиафан» бўлиб, ўзининг йўлида барча нарсани еб, йўқ қилиб боради, унга қаршилик қилиб бўлмайди, аммо бу жамиятда соғлом муҳитни яратиш, тартиб ва адолатни ўрнатиш муҳимдир.

ЖОН ЛОКК

«Бирламчи» ва «иккиламчи» сифатларни ажратиш ҳозирги замон билими нуқтаи назаридан содда ва ноилмий ҳисобланади. Аммо у субъектив идеализм намояндалари томонидан ўзлаштирилган ва ўзининг тадрижий якунига етказилган: «бирламчи сифатлар», «иккиламчи сифатлар» билан бир қаторда, субъектга боғлиқ бўлмаган, объектив мазмунга эга эмас, деб эълон қилинган.

У ғоялар ва тушунчаларнинг манбаи ташқи дунё, моддий нарсалардир, деган тезисни исботлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, моддий жисмларга соф миқдор хусусиятларигина хос. Материя сифат жиҳатидан ранг-баранг эмас: моддий жисмлар бир-биридан катталиги, шакл-шамойили, ҳаракати ва осойишталиги билангина ажралиб туради. Булар – «бирламчи сифатлар». «Иккиламчи сифатлар» – бу ҳид, овоз, ранг, таъм. Улар нарсалар билан узвий бўлиб туюлади, лекин амалда бундай эмас: нарсаларда бундай сифатлар йўқ. Улар, Локк фикрига кўра, субъектда «бирламчи сифатлар» таъсирида вужудга келади.

Джон Локк (1632–1704) Бэкон ва Гоббснинг кўплаб фалсафий ғояларини ривожлантирди, бир нечта ўз назарияларини илгари сурди, инглиз фалсафасида эмпирик ва материалистик анъанани давом эттирди

Джон Локк фалсафасининг асосий қоидалари

– Дунё моддийдир;
– Билиш асосида фақат тажриба ётади ва инсон онгида бунгача ҳисларда бўлмаган ҳеч нарса йўқ;
– Онг – бутун умр давомида тажриба билан тўлдириладиган бўш хона (empty cabinet), бунда Локкнинг онг тажриба ёзиладиган «тоза тахта» tabula rasa ҳақидаги бутун дунёга машҳур иборасини келтириш ўринли;
– Тажриба манбаси сифатида ташқи дунё кўрилади;
– Фалсафанинг мақсади – инсонга ўз фаолияти давомида муваффақиятга эришишига ёрдам бериш;
– Инсоннинг идеали – ўз таълим даражасини ошириб борадиган ва ўз касбида яхши натижаларга эришадиган хотиржам, қонунга итоатли, тартибли инсон;
– Давлат идеали – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи (шу жумладан, суд) ва федератив (ташқи сиёсат) бўлиниши асосида қурилган давлат;
Локк ушбу ғояни илгари сурган биринчи шахс ва бунда унинг хизматлари катта.

Рационализм асосчиси, француз файласуфи ва математиги Рене Декарт (1596–1550). У дунёда жуда машҳур бўлган: «Мен фикрлаяпман, демак, мен яшаяпман» таълимоти муаллифи

Декарт фалсафаси аҳамияти

- Онгнинг борлиққа нисбатан бирламчи эканини асослаб берган.
- Субстанциялар ва модуслар ҳақидаги фан ғоясини илгари сурган.
- Дуализм назариясининг муаллифи, шу билан фалсафадаги материалистик ва идеалистик оқимларни яраштиришга ҳаракат қилган.
- Билишнинг «туғма фикрлар» илмий услубини илгари сурган.
- Онгнинг борлиққа ва билимга нисбатан бирламчи эканлигини исботлаш.
- Гумонсираш (шубҳа) ҳақиқатдан бор, бу фақат аниқ ва исбот талаб этмайди.
- Яшаётган одамгина фикр юритади.
- Демак, фикрлаш ҳам ҳаётга, ҳам онгга хос.

Декартнинг субстанция ҳақидаги таълимоти

Субстанция – бу яшаши учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмайдиган ҳамма нарса

Бу субстанцияларни барчасига жавоб берувчи биргина субстанция бор у ҳам бўлса Худо, у доимий, уни ясаб бўлмайди, йўқ қилиб бўлмайди, кучли, ҳамма нарсани сабаби ҳам, боши ҳам ўзи.

Яратувчи сифатида Худо дунёни яратди, у ҳам субстанциялардан иборат.

Худо томонидан яратилган субстанциялар (ягона нарсалар, ғоялар) субстанциянинг ҳамма сифатларни ўзида жамлайди – бор бўлиш учун ўзидан бошқа нарсага муҳтож эмас. Шу билан бирга субстанцияларнинг яралиши фақат бир-бирига нисбатан етарли. Энг олий субстанция Худо учун – улар ясалган, иккиламчи ва унга боғлиқ

- Моддий субстанциялар
- Руҳий субстанциялар, ғоялар
- Инсон – бу яратилган субстанция

Ренэ Декарт

Декарт бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки биринчи асос: номоддий ёки «фикрловчи» субстанция ва моддий ёки «кўламли субстанция» мавжудлигини тахмин қилади. Бу икки субстанция параллель мавжуддир. Уларни ўрганиш билан метафизика ва физика шуғулланади. Метафизика, аввало, маънавий субстанцияни, у билан боғлиқ бўлган билиш ва борлиқ тамойилларини ўрганади. Физика табиат фалсафасини тадқиқ этади. У дунёнинг вужудга келиши, Ерда ҳаётнинг ривожланиши (табиат қонунларига мувофиқ) ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади, ҳайвонлар ва инсон танасининг тузилишини механика қонунларига бўйсинувчи мураккаб машиналар сифатида ўрганади (Р.Декарт асарларидан бири «Ҳайвон–машина» деб аталади).



Декарт билиш фалсафасида «Душман ғоялар»

Кўплаб билимларга дедукция ёрдамида эришилади, лекин шундай билим турлари борки, улар ҳеч қандай исботни талаб қилмайди. Бундай ҳақиқатлар (аксиомалар) бошдан очиқ-ойдин ва ишончлидир. Шу каби аксиомаларни Декарт «душман ғоялар» деб атайди, улар доимо Худо онгида ҳамда инсон онгида мавжуд ва авлоддан-авлодга ўтади.

Билишнинг мақсади

- Инсоннинг олам ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- Ушбу билимларни табиатдан имкон қадар кўпроқ инсон учун фойда олишга тадбиқ этиш;
- Янги техник воситаларни кашф қилиш;
- Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги

Бенедикт (Барух) Спиноза

У моддий субстанция атрибутлари ҳам материя каби абадийдир: улар ҳеч қачон вужудга келмайди ва йўқ бўлмайди, деб ҳисоблаган. Файласуф субстанциянинг конкрет ҳолатлари – *модусларга* кўп эътибор беради. У модусларни икки гуруҳга ажратади: абадий, чексиз модуслар ва муваққат, чекли модуслар. Чексиз модуслар субстанция атрибутлари – фикрлаш ва кўламлилик билан, чекли модуслар эса – қолган барча нарсалар ва ҳодисалар билан белгиланади.

Спиноза ҳаракат ҳеч қандай илоҳий туртки маҳсули эмаслигини исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, табиат «ўз-ўзининг сабаби» бўлиб, ҳаракат унинг моҳияти ва манбаи ҳисобланади. Аммо ҳаракат Спинозада атрибут эмас, балки модусдир. Бунда ҳаракат муайян нарсаларда кузатилади, субстанция эса ҳаракатланиш ва ўзгариш қобилиятидан маҳрум ва вақтга мутлақо боғлиқ эмас.

Б.Спинозанинг фалсафий тадқиқотлари
Детерминизм муаммоси (табиатдаги барча нарсаларнинг ўзаро боғлиқлиги).
Билиш назарияси (билишнинг уч босқичи)
Эркинлик ва зарурат алоқадорлиги муаммоси.
Субстанция эркинлиги ва зарурати яхлит бир бутунни ташқил қилади.
Бевосита инсоннинг ақлидан келиб чиқадиган ва ҳеч қандай сабабларга боғлиқ бўлмаган «соф ҳолдаги билиш» – билишнинг олий туридир.
Худо (Табиат)га тўла эркинлик берилган, бироқ у қатъий зарурат асосида фаолият кўрсатади.
Модуслар умуман мустақил эмаслар ва заруратга тўлиқ бўйсунадилар.
Ақлнинг фаолияти (мулоҳаза, мантиқий операциялар) натижасида қўлга критилган билиш – иккинчи, нисбатан камроқ даражадаги билишдир.
Инсон руҳан эркин бўлиш мақсадида кўпинча зарурат оқимида сузади, ушбу оқимга қарши бора олмайди ва зарурат талабига кўнишга мажбур (Спиноза фикрича, «руҳий автомат»дир).
Атрофни қуршаб турган дунёни ҳиссий билиш мумкин эмас. Спиноза фикрича, бу йўл билан қўлга киритиган билишни исботлаб бўлмайди, у ишончли эмас ва юзаки; у ҳақиқий билимга йўл очади.
Эркинлик йўли бу – ташқи зарурат ички заруратга айланган шарт-шароитни топа билишдир
Эркинлик – бу англанган заруратдир.

Кўпроқ даражада эркинлика эришиш учун инсонга нималар зарур?
Заруратни бутун борлиқнинг ташқи сабабчиси бўлган субстанция (Табиат – Худо) кўринишида имкон даражада кўпроқ билиш.
Аффектлардан (ғам, қувонч, кўнгил майллари ва ҳоказо) халос бўлиш, зеро улар ҳам эркинликни бўғади ва инсонни зарурат асосида ҳаракат қилишга ундайди.

Готфрид Вильгельм Лейбниц

Немис математик олими, юрист, файласуф – янги давр фалсафасининг кўзга кўринган сўнгги намояндаларидан бири. Рационализм йўналиши тарафдори (1646–1716)

Субстанция муаммоси

Декарт ва Спинозанинг субстанция ҳақидаги назарияларини қайта кўриб чиқиш

Декарт ва Спинозанинг субстанция ҳақида назарияларини ўрганиб чиқиб, улар мукаммал эмас, деган хулосага келади.

Биринчидан, у Декартнинг барча субстанцияларни (мавжуд бўлиши учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган воқелик) бўлиш тўғрисидаги дуалистик қарашни тан олмайди.

Иккинчидан, Лейбницнинг фикрича, субстанцияларни биттага бирлаштириб (Худо – Табиат), Декартнинг дуализмидан халос бўла олмаган, чунки барча модусларни (ягона нарсалар – субстанцияларнинг кўриниши) иккита – ҳажмга эга ва фикрловчи синфга бўлган. Яъни, Декартдаги субстанциянинг икки турли бўлиши Спинозанинг ягона субстанциядаги муқобил кўринишли модусларига тўғри келади.

Монадалар ҳақидаги назария (субстанциянинг кўптурлиги тўғрисида)
Асосий қоидалар:
▪ Бутун дунё жуда кўп субстанциялардан иборат бўлиб, дуалистик (Декарт ва Спиноза каби) эмас, балки, аксинча ягона табиатга эга.
▪ Бу субстанциялар «монада» деб аталади (юнон. «ягона»).
▪ Монада оддий, бўлинмайди, ҳажмга эга эмас, моддий жисм ҳам эмас.
▪ Монада тўртта сифатга эга: интилиш, қизиқиш, қабул қилиш, тасаввур этиш.
▪ Монада ўз моҳиятига кўра – ҳаракатда, ягона ва ўз ҳолатини тинимсиз ўзгартириб туради.
▪ Узлуксиз мавжудлигидан монада ўзини англаб етади.
▪ Монадалар ёлғиздир ва бир-биридан мустақилдир.
Монадаларнинг даражалари (монаданинг даражаси қанчалик юқори бўлса, шунча онги ва эркинлиги юқоридир)
▪ «яланғоч монадалар» – чексиз табиат асосида ётадилар (тошлар, тупроқ, фойдали қазилмалар);
▪ «Ҳайвонлар монадаси» – ҳис қилиш ва ривожланмаган ўз-ўзини англаш қобилиятига эга;
▪ «Инсон» (руҳ) монадаси – тафаккур, хотира, наёб ақлий фикрлаш қобилиятига эга;
▪ «Олий монада» – Худо.


Эмпиризм ва рационализмни мувофиқлаштиришга уриниш
Барча билимларни икки турга бўлди – «тафаккур ҳақиқати» ва «далил ҳақиқати»
«Тафаккур ҳақиқати» онгнинг ўзидан келиб чиқади, мантиқий исботланишга ва умумий лозим бўлган характерга эга
«Далил ҳақиқати» – эмпирик (тажриба) йўли билан олинган билимлар (масалан, магнит тортишуви, сувнинг қайнаш ҳарорати) одатда мазкур билимлар далилнинг ўзини қайд этади, унинг сабабларини тушунтриб бермайди ва тахминий хусусиятга эга.
Тажрибавий билимлар (эмпирик, «далил ҳақиқати») ҳақиқий («тафаккур ҳақиқати») бўлмай, тахминий бўлсада, уни билим сифатида рад этиб бўлмайди.
Шундай қилиб, билиш нафақат бир турдаги билимларни эгаллаш рационал ёки тажрибавий йўл билан эмас, балки уларнинг иккала тури билан эгалланади. Хусусан, рационал (тафаккурга асосланиб олинган) ҳақиқий хусусиятга эга, эмпирик эса тахминий халос.

Субъектив идеализм фалсафаси

Асосий ғоялар

– Фикр ягона воқеликдир;
– Фикр фақатгина инсон онгида мавжуд бўлади, яъни инсон онги ундан ташқарида ҳеч нарса мавжуд бўла олмайдиган мавжуд воқеликдир.

Машҳур вакиллари

– Джорж Беркли;

– Давид Юм;

– Иоганн Фихте.

Гуго Гроций (1583–1645) – файласуф, ҳуқуқшунос, жамоат арбоби, Нидерландия ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фалсафасининг ёрқин намояндаси

Фалсафий тадқиқотларининг асосий йўналишлари

Гносеология (билиш); Уруш ва тинчлик муаммолари; Давлат ва ҳуқуқ; Халқаро муносабатлар.

Табиий ҳуқуқ назарияси:

– Ҳуқуқ Худо томонидан берилмаган;
– Ҳуқуқ аввал бошдан инсонга жойланган;
– Барча мавжуд ҳуқуқларни икки катта бўлакка бўлиш мумкин – табиий ҳуқуқ ва ёзилган (позитив) ҳуқуқлар;
– Табиий ҳуқуқ – бу инсон табиатига жойланган ҳуқуқ (яшашга ҳуқуқ, шаънга ҳуқуқ, озодликка ҳуқуқ ва ҳоказо). У қонунларда ёзилган ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар сўзсиз риоя этилиши шарт;
– Ёзилган (позитив) ҳуқуқлар – инсон томонидан ишлаб чиқиладиган ва расмий манбалар – қонунларда ёзиб қўйиладиган ахлоқ нормалари;
– Расмий (ёзилган, позитив) ҳуқуқ табиий ҳуқуққа асосланиши ва унга зид келмаслиги керак.

Джорж Беркли (1685–1753) – Янги давр инглиз файласуфи, субъектив идеалист

– Материя тушунчаси ёлғон тушунча;
– Алоҳида нарсалар, алоҳида туйғулар мавжуд, аммо материя мавжуд эмас;
– Материализм – фалсафадаги берк йўналиш, материалистлар алоҳида нарсаларнинг фикрга нисбатан бирламчилигини исботлашга қодир (улар буни материя деб атайдилар);
– Аксинча, фикр бирламчилиги осонгина исбот қилинади – бирон нарса ясалишидан олдин, унинг идеали, инмон ақлида ҳамда Худо яратувчи онгида мавжуд бўлади;
– Ягона очиқ-ойдин нарса – инсон онгидир;
– Инсон ва унинг онги ўлимидан сўнг ҳамма нарса йўқолади;
– Ғоялар – бу мустақил субстрат, бошқа нарсанинг акси эмас, атроф-олам ғоялар атрофига қурилади;
– Ғоянинг бирламчилигига энг юқори исбот Худонинг мавжудлигидир;
– Худо ҳар доим мавжуд бўлади ва адабийдир, атроф-олам эса, беқарор, ўзгарувчан ва моҳиятан Худога боғлиқ (бўйсунувчи)дир.

Дэвид Юм (1711–1776) – инглиз файласуфи, субъектив идеалист

Асосий фикрлари:

– Борлиқ ва руҳ алоқаси муаммосини ечиб бўлмайди;
– Инсон онги фикр (ғоя)ларига боғлиқ;
– Инсоннинг ўзи жамганган ғоядир (бутун инсон умри давомида унинг идеал қуввати – тажриба, билим, ҳис-туйғуларнинг ривожланиш жараёнидир);
– Ўзининг идеал моҳиятисиз (масалан тарбия, тажриба, қадриятлар тизими) инсон умуман дунёни тўлиқ қабул қила олмас эди;
– Инсон икки идеал асос (ибтидо) дан иборат:
– «Ташқи тажриба таассуротлари» – орттирилган билим ва тажриба;
– «Ички тажриба таассуротлари» – жазава (аффект), эҳтирос кабилар инсон ҳаёти ва тарихида катта роль ўйнайди.

Иоганн Готлиб Фихте (1762–1814) – немис классик фалсафаси вакили. Субъектив идеалист.

Асосий қарашлари:

«Мен концепция»сини Кант фалсафасига қарши қарашлари туфайли илгари суради. Фихте бош қарама-қаршиликни кантча билувчи субъект (инсон) ва билинмас оламнинг («нарса ўзида») бўлинишида кўради. Ушбу бўлиниш, Фихте фикрича, ақлнинг, антиномияларнинг билиш имкониятлари чекланганлиги тўғрисидаги идеал каби, фалсафани унинг асосий вазифаси – борлиқ ва фикрни бирлаштиришдан умид қилади.

Эркинлик муаммоси
Эркинлик – умумий заруратга ихтиёрий бўйсунишдир. Бутун инсоният тарихи – эркинлик тарқалиши жараёни, унинг ғалабаси томон йўлдир. Умумий эркинликнинг асоси – барчанинг хусусий мулк билан таъминланганлидадир.

Фихтенинг «Мен концепцияси»нинг асосий қоидалари

- «Нарсалар ўз-ўзида» – ақл билан англаб бўлмас ташқи воқелик ғоясини рад этади.
- Ягона воқелик бутун оламни ўз ичига оладиган (яъни, борлиқ ва фикрни фикр ичига жойлаштириш орқали бирлаштириш) ички субъектив, инсоний «Мен»ни эълон қилади.
- Атроф-олам ҳаёти фақат субъектив «Мен» ичида рўй беради.
- Фикрдан, «Мен»дан ташқарида, мустақил воқелик йўқ.
- «Мен»нинг ўзи – инсоннинг оддий онги эмас, ҳаракат, яратувчи куч, олам, макони. Энг юқори субстанция Декарт ва Спиноза фалсафасидаги каби Худодир.

«Мен» ва «Мен эмас»нинг ўзаро икки алоқаси

- **Амалий –** «Мен»дан «Мен эмас»га; «Мен» «Мен эмас»ни яратади, аниқлайди.
- **Назарий –** «Мен эмас»дан «Мен»га – иккинчи, анча кам учрайдиган алоқа тури; Тажриба, ахборотнинг «Мен эмас» – атроф-оламдан «Мен» (аниқ онг)га етказилиши.


XVII АСР ЕВРОПА ФАЛСАФАСИНИНГ МАЪРИФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
XVIII аср фалсафасида табиат ҳодисаларини тушунтиришга нисбатан қарашларда материализм сезиларли даражада ривожланади. Француз материализми оламшумул тарихий аҳамият касб этади: у ўрта асрлар схоластикасига қарши чиқибгина қолмасдан, балки ўз дунёқараши ва дунёвий манфаатларини ҳам асослашга ҳаракат қилади.
Албатта, XVIII аср фалсафаси бир жинсли эмас: унда материалистик дунёқараш мўлжаллари ҳам, идеалистик дунёқараш мўлжаллари ҳам, атеистик ва деистик қарашлар ҳам мавжуд. Аксарият ҳолларда идеализм ва материализм, дин ва фан ёнма-ён туради.


XVIII аср француз маърифатчиларининг асосий қарашлари
Таниқли вакиллари
Мелье, Ламетри, Дидро, Гольбах
Маърифатпарварлик фалсафаси Францияда XVIII асрда – Буюк француз инқилоби арафасида ва инқилоб даврида тарқалган.
Атеизм – фалсафадаги ҳар қандай кўринишдаги худонинг мавжудлигини, шунингдек, динни бутунлай инкор этувчи йўналиш.
Моддиюнчилик (материализм) – фалсафадаги борлиқнинг яратилишида мустақил идеал (руҳий) ибтидони тан олмайдиган ва олам, унинг ҳодисалари, инсонни табиий фанлар нуқтаи назаридан тушунтирувчи йўналиш.

Атеистик – моддиюнча йўналишдаги француз файласуфлари фаолиятининг фалсафа ва умуман жамият учун аҳамияти

- Икки фалсафий йўналиш – моддиюнчилик ва идеализмни аниқ ажратиб бердилар («Демокрит йўналиши» ва «Платон йўналиши»);
- Фалсафани кўплаб бидъатлардан халос этдилар;
- Материя – субстанциясига аниқрок таъриф бердилар;
- Билиш материянинг ўзини-ўзи инъикос этиш хоссаси эканлиги (ҳозирги пайтда кенг тарқалган) ғоясини илгари сурдилар;
- Тажрибагача бўлган, сезгилардан юқори (соф) билимни танқид қилдилар;
- Моддиюнча сенсуализм назариясига (билиш замирида ҳиссий сезгилар ётади) асос солдилар ва тарқатдилар;
- Барча алоҳида олинган нарсалар микрозарраларнинг турли комбинациялари эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурдилар;
- Ҳаракат – ғайритабиий нарса эмас, материянинг хоссаси эканлигига эътибор қаратдилар;
- Ижтимоий адолат ғоясига асос солдилар;
- Буюк француз инқилобини ғоявий жиҳатдан тайёрладилар.

Жан Мелье (1664–1729) касб бўйича руҳоний, кейинчалик ҳаёти давомида Худо ва динни тамомила рад этишгача бориб етади (атеизм), файласуф. Ижтимоий-сиёсий қарашлари учун Мельени кўпинча социалист-утопистлар сарасига киритадилар

Фалсафасининг асосий жиҳатлари

- Ғайритабиий ҳеч нарса (жумладан, Худо ҳам) мавжуд эмас;
- Материядан ажралган ғоялар мавжудлигига, руҳнинг ўлмаслигига ишонмайди;
- Бутун дунё алоҳида субстанция – материядан иборат;
- Материя барча нарсалар, барча мавжудотларнинг илк сабабчиси, у адабий, уни яратиб бўлмайди, аниқ мавжуд. Ўзининг хоссаси – ҳаракати туфайли доимий ўзгаришда ва ривожланишда;
- Материя кичик зарралардан иборат, унинг комбинациясидан туфайли нарсалар ҳосил бўлади;
- Билиш – материянинг ўзидаги материянинг инъикосидир;
- Кўплаб билимларнинг манбаи сезгидир;
- Ижтимоий антогонизмларнинг сабабини жисмоний меҳнатдан қутулмоқчи бўлган баъзи шахсларнинг «ёвуз истаклари» туфайли вужудга келган хусусий мулкда кўрган;
- Мутлақ ҳокимиятни ағдариш, мавжуд ҳокимиятни ва хусусий мулкни йўқ қилиш тарафдори бўлган;
- Келгуси жамиятнинг аъзоларини тенг ҳуқуқли, бирга яшаб, бирга ишлаб чиқариладиган, олган фойдаларини тенг тақсимлаб, ҳаёт завқини сурадиган
- Ўзаро дўст жамиятлар иттифоқи каби тасаввур қилган.

Жюльен Ламетри фалсафасининг асосий қоидалари

– Идеализм ва илоҳиётни бутунлай рад этган;
– Дунёни ягона субстанция – материянинг турли кўринишларининг мажмуидан иборат;
– Материя яратилмайди, у абадий ва чексиздир;
– Руҳ, онг, ҳисиётлар табиий келиб чиққан материянинг хоссаларидир;
– Материя мукаммал экан, Худога абадий эҳтиёж йўқ;
– Дунёни билиш мумкинлигига тўла ишонган, билишда энг асосий омил сезги аъзоларидир;
– Утилитарист, яъни инсон ҳаётининг маъноси – шахсий бахтдир;
– Хусусий мулк инсон эркинлигининг шахсий кафолати;
– Идеал жамиятни «маърифатли абсолютизм» каби тасаввур қилган.

Дени Дидро (1713–1784) – машҳур файласуфлардан бири. Дидро «Фанлар, санъатлар ва ҳунарлар Энциклопедиясини»ни яратиш ғоясини илгари сурган. «Энциклопедия» диний бидъатлардан холи бўлиб, санъат ва ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий фанларнинг асосларидан иборат эди. Уни яратишда Дидро билан бирга ўз даврининг буюк файласуфлари бўлган замондошлари Вольтер, Монтескье, Кондильяк, Гольбах ва бошқалар иштирок этдилар. «Энциклопедия»ни яратишга 20 йилдан ортиқроқ вақт кетган.

Фалсафий қарашлари

• Ғайритабиий ҳеч нарса (жумладан, Худо ҳам) мавжуд эмас;
• Материядан ажралган ғоялар мавжудлигига, руҳнинг ўлмаслигига ишонмайди;
• Бутун дунё алоҳида субстанция – материядан иборат;
• Материя барча нарсалар, барча мавжудотларнинг илк сабабчиси, у адабий, уни яратиб бўлмайди, аниқ мавжуд. Ўзининг хоссаси – ҳаракати туфайли доимий ўзгаришда ва ривожланишда;
• Материя кичик зарралардан иборат, унинг комбинациясидан туфайли нарсалар ҳосил бўлади;
• Билиш – материянинг ўзидаги материянинг инъикосидир;
• Кўплаб билимларнинг манбаи сезгидир;
• Ижтимоий антогонизмларнинг сабабини жисмоний меҳнатдан қутулмоқчи бўлган баъзи шахсларнинг «ёвуз истаклари» туфайли вужудга келган хусусий мулкда кўрган.

Этьенн Кондильяк (1715–1780) асосий эътиборини билиш муаммоларига (гносеологияга) қаратган, жамият муаммоларига камроқ эътибор қаратган

Фалсафий қарашларининг асосий мазмуни

- Дунёни билиш мумкин;
- Инсон ташқи дунёни унинг имкониятлари (ақл, сезги аъзолари) йўл қўйган даражада билиши мумкин;
- Дунё – барча билимлар манбаидир;
- Билиш асосида ҳиссий қабул қилиш ётади (ташқи дунёнинг инсон онгида сезги аъзолари ёрдамида акс этиши);
- Ҳиссий қабул қилишсиз ақл ёрдамида мустақил билиш мумкин эмас.

XVII–XIX асрда немис фалсафаси

XIX аср немис фалсафасининг асосий йўналишлари

- Немис классик фалсафаси (XIX аср биринчи ярми)
- Материализм (XIX аср ўрталари ва иккинчи ярми)
- Иррационализм (XIX аср иккинчи ярми ва охири) «ҳаёт фалсафаси»

Аҳамияти

- Улар инсониятни асрлар давомида қийнаб келган масалани чуқур тадқиқ қилишга муваффақ бўлди, уларнинг хулосалари фалсафанинг кейинги ривожини аниқлаб берди.
- Немис фалсафаси ўзида ўша давр учун маълум бўлган фалсафа йўналишларини мужассамлаштиради.
- Дунёнинг олтин фондига кирувчи ўнлаб файласуфларнинг номини кагф этди (Кант, Фихте, Гегель, Шопенгауэр, Ницше ва бошқалар).

Немис классик фалсафаси XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида кенг ёйилди

Асосий намояндалар

Иммануил Кант (1724–1804) немис классик фалсафасининг асосчиси

Асосий ғоялари

- Қуёш тизимининг ҳосил бўлишини табиий сабабларга таяниб, Ньютон қонунлари асосида тушунтириб берди – борлиқ зарядланган моддий зарраларнинг ҳаракатланаётган туманлигидан келиб чиққан деб тушунтирди;
- Билиш чекланган;
- Инсон имкониятларини ва атрофимиздаги воқеа ҳамда жисмларнинг ички моҳиятини англаб бўлмайди «нарсаларнинг ўзи»;
- Тоифалар тўғрисидаги таълимот яратди – фалсафада асосланадиган асосий ва умумий тушунчалар;
- Ахлоқий қонунни шакллантирди («тоифали императив»);
- Урушнинг иқтисодий самарасизлиги ва унинг ҳуқуқий тақиқланишига асосланиб келгусидаги «ниҳоясиз дунё» ғоясини яратди.

Георг Гегель (1770–1831) фалсафасининг асосий ғоялари

- борлиқ ва тафаккурни айнанлаштирди;
- онгга боғлиқ бўлмаган ва барча борлиқ, моддий дунёнинг дастлабки асоси бўлиши мутлақ ғоя таълимотини яратди, шу билан, Ғарбнинг қатор давлатларида кенг тарқалган объектив идеализм концепциясини атрофлича асослаб берди;
- Гегельнинг фалсафага қўшган асосий ҳиссаси диалектикани ишлаб чиққанлигидадир – умумий ривожланиш таълимоти, унинг асосий қонуниятлари ва тамойиллари

Фридрих Шеллинг (1775–1854) фалсафасининг асосий ғоялари

- Объектив идеализм нуқтаи-назаридан табиатнинг моҳиятини чуқур асослаб берди;
- Эркинлик ва ҳуқуқий тузум азалдан табиатда мавжуддир деган ғояни ишлаб чиқди.

Немис классик фалсафаси XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида кенг ёйилди

Иоганн Фихте (1762–1814) субъектив идеализм концепциясининг ишлаб чиқилишида катта ҳисса қўшди, унга мувофиқ инсон учун ягона ва асосий воқелик унинг ўзидир, унинг онги («Мен ўзим» концепцияси) (*юқоридаги слайдларда келтирилган*)

Людвиг Фейербах (1804–1872)

- идеализмни танқид қилади ва дунёнинг тартибли ва умумий тизимли тасвирини илгари сурди;
- ўзининг фалсафасида Фейербах ашаддий атеист сифатида намоён бўлган, Худонинг йўқлигини, унинг инсон томонидан ўйлаб топилганини, амалга оширилмаган инсоний идеалларнинг Худо кўринишига ўтказилганини исботлашга ҳаракат қилган.

Немис классик фалсафасининг аҳамияти

- фалсафанинг эътиборини одатий муаммоларидан (борлиқ, тафаккур, билиш ва бошқалар) инсон моҳиятини тадқиқ этишга қаратган;
- фалсафанинг мантиқий-назарий аппаратини сезиларли бойитди;
- тарихга бутун жараён сифатида қаради.

Иммануил Кант фалсафаси

Кант фалсафасини даврийлаштириш

Танқидий давргача бўлган ижоди (XVIII асрнинг 70-йилларигача): Кантнинг танқидий давргача бўлган фалсафий тадқиқотларининг муҳим масалалари борлиқ, табиат, табиий фанлар муаммолари эди. Кантнинг ушбу муаммоларни ўрганишидаги ижодкорлиги шундаки, у тараққиёт муаммоларига биринчи бўлиб эътибор ажратган файласуф эди.

Кантнинг танқидий даврдаги (XVIII асрнинг 70-йиллари боши) фалсафий ишлари асосида билиш муаммоси ётади. Танқидий даврда Кантни ақл, билиш, билиш механизми фаолияти, билиш чегаралари, мантиқ, этика, ижтимоий фалсафа масалалари қизиқтирган.

Файласуф ижодининг танқидий даври деган ном олишига сабаб бўлган фундаментал фалсафий асарлари:

«Соф ақлни танқиди»,
«Амалий ақл танқиди»,
«Мулоҳаза юритиш қобилияти танқиди».

Кантнинг ўз даври учун инқилобий фалсафий хулосалари:

❖ Қуёш тизими бошда материянинг коинотда парчаланган зарраларидан ҳосил бўлган катта булутнинг айланиши натижасида вужудга келган, бу булутни ташкил қилувчи зарраларнинг ҳаракати ва ўзаро таъсири (тортишиши, бир-бирини итариши, тўқнашиши) туфайли рўй берган;
❖ Табиатнинг замонда ўз тарихи (ибтидо ва интиҳоси) бор, абадий ва ўзгармас эмас;
❖ Табиат доим ўзгаришда ва ривожланишда;
❖ Ҳаракат ва сокинлик нисбийдир;
❖ Ердаги барча тирик мавжудотлар, шу жумладан, инсон ҳам – табиий биологик эволюциянинг натижасидир.

Кантнинг «Соф ақлнинг танқиди» асари

Асарнинг асосий ғояси – **агностицизм** – дунёни билиш мумкин эмаслиги. Кантгача бўлган кўпчилик файласуфлар билишнинг энг асосий қийинчилиги унинг объекти – ўзида минг йиллар давомида очилмаган сирларни сақловчи борлиқ, дунёда деб билганлар. Кант фикрича эса, билиш жараёнидаги қийинчиликларнинг сабаби объект – дунёда эмас, билиш имконияти (қобилияти) чекланган, яъни ақл ҳамма нарсага қодир эмас. Инсон ақли ўзининг жами билиш воситалари билан ўзининг доирасидан (имкониятларидан) ташқарига чиқар экан, шу заҳотиёқ, ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятларга дуч келади (антиномиялар). ақл ёрдамида бир вақтнинг ўзида антиномияларнинг ҳар икки бир-бирига зид қоидаларини мантиқан исботлаш мумкин – ақл эса, боши берк кўчага кириб қолади. Антиномияларнинг мавжудлиги, Кант фикрича, ақлнинг билиш имкониятлари чегаралари мавжудлигининг исботидир.

Антиномиялар
Маконнинг чекланганлиги
Дунёнинг замонда ибтидоси бор ва макон жиҳатдан чегараланган.
Дунёнинг замонда ибтидоси йўқ ва чексиздир.
Оддий ва мураккаб
Фақат оддий унсурлар ва оддий унсурларлардан ташкил топган нарсалар мавжуд.
Дунёда ҳеч қандай оддий нарса йўқ.
Эркинлик ва сабабият
Табиат қонунлари бўйича фақат сабабият эмас, эркинлик ҳам мавжуддир.
Эркинлик мавжуд эмас. Дунёда барча нарса табиат қонунлари бўйича қатъий сабабият асосида кечади.
Худонинг мавжудлиги чекланганлиги
Шубҳасиз зарур мавжудот, бутун Борлиқнинг сабабчиси Худо бор.
Худо йўқ. Ҳеч қандай мутлақо зарур мавжудот – бутун борлиқнинг сабабчиси йўқ.

Билимнинг билиш фаолияти натижаси сифатидаги тавсифи
Апостериор билим
Инсон тажриба натижасида қўлга киритадиган билим. Бундай билим фақат тахминий бўлади, бироқ ишончли бўлмайди, негаки ушбу турдаги билимдан олинган ҳар бир исботни амалиётда текшириш зарур ва ҳар доим ҳам бундай билим ҳақиқий бўлавермайди. Масалан, инсон ўз тажрибасида барча металлар эришини билади, бироқ назарий жиҳатдан эритиб бўлмайдиган металлар учраши мумкин, демак, тажрибавий (эмпирик, апостериор) билим панд бериши мумкин, тўлиқ ишончли эмас ва умумийликка даъво қила олмайди.
Априор билим
Тажрибагача, яъни инсон онгида бошдан мавжуд ва ҳеч қандай тажриба билан исбот қилишни талаб қилмайдиган билим. Масалан, «Инсон ҳаёти маконда кечади», «Барча жисмлар оғирликка эга». Ушбу қоидаларнинг ҳар бири тажриба билан текширилганда ҳам аниқ-равшан мутлақ ҳақиқатдир. Масалан, ҳажмсиз жисм ҳеч қачон учрамайди. Фақат априор (тажрибагача) билимгина мутлақ ҳақиқий ва ишончли бўлиб, умумийлик ва зарурийлик хусусиятларига эга.
****
«Нарса ўзида» – бу нарсанинг ҳеч қачон ақл билан билиб бўлмайдиган ички моҳияти.

Билиш жараёни чизғиси

✓ Ташқи олам бошда инсон сезги аъзоларига таъсир кўрсатади;
✓ Инсон сезги аъзолари ташқи дунёнинг тимсолларини ҳиссиётлар кўринишида қабул қилади;
✓ Инсон онги сезги аъзолари орқали қабул қилган тарқоқ тимсол ва ҳиссиётларни тизимга солади, натижада инсон онгида дунёнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади;
✓ Сезгилар ёрдамида онгда пайдо бўлган дунё манзараси фақат ақл ва сезгилар ёрдамида кўринадиган ташқи дунё тимсолидир холос, унинг реал борлиқ бўлган ҳеч қандай умумийлиги йўқ;
✓ Тимсолини аниқ ақл ва ҳиссиёт билан қабул қилувчи ренал борлиқ – «нарса ўзида», яъни ақл билан мутлақо англаш мумкин бўлмаган субстанциядир;
✓ Инсон ақли дунёнинг жуда кўп предмет ва ҳодисалари – «нарса ўзида»нинг тимсолинигина билиши мумкин, бироқ уларнинг ички моҳиятини англай олмайди.

Билиш жараёнида ақл – тақалувчи, ўтиб бўлмас чегарадир

▪ Ортида ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлар – антиномиялар пайдо бўлувчи ўз (ақл учун ички) чегаралари;
▪ Ташқи чегаралар – нарса ўзиданинг ички моҳияти.

«Амалий ақлнинг танқиди» асари
(«Амалий ақл» атамаси орқали Кант ахлоқни тушунади)

«Амалий ақлнинг танқиди» асарининг асосий саволлари:

Ахлоқ қандай бўлиши керак?

Инсоннинг ахлоқий хулқи нима?

Хулосалар

➢ Соф ахлоқ – умум тан олинган эзгу ижтимоий онгни алоҳида индивид ўзиники сифатида қабул қилади;
➢ Соф ахлоқ ва реал ҳаёт (хатти-ҳаракатлар, хоҳиш, инсон манфаатлари) ўртасида кескин қарама-қаршилик мавжуд;
➢ Инсон ахлоқи ва хулқи ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳоли бўлиши керак ва фақат ахлоқий қонунларга бўйсуниши керак.

Олий ва сўзсиз аҳамият касб этувчи ахлоқий қонунни Кант **категориал императив** деб номлайди. «*Шундай ҳаракат қилгинки, сенинг максимал ҳаракатининг умумий қонунчиликнинг тамоийллари бўлсин*».

Категориал императивнинг замонавий изоҳи

➢ Инсон шундай ҳаракат қилиши керакки, унинг ҳаракатлари барча учун ўрнак бўлсин;
➢ Инсон бошқа инсонга восита эмас, балки мақсад сифатида муомала қилиши керак.

«Мулоҳаза юритиш қобилиятининг танқиди» асари

Асосий ғоя – **умумий мақбуллик ғояси**

- *Эстетикада мақбуллик* (инсонга ҳаёт ва маданиятнинг турли соҳаларида максимал муваффақиятли фойдаланиши мумкин бўлган қобилиятлар инъом этилган);
- *Табиатда мақбуллик* (табиатда барча нарса жонли табиат, ўлик табиатни ташкил этишда, организмнинг тузилишида, кўпайиш ва ривожланишда);
- *Руҳнинг мақбуллиги* (Аллоҳнинг мавжудлиги).

Кантнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари

- Файласуф инсон табиатан жоҳил бўлади деб ҳисоблайди;
- Инсонни қутқаришни ахлоқий тарбия ва ахлоқий қонунга қаттиқ амал қилишда кўради;
- Демократия ва ҳуқуқий тартиб кенгайишининг тарафдори эди. Биринчидан, ҳар бир алоҳида жамиятда, иккинчидан, давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда;
- Урушни инсониятнинг қаттиқ янглишиши ва жинояти сифатида танқид қилади;
- Келажакда муқаррар «Олий тинчлик» бошланади – ёки қонун билан тақиқланади, ёки иқтисодий жиҳатлан манфаатсиз бўлади.

Кант фалсафасининг тарихий аҳамияти

- Қуёш тизимининг вужудга келишининг илмий асосланган сабабларини кўрсатган;
- Инсон онгининг билиш қобилияти чегарасининг мавжудлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган (антиномиялар – қарама-қаршиликлар);
- Тафаккур асосини ташкил этадиган умумий тушунчалардан иборат 12 категорияларни киритган;
- Категориал императив қонунини фалсафага олиб кирган;
- Ҳар бир алоҳида жамиятда бўлгани каби халқаро муносабатларда ҳам демократия ва ҳуқуқий тартиб ғоясини илгари сурган;
- Урушни танқид қилган, урушнинг иқтисодий самарасизлигига ва уларнинг ҳуқуқий таркибига асосланган келажакдаги «Абадий тинчлик»ни башорат қилган.

Георг Вильгельм Гегель (1770–1831) – дастлаб, Гейделберг, сўнг Берлин университети профессори, ўз даврида Германия ва Европанинг энг машҳур файласуфларидан бири, немис мумтоз идеализмининг ёрқин намояндаси

Гегелнинг фалсафага ҳиссаси

Объектив идеализм назарияси (унинг асосий тушунчаси мутлақ ғоя – жаҳон руҳи ҳисобланади) диалектика умум-фалсафий метод сифатида асосланади.

Энг муҳим асарлари:

«Руҳ феноменологияси», «Мантиқ фани»

Ижтимоий-сиёсий қарашлари

- Давлат – Худонинг дунёда мавжудлигининг шаклидир (Худо тимсоли), ҳуқуқ – эркинлик тимсолининг мавжудлигидир;
- Умумий манфаатлар ва алоҳида инсон, унинг манфаатлари умумий манфаатлар учун қурбон бўлиши мумкин;
- Бойлик ва қашшоқлик табиий ва муқаррар. Бу Худо томонидан ато этиладиган реаллик ва унга кўникиш керак;
- Жамиятдаги қарама-қаршиликлар ва можаролар ёвузлик эмас, балки эзгулик ва тараққиёт двигателидир;
- Давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик ва можаролар, урушлар бутунжаҳон тарихий миқёсидаги тараққиёт двигатели;
- «Абадий тинчлик» чириш ва ахлоқий бузилишга олиб келади, мунтазам урушлар, аксинча, миллат равнақига сабаб бўлади.

Гегель онтологияси (борлиқ ҳақида таълимот) асосий ғоя – борлиқ ва тафаккурни айнийлаштиришдир

Мутлақ ғоя

- ягона ҳақиқий воқелик мавжуд;
- оламнинг дастлабки асосий сабаби унинг жисмлари ва ҳодисалари;
- ўз ўзини англаш ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлган дунёвий руҳ

Мутлақ руҳнинг бегоналашув турлари

– атрофдаги олам;
– табиат;
– инсон;
– тафаккур ва инсон фаолиятидан бегоналаштирилгандан сўнг, тарихнинг қонуний кечиши яна ўзига қайтади: яъни қуйидаги жадвал бўйича Мутлақ руҳнинг айланма ҳаракати содир бўлади: Олам (мутлақ) руҳ – бегоналашиши – олам ва инсон – инсоннинг фикрлаши ва фаолияти натижасида руҳнинг ўз ўзини амалга ошириши – Мутлақ руҳнинг ўз ўзига қайтиши.

Гегель онтологияси (борлиқ ҳақида таълимот) асосий ғоя – борлиқ ва тафаккурни айнийлаштиришдир

Бегоналашув

- ҳаводан материянинг яратилиши;
- объект (олам) ва субъект (инсон) ўртасида мураккаб муносабат ўрнатилиши – инсон фаолияти натижасида Олам руҳи ўзини моддийлаштиради;
- янглишиш, инсон томонидан дунёни нотўғри тушуниши.

Гегель онтологиясида инсон

- мутлақ ғоянинг ташувчиси ҳисобланади.
- ҳар бир инсоннинг онги – Олам руҳининг бир бўлагидир.
- айнан инсонда мавҳум ва шахссиз Олам руҳи ирода, шахсий характер касб этади.

Олам руҳининг намоён бўлиши

- сўзлар, нутқ, тил, ҳаракатларда ўзини намоён қилади;
- қонуниятга кўра ва мақсадга интилган ҳолда ҳаракат қилади;
- инсоннинг билиш фаолияти натижасида ўзини англайди;
- кўринишлар яратади.

Диалектика (Гегель томонидан биринчи марта аниқ шакллантирилган тушунча) **Олам руҳи ва у яратган оламнинг мавжуд бўлиш ва ривожланишнинг асосий қонуни**

Диалектиканинг мазмуни

- ҳамма – Олам руҳи, «якуний руҳ» – инсон, оламнинг жисм ва ҳодисалари, жараёнлар ўзида қарама-қарши асосларни мужассамлаштиради (масалан, кун ва тун, иссиқ ва совуқ, ёшлик ва кексалик, бойлик ва камбағаллик, оқ ва қора, уруш ва тинчлик ва бошқалар);
- бу асослар (ягона борлиқ ва Олам руҳининг томонлари) бир-бирига нисбатан қарама-қаршидир, аммо ўз моҳиятига кўра ягонадир ва ҳамкордир;
- қарама-қаршиликларнинг ягоналиги ва кураши – бутун оламнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиш асоси (яъни, барча борлиқнинг мавжудлиги ва тараққиёти асосидир);
- муайян тезис мавжуд (барча нарсанинг тараққиёти бошланадиган энг биринчи тезис сифатида, Гегель «борлиқ» тезисини ажратиб кўрсатади);
- мазкур тезисга ҳар доим антитезис мавжуд – унинг акси (борлиқнинг антитезиси – «йўқлик»);
- икки қарама-қарши тезисларнинг муносабати натижасида синтез ҳосил бўлади – янги қоида, у ҳам ўз навбатида тезисга айланади, аммо ривожланишнинг анча юқори даражасида (борлиқ ва йўқлик синтезни ҳосил қилади – «ўрнатиш» у янги тезис бўлади);
- бу жараён яна ва яна содир бўлади ва ҳар сафар қарама-қарши тезисларнинг синтези натижасида янада юқори даражада тезис ҳосил бўлаверади.

Руҳ фалсафаси
Субъектив руҳ – алоҳида инсоннинг руҳи, онги («ўзим учун руҳ»)
Объектив руҳ – руҳнинг кейинги босқичи, «жамиятнинг умумий руҳи». Янги руҳ объектлари ифодаси – ҳуқуқ, юқоридан берилган, фикр сифатида (эркинлик инсоннинг ўзига жойланган) мавжуд, инсонлар орасида муносабатлар тартиби. Ҳуқуқ – амалга оширилган эркинлик ғояси. Ҳуқуқ билан биргаликда объектив руҳнинг бошқа ифодаси – ахлоқ, фуқаролик жамияти, давлат ҳисобланади.
Абсолют (мутлақ) руҳ – руҳнинг энг юқори кўриниши, ҳар доим тўғри ҳақиқат
Гегель бўйича фалсафа
• Тарих фалсафаси;
• Антропология;
• Психология;
• Мантиқ;
• Давлат фалсафаси;
• Фуқаролик жамияти фалсафаси;
• Ҳуқуқ фалсафаси;
• Табиат фалсафаси (Гегель табиатни ташқи борлиқ фикрлари, яъни ғоянинг антитезиси сифатида тушунади);
• Диалектика – умумий қонуниятлар ва тамойиллар ҳақиқати сифатида

Тарих, Гегелга кўра, мутлақ руҳнинг ўз-ўзини амалга ошириши жараёнидир. Мутлақ руҳ ўз ичига эркинлик ғоясини олгани каби, бутун тарих инсон томонидан тобора кўпроқ эркинликка эга бўлиш жараёнидир.
Шарқий давр (Қадимги Миср, Хитой ва ҳоказо) – жамиятда ўзини англаган, эркинликка эга бўлган ва ҳаётнинг барча неъматларидан фойдаланувчи фақат бир одам – фиръавн, Хитой императори ва бошқалар мавжуд, бошқалар эса, унинг қул ва хизматкорлари бўлган тарих даври.
Антик – Ўрта асрлар даври ижтимоий гуруҳлар (давлат раҳбари, аёнлар, ҳарбийлар, аристократлар, феодаллар) ўзини англай бошлаган, аммо асосий оломон бостирилган ва эркин эмас, «юқори»га боғлиқ ва унга хизмат қилган давр.
Герман даври – Гегелга замондош давр, ҳамма ўзини англаган эркин давр.

Тарихий жараёнга янгича ёндашув

Гегель ёндашуви

Гегель, одамнинг ўз-ўзини билиш, озодликни тушуниш тамойилига асос қилиб, тарихни одамнинг озодлиги йўлида мақсадга интилган, қонуний жараён деб қарайди ва уни уч босқичга бўлади.

Шарқий (Хитой, Миср ва б.) – ўзини озод деб билувчи одам битта – у ҳам бўлса, ҳукмдор, қолганларнинг бари – қул;

Антик (Грек, Рим, Ўрта аср) – бир гуруҳ одамларгина ўзини тушунган ва озод деб ҳисоблаганлар – «юқоридагилар», бошқалар уларга хизмат қилганлар ва уларга тобе бўлганлар;

Герман даври – Гегелга замондош давр, ҳамма ўзини англаган эркин давр.

Фридрих Вильгельм Иозеф Шеллинг (1775–1854) – немис классик фалсафаси объектив идеализмининг кўзга кўринган вакили

Шеллинг фалсафасининг асосий мақсади – **«абсолют» яъни онг ва орлиқнинг бошланишини тушуниш ва тушунтириш**

Шеллинг фалсафасини даврлаштириш

- Натурфалсафа
- Амалий фалсафа
- Иррационализм (Шеллинг фақат ҳаётининг охирида иррационаллизмга ён босади)


Шеллинг натурфалсафаси
▪ Табиатни тушунтирувчи олдинги концепциялар (Фихтенинг «Мен эмас»и, Спинозанинг субстанциялари) ҳақиқий эмас, чунки, биринчи ҳолатда (субъектив идеалистлар, Фихте) табиат инсон онгидан келтириб чиқарилади, бошқа барчасида эса, (Спинозанинг субстанция назарияси) табиатнинг чекланган изоҳи берилади (яъни, файласуфлар табиатни қандайдир чегараларга киритишга ҳаракат қиладилар);
▪ Табиат «мутлақ» – бошқа ҳаммасини ўз ичига қамрайдиган ҳамма нарсанинг илк сабаби ва бошидир;
▪ Табиат – субъектив ва объективнинг ягоналиги, доимий ақл;
▪ Табиат ва руҳ.


Шеллингнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари
Шеллинг амалий фалсафаси (ижтимоий-сиёсий характердаги, тарихнинг ривожланиши ҳақидаги қарашлари)
Шеллинг фикрича, умуман инсониятнинг бош муаммоси ва фалсафанинг бош предмети эркинлик масаласидир. Эркинликка интилиш инсон табиатига хос ва бутун тарихий жараённинг бош мақсадидир. Эркинлик ғояларининг узил-кесил амалга оширилиши билан одамлар иккинчи табиат ҳуқуқий тизимига асос солишади. Келажакда ҳуқуқий тизим давлатдан-давлатга тарқалади ва инсоният бутунжаҳон ҳуқуқий тизими ва бутунжаҳон ҳуқуқий давлатлар федерациясига эришади.
Шеллинг амалий фалсафасининг эркинлик муаммоси билан бир қаторда бошқа муҳим муаммоси – бегоналашиш муаммосидир. Бегоналашиш – илк мақсадларга қарама-қарши, инсон фаолиятининг эркинликнинг реал воқелик билан тўқнашуви натижаси (масалан, Буюк Француз инқилоби юқори идеалларнинг қарама-қарши реалликка – зўрлаш, баъзиларнинг янада бойиб кетиши ва бошқаларнинг ночорлашиши, эркинликни бузишга ўтиб кетиши).

Людовиг Фейербах (1804–1872) фалсафаси немис классик фалсафасининг якунловчи даври ҳисобланади, унинг кўзга кўринган вакиллари Кант, Гегель, Шеллинг ва Фихте ва шу билан бирга, немис ва жаҳон фалсафасининг материалистик даврининг бошланиши ҳисобланади. Немис классик идеализмининг танқиди ва материализмни асослаш.

Материализм: фалсафанинг йўналиши сифатида Фейербахдан анча илгари (Қадимги Юнонистон, Демокрит ва Эпикур; Янги даврда Англия – Бэкон, Локк; Франция – маърифатпарвар-материалистлар), лекин юқорида зикр этилган материалистик фалсафа мактаблари, асосан, ўз вақтининг ички миллий ҳодисалари эди ва улар зиддиятлар ва узлуксиз эмаслиги билан теология таъсирида эдилар, материалистик ғоялар ва Худонинг борлиги ўртасида боғланиш-келишувга эришиш илинжида эдилар (шундай келишувлар шаклларидан бири деизм эди). Людовиг Фейербах фалсафаси узлуксиз материализмнинг биринчи ҳодисаси эди.

Асосий қирралари

- Дин билан кескин узилиш (атеизм) ҳамда диннинг кўп асрлик асоратидан озод бўлиш;
- Худо ва динни одам табиатидан келиб чиққан ҳолда материалистик нуқтаи-назаридан тушунтириш;
- Ташқи дунё ва инсон муаммоларини фаннинг янги ривожланиши ва муваффақияти билан ҳисоблашган ҳолда материализмни тушунтириш;
- Ижтимоий-сиёсий масалаларга қаттиқ қизиқиш;
- Ташқи дунёни билиш мумкинлигига ишонч.

А.Фейербахнинг атеистик-антропологик назариясининг асосий ҳолатлари

- Худо – мустақил реаллик сифатида мавжуд эмас;
- Худо – инсон онгининг маҳсули;
- Дин – чуқур ўйлаб топилган мифологик-фантастик ғоя ва унинг реал ҳаёт билан умумийлиги йўқ;
- Диннинг тарқалиши – одамнинг билимсизлиги билан боғлиқ, унинг оғир шароити шунга олиб келган;
- Диннинг илдизи – одам ташқи дунё олдидаги ожизлиги ҳиссида, ундан қарамлиги ва ҳимоясизлигида;
- Худо ҳақидаги, ҳаддан ташқари кучли онгли мавжудот – одамни юпатади, унинг қўрқувини камайтиради;
- Худо – инсоннинг идеал образи, инсон томонидан яратилган, инсон ўзини қандай кўринишини истаганлигида намоён бўлган.


Кант гносеологияси: инсон онгининг билишда чекланганлиги ва нарсанинг ички моҳияти ва атроф-муҳит ҳодисаларини тушунишда ҳис этмаслик
Фейербах гносеологияси
Ташқи дунёни билиш мумкин, онгнинг билиш имкониятлари чексиз. Лекин билишдаги чексизлик дарров келмайди, бирин-кетин ривожланади, инсон эволюцияси, тажрибаси орта бориб, фан-техника ривожланган сари билим шаклланади;
Бу ғоя моҳиятини (онгнинг билиш қобилиятини ортиши ва келажакда чексиз эканлигини) фойласуф: «Биз билмаганни келажакда авлодларимиз билади», деган сўзлари билан ифодалайди;
Билишнинг асосини субъектив ҳиссий тизимлар ташкил этади; бу эса ақл билан тушуниладиган объектив реалликка асосланади;
Шундай қилиб, Фейербах гносеологияси эмпирик ва рационал қарашларининг боғланишига таянади.

Фейербахнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари (унинг антропологик фалсафаси билан тушунтирилади)
Инсон – ирода, ақлга эга бўлган антиқа биологик мавжудот, ҳиссиёт, хоҳиш каби хусусиятлари мавжуд;
Одамнинг тўлалигича «Мен»и фақатгина «Сен» билан муносабатда ойдинлашади – инсон фақат жамиятдагина яшаши мумкин;
Инсонлар орасидаги муносабатлар асосида дин жамиятнинг негизи бўлиб қолиши керак;
Бу дин ғайриоддий бўлган мавжудот – Худога ишончга эмас, бошқа тамойилларга асосланиши лозим;
Анъанавий динни ташлаб юбориш керак (насронийлик, мусулмон ва ҳ.к.) ва уни одамларнинг бир-бирини яхши кўришига ҳамда инсон табиатига жавоб берувчи оила ичидаги муҳаббат динига алмаштириш зарур;
Инсон ҳаётининг мазмуни бахтга интилиш бўлиши лозим.

Гегель фалсафасининг Фейербах томонидан танқиди

- Ҳаёт ва фикрлаш ўхшашлиги ғоясини инкор этиш;
- Абсолют фикр моддий дунёда бирламчилик ва мустақил субстанция борлигини инкор этиш;
- Абсолют ғояни моддий дунёга айлантириш мумкин эмаслигини исботлаш – ташқи олам бор ва сезиларли, абсолют ғоя эса, ақлнинг таҳлили, Гегелнинг хаёли;
- Фалсафа ва диннинг бирлигини инкор этиш;
- Диалектикани инкор этиш;
- Гегель фалсафасини Фейербах сунъий деб билади, янги фан янгиликларига тў\ри келмайдиган деб ҳисоблайди.

Хулосалар:

- Тарих ривожланиши тасодифий, тарихда бетартиблик ҳукмрон;
- Ҳам тарихнинг тасодифий ҳодисалари, ҳам мақсадга йўналитирилган фаолият қатъий эҳтиёжга бўйсундирилган, бунга инсон қаршилик қила олмайди;
- Назария (инсон фикрлари) ва тарих (реал воқелик) кўп ҳолларда бир-бирига зид ва улар ҳеч қандай умумийликка эга эмас;
- Тарихда озодлик ва адолат учун кураш янада катта асорат ва адолатсизликка олиб келган.

XIX–XX аср фалсафаси

Ҳозирги Ғарб ноклассик фалсафаси муайян яхлитлик, бирликни, ифода этувчи фалсафий тафаккур шаклланишининг ўзига хос босқичидир. Унда айрим асосий йўналишлар – позитивизм, неопозитивизм, структурализм ва ҳоказолар фарқланади.

ПОЗИТИВИЗМ

Позитивизм сохта билимдан ҳақиқий билимни ажратишга ҳаракат қилувчи ижобий билимнинг фалсафий доктринасини англатади.

Бундай ижобий билимлар айрим фанларни билиш билан тенглаштирилади: позитивизмга дунёқараш муаммоларини ўз ичига олувчи анъанавий фалсафага нисбатан ўта салбий муносабат хосдир.

Позитивизмнинг биринчи тарихий шакли XIX асрнинг 30–40-йилларида вужудга келган. Унга француз файласуфи О.Конт асос солган.

Позитивизм – замонавий фалсафий йўналиш, асосини фалсафасини мустаҳкам илмий асосга қуришга уриниш ташкил қилади. Позитивизм фалсафий фикрнинг йўналиши сифатида XIX асрнинг 30–40-йилларида пайдо бўлди, катта эволюцияни босиб ўтди (махизм, непозитивизм, постпозитивизм ва ҳоказо). Ҳозирги кунда кенг тарқалган. Позитивизм асосчиси француз олими, Сен-Симоннинг ўқувчиси Огюст Конт (1798–1857) саналади. Позитивизм пайдо бўлиши ва ривожланишига Жон Милль (1806–1873) ва Герберт Спенсер (1820–1903) катта ҳисса қўшган.

Огюст Конт фалсафаси

Позитив (илмий) билим – фалсафа асоси сифатида (ҳам материализм ва ҳам идеализмдан воз кечиш)

- Фалсафий билим мутлақ аниқ ва ишончли бўлиши керак;
- Бунга етишиш учун фалсафа билишда илмий методни қўллаши ва бошқа фанларнинг ютуқларига таяниши керак;
- Фалсафада илмий билимни олишнинг асосий йўли – эмпирик кузатиш;
- Фалсафа фақатгина далилларни тадқиқ қилиши керак, уларнинг сабаби, оламнинг ички моҳияти ва бошқа фандан узоқ муаммоларни эмас;
- Фалсафа тадқиқотларда қадриятлардан йўналишидан ва баҳоловчи характердан озод бўлиши керак;
- Фалсафа «фанлар маликаси», юқори фан, алоҳида умумназарий дунёқараш бўлишга интилмаслиги керак;
- У айнан илмий (бошқача эмас) воситалар арсеналига асосланувчи аниқ фан бўлиши ва бошқа фанлар ичида ўз ўрнини эгаллаши лозим.

Эволюциянинг икки тарафламалиги:

Техник ривожланиш босқичлари

Интеллектуал ривожланиш босқичлари

- Теологик (дунёқараш динга асосланган);
- Метафизик (дунёқараш, интеллектуал ривожланиши тизимсиз, эҳтимолий билимга таянган);
- Позитив (дунёқараш фанга асосланган).

Позитивизм ривожининг асосий тушунчаси ва ривожланиш поғоналари

Позитивизм – фалсафаси XIX аср 30–40-йилларида пайдо бўлган. Асосчиси Огюст Конт (1798–1857)

Назария мазмуни

Фалсафа илмий тафаккурдан озод қилиниши зарур ва фақат аниқ билимларга таяниши керак

Позитивистлар фикрига кўра фалсафа фақат далилларни тадқиқ қилиши керак (унинг ички моҳиятини эмас), баҳолаш ролидан озод бўлиши, тадқиқотларида (ҳар қандай фан каби) илмнинг ёрдамида фойдаланиши зарур. Илмий методга таянади.

Позитивизм ривожининг асосий босқичлари

Классик позитивизм (О.Конт ва Г.Спенсер)

Махизм

Неопозитивизм

Постпозитивизм

Позитивистик қараш

Позитивистик ёндашув ҳозирги пайтга келиб ҳам бироз ўзгарган ҳолда кенг тарқалди. Позитивистлар (Огюст Конт) жамиятнинг қуйидаги ривожланиш босқичларини кўрсатганлар

- Анъанавий
- Индустриявийликдан олдин
- Индустриал

Шу тасниф базасида замонавий Ғарб файласуфларда инсоният ўзининг тарихий ривожланишида қуйидаги босқичларни босиб ўтганлар деган тушунча ҳосил бўлган:

- Анъанавий
- Индустриалдан олдинги (аграр)
- Индустриал
- Индустриалдан кейинги жамият, постиндустриал

НЕОПОЗИТИВИЗМ

Неопозитивизм метафизик фаразларни аниқлаш ишида верификация тамойили муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган. Бироқ, бу тамойил ўзини оқламади, чунки у фан тузилиши ва динамикасига мос келмасди. Верификация тамойилига қарши қуйидаги эътирозлар мавжуд:

Фанда тажрибада синаш мумкин бўлмаган билимлар ҳанузгача мавжуд. Бироқ уларни кейинчалик, кузатиш ва эксперимент техникаси ривожланганидан сўнг текшириш имконияти пайдо бўлиши мумкин. Масалан, О.Конт осмон жисмларининг кимёвий таркиби ҳақидаги масалани метафизик масала деб ҳисоблаган. У мазкур масаланинг ечимини топиш мумкин эмаслигини қайд этган. Конт вафотидан сўнг орадан икки йил ўтгач, спектрал анализ пайдо бўлди ва унинг ёрдамида осмон жисмларининг кимёвий таркиби аниқланди.

Неопозитивизмнинг умумий тушунчаси ва асосий масалалари

Неопозитивизм

Асосий вакиллари

- «Венгер тўгараги» (М.Шлик – асосчи, давомчилари Р.Карнап, О.Нейрат, Г.Рейхенбах) файласуфлари
- Львов-Варшава мактаби вакиллари (А.Тарский, Я.Лукасевич)
- Б.Рассел
- (1872–1970)
- Л.Витгенштейн (1889–1951)

Асосий ғоялари

- Неопозитивизмнинг асосий ғояси – фалсафа фан тилини мантиқий тақлил қилиши зарур, чунки тил одам учун ташқи оламни тўғри қабул қила олувчи бош восита;
- Тилнинг матиқий таҳлили – бу матн, белги, тушунча таҳлили ички белги тизимини, белгининг семантикаси (мазмуни)ни боғловчиси (бу билан неопозитивизм герменевтикага яқинлашади);
- Неопозитивизмнинг асосий тамойили – верификация тамойили фан қоидаларини амалиёт далиллари билан қиёслаш, фақат амалиётда далиллар билан текшира олинсагина қоидалар фан учун қизиқ бўлади;
- Аввалги фалсафанинг кўпгина муаммолари (билиш, онг, ғоя, худо) фалсафадан чиқариб юборилиши керак, чунки улар верификация қилинолмайди ва илмий ечимга эга бўлмайди;
- Неопозитивизмнинг яна бир асосий максади (фан тилининг мантиқий таҳлилидан ташқари) фалсафани метафизикадан (ҳақиқий илмий ҳал қилинмайди) озод қилиш.

ПОСТПОЗИТИВИЗМ

Постпозитивизмнинг неопозитивизм билан ғоявий алоқаси шунда ифодаланадики, улар асосан илмий билим таҳлили билан шуғулланган, тилга катта эътибор берган. Бироқ, мантиқий позитивизм асосан мавжуд илмий билим тузилишини ўрганишга эътиборни қаратган бўлса, постпозитивизмнинг бош муаммосини илмий билим динамикаси ташкил этади. Бу ўзгариш фанни фалсафий ўрганиш масалалари доирасининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди. Постпозитивизмни, аввало, илмий билимнинг ижтимоий-маданий омиллари, янги назарияларнинг юзага келиши, уларнинг олимлар ҳамжамияти томонидан қабул қилиниши, рақобатлашувчи илмий концепцияларни таққослаш ва танлаш мезони қизиқтиради.

Постпозитивизмнинг умумий тушунчаси ва асосий масалалари

Позитивизмнинг энг янги варианти – **постпозитивизмдир** (XX асрнинг иккинчи ярми ва охири). Унинг асосий вакиллари К.Поппер (1902–1994) Т.Кун (1892 й. туғилган)

Хусусияти

- Постпозитивизм рамз (тил, илмий аппарат)ларнинг мантиқий тадқиқидан қочиб, фан тарихига мурожаат қилади;
- Постпозитивизмнинг асосий мақсади – илм-фанларини (тил, тушунча), уларнинг қурилмалари (непозитивистлар каби)ни эмас, илм-фан ривожини тадқиқ этишдир;
- Постпозитивизм умуман фалсафага бўлган ўз муносабатни юмшатади;
- Постпозитивистлар фикрича, ҳақиқат назарияси ва унинг верификациялиги (амалиётда уни текшириш имконият) ўртасида бир-бирига таъсир йўқ, яъни фаннинг умумий тушунчаси ва илм тили ўртасида кескин қарама-қаршилик йўқ. Шунингдек, верификацияланмайдиган метафизик, ноилмий масалаларни) фалсафадан чиқариб юбориш шарт эмас;
- Илмнинг ривожланиш масаласига келсак, постпозитивистлар фикрича, фан тўғри чизиқ бўйича эмас, сакровчи ривожланишда, кўтарилиш ва тушиш хусусиятига эга, лекин умумий тенденцияси илмий билимнинг ўсиши ва мукаммаллашишига қаратилган;

Постпозитивистларни қизиқтирувчи асосий саволлар:

- Янги назария қандай пайдо бўлади?
- У қандай тан олинади?
- Илмий назарияларнинг ўхшашлари ва рақобатдошларининг конкуренциядаги солиштириш мезони қандай?
- Муқобил назариялар тарафдорлари ўртасида тушунишлар бўлиши мумкинми?
- Фальсификация масаласи (илмий назариядан, унда бир ёки бир неча тўғри бўлмаган, нотўғри бўлиб чиққан далилларни топганда воз кечиш керакми)?
- Илмий назарияларнинг ҳақиқатга яқинлиги муаммоси (илмий назариянинг ҳақиқийлигини текшириш мезонлари қандай?
- Рационаллик муаммоси (фанда рационаллик нима)?
- Фан назариясида ўлчов муаммоси (илмий назариянинг ўлчови, қайси мезонлар билан қариндошликни аниқлаш муаммоси).
- Тушуниш муаммоси, зиддиятли назарияларнинг умумий нуқталарини топиш.

Ноклассик фалсафа ҳақида умумий тушунча, унинг немис классик фалсафасига алоқаси

Ноклассик фалсафанинг мақсади – янги методлар (худди материалистлар ва позитивистлар каби) билан эмас, балки эскилари билан немис классик фалсафасини, айниқса Гегелни танқид қилишга ҳаракат қилади. Ноклассик фалсафа вакиллари дунёни «классиклар» каби идеализм, лекин эски, Гегелгача ва классик даврга фалсафа нуқтаи назаридан тушунтиришга ва эски, классик даврга ўз қарашлари доирасида янги, оригинал ёндашув топишга ҳаракат қилишди.

Асосий йўналишлари:

- Иррационализм (Шопенгауэр)
- Ҳаёт фалсафаси (Ницше, Дильтей)

Немис классик фалсафаси (Кант, Фихте, Шеллинг ва айниқса, Гегель ижоди) дунё фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшди ва ўз даври учун борлиқ, билиш ва бошқа фалсафий муаммоларни идеализм нуқтаи назаридан максимал равишда тўлиқ тушунтириб берди.

Немис классик фалсафаси танқид йўналишлари (XIX асрнинг иккинчи ярми)

- «сўлдан» танқид Л.Фейербах
- «ўнгдан» танқид ноклассик фалсафа намояндалари

Иррационализм – «ҳаёт фалсафаси»

Иррационализм (XIX асрнинг иккинчи ярми) фалсафадаги йўналиш, борлиқ ва тарих, диалектиканинг объектив қонунларини инкор қилади, дунё ва тарихни бетартиб, «тасодифлар» занжири сифатида қабул қилади. Иррационализмнинг асосчиси **Артур Шопенгауэр**дир (1788–1860). Умуман олганда, Шопенгауэр фалсафаси умидсизлик, инсоннинг дунёга ва ўз ҳаётига таъсир кўрсата олиш имкониятига ишончсизлик руҳи билан йўғрилган.

Иррационализм мавҳум тушунчалар – борлиқ, идея, материя ва ҳоказо эмас, инсоннинг оламда мавжудлиги, яъни инсон учун ягона реаллик бўлган ҳаётни қўювчи «ҳаёт фалсафаси» асос вазифасини ўтаган. «Ҳаёт фалсафаси»нинг асосчиларидан бири **Фридрих Нецше**дир (1844–1900). Жумладан, инсоннинг ўз тақдирига тўла таъсир кўрсатиши мумкинлиги, инсон хатти-ҳаракатларини ҳаракатга келтирувчи кучлар («ҳаёт стаги», «хукмронлик истаги») – ўз «Мен»ининг экспансияси (туғёни), Худонинг сароблиги, «Худо ўлди» ғоясини илгари сурган.

Шопенгауэр ва Ницше қарашлари фалсафадаги замонавий йўналишлар – прагматизм ва экзистенциализмнинг вужудга келишига асос бўлди



Артур Шопенгауэр (1788–1860). Ўз ижодида Гегель диалектикаси ва тарихийлилига қарши чиқади, кантчилик ва платонизмга қайтишга чақиради. Шопенгауэр фалсафаси (унинг етарли тўрт асос қонуни, волюнтаризм, пессимизм ва бошқа таълимотлари) замондошлари томонидан тўғри тушунилмади, қабул қилинмади.
Шу боис, у ўз даврида машҳурликка эришмади. Аммо, унинг фалсафий мероси ноклассик фалсафа ривожига катта ҳисса қўшди.

Шопенгауэр ўзининг «**Дунё – ирода ва тасаввур сифатида**» китобида мантиқнинг етарли асос қонунини ишлаб чиқади. Ушбу қонунга мувофиқ ҳақиқий фалсафа Фақат онг далили бўлган тасаввурдан келиб чиқади. Ўз навбатида, тасаввурлар объект ва субъект тасаввурларига бўлинади.

Ирода – мутлақ ибтидо, барча борлиқнинг ўзаги, барча тирикликни аниқлай олувчи ва таъсир кўрсата олувчи идеал куч. Ирода, шунингдек, дунё яралиши асосида ётувчи энг юқори космик тамойил ҳамдир. Ирода онг асосида ётади ва нарсаларнинг умумий моҳиятидир.

Иродани нарсаларнинг умумий моҳияти сифатида тушунтиришда Шопенгауэр Кант назариясига суянади, унга мувофиқ онгда фақат оламдаги нарсалар образлари ифодаланади, уларнинг ички моҳиятлари эса ечилмай қолган эди.

- ✓ Олам инсон онгида тасаввурлар дунёсидир;
- ✓ Олам, ундаги нарсалар, ҳодисалар моҳияти «нарса ўзида» эмас, балки иродадир;
- ✓ Ҳодисалар дунёси ва моҳиятлар дунёси ўз навбатида тасаввурлар ва ирода дунёсидир;
- ✓ Инсон иродаси унинг ҳаракатларини аниқлагани каби, дунё бўйлаб ҳаракат қиладиган умумий ирода, нарсалар ва ҳодисалар иродаси олам, предметлар ҳаракати, ҳодисалар келиб чиқишини келтириб чиқаради;
- ✓ Ирода нафақат тирик организмлар, балки нотирик организмларга ҳам «онгсиз», «ухлаётган» ирода шаклида хосдир;
- ✓ Олам ўз моҳияти билан ироданинг амалга ошишидир.

Умуман файласуфнинг инсон тақдири, эркинлик ва зарурат, бахт масалаларига қарашлари пессимистик характерга эга. Шопенгауэр инсон ва унинг онги асосига иродани қўйган бўлсада, у инсоннинг нафақат табиат устидан, балки ўз тақдири устидан ҳам ҳукмронлик қила олишига ишонмайди.

Вильгельм Дильтейнинг «ҳаёт фалсафаси» (1833–1911)

Фалсафий қарашлари

Дильтей ташқи олам ранг-баранглиги инсон ҳаётининг ноёблигини онг (ғоя)га олиб бориб тақовчи Гегель фалсафасини танқид қилади. Онг (ғоя) ўрнига Дильтей ўз қарашларининг асоси қилиб «ҳаёт» тушунчасини олди.

Дильтей фикрича, «Фалсафа ўзининг материя, онг, диалектика ва бошқа масалалардаги «схоластик» мунозараларини тўхтатиб, ҳаётни ҳамма кўринишларини ўрганишга эътиборини жамлаши керак».

Ҳаёт – инсоннинг дунёда яшаш усули

- Ҳаётнинг белгилари
- Яхлитлик;
- Олий дуне билан яқинлик;
- Руҳий яқинлик кўпқирралиликнинг мавжудлиги;

Файласуф тарих – аввалдан ўйланган ва қонунлаштирилган жараён, у прогрессга қараган, деган концепцияни инкор қилади. Унинг фикрича, тарих – тасодифлар, тартибсизлик гирдобдирки, у ўз колига алоҳида одамни ҳам, бутун халқларни ҳам тортади. Тарих жараёнига таъсир ўтказиш мумкин эмас.

Экзистенциализм фалсафаси асосчиси Сьюрен Кьеркегор (1813–1855)

Экзистенциализмнинг пайдо бўлиш сабаблари

Кьеркегор шундай саволни қўйди: нима учун фалсафа яшаш, борлиқ, материя, Худо, рух, онгнинг имкониятлари ва чекланганлиги каби кўп саволларни ўрганади-ю, лекин инсонга унинг ички олами, кайфияти каби ҳаётига таалуқли бўлган масалаларга деярли эътибор бермайди?

Кьеркегор инсонга эътибор қаратиб, унинг кичик муаммолари, фақат унга маълум бўлган ҳақиқатни топиш ҳақидаги, инсонга ўз ички танлаши, ўз «Мен»ини топишда ёрдам бериши билан боғлиқ масалаларни ўрганади.

Экзистенциализм томонидан кўриб чиқиладиган асосий муаммолар

Экзистенциализм фалсафанинг бир йўналиши сифатида XX асрнинг ўрталарида дунёга келди, XX асрнинг 20–70-йилларига келиб Ғарбий Европада, айниқса, оммавийлик касб этади. Экзистенциализмнинг XX асрда ривожланиши ва долзарблигининг сабаби нима?

✓ Биринчи ва иккинчи Жаҳон урушлари ва улардан аввалги ёки кейинги йилларда, улар ўртасидаги йиллардаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий инқирозлар.
✓ Фан ва техниканинг тез суръатда ўсиши ва муваффақиятларнинг одамзодга қарши бўлиши (ҳарбий техниканинг ривожланиш, автомат, пулемёт, миналар, бомбалар, ҳарбий фаолият давомида заҳарловчи моддаларнинг ишлатилиши ва ҳ.к).
✓ Одамзоднинг қирилиб кетиш хавфи (ядро қуролларининг кашф этилиши, экологик ҳатарнинг яқинлашуви)
✓ Шавқатсизликнинг кучайиши, одамнинг одамга нисбатан раҳмсизлиги (0,7 млн кишининг иккита жаҳон урушидаги, концлагерларда, меҳнат лагерларидаги ҳалокати, умуман одам шахсини эркинлашуви.)
✓ Фашистик ва бошқа тоталитар тузумларнинг тарқалиши.
✓ Одамнинг табиат ва техноген жамият олдидаги кучсизлиги.

Экзистенциалистлар кўриб чиқадиган муаммолар

- Одам шахси ҳиссиётининг чуқурлиги, умидлари, хавотирининг, умуман одам ҳаётининг ноёблигини ҳисобга олади;
- Одамнинг ташқи олам билан ички олам ўртасидаги сезиларли тафовутини англаш;
- Одамнинг бегоналашуви муаммоси (жамият, давлат одам учун бегона бўлиши ва унинг «Мен»ини бўғилиши);
- Яккалик, одамнинг ташландиқлиги (одам ташқи оламда яккалиги, унинг зарур билдирувчи координатлари тизимининг йўқлиги);
- Ҳаётнинг беҳудалиги муаммоси;
- Ички танлаш муаммоси.

Файласуф томонидан тушунчани ажратиш

Ҳақиқий бўлмаган мавжудлик – одамни бутунлай жамиятга қарамлиги, «ҳамма билан яшаш», «ҳамманики каби ҳаёт», «оқимга қараб сузиш», ўз «Мен»ини ўзининг алоҳидалигини тушунмаслик, ўзининг ҳақиқий ўрнини топмаслик.

Ҳақиқий мавжудлик жамиятнинг эзилишидан чиқиб кетиш, ўз ҳаётига онгли равишда ўзи хўжайин бўлиш. Ҳақиқий мавжудлик – бу экзистенциядир.

Эстетик – бу поғонада одам ҳаёти ташқи олам билан белгиланади. Одам «оқим бўйича сузади», фақат хурсандчиликка интилади.

Эстетик – бу поғонада одам онгли равишда танлайди, айниқса, ўзини танлайди, энди уни мажбурий ҳаракатлантиради.

Ҳақиқий мавжудликка чиқишнинг уч поғонаси
Эстетик – поғонада одам ҳаёти ташқи олам билан белгиланади. Одам «оқим бўйича сузади», фақат хурсандчиликка интилади.
Эстетик – поғонада одам онгли равишда танлайди, айниқса ўзини танлайди, энди уни мажбурият шаракатлантиради.
Диний – поғонада одам ўзининг ҳаёт йўлини аниқлаб олади, у шу даражада тушунадики, ташқи олам унинг учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди, унинг йўлида тўғаноқ бўлолмайди. Бу даврдан то умрининг охиригача «ўз тугунини кўтариб юради» (Исо пайғамбарга ўхшаб, ташқи олам қийинчилик ва шароитларига қарамайди).

Жан-Поль Сартр (1905–1980) фалсафаси ва унинг муаммоси
Сартр фалсафасининг марказида бу «ўзида билиш» – реалликнинг инсон учун энг олийсидир, ўзининг шахсий ички дунёси бу одам учун энг муҳимидир, деган фикр ётади.
Лекин одам ўзини англаши учун «ўзгани билиши», яъни бошқалар билан муносабатда бўлиши керак. Одам ўзини бошқаларнинг унга муносабатида билади ва тушунади.
Одам фаоллигининг асоси – озодликдир.
Одам ўз озодлигини, ҳал қилмаса бўлмайдиган ҳаётий муҳим ҳолларда (ҳаёт ё ўлим, ҳаётий муҳим муаммо) танлаб топади. Бундай ечимни Сартр экзистенциал танлов, деб атайди. Экзистенциал танлаб олгач, одам ўз тақдирини кўп йиллар олдиндан аниқлайди, бир ҳаёт йўлидан иккинчисига ўтади.
Бутун ҳаёт – «кичкина ҳаётлар»нинг халқалари, турли ҳаётларнинг бўлаклари, улар ўзаро экзистенциал ечимлар билан «боғланган». Масалан, касб танлаш, турмуш ўртоғи, иш жойи ва ҳоказо.

Жан-Поль Сартр фалсафасининг асосий тушунчаси ва муаммолари

Сартр фикрича, одам озодлиги абсолют (яъни, солиштирилмайди). Одам озодлиги у хоҳлайдиган нарсага, имкониятга боғлиқ. Масалан, турмадаги одам у ниманидир хоҳлагунча озод (масалан, турмадан қочиши ёки ўтираверишни хоҳлайди). Одам озод бўлишга маҳкум (ҳар қандай шароитда, ташки реалликка тўла бўйсуниш бундан мустасно, фақат бу ҳам танлашдир)

Озодлик масаласи билан бирга жавобгарлик масаласи ҳам пайдо бўлади. Одам ўзи учун қилаётган ҳамма ишга жавобгар (Мен билан нимаики рўй берса – Меники одам ёлғиз ўзининг туғилиши учун жавобгар эмас. Бундан бошқа барча нарсада у озод ва озодликка жавобгарлик билан қараши лозим, айниқса экзистенциал (тақдирни ҳал этувчи) ҳолларда

Одам ёлғиз ўзининг туғилиши учун жавобгар эмас. Бундан бошка барча нарсада у озод ва озодликка жавобгарлик билан қараши лозим, айниқса, экзистенциал (тақдирни ҳал этувчи) ҳолларда

Карл Ясперс (1883–1969) немис файласуфи, биринчилардан бўлиб XX асрда («Дунёкараш психологияси» асарида 1919 йил) экзистенциал фалсафа масалаларини кўтарган

Ясперс фалсафасининг ўзига хослиги

• Ясперс бўйича, одам, одатда, ўзининг «танлаб қўйилган» катта аҳамият касб этмайдиган «ҳамма каби» ҳаётини яшайди, у ҳақиқатда қандай эканлигини, ким эканлигини очилмаган имкониятлари, қобилиятларини, қзининг «Мен»ини ҳис этмайди.
• Лекин алоҳида ҳолларда ҳақиқий табиат, берилган очилмаган сифатлар юзага чиқади. Бу чегара ҳолатлар – унинг бўлғуси тақдирида ҳаёт ва мамот, одам ҳаёти учун ўта муҳим,
• Шу пайтдан бошлаб одам ўзини танийди ва ўз-ўзига айланади, у трансцендентал – олий куч билан тўқнашади.
• Одамнинг бутун ҳаёти онгли ёки онгсиз равишда трансценденцияга – энергиядан тўлиқ холи бўлишга қандайдир олий абсолютни тушунишга интилади.
• Одам трансцендентцияга, абсолютга яқинлашади, энергияни озод қилади, ўз-ўзини трансцендентал «шифр» орқали тушунади.

Трансцендентал шифр

- Эротика, секс;
- Ўзини ички дунёси билан (ўзи билан мослик) якдиллик;
- Озодлик;
- Ўлим – мавжудликнинг тугаши.

Дж.Дьюи гносеологияси

• Материализм ва идеализм ўртасидаги мунозара (дунёқараш, англаш) қўпол ишчи меҳнати ва олий руҳий фаолият кўрсатувчилари орасидаги кескин фарқ бўлган вақтда долзарб эди;
• Ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқ камайиб борар экан, материализм ва идеализм ўртасида келишмовчиликлар силлиқлашиб, камайиб боради;
• Келгусида, Дьюи фикрича, ақлий ва жисмоний меҳнат бир-бири билан бирлашиб кетгач, материализм ва идеализм ўртасидаги фарқ ҳам йўқолади;
• Лекин ақлий меҳнат ғолиб бўлар экан, у жисмоний меҳнатни (сингдириб юбориб, охир пировардида у енгиб чиқади. Ҳамда идеализм ҳам материализмни енгади ва дунёқарашнинг англашнинг асосий усули бўлиб қолади;
• Ҳозирча юқоридаги жараён бўлмаган экан, англашнинг ҳам идеалистик, ҳам материалистик қўпол жисмоний меҳнатни сиқиб чиқарувчи усулидан фойдаланиш зарур, аммо Олий ақлий фаолият қўпол жисмоний меҳнатни сиқиб чиқарар экан, англашнинг бу ҳар иккала типидан фойдаланишида, идеалистик усулга кўпроқ оғилади.

Дьюи томонидан қилинган кашфиёт, илмий муаммоли ҳолат ҳақидаги услубни ишлаб чиқишда ва ўқитишда:

• Аниқ билим ва илмий услубдан тўғри фойдаланиш муаммоли ҳолатларнинг олдини олади ва ҳал қилади, лекин юқоридаги ҳолат бошқа сифатни келтириб чиқаради;
• Демак, англаш билишнинг сифат ўзгаришларига олиб келади, билиш объекти жисмнинг борлигини ўзгартиради.

Мартин Хайдеггер (1889–1976) фалсафа предметини экзистенционал тушуниш асосларини ва фалсафий вазифасини ишлаб чиққан

Хайдеггер фалсафасининг асосий тушунчалари ва масалалари

• Экзистенция, Хайдеггер бўйича – одам ўзини-ўзи жойловчи ҳаёти, ҳаётни аниқлик билан тўлалиги, унинг ҳаёти унга тегишли бўлган, унинг учун аҳамиятли бўлган нарсалар билан биргалиги;
• Одамнинг маиший ҳаёти ташқи оламда, файласуф томондан «оламда яшамоқ» деб номланади, у ўз ўрнида, «бошқалар билан яшаш» ва «ўзи учун яшаш»дан иборат;
• Бошқалар билан яшаш, одамни эзиб ташлайди, унинг тўла ассимиляцияга, шахссизлашувига, «ҳаммага ўхшашга» олиб келади;
• «Ўзи учун яшаш» бир вақтнинг ўзида «бошқалар билан яшаш»да фақат «Мен»ни бошқалардан ажратган ҳолдагина рўй беради;
• Демак, одам ўзича қолиши учун «бошқа»ларга қаршилик қилиши ва ўзининг алоҳидалиги учун курашади. Фақат шундагина у озод бўлади;
• Озодлик муаммоси билан бирга жавобгарлик муаммоси ҳам туғилади. Одам қиладиган ҳамма иши учун, ўзи учун жавобгар (мен билан рўй бераётган нарсаларнинг бари «Меники»);
• Сингдирувчи ташқи оламда ўзининг алоҳидалиги одамнинг асосий ташвиши ва муаммосидир.

Теологик фалсафанинг умумий тушунчаси
Теологик фалсафа
Кўриладиган масалалар
• Борликни пайдо қилган Худонинг борлиги;
• Одамнинг ҳаёти одамнинг борлиги олий ижод;
Замонавий теологик фалсафанинг ўзига хослиги
• Теологик фалсафа одамга яқинлашади;
• Догмалардан озод бўлди;
• Кўпроқ ижтимоий уйғунлик, ахлоқ, халқлар ўртасидаги тинчлик масаллаларига кўпроқ эътибор бера бошланди.

Освальд Шпенглернинг культорологик ёндашуви
Ўзига хослиги
✓ Бу қарашнинг асосий тушунчаси-маданият, дин, анъана, моддий ва маънавий ҳаёт йиғиндиси;
✓ Маданият – автоном, ўзига хос, ёпиқ, алоҳида реаллик;
✓ Маданият туғилади, яшайди ва ўлади;
✓ Шпенглернинг «маданият» тушунчаси Тойнбининг «цивилизация» тушунчасига яқин. Лекин Тойнбининг «цивилизация»си Шпенглерникидан ўзгача. Цивилизация культурологик қараш бўйича – маданий ривожнинг юқори даражаси, маданий ривожнинг ўлимидан олдинги тугалловчи даври.
✓ Культурологик қараш – Европада XX асрнинг I ярмида жуда оммабоп бўлган.
Шпенглер томонидан ажратилган саккизта маданият
✓ Ҳинд
✓ Хитой
✓ Вавилон
✓ Миср
✓ Антик
✓ Араб
✓ Рус
✓ Ғарбий Европа

Мальтус қонуни (Томас Роберт Мальтус, 1766–1834) Ернинг аҳолиси сонининг маълум бўсағаси мавжуд, ундан ошиш унинг бутун аҳолиси учун хавфли, одамзод унга етишга маҳкум («Аҳолининг ўсиш тажриба қонуни»), 1798 йил). Бу Ер аҳолиси геометрик прогрессия асосида рўй беради, илмий-техник ривожланиши – арифметик прогрессия асосида, яъни бу жараён аҳолининг ўсиш даражасига улгурмайди

Аҳоли сони ўсишининг юқоридаги гипотезасини тасдиғи

Исо пайғамбар туғилишидан бошланган йиллар ҳисоби бўйича (милодгача) 230 млн 1000 йил тахминан 300 млн, 9 минг йил ичида аҳоли сони икки баробар эмас, бир ярим баробар ўсди.
1850 й. – 1 млрд
1930 й. – 2 млрд
1976 й. – 4 млрд
1987 й. – 5 млрд
2000 й. – 6 млрд
2025 й. – 8 млрд (кутилмоқда).

Аҳоли ўсиши муносабати билан инсоният ўзи учун ҳал қилиши керак бўлган муаммолар

Осиё ва Африкада аҳоли ўсиш даражасини пасайтириш, (Ғарб мамлакатларида манфий динамика кузатилмоқда, у ерда аҳоли сонини оширишга муҳтожлик бор), у ерда туғилиш давлат сиёсатини олиб бориш, кам болали оилаларни рағбатлантириш каби чораларни қўллаш лозим. Ердаги янги имкониятларни инсониятни боқиш, аҳоли ошиш бўсағасини илгари суриш (60 миллиарддан 100 миллиардгача).

Арнольд Тойнбининг (1889–1975) цивилизацияга ёндашуви

Цивилизация, Тойнби бўйича, одамларнинг ҳаёт шароити, географик, тарихий доиралардаги, маънавий анъаналари умумий жараён. Бу жараён Ернинг ҳар хил жойларидаги бир-бирига боғлиқ бўлган цивилизациялардаги жараёнларнинг пайдо бўлиши, ҳаёти, ҳалокати

Инсоният тарихида ёркин из қолдирган асосий цивилизацияларга (айниқса, диний) бевосита таъсир кўрсатади.

Цивилизациялар турлари:
- Шумер
- Вавилон
- Миной
- Эллин
- Хитой
- Ҳинд
- Ислом
- Насроний
- бошқа цивилизациялар

Локал цивилизациялар – миллий доиралар ичида қолиб кетади. Локал (миллий) цивилизациялар, эътиборга лойиғи Тойнби, инсоният тарихида 30 га яқин цивилизациялар бор, деб ҳисоблайди (Америка, Германия, рус ва ш.к.).

Арнольд Тойнбининг (1889–1975) цивилизацияга ёндашуви

Тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучи

• Цивилизацияга ташқаридан қарши чиқмоқ – ҳарбий агрессия, қолган цивилизацияларнинг оркада колиши, ноқулай географик жойлашув;
• Худо юборган (буюк одамларнинг), қобилиятли инсонларнинг фаолияти.

Цивилизациянинг ички қурилиши

- Кам ижодкорлик
- Кўп ҳаракатсизлик

Алоҳидалик

• Шунда у цивилизациянинг чақирувига жавоб бериш учун кам ижодкорлик ўз ортидан кўпчилик фаолиятсизларни бошлайди;
• Ижодий камчилик ҳамма вақт ҳам кўпчиликнинг ҳаётини аниқлаб беролмайди;
• Кўпчилик камчиликнинг энергиясини «ўчиришга», сингдириб юборишга мойил. Бу ҳолда ривожланиш тўхтайди ва турғунлик бошланади.

Техноген фожиани олдини олиш чоралари

Техноген фожиани олдини олиш учун одамзод томонидан кўриладиган чоралар

Табиатга хавф солувчи антропоген таъсирни тугатиш ёки камайтириш

Ерни раҳмсизларча эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳаёт учун янги ресурслар излаш

Экологик муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланиш
Ижтимоий экологияга эътибор қаратиш – одамни информацион –техноген жамият учун гаров воситасига айлантирмаслик

Туғилишни назорат қилиш, аҳолининг ўсиш муаммосини ҳал қилиш

Психоанализнинг умумий тушунчаси

Психоанализ – замонавий фалсафанинг йўналиши. У киши ва жамият ҳаётида беихтиёр рўй берадиган психик жараёнларнинг ролини ўрганади

Психоанализ асосчиси австралиялик психиатр-олим **Зигмунд Фрейд** (1856–1939)

З.Фрейд томонидан кашф қилинган асосий кашфиёт

Беихтиёр алоҳида психик реаллик бор, у ҳар бир одамга тааллуқли, ҳамда онгни маълум даражада онг билан бир қаторда назорат қилади.

Ҳаётнинг алоҳида шакли бу беихтиёр тушлар. Фрейд таълимоти бўйича тушлар – бу одамнинг реал ҳаётга юзага чиқмаган яширинган интилишларидир.

Психологик ҳимоя усули – сиқиб чиқариш реакцияси (онгдан ташқарига сурилади) ёмон ҳис-туйғулар, ёмон тажрибалар, психиканинг соғлиги ва мувозанатини бузувчи барча нарсаларни сиқиб чиқаради.

Ёмон эмоциялар тадбиқ этилмаган хоҳишлар — онгсизликка сиқиб чиқарувчилар — эртами-кечми тасодифий ўйламаган ишлар, қилиқлар, гаплар каби «ғалати»ликларда намоён бўлади.

Фрейднинг биринчи ва иккинчи психологик тизими

Биринчи психологик тизимига кўра (1905 йилдан 1920 йилгача хукмронлик қилган) сексуал инстинкт, сексуал хоҳиш «либидо» онгсизликка асосланган

Либидо ўзининг ифодасини кидиради

- Сексуал фаолиятда
- Ҳаётнинг бошқа жабҳаларида сублимация (қайта ифода) – сексуал энергияни носексуал (сексуал объектни носексуалга айлантиришга анъана, тақиқ, ижтимоий нормалар сабаб бўлади.)

Фрейд бўйича сексуал импульс уч йўсинда юзага чиқиши мумкин:

- Сексуал ва носексуал бевосита хатти-ҳаракатлар орқали «озодликка чиқарилади»
- Онгсизликка суриб қўйилади.
- Реактив таълим ёрдамида (уят, ахлоқ) бостирилади, энергиядан ажратилади.

Одамнинг психик фаолияти унинг сексуал инстинктининг бошқасига айланиши жараёнидир.

XX асрнинг 20-йилларда Фрейд иккинчи психологик тизимни ишлаб чиққан

Тизимининг асосий тушунчаси ва мазмуни

• Эрос (ҳаёт инстинкти) одамнинг конструктив ахлоқи асосида ётадиган яратувчанлик;
• Танатос (ўлим инстинкти) одамни деструктив фаолиятга ундайди, ҳамда ўзи учун «хавфли ва бегона» бўлган ҳамма нарсани бузиш, йўқотишга ҳаракат қилади.
• Одам ҳаёти – Эрос ва Танатоснинг доимий ҳамкорлигидир.

Фрейд томонидан илгари сурилган психиканинг топографик ва динамик схемаси

Психиканинг топографик схемаси

Ўзига хослиги

▪ Онгсизлик катта даҳлизга ўхшатилади, бу ерда одамнинг ҳар хил хаёл, хоҳиш ва ҳис-туйғулари ўз вақтини кутиб туради.
▪ Онг-катта бўлмаган хона, бу ерга вақти-вақти билан ҳар хил ташриф буюрувчилар: одамнинг хаёл ва хоҳиши ўрин топади.
▪ Кабинет ва даҳлиз орасида қоровул туради, фақат онгга тўғри келадиган хаёлларни киритади.
▪ Баъзан қоровул кетади, ухлаб қолади ва «кераксиз ташриф буюрувчилар»нинг бир қисми ҳам онгга бостириб кирадилар.
▪ Лекин яна уйғониб колган (қайтиб келган) коровул томонидан ҳайдалади.


Психиканинг динамик схемаси
Психика уч сўзнинг бирлигидан келиб чиқади: У, мен, мендан юқори
Алоҳидалиги
У – аниқ дунё, у ерда одамнинг хаёли ва хоҳишлари жойлашган.
Мен – одам онги, психиканинг барча компонентлари ўртасидаги воситачи.
Мендан юқори – шахсга таъсир этувчи ташқи реаллик, «ташқи цензура», қонунлар, тақиқлар, ахлоқ, маданий анъана.
«Мен» ўзига «У»ни бўйсундиришга ҳаракат қилади. Бунда ҳар доим ҳам муваффақ бўлинмайди. Одатда «У» очиқ ёки ёпиқ шаклда «мен»ни бўйсундиради.
Фрейд «Мен»ни чавандозга қиёслайди; чавандоз биринчи қарашда отни назорат қилади, унга буюради, лекин «У» отдан кучли ва чавандозни ҳақиқатда ўз устида олиб юради. Баъзан чавандоз от устидан назоратни бутунлай йўқотади ва у билан қаерга олиб борса, боришга мажбур бўлади:
шунингдек, «Мендан юқори» норма ва тақиқлар «Мен»ни ўзига бўйсундиради.

Одам, кишилар оммаси, маданияти муносабатлари масалалари
Фрейд одам кишилар оммаси, маданияти масалаларига алоҳида аҳамият беради
Ўзига хослиги
Фрейд томонидан чиқарилган хулосалар
Фрейд бўйича кишилар жамияти фақат беихтиёр қилинадиган одатларини, хиссиёт, эҳтиросини биргаликда бўғган тафдирдагина мавжуд бўлади, бўлмаса жамият ичидан емирилади.
Бўғилган энергиянинг оммавий сублимацияси рўй беради ва уни маданиятга айлантиради.
Жамият бўғилган энергияни алмаштирувчи ритуал ташкил қилади.
Цивилизация ривожланган сари эҳтиросларбўғилиши кучаяди.
Бу нарса оммавий психоз, бутун халқ депрессиясини келтириб чиқради.
Шунингдек, янада мураккаброқ ритуаллар қуришга эҳтиёж туғилади.

Одам психикасини (руҳиятини) аниқловчи омиллар

Одам руҳиятини бошқарувчи ва уни йўналтирувчи бош омиллар

Ҳузур-ҳаловат – психика, худди компасга ўхшайди, у ёки бу йўл билан ҳузур-ҳаловатга йўл изланади.
Сиқиб чиқариш – психика тақиқланган, қабул қилинмайдиган (ижтимоий бўлмаган, сексуал) хоҳишларни сиқиб чиқаради.

Сиқиб чиқарилганлар беихтиёрликка, «цензура»дан ўтмаган хоҳишлар, фикрлар сублимацияга учрайди, яъни бошқаларига ўтади. Фаолиятнинг маданий ижоднинг «рухсат этилган» кўринишига айланади.

Неофрейдизмнинг асосий йўналишлари

Фрейд назарияси асосида неофрейдизм деб аталган фалсафий оқим пайдо бўлди. Бу иш унинг давомчилари томонидан ишлаб чиқилди. Булар Г.Маркузе, А.Адлер, В.Райх, Г.Юнг, Э.Фроммлардир

Г.Маркузе (1898–1979) маркузанлик

Назария асоси

Маркузенинг асосий асари «Бир вактдаги одам» унинг мазмуни, замонавий бир ўлчовли жамият, нормал, аммо бир ўлчовли одамни яратади, лекин у ягона йўналишда бўлади.

Истеъмолчи одам, жамиятнинг бир мурувватига айланади ва ўзининг табиий хоҳишларини, яъни ўзини сўндиради.

Бу ҳолдан чиқишнинг, яъни ёриб ўтишни Маркузе тўлиқ сексуал озодликда ва сексуал революцияда деб билади.

Э.Фромм. (1900–1980) кунлар мавжудлигининг қарама-қаршилиги муаммоси

Асосий қарама-қаршиликлар

Патриархат ва матриархат.

Бошқарув ва бошқарилув.

«... учун озодлик» ва «... дан озодлик» негатив ва позитив озодлик.

Гуманитар ва авторитар бошқарув.

Эга бўлишга интилиш ва оддий ҳаёт.

Шахсий мавжуд бўлмоқ (ҳаёт тарихи) ва ҳаётий мавжудлик (тарих).

Неофрейдизмнинг асосий йўналишлари

Карл Густав Юнг назарияси (1875–1961)

Назария мазмуни

Юнг бўйича одамнинг ҳаётий (фақат сексуал ҳаёт эмас) энергияси ҳаётнинг ўтиб бўлмас тўсиқларига дуч келганда, индивидуал эмас, архетип сифатидаги умумийликка ўтади.

Архетиплар – универсал образ, ҳаёт энергиясининг чиқариб юборилган «код»и. Пидилар, мифлар, ақлий касалликка чалинганларнинг гап-сўзи парапсихологик эффектлар. Бу инсониятнинг «шифрланган» тарихи.

В.Райхнинг фрейдо-марксизми (1897–1957)

Назария мазмуни

Одам ҳаёти ва ижодининг нормал асоси космик табиатга боғлиқ бўлган сексуал энергиядир.

Жамият одам энергиясини, унинг аффектларини ахлоқ, маданият, этикети ёрдамида бўғади.

Одам маданият «қафасида» яшашга, умумий яшаш нормаларига, раҳбарига, хокимиятга мослашишга мажбур, бу уни асабийлашишга, унинг «мени»нинг халокатига олиб келади.

Альфред Адлер назарияси (1870–1937)

Назария мазмуни

Одамнинг «буюк» фаолияти асосида гиперактивлик, ҳаддан зиёд интилиш, шунингдек психик касалликлар замирида «тўлиқ бўлмаганлик» комплекси ётади.

Одам уни бизнесда, сиёсатда, илмда, санъатда, шахсий ҳаётда ўрнини босишга ҳаракат қилади.

Америка прагматизмининг умумий тушунчаси. Дж.Дьюи, унинг Америка фалсафасида тутган ўрни

Прагматизм – унинг асосий максади фалсафа масалаларининг мавҳум тушунчасини топиш эмас. Кишилар ҳаётидаги аниқ масалаларни ечиш учун амалиётдаги аниқ вазифаларни ишлаб чиқувчи ғоявий фалсафанинг йўналишидир.

Прагматизмнинг асосчилари бўлиб америкалик файласуфлар Ч.Пирс ва У.Жеймс ҳисобланади.

Замонавий прагматизмнинг вужудга келиши ва прагматизм таълимининг ишлаб чиқилишида алоҳида аҳамият касб этган Ж.Дьюи (1859–1952) ҳисобланади.

Ж.Дьюининг Америка фалсафасида тутган ўрни ва роли

Дьюи – фалсафа, социология, педагогикага оид 30 дан ортиқ асарлар ва 900 та илмий мақолалар муаллифи.
Унинг фалсафаси Европа ва инглиз тилида сўзлашувчи кўплаб мамлакатларда кенг таркалган.
Америкаликларнинг 80 фоизи Дьюини Америкада ўз вақтининг энг кучли файласуфи деб ҳисоблайдилар.
У анъанавий фалсафанинг кўпгина стериотипларини (фундаментализм фалсафаси)ни бузиб юборган ва фалсафанинг муҳим масалаларига янгича ёндашган.


Фалсафанинг прагматизм фалсафа тизимидан мақсади
Фалсафанинг (Дьюи, Джеймс) мақсади
Одамга тажрибанинг оқими ичида қўйилган вазифа томонга боришга ва унга эришишда ёрдам бериш
Ўзига хослиги
Америка прагматиклари (Джеймс) фалсафа тажриба билан яқин алоқада бўлганда, янги қўйилган мақсадларга, тажрибаларга олиб борувчи ҳақиқатни топишга ёрдам беради, деб ҳисоблайди (яъни, тажриба, тажриба қўйилган мақсад ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини бажаради.)
Дж.Дьюи берилган ғояни янгидан ривожлантирди ва фалсафанинг вазифаларини аниқлади.


Дж.Дьюи гносеологияси
Онгнинг Олий кўриниши – соф ғояларининг англаниши – кўпчиликка хос эмас, чунки, «соф ғоя» турғун бўлади. Доимий ва универсал, улар назария ва амалиёт билан текширилган билим беради – «эпистема».
Ҳиссий, онг бу ҳаммага хос, лекин ташқи оламнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда (фикр билдириш тасаввур) одамлар ҳақиқий билимга етиб бора олмайдилар
Олий руҳий фаолият (тоза ғоялар орқали руҳий англаш бу алоҳида тайёрланган одамларга хос, яъни меҳнат билан шуғулланмайдиган, яхши билимли жисмоний кишиларга хос).
Ҳиссий билимлар жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи одатда маълумотга эга бўлмаган одамларда бўлади (ишчи, деҳқонлар, сотувчи ва ҳ.к.).
Тарихан меҳнат қуйи жисмоний фаолият ва юқори руҳий фаолиятга бўлинган экан, демак икки хил дунёқараш ҳам мавжуд бўлди.
Материалистик
Ғоявий

Дж.Дьюининг илмий услуб ҳақидаги таълимоти
Асосий масалалар
Услуб – билимларни олиш, олинган билимларни одам тажрибаси давомида ишлатиш жараёни (тартиби).
Илмнинг ва илмий услубнинг асосий вазифаси – одамнинг ўз мақсади йўлида ишлатадиган билимлари.
Мақсадга етаклаган услуб – ҳақиқий;
Мақсадга етакламайдиган ёки етишга ҳалақит берган услуб – ноҳақиқийдир.
Услуб мақсадга олиб борувчи восита, яъни инструментализм деб аталади
Дьюи томонидан қилинган хулосалар инструментализм ва диалектика ғояларидан олинган.
Услуб умуман бўлиши мумкин эмас (тажрибага қаратилмаган услуб, эътиборга лойиқ эмас);
Аниқ мақсадга етиш учун аниқ услублар мавжуд;
Демак, услубнинг фаолияти учун зарурий аниқ механизмни топиш керак.

Дьюи муаммоли ҳолатлар ва уни ҳал этиш йўллари ҳақидаги таълимотни услубнинг аниқ механизмини излаш учун келтириб чиқарди
Таълимот мазмуни
• Услубга (тажрибадаги каби) муҳтожлик (шунингдек, тажрибада ҳам) замонавий (ҳақиқий) шубҳа бўлганда пайдо бўлади, бу ҳолда у кейинги ҳаракатларга ҳалал беради;
• Ушбу замонавий шубҳа «муаммоли ҳолат»ни юзага келтиради – аниқ (истаган) ҳаётий ҳолатларни аниқ қадамлар билан ечиш мумкин;
• Муаммоли ҳолатларни ҳал этиши (масалани ҳал этишда) муқобилини топишни танлаш билан боғлиқ;
• Илмий услубнинг мақсади – муаммоли ҳолатни ҳал этилган ҳолатга олиб келиш;
• Илмий услуб муаммоли ҳолатни ечимини топган ҳолатга келтиришда ҳаракатга келади.
Аниқ қадамлар (муаммоли ҳолатларни ҳақиқатга айлантирувчи босқичлар)
• Қийинчиликларни сезиш, аниқ тушунтиришга эга бўлмаган тўсиқларда – бу вақтда бу қисмларнинг келиб чиқишни излаш, муаммони ҳал этиш учун тўғри шакллантириш зарур;
• Муаммо аниқ шакллантирилгандан сўнг, ноаниқ ҳолат муаммога айланади; шунда мақсадни аниқ белгилаб олиш, бўлиши мумкин бўлган қийинчиликларни сезиш лозим;
• Гипотезаларни айтиш (ҳаракатлар кетма-кетлиги) муаммони ҳал этиш, муаммоли ҳолатни йўқотиш вазифасини бажаради;
• Гипотезанинг танқидий таҳлили; назарий моделлаштириш (тажрибага асосланган олдиндан кўра олиш) мақсад га етишнинг ҳар бир даврида гипотезанинг амал қилиши.

Демак,
илмий услуб (унинг ҳаракатларининг инъикоси билан) муаммоли ҳолатларни ҳал қилинган ҳолатларга айлантирувчи аниқ қадамлардир

Охирги қарорни қабул қилиш режалаштирилган тахминларни амалга ошириш, ишлатилган гипотезани ҳақиқатга айланганлигини (натижага эришилган бўлса) экспериментал текшириш ёки (натижага эришилмаса) нотўғрилигини кўрсатиш вазифаси туради

Дж. Дьюи илмий услуб тўғри келиши шарт бўлган шартларни ажратиб кўрсатади:

• Ўзини тузатишга қобилият (янги орттирилган тажрибага кўра ижобий ёки салбий бўлиши мумкин);

• Фаолият кўрсатиш учун қобилият (ишлатилаётган илмий услуб ташқи оламни акс эттиришга эмас, шу билан ҳаракат ҳам қила билиши керак);

• Ҳақиқий (фақат мақсадга олиб борувчи услубларнинг кейинги тадбиқ этишга лойиқ).

Дж.Дьюи эмпиризми (тажриба – унинг фасафасининг асосий тушунчаси)

Дьюи ўз фалсафий йўналишига кўра, эмпирист бўлган, яъни тажрибага алоҳида ўрин ажратган

• Биринчи таъсир ғоясини инкор қилади, бутун мавжудотнинг биринчи сабабини излашни мазмунсиз деб ҳисоблайди;
• Фалсафанинг асосий тушунчаси тажриба деган фикрини илгари суради, уни ўрганиш учун бутун фалсафий тадқиқотларни жамлаш керак;
• Одам онгидан барча нарсаларни – туғмасини ҳам, одам ҳаёти жараёнида кейин орттирилганини тажриба сўзи остида тушунади;
• Одам онги – яъни тажрибани ташувчиси алоҳида аҳамият берган;
• Тажрибани: сезгир, ўта сезгир (спиритик, руҳий), диний, ахлоқий, ижтимоий, маданий ва бошқа, яъни тажриба шу ҳолида ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини ўзида жамлашини аниқлаш.

Дж.Дьюи ижодида ахлоқ ва ижтимоий фалсафа масалалари

Асосий ҳолатлар

► Одамзод интилувчи ягона «олий манфаат» мавжуд эмас;
► Мақсад ва манфаат ҳар хиллиги мавжуд;
► Мақсад ва манфаат ноаниқ эмас, аниқ бўлади;
► Асосий манфаат бу – саломатлик, бойлик, номус, яхши ном, дўстлик, жамият томонидан яхши баҳоланиш, маълумотлилик, камтарлик, адолатлилик, хайрихоҳлик;
► Кўпчилик одамлар юқоридаги манфаатларга интиладилар, худди шу манфаатларга эмас, аниқ кўрсатилган манфаатнинг катта-кичиклигига интиладилар;
► Бирорта манфаатга етишиш, тажриба сифатининг ўзгаришига олиб келади;
► Демак, ўсишнинг ўзи ҳамма ўринларда асосий ахлоқий максад бўлади;
► Ахлоқий қонунлар (ўлдирма, ўғирлама ва х.к.) абсолют характерга эга эмас (масалан, урушда душманга қарши эмас) ва адолатли (ёки адолатсиз) фақат алоҳида ҳолатда бўлади;
► Демократия одамзоднинг умумий яшашнинг оптимал шаклидир;
►«Мақсад воситаларни оқлайди – деган шиор моҳиятига кўра нотўғри ва у олиб ташланиши керак;
► Мақсад воситаларга, воситалар мақсадга мос келиши керак; нолойиқ бўлган воситалар албатта максаднинг сифатини ўзгартиради (мақсад воситага мутаносиб бўлади);
► Демократия зўравонлиги ва урушдан воз кечиш керак;
► Фақат тинч воситаларни ишлатиш керак (бу бутун одамзодга тегишлидир);
► Жамият ижтимоий қарама-қаршиликларини силлиқлайди, ижтимоий ўзгартиради;
► Ижтимоий ўзгартиришларнинг асосий воситаси – фан услублари ахлоқ ва таълимда юқори технологияларда ишлатишда намоён бўлади.

Герменевтика ҳақида умумий маълумот

Герменевтика – фалсафанинг бир йўналиши, шарҳлашларнинг изоҳлаш, тушунишнинг назария ва амалиётини тадқиқ қилади. Герменевтика ўз номини Қадимги юнон худоси Гермес номидан олган бўлиб, худолар ва одамлар орасида воситачи бўлган – худоларнинг хоҳишларини одамларга, одамларнинг истакларини худоларга етказган.

Асосий тамойиллар

• Герменевтиканинг асосий ғояси, мавжудлик, демак, тушунарли бўлиш;
• Одатда, тадқиқ предмети матндир;
• Герменевтика герменевтика ҳолатлари – ҳодисаларидан матнни тўғри тушуниш ва тушунтириш эҳтиёжидан келиб чиққан.

Герменевтиканинг асосий масалалари

• Қандай қилиб тушуниш мумкин;
• Фақат хаёлда нарсаларнинг яшаши қандай қурилган.

Фундаментал тушунчалар

• Герменевтик учбурчак – матн муаллифи, матн ва ўқувчи ўртасидаги муносабат;
• Герменевтик айлана тушуниш жараёнининг циклли характери.

Герменевтика асосий вакилларининг бош йўналишлари

Илк герменевтик тадқиқотлар: → Ўрта аср теологлари, схоластлар (Фома Аквинский ва б.) Библия матнига жойлаштирилган илоҳий ғояларни «ечиш» билан шуғулланганлар.

Фридрих Шлейермахер (1768–1834)

Асосий масалалар

- Шлейермахер фикрича, матнни муҳокама илишда икки услуб – грамматик ва методик услуб бўлиши мумкин. Биринчиси ёрдамида «руҳнинг тили» аниқланади, иккинчиси билан эса «муаллиф руҳи»;
- Герменевтика (матн муҳокамаси) муаллиф ва ўқувчи ўртасида кариндошлик бўлган ҳолда маъно касб этади. Асар муаллифдан анча йироқ бўлса, матн ҳеч қачон герменевтнинг ҳар қанча ҳаракатига қарамай тушунилмайди, муаллиф ва ўқувчининг ўхшашлигида тушунарсиз маъно қолмайдива уни шарҳлашга эҳтиёж қолмайди;
- Тушуниш, биринчидан, дивинация – муаллиф руҳини сунъий «ҳислантириш», «ҳаётийлаштириш»дир;
- Иккинчидан, солиштириш, далилларни солиштириш ва бошқалар;
- Дивинация солиштириш билан алмаштириш керак, агар ўқувчи муаллифнинг тили мантиқини, дилини тушунса, матн бутунлигича тушунилган бўлади.

Герменевтика асосий вакилларининг бош йўналишлари

Мартин Хайдеггер (1889–1976)нинг экзинтенциаллар ҳақидаги таълимоти

Асосий моҳияти

Экзестенциал – одамнинг яшаш шароити

Хайдеггернинг илк қарашлари герменевтика ва экзестенциализмнинг билим ҳақидаги эмас, (онтологик) маиший томонига бағишланган.

Мавжудлик – одам борлиғи онг билан аниқанмайди, балки дунёда борлиғи билан (одам, аввало, мавжуд, кейин фикрлайди) аниқланади.

Герменевтика асосий вакилларининг бош йўналишлари



Ганс Георг Гадамер (1900–2002) назарияси

Асосий масалалар

• Гадамер фалсафани билиш (гносология) томонидан тушуниш (герменевтика) томонига ўтишга чақиради;
• Одам хаёти давомида, биринчидан, тажриба тўплайди (унинг катта қисмини аждодлар тажрибаси – «дунё тажрибаси»),иккинчидан, дунё тажрибасига ўз хиссасини қўшади;
• «Дунё тажрибаси»ни аждодлардан авлодларга ўтиши ҳозиргидан келажакка ўтиши асосан матн, ёзув, тил ва анъаналар орқалидир;
• Шунинг учун, матн тилининг шарҳи, уни тушуниш фалсафанинг асосий йўналиши бўлиши керак.

Герменевтика асосий вакилларининг бош йўналишлари

П. Рикер (1913 йилда туғилган) назарияси

Асосий масалалар

• Пол Рикер ижодининг асосий масаласи – шахс. Шахс инсоният маданиятининг ижодкори;

• Фалсафанинг мақсади – одам субъекти тушнчасининг услуби;

• «Регрессив–прогрессив» услуб, одамни тушуниш услуби сифатида уч ўлчовда берилиши мумкин: ўтмиш, ҳозирги замон, келажак;

• Рикер бўйича, одам шахси телелогик, яъни келажакка йўналтирилган.

ЭМПИРИОКРИТИЦИЗМ

XIX–XX асрлар чегарасида юзага келди. Унинг энг машҳур намояндалари – **Э.Мах** (1838–1916) ва **Р.Авенариус** (1843–1896). Илк позитивизмдан фарқли ўлароқ, эмпириокритицизм фалсафага «иккинчи позитивизм»ни синтез қилувчи фан сифатида ёндашади, уни билиш назариясига боғлайди. Эмпириокритицизм «тажриба танқиди» деган маънони англатади ва «тажрибани метафизик табиатни ўзгартирувчи барча қоидалардан тозалаш»ни назарда тутади. Э.Мах фикрига кўра, тажриба амалда «дунё элементлари» ҳисобланувчи сезгилардан иборатдир.

ХХ аср Ўзбек фалсафаси ривожланишининг асосий йўналишлари

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
ЎзФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти
Ўзбекистон Фалсафа жамияти
Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти

ХХ аср Ўзбек фалсафасининг асосий муаммолари

- Онтология ва билиш назарияси, фан фалсафаси, ижтимоий фалсафа,
- Сиёсат фалсафаси, фалсафа тарихи, маданият тарихи ва назарияси,
- Этика, эстетика, дин тарихи ва назарияси.

ХУЛОСА

Инсоният тараққиётида ҳар бир давр анъанавий фалсафий муаммоларни илгари сурган ва уларни ўз даври дунёқараши таъсирид ҳал қилишга ҳаракат қилган. Фалсафа тарихини янги шохчалари пайдо бўладиган дарахтга қиёслаш мумкин, ҳар бир шох ўз шаклига ва япроқларининг рангига эга бўлиб, улар бошқаларини такрорламайди. Бироқ дарахт шохлари каби фалсафий йўналишлар қанча кўп бўлмасин, уларда умумий илдиз – инсон ва оламнинг ўзаро алоқадорлиги, инсон ва жамият ҳаётининг узвийлиги бирлаштиради. Ушбу умумий илдиз инсон маданиятининг дунёқарашли асоси сифатида фалсафанинг аҳамиятини чуқурроқ тушунишга имкон беради.

XX аср турли даврлардаги фалсафий йўналишларни ўзида бирлаштирди ва ўтмиш тажрибасига таянган ҳолда, олам ва одам масаласига жуда мураккаб ижтимоий сиёсий вазиятда зиддиятли, янги фалсафий қарашлар шаклланди.

Ҳозирги замон Ғарб фалсафасининг ўзига хос хусусияти унинг дунёқарашли ва методологик жиҳатдан турли туманлигидир.

Борлиқ – фалсафа категорияси

Онтология – фалсафанинг борлиқ муаммосини ўрганувчи асосий бўлимларидан бири, борлиқ муаммоси эса, фалсафанинг бош муаммоларидан бири. Фалсафанинг пайдо бўлиши айнан борлиқ муаммосини ўрганишдан бошланган. Қадимги Ҳинд, Хитой, антик фалсафа биринчи навбатда онтология билан қизиққан, борлиқ моҳиятини англашга ҳаракат қилган.

Борлиқ – бу реал мавжуд, ўз ичига барча жисмларни оладиган, барқарор, мустақил, объектив, доимий, чексиз субстанциядир.

Борлиқ фалсафий категориясининг мазмунини очиб берадиган қоидалар:

- Атроф-олам, предметлар, ҳодисалар реал мавжуд бўлади, у (олам) бор;
- Атроф-олам ривожланади, ички сабабга эга бўлади, ҳаракат манбаи ўзида;
- Материя ва руҳ – ягона, лекин шу билан бирга қарама-қарши моҳиятлар, реал мавжуд.

Субстанция – ўз мавжудлиги учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайдиган мустақил борлиқ.


Онтология
Борлиқ ва йўқлик муаммолари ўрганилади
Атама фалсафада фақат XVII асрдан бери ишлатилади
Ҳар қандай фалсафий дунёқарашнинг негизи ҳисобланади

Оламнинг манзараси (Борлиқ)
Дунёнинг мифологик манзараси
Дунёнинг диний манзараси
Оламнинг (Борлиқнинг) умумий манзариси
Дунёнинг табиий-илмий манзараси
Дунёнинг фалсафий манзараси


Гносеология – билиш муаммоларини ўрганади
Аксиология – қадриятлар фалсафаси
Онтология ўзаро алоқада
ижтимоий фалсафа жамият тараққиёти масалалари
Фалсафий антропология инсон ва унинг ҳаёти масалалари
Ахлоқ инсоннинг ахлоқий тарбияси масалалари


Борлиққа муносабатнинг хилма-хиллиги
Мифологиянинг бош мақсади
«Борлиқни ким яратгани» ҳақида гапириб бериш
Фалсафанинг бош мақсади
«Борлиқнинг нималиги, у қаердан пайдо бўлгани ва қаерга йўқолиши»ни оқилона тушунтириш

ФАЛСАФА ТАРИХИДА БОРЛИҚ МУАММОСИ

«Борлиқ» категорияси фалсафа пайдо бўлиши билан шаклланган ва изчил назарий қизиқиш предметига айланган бўлсада, дунё ҳақида одамлар анча олдинроқ фикр юрита бошлаганлар ва бу тасаввурлар кўп сонли афсоналар ва мифларда бизгача етиб келган.

Борлиқ муаммосини фалсафий англаб етишга илк уринишлар милоддан аввалги биринчи минг йилликда вужудга келган қадимги ҳинд ва қадимги хитой фалсафаларидаёқ кузатилади.

Борлиқ ҳақидаги қарашлар, айниқса, юнон фалсафасида ривожланди.


Шарқ мутафаккирларини фикрича, борлиқ
Форобийнинг фикрича, борлиқ иккига бўлинади.
Ибн Сино фикрича, борликнинг асоси «вужуди вожиб», яъни Оллоҳдир. Вужуди вожиб бу биринчи моҳият. Унинг мавжудлиги сабабини бошқа нарсалардан қидириш ноўрин. Чунки биринчи сабаб унинг натижаси бўлган хилма-хил жараёнларнинг моҳиятига боғлиқ бўла олмайди.
«Вужуди вожиб» барча мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган нарсаларнинг биринчи сабаби.
«Вужуди мумкин» эса доимо ўзгаришда, зиддиятли муносабатларда бўлиб, унда барча нарсалар оддийдан мураккабга, тартибсизликдан тартиблиликка қараб ҳаракат қилади.

БОРЛИҚ ВА ЙЎҚЛИК ДИАЛЕКТИКАСИ
Борлиқ ва йўқлик ўртасида диалектик ўзаро алоқа мавжуд.
Йўқлик борликни инкор этади ва нарса, жисм, ҳодиса, онг ўзлигини йўқотган ҳолатда «йўқлик» атамаси ишлатилади.
Ўтган замондаги борлик йўқликдир. Борлиқ доим ҳозирги замонда мавжуд бўлади, у фақат ҳозирги замонда ўзини намоён этади.
Борлиқ фалсафий категория сифатида дунёни унинг бутун ранг-баранглиги ва турли-туман намоён бўлиш шакллари билан яхлит акс эттириш имконини беради.


Борлиқ шакллари
Табиат борлиғи. Нотирик табиат борлиғи.
Ижтимоий борлиқ.
Маънавий борлиқ
Инсон борлиғи.


Борлиқнинг асосий шакллари:
Моддий борлиқ – табиат ва атроф-оламдаги моддий (масофа, масса, ҳажм, зичликка эга бўлган) жисмлар, нарсалар, ҳодисаларнинг мавжудлиги;
Идеал борлиқ – идеалнинг мустақил реаллик сифатида индивидуаллашган руҳий борлиқ ва объективлашган (индивиддан ташқаридаги) руҳий борлиқ кўринишида мавжудлиги;
Ижтимоий борлиқ – инсоннинг жамиятда борлиги ва жамиятнинг борлиги (ҳаётнинг мавжудлиги, ривожланиши);
Инсон борлиғи – инсоннинг моддий ва руҳий (идеал) бирлиги сифатида мавжудлиги, инсоннинг ўз-ўзича борлиги ва унинг моддий дунёда борлиги;
• Ноуменал борлиқ («ноумен» – сўзи, «ўз-ўзича») – уни ташқаридан ким кузатаётганлигини англашидан қатъи назар реал мавжуд борлиқ;
• Феноменал борлиқ («феномен» – сўзи, «тажриба орқали берилган ҳодиса») – зоҳирий борлиқ, яъни билувчи субъект қандай кўришига боғлиқ.



Борлиқнинг XX аср, дунё миқёсидаги тартибсизлик, абсурд ва интиҳо асри, бунёд этган янги постмодернистик шаклини эълон қилган постмодерн йўналиш бошбошдоқлик ҳамда тартибсизлик томон юз тутган.

Ҳозирги замон постмодерн фалсафаси мантиқан тугалланган шаклда борлиқни ҳам, субъектни ҳам инкор этади.

Борлиқнинг интиҳоси – апокалипсис, исён, номуайянлик ва спонтанлик – постмодернизмнинг энг кенг тарқалган мавзуларидан биридир. «Вазият алоқа қилувчиларнинг чексиз миқдори юкланган, дастлабки сигнали фарқлаш ва аниқ адресатни аниқлаш мумкин бўлмаган чексиз компьютерни эслатади.

Хулоса

Борлиқ бизнинг мавжудлигимиз асоси, нотирик, тирик табиатнинг яшаш усулидир. Макон ва вақт ҳақидаги фалсафий қарашларни умумлаштириб ва бу категориялар мазмунини дунё ҳақидаги ҳозирги табиий-илмий билимлар билан бойитиб, юқорида айтилганлар нуқтаи назаридан макон ва вақтнинг асосий хоссаларини қайд этиб ўтамиз. Макон кўламлилик, бир жинслилик ва кўп ўлчовлилик билан тавсифланадиган мавжудлик тартиби, вақт эса давомлилик, орқага қайтмаслик ва изотроплик, яъни мумкин бўлган барча йўналишларнинг тенг ҳуқуқлилиги хос бўлган воқеаларнинг ҳаракат тартиби ва кетма-кетлигидир.

Фалсафада материя ва субстанция муаммоси

Субстанция тушунчасининг моҳияти

Фалсафа тарихида ўзининг мавжудлиги учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган шундай биринчи асосни ифодалаш учун «субстанция» (лот. substantia – моҳият, асос) категорияси қўлланилади. Илк фалсафий йўналишларнинг вакиллари барча нарсалар асосини ташкил этувчи моддани биринчи асос сифатида тушунганлар


Фалсафа тарихида субстанция ҳақидаги қарашлар
Б.Спиноза
Гольбах
Субстанцияни бир вақтнинг ўзида ҳам табиат, ҳам Худо сифатида таърифлаган ва бу икки тушунчани тенглаштирган. Б.Спиноза Худони табиатга бутунлай сингдириб юборган, уни табиийлаштиришга ва илоҳий мазмундан ажратишга ҳаракат қилган. Унинг пантеизми шундан иборат бўлган.
У барча субстанцияли нарсаларни табиатга ва фақат табиатга боғлади. «Табиат ҳамма нарсанинг сабабчисидир; у абадий мавжуддир; табиат ўз-ўзининг сабабчисидир...». «Табиат қандайдир буюм эмас; у доим ўз ҳолича мавжуд бўлган; ҳамма нарса унинг бағрида вужудга келади; у барча нарсалар билан таъминланган улкан устахонадир». Шу маънода табиат ҳам, субстанция ҳам сиртдан ҳеч қандай турткига муҳтож эмас.

Турли фалсафий таълимотларда дунёнинг бирлиги ва унинг келиб чиқишига нисбатан ёндашувлар
МОНИЗМ – «монизм» (юнон. «monos» – «битта», «ягона») дунё, нарсалар ва ҳодисалар ранг-баранглиги бир субстанциядан иборат.
Дуализм (лот. «dualis» – «икки ёқлама») биринчи асос сифатида иккита субстанция олинган фал сафий ёндашув (ДЕКАРТ)
МОДДИЙ
МАЪНАВИЙ
Материалистик монизм – дунё ягона ва узвий, у азалдан моддий, дунёнинг бирлиги замирида айни шу моддийлик ётади.
Идеалистик монизм материя ҳар қандай борлиқнинг боқий мавжудлиги, йўқ бўлмаслиги ва биринчи асосига эга бўлган қандайдир идеал нарса.
Плюрализм. «Плюрализм» (лот. – «кўплик», «кўп хиллик», «кўп сонлик») дунёнинг негизида иккита эмас, балки ундан кўпроқ моҳият борлигини тан олувчи таълимот (Лейбнец монадалари).


Субстанциянинг
ўзига хос хусусиятлари
ўз-ўзини белгилаш (ўз-ўзининг сабабчиси ҳисобланади, уни яратиб ва йўқ қилиб бўлмайди);
универсаллик (ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, барқарор, ўзгармас ва мутлақ биринчи негизни ифодалайди);
ягоналик (биринчи негизнинг ягоналигини назарда тутади);
яхлитлик (моҳият ва мавжудликнинг бирлигини кўрсатади).
каузаллик (барча ҳодисаларнинг умумий сабабий боғлиқлигини ўз ичига олади);


Материянинг
уч таркибий даражаси
Микродунё «...дан ташкил топади» тамойили амал қилмайдиган атомлар ва элементар зарралар дунёси
Мегадунё коинот дунёси (сайёралар, юлдузлар комплекслари, галактикалар, мегагалактикалар)
Макродунё барқарор шакллар ва инсонга мос катталиклар дунёси (унга молекулаларнинг кристаллашган комплекслари, организмлар, организмларнинг ҳамжамиятлари ҳам киради)

Материя (моддий борлиқ)
«Материя» тушунчасига асосий ёндашувлар
Материя тузилиши элементлари
Жонсиз табиат
Жонсиз табиатнинг даражалари
• Материалистик ёндашув, унга мувофиқ борлиқнинг асоси материядир, бошқа борлиқ шакллари – руҳ, инсон, жамият – материянинг хосиласидир; материалистларнинг таъкидлашича, материя дастлабки ва мавжуд борлиқдир;
• Объектив-идеалистик ёндашув – материя барча мавжудликдан қатъий назар, дастлабки идеал (мутлақ) руҳнинг туғилиши; (объективизация) бўйича объектив мавжуддир;
• Субъектив-идеалистик ёндашув – материя мустақил воқелик сифатида умуман мавжуд эмас, у фақат субъектив (инсон онгида) мавжуд руҳнинг меваси (феномен – ҳаёлий воқелик «галлюцинация»);
• Позитив ёндашув – материя тушунчаси ёлғондир, чунки уни тажрибавий илмий-тадқиқот ёрдамида тўлиқ ўрганиш ва исботлаш мумкин эмас.
• субмикроэлементар (кварклар, глюонлар, суперструналар – материянинг энг кичик бирликлари, атомдан ҳам кичик);
• микроэлементар (адронлар, кварклардан ташкил топган электронлар); ядро (атом ядроси);
• атомлар (атомлар);
• молекуляр (молекулалар);
• ягона жисмлар даражаси;
• макротана даража;
• планеталар даражаси; планеталар тизими даражаси;
• галактикалар даражаси;
• галактикалар тизими даражаси;
• метагалактикалар даражаси;
• бутун Олам даражаси.

Инъикос материянинг хоссаси сифатида
Акс этиш – моддий тизимларнинг ўз-ўзида у билан муносабатга киришувчи бошқа моддий тизимларни ишлаб чиқиш қобилияти. Акс этишнинг моддий исботи изларнинг қолишида намоён бўлади (бир моддий объектнинг иккинчи моддий объектда): инсон оёқ кийимидаги тупроқ излари, тирналишлар, акс садо, кўзгуда ва сув ҳавзаларининг силлиқ юзасида жисмларнинг акс этиши.
Физикавий
Кимёвий
Механик
Биологик
Онг – акс этишнинг энг юқори даражаси. Материалистик концепцияга мувофиқ онг – юксак ташкил этилган материяни акс эттириши.
Биологик акс этишнинг даражалари
Таъсирчанлик
Сезувчанлик
Психик акс таъсир


Дунё
Дунёнинг бирлиги
Дунёнинг ранг-баранглиги
Дунёнинг чеклилиги
Дунёнинг боқийлиги
Дунёнинг чексизлиги
Дунёнинг ўзгарувчанлиги


Геоцентрик ва ногеоцентрик моддий тизимлар
Геоцентрик дунё – бу шундай дунёки атрибутлари универсал мазмунининг, инсон танаси мавжудлик шарт-шароитларида намоён бўлувчи атрибутларнинг универсал мазмунига мос келишидир.
Атрибутларнинг универсал мазмуни инсон танасининг мавжудлик шарт-шароитларида намоён бўлувчи атрибутларнинг универсал мазмунидан фарқ қилувчи моддий объект ногеоцентрик дунё деб аталади.

Ҳозирги даврда материянинг уч таркибий даражаси фарқланади:

• микродунё – «...дан ташкил топади» тамойили амал қилмайдиган атомлар ва элементар зарралар дунёси.

• мегадунё – коинот дунёси (сайёралар, юлдузлар комплекслари, галактикалар, мегагалактикалар);

• макродунё – барқарор шакллар ва инсонга мос катталиклар дунёси

• (унга молекулаларнинг кристаллашган комплекслари, организмлар,

• организмларнинг ҳамжамиятлари ҳам киради);

МАТЕРИЯ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ТАБИИЙ-ИЛМИЙ ТАСАВВУРЛАР



Дунёнинг бирлиги ва ранг-баранглиги

Дунё чексиз яхлитлик сифатида ўзгармас ва айни вақтда ўзининг айрим қисмлари ва кўринишларида ўзгарувчан бўлиб, ўзини муттасил шаклланиш ва ўзгариш жараёнларида намоён этади. У нафақат шаклланиш ва ўз тузилмасини мураккаблаштириш йўлида, балки аксинча – бузилиш ва таназзул йўлида ҳам ҳаракатланади ва ривожланадики, бу унинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари муттасил ўзгаришида акс этади. Шундай қилиб, дунё, бир томондан, ўз ранг-баранглигида бир жинсли эмас, бошқа томондан эса, ўзининг барча таркибий қисмларининг узвий бирлигини ташкил этиб, муайян универсал яхлитлик ҳисобланади.

Дунё бирлигининг фундаментал асослари

Кўрсатилган муаммонинг ечими у ёки бу файласуф дунёқараши, унинг мазкур дунёқарашга асосланган позициясига бевосита боғлиқ. Руҳ (Худо, ўлмас ғоялар, онг ва ш.к.) моддий ва кўламли табиатдан ташқаридаги асос деб ҳисоблайдиган файласуфлар дунёнинг бирлиги муаммосига боқий, яратилмаган ва турли атрибутларга эга бўлган материяни бутун борлиқнинг асоси сифатида эътироф этадиган файласуфларга қараганда бутунлай бошқача ёндашадилар. Биринчи ҳолда идеалистлар тўғрисида сўз юритилади. Уларнинг қаршисида бутун дунё икки кўринишда намоён бўлади: биринчиси – идеал (чин) дунё, иккинчиси – моддий, ашёвий (ўткинчи) дунё. Бу ерда дунёнинг бирлигини тасдиқловчи нуқтаи назарлар ҳам, мазкур бирликни рад этувчи нуқтаи назарлар ҳам бўлиши мумкин.

Оламнинг чеклилиги ва чексизлиги

Фалсафада оламнинг чеклилиги ва чексизлиги билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир конкрет нарсанинг чекли эканлиги, умумий оламнинг чексиз ва чегарасизлиги эътироф этилади. Чексизликни ифодалаш учун ички (интенсив) ва ташқи (экстенсив) шакллар мавжудлиги кўплаб фалсафий адабиётларда қайд этилган.


Чеклилик
Чеклилик – нарсалар жараён ва ҳодисаларнинг муайянлилигини ва объектнинг мавжудлик чегарасини қайд этувчи тавсифни ифодалаш учун мўлжалланган фалсафий категория
Чексизлик
Чексизлик – амалдаги қонунларга бўйсунмайдиган, уларни аксиома тарзида қўллаб бўлмайдиган, қисм бутунга тенг бўлиб қолувчи борлиқдир.

Экстенсив чексизлик
Экстенсив чексизлик ташқи чексизликдир. У мазкур объект доирасидан ташқарида, «катта» дунёда кузатилади ва объектдан ташқаридаги чексизликни ифодалайди. Бу ерда, объект хоссалари ва сифатларининг атрофдаги нарсалар билан ўзаро таъсирлар тизимига боғлиқлиги муаммоси муҳимроқдир. Амалда чексизлик мавжуд бўлиб, у билиш қаратилган йўналишдан келиб чиқиб, интенсив ёки экстенсив деб тушунилиши мумкин. Экстенсив ва интенсив чексизлик – ҳақиқий чексизликнинг ўзига хос проекцияларидир. Уларни геометрик шаклнинг координаталар ўқидаги проекцияларига ўхшатиш мумкин.
Интенсив чексизлик
Интенсив чексизлик ҳақидаги тасаввур билан қамраб олинади. Интенсив чексизликнинг мавжудлиги табиатда ички тузилишга эга бўлмаган, мутлақо элементар объектлар йўқлигини кўрсатади. Интенсив чексизлик микрозарраларни ўрганиш жараёнида материянинг кичикроқ қисмларга чексиз бўлиниши сифатида қаралиши мумкин эмас. Зарраларнинг бир-бирига айланувчанлиги улар анча мураккаб табиатга эга эканлигидан далолат беради.

Релятивистик космология

Космология ривожланишининг ҳозирги босқичи релятивистик космологиянинг устуворлиги билан тавсифланади. Релятивистик космология бутун дунёни мукаммал тавсифлашга даъво қилмайди, лекин чеклилик ва чексизликни биз яшаётган оламга татбиқан, унинг физикавий-макон тузилиши томонидан ўрганади. Релятивистик космология асосчилари А.Эйнштейн ва А.Фридман ҳисобланади.

Оламнинг биринчи релятивистик модели (А.Эйнштейн, 1917 й.)

Модда ва нурланиш оламда бир текис тарқалган.

Олам турғун, вақтда ўзгармасдир.

Агар оламда модда ва нурланишнинг зичлиги айрим критик катталикка тенг бўлса, майдон эвклид майдони бўлади, яъни эгрилиги нолга тенг бўлади ва дунё чексиз бўлади.
Агар зичлик критик катталикдан кичкина бўлса, олам майдони Лобачевский геометрияси билан тавсифланади, у манфий эгрилик ва чексиз ҳажмга эга, очиқ ва бел кўринишида бўлади.
Фридман ва Ламетри модели:
Агар оламда модданинг зичлиги критик даражадан катта бўлса, майдон мусбат эгриликка эга, лекин ҳажми чекланган бўлади. Дунё берк ва чекли бўлиб, Риман геометрияси билан тавсифланади.


Релятивистик модель
А.Эйнштейн 1917 йилда нисбийликнинг умумий назариясини яратгач, орадан бир йил ўтиб оламнинг биринчи **релятивистик моделини** тузди. У бунда қуйидаги тахминлардан келиб чиқди.
1. Модда ва нурланиш оламда бир текис тарқалган. Бундан олам майдони бир хил ва изотроп тузилишга эга, деган хулоса келиб чиқади. Гарчи оғир объектлар яқинида макон–вақт геометрияси ўзгарса-да, бу ўзгариш оламнинг ўзгармас эгриликка эга бўлган бир хил изотроп майдонидан четга аҳамиятсиз оғишдир, холос.
2. Олам турғун, вақтда ўзгармасдир. Шу боис майдон геометрияси эволюцияга эга бўлиши мумкин эмас. А.Эйнштейн дунёси, одатда, «цилиндрсимон дунё» деб аталади, чунки уни чексиз кўламли тўрт ўлчовли цилиндр кўринишида тасаввур қилиш мумкин.

Кенгаювчи Олам

Космология муаммосининг таклиф қилинган ечимларига нисбатан муносабат бир хил эмас. Айрим олимлар чексиз **кенгаювчи Олам** гипотезасини қабул қилганлар ва «Катта портлаш» концепциясига кўра, тахминан 17–20 миллиард йил олдин олам жуда кичкина ҳажмда, ўта зич сингуляр ҳолатда бўлган, деб ҳисоблайдилар. Юз берган «Катта портлаш» оламнинг кенгайиш жараёнини бошлаб берган. Бу кенгайиш жараёнида модданинг зичлиги ўзгарган, майдоннинг эгрилиги тўғриланиб борган. Айрим олимлар фикрига кўра, кенгайиш ўрнини яна торайиш эгаллайди ва бутун жараён такрорланади.



Ҳаракатланувчи Олам:

Унга кўра тахминан ҳар 100 миллиард йилда янги цикл «катта портлаш»дан бошланади. Ақлга сиғмайдиган гипотезаларнинг бирида «дастлабки портлаш» натижасида гравитацион майдонда сингуляр ҳолатдан фақат бизнинг метагалактикамиз эмас, балки кўплаб метагалактикалар вужудга келгани, уларнинг ҳар бири барча физик кўрсаткичларнинг турли ифодаларига, чунончи, алоҳида топологияли (ўлчовлар миқдори ҳар хил бўлган маҳаллий очиқ ёки маҳаллий ёпиқ) макони ва ўз космологик вақтига эга бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.

Хулоса

Инсон тажрибаси доимо чекланган, у чексизликни
эмпирик йўл билан аниқлай олмайди.
Чексизликни қайд этиш учун сезги органлари маълумотларига
тафаккур фаолиятини ҳам қўшиш лозим.
Чексизлик интиҳоли нарсалар орқали мавжуд бўлади.
Инсон ақли айни шу алоқа ва кетма-кетликни,
интиҳоли нарсалар умумийлигининг чексизликка тенг бўлган
айни шу шаклини аниқлайди.

ҲАРАКАТ ВА РИВОЖЛАНИШ

Ўзгаришларнинг умумий хусусияти

табиатнинг ўзгарувчанлиги

↓

фалсафа

↓

фалсафий билимларнинг
махсус бўлими – диалектика

Фалсафа тарихида ҳаракат ҳақидаги тасаввурлар

Гераклит

Ҳаракат

узлукли ва узлуксиз нарса ва жараёнларнинг ўзаро нисбати

барқарор ва ўзгарувчан нарса ва жараёнларнинг ўзаро нисбати

миқдор жиҳатидан оддий жойдан-жойга кўчиш

Ҳамма нарса оқиб, ўзгариб туради. Айни бир вақтда дарёга икки марта тушиб бўлмайди.

Гераклит

Гераклит, Эпикур

ҳар қандай ҳаракат манбаи

ички жараёнларнинг қарама-қаршилиги


Аристотель
борликнинг турлари қанча бўлса, ҳаракат ва ўзгаришларнинг турлари ҳам шунча
Ҳаракатни билмаслик
Сабабларни билмаслик


Зенон апориялари амалда мавжуд қарама-қаршиликларни кўрсата олган
Парменид
Зенон
«Ҳамма нарса бир»
«Ҳамма нарса кўпдир»


мантиқий
қийинчилик
муҳокамадаги
зиддият
туфайли
ҳал этиб
бўлмайдиган
ҳолат
Апория
ҳал
этилиши
мушкул
бўлган
ҳолат
муаммо


Ҳаракат
Форобий
Ибн Сино
вужуди мумкиннинг
ички моҳиятидан
келиб чиқади, ашёлар,
воқеаларда содир
бўладиган ўзгариш,
осойишталик
билан мавжуд
бўлади.
вужуди
мумкиннинг
ички моҳиятидан
келиб чиқади, ашёлар,
воқеаларда
содир бўладиган
ўзгариш, осойишталик
билан мавжуд бўлади.


Уйғониш даври
БОРЛИҚ
унга хос
бўлган
рух
томонидан
ҳаракатга
келтирилади.


Янги давр механикаси
БОРЛИҚ
ташқи
куч
таъсир ҳаракатга
келади.


П.Гольбах
ҳаракат механизмини икки
турини фарқлашни таклиф қилди
жисмларнинг жойдан-жойга кўчишидан иборат бўлган
массалар ҳаракати
муайян жисмга хос энергияларга, яъни моҳиятга,
бу жисм ташкил топган материянинг кўринмас
молекулалари уйғунлиги, таъсири ва қарши
таъсирига боғлиқ бўлган ички ва яширин ҳаракат


Классик
метафизиклар
ҳаракат
деганда
жисмнинг шу вақтда
шу жойда, бошқа вақтда бошқа
жойда бўлишини тушунади
Диалектика
тарафдорлари
ҳаракат
деганда
ҳаракатнинг зиддиятли
эканлигини
якдиллик билан тан олади

Ҳозирги замон фалсафасида «ҳаракат» тушунчаси

«Кенг» маънода умуман ҳар қандай ўзгариш ҳақидаги тасаввур сифатида талқин қилинади. Ҳаракатни умуман ўзгариш сифатида тушуниш ҳаракат турларининг бутун ранг-баранглигини унинг муайян бир турига боғлаш тўғри эмаслиги ҳақида огоҳлантиради ва ҳаракат шаклларининг умумий хусусияти ва бир-бирига айланиш қобилиятига ишора қилади. «Умуман ўзгариш» деганда, бизнинг улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиздан қатъи назар, объектив мавжуд бўлган барча ўзгаришлар, турли жараёнлар назарда тутилади.

ҲАРАКАТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Фанда тарихан ҳаракатни тушунишнинг икки концепцияси мавжуд

Метафизик субстанционализм	Идеалистик релятивизм
• Объектнинг унга хос қандай ҳаракат хос бўлмаган ҳолда ўз ўзидан мавжуд бўлиш; • Ҳаракат объектга қандайдир ташқи таъсир натижаси; • Субстанциянинг мутлақлаштирилиши.	• Умуман субстанциянинг инкор қилиниши; • Ҳеч қандай бошловчисиз соф ҳаракатнинг мавжудлигини эълон қилиниши; • Ҳаракатнинг мутлақлаштирилиши.

Объектив борлиқнинг миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодалаш
ҳаракат
ривожланиш
Ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг ўзаро нисбати
Фалсафада ҳаракат нафақат турли жисмларнинг маконда механик силжиши
табиий жараёнлар ўзгариши
ҳодисалар ҳолатларининг ўзгариши


Бирон-бир табиий объект ёки ҳодисани уларнинг табиий ҳолатида англаб етмокчи бўлсак, «ҳаракат» тушунчасини четлаб ўтишимиз мумкин эмас.
Ҳаракатсизлик ҳолатидаги нарса
Тинимсиз ўзгариш жараёнини
Узлуксиз ҳаракатдаги элементар зарралар


Ҳаракат
абадий ва
йўқ бўлмас
материядан
ажралмас ва
мутлақ
Ҳаракатсизлик
нисбий
ўткинчи


Ҳаракат шакллари
Ҳаракат
шакллари
механик
ижтимоий
физик
кимёвий
биологик


Ҳаракат – материянинг ажралмас хусусияти
Хусусиятлари
Материянинг ўзидан келиб чиқади (ундаги мавжуд қарама-қаршиликлар, уларнинг ягоналиги ва кураши);
Барча нарсани ўзида қамраб олувчи (ҳамма нарса ҳаракатда, итарилади ва тортилади, атом ҳамда майда зарралар; тирик организмнинг доимий фаолияти давом этади – юрак, овқат ҳазм қилиш тизимининг ишлаши, физикавий жараёнлар давом этиши; кимёвий элиментлар ҳаракатланиши, тирик организмлар ҳараатланиши, дарёларнинг оқиши, табиатда моддаларнинг айланма ҳаракати содир бўлиши, жамият доимий такомиллашиб бориши; Ер, бошқа қоинот жисмлари ўз ўки ва Қуёш (юлдузлар) атрофида айланиши; галактикаларда юлдузлар тизими ҳаракатланиши, галактикаларнинг эса оламда ҳаракатланиши кузатилади;
Доимий равишда (ҳар доим мавжуд; ҳаракат баъзи шаклларининг ўрнига янгилари вужудга келади.
Ҳаракат турлари
механик ҳаракат
физик ҳаракат
кимёвий ҳаракат
ижтимоий ҳаракат
Ҳаракат типлари
Сифатий – материя ўзининг ўзгариши, ички тузилишининг қайта қурилиши ва янги моддий объектлар ҳамда уларнинг сифатий хусусиятининг вужудга келиши
Миқдорий – материя ва энергиянинг майдондаги кўчиши
Динамик ҳаракат – эски шакл доирасида мазмуннинг ўзгариши, илгариги моддий шаклларнинг «потенциалини очиш»
Популяциявий ҳаракат – объект тузилишининг тубдан ўзгариши, бунинг натижасида янги объект вужудга келади, материя бир шаклдан иккинчисига ўтади. Популяциявий ҳаракат –ўзгариш эволюцион ҳамда «эмержмент» (ҳеч нарсага асосланмаган портлаш йўли билан) йўли билан содир бўлиши мумкин.

ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ
Ҳаракат (ҳар қандай ўзгариш ва умуман ўзаро таъсир)
Моддий
Идеал
Ҳаракатнинг асосий шакллари
Моддий жараёнлар
Идеал жараёнлар
Механик шакли
Моддий ишлаб чиқариш
Маънавий ишлаб чиқариш
Маънавий фаолият
Физика шакли
Кимёвий шакли
Маънавий маданият
Субъектив тафаккур
Биологик шакли
Ижтимоий шакли
Ижтимоий борлиқ
Ижтимоий онг


Материя ҳаракатининг геологик шакли
Материя ҳаракатининг геологик шакли мавжудлиги ҳақидаги тахминни қабул қилсак, материянинг мазкур шакли механик, физик ва кимёвий ўзаро таъсирларни ўз ичига олган дастлабки синтез сифатида амал қилади. Бу қадимги «хаос» категориясида ўз аксини топади. Мазкур категория нафақат тартибга солинмаганлик ва тартибсизлик далили сифатида, балки стихияли шаклланиш тамойили сифатида ҳам талқин қилинади. Бу ҳолда органик дунё вужудга келишидан олдинги табиат механик, физик ва кимёвий жараёнларнинг олға қараб ривожланишидан эмас, балки уларнинг умумий, дифференциацияланмаган ўзаро таъсиридан ташкил топади.

МАТЕРИЯ ХАРАКАТИ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Диалектик қараш
• қуйи шакллар юқори шаклларга қирради, бироқ юқори шакл қуйи шаклларнинг йиғиндиси эмас балки янги сифатидир.

Метафизик қараш
• юқори шакллар қуйи шаклларга тенглашади.
• юқори шаклларнинг ҳаракати ўрганилганда, уларда қуёш шаклларининг таъсири ҳисобга олинмайди.

ҲАРАКАТ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУТАНОСИБЛИГИ

Ҳаракат – Тараққиёт

Ҳаракат

Ҳаракат-йўналиши, натижаси, хусусиятидан қатъи назар умуман ҳар қандай ўзгариш.

Тараққиёт

Тараққиёт ўзида сифат ўзгаришларини мужассамлаштирувчи қайтарилмас ўзгаришнинг ўзига хос турлари.

Тараққиёт қуйидагилар билан характерланади:

1. Йўналиши.
2. Кетма-кетлиги.
3. Ворисийлиги.
4. Такрорланувчи моментлари.
5. Эскининг инкор қилиниши ва янгининг пайдо бўлиши
6. Тараққиёт бу – жараён

ҲАРАКАТ ВА СОКИНЛИК

Ҳаракат ва сокинликнинг мутаносиблиги

- Ҳаракат мутлақ ва нисбий
- Сокинлик – ҳаракат моменти
- Сокинлик доимо нисбий
- Мутлақ сокинлик мавжуд эмас

Ҳаракат – ҳар қандай ўзгариш жараёни, макон ва замонда намоён бўлувчи ҳар қандай ўзаро таъсир.
Сокинлик-ҳаракат натижаси ёки услуби.

Ривожланиш

Жонсиз табиатда ривожланишга юлдузларда юз бераётган эволюция жараёнлари; жонли табиатда – турли организмларнинг ўсиши; жамиятда – фан, техника, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши ва шу кабилар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. «Ривожланиш» тушунчаси нафақат моддий, балки идеал дунёга, хусусан, инсон тафаккурига нисбатан, масалан, умуман онгнинг ёки айрим фикр, ғоя, назариянинг ривожланиши тўғрисида сўз юритилган ҳолда, қўлланилиши мумкин. Фикрнинг ривожланиши унинг «пишиб етилиши»ни, яъни мураккаблашуви, такомиллашуви, янада аниқроқ маъно касб этиши ва шу кабиларни англатади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, нарсалар ва ҳодисаларнинг объектив дунёсидан фарқли ўлароқ, субъектив конструкциялар (тафаккур, ғоялар, назариялар) ҳаракати ва ривожланишига нисбатан кўлам кўрсаткичлари татбиқ этилиши мумкин эмас. Айни вақтда идеал нарсалар ва ҳодисалар даражасида ривожланиш жараёнлари, худди моддий нарсалар дунёсидаги каби вақтда кечади.

ХУЛОСА

Ҳозирги замон олимлари материя ҳаракатининг техник, кибернетик ва информацион шакллари тўғрисида сўз юритмоқдалар. Бу масалалар кўп жиҳатдан баҳслидир. Аммо шу нарса шубҳасизки, объектив борлиқни янада чуқурроқ ўрганиш нафақат мавжуд таснифларнинг муфассаллашуви ва такомиллашувига, балки материя ҳаракатининг янги шакллари тўғрисидаги ғоялар ва назариялар пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Зеро, ҳар бир шакл бутун олам универсал ривожланиш жараёнининг имкониятларидан бирини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

МАКОН ВА ВАҚТ

Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари

Бизни қуршаган дунё мазмуни, борлиқнинг умумий хоссаси бўлган борлиқ ҳақида сўз юритар эканмиз, макон ва вақт тушунчаларини четлаб ўтишимиз мумкин эмас. Зеро, ҳар қандай жисм, нарса, ҳодиса доим борлиқнинг бошқа предметлари ва ҳодисалари билан ёнма-ён келади, кўламлилик хусусиятига эга бўлади. Шунингдек, улар ўз ички ва ташқи ҳолатларини бир-бирига нисбатан ўзгартиради ва бу турли ҳолларда ҳар хил тезлик, маром, суръат ва давомлилик билан юз беради. Алоҳида ҳолда айрим ягона деб қараладиган бу кўрсаткичлар мажмуи бизга вақт ҳақида тасаввур беради. Макон ва замон ўз ранг-баранглигида чексиз борлиқнинг шакллари сифатида амал қилади.

Макон ва вақт фалсафа тарихида
Субстанционал йўналиш
Реляцион йўналиш
Макон ва замон материя ва онгга боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида қаралган
Макон ва вақтни мустақил моҳиятлар сифатида эмас, балки реал дунё объектлари ва жараёнлари ўртасидаги алоҳида муносабатлар сифатида тушуниш билан боғланади


Субстанционал концепция асосчилари
Демокрит, Платон
Демокрит Эпикур
Демокрит, Эпикур Лукреций Кар
Макон ва замон материяга ҳам, бир-бирига ҳам боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлардир.
Макон атомлардан иборат. У бўшлиқдир. Макон мутлақ, бир жинсли ва ҳаракатсиз бўлади, вақт эса бир текис оқади.
Макон объектив, бир хил ва чексиз


Макон ва вақт
микродунё
макродунё
мегадунё
жонли табиат
ижтимоий борлиқ
биологик вақт
психологик вақт
ва ҳ.к.


XVIII–XIX асрларда
субстанционал концепция
фалсафада
Етакчи
концепция
Метафизик
концепция
Материядан ташқарида соф макон ёки
моддий жараёнлар билан
мутлақо боғлиқ бўлмаган вақт мавжуд
Шунга қарамай, макон ва вақт ҳақидаги бу тасаввурлар
муайян эмпирик асосдан холи эмас эди.

«...ҲАММА НАРСА ВАҚТДА ЮЗАГА КЕЛМАЙДИ ВА ЮЗ БЕРМАЙДИ, БАЛКИ ВАҚТНИНГ ЎЗИ ШУ ШАКЛЛАНИШ, ЮЗАГА КЕЛИШ ВА ЮЗ БЕРИШДИР».

Ф.Гегель

Диалектик тафаккур соҳиби бўлган. У макон мустақил бўлиши мумкин эмаслигини қайд этган.




Субъектив идеализм
вакиллари
макон ва вақт ҳақида
Д.Юм (1711–1776)
И.Кант (1724–1804)
макон ва вақтга
индивидуал онг
шакллари
мавжудлигининг
объектив хусусияти
инсон ҳиссиёти
шакли – кузатиш шакли
ҳам макон ва
вақтга субъектив

Материалистик
ёндашув вакиллари
макон ва вақт ҳақида
И.Ньютон (1643–1727)
А.Эйнштейн (1879–1955)
макон ва вақтни
онгдан ташқарида
мавжуд
учун улар фақат
идрокда мавжуддир

Макон ва вақт нисбийлик назарияси нуқтаи назаридан
материя мавжудлигининг асосий шакллари
Дунё муқаррар тарзда фақат макон ва вақтда мавжуд
Макон, вақт, ҳаракат
Материя каби мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди
Материя мавжудлигининг атрибутлари


Макон ва вақтнинг асосий хоссалари
Маконнинг уч ўлчовлилиги
Вақтнинг бир йўналишлилиги

Маконнинг кўп ўлчовлилиги

Нисбийлик назариясини ривожлантирувчи ва кучли, кучсиз, электромагнит ва гравитацион ўзаро таъсирларга нисбатан яхлит ёндашувчи ҳозирги табиий-илмий концепциялар маконнинг уч ўлчовлилиги ва вақтнинг бир ўлчовлилиги (у ўтмишдан келажакка қараб оқиши)ни моддий жисмлар борлиғининг эҳтимол тутилган ҳолларидан бири сифатида талқин қилади ва бизнинг Метагалактикамиз билан бир қаторда ўзга дунёлар ҳам мавжудлигини фараз қилиб, макон ва вақтнинг кўп ўлчовлилиги ғоясини илгари суради. Бошқа оламларда макон ва вақт бутунлай ўзгача тузилиш, *кўламлилик ва шаклларга эга бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.*

Маконнинг уч ўлчовлилиги

Маконнинг уч ўлчовлилиги ҳанузгача илмий-назарий жиҳатдан аниқ исботланмаган. *Макон ва вақтнинг чексизлиги ҳамда туганмаслиги, маконнинг уч ўлчовлилиги, вақтнинг бир йўналишлилиги, орқага қайтмаслиги макон ва вақтнинг асосий хоссалари сифатида қаралиши лозим.* Биз макроскопик тажрибада кўрадиган объектлар уч ўлчовли кўламлиликка – уч ўлчовдаги ўлчамлиликка эга. Маконнинг ҳар қандай нуқтаси уч сони ёрдамида берилади. Аммо маконнинг уч ўлчовлилиги файласуфлар учун амалда жумбоқ бўлиб қоламоқда. Улар учун бу асослашга уринишлар натижа бермаётган эмпирик постулат сифатида қабул қилинади. Маконнинг уч ўлчовлилигини таърифлаб берган Аристотель пифагорчиларнинг ғоялари ёрдамида уни асослашга ҳаракат қилган. У уч ўлчов энг мукаммал ва тугалланган бўлиб, айнан 3 сони шундай хусусиятга эга эканлигини қайд этган.

Макон ва вақтнинг метрик хоссалари
Давомлилик
Лаҳза
Кўламлилик
Жой макон чегараси ва у қамраб олувчи муайян ҳажмнинг бирлиги, Ўрин – бир жойнинг бошқа жойларга нисбатан координацияси.
Давомлилик – объект мавжудлигининг давомийлиги ва сақланишидир. Давомлилик воқеа-ҳодисаларнинг синхрония ёки диахрония муносабатлари билан тавсифланиши мумкин.
Давомлиликнинг парчалаб бўлмайдиган атоми, давомлилик кванти. Давомлилик чегарага солинган лаҳзалар мажмуи.


Макон ва вақтнинг топологик хоссалари
вақт тартиби
макон ва вақтнинг боғлиқлиги
сифат кўрсаткичлари
макон ва вақтнинг узлуксизлиги
вақтнинг ўлчамлилиги
вақт йўналиши
Вақт тартиби ва йўналиши
ўтмиш
ҳозирги вақт
келажак


Макон ва вақтнинг концепциялари
Динамик концепция
Статик концепция
Вақт жараёнларининг, шу жумладан, вақт оқимининг объектив борлиғини, яъни ўтмиш, ҳозир ва келажак воқеалари ўртасида реал физик фарқлар мавжудлигини тан олади.
Объектив вақт жараёнлари мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, вақтнинг ўтмиш, ҳозир ва келажакка бўлинишини рад этади.


Ижтимоий макон
Макон ва вақт муносабатларининг янада мураккаброқ манзараси ижтимоий тузилмаларда кузатилади. Бу инсоннинг дунёга муносабати билан белгиланган, инсон фаолияти ва амалиётининг ўзига хос хусусиятларига тарихий боғлиқ бўлган ижтимоий макон тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади. У алоҳида инсоний маъно касб этади ва биосфера, сайёра ва коинот даражасидан бир вақтда ўрин олади, шу билан бирга инсон яратган инфратузилма, ўзлаштирилган ҳудудлар, фойдаланилаётган сув ва фазо океанлари, жамулжам ҳолда инсон яшайдиган маконга айланган коинот кенгликлари кўринишида улардан ажралиб туради. Бунда кўламли структуралар ўз ҳолича, хаотик тарзда вужудга келмайди, балки жамият эволюцияси объектив жараёнларининг маҳсули ҳисобланади ва муайян халқларнинг турмуши ва маданиятини, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини, маълум вақт руҳини ўзида акс эттиради. Буларнинг барчаси пировардида «иккиламчи табиат»ни ташкил этадиган тегишли архитектура, ўзгартирилган ландшафт ва шу кабиларда ўз аксини топади.

Ижтимоий вақт

Ижтимоий вақтда муайян одамлар, ижтимоий жамоалар, айрим ҳамжамиятлар, миллатлар, давлатлар ва пировард натижада бутун инсоният борлиғининг вақт кўрсаткичларини фарқлаб, ижтимоий вақт структурасининг мураккаблиги тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин. Ижтимоий вақт ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у, биологик ва планетар-космик вақтдан фарқли ўлароқ, нотекис оқади. Инсоният шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичида бошланган ижтимоий вақт кейинги даврларда деярли ўзгаришсиз кечди ва фан-техника тараққиётининг илк аломатлари пайдо бўлиши билан XVII–XVIII асрлардан эътиборан жадалроқ суръат касб эта бошлади. XX асрда юз берган фан-техника инқилоби ижтимоий маконни кенг қамраб олди ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланишига алоҳида тус бериб, вақт ҳаракатини мисли кўрилмаган даражада жадаллаштирди.

Хулоса

Макон ва вақт ҳақидаги фалсафий қарашларни умумлаштириб ва бу категориялар мазмунини дунё ҳақидаги ҳозирги табиий-илмий билимлар билан бойитиб, юқорида айтилганлар нуқтаи назаридан макон ва моннинг асосий вақт асосий хоссаларини қайд этиб ўтамиз. Жумладан, *макон кўламлилик, бир жинслилик ва кўп ўлчовлилик билан тавсифланадиган мавжудлик тартиби, вақт эса давомлилик, орқага қайтмаслик ва изотроплик, яъни мумкин бўлган барча йўналишларнинг тенг ҳуқуқлилиги хос бўлган воқеаларнинг ҳаракат тартиби ва кетма-кетлигидир.*

«Табиат» тушунчаси энг муҳим ва кенг қўлланиладиган фалсафий категориялардан биридир. Бу атама бир неча талқинга эга бўлиб, фалсафада кўпинча у кенг, тор ва махсус маънода ишлатилади. Мазкур маъноларнинг ҳар бири, ўзига хос хусусиятга эга.


Табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқалари
Қадимда
Ҳозир
Табиат
Табиат инжиқликлари
Фаннинг ривожланмаганлиги
Жамият
Жамият
Фаннинг ривожланиши
Техниканинг ривожланиши
Табиат


Табиат
Қадимда инсон табиатга тўла сингиб кетган ва унга бутунлай қарам эди. У табиатдан ажралмаган ва ўзини унга қарши қўймаган.
Антик даврда табиат Инсондан деярли ҳамма нарсада устун бўлган Қудратли куч бўлиб қолишда давом этса-да, лекин уни одамзот назарий англай бошлаган.
Уйғониш даврида табиатга гўзаллик ва илҳом манбаи деб қарашга асосланган янгича муносабат юзага келди. Мазкур мўлжал реал борлиқни фаол ўрганиш ва уни янада теранроқ тушуниб етишга рағбатлантирган.
Янги даврдан эътиборану нафақат назарий ёки эстетик илҳом манбаи сифатида, балки амалий фаолият жабҳаси сифатида ҳам қаралди. Инсонга табиатнинг стихияли кучларини жиловлаш ва ўзига бўйсундириш имконини берувчи табиий қонунлар аникланди.

Экологик танглик

Илгари яшовчанлик қобилиятига эга бўлган кўпгина ҳудудлар яйдоқ саҳрога айланиши

Атмосфера, сув ҳавзалари ва шу кабиларнинг ҳалокатга элтадиган тарзда ифлосланиши

Стратосферанинг озон пардасидаги тешиклар, окава сувлар ташланадиган «ариқлар»га айланиб қолган

Ер планетаси – ҳаёт пайдо бўлиши учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг ташувчиси

Ерда (бошқа планеталарга нисбатан) ҳаёт пайдо бўлиши учун зарурий шароитнинг мавжудлиги

Қуёш атрофида Қуёш системасидаги Ер ва бошқа планеталар айланувчи юлдуз – ўртача катталикдаги, етарли кучга эга: атрофдаги жуда ката («қайноқ») юлдузлар ва кичик («муздек»)ларда ҳаёт бўлиши мумкин эмас

Ер Қуёшга нисбатан оптимал масофада жойлашган 150 млн км (агар Ер Қуёшга 10–15 млн км яқинроқда бўлса, у қуйиб кетган саҳрога, 10–15 млн км узоқроқда бўлса, у муз билан қопланган бўлар эди)

Ер ўртача катталикда: жуда кичик планеталар Меркурий, Плутон, атмосфера пайдо бўлиши учун ва ҳаёт учун керакли шароитлар учун жуда оз тортилиши кучига (Юпитер Сатури каби) гигантлар эса, жуда катта тортилиш кучига эга ва ўзи атрофида (атмосфера каби) қийинчилик билан ўтадиган қатлам билан ҳаётни пайдо бўлиши мумкин бўлган имкониятни сўндиради.

Ер атмосферага эга – алоҳида қатлам у биринчидан, Ерни Қуёш ва бошқа радиациядан ва бошқа фазодан келувчи таъсирдан асрайди; иккинчидан, азот ва кислород моддалари бор, бу тирик организмлар нафас олиши учун зарурдир, учинчидан, Ернинг тез қизиб ва тез совиб кетишидан асрайди, температура мўътадиллигини сақлайди.

Ер сувга эга – бу ҳаётнинг зарурий элементларидан бири.


Ернинг (табиатнинг) ташкилий қисмлари
Атмосфера – Ер атрофидаги газ – буғ қобиқ. Атмосфера қатлами жуда юпқа. Унинг ҳажмининг 75 фоизи Ер баландлигидан 10 км гача юқорида жойлашган. Юқорида атмосферанинг сийрак қатлами 30–50 км да жойлашган, уларнинг ортида очиқ фазо.
Фаолияти
Ерни космос таъсиридан асрайди;
Ерни қизиб кетишдан ва совиб кетишидан асрайди, об-ҳавонинг мўътадиллигини таъминлайди;
Ўзида 80 фоиз атрофида азот – барча тирик организмларда учрайдиган модда ва кислород (20 фоиз атрофида) (газ) моддаси мавжуд. У нафас олиш учун зарур ҳамда водород билан қўшилиб сувга айланади (табиатда иккинчи зарурий бўлган сувнинг ташкил этувчи элементларидан бири);
Литосфера – (юнонча, тошли қобиқ) –Ернинг юқори қаттиқ қатлами, унга ернинг пўстлоқ ва юқори мантии (Ернинг ичидаги эриган қисми) киради.
Аҳамияти
Юқори қисмнинг қаттиқ асосини яратади (ҳаёт фақат юқори қисмда бўлиши мумкин, Ернинг ичида эриган масса – магма ва марказда темир ядро бор);
Ўзида фойдали қазилмалари мавжуд;
Алоҳида органик қатлам – тупроқ, ўсувчи ўсимликлар организми учун шароит мавжуд, улар ўз навбатида, одам ва ҳайвонлар учун озуқа бўлади.


Табиатга антропоген таъсир. Экология муаммоси
Экологик муаммо – одамнинг салбий таъсири туфайли ташқи муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари
Дунёга келтирган
Табиатга антропоген таъсир (яъни одамнинг ва унинг фаолияти таъсири). Асосий муаммо – одамзоднинг беўлчов истаклари ва деярли беўлчов табиатга илмий-техник таъсир этиш имкониятлари ва табиатнинг чекланган имкониятлари
Хусусияти
Жамият, давлат, одамнинг техник қуроллари сари мураккаб меҳнат қуроллари, машиналар) ортган сари табиатнинг одамга таъсири камайди ва одамнинг табиатга (антропоген) таъсири кучайди.
XVI–XIX асрлардан бошлаб, инсонлар учун фойдали илмий кашфиётлар қилингач, ишлаб чиқариш муносабатлари бир мунча ўзгаради, одамнинг табиатга муносабати ҳар жойда ва тизимли тарзга айланди. Табиат одам томонидан мустақил реаллик сифатида эмас, одам эҳтиёжини қондирувчи хом ашё манбаи, деб қарай бошладилар.
XX асрга келиб режали илмий-техник ривож бир неча маротаба тезлашиб илмий техник революцияга айлангач, атропоген таъсир ҳалокатли даражага яқинлашди.

Экологик муаммо – одамнинг салбий таъсири туфайли ташқи муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари
Одамнинг табиатга салбий таъсирининг оқибатлари
Ернинг дармонсизланиши – бутун тарих давомида айниқса XX асрда одамзод фойдали қазилмаларни шафқатсизларча ва сон-саноқсиз қазиб чиқарди. Энергия ташувчилар – нефть, тош кўмир, табиий газ, 80–100 йил ичида тугаши мумкин.
Ернинг ифлосланиши, айниқса сув ҳавзалари ва атмосферани саноат чиқиндилари билан ифлосланиши.
Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг яшаши учун шарт-шароитини юзага келиши, яъни техник ривожланиши йўллар, заводлар, электростанциялар қурилиши ҳайвонлар ва ўсимликларни яшаш шароитига путур етказади, флора ҳамда фаунанинг табиий балансини ўзгартиради.
Ўрмонларнинг кесилиши (бу ўринда ўрмонлар атмосферани тозалашини таъкидлаш лозим).
Атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш, ер усти ва ер остидаги синов портлашлар.

Ижтимоий экология
Ижтимоий экология – одамнинг шахси, соғлиғи, умуман жамиятдаги ўрнини илмий-техник ривожланиш даврида ҳимоя қилиш. Бу муаммо замонавий экзистенциалистлар (К.Ясперс, М.Хайдеггер, А.Камю, Ж.П.Сартр) ижодида ҳам кўп тилга олинади.
Ижтимоий ва техниканинг одамга таъсири.
Замонавий одам ахборотлар жамиятида яшайди, оммавий ахборот воситалари (газета, журнал) кибернетикага кўп томондан боғлиқ бўлиб бормоқда (компьютер, компьютер сонлар, виртуал ҳақиқат ва х.к.).
Одам ривожланиб бораётган жамият ва давлат таъсирини – анъана, қонун, солиқ тизими, ҳуқуқий тизими сиёсий институтлар таъсирланмоқда.
Ижтимоий экология
– одамни жамият ва илмий-техникавий ривожланишдан одамни максимал ҳимоялаш.

Ҳудуд
ресурслар
Географик муҳит – бу Ер табиатининг инсон фаолияти доирасига жалб қилинган ва жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий омили ҳисобланадиган қисмидир.
Иқлим
Жой рельефи
Географик мактаблар
Географик мактаблар. Бу соҳада тўпланган ғоялар мажмуи турли даврларда анча машҳур бўлган «географик детерминизм», «ижтимоий детерминизм» ва «геосиёсат» концепцияларини ўз ичига олган географик мактабни ташкил этади.


Географик детерминизм
Инсон фаолияти табиий муҳитга тўла боғлиқ деган ғояни исботлашга ҳаракат қилувчи механистик қараш географик детерминизмдир. Бу оқимнинг асосчиси ва атоқли намояндаси француз маърифатчи файласуфи Ш.Л.Монтескье (1689–1755)дир. «Қонунлар руҳи» деб номланган асарида у ўз концепциясини атрофлича баён этди
Ижтимоий детерминизм
ижтимоий ривожланиш даражаси ва йўналиши биринчи навбатда моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан белгиланишидир. Шу нуқтаи назардан табиат одамлар тарихига аралашади, чунки ишлаб чиқариш жараёнида инсон нафақат уни, балки ўзини ҳам ўзгартиради.
Геосиёсат
геосиёсат ижтимоий тенгсизликнинг табиийлиги ғоясидир. Мазкур йўналишнинг асосий ғояларини Германияда Ф.Ратцел ва К.Хаусхофер, Буюк Британияда Г.Маккиндер, АҚШда А.Т.Мэхэн ва Н.Спикмен, Швецияда Р.Челлен илгари сурди. «Геосиёсат» атамасини 1916 йилда биринчи бўлиб ишлатган Р.Челлен ўзининг «Давлат ҳаёт шакли сифатида» деб номланган асарида Ф.Ратцелнинг социал-дарвинистик ғояларини ривожлантирди. Бу ғояларга мувофиқ табиий шароит жаҳон тарихида давлатлар ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади, давлатнинг ўзи эса географик муҳитнинг турли омиллари аҳолига кўрсатган таъсир натижасида шаклланган биологик организм сифатида қаралади.

Ижтимоий экология. Экологик фалокатлар тарихи

– Ижтимоий экология илмий ва фалсафий билимлар соҳаси сифатида яқиндагина – XX аср 60-йилларининг охиридан 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда вужудга келган. Аммо бу ҳол экологик муаммолар фақат Энг янги давр ҳодисаси деган маънони англатмайди. Ҳеч шубҳасиз, улар ўтмишда ҳам мавжуд бўлган, лекин биосфера ривожланишининг илк босқичлари ҳақида етарли даражада тўла ахборот йўқлиги улар хусусида асосан гипотеза тарзида сўз юритиш имконини беради.

– XIX асрда *фалокатлар назарияси,* айниқса, кенг тарқалди. Уни 1812 йилда француз олими Ж.Кювье (1769–1832) илгари сурди.



«*Экология*» атамаси этимологик жиҳатдан юнонча «*oikos*» – «уй», бошпана ва «*logos*» – «таълимот» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, кенг маънода яшаш муҳитига эга бўлган жонли организм (ёки жонли организмлар, мавжудотлар) ташкил этган ҳар қандай ташкилот, системани англатади.


Географик мактаблар
географик детерминизм одамлар ҳаёти, уларнинг ахлоқи, қонунлари, одатлари ва ҳатто сиёсий тузуми улар яшайдиган географик муҳит ва иқлим шароитидан келиб чиқади.
ижтимоий детерминизм Табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқасида фаол томон сифатида доим инсон амал қилади. Табиий муҳит хусусиятини ижтимоий муҳит хусусияти эмас, балки аксинча, ижтимоий муҳит хусусиятини табиий муҳит хусусияти белгилайди.
Геосиёсат табиий шароит жаҳон тарихида давлатлар ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади, давлатнинг ўзи эса географик муҳитнинг турли омиллари аҳолига кўрсатган таъсир натижасида шаклланган биологик организм сифатида қаралади.

Ижтимоий экологиянинг тўрт асосий қонуни
ҳамма нарса ҳамма нарса билан боғланган
ҳамма нарса қаёққадир йўқолиши керак
Табиат яхширок билади
текинга ҳеч нарса бўлмайди



Ахлоқий императив

иш кўраётган ҳар бир субъект (у хоҳ айрим инсон, хоҳ жамият ёки бутун инсоният бўлсин) *ўзининг табиатга бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган барча ниятлари, ишлари ва хатти-ҳаракатларида ўзини шундай тутиши лозимки, бу хулқ-атвор меъёри умумий экологик қонунга айлана олсин.*

ХУЛОСА

Борлиқ бизнинг мавжудлигимиз асоси, нотирик, тирик табиатнинг яшаш усулидир. Борлиқ йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди. Дунёдаги барча нарсалар бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо қилади. Борлиқнинг асоси бирламчи табиат ва иккиламчи табиат бўлиб, улар доимо узвий алоқадор.

Инсон борлиғи

ОНГНИНГ БОРЛИҒИ

Нима учун билиш жараёнида инсоннинг ички дунёси доим биринчи ўринда туради? Нима учун инсон борлиғи нарсалар борлиғини тушунишда аксарият муаллифларга таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади? Бу саволларга жавобни қисман француз файласуфи А.Бергсон (1859–1941)нинг қуйидаги сўзларидан топиш мумкин: «Мавжуд барча нарсалар орасида энг ишончлиси ва бизга кўпроқ маълум бўлгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз мавжудлигимиздир, зеро бизда бошқа нарсалар ҳақида мавжуд тушунчаларни сиртқи ва юзаки деб ҳисоблаш мумкин, ҳолбуки ўз-ўзини билиш ички, теран билишдир».

Онг ва жоннинг тенглаштирилиши

Атроф муҳитда, ўз ички дунёсида юз бераётган ўзгаришларга одамлар қадим замонлардаёқ эътибор берганлар. Бу жон ва руҳ ҳақидаги мулоҳазалар пайдо бўлишига олиб келган. Шу тариқа башарият тарихида анимизм – одамлар, ҳайвонлар ҳаёти, нарсалар ва ҳодисаларга жон ва руҳлар таъсир кўрсатишига бўлган эътиқод пайдо бўлди, шу аснода шаклланган дунё ҳақидаги тасаввурлар кейинчалик у ёки бу тарзда турли динлар негизини ташкил этди.



Онг янги давр олимлари қарашларида
Р.Декарт (1596–1650) онгни тафаккур билан тенглаштириб, уни умумийроқ тусдаги «руҳият» тушунчасидан ажратди
Бюхнер, Фохт, Молешотт каби файласуфлар онгга «вульгар материализм» нуқтаи назаридан ёндашади.
Гегель индивидуал онгга бутун ривожланиш негизи саналган мутлақ ғоянинг пировард шаклларидан бири сифатида ёндашди.


Онгсизлик инсоннинг онгли ҳолатидаги онг билан бошқариб бўлмадиган жараён
интуиция
тушлар
галлюцинациялар
хаёлдан кетмайдиган ғоялар

Онг фалсафий муаммо сифатида

Рационализмдан фарқли ўлароқ иррационализм («irrationalis» – «нооқилона», «онгсиз») борлиқни оқилона англаш имкониятини чеклайди, баъзан эса бутунлай инкор этади. Хусусан, неофрейдизмнинг атоқли намояндаларидан бири К.Г.Юнг (1875–1961) онгни илмий воситалар билан билиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган ва унга таъриф беришга уринишлардан бутунлай воз кечиб, уни расмлар ва метафоралар ёрдамида тавсифлаш билангина кифояланишни таклиф қилган. Онгни тушуниш иррационализм экзистенциализм ва неопозитивизм каби фалсафий оқимларга ҳам хосдир.

Онгнинг материалистик концепцияси

Материалистлар онгнинг пайдо бўлишини фақат нотирик материядан табиий йўл билан вужудга келган тирик материянинг тадрижий ривожланиши маҳсули сифатида тушунтиришга ҳаракат қилдилар ва онг табиатининг талқинига «инъикос» тушунчасини киритадилар. Уни материянинг умумий хоссаси деб ҳисоблаб, онгни инъикоснинг олий типи деб тавсифлайдилар ва онгнинг генезисига табиий-тарихий нуқтаи назардан ёндашиб, унинг пайдо бўлишини меҳнат ва тил билан боғлайди. Бу назария объектив дунёнинг барча объектлари, жараёнлари ва ҳодисалари муттасил ўзгаришда бўлиши, шунингдек, бир-бири билан универсал ўзаро алоқа қилиши ва ўзаро таъсирга киришишини эътироф этади. Бундай ўзаро таъсирлар натижасида айрим жисмлар ва ҳодисалар бошқа жисмлар ва ҳодисаларга таъсир кўрсатиб, уларда тегишли ўзгаришлар ясаш ва уларни муайян арзда ўзида гавдалантириш орқали уларда гўёки ўз «изи»ни қолдиради.

Онг табиатининг материалистик (моддий) талқини. Инъикос назарияси
Инъикос назарияси – онг табиатининг материалистик (моддий) талқини: онг юқори ташкил этилган материянинг материяни акс этиш хусусиятидир.
Инъикос – моддий объектларнинг бошқа моддий объектлар изларини улар билан ўзаро таъсирлашишда қолдириш хусусияти.
Инъикоснинг элементар формалари:
Механик
Физик
Химик
Биологик (фақат тирик организмларга хос)
Шакллари:
Таъсирланиш – биологик акснинг энг содда шакли – тирик организмларнинг предметлар ва атроф олам ҳодисаларига реакцияси. Масалан, баргларнинг иссиқликда қовжираши, соянинг "Қуёш изидан" ҳаракати
Сезувчанлик – биологик акснинг анча юқори шакли – тирик организмларнинг атроф-оламни сезгилар шаклида акс эттириш қобилияти.
Психик акс – ҳисларнинг тизимлаштириш, тушуниш, тирик организмларнинг (ҳайвонлар, айниқса, юқори ҳайвонлар) оламга кўникиш мақсадида хулқни моделлаштириш, келиб чиқаётган стандарт ва ностандарт Ҳолатларга моментал жавоб бера олиш, тўғри ечим топа олиш қобилияти.
Онг – биологик акснинг юқори шакли. Инсон ва қисман юқори ҳайвонларга хос. Онг – атроф оламнинг энг тўлиқ акс эттириш ва уни тушуниш, мавҳумлаштиришга, рефлексияга (фикрлаш орқали янги фикрлар олиш, яъни онгнинг ўз-ўзига йўналганлиги) қобилияти, предмет – амалий фаолиятга қодирлик, онгни етказиш имконияти (фикрни акс эттирувчи ва етказувчи алоҳида механизм – оғзаки ва ёзма тилнинг мавжудлиги.)

Инъикос

Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди.

Сезиш, идрок этиш ва тасаввур қилиш каби ҳиссий шаклларда амалга оширилади.

Унинг олий шакли сифатида онгнинг пайдо бўлиши «ақлли одам» («homo sapiens»)нинг шаклланиш жараёни билан боғланади ва аввало меҳнат фаолияти билан белгиланади

Инсон

Тил
инсоннинг фикрлаш фаолияти амалга ошувчи муҳим шакл ҳисобланади.

Онг
нафақат инсоннинг меҳнат фаолияти, балки одамлар ўзаро алоқаси ва мулоқотининг универсал воситаси – тил билан ҳам узвий боғлиқдир.

Меҳнат
тилни ривожлантиради ва бойитади.

Шахс – инсоннинг уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса.

Ўзликни англаш

Фикрловчи одамнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз онги ёрдамида ўзини, ўзи яшаётган муҳитни таҳлил қилиб, ўз «Мени» ҳақида тасаввур ҳосил қилади ва ўзини бу борлиқдан ажратиб, шу тариқа ўзлигини шакллантиради. Эмоцияларга бой бўлган ва қадриятларга қараб мўлжал олувчи инсон онги фаол асос сифатида амал қилади, чунки у борлиқнинг пассив инъикоси эмас, балки фикрлаш фаолиятининг изчил, назорат қилинадиган ва бошқариладиган жараёни ҳисобланади. Шу маънода у ижодий фаолият сифатида ҳам намоён бўлади, зеро у нафақат борлиқни акс эттиради, балки уни ўзгартириб, борлиқнинг янги шаклларини яратади.

ХУЛОСА

1. Инсоният тараққиётида ҳар бир давр анъанавий фалсафий муаммоларни илгари сурган ва уларни ўз даври дунёқараши таъсирида ҳал қилишга ҳаракат қилган. Фалсафа тарихини янги шохчалари пайдо бўладиган дарахтга қиёслаш мумкин, ҳар бир шох ўз шаклига ва япроқларининг рангига эга бўлиб, улар бошқаларини такрорламайди.

2. Бироқ дарахт шохлари каби фалсафий йўналишлар қанча кўп бўлмасин, уларни умумий илдиз – инсон ва оламнинг ўзаро алоқадорлиги, инсон ва жамият ҳаётининг узвийлиги бирлаштиради. Ушбу умумий илдиз инсон маданиятининг дунёқарашли асоси сифатида фалсафанинг аҳамиятини чуқурроқ тушунишга имкон беради.

3. XX аср турли даврлардаги фалсафий йўналишларни ўзида бирлаштирди ва ўтмиш тажрибасига таянган ҳолда, олам ва одам масаласига жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда зиддиятли, янги фалсафий қарашлар шаклланди.

4. Ҳозирги замон фалсафасининг ўзига хос хусусияти унинг дунёқарашли ва методологик жиҳатдан турли-туманлигидир.

ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНЛАРИ

Диалектиканинг асосий тушунчалари
Яккалик, хусусийлик ва умумийлик
Бутун ва қисм
Айримлик
Яхлитлик
органик
Хусусийлик
механик
Системаларнинг ўзига хос хусусиятлари
ноорганик
Кибернетика
семиотика
Система, структура, элемент

Диалектиканинг асосий тушунчалари
Сабаб ва оқибат
Моҳият ва ҳодиса
Сабаб ва оқибат диалектикаси
Сифат, миқдор, меъёр
Синергетика сабабият ҳақида
Баҳона ва шарт
Имконият ва воқелик
Зарурият ва тасодиф
Имкониятнинг турлари
Зарурият ва тасодиф диалектикаси
реал ва формал
абстракт ва муайян

Қонун, қонуният, билиш
(қонуннинг умумий тавсифи)
Қонун
Қонун реал оламнинг зарурий, умумий, нисбатан муҳим, барқарор, такрорланувчи алоқаларини ифодалайди, бунда мавжуд шарт-шароитлар асосида тараққиётнинг характери, йўналиши натижасида аниқланади
Қонуният
1. Ҳодисаларнинг объектив мавжуд, зарурий, муҳим, такрорланувчи алоқалари.
2. Қонунлар мажмуи амал қилувчи зарурий жараён.
Қонунинг характерли хусусиятлари
1. Қонун – энг умумий шакл;
2. Қонун – зарурий алоқалар ифодаси;
3. Қонун – муҳим алоқалар ифодаси;
4. Қонун – ҳодисага нисбатан соддароқ, лекин жараёнларнинг ички моҳиятини кўпроқ очиб беради;
5. Қонун – барқарор, доимий алоқаларни ифодалайди;
6. Табиат ва жамият қонунлари объектив характерга эга.
Фарқли жиҳатлар
Қонун қоидаларнинг бир томони сифатида намоён бўлади, қонуният эса, қонун амал қилишининг натижасининг мажмуи сифатида намоён бўлади.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг мазмуни шундаки, барча борлиқ қарама-қарши асослардан иборат, улар эса ягонадир, ўз табиатига кўра бир бирига қарама-қарши ва доимий курашда (масалан: кун ва тун, иссиқ ва совуқ ва ҳ.к.). Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни – барча борлиқнинг ҳаракатланиши ва ривожланишининг ички манбаи.

Гегелнинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунига алоҳида ёндашуви

- Ҳар бир жисм, ҳодиса иккита асосий сифатга эга – айнийлик ва фарқлар
- Айнийлик – маъноси жисм (ҳодиса, ғоя) ўз ўзига тенг, яъни шу жисм айнан шу жисм. Айни дамда, жисмнинг ўзига айнан жисмда жисмдан ташқарига чиқишга, уни бузишга интилувчи нимадир мавжуд.
- Қарама-қаршилик, ягона айнийлик ва фарқ ўртасидаги кураш жисмнинг ўзгаришга олиб келади (ўз ўзини ўзгартириш) – ҳаракат. Масалан: ўзига айнан жамият мавжуд, аммо унда шу жамият тор келувчи кучлар мавжуд; уларнинг кураши жамият сифатининг ўзгаришига, унинг янгиланишига олиб келади.

Курашнинг турли кўринишлари

- Иккала томонга фойда келтирувчи кураш (мисол учун, мусобақа, унда ҳар бир томон бошқасига етиб олади ва ривожланишнинг янги сифат босқичига ўтади);
- Бир томон доимий равишда иккинчи томон устидан ғалаба қозонувчи кураш, аммо ютқазган тараф сақланиб қолади ва ютган тараф учун «жунбушга келтирувчи» бўлиб қолаверади, шунинг натижасида, ютган тараф янги сифат босқичига ўтади.

Алоқанинг бошқа турлари

- Кўмаклашиш (иккала томон ҳам курашсиз бир бирига ёрдам кўрсатади);
- Якдиллик, ҳамкорлик (томонлар бевосита бир-бирига кўмаклашмайдилар, аммо умумий манфаатларга эга ва бир йўналишда ҳаракат қиладилар);
- Нейтралитет (томонлар ҳар хил манфаатларга эга, бир-бирига кўмаклашмайди, аммо бир-бири билан курашмайди ҳам);
- Мутуализм – тўлиқ боғлиқлик (бирон бир ишни бажаришда томонлар фақат бирга ҳаракат қилмоқлиги лозим ва бир биридан мустақил ҳаракат қила олмайдилар.

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР БИРЛИГИ ВА КУРАШИ ҚОНУНИ
Қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашиш қонунининг моҳияти
қонунлар тузилиши (структураси)
қонуннинг амал билиш механизми
Қарама-қаршиликларнинг айнийлиги (қарама-қаршиликларнинг бир-бирига ўтиши)
Қарама-қаршиликлар
Тараққиёт пайдо бўлиши, ҳаракат ва қарама-қаршиликларни ҳал қилувчи жараён
Қарама-қаршиликлар бирлиги
Қарама-қаршиликлар кураши
Қарама-қаршиликлар кураши
Қарама-қаршиликлар бирлиги
Зиддиятлар
Нисбий мувозанат
Муҳим фарқлар
Қисман мос келиш
Фарқлар
Ўзаро бир-бирига ўтиш ва ўзаро таъсир
Тараққиётнинг асоси: тараққиётнинг ички манбаи, ўз-ўзидан ҳаракат
Айнийлик
Фарқ
Муҳим фарқ
Қарама-қаршилик
Конфликт
Танафус, секинлик, сакраш
Айнийлик

ТАРАҚҚИЁТ ҚОНУНЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ

ЗИДДИЯТЛАР ТАСНИФИ


Миқдорий ўзгаришлардан сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни
Алоҳида хусусиятлари
Сифат – борлиққа айнан воқелик, жисмнинг аниқ алоқалари ва хоссасларининг мунтазам тизими.
Миқдор – жисм ёки ҳодисанинг саналадиган хоссаси (сон, катталик, ҳажм, оғирлик ва ҳ.к.).
Меъёр – миқдор ва сифатнинг ягоналиги.
Муайян миқдорий ўзгаришлардан кейин, албатта, сифат ўзгаради.
Сифат доимий равишда ўзгара олмайди. Сифатнинг ўзгариши меъёрнинг ўзгаришига олиб келадиган вақтда (яъни, координаталарнинг шу тизимики илгари миқдорий ўзгаришлар таъсирида сифат ўзгаришлари содир бўлган) – жисмнинг туб моҳияти ўзгаради. Шундай ҳолатлар «тугунлар» деб аталади, бошқа ҳолатга ўтишнинг ўзи эса фалсафада «сакраш» деб номланди. Масалан, сув қайнаганда унинг сифати тубдан ўзгаради – у пар ҳолатига ўтади (яъни, қайнаш жараёнида «координаталарнинг илгариги тизими» бузилади – сув ва илгариги алоқа тизимлари). Бу ҳолатда 100 градусли ҳарорат тугун бўлиб ҳисобланади, сувнинг парга ўтиши эса (сифатнинг бир меъёрини бошқасига ўтиши) – сакрашдир.
Табиатда ҳар доим ҳам тугунли ҳолатни аниқлаб бўлмайди. Миқдорнинг янги сифатга ўтиши сезилмасдан содир бўлиши мумкин. Бунга қадимги грек ҳикмати мисол бўла олади «Уюм»: «Нечанчи буғдой донасини қўшганда, буғдойлар йиғиндиси уюмга айланади?»

МИҚДОР ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИГА ЎТИШИ ҚОНУНИ




Сифат ва хосса муносабати
Хосса – ҳар қандай ҳодисанинг бошқа предмет ва ҳодисага нисбатан у ёки бу даражадаги ички сифатий фарқли томонларининг намоён бўлишидир.
Сифат ва хосса мутаносиблиги:
1. Сифат ва хосса бир-биридан фарқ қилувчи бир тартибли тушунча сифатида муносибдир.
2. Сифат ва сон орасидаги фарқлар нисбийдир.
Сифат
Хосса
Умумий тасниф
Қисман тасниф
Сифат таснифи
Сон таснифи
Муҳим томонлари
Номуҳим томонлари

Миқдор сифат жиҳатидан бир жинсли ҳодисаларнинг муайян объектив кўрсаткичи бўлиб, у мазкур ҳодисаларнинг катталигини, мавжудлик муддатини ва умуман ҳодиса ёки унинг айрим томонлари ривожланишининг фаоллик даражасини тавсифлайди.
Меъёр
Хосса
Миқдор
Сифат
бу миқдор ва сифатнинг шундай бир-бирлигики, бунда муайян сифат фақат муайян миқдор билан боғлиқ.
предметнинг жиҳати бўлиб, унинг бошқа предметлардан фарқи ёки улар билан ўхшашлигини белгилайди ва улар билан ўзаро алоқада намоён бўлади.
предмет муайян хоссасининг намоён бўлиши, интенсивлиги даражаси. У сифат жиҳатидан ўхшаш хоссалар ёки бутуннинг қисмларини таққослаш йўли билан аниқланади.
Сифат нарсаларга хос ва уларнинг борлиғи билан айний бўлган ҳамда уларни муайян алоқалар тизимидаги бошқа нарсалардан фарқлаш имконини берадиган ўзига хос хусусиятни акс эттиради.

Сакраш – бу бир сифатнинг бошқа сифатга айланиш вақти, шакли, усули, миқдор ўзгаришларининг узлуксизлиги, босқичма-босқичлигидаги узилиш
Сакрашлар:
ўзгаришнинг давомлилигига кўра (жадал, суст);
ўзгариш шаклига кўра (бир карра, кўп карра);
ўзгаришнинг чуқурлик даражасига кўра (қисман, тўлиқ);
ўзгаришнинг йўналишига кўра (прогрессив, регрессив, йўналишсиз) фарқ қилади.

Инкорни-инкор қонуни
Инкорни-инкор қонуни: янгилик доимо эскиликни инкор этади ва унинг ўрнини эгаллайди, аммо аста секин ўзи ҳам эскига айланади ва янада янги билан инкор этилади. Масалан, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўрин алмашиши (тарихий жараёнга цивилизацион ёндашувда), уруғ эволюцияси (болалар қисман ота-оналаридир, аммо янги поғонада) ва ҳ.к.
Эски шаклларнинг янгилари томонидан инкор этилиши – муқаррар ривожланишнинг сабаб ва механизми
Ривожланишнинг йўналганлик масаласига асосий нуқтаи назарлар
Ривожланиш юқорига ва пастга қараб йўналиши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатадики, мазкур нуқтаи назар ҳақиқатга энг яқиндир: ривожланиш юқорига ва пастга йўналиши мумкин, аммо умумий йўналиш юқоригадир. Масалан, тарихий жараён, юқорига ривожланиб боради, бироқ таназзуллар билан бирга – Рим империясининг гуллаб яшнаши унинг таназзулга учраши билан ўрин алмашади, кейин Европанинг юқорига интилувчи янги ривожланиши давом этаверди (Ренессанс, янги давр ва ҳ.к.).
Ривожланиш – фақат муқаррар жараён, қуйи шакллардан юксакларига ўтиш, яъни юксалиб борувчи ривожланиш
Ривожланиш тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланмайди, балки спирал кўринишига эга, спиралнинг ҳар янги айланаси эскисини такрорлайди, лекин, янги сифат босқичида.
Ривожланиш тартибсиздир ва ҳеч қандай йўналишга эга эмас.

Диалектик инкор уч муҳим жиҳат билан тавсифланади:

Инкорни-инкор қонуни

Бу шундай бир қонунки, унга мувофиқ ривожланиш жараёни янгининг эскини диалектик инкор этишлари чексиз занжиридан иборат бўлади, бунда ривожланиш аввалги босқичларининг барча муҳим жиҳатлари янгида сақланади ва умуман бу жараён ҳужумкор, юксалиб борувчи йўналишга эга бўлади.

Хулоса

Диалектика қонунлари объектив дунёнинг энг муҳим алоқалари ва муносабатларини акс эттиради. Улар бирликда ва ўзаро алоқада амал қилиб, мураккаб серқирра жараён – объектив борлиқнинг ривожланишини тавсифлайди. Диалектика қонунларининг амал қилиш механизмини чуқур билиш ва улардан моҳирона фойдаланиш янглишиш ва хатолардан қутқаради, кишиларнинг амалий фаолиятига янада изчилроқ ва самаралироқ тус беради.

ФАЛСАФА КАТЕГОРИЯЛАРИ

Фалсафа тарихида категорияларга ёндашувларнинг хилма-хиллиги

Шарқ анъанасида ҳам, қадимги Юнонистонда ҳам диалектика категорияларининг жуфтли хусусияти ва уларнинг зиддиятли муносабатларини ҳал қилишга эҳтиёж англанади. Диалектика категорияларига хос бўлган қарама-қаршиликлар бирлигини тушунтиришга уринишлар жараёнида фикрлаш ва борлиқнинг қарама-қаршиликларини бирлаштирувчи ягона асосни топиш йўлида изланишлар олиб борилган. Мазкур ёндашув натижасида диалектика категориялари умумий ва фундаментал хусусият касб этиб борган.

Тизимга солиш ва формал-мантиқий фикрлашнинг умумий қонунларини ишлаб чиқишга илк уриниш Аристотель ижоди билан боғлиқ. Фалсафа тарихида Аристотель антик фалсафани тизимга солувчиси сифатида намоён бўлади. Унинг «Органон» асари ишончли, ҳақиқий билим олиш воситаси сифатида қаралган. («органон» – лот. «orqanum» – «қурол», «асбоб», Аристотель мантиқий асарларининг умумий номи.) Бу асарда Аристотель, хусусан, формал-мантиқий қонунни таърифлаган бўлиб, унга мувофиқ ҳаққоний фикрлаш зиддиятсиз фикрлаш демакдир. Аммо «Метафизика» асарида (лот. «metaphisica» – бутун борлиқнинг илк асослари ҳақидаги таълимот) Аристотель оламнинг умумий асосларига тавсиф беришга ҳаракат қилади ва фалсафий категориялар материя, шакл, сабаб, зарурият ва бошқалар ҳақида сўз юритади. Мазкур категорияларга Аристотель уларнинг ички қарама-қаршиликларини тушунишни назарда тутувчи онтологик маъно юклайди.

Диалектика категориялари

Г.Гегель фалсафаси

Диалектика Г.Гегель фалсафасининг энг кучли томони ҳисобланади. У диалектикани мантиқ ва билиш назарияси билан тенглаштиради. Гегель фалсафасида дунё мутлақ руҳнинг ўз-ўзини ривожлантириши сифатида намоён бўлади. Мутлақ руҳ бир вақтнинг ўзида ҳам субстанция (борлиқ асоси), ҳам субъект, яъни ўз ривожланиши ва билишининг манбаидир.

- **борлиқ;**
- **моҳият;**
- **тушунча.**

Инкорни-инкор – Гегель фалсафасининг асосий тамойили ҳисобланади. Икки томонлама инкор этиш ғоясига мувофиқ мутлақ ғоянинг ривожланиши қуйидаги уч босқичдан ўтади: соф борлиқ (тезис), йўқлик (антитезис); мавжуд борлиқ вужудга келиш ва йўқ бўлиш сифатида, шаклланиш (синтез). Билишнинг уч босқичи (триада) ғояси Гегель фалсафасини тўла қамраб олади. Нафақат Гегелнинг бутун фалсафаси, балки у илгари сурган фикрларнинг ҳар бир кичик ҳужайраси ҳам уч қисмга бўлинади («Мантиқ фани», «Натурфалсафа», «Руҳ фалсафаси»). Масалан, мантиқни Гегель илоҳий ақлга мос келадиган соф ақл соҳаси сифатида таърифлайди. У уч қисмдан иборат:

Гегель: **«Умумийлик айримликнинг негизи ва заминидир, томири ва субстанциясидир».**

Ж.Локк: **«Умумийлик ва универсаллик ҳақиқатан мавжуд нарсаларга мансуб эмас, балки уни ақл-идрок ўз истеъмоли учун ихтиро қилган ва яратгандир, ҳамда белгиларга, сўзларга ёки ғояларгагина тааллуқлидир».**

Иммануил Кант

XVII–XVIII асрлар фани ва фалсафасининг ғоялари ва категорияларини тизимга солишга аҳд қилади. Шу мақсадда у категорияларнинг уч гуруҳи: ҳиссиёт, идрок ва ақл категорияларини фарқлайди. Кант барча категориялар априор (тажрибада кўрилмаган) хусусиятга эга эканлигини қайд этади. Билиш категорияларини Кант тажрибага йўл очадиган дастлабки конструктив схемалар сифатида талқин қилади. Категориялар билаётган инсон ҳиссий таассуротлар хаоси устига «ташлайдиган» ва ҳар хил таассуротларни таснифлаш, таърифлаш ва ўзаро боғлашни амалга оширадиган тушунчалар «тўри»га ўхшатилади.
Ҳиссиёт категориялари таркибига Кант макон ва вақт тушунчаларини киритади.

Кант мулоҳазаларининг мантиғини

Тушуниш учун бола нутқ қобилиятининг ривожланишини кузатамиз. Бунда биз бола сўзларни уларнинг умумий қабул қилинган маъносида эмас, балки мазмунини ўзи ўзлаштирган сўзлар билан ўхшашлик бўйича Қўллашини, албатта, пайқаймиз. «Ойи, менинг умуртқам қаерда?», деб сўрайди сиздан кичкинтой ўғлингиз. – «Мана у», деб унинг умуртқасини кўрсатасиз. «Йўқ, – деб у бош чайқайди, ва менинг умуртқам мана бу ерда», деб қўли билан ўз қулоғини кўрсатади.
Бу мисол бола туғилган пайтдан бошлаб тайёр нутқ шаклларини ўзлаштиришини тасдиқлайди.

Категория тушунчаси ва таснифи

Тушунча – бу шундай бир фикрки, унда нарсанинг такрорланувчи хоссалари, алоқалари ва томонлари акс этади. Тилда тушунча сўз билан ифодаланади. Масалан, «талаба», «университет», «аудитория» сўзлари маълум даражада умумий, абстрактдир. Аммо шундай тушунчалар ҳам борки, уларда шунчаки умумий эмас, балки ўта умумий нарсалар ва ҳодисалар қайд этилади. Бундай тушунчалар жуда юқори даражадаги мавҳумлаштириш (муайяндан узоқлашиш) маҳсули ҳисобланади.
Категория (юнон. «categorie» – «таъриф», «мулоҳаза») – борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган ўта кенг тушунча. Шундай қилиб, табиий тил тушунчалари фан ва фалсафа категориялари билан тинимсиз бойиб боради. Категорияларни таснифлаш, борлиқнинг турли шакллари ҳақидаги фалсафий тасаввурларга мувофиқ амалга оширилади. Одатда, *фан категориялар ва, фалсафа категориялар фарқланади.*

Фан категориялари
Табиий тил тушунчаларидан анча фарқ қиладиган сўзлар билан ифодаланади
Хусусий илмий категориялар
Фалсафий категориялар
алоҳида олинган хусусий илмий фанларда қўлланиладиган, моҳият нуқтаи назаридан бошқа фанларда қўлланилиши мумкин бўлмаган категориялардир. Масалан, физика, кимё, геология, география фанлари категориялари хусусий характерга эга.
фан категорияларидан бутунлай фарқ қилади. Фалсафий категорияларнинг муҳим хусусияти, улар ўта кенг тушунчалар эканлигидир. Айни шу сабабли фалсафий категориялар ҳеч қачон ҳажман чекланган табиий тил тушунчалари даражасида соддалаштирилиши мумкин эмас.


Фалсафий категорияларни тадқиқ этиш
Ф.Шеллинг салмоқли ҳисса қўшди.
Шу маънода Ф.Шеллингнинг натурфалсафаси (табиат фалсафаси), айниқса, диққатга сазовордир. Табиатни тушунишда Шеллинг пантеистдир, у Худо ва табиатни тенглаштиради. Табиатнинг ривожланишини Шеллинг онгнинг шаклланиш жараёни, онгсизликдан онглилик сари ҳаракат сифатида тавсифлайди. Онгнинг шаклланиш механизмини Шеллинг табиатда қутблилик (қарама-қаршиликлар бирлиги) ва тадрижийликнинг мавжудлиги билан изоҳлайди. Тадрижийлик, яъни табиат эволюцияси босқичларини Шеллинг қутблиликда кескинликнинг пасайиши маҳсули сифатида тушунтиради. У жонли организмлар ноорганик шакллардан вужудга келади, ҳаёт эса модда синтези ва парчаланишининг бирлигидир, деб ҳисоблаган.


АЛОҲИДАЛИК, УМУМИЙЛИК ВА ХУСУСИЙЛИК
Нарса ва ҳодисалар, уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини, оламга хос муносабат ва алоқадорликни, олам тараққиётининг хусусияти, унинг макон ва замондаги мавжудлик шаклларига, ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг айрим белгилари ҳамда ўзаро бирликни ифодаловчи умумий жиҳатларини ифодалайди.
«Алоҳидалик» категорияси оламдаги нарса, воқеа ва жараёнларга хос бўлган аниқ, ягона, такрорланмайдиган белгилар ҳамда хусусиятларни акс эттиради.
«Умумийлик» категорияси нарса, ҳодиса, жараёнларга хос асосий, доимий такрорланадиган белгилар ва хусусиятлар йигиндисини билдиради.
Алоҳидалик ва умумийликни богловчи ҳалқа хусусийликдир. У алоҳидалик ва умумийликнинг ўзаро алоқадорлиги билан боглиқ мазмунини англатади.
Масалан: водород – алоҳидалик, газ – хусусийлик, химиявий элемент – умумийликни ифодалайди. Алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик ўртасидаги муносабат диалектик характерга эга бўлиб, уларнинг тафовути нисбийдир.


МОҲИЯТ ВА ҲОДИСА
Оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларнинг ички, муҳим жиҳатлари ҳамда юзаки, ташқи томонларини ифодалайдиган фалсафий категориялардир.
Моҳият нарса, буюм, жараёнларнинг ички, муҳим, асосий, зарурий, барқарор алоқалари, томонлари муносабатларининг йигиндисини англатади
Ҳодиса эса моҳиятнинг ташқи ифодаси, намоён бўлиши, нарса ва жараёнларнинг юзаки, нисбатан ўзгарувчан томонларини билдиради.
Зеро, оламда якка ҳужайрали тирик организмлардан тортиб, инсонгача бўлган қанчадан-қанча шакллар (ҳодисалар) борки, уларни бир қарашда пайқаш мумкин бўлмаган ички умумий томони, барчасига хос модда алмашинуви (моҳияти) мавжуд.
Фалсафада моҳият ва ҳодиса масаласига турлича, идеалистик, материалистик ва метафизик қарашлар мавжуд. Жумладан, олам, унинг ҳодисалари турли ғоялар ёки сезгилар йиғиндисидан иборат, деб талқин этувчилар наздида моҳият ва ҳодиса объектив характерга эга эмас.

Категория тушунчасига умумий таъриф

Умуман олганда, категория қуйидаги хусусиятларни ўзига қамраб олади:

а) «категория» оламдаги муносабат, боғланишларни ифодаловчи умумий мазмун ва хусусиятга эга фалсафий тушунчадир;

б) категориялар моддий оламдаги ҳаётни тавсифлагани ҳолда, бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда бўлади, бир-бирини тақозо этади, белгилайди ёки юзага келтиради;

в) категория объектив мазмунга эга. Ҳар бир категория воқелик туфайли рўёбга чиқади, воқеликда намоён бўлади, воқелик мавжудлигининг ўзига хос хусусиятлари, томонлари, белгиларини ифодаловчи тушунчалар сифатида инсон тафаккурида акс этади;

г) категория умумий тушунчалар сифатида инсоннинг табиий-ижтимоий ҳодисалар моҳиятини билишга қаратилган билиш жараёни тарихининг натижалари ва воқеликни чуқурроқ била боришининг илмий воситаларидир;

д) категориялар фалсафанинг ўзи сингари, барча фанлар учун илмий-тадқиқот ва амалий фаолиятда методологик аҳамиятга эга.

АСОСИЙ ОНТОЛОГИК КАТЕГОРИЯЛАР

Имконийлик кўринишлари

Реал имконият: – воқеликнинг зарурий алоқалари ва муносабатлари тақозоланган – зарурийлик билан боғлиқ (Гегель)

Формал имконият: – воқеликнинг тасодифий алоқалари ва муносабатлари билан тақозоланган;
– тасодифийлик билан боғлиқ

Мавҳум имконият: – зарурий алоқалар билан тақозоланган, лекин зарур шароитларсиз кучга кира олмайди

Аниқ имконият: – зарурий шарт-шароитлардагина кучга киради

Қайтарилувчи имконият: – биринчи туртки–имконият – ҳаракат

Қайтарилмайдиган имконият:

Биргаликда мавжуд бўладиган имконият: – бирининг амалга ошиши билан бошқа имкониятнинг йўқолиб кетмаслиги билан характерланувчи имконият

Инкор этувчи имконият:
– воқеликка айланиши билан бошқа имкониятнинг мумкин эмаслиги билан характерланувчи имконият

Воқеа-ҳодиса имконияти: – амалга ошиши билан моҳияти ўзгармас имконият

Моҳият имконияти: – амалга ошиши моҳиятининг ўзгариши билан кечадиган имконият

АСОСИЙ ОНТОЛОГИК КАТЕГОРИЯЛАР (имкониятлик – воқелик)

Имконият – бу ҳали мавжуд бўлмаган, лекин бўлиши, рўй бериши мумкин бўлган нарса – ҳодиса

Воқелик – бу бўлиб ўтган, содир бўлган реал нарса-ҳодисанинг мавжудлигидир.

Имконият ва воқеликнинг характеристкаси

Имконият амалга ошгач, воқеликка айланади.
Бунда:
Воқелик – амалга ошувчи имконийлик;
Имконият – потенциал (имкониятдаги) воқелик.
Имконият реал мавжуд, лекин хусусият сифатида нарсаларнинг тегишли шароитларида.
Бошқа бир нарсалардан келиб чиқиши ёки бошқача айтганда, сифатий ҳолат.

АСОСИЙ ОНТОЛОГИК КАТЕГОРИЯЛАР (бирлик – умумийлик)

Бирлик – нарса, ҳодиса, жараённинг такрорланмас томонлари, белги ва хусусиятлари.

Умумийлик – нарса, ҳодиса, жараённинг такрорланувчи томонлари, хусусият ва белгилари.

Бирлик ва умумийликнинг характеристкаси (тавсифи)

1. Умумийлик категорияси қонун категоряси билан боғлиқ.
2. Умумийлик зарурийлик билан чамбарачс боғлиқ.
3. Умумийлик моҳият категоряиси билан боғлиқ.
4. Бирлик категорияси тасодифийлик ва ҳодиса категориялари билан чамбарчас боғлиқ.

МИҚДОР ВА СИФАТ

Моддий оламнинг муҳим томонларини акс эттирувчи фалсафий категориялардир. Оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгариб, ривожланиб боради, бу жараёнда нарсалар доимо пайдо бўлади, ўзгариб туради. Лекин, бундан улар муайян мавжудлик шаклига эга эмас, мутлақ беқарор ва уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, деган хулоса чиқмайди.

Сифат нарса ва ҳодисаларнинг муайянлигини таъминлайдиган, уларга барқарорлик бағишлайдиган хосса, хусусият ва белгилар йиғиндисидир. Сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшамаслигини ифодалайди.

Миқдор нарсанинг шундай муайянлигидирки, шу туфайли уни реал равишда (ёки фикран) бир жинсли қисмларга бўлиш ва бу қисмларни бир бутун қилиб тўплаш мумкин. Қисмлар ёки нарсаларнинг бир жинслиги (ўхшашлиги, монандлиги) миқдорнинг фарқ белгисидир. Бир-бирига ўхшамайдиган нарсалар ўртасидаги тафовутлар сифат характерига, бир-бирига ўхшаш нарсалар ўртасидаги тафовутлар эса миқдор характерига эгадир.

МИҚДОР ВА СИФАТ ҚОНУНИНИ

Миқдор предметнинг ҳажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тафсифланади.

Сифат нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди.

Меъёр эса миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи тушунчадир.

Миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача, нарсаларга муҳим таъсир кўрсатмагани ҳолда, сифат ўзгаришлари ҳодисаларни тубдан ўзгартириб, унинг бошқа ҳодисага айланишини тақозо қилади.

Миқдор ўзгаришлари доимо, сифат ўзгаришлари эса маълум бир даврда юз беради.

Миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятлари:

Миқдор ўзгаришлари аста-секин, сифат ўзгаришлари эса анча тез, айрим ҳолатда тўсатдан содир бўлади.

Сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

ИНКОРНИ-ИНКОР ҚОНУНИ

Бу қонуннинг муҳим икки жиҳати мавжуд: Эскининг ўрнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён бўлганлиги учун тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади (янги эски билан шунчаки алмашинмайди, балки эскининг бағрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб, қарор топади).

Янги эски билан *ворисий* боғлиқдир (янгига ўтилаётганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сақланиб қолади ва ривожланиш давом эттирилади). Бу қонун туфайли тараққиёт тўғри чизиқ шаклида эмас, доира шаклида бўлади, унинг охирги нуқтаси бошланғич нуқтага яқинлашади. Лекин нуқталар туташмайди, балки юқори босқичда спирал шаклга эга бўлади.

ҚАРАМА-ҚАРШЛИК ҚОНУНИ

Қарама-қаршилик деб нарса, воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи ва шу билан бирга, бир-бирини инкор этувчи томонари, кучларининг ўзаро муносабатига айтилади.

зиддият деган тушунча ифодалайди. Одамлар зиддиятлар камроқ бўлган, кишиларнинг хилма-хил интилиш ва мақсадлари, бир-биридан фарқ қиладиган ғоялари уйғунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамиятни қуриш учун бош қотириб келмоқда.

«Конфликтология» (конфликт – зиддият, логос – таълимот) деб аталадиган фалсафий йўналиш пайдо бўлишига олиб келган. Ҳар бир зиддиятнинг аниқланиши, ҳал қилиниши ўзгаришга, янгиланишга, бир сифатдан иккинчи сифатга, эскидан янгига ўтишга сабаб бўлади.

МАЗМУН ВА ШАКЛ

Оламдаги турли нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг диалектикасини ўрганишда, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни билишда муҳим ўрин тутадиган категориялардир. Мазмун муайян нарса, ҳодиса, жараёнларнинг ўзига хос сифати, хусусиятлари, муҳим белгилари, элементларининг йиғиндисини англатса, шакл мазмуннинг мавжудлик усули, нарса ва ҳодисаларнинг ички ҳамда ташқи тузилишини ифода этади.

Масалан, нарса ва жисмнинг мазмуни моддийлиги ва ҳаракатда эканлигидадир. Худди шундай, атомнинг мазмуни унинг таркибидаги 30 дан ортиқ манфий, мусбат ва ноль зарядли элементар зарралар, уларнинг резонанслари, электрон майдон кабиларнинг шунчаки механик бирлигидангина иборат эмас.

Айни пайтда, уларнинг ҳаракати муайян майдонлар орқали бир-бирига таъсир ва акс таъсир кўрсатишини ҳам билдиради. Атомнинг шакли унинг таркибига кирувчи элементар зарраларнинг жойланиш тартиби, зарралар ва майдон орасидаги муносабат асосида юзага келувчи алоқалар, боғланишнинг хусусияти билан белгиланади. Шунингдек, ҳар қандай бадиий асарнинг мазмуни унда акс эттирилган воқеа орқали ғоя ва образлар тизимини билдирса, шакли шу асарнинг тузилиши, тили ҳамда ҳикоя, роман ва шу кабилар тарзида ифодаланади.

У олам ва
ундаги
нарсаларнинг
таркибий
тузилишини
англатади
Бутун ва
қисм –
фалсафий
категориялар
Ушбу тушунчаларнинг
умумлашиши объектив
оламдаги хилма-хилликнинг
моҳиятан яхлитлиги билан
ифодаланади. Бироқ улар алоҳида-
алоҳида ҳолатда ҳам воқеликдаги
бирон-бир реалликни идрок этишга
имкон туғдиради. Объектив олам
бепоён бўлгани ва у жуда кўп нисбий
бутунликлардан ташкил топгани
учун бутун бошқа бутунликнинг
қисми бўлиши, қисми эса бошқа
элементларга нисбатан
бутунвазифасини
ўташи ҳам мумкин.
БУТУН ВА ҚИСМ
Бутун нарса,
ҳодиса ва уни
ташкил этган
қисмларнинг муайян
тартибда жойлашган
ва ўзаро боғланган
яғоналикнинг
ифодасидир.
Қисм бутун
таркибига кирадиган,
унинг таркибидагина
ўз вазифаси
(функцияси)ни
бажара оладиган
алоҳидаликдир.


САБАБ ВА ОҚИБАТ
Сабаб оламнинг
ҳаракати ва
муайян
вақт доирасида
бўлган ўзгаришдан
сўнг иккинчи бошқа
бир натижанинг
заруран келиб
чиқишини
таъминловчи
асосий ҳодисани
англатади. Оқибат
эса, ҳодисалар
занжирида
сабабнинг
таъсиридан
вужудга келадиган
янги ҳодисадир,
сабабнинг
натижасидир.
Олам
тараққиётидаги
боғланишлар
сабабиятга,
умумий
қонуниятга
бўйсунади,
деб ҳисобловчи
таълимот фанда
детерминизм
оқими, деб
юритилади.
Аксинча,
сабабият ва
заруриятни
инкор этиб, бу
категорияларни
воқеликдан
ажратган ҳолда
тушунтирувчи
оқим
индетерминизм,
деб аталади.
Оламдаги
нарса ва
ҳодисаларнинг
бир-бири
билан
алоқадорлиги,
таъсири ва акс
таъсирини,
воқеликка хос
ана шундай
муносабатлар
жараёнидаги
сабаб ҳамда
оқибат
боғланишини
ифодалайдиган
категориялардир.

Баҳона ва шарт

Сабаб, баҳона ва шартни фарқлаш лозим. Баҳонани субъектив сабаблар қаторига киритиш мумкин. Бунда воқеа ёки шерикнинг ҳаракати ўзининг, одатда, нотўғри жавоб ҳаракатларини оқлаш мақсадида талқин қилинади ва баҳоланади. Шартлар – амалдаги ёки эҳтимол тутилган сабабнинг мавжудлик муҳитини ташкил этадиган ички омиллар ва ташқи муносабатлар мажмуидир. Синергетика муҳитга ягона негиз, бўлғуси тузилманинг ранг-баранг шакллари манбаи, ривожланишнинг турли йўллари учун майдон сифатида қарайди. Сабаб-оқибат муносабатлари тизимида шартларнинг амалдаги аҳамиятини тушуниш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз. Фуқаро А. хотини сузишни билмаслигидан хабардор бўлгани ҳолда, ундан қутулиш учун хотинини денгиз бўйлаб саёҳатга юборади. Оқибатда хотини сувга чўкиб ўлади. Эрнинг ҳаракатлари хотин ўлимининг сабаби ҳисобланадими? Бу мисол шартлар ўз ҳолича оқибат сабаби бўла олмаслигини, лекин, сабабнинг амалга ошишига кўмаклашадиган ёки монелик қиладиган омил ҳисобланишини кўрсатади.

Синергетика сабабият ҳақида

Сабабият ҳақидаги фалсафий қарашлар узоқ эволюция жараёнини бошдан кечирди. Механистик ёндашув сабабни сиртдан кўрсатилган таъсир сифатида талқин қилади. Дунё жисмларнинг тартибга солинган, олдиндан айтиш мумкин бўлган аниқ ўзаро алоқаси сифатида тасаввур қилинади. Тасодифнинг мавжудлиги рад этилади. Сабабият занжирлари чизиқли хусусият касб этади, оқибат сабаб таъсирига пропорционал бўлади. Бинобарин, сабабият занжирларига қараб ривожланиш жараёнининг ўтмишини ҳам, келажагини ҳам аниқлаш мумкин. Аммо илмий билимнинг ривожланиши механистик детерминизмнинг асоссизлигини намойиш этади. Синергетика йўналиши асосчиларидан бири И.Р.Пригожин механистик детерминизмга шундай баҳо беради: «Динамика рационалистик моделининг маҳсули сифатида тушунилган детерминизм эндиликда айрим ҳоллардагина намоён бўлувчи хосса билан боғланади», деб баҳо беради.


Воқеалар ривожи давомида содир бўладиган ҳодисаларни тавсифлаидиган, объектив оламдаги алоқадорликни ифода этувчи фалсафий категориялар. Фалсафанинг бошқа категориялари сингари зарурият ва тасодифларнинг мазмуни ҳамда умумий хусусиятлари ҳақидаги масала ҳозирга қадар ўтган кўплаб файласуфларнинг эътиборини ўзига жалб этган эди.
ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ
Маълум шароит мавжуд бўлган тақдирда, албатта, юз берадиган ҳодиса ёки воқеа зарурият, деб аталади.
Қадимги дунё фалсафасининг Левкипп ва Демокрит каби вакиллари янги замон фалсафасининг П.Гольбах, Б.Спиноза каби намояндалари метафизик детерминизм позициясида турганлари ҳолда ана шундай қарашни илгари сурдилар.
Маълум шароит мавжуд бўлган тақдирда, албатта, юз берадиган ҳодиса ёки воқеа зарурият, деб аталади.


Оламдаги нарса, ҳодиса ва ҳоказолар тараққиётининг давомийлигини, уларнинг бир-бирига ўтиб туришини англатадиган фалсафий категориялар. Ўзгариш, ривожланиш ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, намоён бўлиши жараёнидаги ўзаро боғлиқликни тараққиёт ва ривожланиш деганда биз асосий ва муҳим хусусияти бўлган оламдаги ўзгаришни, янгиланишни, бир шаклдаги нарсаларнинг иккинчиси билан алмашинишини, оддий организмларнинг, жисм ва ҳодисаларнинг мураккаброқ шакл ва мазмундагиларига айланиш жараёнини тушунамиз. Табиийки, бу жараёнлар ўз-ўзича, механик тарзда содир бўла бермайди, балки муайян зарурият, қонуният асосида рўёбга чиқади.
ИМКОНИЯТ ВА ВОҚЕЛИК
Имконият янги нарса, ҳодиса ва тамойиллар келиб чиқишини ифодаловчи муайян шарт-шароит ҳамда вазият мажмуи, нарса, ҳодисанинг ички табиатига кўра зарурий равишда реаллашиши лозим бўлган, бироқ ҳали юзага чиқмаган воқеликдир.
Воқелик эса имкониятнинг нисбатдоши бўлиб, реал ҳолат ва мавжуд бўлган ҳодисаларни ифодалайдиган категориядир.

Имкониятларнинг турлари

Реал ва формал, абстракт ва муайян имкониятлар фарқланади. Реал имконият имкониятни воқеликка айлантириши мумкин бўлган шарт-шароитлар мавжудлигини англатади. Формал имконият ривожланишнинг тасодифий омиллари маҳсулидир. Масалан, расман ҳар бир фуқаро депутат, миллионер ёки кўп болали бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, аксарият фуқаролар учун бу имконият воқеликка айланмаслиги ҳам мумкин.

Абстракт ва муайян имконият

Абстракт ва муайян имконият ўртасидаги фарқ – бу моҳият ва мавжудлик ўртасидаги, шунингдек предметнинг идеал образи ва унинг инсон онгига боғлиқ бўлмаган объектив хусусиятлари ўртасидаги фарқдир. Масалан, никоҳга кираётган ёшлар бир-бири ҳақида, оила ва умуман никоҳ ҳақида анча юзаки тасаввурга эга бўлиши мумкин. Улар оила-никоҳ муносабатларининг идеаллаштирилган манзарасини ўз бўлғуси никоҳига кўп жиҳатдан татбиқ этади. Ваҳоланки, бу манзара мазкур муносабатлар моҳиятига, умуман олганда, мос келса-да, лекин уларнинг бутун бойлиги ва мураккаблиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди.


Хулоса
Категорияларда кишилик жамияти кўплаб авлодларининг тажрибаси ва фаолияти мужассамлашади. Билиш натижалари ўз аксини топувчи тушунчалар ва категориялар бўлмаса, бугунги кунда билишнинг ўзи ҳам бўлмас эди;
Категориялар фикрлашнинг универсал шакллари бўлиб, уларда объектив воқеликда мавжуд бўлган умумий алоқалар, хоссалар ва муносабатлар акс этади;
Категориялар қуйидаги объективлик, муайянлик, амалиёт билан боғлиқлик, тарихийлик, ўзгарувчанлик ва шу каби хусусиятлар билан тавсифланади.

БИЛИШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

«Гносеология» – соф фалсафий категория. Унинг номи юнонча «gnosis» – «билим», «илм» ва «logos» – «таълимот», «фан» сўзларидан келиб чиққан. Сўзма-сўз маъноси – «билиш ҳақидаги таълимот (фан)», «онг ҳақидаги таълимот (фан)»


Гносеология фанида ўрганилади
инсоннинг дунёни билиш имконияти
инсоннинг ўзликни англаш жараёни
билишнинг билмасликдан билим сари юксалиши
билимлар табиати ва уларда акс этувчи нарсаларнинг ўзаро нисбати

«Гносеологиянинг асосий муаммоси бизнинг барча билимларимиз тажрибада синалганми?» деган «оддий» масалани ечишдан иборат
рационализм
гносеология
эмпиризм
инсонда туғма ғоялар, адолат, инсонийлик, уйғунлик ғоялари ва тажрибадан олиниши мумкин бўлмаган бошқа ғоялар мавжудлигидан келиб чиқади
инсон, инсоният шахсий ёки ижтимоий тажрибага эга бўлгунга қадар бирон-бир ғоя мавжуд бўлинишни инкор этадилар


Фалсафада идрок этиш
перцепция – (лот.«perception» – «идрок этиш») ўзини қуршаган дунёдаги нарсалар ва ҳодисаларни сезгилар орқали идрок этиш
апперцепция – борлиқни ақл билан англаш, билиш, уларни ғояларда ифодалаш

ДУНЁНИНГ ИНСОН ОНГИДА АКС ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ
Демокритда – образлар (эйдослар)
Янги давр – сенсор сигналлари
Берклида – субъектнинг сезгилари
Лейбниц билиш – илоҳийлаштирилган ғоянинг инсон туғма тушунчаларига таъсири
Мах, Авенариус ва бошқалар билиш бу сезгиларнинг бўш ва тежамли алоқасини амалга оширишдир
Гегель – мутлақ ғояни англаш


ДУНЁНИ
БИЛИШ
МУМКИН-МИ?
Оптимистлар
дунёни билиш
мумкинлигини
таъкидлайдилар
Агностиклар,
аксинча, буни рад
этадилар
Скептиклар
билимнинг
ҳақиқийлигига
шубҳа қиладилар


– борлиқ ҳодисалари ва
воқеаларини билиш
ўзгарувчанлиги, ўткинчилигини
мутлақлаштирувчи
агностицизмнинг
йўналишларидан бири
Гносеологик
релятивизм


ГНОСЕОЛОГИЯДА БИЛИМ ТАЛҚИНИ
S – Субъект – P – Предмет
ҳақиқийлик (мувофиқлик)
шарти – «агар P ҳақиқий бўлса,
у ҳолда S P ни билади»
ишончлилик (эътиқод, мақбуллик)
шарти – «агар S P ни билса,
у ҳолда S P га ишонади (унинг мавжудлигига
эътиқоди комил бўлади)
асослилик шарти
«S P ни билади, башарти у ўзининг P га
бўлган ишончини асослаб
бера олса»
БИЛИМ – БУ ҲАҚИҚАТГА МОС
ВА АСОСЛАНГАН ИШОНЧДИР


ОЛАМНИ АНГЛАШ, ЎЗЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ
моддий-техникавий –
тирикчилик
воситаларини ишлаб
чиқариш, меҳнат,
амалиёт
маънавий (идеал) –
субъект ва объектнинг
билишга доир
муносабатлари
улар ўртасидаги кўп
сонли муносабатларнинг
биридир



Ўйин воситасидаги билим *нафақат болалар, балки катталар фаолиятининг ҳам муҳим унсури ҳисобланади. Ўйин жараёнида шахс қизғин билиш фаолиятини амалга оширади, билимларнинг катта ҳажмини ўзлаштиради, маданий бойлик – ишга доир ўйинлар, спорт ўйинлари, актёрларнинг ўйинлари ва шу кабиларни қон-қонига сингдиради.*

Мифологик билим *борлиқнинг фантастик инъикоси ҳисобланади. Мифология доирасида табиат,коинот ва одамлар, улар мавжудлигининг шарт-шароитлари, алоқа шакллари ва ҳоказолар ҳақидаги муайян билимлар шаклланган.*

Бадиий билим *борлиқни тушуниб етиш рефлексиянинг ўзига хос шакли бўлиб, у санъат борлиғининг барча босқичларида – асар ғоясидан бошлаб унинг одамлар томонидан қабул қилинишигача – ўзига хос тарзда рўёбга чиқади.*

Диний билим. *Диннинг асосий вазифаси – инсон ҳаёти, табиат ва жамият борлиғининг мазмунини аниқлашдан иборат. Дин универсумнинг пировард мазмунлари ҳақидаги ўз тасаввурини асослаб, дунё ва инсониятнинг бирлигини тушунишга кўмаклашади.*

Фалсафий билим*. Фалсафа санъат ва дин каби билиш вазифаларини ечиш билангина кифояланмайди. Унинг бош вазифаси санъат ва дин билан уйғун ҳолда – инсоннинг дунёда маънавий мўлжал олишига кўмаклашишдан иборат. Фалсафий билиш айни шу мақсадга бўйсундирилган.*

ИЛМИЙ БИЛИШ СТРУКТУРАСИ





Билиш – одам онгида ҳаёт ҳақиқатининг фаол мақсадли акс этиш жараёни. билиш жараёнида маиший ҳаётнинг ҳар хил қирралари кўринади, нарсаларнинг ички ва ташқи моҳияти очилади. Ташқи олам кўринишлари, шунингдек, билиш фаолияти субъекти одам одамни, яъни ўзини-ўзи тадқиқ қилади. Замонавий гносеология гностицизм тамойилларига асосланади.

Одамнинг билиш турлари

Одам ташқи оламни бевосита ўзи ёки олам учун янги нарсани кашф этади.

Одам ташқи оламни билишни аждодлар билиш натижалари орқали ўрганади (китоб ўқийди, ўрганади, моддий ва маънавий маданият янгиликларига яқинлашади)

Билиш масаласига қарашлар:

Гностицизм тарафдорлари билишнинг ҳозирги ҳолати ва келажагига оптимистик руҳда қарайдилар. уларнинг фикрича, олам – ўрганилади, одам эса, билиш учун чексиз имкониятларга эга. Улар билишни жараён деб биладилар, бунинг натижасида онгда оламни акс эттириш билан ўз-ўзини ўрганади.

Агностицизм тарафдорлари инсоннинг оламни билиш имкониятларига ёки умуман билиш мумкинлигига ишонмайди ёки оламни қисман билиш мумкин деб билади. Агностиклар орасида энг машҳури И.Кантдир. У агностицизмнинг изчил назариясини илгари сурди. Улар билиш идеал онгнинг мустақил фаолияти деб ҳисоблаганлар.

БИЛИШНИНГ ТАБИАТИ
(бирламчи ва иккиламчи сифатлар ҳақидаги таълимот)
Образ ва объект муносабатлари муаммоси (XVII–XVIII)
Механик дунёқараш механикаси
«Бирламчи ва иккиламчи сифатлар ҳақидаги таълимот»
Ж.Локк (1632–1704), Р.Декарт (1596–1650), Т.Гоббс (1588–1679)
Бирламчи сифат
Иккиламчи сифат
Бирламчи сифат – бу шундай ҳиссий идрок қилинадиган сифатларки, унда улар нарсаларнинг геометрик хоссалари намоён бўлади (зичлик, кенглик, ҳажм, ҳаракат, шакл). Бу сифатлар объектив ва механик математика моддалари ёрдамида ўрганилади.
Иккиламчи сифатлар – инсон ҳиссий органлари фаолиятининг маҳсули сифатидаги субъектив иллюзиялар. Бу сифатлар (ранг, ҳид, таъм ва бошқалар) субъектив, чунки улар моддий нарсаларга хос эмас, зотан материя зарралари таъсирида пайдо бўлса ҳам. Улар иккиламчи, чунки нарсаларнинг сезги органларимизга бирламчи сифатлар таъсирида пайдо бўлади.
Сифатнинг – соф математик таърифи – фаннинг ягона ҳал қилувчи вазифаси, ҳиссиёт берган далилларни мантиқий-назарий қайта ишлаш.
Фан – соф – математик таҳлил.

Билиш тамойиллари
Диалектик тамойил – билиш жараёнига қараш (яъни ривожланиш нуқтаи назаридан), диалектиканинг қонун, категория ва тамойилларидан фойдаланиш.
Тарихийлик тамойили – тарихий юзага келиш ва ривожланиш контекстида жараёнлар ва предметлар ҳам кўриб чиқилади.
Амалиёт тамойили – билишнинг бош тамойили амалиётда деб ҳисоблайди, ташқи оламни ва ўз-ўзини билишнинг асоси одам фаолиятида деб билади.
Билиш тамойили – билиш имкониятларига тўла ишонч билан ёндашилади.
Объективлик тамойили – онг ва иродадан ташқари предметларни Мустақил мавжуд деб ҳисоблайди.
Ҳаётни фаол ижодий жараёнда ифодалаш тамойили
Ҳақиқатнинг аниқ тамойили – аниқ шароитда индивидуал ва шубҳасиз ҳақиқатдир.

Билишнинг тузилиши
Билувчи субъект – одам–мавжудот у одамзод тажрибасидаги билишнинг усулларини жамиятнинг бутунлигича, билишнинг натижаларини кўтариб юрувчи моддий ва маънавий маданият бойликларини ўрганган
Ҳақиқат – объектни субъект томонидан адекват акс эттиришдир.
Билиш объекти – ташқи олам (бутун турли-туманлиги билан), ташқи оламнинг билиш жараёнига, субъектнинг билиш жараёнига таъсири
Янглишиши – ташқи оламни субъект томонидан янглиш, бузилган, ҳақиқатга зид бўлган ҳолда ёлғон, адекват бўлмаган ҳолда акс этиш
Амалиёт – ташқи оламни ва одамнинг ўзини ўрганиш ва ўзлаштириш учун қиладиган конкрет фаолияти
Баҳолаш – ташқи оламни субъект томонидан категория, қонун, тушунча, олдинги қадриятларга таянган ҳолда мантиқан тушуниш
Амалиётнинг асосий турлари
Моддий ишлаб чиқариш
Илмий эксперимент
Бошқарув фаолияти
Амалиёт вазифаси
Ҳақиқат ўлчови былади
Билишнинг асоси ҳисобланади
Билишнинг натижасидир
Ҳиссий билиш – ҳиссиётларга таяниб, ҳақиқатни мантиғига асосланади
Рационал билиш онгга, унинг мустақил фаолиятига асосланади
Рационал билишга энг яқин интуитив билишдир, унда ҳақиқат мустақил равишда, онгдан ташқарида дуч келади.

Рационализм ва эмпиризм фалсафанинг оқимлари сифатида
Онтологик рационализм
Гнеосологик рационализм
Ахлоқий рационализм
Ҳаётнинг асосида онгли бошланиш (яъни, яшаш онгли) ётади. Бу фикр билан рационализм идеализмга яқин (масалан, Платоннинг «соф ғоялари», оламга ва унинг инъикоси сифатида дунёнинг борлиги)
Ҳаётнинг бошланишида онг ётади
Унинг маъноси шундаки, онг ўзини тутиш этикасининг асосида туради
Гносеологик рационалистлар ўрта аср теологияси ва схоластикасига қарши чиққанлар, улар ўз фалсафасида онгни инкор этиб, худонинг ҳақиқатини билишнинг асоси, деганлар.
Лекин рационализм идеализм билан бир нарса эмас, чунки унинг мазмуни материяга нисбатан бирламчилиги эмас, ҳаётнинг онглилиги
Ақл мустақил кашфиётлар қилиш мумкин, амалиётда ҳам кўриб чиқмай ҳам кейинчалик бу амалда синалади
Эмпириклар билан мунозарадаги асосий далиллар
Шундай қилиб, рационалистлар худонинг ёки бошқа онгнинг ҳаётнинг ички мантиқининг борлигига ишонувчилардир (Демокрит, Эпикур)
Билимнинг асосида ақл билан қайта ишланмаган амалиёт ётади

Рационалистлар қаторига кўплаб файласуфларни қўшишимиз мумкин (Платон, Демокрит, Эпикур, Суқрот, Кант), лекин рационализмнинг ривожига энг катта хисса қўшган файласуфлар – Рене Декарт, Барух Спиноза, Готфрид Лейбницдир
Эмпиризм – фалсафанинг оқими бўлиб, унинг ҳимоячилари билишнинг асосида тажриба ётади деб ҳисоблайди. Тажрибадан олинганлиги билан билим – кучдир.
Англияда XVII асрда, Америкада ундан кейин кенг ривожланган
Эмпиризмнинг асосчиси – Фрэнсис Бэкон
Кўзга кўринарган вакиллари – Томас Гоббс, Джон Локк, Джон Дьюи
Эмпиристлар, одатда, рационалистларга оппонент бўладилар

ХУЛОСА

1. Билиш доимо қандайдир янги, илгари номаълум бўлган нарсани яратишга йўналган ижоддир. Ижоднинг бош мезони (кўрсаткичи) – олинган натижаларнинг янгилиги ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги. У жуда катта ақлий ва жисмоний ҳаракат («ижод машаққатлари» деб бежиз айтмайдилар), баъзан фуқаролик жасорати ва ҳатто жонбозлик талаб қилади.

2. Шундай қилиб, инсоннинг билиши ривожланиб борувчи, фаол жараёндир. Бу, аввало, жамиятда янги эҳтиёжларнинг туғилиши, тегишли равишда амалиётнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан белгиланади.

3. Айни шу сабабли билиш «мангу ҳаракат, қарама-қаршиликларнинг юзага келиши ва уларнинг ечилиши жараёни» деб қаралиши лозим.

4. Билиш жараёнининг ички мантиғи (изчиллиги) қандай?

ҲИССИЙ, ЭМПИРИК, НАЗАРИЙ, МАНТИҚИЙ ВА ИНТУИТИВ БИЛИШ ДАРАЖАЛАРИ



Эмпирик билим ва унинг шакллари

Кузатиш – *билиш объектининг муҳим хоссалари ва муносабатларини аниқлаш мақсадида атайлаб амалга ошириладиган изчил идрок этишдир.*

Эксперимент – *бу шундай тадқиқот методики, унинг ёрдамида объект ё сунъий тарзда яратилади, ё тадқиқот мақсадларига мос келадиган маълум шарт-шароитларда ўрганилади*

Далил – *билимининг тасдиқланган бойлигига айланган моддий ёки маънавий дунё ҳодисаси, бирон-бир ҳодиса, хосса ёки муносабатни қайд этиш*

Назарий билим ва унинг шакллари

Илмий муаммо – объектив тарзда юзага келадиган, ечимини топиш муҳим амалий ёки назарий аҳамиятга эга бўлган масала ёки масалалар мажмуидир

Парадигма – фан ривожланишини белгиловчи барқарор тамойиллар, умумий меъёрлар, қонунлар, назариялар ва методлар мажмуи тушунтириш мумкин эмаслигини ифодаловчи вазиятдир

Назария – ҳодисаларнинг муайян туркуми, бу туркумдаги ҳодисаларнинг моҳияти ва уларга нисбатан амал қиладиган борлиқ қонунлари ҳақидаги билимларнинг мантиқий асосланган ва амалиёт синовидан ўтган тизимидир.

Муаммоли вазият аниқланган далилларни мавжуд билим доирасида

Категориялар – борлиқнинг энг муҳим томонлари, хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчалардир. Фан категорияларига ҳам шундай таъриф бериш мумкин.

Гипотеза – янги далилларнинг моҳиятини тушунтирувчи қонун мавжудлиги ҳақидаги асосли тахминдир.

Тамойиллар деганда, асосий назарий билим, илмий далилларни тушунтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилувчи раҳбар ғоялар тушунилади.


Тафаккурнинг асосий шакллари
Тафаккур – бу инсоннинг нарсалар муҳим хоссалари ва муносабатларини изчил, билвосита ва умумий акс эттиришидир.
Башорат қилиш «мураккаб нарсани оддий нарсага айлантириш» нинг олий даражаси
Хулоса–мушоҳаданинг нисбатан тугалланган бирлиги
Мулоҳаза – фикрнинг шундай шаклики,унда тушунчаларни боғлаш йўли билан бирор нарса ҳақидаги бирон-бир фикр тасдиқланади/рад этилади
Тушунча – нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хосса ва алоқалари акс этувчи фикр, тафаккур, тушуниш фаолиятининг маҳсули

Билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини фарқлаш мезонлари
Эмпирик тадқиқот замирида тадқиқотчининг ўрганилаётган объект билан амалда бевосита алоқа қилиши ётади
Назарий билишда бошқа тадқиқот воситалари қўлланилади


XX аср бошида ҳар хил мактаблар
Гуссерлнинг феноменологик интуиция (редукция), Бергсоннинг интуитивизм, Фрейднинг онг ости интуицияси ва бошқа йўналишлар юзага келди. Бу мактаблар интуицияни билишнинг инстинкт, онг ости ҳодисаси, диний эътиқод ва ҳоказоларни ўзида уйғунлаштирган иррационал ҳаракати сифатида тушунади. Бу йўналишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар дунёни илмий билишда ақлнинг, тушунчалар воситасида тафаккурнинг ролини камситади. Тафаккур ўрнига предметни кераксиз рационалистик мулоҳазаларсиз «асл ҳолича» қамраб олиш имконини берувчи интуиция қўйилади. Бугунги кунда иррационализм ғояларини экзистенциализм, неопозитивизм ва ҳозирги замон фалсафасининг айрим бошқа йўналишлари ривожлантирмоқда. Масалан, экзистенциалист Хайдеггер фикрига кўра, «экзистенция»ни мантиқий тушуниш мумкин эмас. Ясперсда эътиқод, интуитив тарзда қараладиган мистик «ваҳий» биринчи ўринга қўйилади. Марсель «абстракциялар руҳи»га қарши аёвсиз курашни тарғиб қилади. Инглизлар Росс, Мур, Ричард моддий нарсаларни билишнинг сезги ва ақл даражаларини четлаб ўтиб, қандайдир мистик интуиция ёрдамида, бевосита билиш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилади.


Илмий муаммонинг тўғри қўйилиши учун омиллар
Шаклан тўғри тузилганлиги
Асосларнинг сохта бўлмаслиги
Ечимнинг ягоналиги
Муаммонинг чегаралан-ганлиги
Муаммонинг таркибига киритиш мумкин бўлган билимларнинг мавжудлиги (назария, методика, маълумот)
Мақбул ечим белгилари ҳамда тўғри ечимни текшириш усулларининг мавжудлиги

ХУЛОСА

1. Инсон билимининг жадал суръатларда ривожланиши ижод қилишни ўрганиш вазифасини қўяди. Ижодий фаолият ҳамда таълим методларини ўрганиш ҳақидаги фан эвристика деб аталади. Илмий давралардаги суҳбатлар, фикрлар алмашинуви, мунозаралар, муаммоли вазиятлар таҳлили – шахснинг маънавий, ижодий қобилияти ривожланишига кўмаклашади.

2. Интуиция ва ижодни формал мантиқ воситалари ёрдамида тавсифлаш мумкин эмас, бироқ эвристик методлар орқали субъектнинг истеъдоди, хотираси, зеҳни, тасаввурини сафарбар этишни талаб қилувчи янгилик устида изланишлар олиб борилади.

3. Индуктив тафаккур – ҳодисаларнинг бир қисмини ўрганиш орқали олинган билимни ҳодисаларнинг бутун туркумига нисбатан татбиқ этиш эвристик усул ҳисобланади. Ўхшашлик бўйича тафаккур ҳам эвристик мушоҳада юритишнинг ҳақиқатга эришишни кафолатламайдиган, бироқ оддий фараз ҳам ҳисобланмайдиган усулидир.

БИЛИШДА ҲАҚИҚАТ МУАММОСИ



ҲАҚИҚАТ БИЛИШ ЖАРАЁНИДА
Амалиёт-жараён
Ҳақиқат-жараён
Ҳақиқат жараён сифатида икки моментдан иборат
Мутлақ момент (мутлақ ҳақиқат)
Нисбий момент (нисбий ҳақиқат)
Мутлақ ҳақиқат:
• Фанда исботланган ва амалиётда тасдиқлангани учун ҳеч қачон инкор этилмайди.
• Ўзида тўлиқ билимни ифода қилганлиги учун билиш жараёнида иштирок қилмайди.
Нисбий ҳақиқат:
• Тўлиқ бўлмаган, якунланмаган ҳақиқат.
• Тугалланмаганлиги учун амалиётда илмий тадқиқотни исботлаш ва тасдиқлашни талаб қилади ҳамда билиш жараёнида иштирок қилади.
Ҳақиқат – тарихан асосланган жараён
1. Билим – ҳақиқатнинг ривожланиши демакдир.
2. Ҳақиқат – чексиз билимларни тўплаш жараёни.
3. Билиш жараёнида ҳақиқат янглишиш билан чамбарчас боғлиқ.
4. Янглишиш – ҳақиқатнинг нисбийлик моментининг мутлақлаштирилишидир.
5. Ҳақиқат – доимо қандайдир шарт-шароитлар билан боғлиқ.

Ҳақиқат шакллари
Мутлақ ҳақиқат
предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукаммал билишдир
Объектив ҳақиқат –
билимларимизнинг инсон инсониятга боғлиқ бўлмаган мазмуни
Нисбий ҳақиқат –
борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган билим


Ҳақиқат концепциялари
Корреспондент
назариянинг тажрибада олинган маълумотларга мувофиқ бўлишини талаб қилади
Прагматик
амалиёт мезони кўпинча тўғридан-тўғри эксперимент тушунчаси билан боғланади
Когерент
(назарий) концепция эса экспериментга мувофиқ бўлиши, унга зид келмаслиги, унинг натижаларини башорат қилиш имконини бериши лозим

Кўрсатиш мумкин бўлган нарсани исботлашнинг ҳожати йўқ
Фаннинг у ёки бу қоидасининг ҳақиқийлиги ёки сохталиги, аниқ-равшан бўлмайди
Исботлаш

Исботлаш ва рад этиш

Фаннинг у ёки бу қоидасининг ҳақиқийлиги ёки сохталиги, аниқ-равшан кўриниб турмайди. Фақат энг содда мулоҳазалар ўзининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун сезги идрокидангина фойдаланишни талаб қилади: кўрсатиш мумкин бўлган нарсани исботлашнинг ҳожати йўқ. Фаннинг аксарият қоидалари сезги аъзолари орқали билиш даражасида ва бошқа ҳақиқатлардан алоҳида эмас, балки мантиқий тафаккур даражасида, бошқа ҳақиқатларга боғланган ҳолда, яъни исботлаш йўли билан ҳақиқий деб қабул қилинади.

Исботлаш – илмий тафаккурнинг муҳим воситаси.

Ҳар қандай исботда тезис, исботлаш учун асослар (далиллар) ва исботлаш усули мавжуд. Ҳақиқийлиги ёки сохталиги исботлаш йўли билан аниқланаётган қоида тезис деб аталади. Тезиснинг сохталигини аниқлаш рад этиш деб аталади. Исботлашда фойдаланилаётган ва исботланаётган тезиснинг ҳақиқийлигини кўрсатаётган барча қоидалар асослар ёки далиллар деб аталади. Асослар ва далиллар ишончли далиллар ҳақидаги қоидалар, таърифлар, аксиомалар ва илгари исботланган қоидалардан ташкил топади.

Қоиданинг ҳақиқийлигини исботлаш у яхши текширилган далиллар ҳақидаги қоидалардан бевосита келиб чиқишини кўрсатиш демакдир. Бироқ, ҳаёт шу даражада мураккабки, амалда жуда кўп, ҳатто ақлга мутлақо зид қоидаларни тасдиқлаш учун ҳам айрим далиллар тўплаш мумкин. Бунда айни шу қоидаларни рад этувчи далиллар ҳам мавжудлиги бир-биридан ва атроф-муҳитдан ажратиб олинган айрим далиллар ўзича ҳеч нарсани исботламаслигидан далолат беради. Далиллар ҳақидаги фикрлар ўзаро боғлиқ ҳолда қаралган тақдирдагина исботлаш учун асос бўлиш мумкин. Исботлаш учун асослар жумласига мазкур фан асосий тушунчаларининг таърифлари киради. Бу мазкур фаннинг барча тушунчалари таърифланиши лозим деган маънони англатмайди. Таърифлаш – номаълумни маълумга, мураккабни соддага боғлаш демак. Исботланаётган тезис таянадиган исботлаш учун асослар қаторига фаннинг асосий тушунчалари таърифлари ва аксиомалардан ташқари тезисни асослаш учун зарур бўлган фаннинг илгари исботланган қоидалари ҳам киради. Фан ўз қоидаларининг далил-исботларини қанча кўп ривожлантирса, ҳар бир янги қоидани исботлаш учун олдинги асослар сони шунча кўпаяди.


Эмоциялар – ҳодисалар ва ҳолатлар аҳамиятини бевосита ҳис этиш деб аталади.
Ижобий эмоциялар – лаззатланиш, қувонч, ҳайрат, муҳаббат ва шу кабилар.
Салбий эмоциялар – қўрқув, ҳайиқиш, нафрат, қайғу ва шу кабилар.


Ирода
инсон руҳиятининг ҳар хил шакллари орасида – субъектнинг ўз фаолиятини ўзи тартибга солиши муҳим аҳамиятга эга
Ишонч
инсоннинг қадриятлари ва мўлжаллари дунёсида бирон-бир нарса ёки ҳодисани ҳақиқий деб қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.
Идеал
пировард келажакнинг муайян образи эмас, балки қайта кўрилиши мумкин бўлган ҳар хил назарий ва бошқа тасаввурларнинг келажакка қаратилган мажмуи


Ҳақиқатни объектив-идеалистик тушуниш
дунёнинг онгда акс этиш жараёнига боғламасдан қараш ва уни инсоннинг объект ҳақидаги билими хоссаси сифатида эмас, балки эмпирик борлиққа қўшимча тарзда объективлашган қандайдир вақтдан ташқаридаги ғоянинг хоссалари сифатида талқин қилишда намоён бўлади.
Ҳақиқатни субъектив-идеалистик тушуниш
инсон билимининг хоссалари ва таркиби билан боғланади, бироқ мазкур билим унда ташқи, мустақил дунёнинг акс этишига боғланмайди, чунки бундай дунёнинг мавжудлиги инкор этилади.


Билишнинг маънавий қадриятлари
Ҳар қандай илмий тадқиқотда маънавий қадриятлар ва меъёрлар мавжуддир. Илмий метод негизини объективлик ва оқилоналик каби анъанавий маънавий қадриятлар ташкил этиши лозим. Объективлик олим тадқиқот меъёрларини танлашга нисбатан виждонан ёндашиши, шахсий манфаатдорликни сиқиб чиқариши, ҳақиқатни гуруҳ манфаатларидан устун қўйишини назарда тутади. Айрим илмий концепциялар эскиришига қараб ўзига хос «тимсол» белгиларини касб этади. Эскирган концепциялардан воз кечиш кўпинча уларни яратувчиларнинг қаршилигини бартараф этиш билан боғлиқ. Олим баъзан фанда инқилобга йўл очувчи янги ғояларни афзал кўришга ўзида куч топа олмай, эскича ёндашувлар асири бўлиб қолиши мумкин.
Билим ва ҳақиқат амалда айний тушунчалардир. Билиш – нарсаларнинг ҳақиқий ҳолатига мос келувчи ишончли ахборотга эга бўлиш демак. Ҳақиқий билимга эришиш мумкинми? Қандай билимни ҳақиқий деб ҳисоблаш мумкин? Билим ҳақиқийлигининг объектив ва мутлақ мезонлари мавжудми? Бу саволларга жавоблар фан ва фалсафанинг ривожланишига доимо йўлдош бўлган. Масалан, Аристотель ҳақиқатни борлиқ билан тенглаштирган. Унинг фикрича, ўзгармас нарсаларгина ҳақиқийдир, ҳақиқат борлиқнинг олий шаклидир.


Ёлғон
Ёлғон ҳақиқатнинг қарама-қаршиси.
Ёлғон одатда нотўғрилиги аён бўлган тасаввурларни била туриб ҳақиқат даражасига кўтариш сифатида тушунилади.
Верификация тамойили
Бу тамойилга биноан дунё ҳақидаги ҳар қандай фикрнинг ҳақиқийлиги пировард натижада уни сезги аъзолари орқали олинган маълумотларга таққослаш йўли билан аниқланиши лозим.
Янглишиш
Ҳақиқат ёйилиши ва теранлашувининг барча босқичларида унинг доимий ва зарурий ҳамроҳи янглишишдир. Ҳақиқат нима ва уни янглишишлардан (Бэкон таъбири билан айтганда, «тафаккур бутлари»дан) қандай қилиб халос этиш мумкин, деган саволлар одамларни (фақат фан соҳасидагина эмас) доим қизиқтириб келган. Ҳақиқат ва янглишиш категориялари билиш назариясидаги ягона билиш жараёнининг икки қарама-қарши, лекин бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки томонини ифодаловчи асосий категориялардир.


Янглишиш
ўз предмети билан муштарак бўлмаган, унга мос келмайдиган билим
Янглишишлар ўз шаклларига кўра ранг-барангдир
илмий
эмпирик
диний
ноилмий
назарий
фалсафий

ХУЛОСА

1. Ҳақиқат билишнинг мезонидир. Инсон амалий фаолияти ҳақиқатни аниқлашга йўналтирилган. Бироқ ҳақиқат ёлғон билан ёнма-ён туради. Ёлғон инсон ҳаётининг таркибий қисми сифатида амал қилади.

2. Амалиёт ва билишнинг ривожланиши у ёки бу янглишишлар эртами, кечми бартараф этилиши: ё саҳнадан тушиши (масалан, «абадий двигатель» ҳақидаги таълимот каби), ё ҳақиқий билимга айланиши (алхимиянинг кимёга айланиши)ни кўрсатади. Янглишишларни юзага келтирган ижтимоий шароитларни ўзгартириш ва такомиллаштириш, ижтимоий-тарихий амалиётнинг етуклиги, билимнинг ривожланиши ва теранлашуви янглишишларни бартараф этишнинг муҳим омилларидир. Бу эса борлиққа нисбатан апологетик (ҳимояловчи-оқловчи) ёндашувни эмас, балки конструктив-танқидий ёндашувни, «синовлар ва хатолар» методини амалга оширишни (Поппер) тақозо этади.

НАЗАРИЯ
ВА
АМАЛИЁТНИНГ
БИРЛИГИ


Амалиёт – барча босқичларда билишнинг шаклланиш ва ривожланиш негизи, билим манбаи, билиш жараёни натижаларининг ҳақиқийлиги мезондир


АМАЛИЁТ
Амалиёт одамлар ижтимоий-тарихий фаолиятининг ранг-баранг шаклларини қамраб олади
ижтимоий-сиёсий фаолият
илмий-амалий фаолият
моддий неъматлар яратиш
Амалиёт мазмуни ва шакллари
Билишнинг негизини амалиёт ташкил этади. Бу инсоннинг бутун билиш жараёни сезгилардан бошлаб илмий мавҳумликларга қадар ижтимоий-амалий фаолият асосида ривожланиши, унинг эҳтиёжлари ва муваффақиятлари билан белгиланади.


Антик жамиятда жисмоний меҳнатни бажариш қуллар вазифаси ҳисобланган. Ҳатто санъатга ҳам паст назар билан қаралган. Доно одамнинг мушоҳада қилиши фаолиятнинг энг олий шакли сифатида танолинган. Борлиққа нисбатан бундай ёндашув амалиёт муаммосини инсон ақли соҳасига кўчирган.
Амалиёт ҳақидаги таълимот (праксиология) ахлоқ, яхши хулқ ҳақидаги таълимот сифатида амал қилади. Ахлоқни ўрганиш антик фалсафага ҳам, қадимги ҳинд фалсафасига ҳам хос. Амалиётни ахлоқий тушуниш анъанаси бутун жаҳон фалсафаси орқали ўтади.
Амалёт фалсафаси
Инсон фаолияти сифатида амал қиладиган ҳамма нарса амалиётдир. Тил, маданият ва унинг кўп сонли таркибий қисмлари амалиёт турларидир.
Кўпинча амалиёт деганда, моддий амалиёт, яъни воситаси ва маҳсули сифатида предметли моддий дунё амал қиладиган фаолият тушунилади. Бироқ моддий амалиёт ҳам амалиёт турларидан бири, холос.
Инсон – фаол мавжудот. Юнонча «практикос» сўзи фаол деган маънони англатади.шунингдек амалиёт инсоннинг фаолиятидир.

Гегель фикрига кўра

Восита мақсаддан «мавжуд борлиқнинг умумийлиги» билан устун туради. Субъектив нарсалар якка, восита эса умумийдир. Гегель учун меҳнат инсоннинг ўз-ўзини яратишидир, бироқ у инсон, ишлаб чиқариш воситалари эмас, балки мутлақ руҳ мантиқини рўёбга чиқаради. Мутлақ руҳ яхлит ҳолда назария ва амалиётда ўзининг мавҳум кўринишларида намоён бўлади. Амалиёт назарий билишдан устун туради, чунки у нафақат умумийлик, балки мавжудлик фазилатига ҳам эгадир. Гегелнинг объективнинг субъективдан, амалийнинг назарийдан, воситанинг мақсаддан устунлиги ғояси итальян файласуфи ва сиёсий арбоби Грамшининг амалиёт Фалсафасига яқин туради.


БИЛИШ ВА АМАЛИЁТНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ
Фалсафада амалиёт деганда инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзини қуршаган дунёни ёки унинг айрим қисмларини ўзгартиришга қаратилган фаолият тушунилади. Амалиётнинг асосий шакли меҳнат бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида инсон табиат билан тўқнашади. Шунингдек, бошқарув амалиёти, сиёсий, ижтимоий амалиёт ва амалиётнинг бошқа шакллари фарқланади. Хўш, амалиётнинг билиш билан алоқаси қандай?
Биринчидан, амалиёт билишнинг сарчашмаси, негизи, уни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Амалиётнинг муайян эҳтиёжлари инсониятнинг билишга бўлган эҳтиёжлари ва вазифалари, умуман фаолият тури сифатидаги билишнинг ўзи юзага келишига сабаб бўлган. Масалан, Қадимги Мисрда зироатчилик геометрия ва математика пайдо бўлишини рағбатлантирган, кемачилик ва савдо иши эса астрономия ва бошқа фанларнинг ривожланишига туртки берган.

АМАЛИЁТ БИЛИШ МЕЗОНИ СИФАТИДА
АМАЛИЁТНИНГ БИЛИШ МЕЗОНИ СИФАТИДАГИ НИСБИЙ ХАРАКТЕРИ
МУТЛАҚ
НИСБИЙ
Амалиёт жараён сифатида мутлақ; Амалиётда исботланадиган жараён объектив ҳақиқатдир; Амалиётнинг ҳақаиқат мезони сифатида мутлақлаштирилиши объектив ҳақиқий билимларни уйдирма ва янглишишлардан фарқлашга имконият яратади.
Амалиёт алоҳида жараён сифатида нисбий; Амалиёт барча назарий ҳолатларни тўлиқ инкор ҳам қилмайди ёки тасдиқламайди; Амалиётнинг узлуксиз ривожланиши инсон билимларини мутлақ бўлишига имкон бермайди.

ХУЛОСА

Фалсафада амалиёт деганда инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзини қуршаган дунёни ёки унинг айрим қисмларини ўзгартиришга қаратилган фаолият тушунилади. Амалиётнинг асосий шакли меҳнат бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида инсон табиат билан тўқнашади. Шунингдек, бошқарув амалиёти, сиёсий, ижтимоий амалиёт ва амалиётнинг бошқа шакллари фарқланади. Хўш, амалиётнинг билиш билан алоқаси қандай?

Амалиёт ҳар қандай билиш жараёнининг негизи, таянч нуқтаси ва тадрижий якуни ҳисобланади. Амалиёт ўзининг муҳим эҳтиёжлари билан бирга билишнинг мақсади ҳамдир. Инсон билимлари улардан ўз кундалик турмушда фойдаланиш учун мўлжаллангандир. Бироқ улар буюмлар ва товарлар, меҳнат қуроллари яратиладиган саноатда биринчи даражали аҳамиятга эга. Масалан, Д.И.Менделеев жадвали ва унда ифодаланган маълумотларсиз ҳозирги кимё саноатини тасаввур қилиш мумкин эмас. Кундалик ҳаётдан мустаҳкам ўрин олган телевидение ва радио физика ва бошқа фанларда эришилган ютуқлар маҳсулидир. Агар билимларга амалиётда ҳожат бўлмаса, улар ўз ижтимоий аҳамиятини йўқотиши мумкин. Бинобарин, амалиёт билимлар изчил қўлланиладиган улкан соҳадир.

Метод ва методология: асосий тушунчалар

«МЕТОД» ВА «МЕТОДЛОГИЯ» ТУШУНЧАЛАРИ

Метод (юнон. metodos – усул) кенг маънода йўл, ижодий фаолиятнинг ҳар қандай шакли каби маъноларни англатади. Методология тушунчаси икки асосий мазмунга эга – фаолиятда қўлланиладиган маълум усуллар тизими (фанда, сиёсатда, санъатда ва ҳ.к.); тизим ҳақидаги таълимот ёки метод назарияси.

Фан методологияси унинг структураси, тараққиёти, илмий тадқиқот воситалари ва усуллари, унинг натижаларини асослаш йўллари, билимни тажрибага татбиқ қилиш механизмлари ва шаклларини ўрганади. Шунингдек, методология методлар йиғиндиси ва фаолият тури ҳақидаги таълимотдир.

МЕТОДНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ
Ҳар қандай методи маълум назария асосида яратилади ва тадқиқотнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Ҳар бир методнинг самарадорлиги унинг чуқур мазмун ва моҳиятга эгалиги, назариянинг фундаменталлиги билан асосланади. Ўз навбатида, метод мазмуни кенгайиб боради, яъни билимнинг чуқурлашиши ва кенгайиши, тажрибага татбиқ этилиши билан методнинг кўлами ҳам ўзгаради.
Биринчидан, метод ва методологик муаммоларнинг ролини инкор қилиш ёки тўғри баҳоламаслик («методологик Негавизм»).
Иккинчидан, методнинг аҳамиятини бўрттириш, мутлақлаштириш, уни барча масалаларнинг калити, илмий янгиликларни яратишнинг энг қулай воситаси (методологик эйфория), деб тушуниш нотўғридир.


МЕТОДИКА
Метод методикада конкретлашади. Методика далилий материалларни йиғиш ва саралаш воситаси, аниқ фаолият туридир. У методологик тамойиллардан фарқ қилсада, уларга асосланади.
Фалсафа методлари
Энг қадимги кенг тарқалган методлардан бири диалектика бўлса, иккинчиси метафизикадир. Бироқ фалсафа методлари булар билан чекланмайди. Бугунги кунда унинг софистика, эклектика, аналитик, (ҳозирги замон аналитик фалсафаси), интуитив, феноменологик, синергетик, герменевтик (тушуниш) ва бошқа турлари ҳам мавжуд. Эндиликда турли методларни бирлаштириш жараёни ҳам рўй бермоқда (масалан, Гадамер герменевтикани рационал диалектика билан бирлаштиришга ҳаракат қилади).

ДИАЛЕКТИКА

Диалектика (юнон. dialectika – «баҳс», «суҳбат») табиат, жамият ва билиш тараққиёти қонуниятлари ҳамда уларнинг асосида шаклланадиган умумий тафаккур услуби ва амалий фаолият ҳақидаги таълимотдир. У грек тилида баҳс ва суҳбатлашиш санъати, деган маънони англатади. Антик дунё файласуфлари уни ҳақиқатга эришиш йўли ва усули сифатида талқин этганлар. Ҳозирги даврга келиб диалектика оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ўзаро алоқадорлик ва боғликликда, тараққиёт ва ривожланишда, деб тушунишдир. Унга кўра, оламда ўз ўрнига ва жойига, яшаш вақти ва ҳаракат йуналишига эга бўлган барча нарсалар ва воқеалар бир-бирлари билан боғлиқ ва алоқадор тарзда, бир-бирларини тақозо этадиган, доимий ва такрорланиб турадиган боғланишлар орқали намоён бўлади.

ДИАЛЕКТИКА

Онтология

Объектив реаллик ва унинг умумий қонунлари тараққиёти ҳақидаги тасаввурлар.

Гносеология

Билиш жараёни диалектикаси, унда энг умумий қонунларнинг намоён бўлиши.

МЕТАФИЗИКА

Мантиқ

Диалектик мантиқ мавҳум тафаккурда энг умумий конунларнинг амал қилиниши.

Методология

Диалектиканинг бошка томонлари ҳақидаги хулосалар, шунингдек, ундан диалектиканинг энг умумий қонунларини илмий билишда қандай қўллаш мумкинлиги ҳақидаги коиданинг келиб чикиши.

Фалсафа услубларининг умумий тушунчаси ва мазмуни
Фалсафанинг асосий услублари
Диалектика – унда воқеа-ҳодисалар ҳаракатчан, танқидий, ички қарама-қаршилик, ўзгаришлар, ривожланиш, сабаб ва оқибат, қарама-қаршиликнинг бирлиги ва курашини ҳисобга олган ҳолда ўзгарувчи фалсафий услубдир.
Метафизика – диалектикага қарама-қарши бўлган метод, унда объектлар ўз ҳолича (бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда), статик (доимий) ўзгариш, ривожланиш, ҳаракатларни ҳисобга олмасдан, қарама-қаршиликларга эътибор бермасдан ўрганувчи услубдир.
Догматизм- бизни ўраб турган дунёни догма (қотиб қолган) призмасидан – ўзгаришсиз қабул қилинган дунёқараш, исботсиз, юқоридан берилган ва абсолют характерга эга. Бу услуб ўрта асрларда теологик фалсафага хос.
Эклектика – тарқоқ бўлган, якка ижодий бошланишга эга бўлмаган, фақат тушунча, концепциялар натижасида юзаки, лекин ташқаридан тўғрига ўхшаб кўринадиган хулосаларга таянишдир. Кўпинча, эклектика қайсидир фикрларни, ғояларни омма онги учун ёқадиган, лекин на онтологик, на гносеологик қимматга эга бўлмаган услуб (ўрта асрларда динда, ҳозирги пайтда рекламада мавжуд)
Софистика – янги фикрни (ёлғон фикрни) жуда моҳирлик билан рост деб кўрсатувчи, мантиқан ҳақиқий, лекин мазмунан нотўғри бўлган, эшитувчи учун қулай бўлган услуб. софистика Қадимги Юнонистонда тарқалган, бу ҳолда ҳақиқатни топиш учун эмас, мунозараларда ғолиб бўлиш учун қўлланилган, кимга бўлса ҳам исботи ва нотиқлик санъати усули сифатида ишлатилган.


Фалсафа услубларининг умумий тушунчаси ва мазмуни
Фалсафанинг асосий услублари
Герменевтика – матнни мазмунини тўғри тушунтиришга қаратилган методологик йўналиш. Ғарб фалсафасида кенг тарқалган.
Синергетика – мувофиқлашган, ўзаро ташкиллашган чизиқсиз тараққиёт методикаси.
Фалсафа йўналишлари ҳамда фалсафа услублари
Материалистик услуб – бу ҳолда борлиқ ҳаётда мавжуд, материя – бирламчи субстанция, онг эса, модус сифатида материянинг кўриниши (материалистик-диалектик услуб совет фалсафасида асосий бўлиб келган, замонавий россиялик файласуфлар орасида кенг тарқалган).
Иедалистик услуб – бунинг мазмуни бирламчи ғоянинг кучи қабул қилинади, материя эса, ғоядан келиб чиқадиган натижа, унинг инъикоси деб қабул қилинган. Идеалистик услуб АҚШ ва Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида кенг тарқалган (масалан, Германияда)
Эмпиризм – билимнинг йўналиш ва услуби, унга кўра, билиш жараёнида, билимда, ҳиссий билишнинг амалий тажрибасидан келиб чиқилади (тажриба ва ҳиссиётда бўлмаган ва ҳис қилинмаган нарса хаёлда бўлмайди).
Рационализм – фалсафанинг бу услуби ва йўналишига кўра, энг тўғри абсолют билимга фақат онг ёрдамида эришилади (яъни, онгдан ажралади), тажриба ёрдамида эмас (ҳамма нарсани шубҳа қилиш мумкин, шубҳанинг ўзи рационализмдир, Франция 18-аср, Рене Декарт).

ДИАЛЕКТИКАНИНГ ТУЗИЛИШИ




Диалектика
Диалектика ва ривожланишнинг умумий тушунчалари
Диалектика – замонавий фалсафада барча борлиқнинг ривожланиш назарияси ва унга асосланган фалсафий услуб. Диалектика материя, руҳ, онг, били шва борлиқнинг бошқа ҳодисаларини ривожланишини назарий акс эттиради.
Диалектиканинг асосий муаммоси, ривожланиш ўзи нима? Ривожланиш – материянинг умумий хоссаси ва асосий белгиси; моддий ва идеал объектларнинг ўзгариши ва айниқса, оддий (механик) эмас, балки ўзини ривожлантириш сифатидаги ўзгариш, бунинг натижасида ташкил этилишининг янада юқори босқичига ўтилади. Ривожланиш – ҳаракатнинг энг юқори шакли.
Асос бўлади
Ҳаракат материянинг ички хоссаси ва воқеликнинг ноёб ходисасидир, чунки ҳаракат мукаммаллик, узлуксизлик ва бир вақтнинг ўзида зиддиятлар (ҳаракатланаётган жисм майдонда доимий ўрин эгалламайди – ҳар бир онда жисм муайян маконни эгаллайди, шу дамда у ерни эгалламайди ҳам) билан тавсифланади. Ҳаракат шунингдек моддий дунёда алоқа ўрнатиш воситаси бўлиб хисобланади.
Диалектика қонунлари
Хусусиятлари
Воқеликнинг барча соҳаларини қамраб олади;
Ҳаракат ва ривожланишнинг туб асосларини очиб беради – уларнинг манбалари, эскидан янгига ўтиш механизми, эскини янги билан алоқалари.
Ягоналик ва қарама-қаршиликлар кураши
Миқдорнинг сифатга ўтиши
Инкор этиш


Диалектиканинг асосий тамойил ва категориялари
Алоқа турлари
генетик ва функционал
бевосита ва билвосита
ташқи ва ички (энг кўп тарқалган алоқа турлари)
тасодифий ва қонуний
макон ва вақт хусусияти
Диалектиканинг асосий тамойиллари
Тизимлилик, маъноси оламда кўплаб алоқалар тартибсиз эмас, балки тартиблиир. Бу алоқалар иерархик тартибда жойлашувчи ягона тизимни хосил қилади. Шунга мувофиқ олам ички ўз мақсадига эгадир.
Сабабийлик – бири иккинчисини келтириб чиқарувчи алоқаларнинг мавжудлиги. Оламдаги жисмлар, ходисалар, жараёнлар нима биландир шартланган, яъни ички ёки ташқи сабабга эга. Ўз навбатида сабабни натижа келтириб чиқаради, шунинг учун сабаб-натижа деб номланади.
Тарихийлик, маъноси оламнинг иккита омили: тарихни, оламни, унинг вақтда мавжуд бўлишини йўқ қилиб бўлмаслиги.
Диалектика категорияси – умумий тушунча, фалсафанинг диалектик муаммоларни моҳиятини ечишга ундайди.
•Ҳодиса ва моҳият;
•Шакл ва мазмун;
•Сабаб ва оқибат;
•Ягона, алоҳида, умумий;
•Таҳминий ва ҳақиқий;
•Зарурат ва тасодиф.


МЕТАФИЗИКА
Онтология
Табиат ҳақида шартли ривожланмайдиган ва абадий ҳаракатда эканлиги ҳақидаги тасаввурлар.
Гносеология
Қонуниятларнинг кашф қилиниши, амалдаги сабабларнинг ўзгармас асосларини англаш. Уларни билиш табиат моҳиятини мукаммал ва батафсил билишни билдиради.
Мантиқ
Формал мантиқ – тафаккур жараёни итоат этадиган қоидалар мажмуи.
МЕТАФИЗИКА
Методология
Тадқиқотнинг метафизик усули – ўз-ўзидан тараққиётни инкор қилади ва тараққиётни сон ўзгаришлари сифатида тушунишга асосланади.

ЭСКИ МЕТАФИЗИКА
XVII–XIX аср фалсафаси ва фанида айниқса камол топди (метафизик-материализм, натурфалсафа, фалсафа тарихи ва ҳ.к.) Метафизиканинг бу шаклига хос хусусият умумий ўзаро алоқадорлик ва тараққиётни инкор қилиш, оламга бир бутун тизимли ёндашувнинг йўқлиги, тафаккурнинг иккиланувчанлиги, умумий дунёвий алоқадорликнинг тугаганлигига ишонишдир.
Эски метафизик тафаккур услуби шаклланишининг объектив асослари бутуннинг алоҳида элементлари хусусийликни, алоҳида томонлар (фикран) нима учун бир бутунликдан айри ҳолда бўлиши ва бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишини тушунтириш заруриятидир. Бу усул кундалик турмушда, ақл даражасида, предмет тараққиётидаги алоқа муносабатларда зарур ва тўғридир. Шунинг учун метафизиканинг бу шакли предметлардаги барқарорликни, улардаги ўзгаришларни тизимли ўрганиш, тараққиётнинг манбалари ва механизмларини аниқлаш билан боғлиқ.

ЯНГИ МЕТАФИЗИКА
Ҳеч қандай янгиликларсиз айлана доирасидаги абадий ҳаракат кўринишида;
Буни қуйидаги йўналишларда тушуниш мумкин:
Энг умумий, абадий ўсиш, ўзгариш ёки аксинча кичрайиш (текис эволюционизм) тарзида;
Моҳиятидан зиддият келиб чиқувчи ҳаракат сифатида;
прогресс сифатида, яъни оддийдан мурак кабга, пастдан юқорига интилиш тарзида. Тараққиётнинг ўзаро алоқадорлик ва таъсирнинг бошқа аралаш изоҳлари ҳам бўлиши мумкин.
такрорлаш сифатида қатъий линияли йўналишга эга бўлган доимий жараён (тўғри чизиқли ривожланиш) ҳолатида;
худди сифат ўзгаришлари каби сакрашлар занжири (катастрофизм) шаклида;

Софистика

Софистика фалсафий методлар жумласидан бўлиб, қадимги Юнонистонда мил.ав. V ва IV асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-сиёсий ҳаётда хусусий бир йўналиш сифатида пайдо бўлган. Софистика намояндалари Протагор, Горгий, Гиппий, Антифонт ва бошқалардир. Софистиканинг пайдо бўлиши антик Юнонистонда иқтисодий тараққиёт га бўлган эҳтиёж билан боғлиқ. Бу оила уруғ анъаналаридаги турғунликни бартараф қилиш, янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга эҳтиёж даври эди. Софистиканинг инқирози эрамиздан аввал IV аср ўрталарида бошланди. Эрамизнинг II асрида классик юнон софистларининг ғоя ва услубларини қайта ишлашга интилувчи янги оқим пайдо бўлди.

Софистика мавжуд назария ва маълумотларни сақлашга интилади. У янги фикр эски фикрнинг бир қисми эканлигини асослашга ёки мантиқ қонунини тузиб, мавжуд билимлар тизимини барча зиддиятлардан тозалашга ҳаракат қилади. Софистика мавжуд билимлар тизимидан зиддиятларни сиқиб чиқаради, бу билан эски ва янги билимларни муросага келтиради. Софистика инсон билими доирасида чексиз релятивизмни улуғлайди. Предмет ҳақида ҳар нарса дейиш мумкин. Қандай мақсад кўзланмасин, сўзлар ифодасида ҳеч қандай чегара йўқ (масалан, асал – ширин; асал – аччиқ; қўрғон – айланасимон, қўрғон – тўртбурчак ва ҳ.к.) шунга кўра софист – моҳир уста, сўзамол донишманд маъноларини англатади.

МЕТАФИЗИКА ВА ДИАЛЕКТИКА ТАРАҚҚИЁТ ҲАҚИДА

Тараққиёт жараёни

Метафизика

- Тараққиётни кичрайиш, кенгайиш, такрорланишдек тушуниш;
- Ҳаракат манбасига ҳаракатлантирувчи кучга етарли эътибор қаратилмаслиги;
- Оламдаги ҳодисаларнинг энг умумий ўзаро алоқаларини тушунмаслик;
- Тарихий тараққиётни инкор қилиш.

Диалектика

- Тараққиётни спиралсимонлигини тан олиниши, яъни олдинги йўлни такрорланиши, лекин янада юқорироқ босқичга кўтарилиши. (инкорни инкор);
- Тараққиётнинг асосий сабаби ички зиддиятларнинг тан олиниши;
  Сон ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига эҳтимолли ўтишининг тан олиниши;
- Умуман оламнинг ягона тараққиётини келтириб чиқарувчи ҳодисаларнинг ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликнинг тан олиниши.

Синергетика

Синергетика – ўзаро мувофиқлашган, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизимлар ривожланиши

- Бифуркация
- Флуктуация
- Диссипатив тизимлар
- Аттрактор



Синергетика

Бифуркация

Иккиланиш нуқталарининг мавжудлигини ҳамда ривожланиш давомининг ҳар хиллигини назарда тутади. Уларнинг фаолияти натижаларини олдиндан башорат қилиш қийин. И.Пригожиннинг фикрига кўра, бифуркация жараёнлари тизимнинг мураккаблашувидан далолат беради. Н.Моисеевнинг фикрича, «ижтимоий тизимнинг ҳар бир ҳолати бифуркация ҳолатидир».

Флуктуация

умумий ҳолда таъсирлантиришни англатади. Уларнинг икки катта туркуми: ташқи муҳит яратадиган флуктуациялар ва тизимнинг ўзида вужудга келадиган флуктуациялар фарқланади. Баъзан флуктуациялар жуда кучайиб, тизимни тўла эгаллаб олиши ва моҳият эътибори билан унинг мавжудлик тартибини ўзгартириб юбориши мумкин. Улар тизимни унга хос бўлган «тартиб тури»дан олиб чиқади, аммо хаосга олиб чиқадими ёки йўқми – бу масаланинг бошқа томони.

Диссипатив тизим

таъсирлар тарқаладиган тизим ҳисобланади. Умуман олганда, бу флуктуациялар тўла қамраб олган тизим хулқ-атворининг хусусиятидир. Ҳар хил таъсирларга ўта таъсирчанлик ва бунинг натижасида ҳаддан ташқари номувозийлик – диссипатив тизимнинг асосий хоссасидир.

Эвристика қоидаларига қуйидагилар
– ижодий кашфиётчилик методологияси эвристикдир;
– кашфиётчилик вазифалари туркуми чексиздир, кашфиёт усуллари туркуми чекланган дир;
– масаланинг ечимини излаш усули ҳар доим субъектив жиҳатга эга бўлади, унинг самарадорлиги кашфиётчининг маҳоратига боғлиқ;
– масалаларни ечишнинг янги усуллари камдан-кам ҳолларда ижобий натижага олиб келади, аммо улар ёрдамида топилган ечимлар ўзига хослиги билан ажралиб туради;
– топилган ечимга муқобил тарзда масала ҳал қилинишининг қарама-қарши усули ҳамиша мавжуд бўлади;
– бирон-бир кашфиётчилик вазифаси хулқ-атвор ва мушоҳада юритишнинг маълум англаб етилган ёки англаб етилмаган усули, стратегияси ёки тактикасисиз ҳал қилинмаган

ИНДУКЦИЯ ВА ДЕДУКЦИЯ
Умумий методлар
ДЕДУКТИВ ХУЛОСА
Кўпликнинг умумий хоссаларини билиш асосида, шу кўпликнинг баъзи элементлари ҳақидаги хулоса
ИНДУКТИВ ХУЛОСА
Қисмдан умумийликка, яъни предмет қисмларини билиш асосида умуман предмет ҳақидаги хулоса
Тўлиқ бўлмаган индукция
Барча предметларни ўзида мужассамлаштира олмайдиган умумий хулоса
Тўлиқ индукция
Барча предметларни ўрганиш асосида предмет ҳақидаги умумий хулоса
Эмпирик
Нисбатан кам ва рўйҳатга олинувчи кўпликка нисбатан элементларни бевосита тадқиқ қилишга асосланган фикр
Популяр
Оддий санаш йўли билан баъзи ҳодисалар, белгиларнинг такрорланишини аниқлаш
Илмий
Баъзи ҳодисалар, белгиларининг такрорланишини аниқлаш; Белгиларнинг ҳодиса, хоссалари боғланишда эканлигини аниқлаш асосидаги фикр

МОДЕЛЛАШТИРИШ
МОДЕЛЛАР
Билиш объекти ўрнида қўлланиши мумкин бўлган предмет, ҳодиса ва жараёнлар нарса ҳақида ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади
Моделлар таснифи
Билиш жараёнида моделлар-ни қўллаш мақсади бўйича
Оригинал ҳақидаги ахборотни эгаллаш бўйича
Моделларни яратишда инсон иштироки даражаси бўйича
Эвристик моделлар
Дидактик моделлар
Белгили моделлар
Нарсали-назарий моделлар
Табиий моделлар
Сунъий моделлар
Вазифанинг қўйилиши
Моделли тадқиқот структураси
Билимнинг моделдан оригиналга ўтказилиши
Моделни танлаш ёки яратиш
Моделли тадқиқот қилиш
Моделлар – ахборот манбаи сифатида
Моделларнинг асосий функциялари
Моделлар билимларни аниқлаш воситаси сифатида


Умумилмий тадқиқот методлари
Умумилмий тадқиқот методлари. Улар фалсафа билан махсус фанларнинг фундаментал назарий-методологик қоидалари ўртасида Ўзига хос «оралиқ методология» бўлиб хизмат қилади. Умумилмий тушунчалар қаторига кўпинча «ахборот», «модель», «тузилма», «функция», «тизим», «элемент», «оқилоналик», «эҳтимоллик» сингари тушунчалар киритилади.
Биринчидан, бир қанча хусусий фанлар ҳамда фалсафий категорияларнинг алоҳида хосса, белги ва тушунчалари умумилмий тушунчаларнинг мазмунига «сингдириб» юборилганлиги, иккинчидан, (фалсафий категориялардан фарқли ўлароқ) математик назария ва символик мантиқ воситалари билан уларни формаллаштириш, уларга аниқлик киритиш мумкинлиги умумилмий тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Фанлараро тадқиқот методлари

Фанлараро тадқиқот методлари – асосан фан соҳалари туташган жойда амал қиладиган (методологиянинг турли даражаси элементларини бирлаштириш натижасида юзага келган) бир қанча синтетик ва интегратив усуллар мажмуи. Мазкур методлар комплекс илмий дастурларни амалга оширишда кенг қўлланилади.

Методологияга фақат методларни эмас, балки тадқиқотни таъминловчи бошқа воситаларни ҳам ўрганиш хос. Тамойил, қоида ва кўрсатмалар, шунингдек, категория ҳамда тушунчалар мана шундай воситалар жумласига киради. Номувозий, беқарор дунё шароитларида воқеликни методологик ўзлаштиришнинг ўзига хос воситаларини ажратиш фан ривожланишининг «постноклассик», деб номланган ҳозирги босқичида анча долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусий фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари моддий ифодасини топган билиш воситалари: микрофизикада зарраларни тезлатгичлар, тиббиётда аъзолар фаолиятини қайд этувчи турли ўлчагичлар ва шу кабилар ҳозирги замон методологик тадқиқотининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар методлари

Ижтимоий-гуманитар фанлар методлари.

Ижтимоий-гуманитар фанларда кузатиш натижалари кўп жиҳатдан кузатувчининг шахсига, унинг ҳаётий қарашларига ва бошқа субъектив омилларга боғлиқ бўлади.

Мазкур фанларда оддий (одатдаги) кузатиш (фактлар ва ҳодисалар четдан туриб қайд этилади) ва иштирокчиликка асосланган (ичдан туриб) кузатиш (бунда тадқиқотчи маълум ижтимоий муҳитга қўшилади, унга мослашади ва ҳодисаларни «ичдан» таҳлил қилади) фарқланади.

Психологияда кузатишнинг ўз-ўзини кузатиш (интроспекция) ва эмпатия (бошқа одамларнинг руҳий кечинмаларига кириб бориш, уларнинг ички дунёси–сезгилари, фикрлари, хоҳиш-истакларини тушунишга интилиш ва ҳ.к.) фарқланади.

Этнометодология ичдан туриб кузатишнинг турларидан бири бўлиб, у ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни тавсифлаш ҳамда кузатиш натижаларини уларни тушуниш ғоялари билан тўлдиришни назарда тутади.
Мазкур ёндашув ҳозирда этнография, ижтимоий антропология, социология ва культурологияда тобора кенг қўлланилмоқда.
Ижтимоий экспериментлар тобора ривожланмоқда, улар ижтимоий ташкил этиш ва жамиятни бошқаришни оқилоналаштиришнинг янги шаклларини амалга татбиқ этишга кўмаклашмоқда. Ижтимоий эксперимент объекти одамларнинг маълум гуруҳи экспериментнинг бевосита иштирокчиларидан бири бўлиб, уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашишга тўғри келади, тадқиқотчи эса ўзи ўрганаётган вазиятга бевосита қўшилади.

Ҳозирги замон методологияси

↓

КУМАТОИД

↓

Куматоид – сузаётган объектни англатади ва объектларнинг тизимли хусусиятини акс эттиради. У вужудга келиши, ҳосил бўлиши, шунингдек, йўқолиши, парчаланиши мумкин. У ўзининг барча элементларини бирваракай эмас, балки ўзига хос «ҳиссий-ўта ҳиссий» тарзда намоён этади. Масалан, тизимли объект – ўзбек халқини маълум замон, макон бўлагида ифода этиш ва маҳаллийлаштириш мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, объектни яхлит ифода этиш учун ўзбек халқининг барча вакилларини йиғиш мумкин эмас. Шу билан бирга, мазкур объект сохта эмас, реалдир. Уни кузатиш, ўрганиш мумкин. У бутун цивилизацион-тарихий жараённинг йўналишини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

«Абдукция»

«Абдукция» фикр юритиш орқали эмпирик фактлардан уларни тушунтирувчи гипотезага юксалишни назарда тутади. Бундай фикр юритиш турмушда ва амалиётда кўп учрайди. Ҳар бир инсон тушунтириш йўлларини излашда беихтиёр абдукцияга мурожаат этади. Масалан, врач касаллик аломатларига араб, унинг сабабини, детектив эса жиноят изларига қараб жиноятчини қидиради. Худди шунингдек, олим ҳам содир бўлаётган ҳодисани тушунтиришда абдукция методидан фойдаланади. Мазкур атама индукция ва дедукция сингари машҳур, кенг эътироф этилган бўлмаса ҳам, у янги ҳамда самарали методологик стратегияни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.



Хулоса

Фалсафий тафаккур, дунёқарашнинг кенгайишида ва умуман, ҳар қандай тадқиқотнинг муваффақияти асосида танланган йўл, яъни услуб (метод) ётади. Шундай экан, ҳар қандай соҳа вакиллари метод ва методология масалаларини мукаммал ўрганиши лозим.

Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари

АХБОРОТ

Сўнгги йилларда «ахборот», «инвариантлик», «номуайянлик» каби умумилмий тушунчалар фалсафий таҳлил предметига айланди.

Билимнинг у ёки бу тармоқларида юзага келган ва илмий билишнинг мантиқий-методологик воситалари даражасига кўтарилган бу тушунчалар нафақат объектлар ва жараёнларни кўришнинг умумий усуллари, балки ривожланаётган билимни таҳлил қилиш шакллари ҳамдир.

Бутун ахборот жараёни майдонини ифода этади. Шу сабабли ахборотнинг ўзи эмас, балки у амалда ўз аксини топган фаолият ёки хулқ-атворни бошқариш тизимидаги алоқалар, функциялар ва механизмлар ўрганиш предметини ташкил этади.

Ахборот коммуникатив жараёнга қўшилиб, билим муайян шахснинг бойлигига айланишига имконият яратади. Билим – субъект онгининг мазмуни, билиш фаолиятининг натижаси, амалда мавжуд предметларга боғланган билиш образлари мажмуи. Муайян субъект билимининг мазмуни ҳеч қачон идрок этилган ахборот мазмуни билангина чекланмайди. Идрок этиш билимнинг алоҳида тури сифатида олинган ахборотни англаб етиш, тушуниш, талқин қилишни назарда тутади.

Информацион вазият

Ижтимоий ахборот

Ижтимоий ахборот табиатини тушунтиришда ахборот жараёни турларидан бири ижтимоий-коммуникатив жараён муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий ахборот – билимнинг шундай бир қисмики, у маълум моддий жисмларда қайд этилган ва белгилар тизимида ифодаланган ҳолда ижтимоий-коммуникатив, субъектлараро жараёнга қўшилиб идрок этилади ва олимнинг билим даражасини ўзгартиради, шунингдек унинг ўзи ҳам ўзгартирилиб, ундан фаолиятнинг турли жабҳаларида фойдаланилади. Шу маънода билим тушунчаси олимнинг билим жараёнини гносеологик томондан, ахборот тушунчаси эса, асосан коммуникатив томондан тавсифлайди, деб айтиш мумкин.

Илмий ахборот – ижтимоий ахборотнинг билиш фаолиятида фойдаланиладиган алоҳида тури.

Илмий ахборот – илмий билиш жараёнида олинган, тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, назариялар ва гипотезалар тизимида қайд этилган, табиий ёки сунъий белгилар тизими ёрдамида ифодаланган, объектив борлиқни олимнинг маънавий фаолияти натижалари орқали аниқ акс эттирадиган ва ижтимоий-тарихий амалиётда фойдаланиладиган ижтимоий аҳамиятга молик ва мантиқий жиҳатдан (шаклан) умумийлаштирилган ахборот.

Олимнинг илмий билиш фаолияти ўзини қуршаган дунё ҳақида янги билим олишга қаратилади. Билимнинг янгилик даражасини текшириш учун уни айрим шахс эмас, балки бутун жамият ривожланишининг муайян тарихий босқичида шаклланган билим билан солиштириш лозим, чунки бир шахс учун ҳисобланган ахборот бошқа шахс учун доим ҳам янги бўлавермайди.

Ахборотлашган жамияти концепцияси

У индустриал ва постиндустриал жамият концепцияси ўрнини эгаллаган бўлиб, информатика ва ахборот технологияси жамиятнинг ижтимоий тузилишини, ишлаб чиқариш кучларини ўзгартириш, яхлит ахборот саноатини вужудга келтириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Айрим ривожланган мамлакатларда ахборотлашган жамиятни қуриш давлат дастурлари қабул қилинган. Бундай дастур, масалан, Японияда қабул қилинган. Уни япон олими Е.Масуда ўзининг «Ахборотдан дунё миқёсида фойдаланишнинг янги даври» ва «Ахборотлашган жамият – постиндустриал жамият» асарларида баён этган.

Информатика

XX юз йилликда инсоният ривожланишининг муҳим хусусиятлари қаторида, аввало, компьютерларнинг пайдо бўлиши ва ахборот жамиятларининг шакллана бошлашини қайд этиш лозим. Компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш жараёни турли мамлакатлар ва минтақаларда нотекис кечмоқда, бироқ у ўз ривожланишининг шундай бир босқичига етдики, баъзи бир натижаларни кўриб чиқиш ва келажакка назар ташлаш мумкин. Инсон фаолиятининг барча жабҳаларини компьютерлаштириш бугунги кунда жамиятнинг муҳим вазифаси ва ижтимоий тараққиёт омилидир. Бу вазифани ечмасдан ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш, ўзининг барча фуқароларига муносиб турмуш даражасини таъминлашга қодир жамиятнинг иқтисодий ривожланиши мумкин эмас. Сўнгги йилларда эълон қилинган илмий асарларда информатиканинг фалсафий муаммоларига айни шу нуқтаи назардан ёндашилади.

Информатика (французча information – ахборот ва automatique – автоматика) – ахборот олиш, унга ишлов бериш, уни сақлаш ва тақдим этиш жараёнларини тадқиқ қилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ахборот техникаси ва технологиясини яратиш, амалиётга жорий этиш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи фан-техника фаолиятидир.

ИНФОРМАТИКА

Информатика фалсафий билимнинг ўзига хос соҳаси – техника фалсафасининг жадал ривожланишини белгилаб берди. Техника фалсафасида кучайиб бораётган техника, унинг ривожланиш қонунлари ҳақидаги билимни техниканинг ижтимоий функцияларини тушуниш, уни амалда қўллаш оқибатлари билан бирлаштиришга уриниш техника фалсафасидан технософияга – техника фалсафасининг ривожланишидаги сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш масаласини кўтариш имконини беради.

ХУЛОСА

1. Ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш ва автоматлаштириш ишчилар ва хизматчиларга турли талаблар қўйиб, уларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнидан олиб чиқади ва мазкур жараён билан бир қаторда турувчи субъектларга айлантиради.
2. Инсон шахсининг ўзига хосликларини намоён этиш учун шарт-шароит ва ижтимоий эркинликни ривожлантириш учун имконият яратилади. Бир касбий фаолиятдан бошқа касбий фаолиятга ўтиш учун қўшимча имкониятлар пайдо бўлади.
3. Меҳнат ижтимоий ёки шахсий заруриятга қараб ўзгарувчи жўшқин хусусият касб этадики, бу стандартлаштирилган оммавий ишлаб чиқаришдан мослашувчан, яъни кўп ўзгарувчи, истеъмолчиларнинг оммавий эҳтиёжларига йўналтирилган ишлаб чиқаришга ўтишда муҳим аҳамиятга эгадир.

ТУШУНИШ ВА ТУШУНТИРИШ

Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро нисбати

Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро нисбати. Тушуниш ва унинг билиш (ва тушунтириш) билан ўзаро нисбати муаммоси кўпдан бери муҳокама қилинади. У бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва кўп жиҳатдан баҳслидир. Масалан, Дильтей тушунишни матн муаллифининг маънавий дунёсига кириш сифатида тавсифлаган бўлса, Хайдеггер учун тушуниш инсоннинг борлиққа ўзига хос муносабати, инсоннинг дунёда мавжуд бўлиш усулидир. Гадамер фикрига кўра, ўтмиш маданиятини тушуниш талқин қилувчининг ўзини тушуниши билан узвийдир. Шу сабабли тушуниш предметини муаллиф матнга жойлаган маъно эмас, балки мазкур матн орқали англаб етилиши лозим бўлган моддий мазмун («ишнинг моҳияти») ташкил этади. Бунда, Гадамер фикрига кўра, ҳар қандай тушуниш тил муаммосидир: унга «тил медиуми»да эришилади (ёки эришилмайди) ва исботлашни тақозо этмайди.


Тушуниш ва унинг билиш (ва тушунтириш) билан ўзаро нисбати муаммоси кўпдан бери муҳокама қилинади. У бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва кўп жиҳатдан баҳслидир. Масалан, Дильтей тушунишни матн муаллифининг маънавий дунёсига кириш сифатида тавсифлаган бўлса, Хайдеггер учун тушуниш инсоннинг борлиққа ўзига хос муносабати, инсоннинг дунёда мавжуд бўлиш усулидир.
Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро нисбати
Гадамер фикрига кўра, ўтмиш маданиятини тушуниш талқин қилувчининг ўзини тушуниши билан узвийдир. Шу сабабли тушуниш предметини муаллиф матнга жойлаган маъно эмас, балки мазкур матн орқали англаб етилиши лозим бўлган моддий мазмун («ишнинг моҳияти») ташкил этади. Бунда, Гадамер фикрига кўра, ҳар қандай тушуниш тил муаммосидир: унга «тил медиуми»да эришилади (ёки эришилмайди) ва исботлашни тақозо этмайди.

Ҳозирги адабиётларда тушуниш турлари, типлари ва даражаларининг ҳар хил таснифлари мавжуд. Масалан, Г.И.Рузавин тушунишнинг уч асосий турини фарқлайди:
Матнларни, бадиий адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек, одамларнинг турли вазиятлардаги қилмишлари ва ҳаракатларини талқин қилиш билан боғлиқ тушуниш. Бу ерда маънони интуитив тушунишнинг ўзи етарли бўлмайди. Бу тушунишнинг биринчи даражаси. Тушунишнинг иккинчи даражаси тадқиқотнинг бошқа, хусусан: мантиқий-методологик, аксиологик, культурологик восита ва методларини жалб қилишни тақозо этади.
Диалогда тил воситасида алоқа қилиш жараёнида юзага келадиган тушуниш. Тушуниш ё тушунмаслик натижаси бу ерда суҳбатдошлар ўз сўзларига қандай маъно юклашига боғлиқ.
Бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш билан боғлиқ тушуниш. Бу ерда ўзга тилда ифодаланган маънони она тили сўзлари ва гаплари ёрдамида ифода этиш ва сақлаш назарда тутилади.

Герменефтик доира

«олмахон ғилдираги» эмас, зеро, унда тафаккур қисмлардан аввалги бутунга эмас, балки ўз қисмларининг билими билан бойиган бутунга, яъни бошқа бутунга қайтади. Герменевтик доира диалектик хусусиятга эга: унда тўлиқ ва чуқур тушунишдан янада тўлиқроқ ва чуқурроқ тушунишга томон ҳаракат содир бўлади, мазкур ҳаракат жараёнида тушунишнинг янада кенг уфқлари намоён бўлади.

Тушунишни ҳозирги даврга боғлаш керакми?

Мазкур масала юзасидан икки асосий қараш мавжуд:

Керак эмас. Мазкур қарашга кўра, матнни мувофиқ тарзда тушунишунга муаллиф юклаган маънони очиб беришни назарда тутади. Яъни, автор юклаган маънони ҳеч қандай қўшимча ва ўзгартиришларсиз, мумкин қадар соф шаклда аниқлаш лозим. Лекин амалда бундай бўлмайди, зеро, ҳарбир давр матнга (масалан, санъат асарларига) ўз мезонлари биланёндашади.

Тушуниш жараёни муқаррар равишда тушунишга ҳаракат қилинаётган нарсага қўшимча маъно юклаш билан боғлиқ. Бинобарин, матнни муаллиф қандай тушунган бўлса, шундай тушунишнинг ўзи етарли эмас. Демак, тушуниш ижодий жараён ва у муаллиф юклаган маънони айнан акс эттиришнигина эмас, балки унга танқидий баҳо бериш, ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш, маънони ҳозирги воқеликнинг мазмуни билан бойитишни назарда тутади.

Тушуниш ҳеч қачон билишдан ажралмайди, балки «маънони ўзлаштириш фаолиятининг босқичи» ҳисобланади. *Тушуниш* – фикр юритиш орқали символда яширин маънони аниқлаш демак. Бунда Рикер қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади:
Тушуниш – бир онг томонидан узатиладиган, иккинчионг эса уни ташқи ифодалар орқали қабул қилиб оладиган белгилар маъносини тушуниб етиш жараёни;
Поль Рикер
Тушуниш – бир онг томонидан узатиладиган, иккинчи онг эса уни ташқи ифодалар орқали қабул қилиб оладиган белгилар маъносини тушуниб етиш жараёни;
Айни бир матн бир нечта маънога эга ва бу маънолар бир-бирига қўшилиб, қатлам ҳосил қилади.
герменевтика – изчил талқин қилиш жараёни;
Талқинларнинг хилма-хиллиги герменевтиканинг моҳиятини ташкил этади;


Маъно – тилдаги иборалар (сўзлар, гаплар ва ш.к.) мазмунининг синонимигина эмас, балки мураккаб, кўп қиррали ҳодиса. М.Хайдеггернинг фикрича, маъно биринчидан, ҳар қандай қилмиш, хулқ-атвор, амал «нимага» ва «нима учун» содир этилганини назарда тутиши керак. Иккинчидан, маъно йўналишга эга, яъни у ниманингдир провард мақсади (ҳаёт мазмуни тарих мазмуни ва ҳ.к.).
Маъно
Маъно ҳосил қилиш жараёнлари объектив тарзда анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар ва рамзлар соҳасида содир бўлади ва тилда ифода этилади. Гадамернинг таъбири билан айтганда, у бизда, бизнинг ҳозирги дунёмизда зоҳир. Маданий мероснинг узлуксизлигини таъминловчи анъана қамровли маъно универсумига реаллик бахш этади.

М.М.Бахтин таъбири билан айтганда, тушуниш яхшироқ бўлиши мумкин ва лозим, у матнни тўлдиради, фаол ижодий хусусият касб этади. Аммо матнни тушуниш уни талқин қилишнинг муайян тарихий шароитларига боғлиқлиги уни соф психологик ва субъектив жараёнга айлантирмайди.

СЕМИОТИКА

(юнон. белги, аломат) – белгилар ва белгили тизимларнинг хоссаларини ўрганувчи фан. Белги хабарлар (ахборот, билим)ни ифодалаш, сақлаш ва қайта ишлаш воситаси сифатида амал қилувчи моддий предмет (ҳодиса, воқеа)дир. Тил белгилари (муайян белгилар тизимига кирувчи белгилар) ва тилга оид бўлмаган белгилар, уларнинг орасида эса – нусхалар, аломатлар ва символлар фарқланади. Табиий ва сунъий тилларнинг белгилари тафовут этилади. Белгили тизимларга табиий тиллар (сўзлашув тиллари), илмий назарияларнинг гаплар тизими, сунъий тиллар, автоматлар учун дастурлар ва алгоритмлар, табиат ва жамиятдаги сигналлар тизимлари мисол бўлиши мумкин.

символ

Фанда (мантиқ, математика ва б.) белги; 2) санъатда – илоҳий образнинг уни англаш, ифодалаш ёки муайян бадиий образ нуқтаи назаридан тавсифи. Аллегориядан фарқли ўлароқ, символнинг маъноси унинг образи структураси билан узвий бўлиб, ўз мазмунининг чексиз кўп маънолилиги билан ажралиб туради.

Символ – моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмуни. Символнинг моҳиятини формал мантиқ доирасида аниқ таърифлаш мумкин эмас. У идрок этувчи субъектнинг қизғин фаолиятига мўлжалланган сермаъно тизимдир. Символик фаолият инсон онгига хосдир. Немис файласуфи – неокантчи Кассирер фикрига кўра, «инсон символик ҳайвондир»; тил, миф, дин, фан «символик шакллар» бўлиб, уларнинг воситасида инсон ўзини қуршаган муҳитни тартибга солади. Символнинг маъноси фақат одамлар мулоқоти доирасида амалда мавжуд бўлади. У қанча сермаъно бўлса, шунча бой мазмун касб этади. Символ структурасининг ўзи айрим ҳодиса орқали дунёнинг яхлит образини тавсифлашга қаратилгандир.

ТУШУНТИРИШ

Тушуниш билан бир қаторда, муҳим билиш процедураси – тушунтириш ҳам мавжуд. Унинг бош мақсади – ўрганилаётган предметнинг моҳиятини, ривожланиш сабаблари, шартлари ва манбаларини, ҳаракат механизмларини аниқлашдан иборат. Тушунтириш, одатда, тавсифлаш билан чамбарчас боғлиқ ва илмий башоратнинг негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам тушунтириш деганда, умумий тарзда, муайян факт ёки ҳодисани умумлаштиришни тушуниш мумкин. *Тушунтириш объектнинг моҳиятини очиб бериш билан бирга, тушунтиришни асослашда фойдаланилган билимларга аниқлик киритиш ва уларни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади.* Хуллас, тушунтириш вазифаларини ҳал қилиш илмий билим ва унинг концептуал аппарати ривожланишининг муҳим стимулидир.

ТУШУНТИРИШ ВА ТУШУНИШНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ

Тушуниш ва тушунтириш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Аммо тушуниш тушунтиришни, яъни ўрганилаётган ҳодисани қонунга ва сабабга боғлашни назарда тутмаслигини унутмаслик керак. Бундан ташқари, тушунишни тушунтиришга қарама-қарши қўйиш, шунингдек, инсон билиш фаолиятининг ҳар қандай соҳасида фаолият кўрсатувчи ва бир-бирини тўлдирувчи бу икки тадқиқот процедураларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Мазкур процедураларни фарқлаб, М.М.Бахтин шундай деб ёзган эди:«Тушунтиришда фақат бир онг, бир субъект, тушунишда эса – икки онг, икки субъект қатнашади. Объектга нисбатан диалогик муносабат бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам тушунтириш диалогик жиҳатларга эга эмас (формал-риторик жиҳатдан ташқари). Тушуниш ҳар доим маълум даражада диалогик хусусиятга эга».

ХУЛОСА

Тушунтириш – инсоннинг ҳамкорлик фаолиятида билиш жараёнлари объектига кирган нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини фикр узатиш, ўзаро таъсир ўтказиш, таъсирланиш, мулоқот, тақлид ёрдами билан ойдинлаштириш, хотирадаги билимлар ва ижтимоий тажрибалар билан уларни уйғунлаштирган ҳолда тушуниш сари етакловчи ақлий фаолият. Тушунтириш ҳамкорлик фаолиятида (фикрни изоҳловчи – фикрни қабул қилувчи иштирокида) индивидуал, триалогик, полилогик шаклларида амалга оширилади. Ўзининг муддати, кўлами, узатиш воситалари, вербал ва новербал нутқ турлари устуворлиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Жамиятнинг
фалсафасий
таҳлили


Жамият тушунчаси
Жамият фанга маълум тизимлар орасида энг мураккаби бўлиб, уни ўрганиш жиддий қийинчиликлар туғдиради. Жамият ҳаёти жуда фаол бўлиб, ҳар бир халқ ўзининг алоҳида, бетакрор тарихига эга. Жамият ҳаётининг барча жараёнлари бир-бири билан шу даражада узвий боғлиқки, баъзан турли вазиятларда белгиловчи ва белгиланувчи жараёнлар ўрин алмашади. Тарихий жараёнда тасодифлар ва субъектив омил, айниқса, муҳим роль ўйнайди.

Маданий-тарихий типлар ғояси

XIX асрда маданий-тарихий типлар назарияси вужудга келди. Маданий-тарихий типлар тушунчаси социологияга Н.Я.Данилевский томонидан киритилган бўлиб, у тарихни «ўзига хос цивилизациялар»нинг ўзаро муносабатлари сифатида тасаввур қилган. Бу цивилизацияларнинг ривожланиши *этник гуруҳларнинг тил жиҳатидан бирлиги ва цивилизацияни ташкил этадиган халқларнинг сиёсий мустақиллиги; (улар бир типнинг асосларини бошқа типга ўтказмайдилар, лекин бошқа ўтмишдаги ва ҳозирги цивилизациялар таъсирини ҳис қиладилар); барча цивилизацияларнинг этник жиҳатдан ранг-баранглиги ва ривожланиш жараёнининг бирлиги (улар ўсиш, қисқа муддат равнақ топиш ва таназзул босқичларини бошдан кечиради)* каби қонунлар билан белгиланади. Данилевскийнинг ғоялари кейинчалик Шпенглер ва Тойнби концепцияларида ривожлантирилди, лекин уларнинг илмий асосларини П.А.Сорокин таклиф қилди.

П.А.СОРОКИН

Таниқли файласуф *П.А.Сорокин* (1889–1968) тарих фалсафасининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди. У жамиятга индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолияти билан белгиланадиган бир-бири ва жамият билан ўзаро муносабатлари натижасида вужудга келадиган интеграл яхлитлик сифатида қараган. П.А.Сорокин жамиятни горизонтал, вертикал йўналишларда ва флуктуация (тебраниш) тарзида мураккаб ҳаракатда бўлган *ижтимоий-маданий тизимларнинг* ранг-баранглигини тан олиш нуқтаи назаридан тавсифлаган. П.А.Сорокин социологиясида ўтмиш ва ҳозирги социология фанининг муҳим ғоялари уйғун бирликда жамланган ва ифодаланган.


Жамиятнинг вужудга келиши ҳақида аждодларимиз ҳаётининг археологлар топган ва одамларнинг кўплаб авлодлари босиб ўтган мураккаб ва фожиаларга тўла тарихий йўлдан далолат берадиган изларга қараб хулоса чиқариш мумкин. Шунга қарамай инсон ва жамият келиб чиқишининг тўлиқ манзараси фанда ҳанузгача яратилмаган. Жамият келиб чиқишининг диний талқини ҳам (у ўз мифологиясини ҳақиқат деб тан олишни талаб қилади), идеалистик концепция (ўзининг спекулятивлиги туфайли) ва материализм (илмий далиллар етарли эмаслиги боис) ҳам асосли эътирозлар уйғотади. *Кант* материализмдан инсон руҳининг табиатини тушунтирувчи тамойил сифатида фойдаланиш ҳеч қачон мумкин эмас, деганида, маълум маънода ҳақ эди. Аммо, далилий маълумотлар озлигига қарамай, биз жамиятнинг вужудга келиш манзарасини анча аниқ яратиш имконини берадиган илмий далилларга ишонч билан қараш лозим, деб ҳисоблаймиз.
Жамият тушунчаси жамиятнинг вужудга келишига доир қарашлар


Бу назарияга кўра меҳнат, сўнгра бурро нутқ инсон жамиятини яратган.
Бундай қарашлар *меҳнат ва меҳнат қуроллари марксча назарияси* доирасида амалга оширилган.
Жамиятнинг келиб чиқишини илмий тавсифлаш борасидаги қарашлар
З.Фрейд инсон виждонини унинг келиб чиқиш манбаи деб ҳисоблаган.
Инсон ҳаётида меҳнат қуролларининг аҳамиятини рад этмаган ҳолда, бу фаразни тасдиқловчи аниқ илмий далилларга дуч келмадик.

Иқтисодий кичик тизим.
Ижтимоий ишлаб чиқариш тушунчаси

Ҳозирги кўринишда жамият такрор ишлаб чиқариш, ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини ўзи ташкил этиш ички механизмларига эга бўлган тарихан муайян, яхлит ва барқарор тизим сифатида намоён бўлади. Жамият – бу *одамларнинг шундай бир бирлашмасики, унинг яхлитлиги ижтимоий ишлаб чиқариш, яъни одамларнинг ишлаб чиқариш, ўз ҳаётини кувватлаш ва такрор ишлаб чиқаришга қаратилган биргаликдаги фаолияти билан таъминланади.* Ижтимоий ишлаб чиқариш – вақтда давом этадиган ва вақти-вақти билан такрорланадиган жараён (такрорий ишлаб чиқариш). Айни вақтда у ўзгарувчанликни, муайян ижтимоий динамикани (яъни, соф ишлаб чиқаришни) ўз ичига олади. Кўрсатилган омилларнинг бирлиги, бир томондан, анъана, ижтимоий меросга, бошқа томондан эса, амалий ва маънавий тажрибанинг ошиши ва тўпланишига асосланади. Ижтимоий динамика, жамиятнинг ривожланиши ишлаб чиқаришда ва одамлар хулқ-атворини бошқаришда тўпланган тажрибани сақлаш ва келгуси авлодларга қолдириш усулларини такомиллаштириш билан таъминланади. Тажрибани баҳам кўришнинг муҳим воситалари – тил, намойиш этиш, ўрнак кўрсатиш ва энг муҳими – тажрибани ўзлаштираётган одам қайси халқ вориси бўлса, шу халқнинг ижтимоий бойлиги ва маданий мулки ҳисобланади.

Иқтисодий кичик тизим *ишлаб чиқариш фаолияти ва кишиларнинг бу жараёндаги муносабатлари шаклларининг мажмуидир.* Ҳар бир жамият ўз мавжудлиги ва ривожланиши учун зарур табиий Бойликларга эга. Аммо ижтимоий бойлик инсон меҳнати билан яратилади. Аждодлар яратиб қолдирган бойликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳамда жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ижтимоий бойликнинг ўсишига олиб келади. Бунинг натижасида *мулк* институти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим воситаси ва рағбатлантирувчи омили сифатида вужудга келади. Даставвал куч ҳуқуқи, обрў ва одатга таянган мулкий муносабатлар кейинчалик юридик шакл-шамойил касб этади. ривожланган кўринишда мулк ижтимоий бойликнинг маълум улушига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини англатади. У турли шаклларда мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, бу ижтимоий ишлаб чиқаришнинг шаклини ҳам белгилайди.

Моддий ишлаб чиқариш

Иқтисодий тизим моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни ҳамда моддий ва маънавий хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий иқтисодий муносабатлар

Ходимлар, уларнинг меҳнати ва ишлаб чиқариш воситалари – меҳнат қуроллари ва воситалари ишлаб чиқаришнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш моддий-техника воситалари ва уларни ишга солишга қодир бўлган одамлар мажмуи *жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини* ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида турли-туман муносабатлар юзага келади. Уларнинг орасида *ташкилий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-технологик ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар* айниқса муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш-технологик муносабатлар техника ва ишлаб чиқариш технологиясининг хусусияти ривожланиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлса, ташкилий-иқтисодий ва айниқса, *ижтимоий-иқтисодий муносабатлар* асосан ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулк шакллари билан белгиланади.

Маънавий кичик тизим

Одамларнинг маънавий фаолияти жамият мавжудлигининг зарурий шартидир. Одамлар онгли мавжудотлар бўлиб, улар ўз тафаккури билан ижтимоийликнинг барча кўринишларини англаб етади. Бу жараёнда олимлар, рассомлар, журналистлар, турли партиялар ва ҳаракатларнинг мафкурачилари ва шу кабиларнинг ихтисослашган касбий маънавий фаолияти муҳим роль ўйнайди. Уларнинг нисбатан мустақил касбий фаолияти ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига хизмат кўрсатади. Маънавий ишлаб чиқаришда иқтисодий кичик тизим қонуниятлари, яъни жамиятнинг хўжалик жараёнлари ўртасидаги такрорланувчи муҳим-зарурий боғланишлар ўзига хос тарзда намоён бўлади. *Уларнинг қаторига эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш қонунлари, қиймат қонунини киритиш мумкин.*

Хулоса

Маданият инсон фаолияти билан узвийдир. Унинг тараққиёти маданий-тарихий ижодда индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар иштироки билан белгиланади. Цивилизация – ўз-ўзини қувватловчи ўзгармас жамият, ижтимоий статика манбаи. Маданият – ижтимоий динамика манбаи, у тарих талабига жавоб бериш ва ижтимоий ўзгаришларга замин яратишга қодир шахсларни шакллантиради ва айни вақтда ўзи ҳам мазкур шахслар томонидан шакллантирилади.

ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

Аврелий Августин

Тарихнинг мазмуни – боқийликка элтувчи йўлдан боришда, инсон ҳаётининг мазмуни эса – Худога хизмат қилиш, гуноҳлардан фориғ бўлишдадир.

Ибн Халдун

Аввало, тарихнинг мазмуни, у тугаганидан кейин аниқ бўлади.

Шунингдек, тарихнинг мазмуни ҳақида эркинлик, ижод тушунчаларига таяниб сўз юритиш ҳам мумкин.

Тарихнинг мазмуни мутлақ руҳ ўзини ўзи англаб етишидадир.

Карл Ясперс

Тарихнинг қуйидаги босқичларини фарқлайди:

Тилларнинг вужудга келиши;

Меҳнат қуроллари ихтиро қилиниши;

Оловдан фойдаланишга киришилиши.

Тарихнинг мазмуни

Умуминсоний маданиятни ва вақт ўқининг аввалида шаклланган анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришдадир.

Социология

XIX асрда фалсафадан ажралиб чиқди.

Фан жамиятни тушунишга нисбатан фалсафий ёндашувларни асосан тан олади.

Айни вақтда ўз предмети ва тадқиқот методларига эга.

О.Конт

Биринчи қисм ижтимоий статикани, яъни ижтимоий тизимларнинг мавжудлик шартларини ва уларнинг амал қилиш қонунларини,

иккинчи қисм эса – ижтимоий динамикани, яъни жамиятнинг ривожланиш ва ўзгариш қонунларини ўрганади.

ТАРИХНИ МАТЕРИАЛИСТИК ТУШУНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

БУ ЎЗИНИ ОҚЛАМАДИ

Герберт Спенсер (1820–1903)

Социологияда органик йўналиш асосчиси

Жамиятга индивидлар бирлашмаси сифатида ёндашади.
Унинг фикрича, мазкур индивидларнинг ривожланишидаги
фарқлар жамият эволюциясининг дастлабки шартлари ҳисобланади.

Э.Дюркгейм (1858–1917)

Жамиятни тушунишни қадриятлар тизими билан боғлаган, фақат шу йўл билан тарихни унинг ўзига хос хусусиятига мувофиқ тарзда ўрганиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Макс Вебер (1864–1920)

Онгнинг ўзаро алоқаси замирида субъектнинг қадриятга бўлган муайян муносабати ётади.

Таҳлил қилинаётган материал нинг иқтисодий, диний ва ахлоқий қадриятлар билан ўзаро нисбатини аниқлаш лозим.

И.А. Каримов (1938 й.т.)

Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас.

Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Н.Жўраев (1952 й.т.)

Ҳозирги замон тарих фалсафасининг қуйидаги вазифаларини белгилайди:

Инсоният тарихи ривожланиш қонуниятларини, уларнинг манбалари ва моҳиятини ўрганиш;

Умуммий шаклини таҳлил этиш, уларни ўтмиш, бугун, келажак тизимида мантиқан ўрганиш ҳамда инсоният истиқболи ҳақида тасаввурларга аниқлик киритиш;

Инсоният тарихини, жумладан, миллий тарихни ҳам ҳозиргача таъсирини ўтказиб келаётган коммунистик мафкура асосидаги илмий методологияда мавжуд бўлган тамойиллардан воз кечиб, миллий истиқлол ғояси асосида ўрганиш ва даврлаштириш муаммосини ҳал этиш;

Цивилизациялар ва маданиятлар юзага келишининг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, улар инқирози сабабларини чуқур таҳлил этиш;

Тарихий тараққиёт омилларини диний ва дунёвий қонунлар нуқтаи назаридан ўрганиш, назарий жиҳатдан бақувват илмий ва амалий асосланган хулосаларни ишлаб чиқиш;

Қадриятлар тизимини ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва баҳолаш;

Тарих фалсафаси

Фалсафанинг тарихий жараённи ва тарихий билишни талқин қилиш билан боғлиқ бўлган бўлими

Бу фалсафанинг тарихий жараён мазмуни, унинг қонуниятлари ва асосий йўналишларини тушунтириш билан шуғулланувчи, шунингдек, уни билиш методларини асословчи бўлими.


Тарих фалсафаси гносеологияси
Тарих фалсафаси онтологияси
ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ
Тарих фалсафаси тарихи
Тарих фалсафаси антропологияси

Тарих фалсафасининг функциялари
дунёқарашга доир функцияси
назарий функцияси
методологик функцияси
прогностик функцияси

ТАРИХ
ФАЛСАФАСИНИНГ
КОНЦЕПЦИЯЛАРИ
диний-мифологик
натуралистик
Объектив
идеализм
идеалистик
натурализм
теологик
технократик
гносеологик
онтологик
аксиологик

ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ УЧ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ
прогрессив,
регрессив
циклли
Ҳозирги замон тарих фалсафасида тарихий жараён мантиғи ва йўналишини тушунтиришга нисбатан икки асосий ёндашув
формацион ёндашув
цивизацион ёндашув

Хулосалар:

Тарих фалсафаси – бу фалсафанинг тарихий жараён мазмуни, унинг қонуниятлари ва асосий йўналишларини тушунтириш билан шуғулланувчи, шунингдек уни билиш методларини асословчи бўлими. Қуйидагилар тарих фалсафасининг таркибий қисмлари ҳисобланади: тарих фалсафаси онтологияси, тарих фалсафаси гносеологияси, тарих фалсафаси тарихи, тарих фалсафаси антропологияси. Тарих фалсафасининг дунёқарашга доир, назарий, методологик ва прогностик функциялари фарқланади.

Тарих фалсафасининг ҳозирги концепциялари орасида гносеологик йўналиш (танқидий тарих фалсафаси), онтологик концепция, аксиологик концепция, тарихнинг технократик концепциялари алоҳида ўрин эгаллайди.

Формацион ва цивилизацион ёндашувлар тарихий жараён йўналишини айниқса тўлиқ ва теран акс эттиради. Айрим тадқиқотчилар кўрсатилган ёндашувларга мувофиқ монадага доир ёндашувни тахмин қиладилар.

ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯ – ИНСОН ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

ИНСОН ФАЛСАФИЙ МУАММО СИФАТИДА

Фалсафа тарихида инсонга мурожаат этмаган, инсон моддий ва маънавий борлиғининг турли томонларини бевосита ёки билвосита таҳлил қилмаган файласуф ёки фалсафий йўналишни топиш деярли мумкин эмас. Аксарият фалсафий ва диний тизимлар катта олам ёки макрокосмга зид ўлароқ, инсонга микрокосм ёки кичик Коинот сифатида қараб, уни бутун оламни тушуниш калити деб ҳисоблаганлар. Файласуфлар инсон сирининг тагига етиш борлиқ жумбоғининг тагига етиш билан баробар эканлигини қайта-қайта англаб етганлар. Зеро, Форобий айтганидек: – «Одамлар ўзларининг хос хусусиятларига ва табиий эҳтиёжларига кўра жамият тузадилар. Уларнинг ҳаракат ва феълларини даставвал бора-бора одатларга айланадиган табиий қобилиятлар белгилайди». Ўз-ўзингни англа ва шу орқали дунёни англайсан. Дунёни инсоннинг теран қатламларига кирмасдан сиртдан билишга бўлган барча уринишлар нарсалар ҳақида фақат юзаки тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Инсондан сиртга қараб юрадиган бўлсак, нарсалар моҳиятини ҳеч англай олмаймиз, зеро бу моҳият инсоннинг ўзида мужассамлашган.

ФАЛСАФА ТАРИХИДА ИНСОН МУАММОСИ
Инсон ҳар сафар мутафаккирлар диққат марказидан ўрин олар экан, унинг моҳиятини янги тарихий шароитда ва янгича нуқтаи назардан англаб етишга ҳаракат қилиб, уни қайта ва қайта янгидан кашф этганлар.
Пировардида, фалсафа фанида инсондан мураккаброқ ва зиддиятлироқ предмет йўқ, десак, ҳеч муболаға бўлмайди.
Машҳур француз файласуфи Р.Декарт (1596–1650)
Асарларида инсон моҳияти масаласига нисбатан бутунлай ўзгача ёндашувга дуч келамиз.
У «инсон фикрловчи нарсадир», деб ҳисоблайди.


Инсонни ўрганишга нисбатан бошқа кўп сонли ёндашув
интровертив
экстровертив
инсоннинг онг, жон, руҳият, инстинктлар, нуқсонлар, фазилатлар каби муҳим хусусиятларини таҳлил этиб, уни «ичдан» тушуниш, англаб етишни назарда тутади
инсонга назар ташлаш, унинг моҳиятини таҳлил қилиш гўёки «сиртдан» амалга ошириладики, бунинг натижасида диққат марказидан унинг ижтимоий ва табиий моҳияти ўрин олади; тегишли мўлжалларга мувофиқ инсоннинг Худо, космос, универсум ва шу кабилар билан алоқаси таҳлил қилинади.
ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН
Қадимги Шарқ, хусусан Хитой фалсафий тизимлари
социоцентрик концепциялар

ҚАДИМГИ ҲИНД ФАЛСАФАСИ
антропоцентризм
МАСАЛАН:
Буддизмда *нирванага эришиш* инсон барча ниятларининг пировард мақсади деб эълон қилинади. Нирвана жоннинг шундай бир ҳолатики, бунда ҳар қандай майллар йўқолади ва ички уйғунлик юзага келади, мутлақо эркинлик ва ташқи дунёга қарам эмаслик туйғуси пайдо бўлади.


ТЕОЦЕНТРИЗМ КОНЦЕПЦИЯСИ
Бу концепцияга мувофиқ ҳамма нарсани Худо белгилайди. Христианликнинг моҳиятини акс эттирувчи турли креационистик назарияларга кўра бутун дунё, шу жумладан, жонли дунё (ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон) дарҳол ва ўзининг мукаммал кўринишида яратилган. Инжилнинг дунё олти кунда яратилгани ҳақидаги ривоятига асосланган бу нуқтаи назар европаликлар тафаккурида Дарвиннинг эволюцион назарияси пайдо бўлгунича, яъни XIX асрнинг ўрталарига қадар ҳукм сурди. Христианлар дунёсида диндор одамлар орасида у бугунги кунда ҳам амал қилмоқда.


Теоцентризм нуқтаи назаридан инсоннинг моҳиятини англаб етиш
МАСАЛАН:
Қадимги юнон файласуфлари ёки кейинги материалистик фалсафий концепциялардаги каби оқилона фикрлаш йўли билан эмас, балки Муқаддас Китобда таърифланган ваҳийлар ёрдамида амалга оширилади. Бу ваҳийларни фақат Инжил ақидаларига эътиқод қилиш орқали тушуниб етиш мумкин.
Теоцентризм нуқтаи назаридан эътиқод нуридан чароғон бўлган ақл дунёдаги илоҳий тартибнинг таркибий қисми саналган ва «Худонинг тимсоли» сифатида амал қиладиган инсоннинг ўзини эмас, балки унинг баъзи бир жиҳатларинигина аниқлашга ёрдам беради.


«Инсон, у узоқ вақт ўйлаганидек, дунёнинг статик маркази эмас, балки эволюциянинг ўзига ва чўққиси бўлиб, бу анча гўзалроқдир», деб қайд этади
француз файласуфи ва теологи
П.Т. де Шарден (1881–1955)

ИНСОННИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ҲАҚИДАГИ БИРИНЧИ ЁНДАШУВ

Инсоннинг пайдо бўлишига олиб келган табиатнинг қонуний ривожланиши ғоясидан келиб чиқади. Бунда инсон жонсиз, кейинчалик эса – жонли модданинг табиий эволюцияси маҳсули сифатида қаралади. Мазкур концепция 1859 йилда инсон келиб чиқишининг табиий-илмий талқинига асос бўлган Ч.Дарвиннинг «Ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиши ҳақида» деб номланган машҳур асарини эълон қилган эволюцион назариясига таянади ва ҳозирги вақтда молекуляр биология ва ген инженерияси соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқлар таъсирида ўз шакл-шамойилини сезиларли даражада ўзгартириб, аксарият олимлар учун уларнинг илмий фаолиятида ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

ИНСОНГА ФАЛСАФА НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЁНДАШУВ

Бу ерда инсон нафақат турли томонлардан таҳлил қилинди, балки унинг ижтимоий, табиий ва космик жараёнлар билан ўзаро алоқалари ҳам ўрганилди.

Шундай қилиб, фалсафанинг онтология, гносеология, этика, эстетика каби бўлимлари билан бир қаторда, инсон ҳақидаги билимлар соҳаси аста-секин шаклланиб борди.

Бундай даврларда фалсафада инсоннинг моҳияти, унинг бурчи, вазифаси ва юз бераётган воқеалар учун жавобгарлиги ҳақидаги азалий масалаларга бўлган қизиқиш яна кучайган.

Инсонни қуршаган табиат ҳақида билимлар тўпланиши ва уларнинг ривожланишига қараб, одамзотнинг ўз-ўзига бўлган қизиқиши ҳам кучайиб борди, инсон борлиғининг бу соҳадаги тадқиқотлар учун янада кенгроқ имкониятлар яратувчи янги ва янги ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Инсоннинг кўп ўлчовлилиги

Экстравертив ёндашув инсонга назар ташлаш, унинг моҳиятини таҳлили қилиш гўёки «сиртдан» амалга ошириладики, бунинг натижасида диққат марказидан унинг ижтимоий ва табиий моҳияти ўрин олади; тегишли мўлжалларга мувофиқ инсоннинг Худо, космос, универсум ва шу кабилар билан алоқаси таҳлил қилинади.

ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН

Қадимги Шарқ, хусусан, Хитой фалсафий тизимлари асосан социоцентрик концепциялардан иборат бўлиб, уларда инсон, одатда, жамият, социум билан узвий боғлиқ деб қаралади.

↓

«Идеал муносабатлар қонуни»га одамлар ўртасида, оила, жамият, давлатда риоя қилиш инсон ҳаётининг муҳим маъноси ҳисобланади.

↓

Бошқача айтганда, инсон ўз шахсий ҳаётини доим жамият равнақи, камолоти билан ўлчаши лозим, хусусан, у кейинчалик оила ва давлатни такомиллаштиришга ҳаракат қилиш учун ўзини камол топтириши лозим.

↓

Шу маънода машҳур қадимги хитой файласуфи *Конфуций* (мил. ав. 551–479-й.й.)нинг фикрлари диққатга сазовор бўлиб, у шундай деб сабоқ беради: «қилмишларнинг асослари ва тамойилларини ўргансанг, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги фикрларинг (ахлоқий билимлар) баркамолликнинг энг сўнгги даражасига етади. Ниятлар соф ва холис бўлса, қалб ростгўй ва самимий бўлади. Қалб ростгўй ва самимий бўлса, инсон тўғри йўлга киради, камол топади. Инсон тўғри йўлга кирса ва камол топса, оилада тартиб ўрнатилади.Оилада тартиб ҳукм сурса, халқларни бошқариш осонлашади. Халқларни бошқариш осонлашса, бутун дунё тинч-тотув яшайди».

Қадимги ҳинд
фалсафаси дунёнинг ички дунёсини биринчи ўринга қўйиш, яъни антропоцентризмга хосдир
Масалан, буддизмда *нирванага эришиш* инсон барча ниятларининг пировард мақсади деб эълон қилинади. Нирвана жоннинг шундай бир ҳолатики, бунда ҳар қандай майллар йўқолади ва ички уйғунлик юзага келади, мутлақо эркинлик ва ташқи дунёга қарам эмаслик туйғуси пайдо бўлади.
Қадимги ҳиндларнинг бошқа бир диний-фалсафий таълимоти – жайнизм нуқтаи назаридан инсон ўзининг маънавий моҳияти билан моддий моҳиятни назорат қилиш ва бошқаришга эришиш учун узоқ ва оғир йўл – жоннинг эркинлашуви йўлини босиб ўтиши лозим.

ҒАРБ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН
Шарқ тафаккурида инсонга нисбатан юқорида қайд этилган ёндашувлар билан бир қаторда табиат, космос муаммолари ҳам қадимдан муайян ўрин эгаллаб келади. Бунда инсонга улкан дунёдаги бир зарра сифатида қаралади. Аммо дунёга нисбатан космоцентрик ёндашув антик фалсафа ривожланишининг илк босқичларига кўпроқ хосдир. Дунёнинг мазкур талқинига мувофиқ биринчи ўринга Суқрот давридаёқ фалсафанинг диққат марказидан ўрин олган инсон ҳақида мулоҳаза юритиш учун ҳам тегишли замин ҳозирловчи дунё ва космос муаммолари чиқади.

XIX асрдан бошлаб Европа фалсафий тафаккури *Ф.Шеллинг, А.Шопенгауэр, М.Штирнер, С.Кьеркегор, Ф.Ницше, Н.Бердяев, А.Бергсон* каби файласуфларнинг саъй-ҳаракатлари билан инсон мавжудлигини индивидуал ва тарихий муайянлаштириш сари юз бурди. Ҳаёт, сезгилар, хоҳиш-ирода, иррационаллик тушунчалари махсус фалсафий таҳлил предметига айланди ва кейинчалик экзистенциализм, интуитивизм ва персонализм фалсафасида ривожлантирилди.

ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Фалсафий антропология инсоннинг алоҳида борлиқ манбаи сифатида келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши ва мавжудлигининг ўзига хос хусусиятларига доир фалсафий қарашларни акс эттиради.

ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Фалсафий антропология инсоннинг алоҳида борлиқ манбаи сифатида келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши ва мавжудлигининг ўзига хос хусусиятларига доир фалсафий қарашларни акс эттиради.

ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯ ФАНИНИНГ МОҲИЯТИ

Инсон ҳақидаги билимларни бирлаштириш лозимлиги хусусида Шелердан олдинроқ ҳам сўз юритилган эди. XIX аср ўрталарига келиб инсон ўта мураккаб структура эканлиги, уни фақат фалсафа ёки бошқа бирон-бир муайян фан методлари билан тўла англаб етиш мумкин эмаслиги, яъни инсон жамулжам ҳолда аниқ билим предмети бўла олмаслиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Шунингдек, айрим табиий фанлар, ҳар бири ўз соҳасида, вақт ўтиши билан умумийроқ хулосаларга келишни талаб этувчи салмоқли материал тўплади.

Бундай умумлаштиришга эҳтиёж Дарвиннинг эволюцион назарияси пайдо бўлиши билан айниқса, бўртиб кўрина бошлади. Бу назария инсонга оид табиий-илмий тадқиқотларга кучли туртки берди, шунингдек материалистик фалсафий концепциялар ривожланиши учун қўшимча асос бўлиб хизмат қилди.

Инсонннинг биоижтимоий моҳияти

Фалсафий антропология ечадиган муҳим муаммолар орасида инсон биологик ва ижтимоий моҳиятининг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала алоҳида ўрин эгаллайди. Инсон жонли табиатнинг бир қисми, шунингдек, биологик эволюция маҳсули эканлиги ҳозирги замон табиатшунослиги фанида нафақат олимлар ва мутахассислар, балки маърифатли одамларнинг кенг доираси учун ҳам аниқ-равшан ва деярли шак-шубҳасиз далилга айланди. Ҳар бир инсон ўз биологик хусусиятлари: генетик коди, вазни, бўйи, мижози, териси ва сочининг ранги, яшаш муддати ва шу кабиларга кўра бетакрордир.

Бироқ айни вақтда инсон ижтимоий мавжудот эканлиги, унинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги одамзотнинг ижтимоий табиати, у камол топган, таълим-тарбия олган, маданий ва ахлоқий қадриятлар ва мўлжал-ларни ўзлаштирган ижтимоий муҳит билан белгиланиши ҳам шак-шубҳасиздир. Айни шу сабабли инсон индивиди нафақат биологик, балки ижтимоий мавжудот сифатида ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Бошқача айтганда, инсоннинг камол топиши жамиятда ва фақат жамиятда юз беради.


Инсонни тушунишда дуализм ва монизм
дуалистик ёндашув – одамзот, бир томондан, моддий организмдан, бошқа томондан эса – мустақил моҳият саналадиган ва бу организмни бошқарадиган номоддий жондан ташкил топган мавжудот сифатида қаралади.
монистик концепцияси инсон руҳияти, унинг туйғулари, фикрлари, эмоциялари ва кайфияти инсон организмининг таркибий қисми саналган бош мия нерв ҳужайралари ҳаёт фаолиятининг маҳсулидан ўзга нарса эмас, деган тушунчадан келиб чиқади.


Биологизаторлик концепциялари
Биологизаторлик концепцияларининг тарафдорлари инсонни унинг табиий, биологик асосидан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қилади.
Биологизаторлик ёндашувлари XIX ва XX асрлар чегарасида Дарвиннинг табиий танланиш ҳақидаги таълимотини мутлақлаштириб, нафақат инсоннинг келиб чиқиши, балки унинг моҳиятини, пировард натижада эса – бутун ижтимоий муносабатлар табиатини тушунтиришга ҳаракат қилган социал-дарвинистларга ҳам хосдир. Ҳозирги вақтда бу йўналишни одамларга ҳам, ҳайвонларга ҳам тенг даражада хос бўлган ирсиятга урғу берувчи социобиология давом эттирмоқда.

Социологизаторлик концепциялари

Биологизаторлик ёндашувига зид ўлароқ, *социологизаторлик ёндашуви инсон табиатини ижтимоий муносабатларда кўришга ҳаракат қиладилар. Бунда улар баъзан нафақат инсоннинг ижтимоий асосини унинг биологик асосига қарама-қарши қўядилар, балки сўнгги зикр этилган асосни ҳайвоний ва ҳаттоки тубан, шу боис жиддий эътиборга лойиқ эмас, деб ҳисоблайдилар.*

Инсоннинг моҳияти

Инсоннинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиш жараёнида у нафақат ташқи, балки ички, пинҳона хусусиятларга ҳам эга эканлигини, улар жамулжам ҳолда инсоннинг *индивид, индивидуаллик, шахс* каби тушунчаларда акс этадиган муайян образини шакллантиришини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бошқача айтганда, инсоннинг моҳиятини унинг ички ва ташқи борлиғи бирлигида, унинг дунёга фаол муносабатида излаш керак.

Инсоннинг моҳияти

Инсоннинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиш жараёнида у нафақат ташқи, балки ички, пинҳона хусусиятларга ҳам эга эканлигини, улар жамулжам холда, инсоннинг *индивид, индивидуаллик, шахс* каби тушунчаларда акс этадиган муайян образини шакллантиришини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бошқача айтганда, инсоннинг моҳиятини унинг ички ва ташқи борлиғи бирлигида, унинг дунёга фаол муносабатида излаш керак.

ИНСОННИНГ ВАЗИФАСИ

Муайян инсон ўз ҳаёти сўнишининг юқоридасанаб ўтилган босқичларини англамаслиги ҳам мумкин (аксарият ҳолларда шундай бўлади), аммо у ўз ҳаёт йўлидан илгарилар экан, бу дунёда нима учун яшаяпман, деган саволга ўз ҳаракатлари, қилмишлари билан жавоб беради. Агар инсон уларни ҳали тўла англаб етмаган бўлса, мазкур вазифани ечиш ўз ҳаёт йўлини эндигина танлаётган одам учун ҳам, умрининг шомида ортга назар ташлаб, ўз ҳаётини сарҳисоб қилаётган одам учун ҳам тенг даражада мушкул иш бўлиб қолади.

ХУЛОСА

1. Муайян инсон ўз ҳаёти сўнишининг юқорида санаб ўтилган босқичларини англамаслиги ҳам мумкин (аксарият ҳолларда шундай бўлади), аммо у ўз ҳаёт йўлидан илгарилар экан, бу дунёда нима учун яшаяпман, деган саволга ўз ҳаракатлари, қилмишлари билан жавоб беради. Агар инсон уларни ҳали тўла англаб етмаган бўлса, мазкур вазифани ечиш ўз ҳаёт йўлини эндигина танлаётган одам учун ҳам, умрининг шомида ортга назар ташлаб, ўз ҳаётини сарҳисоб қилаётган одам учун ҳам тенг даражада мушкул иш бўлиб қолади.

2. Инсон ўз табиатига кўра ўлимга маҳкум, аммо, буни тушунган ҳолда, у ўзи билан боғлиқ ҳамма нарса ўзининг туғилиш ва ўлиш саналари билан чегараланган қисқа вақт оралиғида жамланганини тан олишни истамайди. У ўз тақдирини ижтимоий муҳим мақсадлар, маънавий уйғониш билан боғлашга ҳаракат қилиши айни шу ҳол билан изоҳланади.

3. Яна бир йўлни дин таклиф қилади. Бу ерда у ёки бу эътиқодларга қараб, ҳаётнинг мазмуни ва шахсий умрбоқийликка эришиш ҳақидаги саволга шаклан ҳар хил, лекин мазмунан жуда ўхшаш жавоблар берилади. Уларда асосан у дунё чин дунё эканлиги, бу дунёда бажарилган ишларга ҳақиқий баҳо у дунёда берилиши ва шу кабилар тўғрисида сўз юритилади.

4. Яна бир имконият – бу дунёда ўз ҳаётини одамларга, эзгулик, ҳақиқат ва адолатга хизмат қилишга бағишлашдан иборат. Шу тариқа инсон ўз ишлари, ғоялари ва қилмишлари билан келгуси авлодлар хотирасида қолиш имкониятини қўлга киритади. Инсон бу йўлларнинг қайси бирини танлаши фақат унинг ўзига боғлиқ. У ўз ҳаётида бу ерда кўрсатилганидан бутунлай бошқа йўлни танлаши ҳам мумкин. Лекин эртами-кечми ҳар бир инсон ҳаётда ўзи танлаган йўлнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида мулоҳаза юритиши муқаррардир.

ҚАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ

ФАЛСАФИЙ ДАВРЛАР ВА
ФАЛСАФИЙ МАКТАБЛАР
Антик давр
қадрият ва борлиқ айнийлаштирилган, қадриятга хос бўлган хусусиятлар эса унинг мазмунига киритилган
Ўрта асрлар
қадриятлар диний хусусият касб этган ва илоҳий моҳият билан боғланган
Уйғониш даври
ижодида инсонпарварлик ва ҳурфикрлилик қадриятлари биринчи ўринга чиққан
Янги давр
қадриятлар ҳақидаги таълимотга нисбатан ёндашувлар рационализм нуқтаи назаридан тавсифланган


XX асрнинг бошида француз файласуфи П.Лапи
Қадриятлар назариясини ифодалаш учун
«Аксиология» юнонча «axios» – «қадрият»,
«logos» – «фан», «таълимот»
атамасини муомалага киритди.

Қадриятлар
инсоннинг ҳаёт тарзини, унинг ҳайвонот дунёсидан ажралишини тавсифлайди
одамларни жипслаштиради, уларни ҳамжамиятларга бирлаштиради
инсон фаолияти ва жамиятнинг ўзига хослигини теранроқ англаш имконини беради
инсоннинг дунёга бўлган муносабатининг алоҳида жиҳатини намоён этади
инсоннинг дунёга бўлган муносабатининг алоҳида жиҳатини намоён этади


Қадриятлар ва мўлжалларни йўқотиш ёки вужудга келган қадриятлар тизимидан воз кечиш – муқаррар тарзда жамиятнинг таназзулга юз тутиши ва парчаланишига олиб келади


Аксиология соҳаси
Натуралистик психологизм
қадриятлар – манбаи инсоннинг биологик ва психологик эҳтиёжларида мужассамлашган объектив омиллар
Персоналистик онтологизм
қадриятлар – иерархияга эга иерархия шахснинг онтологик асосидир
Аксиологик трансцендентализм
қадриятлар –инсон эҳтиёжлари, майлларига боғлиқ бўлмаган идеал борлиқ
Маданий-тарихий релятивизм
тенг ҳуқуқли қадриятлар тизимларининг кўп сонлилиги
Социологик концепцияси
ижтимоий ҳаракат ва ижтимоий билимни талқин қилиш

Қадрият категорияси мазмуни
одамлар қадрлайдиган нарса
фикр ва воқелик ўртасидаги муносабат
Ҳақиқат
субъективликни чеклаш билан англанади,
Баҳолаш
субъектив асосни ўз ичига олади, унда предметнинг инсон учун аҳамияти намоён бўлади


«Қадрият» тушунчасининг фалсафий мазмуни
ижтимоийдир ва объект-субъектли хусусиятга эга
икки хосса билан тавсифланади
функционал аҳамияти – муайян ғояга маълум информацион мазмун ва ҳаққонийлик хос
инсоннинг амалий фаолиятида вужудга келади
шахсга доир мазмуни – инсон эҳтиёжларига бўлган муносабати
«муҳимлик» тушунчасидан фарқлаш лозим
ўз табиатига кўра объективдир

Баҳолаш ва қадрият ўртасида фарқ
қадрият баҳолаш предмети, баҳолаш – бу баҳо бериш жараёни
баҳо ижобий ёки салбий бўлиши мумкин («салбий қадриятлар» бўлиши мумкин эмас)
қадрият – объектив, баҳолаш эса субъективдир

Баҳолашнинг хусусияти
биринчи томони
иккинчи томони
нарсалар, хоссалар, жараёнлар ва ҳоказоларнинг айрим объектив хусусиятларини қайд этиш
субъектнинг объектга бўлган муносабати: маъқуллаш ёки қоралаш, хайрихоҳлик ёки ёмон кўриш ва ҳоказолардир


Дунёқарашга доир функция
Вариатив функция
Баҳолаш функциялари
Гносеологик функция
Фаоллаштирувчи функцияси


Баҳолаш структураси
предмет
субъект
асос
билим
инсон
мезон

Эҳтиёжлар ва қадриятлар
эҳтиёжлар ҳаракатчан
қадриятлар барқарор
эҳтиёжлар иерархиявий бўлиб, уларнинг иерархияси мунтазам равишда ўзгаради
қадриятлар нисбатан ўзгармас ва индивид томонидан унинг ижтимоийлашуви жараёнида ўзлаштирилади


Қадриятларнинг турлари
Моддий қадриятлар инсон меҳнати натижасида яратилган моддий дунё предметлари, ўтмиш маданий мероси предметлари
Ижтимоий-сиёсий қадриятлар сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлардаги ижтимоий имтиёз, жамиятнинг равнақ топиши, халқлар тинчлиги ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши
Маънавий қадриятлар ижтимоий онгнинг тегишли шаклда намоён бўлган меъёрий-нисбий томони фан, ахлоқ, санъат, фалсафа, ҳуқуқ


Қадриятларни субъектларга кўра таснифлаш
Индивидуал ёки шахсга доир қадрият – бу нарса, ҳодиса, ғоянинг муайян инсон учун қадрият сифатидаги аҳамияти
Группавий қадриятлар – бу нарсалар, ҳодисалар, ғояларнинг одамлар муайян бирлиги (синф, миллат, меҳнат жамоаси ва ш.к.) учун қадрият сифатидаги аҳамиятидир
Умуминсоний қадриятлар – бу нарсалар, ҳодисалар, ғояларнинг жаҳон ҳамжамияти учун қадрият сифатидаги аҳамиятидир

Жамият ва инсон ҳаётида қадриятларнинг роли
Иккинчи даражали аҳамиятга эга қадриятлар, уларсиз жамият ва инсоннинг нормал фаолияти издан чиқмайди
Кундалик ҳаёт ва эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган қадриятлар – моддий ва маънавий қадриятлар
Олий қадриятлар энг юксак даражада турувчи, одамларнинг фундаментал муносабат ва эҳтиёжларини


Инсон маънавияти учта асосни ўз ичига олади
маърифий
эстетик
ахлоқий
Уларга маънавий ижодкорларнинг уч типи мос
донишманд
санъаткор
тақводор

ХУЛОСА

1. Қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида ўз ҳолича эмас, балки вужудга келган қадриятларга муносабатлар тизими заминида муҳим ўрин эгаллайди,

2. Қадриятларнинг бутун ранг-баранглигини уч асос: ижтимоий ҳаёт соҳаларига, субъектларга, қадриятларнинг жамият ҳаётидаги ролига кўра таснифлаш мумкин.

3. Қуйидагилар инсон учун энг олий қадрият ҳисобланади: қадрият сифатидаги ҳаёт, қадрият сифатидаги соғлиқ ва қадрият сифатидаги эркинлик.


Фаолият фалсафаси
(Праксиология)
Праксиология (юнонча «praktikos» – «фаол») – фалсафанинг инсон фаолиятини ўрганишга бағишланган бўлимларидан бири

Фаолият тушунчасининг мазмуни
Фалсафада фаолият инсонга хос бўлган ва ташқи дунёни оқилона ўзгартиришга қаратилган фаолликнинг алоҳида шакли сифатида тавсифланади. Ижтимоий фалсафада фаолият ижтимоий жараёнларни амалга ошириш, инсоннинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўзини қуршаган дунё билан алоқага киришиш усули сифатида қаралади.
Фаолият муайян фаолият тури билан шуғулланиш қобилияти унинг амалдаги моддий ифодасига ўзаро ўтишини назарда тутади. Бу фаол инсон ташқи дунёни ўзгартириши ва ўзи ҳам ўзгаришини англатади. Форобий фикрича, «Инсон фаолиятсиз тура олмайди, аммо ҳар қандай фаолият ва ҳаракат инсонни инсон қилиб кўрсата олмайди. Чунки ўз табиатига кўра ҳайвонлар ҳам ҳаракат қиладилар. Ҳайвон овқатни кўради ва унга интилади ва бунда онгсиз ҳаракатни амалга оширади. Ихтиёр – комилликка интилиш ва унга эришиш сари ҳаракат демакдир.

Фаолиятнинг атрибутлари

Инсон фаолияти ўта ранг-барангдир. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, фаолият турларини таснифлаш учун асос бўлиб унинг инсон томонидан ўзгартириладиган объект: табиат, жамият, инсоннинг ўзига қаратилганлиги хизмат қилади. Фаолият атрибутлари (хоссалари) фаолиятни мотивлаштириш ва амалга ошириш механизмларини тавсифлайди. Фаолият атрибутлари орасида, аввало, субъектлилик ва моддийлик қайд этилади.

Субъектлилик

Фаолиятнинг субъектлилиги шу билан изоҳланадики, у шахснинг ўтмишдаги тажрибаси, унинг эҳтиёжлари ва мўлжаллари, мотивлари ва мақсадлари, эмоциялари ва иродасини тавсифловчи хусусиятлари, билиш қобилиятлари ва ҳоказолар билан белгиланади.

Субъектлилик

Фаолиятнинг моддийлиги инсондан ташқарида жойлашган ва унинг қўли билан ўзгартириладиган табиат ва жамият кучларига қаратилганини англатади. Аммо инсоннинг ўзи, унинг ўз-ўзини камол топтириши, ўз-ўзини тарбиялаши ва шахс ўз олдига қўядиган мақсадларга эришишга қаратилган тегишли ҳаракатлар ҳам ўзгартириш фаолиятининг предмети бўлиши мумкин.

Онглилик

Инсон фаолияти оқилона, онгли ва мақсадга мувофиқ бўлади. «Оқилоналик – инсон фаолиятининг барча турларига амалда хос бўлган жиҳат», деб қайд этади Э.Кассирер. Оқилоналик инсоннинг ўз фаолияти мақсадларини ақлга мувофиқ тарзда белгилаш ва уларни эркин ва онгли бошқариш қобилиятини англатади. И.Г.Фихте инсон табиат каби зарурият тақозосига кўра эмас, балки онгли ният билан иш кўришини таъкидлайди. Айни шу сабабли табиат ва жамиятни ўзгартириш инсониятнинг маънавий бурчидир.

мақсадга мувофиқлик

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик – инсон фаолиятини ҳайвонлар фаоллигидан фарқлаш имконини берувчи муҳим хоссалардир. Аммо улар «соф кўриниш»да мавжуд бўлмайди. Шу сабабли онглилик ва мақсадга мувофиқликка зид бўлган хоссаларни инсон фаолиятининг талқини доирасидан чиқариш ўринли бўлмайди. Онглилик фаолиятнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди, чунки мақсадни қўйиш ўз эҳтиёжларини ҳамда мавжуд вазиятни бу эҳтиёжларни қондириш шарти сифатида англашни назарда тутади. Мақсадга мувофиқ фаолият олдиндан мўлжалланган муайян натижага қараб мўлжал олади.

Фаолиятнинг унумлилиги

Инсон фаолияти унумли, аксарият ҳолларда амалийдир, лекин унумсиз ҳам, ноамалий ҳам бўлиши мумкин. Масалан, расм-русумларни бажариш унумсиз ҳисобланади (аммо баъзан муайян вазифаларни ҳал қилишга қаратилган расм-русумлар амалий хусусият касб этиши ҳам мумкин).

Моддий ва маънавий фаолият

Моддий фаолиятни соддалаштириб предметлар билан иш кўриш сифатида, маънавий фаолиятни эса – предметларнинг образлари билан иш кўриш сифатида тасаввур қилиш мумкин. Абстракт мулоҳаза юритиш орқали моддий ва маънавий фаолиятни «соф кўриниш»да, муайян қарама-қаршилик сифатида тасаввур қилиш мумкин. Аммо маънавиятдан холи бўлган моддий фаолият беҳудадир. Маънавий фаолият «соф кўринишда» мавжудми? Объектив идеализм тизимида муайян мутлақ ва ўз-ўзидан ривожланувчи ғоя унинг моддий манбасидан ташқарида мавжуд бўлиши тан олинади. Аммо инсоннинг реал ҳаётидаги маънавий фаолияти моддий фаолиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди, амалда моддий ва маънавий фаолият унсурлари турли даражада акс этган фаолият ранг-баранг шаклларининг континууми (лот. *«continuum»* – «узлуксиз тўплам»)гина мавжуддир.

Фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари

Ижтимоий фалсафада	шахснинг ижтимоийлашувини ёритади.
Социологияда	шахс ва жамиятнинг алоқасини сифатида қаралади.
Онтологияда	инсон борлиғи усули, унда одамнинг моҳиятини белгиловчи кучлар тўла акс этади.
Билиш назариясида	билишнинг негизи ва ҳақиқийлигининг муҳим мезони – амалиёт сифатида тушунилади.
Ахлоқ ва ҳуқуқ фалсафасида	хоҳиш-ирода эркинлиги ва инсон *фаолиятини тартибга солиш* усуллари ўрганилади.


Фалсафада фаолият инсонга хос бўлган ва ташқи дунёни оқилона ўзгартиришга қаратилган фаолликнинг алоҳида шакли сифатида тавсифланади
Фаолият муайян фаолият тури билан шуғулланиш қобилияти унинг амалдаги моддий ифодасига ўзаро ўтишини назарда тутади.
МАҚСАДЛАР
ВОСИТАЛАР
Фаолиятнинг тузилиши
ЭҲТИЁЖЛАР
МОТИВЛАР

Э.Кассирер
«Оқилоналик – инсон фаолиятининг барча турларига амалда хос бўлган жиҳат»
Интериоризация
фаолиятнинг табиатан сиртқи жараёнларини ичда, аввало онгда юз берадиган жараёнларга ўтишини ифодалаш учун хизмат қилади

Ўйин
Шундай бир фаолият шаклики, унда инсон ўзининг одатдаги функциялари ёки предметлар ва меҳнат қуролларидан амалий фойдаланиш чегарасидан четга чиқади
Имитация
ўйин моҳиятини акс эттирувчи асосий тушун ча бўлиб, у борлиқнинг нисбатан ҳаққоний моделини яратишни назарда тутади. Имитация ўйинда иштирокчилар муайян рол ўйнашини назарда тутади.
Ўйин образи
Ўйин жараёнида ўйинчилар бевосита идрок этувчи ва бошдан кечирувчи ўйин образи яратилади. У жонлилик, рамзий табиатга эгалик ва эмоционал «юқумлилик» билан тавсифланади. Ўйин образининг жонлилиги борлиқнинг моделлаштирилиши ва унда ўйинчилар муайян рол ўйнаши билан изоҳланади.


Ижод
Аксарият одамлар онгида ижод тушунчаси фаолиятнинг ҳеч қандай режалари ва андозаларига боғлаб бўлмайдиган соф шахсий жараён билан боғланади. Ижодда ҳамма нарса сирли ва номуайян бўлиб, у кундалик ҳаётга худди тўфон янглиғ кириб келади, эскича қарашлар, қотиб қолган андозаларни ағдар-тўнтар қилади.
Ижодий ва ноижодий фаолият
Ижодий деб ҳисоблаш мумкин бўлган фаолият турларини аниқлаш имконини берувчи мезонлар ҳақидаги масала мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади.
Ижодкор шахс фаолияти
Ижоднинг ички асослари қаторига одатда шахснинг қобилияти ва фаолият мотивлари киритилади. Бу асослар ягонадир: ижодий қобилиятлар муваффақият негизи ҳисобланади, лекин улар мотивация орқали рўёбга чиқади. Ижод қилиш қобилияти кўп сонли фазилатлар билан тавсифланади. Ижодкор шахснинг айниқса кенг тарқалган тавсифи «қобилиятли», «истеъдодли», «даҳо» тушунчаларида берилади. Мазкур белгилар замирида қобилиятнинг шундай табиий нишоналари ётадики, уларнинг ривожланиш даражаси (бунга эса фақат қизғин фаолият билан эришилади) ижодий натижанинг аҳамиятини белгилайди.

Ҳуқуқ ва ахлоқ

Ҳуқуқ – давлат томонидан белгиланган ва унинг мажбурлов кучига таянадиган хулқ-атвор умумий нормаларининг мажмуи. Ахлоқ ҳам жамоатчилик фикри, яъни қилмишни маъқуллаш ёки қоралаш билан мустаҳкамланадиган хулқ-атвор қоидалари мажмуидир.
Ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари ўзлари муҳофаза қиладиган ижтимоий муносабатлар мазмуни, норматив талабларни мустаҳкамлаш усуллари, уларнинг шахс хулқ-атворига самарали таъсири даражасига кўра ажралиб туради. Ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларининг мазмуни ўртасида жиддий фарқ мавжуд эмас.

ХУЛОСА

1. Ахлоқ шахс эркинлигини, унинг ўзини, ўз эҳтиросларини бошқариш қобилиятини, инсоннинг ўз қилмишлари учун аввало ўзи олдида жавобгарлигини назарда тутади. Ахлоқ инсон ақлини эзгу ишларга йўналтирадики, бу шахсий манфаатдорлик туйғусидан холи яхши ниятларда намоён бўлади. Индивид эркинлиги ва ахлоқий қадриятларнинг мос келиши ахлоққа хос хусусиятдир.

2. Жамиятнинг ахлоқий қоидалари шахсга бу қоидаларга риоя этиш мажбуриятини юклайди, шу сабабли бурч ахлоқий қилмишларга туртки берадиган муҳим ички омил ҳисобланади. Бундан хулқ-атвор меъёрлари ва андозаларига оддий риоя этиш нари борса ижтимоий жараён бир маромда кечишини таъминлаш имконини беради. Унинг ривожланиши учун эса ижод имконият яратади. Бунда ижоднинг вазифаси тарих талабларига жавоб бериш, фаолиятнинг мутлақо янги дастурларини топишдан иборатдир.

Ижтимоий прогнозлаштириш муаммолари

Ижтимоий башорат: турлари, типлари, методлари

Башорат – келажак ҳақидаги, яъни ҳали амалда мавжуд бўлмаган, лекин ривожланишнинг кутилаётган ривожини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар кўринишида ҳозирги замонда потенциал мавжуд бўлган ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги билим. Башорат ўз гносеологик табиатига кўра гипотезани илгари суришга яқин туради. Аммо гипотеза – ўтмишни ҳам, ҳозирги замонни ҳам, келажакни ҳам билишга татбиқ этиладиган мантиқий шакл, башорат эса келажакка ёки ҳали маълум бўлмаган ҳозирги даврга қараб мўлжал олади.

кундалик башорат

илмий башорат, *кундалик башорат*

Башорат турлари

интуитив башорат;

Инсоннинг кундалик ҳаёт тажрибасига, табиат ва жамиятда у ёки бу воқеаларнинг тез-тез такрорланишини бевосита кузатишга асосланади. Кундалик башоратларга халқда кенг машҳур бўлган об-ҳаво аломатлари мисол бўлиши мумкин.

Масалан, Қуёш ботаётганда, одатдагидан узоқроқ ушланиб қолган бўлса, ёмғирни кутиш керак; ёзда эрталаб туман тушган бўлса, демак кундузи ҳаво очиқ бўлади; Шарқдан шамол эсса, тез орада ёмғирлар тугайди.

Башоратнинг иккинчи тури – интуитив башорат. Маълумки, интуиция – бу илмий тажриба ва мантиқий мушоҳадасиз ҳақиқатнинг тагига бевосита етиш. Башоратнинг бу тури ҳали яхши ўрганилмаган ва кўпинча унга етарлича баҳо берилмайди. Ҳолбуки, ақлни лол қолдирадиган фактлар маълум. Масалан, тўрт юз йил олдин яшаган француз табиби Мишель Нострадамус мисли кўрилмаган башоратгўйлик қобилиятига эга бўлган. Ўзининг машҳур «Центурия-лари» ва бошқа асарларида XX асрнинг техник кашфиётлари – сув ости кемалари, самолётлар, водород бомбасинигина эмас, балки француз ва рус инқилобларини, шунингдек, де Голль, Франко, Ленин, Сталин, Гитлер, Муссолини каби шахсларнинг пайдо бўлишини ҳам башорат қилган.

Футурологик билимлар ривожи

Ғарб мамлакатларида ижтимоий прогноз қилиш илмий башоратнинг тури сифатида «футурология» (лот. «*futurum*» – «келажак» ва юнон. «*logos*» – «таълимот») деган ном билан вужудга келган. Бу атамани илк бор Ғарбий Берлин Эркин университети ҳузуридаги Отто Зур номидаги институт профессори О.Флехтгайм ишлатган. Шуни қайд этиш лозимки, «футурология» атамаси умумий эътироф этилгани йўқ. Мисол учун, башорат муаммолари бўйича француз мутахассисларининг аксарияти футурология инсоннинг келажакни ишонч билан башорат қилиш қобилияти ҳақида хом хаёл қилиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Футурология ўрнига «фютюрибли» атамаси таклиф қилинган бўлиб, у «эҳтимол тутилган келажак», деган маънони англатади. Бунда келажакнинг шартлилиги, кўп вариантлилигига урғу беради.

Ижтимоий прогноз қилиш асосан қуйидаги илмий-назарий хусусиятлар билан тавсифланади:

Ижтимоий прогноз қилишга нималар хос?

Прогноз қилиш жараёни объектив ва субъектив асосларга эга. Прогноз илишнинг *объектив асоси* ўтмиш, ҳозирги замонва келажакнинг қонуний алоқаси билан белгиланади. Келажак ҳозирги замонда бўлғуси оқибатни вужудга келтирувчи сабаб кўринишида; муайян шароитларда муқаррар тарзда воқеликка айланувчи имконият кўринишида; ҳозирги даврнинг келажакда янги сифат пайдо бўлишига олиб келиши муқаррар бўлган ҳодисаларидаги муайян миқдорий ва таркибий ўзгаришлар кўринишида зоҳирдир. Келажак ҳозирги замонда ҳодисаларнинг улар мавжудлигининг муайян шароитларидаги муҳим алоқаларини очиб берувчи қонунлар кўринишида зоҳирдир. Буларнинг барчаси билиш жараёнида маълумдан номаълумга, ўтмиш ва ҳозирги замондан келажакка ўтиш имконини беради. Агар бирон-бир ҳодисанинг (жараённинг) ривожланиш қонуни маълум бўлса, бу ҳодисани (жараённи) ўрганиш орқали биз унинг ҳозирги ҳолатини қайд этибгина қолмасдан, балки юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларнинг йўналиши ва хусусияти ҳақида хулосалар чиқаришимиз ҳам мумкин. Шундай қилиб, келажакни прогноз қилиш учун реал воқеликни билишдан, аниқроқ айтганда, тизимнинг ҳозирги ҳолатида зоҳир бўлган имкониятлар, тенденциялар, қонуниятларни англаб етишдан бошқа йўл йўқ.

Башорат муаммосини аниқлаш;
Илгари сурилган прогнозлар асосида прогностик фаолият режасини тузиш;
Илмий башоратнинг кейинги мантиқий тузилиши қуйидаги кўринишга эга:
Прогноз қилиш (башоратнинг умумий муаммоси доирасида айрим вазифаларни ечиш учун прогноз ларни илгари суриш);
Гипотезани илгари суриш;
Прогнозларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилигини асослаш ва уларни имконият даражасида амалиёт синовидан ўтказиш йўли билан тасдиқлаш.

Экспертиза усулида баҳолаш.
Экстраполяция методлари.
Тарихий аналогия.
Келажак сценарийлари.
Прогнозлаштиришнинг методлари
Моделлаштириш.
Кўрсатилган келажакни башорат қилиш методларининг ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга.

Экстраполяция методлари

Қонуниятлари ўтмишда ва ҳозирги даврда яхши маълум бўлган тенденцияларни келажакка татбиқ этишга асосланади. Масалан, бирон-бир тизимга ўтмишда муайян ўзгармас тезлик ёки тезланиш билан ривожланиш хос бўлган бўлса, бизда бу тезлик ёки тезланиш келажакда ҳам муайян вақт оралиғида ўзгаришсиз қолади деб ҳисоблаш учун асослар бор. Шундай қилиб, ўсиш (пасайиш) эгри чизиқларини график ёки аналитик усулда давом эттириш ва прогноз объекти бўлғуси ҳолатининг миқдор кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқариш мумкин. Шунга агар ўрганилаётган тенденция бошқа тенденциялар билан ўзаро таъсирига қарамай, таъсирга киришиш натижасида ўзгарса ва бу ўзаро таъсирни лозим даражада ўрганиш имконияти мавжуд бўлмаса, экстраполяция методи унча самарали бўлмаслиги мумкин.

Тарихий аналогия

Бу таққослаш йўли билан билиш. Таққосланаётган ижтимоий ҳодисалар ўртасида фарқ ҳам, ўхшашлик ҳам мавжуд бўлиши керак. Таққослаш учун асос бўлувчи омиллар таққосланиши лозим бўлган ҳодисаларга қараганда танишроқ бўлиши лозим. Тарихий аналогиянинг ижтимоий башоратга мослашувчанлик даражаси чекланган. Бу табиий бир ҳолдир, зеро келажакка бошқа тарихий шароитлар йўлдош. Тарихий аналогия кўпроқ тарихий фактни фаол танқидий таҳлил қилишга кўмаклашади.


Моделлаштириш методи
Билиш объектларининг ўзини эмас, балки уларнинг моделларини ўрганишга асосланади. Тадқиқот объектини моделлаштириш – уни прогностик хусусиятга эга бўлган хулосалар чиқариш учун қулай бўлган содда, схематик кўринишда гавдалантириш демак. Тадқиқот натижалари моделдан объектга кўчирилади. Прогноз қилишнинг моделли методлари шаклларининг ранг-баранглиги билан тавсифланади. Моделлаштиришнинг *моддий, физик, белгили (математик), имитацион, компьютерда моделлаштириш* каби турларини фарқлаш мумкин.


Экспертиза усулида баҳолаш
Бу илмий методнинг моҳияти экспертлар (фан ва техниканинг турли соҳасидаги етакчи мутахассислар) томонидан муаммони таҳлил қилиш ва сўнгра натижаларни формаллаштирилган асосда қайта ишлашдан иборат. Экспертларнинг умумий хулосаси муаммонинг мумкин бўлган энг мақбул ечими сифатида қабул қилинади. Бу методлар гуруҳига, одатда, қуйидагилар киритилади: *консенсус* (келажакка доир муайян масала бўйича экспертлар умумий бир тўхтамга келиши); *«ақлий ҳужум»* (муаммоларни ечиш воситаси ва прогноз қилиш усули, айниқса, келажакда юзага келиши мумкин бўлган бир нечта вазиятни кўриб чиқишга эҳтиёж туғилган ҳолда).


Келажак сценарийлари
Бу кузатилаётган тенденциянинг эҳтимол тутилган келажаги ҳақидаги у ёки бу тусмолни асословчи дастлабки фаразларнинг тартибга солинган йиғиндиси. Сценарийлар:
а) у ёки бу назарий вазиятни қай йўл билан босқичма-босқич амалга ошириш мумкинлигини;
б) воқеаларнинг муайян ривожига йўл қўймаслик, уларни енгиллаштириш ёки четлаб ўтиш учун воқеаларнинг ҳар бир иштирокчиси учун ҳар бир босқичда қандай вариантлар мавжудлигини аниқлайди.
Шундай қилиб, сценарий мураккаб тизимларни ўрганишга нисбатан тизимли ва тарихий ёндашувларни бирлаштирувчи кўп вариантли прогноздир; аксарият ҳолларда у тавсифий хусусият касб этади ва комплекс прогнозларни тузишда кенг қўлланилади.


Хулоса
1. Бизнинг давримизда келажакни прогноз қилиш инсоният учун тобора улкан аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда келажак авлодлар тақдири прогноз қилишга кўп жиҳатдан боғлиқ.
2. Ижтимоий тадқиқотларнинг ҳозирги даражаси келажак ҳақида анча аниқ билим олиш ва ижтимоий башоратни «утопиялар» соҳасидан фан соҳасига ўтказиш имконини беради.
3. Келажакни прогноз қилиш инсоният истиқболларини фанлараро комплекс ўрганиш бўлиб, у фақат гуманитар, табиий-илмий ва илмий-техникавий билимни бирлаштириш жараёнида самарали бўлиши мумкин.

Глобаллушувнинг
фалсафий
муаммолари


Фалсафа ва ҳозирги замон
Фалсафа нафақат инсоннинг азалий муаммолари ва ғам-ташвишларини, балки унинг сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти таъсирида тобора жадалроқ суръатларда, шу жумладан, дунё миқёсида ўзгараётган реал ҳаёти кундалик амалиётини ҳам акс эттиради. Шу муносабат билан юзага келаётган янги ҳодисалар, ғайриоддий қийинчиликлар ва алоҳида шароитлар олимларнинг ҳам, файласуфларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.
Бунда фалсафанинг фандан устунлиги шундаки – у ўз хулосаларида тафсилотлар ва муайян далилларга маҳкам ёпишиб олмайди, айрим, узуқ-юлуқ ва ўткинчи нарсаларни осонгина четлаб ўтадики, бу унга асосий эътиборни ишнинг моҳиятига қаратиш, ривожланишнинг энг муҳим омиллари ва асосий жараёнларини қайд этиш имконини беради. Фалсафанинг мазкур фазилатлари инсоннинг ижтимоий муносабатлар тизимида ёки «жамият-табиат» тизимида юзага келаётган мураккаб, комплекс вазифаларни ҳал қилишга мажбур бўлаётган ҳозирги шароитларда алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан фалсафий таҳлилнинг, муҳим нарсаларни иккинчи даражали нарсалардан, қонуний нарсаларни тасодифий нарсалардан фарқлаш, тарихий ривожланишда объектив жараёнларнинг субъектив омиллардан фарқи каби усуллари ва методлари ҳозирги вақтда инсоният дуч келган оламшумул муаммоларни назарий англаб етиш ва амалда бартараф этиш учун айниқса муҳим аҳамият касб этади.


ГЛОБАЛЛАШУВ ҲОДИСАСИ
Ҳозирги давр ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун XX аср бошигача жаҳон тарихи, асосан, мустақил ривожланган ва бир-бирига жиддий таъсир кўрсатмаган цивилизациялардан иборат бўлганини назарда тутиш муҳимдир. Ҳозирги вақтда дунё сўнгги юз йиллик ичида юз берган жамият ҳаёти барча жабҳаларининг фаол интеграциялашуви натижасида сезиларли даражада ўзгарди ва яхлит бир бутун организмга айланди. Бунинг оқибати ўлароқ, айрим халқлар ва бутун инсониятнинг ижтимоий онгида глобал жараёнлар ва уларнинг таъсирида юзага келган умумий (дунё миқёсидаги) муаммолар билан белгиланган жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Жаҳон ҳамжамияти ўз ривожланишининг янги босқичига қадам қўйгани, у аввалги босқичлардан нафақат ўзгаришлар миқёси, балки фаоллик даражаси ва универсал хусусияти билан ҳам фарқ қилиши аён бўлди.
Бу ўзгаришларнинг бутун мажмуи, шунингдек, уларнинг сабаблари 1990-йилларда **глобаллашув** (лот. «*globus*» – Ер курраси) деб номланди. *Глобаллашув жамият ҳаётининг турли жабҳаларида бутун Ер сайёраси учун ягона бўлган тузилмалар, алоқалар ва муносабатларнинг шаклланиши, универсаллашув жараёнидир.* Шунингдек, глобаллашув глобал маконнинг туташлиги, ягона жаҳон хўжалиги, умумий экологик ўзаро алоқадорлик, глобал коммуникациялар ва шу кабилар билан тавсифланади.


Глобаллашув
(лот. «*globus*» – Ер курраси) деб номланди. *Глобаллашув жамият ҳаётининг турли жабҳаларида бутун Ер сайёраси учун ягона бўлган тузилмалар алоқалар ва муносабатларнинг шаклланиши, универсаллашув жараёнидир*. Шунингдек, глобаллашув глобал маконнинг туташлиги, ягона жаҳон хўжалиги, умумий экологик ўзаро алоқадорлик, глобал коммуникациялар ва шу кабилар билан тавсифланади.

Глобалистика

Жаҳон ривожланишининг энг янги тенденцияларини англаб етиш борасидаги кўп сонли саъй-ҳаракатлар глобаллашув жараёнларининг моҳияти, тенденциялари ва сабабларини, улар таъсирида юзага келаётган глобал муаммоларни аниқлаш ва бу жараёнларнинг оқибатларини англаб етишга қаратилган фанлараро илмий-тадқиқотлар соҳаси – глобалистика пайдо бўлишига олиб келди. Кенгроқ маънода «глобалистика» атамаси глобаллашувнинг турли жиҳатлари ва глобал муаммоларга оид илмий, фалсафий, маданий ва амалий тадқиқотларни, жумладан, уларнинг олинган натижаларини, шунингдек, уларни айрим давлатлар даражасида ҳам, халқаро миқёсида ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабҳаларда амалга жорий этиш борасидаги амалий фаолиятни ифодалаш учун қўлланилади.

Глобал жараёнларнинг шаклланиш тарихи

Ҳозирги глобаллашув жараёнларининг илк нишоналарига XV аср охирларидан бошлаб дуч келиш мумкин, XIX аср бошига келиб эса, у амалда реал шакл-шамойил касб этди. Бу пировардида ягона географик, маълум даражада иқтисодий ва сиёсий жаҳон майдони шаклланишига олиб келган Буюк географик кашфиётлар юз берган давр эди. Айни шу даврда дунёни тушунишга нисбатан геоцентрик ёндашувлар гелиоцентрик ёндашувларга ўрин бўшатди, инсоният эса, ниҳоят, кун ва туннинг алмашишини тўғри талқин қилишга муваффақ бўлди. Фан фалсафадан ажралиб чиқиб, билимлар тўпланиши ва техниканинг ривожланишига кучли туртки берди, фан-техника тараққиёти ва саноат инқилоби юз беришига сабаб бўлди. Сўнгги зикр этилган воқеалар пировард натижада инсоннинг табиатни ўзгартирувчи имкониятлари ва унинг атроф-муҳит билан муносабатини бутунлай ўзгартирди.


Фундаментал глобаллашув
Глобаллашувнинг навбатдаги босқичи дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Мазкур жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. *Фундаментал* деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса, у тўла даражада борлиққа айланди.
Айни шу даврда дунёни иқтисодий бўлиб олиш якунланди ва бунинг натижасида турли мамлакатлар ва халқларнинг кучайиб бораётган ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқадиган мутлақо янгича тусдаги кескин халқаро муаммолар юзага келди. Бу жараёнлар нафақат иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий ҳаётни, балки алоқа ва коммуникация воситаларини, шунингдек, маънавий жабҳа – маданият, фан ва фалсафани ҳам қамраб олди. Турли-туман халқаро ташкилотлар, форумлар, съездлар, конгресслар вужудга кела бошладики, бунга ўша даврда алоқа ва оммавий коммуникация воситаларининг фаол ривожланиши ҳам имконият яратди.


Глобаллашувнинг серқирралиги
1970-йиллардан глобаллашув ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди ва серқирра тус олди. Дунё миқёсидаги таҳдидлар ва глобаллашув жараёнларини аҳолининг кенг қатламлари англаб етиши, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ва унга мос келувчи қадриятларга муносабат, маданият, турмуш тарзининг шаклланиши мазкур босқичга хос хусусият ҳисобланади.
Глобаллашувнинг серқирралиги жаҳон бозорини сезиларли даражада ўзгартирди, жаҳон хўжалиги ўзига хос хусусиятларини намоён этиб, миллий хўжаликлардан кучлироқ ва муҳимроқ тус олишига имконият яратди.
Глобаллашув серқирралигининг хусусиятлари
а) «резонанс эффекти»нинг пайдо бўлиши. Бунда иқтисодий юксалишлар ёки тангликлар бир мамлакатдан у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа мамлакатлар ва минтақаларга ўтади; б) турли товарлар ва хизматлар жаҳон бозорларининг яратилиши; в) кўрсатилган товарлар ва хизматларга жаҳон нархларининг шаклланиши, улар мазкур товарлар ва хизматлар миллий ишлаб чиқарувчиларининг сиёсатини кўп жиҳатдан белгилаши.

Ижтимоий ривожланишнинг жадаллашуви

Бундай ривожланиш, аввало, *атроф-муҳитнинг таназзули*га олиб келди ва тез орада инсоннинг ўзи ҳам таназзулга юз тутганини намоён этди. Зеро, инсон хулқ-атвори, тасаввурлари ва фикрлаш тарзи, унинг атрофида шитоб билан юз бера бошлаган ўзгаришларга мувофиқ ўз вақтида ўзгаришга қодир бўлмай қолди. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг жадал суръатларда ривожланишига эса инсоннинг ўзи ва унинг фан ва техника соҳасидаги янги ва янги ютуқлар билан кўп карра кучайтирилган изчил ўзгартирувчи фаолияти сабаб бўлди.

Глобал тенденцияларни англашнинг аҳамияти

Жаҳонда юз бераётган ўзгаришларнинг баъзи бир тенденциялари олимлар ва файласуфлар диққат марказидан бу ўзгаришлар барчага равшан бўлишидан олдинроқ ўрин олди. Масалан, ижтимоий ривожланишга турли цивилизацияларнинг олдинма-кетин алмашиши сифатида қараган инглиз тарихчиси *А.Тойнби* (1889–1975) компьютер инқилобидан анча олдин «XX асрда умумжаҳон тарихи бошланди», деган хулосага келди. Шу тариқа туб ўзгаришлар нафақат жамият қурилиши негизларида, балки дунё миқёсида юз бераётган ижтимоий жараёнларнинг асосий тенденцияларида ҳам акс этгани таъкидланди.

1918 йилда биринчи жаҳон урушининг тугаши халқаро майдонда кучларнинг янгича нисбати юзага келишига сабаб бўлди ва турли давлатларнинг урушдан кейинги муносабатлари, манфаатлари ва қарама-қаршиликларини янада тарангроқ тугунга боғлаган оқибатларга олиб келди, шу тариқа бутун дунёни барча асосий кўрсаткичлар бўйича жаҳон ҳамжамиятига айлантирди. Пировардида биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари оралиғидаги даврда глобаллашув жараёнлари янада бўртиброқ намоён бўлди.


Технооптимизм
60-йилларнинг бошларига келиб технократик кайфиятларнинг янги тўлқини билан четга суриб қўйилди ва қарийб икки ўн йиллик мобайнида оммавий онгга ўз таъсирини йўқотди. Бунга урушдан кейинги даврда жаҳоннинг деярли барча иқтисодий ривожланган мамлакатларини қамраб олган саноат юксалиши сабаб бўлди.
50–60-йилларда ижтимоий тараққиёт истиқболлари Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам аксарият мамлакатлар учун порлоқ бўлиб туюлар эди. Ижтимоий онгда *ҳар қандай дунёвий ва ҳатто коинот муаммоларини фан ва техника ёрдамида ҳал қилиш мумкин* деган иллюзияни яратган технооптимистик кайфиятлар кучайди.

Кўриб чиқилаётган назарияларнинг айрим тарафдорлари фан-техника инқилобининг салбий оқибатларига, хусусан атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммоларига маълум даражада эътибор берган бўлсалар-да, лекин, умуман олганда, уларнинг ҳеч бири бундан 1980-йилларнинг ўрталаригача жиддий ташвишга тушмади. Чунки, фан-техникатараққиёти ҳамма нарсага қодир эканлигига ишонч ҳаддан ташқари катта эди.
Технопессимизм
Кўрсатилган муаммоларни фалсафий таҳлил қилиш борасидаги дастлабки уринишларнинг ўзиёқ технократик тенденцияларга зид бўлган, кейинчалик «технологик пессимизм» деб номланган қарашларни намоён этди.
Асосий эътибор инсон фаолиятининг салбий оқибатлари ва атроф-муҳит муаммоларига қаратилган, уларни ечиш имкониятлари салбий тусда кўрилган ҳолда, бундай қарашлар «экопессимизм» деб аталади.
Айни вақтда 1960-йилларнинг охирларидан экологик қийинчиликлардан ташқари аксарият давлатлар ва ҳатто қитъаларга таҳдид солган бошқа муаммолар: *аҳолининг назоратсиз ўсиши, турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг нотекислиги, хом ашё ресурслари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш* ва бошқалар тобора бўртиброқ намоён бўла бошлади. Тез орада улар фан ва фалсафа диққат марказидан ўрин олиб, қизғин баҳс ва мунозаралар предметига айланди.

Рим клуби

1968 йил Римда ўзининг биринчи мажлисига йиғилган олимлар, файласуфлар ва жамоат арбобларининг бу нуфузли халқаро ташкилоти ҳозирги даврнинг энг муҳим умуминсоний муаммолари бўйича маърузалар тайёрлаш ва эълон қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Бу ташкилотнинг 1972 йилда эълон қилинган «Ўсиш чегаралари» деб номланган биринчи маърузасиёқ жуда катта шов-шувга сабаб бўлди, чунки инсоният ўзи англамаган ҳолда «порохли бочка устида ўтириб, гугурт ўйнаётгани»ни кўрсатиб берди. Рим клубининг асосчиси ва биринчи президенти *Аурелли Печчеи* мазкур тадқиқотга ёзган сўзбошисида шундай деб қайд этган эди: «Эндиликда она-Еримиз ҳар қандай ўсиш суръатларига дош беришга, инсоннинг ҳар қандай эркаликларини кўтаришга қодир эканлигига соғлом фикрлайдиган одамларнинг бирортаси ҳам ишонмайди. Ўсиш чегаралари борлиги равшан, лекин уларнинг қандайлиги ва қаердалигини ҳали аниқлаш лозим».

Глобал муаммоларни ечишда фалсафанинг роли

Оғир ва мураккаб вазифаларни ечишда инсонга фан доим ёрдам берган. Бир пайтлар эришиб бўлмайдиган, инсон имкониятлари даражасидан ташқарида бўлиб туюлган нарсаларнинг аксариятига айнан фан ёрдамида эришилган. Айни шу сабабли глобал муаммолар хавф солаётгани ҳақидаги илк огоҳлантиришларнинг ўзиёқ одамларни фанга ўз эътиборини қаратишга, олимларни эса, бу муаммоларни ечиш йўлларини излашга мажбур қилди.

Глобал муаммоларнинг моҳияти

«Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари» тушунчаси 1960-йиллар охири – 1970-йилларнинг бошларида кенг тарқалди ва шундан бери илмий ва сиёсий муомала (лексикон) ҳамда оммавий онгдан мустаҳкам ўрин олди. Аксарият ҳолларда у глобал саналмаган воқеалар ва ҳодисаларга нисбатан қўлланиладиган атама сифатида ишлатилади. Бундай ҳолга миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик воқеалар тенглаштирилганида, масалан, муайян бир мамлакатнинг ижтимоий муаммоларини назарда тутиб, улар «глобал» деб номланган ҳолда дуч келиш мумкин.



ХУСУСИЙ МУАММОЛАР

Давлат фаолиятининг муайян жабҳасига, айрим аҳоли яшайдиган пунктларга ёки кичик табиий объектларга тегишли бўлган муаммолардир. Булар, одатда, турли авариялар, носозликлар натижасида юзага келадиган ҳар хил муаммолар, маҳаллий-ижтимоий конфликтлар ва шу кабилар.

МАҲАЛЛИЙ МУАММОЛАР

Маҳаллий муаммолар тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ерда одатда кучли зилзилалар, йирик сув тошқинлари ёки масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

Минтақавий муаммолар

Минтақавий муаммолар айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади. Бундай муаммоларга Шарқий Европанинг бир неча мамлакатлари ҳудуди радиоактив заҳарланишига олиб келган Чернобиль фожиаси ёки бир қатор давлатларни қамраб олувчи анча катта ҳудудларда юз берган иқлим ўзгаришлари мисол бўлиши мумкин. Масалан, 1968 йилда Сахел минтақасида юз берган қурғоқчилик «аср фалокати» деган ном олди. У Африка қитъасининг 18 давлатини қамраб олди, бунда очарчилик натижасида 250 мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлди, тахминан 18 миллион бош қорамол нобуд бўлди, хавфли касалликларнинг эпидемиялари юзага келди, бу улкан минтақа ҳудуди эса деярли тўла саҳрога айланди.

Миллий муаммолар

Миллий муаммолар тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғам-ташвишларини акс эттиради. Миқёс даражасига қараб улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.

Глобал муаммолар

Глобал муаммолар бутун ер куррасини, унинг нафақат одамлар бевосита яшайдиган қисмини, балки Ернинг қолган юзаси, ер ости бўшлиқлари, атмосфера, гидросфера ва ҳатто инсон фаолияти доирасига кирувчи космик фазони қамраб олиши билан изоҳланади.

глобал муаммолар тўғрисида сўз юритилган ҳолда бутун сайёра назарда тутилади, унинг энг йирик таркибий бирлиги сифатида эса, минтақа қабул қилинади. Бунда минтақалар сони ва уларнинг миқёси кўриб чиқилаётган муаммолар хусусияти билан белгиланади.

Глобаллик мезонлари

Фан ва фалсафада глобал муаммоларни янада аниқроқ тавсифлаш учун юқорида зикр этилган «географик» мезондан ташқари бу муаммоларни бошқа томондан – уларнинг сифати, ва муҳим хусусиятлар нуқтаи назаридан тавсифловчи қўшимча мезонлар қўлланилади.

Глобал муаммоларнинг таснифи

Глобал муаммоларнинг келтирилган мезонлари ва ўзига хос хусусиятлари, асосан, мазкур соҳадаги аксарият тадқиқотчиларнинг қарашларини акс эттиради ва глобал муаммоларни бошқа барча муаммолардан фарқлаб, аниқ айтиш имконини беради. Бунда у ёки бу муаммонинг кескинлик ва муҳимлик даражасини белгилаш, унинг бошқа муаммолар билан ўзаро нисбатини аниқлаш учун одатда, турли таснифлашлар амалга оширилади, улар алоҳида гуруҳларга ажратилади.

Таснифлаш бирдан-бир мақсад ҳисобланмайди, балки ҳозирги даврнинг ўта кескин зиддиятларини комплекс ўрганишнинг муҳим элементи сифатида амал қилади ва мазкур муаммоларни уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этиши нуқтаи назаридан ўрганиш имконини беради. У муҳим алоқаларни фарқлаш, устуворликларни ва объектив мавжуд глобал муаммоларнинг кескинлашув даражасини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, таснифлаш глобал муаммоларнинг тизимли ўзаро алоқасини янада теранроқ тушунишга кўмаклашади ва амалий қарорлар қабул қилиш кетма-кетлигини белгилашга ёрдам беради.

Асосий глобал муаммолар тизими

Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари ўз ҳолатини вақтда тинимсиз ўзгартирадиган ягона, фаол ва очиқ тизим ҳисобланади, чунки унга умуминсоний аҳамиятга молик бўлган янги муаммолар кириши, аввалги муаммолар эса, уларнинг ечилишига қараб, йўқолиши мумкин. Рим клубининг асосчиси ва биринчи президенти А.Печчеи бу ҳолатга эътиборни қаратиб, инсоният қаршисида кўндаланг бўлган аксарият муаммолар «бир-бири билан маҳкам чирмашиб олди, улкан спрут чангали янглиғ бутун сайёрани ўз исканжасига олмоқда... ечилмаган муаммолар сони ўсиб бормоқда, улар янада мураккаброқ тус олмоқда, уларнинг чирмашуви янада чигаллашмоқда, уларнинг «исканжаси» эса, сайёрамизни ўз чангалида тобора қаттиқроқ сиқмоқда», деб ёзган эди.

Демографик тизим

Ҳозирги вақтда инсониятнинг энг муҳим муаммолари орасида, Аксарият давлатлар ва минтақаларда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайишига сабаб бўлаётган аҳолининг назоратсиз ўсиши қайд этилади.

XX асрда Ер курраси аҳолисининг «демографик портлаш» деб номланган мислсиз даражада ўсиши биологик қонунларнинг эмас, балки стихияли, нотекис ижтимоий ривожланиш ва инсоният катта машаққатлар билан бартараф этишга ҳаракат қилаётган чуқур ижтимоий зиддиятлар маҳсули бўлди.

Демографик муаммолар жуда мураккаб ва ўта турғун бўлиб, уларни тез бартараф этиш мумкин эмас. Айни вақтда уларни ечиш кечга сурилгани сари, улар янада мураккаброқ ва чигалроқ тус олади. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатларда барча ҳукуматлар туғилиш даражасини пасайтиришга қаратилган демографик сиёсатни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

Аҳолини жойлаштириш муаммоси

Ҳозирги даврда жамият ва табиатда аҳолини жойлаштириш муаммоси энг асосий муаммолардан биридир. У келгусида кундан-кунга актуаллашиб инсониятнинг асосий муаммоларидан бирига айланди.

Аҳолининг ўсиши

Муаммолар йўналиши

Аҳоли сонининг ўсиши билан одамзод насли кўпайишига ва табиатнинг янада эксплуатация қилинишига олиб келади;

Аҳоли сонининг кўпайиши жамият ичида қарама-қаршиликларни кучайишига олиб келади, чунки прогресс аҳоли ўсишидан орқада қолиши ва «яхши нарсалар» ҳаммага етмаслиги мумкин (Бунда Ер аҳолисининг сонини қай даражагача ошиши ҳамма учун қийин шароитни олдини олиш, яъни «танқидий масса» ёки аҳоли «остонаси» ҳақида масала олимлар орасида катта мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Аҳолининг сифати масаласи: жамиятда моддий имкониятлар етадими, оилада болалар тарбияси, маълумот олиши, даволаниши, жамият томонидан эътибор бўладими? Осиё ва Африканинг кўп мамлакатларида, асосан, ривожланиши паст бўлган мамлакатларда, ҳаддан ортиқ аҳоли ўсиши кузатилмоқда. Бу тенденция бир томондан шунинг устидан назоратнинг йўқлиги (Хитойдан ташқари) иккинчи томондан анъаналар билан боғлиқ аҳолининг ўсиши ҳаёт шароитини кескин ўсиб келаётган авлоднинг ёмонлашувига олиб келади (саводсизлик, жисмоний ориқлик ва ҳ.к.) оила олдида ҳам, давлат олдида ҳам ечиб бўлмайдиган қийинчиликларни юзага келтиради.

Таълим муаммоси

Таълимнинг ижтимоийлашуви ўқув жараёни гуманитар фанларнинг ўқув соатлари ёки фанлар сонини кўпайтириш эмас, балки табиий-илмий фанлар мазмунини гуманитарлаштириш, ҳар қандай илмий кашфиётни инсон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш лозим. Шундагина инсон ўз мавжудлигини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Соғлиқни сақлаш

Аҳоли сони ва унинг яшаш шароити, шунингдек, атроф-муҳит ҳолати ҳозирги даврнинг яна бир глобал муаммоси билан узвий боғлиқ. Аксарият касалликлар ва атроф-муҳитдаги антропоген ўзгаришлар ўртасида бевосита ва билвосита алоқа мавжуд. Ҳозирги одамлар авлодига атроф-муҳит ифлосланишининг ҳали ўрганилмаган ёки кам ўрганилган кўп сонли физик (аввало, электромагнит), кимёвий ва биологик омиллари таъсир кўрсатмоқда. Аввало, иқтисодий ривожланган мамлакатлар аҳолиси касалликларининг таркиби ва хусусиятида юз берган ўзгаришлар айни шу ҳол билан изоҳланади.

Оммавий касалликлар ва умрнинг сезиларли даражада қисқариши сабабларидан бири озиқ-овқат муаммосидир. Хусусан, сурункали тўйиб овқат емаслик ва номутаносиб овқатланиш кам ривожланган мамлакатлар аҳолисида оммавий тарзда намоён бўлаётган муттасил оқсил очлиги ва витамин тақчиллигига олиб келмоқда. Натижада, жаҳонда ҳар йили очликдан бир неча ўн миллионлаб одамлар, катталардан кўра кўпроқ болалар ҳалок бўлмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги

Ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан чиқариш ва янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш ҳозирги даврнинг глобал муаммолари орасида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ерда вужудга келган халқаро муносабатлар тизими беқарорлашувининг кучли омиллари яшириниб ётади.

Энергетика ва хом ашё ресурслари

Яна бир глобал муаммо – инсониятни энергетика ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш халқаро майдонда кўп сонли зиддиятлар, шу жумладан, ҳарбий можаролар манбаига айланди. Бу ресурслар моддий ишлаб чиқаришнинг негизи ҳисобланади ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига қараб инсон ҳаётида тобора муҳимроқ роль ўйнайди. Мазкур ресурслар *тикланадиган*, яъни табиий ёки сунъий йўл билан тиклаш мумкин бўлган ресурсларга (гидроэнергия, ёғоч, қуёш энергияси ва ш.к.) ва миқдори мавжуд табиий заҳиралар билан чегараланган *тикланмайдиган* ресурсларга (нефть, кўмир, табиий газ, ҳар хил рудалар ва минераллар) бўлинади.

Уруш ва тинчлик муаммоси

Ҳарбий соҳа жамият ҳаётининг энг исрофгар соҳаси ҳисобланади. Айни шу сабабли жамият ҳаётидан урушни бартараф этиш ва Ерда мустаҳкам тинчликни таъминлаш бутун дунёда мавжуд барча глобал муаммолар орасида энг муҳими деб эътироф этилади. Унинг кескинлиги барча замонларда ҳеч қачон пасаймаган бўлса-да, XX асрда у нафақат айрим кишилар, халқлар, балки бутун инсоният олдига «ўлиш ё қолиш?» деган мудҳиш саволни қўйиб, алоҳида, фожеавий мазмун ва аҳамият касб этди.

Глобал онгни шакллантириш зарурияти

Глобаллашув жараёнларини назарий жиҳатдан англаб етиш ва глобал муаммоларни бартараф этиш нафақат ўта оғир ва узоқ давом этадиган, балки кутилган натижаларга қандай эришиш мумкинлиги хусусида ҳали аниқ жавоблар ва узил-кесил ечимларга эга бўлмаган ишдир. Айни вақтда аксарият тадқиқотчилар глобал тангликларни бартараф этиш имкониятини оммавий онгда янгича ахлоқнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, маданиятнинг ривожланиши ва унинг инсонпарварлашуви билан боғламоқдалар. Бунинг учун жиддий асослар бор, зеро одамларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари, пировард натижада эса, улар эришишга ҳаракат қиладиган натижа, асосан, уларнинг ҳаётга муносабати ва фикрлаш тарзи билан белгиланади.

Халқаро кучларнинг бирлашуви

Халқаро кучларнинг лозим даражада бирлашуви, уларнинг мувофиқлаштирилган, изчил ва энг муҳими, самарали ҳаракатлари ҳам ҳали мавжуд эмас. Нега шундай бўляпти ва бунга нима халақит беряпти? Ҳозирги ранг-баранг ва зиддиятларга тўла дунёда келишилган ҳаракатларни амалга ошириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, бунга қандай асосда эришиш мумкин? Булар бугунги кунда ижтимоий тафаккур, шу жумладан фалсафа ечишга ҳаракат қилаётган бош масалалардир.

Глобал муаммоларни ҳал қилишда хусусий ва умумий манфаатлар

Ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат халқаро муносабатларнинг у ёки бу тартибида, давлатлараро савдо оқимларининг йўналиши ва капиталларнинг тақсимланишида ўз муайян манфаатига эга бўлади. Улар табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-муҳитни сақлаш ва шу каби масалаларда доим ўз манфаатларини ҳимоя қиладики, бу уларнинг сиёсатида умумий масалаларда ҳам, хусусий масалаларда ҳам бевосита акс этади ва бошқа мамлакатлар сиёсатига ўхшамаслигига сабаб бўлади. Баъзан ички манфаатлар умумий манфаатлардан устунлик қилади. Бундай ҳолларда мазкур сиёсат бошқа давлатларнинг манфаатларига зид равишда амалга оширилади. Масалан, экология нуқтаи назаридан бу қўшни ҳудудларда яшовчи халқларнинг қарама-қарши манфаатлари тўқнашган ҳолларда кўп кузатилади. Аммо ҳозир, жамият ҳаётининг интернационаллашуви ва иқтисодий алоқаларнинг ўсиб бораётган интеграциялашуви шароитида, сайёрамизнинг турли бурчакларида жаҳон ҳамжамиятининг ядро уруши, экологик танглик, демографик кескинлик ва ресурслар тақчиллигини бартараф этишдан иборат объектив манфаатларини ўзларининг умумий манфаати деб билувчи одамлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Маърифатли сиёсий ва жамоат арбоблари янада аниқроқ англаб етаётган келишилган ҳаракатларга бўлган бу объектив эҳтиёж ҳозирнинг ўзидаёқ айрим давлатлар хулқ-атворига таъсир кўрсатмоқда ва ҳатто уларнинг ички ва ташқи сиёсатини маълум даражада белгиламоқда.

Ахборот инқилоби

1981 йилда биринчи шахсий компьютер пайдо бўлиши билан бошланган ахборот инқилоби (у компьютер инқилоби деб ҳам аталади) жаҳоннинг аксарият мамлакатларида одамлар турмуш тарзини ва уларнинг меҳнати хусусиятини бутунлай ўзгартириб юборди.

1991 йилда Интернет пайдо бўлганидан сўнг дунё информацион жиҳатдан ҳам узил-кесил туташди. Компьютер инқилоби ва Интернет тармоғининг ривожланиши чегаралардан бошқа ҳамма нарса мавжуд бўлган янги ахборот майдонини вужудга келтирди

XXI асрда инсоният ахборот технологияларининг такомиллашган шакли нанотехнологияларни яратди. Нанотехнология – митти технология бўлиб, унинг прототипи кўзга кўринмас бактериялар, чумоли, ўргимчак ва шунга ўхшаш ҳашаротлар табиатнинг ўзида мужассам табиий наножисмлардир. 1971 йил битирувчиси Анвар Зоҳидов 2001 йилда Техас университетида Нанотехнология институтига асос солганлардан бири, ҳозирда директор ўринбосари.

Инқироз илдизлари

Айрим мамлакатларда ҳам, бутун дунёда ҳам барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш технократик жамият тузилиши ва моҳиятидан келиб чиқадиган катта қийинчиликлар билан боғлиқ. У компьютер инқилоби таъсирида ўзгарганига қарамай, техноген цивилизациянинг асосий шакл-шамойилларини сақлаб қолмоқда ва шу сабабли, ҳозирда, мавжуд кўринишда нафақат бундай жамият танқидчиларини, балки техника тараққиёти тарафдорлари (технократик оптимистлар) собиқ издошларининг бир қисмини ҳам қаноатлантирмаяпти.

Уларнинг аксарияти фикрига кўра, ҳозирги Ғарб цивилизацияси инсоният учун шикастли бўлган кўпгина зиддиятларни юзага келтирди, чунки унинг замирида табиат ва унинг ресурсларига нисбатан истеъмолчилик ёндашуви ётади.

Янги қадриятлар тизими

Қадриятлар муаммоси, ижтимоий ривожланишнинг янги устуворликларини ва бошқа дунёқараш мўлжалларини излаш жамиятни маънавий янгилашнинг бош вазифаларига айланади. Бугунги кунда турли мамлакатларнинг олимлари бошқа қадриятларга мувофиқ бунёд этилган ўзга цивилизацияга ўтиш амалга оширилган тақдирдагина инсоният экологик ва бошқа глобал муаммоларни бартараф эта олиши мумкинлигини деярли якдиллик билан қайд этмоқдалар.

Умуминсоний қадриятлар

Ҳозирги шароитга татбиқан муайян универсал асос сифатидаги «янги инсонпарварлик» тўғрисида ҳам анча кўп гапирилмоқда. Унинг моҳияти Ер куррасида яшовчи барча одамларнинг муҳим манфаатларини акс эттирадиган ва шу сабабли бутун дунёда умумий қадриятлар сифатида идрок этиладиган борлиқ меъёрлари ва тамойилларини қарор топтиришдан иборат. Бундай қадриятларнинг айримлари илк бор жаҳон динларида умуминсоний қоидалар сифатида таърифланган.

ХУЛОСА

Инсоният ўзини ўзи ташкил этувчи жонли тизим сифатида ўз мавжудлиги учун кураш олиб бормоқда, яхшироқ келажакка эришишга ҳаракат қилмоқда. Бунда ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва улар юзага келтираётган турли муаммолар инсоният олдида тарқоқлик ва ихтилофларни енгиб, ўз бирлиги сари ҳаракат қилиш, айни вақтда маданиятлар, асрий анъаналарнинг ўзига хослигини, айрим миллатлар ва халқларнинг хусусиятларини сақлашдан бошқа чора қолдираётгани йўқ. Бундай бирлашувга эса, юқорида қайд этиб ўтилганидек, фақат умуминсоний қадриятларни эътироф этиш ва уларга риоя қилиш орқали эришиш мумкин.

ФАЛСАФАФИЙ АТАМАЛАР (ГЛОССАРИЙ)

Агностицизм – инсон объектив борлиқни тўлиқ билиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Антисциентизм – фаннинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини салбий баҳолайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Антропоген – инсон фаолияти билан боғлиқ.

Антропоцентризм – дунёни билишда инсонни устун қўювчи фалсафий ёндашув.

Априор – тажрибадан ташқарида. Инсон тафаккурида тажрибада кўрилгунга қадар, тажрибадан қатъи назар пайдо бўлган образ, ғоя, тушунча.

Атеизм – худонинг борлигини инкор этувчи фалсафий нуқтаи назар.

Атрибут – хосса.

Белги – бошқа бир предмет, хосса ёки муносабатни ифодалайдиган ва муайян хабарни узатиш, сақлаш ёки унга ишлов беришда ишлатиладиган моддий, ҳиссий идрок этиладиган предмет.
Гармония – бир бутун нарса қисмларининг ўзаро мувофиқлиги.
Герменевтика – фалсафада – тарих, маданиятни, ўзга индивидуалликни тушуниш санъати.
Гипотетик – эҳтимол тутилган, фараз қилинган, тахмин (гипотеза)га асосланган.
Глобаллашув – ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.
Глобалистика – глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.
Гносеология – билиш назарияси.
Дедукция – тадқиқот ёки тавсифлаш методи, усули бўлиб, бунда айрим қоидалар умумий хулосалар, аксиомалар, қоидалар, қонунлардан тадрижий йўл билан келтириб чиқарилади.
Дезинтеграция – бутуннинг айрим қисмларга парчаланиши.
Деизм – Худо дунёни яратгач, унда иштирок этмайди ва унинг воқеалари табиий кечишига аралашмайди, деб ҳисоблайдиган фалсафий нуқтаи назар.
Детерминизм – барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот.
Диалектика – ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот.
Дискрет – узлукли.
Дифференциация – бутуннинг турли-туман қисмлар, босқичлар, шаклларга бўлиниши, парчаланиши, ажралиши.

Идеал
мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.
Иерархия
бир нарсанинг функционал аҳамияти ёки хизмат мавқеига кўра иккинчи нарсага, учинчи нарсага ва ҳоказоларга бўйсуниши.
Изотроп
барча йўналишларда бир хил.
Интеграция
бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши.
Интровертив
ўзига, ўз ички дунёсига қараб мўлжал олувчи.
Имитация
тақлид қилиш, сохталаштириш.

Ахборот инқилоби
фан-техника инқилобининг ривожланиш босқичи бўлиб, бунда ахборот ўта муҳим ресурсга айланади.
Иррационализм
борлиқни оқилона мантиқий билиш имкониятини рад этувчи нуқтаи назар.
Каузаллик
сабабият, сабаб ва оқибатнинг қонуний алоқаси.
Коммуникация
(кенг маънода) – мулоқот. Экзистенциализмда – мулоқот тури бўлиб, унинг ёрдамида «Мен» ўзини бошқа одамда топади.
Конституциялаш
яратиш, белгилаш, муайян ташкилий тус бериш.
Консьюмеризм
истеъмол қилишга бўлган кучли эҳтиёж.
Коэволюция
биргаликда тадрижий ривожланиш
Креационизм
бутун борлиқни Худо яратган деб ҳисоблайдиган диний таълимот.

Материализм	дунёнинг моддийлигидан ва онгдан қатъи назар мавжудлигидан келиб чиқадиган фалсафий йўналиш
Метафизика	Гегелдан олдинги ва ҳозирги Ғарб фалсафасида борлиқнинг ўта ҳиссий тамойиллари ва асослари ҳақидаги фан. Фалсафанинг синоними сифатида ишлатиладиган атама.
Методология	метод ҳақидаги таълимот, билишнинг янги методларини яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш.
Мистика	сирли, ғайритабиий, тушунарсиз нарса ёки ҳодиса.
Моддийлаштириш	маъно структуралари, схемалар, лойиҳаларнинг инсон фаолиятида гавдаланиши.
Модус	предметнинг унга айрим ҳолатлардагина хос бўлган муваққат хоссаси
Монизм	плюрализмга зид ўлароқ, муайян бир асосдан келиб чиқадиган фалсафий ёндашув.

Негатив	салбий, бирор нарсага зид.
Ноумен	мушоҳада йўли билан англаш мумкин бўлган моҳият.
Ноосфера	ақл-идрок соҳаси ёки биосферанинг шундай бир ҳолатики, бунда одамларнинг оқилона фаолияти биосфера ривожланишининг муҳим омилига айланади.
Образ	амалий фаолият ва билиш жараёнида шаклланган ҳиссий ёки оқилона тасаввур.
Оккультизм	махсус руҳий машқлар, алоҳида маросимлар орқали айрим инсонларгина била оладиган коинотда сирли кучлар мавжудлигини эътироф этувчи таълимот.
Оппозиция	қарши ҳаракат, муайян нарсага очиқдан-очиқ ёки зимдан қаршилик кўрсатиш.


Пантеизм
Худони табиат билан тенглаштирувчи фалсафий таълимот.
Парадигма
мазкур даврда илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган муайян илмий-тадқиқот йўналишини белгиловчи принциплар мажмуи.
Пассионар
ички энергияга эгалик ёки ўта ғайратлилик.
Перманент
доимий, узлуксиз.
Перцепция
идрок этиш

Рационализм
ақлни билиш ва одамлар хулқ-атворининг негизи деб эътироф этадиган фалсафий йўналиш.
Редукционизм
мураккаб нарса ёки ҳодисани соддароқ нарса ёки ҳодисага боғлаш.
Релятивизм
бизнинг барча билимларимиз, қадриятларимиз ва хулосаларимизни нисбий, шартли деб ҳисоблайдиган фалсафий ёндашув.
Рефлексия
ўз фикрлари ва кечинмаларини таҳлил қилишга қаратилган мулоҳаза.

Сакрал	муқаддас
Сенсуализм	ҳиссий билишнинг ролини оқилона билишнинг аҳамиятидан устунроқ қўювчи фалсафий йўналиш.
Символ	бирон-бир ғояни ифодаловчи белги, образ.
Синкретизм	қисмларга ажралмаганлик, бирон-бир ҳодисанинг норасо ҳолати билан белгиланадиган ҳар хил жинсли элементларнинг аралашуви.
Скептицизм	инсон билимининг ишончлилигига шубҳа билдирувчи ва барча ҳақиқатларни нисбий деб эълон қилувчи фалсафий концепция.
Стереотип	кўпинча жамият томонидан фаол илгари суриладиган ва индивид танқидсиз қабул қиладиган борлиқнинг нисбатан барқарор ва соддалаштирилган образи
Субстанция	биринчи асос, барча нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти.
Сциентизм	маданият тизимида, жамият ҳаётида фан ролини мутлақлаштириш.

Табу – бирон-бир нарса, ҳаракат, сўзга нисбатан белгиланадиган диний тақиқ.

Теология – диний таълимотлар тизими.

Теоцентризм – дунёни тушуниш марказига Худони қўювчи фалсафий ёндашув.

Техноген – техника билан боғлиқ, унинг таъсири билан белгиланган.

Технократик – техникани биринчи ўринга қўювчи.

Технооптимизм – турли муаммоларни ечишда фан-техника тараққиётининг ролини ошириб кўрсатувчи фалсафий ёндашув.

Технопессимизм – фан-техника тараққиётини жамият ва табиат таназзулининг манбаи ва омили деб эълон қилувчи фалсафий ёндашув.

Технотрон жамият – компьютер инқилоби босқичига кирган жамият.

Трансцендентал – ўта умумий.

Универсум – ягона Олам, яхлит дунё.

Фауна – барча турдаги ҳайвонлар мажмуи.

Феномен – инсонга ҳиссий билиш тажрибасида берилган ҳодиса.

Феноменология – бевосита кузатиш мумкин бўлган идеал моҳиятлар сифатидаги феноменлар ҳақидаги фалсафий таълимот.

Флора – ўсимликлар дунёси.

Флуктуация – ўзгариш, белгиланган параметрлардан тасодифий оғиш.

Футурология – келажак ҳақидаги фан.

Эволюцион эпистемология – билишни жонли табиат эволюциясининг моменти ва унинг маҳсули сифатида ўрганувчи фан.
Эвристик – ижодий, номаълум нарсалар ва ҳодисаларни билишда сақрашни амалга оширувчи.
Эгалитаризм – умумий тенгликни тарғиб қилувчи ғоявий-сиёсий оқим.
Экзистенциализм – диққат марказида ҳаётнинг маъноси, инсон эркинлиги ва масъулияти муаммолари турувчи фалсафий йўналиш.
Экология – жонли мавжудотларнинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фан.
Экологик муаммо – жонли организмларнинг атроф-муҳит билан мувозанатининг бузилиши.
Экологик танглик – экологик муаммонинг кескинлашуви, бунда унинг оқибатлари орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этади.

Экспликация – у ёки бу предмет (ёки маданият объекти)нинг моҳиятини аниқлаш, унинг мазмунини кенг тавсифлаш.
Экстравертив – сиртга қаратилган.
Эмпиризм – ҳиссий идрок этиш ва тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.
Эмпирик – тажрибада кўрилган.
Этимология – у ёки бу сўз ёки иборанинг келиб чиқиши.
Эпистемология – билиш ҳақидаги фалсафий таълимот.
Этногенез – халқлар ёки миллатларнинг келиб чиқиши.
Ўз имкониятларини рўёбга чиқариш – ўзининг бетакрор моҳиятини фаолиятда намоён этувчи ва гавдалантирувчи ҳар бир индивид ахлоқий фаолиятининг мақсади.

Mundarija

Кириш 5
Фалсафа фанининг ўқув дастурлари 8
Фалсафа фани бўйича ишчи дастур 20

I БЎЛИМ. ФАЛСАФАНИНГ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШИ

Фалсафа: унинг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли 60
Фалсафий тафаккур эволюцияси. Қадимги давр, Ўрта асрлар, Уйғониш даври фалсафаси 104
Янги ва энг янги давр фалсафаси 135

II БЎЛИМ. ОНТОЛОГИЯ – БОРЛИҚ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

Онтология – борлиқ фалсафаси 185
Фалсафада субстанция ва материя муаммоси 214
Ҳаракат ва ривожланиш 237
Макон ва вақт 253
Табиат фалсафаси 267
Инсон борлиғи 289

III БЎЛИМ. РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАСИ

Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари 310
Фалсафа категориялари 337

IV БЎЛИМ. ГНОСЕОЛОГИЯ – БИЛИШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

Билишнинг мазмун ва моҳияти 369
Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари 396
Фалсафада ҳақиқат муаммоси 422
Назария ва амалиётнинг бирлиги 436
Метод ва методология: асосий тушунчалар 446
Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари 468
Тушуниш ва тушунтириш 493

V БЎЛИМ. ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФА

Жамиятнинг фалсафий таҳлили 505
Тарих фалсафаси 541
Фалсафий антропология (Инсон ҳақидаги таълимот) 566
Аксиология – Қадриятлар фалсафаси 592
Фаолият фалсафаси (Праксиология) 622
Ижтимоий прогнозлаштириш муаммолари 644
Глобаллашувнинг фалсафий муаммолари 656
Фалсафий атамалар (Глоссарий) 692
Машқлар тўплами 697
Кроссвордлар 745
Тест саволлари 739

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Кириш 834
Фалсафанинг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли 836
Фалсафий тафаккур эволюцияси. Қадимги давр, Ўрта асрлар,
Уйғониш даври фалсафаси 865
Янги ва энг янги давр фалсафаси 921
Онтология – борлиқ фалсафаси 986
Фалсафада субстанция ва материя муаммоси 994
Ҳаракат ва ривожланиш 1006
Макон ва вақт 1020
Табиат фалсафаси 1030
Инсон борлиғи 1039
Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари 1048
Фалсафа категориялари 1061
Билишнинг мазмун ва моҳияти 1077
Ҳиссий, эмпирик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари 1090
Фалсафада ҳақиқат муаммоси 1095
Назария ва амалиётнинг бирлиги 1103
Метод ва методология: асосий тушунчалар 1108
Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари 1126
Тушуниш ва тушунтириш 1131
Жамиятнинг фалсафий таҳлили 1138
Тарих фалсафаси 1144
Фалсафий антропология – инсон ҳақидаги таълимот 1153
Аксиология – Қадриятлар фалсафаси 1166
Фаолият фалсафаси (Праксиология) 1176
Ижтимоий прогнозлаштириш муаммолари 1182
Глобаллашувнинг фалсафий муаммолари 1188
Фалсафий атамалар (Глоссарий) 1207

УДК: 004-1
Ш 48
КБК 87.3(5Ў)

Нигина Шермухамедова

ФАЛСАФА

«NOSHIR» – Тошкент – 2020

Муҳаррир ***С.Сафаева***
Техник муҳаррир ***Д.Мамадалиева***
Мусаҳҳиҳ ***А. Бойхон***
Саҳифаловчи ***А.Тиллахўжаев***

Лицензия AI № 200 28.08.2011.
Босишга рухсат этилди 07.03.12. Бичими $70\times100^{1}/_{16}$.
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоқ 98,04.
Адади 1000 нусха. 11-сонли буюртма.

«NOSHIR» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси нашриёти,
Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78-уй.

«NOSHIR» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг
босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.